# ARES

ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES

SJIF 2021: 5.723

2021/04

VOLUME 2

ISSUE 4

We increase scientific potential together!

ARES.UZ

Exact Sciences
Natural Sciences
Technical Sciences
Pedagogical Sciences
Medical Sciences
Social and Humanitarian Sciences

# THE JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES

ISSN 2181-1385

VOLUME 2, ISSUE 4

APRIL 2021

www.ares.uz

ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES
SCIENTIFIC JOURNAL
VOLUME 2, ISSUE 4, APRIL, 2021

**EDITOR-IN-CHIEF**

**G. Mukhamedov**
*Professor, Doctor of Chemical Sciences, Chirchik State Pedagogical Institute*

**EDITORIAL BOARD**

**O. Ziyadullaev**
*Professor, Doctor of Chemical Sciences, Chirchik State Pedagogical Institute*

**S. Madayeva**
*Professor, Doctor of Philosophical Sciences, National University of Uzbekistan*

**R. Bekmirzayev**
*Professor, Doctor of Physical Sciences, Jizzakh State Pedagogical Institute*

**G. Nurshiyeva**
*Professor, Doctor of Philosophical Sciences, National University of Kazakhstan*

**G. Gaffarova**
*Professor, Doctor of Philosophical Sciences, Chirchik State Pedagogical Institute*

**Y. Safronova**
*Professor, Doctor of Pedagogical Sciences, Volgograd State Agricultural University, Russia*

**G. Ruzmatova**
*Professor, Doctor of Philosophical Sciences, National University of Uzbekistan*

**B. Eshchanov**
*Associate Professor, Doctor of Physical Sciences, Chirchik State Pedagogical Sciences*

**N. Shermuhamedova**
*Professor, Doctor of Philosophical Sciences, National University of Uzbekistan*

**B. Khusanov**
*Associate Professor, Candidate of Philosophical Sciences, Chirchik State Pedagogical Institute*

**K. Bobokhudjayev**
*Associate Professor, Candidate of Physical Sciences, Chirchik State Pedagogical Institute*

**K. Tulantayeva**
*Associate Professor, Candidate of Historical Sciences, National University of Kazakhstan*

**O. Naumenko**
*Associate Professor, Candidate of Philosophical Sciences, National University of Science and Technology MISIS*

**M. Rakhimshikova**
*Associate Professor, Candidate of Philosophical Sciences, South Kazakhstan State University*

**N. Makhmudova**
*Senior Teacher, PhD in Philological Sciences, Uzbekistan State World Languages University*

**M. Sultonov**
*Associate Professor, Doctor of Chemical Sciences, Jizzakh State Pedagogical Institute*

**N. Zolotyx**
*Associate Professor, Candidate of Pedagogical Sciences, Volgograd State Agricultural University, Russia*

**J. Kholmuminov**
*Associate Professor, Doctor of Philosophical Sciences, Tashkent State University of Oriental Studies*

**A. Kholmakhmatov**
*PhD in Political Sciences, Ministry of Higher and Secondary Specialized Education*

**D. Bozorov**
*Associate Professor, Candidate of Philosophical Sciences, Academy of the Armed Forces of the Republic of Uzbekistan*

**D. Karshiyev**
*Associate Professor, Candidate of Physical Sciences, Tashkent Paediatric Medical Institute*

**T. Shevchenko**
*Associate Professor, Candidate of Pedagogical Sciences, Volgograd State Agricultural University, Russia*

**C. Nasritdinov**
*Associate Professor, Chirchik Higher School of Tank Command-Engineering*

**S. Eshonkulova**
*Associate Professor, Doctor of Philological Sciences, Jizzakh State Pedagogical Institute*

**N. Soatova**
*Associate Professor, Doctor of Philological Sciences, Jizzakh State Pedagogical Institute*

**Z. Yakhshiyeva**
*Associate Professor, Doctor of Chemical Sciences, Jizzakh State Pedagogical Institute*

**J. Ramatov**
*Professor, Doctor of Philosophical Sciences, Tashkent State Transport University*

**U. Khodjamkulov**
*Associate Professor, Doctor of Pedagogical Sciences, Chirchik State Pedagogical Institute*

**S. Botirova**
*Associate Professor, PhD in Philological Sciences, Chirchik State Pedagogical Institute*

**B. Yuldashev**
*Associate Professor, Tashkent Paediatric Medical Institute*

**Y. Islamov**
*Associate Professor, Candidate of Biological Sciences, Tashkent Paediatric Medical Institute*

**S. Allayarova**
*Associate Professor, Candidate of Philosophical Sciences, National University of Uzbekistan*

**A. Saparov**
*Associate Professor, PhD, Tashkent State Agrarian University*

**M. Djumabekov**
*Associate Professor, Candidate of Philosophical Sciences, South Kazakhstan State University*

**K. Toshov**
*Senior Teacher, PhD, National University of Uzbekistan*

**A. Karimjonov**
*Associate Professor, Candidate of Pedagogical Sciences, Chirchik State Pedagogical Institute*

**T. Khojiyev**
*Associate Professor, PhD, National University of Uzbekistan*

**T. Kuyliyev**
*Associate Professor, Candidate of Philosophical Sciences, Tashkent State Agrarian University*

**A. Shofkorov**
*Associate Professor, Candidate of Philological Sciences, Chirchik State Pedagogical Institute*

**N. Kholikova**
*Associate Professor, Candidate of Philological Sciences, Chirchik State Pedagogical Institute*

**O. Hayitov**
*Associate Professor, Doctor of Psychological Sciences, Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan*

**I. Ergashev**
*Professor, Doctor of Political Sciences, National University of Uzbekistan*

**J. Davletov**
*Senior Teacher, PhD in Philosophical Sciences, Urgench State University*

**Editorial Secretary: T. Madalimov**

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00552

# РИЗОУДДИН ИБН ФАХРИДДИННИНГ ИЖТИМОИЙ-МАЪРИФИЙ ФАОЛИЯТИ

**Гулнозахон Муҳаммад қизи Алижонова**
Ўзбекистон Халқаро Ислом Академияси таянч докторанти
gulnozaalijonova002@gmail.com

## АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ризоуддин ибн Фахриддиннинг илмий-ижодий меъроси, олим фаолиятининг ҳориж ва ўзбек тадқиқотчилари томонидан ўрганилиши, у бош муҳаррирлик қилган “Шўро” журналида олимнинг ижтимоий-маърифий қарашларининг XIX аср оҳири XX аср бошларидаги Россия, жумладан Туркистон минтақасида тутган ўрни ҳақидаги масалалар очиб берилган.

**Калит сўзлар:** Ризоуддин ибн Фахриддин, “Шўро” журнали, Жамолиддин Валидий (1887-1938), Олимжон Иброҳимов ва Абдураҳмон Саъдий.

# RIZOUDDIN IBN FAXRIDDIN'S SOCIAL AND EDUCATIONAL ACTIVITY

**Gulnozakhon Muhammad kizi Alijonova**
Doctoral student of International Islamic Academy of Uzbekistan
gulnozaalijonova002@gmail.com

## ABSTRACT

This article discusses the scientific and creative heritage of Rizouddin ibn Fakhriddin, the study of his work by foreign and Uzbek researchers, the role of socio-enlightenment views of the scientist in the late nineteenth and early twentieth centuries in Russia, including Turkestan.

**Keywords:** Rizouddin ibn Fakhriddin, “Shura” magazine, Jamoliddin Validi (1887-1938), Olimjon Ibrahimov and Abdurahmon Saadi.

## КИРИШ

Ризоуддин ибн Фахриддин (1859-1936) татар халқининг атоқли сиймоларидан бўлмиш Шаҳобиддин Маржоний, Қаюм Носирий, Аёз Исҳоқий, Фотиҳ Каримий, Аҳмад Исҳоқий, Мусо Жоруллоҳ Бегиев, Суннатуллоҳ Бекпўлат ўғли, Фотиҳ Амирхон каби зиёлилар қаторида, XIX аср охири XX аср бошида, халқнинг кўзини очиш, онг-у тафаккурини турли ҳил бидъат ва ҳурофотлардан тозалаган ҳолда одамларнинг тафаккур даражасини юксалтириш борасида чинакам фидойилик наъмунасини кўрсатдилар.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00552

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ризоуддин ибн Фахриддин шахсияти ва илмий-ижодий фаолияти кенг миқёсли бўлиб, у бир вақтнинг ўзида тарихчи, манбашунос олим, исломий илмлар билимдони, педагог, таржимон, файласуф ва муҳаддис олим эди. Шу боисдан ҳам унинг илмий-ижодий фаолияти билан жуда кўплаб тадқиқотчилар жиддий қизиқиб келган. Жумладан Зуфер Касими, Абдулкайюм Беҳмани, Фатиҳ Карими, Аяз Ишаки, Али Раҳим Азиз Убайдуллин, Зариф Башири, Жамолиддин Валади, Закир ал-Қодири, Меҳмет Гўрмез, А. Баттал Таймас, Муҳаммад Гайнуллин, Вели Аҳмет Ҳаким, М.Ф. Раҳимкулова, Надир Давлет, Фарид Шукуров, Исмоил Рамиев, Раиф Мардонов, Аброр Каримуллин, Акдес Нимет Курат, Ринат Кҳазиев, Бунямин Эрул ва бошқа бир қатор олимлар Ризоуддин ибн Фахриддиннинг илмий-ижодий фаолияти хусусан ҳадисшунослик сохасида амалга оширган ишлари ҳақида тадқиқотлар олиб борган.

Ризоуддин ибн Фахриддин ижтимоий-маърифий қарашларини ўзи муҳаррирлик қилган “Шўро” журнали орқали бериб борган. Журналнинг илк сони 1908 йилнинг 10 январ куни чоп этилган. Ризоуддин ибн Фахриддин ушбу журналнинг ташкил этилишидаги маслак ва мақсадга тўхталиб қуйидагиларни ёзади: “Ҳақ таолонинг ёдами ила ушбу “Шўро” мажмуасини ёзишга ва тартиб этишга киришдик. “Шўро”нинг маслаги эса кучи етганича Россия мусулмонларининг саодатлари учун хизмат қилишдан иборат бўлиб, мақсади эса ўқувчиларни рози этиш учун сабот ва ғайрат кўрсатишдан иборатдир. “Шўро” миллатни илмли, маърифатли этмоқ ҳақида машварат мажлиси бўлажакдир. Истаган кимса ушбу мажлисда сўйлайди, истаган кимса тинглайди. Шахсият ва арзлардан ҳоли бўлиш ва миллат, халқ манфаатларини ифодалаб ёзилган мақолалар учун журналнинг саҳифалари барчага очиқдир. қоидаларга риоя қилинган ҳолда ёзилган танқидларни “Шўро қабул этади” [1].

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

“Шўро” журнали ўқувчиларга илк сонида берилган ғояга содиқ қолди ва кейинги фаолиятида маслак ва мақсаддан бир қадам ҳам четга чиқмади. Замоннинг кучли адабий танқидчиси Жамолиддин Валидий (1887-1938) [2], Олимжон Иброҳимов ва Абдураҳмон Саъдий журнал ҳақида ўзининг илиқ фикрларини айтиб ўтишган. Журналнинг беш ёшга тўлиши муносабати билан “Вақт” газетасида мақола эълон қилган. Жумладан, Жамолиддин Валидий

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00552

“Шўро” журналининг татар халқи билан бир вақтда бутун туркий халқларга илм бобида катта маълумотларни тақдим этиб улкан фойда келтирганини таъкидлаган эди [3]. 1917 йилгача чиққан барча газета-журналларда “Шўро” журнали ҳақида юксак фикрлар билдирилган, хатто Петербург фанлар академиясининг махсус журнали бўлган “Мир ислама” (Ислом дунёси) журнали ҳам “Шўро” журналидан иқтибослар келтириб босар эди. Истанбулда чоп этилган “Турк юрти” журнали ҳам “Шўро” журналини Россияда чиқадиган мусулмонларнинг энг яхши журнали сифатида эътироф этиб, Ризоуддин ибн Фахриддинни эса даврнинг энг катта дин олими сифатида эътироф этади [4].

“Шўро” журнали ҳар ойнинг биринчи ва ўн бешинчи куни чоп этиларди. Фақатгина 1917 йилда чоп этилган 23 ва 24 сонлар биргаликда чоп этилган. Журнал Ризоуддин ибн Фахриддин томонидан нашрга тайёрланган бўлсада дизайн ва ташқи кўриниши билан Зокир Рамиев шуғулланган. Ўша давр учун шакл, маъзмун ва дизайн жиҳатида “Шўро” журнали энг чиройли журнал сифатида мусулмонлар томонидан эътироф этилганди. Журнал 1913 йилдан эътиборан татарлар томонидан “Усмонли ҳарфлари” дея номланган алифбо асосида чоп этила бошланади [5].

Тадқиқотчи Ш. Соатова журналдаги материаллар 16 рукн доирасида эканлигини таъкидлаган бўлсада [6], биз томонимиздан охирги олиб борилган тадқиқотлар натижасида унда 10 та рукн борлиги ойдинлашди.
Жумладан рукнларнинг номлари қуйидагича:

1 рукн. Машҳур одамлар ва улуғ ҳодисалар деб номланган. Ушбу рукнда эски ва янги буюк одамларнинг таржимайи ҳоллари, мамлакатларнинг тарихи ва географияси хусусида баҳслар олиб борилган. Журналнинг 31 сонида бу бўлим ўрин олмаган қолган 209 сонида жами 163 та шахснинг таржимайи ҳоли ёритиб берилган. Шунингдек бу бўлимда жами 4 та давлат ҳақида мақолалар чоп этилган.

2 рукн. Мақолалар деб номланган. Бу рукнда адабий, тарихий, ижтимоий мақолалар чоп этилган. Журналнинг илк сонидан бошлаб бу бўлимда турли ҳил миллатларнинг адабиёт вакилларига ўрин берилган. Жумладан рус адабиёти вакилларидан Пушкин, Ломоносов, Гогол, Толстой, Чехов, Горки каби машхурлар билан бир қаторда журналнинг 1909-1910 йиллардаги сонларида Чуваш туркларининг халқ оғзаки ижоди ҳақида маълумотлар ҳам берилган.

3 рукн. Тарбия ва таълим деб аталиб, бу рукнда ҳифзи сиҳат, тадбири манзил, таълим, мактаб ва мадраса, шогирдлар ва муаллимларга доир мақолалар келтирилган.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00552

4 рукн. Кашфиёт ва ихтиро деб ноланиб бу рукнда номидан ҳам кўриниб туринганидек тарих ва ҳозирги замонда юз берган кашфиётлар борасида сўз юритилган.

5 рукн. Маълумотлар деб аталиб, бу рукнда мамлакат ва хорижга оид хабарлар бериб борилган.

6 рукн. Тақриз ва танқид деб номланиб ушбу ўринда янги чиққан асарлар (китоб, рисола, газета ва журналлар) ҳақида маълумотлар берилиб тақризлар эълон қилинган.

7 рукн. Ижтимоий-сиёсий бу ўринда Россия ичида бўлган ижтимоий-сиёсий воқеалар ҳақида маълумотлар бериб борилган.

8 рукн. Савол-жавоблар номланиб номидан ҳам яққол кўриниб турилганидек бу қисмда ўзаро савол-жавоб асосидаги тушунтириш ва маълумотлар чоп этиб борилган.

9 рукн. Ҳикоя, шеърлар, латифа ва мақолалар.

10 рукнда эса турли ҳил эълонларга ўрин берилган эди.

Журналда жами 880 та муаллифнинг мақоласи босилган.

“Шўро” журнали биргина Идил-Урал минтақасида яшаган татар ва бошқирдларга эмас, бутун турк дунёсига қараб ҳитоб қиларди. Бунинг биринчи аломати мақола муаллифларининг фикр юритиш тарзининг чуқурлиги бўлса, иккинчиси журнал географик ҳудудининг анча кенглиги эди. Чунки журнал татар ва бошқирдлардан ташқари озарлар, қозоқлар ва ўзбеклар орасида ҳам катта қизиқиш билан ўқилар эди. Чунки унинг тили на татарча ва на туркча эди. Яни журналнинг тили бутун турк дунёси тушунадиган бир тил эди [7]. Зеро журналнинг турли ҳил сонларида турк, озар, қозоқ, уйғур ва ўзбек муаллифлари томонидан ёзилган 150 дан ортиқ мақола чоп этилган эди. Қозоқ ва ўзбек олимлари “Шўро” журналининг туркий халқларнинг адабий ва маданий жиҳатдан тараққий этишдаги ўрни юксак баҳолашган эди [8].

Шунингдек, журналда Туркистон минтақа халқлари ҳаётига оид кўплаб мақолалар чоп этилган. Шунингдек Ризоуддин ибн Фахриддиннинг ўзи Туркистон заминидан етишиб чиққан алломалар ҳақида ҳам “Шўро” журналида мақолалар эълон қилиб борган. Тадқиқотчи Ш. Соатованинг аниқлашича “Шўро” журналининг 10 йил давомида чиққан 240 сонида Туркистон ҳаётига оид 323 материал босилган. Шундан мақолалар (138 та), хатлар (90 та), бадиий асарлар (71та), хабарлар (21та), фотосуратлар (3 та), мақолалар тарих (38 та), таълим-тарбия (25 та), ижтимоиёт (23 та), дин (4 та), сиёсат (6 та), матбуот (13 та), адабиётшунослик (12 та) кабиларни қамраб олган” [9].

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00552

Масалан олим Алишер Навоий ҳақида қуйидагиларни ёзади: “Алишер туркий бўлгани ҳолда форсча шеърлар ҳам ёза оларди. Туркий адабиётга шу зот асос солди десак ўйлаймизки муболаға қилмаган бўламиз. Бу кишидан олдин туркий тилда асарлар яратган адиб бўлмагани маълумдир. Алишер ёлғиз шоир эмас эди. У шоир бўлиш билан бир пайтда ҳоким ва файласуф ҳам эди. Форсча сўзлай ва ёза олиш иқтидори бўлсада она тили бўлмиш туркий тилга нисбатан муҳаббати чексиз эди” [10].

## ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Хулоса қилиб айтганда, энциклопедик билим эгаси, руҳий-ижтимоий ҳаётнинг турли тармоқлари ҳақида қалам тебратган Ризоуддин ибн Фахриддин XIX аср охири XX аср бошларидаги нафақат татар балки бутун мусулмон турк халқларининг адабиёти, ижтимоий фикр тараққиётига улкан ҳисса қўшди. Унинг номи фақатгина Қозон, Оренбург, Туркистон шаҳар ва минтақаларида таниқли бўлмай балки узоқ хорижий мамлакатларга ҳам ёйилган эди. Шу боисдан ҳам Ризоуддин ибн Фахриддиннинг ижтимоий-маърифий фаолиятини чуқур ўрганиш ва бу борадаги тадқиқотларни жадаллаштириш биз XX аср бошларидаги Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий манзарасига бошқа ракурсдан қараб баҳо беришга эриштиради.

## REFERENCES

1. Ризоуддин ибн Фахриддин. Маслак ва мақсад. Шўро журнали. Орембург.: 1908 йил 1-сон. – Б. 1.
2. Жамолиддин Валадий, ўз даврининг энг катта татар адабий танқидчиларидан бири.
3. Жамолиддин Валидий. Яна газета ва журналлар. Вақт газетаси. 1913 йил 6 феврал сони.
4. “Sho’ro”. Turk yurdu. Sayi 1. 1913.
5. Исмоил Рамиев. Вакитли татар матбуати. Казан.: 1926. – Б. 44.
6. Қосимов Б. Миллий уйғониш. Т.: “Маънавият”. - Б. 55.
7. Akdes Nimet Kurat. Rusya turklerinin medeni uyanish devri. Ankara.: 1969. – S. 168.
8. Рауф Мардонов. “Шўро” журнали. Асрлар овози. 1999. 1-2-сонлар. - Б. 239.
9. Б. Қосимов. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидоийлик. Т.: “Маънавият”. Б. 56.
10. “Шўро” журнали. Оренбург.: 1909 йил. 17 сон. - Б. 514.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00553

# БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ ТАЪЛИМОТИДА ТАРБИЯЧИ ВА ТАРБИЯЛАНУВЧИ МУНОСАБАТЛАРИ МУАММОСИ

**Ҳуснора Эшқуватовна Маматова**
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти магистранти

## АННОТАЦИЯ

Мақолада тарбиячи ва тарбияланувчи муносабатлари муаммосига доир Шарқ мутафаккирларининг таълимотлари, тарбиячига қўйилган талаблар ёритилган. Тарбиячи ва тарбияланувчилар муносабатини самарали ташкил этишга оид психологик-педагогик тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** интеллектуал, эстетик, ахлоқий, маҳорат, педагогик этика, репродуктивлик, имитация, новаторлик, тренинг, фантазия, импровизация.

# THE PROBLEM OF RELATION BETWEEN TEACHERS AND LEARNERS ACCORDING TO STUDYING OF GREAT ANCESTORS

**Husnora Eshkuvatovna Mamatova**
Master student in Pedagogy and Psychology, CSPI

## ABSTRACT

The article describes the teachings of Eastern thinkers on the problem of the relationship between the educator and the student, the requirements for the educator. Psychological and pedagogical recommendations are given for the effective organization of the relationship between educators and students.

**Keywords:** intellectual, aesthetic, ethics, skill, pedagogical ethics, reproduction, imitation, innovation, learning, fantasy, improvisation.

## КИРИШ

Жамиятда шахснинг шаклланиши ва ижтимоий муносабатга кириши ёшликдан яъни мактабгача болалик давриданоқ бошланади. Бу даврда боланинг қизиқиш ва қобилиятлари шаклланиб боради. Болаларнинг келажакда баркамол шахс бўлиб етишишлари борасидаги вазифаларга психологик нуқтаи назардан ёндашиш лозим. Шунингдек, болалар таълим-тарбиясида тарбиячи ва тарбияланувчи муносабатларининг самарали йўлга қўйиш долзарб муаммо саналади.

Ўзбекистон Республикасининг “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги қонунининг 39-моддасида мактабгача таълим ташкилотлари

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00553

педагог ходимларининг мажбуриятлари белгиланган бўлиб, болаларга профессионал даражада таълим ва тарбия бериш, педагогик этикага риоя этиш, боланинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, болаларни зўравонлик кўринишларидан ҳимоя қилиш уларни ватанпарварлик, меҳнатга, қонуний вакилларига ҳурмат билан ва атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш каби вазифалар берилган [1].

Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида мактабгача ёшдаги болаларни интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний жиҳатдан ҳар томонлама ривожлантириш кўрсатилган[3]. Мазкур вазифаларни амалга оширишда тарбиячидан юқори педагогик маҳорат, билим ва тажриба талаб этилади. Мактабгача ёшдаги болаларга таълим-тарбия беришда буюк аждодларимизнинг таълимотларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Тарбиячи шахсининг ёш авлодни камолотга етказиш, унинг зарурий касбий тайёргарликка эга бўлиши ҳақидаги қарашларни Шарқ мутафаккирлари томонидан илгари сурилган илмий-педагогик ғоялар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Шарқда буюк алломалар Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Аҳмад ал-Фарғоний бошқалар томонидан ҳар томонлама ривожланган, руҳий ва жисмоний жиҳатдан соғлом, илмий билимларни ўзлаштира олган шахсни тарбиялаш ғояси илгари сурилган ва асослаб берилган.

Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий таълим-тарбия жараёнида савол-жавоб, кўргазмали-тажриба методлари, билим беришнинг турли воситаларини, малака ва кўникмаларни шакллантириш методларидан фойдаланган. Мактабгача таълим жараёнида тарбиячи болалар билан савол-жавоб, ўқув материалларини ўзлаштиршда кўргазмали методларни қўллаши шу билан биргаликда улар билан муносабатда адолатли ёндашувни ҳам амалга ошириши лозим. [7;79-80-б].

Абу Наср Форобий таълим-тарбияда рағбатлантириш, одатлантириш, мажбур этиш методларини илгари сурган. У таълимда барча фанларнинг назарий асослари ўрганилса, тарбияда маънавий-ахлоқий қоидалар, одоб меъёрлари ўрганилади, бу муҳим вазифалар тажрибали тарбиячилар томонидан турли методлар ёрдамида амалга оширилишини таъкидлайди [7;83-б].

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00553

Абу Райҳон Беруний маърифат даражаси ва билимдонлик даражаси, кишиларни мулоҳоза юритиш ҳолати тўғрисида билдирган фикрида ҳар бир нарсани аниқ, синчиклаб ўрганиш, билишни, шундан сўнггина бир хулосага келишни тавсия қилади, тажрибага асосланишни алоҳида уқтиради [4;24-б].

Абу Али ибн Сино тарбиячи болалар билан муомалада босиқ, жиддий бўлиш, таълимда турли шакл ва методлардан фойдаланиш, болаларнинг алоҳида шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш методларидан фойдаланиш лозимлигини илгари суради. Айниқса мактабгача таълим ёшдаги болалар билан муносабатда уларнинг индивидуал хусусиятларини эътиборга олиш зарур.

Ш.Шодмонова томонидан тарбиячига қўйилган талаблар ишлаб чиқилган. Унинг фикрича “бола шахсини шакллантиришда тарбиячи алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса, ҳар бир боланинг шахс сифатида шаклланишида жавобгар эканлигини тақозо этади. Шунга кўра тарбиячи болаларга кундалик ҳаётда, ўйинларда, машғулотларда, биргаликдаги меҳнат фаолиятида, улар билан бўладиган муомалада, мулоқотда ибрат, намуна бўлиши болани ҳар томонлама диққат билан ўрганиши, унинг шахсий хусусиятларини, қобилиятларини билиши, педогогик назокатини намоён қилиши, болаларнинг хулқ-атвори иш натижаларини ҳаққоний баҳолаши ва уларга ўз вақтида ёрдам кўрсата олиши ҳамда оилавий аҳволи билан қизиқиши зарур ҳисобланади [6;31-32- б].

Тарбиячи мактабгача таълим ташкилотига янги келган болалар билан илиқ муносабатда бўлиши лозим. Унга кўпроқ эътибор бериш, яхши муомалада бўлиш керак, шунда бола мактабгача таълим ташкилоти муҳитига тезроқ кўникади. Агар тарбиячи янги келган болаларга машғулотлар давомида яхши мулоқотда бўлса, қолган болалар ундан ўрганадилар. Тарбиячи болалар билан дўст сифатида муносабатда бўлса, бундай гуруҳ уюшган бўлади, бир-бирлари билан илиқ муносабатда бўлишни ўрганадилар.

Юқорида келтирилган таълимотлардан келиб чиқиб, мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси тарбияланувчилар билан тўлақонли муносабат ўрнатишда уларнинг психологик ёш хусусиятларини пухта билиши ва индивидуал ёндашувини амалга ошириш лозим деган хулосага келиш мумкин.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ҳар бир бола ўз хулқ-атворига, характерига эга. Болаларни тарбиялашда уларнинг ана шу ўзига хусусиятларини ҳисобга олиш ва ўрганиш ниҳоятда мураккабдир. Тарбиячи педагогик - психологик мулоқот жараёнининг фаол

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00553

иштирокчиси сифатида ўзида бир қатор сифатларнинг таркиб топишига эришиши зарур. Чунончи, у энг аввало, мулоҳазали, босиқ, вазиятни тўғри баҳолай оладиган, мавжуд зиддиятларни баратараф этишнинг уддасидан чиқа олиши зарур. Тарбияланувчи, ота-оналар ҳамда ҳамкасблари билан мулоқот жараёнида фикрини аниқ ва тўла баён этилишига аҳамият қаратиши мақсадга мувофиқ. Улар билан муносабат жараёнида сўзни салбий ҳолатлар ҳақидаги далилларни келтиришдан эмас, аксинча, тарбияланувчи (ёки ҳамкасби, ота-оналар)нинг муваффақиятларини эътироф этиши, уларнинг янада бойишига ишонч билдириши у билан тиллаша олишига имкон беради. Мулоқот жараёнида тарбиячининг сўзларидан суҳбатдошига нисбатан хайрихоҳлик, самимийлик, дўстона муносабат сезилиб туриши, шунингдек, имкон қадар кўтаринки кайфиятда бўлиши зарур [5; 34- б].

Мактабгача таълим ташкилотида дастлабки педагогик фаолиятини бошлаган тарбиячилар ўзини касбий жиҳатдан такомиллаштириш йўлида бир қатор шартларга амал қилиши талаб этилади. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Мустақил ўқиб-ўрганиш мактабгача таълим соҳасидаги янгиликлар ҳақида маълумотларни, янги чоп этилган адабиётлар, интернет материаллари, замонавий технологиялар билан танишиб бориш, уларда илгари сурилаётган ғояларни умумлаштириш, хулосалаш асосида мустақил лойиҳалар тайёрлаш.
2. Илғор тажрибали тарбиячилар фаолиятини ўрганиш улар томонидан ташкил этилаётган машғулотларни кузатиш, таҳлил қилиш асосида ўз маҳоратини оширади. Бу борада олинган таассуротларни умумлаштириш асосида хулоса чиқариш мақсадга мувофиқдир.
3. Малака ошириш курсларида таълим олиш ва касбий малакаларини узлуксиз ошириб бориш.
4. Илмий анжуманлар ва амалий конференция ҳамда семинар, тренингларда фаол иштирок этиш.
5. Ривожланган хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш.

## ХУЛОСА

Тарбиячи педагогик ва психологик жиҳатдан ўз ихтисослиги йўналишлари бўйича махсус маълумот, касбий тайёргарлик, юксак ахлоқий фазилатларга эга ҳамда таълим муассасаларида фаолият кўрсатувчи шахс саналади. Тарбиячининг педагогик маҳорати бу унинг танлаган касбий фаолият

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00553

доирасида эркин ва мустақил ҳаракатланишини таъминлайди. Худди шу омиллар таъсирида педагогик маҳорат қуйидаги босқичларда шаклланади:

биринчи босқич- репродуктивлик, имитация босқичи;

иккинчи босқич-ижодийлик;

учинчи босқич- ижодий новаторлик.

Айнан шу босқичлар асосида тарбиячининг шахсий ва касбий фазилатлари такомиллашади. Тарбиячи тарбияланувчиларни севиш, жамоат ишларида фаол бўлиш, камтарлик, инсонпарварлик, адолатлилик, мулоқотчанликка ҳаракат қилади. Педагогик фантазия ва импровизациянинг намоён қилади. Ижодий фаолият олиб борувчи тарбиячи фақатгина тарбияланувчиларни муваффақиятли ўқитиш ва тарбиялаш, илғор иш тажрибаларини ўрганиш билангина чекланиб колмасдан, тадқиқотчилик кўникма ва малакаларига ҳам эга бўлиши зарур. Ҳозирги замон тарбиячиси фан ва техника тараққиётининг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланиши, ўз касбий фаолиятида замонавий усулларни унумли қўллай олиши тақозо этилади.

## REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида. Т.: 2019 йил 16 декабрь, ЎРҚ-595-сон. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.12.2019 й., 03/19/595/4160-сон).

2. Мирзиёев Ш.М. 2017- 2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида қарор. 29.12.2016 й., ПҚ-2707, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 11-модда, 35-сон, 923-модда.

3. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси. 8.05.2019 й., ПҚ-4312. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.05.2019 й., 07/19/4312/3106-сон.

4. Зунунов А., Тўхлиев А., Маъсудов Х. Педагогика тарихи.Т.:2002-187 б

5. Maxsudova M. Muloqot psixologiyasi. 0 ‘quv qo'llanma. T.: «Turon-Iqbol» nashriyoti, 2006.-119 b.

6.Шодмонова Ш. Мактабгача таълим педагогикаси. Т., «Fan va texnologiya», 2008- 160 бет.

7 . Хошимов К, Нишонова С. Педагогика тарихи. Т.:2005-304 б.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00553

8. Маматова Х. Мактабгача таълим жараёнида педагогик мулоқотни самарали ташкил этиш йўллари. Республиканская научно-практическая онлайн-конференция "применение современных методов в развитии науки"
2020. -186 с.
9. Маматова Х. Мактабгача ёшдаги болалар ва тарбиячи муносабатининг психологик хусусиятлари. Международный научно-образовательный электронный журнал «ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI ВЕКЕ». Выпуск №11 (том 1) (февраль, 2021).

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00554

# INITIATIVES OF UZBEKISTAN TO PARTICIPATE IN COOPERATION BETWEEN CENTRAL ASIAN STATES

**Javlon Saidrahmonovich Iymanov**
Teacher of the department of Humanities, Andijan Institute of Agriculture and Agrotechnology, Andijan, Uzbekistan
Email: iymanov81@umail.uz

**Tursunboy Sobirovich Turgunov**
PhD, Dean of the Faculty of "Economics and Building", Andijan Economical and Building institute, Andijan, Uzbekistan

## ABSTRACT

This article discusses the prudent policy pursued by the Republic of Uzbekistan for the comprehensive development of the Central Asian states, in particular, the initiatives, goals and objectives put forward at the international conference on November 10-11, 2017 in Samarkand under the auspices of the UN on security and sustainable development in Central Asia "Central Asia: common history and common future, cooperation for sustainable development and progress" are based on concrete data, examples and evidence.

**Keywords:** Central Asia, good neighborliness, strategic cooperation, security, stability, development, business diplomacy, transport diplomacy, preventive diplomacy, border diplomacy, water diplomacy, economic cooperation.

## INTRODUCTION

It is known that cooperation between the states of Central Asia as a new stage of development is the result of the policy pursued by President Sh.Mirziyoyev. In particular, the international conference on security and sustainable development in Central Asia under the auspices of the UN "Central Asia: common history and common future, cooperation for sustainable development and prosperity" was held in Samarkand on November 10-11, 2017.

Uzbekistan prepared for the conference in high spirits, and in practice it was worth noting the prestige of the guests who came to the conference. In particular, the conference was attended by foreign ministers of Central Asian countries, heads of influential international organizations such as the UN, the European Union, the

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00554

OSCE, the SCO, the CIS, the EBRD, representatives of the diplomatic corps, prominent experts, media and more than 500 participants.

## RESEARCH METHODOLOGY

The scientific article used methods of analysis and synthesis, systematic approach, philosophical-logical thinking, philosophical analysis, grouping, expert evaluation and comparison.

## RESULTS AND DISCUSSION

Decree No. PF 4947 “On the Action Strategy for the five priority areas of development of the Republic of Uzbekistan for 2017-2021” entitled “Deep, well-thought-out and practical foreign policy priorities” 5.2. The issue of creating an environment of security, stability and good neighborliness around Uzbekistan is emphasized.[1] In this regard, the President noted that the Central Asian states should more effectively realize their potential on the most pressing and important issues on the basis of good neighborliness and mutually beneficial cooperation, which will benefit all countries, including Central Asian states.

The President put forward six proposals that will serve to turn Central Asia into a stable, economically developed and highly developed region in the near future.

**The first proposal: “Business diplomacy”**

The President of Uzbekistan stressed the need to create favorable conditions for the development of trade and economic relations and increase trade turnover and strengthen cooperation, and the establishment of a regional economic forum could be a practical step in this direction.

As a result, over the past three years, Uzbekistan's trade turnover with Central Asian countries has been growing from year to year. In particular, it is 144% in 2018, 137.8% in 2019 and 83.3% in August 2020. Today, Uzbekistan has a trade turnover with Central Asian countries worth $ 2.9 billion, of which Kazakhstan accounts for 60%, Kyrgyzstan for 19%, Tajikistan for 11% and Turkmenistan for 10%. Central Asia accounts for 11.9% of Uzbekistan's world trade. [2]

At the initiative of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev for the first time in Tashkent on March 15, 2019 at the first Central Asian Economic Forum, representatives of the governments of Uzbekistan, Kazakhstan, Tajikistan, Kyrgyzstan and Turkmenistan discussed issues of further development of economic cooperation, trade and tourism. [3]

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00554

**Second proposal: "Transport diplomacy"**

According to him, it is necessary to make more efficient use of the transit and logistics potential of the region and ensure the rapid development of transport infrastructure.

On September 20-21, 2018, Tashkent hosted an international conference on "Central Asia in the system of international transport corridors: strategic prospects and untapped opportunities". Bandar Hajar, President of the Islamic Development Bank, Ventsay Zhang, Vice President of the Asian Development Bank, Han Zhu Ham, Executive Secretary of the United Nations Economic and Social Commission for Asia and the Pacific, Chairman of the CIS Railway Transport Council - Director General of Russia Railways. Oleg Belozyorov, Chairman of the CIS Intergovernmental Road Council Jamshidbek Kalilov, Chairman of the International Road Transport Union Radu Dinescu, Robert Schwartzman, Director General of the International Air Transport Association, also visited the United States, Great Britain, Germany, Italy, Spain, France, South Korea, Japan, Turkey, Russia, Belarus, China, India, Iran, Pakistan, Kazakhstan, Kyrgyzstan, Tajikistan, Turkmenistan. A total of 300 participants from 37 countries, including representatives of 25 international organizations, financial institutions and leading transport companies participated in this conference. [4]

**The third proposal: "Preventive diplomacy"**

Today, all countries in the Central Asian region face threats of terrorism, religious extremism, transnational crime and drug trafficking. The President of Uzbekistan noted that an effective fight against these threats can be ensured only jointly, within the framework of practical cooperation mechanisms between the countries of the region.

A cooperation program for 2018-2019 has been signed between the Central Asian countries.

The UN Regional Center for Preventive Diplomacy for Central Asia traditionally holds meetings with representatives of Uzbekistan, Kazakhstan, Kyrgyzstan, Tajikistan, Turkmenistan and Afghanistan. The meetings will focus on the fight against violent extremism, terrorism, organized crime and drug trafficking, as well as economic and environmental issues.

The prospects for sustainable and consistent development in Central Asia are closely linked to peace in neighboring Afghanistan. To this end, the President of Uzbekistan Sh. Mirziyoyev stressed the need to fully support Afghanistan's integration into regional economic processes and make a significant contribution to

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00554

the efforts of the world community to ensure peaceful development in Afghanistan. As a result, on August 7-10, 2018, Uzbek officials held talks with the Taliban in Tashkent in order to achieve peace and reconciliation in Afghanistan. Meetings with representatives of the Taliban's political office at the Ministry of Foreign Affairs of Uzbekistan in August 2012 were of special significance. It should be noted that as a result of these meetings, a peace agreement was signed between the United States and the Taliban on February 29, 2020 in Doha, Qatar.

**The fourth proposal: "Border diplomacy"**

Special attention is paid to the speedy and decisive completion of the process of delimitation and demarcation of the borders of Central Asian states.

It is known that Uzbekistan shares borders with all Central Asian countries, the total length of which is more than 7,000 kilometers. In particular, Uzbekistan has 2,356.31 km of borders with Kazakhstan, 1,476.12 km with Kyrgyzstan, 1,296.9 km with Tajikistan, 1,831.49 km with Turkmenistan and 143 km with Afghanistan.

Uzbekistan is constantly negotiating with neighboring countries on delimitation and demarcation of borders. From August 2016 to August 2018, the delegation of the Government of Uzbekistan held 65 meetings with the delegations of the governments of neighboring countries. Including 18 times with Kazakhstan, 28 times with Kyrgyzstan, 9 times with Tajikistan, 9 times with Turkmenistan and once with Afghanistan. [5]

**The fifth proposal: "Water diplomacy"**

In his speech, the President of Uzbekistan stressed the need to address the issue of equitable use of water resources in the region as soon as possible.

Today, due to Uzbekistan's open and constructive policy, we have long opposed the construction of some facilities in neighboring countries, such as Rogun Hydropower Plant in Tajikistan or Kambarata-1, Kambarata-2 in Kyrgyzstan, but today we have no such problems. discarded. We have even expressed our readiness to participate in the construction of the Rogun HPP. We agreed that all facilities to be built in Central Asia should be built taking into account the interests of neighboring countries.

We also have water agreements with Kyrgyzstan. For example, the Toktogul HPP is the largest hydropower plant in Kyrgyzstan. It collects 19 billion cubic meters of water. We will resolve all issues on the basis of mutual interest and mutual respect, [6] - said Deputy Foreign Minister Ilhom Nematov.

Uzbekistan supports the draft UN conventions on the use of water resources in the Amudarya and Syrdarya basins.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00554

Solving even the most acute problems associated with the ecological catastrophe of the Aral Sea requires a concerted effort. Active reforestation of the dried seabed has begun in Uzbekistan. To date, a variety of trees and shrubs have been planted on some 750,000 hectares of the dried-up sea. The government has decided to turn the ecological disaster area into a zone of innovation and investment.

**Sixth proposal: "People's diplomacy"**

We support the continuation of active cultural and humanitarian dialogue, the regular organization of days of culture and various creative events in our countries, the development of exchanges in education and tourism as the most important tool of "people's diplomacy", - said President Mirziyoyev.

The peoples of Central Asia are united by centuries-old fraternal ties, common history, spiritual and cultural values, similar language and mentality. Uzbekistan, Kazakhstan, Kyrgyzstan, Tajikistan and Turkmenistan have always leaned on each other like the five fingers of one hand. The sustainable development and prosperous future of our peoples with a common historical heritage cannot be imagined in isolation.

The role of people's diplomacy in improving relations between Central Asian countries is very important. The most important thing here is our culture, it complements each other. 2018 has been declared the Year of Uzbekistan in Kazakhstan. More than 80 cultural and sports events, film days and various festivals were held within the framework of the festival. 2019 was the "Year of Kazakhstan" in Uzbekistan. Similarly, many cultural events were organized. Over the past three years, we have held many cultural events with Tajikistan. The same is true with Kyrgyzstan. [7]

After 2016, when Uzbekistan opened its borders with Central Asian countries, favorable conditions were created for the population living in the border areas. For Milos, more than 20,000 people cross the Tajik-Uzbek border every day, and more than 30,000 cross the Kyrgyz-Uzbek border.

In addition, the Central Asian governments signed agreements on industrial and scientific-technical cooperation, interregional cooperation, mutual encouragement and protection of investments, mutual recognition of educational documents.

On December 19, 2019, the UN General Assembly at its plenary session unanimously adopted a special resolution on "Sustainable Tourism and Sustainable Development in Central Asia". The draft resolution was developed by the Republic of Uzbekistan and supported by all UN member states.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00554

## CONCLUSION AND RECOMMENDATIONS

It can be said that the most reliable way to strengthen the atmosphere of friendship, solidarity and stability is the result of the initiatives and efforts of Uzbekistan in the development of the Central Asian region, which is a simple and open human dialogue. Based on this, the following can be suggested:

- The unity of the region can be strengthened by supporting the proposals put forward by the leaders of Central Asia and the leader of Uzbekistan;

- Economic reforms that are beneficial to the region can be implemented and the region can grow and develop together.

## REFERENCES

1. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan Sh.M.Mirziyoyev dated February 7, 2017 No PF-4947 “On the action strategy for further development of the Republic of Uzbekistan”. Newspaper “Xalq so`zi”, February 8, 2017.
2. Infographics: Trade relations of Uzbekistan with Central Asian countries. https://review.uz/oz/post/infografika-ozbekistonning-markaziy-osiyo-davlatlari-bilan-2020-yil-aprel-oyidagi-savdo-aloqalari
3. Central Asia: New Perspectives for Economic Development. https://uza.uz/oz/society/markaziy-osiye-i-tisodiy-rivozhlanishning-yangi-isti-bollari-15-03-2019
4. Uzbekistan's initiatives serve to develop regional cooperation in the field of transport. Newspaper Adolat, issue 38 of 2018
5. The main problems in the delimitation and demarcation of borders in Central Asia. https://kun.uz/news/2018/08/16/markazij-osieda-cegaralarni-delimitacia-va-demarkacia-kilisdagi-asosij-muammolar
6. Ilhom Nematov - On integration in Central Asia, consultations and water issues. https://kun.uz/news/2020/07/15/ilhom-nematov-markaziy-osiyodagi-integratsiya-maslahat-uchrashuvlari-va-suv-muammolari-haqida
7. The main reason for the disagreement in Central Asia was the lack of compromise. From an interview with Gazeta.uz by Deputy Foreign Minister Ilhom Nematov. https://www.gazeta.uz/uz/2020/07/14/nematov-markaziy-osiyo-integraciya/

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00555

# ЁШЛАРНИ АХБОРОТ ХУРУЖЛАРИДАН АСРАШ АСОСЛАРИ ВА БУ ЖАРАЁНДА ПСИХОЛОГИК ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

**Зухро Нуриддин қизи Матаганова**
Ўзбекистон халқаро ислом академияси 2-курс магистранти

## АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ёшларни ахборот хуружларидан асраш ва бу жараёнда психологик иммунитетни шакллантиришда ҳар бир ёш маълум бир кўникма ва билимларга, ҳам диний ҳам дунёвий илмларнинг моҳиятини тушуна олиш қобилиятига эга бўлиши лозимлиги, бу жараёнда психалогик ва диний билимларнинг аҳамияти ўрганилган.

**Калит сўзлари:** ахборот хуружлари, психологик иимунитет, дин психологияси, глобаллашув жараёни, ҳадис илми, ахборот қуроли, оила, таълим-тарбия, психологик ҳимоя, ахборот психологик хавфсизлиги.

# FUNDAMENTALS OF PROTECTING YOUNG PEOPLE FROM INFORMATION ATTACKS AND THE FORMATION OF PSYCHOLOGICAL IMMUNITY IN THE PROCESS

**Zukhro Nuriddin kizi Mataganova**
The 2nd year master of the International Islamic Academy of Uzbekistan

## ABCTRACT

This article explores the importance of psychological and religious knowledge in the process of protecting young people from information attacks and the formation of psychological immunity in the process, each young person must have certain skills and knowledge, the ability to understand the essence of both religious and secular sciences.

**Keywords:** information attacks, psychological immunity, psychology of religion, process of globalization, science of hadith, information tool, family, education, psychological protection, psychological security of information.

## КИРИШ

XX асрнинг ўрталарида инсоният тараққиётининг муҳим босқичи сифатида қаралган ахборот технологияларининг ривожланиши, ахборот

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00555

алмашинуви янги кўринишларининг вужудга келиши кўплаб ахборотларнинг тарқалишига олиб келди. Айнан шу даврлардан бошлаб мутахассислар томонидан “ахборот хуружи”, “ахборот учун кураш” тушунчалари ишлатила бошланди. Маълумотларга кўра, бугунги кунда дунёнинг 20 дан ортиқ давлати ядро қуролини яратиш устида тажрибалар ўтказяпти. Аммо шу пайтнинг ўзида салкам юзга яқин мамлакат ахборот хуружларини уюштириш билан шуғулланади. Глобаллашув жараёнида янги – “ахборот уруши” атамаси пайдо бўлди. Ахборот уруши (information war) – стратегик мақсадларни амалга ошириш учун рақибнинг ахборот майдонига информацион таъсир кўрсатиш ҳаракатидир. Ахборот уруши – рақиб саналган мамлакат раҳбариятига, унинг жамоатчилик ёки диний ташкилотларига ва улар қабул қиладиган қарорларга таъсир кўрсатиш, ижтимоий фикр ва жамоатчилик онгини ўзига керакли йўналишда шакллантиришга уринишдир. Таъсир қилишнинг асосий воситалари – китоблар, кинофильмлар, телевидение, интернет, ОАВ нашрлари ҳисобланади.Тарихнинг гувоҳлик беришича, радио оммавий аудиторияни жалб қилиши учун 40 йил керак бўлган, телевидение эса бунга 14 йилда эришган, Интернет тизимининг дунё аудиториясини жалб қилиш учун эса 4 йил кифоя қилди.

Ахборот хуружларига қарши психологик иммунитет бу шахснинг ҳар қандай маьлумотни тўғри деб қабул қилавермаслиги, интернетдаги, ОАВ ларидаги хабарларга кўр кўрона ишониб кетавермаслигидир. Психологик иммунитетни қандай килиб ошириш мумкин? Агар тана иммунитети жисмоний чиниқиш орқали оширилса, психологик иммунитет рухиятни чиниқтириш орқали кучайтирилади. Аввало инсон илимли бўлиши керак, инсонда ҳар қандай маьлумотни анализ ва синтез қилиш жараёни фаол ривожланган бўлини керак. Анализ ва синтез жараёни эса кўп билим олиш орқали шакилланиб боради. Кўп илимга, тўғри маьлумотга эга инсон эса ахборот хуружларига учраши анча қийин. Будай иммунитетни шакллантиришга маскан вазифасини аввал оила, психологик иммунитетни шакллантирувчи асосий куч вазифасини эса ота-она, бобо, бувилар ўтайдилар. Агар оилада болага ёшлигидан тўғри тарбия берилса, нима яхши, нима ёмонлиги тушинтирилса болада турли ёд ғояларга, ахборот хуружларига қарши иммунитет шаклланган бўлади.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТАДОЛОГИЯ

Тарихчиларнинг таъкидлашича, психолгик иммунитет Ўрта асрларда юқимли касалликлар тарқалиши пайтида эсга олинган. Кучли шахсларда

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00555

организмнинг ҳимоя реаксияси ривожлана бошлайди, бу касаллик қўрқуви билан курашишга ёпдам беради ва натижада беморлар сони камайишни бошлади.

Баъзи тадқиқотчила манна шундай «антидот» пайдо бўлиши туфайли инсоният «қоронғу асрлар»дан омон қолишга муваффақ бўлди деган хулосага келишган. «Совуқ ақлга» эга бўлган одамлар, касалликдан халос бўлиш учун куч топдилар.

Тананинг соғлиги рухий саломатлик билан чамбарчас боғлиқ бўлгани каби, психологик ва жисмоний иммунитетлар ҳам алоҳида бўлиши мумкин эмас. Барча касалликлар ташвиш, асабий чарчоқдан келиб чиқиши узоқ вақтдан бери аниқланган.

Психологик иммунитет фикрлаш жараёнини ҳиссий ортиқча нарсалардан ҳимоя қилади. Психологик иммунитетнинг асосий вазифаси ҳар қандай касалликни даволаш мумкинлиги тҳўғрисида онг ости онгини шакллантиришдир. Буни англаган одам ваҳимадан қутилади. У совуққонлик билан ҳаётдаги қийинчиликларни енгиш учун ҳамма нарсани қилади ва амалиёт тасдиқлаганидек уларнинг кўпчилиги муваффақиятга эришади.

Психологик иммунитетга эга бўлган одам жамиятдаги ҳаётга кўпроқ мослашади. Асаб тизимининг ушбу юқори функсияси мавжудлигининг аломатларини қуйидагиларда кўриб чиқишимиз мумкин:

- ҳар қандай шароитда еҳтиёткорлик;
- реаксиянинг етарлилиги;
- стресга чидамлилик;
- турли ҳил шароитларга яхши психологик мослашувчанлик.

Психологик ҳимоянинг заифлашиши жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бу фикрлашга ҳам, жисмоний ҳолатга ҳам ёмон таъсир қилади. Аввалига ҳаддан ташқари асабийлашиш носоғлом кўринишга ега одам билан ҳар қандай алоқада пайдо бўлади.

Инсонни индивидуал ижтимоий-психологик ҳимоя қилиш контсептсиясини қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги қуйидаги асосий шартлар билан белгиланади: биринчи навбатда, ушбу шахсий таълимнинг функтсионал ва тизимли тузилишига мувофиқ терминологик фарқланиш ва шахсий механизмлар ва функтсияларга эга шахслар психологик муҳофазаси зарурлиги; иккинчидан, асосан ижтимоий-психологик мазмунга эга бўлган турли ахборот ва коммуникатив вазиятларда ташқи ахборот ва психологик таъсирлардан ҳимоя қилишга қаратилган; Учинчидан, ижтимоий-психологик механизмлар ва нақшларга асосланган шаклланиш жараёни.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00555

Шу билан бирга, психологик ҳимоя тушунчаси кенг тарқалган ва шахслар ҳимояси сифатида асл маъносидан ортиб кетганлиги сабабли, унинг умумий ва шахсий тушунчаси ҳақида гапириш мумкин.

Шунинг учун, ижтимоий ва ижтимоий гуруҳ даражасини кўриб чиқаётганда, "шахснинг ижтимоий ва психологик ҳимояси" атамасини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

**МУҲОКАМА**

В целях реализации намеченных основных задач, а также достижения намеченной цели по развитию в стране цифрового общества, созданию благоприятных возможностей для населения и предпринимателей, развитию эффективной и открытой системы государственного управления, свободной от бюрократических барьеров и коррупционных факторов, в настоящее время ведется разработка национальной концепции “Цифровая экономика”, предусматривающей обновление всех сфер экономики на основе цифровых технологий, ожидается, что именно благодаря развитию цифровой экономики удастся дополнительно увеличить объем ВВП на 30 процентов.

2-рисунок

В целях дальнейшего развития науки в нашей стране, воспитания молодежи обладающей глубокими знаниями, высокой духовностью и культурой, формирования конкурентоспособной экономики начатую нами работу по ускоренному продолжению осуществляет Президент Республики Узбекистан Ш. Ш. Халиков.М. Выдвижение Мирзиеевым в Послании Олий Мажлису от 24 января 2020 года предложения назвать 2020 год “Годом развития науки, просвещения и цифровой экономики” в буквальном смысле подтвердило начало

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00561

исторического переломного момента в жизни Узбекистана, гармоничного с глобальным развитием.

Действительно, по мере расширения масштабов цифровой экономики необходимо максимально усилить международное сотрудничество. С удовлетворением отмечаем, что в результате осуществляемых в Узбекистане действенных мер в сфере информационной безопасности в 2019 году в Глобальном индексе кибербезопасности мы поднялись на 41 позицию и заняли 52 место.

## ЗАКЛЮЧЕНИЕ

В заключение следует отметить, что качественное развитие отраслей экономики, социальной сферы и системы государственного управления на современном этапе развития человечества и в ближайшей перспективе напрямую связано с широким внедрением цифровых технологий. Перспективы развития нашей страны также зависят от развития цифровой экономики и степени охвата цифровыми технологиями. Международный опыт свидетельствует о том, что сегодня цифровые технологии динамично развиваются в основном в научном сообществе и частном секторе. Поэтому государство должно создать благоприятную экосистему, поддерживая инновационные проекты и IT-компании именно в этих сферах. Также целесообразно, чтобы государство поддерживало современные методы цифрового образования в сфере поддержки инновационной и цифровой экосистем, разрабатывало нормы эффективного регулирования инновационных услуг, оказывало содействие в освоении новых рынков и принимало меры по снижению рисков, возникающих при углублении технологических процессов.

## REFERENCES

1. Стратегия кадровой политики в эпоху цифровой экономики / под общ. ред. Н.А. Лытневой. Орел, 2019. 272 с
2. http://tsue.uz/uz/raqamli-iqtisodiyot-yangi-ozbekiston-taraqqiyotining-yangi-davri/
3. https://www.texnoman.uz/post/raqamli-iqtisodiyot-nima.html
4. Глобальный индекс инноваций. Гуманитарная энциклопедия: Исследования // Центр гуманитарных технологий, 2006–2019 (в ред. от 23 апр. 2019 г.). URL: https://gtmarket.ru/ratings/global-innovation-index/info (дата обращения: 20.04.2020)

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00561

5. Сколково сегодня. URL: https://sk.ru (дата обращения: 22.04.2020)
6. Дайджест мониторинга национальных целей. 31 января 2020 года. URL: http://www.ach.gov.ru/audit-national/daydzhest (дата обращения: 23.04.2020)
7. Меркулова Т.А., Тарасов Ю.А. Некоммерческие корпоративные организации // Актуальные вопросы развития современного общества. Сборник научных статей 8-ой Международной научно-практической конференции. Курск, 2018. С. 160-164

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00562

# O'QUVCHILAR NUTQIY MALAKASINISINI SHAKLLANTIRISHDA XALQ OG'ZAKI IJODI VA ERTAKLARDAN UNUMLI FOYDALANISH

**Fotima Uralovna Jumanova**
Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti dotsenti
zumanovafatima@gmail.com

**Sojida Umrzoqovna Allayorova**
Toshkent viloyat Chirchiq pedagogika instituti magistranti
sojida.allayorova.1985@mail.ru

## ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada xalq og‘zaki ijodining o‘ziga xos xususiyatlari yoritilgan. Shuningdek, o‘quvchilar nutqini rivojlantirishda ertaklarning o‘rni va ahamiyati muhokama qilingan.

**Kalit so‘zlar:** nutq, pedagogika, xalq og‘zaki ijodi, rivojlantirish, ertak, musiqa, san’at.

# EFFECTIVE USE OF PEOPLE'S ORAL CREATIVITY AND FAIRY TALES IN THE FORMATION OF STUDENTS' SPEECH SKILLS

**Fotima Uralovna Jumanova**
Associate Professor of Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region
zumanovafatima@gmail.com

**Sojida Umrzakovna Allayorova**
Master of Chirchik Pedagogical Institute of Tashkent region
sojida.allayorova.1985@mail.ru

## ABSTRACT

This article describes the peculiarities of folklore. The role and importance of fairy tales in the development of pupils’ speech was also discussed.

**Keywords:** speech, pedagogy, folklore, development, fairy tales, music, art.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00562

## KIRISH

Xalq og‘zaki ijodi – insoniyatga tengdosh eng qadimiy san’at. O`zbek xalqi ming yillar davomida yaratgan milliy xazinamizning nodir merosi bo`lgan og`zaki badiiy ijodi hamisha inson kamoloti, yurt farovonligi, jamiyat yetukligi borasida ma`naviy ozuqa bo`lib xizmat qiladi. Yillar to‘zonidan omon-eson o`tib, avlod-ajdodlardan meros qolgan folklor janrlari ijtimoiy-siyosiy, ta`limiy-tarbiyaviy sohalarda maktab, ma`naviy-ma`rifiy yo`nalishda yo`lboshlovchi vazifasini o`tay-di. Xalqning turmush tajribalari, kundalik kuzatishlari natijasida yuzaga kelib, o`z isbotini topgan maqollar, naqllarni hayot maktabi darsligi desak mubolag`a bo`lmaydi.

## ADABIYOTLARNING TAHLILI VA METODOLOGIYA

Boshlang‘ich sinflarda o‘qitilayotgan adabiy o‘qish darslari o‘zbek tili fanining tarkibiy qismi hisoblanadi. Dasturlarning o‘qish va nutq o‘stirish bo‘limida o‘tkaziladigan mashg‘ulotlar mazmuniga; o‘quvchilarni to‘g‘ri, ravon, ma’lum darajadagi tezlik bilan ifodali o‘qishga o‘rgatish; o‘quvchining ona - Vatan, uning tabiati kishilar mehnatidagi qahramonlik, jasurlik, milliy istiqlol g‘oyalarini ular ongiga singdirish kabi bilimlarni boyitish orqali o‘quvchilarning bilim, ko‘nikma malakalari kengaytiriladi, shakllanadi va mustahkamlanadi.

Har bir inson umri davomida xalq o‘g‘zaki ijodidan bahramand bo‘lib ulg‘ayadi. Bolaligida ertak eshitib katta bo‘lmagan odam bu dunyoda yo‘q desak, mubolag‘a bo‘lmaydi. Chunki har bir odam dunyoga kelgach, turli darajadagi ertak, rivoyat, afsonalarni eshitadi va aynan o‘shalar orqali dunyoni o‘rganadi. Ularda xalq badiiy tafakkurining eng sara mevasi yashiringan. Buni anglash va ularni qayta kashf etish kishiga hayotni tushunish, odam va olam munosabatlarini o‘rganishga yordam beradi.

Xalq og`zaki ijodini o‘rganish – xalq tarixi, urf-odati, an’analari, o‘y-kechinmalari, buguni va kelajagini tadqiq etish demakdir. Unda millatning o‘zini anglashi, o‘zligini namoyon qilish xislatlari, intilishlari, hayot tarzi, dunyoqarashi aks etgan folklor asarlarda o‘z aksini topgan dunyoqarash, qadriyatlar yosh avlodni har tomonlama bilimli, ma’naviy jihatdan yetuk etib tarbiyalashda muhim o‘rin tutadi. Zero, xalq og‘zaki ijodi ma’naviy taraqqiyotning asosiy tarixiy ildizlaridandir. Har bir xalqning og‘zaki ijodi o‘sha xalqning fe’l-atvori, estetik didi, ruhiyati, urf-odat va an’analari, orzu-intilishlari, geografik sharoiti va tabiatini aks ettiruvchi o‘ziga xos ko‘zgudir. Biz ana shu ko‘zgu vositasida olamshumul ezgu niyatlar, insoniy fazilatlar, yovuzlik, zulm, adolatsizlikka qarshi nafrat tuyg‘ularini ko‘ramiz. Shunday

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00562

ekan, xalqimizning qalb qo‘ri, yuksak aql-zakovati bilan asrlar davomida yaratilib, avloddan-avlodga o‘tkazib kelingan folklor namunalarini ham o‘rganish muhim ahamiyatga ega.

Ma’naviyat qadim zamonlardan inson dunyoqarashini, xatti-harakatini, jamiyatda tutgan o‘rnini, xalqqa, vatanga, atrofidagi odamlarga bo‘lgan munosabatini boshqaruvchi omil hisoblanadi. Ma’naviy qashshoq kimsa hayotda ro‘y berayotgan voqealarga loqayd bo‘ladi. Loqaydlik esa tuzatib bo‘lmas oqibatlarga olib keladi. Ma’naviy qashshoq odam uchun Vatan, xalq, oila kabi muqaddas tushunchalar yot. Shuning uchun keksa avlod, avvalo, farzandning ma’naviy dunyosini shakllantirish chorasini rejalashtirgan. Aslini olganda, xalq dostonlari, ertaklari, qo‘shiqlari, maqollari va boshqa o‘nlab janrdagi asarlar yosh avlodning ma’naviyatini boyitish, uni haqiqiy inson darajasiga yetishini ta’minlash maqsadini nazarda tutgan holda yaratilgan. O‘tgan asrgacha bugungi kundagi matbuot, o‘quv dargohlari, madaniyat markazlari, radio, televidenie, internet kabi ta’lim, ma’rifat tizimi bo‘lmagan. Bu vazifalarni bajarish, asosan, xalq og‘zaki ijodi zimmasiga yuklatilgan. Natijada, xalq og‘zaki ijodi xalq pedagogikasi zami-nini tashkil etgan.

Ma’lum bo‘ladiki, madaniyat, san’at, til xalqning xalq sifatida ravnaq topishining bosh omili ekan. Xalq ijodi esa madaniyat, san’at, tilning asosini tashkil etuvchi tarkibiy qismdir. Qadimdan ota-bobolarimiz o`z orzu-umidlarini turmush haqiqatlari bilan uyg`unlashtirgan holda go`zal mo`jizakor manzaraga, sodda va o`ta teran mazmunga ega ertaklarni yaratganlar. Hayot haqiqati va kishilarning ruhi, psixologiyasini o`zida aks ettirgan ertaklarning badiiy kuchi hanuzgacha kattalar va kichiklar uchun ham birday qiziqarli, jozibali xalq kitobi sifatida ta`sir etib kelmoqda.

## MUHOKAMA VA NATIJALAR

Ertaklar – yaxshilikka yetaklar, deb xalqimiz bejizga aytishmagan. Ertaklarning tarbiyaviy ahamiyati katta. Ertaklarda voqealar asosan mo`jizali tarzda ifodalanadi. Binobarin, mo`jiza yoki fantaziya voqea va hodisalarni hayot bilan bog`lab, haqiqat, ozodlik, to`g`rilik, odamiylik kabi didaktik g`oyalarni tashviq etadi, syujet rivojiga kuch bag`ishlaydi, tinglovchi e`tiborini o`ziga jalb qilib, ajoyibotlar olamiga olib kiradi, shirin tuyg`ular dunyosiga g`arq etadi. Umumlashtirilgan holda ertakka xos quyidagicha ta`rif e`tirof etilgan: “Hayot haqiqati bilan bog`liq bo`lib, fantastik hamda hayotiy uydirmalar asosiga qurilgan, didaktik g`oya tashuvchi og`zaki hikoyalar ertak deb ataladi.”

Ertaklarda an`anaviy boshlama voqeaning qay vaqt bo`lib o`tganini bildirmaydi, noaniq, umumiy tarzda ifodalaydi. Ertak aytuvchi kichik va o`rta

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00562

yoshdagi bolalarga mo`ljallangan har qanday ertaklarni tinglovchi diqqatini tezda o`ziga jalb qilishi uchun “Bir bor ekan, bir yo`q ekan, och ekan, to`q ekan, bo`ri bakovul ekan, tulki yasovul ekan, qarg`a qaqimchi ekan, chumchuq chaqimchi ekan, g`oz karnaychi ekan, o`rdak surnaychi ekan, tovuq qoq etdi, bilmadim qaqqa ketdi” – tarzida an`anaviy boshlama qolipdan foydalanishi maqsadga muvofiqdir.

Ertaklar, avvalo, bolalarning jonivor hayvonlarga, parrandalarga bo`lgan qizi-qishi, mehrini oshirsa, ikkinchidan,mehnat orqali farovon, tinch, osoyishta turmush kechirish mumkinligi uqtiriladi. Ertaklarning yakuni qissadan hissa chiqarishga undaydi. Ya`ni, “ Yaxshilik qilsang – yaxshilik topasan, yomonlik qilsang – jazo olasan”, “Mehnat qilsang-rohat ko`rasan”,“Mehnatdan kelsa boylik, turmush bo`lar chiroylik” kabi maqollarning ma`nosi izohlansa, bolalar har bir o`qigan ertak-larining xulosasini maqollar bilan izohlashga harakat qiladilar. Bu bolalarning tafakkurini charxlash bilan birga, ko`proq maqollar yod olishiga ham yordam beradi. Ertak qahramoni aql bilan ish tutib, qiyin jumboqlarni yechadi, tadbir bilan ish tutib, dahshatli kuchlarni yengadi.

Ma’lum bo‘ladiki, qahramon ismi berilsa ham, berilmasa ham asosiy maqsad ertakdagi hikoya qilinayotgan voqea oddiy maishiy turmush sharoitida kechganini ta’kidlashdan iborat bo‘ladi. Keyingi maqsad asar ishtirokchilari boshidan kechirgan turmush lavhalari vositasida yosh avlodning barkamol inson bo‘lib etishuvi uchun tarbiyaviy zamin hozirlashdan iboratdir. «Uch og‘a-ini botirlar» ertagida mo‘ysafid ota o‘z o‘g‘illarini qo‘rqmas, jasur qilib o‘stiradi. O‘z farzandlarini baxt topish safariga otlantirar ekan, ularga uchta maslahat beradi: «To‘g‘ri bo‘ling, bexavotir bo‘lasiz. Maqtanchoq bo‘lmang, uyatga qolmaysiz. Dangasa bo‘lmang, baxtsiz bo‘lmaysiz». Bu pand mohiyatini tahlil qilsak, hayotga tayyorlanishi lozim insonning haqiqiy amal qilishi kerak hisoblangan fazilatlar aks etganiga ishonch hosil qilamiz. Bu ertaklarda tarbiyaviylik, ma`naviy yetuklik, komillik, odamiylik, fikran teranlik ustivor darajada tavsiflanadi. Ertakning pedagogik qiymati shundaki, o‘quvchilar unda to‘g'rilik, halollik g'alaba qilganidan, kambag'al kishilar qiyinchilikdan qutilganidan, ya'ni yaxshilik, ezgulik ro‘yobga chiqqanidan va yomonlik, vovuzlik mahkumlikka uchraganidan quvonadilar. Ular hayotda ham doimo shunday bo‘lishini istaydilar.

Masalan, “Halollik" ertagida asosiy fikr kambag'allarga yordam ko‘rsatish, o‘z mehnati bilan hayot kechirish bo‘lib, bu hatto butun xalq istagi ekanligi g'oyasi ilgari surilgan bo‘lsa, “Hiylagarning jazosi" ertagida esa soddadilning to‘g'riligi hiylagarning makri ustidan g'olib kelishi, xiyonat jazosiz qolmasligi g'oyasi ilgari

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00562

surilgan. Har ikki ertak ham to‘g'riso‘zlilikning g'alabasi bilan yakunlanadi. Bunday g'alaba maishiy ertaklardan tashqari, sehrli ertaklarda ham ifodalangan.

Ertak bolalarda qahramonlarning xatti-harakatini muhokama qilib, baholash ko‘nikmasini o‘stirishi bilan birga yaxshilikning doimo g'alaba qozonishiga iShonch uyg'otadi. O‘quvchilar ertakni tahlil qilish jarayonida “kishilardagi qanday sifatlar sizga yoqdi? (yoki yoqmadi?)", “Nima uchun?", “... nima uchun jazolandi? (yoki rag'batlantirildi?)", “Nima uchun ertakdagi ba'zi qahramonlarga hatto tabiat kuchlari ham yordam beradi? (yoki ba'zilaridan yuz o‘giradi?)" kabi savollarga javob topish jarayonida mushohada qiladilar, muhokama qilib xulosaga keladilar.

Boshlang'ich sinflarda hayvonlar haqidagi ertaklar ko‘proq o‘qitiladi. “Bo‘rining tabib bo‘lgani haqida ertak" (A.Obidjon), “Ko‘zacha bilan tulki"kabi ertaklar aniq hayotiy hikoyalar tarzida o‘qitiladi va tahlil qilinadi. Ertak matni ustida ishlashda tanlab o‘qish, savollarga javob berish, o‘quvchilarning o‘zlari ertak mazmuniga oid savollar tuzib, javob berishlari, reja tuzish, qayta hikoyalash, ijodiy davom ettirish, ertak aytish, qahramonlarni grafik tasvirlash kabi ish turlaridan foydalaniladi. Bunday ertaklarda hayvonlarning odatlari tahlil qilinadi, ammo ularni kishilar xarakteriga taqqoslash tavsiya qilinmaydi.

Boshlang'ich sinf o‘quvchilari hayvonlar haqidagi ertaklardan tashqari, “Davlat", “Ilm afzal", “Hiylagarning jazosi", “Hunarsiz kishi o‘limga yaqin"kabi maishiy ertaklarni ham o‘qiydilar. Bunday ertaklarda xalq o‘z hayotini hikoya qiladi, shu sababli o‘quvchilar ertakni o‘qigach, o‘tmishdagi xalq hayotini, o‘y-fikrlari va orzu-istaklarini bilib oladilar.

Bunday ertaklarni tahlil qilish badiiy hikoya tarzida uyushtiriladi. Bolalar o‘qituvchi rahbarligida ertakda qatnashuvchilarning xulq-atvori, ayrim hatti-harakatlarini baholaydilar, ularning bir-birlariga bo‘lgan munosabatlarini aytadilar va shular asosida ayrim obrazlar haqida xulosalar chiqaradilar, ertak rejasini tuzadilar, ertakni rollarga bo‘lib o‘qiydilar. Ertak ustida ishlashda bolalarni ertakni o‘qishgagina etnas, balki uni aytib berishga o‘rgatish ham muhimdir. Ertak aytish og'zaki nutqni o‘stiradi, bolalar nutqini yangi so‘z va iboralar bilan boyitadi.

O‘quvchilarni 4-sinfdayoq ertak tilidan erkin foydalanishga o‘rgatish uchun ertak bilan birinchi tanishtirishda uni o‘qituvchi aytib berishi mumkin. O‘quvchi ertak mazmunini o‘zlashtirib olgandan so‘ng, uning tili ustida ishlashga alohida ahamiyat qaratiliShi zarur. Ertak mazmunini qayta hikoyalashda, qahramonlarga tavsif berishda o‘quvchilarning o‘z nutqida til vositalaridan o‘rinli foydalanish talab qilinadi. Ertak tilida shunday so‘z va iboralar borki, ular bolaga o‘zgacha ta'sir ko‘rsatadi. Masalan, “Yo‘lbars, Tulki va Bo‘ri" ertagida “Tog' echkisi siz

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00562

ulug'imizniki bo‘lsin", “Quyon siz podshohimizning ertalabki nonushtangiz bo‘lsin", “Kiyik kechqurungi taomingiz, qo‘y kunduzgi xo‘ragingiz bo‘lsin" kabi gaplar tarkibidagi ajratib ko‘rsatilgan so‘zlarga o‘quvchilar diqqati qaratilib, ertakni so‘zlab berayotganda ulardan nutqda foydalanishlariga erishish zarur. Ertaklarda keltirilgan maqollar ustida ishlash, ularda ilgari surilayotgan g'oyalarni bolalar ongiga yetkazish, yod oldirish yo‘li bilan bog'lanishli nutqni o‘stirish, nutqning ta'sirchanligini oshirish lozim.

## XULOSA VA TAKLIFLAR

Xulosa qilib aytganda, Xalq og‘zaki ijodi – insoniyatga tengdosh eng qadimiy san’at. O`zbek xalqi ming yillar davomida yaratgan milliy xazinamizning nodir merosi bo`lgan og`zaki badiiy ijodi hamisha inson kamoloti, yurt farovonligi, jamiyat yetukligi borasida ma`naviy ozuqa bo`lib xizmat qiladi. Yillar to‘zonidan omon-eson o`tib, avlod-ajdodlardan meros qolgan folklor janrlari ijtimoiy-siyosiy, ta`limiy-tarbiyaviy sohalarda maktab, ma`naviy-ma`rifiy yo`nalishda yo`lboshlovchi vazifasini o`tay-di. Xalqning turmush tajribalari, kundalik kuzatishlari natijasida yuzaga kelib, o`z isbotini topgan maqollar, naqllarni hayot maktabi darsligi desak mubolag`a bo`lmaydi. Mustaqil O`zbekistonda milliy qadriyatlar tiklanayotgan hozirgi davrda xalq yaratgan merosini yosh avlod ongi shuurida tasavvur hosil qilish, umuminsoniy qadriyatlarni har tomonlama o`rgatish va tatbiq etish davr talabi. Qolaversa, har bir shaxsning zimmasidagi mas`uliyati hisoblanadi. Ana shu mas`uliyatni his qilgan inson kelajak avlodimizning yangi fikrlaydigan, izlanuvchan, mehr-oqibatli, yurtsevar, elparvar egalarini yetishtirishda, tarbiyalashda o`z hissasini qo`shadi. Buyuk allomalarimizning ibratomuz hayotlari, Vatan, xalq uchun qilgan xizmatlari haqida, aziz –avliyolarning ilmi-urfoni haqida, mamlakat osoyishtaligi, tinchligi, xalq or-nomusi uchun kurashgan sarkardalar haqida, qolaversa, Vatanning har bir go`shasi xususida ota-bobolarimiz yaratgan rivoyatlar o`zining ilmiy, badiiy ahamiyati bilan qimmatlidir., ertaklar yordamida yaxshilik va yomonlik sahrolarida, adir-u tog`liklarida sayohat qiladilar. Ana shu davrdan boshlab nima yaxshi-yu nima yomon ekanligini anglay boshlaydilar. Bolalar ulg`aygan sari o`zlaridan kichiklarga ertak aytib berishga, ularni aqlli, vazmin bo`lishga, o`jar, injiq qiliqlarini tashlashga undaydilar. Ular ham o`zlarini kichik tarbiyachilar sifatida tutadilar.

Xalq og`zaki badiiy ijodi katta-yu kichik, yosh-u qari uchun birdek donishmandlik majmuasi hisoblanadi. Asrlar o`tsa-da, buyuk alloma-larimiz asarlarida ta`lim-tarbiya masalalari badiiy ifodalansa-da, xalq tafakkurining mahsuli

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00562

bo`lgan folklor asarlari ma`naviy jihatdan olamshumul ahamiyat kasb etishda davom etaveradi.

## REFERENCES

1. Mirziyoev Sh.M. (2017). Tanqidiy tahlil, qat'iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak. –T.: O'zbekiston.
2. Gafforova T., Nurullayeva Sh., Haydarova O. (2004). Boshlang'ich sinflar uchun o'zbek tili va o'qishdan didaktik materiallar. –Toshkent: Ilm ziyo.
3. Maratov Temur Gayrat ugli (2019) Scientific theoretical problems of perfect human category in the psychology. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. 7(8). 16-22.
4. Usarov Jabbor Eshbekovich, Eshnayev Nortoji Jumayevich, and Haydarova Surayyo Abdusalomovna. . (2020) "Defects in scientific research of the problems of spiritual and moral crisis and its solution", IEJRD - International Multidisciplinary Journal, vol. 5, no. 8, p. 6.
5. Нортожи Жумаевич Эшнаев. (2021). Маънавий-ахлоқий муаммоларни илмий тадқиқ этишнинг ўзига хос жиҳатлари. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES. Vol.2, no. 2. p. 364-369.
6. Uzviylashtirilgan o'quv dasturini joriy etish bo'yicha tavsiyalar, o'quv mavzular (5-9 sinf. o'zbek tili va adabiyot).
7. R.H. Jo'rayev, A. Zushunov (2006). "Ta'lim jarayonida o'quv fanlarini integratsiyalash omillari. O'qituvchilar uchun o'quv qo'llanma". – T., Sharq.
8. J.G'. Yo'ldoshev, L. A. Usmanov (2001). "Pedagogik texnologiya asoslari" – Toshkent.
9. A. G'ulomov, M. Qodirov (2001).v"O'zbek tili o'qitish metodikasi". – Toshkent.
10. B. To'xliyev (2010). "Adabiyot o'qitish metodikasi". – Toshkent.
11. G'afforova T., Shodmonov E., Eshturdiyeva G. (2014). "O'qish kitobi": 3-sinf uchun darslik. –Toshkent: "Sharq".

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00563

# SHAXS KAMOLOTI VA FAOLIYAT (MULOQOT), ULARNI BOSHQARISH- MA'RIFIY- PEDAGOGIC MUAMMO SIFATIDA

**Fotima Uralovna Jumanova**
TVCHDPI dotsenti
e-mail: zumanovafatima@gmail.com

**Nargiz Shuxratovna Artikova**
TVCHDPI magistranti
e-mail: nargizartikova1982@gmail.com

## ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada "Shaxs kamoloti jismoniy, aqliy, siyosiy, xuquqiy, axloqiy, ekologik va estetik jihatga egaligi bilai tavsiflanadi. Insonning jismoniy kamoloti 50 ming yil oldin qanday bo'lgan bo'lsa, xozir ham deyarli shunday kechmoqda. Biroq odamning aqliy kamolotida tafakkurning rivojlanishi hisobiga juda katta ijobiy (oldinga) siljishlar kuzatilgan. Pedagogika Shaxs kamolotini barcha tarkibiy qismlari bilai birgalikda o'rganadi. Aloxida tashkil etilgan sharoitlarda, ya'ni ta'lim-tarbiya muassasalarida inson Shaxsini kamol toptirish pedagogika nazariyasi va amaliyotining eng murakkab va hal qiluvchi muammolaridan biridir.

**Kalit so'zlar:** preformistik nazariya,teologik nazariya, ekzistensialistik (o'ta Shaxsiyatparastlik) nazariya, biologik nazariya, psixoanalitik nazariya, biologiyalashgan nazariya, motiv, muloqot, psixoanalitik, psixologiya, biologiyalashgan yo'nalish.

# PERSONAL DEVELOPMENT AND ACTIVITY (COMMUNICATION), THEIR MANAGEMENT AS AN EDUCATIONAL AND PEDAGOGICAL PROBLEM

**Fotima Uralovna Jumanova**
Associate Professor, CPSI
e-mail: zumanovafatima@gmail.com

**Nargiz Shukhratovna Artikova**
Master student, CSPI
e-mail: nargizartikova1982@gmail.com

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00563

**ABCTRACT**

This article describes a person as having physical, mental, political, legal, moral, ecological and aesthetic maturity. Man's physical maturity is almost the same as it was 50,000 years ago. However, due to the development of thinking in the mental maturity of man, there have been significant positive (forward) shifts. Pedagogy studies the development of the individual together with all its components

**Keywords:** preformist theory, theological theory, existentialist theory, biological theory, psychoanalytic theory, biologicalized theory, motive, dialogue, psychoanalytic, psychology, biologized direction.

## KIRISH

Shaxs kamoloti jismoniy, aqliy, siyosiy, xuquqiy, axloqiy, ekologik va estetik jihatga egaligi bilai tavsiflanadi. Kamolotning bu jihatlari notekis, ya'ni har xil sur'atda kechadi. Masalan, odamning jismoniy kamoloti 50 ming yil oldin qanday bo'lgan bo'lsa, xozir ham deyarli shunday kechmoqda. Biroq odamning aqliy kamolotida tafakkurning rivojlanishi hisobiga juda katta ijobiy (oldinga) siljishlar kuzatilgan. Pedagogika Shaxs kamolotini barcha tarkibiy qismlari bilai birgalikda o'rganadi.

## ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Shaxs kamoloti va uning boshqarilishini anglash uchun quyidagi masalalarga diqqat-e'tibor karatilishi kerak:

Shaxs kamolotining o'ziga xos xususiyatlari: a) qaytarilmasligi; b) rivojlanish va inqirozlarniig uzviy bog'liqligi; v) bir maromda kechmasligi; g) egri-bugriligi; d) bosqichli darajalardan o'tishi; e) barqarorlikka intilishi (moyilligi).

Shaxs kamoloti konsepsiyalari:

a) biologiyalashgan yo'nalish:

b) ijtimoiylashgan yo'nalish; v) bioijtimoiy yunalish: g) zamonaviy pedagogika va psixologiyaning konseptual qoidalari

1. Faoliyat va muloqot - Shaxs kamoloti omillari: a) faoliyat va muloqot. ularning etakchi turlari; b) faoliyat va muloqotga qo'yiladigan talablar; v) Shaxs kamolotining yosh xususiyatlari

2. Ma'rifat va kamolotning o'zaro bog'liqligi: rivojlantiruvchi ma'rifiy texnologiyalar.

Har bir Shaxs va Shaxslar guruhini o'z ichiga olgan jamoalar (jamiyat) muayyan makon va zamonda shakllanadi, faoliyat ko'rsatadi va oxir-oqibat, o'z

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00563

o‘rnini yosh avlodlarga bo‘shatib beradi. Demak, avlodlar yangilanishi (almashinuvi), ya’ni avlodlariing ijtimoiy takror barpo etilishi, vorisligi uzluksiz davom etadigan doimiy jarayondir.

Aloxida tashkil etilgan sharoitlarda, ya’ni ta’lim-tarbiya muassasalarida inson Shaxsini kamol toptirish pedagogika nazariyasi va amaliyotining eng murakkab va hal qiluvchi muammolaridan biridir. Bu muammo turli jihatlarga ega bo‘lib, bir qator tabiiy va ijtimoiy fanlar tomonidan o‘rganiladi.

Shaxsiing shakllanishi va kamol topishi shaxe kamoloti darajasining yuksalishiga olib keluvchi miqdor va sifat o‘zgarishlari, izchil qayta o‘zgarishlar jarayoni bilan tavsiflanadi. Shaxs kamoloti haqida bir kancha **nazariyalar** vujudga kelgan:

1. preformistik nazariya - jinsiy (tuxum, urug‘) hujayralarda embrion rivojlanishi va undan paydo bo‘ladigan organizmning xususiyatlarini oldindan belgilab beruvchi moddiy tuzilmalar mavjud bo‘lishi xaqidagi ta’limot; odam Shaxsi oldindan berilgan yoki belgilab qo‘yilgan “dastur” asosida shakllanishi va odamning fazilatlari, xususiyatlari o‘z-o‘zidan rivojlanishi, tarbiya va ijtimoiy sharoitlar faqat bunga yordam berishi haqidagi nazariya (Antoni Levenguk, Marchello Malpigi va boshq).

2. teologik nazariya - Shaxs kamolotining ichki dasturi odamning ilohiy vazifasi, burchi bilan bog‘liqligi, ya’ni Shaxs kamolotini Olloh belgilashi. Odam — ikki ibtido, ya’ni jismoniy va ma’naviy manbalar (omillar) uyg‘unligidir. Ma’naviy ibtido - “o‘lmas jon" odamni tabiatdan ustun qo‘yadi, Xudo bilan muloqot qilishning kafolati bo‘lib xizmat qiladi. Inson xayotining ma’nosi imon-e’tiqod orqali oshkor bo‘ladigan “o‘ta hissiy olam”ni chuqur tushunishdan iborat (F. Akvinskiy, J. Mariten, D. Treysi va boshq.);

3. ekzistensialistik (o‘ta Shaxsiyatparastlik) nazariya - jamiyat Shaxsga salbiy ta’sir qiladi va odam faqat undan ajralgan holda komillikka erishadi, ya’ni uning o‘zi va tabiat Shaxs kamolotini oldindan belgilaydi. Boshqacha aytganda, odamning kamol topishi uchun hech narsa va hech kimning keragi yo‘q (S.Kerkegor, K.Yaspers, M.Xaydegger va boshq.);

4. biologik nazariya-individning homiladan boshlab rivojlanishi odamning tur sifatida taraqqiy etishi jarayonida o‘talgan boshqa barcha bosqichlarini takrorlaydi, ya’ni odam o‘zida mavjud bo‘lgan tug‘ma his-tuyg‘ular, mayllar va extiyojlar bilan bog‘lik hatti-harakatlar (xulk-atvor) asosida irsiyat (tabiat) qonunlariga muvofiq Shaxs sifatida kamol topadi (CH. Darvin, I. Myuller. G. Xoll va boshq.);

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00563

5. o‘z-o‘zidan kamol topish nazariyasi - odam faqat irsiy omillarga (ko‘z rangi, qon guruhi, rezus-faktor, shizofreniya va h.k.) tayangan holda, ularning ta’sirida rivojlanadi, kamol topadi;

6. psixoanalitik (ruhiy taxlil) nazariya - ruhiy quvvat ta’siridagi jinsiy mayl (istak, intilish) darajasi qanchalik yuqori bo‘lsa, odam shunchalik tez rivojlanadi, kamol topadi (3. Freyd va boshq.)

Bu nazariyalarni keltirishdan maqsad Shaxs kamoloti muammolarini o‘rganishda pedagogika fani tayanadigan tegishli nazariyalarni aniqlashdan iboratdir. SHu sababli Shaxs muammosiga oid pedagogik va psixologik ilmiy tadqiqotlarda Shaxs kamolotining biologiyalashgan, ijtimoiylashgan va bioijtimoiy yunalishlari farqlanadi:

1. Biologiyalashgan yunalish vakillari Shaxsni alohida tabiiy mavjudot deb hisoblashadi, odamning hulk-atvorini unga tug‘ma berilgan tabiiy extiyojlar, mayllar va his-tuyg‘ular bilan izohlashadi (3. Freyd va boshq.). Bu yo‘nalish vakillarining fikricha, odam jamiyat talablariga bo‘ysunishga majbur, biroq bunda Shaxsning tabiiy extiyojlari jamiyat tomonidan qandaydir darajada sun’iy tarzda bostirib turiladi. YA’ni tabiiy extiyojlarning qondirilmasligi qandaydir faoliyat turlari buyicha mashg‘ulotlar bilan almashtiriladi va odamning o‘z-o‘zi bilan doimiy ichki kurashi qay bir darajada niqoblanib, yopib turiladi.

2. Ijtimoiylashgan yunalish vakillari odam biologik mavjudot sifatida dunyoga kelsa xam, o‘z hayoti jarayonida o‘zi muloqotda bo‘lgan ijtimoiy guruhlar ta’sirida asta-sekinlik bilan ijtimoiylashib boradi, deb xisoblaydilar. Shaxsning kamolot darajasi qanchalik past bo‘lsa, unda biologik xususiyatlar, eng avvalo, egalik qilish, vayron qilish, jinsiy mayl kabi tug‘ma his-tuyg‘ular (beixtiyor xarakatlar) shunchalik yorqin, kuchli namoyon bo‘ladi. Bu yo‘nalish vakillarining fikricha, bola - “toza kog‘oz” kabi; uning kamoloti atrof-muxitdagi sharoitlar va ma’rifatga to‘liq bog‘liq bo‘ladi.

3. Bioijtimoiy yo‘nalish vakillari odamda kechadigan psixik jarayonlar (sezgi, idrok, tafakkur biologik tabiatga ega, biroq Shaxsning intilishi, qiziqishi, qobiliyati ijtimoiy hodisa sifatida shakllanadi, deb hisoblaydilar.

## MUHOKAMA VA NATIJALAR

Zamonaviy pedagogika Shaxsni biologik va ijtimoiy jihatlari chambarchas (uzviy) bog‘langan bir butun (yaxlit) mavjudot sifatida qarab chikadi. Shaxs biologiyasidagi o‘zgarishlar nafaqat faoliyat xususiyatlariga, balki hayot (turmush) tarziga ham ta’sir ko‘rsatadi. Shaxs kamolotida muayyan motivlar, qiziqishlar, maqsadlar, ya’ni ijtimoiy

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00563

xayot natijalari hal kiluvchi rol o‘ynaydiki, ular Shaxsning butun kiyofasini belgilab, o‘z-o‘zini rivojlantirish uchun kuch bagishlaydi. YA’ni o‘zidagi jismoniy kamchiliklar va fe’l-atvor xususiyatlarini (tez achchiqlanish, serjaxllik, damduzlik (odamovi) va sh.k.) imkon qadar bartaraf qila oladi.

Shaxs psixologiya fanida asosiy ruxiy tavsiflar (psixik jarayonlar, xolatlar va xususiyatlar) nuqtai nazaridan qarab chiqilsa, pedagogika fanida biologik va ijtimoiy jixatlari uzviy boglangan yaxlit bioijtimoiyi majmui sifatida karab chikiladi. Shaxs kamolotida biologik (irsiy) va ijtimoiy jixatlar chatishib ketadi va ularning birligida ijtimoiy omillarning axamiyati yakkol kurinib turadi.

Shaxsning asosiy vazifasi - jamiyatda shakllangan ijtimoiy tajribani ijodiy o‘zlashtirish va o‘zini ijtimoiy munosabatlar tizimiga kiritishdan iborat. Shaxsning barcha jihatlari (tomonlari) faqat faoliyat va muloqotda namoyon bo‘ladi. Faoliyat va muloqot ijtimoiy hayotning ikki xususiyatini, ya’ni inson hayotining ikki tarzini tashkil qiladi.

Faoliyat - insonning hayot kechirish usuli va mavjudlik shakli bo‘lib, atrofdagi olamni maqsadga muvofiq qayta o‘zgartirishga qaratilgan faolligidir. Faoliyatning asosiy turlari - o‘yin, o‘qish va mexnat faoliyati. Faoliyat turlarining har xil tasniflari mavjud: sotsiologiyada - mehnat, ijtimoiy-siyosiy, badiiy-ijodiy, ilmiy-tadqiqiy faoliyat; pedagogikada - mehnat. o‘qish va o‘yin faoliyati; psixologiyada - ruhiy jarayonlar (sezish, xotirada saqlash va esga tushirish, tafakkur va h.k) bilan bog‘liq faoliyat turlari farqlanadi (1.1-rasm).

Faoliyat odamning mavjudlik usuli va yashash (turmush kechirish. tirikchilik) shakli sifatida:

a. inson hfyoti moddiy shart-sharoitlarining yaratilishini. insonning tabiiy extiyojlari qondirilishini ta’minlaydi;

2) insonning ma’naviy dunyosini rivojlantirish omiliga, uning madaniy ehtiyojlarini qondirish shakli va shartiga aylanadi;

3) Odamning o‘z Shaxsiy imkoniyatlari, hayotiy maqsadlari va muvaffaqiyatlarini ruyobga chiqarish sohasi xisoblanadi;

4) odamning ijtimoiy munosabatlar tizimida o‘zligini namo yon qilishi va ijtimoiy intilishlarini amalga oshirishi uchun shart-sharoitlar yaratadi;

5) ilmiy bilish, uz-uzini bilish va o‘z-o‘zini kamol toptirish manbai va mezoni hisoblanadi;

6) atrofdagi olamni bilish va qayta o‘zgartirishni ta’miplaydi

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00563




**1-rasm. Shaxs kamolotida faoliyat va mulokotning tutgan o‘rin**

Faoliyat faol va sust bo‘lishi mumkin. Faollik, masalan. kilim jarayonida ukuvchiga ijtimoiy tajribani tez va muvaffaqiyatli o‘zlashgirishga imkon beradi, o‘zaro fikr almashinuv bilan bog‘liq bo‘lgan qobiliyatlarini rivojlantiradi, atrofdagi borliqqa munosabatini shakllantiradi. Bilish faolliti bolaning aqliy kamlotini ta’minlaydi. Mehnat faolligi Shaxs ma’naviy va ahloqiy dunyosining tez va

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00563

muvaffaqiyatli shakllanishini rag‘batlantiradi, mehnatga muvaffakiyatli tayyorgarlikni belgilaydi. Faollikning barcha kurinishlari faqat extiyojlarga asoslanadi. Inson extiyojla rining turli-tumanligi faoliyatning xilma-xil turlarini vujudga keltiradi.

O‘quvchilar faoliyatini muvaffaqiyatln tashkil etish uchun bo‘lg‘usi pedagog quyidagilarni bilishi lozim:

1) o‘quvchi faoliyatinnng psixik (ruhiy) tuzilmasi, uning rivojlanish qonuniyatlari;

2) o‘quvchi Shaxsining ehtiyojlari va faoliyat motivlari xususiyatlari;

3) Shaxs kamolotinnng turli (yosh) davrlarida etakchilik qiladigan faoliyat turlari.

Shuningdek, bo‘lg‘usi pedagog quyidagilarni eplay olishi lozim:

1) o‘quvchilar faoliyatini rejalashtira olish: ularning yoshi, o‘ziga xos xususiyatlari, qiziqishlari va imkoniyatlarini hisobga olgan xolda faoliyat ob’ektlari va predmetini aniklash;

2) o‘quvchilarda faoliyat motivlarini shakllantirish va ragbatlantirish;

3) faoliyat tarkibiy qismlarining (maqsadi, uni rejalashtirish, muayyan hatti-harakatlar, amallarni bajarish, o‘z-o‘zini nazorat qilish va baholash) bolalar tomonidan o‘zlashtirilishini ta’minlanish.

## XULOSA VA TAKLIFLAR

Xulosa qilib aytganda Shaxs kamoloti - Shaxsning jismoniy, ruhiy va ma’naviy xususiyatlarida miqdor o‘zgarishlaridan sifat o‘zgarishlariga dialektik o‘tish bilan tavsiflanadigan murakkab, uzoq davom etadigan ziddiyatli jarayon. Shaxs kamoloti psixologiya va pedagogika fanlarining umumilmiy kategoriyasi bo‘lib, psixologiya - Shaxs ruxiy kamolotining qonunlarini izohlab bersa, pedagogika - komil inson va barkamol avlodni shakllantirish maqsadlarini ko‘zlab Shaxs kamolotini boshqarish haqidagi nazariyani yaratadi.

## REFERENCES

1. Asqarova O`. (2005). Педагогикадан амалий машқлар ва масалалар / Ўқув қўлланма.– Тошкент. Истқлол.
2. Choriyev A. (1998). Инсон фалсафаси. Инсон тўғрисидаги фалсафий фикрлартарққиёти. Биринчи китоб.-Т: Chinor ENK,.
3. G’oziyev E. (2010). Психология . – Т: Ўқитувчи.
4. Ismailova Z. (2001). Педагогикадан амалий машғулотлар.- Т.: Фан.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00563

5. Jabbor Eshbekovich Usarov. (2017). Formation Competence at Pupils as the Factor of Increase of Education's Efficiency. Theoretical & Applied Science, 53(9), 79-82.
6. Jabbor Usarov. (2019, June). Using Teaching Methods for Development Pupil Competencies. International Journal of Progressive Sciences and Technologies, 15(1), 272-274.
7. Maratov Temur Gayrat ugli (2019) Scientific theoretical problems of perfect human category in the psychology. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. 7(8). 16-22.
8. Mukhamedov Gafurdjan Isroilovich, & Usarov Djabbar Eshbekovich. (2020). Technologies for the Development of Competencies in Physics in General Secondary Education using Multimedia Resources. International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering, 9(3), 2677-2684.
9. N.J. Eshnaev, TG' Maratov, G Mirzaraximova. (2020). O'zbek milliy kino san'ati va madaniyatida psixoprofilaktik xizmat tizimini joriy etish masalalari. Oriental Art and Culture 03. 156-165.
10. Nortoji Jumaevich Eshnaev. (2021). Ma'naviy-axloqiy muammolarni ilmiy tadqiq etishning o'ziga xos jihatlari. ACADEMIC research in educational sciences. vol.2, no. 2. p. 364-369.
11. Quronov M. (2007). Миллий тарбия. –Т.: Маънавият.
12. Usarov Djabbar Eshkulovich, & Suyarov Kusharbay Tashbaevich. (2020). Developing Pupils' Learning and Research Skills on the Basis of Physical Experiments. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 24(02), 1337-1346.
13. Usarov Jabbor Eshbekovich, Eshnayev Nortoji Jumayevich, and Haydarova Surayyo Abdusalomovna. . (2020) "Defects in scientific research of the problems of spiritual and moral crisis and its solution", IEJRD - International Multidisciplinary Journal, vol. 5, no. 8, p. 6.
14. Usarov Jabbor Eshbekovich, Eshnayev Nortoji Jumayevich, and Kodirov Ikrom Davronovich. (2020) "Problems of formation of learning motives in pupils", IEJRD - International Multidisciplinary Journal, vol. 5, no. 8, p. 6,
15. Ziyomuhamedov B. (1998). Маърифат асослари – T. Chinor ENK.
16. Каджаспирова Г. М (2016). Педагогика в схемах и таблицах: Учебное пособие. –М.: Проспект.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00564

# TANLANMALAR BIR JINSLILIGINI TEKSHIRISH UCHUN NOPARAMETRIK KRITERIYLARDAN FOYDALANIB MATEMATIKA FANINI BOSHQA FANLAR BILAN BOG‘LIQLIGINI TEKSHIRISH

**Dilshodbek G‘ulomjon o'g'li Zaxidov**
Andijon qishloq xo‘jaligi va agrotexnalogiyalar instituti

**Davlatbek Xursanbekovich Iskandarov**
Andijon qishloq xo‘jaligi va agrotexnalogiyalar instituti

## ANNOTATSIYA

Maqolada bog’liq bo‘lmagan tanlanmalarga mos bosh to‘plamlar o‘rta qiymatlari farqlari haqidagi gipotezalarbi tekshirish va tanlanmalar bir jinsliligini tekshirish uchun noparametrik kriyeriylar mavzulari qisqacha bayon qilingan. Shu mavzular yordamida talabalarning matematika va Biologiya fanidan olgan baholari solishtirilganligini ko‘rish mumkin.

**Kalit so‘zlar:** Tanlanma o‘rtacha qiymat $\bar{x}_t$, tanlanma dispersiya $\sigma^2$, $H_0$ gipoteza va unga alternativ bo‘lgan $H_1$ gipoteza, Styudent taqsimoti bo‘yicha kritik nuqta $t_{kr}$, Xi-kvadrat $\chi^2$.

# CHECKING THE RELATIONSHIP OF MATHEMATICS WITH OTHER SCIENCES ON NON-PARAMETRIC CRITERIA FOR CHECKING THE CHOICE

**Dilshodbek G‘ulomjon ogli Zaxidov**
Teacher of Andijan Institute of Agriculture and Agrotechnology

**Davlatbek Xursanbekovich Iskandarov**
Teacher of Andijan Institute of Agriculture and Agrotechnology

## ABSTRACT

The article summarizes the topics of nonparametric tests for testing hypotheses about differences in mean values of common sets corresponding to unrelated samples, and for testing sample homogeneity. You can use these topics to compare student grades in math and biology.

**Keywords:** Sample mean $\bar{x}_t$, sample variance $\sigma^2$, $H_0$ hypothesis and alternative hypothesis $H_1$, Student's critical point $t_{kr}$, Xi-square $\chi^2$.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00564

## KIRISH

Biz maqolani Puassonni matematika to‘g’risida aytgan so‘zlari bilan boshlasak:

Hayotning ikkita bezagi bor: matematika bilan shug’ullanish va o‘qitish.

**Ikki bog‘liqsiz tanlanma uchun xi-kvadrat kriteriysi.**

$X^{(n)}$ va $Y^{(m)}$ tanlanmalar elementlarini guruhlarga taqsimlab olamiz. L orqali guruhlar sonini belgilab, $n_i$ va $m_i$ lar orqali i – guruhga tushgan $X^{(n)}$ va $Y^{(m)}$ tanlanmalarga mos kelgan elementlar sonini belgilab olamiz. U holda $\frac{n_i}{n}$ va $\frac{m_i}{m}$ lar i – guruhga tushgan tanlanma elementlari nisbiy takrorlanishlar sonini anglatadi. Bu yerda

$$\sum_{i=1}^{L} n_i = n, \quad \sum_{i=1}^{L} m_i = m.$$

Ikki tanlanma uchun xi-kvadrat statistikasi

$$X^2_{n,m} = n \cdot m \sum_{i=1}^{L} \frac{\left(\frac{n_i}{n} - \frac{m_i}{m}\right)^2}{n_i + m_i}$$

amaliyotda juda keng qo‘llaniladi va shu sababli uning taqsimoti (xi-kvadrat taqsimot) kritik nuqtalari jadvali ko‘pgina adabiyotlarda keltirilgan. Bu statistika kritikasi nuqtaberilgan qiymatdorlik sathi a va ozodlik darajasi $v = L - 1$ ga qarab jadvaldan tanlanadi.

## ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

**Z-kriteriylar.** Tanlanma normal taqsimotga ega va uning dispersiyasi ma’lumligi tanlanma o‘rta qiymat va bosh to‘plam o‘rta qiymatlarini solishtirishdan iborat. U ikki tanlanmalik bo‘lishiham mumkin.

Agar tanlanmalarning $\bar{S}_1$ va $\bar{S}_2$ – standart og’ishlari ma’lum va ular $\sigma_1^2$ va $\sigma_2^2$ dispersiyalari teng bo’lgan bosh to’plamlardan olingan bo’lsa $H_0$: $\mu_1 = \mu_2$ gipotezani t – kriteriy yordamida tekshirish uchun $\bar{S}_{\bar{x}_1 - \bar{x}_2}$ hisoblab olinadi shundan so’ng $t_{kuz}$ topiladi. Agar $t_{kuz} < t_{kr}$ bo’lsa $H_0$ rad etiladi yoki $t_{kuz} > t_{kr}$ bo’lsa $H_0$ gipoteza qabul qilinadi. Bu yerda:

$$\bar{S}_{\bar{x}_1 - \bar{x}_2} = \bar{S}_p \sqrt{\frac{1}{n_1} + \frac{1}{n_2}} = \sqrt{\left(\frac{(n_1 - 1)S_1^2 + (n_2 - 1)S_2^2}{n_1 + n_2 - 2}\right)\left(\frac{1}{n_1} + \frac{1}{n_2}\right)}$$

$$t_{kuz} = \frac{\bar{x}_1 - \bar{x}_2}{\bar{S}_{\bar{x}_1 - \bar{x}_2}}$$

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00564

## MUHOKAMA VA NATIJALAR

Biz quyida talabalarning matematika fanidan olgan baholari bilan Biologiya fanidan olgan baholari orasidagi ma'lumotlarni ikki hil usulda solishtirib ko'ramiz. [4] Biz 60 nafar talaba o'quvchilarni Matematika va Biologiyadan olgan baholarini quyidagi jadvalda keltiramiz:

| | 5 | 4 | 3 |
|---|---|---|---|
| **Matematika n = 60** | 15 | 31 | 14 |
| **Biologiya m = 60** | 9 | 43 | 8 |

Dastlab ma'lumotlarni ya'ni o'quvchilar bilimlari orasidagi farq deyarli farqlanmasligini ikki bog'liqsiz tanlanma uchun xi-kvadrat kriteriysi yordamida ko'rib chiqamiz:

Tajribada ikkala fandan ham $n = m = 60$ tadan talaba olingan bo'lib, $H_0$ ya'ni ularning bilim darajalari sonli ko'rsatkichlari mos taqsimotlari J va K lar tengligi haqidagi gipotezani ikki tomonlama alternativ $H_1: J \neq K$ gipotezaga nisbatan tekshiramiz.

$$\chi^2_{60;60} = 60^2 \sum_{i=1}^{3} \frac{\left(\frac{n_i}{60} - \frac{m_i}{60}\right)^2}{n_i + m_i} = 3600 \left[ \frac{\left(\frac{15}{60} - \frac{9}{60}\right)^2}{15+9} + \frac{\left(\frac{31}{60} - \frac{43}{60}\right)^2}{31+43} + \frac{\left(\frac{14}{60} - \frac{8}{60}\right)^2}{14+8} \right]$$

$$\approx 5.08$$

Ozodlik darajasi $v = 3 - 1 = 2$. U holda $a = 0.05$ uchun jadvaldan kritik nuqtani topamiz:

$$t_{kr} = \chi^2_{0.05} = 5.99$$

Demak, $\chi^2_{60;60} \approx 5.08 < 5.99$ biz $H_0$ gipotezani qabul qilamiz. Bu esa bizda ma'lum bir fan bo'yicha o'quvchilar bilimlari farqlanadi degan gipoteza $H_1$ni inkor etishga asos bo'ladi.

Endi, ma'lumotlarni Bog'liq bo'lmaga tanlanmalarga mos bosh to'plamlar o'rta qiymatlari farqlari haqidagi gipotezani tekshirishni ko'rib chiqamiz.

Biz avval berilgan ma'lumorlar asosida o'rta qiymatlarni topib olamiz:

$$\bar{x}_1 = \frac{15 \cdot 5 + 31 \cdot 4 + 14 \cdot 3}{60} \approx 4.002$$

$$\bar{x}_2 = \frac{9 \cdot 5 + 43 \cdot 4 + 8 \cdot 3}{60} \approx 4.002$$

Hamda ularga mos standart og'ishlar(chetlanishlar):

$$\bar{S}_1 = \frac{25 \cdot 15 + 16 \cdot 31 + 9 \cdot 14}{60} \approx 16.62$$

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00564

$$\bar{S}_2 = \frac{25 \cdot 9 + 16 \cdot 43 + 9 \cdot 8}{60} \approx 16.42$$

Demak,

$$\bar{S}_{\bar{x}_1 - \bar{x}_2} = \bar{S}_p \sqrt{\frac{1}{n_1} + \frac{1}{n_2}} = \sqrt{\left(\frac{(n_1 - 1)S_1^2 + (n_2 - 1)S_2^2}{n_1 + n_2 - 2}\right)\left(\frac{1}{n_1} + \frac{1}{n_2}\right)}$$

$$= \sqrt{\left(\frac{(60 - 1)16.62^2 + (60 - 1)16.42^2}{60 + 60 - 2}\right)\left(\frac{1}{60} + \frac{1}{60}\right)} \approx 2{,}77$$

Alternativ gipotezani ikki tomonlama qilib tanlaymiz: $H_1: \mu_1 \neq \mu_2$. t – statistikani hisoblaymiz: [3]

$$t_{kuz} = \frac{\bar{x}_1 - \bar{x}_2}{\bar{S}_{\bar{x}_1 - \bar{x}_2}} = \frac{4{,}002 - 4{,}002}{2.77} = 0$$

Kriteriy ikki tomonlamalik va $t_{kuz} = 0 > -1{,}996$. Demak, $H_0$gipoteza qabul qilinadi.

## XULOSA

Biz kelib chiqqan natijalardan hulosa qilib aytishimiz mumkinki talabalarning Matematikadan olgan baholari biologiyadan olgan baholaridan farq qilmas ekan. Ya'ni talaba matematika fanini qanchalik yahshi o'zlashtirsa qolgan fanlarni ham yahshi o'zlashtira oladi degan hulosaga kelishimiz mumkin.

"Matematika shunday tilki – barcha aniq fanlar shu tilda gapiradi" Lobochevskiy.

Biz talabalarga matematikadan bilimlarini oshirishga harakat qilsak o'z-o'zidan boshqa fanlarni o'zlashtirish darajasi ham oshib boradi.

"Agar matematika go'zal bo'lmaganda edi, ehtimol matematikaning o'zi ham mavjud bo'lmasdi. Aks holda qanday kuch, insoniyatning buyuk daholarini bu qiyin fanga torta olardi" Chaykovskiy.

"Kim matematikani bilmasa, haqiqatni bilmaydi. Kim uni tushunmasa zulmatta yashaydi"Rene Dekart.

## REFERENCES

1. Кретов М. В. Применение линейных моделей регрессии в дорожном строительстве // Вестник БФУ. Серия: Физико-математические и технические науки. 2007. №10.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00564

2. DG Zakhidov, DK Iskandarov – “Computer Data Analysis and Modeling: Stochastics and Data Science”, 335-336 p. 2019.
3. DG Zakhidov, DK Iskandarov – “Applied Methods of Statistical Analysis. Statistical Computation and Simulation-AMSA'2019”, 102-104 p. 2019
4. Zaxidov D. G‘., Xursanbekovich, I. D. (2020). ALOMATLAR YORDAMIDA NORMALLIKKA TEKSHIRISH MASALASI. INTERNATIONAL JOURNAL OF DISCOURSE ON INNOVATION, INTEGRATION AND EDUCATION, 1(5), p.19-22
5. Zaxidov D. G‘, Xolmurodov F. M. (2020). QISHLOQ XO‘JALIGI JARAYONLARIDA CHIZIQLI REGRESSIYA MODELLARINI QO‘LLASH. POLISH SCIENCE JOURNAL, 11(32), p.235-238

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00565

# INTERNET INFLUENCE ON WORLDVIEW OF YOUTH

**Ugiljan Batirovna Khudaiberganova**
Candidate of Pedagogical Sciences, Associate Professor,
Urgench State University
E-mail: hugilzon@gmail.ru

**Anakhan Bahramovna Abdalova**
1st year student in Biology, Urgench State University

## ABSTRACT

The aim of this article is to view the Internet influence on worldview of modern youth and to determinate its place in the process of communication. The Internet is an increasingly important part of everyday life for people around the world. But if you've never used the Internet before, all of this new information might feel a bit confusing at first. Throughout this tutorial, we'll try to answer some basic questions you may have about the Internet and how it's used. When you're done, you'll have a good understanding of how the Internet works, how to connect to the Internet, and how to browse the Web.

**Keywords:** vale ology; influence of the Internet; communication; socialization; modern youth; worldview; advantages and disadvantages of the Internet.

## INTRODUCTION

The Internet is quite a strong effect on everyone, especially teenagers. Modern schoolchildren believe that they can no longer study without the Internet. To study this issue, a sociological survey was conducted among students of several classes of our gymnasium.

We learned what the Internet is quite a long time ago. Yes, of course, the Internet is the greatest and most amazing invention of the last century, with the help of which humanity made a huge leap into the future, gave an incentive to progress. The Internet simplifies our lives, opens up more and more opportunities for us. It is also a great help in your studies and work. Now you can get any information you need on a given topic at a moment's notice, and get in touch with anyone in the world in a matter of seconds. The Internet is a great discovery that gives us great opportunities. But as I became more familiar with the Internet, I realized that not everything that seems good is good. I think many people will agree with me that there

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00565

is a lot of information on the Internet that cannot be read or even seen, especially by the younger generation! Children stop reading books, the circle of communication of teenagers is reduced: they are limited to virtual communication in chat rooms and forums, young people are rapidly growing aggressiveness, which is caused by excessive and sometimes painful passion for computer games. All this leads to a gradual degradation of the individual.

What is the Internet? "The Internet is a global computer network that provides huge freedoms to users" - one of the official formulations. The Internet is a computer network also known as the "world wide web". You no longer need to go to the cinema, to a concert of your favorite band, to linger in the library, to bother shopping, you can get all the information you need without leaving the screen of Your monitor.

For many teenagers, the Internet is a means of entertainment, and only then a source of knowledge and an assistant in their studies. Very few teenagers use computers and the Internet for educational purposes. By participating in virtual communities, children can easily communicate, find new acquaintances, and exchange information.

## METHODS AND MATERIALS

Ушбу тамойилга мувофиқ тўғриловчи амалларни қўллаш тартибини ишлаб чиқиш ва уни қўллаш учун жавобгарларни қайд этиш зарур.

- HACCP тизими ҳаққоний ишлашини тасдиқловчи верификатлаш (текшириш) процедурасини ишлаб чиқиш. Тўғриловчи амаллар ва технологик операцияларни ҳужжатлаштириш ва юритиш учун жавобгарларни тайинлаш лозим. Бундан ташқари HACCP тизимининг самарадорлигини тасдиқлаш имкониятини берувчи текшириш процедурасини ишлаб чиқиш керак.

Ушбу тамойилларга тааллуқли барча процедуралар ва ёзувларни тасдиқлаш ва уларни қўллаш. Параметрларнинг юқори қийматидан ихтиёрий оғишлар бўйича ҳаққоний тўғриловчи амалларни қўллаш тўғрисидаги ва HACCP тизимининг ишлаши назорат остидалиги тўғрисидаги ёзувларни юритиш. Бундай ҳужжатли расмийлаштириш хавфсиз маҳсулот ишлаб чиқаришни далолатлаш бўлиб ҳисобланади.

Global GAP стандартини жорий қилиш қуйидаги босқичларидан иборат:

- маҳсулот етиштирувчи хўжаликнинг холати таҳлили. GlobalGAP талабларига мувофиқликка дастлабки аудит ўтказиш.

- Global GAP стандарти талабларига мувофиқ дастлабки аудитни ўтказиш.

- хўжалик ишчиларини Global GAP талаблари билан таништириш учун – таништирув/ўқув семинарини ўтказиш. Global GAPни жорий қилиш бўйича дастурлар ишлаб чиқиш.

- стандарт талабларига мувофиқ зарур хужжатлар тизимини жорий қилиш.

- етиштириш жараёнида юз бериши мумкин бўлган хавфни ҳамда уларни юзага келишини олдини олувчи (гигиеник, экологик, кимёвий, биологик, физикавий ва х.к) усулларни аниқлаш ва баҳолаш.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00570

- етиштиришнинг барча жабҳаларидаги зарур агротехник тадбирлар босқичларини рўйхатга олиш тизимларини жорий қилиш.

- фермер хўжалик худудида Global GAP талабларига мувофиқ сифат тизимини жорий қилиш ишларини ташкиллаштиришда маслаҳат хизматларини кўрсатиш.

- Global GAP талабларига мувофиқ меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари, экологик хавфсизлик ва ишлаб чиқаришда санитария меъёр қоидаларини жорий қилишда маслаҳатлар бериш.

- идентификатлаштириш ва кузатиш тизимини ишлаб чиқиш, маҳсулотга берилган баҳо бўйича процедураларни жорий қилиш.

- Global GAP талабларига мувофиқ ички аудит ўтказиш.

- Global GAP бўйича Сертификатлаштириш идорасига ариза бериш, мустақил сертификатлаштириш идораси томонидан сертификатлаштириш аудити ўтказиш даврида маслаҳат кўрсатиш.

Барча босқичларда ходимлар ўқитилади. Маҳсулот сифати ва хавфсизлигини назорат қилишнинг муқаддам қабул қилинган тизими етарли даражада самара бермаганлиги сабабли тайёр маҳсулотга эмас балки, маҳсулот етиштириш технологиясини сертификатлаштиришнинг тан олинган янги Global GAP сертификатлаштириш тизими ишлаб чиқилди. Бу тизим маҳсулотларда зарарли кимёвий моддалар йиғилиши ҳамда уларни микробиологик ва механик ифлосланишдан ҳимоялаш шароитларини яратади.

Global GAP сертификати - аниқ бир қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштириш даврида сифат ва хавфсизик бўйича ўрнатилган барча талаб ва тавсияларни тўлиқ бажарилганлиги кафолати ҳисобланади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00570

Global GAP сертификатлаштириш жараёнида қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштириш давридаги барча агротехнологиялар устидан тўлиқ текширишни назарда тутилади. Маҳсулотни етиштириш агротехнологиясига қуйидагилар киради:

- тупроқ;
- уруғ/кўчатларга оид материаллар;
- ўғитлаш тизими;
- суғориш;
- ўсимликларни ҳимоя қилишни интеграллашган тизими;
- ҳосилни йиғиштириш;
- йиғим-теримдан кейинги ишни якунлаш;
- маҳсулотни сақлаш;
- ходимларни малакаси;
- меҳнат гигиенаси ва техника хавфсизлиги;
- техника ҳолати;
- маҳсулотни кузатиш;
- атроф муҳитни муҳофазалаш.

Халқаро амалиёт тажрибаси Global GAP сертификатлаштириш тизимига ўтишни афзалликларини тасдиқлаб, озиқ-овқат хавфсизлигининг ишончли даражада ошгани ҳамда маҳсулот соҳталаштирилиши хавфи пасайишини кўрсатди, шунингдек мувофиқликни тасдиқлаш жараёнига йўналтирилган сарф харажатларнинг камайиши таъминланади.

Ушбу тизим халқаро ҳамжамиятда сифатни таъминловчи ягона умумлашган
тизимни киритишга, маҳсулотнинг бутун ҳаракатланиш йўлини қамраб олишни таъминлашга, кўп марта такрорланувчи сифат аудитини олдини олишга, сохталаштириш имкониятини йўқ қилишга ва истеъмолчиларнинг ўсиб борувчи талабларини қондириш даражасини оширишга ёрдам беради. Дунё бўйича Global GAP стандартини жорий қилиш орқали сертификат олган ташкилотлар сони йил сайин ўсиб бормоқда.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигига етиштириш давридаги турли хил салбий омилларни таъсир кўрсатишини ҳисобга олган ҳолда дунёнинг 100 дан ортиқ давлатларида Global GAP стандарти қўлланиб келинмоқда. Ушбу давлатларнинг аксариятида мазкур стандартни жорий қилиш бўйича миллий техник ишчи гуруҳ тузилиб, Global GAP асосидаги миллий стандартлар қабул қилинган. Масалан, Chile GAP –

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00570

Чили миллий стандарти, AMAGAP – Австралия миллий стандарти, QS-GAP – Германия миллий стандарти, New Zealand - Янги Зелландия миллий стандарти, JGAP - Япония миллий стандарти, China GAP – Хтой миллий стандарти ва бошқалар.

## ХУЛОСА

Ҳозирги пайтда республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш даврида агротехник тадбирларнинг сифати ва хавфсизлигини таъминловчи халқаро даражада тан олинган ёки уйғунлаштирилган меъёрий хужжатлар мавжуд эмас.

Бу ҳолат халқаро (Европа) бозорларда истеъмолчилар томонидан Global GAP сертификати талаб этилаётган даврда, ушбу стандарт республикамиз фермер хўжаликларининг эътиборидан четда қолиши қишлоқ хўжалик маҳсулотларимизни халқаро бозорларда ўз ўрнига эга бўлишда тўсиқларни юзага келтириши мумкин.

Ҳозирги вақтда Юртимизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари
экспорти, сифати ва рақобатбардошлигини ошириш, шунингдек савдодаги техник тўсиқларни бартараф этиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда Global GAP стандартини жорий қилиш ва уни асосида маҳсулотларни сертификатлаш жараёнлари ва экспорт қилинаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг сифатини халқаро талабларга мувофиқ самарали назорат қилиш масалаларини ҳал этишда бир қатор қийинчиликлар мавжуд. Масалан, халқаро талабларга жавоб берадиган синов марказлари ва лабораториялар етишмаслиги, Global GAP стандарти бўйича сертификатлаштириш идорасини йўқлиги ва малакали мутахассисларни етишмаслиги ва бошқалар.

Демак, республикамиз қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган маҳсулотларининг халқаро бозорларида мустаҳкам ўрин эгаллаши учун қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирувчиларнинг Global GAP тизими бўйича сертификатлаштирилиши мақсадга мувофиқ.

## REFERENCES

1. Ўзбекистон республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2019 йил 14 мартдаги “Ўзстандарт агентлиги ҳузуридаги стандартлаштириш, сертификатлаш ва техник жиҳатдан тартибга солиш илмий-тадқиқот институти фаолиятини

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00570

ташкил этиш тўғрисидаги”ги 220-сонли қарори (1-4 илова)

2. Абдувалиев А.А., “Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш” Дарслик “Шарқ” 2018. 607-Б.

3. Парпиев М.П., Назаров А.М. “Стандартлаштириш асослари”. Ўқув қўлланма. –Тошкент: ТДАУ, 2020. 78 б.

4. Буриев Х., Жураев Р., Алимов О. Мева-сабзавотларни саклаш ва уларга дастлабки ишлов бериш. Т.: «Мехнат», 2002.

5.Орипов Р.О. ва бош. Кишлок хужалиги маҳсулотларини саклаш ва кайта ишлаш технологияси. Т.: «Мехнат», 1991.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00571

# BOSHLANG'ICH SINF O'QISH DARSLARIDA SINFDAN TASHQARI ISHLARNI TASHKIL ETISH

**Samaridin Barakayevich Qorayev**
Chirchiq davlat pedagogika instituti dotsenti
qoraevsamariddin1973@gmail.com

**Marjan Smatillayevna Janbayeva**
Chirchiq davlat pedagogika institute magistranti
janbayevamarjan@gmail.com

## ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada umumiy o’rta ta’lim maktablarining boshlang’ich sinf o’quvchilarining o’qish darslarida sinfdan tashqari ishlarni tashkil etish haqida fikr yuritilgan.

**Kalit so’zlar:** maktabdan va sinfdan tashqari ishlar metodikasi, xorijiy tajribalar, mustaqil ishlar,o’qituvchi, o’quvchi.

# ORGANIZATION OF EXTRACURRICULAR ACTIVITIES IN PRIMARY SCHOOL CLASSES

**Samaridin Barakayevich Korayev**
Associate Professor of Chirchik State Pedagogical Institute
qoraevsamariddin1973@gmail.com

**Marjan Smatillayevna Janbayeva**
Master of Chirchik State Pedagogical Institute
janbayevamarjan@gmail.com

## ABSTRACT

This article outlines the extracurricular activities of primary school students in general education classes, as well as the work that needs to be done in this regard.

**Keywords:** methods of extracurricular and extracurricular activities, foreign experience, independent work, teacher, student.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00571

## KIRISH

Ijtimoiy jamiyat taraqqiyoti, xususan, milliy istiqlol g‘oyalarining hayotimizga tobora chuqur ildiz otib borishi ta’lim tizimidagi islohotlarning ham mazmunini boyitmoqda. Ta’lim jarayonida o‘qitishning tajribada sinovlardan o‘tgan shakl va usullari boyitilib, zarurat bo‘lganda, yangilanib amaliyotga tadbiq qilinmoqda. Bu boradagi davlat siyosati ham uzluksiz ta’lim vositasida ma’naviy – axloqiy jihatdan tarbiyalangan har tomonlama barkamol shaxsni shakllantirishni nazarda tutadi. Uning nechog‘li to‘g‘ri amalga oshirilishi ko‘p jihatdan boshlang‘ich ta’lim tizimining samaradorligiga bog‘liq.

Boshlang‘ich ta’lim uzluksiz ta’limning eng muhim bo‘g‘inidir. “O‘zbekiston Respublikasida umumiy o‘rta ta’lim to‘g‘risida“ gi Nizomda ta’kidlanganidek: “Boshlang‘ich ta’lim o‘qish, yozish, sanash, o‘quv faoliyatining asosiy malaka va ko‘nikmalari, ijodiy fikrlash, o‘zini-o‘zi nazorat qilish uquvi, nutq va xulq-atvor madaniyati, shaxsiy gigiena va sog‘lom turmush tarzi asoslarining egallab olinishi ta’minlashga da’vat etilgan”[1]. Shu asosga ko‘ra, boshlang‘ich sinflarda o‘quvchilarning umummadaniy va axloqiy ko‘nikmalari, dastlabki savodxonlik malakalari shakllantirilishi lozim. Boshlang‘ich ta’lim jarayoni bolaning mantiqiy tafakkur qila olish salohiyati, aqliy rivojlanishi, dunyoqarashi, kommunikativ savodxonligi va o‘z-o‘zini anglash salohiyatini shakllantirishga, jismonan sog‘lom bo‘lishga moddiy borliq go‘zalliklarini his eta olishga, go‘zallik va nafosatdan zavqlana olish, milliy urf-odatlarni o‘zida singdirish va ardoqlash, ularga rioya qilishga o‘rgatadi. Bunda boshlang‘ich sinflardagi sinfdan tashqari darslarning ham alohida o‘rni bor. Boshlang‘ich ta’limda sinfdan tashqari o‘qish ham sinfda o‘qish kabi o‘quvchilarni erkin fikrlashga o‘rgatish va mustaqil mutolaaga rag‘bat uyg‘otishga ko‘ra alohida ahamiyat kasb etadi.

Respublikamizda joriy yilda O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoev tashabbusi bilan yoshlarga e’tiborni kuchaytirish, yosh avlodni madaniyat, san’at, jismoniy tarbiya va sportga keng jalb etish, ularda axborot texnologiyalaridan to‘g‘ri foydalanish ko‘nikmasini shakllantirish, yoshlar o‘rtasida kitobxonlikni targ‘ib qilish, xotin-qizlar bandligini ta’minlash yuzasidan 5 ta muhim tashabbus ilgari surildi [2]. Shu ma’noda ana besh muhim tashabbuslardan biri - yoshlar o‘rtasida kitobxonlikni targ‘ib qilish, ularda kitobxonlik madaniyatini shakllantirishda sinfdan tashqari o‘qish darslari ham muhim vosita bo‘lib xizmat qiladi.

Sinfdan tashqari o‘qish darslari yosh avlod qalbida ezgulikka muhabbat, yovuzlikka nafrat tuyg‘ularini uyg‘otish, matn mazmunini qayta hikoyalash, ma’lum

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00571

reja asosida qisqartirib yoki shaxsini o‘zgartirib hikoyalash, badiiy tasvir vositalarini aniqlash, asar qahramonlarining fe’l-atvorini, xatti–harakatini baholash orqali ularning bog‘lanishli nutqini o‘stirish, qisqa qilib aytganda, kitobxonlik madaniyatini kamol toptirishda katta imkoniyatlarga ega.

## ADABIYOTLARNING TAHLILI VA METODOLOGIYA

Komil insonni tarbiyalashda sinfdan tashqari tarbiyaviy ishlarni amalga oshirishning nazariy va amaliy g’oyalarining asoslash, sharhlash hamda sinfdan va maktabdan tashqari ishlarni tashkil etishda kasbiy mahoratni oshirishga xizmat qiluvchi samarali shakl, metod va vositalarning aniqlanganligi, shuningdek, komil insonni tarbiyalashda tarbiyaviy ishlarning amalga oshirish texnologiyasining ishlab chiqish.

O‘quvchilarning erishgan yutuqlarini o‘rganishda barcha o‘quvchilardan emas, balki ushbu qatlamning vakillari sifatida tanlab olingan o‘quvchilardan obyektiv testlarni o‘tkazish orqali baholanadi. Shuningdek, maktab direktorlari, o‘qituvchilar, o‘quvchilar, hattoki ota-onalardan so‘rovnomalar o‘tkazilib, maktabdagi ta’lim sifatiga ta’sir ko‘rsatuvchi omillar, jumladan, maktab resurslari, o‘quvchilarning ta’lim olishga oid qarashlari, o‘qitish usullari hamda uy sharoitida o‘quvchilarning bilim olishi qanchalik darajada qo‘llab-quvvatlanayotganligiga doir qimmatli ma’lumotlar to‘planadi.

O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi, O‘zbekiston Respublikasining “Ta’lim to‘g‘risida”gi hamda ―Kadrlar tayyorlash milliy dasturi, xalq ta’limi sohasiga oid rasmiy hujjatlar Prezidentimiz Sh.Mirziyoyevning “Barkomol avlod” to‘g‘risidagi ilmiy nazariy ta’limotlari. Sharq mutafakkirlari asarlari shuningdek pedagogika nazaryasi rivojlanishida faoliyat ko‘rsatayotgan O‘zbekiston olimlari va pedagoglari N.Azizxodjayeva, M.Inomova, O.Musurmonova, U.Mahkamov, S.Ochil, I.Saidahmedov, N.Ortiqov, A.R.Xodjaboyev va boshqalarning ilmiy g‘oyalaridan nazariy asos sifatida foydalanadi

## MUHOKAMA VA NATIJALAR

Har bir sinfda ta’limni differensiyalashga kuchli e’tibor berilishi zarur, bu borada aksariyat birinchi sinf o‘quvchilarining muvafaqqiyatli boshlash uchun zarur bo‘lgan ko‘nikmalarga ega bo‘lmagan maktablarga alohida e’tibor berilishi lozim.

Boshlang’ich ta’lim tizimi oldidagi ustuvor vazifalar sifatida esa ta’lim jarayonida turli xil matnlardan foydalanishni ta’minlash zarur: yaxlit, yaxlit bo‘lmagan, murakkab (ko‘plik), turli xil matnlarni o‘qish uchun turli strategiyalarni

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00571

ishlab chiqish, tushunib o‘qishni shakllantirish va baholashning turli shakllaridan foydalanish (qog‘oz va kompyuter shakllari) kabi vazifalar qo’yilgan.

O‘qish tezligini nazorat qilishdan ko‘ra tushunib o‘qishga urg‘u berish kuzatildi. O‘qish savodxonligi funksional savodxonlikning integrativ komponenti sifatida anglatmoqda. Rossiyada bu davlat hujjatlari darajasida qayd etilgan (FDAS UBT 2009-y.) Matematik, lingvistik, tarixiy, tabiiy-ilmiy va ma’lumotnomalarni o‘qishni o‘rgatishda o‘ziga xoslik ishlab chiqarilmoqda[3].

## XULOSA VA TAKLIFLAR

Sinfdan tashqari o‘qish o‘quvchilarning mustaqil faoliyati asosida uyushtiriladi [4]. Bu esa, bir tomondan, o‘quvchilarning yosh xususiyatlarini, qiziqishlari doirasini, ikkinchi tomondan, o‘qishga tavsiya qilinadigan asarlarning dastur mavzusiga mosligi va badiiy barkamolligini alohida inobatga olishni taqozo etadi. Shuningdek, sinfdan tashqari o‘qish jarayonida nutq o‘stirish ishlariga alohida e’tibor beriladi. Chunki unda qo‘llaniladigan turli usullar: matnni ifodali o‘qish, rollarga bo‘lib o‘qish, tanlab o‘qish, yod olish, asar mazmuni yuzasidan reja tuzish va shu asosda qayta hikoyalash, qisqartirib hikoyalash, shaxsini o‘zgartirib hikoyalash, asar mavzusini aniqlash, qahramonlarning fe’l-avorini tavsiflash va hokazolar o‘quvchilarning og‘zaki nutqini o‘stirishda muhim ahamiyat kasb etadi.

Sinfdan tashqari o‘qish darslarida xalq og‘zaki ijodi (ertak, maqol, topishmoq) ni o‘qib-o‘rganish, badiiy asarni tahlil qilish orqali og‘zaki nutqni o‘stirishning muhim omillaridan hisoblanadi[5].

Yuqoridagilarning barchasida o‘quvchilarning o‘qish malakalari shakllantiriladi, o‘qilgan asarni tushunishga o‘rgatadi, ularning so‘z boyligini oshirib, lug‘atini boyitadi. Sinfdan tashqari o‘qish, o‘z navbatida, qiziqarli, o‘ziga jalb etadigan faoliyat bo‘lib, umuman, bolalarning bilim doirasini boyitadi, qiyoslash uchun material beradi. Shuningdek, sinfdan tashqari o‘qish darslarida ayrim qiyin so‘zlar tushintiriladi, o‘quvchilar diqqati esda saqlab qolish lozim bo‘lgan aniq, qulay nutq oborotlariga qaratiladi.

Barcha qiyin so‘zlarni tushuntirish imkoni bo‘lmagani uchun bolalar tegishli bet tagida berilgan ayrim so‘zlar izohini o‘qishga o‘rgatiladi. Shu tariqa ularning lug‘at boyligi yangi so‘zlar bilan boyib boradi.

## REFERENCES

1. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “Xalq ta’limi tizimida ta’lim sifatini baholash sohasidagi xalqaro tadqiqotlarni tashkil etish chora-tadbirlari to‘g‘risida” 2018-yil 8-dekabrdagi 997-sonli qarori.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00571

2.O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 29-apreldagi «O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida»gi PF-5712-sonli farmoni.
3. Sidorova Galina Aleksandrovna, “Xalqaro tadqiqotlarda ishtirok etish – inson kapitalini rivojlantirish omilidir” mavzusidagi xalqaro vebinar. Rossiya, 2020 y.
4. Qurbonova M.F. Mustaqil ishlarni tashkil etish asosida boshlang`ich sinf o`quvchilarini o`quv-bilish kompetensiyalarini shakllantirishga yo`naltirilgan metodlar. Xalq ta`limi, 2020. 3- maxsus son, 37-43 bet.
5. Kuznetsova Marina Ivanovna, “ PIRLS 2021 xalqaro solishtirma tadqiqoti doirasida o’qish savodxonligini shakllantirishning o’ziga xos xususiyatlari”. 2021 y.
6. http://www.markaz.tdi.uz

ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 4 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00572

# ТАЪЛИМНИНГ ИННОВАЦИОН КЛАСТЕРИДА ДУАЛ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ АСОСЛАРИ

**Шахноза Мирзаахмадовна Мирзарахмонова**
Тошкент вилояти Чирчиқ давалат педагогика институти магистранти

## АННОТАЦИЯ

Мақолада таълимнинг инновацион кластерида таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси орқали ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш, ўқув жараёнида амалий фаолият билан шуғулланиш орқали таълим сифатини ошириш ҳақида сўз боради.

**Калит сўзлар:** таъли тизими, имконият, дуаллик, амалиёт, интеграция, технология, жараён, ўқувчи, касб, субъект.

# FUNDAMENTALS OF THE ORGANIZATION OF DUAL EDUCATION IN THE INNOVATIVE CLUSTER OF EDUCATION

**Shakhnoza Mirzaakhmadovna Mirzarakhmonova**
Master student of Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

## ABSTRACT

The article examines the professional orientation of students through the integration of education and production into the innovative cluster of education, improving the quality of education through practical activities in the educational process.

**Keywords:** learning system, opportunity, duality, practice, integration, technology, process, reader, profession, subject.

## КИРИШ

Мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиёти олиб борилаётган таълим ислоҳатларининг такомиллашиб боришига боғлиқ. Бугунги кунда таълим ислоҳатларининг жаҳон тажрибаларига таянган ҳолда олиб борилиши, келгусида таълим сифатининг ошишига хизмат қилади. Президентимизнинг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида “Жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳалари шиддат билан ривожланаётгани ислоҳотларни мамлакатимизнинг жаҳон цивилизацияси етакчилари қаторига кириш йўлида

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00572

тез ва сифатли илгарилашини таъминлайдиган замонавий инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларга асосланган ҳолда амалга оширишни тақозо этади” деб алоҳида таъкидланган[1]. Ҳаракатлар стратегиясида меҳнат бозори мутаносиблигини ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш, меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини тўлиқ амалга ошириш учун шароитлар яратиш, ишчи кучи сифатини яхшилаш, ишга муҳтож шахсларни касбга тайёрлаш тизимини кенгайтириш вазифалари белгиланган.

## МЕТОДОЛОГИЯ

Касб-ҳунар таълими тизимининг ҳозирги ривожланиш босқичининг энг муҳим жиҳати - бу *бир томондан*, касб-ҳунар таълими тизимининг таркибидаги ўзгаришларни, *иккинчидан*, касб-ҳунар таълими тизимининг ўзаро таъсир жараёнларини акс эттирадиган интеграцион жараёнлардир. Айнан касб-ҳунар таълими тизимига янгича ёндашиш келажакдаги юқори малакали мутахассисларни сифатли тайёрлашни таъминлайди[4].

Мамлакатимизда юқори технологияли саноат талабларига жавоб берадиган ишчиларни тайёрлаш орқали ҳудудларининг инвестиция жозибадорлиги ва рақобатбардошлигини ошириш воситаларидан бири бу икки томонлама ўқитиш тизимидир.

*Дуаллик "иккилик", "битта ташкилий яхлитлик*" маъносини англатади. Ушбу таълим шакли ижтимоий шерикликнинг маҳсули сифатида пайдо бўлди, бу меҳнат бозори талабларига мувофиқ юқори малакали кадрларни тайёрлаш бўйича давлат ва иш берувчилар ўртасидаги яқин ҳамкорлик механизми ҳисобланади.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Дуал таълим тизимининг афзаллиги мутахассисларни тайёрлаш учун ўқув ва ишлаб чиқариш соҳаларининг ўзаро алоқасида муҳим ўрин даражадаги амалий йўналиш ва натижада битирувчиларнинг бандлигини таъминлайди[5].

Дуал таълим тизимининг самарали натижа бериши ва хозирги кунда бозор иқтисодиётидан келиб чиқиб мехнат бозорига сифатли кадрларни етказиб бериш охирги йилларда юртимизда муҳим вазифалардан бири бўлиб келмоқда.

Шу ўринда “Таълим тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ёшларнинг касблар ва мутахассисликларни эгаллашга бўлган қизиқишларини қуллаб-қувватлаш учун кенг имкониятлар яратиш ҳамда профессионал таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш мақсадида

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00572

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 март №163 сонли “Профессионал таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш чора-тадбирлари хақида “ ги қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ, 2021/2022 ўқув йилидан профессионал таълим тизимида дуал таълим ташкил этилади. Дуал таълим – бу таълимни ўз йўналишига мос ташкилотда меҳнат қилиш билан бирга олиб борувчи тизимдир[2].

Дуал таълимни ташкил этиш учун ҳокимликлар ва манфаатдор вазирликлар томонидан ўрта бўғин кадрларига бўлган эҳтиёж аниқланади ва таклиф тайёрланади. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳар йили 1 июлгача дуал таълим бўйича кадрлар тайёрланадиган таълим муассасаларини белгилайди. Танланган таълим муассасалари белгиланган квоталар бўйича ўқувчиларни қабул қилади. Таълим муассасалари кадрларга эҳтиёжи бўлган ташкилотлар билан шартнома тузади. Шартнома ташкилот ва ўқувчи ўртасида ҳам тузилади. Бунда ўқувчи учун ташкилотда муайян иш ўрни ажратилади.Ўқувчилар бир ҳафтада камида икки кун таълим олади қолган кунлар ишлайди. Ўқувчига ишлаган кунлари учун иш ҳақи тўланади.

Ўқувчилар учун дуал таълим - бу билим олиш учун ажойиб имконият барқарорлик ва келажакка ишонч. Ушбу тизим таълим олувчиларнинг касбий ва меҳнат фаолиятига мослашишларида муҳим ўрин тутади. Шунингдек, ўқувчиларда касбий масъулият ва жавобгарлик ҳиссини ошириб, меҳнат жамоасига осон мослашиш имконини беради. Таълим муассасаларида ўқувчилар ишлаб чиқариш тўғрисида фақат назарий тушунчаларга эга бўлиб, кейинчалик меҳнат фаолиятига амалий мослашишлари қийин кечади. Шундай қилиб ҳамкорликдаги икки томонлама таълим ўқувчиларни келгусидаги муваффақиятлари учун таянч нуқтаси бўлиб хизмат қилади. Дуал таълимни касб-ҳунар таълими ташкилотларининг ўқув жараёнига жорий этиш уларнинг истиқболли келажаги учун қўйилдиган энг муҳим қадам саналади[3].

Бунда, мустақил фаолият кўрсатувчи корхона (ташкилот)лар дуал таълим жорий этиш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига таклиф киритишлари мумкин.

Дуал таълим ташкил этиладиган профессионал таълим муассасалари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан белгиланади. Дуал таълим ташкил этилиши кўзда тутилаётган таълим муассасалари имкониятлари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан белгиланган экспертлар иштирокида ўрганилиши мумкин.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00572

Кундузги, кечки ва сиртқи таълим шаклида таълим олаётган ўқувчилар дуал таълимга ўқишини кўчириш тақиқланади. Шунингдек, Таълим муассасаси ва корхона (ташкилот) ўртасида ёки корхона (ташкилот) ва ўқувчи (лар) ўртасида тузилган шартнома бекор қилинганда ўқувчи(лар) ўқиши мос таълим даражасидаги кундузги таълим шаклига ўтказилади. Дуал таълимда ўқувчилар тўлов-контракт ёки давлат буюртмаси бўйича давлат гранти асосида таълим олишлари мумкин. Тўлов-контракт миқдори тизимида Таълим муассасалари мавжуд бўлган вазирлик ва идоралар томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади.

## ХУЛОСА

Лойиҳада билдирилишича, дуал таълимни ташкил этишнинг мақсад – Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш, йирик ва кичик бизнес субъектларида аҳоли, айниқса ёшлар ва хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда камбағалликни қисқартириш учун меҳнат фаолияти билан таълимни уйғунлашган ҳолда ташкил этиш орқали малакали кадрлар тайёрлаш ҳисобланади.

Маълумот учун: Дуал таълим – таълим дастурининг назарий, ўқув-амалий қисми профессионал таълим муассасасида, малака ҳамда компетенцияларни шакллантириш бўйича ишлаб чиқариш билан боғлиқ амалий қисм корхона (ташкилот)да ташкил этиладиган ўқитиш тури;

Дуал таълим дастури эса таълим муассасаси ва корхона (ташкилот)да битирувчига муайян касб ёки мутахассислик бўйича касбий фаолиятни малакали бажаришга қаратилган профессионал таълим тайёргарлигининг асосий мазмунини белгиловчи таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режа, ўқув дастур (модул)лари, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиёти дастурларидан иборат ҳужжатлар тўпламидир.

## REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони.
2. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 март №163 сонли “Профессионал таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш чора-тадбирлари хақида “ ги қарори.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00572

3. Синицын Ю. Н. Дуальное обучение как часть постиндустриального образования. “Дуальное образование: опыт, проблемы, переспективы” Всероссийский научно практическая конференция. Кроснадар 2019 г. Ст 6-11.
4. Karaev S.B. Improvement of Vocational Training of Pupils in Secondary Schools International Journal of Psychosocial Rehabilitation, Vol. 24, Issue 01, 2020 ISSN: 1475-7192 1734-1742 page.
5. Терещенкова Е.В. Дуальная система образования как основа подготовки специалистов // Научно-методический электронный журнал «Концепт». – 2014. – № 4 (апрель). – С. 41–45.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00573

# ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ ЁДГОРЛИКЛАРИНИ КРЕАТИВ ЎРГАНИШГА ҚАРАТИЛГАН СИНФДАН ТАШҚАРИ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

**М. А. Тилакова**
Жиззах ВПХКТМОХМ “Педагогика ва психология, таълим технологиялари кафедра мудири”, п.ф.ф.д (PhD)

**А. Мелибоев**
Жиззах ВПХКТМОХМ дотценти

## АННОТАЦИЯ

Ўқув жараёнида миллий-маданий мерос идрок қилинибгина қолмай, интеллектуал-ижодий нуқтаи назардан ўрганилиши зарур. Чунки интеллектуал-ижодий креатив идрок қилиш ва уни ижодий фаолият жараёнига жорий этишни, зарур коммуникатив муносабатларни амалга татбиқ қилишни синфдан ташқари шароитларда тўлиқ амалга ошириш мумкин.

**Калит сўзлар:** Креативлик, маданий мерос, интеллектуал-ижодий маҳсулот, қобилиятни ривожлантириш, дидактик шарт-шароитлар.

# THE CONTENT OF EXTRACURRICULAR ACTIVITIES AIMED AT THE CREATIVE STUDY OF HISTORICAL AND CULTURAL MONUMENTS OF UZBEKISTAN

## ABSTRACT

The educational process should be studied not only from the point of view of national cultural heritage, but also from the intellectual and creative point of view, because intellectual creative perception and its introduction into the process of creative activity, the implementation of the necessary communicative relations can be fully realized in the extracurricular environment.

**Keywords**: original, creative, initiative, constructive, innovative, yeducation, develop ment, basic, quality, level, thinking.

## КИРИШ

Жаҳонда таълим соҳасини модернизация қилиш, ўқитишнинг методик таъминотини замонавий ривожланиш тенденцияларига мувофиқ такомиллаштириш амалиётига эътибор кучайтирилган.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00573

Республикамизда таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш, кадрлар тайёрлаш тизими мазмунини мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт истиқболлари, жамият эҳтиёжлари, фан, маданият, техника ва технологиянинг замонавий ютуқларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштиришга эътибор қаратилган. Креатив фикрлайдиган ёшлар салоҳияти ва иқтидорини ривожлантириш, модификациялашган таълим мазмунига, янги технология ва инновацияларни киритиш лозимлиги таъкидланган.

## МЕТОДОЛОГИЯ

Ўқув жараёнида миллий-маданий мерос идрок қилинибгина қолмай, интеллектуал-ижодий нуқтаи назардан ўрганилиши зарур.[2] Чунки интеллектуал-ижодий креатив идрок қилиш ва уни ижодий фаолият жараёнига жорий этишни, зарур коммуникатив муносабатларни амалга татбиқ қилишни синфдан ташқари шароитларда тўлиқ амалга ошириш мумкин. Юқори синф ўқувчиси ижодий маҳсулот яратар экан, қадимий меъморий объектнинг меъморий-тимсолли ифодалилигини ҳис этиши; ишнинг аниқ бир мақсадга қаратилгани; мазмунан режалаштирилганини англаши; материални мантиқий ва изчил идрок этиши; ижодий тасаввури кенг бўлиши; ёдгорликнинг нафақат тарихий-маданий, балки меъморий-бадиий қимматини билиши, эстетикаси, эмоционал таъсирини очиб бериши; ўзининг дадил мулоҳазаси ва фикрини билдирган ҳолда, асосий мазмунни умумлаштира олиши; интеллектуал-ижодий маҳсулотга креатив ёндашиши, ўз-ўзини намоён эта билиши; фойдаланилаётган адабиётлар рўйхатини келтира олиши зарур. Таъкидлаш жоизки, ўқувчида креативлик қобилиятини ривожлантириш учун юқори эмоционал-ижобий кайфият, эҳтиёж бўлиши, бунинг учун таълим жараёнида зарур дидактик шарт-шароитлар таъминланиши зарур.

Тарихий-маданий ёдгорликларни креатив ўрганишга қаратилган машғулот жараёни модели муаммони ҳал этишнинг структуравий-мазмундор асоси сифатида Ўзбекистон тарихий-маданий ёдгорликларини креатив ўрганишга қаратилган синфдан ташқари машғулотлар мазмуни негизини ташкил этади. Мазкур жараёнда ранг-баранг ва кўп вариантли иш турлари, типлари, жанрлари ва услубларидан фойдаланилади.

Қўлланиладиган иш тематикаси ҳам ўзига хос ва қизиқарли бўлиб, муайян мавзу юзасидан мулоҳоза юритиш, фикрлашиш, ёзма ва оғзаки мулоқот (шеър ёзиш, насрий матнлар тузиш ва ҳ.к.), узоқ ўтмиш билан“диалог”га

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00573

киришиш, ижодий тасаввурга берилиш, ўз даврига “қайтиш” кабиларни қамраб олади. Бундай иш тематикасини амалга оширишда реферат, маъруза, маърифий материаллар тайёрлашдан фойдаланилади. Меъморий ёдгорликни ҳиссий-эмоционал идрок қилиш, қадимий меъморчилик санъатини бадиий-эстетик алгоритмланган таҳлилини амалга ошириш, бу ҳақда ўқувчиларнинг таассуротларини тинглаш ўқувчиларнинг ижодий тафаккурини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Юқори синф ўқувчилари ўз креативлик қобилиятини ривожлантиришда синфдан ташқари машғулотларнинг муҳимлиги, моҳияти ва ролини англаб оладилар.




## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ҳақиқатан, Ўзбекистон тарихий-маданий ёдгорликларини креатив ўрганиш бўйича машғулотлар ўқувчига нималарни бериши мумкин? Машғулотлар сабабли ўқувчилар тарихий-маданий ёдгорликларни улуғ миллий қадрият, миллий мерос сифатида тушунадилар; уни ЮНЕСКО томонидан муҳофаза қилинадиган жаҳон бойлиги сифатида тасаввур қиладилар; буюк қадимий меъморчилик ёдгорликлари тўғрисидаги тарихий-маданий билимларни эгаллайдилар; тарихий-маданий иншоотлар эстетикаси ва бадиий-меъморий хусусиятларини билиб оладилар. Уларда идрок, ижодий тасаввур,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00573

билиш, фикрлаш, фараз қилиш, ўрганиш, таҳлил қилиш, умумлаштиришга оид ижодий қобилиятлар фаоллашади. Тарихий-маданий меъморчилик ёдгорликларига нисбатан қизиқиш пайдо бўлади, уларни ижодий ўрганишга, тасвирий ижодда акс эттиришга нисбатан эҳтиёж вужудга келади. Ўртоқлари ва яқинлари билан ўз билимларини ўртоқлашиш, ўз креативлик қобилиятларини кўрсатиш истаги вужудга келади. Ўқувчиларга бериладиган топшириқ ва ишлар уларни билишга оид, педагогик мўлжалга қаратилган, амалий, тасвирий ва ижодий таржимага оид фаолиятга йўналтиради. Бунда муайян-назарий ва луғавий тушунчаларга оид билимлар, ҳаттоки, инглиз тили луғати билан ишлаш, фанни билиш, мисол учун, “кластер”, “инсайт”, “брейнсторминг”, эвристик, алгоритмик, “мини-тадқиқотчилик” сингари ва бошқа(мураккабликнинг турли даражаларидаги) методлар ва қобилиятлардан фойдаланиш талаб этилади. Ўқувчиларга, албатта, шахс сифатида ўсиш, креатив, креативлик – интеллектуал-ижодий қобилиятларни ривожлантиришга оид мотивация керак. Чунки ўқув-билув фаолияти жараёнида ўқувчи креатив ўз-ўзини намоён қилиши (ижтимоийлашув), ўз-ўзини фаоллаштириши, ўз қобилиятларини ривождантириши зарур.[4]

**Қобилиятларни ривожлантиришнинг оптимал усуллари**



ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00573

Синфдан ташқари машғулотлар ва мустақил идрок қилиш жараёнида ўқувчиларнинг интеллектуал-ижодий маҳсулот устида ишлаши амалга оширилиб, ўқитувчи ўқув жараёнини бошқарар ва назорат қилар экан, айни вақтда ўз ўқувчиларида креативликни, жумладан, креатив-интеллектуал-ижодий қобилиятларни ривожлантиради.

Самарқанд, Бухоро, Хива меъморий мажмуаларига экскурсоводлик қилиш учун тайёрланадиган матнлар, қадимий меъморий санъат “мўъжиза”си саналган Бибихоним мадрасаси, Шоҳи Зинда мақбараларининг бош пештоқи олдида сайёҳлардан олинадиган репортаж учун саволлар тайёрлаш, Ўзбекистон ҳудудидаги меъморий ёдгорликлар тўғрисида мақолалар ва эсселар ижод қилиш, ахборот ва маълумотлар ёзиш, шунингдек, Ўзбекистон қадимий шаҳарларининг силуэтлари ва манзаралари, уларнинг гербларни ва рамзлари; қадимий меъморчилик ёдгорликлари ҳудуди бўйича экскурсия йўналишларининг жадваллари; меъморий-бадиий компонентлар, деталлардан лавҳалар, расмлар тайёрлаш ўқувчилардан фаол интеллектуал-ижодий қобилиятларни талаб қилади.[5] Масалан, “Ўзбекистон тарихий-маданий меросини ўрганишга қаратилган машғулотлар якунида ўқувчиларга “брейнстормнг” методи асосида назорат текширув саволлари, тест ва анкета ишлари топширилиб, уларга меъморий иншоотларни таърифлаш, улар ҳақида ҳикоя қилиш таклиф этилади. Тест ва анкета ишларини ўтказишдан мақсад: ўқувчиларнинг тарихий-маданий ёдгорликни креатив ўрганиш тўғрисида қандай тасаввурга эга эканлигини аниқлашдан иборат. Тест ва анкета ишларида “Тарихий-маданий ёдгорликларни креатив ўрганиш тўғрисида тасаввурга эгамисиз?”(жавоблар: ҳа; суст тасаввурга, ҳеч қандай тасавурга эга эмасман (маъқулини тагига чизинг), “Сиз қадимий меъморий ёдгорликни таҳлилий ўрганганмисиз? (жавоблар: ҳа; суст тасаввурга, ҳеч қандай тасавурга эга эмасман (маъқулини тагига чизинг)”, “Ўзбекистон тарихий-маданий ёдгорликларини ўрганиш бўйича тақдим этилган сабаблардан бирини ажратиб кўрсатинг (жавоблар: Ўзбекистон қадимий меъморчилик ёдгорликлари тарихини билиш, Ўзбекистон қадимий меъморчилик архитектура санъатига қизиқиш, ўз креативлик қобилиятларини ривожлантириш, Ўзбекистон ҳудудидаги тарихий-маданий ёдгорликларини креатив жиҳатдан ўрганилишини ўзлаштириш истаги) каби савол ва кўрсатилган тест вариантлари берилиб, ўқувчиларнинг жавоблари таҳлил этилади[6]. Ҳар қандай машғулот ўзига хос педагогик технологияга эга бўлади. Масалан, Самарқанд тарихий-маданий

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00573

ёдгорликларини интеллектуал-ижодий жиҳатдан ўрганиш мавзуси бўйича қўлланиладиган машғулот технологияси қуйидагиларни қамраб олади:

I. Мотивацион - кўрсатмали ва ташкилий-педагогик суҳбат.

Ўқувчиларни мавзу билан таништириш. Турли вариантдаги топшириқларни таклиф этиш.

II. Энг қадимги даврларнинг тарихий-маданий, меъморий таҳлили.

III.Қадимий меъморий ёдгорлик, миллий мерос ва унинг тарихи тўғрисида ҳикоя.

IV.Ўқувчиларни тарихий-маданий ёдгорликнинг ўрганилишига креатив–интеллектуал-ижодий ёндашув; идрок қилиш алгоритми–бадиий-меъморий таҳлили, умумлаштирилиши, ўз фикри ва муносабатини баён қилиш.

V. Меъморчилик ёдгорлигини креатив англаш ва интеллектуал-ижодий ўрганиш жараёни.

VI. Ёдгорликнинг эмоционал-ҳиссий идрок этилиши, меъморий-бадиий таҳлили ва қадимий меъморчилик санъатига қадриятли-эстетик муносабатда бўлишни ўзлаштириш (таклиф қилинган алгоритм бўйича).

VII. Баён қилинган материални ўзлаштириш.

VIII. Мавзу бўйича асосий, муҳим мазмунни мустаҳкамлаш.

IX. Самарқанд ёдгорликлари тўғрисида ўта қизиқарли мавзуни шакллантириш.

X. Белгиланган мавзу бўйича ижодий топшириқ ва интеллектуал-ижодий ишларни таклиф қилиш. Ўқувчиларни мактабдаги ижтимоий-коммуникатив тадбирларда чиқиш қилишга тайёрлаш (мактаб аудиторияси талаб қиладиган интеллектуал-ижодий ва маънавий-ахлоқий даражада).

XI. Машғулот мавзуси бўйича асосий ва қўшимча адабиётлар рўйхатини ҳавола этиш.

## ХУЛОСА

Албатта, синфдан ташқари машғулотларда ўқитувчи ёки таклиф этилган режа асосида олдиндан тайёрланиб келган иқтидорли ўқувчининг маърузаси муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, “Самарқанд ёдгорликлари – энг буюк тарихий-маданий мерос ва жаҳон қадрияти”мавзусида ташкил этиладиган маъруза давомида ўқувчилар (кенг форматли, рангли, меъморий ёдгорликнинг турли ракурсларида бой иллюстратив материаллар билан танишадилар.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00573

## REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 йил 4-сон, 69 модда
2. И.Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176
3. Sh.A. Abdujalilova , S.B. Qorayev The Role Of Pedagogical Technologies In The Formation Of Students' Scientific Outlook European Journal of Molecular & Clinical Medicine ISSN 2515-8260 Volume 07, Issue 03, 2020
4. Лихачев Б.Т. Воспитательные аспекты обучения: Учеб.пособие по спецкурсу для студ.пед.институтов. – М.: Просвещение, 1992. – 192 б.
5. Маньковская Л.Ю. Типологические основы зодчества Средней Азии (IX-начало XX в.в.). – Т., 1980. – 111 б.
6. Маслоу А. Мотивация и личность.– СПб, 1999.– ст.177

ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 4 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00574

# ТАЛАБАЛАРДА ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

**Сирожиддин Баракаевич Қораев**
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси

## АННОТАЦИЯ

Мақолада талабаларга экологик таълим ва тарбия бериш, уларни атроф муҳитга ҳамда она табиатга бўлган муносабатини ижобий томонга ўзгартириш, она табиатни асраб-авайлаш, бугунги кунда кузатилаётган глобал экологик муаммолар ва уларнинг салбий оқибатларини юмшатиш, жумладан сув ресурсларининг етишмаслиги, глобал иқлим ўзгаришлари, Орол денгизи муаммолари ва унинг регион иқлими ва табиатига таъсири тўғрисида фикр юритилади.

**Калит сўзлар:** экологик хавфсизлик, табиат, инсоният, муаммо, фан-техника, саломатлик, соғлом турмуш тарзи, маданият, тарбия, атроф муҳит.

# PSYCHOLOGICAL AND PEDAGOGICAL FUNDAMENTALS OF FORMATION OF ECOLOGICAL CULTURE IN STUDENTS

**Sirojiddin Barakaevich Korayev**
Teacher of Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

## ABSTRACT

The article is aimed at familiarizing students with environmental education, changing their attitude to the environment and nature, mitigating global environmental problems and their negative consequences, including water scarcity, global climate change, the Aral Sea problem and its impact on the climate and nature of the region.

**Keywords:** environmental safety, nature, humanity, problem, science and technology, healthy lifestyle, culture, education, environment.

## КИРИШ

Дунё ҳамжамиятида экологик муаммолар инсоният тарихида умумбашарий муаммога айланди. Экологик хавфсизлик кишилик жамиятининг бугуни ва эртаси учун долзарблиги, жуда зарурлиги боис энг муҳим муаммолар

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00574

жумласига киради. Бу муаммолар амалий тарзда ҳал этилса, кўп жиҳатдан ҳозирги ва келгуси авлод турмуш шароитини яхшилаш имконини беради.

Экология ҳозирги замоннинг кенг миқёсидаги кескин ижтимоий муаммолардан биридир. Уни ҳал этиш барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб, цивилизациянинг ҳозирги куни ва келажаги кўп жиҳатдан ана шу муаммонинг ҳал қилинишига боғлиқдир.

Экологик хавфсизлик муаммоси аллақачонлар миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган. Табиат ва инсон ўзаро муайян қонуниятлар асосида муносабатда бўлади. Бу қонуниятларни бузиш ўнглаб бўлмас фалокатларга олиб келади.

Инсоннинг табиат имкониятларини ва унинг ривожланиш қонуниятларини ҳисобга олмай жадал юритилган хўжалик фаолияти, атмосфера ифлосланиши, азон қатламининг бузилиш ва ҳоказоларнинг рўй беришига олиб келди. Бунинг натижасида бутун дунёда экологик муҳитнинг ёмонлашуви билан боғлиқ, турли-туман касалликлар ортиб бормоқда.

## МЕТОДОЛОГИЯ

Ҳозирги фан ва техниканинг тараққиёти жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган бир даврда, дунёнинг жуғрофий-сиёсий тузилиши ўзгармоқда. Бундай шароитда инсон томонидан биосферага кўрсатилаётган таъсирни тартибга солиш, ижтимоий тараққиёт билан қулай табиий муҳитни сақлаб қолишнинг ўзаро таъсирини уйғунлаштириш, инсон ва табиатнинг ўзаро муносабатларида мувозанатга эришиш муаммолари борган сари долзарб бўлиб бормоқда [4].

Ўзбекистоннинг экологик хавфсизлиги нуқтаи назаридан қараганда, сув заҳираларининг шу жумладан ер усти ва ер ости сувларининг кескин тақчиллиги ҳамда ифлосланганлиги катта ташвиш туғдирмоқда. Бундан ташқари чиқинди муоммоси ва уни қайта ишлаш ёки Республиканинг дарёлари, каналлари, сув омборлари ва ҳатто ер ости сувлари ҳам ҳар тарафлама инсон фаолияти таъсирига учрамоқда. Ичимлик сув таъминоти манбасининг ифлосланиши Республикада, айниқса, Орол бўйида касалликка чалинишнинг юқори даражасига сабаб бўлмоқда. Орол денгизининг қуриб бориши хавфи ғоят кескин муаммо бўлиб қолди. Орол танглиги инсоният тарихидаги энг йирик экологик ва гуманитар фожиалардан биридир.

“Табиат билан ҳазиллашиб бўлмайди. У ҳамиша ҳаққоний, ҳамиша қаттиққўл, ҳамиша жиддий. У доимо ҳақ, ҳатто ва янглишларга эса

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00574

одамларнинг ўзлари сабабчидир” - деб таъкидлаган эди Гёте. Шу сабабли, атроф - муҳитни муҳофаза қилиш ва табиат бойликларидан унумли фойдаланиш, ҳозирги кунда бутун инсоният учун тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунинг учун экологик масалаларни яхши англаб олиш ҳамда уларни тўғри амалга ошириш жамиятнинг ва ҳар бир кишининг ҳаётий заруриятига айланмоғи лозим. Табиатни қайта ўзгартириш шароитида инсон саломатлигини сақлаш муаммоси. Тадқиқотчиларнинг кузатишларига кўра, кишиларнинг ўртача умри қисқариб бормоқда. Аҳоли саломатлиги камида 50 фоиз турмуш тарзига, 15-20 фоиз атроф - муҳитга, яна шунча миқдорда одам ирсияти ва соғлиқни сақлаш хизматига боғлиқ экан. Шу сабабли инсон саломатлиги нуқтаи назаридан ҳам атроф муҳитни муҳофаза қилиш зарурияти вужудга келган [1].

Атроф - муҳитни ифлосланишидан ҳимоя қилиш муаммоси. Ишлаб чиқаришнинг атроф-муҳитга таъсири муттасил кучаймоқда. Саноат қишлоқ хўжалиги ва маиший хизмат корхоналарининг чиқинди ва оқавалари туфайли табиат ўзига ёт моддалар билан тўйинмоқда сув ҳаво ва тупроқнинг табиий сифати бузилмоқда. Тирик табиат ирсиятини муҳофаза қилиш муаммоси, атроф муҳитнинг ифлосланиши туфайли тирик мавжудотлар ирсиятида салбий ўзгаришлар пайдо бўлмоқда. Кўплаб ўсимликлар ва ҳайвонот турлари ҳалокат ёқасида турибди.

Юқорида таъкидланган экологик муаммоларнинг кескинлашуви ер юзининг айрим ҳудудларида экологик офатлар рўй беришига сабабчи бўлмоқда. Мана шундай инқирозлардан бири бизнинг Республикамиз, яъни орол ва оролбўйи минтақасида ҳам рўй бермоқда. Бу муаммо бўйича Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг бир неча бор учрашуви бўлиб ўтди ва тегишли қарорлар қабул қилинди. Республикамиз раҳбарияти экологик муаммоларнти тез ва ижобий ҳал қилишга, оналик ва болаликни ҳимоя қилишга биринчи навбатда эътибор бермоқди [2].

Республикамиз биринчи Президенти томонидан махсус фармони билан “Соғлом авлод учун” ордени ва шу номдаги жамғарма ташкил этилганлиги бунга мисолдир. Зеро, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом авлодни тарбиялаш ва миллатни соғломлаштириш энг аввало табиатни, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, унинг сифатини яхшилашни талаб этади. Табиат, жамият ва ҳаётни инсон учун яратилган моддий - маънавий неъмат сифатида талқин этиш уни асраб авайлашга даъват этиш қадимги маънавий меросимизнинг буюк гуманистик мавзуни ташкил этади. “Авесто” - бунинг ёркин намунасидир.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00574

—Қуръони карим ва —Ҳадиси шаърифда ҳам табиатни муҳофаза қилиш, бойитиш покиза сақлашга оид панд - насиҳатлар ўз аксини топган.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Табиат инсоният учун нафақат истеъмол манбаи, балки унинг маънавиятини ўстириш, эстетик дунёқарашини тарбиялаш омили ҳамдир. Шу сабабли табиатнинг софлигини сақлаш, уни кўпайтириш инсоният истиқболини кафолатлабгина қолмай, шу билан бирга келгуси авлоднинг маънавий камолотини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшади.

Ўзбек халқининг бой маънавий-маданий мероси, миллий қадриятлари ўсиб келаётган авлодда энг олий инсоний сифатларни тарбиялашда катта имкониятларга эга. Марказий Осиё алломаларининг жаҳон илм-фани ривожини таъминлаган илмий қарашлари ўзининг педагогик (таълимий тарбиявий) моҳиятига кўра миллий қадриятлар орасида алоҳида ўрин тутади. Улар томонидан илгари сурилган ҳамда асрлар давомида ёшларда атрофмуҳитга тўғри муносабатни тарбиялаш, табиат муҳофазаси учун масъулият хиссини шакллантиришга ёрдам берувчи экологияга оид қарашларидан фойдаланиш бугунги кунда ҳам экологик таълим-тарбиянинг самарали бўлиши учун муҳим ғоявий асос саналади.

Талабаларга экологик билимларни беришда, уларда ватанга муҳаббат,она табиатни севиш шу билан биргаликда соғлом турмуш тарзига интилиш, табиат ва атроф-муҳитга масъулиятли ёндашиш кўникма ва малакаларини тарбиялашда алоҳида ўрин тутишини ҳисобга олган ҳолда бойитишга жиддий эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Дарс жараёнида экологияга оид материаллардан фойдаланиш талабаларда соғлом турмуш тарзига интилиш ва экологик билимларни ўрганишга қизиқишни юзага келтиради, шунингдек, миллий- маънавий қадриятлар моҳиятини чуқур англашлари учун имконият яратди. Соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантиришда ёзувчи ва шоирларнинг асарларини ўрганиш жуда муҳим. Чунки ёзувчи ва шоирлар ўз асарларида инсон ва табиат муносабати масаласини ҳеч қачон четлаб ўтмайдилар. Уларнинг асарларида экологик тарбия фақат табиатни муҳофаза қилиш тарзидагина эмас, балки инсонпарварлик, инсон тафаккурини ривожлантириш, маънавий ахлоқий хислатларни тарбиялаш каби муҳим муаммолар билан боғлиқ ҳолда ўз ифодасини топади. Бадиий адабиёт намояндалари инсоннинг ўзини ҳам табиатнинг бир зарраси сифатида дунёни ўзгартирувчи, уни бойитувчи

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00574

мавжудод деган нуқтаи назарни илгари сурадилар. Бу борада Алишер Навоий асарларига мурожаат этиш, ундаги табиат масалаларини таҳлил этиш ўқувчиларнинг экологик маданият ҳақидаги тушинчаларини ривожлантиради. Чунки Алишер Навоий ўз ижоди ва фаолияти давомида атроф-муҳитга, табиатнинг бир қисми бўлган инсоният турмуштарзига катта эътибор беради. Инсон саломатлиги учун табиатнинг қанчалик муҳим эканлигини кишилар онгига етказишга ҳаракат қилади. Шоир жисмонан соғлом, ақлан етук кишиларнинг кўп бўлиши учун авваламбор —соғлом ижтимоий муҳит яратиш кераклигини назарда тутади ва бу ишларни амалга оширишда ўзи бош-қош бўлади. У оби-ҳаёт, сув муаммосига алоҳида эътиборини қаратади. Навоий ариқ қазиш, зовурларни тозалаш, сув чиқариш каби ишларга раҳбарлик қилади ва ўзининг асарларида ҳам бу ғояларни илгари суради. Алишер Навоий Фарҳод ва Ширин достонида фақат севги садоқатни куйлаб қолмасдан, эл-юрт ободлиги, кишиларнинг бахт-саодати, соғлом турмуш тарзи, мардлик ва жасурлик ғояларини илгари суради. Табиат ва ижтимоий муҳитқўйнида камол топган Фарҳод образи орқали ватанпарвар, халқсевар, юксак маънавиятли, ҳар томонлама етук, жисмонан соғлим, руҳан пок, иродаси кучли, тафаккури серқирра, полвон, фозил ва комил ўғлон образини гавдалантиради. Фарҳод бор куч - ғайратини инсонларнинг фаровон турмуш тарзига бағишлайди. Ариқлар қазиб, зовурларни тозалайди, тоғ - тошларни ёриб, сув келтиради. Табиатни обод қилиб, инсонларга соғлом турмуш тарзини яратади. У биргина Ширинни севиб қолмасдан, балки унинг Ватанини, элини, табиатини ҳам эъзозлайди. Алишер Навоий Фарҳодга ўхшаш фозил ва ботир, билаги кучга тўлган, иродали, ишбилармон ёшларнинг кўпайишини орзу қилади.

4. Мусаев О. (2016). Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ривожи.Монография. Тошкент: Истиқлол нури,–Б. 71.
5. Назаров Н. (2018). Марказий Осиёда миллатлараро муносабатлар. Монография. Тошкент: Global books,–Б. 110
6. Сун Дон Ги. (2000). Ўзбекистон Республикаси ва жанубий Корея иқтисодий ва маданий алоқалар ҳамда истиқболли режалар. Дис.5982.Тошкент. –Б. 90
7. 1926 йилдаги Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олиш. (1928) М., , в. 8. Қозоқ Автоном Совет Социалистик Республикаси. Қирғиз Автоном Социалистик Республикаси, 16-35 бетлар; Т. 15. Ўзбекистон ССР, п. 17-36.
8. 4.2. Choi Won Gee. (2014). The traditional education of Korea. –Seoul.: -Seoul. Ewha Womans University press, –P. 223.
9. 4.3. Lee Jeong Kyu. (2002). Korean higher education. A confucion perspective.. – Seoul.: Jimoondong international, . –P. 24.
10. 김장수(1995). 중앙아시아한연[고려인]외 이주과정맞새 활상].[한민족공동제]. pp15
11. Ким П.Г. (1993). Корейцы Республики Узбекистана-Т. г.Стр-. 14-15, 21;
12. ТсГА РУ, ф Р-837, 27-бет, 39-сон, л. 19
13. Koryo sinmun. (2016). 26 феврал.3 сон(281) Герои корейских диаспоры
14. Очётная справка (2019). АККЦ Республики Узбекистана.26 июн.
15. http://mg.uz/print/publish/doc/text55461_народы Узбекистана-корейцы

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00584

16. http://uza.uz/oz/politics/O'zbekiston-koreya-respublikasi-o'zaro-manfaatli-hamkorlik-28-05-2015
17. http://uza.uz/oz/society/ijtimoiy-so'rov natijalari-02-02-2018
18. https://president.uz/uz/lists/view/2180
19. http://koreasaram.kz
20. http://idum.uz/ru/archives/8896
21. http://tashgiv.uz/koreya-xalqaro-tadqiqotlar-universiteti-bilan- hamkorlik/
22. https:// www.uz| aloqaloyiha.uz/detal/
23. Chong Jee Lee, Seong Yul Kim, Dong Adams. (2010). Sixty years of Korean education. –Seoul.: Sunpress, –P. 59.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00585

# ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ НАЦИОНАЛЬНО-КУЛЬТУРНОЙ СПЕЦИФИКИ РЕЛИГИОЗНО-МАРКИРОВАННЫХ ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ

**Наргиза Геннадьевна Вахеди**
Узбекский государственный университет мировых языков
nargizawahedi@gmail.com

## АННОТАЦИЯ

Настоящая статья посвящена проблеме изучения религиозно-маркированных фразеологических единиц (РМФЕ) с точки зрения их национально-культурной специфики на материале английского языка. В результате компонентного анализа были выявлены ключевые направления национально-культурной специфики РМФЕ и разработана тематическая классификация. Основными направляющими категориями в данной классификации являются: юридические, диалектические, литературные, мифические, и исторические религиозно-маркированные фразеологические единицы.

**Ключевые слова:** религиозно-маркированные фразеологические единицы (РМФЕ), культурные ценности, национально-культурная специфика, диалектизмы.

# SUBSTANTIVE AREAS IN NATIONAL AND CULTURAL SPECIFICITY OF RELIGIOUSLY-MARKED PHRASEOLOGICAL UNITS

**Nargiza Gennadevna Wahedi**
Uzbekistan State World Languages University
nargizawahedi@gmail.com

## ABSTRACT

This article investigates the problem of studying religiously marked phraseological units (RMPU) from the position of their national and cultural specifics based on the English language material. As a result of the componental analysis, the key areas of the national and cultural specifics of the RMPU were identified and a thematic classification was developed. The fundamental categories in this classification are as follows: juridical, dialectical, literary, mythical, and historical religiously-marked phraseological units.

**Keywords:** religiously-marked phraseological units, cultural values, national and cultural specifics, dialectisms.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00585

## ВВЕДЕНИЕ

Анализ проблемы, изучающей национально-культурную специфику, в настоящее время считается актуальной задачей современной лингвистики, направленной на изучение влияния человеческого фактора в языке. Религиозный пласт и входящие в него РМФЕ в целом являются одним из основополагающих слоев для объективного исследования областей языка и выявления национального самосознания народа. Зачастую именно фразеологические единицы религиозного характера наиболее ярко отражают специфику национального восприятия окружающей реалии, посредством символики и метафоризации понятий, традиций и религиозных обрядов которые в свою очередь являются неотъемлемой частью культуры английского народа. Необходимо отметить, что вышеперечисленные компоненты несут в себе религиозно-культурную информацию, которая становиться ментальностью нации и культурным кодом для носителей языка, но имеет смысловой контекст не знакомый для представителей других культур.

## ЛИТЕРАТУРА И МЕТОДОЛОГИЯ

В данной статье мы проанализируем РМФЕ с национально-культурным содержательным компонентом. В этой связи обзор и классификация РМФЕ будут проведены на основе подходов, специально разработанных Д. О. Добровольским и В. Г. Гаком, для выявления религиозно-национальной специфики. Д. О. Добровольский сформировал два подхода именуемые сравнительным и интроспективным. Сравнительный метод подразумевает выявление семантики национального характера в безэквивалентной лексике - слова реалии, лакуны, этно-лексемы. Интроспективный метод исследует национальное сознание и ментальность определенных лингвистических единиц посредством субъективной образности и представления носителей данного языка с помощью статистических результатов устных опросов. [1]. В свою очередь, В. Г. Гак предложил два подхода для исследования национальной маркированности ФЕ: объективный и субъективный. Объективный подход вбирает в себя характерные особенности данной культуры, т. е. без эквивалентная лексика. Субъективный подход реализует понятие о различных трактовках в разных социокультурных кругах одноименных объектов [2].

В ходе исследования методом сплошной выборки были вычленены фиксированные РМФЕ с национальным содержанием. На основе анализа

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00585

лингвокультурных единиц английского языка было выявлено несколько базовых тематико-семантических сфер, активно использующихся в каждодневной речи носителей языка и представляющей религиозно-культурную наполненность:

ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ НАЦИОНАЛЬНО-КУЛЬТУРНОЙ СПЕЦИФИКИ РМФЕ

## РЕЗУЛЬТАТЫ

Одно из направлений, сформированных в специфике национальной окраски РМФЕ являются фиксированные юридические единицы речи. Принято считать, что юридические обороты речи в основе своей представляют правовые концепты в профессиональной сфере юриспруденции, к отличительным чертам которых относятся краткость, ясность, беспристрастность и терминологический базис. Но следует подчеркнуть, что РМФЕ являясь частью фразеологического пласта имеют историческую значимость, культурную коннотацию и носят экспрессивную функцию. Например, РМФЕ, kiss the book – целовать Библию перед присягой, so help me God - заключительные слова присяги, God send you a good deliverance - фраза, произносимая судьей после объявления смертного приговора, детерминируют связь между концептами веры и справедливости. Вера в высшие силы и неминуемое наказание в случае лжесвидетельства была столпом на который опирались судебные разбирательства. Упоминание имени господа и поцелуй священной книги в процессе суда становилось мерилом

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00585

правдивости и справедливого исхода как для подсудимого, так и для судей. Идентичное явление представляет собой метафоризация некоторых РМФЕ, например, the devil's advocate / the devil's advocacy – дословно, адвокат дьявола, но в переносном смысле человек, замечающий в других только дурные стороны, недостатки. В этом случае, профессиональные качества адвоката образно приобрели негативную коннотацию и начали использоваться вне юридической сфере, а в каждодневной речи для дефиниции человеческого фактора и поведенческих норм. Интересно что, некоторые РМФЕ с течением времени преобразование и переход некоторых ФЕ в сферу юридической терминологии. В качестве иллюстрации используем примеры, the Act of God и fallen angel. Изначально, под РМФЕ, the Act of God подразумевалась "на все воля господня", позже произошло семантическое сужение значения до понятия, "стихийное бедствие, неподвластное человеку" и данный термин начал использоваться в основном в морских фрахтах и страховых полисах характеризуя форс-мажорные ситуации. РМФЕ, fallen angel - падший ангел, согласно библейским текстам дефиниция сатаны, который за ослушание был изгнан на землю. Постепенно, данный термин стал использоваться для понижения рейтингов компаний либо обесценивание облигаций.

**1. Юридические:** the Act of God - стихийное бедствие, God send you a good deliverance - да ниспошлет вам бог легкую смерть, Canon law - каноническое церковное право, kiss the book - целовать библию (при принесении присяги в суде), smack calf-skin - целовать библию при принесении присяги в суде, so help me God - да поможет мне бог, the devil's advocate - человек, замечающий в других только дурные стороны, недостатки, the God's advocate - так называлось в ср. века духовное лицо, которому поручалось выступать с доводами за канонизацию на церемонии канонизации святого в Ватикане, the Act of Supremacy - закон о главенстве английского короля над церковью в 1534 г., fallen angel – понижение рейтинга компании, потеря ценности акций, priest of the blue bag - адвокат.

В английском языке существует целый слой мифологических РМФЕ. Особенностью РМФЕ на основе собранного материала, следует отметить что, во-первых, отличительной чертой мифических РМФЕ являются ФЕ с компонентом имени собственным, т. е. антропонимы - наименование мифических божеств мужского и женского рода. Во-вторых, данные РМФЕ в большинстве случаев демонстрируют интернациональный характер и имеют эквиваленты в других языках. Это объясняется тем, что мифологические РМФЕ

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00585

этимологически восходят к античности на которой построена вся интернациональная европейская культура.

**2. Мифы:** the apple of discord - яблоко раздора, the blind god / god of love - бог любви, Эрот, Амур, Купидон, the god of day - бог солнца, Феб, Аполлон, the god of fire - бог огня, Гефест, Вулкан, the god of heaven - властелин неба, Зевс; Юпитер, the god of hell- бог подземного царства, Плутон, the god of marriage - бог брака, Гименей, the god of the sea - бог моря, Посейдон; Нептун, the god of war - бог войны, Арес, Марс, the god of wine - бог вина, Вакх, Дионис, Бахус, household gods - лары и пенаты в древнеримской мифологии боги-покровители домашнего очага); перен. то, что создает уют, домашний очаг, the jolly god - бог веселья и вина, Вакх, Дионис, Бахус [этим. миф], the winged god - крылатый бог, Гермес, Меркурий, the goddess of corn - богиня, покровительница земледелия, Деметра; Церера, the goddess of heaven - богиня неба, Гера; Юнона, the goddess of hell - богиня подземного царства, Персефона; Прозерпина, the goddess of love - богиня любви, Афродита; Венера, the goddess of moon - богиня луны, Артемида; Диана, the goddess of war - богиня войны, Беллона, the goddess of wisdom - богиня мудрости, Афина; Минерва, the hound of hell - Цербер, the Islands of the Blessed / Blest - острова блаженных (воображаемые острова на Западе - убежище праведников после смерти), the Queen of Heaven - Гера; Юнона, twilight of the gods - сумерки богов (в скандинавской мифологии столкновение, во время которого боги и великаны-силы зла, уничтожают друг друга), Hermes' / St. Elmo's fire - огни святого Эльма (явление атмосферного электричества, особ. свечение на концах мачт).

Антропонимы в мифических РМФЕ представляют национальную специфику древнегреческой и древнеримской культуры и религиозной веры. Это объясняет тот факт, что один и тот же бог или богиня имеют два номинатива; одно древнегреческое, другое древнеримское. Например, the god of fire - бог огня, Гефест древнегреческий антропоним, Вулкан древнеримский антропоним, the Queen of Heaven - Гера; Юнона, the goddess of wisdom - богиня мудрости, Афина; Минерва. Интересен тот факт, что проявляется некая связь между библейским текстом и античной мифологией. Например, для сравнения возьмем РМФЕ, the apple of discord. В христианстве яблоко считается запретным плодом, которым сатана в обличии змея соблазнил Еву, за что последовало изгнание на землю. В связи с этим аналогичным образом, РМФЕ, the apple of discord в мифологии, как и в христианстве имеет отрицательную коннотацию и подразумевает предмет вражды или причину спора.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00585

Мифологическая репрезентация данного РМФЕ восходит к древнегреческому сказанию о богине раздора Эриде. Неприглашенная на застолье Эрида задумала отомстить богам на Олимпе. Вероломная богиня подбросила Гере, Афродите и Афине золотое яблоко с надписью «прекраснейшей». Между богинями завязался спор. Каждая по праву считала, что яблоко должно принадлежать ей. В качестве судьи был приглашен Парис (сын троянского царя), который присудил первенство Афродите. В знак признательности Афродита помогла ему похитить жену спартанского царя Елену, в следствии чего вспыхнула Троянская война.

**3. Исторические РМФЕ:** the benefit of clergy - неподсудность духовенства светскому суду, the secular arm - гражданская власть, приводящая в исполнение приговоры церковных судов, bell, book and candle - отлучение от церкви, a sealed book - книга за семью печатями [в 1662 г. вышло офиц. издание the book of Common Prayer, эту книгу было приказано хранить в соборах], weeping cross - крест, у которого молились кающиеся, the Holy Office - Инквизиция, the stool of repentance - публичное унижение, trial by ordeal - ордалии, “суд божий” (средневековый способ выяснения виновности подозреваемого в совершении преступления посредством пыток огнем, водой и раскаленным железом; если подсудимый выдерживал пытки, то он объявлялся невиновным), the Truce of God - перемирие, установленное церковью (в средние века прекращение военных действий или феодальных распрей в дни, установленные церковью), the vicar of Bray - беспринципный человек, приспособленец [по имени полулегендарного викария XVI в., четыре раза менявшего свою религию и бывшего два раза католиком и два раза протестантом], within the walls - в лоне церкви, when Adam delved and Eve span who was then a gentleman? - когда Адам пахал и пряла Ева, где родословное стояло дерево? [один из лозунгов крестьянской войны 1381 г., приписываемой сподвижнику Уота Тейлора монаху Джону Боллу, в современном языке говорится иронически человеку, кичащемуся своей родословной], Banbury man - пуританин [выражение создано Б. Джонсоном, город Banbury в Оксфордшире был известен пуританскими взглядами своих жителей], bring somebody over the coals - сделать выговор, hell-fire club - клуб беспутной “золотой” молодежи [подобные клубы были особенно распространены в начале XVIII в], take one’s death - клясться жизнью, eat no fish - не соблюдать постов, не быть католиком, [во времена королевы Елизаветы I посты соблюдали только католики, которых

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00585

считали людьми политически неблагонадежными. В доказательство своей преданности государству протестанты перестали есть рыбу по пятницам].

## ОБСУЖДЕНИЕ

Одним из актуальных направлений в национальной специфике РМФЕ английского языка являются диалектизмы. На базе диалектизмов был сформирован национальный литературный язык. И.Р. Гальперин идентифицирует диалектные слова как единицы разговорной речи "…которые в процессе становления национального варианта английского языка остались за его литературными пределами и использование которых ограничено определенной местностью" [3, с. 116]. Обратим внимание на то, что устойчивые диалектизмы маркированы эмоционально-экспрессивной наполненностью и относятся к определенному речевому стилю, который имеет ярко выраженный национальный характер. Прежде всего РМФЕ в составе которых относятся компоненты безэквивалентной лексики, иными словами, реалии, понятия и объекты несуществующие в других языках и культуре. Подчеркнем, что английский язык географически охватывает большие территории, в связи с этим, диалектизмы приобрели широкую вариативность на семантико-лексическом уровне и наиболее распространены в устной речи и неформальной лексике, широко используемые большинством населения всех возрастных групп. И.В. Арнольд придерживается точки зрения, что диалектизмы – разговорные слова можно выделить на два основных пласта: фамильярно-разговорные слова, т. е. эмоциональная лексика, использующаяся для обозначения шутливого или ироничного отношения к собеседнику и просторечные слова, широко используемые в лексиконе необразованных людей [4]. Как показал анализ языкового материала, в ходе исследования представилось возможным классифицировать диалектизмы в нижеследующие категории:

- **РМФЕ американского происхождения:** since Adam was a boy - очень давно, join the angels - умереть, swamp angel - человек, живущий в болотистой местности, be on the anxious bench - находится в состоянии тревоги, беспокойства, [anxious bench или seat - места для кающихся грешников в церкви], devil catcher - проповедник, миссионер, anvil chorus - хор недовольных, City of the Angels – Лос-Анджелес, Puritan City – Бостон, amen corner - места в церкви, занятые наиболее ревностными верующими, for crying out loud - черт возьми!, cross / go over the Great Divide - умереть, God's flag - флаг самого

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00585

господа бога, footstool of the Almighty / God's footstool - мир, black gown - черная сутана, католический, nigger heaven - раек, smell hell - хлебнуть горя, when hell freezes over - никогда, raise more hogs and less hell - заниматься своим делом и не вмешиваться в политику, holier than thou - самодовольный, высокомерный, holy Joe - прозвище военных священников, the holy laugh - неуместный смех, one's outward Adam - бренная плоть, why ask the Bishop when the Pope's around - зачем спрашивать епископа в присутствии римского папы?, old-field preacher - провинциальный проповедник, get religion - стать религиозным.

Детальное рассмотрение национально-культурных признаков РМФЕ сформированных в Америке выявило общность с другими диалектизмами на основе религиозных взглядов. Примеры, join the angels, cross / go over the Great Divide демонстрируют тенденцию избегать прямого называния концепта смерти. Вместо этого широко используются эпитеты и метафорические образы, подчеркнем, что существо веры и суеверия имеет огромную роль в жизни американского сообщества. Кроме того, библейские персонажи и вера в загробный мир, являются неотъемлемой частью активного разговорного американского английского, в качестве иллюстрации рассмотрим настоящие примеры: smell hell – хлебнуть горя, get religion - стать религиозным, since Adam was a boy – очень давно, при этом некоторые примеры имеют шутливый и ироничный подтекст. Например, one's outward Adam – шутливое выражение о бренном теле, holier than thou - воображающий себя (морально) выше других, самодовольный, высокомерный, why ask the Bishop when the Pope's around – прослеживается ирония, выражающая следующую мысль, зачем спрашивать епископа в присутствии римского папы, т. е. зачем спрашивать подчиненного в присутствии начальника. РМФЕ, номинирующие священников разных категорий, такие как devil catcher - проповедник, миссионер, holy Joe - "святой Джо" прозвище военных священников, old-field preacher - старомодный, провинциальный проповедник, black gown - черная сутана, католический священник (так прозвали священников индейцы), являются ярким примером того, что духовенство, в частности священники и миссионеры играли не последнею роль в социуме. В довершении к вышеперечисленным особенностям, будет уместным рассмотреть примеры с безэквивалентной лексикой. РМФЕ, city of the Angels - "Город ангелов", Puritan city - Бостон - город пуритан, God's flag, footstool of the Almighty / God's footstool - земля, мир, сформированы на основе аллюзивного переосмысления Христианской религии

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00585

в совокупности с культурно-историческими факторами, т. е. подразумевается построение совершенно новой религии на новом материке, с новыми правилами на прочном базисе предыдущей.

- РМФЕ австралийского происхождения: have as much chance as a snowflake in hell - совершенно никаких шансов.
- РМФЕ шотландского происхождения: the devil is good / kind to his own - к своим и черт хорошо относится, the devil is good when he is pleased - и черт бывает добр, когда он доволен, the land of the leal - страна верных, страна блаженных (небеса, рай), sin one’s mercies - не оценить (благ, выпавших на чью-л. долю), ring the bells backwards - бить в набат.

Исторически Шотландия была частью Великобритании, в связи с чем, большое количество слов, словосочетаний и ФЕ были заимствованы из шотландской своеобразной культуры. Шотландские пословицы могут быть примерами РМФЕ. Интересно то, что в шотландских пословицах концепту дьявола приписывают эмотивно-смысловые характеристики человека, например, the devil is good / kind to his own - к своим и черт хорошо относится, the devil is good when he is pleased - и черт бывает добр, когда он доволен. РМФЕ, ring the bells backwards указывают на исторически сложившийся обычай в Шотландии оповещать о несчастье или бедствии. РМФЕ, the land of the leal, в переводе означающая "страна верных", райская сторона [К. Нэрн, шотландская поэтесса впервые упомянула данное выражение в своем произведении ‘The Land o'the Leal’], означает райский край, куда попадают после смерти благоверные христиане, данное РМФЕ создает основу предполагать, что шотландцы также, как и остальные христиане верили в загробную жизнь. В РМФЕ, sin one’s mercies - не оценить (благ, выпавших на чью-л. долю) опорными компонентами являются концепты греха и благодати. Скрытый экстраполируемый посыл заключается в призыве быть терпеливыми в взаимоотношении людей и довольствоваться тем что есть, неумение усмирить свои желания зачитывается как греховность.

## ЗАКЛЮЧЕНИЕ

В результате нашего анализа категорированы РМФЕ с национально-культурной спецификой, которые зачастую являются одним из основополагающих слоев для объективного исследования областей языка и выявления национального самосознания народа. Специфика национального восприятия окружающей реалии отражается посредством символики и

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00585

метафоризации понятий, традиций и религиозных обрядов которые в свою очередь являются неотъемлемой частью культуры английского народа. Необходимо отметить, что вышеперечисленные компоненты несут в себе религиозно-культурную информацию, которая становиться ментальностью нации и культурным кодом для носителей языка, но носит имплицитный характер для представителей других культур. В ходе исследования методом сплошной выборки были вычленены фиксированные РМФЕ с национальным содержанием. На основе анализа лингвокультурных единиц английского языка было выявлено несколько базовых тематико-семантических сфер, активно использующихся в каждодневной речи носителей языка и представляющей религиозно-культурную наполненность. Основные направления национально-культурной специфики РМФЕ: юридические, диалектические, литературные, мифические, исторические.

## REFERENCES

1. Добровольский Д.О. Национально-культурная специфика во фразеологии (I) // Вопросы языкознания. 1997. № 6. С. 37-48
2. Гак, В.Г. Особенности библейских фразеологизмов в русском языке (в сопоставлении с французскими библеизмами). / В.Г. Гак // Вопросы языкознания. – 1997. - № 5. – С. 55-65.
3. Стилистика английского языка. 2-е издание — М.: Высшая школа, 1977**.** — 334 с.
4. Арнольд И. В. Лексикология современного английского языка. – М.: Высш. шк., 1986. – 383 с.
5. Англо-русский фразеологический словарь//Кунин А. В.. – М.: Русский язык, 1984. – 942 с.
6. Longman Dictionary of English Idioms. — London: Longman, 1979. — 387 p.
7. The Holy Bible. – New York: The Bible Society. The Chaucer Press Ltd., 1986. The Old Testament: – 863 p., The New Testament: – 338 p.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00586

# ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

**Хамидулло Фазлиддинович Паттидинов**
Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси магистранти

## АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада давлат харидлар тизимини такомиллаштириш соҳасида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар, ушбу тизимнинг давлат бюджети маблағларидан мақсадли ва оқилона фойдаланишдаги ўрни, шунингдек, мамлакатимизда давлат харидлари тизимини янада самарали ташкил этиш бўйича илмий хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** давлат харидлари, махсус ахборот портали, харид қилиш тартиб-таомили, бюджет, давлат бюджети.

# WAYS TO IMPROVE THE ORGANIZATION OF PUBLIC PROCUREMENT

**Khamidullo Fazliddinovich Pattidinov**
Master of the Banking and Finance Academy of the Republic of Uzbekistan

## ABSTRACT

This article develops scientific conclusions and recommendations for radical reforms in the field of public procurement, the role of this system in the targeted and rational use of state budget funds, as well as more effective organization of public procurement in our country.

**Keywords:** public procurement, special information portal, procurement procedures, budget, state budget.

## КИРИШ

Давлат бюджети давлатнинг марказлаштирилган пул маблағлари бўлиб, унда даромад манбалари ва улардан тушадиган тушумлар, шунингдек харажат ҳажми ва йўналиши ўз аксини топади. Давлат харажатларининг ажралмас таркибий қисми сифатида давлат харидлари муҳим аҳамиятга эга ҳамда у давлатнинг ўз вазифа ва функцияларини амалга оширишда асосий воситалардан бири ҳисобланади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00586

Давлат сектори ўзига юклатилган вазифа ва функцияларни амалга ошириш, иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш ва турмуш даражасини яхшилаш ҳамда шу каби бошқа кўплаб йўналишлардаги устувор мақсадларга эришишни таминлаш учун товар, иш ва хизматлар билан таъминлаб турилиши зарур. Бунда албатта давлат харидларига эҳтиёж сезилади.

**Давлат харидлари** – бюджет тизими бюджетларининг маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган товарлар, иш ва хизматлар харидларидир. Бошқа сўз билан айтганда, **давлат харидлари** - товар (иш, хизмат)ларни давлат буюртмачилари томонидан пулли асосда олиш ҳисобланади. Давлат харидларини моҳиятини тўлиқ тушунишда унинг вазифаларига эътибор бериш лозим.

Давлат харидларининг вазифалари давлат бошқаруви фаолияти учун зарур товар, хизмат ва ишлар билан ўз вақтида, керакли миқдорда ва турда, сифатда ҳамда нархда таъминлашдан ташқари рақобатни ривожлантириш учун давлат харидларига кўпроқ тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни халқаро андозаларга мос сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга ундашдан иборатдир. Бу вазифаларни амалга ошириш орқали мамлакат иқтисодиёти ривожига ҳамда ижтимоий соҳадаги ижобий ўзгаришларга таъсир кўрсатиш мумкин бўлади.

Давлат харидлари бозор элементи ҳисобланиб, унинг ёрдами билан иқтисодиётнинг турли соҳаларида маблағларни тақсимлаш ва самарадорлигини ошириш содир бўлади. Бу эса давлат харидлари соҳасига эътиборли бўлишни ва уни ривожлантиришни талаб қилади, бунда албатта тизимли ёндашув зарур.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Республикамизда давлат харидлари тизимини шакллантириш ва такомиллаштириш мақсадида ислоҳотлар ўтказишга катта аҳамият берилмоқда.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат харидларини амалга оширишда харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш жараёнларини ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Ушбу қарор билан «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ Молия вазирлигига қуйидагиларни амалга ошириш топширилди:

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00586

- 2021 йил 1 апрелга қадар махсус ахборот порталида қурилиш соҳасида давлат харидларини электрон шаклда ўтказишни назарда тутувчи алоҳида саҳифа яратиш;
- 2021 йил 1 майга қадар Марказий азборот порталини яратиш бўйича техник-лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигида экспертизадан ўтказиш;
- 2021 йил 1 сентябрга қадар давлат харидлари бўйича барча маълумотларни жамловчи ва ташқи ахборот тизимлар билан ўзаро электрон ҳамкорликни таъминловчи Давлат харидлари марказий ахборот портали дастурий мажмуасини яратиш ва уни кузатишни таъминлаш чораларини кўриш.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Марказий ахборот порталини ишлаб чиқиш ва уни кузатишни таъминлаш Молия вазирлигининг Ахборот-ҳисоблаш маркази томонидан амалга оширилади. Марказий ахборот порталини ишлаб чиқиш ва уни кузатишни таъминлаш халқаро молия институтларидан жалб қилинадиган маблағлар ҳамда Молия вазирлиги Ахборот-ҳисоблаш марказининг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

2021 йил 1 апрелдан бошлаб давлат харидлари ижрочисининг муассислари тўғрисидаги маълумотлар Молия вазирлиги ва ДСҚ ахборот тизимлари ўртасидаги ахборот алмашинувидан фойдаланган ҳолда давлат буюртмачилари билан тузилган шартномалар реестрига киритилади.

Ҳужжат билан Давлат харидлари марказий ахборот порталини юритиш бўйича функционал талаблар ҳамда Давлат харидлари соҳасида фойдаланиладиган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) миллий классификаторини юритиш қоидалари тасдиқланди.

Давлат харидларининг очиқ ва шаффоф механизмини яратиш, уни такомиллаштириш, савдоларнинг коррупциядан ҳоли тарзда ўтказилишини таъминлаш мақсадида республикада амалга оширилаётган ишлар ва кўрилаётган чора-тадбирларни узвий давом эттириш билан бирга мавжуд муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш ҳам зарур.

Харидларни амалга ошириш билан боғлиқ айрим муаммо ва камчиликлар юзага келмоқда. Масалан, “Давлат харидлари тўғрисидаги қонун”нинг 44-моддасига асосан харид қилиш тартиб-таомили якунига кўра электрон дўконда товар (иш, хизмат) мавжуд эмаслиги сабабли шартнома тузилмаган бўлса,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00586

давлат буюртмачиси мустақил равишда танланган етказиб берувчи билан шартнома тузиш орқали тўғридан-тўғри харидни амалга оширишга ҳақли ҳисобланади. Электрон дўконда барча турдаги товарлар мавжуд бўлмаганлиги оқибатида буюртмачилар ва маҳсулот етказиб берувчилар ўртасида рақобатга асосланмаган тарзда тузилаётган тўғридан-тўғри шартномалар сони ортмоқда.

Шу каби вазиятларни олдини олиш учун республикамизда давлат хариди тизимини такомиллаштириш ва кичик бизнес субъектларини давлат буюртмаларида иштирокини таъминлаш орқали, иқтисодий ривожланишга таъсир этиш масаласига муҳим йўналиш сифатида эътибор қаратилмоқда. Шу нуқтаи назардан, хорижий тажрибаларни ўрганиш ва давлат хариди тизимида бу тажрибалардан фойдаланиш, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

## ХУЛОСА

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, бюджет маблағларининг самарали сарфланиши ҳар бир давлатнинг ҳар қандай даврдаги муҳим масалалардан биридир. Давлат хариди жараёнини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган қонун ва қарорлар ушбу масалаларнинг ечимини топишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга, давлат харидларини амалга оширишда товарлар (ишлар, хизматлар)ни етказиб берувчиларнинг масъулиятсизлиги юзасидан жавобгарлигига белгиланган жарима миқдорининг камлиги буюртмачиларга товар (иш, хизмат)ларнинг ўз вақтида ва белгиланган талабларда етказиб берилишида бир қатор муаммоларга сабаб бўлмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, ушбу соҳа
вакилларининг давлат ва корпоратив харидлар жараёни жалб қилиш орқали давлат ташкилотларининг узлуксиз ва самарали фаолият кўрсатиши таъминланади.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, бюджет ташкилотларининг давлат харидларини амалга оширишдаги молиявий муносабатларини самарали ташкил этиш юзасидан қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

- тўғридан-тўғри шартномалар қилиш ҳуқуқига эга бўлган товар (иш, хизмат)лар рўйхатини кенгайтириш;

- давлат хариди жараёнидаги иштирокчиларнинг масъулиятсизлиги юзасидан жавобгарлигини кучайтириш;

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00586

- давлат хариди жараёнига тадбиркорлик субъектлариния янада кенг жалб қилишда хориж амалиётини ўрганиб чиқиш.

Бунинг натижасида, буюртмачиларга зарур бўлган ишлар, хизматларнинг махсус ахборот порталида эълон қилиниши натижасида ушбу ишлар, хизматларга бўлган таклиф ошади, улар орасидаги рақобатнинг мавжудлиги сабабли, иш, хизматларнинг нархини тушишига олиб келади, натижада бюджет ташкилотларининг мазкур иш, хизматлар учун ажратилган пул маблағлари тежалади.

## REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси;
2. Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни;
3. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат харидларини амалга оширишда харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш жараёнларини ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги 37-сон қарори 26.01.2021й.
4. Ўроқов У. Давлат харидлари тизими: кеча ва бугун. «Бозор, пул ва кредит» журнали, 8-сон, 2018 й.
5. Шешукова Т.Г. Система государственных закупок: понятие, влияние на экономику // Международный бухгалтерский учет. – 2018. – Т.
6. www.norma.uz

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00587

# XORAZM DUTOR IJROCHILIGI VA UNDA OT JONZOTI XUSUSIYATLARINING BADIIY IFODASI

**Izzat Yuldashev**
O‘zbekiston san’at va madaniyat instituti o‘qituvchisi

## ANNOTATSIYA

Mazkur ilmiy maqolada Xorazm an’anaviy dutor ijrochiligi, uning o‘ziga xos xususiyalari hamda ijodiy jayaonlar tarixiga oid ilmiy mulohazalar qayd etilgan. Shuningdek, Xorazm an’anaviy dutor amaliyotida ijro etib kelinayotgan ot bilan bog‘liq mulohazalar ochib berilgan. Ot jonivorining xususiyatlarining dutorda ijro etishdagi badiiy jihatlar qayd etilgan.

**Kalit so‘zlar.** Dutor, ot, ijro, san’at, madaniyat, an’ana.

# KHOREZM DUTOR PERFORMANCE AND ARTISTIC EXPRESSION OF HORSE FEATURES IN IT

**Izzat Yuldashev**
Teacher of Uzbekistan Institute of Arts and Culture

## ABSTRACT

This scientific article contains scientific comments on the traditional dutar performance of Khorezm, its peculiarities and creative history. There are also comments on the horse, which is performed in the traditional dutar practice in Khorezm. The artistic aspects of the dutar performance of the characteristics of the horse animal are noted.

**Keywords:** Dutor, hourse, execution, art, culture, tradition.

## KIRISH

Bizga ma’lumki, Xorazm vohasida dutor ijrochilik an’analari azal-azaldan to ayni zamonga qadar shakllanib, sayqal topib yoinki rivojlanib kelishi suvora (suvoriy-diyralishma aytim) ijrochiligi, el orasida qadimdan beri mashhur bo‘lib kelgan dutor nag‘malari ijrochiligi, doston ijrochiligi, xalfachilik hamda xalq ichidagi ommalashgan dutor kuylari ijrochilik faoliyatlari va yo‘nalishlari ijodiy doirada biri-birlariga bog‘liq va o‘zaro ta’sir jarayon ketma-ketligi zaylida yuzaga kelgan.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00587

## ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Inchunin, Mulla Bekjon Rahmon o‘g‘li va Muhammad Yusuf Devonzodalarning “Xorazm musiqiy tarixchasi” risolalarida XII asrdan XIX asrga qadar bo‘lgan qisacha tarixiy-ilmiy ahamiyatga molik mazmundagi Xorazm musiqiy tarixi jarayonlari hamda kasbiy musiqaga doir ijdoiy yondashuvlar ko‘pincha dutor cholg‘usi va uning ijrochiligi bilan bog‘liqligi haqidagi o‘ziga xos xronologik voqelik yoritib o‘tilgani [9.14, 32-34, 43.]; R.Yunusovning “O‘zbek maqomlari” risolalarida Xorazm maqom navlari orasida dutor yo‘llari ham mashxur ekani [11.39.]; S.Begmatov va M.Matyoqubovlarning “O‘zbek an’anaviy cholg‘ulari” nomli kitoblarida Xorazmda maxsus dutor maqomlari shakllangani xususida qayd etilgan mulohazalar g‘oyatda muhim ahamiyat kasb etmoqda [1.23.]. Bundan shunisi ma’lum bo‘ladiki, qadimdan beri Xorazrmda dutor cholg‘u ijrochiligi madaniy munosabatlarning har qanday ko‘rinishida u yoki bu doirada o‘ziga xos ahamiyati g‘oyatda yuqori bo‘lganiga ishoradir.

Biz yuqorida ta’kidlaganimizdek, Xorazmda qadimdan buyon dutorda ijro etib kelinayotgan janr va ijrochilik an’analari bog‘liqligiga urg‘u berib o‘tmadik. Binobarin, O.Matyoqubov “Maqomot” nomli monografik kitoblarida: “O‘zbek baxshichiligining yana bir katta Xorazm maktabi o‘zining yorqin musiqa – ashulachilik ibtidosi bilan dutor cholg‘usiga asoslanadi” – deya alohida ta’kid berib o‘tgan [8.279.]. Qolaversa, O.Matyoqubov Botir Matyoqubov tomonidan yozilgan kitobdagi so‘z boshida: “Dostonning bosh qahramoni sozanda. U dutor chalib, qo‘shiq aytib kun ko‘radi. Doston boshidan oxirigacha soz nafasi bilan sug‘orilgan. Soz vasfiga qaratilgan” – deya takidlab o‘tgan [5.3.]. Aynan mana shunday – yuqorida qayd etilgan olimlarning dostonchilik, epos va baxshichilikka oid mulohazalarini bekorga qayd etmadik. Nega deganda, folklorshunos olim J.Eshonqulovning o‘zbek fokloriga doir tadqiqotlarida baxshilar tomonidan kuylanib kelinayotgan doston yoinki eposlardagi so‘z-voqeliklarda ot hayvonini, uning o‘ziga xos jihatlarini va ba’zi badiiy holatlarda kelishini – eng qadimgi odamlar tomonidan ot bilan bog‘liq totemistik qarashlari hamda otga bo‘lgan turli hayotiy vaziyatlardagi munosabatlarining ko‘chma, timsoliy-badiiy ifodasi tarzda (qadimdan to bugunga qadar) ijro etilib kelinganini ilmiy ishora va urg‘u berib o‘tgan [2.46, 61, 68-69; 3.111, 169.]. Bundan ko‘rinadiki, Xorazm yo‘nalishidagi bizga ma’lum dostonlarning so‘z-mazmunida keluvchi mana shunday ot bilan bog‘liq holatlarni musiqiy-badiiy-timsoliy aks ettirishda dutor cholg‘usidan keng foydalanilgan. Bu esa, dutor cholg‘usining o‘ng qo‘l zarblari bilan uyg‘unlikda kuy-harakat xususiyatlari doirasida fikr-mulohaza etish lozimligiga ilmiy ishoradir. Aynan dutorda o‘ng qoldagi turli

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00587

“Chap”, “Pirrang” “Zud pirrang” va “Islimiy bezak” singari zarblar Xorazm doston ijrochiligida qo‘llanilganini hamda xuddi mana shunday shtrixlar otning xususiyatlari va fe’lini badiiy jihatdan ifoda etishda samarali ishlatilganini qayd etish muhim. Baayni bundayin dutor (o‘ng qo‘l) zarblaridan boshqa yana juda ko‘p, yuzlab xilma-xil shtrixlar qo‘llanilganini ham, o‘z navbatida, maqsadga muvofiq tarzda ta’kidlamoq o‘rinli ekanini qayd etish darkor.

## MUHOKAMA VA NATIJALAR

Bizning fikrimizcha, dutor zarblarining baayni oddiydan murakkablikka tomon rivojlanib borishida ham aynan mana shunday epos holatlari bilan cholg‘u kuyi va xonish qilishdagi sinkretik yoki qorishma hodisaga xos o‘zaro ta’sir-munosabatlar birligi muhim ahamiyat kasb etgan. Bunda, albatta, ot bilan bog‘liq kuy namunalarni ham turli holatlarga ko‘ra, baxshilarning o‘z dostonlarida ixtiyoriy ijro xususiyatlarga qarab qo‘llab kelishi rivojlanganini qayd etish g‘oyatda muhim ahamiyat kasb etadi. Shuni ham aytish kerakki, Xorazmdagi baxshilar muayyan kuyni dostonning u yoki bu syujet qismlariga istaganlaricha va ixtiyoriy tartibda, xohlagancha – xoh unisiga-xoh bunisiga joylagan holda, albatta, rejali-dasturiy va belgi-ifoda tarzda ijro etaverishgan. Shuningdek, bizga ma’lum bo‘lib kelayotgan Xorazm dostonchiligidagi (shirvoniy) kuy yo‘llaridan bo‘lmish – “Ilg‘or” va “Sho ko‘chdi” namunalarining kuy-harakat ketma-ketligi tez temp bilan ijro etilishi hamda doira usulining shiddat bilan dutor zarblariga hamohang va jozibador tarzda chalinishi yuqoridagi barcha qayd etgan mulohazalarning naqadar o‘rinli ekaniga ishoradir. An’anaviy tarzda ijro amaliyotida sayqallanib kelinayotgan “Ilg‘or” kuyining so‘z ma’nosidan ham uning kuy tabiati va jo‘shqinligini anglab olish qiyin emas.

Atoqli tarixchi va etnograf olim Iso Jabborov Xorazmda juda qadimdan beri “Ot o‘yini” kabi masxarabozlarning o‘yin-raqs kuylari ijro etib kelinganiga o‘ziga xos urg‘u berib o‘tgan edi [4.274-275.]. Qolaversa, Iso Jabborov Xorazm lazgilarini turli xil sharoitlarda yuzaga kelganiga va ulardan hayonlarga (I.Y. – masalan, ot jonzotiga) bo‘lgan totemistik munosabatlar bilan bog‘liq namunalari mavjud ekaniga, shuning bilan bir qatorda, “Dutor lazgi”sini afsonalardan kelib chiqqaniga ham o‘ziga xos tarzda urg‘u berib o‘tgan edi [4.274.]. Yana bir iste’dod egasi – tadqiqotchi olim, xonanda va sozanda Shavkat Matyoqubov: “Ko‘pchilik ustozlar suvoriy so‘zini (I.Y. – ya’niki, Xorazm suvora namunalarining kelib chiqishiga doir qarashlar) otliq-chavandoz ma’nolari bilan bog‘liq ekanligini ham aytishadi” – deya qayd etib o‘tgan edi [7.40.].

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00587

Bu o‘rinda, ustoz san’atkor Rahmatjon Qurbonov hamda Shavkat Matyoqubovlar esa, qadimda, Xorazmda otchilik juda rivoj olgan emishki, bundayin otlari dunyoning mashhur, zotdor otlari qatorida sanalgan va bunga misol Xorazmda Xazorasp degan yurtning boyligi, uning qadimgi turkiy qabilalardan Xazor va Os qabilalari birlashuvidan tashkil topganligi va ular otliq jangchi urug‘lar ekanligi to‘g‘risida rivoyatlar borligini qayd etib o‘tishgan [7.40; 10.51.]. Shuning bilan birga, atoqli san’atkor R.Qurbonov va Sh.Matyoqubovlar Xazorasp so‘zi forsiyda ming otliq degan ma’noni bildirishini ham misol qilib qayd etib o‘tishgan [7.40; 10.51.]. Buning ustiga-ustak, R.Qurbonov suvora aytimlarini tasavvuf bilan bog‘liqligini ta’kidlagan holda quyidagi mulohazalarni ham qayd etganlar: “Ustozlarimiz Suvoralarning ritm, doira usullari otning oyoq tovushi holatida olingan deyishardi” [10.51.]. Xuddi shunday ta’kidga yaqin mulohazani atoqli musiqashunos olim Ravshan Yunusov ham aynan suvoralarni “…keksa ustozlar aytishicha – asl otning yo‘rg‘a yurishidan hosil bo‘lgan ritmik tuzilmaga asoslangan. Suvoralarda she’riy matn sifatida ko‘proq tasavvuf mavzularida bitilgan muhammaslar qo‘llaniladi”, deb qayd etib o‘tgan edilar [7.41.]. Dutor cholg‘usi bilan suvoralarni o‘zaro bog‘lagan holda, biz bejizga qayd etmadik. Chunki, suvoralar dastlab yakka dutorda ijro qilingan, keyinchalik Hojixon Boltayev tor va doira cholg‘usini ayni suvora ijrochilik amaliyotiga olib kirganlar [7.42-43.]. Bunday suvoralarni doirada ijro etishda undagi zarblar aynan dutor o‘ng qo‘l shtrixlaridan olingani xususida an’anaviy ijrochilik amaliyoti va uning tarixidan bizga malum. [7.43.].

Shavkat Matyoqubovning fikr-mulohazalariga quyidagicha ahamiyat qaratmog‘imiz muhimdir: “Olloh insonga otni yordamchi, do‘st qilib va ulov vositasi sifatida yuboranligi ulug‘ bir ne’matdir. Shuning uchun ham, musiqa san’atida ot bilan bog‘liq rivoyatlar va asarlar juda ko‘p uchraydi. Chunki, qadimda arablarda ham rakb – otliq va rakba’ni chavandozlar ashula yo‘llari bo‘lgan. Shuningdek, doston qo‘shiq va kuylari ichida dutor, do‘mbira va boshqa cholg‘u sozlari usullarining ot yurishiga monand o‘ng qo‘l zarblarini otning turli qadam tashlashiga o‘xshatib yaratilgan asarlardan Ilg‘orlar va Sho ko‘chdilar turkumi, do‘mbira kuylaridan Ot haydash, qozoqlarda Qora jo‘rg‘a, Ozarbayjonda Ot usti, Poshsho ko‘chdi, Ovropada Galop, Naezdik va shularga o‘xshash nomlar bilan atalishi fikrimizning dalilidir. Shuningdek, Muhammad (S.A.V.)ning oti Buroq, Hazrati Alining Duldul, Alpomishning Boychibori, G‘o‘rog‘lining G‘iroti, Jaloliddin Manguberdining Qora dali kabi otlari ularning hayotida katta ahamiyat kasb etganligi hech kimga sir emas. Shu sababli suvoriylarning ham qadimda insonning eng yaqin yo‘ldoshi, ulovi ot va chavandozlar nomi bilan bog‘lab, suvoriy deb ramziy ma’noda

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00587

atalgan bo‘lsa ajab emas” [7.41.]. Albatta, Sh.Matyoqubovning mulohazalaridagi suvoralarga bog‘liqlik ijodiy yondashuvlar shunchaki tasodifiy hol emasligi alohida e’tibor talab etmoqda. Shuningdek, “Qora dali” kuyi sifatida aynan dutor cholg‘usida ijro etib kelinayotgan asarning Xorazmshoh – sulton Jaloliddin Manguberdi minib yurgan ot nomi Qora dali bilan bog‘liqligi haqida yuqoridagi mulohazalar ham muhim ahamiyat kasb etadi.

Aynan Sh.Matyoqubov aytgan mulohazalarni benazir ustoz san’atkor R.Qurbonov ham, Qora dali Jaloliddin Manguberdining eng yaxshi ko‘gan va sadoqatli oti bo‘lganini, ayni jonzotning Xorazm sultoni bilan Chingizxonga qarshi kurshda o‘z egasini turli mushkul vaziyatlardan olib chiqqani va jangdagi imo-ishoralarda o‘zaro biri-birlarini tushunishganini aytgan edilar. Shuningdek, ustoz san’atkor R.Qurbonov ta’biricha, Qora dali o‘rnidan tura olmaydigan darajada betob bo‘lib qolganini Jaloliddin Manguberdi ko‘rgach: “do‘stim Qora dalini kim o‘ldi deb xabar olib kelsa, uni qatl ettiraman” degan ekan. Ikki-uch kundan so‘ng haligi vafodor otning joni uziladi. Keyin mulozimlar nima qilishni bilmay, dutorchi-mashashoq sozanda – Mahmudni Xorazmshoh Jaloliddin oldiga Qora dalining joni uzilganini bildirish uchun jo‘natishadi. Mashshoq qo‘lidagi dutorni sekin, ohista, chala boshlaydi. Jaloliddin dutordan taralayotgan kuy oddiy kuy emasligini va dutor pardalarida yugirayotgan barmoqlar shunchaki havaskor barmoq emasligini fahmlaganday, kuyga mahliyo bo‘lib tinglardi. Bu kuyni eshitgan sulton – Jalolddin yig‘lab yuboradi va Qora dali otining joni uzilganini tushunadi, dutor chalgan mashshoq esa, Xorazmshoh Jaloliddinday kuyni tushunib tinglaydigan va uning mag‘zini chaqa biladigan fahm-farosatli shinavandani hech uchratmaganidan xayratda qoladi va bu haqda yon-atrofidagi odamlarga aytib beradi. Xulosayi kalom, dutorchi-mashshoqning chalgan kuyi shu-shu “Qora dali” bo‘lib qolgan ekan [10.72-73.].

Shuni ham alohida ta’kidlab o‘tish lozimki, qadimda dutor cholg‘usi o‘z navbatida sodda hamda xalqchil ijrochilik jihatlariga boy bo‘lgani uchun, aynan el orasida uning mavqeyi hamda u orqali har qanday badiiy ijod faoliyatlari bo‘yicha samarali qo‘llashga qaratilgan turli amaliy yondashuvlar u yoki bu darajada voqe bo‘lib turgan. Shuningdek, biz ot jonzoti xususiyatlarini dutor ijrochiligi bilan bog‘lashimiz uchun, dastavval, ayrim sahro kengliklarda ot boqib, ayni jonvorga bog‘lanib qolgan, suvoriy tarzda xizmat qilish bilan hayot kechirgan, ayrim paytlarda tuyalarda savdogarlik qilgan va ot-arava orqali yo‘llar qiyinchiligini bilgan – ilgarigi zamon insonlarning turmush-tarzini ham tasavvur qilmog‘imiz darkor. Bu o‘rinda, ilgarigi odamlarning hayotiy qiyinchiliklarida maishiy-madaniy ehtiyojni qondirishga

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00587

bo‘lgan sa’y-harakatlari orqali, ular tomonidan olib borilgan maishiy-madaniy hayot uyg‘unligi ko‘zlanib, ahyon-ahyonda charchoqni unutish va zahmatli mehnat tashvishidan biroz chalg‘ish maqsadi o‘ylab topish, davra suhbatlar olib borish va bunda musiqadan unumli tarzda foydalish holatlari muhim bo‘lganini inobatga olmog‘imiz lozim.

## XULOSA

Muxtasar qilib aytganda, Xorazmda eng qadimgi va undan keying qadimgi davrdan hamda milodiy XII asrlardan buyon ijro etib kelinayotgan – baayni kungacha yetib kelgan – qadimgi dutor cholg‘u kuy-namunalar bo‘lmish “Qora Dali”, “Ilg‘or”, “Sho ko‘chdi”, “Dutor lazgisi” va suvora namunalari ijrochiligi-yu dostonchilikka xos dutor kuylari kabilar, bizning fikrimizcha, turli ijodiy-og‘zaki sayqallashuv va badiiy rivojlanish kesimida ayni zamonga qadar yetib kelgan. Bu o‘rinda, biz, yuqoridagi suvoriy-diyralishma, dostonchilik, xalq ichidagi ziyolilar orasida mashhur bo‘lgan maxsus dutor nag‘malari va xalq ijodi kesimida ijro etib kelinayotgan oddiy-xalqchil dutor kuy-asarlari singari ijrochilik amaliyotlarni bejizga qayd etib o‘tmadik. Binobarin, Xorazmda ot hayvoni bilan bog‘liq bo‘lgan “Qora Dali”, Suvora namunalari, doston ijrochiligida dutor ijro etib kelingan “Sho ko‘chdi”, “Ilg‘or” kabi kuylarning asrlar osha sayqallanib kelishida xuddi mana shu ijrochilik amaliyotlarning ijodiy doiradagi ta’sirlari va uning badiiy unsurlar kesimidagi o‘zaro aloqador jihatlari g‘oyatda muhim ahamiyat kasb etib kelgan. Bunday ijrochilik amaliyotlarning mana shunday jarayonlar kechuvini ayni zamoda, ayniqsa, baayni Xorazm dutor ijrochilik maktabining hozirgi vakillari yaxshi bilishadi. Bundan keib chiqib, biz, dutorda “Qora Dali”, “Ilg‘or” va “Sho ko‘chdi” singari kuylarning, shu bilan birga, suvora va doston kuy yo‘llarining o‘ziga xos ijro etilishi masalalarini atroflicha yoinki izchil tahlil etishimiz uchun, yuqorida urg‘u berib o‘tilgan ijrochilik amaliyotlari bo‘yicha o‘zaro aloqadorliklar, u yoki bu darajadagi bog‘liq jihatlar haqida olimlar va mutaxassislarning avvalboshda ta’klidlab o‘tgan mulohazalarini nazarda tutishimiz g‘oyatda muhim ahamiyatga kasb etadi.

## REFERENCES

1. Begmatov S., Matyoqubov M. O‘zbek an’anaviy cholg‘ulari. – T.: “Yangi nashr” 2008. – 72 b.
2. Eshonqul J. Folklor obraz va talqin. – Q.: “Nasaf”, 1999. – 172 b.
3. Eshonqul J. O‘zbek folklorida tush va uning badiiy talqini. – T.: «Fan», 2011. – 304 b.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00587

4. Jabborov I. Yuksak madaniyat va noyob ma’naviyat maskani. – T.: “O‘zbekiston”, 2012. – 320 b.
5. Matyoqubov B. Xorazm doston ijrochiligining sarxat sahifalari. – “Xorazm” nashriyoti, 1999. – 52 b.
## MUHOKAMA VA NATIJALAR

Shoira so'z orqali insonning ruhiy olamiga chuqurroq kiradi, uning ichki dunyosini badiiy tadqiq etadi. Shubhasiz, so'zning badiiy estetik funksiyasi yanada takomillashadi. Ushbu she'r asosida muhim bir konsepsiya yotadi: she'r faqat imkon borida yoki imkon boricha shunchaki shoirning xohishi bilan ro'yobga chiqariladigan so'zlar tizmasi emas. Avvalambor shoira bir so'zning o'ziga ulkan mas'uliyat yuklaydi. So'z zaminga, tiriklikka tegishli jamiki narsani o'zida akslantira olishi kerak. Shoira so'zni faqat ezgulikka xizmat qilishini xohlaydi. Birgina so'z shunday qudratliki "mehr sadafida gavhar" kabi inson qalbiga kirib borib, uni ezgulikka oshno qilishi, yohud "til g'ilofida o'ljasini kutgan xanjar" kabi g'am-g'ussa va armon to'lqinlari bilan birlashtiradi. Oydin Hojiyeva o'z so'zlari bilan inson yuragigacha kirib borib, uning ikkinchi tabiatiga aylanadi va o'ziga xos tarzda, oddiy nigoh bilan ilg'ash qiyin bo'lgan bir shaklda namoyon bo'ladi.

Oydin Hojiyeva lirikasining eng muhim fazilati shundaki, nafosatshunoslikda zarracha yasamakorlik, o'zini ko'z-ko'z qilish kuzatilmaydi, nazmiy chizgilarning barchasi tabiiy va samimiydir.

Yashamoq!
Osmonga yetadi boshim
Bu oddiy, mehnatkash, so'z qudratidan,
Ko'zimdan tirqirab ketadi yoshim
Quyosh isli yorug' dunyo baxtidan.

Bu satrlar bevosita sh'erxon qalbida shukronalik tuyg'usini uyg'otadi. Oydin Hojiyevaning lirik qahramoni allaqanday baxtli, unda hayotga muhabbat, kelajakda ishonch tuyg'ulari ufurib turadi. Pokiza ishq nafasi bilan qorishgan ingichka sezimlar lirik chizgilarni bahor quyoshi bilan yoritadi. Ma'lum ma'noda shoiraning o'z chamanzori bor. Ushbu she'riyat chamanzorida esa kuzgi xazonlarga o'rin yo'q. Poetik ifodalardagi o'ziga xos nafosat she'rxon dilidagi dilbar o'ktamlik bilan uyg'unlashib, yakdillik kasb etadi.

Oydin Hojiyevaning lirik qahramoni hayot qiyinchiliklarini fojia deb yoki baxtni tayyor holda qabul qiladigan shaxs emas. Bir qaraganda baxt va baxtsizlik

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00603

hammaga ravshan tushunchadek, biroq ularning har ikkalasi inson qalbi orqali ro'yobga chiqadi.

Kuy yaralar g'amdan yo baxtdan,
Xush navolar tuzolmadik biz.
Bog'imizda bitgan daraxtdan
Oltin meva uzolmadik biz.

Lirik qahramon shunchalik kuyunchakki, baxt va baxtsizlikning zamiriga o'ziga xos mulohaza bilan yetishadi. Baxtsizlik lirik qahramonni turli holatlarga solib qo'yadi. "Daraxt" tushunchasi, "oltin meva" obrazlari shoira talqinida biz bilgan ma'nodan tashqari, chuqur falsafiy umumlashma darajasiga ko'tariladi. Ruhiy azoblar, allaqanday siquvlar so'ngida shoiraga madad bo'lgan kattakon baxt uchquni bu uning she'rlari. U she'rni yonib intiqib izlaydi va uni "iztirob yoshida", "mehr izhorida" topadi. Shoira lirik qahramonining sabr-u qarori par misoli to'zg'iganda so'z bilan joniga oro kiradi. Lirik qahramon goh quvonadi, goh sabab-besabab ranjiydi, baxt kelishini "lahzalar sanab" kutadi. Lekin baxt uchun odat kutilmaganda kelishdir.

Tongotarga yetdim mag'rur, yorug' yuz,
Bugun chiqdim ajal tegirmonidan,
Tabrik, dovruq bo'lib xuddi o'sha kez
Charaqlab turding, baxt, ikki yonimda!

## XULOSA

Yuqoridagi tahlillardan ko'rinadiki, Oydin Hojiyeva she'riyati o'zining yuqori darajadagi ma'rifiy estetik xususiyatlari bilan adabiyotimiz xazinasidan munosib o'rin egallaydi. Baxt va ezgulikni tarannum etuvchi, hayotning go'zal damlarini yorituvchi, she'rxon ruhiyatiga kirib borib, ko'tarinkilikka yo'naltiruvchi lirik chizgilar ijodkori xalqimiz qalbidan chuqur joy egallagan.

## REFERENCES

1. Q.Yo'ldosh, M.Yo'ldosh. Badiiy tahlil asoslari. T: Kamalak, 2016.
2. Ҳожиева Ойдин. Тамал тоши: [Шеърлар]. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988.
3. Ҳожиева Ойдин. Шом шуълалари: Сайланма. Шеърлар, достонлар. – Т: "Sharq", 2010.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00604

# СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ФИЗИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ В УЧЕБНОМ ПРОЦЕССЕ ВУЗА

**Л. Н. Шахриддинова**
Наваинский государственный педагогический институт (PhD)
laylo2386@navdpi.uz1

## АННОТАТЦИЯ

Физкультурное движение, система физического воспитания призваны всемерно способствовать укреплению здоровья людей, повышению их работоспособности, готовности к защите Родины, формированию высоких нравственных качеств, бодрости духа, силы и выносливости, воспитанию здорового и жизнерадостного молодого поколения.

**Ключевые слова:** Здоровье, физическое воспитание, деятельность, качественная образования; факторы, система физического воспитания, реформирование.

# IMPROVING PHYSICAL CULTURE IN THE EDUCATIONAL PROCESS OF THE UNIVERSITY

**L. N. Shakhriddinova**
Navai State Pedagogical Institute (PhD)
laylo2386@navdpi.uz1

## ABSTRACT

The movement of physical culture and the system of physical education are designed in every possible way to promote the health of people, increase their efficiency, readiness to defend the Motherland, the formation of high moral qualities, cheerfulness, strength and endurance, and the education of a healthy and cheerful younger generation. Our young people should not only be educated in all respects, but also spiritually beautiful, physically strong and experienced.

**Keywords:** Health, physical education, activity, quality of education; factors, system of physical education, reformation.

## ВВЕДЕНИЕ

Реформирование народного образования в стране поставила перед высшей

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00604

школой задачу коренного и всестороннего улучшения профессиональной подготовки и воспитания будущих специалистов. Этой цели должно быть подчинено всё, что делается в вузе, лекции, семинары, индивидуальные занятия, любые планы, воспитательные воздействия, режим жизни, быта, отдыха.

В новых условиях повышается социальная значимость физического воспитания в формировании всесторонне и гармонично развитой личности выпускника вуза с высокой степенью готовности к социально-профессиональной деятельности.

Физическая культура и спорт в учебно-воспитательном процессе вуза выступают как средство социального становления будущих специалистов, активного развития их индивидуальных и профессионально значимых качеств, как средство достижения ими физического совершенства.

## МЕТОДОЛОГИЯ

Современному человеку трудно успевать за требованиями, предъявляемыми научно-техническим прогрессом, справиться с потоком информации даже в узкой области своей профессиональной деятельности, что в значительной степени относится и к выпускникам высших учебных заведений. Для большинства из них работа по специальности связана созначительным снижением физической нагрузки и возрастанием роли внимания, точности движений, быстроты реакции. Сочетание слабой физической подготовленности организма и повышения нервно-эмоционального напряжения в условиях интенсификации производства и ускоряющегося ритма жизни приводит к преждевременной утомляемости, ошибкам в производственной деятельности, которые тем серьезнее, чем более сложной техникой управляет человек, а также к различным заболеваниям и ранней потере трудоспособности.

## РЕЗУЛЬТАТЫ И ОБСУЖДЕНИЕ

Однако фатальной неизбежности таких негативных последствий для специалистов, работающих в условиях современного производства, нет. Чтобы избежать их, необходимо постоянно работать над собой, изучать особенности своего организма, и учиться пользоваться своими скрытыми до времени способностями, вести здоровый образ жизни, систематически пользоваться средствами физической культуры в широком смысле этого понятия. Все это позволит сохранить на долгие годы крепкое здоровье и продлить период творческой активности.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00604

Перед высшей школой ставится задача придать физкультурному движению студенчества массовый характер, создать научно обоснованную систему физического воспитания учащейся молодежи.

При решении любых специальных задач физического воспитания (спортивная тренировка, производственная гимнастика, профессионально-прикладная физическая подготовка, активный отдых и.т.д.) обязательным должно оставаться достижение оздоровительного эффекта. Выбирать средства физического воспитания и регулировать физические нагрузки, формы массовых оздоровительных, физкультурных и спортивных мероприятий следует в соответствии с принципом оздоровительной направленности, поэтому одним из обязательных условий при занятиях физической культурой и спортом является тщательный контроль за состоянием здоровья занимающихся со стороны преподавателя, тренера, инструктора и др. и врача(врачебно-педагогический контроль).

Знаниями студенты овладевают на лекциях и беседах, проводимых в рамках учебных занятий, семинарах по подготовке общественных физкультурных кадров, на занятиях урока физического воспитания. Практические умения и навыки формируются и закрепляются на практических учебных занятиях, на занятиях спортивных секций и различных оздоровительных групп, в процессе участия в массовых оздоровительных, физкультурных и спортивных мероприятиях и спортивных соревнованиях.

В целом физическая культура будет эффективно отражаться на развитии личности студентов только в том случае, если она будет частью целостной системы воспитания студенческой молодежи.

Эстетическое воспитание является неотделимым компонентом разностороннего гармонического развития студенток. Физическая культура и спорт представляют для эстетики широкий круг возможностей. Эстетические восприятия человека проходят как бы сквозь призму его физического благополучия и включают в себя оценку жизненной важности его собственных физических достоинств. Это позволяет удовлетворять потребности в физическом совершенстве и гармоническом развитии.

Спорт во всем мире стал неотъемлемой частью жизни, он проник в социум, как изобразительное искусство, театр, музыка. Миллионы людей приходят на соревнования (или наблюдают по телевидению), чтобы увидеть красоту движений, остроту спортивной борьбы, мастерство и силу, быстроту и легкость, своеобразие индивидуального стиля, грациозность и выразительность, совершенное владение

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00604

телом, испытывая эстетические чувства, удовлетворяя потребность в эмоциональном сопереживании.

С эмоциональной точки зрения спорт создает такую же почву для сопереживания, для движения человеческой души, как и лучшие образцы искусства. В конце концов, по большому счету именно эмоции, которые испытывает человек, следящий за накалом спортивной борьбы, имеют решающее значение в формировании такого качества спорта как притягательность. И хотя сами по себе спортивные игры сопряжены с определенной степенью эмоционального накала, для полноты восприятия соревновательной картины используются дополнительные методы повышения их зрелищности.

Создание на базе вузов танцевальный коллектив принесет интерес к физическим занятиям. Тренировочный процесс включит 3-х разовые занятия в неделю, продолжительностью по 1,5-2 ч. Во время тренировок оттачивается танцевальное мастерство. А во время выступления уже на новом витке приобретается навыки общения с публикой с помощью ми-мики, жестов и непременно улыбки, как эталона женской привлекательности. Выступление девушек, несомненно, вносит определенный вклад в создание праздничной и доброжелательной атмосферы спортивного действия.

## ЗАКЛЮЧЕНИЕ

По нашим наблюдениям, занятия и выступления в группе поддержки, благодаря внешней эффектности и высокой степени эмоциональности способны увлечь девушек, стремящихся улучшить свои физические кондиции, ярко проявить себя перед зрительской аудиторией. Выполнение танцевальных упражнений также стимулирует работу сердечно-сосудистой и дыхательной систем, что способствует повышению аэробных резервов организма студенток. В процессе регулярных занятий улучшается качественная сторона выполняемых элементов, появляется уверенность в себе, стремление к самовыражению, творческой реализации в танце. Танец, по сути, это мир воображения, искусства, творческой свободы, несущий удовольствие и исполнителю, и зрителю.

## REFERENCES

1. Ильинич, В.И. Физическая культура студента и жизнь. Учебник для ВУЗов / В.И. Ильинич - М: Гардарики,2010 – 368 с.
2. Захаров Е.Н., Карасев А.В., Сафонов А.А., Энциклопедия физической подготовки: Методические основы развития физических качеств / – М: Лептос,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00604

1994.– 368 с.
3. Видякин, М.В. Начинающему учителю физкультуры / М.В. Видякин-Волгоград: Учитель, 2004. – 154 с.
4. Бобомуродов, Н.Ш. (2020). Спорт мактаблари раҳбарларининг бошқарувчилик қобилиятини шакллантириш. Фан - спортга, 2020 (8), 50-52.
5. Бобомуродов, Н.Ш. (2018) Technique of Recording Technical and Tactical Actions in Fight Turon. // Eastern European Scientific Journal. – Germany, 2018. № 4 Ausgab. 16-19 p.p.
6. Бобомуродов, Н.Ш. (2011) Контроль и анализ действий в борьбе турон. // “Фан-спортга” илмий-назарий журнали. Тошкент, 2011, 4-сон. 25-27-бетлар.
7. Бобомуродов, Н.Ш. (2019) Физиологический подход в прогнозировании перспективности борцов–туронистов. // “Муғаллим ҳем узликсиз билимлендириў” илмий-методикалық журнал. Нукус, 2019, 3-сон. 133-141-бетлар. [13.00.00 №20]
8. Бобомуродов, Н.Ш. (2011) Турон яккакурашида техник-тактик ҳаракатларни аниқлаш. // “Педагогик таълим” илмий-назарий журнал. Тошкент, 2011 2-сон, 88-92-бетлар. [13.00.00 №6]
9. Бобомуродов, Н.Ш. (2011) Юқори малакали курашчиларнинг техник-тактик ҳаракатларини ривожлантириш методикаси. // “Педагогик таълим” Илмий-назарий журнал. Тошкент, 2011 3-сон. 101-107-бетлар. [13.00.00 №6]
10. Бобомуродов, Н.Ш. (2019) Морфо-функциональные подходы к проблеме повышения спортивной работоспособности у спортсменов, специализирующихся в дзюдо и в борьбе турон. // «Физическое развитие студентов в современном мире». Материалы Международной научно-практической конференции, Санкт-Петербург, 11-12 апреля 2019 г., С.36-43.
11. Рузикулов, Б. Б. (2019). Морфо-функциональные показатели как критерии для прогнозирования перспективности футболистов с учетом возраста и игрового амплуа. Фан - спортга, (3), 57-62.
12. Рўзиқулов, Б. (2019). Узлуксиз таълим тизимида жисмоний тарбия ва спорт самарадорлигини ошириш. Муаллим ва узлуксиз таълим, (2), 145-149.
13. Рўзиқулов, Б. Б. (2020). Футболчиларнинг махсус чидамлилигини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари. Academic Research in Educational Sciences, 1 (4), 260-265.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00605

# НОРМАТИВ ҲУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ РОЛИ

**Лазизжон Мирзаевич Махмудов**
Тошкент давлат юридик университети магистранти

## АННОТАЦИЯ

Ушбу мақоланинг мазмунида одамларнинг кундалик ҳаётида замонавий тенденциялардан бирига айланган ахборот технологияларни норматив ҳуқуқий ҳужжатларни тарғибот қилишда муҳим ўринда туриши, шунингдек норматив ҳуқуқий хужжатларни тарғиб этишда ахборот технологияларига бўлган эҳтиёж юқори эканлигини исботловчи муҳим далиллар келтирилган.

**Калит сўзлар:** ахборот технологиялари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ахборот-ҳуқуқий фаолиятни ривожлантириш, қонунлар ва қарорлар, ҳуқуқий давлат, қонун ҳужжатлари.

# THE ROLE OF INFORMATION TECHNOLOGIES IN THE DEVELOPMENT OF REGULATORY LEGAL DOCUMENTS

**Lazizjon Mirzaevich Mahmudov**
Master of Tashkent State Law University

## ABSTRACT

The content of this article provides important evidence that information technology, which has become one of the modern trends in people's daily lives, plays an important role in the promotion of normative legal acts, as well as the high demand for information technology in the promotion of normative legal acts.

**Keywords:** information technology, normative-legal documents, development of information-legal activity, laws and decisions, rule of law, legislation.

## КИРИШ

Ҳар бир давлат ахборот оламига кириш муҳимлигини тушуниб, ушбу йўналишни амалга ошириш учун ўзига хос "концепциия" ни ишлаб чиқади. Шу билан бирга, нафақат давлат сиёсатини акс эттирадиган, балки юридик ва жисмоний шахсларнинг мамлакат ҳудудида одоб-ахлоқ қоидаларини белгилайдиган қонунчилик ҳам устун омил ҳисобланади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00605

Шу нуқтаи назардан, ахборот қонунчилиги - бу ахборот ишлаб чиқариш, уни тарқатиш, ундан фойдаланиш ва унга киришни таъминлаш билан боғлиқ бўлган жамоат муносабатларининг барча турларини тартибга солувчи қонундир. Жаҳон ахборот олами ривожланишининг замонавий тендентциялари ахборот қонунчилигини мустақил ҳуқуқ соҳаси сифатида шакллантиришга туртки бермоқда. Ахборот технологияларини ривожлантириш босқичи кенг миқёсли ахборот урушларини олиб боришга қадар индивидуал ва жамоат онгига оммавий ахборот таъсирини ўтказиш имконияти билан тавсифланади, натижада ахборот хавфсизлиги принципига муқаррар мувозанатга айланади.

Ҳуқуқий давлатда умуман муҳим мақсадларга эришиш, асосий қадриятларни сақлаш, жамоатчилик билан алоқаларни сақлаш, ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган фаолиятни ташкил этиш ҳуқуқий воситаларни жалб қилган ҳолда амалга оширилади ва фақат принциплар ва қоидаларга асосланади ва бундай давлатнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида мустаҳкамланган.

Ушбу турдаги фаолиятга ахборот соҳасида хавфсизлик мақсадлари ва вазифаларини амалга оширишни киритиш керак.

Бунга қуйидагилар киради:

- норматив-хуқуқий ҳужжатлар;
- уларга оид расмий шарҳлар;
- норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг қўлланилиш тартиби тўғрисидаги тушунтиришлар;
- Конститутциявий суд қарорлари;
- Олий суд Пленумининг конун ҳужжатлари қўлланилиши масалалари бўйича қарорлар матнлари;
- суд амалиётини умумлаштириш материаллар.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Хавфсизлик соҳасидаги қонунни ривожлантириш учун асоси Ўзбекистон Республикаси Конститутциясида мавжуд бўлган ҳуқуқий нормалар ташкил этади. Хат махфийлиги ва ёзишмаларнинг махфийлиги тўғрисидаги конститутциявий меъёрларга риоя қилиш асосида ахборот соҳасидаги норматив-ҳуқуқий хавфсизликнинг бутун тизими яратилиши керак, чунки инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари энг устувор аҳамиятга эга. Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, айрим жиҳатларини таъкидлаш ва бошқаларни тартибга солишдан ташқарида

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00605

қолдириш учун ажралмас, уйғун асосни ташкил этмайди. Ахборот хавфсизлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган тўғридан-тўғри ҳаракат қонуни мавжуд эмас, шунингдек, ушбу соҳадаги қонунчиликни ҳар томонлама ва ўзаро боғлиқ ривожлантириш учун концептуал асослар мавжуд эмас.

## МУҲОКАМА

Ахборот технологиялари ривожланишининг кўплиги ва юқори динамикаси, шунингдек, уларни яхлит тизимларда биргаликда қўллаш зарурати томонларнинг ўзаро тушунишини таъминлайдиган аниқ тил бўлган стандартларнинг ролини оширади. ИТ соҳасидаги устувор вазифа миллий ахборот инфратузилмаси учун халқаро стандартларга мувофиқлаштирилган норматив-ҳуқуқий базани шакллантиришдир. Умуман олганда, бунга нормаларни миллий қонунчиликка татбиқ этиш жараёни ёрдам беради.

Норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш халқаро ташкилотлар ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатларини мунтазам равишда таҳлил қилишни, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни янги қабул қилинган қонун ҳужжатларига мувофиқлаштиришни талаб қилади.

## НАТИЖАЛАР

2019 йил 1 январдан бошлаб Интернет жаҳон ахборот тармоғида пилот лойиҳаси сифатида Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими (кейинги ўринларда Ягона электрон тизим деб аталади) синов тариқасида ишга туширилди. Ишлаб чиқилган Ягона электрон тизим қуйидаги устувор вазифаларни амалга оширишни назарда тутади:

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини барча манфаатдор вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига кўриб чиқиш, электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда келишиш (виза қўйиш) учун, шу жумладан уларнинг кенг жамоатчилик ва мутахассислар муҳокамасини ўтказиш учун бир вақтнинг ўзида ва тезкор жўнатиш имкониятини яратиш;

- амалга оширилган ҳаракатларни автомат тарзда расмийлаштириш, тақдим этиш ва қабул қилиш саналарини қайд этиш орқали норматив-ҳуқуқий

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00605

ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш ва келишиш (виза қўйиш) жараёнининг шаффофлигини таъминлаш;

- электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини, шу жумладан визаларнинг ҳақиқийлиги ва уларнинг долзарблигини тасдиқлаш;

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш ва келишиш (виза қўйиш) жараёнида амалга оширилган ҳаракатлар, манфаатдор вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича таклифлари ва эътирозлари тўғрисида ахборотни тўплаш ва сақлаш;

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёни ҳамда келишиш Ягона электрон тизим орқали амалга оширилган манфаатдор вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари тўғрисидаги ахборотни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ягона электрон базасини юритиш, шунингдек, ахборот-таҳлилий ва статистик маълумотларни шакллантиришда ягона электрон базадан фойдаланиш;

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда манфаатдор вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан келишиш (виза қўйиш) жараёнини реал вақт режимида бошқариш, мониторинг ва назорат қилиш;

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда манфаатдор вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан келишиш (виза қўйиш) жараёнида вақтни ва меҳнат ресурсларини сезиларли тежаш.

## ХУЛОСА

Ҳуқуқий тарғибот ва фуқароларнинг ҳуқуқий онгини оширишнинг замонавий ва таъсирчан услубларини жорий қилиш, уларга қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳияти ва аҳамиятини етказиш, аҳолининг ҳуқуқий саводсизлигига барҳам бериш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш туман, (шахар) адлия булимларинг асосий вазифаларидан бири деб хисобланади.

## REFERENCES

1. Абдалимова. Т.В «Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлигини ҳуқуқий ва меъёрий қўллаб-қувватлашнинг ҳолати ва ривожланиш истиқболлари». Илмий, техник ва маркетинг тадқиқотлари маркази

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00605

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 8 апрелдаги 284-сон қарори.
3. “Электрон ҳукумат” модули бўйича ўқув – услубий мажмуа. Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази. Тошкент. 2016 й
4. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. «Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида» Тошкент. 2017 й

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00606

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХИТОЙ БИЛАН ИЛМИЙ - ТЕХНИКАВИЙ АЛОҚАЛАРИ

**Бурхон Бўронович Жаҳонгиров**
Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети

**Аҳроржон Бурхон ўғли Бўронов**
Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети

## АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Ўзбекистоннинг мустақилликка эришганидан кейинги даврда Хитой Халқ Республикаси билан ўзаро ҳамкорлик муносабатларининг ривожланиш тенденциялари таҳлил этилган. Шунингдек Ўзбекистон ва Хитой ўртасида шериклик муносабатлари, дўстлик ва ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш тўғрисида декларация имзоланган бўлиб, шу асосда Ўзбекистон Фанлар академияси илмий-тадқиқот институтлари, Олий таълим муассасалари ва бошқа илмий марказларнинг хитойлик ҳамкорлари билан олиб борган ҳамкорлик алоқалари ва уларнинг натижалари хусусида фикр юритилади.

**Калит сўзлар:** Фанлар академияси, илмий марказлар университет, институт, лицей, илмий салоҳият, илм-фан, илмий-тадқиқот, илмий ҳамкорлик, халқаро алоқа, шартнома, конференция, илмий семинар.

# SCIENTIFIC AND TECHNICAL RELATIONS BETWEEN UZBEKISTAN AND CHINA

**Burkhon Buronovich Jahongirov**
Uzbekistan State University of Physical Culture and Sports

**Akhrorjon Buronovich Buronov**
Uzbekistan State University of Physical Culture and Sports

## ABSTRACT

This article analyzes the development trends of relations between Uzbekistan and the people's Republic of China in the post-independence period. In addition, the declaration on the further development and strengthening of partnership relations,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00606

friendship and cooperation between Uzbekistan and China was signed, and on this basis the issues of cooperation and their results with foreign partners of research institutes, higher educational institutions and other scientific centers of the Academy of Sciences of Uzbekistan are discussed.

**Keywords:** Academy of Sciences, scientific centers University, Institute, Lyceum, scientific potential, Science, Research, Scientific Cooperation, International Communication, contract, conference, scientific seminar.

## КИРИШ

Ўзбекистон-Хитой муносабатларининг асосий тамойиллари кўплаб ҳужжатларда ўз аксини топган. Улардан, 1992 йилнинг 13 мартида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ҳукумати ўртасида тузилган “Илмий-техник ҳамкорлик тўғрисидаги Битим”, “Дўстлик ва ҳамкорликнинг шерикчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома” (2005 й.), “Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларация (2012 й.)”, “Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома (2013 й.)”, “Иккитомонлама стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш ҳақидаги қўшма декларация (2013 й.)”, “Ўзбек-Хитой ҳамкорлигини янада кучайтириш тўғрисидаги қўшма декларация (2014 й.)”, Стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги ўзаро англашув битими (2016 й.) ва Халқаро автомобил транспрт йўли тўғрисидаги битим (2017 й.) фикримизнинг далилидир. Ўзбекистон-Хитой муносабатларининг шартномавий-ҳуқуқий негизи турли жабҳаларни қамраб олган 220 дан ортиқ ҳужжатларда ўз аксни топган.

Таъкидлаш жоизки, ҳар иккала мамлакатнинг ўзаро манфаатдорлик, тенглик, очиқликка асосланган ҳамкорлик алоқаларини тез суръатлар билан ривожланиб боришининг заминида авваламбор, уларнинг тараққиёт принциплари ва ташқи сиёсат стратегиясидаги ўхшашлик, яқинлик ҳамда мақсад-муддаоларнинг уйғунлиги ҳолати ётади.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ушбу мавзуни тадқиқ этишда тарихийлик, объективлик, тарихий изчиллик тамойилларидан фойдаланилди. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида маданий, илмий - техникавий ҳамкорлик масалалари доирасида Ўзбекистон Давлат архиви, Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника Давлат қўмитаси жорий архиви, Олий таълим муассасалари жорий архиви фондлари материаллари, Сазанов С, Хасанов У, Қирғизбоев А, Кузьмина Е, Рахматов У,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00606

Дўстов У, Идиров У, Ўрозов А ва бошқа тадқиқотчилар ўз тадқиқотларида Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида хорижий давлатлар олий таълим муассасалари ва илмий - тадқиқот марказлари билан иқтисодий, маданий, илмий - техникавий алоқалари ўз аксини топган.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ўзбекистоннинг Хитой Халқ республикаси билан илмий-техник ҳамкорликлари муваффақиятли равишда ривожланиб бормоқда.Мазкур ҳамкорлик 1992 йилнинг 13 мартида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ҳукумати ўртасида тузилган “Илмий-техник ҳамкорлик тўғрисидаги Битим”га мувофиқ амалага оширилади. [1]

Битмни имзолашда ҳар икки томон ҳам илм ва техникани ривожлантириш, ўзаро тенглик ва манфаатдорликни таъминлаш, шунингдек, бу илмий-техник ҳамкорлик ҳар иккала давлатнинг иқтисодий ривожланиши учун ёрдам бериши лозимлиги талабларидан келиб чиққан.

Мазкур битим қуйидагиларни кўзда тутади:

-илмий-техник делегациялар, олимлар ва мутахассисларнинг ўзаро алмашинувини ташкил қилиш;

-илмий-техник информация ва хужжатларнинг, турли буюм ва материалларнинг, “нау-хау” ва лицензияларнинг ўзаро алмашинуви;

-илмий-техник симпозиум ва илмий конференциялар ташкил қилиш;

Ҳамкорликда тадқиқотлар ўтказиш ва тадқиқот натижалари ҳамда ишланмалар билан ўзаро алмашинув. [2] Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Хитой билан радиофизика, яримўтказгичли материаллар ва ускуналар,бошқаришни автоматлаштириштизими учун ЭҲМдан фойдаланиш, астрофизика,микробиология,биотехнология,вирусология,атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, биорганик кимё, ўсимлик моддалари кимёси, тупроқшунослик ва агрокимё соҳаларида ҳамкорлик қилади.

ФАнинг Ботаника институти билан ҳамкорликда Копеттоғ ва Помир, Оролбўйи минтақаларига экспедициялар уюштирилди ва унинг натижасида кенг кўламли, бой гербарийлар йиғишга муваффақ бўлинди. “Биолог” илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Сичун (ХХР) Қишлоқ хўжалик фанлари АкадемиясинингПахтачилик институти билант ғўзанинг элита уруғлари ва энг яхши навларини сақлаб қолиш ва қайта тиклашиш биохимик технолгияларни ишлаб чиқиш ҳамда уруғчилик ишларини янада яхшилаш мақсадида ҳамкорлик қилиш тўғрисида Шартнома тузд. [3]

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00606

ЎзФАТарих институтининг илмий ходимлари 2003 йилда Хитой Халқ Республикасида бўлиб ўтган халқаро илми анжуманида маърузалар билан иштирок этди. [4]

Биокимия институти шартнома доирасида Тяньцин биокимия ва формацевтика заводи (ХХР) билан ҳамкорликда хавфли ишларга қарши антивирус препаратларни ишлаб чиқариш борасида талқиқотлар олиб бормоқда. [5]

Сейсмология институти Хитой Халқ Республикасида сейсмологик бюросига қарашли илмий станцияда илмий-тадқиқотлар олиб борилди. ХХР ФА нинг Сейсмология бюроси мутахассислари томонидан Ўзбекистондаги учта сейсмик станцияни станция қайта жиҳозлаш тўғрисида Шартнома тузилди.

ФАнинг Кимё ва ўсимли моддалари институти билан ХХР ФА нинг Кимё институти ўртасида ҳам яқин илмий алоқалар ўрнатилган. Ўзаро ҳамкорликдаги режага асосан бу икки маскан олимлари ХХР да щсадиган –щза баргларининг таркибини таҳлил қилиш ва ўрганиш, ХХРда ва Ўзбекистнда ўсадиган ғўза баргларини қиёсий ўрганиш,шунингдек, ўсимликлар ўсиши стимуляция қилишини синовчи Ўзбекистондаишлаб чиқарилган стимулияторларни биргаликда синовдан ўтказишни режалаштирган. [6]

Томонларнинг ўзаро келишиувига кўра, 1999 йилда савдо иқтисодий алоқалар бўйича Халқаро ҳукумат комиссияси доирасида илмий-техник ҳамкорлик юзасидан ҳам кичик комиссия тузилди.Мазкур кичик комиссиянинг 2000 йил июлда Тошкентда бўлиб ўтган илк мажлисида унинг мақсад ва вазифалари, иккала давлат ўртасида ги илмий-техник ҳамкорликнинг асосий принциплари ва йўнлаишлари белгилаб олинди.

Ўзбекистон олимлари ХХР ФАнинг Геокимё институти билан ҳамкорликда қўшма дала тадқиқотлари ўтказди.Ҳиндистон Қишлоқ хўжалиги Академиясининг Микробиология институти билан биргаликда,(1991 йилда тузилган Ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома доирасида) микроорганизмлар ёрдамида оқар сувларни тозалаш муаммолари ва яшил сув ўтларидан фойдаланишвоситасида тупроқ таркибинисоғломлаштириш борасида қўшма тадқиқотлар олиб бормоқда. [7]

Ҳамкорликдаги лойиҳаларни шакллантириш ва амалга ошириш борасида:ҳамкорликдаги сейсмологик лабаратория ташкил илиш тўрисидаги келишувга эришилди.2001 йил июлида қўшма станция ташкил қилиш тўғрисидаги битим имзоланди.Ушбу битимга мувофиқ Хитой томони (Хитой

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00606

сейсмик бюроси) 400минг АҚШ долларига тенг қийматга эга бўлган зарур асбоб-ускуналарни ажратди.Ўзбекистон томони эса (Ўзбекистон Фанлар Академияси) коммунал хизматлар учун тўловлар учун тўловларни,ходимларга маошни тўлаш учун, шунингдек, бошқа ҳаражатларни қоплаш учун зарур бўладиган 6 миллион сўм миқдорида маблағажратишга қарор қилди. Энергетика,материалшунослик,пахтачилик соҳалари бўйича қўшма дастурлар ишлаб чиқилмоқда. 2001 йилда 5 нафар Ўзбекистонлик мутахассислик Хитойдаги курсларда ўқиб, ўз малакаларини ошириб келди.

2001 йил октябрь ойида Тошкентда семинар ўтказилди.Мазкур семинарда Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги илмий-техник алоқаларни янада ривожлантириш масалалари муҳокам қилинди.Семинарда иккала давлат ўртасида илмий-техник алоқаларни янада ривожлантириш, уларга амалий йўналиш бериш ҳамда бу алоқаларнинг муайян натижаларига эришмоқ зарурлиги тўғрисида ягона фикрга келинди. Ҳамкорликда илмий ишлар олиб бориш учун хитойлик мутахассисларнинг кичик гидроэнергетика соҳасидаги ютуқлари, яъни халқ хўжалигида қуёш энергияси ва шамол кучидан фойдаланиш соҳасидаги тажрибалари ҳам кенг имкониятлар очиб беради.[8]

Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги илмий-техник ҳамкорликни янада ривожлантириш, фан ва техника соҳасида эришилган ютуқлар билан ўзаро алмашиниш борасида 2002 йил апрелида ўтказилган “Ўзбекистон Хитой фан-техникаси кунлари” ҳам жуда катта роль ўйнади. Зеро, мазкур тадбирда хитойлик олим ва мутахассисларнинг фан ва техника соҳасида эришган ютуқлари, юқори технологиялардаги натижалари кўргазмага қўйилди. Ушбу кўргазманинг ташкилотчилари ХХР Фан ва Техника вазирлиги,Хитой илмий-техник алмашинув маркази, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазмрлар Маҳкамасининг илмий-техник тараққиёт бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаши қошидаги Фан ва техника маркази бўлди.Пойтахтимиздаги “Ўзбекистон кўргазмалар марказида” Хитой Халқ Республикасининг юқори авиация тезнологиялари, янги материаллар, шунингдек,геологоразведка, нефть қазиб чиқариш ва нефт маҳсулотларини қайта ишлаш, гидроэнергетика,қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, енгил ва озиқ овқат саноати, қишлоқ хўжалиги каби соҳалардаги энг янги илмий ишланмалари намойиш этилди.[9]

Марказий Осиёда биринчи бўлиб Тошкентда (2005 йил майда) ва Самарқанд шаҳрида (2013 йил сентябрда) очилган Конфуций институтлари ўзбекистонликларни хитой тили ва маданияти билан яқиндан таништириб

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00606

келмоқда. Ушбу институтларни ўтган 11 йил давомида Хитой билан Ўзбекистон дўстлигини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган 3 мингдан ортиқ мутахассислар битириб чиқдилар. Бундан ташқари, Хитой ҳукумати ҳомийлигида Ўзбекистон олий ўқув юртларида хитой тилини ўқитиш бўйича замонавий марказлар ташкил этилди.[10]

Хитой Марказий миллатлар университетида (2010 йилдан) ва Пекин чет тиллар университетида (2012-2013 ўқув йилидан) ўзбек тилини ўқитиш йўлга қўйилди. Хитойнинг нуфузли ўқув академик муассасаларидан бири ҳисобланган Шанхай Халқаро тадқиқотлар университетида алоҳида ўзбек тили кафедраси фаолият кўрсатмоқда. 2016 йилнинг сентябридан Шанхай олий ўқув юртида факултатив дарс сифатида ўқитилмоқда. [11]

Икки томонлама келишувга мувофиқ ва ШҲТ доирасида ХХР ҳукумати 2012-2013 ўқув йилида ўзбекистонлик 120 талаба ва стажёрларга грантлар ажратди. Конфуций номидаги институт орқали Ланчжоу унверситетида ўзбекистонлик 50 га яқин талаба таҳсил олмоқда. [12]

2013 йил 15 май куни Шанхай шаҳрида Хитойда биринчи марта Шанхай университети ҳузуридаги ШҲТ халқ дипломатияси илмий тадқиқот институти негизида Ватанимиз тарихи ҳамда ривожланишини яқиндан ўрганиш мақсадида Ўзбекистон тадқиқотлари ва таълим алмашувлари маркази очилди. Унинг мутахассислари Ўзбекистонда рўй бераётган замонавий жараёнларни кузатиб бормоқдалар. [13]

Хитой ва Ўзбекистон ўртасида 2014-2017 йилларга мўлжалланган маданий ҳамкорликка оид дастур (2013 йил ноябрь) қабул қилинди. Икки томонлама маданий муносабатларни мустаҳкамлашда 1998 йилда ташкил этилган “Ўзбекистон-Хитой” ва 2007 йил ўз фаолиятини бошлаган “ХХР-Марказий Осиё мамлакатлари” дўстлик жамиятлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Икки мамлакат дўстлик жамиятлари ўртасидаги ўзаро делегациялар алмашинуви давлатлараро алоқаларни янада мустаҳкамлашга кўмаклашмоқда. [14]

Хитой қадимги маданий ёдгорликлари ишлари бўйича давлат бошқармаси, Хитой ижтимоий фанлар академияси, Хитой Шимоли-Ғарбий университети вакиллари ўзбекистонлик ҳамкасблари билан археологик тадқиқотлар ва тарихий обидаларни реставрация қилиш бўйича ҳамкорлик қилмоқдалар. Улар Буюк Ипак йўлининг тарихий кўринишини қайта тиклаш борасида изланишлар олиб бормоқдалар. Хитойлик машхур ёзувчи Лаошэнинг ўзбек тилига ўгирилган “Мушуклар шаҳри хотиралари” асари

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00606

китобхонларимизга Хитой адабиёти билан танишиш имконини бермоқда. [15]

2017 йил 13 мартда Хитой ва Ўзбекистон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги арафасида Шанхай университетида буюк аллома Алишер Навоий ҳайкали очилди. Таъкидлаш жоизки, икки далат ўртасида минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш борасида метропол субъектлар (Тошкент-Шанхай, Самарқанд-Сиан шахарлари, Навоий-Чжучжоу, Тошкент-Хунан, Самарқанд ва Шенси вилоятлари) ўртасида тўғридан-тўғри муносабатлар ўрнатилганлиги натижасида икки мамалакат ҳудудларининг алоқалари ривожланиб бормоқда. [16]

## ХУЛОСА

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасининг ХХР билан муносабатлари сифат жиҳатидан янги даражага кўтарилди. Бинобарин, Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятида Хитой билан бўлган муносабатлар долзарблигича қолмоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон ХХР билан ташқи савдо, транспорт коммуникацияси соҳасидаги ҳамкорликлар жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Хитойнинг Ўзбекистонга қаратилган ташқи сиёсатида ўзаро манфаатли ва кўпқиррали муносабатларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон ва Хитой узоқ тарихга, ноёб маданият ҳамда улкан интеллектуал салоҳиятга эга. Бу давлатлараро гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш, икки мамлакат олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ўртасида шериклик муносабатларини ўрнатиш, шунингдек, ўзаро маданий алоқаларни янада ривожлантиришни давр тақозо қилмоқда.

Шундай қилиб, Ўзбекистон-Хитой алоқаларининг ҳозирги ҳолати давлатларимизнинг бир-бирлари билан узоқ муддатли стратегик ҳамкор эканликларидан далолат беради. Бу эса, икки мамлакат халқларининг миллий манфаатларига ва ҳозирги замон талабларига тўла мос келади. Икки мамлакат ўртасидаги мулоқотлар, алоқалар изчил ривожланиб бораётган халқаро муносабатлар тарихида муҳим аҳамият касб этади ва келажакда янада самарали натижаларга эришишга кенг имкониятлар яратади.

## REFERENCES

1. The Republic of Uzbekistan agreed on the republic.III-book.T:1992.18-19
2. The Republic of Uzbekistan agreed on the republic. III-book.T:1992.19-20

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00606

3. The Republic of Uzbekistan FA zhor archive / Narodnaya nauka o sotrudnichestvo 1995 y 3-bet. The people of National Science-tech cooperation.1996,
4. Republic of Uzbekistan falsification of the Institute 2003 yil report.15
5. Burkhon Buronovich Jahongirov (2021). Scientific and technical relations between Uzbekistan and Japan. Academic Research in Educational Sciences, 2021.2 (Special Issue 1),312-318.
The Republic of Uzbekistan FA Gori archive / 1999 Yili bajarilgan of ishlar haqida.14
6. Kyrgyzstan AUzbekistan Republic of Uzbekistan Republic of Asia actively cooperates with the people of the UAE. - Tashkent. "Subject".2004. 198
7. Burkhon Buronovich Jahongirov (2021). Scientific cooperations between uzbekistan and foreign Countries. Academic research in educational contents.2021. Volume 2, Issue 2, 986-994.
8. People's essays 2002. April 13
9. Khasanov U. A. The Dedication of the Nation. - T.: ZHIDU, 2007. 91
10. Burkhon Buronovich Jahongirov (2021). Scientific and technical relations of uzbekistan with european countries. Journal of look. To the past.2021.Volume, 4, issue 2. 16-21.
11. People's essays 2014, May 21
12. Sazonov S. L. Reflex transport system of the People's Republic of China and the Morovaya financial and economic crisis// Problems of the Far East, 2010.No.2.P.29.
13. Rakhmatov U., Dugai P. Uzbekistan-XXR: "Gibraltar for the export of "partnership" and travel " /Haka. 2012, May 2.
14. Friendship For beginners Uzbek-China initiation (2010-2018) 2019 yil January 30
15. Urozov.A.Uzbekistan-China: Strategist Sherrick and the Yanda Ridgeline dedication friendship are legal.2017.12.05

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00607

# UMUMIY O'RTA TA'LIM MAKTABLARIDA TARBIYAVIY ISHLARNING SHAKLLARI VA USULLARI

**Ulfatjon Ilxomovich Maxkamov**
Chirchiq davlat pedagogika instituti professori

**Dilafruz Muhiddinovna Ismoilova**
Chirchiq davlat pedagogika instituti o'qituvchisi

## ANNOTATSIYA

Ushbu maqola o'quvchi kamolotida muhim omil hisoblangan tarbiya jarayoning mazmun, mohiyati va ushbu jarayonda maktab, oila uzviyligi, ayniqsa o'qituvchi mahoratining ayrim qonuniyatlari ilmiy - pedagogik jihatdan asoslangan.

**Kalit so'zlar:** Ta'lim, tarbiya, ma'naviy tarbiya, intellektual, qobiliyat, o'qituvchi, o'quvchi, metod, uslub, texnologiya, kognitiv, iste'dod.

# FORMS AND METHODS OF EDUCATIONAL WORK IN GENERAL SECONDARY SCHOOLS

**Ulfatjon Ilkhomovich Makhkamov**
Professor of Chirchik State Pedagogical Institute

**Dilafruz Muhiddinovna Ismoilova**
Teacher of Chirchik State Pedagogical Institute

## ABSTRACT

This article is scientifically and pedagogically based on the content and essence of the educational process, which is an important factor in the development of the student, and in this process, some laws of school, family, especially the skills of the teacher.

**Keywords:** Education, upbringing, spiritual upbringing, intellectual, ability, teacher, student, method, style, technology, cognitive, talent

## KIRISH

Prezident Shavkat Mirziyoevning O'zbekiston Respublikasi mustaqilligining yigirma to'qqiz yilligiga bag'ishlangan tantanali marosimdagi nutqida

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00607

“Farzandlarimizning iste’dod va qobiliyati, ezgu intilishlarini to‘liq ro‘yobga chiqarish, ijtimoiy faolligini oshirish, hayotda munosib o‘rin egallashlari uchun barcha imkoniyatlarni yaratib berish bundan buyon ham bosh maqsadimiz bo‘lib qoladi.”... Shu maqsadda biz “Uzluksiz ma’naviy tarbiya konsepsiyasi” doirasida umumta’lim maktablarida birinchi marta “Tarbiya” fanini joriy etmoqdamiz.” deb ta’kidlashi xalq ta’limi xodimlari, maktab o‘qituvchilarioldiga ulkan vazifalarni qo‘ydi.

## ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Ushbu vazifalarni amalga oshirishda bugungi kunda O‘zbekistonda o‘qituvchilarning ustozlik qobiliyatlari, iste’dodlarini yanada qo‘llab-quvvatlash va rag‘batlantirish, ta’lim muassasalari faoliyatini boshqarish va tashkil etishning maxsus tizimini yaratish, maktablarda tarbiyaviy ishlarni olib boradigan bo‘lajak o‘qituvchilarni tayyorlash jarayonida milliy va umuminsoniy qadriyatlarga nisbatan hurmatni shakllantirish, ularning ma’naviy, axloqiy, intelektual va jismoniy rivojlanishi darajasini yanada oshirish, bilimlarini takomillashtirish asosida ilm – ma’rifat bo‘yicha targ‘ibot-tashviqot ishlarini amalga oshirish o‘quvchi-yoshlarni kamolotga etkazish, o‘z ishida aniq natijalarga erishadigan, XXI asrda hamma narsaga qodir bo‘ladigan, dunyoga taniladigan, sog‘lom tafakkurga ega bo‘ladigan ustozlar faoliyatini tashkil etish kabilar alohida ahamiyatga ega.

Pedagogik nazariya va amaliyotda o'quv ishlarining ko'plab shakllari yaratilgan. Ta'lim ishlarining barcha shakllarini sanab o'tish mumkin emas va bunday ehtiyoj yo'q. Har bir shakl bir-birini takrorlamaydi, lekin faqat unga o'xshash bo'lishi mumkin.

Ta'lim qadim zamonlardan beri jamiyatning eng muhim vazifasi bo'lib kelgan. Ijtimoiy va tarixiy tajribani nasldan naslga o'tkazmasdan, yoshlarni ijtimoiy va ishlab chiqarish munosabatlariga jalb qilmasdan, jamiyat taraqqiyoti, uning madaniyatini saqlab qolish va boyitish, insoniyat sivilizatsiyasi mavjud bo'lishi mumkin emas.

Jamiyat rivojlanishi bilan tarbiya o'zgaradi: uning maqsadi, mazmuni, vositalari. Tarix turli davrlarda: ibtidoiy jamoa tuzumi, antik davr, o'rta asrlar, yangi va zamonaviy davrlarda tarbiyaning o'ziga xos xususiyatlarining yorqin misollarini keltiradi. Turli mamlakatlardagi xalqlar va millatlarning madaniyati nafaqat urf-odatlar va urf-odatlarda, balki ta'lim mohiyatida ham namoyon bo'ladi.

Bolalar uchun qo'shimcha ta'lim ijodiy uyushmalarining xilma-xilligi juda katta: bular to'garaklar, bo'limlar, klublar, studiyalar, laboratoriyalar, ustaxonalar, talabalarning ilmiy jamiyatlari, ekspeditsiyalar. Ularning profili ham ko'p qirrali. Bu,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00607

avvalo, ijodiy uyushmalar nafaqat ma'lum bir fan sohasi doirasida o'qitish, balki kengroq funktsiyalarni bajarishga mo'ljallanganligi bilan bog'liq. Shuning uchun ularning samaradorligi maksimal darajada bolaning mavjud qiziqishlari va ehtiyojlarini qondirishning to'liqligiga bog'liq.

## MUHOKAMA VA NATIJALAR

Yo'naltirilganligi va turlarining xilma-xilligi bo'yicha har qanday turdagi ijodiy uyushmalar to'plamini ta'minlash o'quvdan tashqari vaqtni maqsadli, tartibli o'tkazish doirasida talabalarning rivojlanishi uchun sharoit yaratadi.

**Zamonaviy o'qituvchilarning vazifasi** - bolalarni qabul qilingan qarorlarda mustaqillik, harakatlar va ishlarda maqsadga muvofiqlik, ularning o'z-o'zini tarbiyalash qobiliyatini rivojlantirish va o'zaro munosabatlarni tartibga solish.

Tarbiyaning maqsadi ma'naviy va jismoniy o'zini rivojlantirish, o'zini takomillashtirish va o'zini o'zi anglash qobiliyatiga ega bo'lgan shaxsni eng to'liq madaniyat talab qiladigan rivojlanishi.

**Tarbiya mazmuni** - bu shaxsning madaniyati: ichki madaniyat, uning mohiyati ma'naviyat va tashqi madaniyat (muloqot, xulq-atvor, tashqi ko'rinish), har bir insonning qobiliyatlari, uning o'zini o'zi belgilashi, o'zini o'zi rivojlantirish, o'zini o'zi anglash.

**Ta'lim vositalari**. Har doim tarbiyaning aniqlovchi vositasi, aksariyati bolaning rivojlanishiga ta'sir qiladi, bu har xil faoliyat turlari: o'yin, mehnat, sport, ijodkorlik, muloqot. O'quvchining har bir aniq yoshidagi faoliyatning etakchi turi ajratiladi: maktabgacha yoshdagi o'yin faoliyati, boshlang'ich maktab yoshidagi o'quv faoliyati, o'spirin davridagi shaxsiy muloqot, katta maktab yoshidagi ta'lim va kasbiy faoliyat. Yaqin kelajakda axborot jamiyatiga o'tish texnik vositalardan (video, televizion, kino, kompyuter dasturlari va boshqalar) kengroq foydalanishni talab qiladi. Biroq, o'qituvchining so'zi, uning yorqin shaxsiyatining namunasi, o'qituvchi madaniyati darajasi kabi muhim ta'lim vositalarini hech narsa o'rnini bosa olmaydi. Ta'lim gumanistik pedagogikada ta'limning etakchi vositasi sifatida ta'lim jarayonini to'ldiradi va boyitadi, lekin uni almashtirmaydi.

**Tarbiyaviy ish uslubi** - bu turli xil ta'lim va tarbiya muassasalarida, bolalar birlashmalari va tashkilotlarida o'quv jarayonini tashkil etish xususiyatlarini o'rganadigan, ta'lim yoki tarbiya ishlarida ta'lim tizimini yaratish bo'yicha tavsiyalar ishlab chiqadigan ta'lim nazariyasining bo'limidir. muassasa va uning samaradorligini oshirish, o'quv jarayonida muayyan usul yoki texnologiyalardan foydalanish.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00607

## Ta'lim metodlarining tasnifi

**Ishontirish usullari**. Talabalarning qarashlari (tushunchalari, tushunchalari) shakllanadigan usullar va uning a'zolari o'rtasida pedagogik tizimda tezkor ma'lumot almashinuvi amalga oshiriladi. Taklifni bayon qilish, dialog, nizo, ko'rsatma, nusxa, batafsil hikoya.

**Mashq qilish usullari (o'qitish).** Talabalar faoliyatini tashkil etish usullari va ijobiy motivlar rag'batlantiriladi. Topshiriqlar, har xil turdagi topshiriqlar, misol usuli, namunalarni ko'rsatish, pedagogik talab.

**Baholash va o'zini o'zi baholash usullari.** O'z-o'zini hurmat qilishni rag'batlantiradigan usullar va o'quvchilarga xatti-harakatlarini o'zini o'zi boshqarish, o'zlarini aks ettirish, o'z-o'zini tarbiyalashda yordam berish va talabalarning harakatlari baholanadi.

**Ta'lim faoliyati turlari.** Ta'lim (sinfdan tashqari) ishlarning barcha turlari o'quv jarayoni bilan chambarchas bog'liq bo'lib, maktabda o'qitish va tarbiyalash mazmuni bilan bog'liq bo'lib, ma'lum ta'lim, tarbiyaviy maqsadlarga erishishga xizmat qiladi.

Kognitiv faoliyat kognitiv qiziqishlarni rivojlantirishga, bilimlarni to'plashga, aqliy qobiliyatlarni shakllantirishga va boshqalarga qaratilgan bo'lib, u ekskursiyalar, olimpiadalar, musobaqalar, ma'ruzalar, kitob haftaliklari va hk.

Qiymatga yo'naltirilgan faoliyat, mohiyatan, dunyoga munosabatlarni shakllantirish, e'tiqodlarni, qarashlarni shakllantirish, odamlarning axloqiy va boshqa me'yorlarini o'zlashtirish - bu qadriyat deb ataladigan hamma narsadir. O'qituvchi faoliyatning turli shakllarida: ijtimoiy va axloqiy mavzulardagi suhbatlar, munozaralar, bahs-munozaralarda o'quvchilarning dunyoqarashi, hayot haqidagi qarashlarini rivojlantirishni rag'batlantirish uchun keng imkoniyatlarga ega. Albatta, talabalarning ijtimoiy qadriyatlarni o'zlashtirishi, faoliyatning barcha boshqa shakllari va turlarida ham sodir bo'ladi.

Jamoat faoliyati bolalarning o'zini o'zi boshqarish organlarida, maktabdagi va undan tashqaridagi turli xil bolalar va o'smirlar birlashmalaridagi ishtirokini, mehnat, siyosiy va boshqa aktsiyalarda va kampaniyalarda ishtirok etishni o'z ichiga oladi. Bu o'z-o'ziga xizmat ko'rsatish, o'zini o'zi boshqarish organlari ishi, kechqurun, ta'til va h.k. kabi shakllarda sodir bo'ladi.

Estetik faoliyat bolalarning badiiy didini, qiziqishlarini, madaniyatini va qobiliyatlarini rivojlantiradi. O'quvchilar uchun estetik mashg'ulotlarning ahamiyatini ortiqcha baholash qiyin, bu maktabdan tashqari maxsus qo'shimcha ta'lim muassasalarida, to'garaklarda maktabdan tashqari samarali tashkil etilishi mumkin.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00607

Bo'sh vaqtni o'tkazish mazmunli, rivojlanayotgan dam olish, erkin muloqotni anglatadi, bunda tashabbus talabalarga tegishli bo'lishi kerak, ammo o'qituvchi tashqi kuzatuvchi bo'lmasligi, o'z tarbiyachisi sifatida o'z vazifalarini eslab qolishi kerak. Bunga sport va ko'ngilochar tadbirlar ham kiradi. Bepul muloqot, talabalarning bo'sh vaqtlari turli shakllarda bo'lishi mumkin: o'yinlar, ta'tillar, dam olish oqshomlari, jamoat tug'ilgan kunlari, musobaqalar, qo'shma sayrlar, piyoda sayrlar va hk.

O'qituvchi ko'p narsani bilishi va ushbu barcha ish shakllarini tashkil etishni uslubiy jihatdan tuzatishga qodir bo'lishi kerak. Birinchidan, o'quv ishi pedagogikasida "ish shakli" tushunchasining o'zi unchalik aniq emas va uni ko'pincha uslubdan ajratish qiyin. Biroq, o'qituvchi uchun u o'quvchilar faoliyatini qanday tashkil etishi, qanday imkoniyatlarga ega ekanligi, metodik arsenalini bilishi hali ham muhimdir.

**Tarbiyaviy ish shakli tushunchasi.** Ta'lim ishlari, har qanday ijtimoiy-psixologik madaniy hodisalar singari, o'z shakliga ega.

Ta'lim ishining shakli bu bolalar bilan ishlash uslubining ma'lum bir mantiqiy ta'minotida qurilgan ishlatiladigan vositalar tizimi tufayli rivojlangan tashqi idrok etish uchun qulay bo'lgan bolalar va o'qituvchi o'rtasidagi o'zaro aloqalarning tasviridir.

Shakl izlashda o'qituvchi tarkibdan kelib chiqadi: u g'oyani tashqi dizayni yukini eng yaxshi ko'taradigan maqbul vositalarni tanlaydi. Bola, aksincha, shakldan tarkibga o'tadi: u mohiyat tomon harakat qilib, tashqi narsani qabul qiladi; u forma bilan olib ketiladi, shunda keyinchalik u g'oyani qabul qilishi mumkin.

Shaklning yana bir asosiy maqsadi bor: u bolalar, o'spirinlar va yoshlarning o'ziga xos xususiyatlarini, guruhlar, shaxslarning bir-biriga mos kelmasligini ta'kidlab, pedagogik ta'sirni farqlashga yordam beradi.

## XULOSA

Tarbiyaviy ish shakllarini tasniflash masalasi yangi emas. Ushbu masalani hal qilish uchun ma'lum asoslar E. V. Titova tomonidan "Agar siz qanday harakat qilishni bilsangiz" asarida; Rojkov "Zamonaviy maktabdagi o'quv jarayoni" qo'llanmasida ko'rsatilgan.

Ta'lim ishlari shakllarini tasniflash muammosini hal etishga SPP Afanasyev rahbarligida olib borilgan nashrlar katta hissa qo'shmoqda: "Yangi yil ertagi", "Yangi yil bayrami", "So'nggi qo'ng'iroq", "Qanday qilib" bolalarni maktab lagerida yoki yuzta ish bilan band qilish ".

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00607

E. V. Titova tarbiya ishlari shakllarining tipologiyasini quyidagicha taqdim etadi: tadbirlar, amallar, o'yinlar. U faoliyatni tashkil etish sub'ektining xususiyatini (kattalar yoki bolalar) birinchi va ikkinchisini ajratish uchun asos deb biladi. Demak, muallif voqealarni o'qituvchilar yoki o'quvchilarga bevosita tarbiyaviy ta'sir ko'rsatish maqsadida o'quvchilar uchun uyushtiradigan voqealar, mashg'ulotlar, jamoadagi vaziyatlar deb belgilaydi va ishlar umumiy ish, jamoa a'zolari tomonidan amalga oshiriladigan va uyushtiriladigan muhim voqealardir. kimningdir foydasi va quvonchi. yoki, shu jumladan o'zimiz.

Hamkorlik pedagogikasini ham ta'lim, ham ta'lim texnologiyasi deb hisoblash mumkin. Hamkorlik pedagogikasini "kirib boruvchi" texnologiyaning o'ziga xos turi deb qarash kerak, chunki uning g'oyalari deyarli barcha zamonaviy pedagogik texnologiyalarga kirib kelgan. Ushbu texnologiyaning maqsad yo'nalishlari:

- talablar pedagogikasidan munosabatlar pedagogikasiga o'tish;
- gumanitar - bolaga shaxsiy munosabat;
- Ta'lim va tarbiya birligi.

O’quvchilar bilan ishlashning barcha shakllarining majburiy elementlari: ma'lumotlar, tajribalar, harakatlar. Ma'lumot - bu ma'lum bir ishda qatnashish orqali talabalar o'rganadigan yangi va muhim narsadir. Tajriba - bu ularning axborotni va sodir bo'ladigan barcha narsalarni hissiy his qilish, baholash, munosabat. Harakatlar-bu ularning boyitadigan va rivojlanib boradigan birgalikdagi (bir-biri bilan va kattalar bilan) faoliyati.

Turli xil faoliyat turlarida qatnashadigan bolalar yangi narsalarni o'rganadilar, yutuq va muvaffaqiyatsizliklarni, ijodning baxtli onlarini boshdan kechiradilar, o'zlariga kerakli ijtimoiy tajribani va jamiyat tomonidan tasdiqlangan shaxs yo'nalishini egallaydilar.

## REFERENCES

1. O‘zbekiston Respublikasining 29 yilligi bayramida Prezident Shavkat Miromonovich Mirziyoevning so‘zlagan nutqi. Xalq so‘zi 2020 yil 1 sentyabr.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning 2020 yil 30 sentyabrda “O‘qituvchi va murabbiylar kuni” tantanali marosimdagi nutqi.
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentinining 2019 yil 29 apreldagi “O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi PF-5712-son Farmoni. QHMMB: 06/19/5712/3034-son, 29.04.2019.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00607

4. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020 yil 6 iyuldagi “Umumiy o‘rta ta’lim muassasalarida “Tarbiya” fanini bosqichma – bosqich amalga joriy etish chora-tadbirlari to‘g‘risida” 422-sonli Qarori.
5. Ulfat, M., & Dilafruz, I. (2020). ТАРБИЯ-ЮКСАК МАЪНАВИЯТ БЕШИГИ. *Academic research in educational sciences*, (4).
6. Maxkamov U.I, Ismoilova D.M Tarbiya- shaxs kamolotida eng katta kuch. Ta’lim tizimida ijtimoiy-gumanitar fanlar 5-son ISSN 2181-7286 2020 yil dekabr.
7. Maxkamov U.I, Ismoilova D.M Allomalar merosi – milliy tarbiya asosi “Xalq ta’limi” O‘zbekiston Respublikasi xalq ta’limi vazirligining ilmiy-metodik jurnali ISSN 2181-7839 1-son, 2021 yil yanvar-fevral.
8. Ismoilova D.M Zamonaviy didaktik yondashuvlar asosida umumiy o‘rta ta’lim maktablari ta’lim mazmunini prognostika qilish “Xalq ta’limi” O‘zbekiston Respublikasi xalq ta’limi vazirligining ilmiy-metodik jurnali ISSN 2181-7839 2020 3-maxsus son (mau-iyun).
9. Исмоилова, Д. М. (2015). Инновационные технологии как компонент развития личности в непрерывном образовании. *Образование через всю жизнь: непрерывное образование в интересах устойчивого развития*, *2*(13).
10. Muxiddinovna, I. D. (2020). Educational forecasting as a scientific and pedagogical problem. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol*, *8*(6).
11. Muhiddinovna, I. D. (2020). Цели современного образования, формирующие требования к преподавателю. *Журнал научных и прикладных исследований,(11)*, 12-14.
12. Avlaev, O. U., Burkhanov, A. A., Ismoilova, D. M., & Norkuzieva, M. A. (2020). Factors Affecting the Intellectual Dynamics of the Individual. *Test Engineering & Management*, *83*, 693-702.
13. Mannopovna, J. O., & Muhiddinovna, I. D. (2020). Optimization of primary education. *ACADEMICIA: An international multidisciplinary research journal*, *10*(5), 1229-1232.
14. Исмоилова, Д. М. (2020). ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ПРОГНОЗ ҚИЛИШ ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА. *Academic research in educational sciences*, (3).

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00608

# СУРХОН ВОҲАСИ АЁЛЛАРИНИНГ ПИЛЛАЧИЛИК РИВОЖИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

**Сабоҳат Бобуровна Ражабова**
Термиз давлат университети ўқитувчиси

## АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада мамлакатимизда енгил саноатнинг етакчи тармоқлардан бири саналган пиллачилик ва бу соҳани ривожлантиришга қаратилган қонунлар, фармонлар, қабул қилинган қарорлар ва уларнинг ижросини таъминлаш мақсадиди Сурхондарё вилоятида амалга оширилган чора-тадбирлар мисоллар асосида ўз аксини топган. Бундан ташқари мақолада Сурхондарё вилоятида пиллачилик соҳасида эришилаётган ютуқлар ва бу соҳани ривожлантиришга муносиб ҳиссасини қўшган хотин-қизлар ҳақида маълумот келтирилган.

**Калит сўзлар**: пиллачилик, иннавацион пиллахона, “Ўзбекипаксаноат”, “Агропилла” МЧЖ, “Мажнун тут”, “Фидокорона меҳнатлари учун”, “Ҳурмат белгиси”, “Меҳнат шуҳрати”.

# THE CONTRIBUTION OF WOMEN IN THE SURKHANDARYA OASIS TO THE DEVELOPMENT OF SERICULTURE

**Sabohat Boburovna Rajapova**
Teacher of the Department of World History, Termez State University

## ABSTRACT

This article reflects the examples of laws, decrees, decisions and measures taken in Surkhandarya region to develop silkworm breeding, one of the leading branches of light industry in the country, and to ensure their implementation. In addition, the article provides information about the achievements in the field of silkworm breeding in Surkhandarya region and the women who have made a worthy contribution to the development of this industry.

**Keywords:** silkworm breeding, innovative cocoon house, “Uzbekipaksanoat”, “Agropilla” LLC, “Mad mulberry”, “For selfless labor”, “Badge of honor”, “Labor glory”.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00608

## КИРИШ

Маълумки, юртимизда пилла етиштириш ўзининг асрий тарихига эга бўлган соҳалардан. Шу сабабли, халқимиз ипак қуртини етиштириш борасида анча самарали усулларидан фойдаланиб ундан мўл ҳосил олиб келган. Инновацион ғоялар жадал ривожланиб келаётган бугунги кун шароитида барча соҳаларда бўлгани сингари пиллачиликда ҳам катта янгиликлар амалиётга жорий қилинмоқда. Пиллачилик бўйича жаҳоннинг энг ривожланган давлатларининг тажрибалари ўрганилиб юртимизда тадбиқ қилинмоқда. Пилладан ҳосил олиш мавсумий баҳор фасли ойларидагина эмас балки, ёз фаслида ҳам амалга оширилиб келинмоқда. Бу каби янги усулда пилла ҳосилини етиштириш мамлакатимизнинг пиллани экспорт қилиш қобилиятини анча кенгайтиради ва пилла сифатини оширади.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ушбу мақолани ёзишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 мартда “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида”[1], 2018 йил 4 декабрида “Республикада пиллачилик тармоғини янада ривожлантиришга доир чора тадбирлари тўғрисида”[2] ва “Пиллачилик тармоғини янада ривожлантиришга доир чора тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3616-сонли[3] қарорлари ва уларнинг ижроси таъминлаганлиги бўйича Сурхондарё вилоятидаги тегишли ташкилотларнинг статистик ҳисоботларидан фойдаланилди. Шунингдек, мавзуга тегишли бўлган мустақиллик йилларида яратилган илмий асарлар, газета ва журналлардаги мақолалар ўрганилди.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Сўнги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги ва саноат соҳасидаги ислоҳатлар натижасида иннавацион пиллахоналар барпо этилмоқда. Бундай пиллахоналар сони Сурхондарё вилоятида 2018 йилнинг ўрталарига келиб 51тага етди[4]. Ҳар бир иннавацион пиллахоналарда ўртача 80 нафаргача киши иш билан таъминланди. Оилавий звенолар ҳам ташкил этилди. Иннавацион пиллахоналарда ишчиларнинг асосий қисмини аёллар ташкил этиб, улар бу соҳада ўзига хос кўникма ва малакаларга эга бўлиб келмоқдалар.

Пиллачиликда ипак қурти озуқа базаси албатта ўзига хос катта аҳамиятга эга саналади. Бу борада ҳам кўпгина тадбирлар амалга оширилмоқда хусусан,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00608

2020 йилнинг 17 январида “Пиллачилик тармоғида ипак қурти озуқа базасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги президентимизнинг ПҚ-4567-сон қарорига мувофиқ, 2020 йилда мамлакатимизда янги тутзорлар учун майдонлар белгилаб берилди ва йилнинг II чорагида мамлакатимиз миқёсида 4985 гектар ер майдони ажратилди[5].

Соҳани янада ривожлантиришда Президентимизнинг 2019 йил 31-июлдаги “Пиллачилик тармоғида чуқур қайта ишлашни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ 4411-сон қарори алоҳида аҳамият касб этди. Қарорга мувофиқ 2022 йил 1 августга қадар пиллачилик тармоғи корхоналарига (уларнинг ваколатли вакилларига) маҳсулотларни АҚШ, Европа Иттифоқи давлатлари ва Туркияга экспорт қилишда ҳаво ва темир йўллари транспортида ташиш харажатларининг 50% гача миқдорини компенсация қилишга бюджет субсидиялари тақдим этилди[6].

Қабул қилинган қарор Сурхондарё вилоятининг барча туманларида пиллачиликни янада ривожлантиришга туртки бўлди. Вилоятнинг Жарқўрғон туманида фаолият юритаётган пиллакор аёллар 2018 йил соҳада биринчилардан бўлиб, пилла хирмонини барпо этди. “Коинот”, “Ширин мевалар файзи”, ”Эргаш бобо” фермер хўжаликларидаги Жамила Мисирова, Гулнора Тожиева, Рўзихол Бердиева каби захматкаш пиллакорлар ҳар бир қути ипак куртидан 65-70 килограммгача “кумуш тола” етиштирдилар. Улар туман “Агро пилла” МЧЖ билан ҳамкорликда иш олиб бордилар, жамият уларга барча масалаларда кўмаклашиб келмоқда. 2018 йилда Жарқўрғон тумани учун Хитойдан 3459 қути ипак қурти олиб келинди. Шартнома асосида 2735 та оилавий звеноларга ипак қурти тарқатилди[7].

Қумқўрғон тумани иқтисодиётида ҳам пиллачилик соҳаси ўзига хос ўринга эга. Туман заҳматкашлари 2018 йилда уч марта пилла хирмонини топширган бўлсалар, биринчи ҳосилдан улар 193 тонна пилла маҳсулотини олишди. Мавсум давомида пилла ҳосилини кунига 45-50 килограммдан топширишди. Қумқўрғон туманида пилла ҳосилининг самарали етиштирилишида туман “Агропилла” жамиятининг бош агрономи Кумушгул Жанабаеванинг хизмати катта бўлди[8]. Ипак куртини етиштириш учун туманда инновацион пиллахоналар барпо этилгандан сўнг, биргина 2018 йилнинг ўзида Қумқўрғон туманида жами 250 нафар аёллар доимий иш билан таъминланди. Улар учун меҳнат дафтарчаси очилиб иш стажи белгиланди. Тумандаги бир неча йиллик меҳнат тажрибасига эга бўлган моҳир пиллакорлардан Мавлуда Қурбонова 2018 йилги мавсум давомида уч марта

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00608

пилла ҳосилини етиштирган ва янги усулда ипак қуртининг етиштирилиши ҳар томонлама қулайлигини, ҳосили ҳам унумли бўлишини англаб етган ҳолда самарали фаолият олиб борган ҳолда пиллачилик соҳасига катта ҳисса қўшиб келмоқда. Қумқўрғон туманида пилла ҳосилини етказишда етакчи ўринларни эгаллаган фермер хўжаликлардан бири “Насиба Суюнова” фермер хўжалиги ҳисобланади. Фермер Насиба Суюнова 10 қути ипак қуртини парваришлаб, 600 кг ўрнига 641 кг пилла ҳосилини етиштирди[9].

Вилоятимизда пиллачилик соҳасида ўзига хос ўринга эга бўлган ва меҳнатлари давлатимиз томонидан муносиб рағбатлантирилган пиллакорларимиз ҳам жуда кўпчиликни ташкил этади. Пиллачилик соҳасига катта ҳисса қўшган аёллардан бири Гулсара Қурбонбекова 1967 йилда Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг “Пиллачилик” факультетига ўқишга кирди. 1972 йилда ўқишни тугаллаб, меҳнат фаолиятини Жарқўрғон туман пахта тозалаш заводида ҳисобчи бўлиб ишлашдан бошлади. 1973 йил апрелида “Ўрта Осиё пиллачилик илмий текшириш институти”нинг Жарқўрғон туман таянч пунктида илмий ходим бўлиб ишлай бошлади ва бу ерда 1988 йилгача ишлади. Меҳнат фаолияти давомида Сурхондарё шароитига мос келадиган навларни етиштириш устида иш олиб борган. Энг асосий ишларидан бири, кузда тут уруғини сепиб, қишлатиб, эрта баҳорда тўлиқ униб чиқишини ва иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлишини исботлади ва бу иш Давлат қўмитаси томонидан ишлаб чиқаришга қўлланилди. Амалга оширган яна бир ишлари Сурхондарё шароитида 3 марта қурт боқиш мумкинлигини амалиётда синаб кўрди. Меҳнат фаолиятида бир неча бор Фахрий ёрлиқлар ва давлат мукофотлари билан тақдирланди. Турмуш ўртоғи Турдиқулов Нормамат ҳам пиллачи агроном бўлиб, узоқ йиллар давомида тутчиликка ихтисослашган “Мажнун тут” фермер хўжалигини бошқарди. Қурбонбекова Гулсара 25 йил пиллачилик соҳасида фаолият юритдиб келди ва ўз касби орқали эл ичида ҳурмат қозонди[10].

Сурхондарё вилоятининг пиллачилик ривожида Ҳалима Эшонқулованинг ҳам алоҳида ўрни бор. У 1941 йил 10 февралда Шерабод тумани марказида таваллуд топди. 1988 йилда Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг Ипакчилик факултетига ўқишга кирди. Пиллачилик факултетини 1963 йилда тугатиб, Сурхондарёга йўлланма олди. У ёшлар билан ташкилотчилик ишларида катта намуна кўрсатди. У пиллачилик бошқармасига бош агроном вазифасига таклиф қилинди. 1965- 1985 йилларда шу лавозимда фаолият олиб борди. Тутчилик, пиллачилик ривожи ва келажаги учун ҳаракат қилди. Вилоятда ҳар қути пилладан ҳосил олиш 50 кгдан 70 кгга етказилди. Унинг

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00608

меҳнати эътироф этилиб, 5 марта ғолиблик нишони, “**Меҳнат шуҳрати**” ордени, “**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими”** унвони билан тақдирланди.

Ҳалима Эшонқулова Термиз тумани пиллачилик ишларини яхшилаш мақсадида 1986 йилдан у ерга бошлиқ қилиб ўтказилди. Термиз туманида 2000 йилгача Пиллачилик идорасида бошлиқ бўлиб ишлаб, иш бошлаган даврда туман атиги 130 тонна пилла ҳосили етказиб берган бўлса, кейинги йилларда 160 – 180 тонна пилла етказиб берди[11].

Воҳа пиллачилигига катта ҳисса қўшган фидоий, меҳнаткаш, жонкуяр аёлларидан яна бири Менгал Холлиевадир. Захматкаш аёл 1940 йилда 1 май куни туғилган. Ўғли ташкил қилган “Баҳодир” фермер хўжалигида пиллачилик билан 1993 йилдан буён шуғулланиб келган. У қилган меҳнатлари эвазига муносиб тақдирланиб 2005 йилда “**Фидокорона меҳнатлари учун**” ордени билан тақдирланди[11].

Қизириқ туманида ҳам пиллачилик соҳасида катта ютуқларга эришган аёллар кўплаб топилади, уларнинг орасида Ўлғузи Аҳмедовани алоҳида таъкидлаш лозим. У узоқ йиллар давомида пиллачиликнинг сир асрорларини юзлаб аёлларга ўргатиб, пиллачиликда ўзига хос мактаб яратди. Намунали хизматлари учун 1982 йилда “**Ҳурмат белгиси**” ордени билан тақдирланган. Мустақиллик йилларида унинг халқ олдидаги фидокарона хизматлари муносиб баҳоланиб, 1992 йил Мустақиллик байрами арафасида “**Мустақиллик эсдалик нишони”**, 2002 йилда эса “**Меҳнат шуҳрати**” ордени билан тақдирланди[12].

## ХУЛОСА

Хулоса қилганимизда, халқимиз томонидан бундай ўз касбининг фидоийлари доимо ҳурмат ва эъзозда. Юртимизда фаолият олиб бораётган юқорида санаб ўтилган фидоий аёлларнинг меҳнати самараси туфайли бугунги кунда тонналаб “кумуш тола” етиштирилиб келинмоқда.

## REFERENCES

1. Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dated March 29, 2017 No. PK-2856 "On measures to organize the activities of the organization" Uzbekpaksanoat ".
2. Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dated December 4, 2018 No. PK-4047 "On measures to further develop the cocoon industry in the Republic".

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00608

3. Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dated March 20, 2018 No. PK-3616 "On further development of silkworm breeding".
4. The current archive of the Surkhandarya regional branch of the Uzbekpaksanoat. From the annual report for 2018. P.
5. Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dated January 17, 2020 No. PK-4567 "On additional measures to develop the food base of silkworms in the silk industry".
**6.** Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dated July 31, 2019 No. PK-4411 "On additional measures for the development of deep processing in the silk industry".
7. Annual report of "Agropilla" LLC of Zharkurgan district.
8. Burkhon Buronovich Jahongirov (2021). Scientific and technical relations between Uzbekistan and Japan. Academic Research in Educational Sciences, 2 (Special Issue 1), 312-318.
9. Surkhan Tongi newspaper (April 7, 2018). ]
10. Current archive of Surkhandarya region, fund 5.
11. Burkhon Buronovich Jahongirov (2021). Scientific and technical relations of uzbekistan with european countries. Journal of look. To the past volume, 4, issue 2. 16-21.
12. Burkhon Buronovich Jahongirov (2021). Scientific cooperations between uzbekistan and foreign Countries. Academic research in educational contents Volume 2, Issue 2, 986-994.

ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 4 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00609

# СИСТЕМЫ ЗАЩИТЫ БИОМЕТРИЧЕСКИХ ДАННЫХ

**Азамжон Алиев**
Студент Наманганского инженерно-строительного института

**Мухтасар Заирджон кизи Мусаева**
Студент Ургенчского филиала Ташкентского университета информационных технологий

## АННОТАЦИЯ

В данной статье рассказывается о системах, обеспечивающих безопасность личных данных человека посредством его индивидуальных особенностей тела, таких как радужка, геометрия лица, руки, почерк и так далее.

**Ключевые слова:** защита, биометрия, человек, искусственный интеллект, личные данные, системы.

# BIOMETRIC DATA PROTECTION SYSTEMS

**Azamjon Aliyev**
Student, Namangan Engineering Construction Institute

**Mukhtasar Zayirjon qizi Musayeva**
Student of Urgench branch of Tashkent University of Information Technologies

## ABSTRACT

This article describes the systems that ensure the security of a person's personal data through their individual body features, such as the iris, face geometry, hands, handwriting, and so on.

**Keywords:** security, biometrics, human, artificial intelligence, personal data, systems.

## ВВЕДЕНИЕ

В современном мире, где каждый пытается защитить свою частую и личную жизнь, большое внимание уделяется системам защиты. Люди ищут способы крепко и, главное, надежно закрыть данные от других. Будь то аккаунт в социальной сети или стратегически важный военный объект. В поисках

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00609

лучшей системы защиты широкое распространение получила биометрическая идентификация.

## ЛИТЕРАТУРА И МЕТОДОЛОГИЯ

Представьте себе идеальную систему защиту, без традиционных замков и паролей, ключом к которой является сам человек. Она с фотографической точностью запоминает черты лица, внимательно вслушивается в скорость и тембр голоса, ощущает прикосновения и заглядывает прямо в глаза. Индивидуальность нельзя убрать или скопировать, значит, и получить доступ может лишь тот, кто внес свои данные. Так идеальна ли эта система? Что она из себя представляет?

Питание, воздух, характер, круг общения, перенесенные заболевания и даже домашние животные – все это делает каждого человека уникальным. На Земле нет двух совершенно одинаковых людей, ведь даже генетически симметричные близнецы не будут зеркальным отражением друг друга.

Как итог появилась эта система, основанная на биометрических данных человека. Существует шесть способов идентификации: аутентификация по сетчатке, по радужной оболочке глаз, геометрии руки и лица, голосовая и графическая защита. Давайте поговорим о каждой подробнее.

При сканировании сетчатки глаза используются инфракрасные лучи, которые запоминают и проверяют рисунок кровеносных сосудов внутри глаза. Однако из-за своей дороговизны и дискомфорта при проверке от этого метода практически отказались, перейдя к более простому и безопасному способу сканированию радужной оболочки глаза. Учеными доказано, что, в отличие от сетчатки, рисунок радужки не может изменяться с течением времени. Сложные врожденные компоненты рисунка позволяют фиксировать до двух сотен опорных точек, сканирование которых и устанавливает истинность объекта сканирования.

Геометрия руки и лица распространены куда больше, чем остальные виды идентификации. В современных смартфонах используется лишь отпечаток пальца, но в куда более сложных системах помимо самого отпечатка также учитываются и другие параметры. К примеру, толщина и длина пальцев, расстояние между суставами, длина фалангов, глубина ямки ладони. Чем больше параметров учитывается, тем надежнее будет защита.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00609

## РЕЗУЛЬТАТЫ И ОБСУЖДЕНИЕ

Во время сканирования лица система рассматривает расстояние между глазами, длину и форму губ, носа, разрез глаз, расположение бровей. Если у человека есть какие-то отличительные особенности вроде родинок или шрамов, то компьютер предусмотрит и это, сканируя. Упрощенный вариант этой системы защиты используется в телефонах, который просто сравнивает загруженное фото с человеком перед ним.

Голосовая и графическая идентификация относятся к динамическим системам защиты (т.е. к таким, биометрические данных человека которых могут изменяться с течением жизни). Голосовая аутентификация используется куда шире за счет своей простоты. Для построения шаблонов используют такие данные, как интонация, тембр, высота голоса, частота звука и т.д. Однако эта система имеет значительные недостатки. Например, голос человека меняется не только со временем, но и с состоянием здоровья, с настроением и тому подобным, что делает голосовую идентификацию довольно слабой.

Так же как и голосовая, графическая защита считается динамической системой. В ее параметры проверки входят данные о скорости и рефлективности рукописного ввода. Для этой системы используются специальные чувствительные поверхности. Помимо росписи как ключ могут быть использованы и какие-то фразы, и тогда система проверяет не только скорость, но и почерк, наклон букв, общие «штрихи» письма и особенности.
Биометрические системы довольно распространены, так как считаются на данный момент самыми надежными способами защиты информации. Упрощенные варианты используются в повседневной жизни в различных устройствах, начиная смартфонами и заканчивая умной техникой, к примеру, плитой или телевизором. Сложные комбинативные системы защиты используются в науке или на военных объектах, государственных образованиях. Политики используют биометрические данные как подпись. В Индии и некоторых странах Африки отпечатки пальцев или зубов так же являются своеобразной подписью.

Биометрические системы защиты распространены в массовой культуре. Например, в популярной игре «Among Us» для выполнения нескольких заданий необходимы биометрические данные персонажей. В мультфильме «Супер-семейка» дизайнер геройских костюмов использует биометрическую систему защиты для доступа к своему мини-ателье. Во многих фильмах в жанре научной фантастики такие системы также не стали исключением.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00609

Но так ли идеальна эта система защиты? Есть ли возможность обойти ее? Примечательно то, что у самой теории дактилоскопических различий нет научных обоснований или доказательств. То есть, ученые так и не подтвердили то, что у каждого человека отпечатки полностью индивидуальны. Было множество случаев в криминалистике, когда по ошибке сажали не того лишь из-за того, что отпечатки совпадали на 98-99%, а для следователей это не так уж и мало.

Также отпечатки пальцев можно спокойно подделать. Если взять кусочек пластилина и приложить к нему палец нужного человека, сняв слепок, а потом залить полученную форму силиконом, то после застывания получится небольшой макет пальца с тем папиллярным рисунком, который необходим.
Пластические операции, грим, малейшие изменения в ракурсе – все это может повлиять на распознавание лица человека машиной. На Земле свыше 7 миллиардов людей, и есть вероятность, что внезапно найдется человек, который сможет пройти защиту, установленную под вас. Машина увидит то, что сможет распознать, а потому, если злоумышленнику удастся сделать свое лицо похожим на необходимое, он с легкостью проберется в любое устройство.

## ЗАКЛЮЧЕНИЕ

Работа любой системы защиты имеет свои слабые места, которые возможно пробить. Каждая машина дает сбой или может совершить ошибку, хотя ученые и пытаются активно исправить это. С каждым годом появляются все новые и новые ступени развития искусственного интеллекта, машин учат распознавать людей по форме и длине ушей, по жестам и даже мимике.

Искусственные нейронные сети сканируют людей на улицах и в магазинах, могут распознать необходимый объект даже в полутьме или на большой скорости. Чем активнее развиваются технологии, чем активнее распространяется среди широких масс любовь к биометрическим системам защиты, тем опаснее становится жизнь человека и зависимее становится он сам. С каждым днем все больше людей добровольно проходят биометрическую идентификацию, тем самым подвергая себя опасности и риску окончательного безвольного подчинения.

## REFERENCES

1. Сычев, Ю. Н. Защита информации и информационная безопасность: учебное пособие / Ю.Н. Сычев. – Москва : ИНФРА-М, 2021. – 201 с.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00610

# MAMLAKATIMIZDA TA'LIM SOHALARINI RIVOJLANTIRISHDA "UG - DASTURIY TIZIMI"NI QO'LLASH SAMARADORLIGI

**Jasur Rozmedovich Masharipov**
Chirchiq davlat pedagogika instituti talabasi
masharipovj635@gmail.com

## ANNOTATSIYA

Maqolada birinchi Prezidentimiz Islom Karimov "XXI asr axborot texnologiyalari asri" – degani kabi butun jahon taraqqiyoti tobora axborot – texnologiyalari bilan tez sur'atda rivojalanib borayotganligi, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining IT-industriya bilan integratsiya qilish chora-tadbirlari to'g'risidagi qarorlari, bugungi tahlikali va dolzarb kunda, ya'ni XXI asr fan va yuqori texnologiyalar rivojlanishi, bugungi kunda yurtboshimiz Shavkat Mirziyoyev yuritayotgan islohotlari va ular tomonidan 2007-yilda qabul qilingan qarorlari, "UG- dasturiy tizimi", zamonaviy innovatsion texnologiyalar-elektron doskalar, turniketlar, ilovalar orqali to'lovlar haqida so'z yuritilgan.

**Kalit so'zlar:** Axborot texnologiyalari, jahon taraqqiyoti, UG- dasturiy tizimi, sensor ilovasi, talaba va ustozlarni o'zlashtirish, ustoz va talabalar, mutassadi xodimlar, ta'lim muassasa rahbari, gadjet.

# IN THE DEVELOPMENT OF EDUCATION IN OUR COUNTRY EFFICIENCY OF USING "UG - SOFTWARE SYSTEM"

**Jasur Rozmedovich Masharipov**
Student of Chirchik State Pedagogical Institute
masharipovj635@gmail.com

## ABSTRACT

As the first President Islam Karimov said in the article "XXI century is the century of information technologies", the world is rapidly developing together with information technologies, decisions of the President of the Republic of Uzbekistan on measures to integrate with the IT industry. ., today is a dangerous and topical day - the development of science and high technologies in the XXI century, the reforms carried

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00610

out by President Shavkat Mirziyoyev and their solutions in 2007, the "UG-software complex", modern innovative technologies - electronic scoreboards, turnstiles, they talk about payments through applications.

**Keywords:** Information technology, world development, UG-software package, sensor application, development of students and teachers, teachers and students, officials, head of educational institution, gadget.

## KIRISH

XXI asr axborot texnologiyalari asrisifatida kirib keldi. Axborot texnologiyalari allaqachon hayotimizning ajralmas qismiga aylanib bo‘lgan. Bolalarimizni iqtidorli, zamonaviy bilimlar egasi qilib tarbiyalash uchun kompyuter savodxonligining ahamiyati yuqori.

Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov “XXI asr axborot texnologiyalari asri” – degani kabi butun jahon taraqqiyoti tobora axborot – texnologiyalari bilan tez sur’atda rivojalanib bormoqda. Xususan biz kabi yoshlarni zamon talabiga javob beruvchi mutaxassislar qilib tayyorlashda alohida e’tibor qaratilmoqda. Shuning uchun bozor iqtisodiyoti davrida “Informatika va axborot texnologiyalari” mutaxassisligi kadrlariga katta talab mavjud. Ma’lumki, kompyuter texnologiyalarining rivojlanishiga eng birinchi turtki juda murakkab hisoblashlarni tezda bajarishga tug’ilgan katta ehtiyojdir [1].

## ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Axborot texnologiyasining vujudga kelishi va rivojlanishini belgilovchi **ichki** va **tashqi** omillar mavjud bo’lib, ular quyidagilar:

- Ichki omillar.
- Tashqi omlilar.

**Ichki omillar**- bu axborotni poydo bo’lish turlari, xosalari, axborotlar bilan turli amallarni bajarish, uni jamlash uzatish, saqlash va h.k.

**Tashqi omillar** – bu axborot texnologiyasining texnika – uskunaviy vositalari orqali axborot bilan turli vazifalarni amalga oshirishni bildiradi.

Axborot texnologiyalari jamiyat axborot resurslaridan oqilona foydalanishning yeng muhim omillaridan biri bo’lib, hozirgi vaqtga qadar bir necha bosqichlarni bosib o’tdi.

**1 – bosqich.** XIX asirning 2 – yarmigacha davom yetgan. Bu bosqichda «qo’llik» axborot texnologiyalari taraqqiy yetgan. Uning vositasi pero,siyoxdon, kitob.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00610

Kommunikatsiya ya'ni aloqa odamdan – odamga yoki pochta orqali xat vositasida amalga oshirilgan.

**2 - bosqich**. XIX asirning oxiri, unda «mexanik» texnologiya rivoj topgan. Uning asosiy vositasi yozuv mashinkasi, arifmometr kabilardan iborat.

**3 – bosqich.** XX asirning boshlariga mansub bo'lib, «yelektromexanik» texnologiyalar bilan farq qiladi. Uning asosiy vositasi sifatida telegraf va telefonlardan foydalanilgan. Bu bosqichda axborot texnologiyasining maqsadi ham o'zgardi. Unda asosiy urg'u axborotni tasvirlash shaklidan uning mazmunini shakllantirishga ko'chiliriladi.

**4 – bosqich.** XX asir o'rtalariga to'g'ri kelib, «yelektron» texnologiyalar qo'llanilishi bilan belgilanadi. Bu texnologiyaning asosiy vositasi YEXM lar va ularning asosida tashkil yetiladigan avtomatlashtirilgan boshqarish tizimlari va axborot izlash tizimlaridir.

**5 – bosqich**. XX asirning oxiriga to'g'ri keladi. Bu bosqichda kompyuter texnologiyalari taraqqiy yetdi. Ularning asosiy vositasi turli maqsadlarga mo'ljallangan turli dasturiy vositalarga ega bo'lgan shaxsiy kompyuterlardir. Bu bosqichda kundalik turmush, madaniyat va boshqa sohalarga mo'ljallangan texnik vositalarning o'zgarishi ro'y berdi. Lokal va global kompyuter tarmoqlari ishlatila boshlandi.

O'zbekistonda axborot texnologiyalari mutaxassislari Toshkent Axborot Texnologiyalari Universitetida tayyorlanadilar [2,3].

## MUHOKAMA VA NATIJALAR

II jahon urushi oxirlaridan boshlab hisoblash texnikalari rivojlantirilib borildi. Hozirgi paytda esa juda tez hisoblovchi shaxsiy kompyuterlarning paydo bo'lishi hisoblash sohasida sezilarli yangiliklarni ta'minlamoqda. Jumladan, katta qiziqish bilan o'rganilayotgan kompyuter texnologiyalari yildan – yilga rivojlanib bormoqda. Bularga misol qilib, IOS, Windows, Android platformalarida ishlovchi dasturlar, multimedialar, axborot vositalari va hokazo.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 6 oktyabrdagi "Axborot texnologiyalari sohasida ta'lim tizimini yanada takomillashtirish, ilmiy tadqiqotlarni rivojlantirish va ularni IT-industriya bilan integratsiya qilish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-4851-son qaroridan kelib chiqqan holda quyidagi maqola ishlab chiqildi.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00610

Hozirgi ta’lim tizimi o’quvchi va talabalarni darsdagi ishtiroki va olgan baholari an’anaviy usulda ya’ni o’quv jurnallarida qayd etilib boriladi. Joriy, oraliq va yakuniy nazoratlar ham xuddi shu usulda amalga oshiriladi. Bu esa o’qituvchi tomonidan diqqatli bo’lishni va alohida vaqt ajratishni talab etadi. Bundan tashqari talim muassasalarini qiynab kelayotgan yanabir muhim masala bu – talim oluvchilarning belgilangan vaqtlarda belgilangan mashg’ulotlarda ekanligini nazorat qilish masalasidir. Buning uchun ba’zan malum xodimlarni jalb etgan holda nazorat- tekshiruv ishlarini olib borishni talab etadi [4,5].

Yuqoridagi muammolarni hal etishning bir necha ko’rinishdagi usullari mavjud, bularga turniket, RF ID skaner dasturi yoki video kuzatuv dasturlarini misol qilishimiz mumkin. Ushbu dasturlar bir qancha qulayliklarga ega, lekin biz keltirgan muammoni to’liq hal qilmaydi.

Mazkur muammoni to’liq hal qila oladigan innovatsion tizim ya’ni **“UG-dasturiy tizimi”** ni etiboringizga havola etamiz.

**“UG- dasturiy tizimi**” bu – talim muassasasi o’quvchi va talabalari haqida barcha ma’lumotlarni o’zida jamlovchi, ularning muassasa hududiga kirib chiqishi, mashg’ulotlardagi ishtiroki va o’zlashtirish ko’rsatkichlarini, fanlar bo’yicha qarzdorlik holatlarini o’zida aks ettiruvchi va nazorat qiluvchi electron dasturiy tizim.

Ushbu **“UG- dasturiy tizimi”** vazifasiga kelsak, jurnalimiz maxsus dastur asosida ishga tushib sensor jurnal vazifasini o’taydi. Uning o’z xavfsizlilik tizimi bor bo’lib, ichki inspeksiyasi hamda kompyuter nazoratchi dispetcherlar shuningdek rektor va direktorlar nazoratlari orqali faoliyat yuritiladi va ularning kompyuter kuzatuvlariga ulangan bo’ladi. Jurnallar nazorat punktiga ham ulangan bo’lib, har bir davomat uchun o’quvchi yoki talabaning yuzi IP kamera orqali rasmga olinadi va ularning turniketi yordamida davomati jurnalga borib tushadi. Mazkur talabaning kelganligini bilish uchun jurnal ro’yxatda familyasi oldida yashil rang yonadi, aksincha bo’lsa qizil yonadi. Ayrim sabablarga ko’ra o’quvchilar kech qolishi mumkin, bunday holatlar uchun ham qizil rang yonib turaveradi toki ular hmashg’ulotga kelmaguncha. Dars jarayoniga kelsak , mazkur jurnal sinf rahbari zimmasida bo’ladi. Har bir fanning o’qituvchilari ushbu jurnalga kirish uchun o’zlarining qo’ygan parollari orqali kirib dars jarayonini olib boradilar hamda asosiy nazoratchilarga dars jarayoni o’tayotganligini video kamera yoki skrinshot yordamida hisobot beradilar. Jurnalimizning yillik faoliyati reyting baholari qo’yilgandan so’ng tugaydi va maxsus flesh xotiralar orqali yuklatilib ma’lumotlar omboriga joylashtiriladi [6,7,8].

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00610

Jurnal-planshet ko’rinishida bo’ladi va uni siz sensor ilovasini kiritib Android, IOS yoki Windows kabi dasturlar orqali dasturlanadi. Elektron jurnalimiz bir dastur asosida ish olib boradi ya’ni (excel, jadval va hk.) jurnalimiz ning tuzilishi aslida murakkab bo’lsa ham foydalanish juda qulay(siz uni xuddi sensor telefon ishlatayotgandek, ishlatasiz). Jurnalimizni yanada optimallashtirish uchun qator funksiyalar kiritiladi. Masalan: tarmoq uchun cheksiz internet, ko’p vaqt oralig’ida ishlashi uchun katta quvvat :quvvatlovchi moslama,( quvvat olishning antiqa usuli-quyosh nurlari yordamida),Web kameralar himoyalovchi tizimlar: parollar, antivirus dasturi va hk.

Yana ta'kidlab o'tish joizki, biz talabdan kelib chiqqan holda ushbu moslamaga qo'shimcha yangiliklar va takliflarni kiritishimiz mumkin:

Ta'lim muassasa rahbari va mutassadi xodimlargagina foydalanish ruxsat (dopusk)i bo'ladi;

Talaba va ustozlarni o'zlashtirish va dars o'tish sifatini oshiradi;

Vaqtni tejaydi;

Ustoz va talabalar o'rtasida shaffoflikni ta'minlaydi va korrupsiyaga yo'l qo'ymaydi, sababi rahbariyat nazoratida;

Qayta tekshirish sahifasi bo’ladi;

Gadjet dekanatda va faqat guruh faoli(sinf sardor) javobgar bo'ladi;

Onlayn ravishda butun institut doirasida (server) ishlaydi;

Oxirida hisobot SEND tugmasi orqali boradi.

**“UG- dasturiy tizimi**” ning qulayliklari va maqsad vazifalari quyidagilardan iborat:

-ta’lim jarayonining sifatini oshiradi;

-talaba yoki o’quvchilarning davomatini, hattoki o’qituvchilarning ham davomatini tekshiradi;

-talaba yoki o’quvchilarning o’zlashtirishini, shuningdek dars jarayonini nazorat qiladi;

-korrupsiyaga qarshi kurashish hamda ta’lim jarayonidagi tartibsizliklarning oldini oladi [9].

## XULOSA VA TAVSIYALAR

Shuni ta’kidlash joizki, yurtimizning barcha sohalarda innovatsion ijtimoiy rivojlanib , uning ravnaq topishi uchun har bir inson o’zi harakat qilib o’z hissasini

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00610

qo'shishi lozim. Ana shunda bizning taraqqiy o'sib borish darajamiz yuqori cho'qillarni zabt etadi. Yuqorida ta'kidlaganimizdek , har bir sohada, ayniqsa ta'lim sohasida yuksalish va innovatsion faoliyatni yo'lga qo'yish tobora yuksalib borayotgan bir qatorda yuksak marralarni ham qo'lga kiritmoqdamiz. Misol qilib aytsak: **Zamonaviy innovatsion texnologiyalar-elektron doskalar, turniketlar, ilovalar orqali to'lovlar** shuningdek bugungi ko'rgan elektron jurnalimiz ham ta'lim jarayonida innovatsion texnologiyalarning samarasi oshishda muhim ahamiyat kasb etadi va go'zal bo'ston bo'lmish- Ona diyorimizga uzoq muddat xizmat qilib beradi degan umitdaman!

## REFERENCES

1. Aripov M. M., Imomov T., Irmuhamedova R.M., Sagatov M.V., Haydarov A.T., Yakubov A.T. Informatika. Axborot texnologiyalari, I qism. Toshkent 2003 y.
2. Aripov M. M., Imomov T., Irmuhamedova R.M., Sagatov M.V., Haydarov A.T., Yakubov A.T. Informatika. Axborot texnologiyalari, II qism. Toshkent 2003 y.
3. Aripov M. Informatika va hisoblash texnikasi asoslari. Toshkent 2001
4. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 6 oktyabrdagi "Axborot texnologiyalari sohasida ta'lim tizimini yanada takomillashtirish, ilmiy tadqiqotlarni rivojlantirish va ularni IT-industriya bilan integratsiya qilish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-4851-son qarori.
5. T.X.Xolmatov, N.I. Taylaqov, U.A. Nazarov. Informatika va hisoblash texnikasi. Toshkent 2001 y.
6. S.Ro'zimov. Kompyuter savodxonligi. O'quv qo'llanma. Toshken t 2014 y.
7. Интернет ва ундан фойдаланиш асослари. А.Р.Марахимов, И.Рахмонкулова Т.:, 2001, 175 б.
8. Интернет технологиялари. М.Х.Мадумарова Т.: 2016, 45 б.
9. S.S. Yusubjonov, A.J. Parpiyeva, B.A.Mekambayev «MICROSOFT OFFICE dasturlari: WORD, EXCEL, POWER POINT», kitob, Chirchiq shahri - 2015 yil.
10. https://www.google.com//AbdullaAvloniyninghikmatliso'zlari ;
11. https://www.google.com//kadrlartayyorlashmilliydasturi , www.lex.uz;
12. https://www.google.com//ta'limto'g'risidagiqonun , www.lex.uz
13. https://uz.wikipedia.org/wiki/Axborot_texnologiyalari

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00611

# ОСОБЕННОСТИ ЛЕКСИКО-СЕМАНТИЧЕСКОЙ ГРУППЫ ПРЕДМЕТОВ ДОМАШНЕГО ОБИХОДА, ЗАФИКСИРОВАННЫХ В «ТОЛКОВОМ СЛОВАРЕ ЖИВОГО ВЕЛИКОРУССКОГО ЯЗЫКА» В.И. ДАЛЯ

**Аббосбек Абдувохид угли Абдуллаев**
Студент Андижанского государственного университета
navruzbekumarov8@gmail.com

## АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются наименования предметов домашнего обихода в «Толковом словаре живого великорусского языка» В.И. Даля. Были проанализированы взгляды ученых на лексику, которая обозначает названия предметов домашнего обихода, представлен анализ различных лексических единиц, зафиксированных в словаре. По результатам анализа нами было выявлено, что лексико-семантическая группа «Предметы домашнего обихода» в «Толковом словаре живого великорусского языка» В.И. Даля подразделяется на различные подгруппы, в частности: лексико-семантическая подгруппа «посуда», лексико-семантическая подгруппа «мебель» и др.

**Ключевые слова:** лексико-семантическое поле, лексико-семантическая группа, номинация, лексико-парадигматический аспект, лексикография, лексические единицы, предметы домашнего обихода.

# PECULIARITIES OF THE LEXICO-SEMANTIC GROUP OF HOUSEHOLD OBJECTS FIXED IN THE "EXPLANATORY DICTIONARY OF THE LIVING GREAT RUSSIAN LANGUAGE" IN V.I. DAHL

**Abbosbek Abduvohid ugli Abdullayev**
Student of Andijan State University
navruzbekumarov8@gmail.com

## ABSTRACT

The article discusses the names of household items in the "Explanatory Dictionary of the Living Great Russian Language" by V.I. Dahl. The views of scientists on the vocabulary, which denote the names of household items, were analyzed, an analysis of various lexical units recorded in the dictionary was presented. According to the results of the analysis, we found that the lexical-semantic group

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00611

"Household items" in the "Explanatory Dictionary of the Living Great Russian Language" V.I. Dahl is divided into various subgroups, in particular: the lexical-semantic subgroup "dishes", the lexical-semantic subgroup "furniture", etc.

**Keywords:** lexical-semantic field, lexical-semantic group, nomination, lexical-paradigmatic aspect, lexicography, lexical units, household items.

## ВВЕДЕНИЕ

Значительным событием в истории русской лексикографии явилось создание в 1863-1866 гг. четырехтомного «Толкового словаря живого великорусского языка» В.И. Даля, периодически переиздающегося вплоть до настоящего времени. Положив в основу словаря народную речь, включив в него лексику общеупотребительную, диалектную, книжную. В.И. Даль стремился отразить в нем все лексическое богатство русского языка. Проблемы, связанные с изучением лексико-семантической группы слов, зафиксированных в «Толковом словаре живого великорусского языка» В.И. Даля, были объектом общих и специальных исследований. Ими занимались многие исследователи. Но данные вопросы до настоящего времени остается актуальной [4; 5; 6; 7; 8; 9; 10; 11; 12; 13; 14].

## ЛИТЕРАТУРА И МЕТОДОЛОГИЯ

Как нам известно, для большинства носителей русского языка, осознающих его величие и могущество в качестве национального достояния, В.И. Даль – это выдающийся знаток русского слова и русского языка, отношение к которому свидетельствует о глубочайшем патриотизме и нравственной чистоте создателя «Толкового словаря живого великорусского языка» (1863-1866 гг.). По словам В.В. Виноградова, «словарь Даля – это своеобразная энциклопедия народной русской жизни первой половины XIX в. ... Значение «Толкового словаря» Даля – непреходяще. Этот словарь должен быть настольной книгой всякого человека, изучающего и любящего русский народный язык». Поэтому и в настоящее время словарь Даля имеет статус одного из лучших словарей, сохраняющего дух именно русского языка и отражающего связь с ментальностью его носителей [1].

По мнению многих ученых, В.И. Даль не был лингвистом в узком смысле этого слова. В.В. Виноградов, анализируя толковые словари русского языка, пишет: «В академических кругах «Толковый словарь» Даля рассматривался лишь как сборник первоклассных материалов для исследования народной речи,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00611

для определения миросозерцания русского народа» [2]. Поэтому, как отмечает А.М. Бабкин, «В.И. Даль оценен лишь как собиратель и составитель капитального словаря» [1].

В.В. Колесов считает, что «обстоятельный и серьезный разбор, которому подверг В.И. Даль выпущенный Академией наук «Опыт областного словаря», целый ряд критических замечаний, попутно высказанных им по поводу русской грамматики, русского правописания, и особенно диалектологические суждения В.И. Даля показывают, что по своему научному кругозору и уровню, во всяком случае в области лексикографии и диалектологии, он был не ниже многих признанных ученых, его современников» [4].

## ОБСУЖДЕНИЕ

Действительно, в наследии В.И. Даля мы не находим системного и пространного изложения основополагающих лингвистических проблем, которые позволяли бы представить его как ученого-лингвиста, как лингвиста-теоретика. Это давало повод некоторым известным языковедам определять его статус в науке как «дилетанта от науки». Сам В.И. Даль, оценивая, в частности, свой статус в создании «Толкового словаря живого великорусского языка», писал: «… это не есть труд ученый и строго выдержанный; это только сбор запасов из живого языка, не из книг и без ученых ссылок; это труд не зодчего, даже не каменщика, а работа подносчика его; но труд всей жизни» [3]. Но, как заметил В.В. Колесов, описывая становление идеи развития в русском языкознании первой половины XIX века, «любая филологическая работа со словом в тех условиях и была лингвистической работой». А характеризуя так называемое дилетантство В.И. Даля, считал, что «дилетантизм» Даля в те времена был положительным свойством гения. ... В незамутненности предвзятыми «теориями» сила Даля» [4].

В качестве основных направлений реализации лингвистических взглядов Даля в области современной русской лексикографии выделим три направления, на которые хотелось бы обратить внимание в настоящей статье. Это – направления, которые связаны, во-первых, с проблемой лексикографирования; во-вторых, с ролью грамматики в лексикографии; и, в-третьих, с представлением в лексикографии ментальности носителей русского языка.

## РЕЗУЛЬТАТЫ

В «Толковом словаре живого великорусского языка» В.И. Даля мы выделяем следующие лексико-семантические группы:

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00611

1. Лексико-семантическая группа **мебели**. Сюда входят следующие лексические единицы:

МЕБЕЛЬ

МЕБЕЛЬ ж. франц. стоялая утварь в доме; хоромный наряд; столы, лавки, стулья, шкафы и пр. Мебельный, к ней относящийся. -мастер, -ситец. Мебельщик м. -щица ж. кто сам делает мебель, столяр; хозяин мебельной мастерской или хозяин лавки. -ков, -цын, ему, ей принадлежащий. Меблировать дом, убрать, снабдить утварью; нарядить. -ся, быть меблируему; | меблировать у себя, свое жилье. Меблированье ср. длит. -ровка ж. об. действ. по знач. глаг. -ровщик м. -щица ж. кто промышляет уборкою комнат, полным нарядом для них.

ШКАП

ШКАП и шкаф м. немецк. род ящика стойком, с затворами, с полками или вешалками и пр. Платяной шкап, для одежи; посудный, судник, посудник, поставец; буфетный и пр. От серебра шкапы ломятся. Хозяйка со двора, горничные по шкапам. Письменный стол со шкап(ф)иками, шкап(ф)чиками. Дрянной шкап(ф)ишка. Книжный шкап(ф)ища до потолка. Шкап(ф)ные полки. Из подмосковных крестьян есть особые шкапники. Была жила мышь шкапница (вор), да попалась.

ДИВАН

ДИВАН м. турецк. канапе, софа, скамья или лавка с прислоном, обычно обитая чем. Диванный, к дивану относящийся. Диванная ж. комната с диваном, диванами, для сбора и беседы в доме. Диванщик м. диванный мастер, обойщик.

2. Лексико-грамматическая группа **посуды**.

ПОСУДА

1) The first and foremost mistake is having a weak will to learn English. By this I'm going to say that you may witness people who solely spend couple hours but call for an incredible demand of achieving an accomplishment in this sphere. As far as I know that to learn English perfectly and speak fluently you have got to work at least six hours a day. But it is true that working more than 5 hours per day is extremely tough and demanding, plus you undeniably get deathly bored because of slow progress. And this is the first reason why students in no time give up learning English or may not study by hard due to the lack of strong will. Plus in this technological era it is implausible to stay away from electronic gadgets such as smart phones or laptops. Noticeably the Internet is not stopping butting out to our life,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00618

which likely makes us so lazy, as a result you unlikely will desire to study. So in order to maintain doing success we ought to study hard willingly but not reluctantly.

2) As it is mentioned above we are being so addicted to technologies which make us couch potatoes and pessimists. Consequently we are becoming as a fault lazy and we do not want even just to open our preferred books in order to read a couple words in it. Moreover we are considered as really hectic people who hardly find sufficient time to hang out with our buddies or spend time to our leisure activities due to the fact that we always mind our business. And exactly this is the second common mistake that we make. It is to say that we ought to manage our time in order to spare both to work and self-study. However, nowadays it is devilishly hard to complete. We are being used to work from dusk till dawn without paying attention on our further plans that we have being arranged for years. And all of a sudden we remember them and it will be already late to correct. So despite of the fact that we have less time to spend on learning, we perhaps should have something which constantly reminds us about our dreams.

People each continuously work and this not only effects to their physical health but also to their mental states as they are maybe spending their valuable time in just earning but not acquiring knowledge. Every day from early morning we start to dress up and leave as early as possible in order not to appear in traffic jam. Instead of doing morning meditation or reading books they collect all essential documents and prepare necessary things, instead of learning some new words they prefer sleeping a few minutes again, instead of listening couple audios in English they feel like to listen something slow which helps their mind refresh. In this hard situation all we need to do is make a reasonable decision on our own which will not in future disturb our further plans.

All in all this mistake is sometimes called as fatal mistake as not only a small group of people are suffering but almost nine tenth of those who went off their business is always complaining because of not having enough time to learn something new. So the solution is just time management.

3) Feeling terrified when speaking English is accepted as the third foolish mistake. We know that those people who have recently started learning English, likely have speaking barrier, so they prefer not talking with anyone in order not to feel embarrassed because of having grammatical errors. This naturally holds them back from development, as it is truly said that only by making mistakes we develop our knowledge. However you may come across with such people who always feel embarrassed to be censured. However, as far as I know being appraised is just what

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00618

others think about you. You ought to accept it and carry on studying. I am obliged to apprise you that all you are doing, even though it is considered as unfruitful, are useful for you and so you should keep on going until you do not reach your fixed plans. Their opinions must not effect on your process of studying, because being effected is the worst thing in the universe which probably lack you from motivation in what you are doing. Feeling fear of making mistakes is only harmful for yourself not for those who continuously call your works as monkey business. You will be top dog when you finish your demanding works successfully without feeling any fear. But it is not a gift that is lying on the ground and all you need to do is just picking it up. To achieve it you must work on yourself for a long period. Try to speak whenever you are in a big company of those who used to speak English. Do not pay attention on accuracy as people prefer fluency much. So by the time you learn to speak fluently, the accuracy will be presented to you to be acquired effortlessly.

Plus they used to assert that by working hard if they can get nowhere it means that all they have been doing is nonsense. And these kind of negative and weak opinions always follow them all their life which never let them reveal their capacity or their hidden talent. Shortly saying fear is what makes us unmotivated and always felt sorry of being such miserable and useless.

4) At present it is genuinely challenging to encounter those who have life-long ambitions. I thing I do need to clarify this fact as it is crystal clear that those who are studying at colleges or universities they are wasting their time and nothing at all. Instead of reading books especially boys prefer talking with appealing girls even though it does not provide them with background. Unfortunately this is the next mistake that individuals make. They do not have any clue how ineffable having dreams is. If we have something that we want to materialize in the future it probably motivates us to go forward without looking back. Meantime, people, as I said above, do not have a particular plan for the future, so they lead nefarious lifestyle. They keen on living life without plans as it is rather breeze than having many more plans which demand to be completed in a fixed timeline. So it seems to them a complete waste of time which leads to nowhere, while having future plans is the only way to bright future. Why? It is not my sayings, it is approved by psychologists that if we want to feel the sense of accomplishments we should complete all fixed plans as soon as possible. Only by this we really feel that we are developing comprehensively.

## RESULTS AND DISCUSSION

However as we used to chill out with scrum teams we unlikely be able to make business plans, cause they have already managed to spoil our mind with junk ideas

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00618

like wasting time in surfing Internet or chatting occasionally with our e-friends. We know that hanging out with our chums is rather easy than all day sitting and planning for the future. We always arrange a daily meeting with our girlfriends or vice versa just to spend time, even though all of these are permanent as by the time we finish college or university we probably forget them, and we totally start a new life being wholly new person. A person who does not have any plans for the future and even does not know how to set off his business. So I must say to you that you should not care for others opinion about your boring lifestyle. You ought to be always ignorant person who are stubborn on his particular aims.

## CONCLUSION

To sum up all the mistakes that I mentioned above are in fact the most common ones that majority of people used to make unknowingly. However as I apprised you with them then you have got to prevent yourself from making them. I'm informed that you all are learning by hard and spending your whole day on studying, that's why I'm obliged to message you regarding these foolish mistakes that hold you back.

Shortly saying the best way of making progress without mistaking is just doing what you think is appropriate for you regardless of type of method that you opt for. Paying attention on others' opinion is devilishly bad habit as people may tell whatever comes to their mind unthinkingly. Even though their demeanor is exceedingly awful you might just ignore them and carry on what you have been doing.

From my own experience I bravely can say that these mistakes held many more people, including me, back. Thankfully I opened my eyes in time and now I almost mastered English thanks to my patience and tolerance to difficulties.

## REFERENCES

1. Abduramanova, D. V. (2021). Teaching heterogeneous classes. *Academic research in educational sciences*, *2*(3).
2. Ashirbaeva, A. (2020). Effectual methods of teaching leterature. *Academic research in educational sciences*, (3).
3. Bagapova, G., Kobilova, N., & Yuldasheva, N. (2020). The role of distance education and computer technologies in teaching foreign languages. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, *8*(10), 206-211.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00618

4. Elmurodov, U. Y. (2020). The Importance Of Multimedia And Mobile Applications In Teaching Foreign Languages. *Science and Education*, *1*(Special Issue 2).
5. Gazieva, S. T. (2020). Modern technology in learning foreign languages. *Academic research in educational sciences*, (3).
6. Makhmatkulov, K., Kushnazarova, Y., Makhmudov, K., & Abdumalikova, S. (2021). Interference in English and Uzbek languages and its elimination. Academic research in educational sciences, 2(3), 848-854. DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00476
7. Makhmudov, K. (2021). Effective methods of teaching reading in english language lessons. *Academic research in educational sciences*, *2*(3).
8. Rakhmatov, F. (2020). Tillarda zamon kategoriyasini umumiy-qiyosiy o'rganish. Academic Research in Educational Sciences, 1 (3), 807-814.
9. Yusupova, M. A. (2020). Psychological aspects of teaching foreign languages. *Academic research in educational sciences*, (3).
10. Shorakhmetov, S. S., & Elmurodov, U. Y. (2020). THE ROLE OF USING PROJECTS IN THE ENGLISH LANGUAGE LEARNING ENVIRONMENT. Academic Research in Educational Sciences, 1 (3), 1225-1229.
11. Umirova, Z. A. K. (2021). Importance of using precedential texts to form the linguocultural competence of ESL students. *Academic research in educational sciences*, *2*(3).
12. Yuldashev, A. A. (2021). METAPHORICAL STUDIES AND ITS TYPES. Academic Research in Educational Sciences, 2(1), 722-727.
13. Yuldasheva, N. N. (2020). ISSUES OF THINKING AND EXPRESSING NATIVE LANGUAGE IDEAS ORALLY FOR FOREIGN LANGUAGE LEARNERS. *Academic research in educational sciences*, (3).
14. Юсупова, М., & Шорахметов, Ш. (2021). Лойиҳа технологиясининг таълим жараёнида қўлланилишининг ижобий томонлари. *Academic research in educational sciences*, *2*(3), 660-668. DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00452

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00619

# МАҲАЛЛАМ – УЙИМ, ТАРБИЯ МАСКАНИМ

**Самин Рахимов**
Чирчиқ давлат педагогика институти профессори

## АННОТАЦИЯ

Маҳалла инсоннинг ҳаётида, турмуш тарзида, тақдирида, энг муҳими тарбиясида асосий роллардан бирини ўйновчи катта куч. Зеро, инсон ҳаётининг болалик ва ўсмирлик, шунингдек, кексалик йиллари айнан маҳаллада ўтади. Ушбу мақолада маҳалла тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари фалсафий таҳлил этилади.

**Калит сўзлар**: оила, маҳалла, оқсоқол, тарбия, билим, тафаккур, тизим.

**Samin Rakhimov**
Professor, Chirchik State Pedagogical Institute

## ABSTRACT

Mahalla is a huge force that plays one of the key roles in a person's life, lifestyle, destiny and, most importantly, education. After all, the years of childhood and adolescence pass in the neighborhood, as well as the old age of human life. The article provides a philosophical analysis of the problem of makhalla. The article provides a philosophical analysis of the concept of "makhalla" and its specificity.

**Keywords:** family, mahalla, elder, education, knowledge, thinking, system.

## КИРИШ

Янгиланаётган Ўзбекистонда яратилаётган имкониятлар туфайли мамлакатимизда халқчил бошқарув тизими маҳалла қайтада кашф этилди. Азалий маънавиятимиз ва миллий қадриятларимиз маскани бўлган маҳалла бугун кучли тарбия ўчоғи сифатида миллий истиқлол ғояси ва мафкураси билан бойиб, янгиланиб жамият тараққиётига тобора самарали, холисаона хизмат қилувчи ҳаёт дорилфунунига айланиб бормоқда. Зеро, маҳалла аҳли авваломбор ёшлар қалбини, онгини “Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга кириша олиш” орқали забт этишга, эзгу-амалларга, бунёдкорликка йўналтиришга астойдил бел боғланган.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2016 йил 30 декабрдаги “Республика Нуроний жамғармаси фаолиятини тубдан қайта қуриш чора тадбирлари

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00619

тўғрисида” ва 2017 йил 3 февралдаги “Маҳалла институти фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора тадбирлари тўғрисида”ги фармонларида маҳалла оқсоқоллари ва кекса фахрийлар олдига ёшлар тарбияси борасида ўта муҳим вазифалар қўйилди. Хусусан, муҳтарам юртбошимиз таъкидлаганларидек, маҳаллаларда “уюшган ёшлар қатлами билан ишлаш, уларнинг дарду-ташвишлари, муаммоларини эшитиш ва уларни ечишга амалий ёрдам бериш мустақил ҳаётга кираётган ёш йигит-қизлар, ёш оилаларни қўллаб-қуватлаш учун ҳаммамиз давлат, жамоат ташкилотлари биргаликда ҳали кўп иш қилишимиз керак”.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда давлат ва жамият бошқарувининг халқимизга хос тарихий анъанавий, шу билан бирга замонавий, янги, самрали, жаҳон андозалари даражасидаги миллий тизими шаклланди.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббус ва таклифлари билан “кучли давлатдан кучли жамият сари” деган тамойилга асосланиб, ижтимоий-сиёсий ҳаракатларни ривожлантира бориб, демократик мезонларга асосланган адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидаги кенг қамровли вазифаларни бажаришда ўзини-ўзи бошқариш идораси - маҳалла асосий таянч қилиб олинди.

Маҳалла Ўзбекистон ҳудудида минг йиллар давомида инсонларнинг буюк даҳолари томонидан эътироф этилган, демократиянинг асосий тамойилларига ва жамоа фикрига асосланган, халиқимизнинг анъанавий урф-одатларни, тарихий, миллий давлат бошқаруви, маданияти ва халқчил жамият тизимини шакллантиришга хизмат қладиган, юридик мақомга эга бўлган, ўзини-ўзи бошқаришни ташкил этишга асосланган бирламчи ҳудудий маскан-Ватан ичра ватан вазифасини ўтаб келмоқда.

Ха, маҳалла -Ўзбркистонга хос миллий демократик, тарихий, анъанавий, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш институтидир. Унинг демократик тузум сифатида асосоий моҳияти аввало узлуксиз эканлигида, бу тузумда жамиятни бошқаришнинг демократлашиб боришида, кенг халқ оммасининг давлат ва жамиятни бошқаришда эркин, ихтиёрий иштрок этишидадир.

Маҳалла-аҳолини жипслаштриш ва сафарбар этиш, жамиятини тараққий эттириш, шунингдек, ўз ҳудудида поклик, тўғрилик, холислик, беғаразликни қарор топтуриш, жамиятнинг корупсияга қарши курашишни кучайтиришда ҳам оқил ва забардаст кучдир. Маҳалла миллий урф-одат ва анъаналар, ҳашар ва бошқа тадбирларни амалга ошириш воситаси ҳамдур. Шунингдек, маҳалла

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00619

одамлар бир-бирини иссиқ-совуғидан, ғам-ташвишидан ҳабар топиб турадиган энг табаррук маскан ҳамдур.

## НАТИЖАЛАР

Маҳаллада истиқомат қилаётган аҳоли ихтиёрийлик асосида фуқороларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини шакиллантиради ва уларнинг раҳбар ҳодимларини сайлайди. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш оргонлари фаолиятини ташкил қилиш масалалари, уларни давлат бошқаруви тизмидан ажратилганлиги, юридик шахс мақомига эга эканлиги, ўз ҳудудидаги масалалар бўйича мустақил, эркин қарорлар қабул қилиш ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Конститутсияси ва қонунларда кафолатланган. Шу боисдан ҳам маҳаллалар жойлардаги ўзини-ўзи бошқариш тизимининг таянчи сифатида фаолият кўрсатиб келмоқода ва янги мазмун билан бойиб бормоқда. У жамиятимиз ҳаётининг энг самарали, айну пайтда миллий ва халқчил кўринишидир. Зеро, Президендимизнинг юқорида зикр этилган фармонларида инсон омилини кўтариш, эркинлиги ва аҳоли турмуш тарзини изга солиб туришда уларнинг кундалик муоммоларини ҳал этишда маҳаллалар фаолиятини кучайтириш, уларга ҳар томонлама ёрдам беришни пастдан юқоригача мувофиқлаштирувчи тизим сифатида шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилганлиги бежиз эмас.

Бугунди кунда маҳалла жойларда давлат сиёсатини кенг халқ оммасига етказувчи, фуқароларни истак ва манфаатларини кўзловчи, уларнинг сиёсий ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, аҳолини жамоат ишларига онгли ва фаол қатнашишини таъминловчи кучли жамоа сифатида шакилланмоқда. Шу мақсад йўлида маҳаллаларда халқ оммаси умумий салоҳиятини онгли равишда бирлаштириш орқали ўз ҳавфсизликларини таъминлайдилар, иқтисодий фаровонликка эришиш тадбирларини кўрадилар, ёшлар тарбиясига, оила, хотин-қизлар масаласига оид муаммолларни ҳал этадилар.

## МУҲОКАМА

Маҳаллаларнинг кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишда, аҳоли қалби ва онгида миллий мустақиллик мафкурасини қарор топтиришда, маънавиятини юксалтиришда, айниқса ёшлар тарбиясидаги ўрни ва роли катта. Маҳалла аҳолини, айниқса ёшларни фозил, комил инсонлар қилиб тарбиялашга доир назарий ва амалий тадбирларни ўтказиш, уларнинг дунёвий ва диний билимларини чуқур эгаллашлари ва касб-ҳунар ўрганишлари учун янги

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00619

тизимларни ишлаб чиқиш, шу асосида махсус илмий-амалий дастурлар тузишда қатнашиш ва уларни бажарилишига эришиш, маҳаллада ўқимайдиган, ишламайдиган ёшлар билан алоҳида шуғулланишда нуронийлар ва кекса фахрийларимиз ёрдамида "**фарзандларимиз тарбияси, маънавий-маърифий соҳадаги ишларимизни бир зум ҳам сусайтирмасдан… янги босқичга кўтаришимиз керак**".

XXI асрда бу борадаги ишларни такомиллаштириш, давр ва тузум талабларидан келиб чиқиб янги меъёрий ҳужжатлар қабул қилиш, илмий-тадқиқотлар асосида услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш дарсликлар яратиш, маҳалланинг нуфузини кўтариш зарур масалалардан эканлигига эътибор қаратилди. Зотан XXI аср ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тизимлари ҳамда жамоат ташкилотлари қаторида, хусусан фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, маҳалла фуқаролар еғинлари кенг миқёсли фаолиятини янада такомиллаштириш, кучайтириш, самарадорлик ва таъсирчанлигини ошириш, иш сифатини яхшилашда янгича ёндашув асри бўлди. Ўз умумий манфатларимизни халқаро рақобатчиликда ҳамда хавфсизлик масалаларида ҳимоя қилиш учун, албатта кучли давлат ёки катта-катта иттифоқларга муҳтожлик бўлади. Лекин, айни пайтда ижтимоий, иқтисодий сиёсий тараққиётдаги шахсий ёки фуқаролик иштирокига ва уларни бу жараёнларга жалб этилишини кафолатловчи кучли маҳаллий ва ҳудудий ўзини-ўзи бошқариш даражасига эга бўлган давлатлар марказлашган давлатларга қараганда тезроқ ва яхшироқ ривожланадилар.

Аниқроқ қилиб айтсак, биз барпо этаётган демократик, адолатли кучли фуқаролик жамиятининг устувор асосларидан бири бўлган ушбу жамоат ташкилотлари, хусусан маҳаллалар фаолиятини инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг бутун бир тизимини яратишга, бу борада бугунги ва узоқ муддатли пировард мақсадларни инобатга олган стратегик консепсия ва дастурларни изчиллик ва собитқадамлик билан ҳаётга жорий этишга, шу йўл билан одамлар тафаккурида ўзгариш ясаб, фуқаролик жамияти асосларини, маънавий қиёфасини шакллантиришга сафарбар этиш замон талаби бўлиб қолди.

Бинобарин, ана шундай давлат ва жамиятни қуриш, уни амалга оширишни таъминлаш, ушбу масалани давлат буюртмаси даражасига кўтариш ҳақиқий демократик қадриятларни вужудга келтиришда маҳаллаларда олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг савиясини янада кўтариш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Ўзбекистон халқининг туб

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00619

манфаатлари, асрий орзу-умидлари, эзгу-ниятлари, буюк мақсадларини ифода этувчи миллий истиқлол ғояси халқимизнинг ўз мақсад-муддаоларига эришиш учун маънавий-руҳий куч-қувват бўладиган пойдевордир.

Келинг! Шу ерда маҳалла сўзига ҳам аниқлик киритиб олайлик. Хўш маҳалла ўзи нима? “Маҳалла” арабча сўз бўлиб - жой, ўрин, макон маъноларини англатади. Маҳалла ўзбек халқининг кундалик ижтимоий ҳаётини ва турмушини ташкил қилишда шакиллантирган ва асрлар давомида такомиллаштириб келган ҳаётий аъмолидир.

Ўзини ўзи бошқаришнинг миллий модели бўлган маҳалла халқимизнинг азалий удумлари, урф-одатлари ва анъаналарига таянган ҳолда улкан тарбиявий вазифани бажаради. Зотан, маҳаллаларда кексаларнинг панд-насиҳатлари, катталарнинг шахсий ибрати, жамоанинг ҳамжиҳатлиги мисолида одамлар онгига эзгулик ғоялари сингдириб борилади.

Маҳалла, аввало, соғлом ижтимоий муҳитдир. Бу ерда кучли таъсирга эга бўлган жамоатчилик фикри маҳалла аҳлининг хулқ-атвори, ўзаро муносабатларини адолат ва маънавий мезонлар асосида тартибга солиб туради. Шу маънода маҳалла Биринчи Президент Ислом Каримов таъкидлаганларидек, ҳақиқий демократия дарсхонасидир.

Маҳалла кенг жамоатчилик ўртасида мафкуравий ишларни самарали йўлга қўйиш учун ҳамма имкониятларга эга. Айниқса, миллий қадриятлар, меҳр-оқибат, эл-юрт шаъни учун кураш каби фазилатлар камол топишида маҳалланинг ўрни беқиёс. Масалан, агар бирор маҳаллада ўсган қиз ҳақида бошқа бир одам ноўринроқ гап айтганини ўша қизнинг маҳалладоши эшитиб қолса, шу қизнинг шаъни учун курашади, уни оқлашга, бегона одамни эса тартибга чақириб қўйишга ҳаракат қилади.

Шу маънода маҳалла ҳамжиҳатлик, ор-номус, биродарлик каби фазилатлар тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади. Маҳалла доирасидаги амалга ошириладиган мафкуравий тарғибот ишлари анъанавий байрам ва тадбирлар, айниқса, муҳтож оилаларга ёрдам кўрсатиш, иқтидорли ёшларни рағбатлантириш, аёллар нуфузини ошириш, ҳар хил адолатсизликнинг олдини олиш, оммавий ахборот воситалари имкониятларидан фойдаланиш, диний муассасалар, мачитлар билан ўзаро алоқани яхшилаш, ҳамкорликда тадбирлар уюштириш, “оила дорилфунунлари”да ота-оналар саводхонлиги ва турли авлод вакиллари ўртасидаги муносабатларни такомиллаштириш орқали ўзига хос тарзда амалга оширилади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00619

Маҳаллада таъсир воситалари сифатида тарбиявий, маънавий, мафкуравий кўргазмалар, турли ижтимоий курслар ташкил этиш, оилаларда психологик хизматни йўлга қўйиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, оталар чойхонасидан ёшларни тарбиялаш ишида кенг фойдаланиш, матбуот орқали берилаётган маълумотларнинг психолингвистик таҳлилини амалга ошириш, ижтимоий фикрнинг маҳаллалар бўйича мониторингини олиб боришга аҳамият бериш лозим. Шунда маҳалла, **биринчи навбатда,** фуқароларни миллий истиқлол мафкураси руҳида тарбиялашнинг ҳақиқий таъсирчан ўчоғига айланади. **Иккиичидан,** оилага психологик ёрдам кўрсатиш шахобчаларининг ташкил этилиши ҳам ижтимоий услублар воситасида оилаларда рўй берадиган турли муаммоларнинг ечимини топиш имконини беради. Уларнинг асосий вазифаларидан бири ота-оналар ва фарзандлар учун миллий мафкура руҳидаги тадбирлар ва маслаҳатлар мажмуини ишлаб чиқишдан иборатдир.

Мафкуравий тарбиянинг энг таъсирчан воситаларидан бири мулоқот ҳисобланади. Чунки, инсон қалбида ва онгида шаклланадиган дунёқараш, эътиқод, иймон, виждон, масъулият каби фазилатлар тарбиясида радио-телевидение, газета-журналлар, бадиий ҳамда илмий адабиётнинг ўрнини эътироф этган ҳолда, шуни айтиш мумкинки, юзма-юз келадиган фикр алмашув, инсоннинг юзи ва кўзига қараб туриб айтиладиган бамаъни сўз ва ҳиссиётларнинг ўрни беқиёс.

Шунинг учун ҳам ота-она боласининг юзини ўзига қаратиб олиб, зарур юз қиёфаси ва кўзидаги самимият билан айтиши лозим бўлган фикрни уқтириши, энг ибратли оила ота-онаси, олимлар, атоқли кишилар билан учрашувлар, савол-жавоб кечаларини ўтказиш ҳам лозим. Албатга, бундай мулоқотлар самарали бўлади. Шу боис уч авлод вакиллари ўртасидаги мулоқот таълим-тарбия жараёнида катта аҳамиятга эгадир.

Маърифий ахборот ёзма ёки оғзаки тарзда етказилиши мумкин. Агар **биринчидан,** газета-журналлар, китоб ва дарсликлар ёзма манбаларда мужассамлаштирилган маълумотлар сифатида маҳалла аҳли онгига кирса, иккинчисига маъруза эшитиш, баён этиш мунозараси ва суҳбатлар ўтказиш киради. Бундан ташқари, мафкуравий ғояларни турли бадиий ва ҳужжатли фильмлар, болалар ёки катталар учун мултфильмлар орқали ҳам етказиш мумкин. Муҳими, улар халқ маънавияти, ўлмас меросимиз, келажакка ишонч уйғотувчи маъно-мазмун билан йўғрилган бўлиши керак.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00619

Маълумотларнинг мазмундорлиги ва таъсирчанлиги, уларнинг оммабоплиги, билдирилган ёки ифода этилган ғояларнинг содда, ихчам ва равон баён қилинишига кўп нарса боғлиқ. Тингловчи ҳар бир сўзни тушунсагина, унда воқеликка теран муносабат шаклланади. Масалан, маҳалладаги “Саранжом-сариштa уй дарсхонаси” - бу асосан уй бекалари, қариялар, маълум сабаблар билан ногирон бўлиб, асосий вақтини уйда ўтказадиганлар билан ўтказиладиган машғулотларни кўзда тутади. Уларни ҳаётий видеофильмлар, қизиқарли кўрсатув ва лавҳалар ўзига жалб қилади. Шундан келиб чиқиб, бундай инсонлар учун мафкуравий ахборот тайёрланганда, уларнинг соддалиги, самимиятга ўчлиги ва инсоний эътиборга муҳтожлигини инобатга олиб иш кўрилса, таъсирли бўлади.

Кундалик ҳаётимизда, айниқса, Ўзбекистон шароитида ижтимоий фикрнинг асосий барометри, ўлчови - бу маҳаллалар. Маҳалла аҳли ҳар бир оилада рўй бераётган ҳодисаларни билади, инсонлар тақдирига бефарқ бўла олмайди, фаоллар орқали ижтимоий ҳаётдаги ҳар бир ўзгариш, одамлар онги ва қалбидаги ҳис-туйғулар ўрганилади. Шу маънода, Ўзбекистон шароитида маҳалланинг ҳақиқий демократия дарсхонаси эканлиги унинг ижтимоий фикрни бошқариш имкониятларида ҳам ўз тасдиғини топади.

Ҳар бир инсонни ҳаётга келтирувчи, унинг кўнглини мунаввар этувчи, фақатгина оилада эмас, балки бутун жамиятга ҳам аҳиллик, тотувлик, меҳр-оқибат бағишловчи ҳам - бу аёл зотидир. Миллий истиқлол ғоясининг амал қилиш тамойиллари шахс ва оила билан узвий боғлиқдир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ҳаётида “шахс-оила-мактаб-маҳалла” тўртлиги катта аҳамият касб этади. Чунки, шахс маънавияти, унинг дунёқараши, инсоннинг тасаввур ва эътиқодига алоқадор кўникмалар мажмуи асосан оилада шаклланади. Шу маънода оила - ҳақиқий маънавият ўчоғи, мафкуравий-тарбиявий ишлар омили ва муҳитидир. Бинобарин, миллий мафкурамизга хос тушунчалар инсон қалби ва онгига, аввало, оила муҳитида сингади.

Бу жараён боболар ўгити, оила ибрати, она меҳри орқали амалга оширилади. Оила, унинг асрлар мобайнида сақланиб келаётган муқаддас анъаналари орқали ёшларда Ватанга муҳаббат, иймон, эътиқод, масъулият, ватанпарварлик, инсонпарварлик, ишга иштиёқ ва маданият кўникмалари шаклланади. Зеро, ҳар бир фуқаро оиланинг жамиятдаги ўрни ва вазифасини, Ватанининг остонадан бошланишни тушунмасдан туриб, ўзини мукаммал инсон деб ҳис қила олмайди. Ота-онани қадрлаш, уларнинг беминнат хизматига бир умр содиқ бўлиш, дуоларини олиш болаларнинг фарзандлик

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00619

бурчидир. Бу миллий қадриятларимизнинг энг муҳим талабларидан биридир. Буюк бобомиз ҳазрати Алишер Навоий айтганларидек, ота-онани ҳурмат қилиш фарзандлар учун мажбуриятдир. “Бу иккисига хизматингни бирдек қил, хизматинг қанча ортиқ бўлса ҳам кам деб бил.Отанг олдида бошингни фидо қилиб, онанг боши учун бутун жисмингни садақа қилсанг арзийди! Икки дунёинг обод бўлишини истасанг, шу икки одам розилигини ол! Туну кунингга нур бериб турган бирини Ой деб бил, иккинчисини Қуёш, уларнинг сўзларидан ташқари бир нарса ёзма, улар чизган чизиғидан ташқарига бир қадам ҳам босма. Ҳамма хизматини сен одоб билан бажар”. Бу ерда кучли таъсирга эга бўлган жамоатчилик фикри маҳалла аҳлининг хулқ-атвори, ўзаро муносабатлари адолат ва маънавий мезонлар асосида тартибга солиб турилади. Демак, инсоннинг оилада шаклланган иймон-эътиқоди, одоб-орияти ва виждони, ғурур-ифтихори, ақл-заковати, тафаккури маҳалла муҳитида янада кучаяди, халқ иродаси, ўзаро тотувлик ва ҳамкорлик ришталари билан уйғунлашиб, жамиятда соғлом мулоқотларнинг шаклланишига олиб келади.

## ХУЛОСА

Мазкур мақолада эзгу мақсад йўлида фидокорлик кўрсатаётган илғор дунёқараш ва тафаккур соҳиби бўлишга интилган маҳалла фаоллари, кенг жамоатчилик ҳозирги ҳаётининг мураккаб муоммоларини ҳал қилишда асқотадига муҳим фикр, йўл-йўриқларни топади, оддий инсон ва унинг манфаатларини ифода этиш, халқимизнинг бехатар тинч-омон, фаровон, бадавлат турмушга эришиши учун куч-ғайрат манбаига эга бўлади деб умид қиламиз. Шунингдек, оқсоқоллар ўзлари бошчилик қилаётган маҳалла аҳлининг бирлашиб буюк мақсадлар йўлида ҳамжиҳат бўлиб муваффақиятларга эришишга қодир кучга айланадилар, миллат, халқ тараққиётига муносиб ҳисса қўшадилар. Бинобарин, онгни, таффакурини ўзгартирмасдан туриб, кўзланган олий мақсад - озод ва обод жамиятни, фаровон ҳаётни ва миллий тикланишдан миллий юксалиш сари бўлган ҳаётни барпо этиб бўлмайди. Қисқа қилиб айтганда, тарбияда маҳалланинг ўрни беқиёс. Зеро, ёшлар учун ҳаёт сабоқлари айни шу маҳалладан бошланади. Бунда нафақат ота-она балки маҳалла оқсоқоллари кекса кўпни кўрган нуронийлар, маҳнат фахрийлари ўзларининг юриш-туриши, одамлар билан муомиласи, қолаверса обрў-эътибори, панд-насиҳатлари билан намуна бўлиш мумкин ва ўзбек маҳалласида амалда ҳам шундай бўлиб келган.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00619

## REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. –Б.17-18.
2. Raximov S., Hayitov I., Abdullayev G. (2018). Saboq mahalladan boshlanadi. – Toshkent, - 102 b.
3. Raximov S. (2018). Oila, mahalla va komil inson. Demokratik islohotlarni chuqurlashtirish jarayonida yoshlarning ijtimoiy faolligini oshirishning ustuvor yo’nalishlari mavzusida vazirlik miqyosidagi ilmiy-amaliy anjuman. – Toshkent, Б.140-142.
4. Raximov S., Ziyayev F. (2018). Tarbiyada keksalarning o’rni. – Toshkent: G’afur G’ulom nomidagi nashiriyot-matbaa kijodiy o’yin, - 79 b.
5. Raximov S., Hayitov I., Umarov S. (2019). Yoshlarda ma’naviy axloqiy tarbiyani shakllantirishda mahallaning o’rni. Harakatlar strategiyasini amalga oshirish jarayonida ma’naviy-ma’rifiy ishlarning o’rni mavzusida resbublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari. –Toshkent, -B.123-124.
6. Ғаффарова Г. Таркибий ўзгаришларнинг бифуркацион асоси // Academic Research in Educational Sciences, 2021. 2(1) (январь), pp.244-250.
7. Ғаффарова Г.Ғ., Абдуллаева М.Н. (2018). Фалсафада конструктивизм муаммоси. Имом Бухорий сабоқлари. №3, -Б.96-98.
8. Gaffarova, G.G. (2019), Problems self-organization: philosophical analysis // Scientific Bulletin of Namangan State University. -T.l. -№5, - C. 185-190.
9. Gaffarova G.G., Abdullayeva M.N. (2020). Tasavvufning kognitiv tizimi zamonaviy falsafa prizmasida. Academic research in educational sciences. №3. URL: https://cyberleninka.ru/article/n7tasavvufning-kognitiv-tizimi-zamonaviy-falsafa-prizmasida (дата обращения: 15.01.2021).
10. Gaffarova, G.G. (2019). Structural transformations as a faktor new development opportunities. Scientific Bulletin of Namangan State University, T.1, №10, pp.261-267.
14. Г. Ғаффарова, А. Абдуллаев, АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА МАЪНАВИЙ ҲАЁТНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ // Academic research in educational sciences. 2021. №Special Issue 2. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/ahborotlashgan-zhamiyatda-manaviy-ayotning-ziga-hos-hususiyatlari (дата обращения: 10.04.2021).

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00620

# ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ ИСРОФИНИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ

**Аббос Набижонович Жуманов**
Жиззах политехника институти

**Ўринбой Абдунайим ўғли Жалилов**
Жиззах политехника институти

**Захро Илхом қизи Баратова**
Жиззах политехника институти магистранти

**Сардор Мухтар ўғли Давронов**
Жиззах политехника институти магистранти

## АННОТАЦИЯ

Электр энергиясини узатиш ва тақсимлашда электр тармоқлари алоҳида ўринни эгаллайди. Ишлаб чиқарилаётган электр энергиясини деярли ҳаммаси электр тармоқлари бўйлаб келади. Электр тармоғини асосий вазифаси истеъмолчиларни электр билан таъминлаш, яъни электр энергияси ишлаб чиқадиган жойдан уни ишлатиладиган жойга узатишдан иборат.

**Калит сўзлар:** электр энергия, токлар, қуват исрофи ошмаслик, бошқариш, кучланиш tushunchalar biriktirilgan.

# METHODS FOR DETERMINING ELECTRICITY CONSUMPTION

## ABSTRACT

Electricity networks play a special role in the transmission and distribution of electricity. Almost all electricity is generated from the electricity grid. The main function of the power system is to supply electricity to consumers, that is, to transfer electricity from the place where it is generated to the place of its use. An improved understanding of the transmission and distribution of energy is the power system. The power system is a collection of power plants that are interconnected by these transmission lines and together provide electricity to consumers, the research results are presented [1].

**Keywords**: electricity, current, power dissipation, control, voltage.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00620

Электр энергия исрофини ҳисоблаш учун 0,4 кВ кучланишгача бўлган тармоқни тасдиқланган принципиал электр схемасидан фойдаланилади [2]. Нормал шу режимдаги ҳар бир таъминлаш маркази кўрсатилган таксимлаш пунктлари, реакторлар тури, марка, кесим юзаси ва узунлик кўрсатилган кабел ва ҳаво линиялари тармоқ ва абонент трансформатор нимстанциялари. Трансформатор нимстанциясида ячейка номери, куч трансформаторларининг маълумотлари коммутатция аппаратларини кўрсатилган бўлиши лозим. Таъминлаш марказида ва тақсимлаш пунктларида секцияни номерини тақсимлаш ва таъминлаш линиясини номини, ушбу секцияларда тарқалувчилари кўрсатилиш керак [3].

Бундан ташқари тармок схемасида электр тармокни нормал иш режимидаги унга мос равишда ток ажратгичлари билан таъминлаган. Электр энергияни исрофини ҳисоблашда автоматлашган назорат ва ҳисоблаш системасидан олинган аниқ қийматлардан фойдаланилди, агарда системани йўқлигида эса ҳисоблаш давридаги назорат ўлчашларининг натижалари ҳисобланади .

**10(6) 0,4 кВ кучланишли куч трансформаторлардаги электр энергия исрофларини аниқлаш.**

Куч трансформаторларидаги электр энергия исрофларини ҳисоблаш учун бошланғич маълумотлар [4]:

Трансформатор тури, қуввати, номинал ток, салт ишлаш ва қисқа туташув исрофлари (паспорт маълумотлар асосида) ҳисоблаш давридаги трансформаторларни ўчирилиш маълумотномаси;

Назорат ўлчаш давридаги кунлик юклама графигидан олинган трансформаторни ўртача максимал ишчи токи

$$I_{ўр} = \frac{I_a + I_b + I_c}{3}; \text{ А} \qquad (1)$$

Куч трансформаторларидаги актив энергия сони $W_{T8}$ хисоблаш давридаги абонент трансформаторларга келувчи актив энергия сони $W_{Tp}$ (кВт.С)

Куч трансформаторлардаги йиллик электр энергия исрофини аниқланади.

$$W_{mpi} = \Delta P_{c.ui} t + \Delta P_{к.mi} \tau K_{3\ ;}^{2} \text{ кВт.с} \qquad (2)$$

бу ерда t- ҳисоблаш давридаги трансформатор иш соат сони;

$\tau$ - максимал исрофлар вакти [5].

$P_{c.u.i} t, P_{к.m.i}$ – салт ишлаш ва киска туташувни қувват исрофи. кВт

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00620

$K_З$–йиллик максимал даврдаги трансформаторни юкланиш коэффициенти.

$$K_э = \frac{I_{ўр.мак}}{I_{ні}} \quad (3)$$

бу ерда $I_{ni}$ i - та трансформаторни номинал ток,

$I_{ўрт.макс}$- назорат ўлчаш давридаги кунлик графикдан олинган ўртача максимал ток

Келтирилган $\tau$ қийматини қуйидагилар ёрдамида топамиз.

$$\tau = \left(0{,}124 + \frac{T}{10^4}\right)^2 \cdot 8760, c \quad (4)$$

бу ерда Т- максимал юкланишни фойдаланиш соат сони.

Максимал юкланишдаги фойдаланган соатлар сонини қуйидаги формула ёрдамида топилади.

$$\tau = \frac{W_{тр}}{\sqrt{3} \cdot U_{тр.н.} \sum_{i=1}^{n} I_{ўр.макс}}, \text{ с} \quad (5)$$

бу ерда $U_{тр.н}$ трансформаторни паст томонидаги номинал линия кучланиши. $\tau$ ва Т қийматларига асосан $\tau = f(T)$ боғлиқлик графигини қуриш мумкин.

Ҳамма трансформаторлардан йиллик электр энергия исрофини қуйидаги формула ёрдамида топилади [6].

$$\Delta W_{тр} = \sum_{i=1}^{n} \Delta W_{тр.i} \text{ кВт} \quad (6)$$

бу ерда n- электр тармокдаги трансформатор сони

Куч трансформаторларидаги электр энергия исрофини нисбий киймати

$$\Delta W_{тр}\% = \frac{\Delta W_{тр} \cdot 100\%}{W_{тр}} \quad (7)$$

бу ерда $W_{тр}$ – куч трансформаторига келиб тушувчи электр энергия сони

$$W_{тр} = W_n - W_c - W_{тр.а} \text{ кВт.с}$$

Электр тармоқларида электр энергия исрофларини ҳисоблаш

1-расмда келтирилган *35 кВ* кучланишли электр узатмада йиллик энергия исрофини берилган юклама графиги (4.10-расм) ва максимал исрофлар вақти $\tau$ бўйича ҳисоблаш талаб этилади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00620

Электр узатиш линиясининг узунлиги *15 км,* солиштирма параметрлари $r_0$=*0,28 Ом/км,* $x_0$=*0,43 Ом/км.* Ҳар бир трансформаторнинг номинал қуввати *6300 кВ·А (*$\Delta P_c$=*9,2 кВт,* $\Delta P_к$=*46,5 кВт). cosφ=0,9.*




1-расм




2-расм

Юклама максимал бўлган ҳолатдаги қувватлар исрофини ҳисоблаймиз:

$$\Delta P_T = 0{,}5 \cdot \Delta P_к \cdot \left(\frac{P_{макс}}{S_н \cos\varphi}\right)^2 + 2 \cdot \Delta P_c = 0{,}5 \cdot 46{,}5 \cdot \left(\frac{10}{6{,}3 \cdot 0{,}9}\right)^2 + 2 \cdot 9{,}2 = 72{,}17 + 18{,}4 = 90{,}57\ кВт;$$

$$\Delta P_Л = \frac{S^2_{макс}}{U^2_н} \cdot r_Л = \frac{\left(\frac{10}{0{,}9}\right)^2}{35^2} \cdot \frac{0{,}28 \cdot 15}{2} \cdot 10^3 = 211\ кВт;$$

$$\Delta P_\Sigma = \Delta P_T + \Delta P_Л = 90{,}57 + 211 = 301{,}57\ кВт;$$

$$\Delta P_{\Sigma *} = \frac{\Delta P_\Sigma}{P_н} = \frac{301{,}57 \cdot 100}{10000} = 3\%.$$

Бу ерда $\Delta P_\Sigma$, $\Delta P_{\Sigma *}$ - электр тармоқдаги ҳақиқий ва фоиз бирлигидаги умумий актив қувват исрофи.

1) Йиллик энергия исрофини юклама графиги бўйича аниқлаймиз:

*ΔW=(72,17+211)*2000+0,5²(72,17+211)*6760+18,4·8760=*

*=1200·10³ кВт·соат.*

Йил давомида истеъмолчига узатилувчи энергия:

*W=10·2000+5·6760=53,8·10³ МВт·соат.*

Йиллик энергия исрофининг узатилувчи энергияга нисбатини аниқлаймиз:

$$\Delta W_* = \frac{1200 \cdot 10^3 \cdot 100}{53800 \cdot 10^3} = 2{,}23\%.$$

Шундай қилиб, ушбу ҳолатда энергия исрофи узатилувчи энергияга нисбатан 2,23% ни ташкил этади [7].

2) Йиллик энергия исрофини максимал исрофлар вақти $\tau$ бўйича аниқлаймиз. Бунда $\tau$ нинг қийматини соддалаштирилган формула бўйича топамиз:

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00620

$$T_{макс} = \frac{W}{P_{макс}} = \frac{53{,}8 \cdot 10^3}{10} = 5380 \ \ соат;$$

$$\tau = \left(0{,}124 + \frac{T_{макс}}{10000}\right)^2 \cdot 8760 = \left(0{,}124 + \frac{5380}{10000}\right)^2 \cdot 8760 = 3840 \ соат;$$

$$\Delta W = (71{,}17 + 211)3840 + 18{,}4 \cdot 8760 = 1248 \cdot 10^3 \ кВт \cdot соат;$$

$$\Delta W_* = \frac{1248 \cdot 10^3 \cdot 100}{53800 \cdot 10^3} = 2{,}32\%.$$

3) $\tau$ нинг қийматини типик эгри чизиқлар бўйича ҳам топиш мумкин. Биз кўриб чиқаётган – максимал юкламадан фойдаланиш вақти $T_{макс}=5380$ *соат* ва $cos\varphi=0{,}9$ бўлган ҳолат учун ушбу эгри чизиқлар бўйича $\tau=3650$ *соат* эканлигини аниқлаймиз (қўлланмадан). У ҳолда йиллик энергия исрофи қуйидаги миқдорни ташкил этади:

$$\Delta W=(72{,}17+211)*3650+18{,}4 \cdot 8760=1195 \cdot 10^3 \ кВт \cdot ч,$$

$$\Delta W_* = \frac{1195 \cdot 10^3 \cdot 100}{53800 \cdot 10^3} = 2{,}22\%.$$

## REFERENCES

1. Караев Р.И.,Волобрынский А.В. Электрические сети и энергосистемы. М. Транспорт ,1989, 316с.
2. Электрическая часть станций и подстанций - Ним ред. Васильева А.А. - М.: Энергия, 1980.
3. Каримов Х.Г. ва бошқ. Электр тармоқлари ва тизимлари. Ўқув қўлланма. Тошкент, ТошДТУ, 1996.
4. Гаюпов Т. Ш. Электр тармоқлари ва тизимларига доир мисол ва масалалар. Ўқув қўлланма, Тошкент, ТошДТУ, 2006.
5.Nabijonovich J. A. Renewable energy sources in Uzbekistan //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2020. – Т. 10. – №. 11. – С. 769-774.
6. Sultanov M. M. et al. FITTING THE SPECTRA OF PIONS, KAONS, PROTONS, AND ANTIPROTONS IN RELATIVISTIC CU+ CU COLLISIONS //Euro-Asia Conferences. – 2021. – С. 96-98.
7. Жуманов А., Абдиев Х., Файзуллаев А. КЛАССИФИКАЦИЯ ВОЗДУШНЫХ ЛИНИЙ ЭЛЕКТРОПЕРЕДАЧИ //СОВРЕМЕННАЯ НАУКА: АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ, ДОСТИЖЕНИЯ И. – 2021. – С. 45.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00621

# ЁШЛАР ФАОЛИЯТИДА ЭҲТИЁЖ ВА МАНФААТЛАР УЙҒУНЛИГИНИ АКСИОЛОГИК ЁНДАШУВ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР

**Фаррух Абдурахманович Юлдашев**
Фарғона давлат университетит ўқитувчиси

## АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада жамиятимиз ёшларининг билими, маърифатини ошириш, уларнинг онги ва тафаккурини ўстиришда эътибор қаратиладиган муҳим жиҳатлар, шу билан бирга ёшлар фаолиятида эҳтиёж ва манфаатлар уйғунлигини таъминлашда уларни қадриятли ёндашув асосида ривожлантириш масалалари илмий асосда ёритилган.

**Калит сўзлар:** шахс, жамият, ёшлар фаолияти, эҳтиёж, манфаат, мақсад, онг, тафаккур, билим, ватанпарварлик, инсонийлик, қадрият, маънавий янгиланиш, интеллект.

# TO THE ISSUE OF DEVELOPING A COMBINATION OF NEEDS AND INTERESTS IN YOUTH ACTIVITY BASED ON AXIOLOGICAL APPROACH

**Farrukh Abdurahmanovich Yuldashev**
Teacher, Fergana State University

## ABSTRACT

This article scientifically examines important aspects of raising the level of knowledge, education, awareness and thinking of young people in our society, as well as their development, based on a valuable approach to ensuring the harmony of needs and interests in youth activities.

**Keywords:** personality, society, youth activities, needs, interests, goals, consciousness, thinking, knowledge, patriotism, humanity, values, spiritual renewal, intellect.

## КИРИШ

Инсоният бошига турли хил кулфат, мусибатлар келишининг асосий сабаби, инсоннинг ўз ҳаётига, тақдирига лоқайдлиги, бепарволигидир. Жамият тараққиёти билан инсон манфаатлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, эҳтиёж ва

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00621

манфаатларни амалга оширишнинг маънавий, маърифий ва ахлоқий омилларини тадқиқ этиш, шахс ва жамият муносабатларида манфаатларнинг ўзига хос хусусиятларини, мақсад ва қарашларни ўрганиш, тахлил этиш, ёшлар тарбиясида миллий руҳни уйғотиш, умуминсоний қадриятларни фуқароларда шакллантириш ижтимоий тараққиётнинг муҳим шартидир.

Мустақил фикрлайдиган ва ҳаётга теран қарайдиган, ватан тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир куч сифатида майдонга чиқаётган бугунги ёш авлодни тарбиялашда буюк аждодларимиз қолдирган бой маънавий ва маданий меросни пухта ўрганиш, шу асосда инсон эҳтиёж ва манфаатлар уйғунлигининг аксиологик ёндашувини ривожлантириш катта аҳамият касб этади. Бугунги кунда ёшлар ҳаётида миллий ва умумбашарий қадриятларни ролини ошириш, замонавий билим ва касб-ҳунарлар, хорижий тилларни пухта эгаллаган, ватан ва халқга садоқатли инсонлар этиб вояга етказиш долзарб вазифалардан биридир. Мамлакатимизда ёш авлодга тўғри тарбия бериш, миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш ва унинг маънавий баркамол бўлиб вояга етиши ҳақида ғамхўрлик қилиш таълим-тарбиянинг бош вазифаси ҳисобланади. Таъкидлаш керакки, ўзлигимизга хос бўлган тарихимиз, тилимиз, динимиз, маънавий меросимизни асраб-авайлаш, қадрлаш, улардан ёшлар келажаги ва тақдирини белгилашда унумли фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси президенти таъкидлаганидек: “Биз барчамиз – фуқаролар ҳам, жамият ҳам, давлат ҳам Ватанимиз равнақи учун, мамлакатимизда тинчлик-барқарорликни мустаҳкамлаш учун, тарихий, маънавий ва маданий меросимизни сақлаш, бойитиш ва келгуси авлодларга безавол етказиш учун бирдек масъулмиз”[1-37]. Ўзбекистонда маънавий хаёт соҳасидаги ислоҳотларнинг чуқурлашиб боришида жамиятнинг маънавий янгиланишига катта эътибор берилиб, маънавий янгиланиш, маънавий уйғониш, маънавий тикланиш, миллий ўзликни англаш асосида олиб борилмоқда. Янги тараққиёт босқичида бой тарихий маънавий меросни тиклаш, халқимиз дунёқарашини миллий юксалиш руҳида ислоҳ қилиш ва улардан ёшлар манфаатларини таъминлашда фойдаланиш зарур.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Маънавий мерос, донишманд олимларимизнинг илмий-фалсафий қарашларига, уларнинг ғояларига бугунги кунда инсоният катта эҳтиёж сезмоқда. “Бугунга келиб ана шу мақсад асосида олиб борилган кўп йиллик амалий ишлар ўзининг нафақат ижобий нишонасини, балки, ўз самарасини

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00621

бермоқда. Бу эса ёшларнинг таълим-тарбиясида ўз аксини топмоқда”[2-13]. Инсон эхтиёжи ва манфаатларининг муҳим омили сифатида маънавий мерос, тарихий хотира муҳим аҳамиятга эга. Ушбу тушунчалар ҳалқнинг қонида, хотирасида сақланади ва амалий ишларда намоён бўлади. Тарихий-маънавий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш орқали инсон маънавий олами, халқлар маданиятини қадрлаш ва бойитиш зарур. Ёшларда илм-фанга ва таълимга интилишини кучайтириш, ислом қадриятларини тўғри англатиш билан маънавий дунёсини юксалтириш мумкин. Мамлакатимизнинг бой маънавий мероси маънавиятимизнинг негизини, пойдеворини ташкил килади. Буюк аллома ва адибларимиз, азиз-авлиёларимизнинг бебаҳо мероси, енгилмас саркарда ва арбобларимизнинг жасоратини ёшлар онгига сингдириш, уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз керак. Тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди, у халқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларда намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир. Ёшларни эҳтиёж ва манфаатлари уйғунлиги асосида тарбиялашда маънавий мерос ва миллий қадриятларга аксиологик ёндашувнинг тўртта асосий мезони мавжуд бўлиб, улар: инсонпарварлик, халқпарварлик, ватанпарварлик ва тараққийпарварликдир[3-35]. Инсон ҳар бир касб-ҳунарни илм-билим орқали чуқур эгаллаши, касбкорликнинг жамият ривожи, миллат равнақи, турмуш фаровонлиги ҳамда ижтимоий тараққиётнинг иқтисодий, сиёсат, маънавий-ҳуқуқий жиҳатларига ижобий таъсирини кучайтиришга хизмат қилишини чуқур англаш, ўз ижодий фаолиятини ушбу бурч ва масъулиятни адо этишга сарфлаш мақсадида мукаммаллик ва камолатга интилиш жиҳатларига эътибор қаратиш зарур. Гуманизм – (лот. "Humanitas" – инсонийлик, инсонпарварлик, инсон ҳақида ғамхўрлик) – инсонни ҳимоя қилишга, унинг ҳуқуқларига кафиллик беришни мақсад қилиб олган таълимот бўлиб, инсон тафаккурнинг, яъни инсоннинг дунёда тутган ўрни шаклланиши, инсон фаолиятининг (фанда, санъатда, сиёсатда) имкониятлари ва чегаралари тўғрисидаги муаммолар билан боғлиқ тарзда намоён бўлди. инсон ахлоқ-одоби, хатти-ҳаракатини баҳолаш ва тартибга солиш вазифасини, кишиларни инсонпарварлик руҳида тарбиялаш вазифасини ҳам бажаради[4-84]. Ёшлар эҳтиёжи ва манфаатлари биринчи навбатда жамият келажагида акс этган, халқимизда юксак инсонпарварлик қадриятларини ифодаловчиси, ўзига хос дунёқараш сифатида, ўзини миллатнинг вакилиман, деб ҳисоблайдиган ҳар бир инсон авлод-аждодларимиздан олган, бетакрор, бой моддий ва маънавий меросдан, уларнинг

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00621

жаҳон цивилизациясига қўшган муносиб ҳиссаларидан, чинакам ватанпарварлик, халқпарварлик, Ватан озодлиги йўлида кўрсатган жасорат ва мардлигида намоён бўлиши зарурдир.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Маълумки, ватанпарварлик ҳар бир давлат ҳаётининг маънавий асоси хисобланади ва жамиятни ҳар томонлама ривожлантириш борасида энг муҳим сафарбар этувчи куч сифатида намоён бўлади. Униб-ўсиб келаётган ёш авлод қалбида мустаҳкам ҳаётий позиция ва Ватанимиз тақдири учун юксак масъулият туйғусини шакллантириш мақсадида ватанпарварлик тарбияси соҳасида моҳият эътиборига кўра ноёб тизим яратилиб, ҳозирги кунда унинг доирасига мамлакатимиз аҳолисининг кенг қатламлари қамраб олинмоқда[5-421]. Ҳозирги глобаллашган, ахборотлашган жамиятда информация, ижодиёт ва жамият интеллектуал салоҳиятининг ўрни беқиёс. Жамият интеллектуал салоҳиятини бойитиш, такомиллаштириш таълим-тарбиядан бошланади. Биз мамлакатимиз келажагини – баркамол авлод билан «бевосита боғлиқ ҳолда кўрамиз. Баркамоллик чуқур маънога эга. Бу масалада ўзгача фикрлар билдирилиши мумкинлигини эътибордан соқит қилмаган ҳолда, биз «баркамоллик» деганда аввало маънавий баркамолликни назарда тутамиз. Маънавий баркамоллик фалсафа тарихида кўп бор муҳокама этилган. Айни вақтда маънавий баркамоллик инсоннинг руҳияти, тафаккурига алокадорлиги ҳеч бир даврда инкор этилмаган ва маънавий баркамоллик деганда инсоннинг фикрлаш маданияти, тафаккури, ақлу-заковати назарда тутилган. Буюк бобокалонимиз, мутафаккир олим Абу Наср Фаробийнинг қуйидаги сўзлари бунинг далилидир. “Баркамолликка эришишнинг энг муҳим воситалари таълим ва тарбиядир. Таълим - назарий химмат эзгуликка ўргатса, тарбия - эзгу ахлоқий сифатларга ўргатади. Олий ахлоқий фазилатлар инсон хатти-ҳаракатида намоён бўлувчи билимдонлик, донолик ва кўпчилик мақсадларни ўз шахсий мақсадларидан юқори қўйиш, ҳақиқатга, муҳаббатга, юксакликка интилиш, адолатни севишдир. Ақлли киши деб шундай кишига айтиладики, унда ўткир зеҳн-идрок бўлиши билан бирга, фазилати ҳам бўлсин.... Ақлли деб шундай кишиларга айтиладики, улар фазилатли, ўткир мулохазали, фойдали ишларга берилган, зарурий нарсаларни кашф этишда зўр истеъдодга эгалар, деб ҳисоблайди[6-182]. Маънавий баркамоллик деганда, биринчи навбатда, инсоннинг тафаккурлаш маданияти ақлу-закозати назарда тутилади. Маънавий баркамоллик ўз ичига ақлий салоҳиятни қамраб олади. Инсонга хос фикр юритиш тарзи ақлу-заковат, интеллект тушунчасида ўз ифодасини топади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00621

Интеллектуал инсон – маънавий эҳтиёжлар билан яшовчи, ақлий камолотга етган инсон[7-216]. Шу боис ёшларни интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш талаб этилади. Интеллект, интеллектуаллик шахс фаолиятида намоён бўлади. Шахс фаолиятининг асосида эҳтиёж ва манфаатлар ётади. Маънавий эҳтиёж шахс маънавий қиёфаси, унинг интеллектуал қобилиятларининг шаклланиши ва тараққиётининг муҳим омилидир. Интеллектуаллик шахс кобилиятларида намоён бўлади. Таълим-тарбия жараёнининг муҳим томони — инсоннинг интеллектуал қобилиятларини такомиллаштиришдан иборат. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда таълим-тарбияни замон талаблари даражасига кўтариш сиёсатимизнинг устувор йўналиши бўлиб ҳисобланади. «Ақлий заковат ва рухий-маънавий салоҳият маърифатли инсоннинг икки қанотидир»[8-46]. Маърифатли инсон, баркамол авлод тарбияси буюк келажагимиз кафолатидир. Кўп жиҳатдан ёш авлод таълим-тарбияси мамлакатимизда шахс интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга боғлиқ. Шунинг учун ҳам баркамол авлодни вояга етказиш, истеъдодли ва салоҳиятли ёшларни аниқлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Илм - фаннинг жамиятда қадриятга айланиши унинг кишилар хулқ - атвори, хатти-харакатларнинг ва ўзаро муносибатларида инсоний фазилатларнинг шаклланишига таъсир кўрсатади. Бу ўринда фан ютуқларидан гуманистик руҳда фойдаланиш ва фан этикаси тамойилларига мос илмий фаолият кўрсатиш ётади. Фаннинг юксак қадрият эканлиги унинг инсонпарварлик, ижтимоий идеалларга хизмат қилиши, умумбашарий моҳияти билан узвий боғлангандир. Шу маънода у халқларни умумманфаатлар асосида бирлаштирувчи маънавий-интеллектуал бойлик ҳисобланади, унинг ютуқларидан оқилона фойдаланиш эса инсониятнинг нафақат интеллектуал ривожланиши, шу билан бирга маънавий камол топишига ҳамда баркамол инсон бўлиб шаклланишига хизмат қилади.

Ҳозирги даврда ақлан зукко, креатив қобилиятли, изланувчан ва мустақил мулоҳаза юритувчи ёшлар жамиятни илмий техник тараққиётини ҳаракатга келтирувчи улкан куч бўлиб, келажакда барча соҳаларда жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашувига катта ҳисса қўшишлари лозим бўлади. Шу нуқтаи назардан муаммога ёндашув истеъдодли ёшларни излаб топиш, уларга оқилона кўрсатма бериш ва муайян соҳаларга йўналтириш мақсадга мувофиқдир. Чунки, уларнинг хар қайсисига хос бўлган индивидуал хусусиятлар, ички куч-қувват, яширин имкониятларни очиш, такомиллаштириш, тараққий эттириш, таъсир ўтказувчи омиллар ва воситалар топиш, яъни уларнинг жамият эҳтиёжи

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00621

талаби ҳамда ривожланиш имкониятига мос равишда мақсадга йўналтириш ҳозирги давр талабидир. Бунинг учун қуйидаги муҳим жиҳатларга эътибор қаратиш керак:

Биринчидан, мамлакатимизда ёшлар камолоти, меҳнати учун фаровон, маънавий-маданий муҳитни яратиш;

Иккинчидан, инсон ўз-ўзини ривожлантиришга, ўзини камол топтиришга интилиш эса инсоннинг ғурурини, унинг ҳақиқий фазилатларини юксалтиради. Ватан ва халқ олдидаги бурчни англаш, уни амалга ошириш;

Учинчидан Буюк аждодларимизнинг фикрлари, ўгитларини ёшларга илк давридан бошлаб ўргатиш, уларнинг нутқини ўстириш, мутафаккирларнинг тил, сўз, нутқ, ҳақидаги қарашлари, шахс ва жамият тараққиёти йўлидаги ҳизматлари билан таништириш;

Тўртинчидан, қадриятлар тизимининг ёшлар эхтиёж ва манфаатлари билан яхлитлигига эътибор қаратишда ёшларимиз илгари сураётган лойиҳа ва ташаббусларни юзага чиқаришда имкониятлар яратиш мақсадга мувофиқ.

Ёшлар ўртасида шиддат билан ўсиб бораётган ақлий, интеллектуал салоҳият ва рақобат уларнинг билим даражасини белгилаб беради. Ҳозирги ахборотлашув даврида асримизни рақобат асри деб атасак ҳақиқатдан йироқлашмаган бўламиз. Чунки, барча жабҳада кузатилаётган рақобат ўз гирдобига бирин-кетин ҳаммани тортмоқда. Компьютер технологияларининг бугунги кундаги ҳаётимизнинг барча жабҳаларига дадил кириб бориши, ундаги интернет тизими воситасида жаҳон илм фани янгиликларини кириб келиши истиқболда етук зиёлилар қатламини шаклланишида муҳим турткилардан бири бўлади. Айнан ҳозирги кунда компьютер технологиялари таъсирида фан инқилоби ва ахборотлашув туфайли ўқиш, ўқитиш ишларининг самарадорлиги янада оширилиб, жамиятдаги ижтимоий интеллект ўзига ҳос тарзда ривожлантирилмоқда. Компьютер технологиялари инсоният тафаккур тараққиётига салбий таъсир кўрсатиши ҳам мумкин. Сабаби ўз ақлий ва индивидуал тафаккур имкониятларидан кўра кўпроқ сунъий интеллектга суяниш ва фақатгина у орқали ахборотга эга бўлиш инсонни фикрлаш доирасини муттасил чеклаб боради ҳамда интеллектуал маданиятини сунъий ахборот қобиғига ўраб қўяди. Шунинг учун ёшларда интеллектуал маданиятни оширишда бошқа воситаларга ҳам алоҳида аҳамият бермоқ лозим. Маълумки, фан инсон яратган маънавий қадриятларнинг энг олийси бўлиб, у ўзига хос тарзда тараққий этмоқда.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00621

Бундан ташқари илмий-маърифий адабиётлар ҳам шахс интеллектуал салоҳиятига ўз таъсирини кўрсатади ва бу орқали унинг жамиятдаги ижтимоий мавқеини белгилайди. Республикамизда ёшларнинг тафаккур тарзи ва билим даражасининг замон билан доимо ҳамнафас холда тараққий топиб бориши, атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини англаб етиши учун фойдали бўлган илмий-маърифий адабиётлар ҳажмини ошириш, уларни кишилар ҳаётига янада чуқурроқ ва кенгроқ кириб боришига зарурий имкониятлар яратиш хозирги кунда маориф ҳамда илмий тадқиқотлар соҳасидаги энг муҳим вазифалардан биридир. Шу билан бирга бугунги вазиятларни ҳисобга олиб, ёш авлодни маънавий таҳдидлардан сақлаш, уларда соғлом дунёқарашни шакллантириш ва шу асосда оламда содир бўлаётган воқеа-ходисаларга тўғри муносабатни билдира олиш кўникмасини ривожлантириш учун “комил инсон ҳақидаги ахлоқий мезонлар мажмуи, яъни шарқона ахлоқ кодекси” ни ҳаётга тадбиқ қилиш керак[9-88]. Ушбу манба мустаҳкам эътиқод, меҳр-мухаббат, ор-номус, шарму ҳаё, ибо ва иффат каби ахлоқий тушунчаларни ўз ичига олиб, “оммавий маданият” унсурлари – ахлоқий бузуқлик ва енгилтаклик каби иллатларни олдини олиш учун ҳизмат қилади.

## ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, ҳозирги кунда дунёда кенг тарқалаётган, ёшлар онги ва тафаккурига салбий таъсир этаётган ахлоқий бузуқлик ҳолатларини олдини олиш, миллий-маънавий мероснинг асосларидан бири ҳисобланган ҳаётни энг олий ахлоқий фазилат сифатида ардоқлаш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Ваҳоланки ахлоқсизлик, беҳаёлик, зўравонлик ва бузуқлик каби иллатлар дунёдаги ҳеч бир халқнинг миллий маданиятга ҳам умумбашарий қадриятларига ҳам тўғри келмайди. Шунга мувофиқ, халқимиз ва ёшларимизни гўзал диний ва маънавий қадриятларни ўз ичига олган ор-номус, уят ва андиша, шарму-ҳаё каби тушунчаларни ҳаёт мазмунига айлантириш асосий вазифа бўлиб қолмоқда. Инсон ўз мақсадлари ва қарашларининг ҳаққонийлиги ва поклиги, инсонпарварлиги ва бағрикенглиги, эзгуликка қаратилганлиги муҳимдир. Ўз навбатида ёшлар фаолиятида эҳтиёж ва манфаатлар уйғунлиги ҳаёт синовларида ўзини оқлаган қадрият ва анъаналар билан, уларни аждодлардан авлодларга етказишдаги беқиёс ўрни ва аҳамияти билан бевосита боғлиқдир. Ёшларнинг маънавиятини шакллантиришда ана шу омилларни ҳисобга олиш, ҳар қайси инсон бу ҳаётда тўғри йўл танлаши,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00621

умрнинг мазмунини англаши, авваламбор, руҳий покланиш, яхшилик ва эзгулик сифатларини амалга оширишга интилиб яшашга эришиш долзарбдир.

## REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. - Тошкент: Ўзбекистон, 2018. –Б.37
2. Қамбаров А.А. Замонавий баркамол инсонни тарбиялаш – давр талаби. Илмий-услубий кўлланма –Фарғона. 2015. –Б. 13
3. Умаров Э. Абдуллаев М. Маънавият асослари. -Тошкент.: 2005. –Б. 35.
4. Фалсафа Энциклопедик луғат. Тошкент 2010 й. 84 бет.
5. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. - Тошкент: Ўзбекистон, 2018. –Б.421
6. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. // Фаробий ҳикматлари. - Тошкент: Абдулла Қодирий. 1993. б.182
7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. -Тошкент: 2. -Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 2006. Б. 216.
8. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. -Тошкент, 1995. 46-6.
9. Ислом маърифати ва ҳозирги замон. Халқаро конференция материаллари тўплами. ”Тошкент ислом университети” Тошкент. 2017. Б - 88.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00622

# ЖИСМОНИЙ ВА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

**Х. Н. Хакимов**
Бухоро давлат университети катта ўқитувчи

## АННАТАТЦИЯ

Мақолада интеграцион курснинг мақсади ва вазифалари мактаб табиий-илмий таълим системаси, билимнинг интеграциялашган тармоғи, интеграциялашнинг усул ва воситалари, ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси кўп функцияга эгалиги тавсифланади.

**Калит сўзлар:** тарбия, педагогика, маънавият, ахлоқ, интеграция.

# THEORETICAL FUNDAMENTALS OF INTEGRATION OF PHYSICAL AND SPIRITUAL AND ETHICAL EDUCATION

**Kh. N. Khakimov**
Senior teacher, Bukhara State University

## ABSTRACT

The article describes the goals and objectives of the integration course, the system of natural science education at school, the integrated network of knowledge, methods and tools of integration, the level of student mastery performs many functions.

**Keywords:** education, pedagogy, spirituality, ethics, integration.

## КИРИШ

Баркамол шахсни тарбиялаш, Республикамизда кадрлар тайёрлашни давар талаби даражасига кўтариш, таълимнинг ривожланётган бозор иқтисодиёти муносабатларига асосланган механизмини яратиш, унинг мазмунини такомиллаштириш, тарбиячи ва тарбияланувчилардаги таълим тарбия жараёнига бўлган муносабатни, қарашларни шакллантириш каби масалаларни қамраб олган ҳолда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Сўнги ўн йилликлар ичида таълим фалсафаси шундай илмий йўналишга айландики, у инсоннинг таълим олиш жараёнида яхлит интеллектуал

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00622

ривожланиши ҳақидаги саволга жавоб таклиф этмоқда. Инсоннинг таълим олиш жараёнидаги комплексли ривожланиши таълимнинг предметли мазмуни томонидан бузилган. Таълим олаётган ёш инсоннинг ривожланиш шароитидаги қарама-қаршиликни амалиётдаги педагоглар аниқлашган.

## МЕТОДОЛОГИЯ

Фан ўқитишдаги интеграция бўйича уларнинг таклифи ташқи бирикиш харакатерга эга, аслида эса фанларни интеграциялашни чуқур методолияасосида ўтказиш зарур.

Таълимнинг интерактив курси кўргазмали таълим системаси бўлиб, интегратив билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш асосида кўргазмали, маҳоратни вужудга келтириш сирларини ўрганади.

Интеграцион курснинг мақсади ва вазифалари мактаб табиий-илмий таълим системасида тавсифланади. Билимнинг интеграциялашган тармоғида интеграциялашнинг усул ва воситалари: таълим режасидаги ўқитиш жойида вақтнинг ҳажмига қараб шу курсни тўла ўзлаштириш вақти ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси кўп функцияга эгалиги билан тавсифанади.

Интеграция курси- ўқув фанларидан бири бўлиб, фанлараро билимларни (интегратив билимларни) чуқурлаштириш ва ошириш, уларни шакллантириш учун ўрганилади. У ҳар хил турлар, усуллар, услублар, фанлараро интеграция объектлари асосида тузилган. Таълим тарбия соҳасидаги тадқиқотлар бизни жисмоний ривожланиш муаммоларини янада кенгроқ кўриб чиқишга, маънавиятга қўшилиш нуқтаи назаридан ечишга имкон беради. Педагогикада юзага келадиган интеграцион жараёнлар ҳозирги кунда муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг тушуниши ва тартибга солиниши айниқса муҳимдир. Шу муносабат билан таълим тизимида уларнинг мазмуни ва технологиясини асоси сифатида интеграцион жараёнларнинг ташкилий ва бошқарув соҳасини ривожлантириш зарур.

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, этнок маданий таълим соҳасидаги маънавий ва жисмоний маданият элементларини интеграциялашуви ўқув жараёнини ташкилий ва услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ўқувчиларнинг маънавий ва жисмоний тарбияси ва таълим муассасаларида таълим вазифаларини яккалаб қўйиши билан ташкилий ва услубий жиҳатдан етарлича акс эттирилмаганлиги аниқланди.

Бунинг натижасида қуйидаги қарама-қаршиликлар юзага кела бошлади:

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00622

- барча турдаги таълим тизимларининг интеграциялашувининг мақадга мувофиқлиги ва уларни назарий асослаш ва ташкилий-педагогик қўллаб-қувватлашнинг етарли эмаслиги;
- педагогик амалиётга шахснинг ривожланишида ўзининг интелектуал салоҳияти нуқтаи назаридан маънавий ва жисмоний сифатларни шакллантириш ва ривожлантиришнинг мақсадга мувофиқлиги нуқтаи назаридан яратилган ёндашув;
- ўзаро боғлиқ маънавий ва жисмоний тарбия жараёнида қўллашга комплекс ёндашиш зарурлиги;
- ўқувчи шахсини яхлит шаклланишига руҳий ва жисмоний тарбияни зарурлиги ва бошқа бир қарама-қаршиликларни таъкидлаш мумкин.

Юқоридаги маълумотларга таянган ҳолда илмий мақоланинг мақсади ўқувчилари ва талабаларининг маънавий ва жисмоний тарбия жараёнини интеграциялашуви, жисмоний тарбия ва спорт жараёнида маънавий жиҳатдан бой ва жисмоний баркамол шахсни шакллантириш учун ташкилий педагогик шарт шароитларни оқилона ва экспериментал тарзда аниқлаш учун модул дастур ишлаб чиқиш лозим.

Тадқиқотимизнинг объекти сифатида таълим тизимидаги ёшлар шахсини шакллантириш жараёни ҳисобланади.

Интеграциялашган дарслар болалар дунёқарашида бир бутунликни, воқеалар узвийлигини тушунишини табиатан англаб етишга ўргатади. Шуни алоҳида ҳисобга олиш керакки, умумий ўрта таълим мактабларида жисмоний тарбия фани Одобнома, Ватан туйғуси, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари каби фанларнинг интеграцион боғланишли хусусиятлари илмий жиҳатдан етарли ишлаб чиқилмаган.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Мавжуд турли фикрлар ва қарашлар эса бир-бирига зид ва узвий бўлмаганлиги сабабли интеграция муаммоси ҳамон олимларимиз ўртасида баҳсли масалалардан бири бўлиб келмоқда.

Психологик ва педагогик фан нуқтаи назаридан маънавий ва жисмоний тарбия ва шахсий ривожланишнинг феноменини ўрганиб чиққан олимлардан Б.Г. Ананиев, Ж.К.Бабанский, В.С.Библер, П.Ф.Лесгафт ва бошқаларнинг таҳлилларига кўра, руҳий ва жисмоний маданиятнинг моҳиятини ва руҳий ва жисмоний тарбия тизимининг инетграциялашув шартлари, тамойилларини аниқлашга ёрдам беради:

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00622

- маънавий маданият-бағрикенглик, меҳр-оқибат, инсоният, адолат ва ҳалоллик ифодаси-энг юксак ахлоқий қадрятларни, моддий жиҳатдан маънавий манфаатларни, инсоннинг ахлоқий ва фуқаролик бурчини бажариш тушунчасини тасдиқлайди;

- жисмоний маданият шахсни жисмоний камолотга етказишнинг мотивацион-қийматига йўналитирлганлиги, фаол ўзгарувчан фаолиятнинг асоси сифатида намоён бўлади;

- маънавий билим-бу шахснинг билим, хиссий ҳатти-харакат таркибий қисмларининг яхлитлигини шакллантиридиган ва фуқаролик камолотини, ижтимоий фаоллигини, юқори ахлоқий эҳтиёжларини, манфаатлари ва фаолиятининг сабабларини таъминловчи ижтимоий- педагогик жараён;

- жисмоний тарбия- бу инсон танасининг шакли ва функциялари, жисмоний сифатлари, ички дунёси(иродаси, характери ва бошқ.)ларнинг соғлом турмуш тарзи асосларини уйғунлаштирадиган педагогик жараён;

Илмий манбаларининг таҳлили шарқ мутафаккирлари, хориж ва ўзбек педагоглари интеграциялашган дарсларни амалиётга тадбиқ этишга ҳаракат қилганликларини кўрсатади. Таълим жараёни самарадорлигини оширадиган омиллар ичида дарсларни интеграциялашган асосда ташкил этиш алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбекистонда таълим жараёнига интеграциялашган дарсларни олиб кириш долзарб муаммолардан биридир. Бугунги кунда таълим жараёнига интеграциялашган дарсларни олиб кириш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Таълим жараёнини интеграциялашган дарслар асосида ташкил этишнинг қулайлиги шундаки, унда ўқувчининг ўқув материалларини ўзлаштиришда оламни ягона бир бутунликда эканлиги, табиатдаги мавжуд ўзгаришлар бир-бири билан боғлиқликда эканлиги ҳақида таълимотга эга бўлишларига имконият яратилади. Таълим жараёнини интеграциялашган дарслардан фойдаланиш ўқувчиларни билим олишларидаги энг муҳим омиллардан бири ҳисобланиб, ўқувчиларни билимларини ўзлаштиришларида юқори самара беради.

Илмий таҳлил ва изланишларга таянган ҳолда ва муаммонинг ечилиши узлуксиз таълим тизими олдида турган муҳим вазифани ечишда назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Бунинг учун қуйидагиларни тавсия этамиз:

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00622

- бакамол авлодни шакллантиришда жисмоний ва маънавий ахлоқий тарбия интеграциясини таъминлаш жараёнини педагогик муаммо сифатида чуқур ўрганиш ва асослаш;
- ўқувчиларни жисмоний ва маънвий- ахлоқий тарбияланинг мазмуни ва педагогик-психологик хусусиятларини ишлаб чиқиш;
- ўқувчи шахсини шакллантиришда жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбия интеграциясини таъминлашнинг мақбул шакл, метод ва воситаларини аниқлаш;
- ўқувчи шахсини шакллантиришда жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбия интеграциясини таъминлаш дастурини ишлаб чиқиш.

## ХУЛОСА

Юқорида баён этилган фикрлардан хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, баркамол авлодни шакллантиришда жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбия интеграциясини таъминлаш жараёнини тадбиқ қилиш ўз ечимини кутаётган долзарб педагогик муаммолардан бири ҳисобланади.

## REFERENCES

1. Асланов К. П., Хакимов Х. Н., Акрамова Г. М. МЕСТО ИНТЕРАКТИВНЫХ МЕТОДОВ В ОБУЧЕНИИ СТУДЕНТОВ //Журнал научных публикаций аспирантов и докторантов. – 2015. – №. 9. – С. 38-39.
2. Арслонов К. П., Шукуров Р. С., Хакимов Х. Н. Изучение предмета «Виды национальной борьбы и методика её обучения» с помощью инновационных технологий //Вестник по педагогике и психологии Южной Сибири. – 2013. – №.
3. Arslonov Q. P., Xakimov X. N. Peculiar especially sport holidays in the life of the young generations //Europaische Fachhochschule. – 2014. – №. 3. – С. 50-51.
4. Lazizbek Olimovich Daminov and Jamoliddin Pardaboyugli Turdiev Zebo Sharipovna Tukhtaeva, Nigora Zakiralievna Sayfullaeva, Khurshid Nozimovich Khakimov The Importance of Game Technologies in the Training of Future Vocational Teachers on the Basis of Competent Approach// International Journal of Psychosocial Rehabilitation. – 2020. – №. 4. – С. 6669-6674
5. Madina Azamovna Farmonova TA'LIM UMUNDORLIGINI OSHIRISHDA MOBIL ILOVALARNING O'RNI // Academic research in educational sciences. 2021. №3. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/talim-umundorligini-oshirishda-mobil-ilovalarning-orni (дата обращения: 07.04.2021).

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00623

# МУДОФАА САНОАТИ ТИЗИМИДА ҚЎШИНЛАРНИ ҚУРУҚ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЕХНАЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

**Акбар Илҳомович Хуррамов**
Чирчиқ олий танк қўмондонлик – муҳандислик билим юрти ўқитувчиси
E-mail: akbarmardonov93@gmail.com

## АННОТАЦИЯ

Мақолада ҳарбий кадрларимизнинг қисқа вақт ичида етук мутахассис бўлиб етишишларида витаминларга бой, тўйимли маҳсулотларни кўпроқ истеъмол қилишларига эътибор қаратишлари кераклиги ҳақида, моддий таъминот бўлинмалари учун кўп вақт ва ишчи кучига ортиқча сарф ҳаражат қилмасдан механизациялашган ускуна ёрдамида мева данакларини чақиб берувчи қурилма ҳақида сўз юритилган. Ушбу ишланма орқали қобиғи турли шакл ва физик-механик хоссаларга эга бўлган ўрик данаклари ва бодомларни чақиш учун саноат ва уй шароитида фойдаланиш мумкин бўлган, чақилган мағизнинг бутунлигини сақлаш ва иш унумини ошириш имконини берувчи қурилма конструкцияси ишлаб чиқилди.

**Калит сўзлар:** Ёшларни тарбиялаш, соғлом турмуш тарзи, табобат, ўрик данаги, изланишлар, қурилма конструкцияси, данак мағизи, қурилма ишлаш тартиби.

# DEVELOPMENT OF TECHNOLOGIES TO IMPROVE DRY FOOD SUPPLY IN THE DEFENSE INDUSTRY SYSTEM

**Akbar Ilhomovich Khurramov**
Chirchik Higher Tank Command is a teacher at an engineering school
Email: akbarmardonov93@gmail.com

## ABSTRACT

The article says that our military personnel should pay more attention to the consumption of foods rich in vitamins and nutrients in order to become perfect specialists in a short time, and about a device that allows you to split fruit seeds using mechanized equipment, without spending a lot of time and unnecessary labor costs for material support units. This work led to the design of devices to preserve the integrity of the cores and crushed to increase the efficiency, the shell of which can be

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00623

used in industrial and home settings for grinding apricot kernels and almonds, with different shape and physico-mechanical properties.

**Keyword:** Education of young people, healthy lifestyle, medicine, fruit seeds, scientific research, design of devices, apricot kernels, methods of processing devices.

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимидаги маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қабул қилинган концепцияларни амалга ошириш доирасида ҳар томонлама ривожланган, билимдон, халқига, шунингдек, Ватанга хизмат қилиш ишига содиқ ёшларни тарбиялаш бўйича кенг миқиёсли ишлар амалга оширилмоқда.

Юксак интеллектуал салоҳиятга, замонавий фикрлаш ҳамда дунё қарашга эга, давлатимиз манфаатлари ва суверенитетини фидокорона ҳимоя қилишга тайёр бўлган ҳар томонлама камол топган, жисмонан соғлом ва маънавий етук ёш авлодни тарбиялаш тизимини яратишга қаратилган давлат сиёсатини фаол ва изчил амалга оширишни таъминлаш зарур [1].

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Изланишлар асосида ўрганилганда хозиргача ишлаб чиқаришга таклиф этилган, ўрик данаги ёки ёнғоқлар қобиғини чақиш қурилмаларида данаклар идишдан лентали транпортер воситасида пичоқли кесувчи органга узатилади ва унинг ёрдамида икки бўлакка ажратилиб, бўлаклар ичидаги мағизлар ҳаво оқими ёрдамида тортиб олинади.

Бундай қурилмалар мағиз ва қобиқ ўртасидаги боғланиш кучи жуда кам бўлган ёки бутунлай бўлмаган данак ёки ёнғоқлар (масалан, кедр ёнғоғи) ни чақиш учун фойдаланиши мумкин. Боғланиш кучи анча катта бўлган ёнғоқлар ва данаклардан мағизни ҳаво билан ажратиш учун катта оқим тезлиги талаб этилади, бу эса қурилманинг энергия сарфини кўпайтиради.

Яна бир ўрик данаги ёки ёнғоқлар қобиғини чақиш учун таклиф этилган қурилмада, ўрик данаги ёки ёнғоқлар қобиғини чақиш учун юқори тезликли эжекцион ҳаво оқимига қўшилиб қўзғалмас горизонтал супачага йўналтирилган ўрик данакларнинг супача билан ҳосил қилган зарба кучидан фойдаланиш таклиф этилган.

Ушбу қурилманинг камчиликлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин. Биринчидан, юқори тезликли ҳаво оқими катта энергия сарфини талаб қилади. Иккинчидан, ҳаво оқими билан ҳосил қилинган зарба натижасида

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00623

мустаҳкамлиги ва бикрлиги унча катта бўлмаган қобиқлар чақилиши, қолганлари эса супачадан бутунлигича қайтиб кетиши мумкин.

Ўрик боғлари Ўзбекистоннинг миллий бойликларидан бири ҳисобланади.

*100* грамм ўрик данаги мағизида *0,45-0,65* миллиграм витамин *B1*, *0,16-0,30* миллиграм *B2, 1,40-2,30 PP, 0,03-0,05* каротин ва *2,25-3,5* миллиграмм *C* витаминлари мавжуд. Ўзбекистондаги ўрикзорларнинг асосий қисми Фарғона водийси ва Зарафшон воҳасида жойлашган, Ўрта Осиёда ўрикнинг *500* дан ортиқ навлари ва клонлари учрайди.

***1-расм. Ўрик данаги мағизидан олинган доривор мой***

Ўзбекистонда Ўрикнинг Аҳрорий, Субҳоний, Гулунги луччак, Мирсанжали, Кўрсодиқ, Хурмои, Исфарак, Жавпазак, Оқ ўрик, Навоий, Шалах,

Руҳи Жуванон, Моҳтоби ва бошқалар кўплаб навлари экилади.

Ўрик данаги кўпгина мева ва сабзавотлар сингари *Б17* ни ҳам ўз ичига олади ва шу ўринда айтиш жоизки, у рак касаллигига қарши курашишда инсон учун энг фойдали витамин ҳам ҳисобланади. Ажаблантирадиган хусусияти шундаки, ўрик данагида дунёдаги ҳар қандай ўсимликнинг энг кўп концентрланган *Б17* манбаи топилган. “Ўрик данаги *Б17* витаминининг энг бой манбаасидир”. Данак (ўрик, узум, гилос, шафтоли, олхўри) мойлари шарбат, мураббо, қуритилган мевалар ишлаб чиқариш ва консерва саноати чиқиндиси

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00623

бўлган данакларни қайта ишлаш орқали олинади. Ушбу шифобахш мойлар асосан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қўлланилади, шунингдек, совун ишлаб чиқаришда муҳим хомашё ҳисобланади [1,2]. Рафинацияланган данак мойлари қимматбаҳо озиқ-овқат маҳсулоти бўлиб, балиқ, сабзавот, турли хилдаги салатлар, хамир ва бошқа маҳсулотларни қовуришда ишлатилади. (1-расм)

Ушбу схемадан кўриниб турибдики 100 кг. ўрик данагини қайта ишлаганимизда ундан олинадиган соф мағиз оғирлиги 30 кг. ни ташкил қилмоқда. Бу технологияда самарадорликни оширувчи 10-15% махфий заҳира мавжуд бўлиб у айнан ўрик данакларини чақиш жараёнига боғлиқдир.




***2-расм. Моддий таъминот бўлинмалари учун ўрик данагини комплекслаштирилган қайта ишлаш схемаси***

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ўрик данаги мағизини чақиш жараёнида унинг бутунлигини сақлашда технологик муаммолар юзага келади. Ҳозиргача мавжуд ўрик данагидан мағизини ажратувчи қурилмалар маҳсулотнинг 60-70% қисминигина бутунлигича, 30% эса турли ҳил даражадаги шикастланишлар билан чиқади.

Бу муаммони ечиш учун ЧОТҚМБЮ “Умумтехник фанлар” кафедрасида данакларни чақиш учун юқори самарадорликга эга қурилма яратиш устида

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00623

илмий-изланишлар олиб борилди ва ихтирога патент олинди IAP 20180039 “Ўрик данагини чақиш қурилмаси” [3].

Ихтиро данакларни чақиш жараёнида мағизнинг бутунлигини сақлашни механизациялашга имкон беради ва сифатли чақилган данак мағизларини ишлаб чиқаришни самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Юқорида кўрсатилган вазифани ечиш учун муаллиф томонидан 3-расмда тасвирланган қурилма конструкцияси таклиф этилмоқда. Қурилма мос равишда бутун ва чақилган данакларни сақловчи идишлар ва электр двигатель ёрдамида ҳаракатга келтирилувчи тишли ғилдиракни ўз ичига олади. Тишли ғилдирак цилиндрик кўринишда бажарилган ва данакларни чақиш учун маълум ўлчамдаги тишлар ва ғалтакка қарама қарши айланувчи цилиндрик валдан иборат, тишли ғалтак ва вал харакатни электродвигателдан занжирли узатма орқали олади. Қайтарувчи пружина созловчи ричагни бункерга маҳкамлагич орқали ўрнатилган. Белгиланган хажмдаги данакларни тушиш давомийлиги тўхтаб қолмаслиги учун туҳумсимон шаклга эга бўлган роликли тебратгич ўрнатилган. Тишли ғилдираклардан чақилиб тушган маҳсулот нов орқали сақловчи идишга тушади.

**Қурилма қуйидаги тартибда ишлайди.** Мева данакларини физик-механик хоссаларини ўрганган холда, қурилма ўрик, бодом ва шафтоли данакларини чақиш орқали мағизини ажратиш имкониятига эга.

Қурилмани ишга туширишдан олдин ўрик данаклари бир хил ўлчамда ғалвирларда саралаб олинади ва олинган ўлчамга мос равишда тишли ғилдирак, цилиндрик вал орасидаги масофа танланади. Бозор иқтисодиётини ўрганилган холда, халқимиз дастурхонига энг кўп тортиладиган данак маҳсулоти сифатида ўрик данаги танланди ва уни чақишга мос равишда қурилма яратилди.



ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00623

***3-расм. Данакларни чақиш қурилмаси***

1,9 - данакларни сақловчи идишлар, 2- қайтарувчи пружина, 3- ўрик данаги, 4- созловчи ричаг, 5- маҳкамлагич, 6- тишли ғилдирак, 7- цилиндрик вал, 8- нов, 10- тишлар, 11- роликли тебратгич.

3-расмда тасвирланган идишдан ўрик данаклари кетма-кет тишли ғилдирак ва цилиндрик валга тушади, валлар бир-бирига қарама-қарши йўналишда айланади. Бир-бирига қарама-қарши йўналишда айланган валлар орасига тушган данак маълум куч таъсирида чақилади ва нов орқали идишга тушади, тўпланади ва у ерда мағизлар ва қобиқлар чақиб олингандан сўнг алоҳида эксцентрикли сепаратор қурилмаси ёки ғалвирларда ажратилади.

Чақиладиган маҳсулотга бериладиган куч унинг физик-механик хоссалари, жумладан қобиғининг мустаҳкамлиги ва бикрлигига мос равишда ғалтакларнинг ўлчамларини ҳисоблаб топиш йўли билан белгиланади. Маҳсулотнинг зарба қабул қиладиган кесими бўйича ўлчамлари данакларнинг хажми ва данакнинг мағизи ва унинг қобиғи орасидаги ўлчамни аниқлаб ғалтаклар орасидаги масофани тўғри белгилаш орқали ҳисобга олинади [4,5].

Қурилма ишлаш тартибига кўра икки тизимда ишлайди, биринчидан, қарама-қарши айланувчи валикларга келиб тушадиган данакнинг идишдаги умумий сиғими 27 *кг* бўлиб, қурилма унинг 85-90 % мағизининг бутунлигини сақлайди.

Таклиф этилаётган данак чақиш қурилмасини тайёрлашга сарфланган жами харажатлар 3 500 000 сўмни ташкил этди. Қурилманинг бир соатдаги ўртача иш унуми 90 кг тенг. Агар ундан 3 соат давомида фойдаланиладиган бўлсак, у ҳолда биз 250...300 кг оралиғида данак массасини чақа оламиз. Бундай унумдорликка эришиш учун қурилмадан атиги 5 соат давомида фойдаланиш керак бўлади, холос. Фойдаланиш коэффициенти τ=0,16 га тенглигини эътиборга олган холда топамиз.

$$T=T_{eks}\cdot\tau=5\cdot 0.6=3\ coat. \quad (1)$$

Синаш натижаларининг кўрсатишича, 250...300 кг данакдан ажратиб олинадиган мағиз 100-120 кг ни, яъни ўртача 40% ни ташкил этди.

Қурилманинг иккинчи тизими чақиладиган маҳсулотга таъсир қиладиган кучни ҳосил қилиш ва уни маҳсулот шакли, ўлчамлари ва физик-механик ҳоссаларига боғлиқ ҳолда ўзгартириш вазифасини бажаради. Иккала тизим конструктив равишда битта юритмага боғланган, шунинг учун қурилмадаги барча қисмлар ҳаракатининг ўзаро мутаносиблиги ва аниқлиги таъминланиб,



***4-расм. Моддий таъминот бўлинмаларига озиқ овқат етказиб бериш жараёни***

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00623

унинг юқори ишлаш ишончлилиги ва унумига эришиш ҳамда ажратилган мағизларнинг бутунлигини сақлаб қолиш имконияти яратилади. Қурилманинг иккинчи тизими чақиладиган маҳсулотга таъсир қиладиган кучни ҳосил қилиш ва уни маҳсулот шакли, ўлчамлари ва физик-механик хоссаларига боғлиқ ҳолда ўзгартириш вазифасини бажаради. Иккала тизим конструктив равишда битта юритмага боғланган, шунинг учун қурилмадаги барча қисмлар ҳаракатининг

ўзаро мутаносиблиги ва аниқлиги таъминланиб, унинг юқори ишлаш ишончлилиги ва унумига эришиш ҳамда ажратилган мағизларнинг бутунлигини сақлаб қолиш имконияти яратилади [6,7].

Данак мағизини ажратиш жараёни хозирги кунда давлат тасарруфига кирганича йўқ. Бу жараён хусусий тадбиркорлар томонидан қўл кучи ёрдамида бажарилмоқда, яъни уни амалга оширадиган техник электрлаштирилган ёки механизациялаштирилган қурилма яратилмаган.

## ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Юқоридагилардан келиб чиқиб, моддий таъминот бўлинмалари учун мева данакларини чақиш ва мағизини ажратиш қурилмасини ишлаб чиқиш, ҳарбий кадрларимизни интеллектуал салоҳиятларини ривожлантириш, ҳам жисмонан ҳам ақлан соғлом бўлиб шаклланишлари учун келажакда асосий омиллардан бири бўлиб ҳизмат қилади. Бекорга табобат илмининг султони, буюк қомусий олим, бобокалонимиз Абу Али ибн Сино ҳам ўз илмий рисолаларида ўрик данаги мағизини бир киши ҳар куни 10 донагача истеъмол қилиши кераклиги ҳақида ёзиб ўтмаганлар. Ўрик шарбати Республикамиз аҳолиси томонидан мамнуният билан истеъмол қилинмоқда. Бу эса ўрик данагини ажратиш ва унинг мағизини халқимиз дастурхонига тортиш масаласини келтириб чиқаради. Мевали дарахт данакларини чақиш жараёни хусусий тадбиркорлар томонидан қўл кучи ёрдамида бажарилмоқда, яъни уни амалга оширадиган техник электр-лаштирилган ёки механизация-лаштирилган қурилма яратилмаган эди.

Демак, биз томондан тавсия қилинаётган мевали дарахт данакларини чақиш ва мағизини ажратиш қурилмаси, моддий таъминот бўлинмалари учун (4-расм) кўп вақт ва ишчи кучи учун ортиқча сарф ҳаражат қилмасдан ёш

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00623

ҳарбий кадрларимизга тайёр чақилган данак маҳсулотларини етказиб беришлари учун қулай ускуна ҳисобланади.

## REFERENCES

1. Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. 1-5 китоблар. Тошкент, Фан, 1979- 1983 йилларда нашр қилинган.
2. Нортош Ўлжабоева. Халқ табобати хазинасидан жавоҳирлар. Тошкент, «Янги аср авлоди», 2009 йил. 1135 бет.
3. А. Мардонов, Б. Юнусов. Кинематические и динамические параметры модернизированного устройства для раскалывания косточек, (статья на узбекском языке). Журн. «Агро – илм», № 4 [36]. Ташкент:.2015г., 91 бет.
4. Хайдаров Э.А., Маликов Р.Х., Юнусов Б.А., Раупов Т. Устройство для раскалывания скорлуп косточек плодов для извлечения из них ядер. Патент на полезную модель. № ФАП 20080066 от 05.06.2008г.
5. Устройство для раскалывания скорлупы абрикосовый косточек Бышов Н.В., Борычев С.Н., Бышов Д.Н., Липина Т.В., Топилин В.П., Липин В.Д., Стафоркин Н.С.патент на полезную модель РУС 164601 11.04.2016
6. Устройство для разрушения скорлупы косточки Куриленко Н.И., Невзоров В.Н., Голубев И.В. патент на изобретение РУС 2339280 21.05.2007
7. Khurramov, A. I. and Yunusov, B. A. (2018) "The mechanism for cracking the fruit kernerls," Bulletin of the Agrarian Science of Uzbekistan: Vol. 2018 : Iss. 1 , Article 9.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00624

# O'QUVCHILAR IJTIMOIY FAOLLIGINI OSHIRISH – IJTIMOIY ZARURIYAT SIFATIDA

**M. Q. Raxmanova**
Chirchiq davlat pedagogika instituti p.f.f.d.*(PhD)*

**Bargida Baxadirovna Mirjalilova**
Chirchiq davlat pedagogika instituti magistranti

## ANNOTATSIYA

Maqolada o‘quvchilar o‘rtasida so‘rovnomalar orqali bola tarbiyasiga ta’sir ko‘rsatuvchi pedagogik, ijtimoiy, psixologik shart-sharoitlarni o‘rganish va milliy mentalitetimizga mos keladigan tarbiya uslubini tanlash, ish jarayonida unumli foydalanish haqida so‘z yuritilgan.

**Kalit so‘zlar**. ijtimoiy faollik, ma’naviy faollik, madaniyat, keng dunyoqarash, ijtimoiylik, pedagogik vaziyat; ko‘nikma.

# INCREASING THE SOCIAL ACTIVITY OF STUDENTS AS A SOCIAL NEED

**M. K. Rakhmanova**
PhD, Chirchik State Pedagogical Institute

**Bargida Bahadirovna Mirjalilova**
Master student of Chirchik State Pedagogical Institute

## ABSTRACT

The article presents the issues of effective learning pedagogical, social and psychological conditions that influence the formation of the national mentality of students by using different questionnaires.

**Keywords:** Social activity, spiritual activity, culture, wide outlook, socialization, teaching situation, skill.

## KIRISH

O‘zbekistonda islohotlarning davomiyligini ta’minlash hamda demokratik fuqarolik jamiyatini shakllantirish, yoshlar, xususan, ularning ijtimoiy faolligiga

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00624

bog‘liq. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoevning BMT Bosh Assambleyasining 2017 yil 19 sentyabrdagi 72-sessiyasida so‘zlagan nutqida: «... Bizning asosiy vazifamiz – yoshlarning o‘z salohiyatini namoyon qilishi uchun zarur sharoitlar yaratish, zo‘ravonlik g‘oyasi «virusi» tarqalishining oldini olishdir. Buning uchun yosh avlodni ijtimoiy qo‘llab-quvvatlash, uning huquq va manfaatlarini himoya qilish borasidagi ko‘p tomonlama hamkorlikni rivojlantirish lozim, deb hisoblaymiz. Shu munosabat bilan O‘zbekiston globallashuv va axborot-kommunikatsiya texnologiyalari jadal rivojlanib borayotgan bugungi sharoitda yoshlarga oid siyosatni shakllantirish va amalga oshirishga qaratilgan umumlashtirilgan xalqaro huquqiy hujjat – BMTning YOshlar huquqlari to‘g‘risidagi xalqaro konvensiyasini ishlab chiqishni taklif etadi. Bizning nazarimizda, mazkur hujjatni imzolaydigan davlatlar ushbu sohani o‘z ijtimoiy siyosatining asosiy va muhim hayotiy ustuvor yo‘nalishlaridan biri darajasiga ko‘tarish bo‘yicha qat’iy majburiyatlarni o‘z zimmasiga olishi kerak» – degan fikrlari dunyo hamjamiyati tomonidan ham keng e’tirof etilmoqda.

Yosh avlodning har tomonlama kamol topishi jamiyat taraqqiyotini ta’minlovchi asosiy omil bo‘lishi bilan bir qatorda uning shaxs sifatida ijtimoiy faollashuvida ham etakchi o‘rin tutadi. O‘quvchi shaxsining ijtimoiy faolligi quyidagi ikki jihatga ko‘ra muhim ahamiyatga ega: birinchidan, shaxsning jamiyatda o‘z o‘rnini topishi uchun zamin yaratadi, ikkinchidan esa, uning bilimi, kuch-quvvati, imkoniyati hamda iqtidori jamiyat rivoji yo‘lida mehnat qilishga yo‘naltiriladi.

Manbalarning tahlili shuni ko‘rsatadiki, demokratik jamiyatda o‘quvchilar ijtimoiy faolligi o‘z-o‘zidan yuzaga kelmaydi, balki muntazam tarzda maqsadli ravishda olib borilgan pedagogik faoliyat natijasida shakllantiriladi. O‘quvchi-yoshlarga nazariy-amaliy bilimlarni berish, ularda ijtimoiy faollik ko‘nikma va malakalarini hosil qilish pedagogika nazariyasi va amaliyoti uchun ham o‘ziga xos ahamiyatga ega ekanligi bilan dolzarblik kasb etadi.

## ADABIYOTLARNING TAHLILI VA METODOLOGIYA

Muammoga oid nazariy manbalar hamda uning amaliy holatini o‘rganish natijalari mazkur sohada bir qator ziddiyatlarning mavjudligini ko‘rsatdi. Xususan:

– demokratik jarayonda o‘quvchi-yoshlar ijtimoiy faolligiga qo‘yilayotgan zamonaviy talablar bilan ularning bilim, ko‘nikma va malakalari, mavjud ijtimoiy faollik kompetensiyalari o‘rtasidagi nomutanosiblik;

– o‘quvchilar ijtimoiy faolligining o‘z-o‘zidan yuzaga kelmasligi, balki doimiy ravishda olib boriladigan pedagogik faoliyat natijasida shakllantirilishi va bu jarayon

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00624

tadqiqiy va tahliliy yo‘nalishga ega bo‘lgan pedagogik tizim sifatida ko‘rib chiqilmaganligi;

– o‘quvchi-yoshlar ijtimoiy faollashuvining bir qator o‘ziga xos xususiyatlari va omillari mavjud bo‘lib, ular etarlicha o‘rganilmaganligi;

– o‘quvchi-yoshlar ijtimoiy faolligini oshirishga yo‘naltirilgan pedagogik jarayonning ilmiy asoslangan samarali shakl, vosita va metodlarini qo‘llanilishiga bo‘lgan ehtiyojning mavjudligi mazkur yo‘nalishdagi tadqiqotlar muhim ahamiyat kasb etishini anglatadi.

Bu vazifani samarali amalga oshirishda ijtimoiy faol shaxs xususiyatlari va shartlari tarkib toptiriladigan shakl, vosita, usul va metodlarni izlab topish, o‘z navbatida «o‘quvchi-yoshlar», «ijtimoiy faollik» tushunchalari mohiyatini chuqur tushunish, nazariy jihatdan ham, amaliy tomondan ham juda muhim masaladir.

O‘zbek tilining izohli lug‘atida «yosh» so‘ziga «1. Tug‘ilgan vaqtdan boshlab yashab o‘tkazilgan yillar jami; umr uzoqligi. 2. Inson yoki hayvon hayotidagi bosqich, davr, umr. YOshlar tushunchasi esa navqiron yigit-qizlar» deya izohlangan

YUqoridagi ta’riflarni umumlashtirib «o‘quvchi-yoshlar» tushunchasiga quyidagicha ta’rif berdik. O‘quvchi-yoshlar – umumiy o‘rta ta’lim maktablari, kasb-hunar kollejlari va akademik litseylarda ta’lim oluvchi navqiron yigit-qizlar guruhi.

SHu o‘rinda faoliyatning o‘zini ham izohlash talab etiladi.

Faollik negizida paydo bo‘luvchi yangicha sifatni, o‘ziga xoslikni egallagan xatti-harakatning yuksak ko‘rinishi, insongagina taalluqliligi tufayli u psixologiya fanida faoliyat deb yuritiladi. Faollikning shaxsga xos ko‘rinishi sifatida faoliyat vujudga kelib, u o‘zining psixologik alomatlari bilan xatti-harakatdan farqlanadi. Har qanday faoliyat maqsad va natijalardan iborat jarayon ifodasi hisoblanadi. Faoliyatning ongli ravishda amalga oshirilishi jamiyatning harakatlantiruvchi kuchi va yashash sharti hisoblanadi.

Faoliyat tushunchasi dunyoqarash tamoyili sifatida nemis klassik falsafasi rivojlangan davridan boshlab qaror topdi. Bu davrda Evropa madaniyatida shaxsning aql-idrok bilan ish ko‘rishi, faolligi va tashabbuskorligining ko‘p qirrali yo‘nalishiga xos bo‘lgan asosi va tamoyillari deb qarash uchun sharoit yaratildi. Bunday qarashni nemis faylasufi I.Kant boshlab berdi.

Borliqdagi jonli mavjudotlarning o‘ziga xos tarzda va muayyan yo‘nalishda, ma’lum darajadagi kuch bilan xatti-harakatni amalga oshirishga undovchi ehtiyojlar ular uchun faollik manbai vazifasini bajaradi. Psixologik manbalarga asoslanib fikr yuritadigan bo‘lsak, «...ehtiyoj – jonli mavjudot hayot kechirishining yaqqol shart-

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00624

sharoitlariga uning shularga tobe ekanligini ifoda etuvchi va mazkur shart-sharoitlarga nisbatan faolligini namoyon qiluvchi holat tarzida ifodalanadi».

Inson faolligi esa ana shu ehtiyojlarning qondirilishi jarayonida namoyon bo‘ladi.

Ehtiyojlar – organizm, inson shaxsi, ijtimoiy guruh, umuman jamiyatning hayot faoliyatini saqlab turish uchun zarur bo‘lgan narsalarga talab, muhtojlik. Faoliyat sohasiga qarab mehnatga, bilimga, muloqotlarga; ob’ektiga qarab moddiy, ma’naviy; sub’ektiga ko‘ra yakka (shaxsiy), guruhiy, jamoaviy, ijtimoiy ehtiyojlar bo‘lishi mumkin.

Inson ehtiyoji uni tarbiyalash jarayonida, ya’ni madaniy jarayon bilan yaqinlasha borib shakllanadi. Chunki insonning o‘z ehtiyojlarini qondirish jarayoni ijtimoiy taraqqiyot bilan belgilanadigan faoliyat shaklini egallashning faol, muayyan maqsadga yo‘naltirilgan jarayoni sifatida alohida ajralib turadi. Shuning uchun ham bu muammoning turli jihatlari pedagogika fanida tadqiq etib kelinadi.

Inson o‘zining ijtimoiy majburiyatlari, jamiyat oldidagi burchi, o‘z mas’uliyatini tabiiy bir hol, o‘z erkinligi va ijtimoiy faolligining uzviy bir qismi sifatida qabul qilgandagina ma’naviy barkamol shaxsga aylanadi.

Insonning faolligi shaxs sifatida shakllanishining asosiy omili hisoblanadi. Mazkur jarayon davomida faqat tabiiy va ijtimoiy dunyoga moslashish yuz berib qolmasdan balki inson uni o‘z xohishiga mos ravishda o‘zgartiradi. Jamiyatning o‘zi, uning tizimi va tuzilishi, undagi munosabatlarni tashkil etuvchi omillar – bularning hammasi shaxsning bunyodkorlikka asoslangan faoliyatining natijasidir.

Faoliyat, faollik inson shaxsining mohiyatini tashkil etuvchi kuchlarning namoyon bo‘lishi demakdir. Dunyoni o‘zgartirar ekan, faol shaxs ayni paytda o‘z qobiliyatlari, bilim, ko‘nikma va mahoratini uzluksiz ravishda takomillashtiradi. U shu asnoda o‘zligini anglaydi, faol shaxs sifatida jamiyatda o‘zini namoyon qiladi. Bunda insoniy ehtiyojlar doirasi kengayib boradi va shu bilan bir paytda mazkur ehtiyojlarni qondirish vositalarining sifat va son jihatdan o‘sishi yuz beradi.

Shaxsning faoliyati ijtimoiy muhit va moddiy omillar ta’sirida shakllanadi. Faollik bo‘lmagan joyda shaxs rivojlanmaydi va uning imkoniyatlari ro‘yobga chiqmaydi. Shaxsning faolligi aniq maqsadga yo‘naltirilgan pedagogik jarayonda tarkib topadi. Shaxs faolligining rivojlanish tendensiyalari mehnat, o‘qish, o‘yin, muloqot jarayonida amalga oshadi.

Har bir inson jamiyat a’zolari bilan o‘zaro ijtimoiy munosabatlarga kirishadi. Jamiyatda qaror topgan ijtimoiy munosabatlar, ularning mazmuni, g‘oya va yo‘nalishlari shaxsning shakllanishiga o‘z ta’sirini ko‘rsatadi. SHaxsning faoliyati,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00624

ijtimoiy borliqqa munosabati, hayotiy yondashuvlari, faolligi, o‘z navbatida, ijtimoiy munosabatlarning rivojlanishiga samarali ta’sir ko‘rsatadi. SHunga ko‘ra shaxs ijtimoiy munosabatlarning faol ishtirokchisi va mahsuli hisoblanadi. Inson ijtimoiy mavjudot sifatida hech qachon ijtimoiy munosabatlardan ajralgan holda yashay olmaydi.

Ma’lumki, «faollik» tushunchasi ba’zi hollar, xususan shaxs va uning faoliyatini tadqiq etuvchi fan sohalarida faoliyat tushunchasi bilan qorishtirib yuboriladi. Masalan, «Psixologiya»ga oid lug‘atda mazkur tushuncha «tirik materiyaning umumiy xususiyati, tevarak atrofdagi muhit bilan o‘zaro ta’sirida namoyon bo‘ladi. Psixik faollik bu o‘zaro ta’sir, shu asosda faoliyat ko‘rsatish bilan xarakterlanadi» - deyiladi.

Mustaqillik izohli ilmiy-ommabop lug‘atida «Ijtimoiy faollik – ijtimoiy sub’ektlarning ijtimoiy-siyosiy jarayonlardagi ishtirokining, mehnat hamda madaniy-ma’rifiy faoliyatining kuchayishi, qonunda belgilab qo‘yilgan huquq va burchlarini to‘liq amalga oshirishga intilishi», - deya ta’riflangan.

«Politologiya»dan ensiklopedik lug‘atda shaxs faolligi siyosiy faollik tarzida talqin etiladi. Ushbu lug‘atda faollik shunday izohlanadi: «SHaxs faolligi ob’ektiv voqelikka bo‘lgan munosabatda aniq namoyon bo‘ladi. Bu munosabat har bir shaxsning jamiyatda o‘z mavqeiga ega bo‘lishi, o‘zining xilma-xil ehtiyojlarini qondirish yo‘lidagi ijtimoiy munosabatlarda qanchalik erkin ishtirok etsa, bu uning siyosiy faolligining o‘sishiga shunchalik ta’sir ko‘rsatadi», – deyilgan.

Faollik – «O‘zbek tilining izohli lug‘ati»da [90, 326] mehnatda yoki biror harakatda, jarayonda jadallik, jonbozlik ko‘rsatish, ishchanlik, ta’sirchanlik deb ta’riflanadi. Bizning tadqiqotimiz nuqtai nazaridan mazkur izoh mohiyatan e’tiborlidir.

Faol (lot. «activus» so‘zidan olingan bo‘lib), biror ishga g‘ayrat bilan kirishadigan, astoydil ishlaydigan, ishchan, aktiv deb izohlanadi.

Pedagogika ensiklopediyasi [66] da esa ijtimoiy faollik – 1. ijtimoiy sub’ektlarning ijtimoiy-siyosiy jarayonlardagi ishtirokining, mehnat hamda madaniy-ma’rifiy faoliyatining kuchayishi, qonunda belgilab qo‘yilgan huquq va burchlarini to‘liq amalga oshirishga intilishini ifodalovchi tushuncha. 2. Sub’ektning jamiyat hayotida ongli holda mustaqil ishtirok etishi, ma’lum ijtimoiy-ma’naviy sohada vujudga keladigan muammolarni hal etishga qaratilgan harakatidir. Ijtimoiy faollik shaxsning jamiyatda o‘z o‘rnini topishi va xulq-atvorini ongli ravishda boshqarishining asosiy sharti hisoblanadi.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00624

YUqoridagi fikrlarni umumlashtirib, shaxs faolligini shunday izohlash mumkin: ijtimoiy faollik – shaxsning maqsadga yo‘naltirilgan faoliyati bo‘lib, ijtimoiy voqelikka nisbatan individual munosabati va tizimli xatti-harakatlarining yuksak ko‘rinishini ifodalovchi tushuncha

Ijtimoiy faollik umumiy o‘rta ta’lim muassasalarida tashkil etiladigan pedagogik jarayon mazmuni ustida ishlash va tarbiyaviy jarayon sub’ektlarining o‘zligini namoyon qilishlarida katta imkoniyatlarga ega. Bugungi kunda O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017 yil 6 aprelda qabul qilingan 187-sonli «Umumiy o‘rta va o‘rta maxsus, kasb-hunar ta’limining davlat ta’lim standartlarini tasdiqlash to‘g‘risida»gi qarori asosida o‘quvchilarda tayanch kompetensiyalarni shakllantirish zaruriyati ustuvor o‘rin egallamoqda. Mazkur tayanch kompetensiyalar: kommunikativ kompetensiya, axborotlar bilan ishlash kompetensiyasi, o‘zini o‘zi rivojlantirish kompetensiyasi, ijtimoiy faol fuqarolik kompetensiyasi, milliy va umummadaniy kompetensiya, matematik savodxonlik, fan va texnika yangiliklaridan xabardor bo‘lish hamda foydalanish kompetensiyasidan iborat bo‘lib, ulardan ayniqsa: o‘zini o‘zi rivojlantirish kompetensiyasi, ijtimoiy faol fuqarolik kompetensiyasi o‘quvchilardan ham o‘qituvchilardan ham ijtimoiy faollik ko‘nikmalariga ega bo‘lishni talab qiladi.

## MUHOKAMA VA NATIJALAR

Jahon ta’limi tizimida shaxs ijtimoiy faolligi masalalari bo‘yicha tatqiqotlar Germaniyadagi Frontiers in Psychology (FIP)da, ta’lim jarayonida shaxs faolligini oshirish interfaol o‘qitish tizimidan (interactive e-learn) foydalanish bo‘yicha tadqiqotlar BMTning International Institute for Sustainabie Devolopment (IISD) va Buyuk Britaniyadagi Carl Wieman Science education Initiative (CWSEI) kabi dunyoning etakchi oliy ta’lim muassasalari va ilmiy tatqiqot markazlarida olib borilmoqda.

YUrtimizda mazkur sohadagi yig‘ilgan tajribalarning tahlili shuni ko‘rsatadiki, demokratik jamiyatda o‘quvchilar ijtimoiy faolligi o‘z-o‘zidan yuzaga kelmaydi, balki muntazam tarzda maqsadli ravishda olib borilgan pedagogik faoliyat natijasida shakllantiriladi. O‘quvchi-yoshlarga nazariy-amaliy bilimlarni berish, ularda ijtimoiy faollik ko‘nikma va malakalarini hosil qilish pedagogika nazariyasi va amaliyoti uchun ham o‘ziga xos ahamiyatga ega ekanligi bilan dolzarblik kasb etadi.

Avstriyalik psixolog va faylasuf V.Frankl individuallikning ahamiyati, inson shaxsining qadr-qimmati va mazmuni hamma vaqt u yashayotgan jamiyatga bog‘liqligini ta’kidlaydi. Amerikalik sotsiolog T.Parkinsonning fikricha, chinakam

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00624

shaxsiy qadr-qimmat insonning o‘rab turuvchi muhit bilan munosabatida, ya’ni uning faolligida ifodalanadi.

Psixologlar R.Plomin va X.Xermanslarning (1997) ta’kidlashicha, aslida shaxsning to‘laqonli, barkamol shakllanishiga uchta asosiy omil ta’sir etadi:

1. Shaxsda mavjud bo‘lgan biologik imkoniyatlar – bunda odamlarning o‘zaro munosabatlari jarayonlariga temperament tipining ta’siri nazarda tutiladi.

2. Shaxsning sub’ektiv, ya’ni psixologik imkoniyatlari – bunda mazkur imkoniyatlar shaxslararo munosabatlar jarayonining strategiyasini tuzadi, o‘zaro munosabatga kirishishni shaxsan o‘zi tanlaydi hamda ijtimoiy turmushda ularni to‘ldiradi va takomillashtiradi.

3. Bevosita shaxslararo munosabatlar jarayonining o‘zi bo‘lib, ular ijtimoiy madaniy muhitda amalga oshiriladi. Ijtimoiy madaniy muhit shaxslararo munosabatlar uchun bosh mexanizm sifatida shaxsning shakllanishini ta’minlaydi. Ammo har uchchala omil ham o‘zaro uzviy bog‘liqlikda bir-biriga ta’sir etadi. Bu uzviyliksiz shaxsning barkamol taraqqiyoti yuzaga kelmaydi.

Dj.Kaprara va boshqalarning (1999) tadqiqotlari natijalariga ko‘ra, ijtimoiy fe’l-atvor me’yorlariga amal qilish o‘zaro hamkorlik va bir-biriga yordam ko‘rsatishga imkoniyat yaratadi – o‘zaro simpatiyani hosil qiladi, ta’lim jarayoniga halaqit qiluvchi depressiyaga hamda muammoli fe’l-atvorga qarshi kurashishga undaydi. Shaxslararo munosabatlar jarayonida yoshlarga o‘zidagi intellektual imkoniyatlarni ro‘yobga chiqarishga yordam ko‘rsatish maqsadga muvofiq. Bu holat shuni tasdiqlaydiki, ijtimoiy va intellektual rivojlanish nafaqat mazkur o‘quvchida, balki, tengdoshlarida ham kuchayishi kuzatilgan.

G.K.Selevko faollikning ikki darajasini farqlaydi. Birinchi, quyi daraja – insonning ma’lum darajada mahsuldor, bajaruvchi, qayta tiklovchi faoliyatini belgilab, bunda inson ko‘proq boshqarilayotgan ob’ekt rolini ijro etadi. Bu darajadagi faoliyat «ob’ekt faoliyati» deb nomlanadi.

Ikkinchi, yuqori darajadagi faollik – ta’lim oluvchi faoliyatining birlamchi sababi, manbasi rolini o‘ynab, ijodiy, o‘zgartiruvchi sifatga ega. Bunda faoliyatni amalga oshiruvchi inson sub’ektdir va faoliyatda uning irodasi ishtirok etadi («sub’ekt faoliyati»).

Shaxs ijtimoiy faolligini o‘rganish sohasida ko‘plab tadqiqotlar amalga oshirilgan. Jumladan, L.I.Amanbaeva «YAngi ijtimoiy sharoitda o‘quvchi-yoshlarning fuqarolik tarbiyasi», A.A.Savastina va L.B.Osipovalarning «YOshlar ijtimoiy faolligi – jamiyatning dinamik rivojlanish sharti sifatida», V.A.Sitarov va V.G.Maralovning «SHaxs ijtimoiy faolligi», «Maktabgacha ta’lim va kichik maktab

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00624

yoshidagi bolalarda ijtimoiy faollikni shakllantirish asoslari» , S.Yu.Korolkova «Yoshlar ijtimoiy faolligi» kabi ishlarda ijtimoiy faollikning nazariy asoslari, amaliy yo‘nalishlari bir qadar ochib berilgan.

V.S.Merlinning fikriga ko‘ra, shaxsning o‘z-o‘zini anglashida quyidagilar asos bo‘lib xizmat qiladi: 1) o‘zini qanday bo‘lsa, shundayligicha anglash; 2) o‘z «Meni»ni shaxs tomonidan ijobiy qabul qilinishi; 3) o‘zining qanday ruhiy xususiyat va ma’naviy-axloqiy sifatlarga egaligini tushunishi; 4) o‘ziga o‘zi tomonidan beriladigan ijtimoiy-axloqiy baholar, ularning darajasini anglashi.

Ayni paytda bu muammo doirasida pedagogik, falsafiy, psixologik va turli nuqtai nazarlardan har xil yo‘nalish va mavzularda ilmiy tadqiqotlar olib borgan zamondosh olimlarimizning ilmiy izlanishlari ham mazkur tadqiqotning dunyoga kelishiga turtki bo‘lib, unda qo‘yilgan muammolarni hal qilishda o‘ziga xos ko‘mak berdi. Jumladan, M. Maxmudova, G.J. Tulenova, T.Egamberdieva, Q.Q. Quranboev, I.R. Safarbuvaeva kabi olimlarning ilmiy izlanishlarida ijtimoiy faollik va shaxsni faollashtirish muammolari pedagogik, psixologik hamda falsafiy jihatdan yoritib berilgan.

Xususan, M. Maxmudovaning ilmiy izlanishlarida kichik yoshdagi o‘quvchilarda ijtimoiy faollikni tarbiyalash masalalari asoslab beriladi.

Tadqiqotchi quyidagi shartlar kichik maktab yoshidagi o‘quvchilarning ijtimoiy faolligini shakllantirish jarayoni samaradorligini ta’minlash uchun etarli asos bo‘la oladi degan xulosaga kelgan. YA’ni:

– kichik yoshdagi o‘quvchilarning ijtimoiy faolligini yaxlit tarbiya jarayonining hal qiluvchi, yakunlovchi bosqichi sifatida tadqiq etish;

– 1-4 sinf o‘quvchilarida ijtimoiy faollikni shakllantirish mazmuni, shakllari va metodlarini aniqlash;

– kichik yoshdagi maktab o‘quvchilarida ijtimoiy faollikni shakllantirish yo‘llari hamda ishlab chiqilgan tizim samaradorligini o‘rganish va ishonarli dalillar vositasida asoslab berish;

– boshlang‘ich sinf o‘quvchilarini ijtimoiy faollik ruhida tarbiyalashda o‘qituvchilar uchun uslubiy qo‘llanma ishlab chiqish.

Q. Quranboevning tadqiqot ishi esa «Talabalarning ma’naviy-ijtimoiy faolliklarini rivojlantirishning pedagogik asoslari (Yoshlar tashkilotlari misolida)» deb nomlanib, talabalarning ma’naviy-ijtimoiy faolliklarini rivojlantirishning uslublari va mazmuni, uning pedagogik asoslari yaratib berilgan. Muallif ilmiy kuzatishlarida ma’naviy-axloqiy muammolar, yoshlar ta’lim-tarbiyasida ongli

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00624

intizomning o‘rni, burch va mas’uliyat, jamoatchilik sifatlarini tarkib toptirish muammolari tahlil qilinadi.

Bu izlanishlar natijalarining ilmiy xulosalari ko‘rsatib o‘tiladi.

Har ikki tadqiqot ishida ham yuqorida bayon etilgan holatlarda talaba va kichik maktab yoshidagi o‘quvchilar faoliyatini tashkil etishning mazmuni, maqsadi, metod, shakl va vositalari xususida to‘xtalib o‘tilgan.

A.Akramov tomonidan «SHaxsga yo‘naltirilgan ta’lim texnologiyalari asosida bo‘lajak o‘qituvchilarning fuqarolik pozitsiyasini rivojlantirishning tashkiliy-metodik asoslarini takomillashtirish» nomli tadqiqot ishida fuqarolik, fuqarolik pozitsiyasi, shaxsiy nuqtai nazar, fuqarolik mas’uliyati, vatanparvarlik, burchga sadoqat, fidoyilik kabi tushunchalarga mualliflik nuqtai nazaridan yondashilgan va shaxsga yo‘naltirilgan ta’lim texnologiyalari asosida bo‘lajak o‘qituvchilarda fuqarolik pozitsiyasini rivojlantirishning tashkiliy metodik asoslarini takomillashtirish bo‘yicha taklif va tavsiyalar ishlab chiqilgan.

I.R. Safarbuvaeva «O‘quvchi shaxsini faollashtirishda milliy mentalitet elementlaridan foydalanishning pedagogik asoslari» nomli tadqiqot ishida o‘quvchi shaxsining faollashuv jarayoniga bir qator omillar o‘z ta’sirini o‘tkazishini va bu ta’sirlar quyidagilardan iborat ekanligini ta’kidlab o‘tgan:

– jamiyatda sog‘lom ijtimoiy muhitning qaror topganligi;

– fuqarolar ma’naviy-axloqiy etukligini ta’minlash masalasining davlat siyosati darajasiga ko‘tarilganligi;

– ta’lim-tarbiya ishlarining muayyan maqsad asosida tizimli, uzluksiz va izchil olib borilayotganligi;

– tarbiyaviy ta’sir kuchiga ega sub’ektlar imkoniyatlarining yagona ijtimoiy maqsadni amalga oshirilishiga yo‘naltirilganligi;

– shaxs omilining ijtimoiy munosabatlar jarayonida etakchi mavqega ega bo‘lishi va boshqalar.

Faylasuf olima G.J.Tulenova «Yoshlar ijtimoiy faolligini oshirishda ma’naviy omilning roli (ijtimoiy-falsafiy tahlil)» nomli tadqiqot ishida ma’naviy omilning yoshlarning kasbiy xulqiga, ijtimoiy mo‘ljallariga, amaliy faoliyatiga ijobiy ta’sir ko‘rsatishini falsafiy-metodologik jihatdan atroflicha o‘rganish hamda mavjud muammolarni echish borasida xukumat va jamoatchilik sa’y-harakatlarini uyg‘unlashtirish bo‘yicha amaliy takliflar ishlab chiqqan.

Sotsiolog I.Ergashev tomonidan esa bozor munosabatlariga o‘tish sharoitida yoshlarning ijtimoiy faolligi sotsiologik tahlil qilingan.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00624

Yoshlar ijtimoiy faolligini rivojlantirish muammolari bo‘yicha olib borilgan turli sohalardagi tadqiqotlar mazmunini o‘rganish asosida quyidagicha xulosalarga keldik:

1. O‘quvchi-yoshlar ijtimoiy faolligini oshirishning mazmunini asoslash, uning metodikasini ishlab chiqish pedagogika fani va amaliyoti oldidagi muhim vazifa hisoblanadi.

2. O‘quvchi-yoshlar ijtimoiy faolligini oshirish shaxs umumiy kamolotini hamda jamiyat ijtimoiy taraqqiyotini ta’minlashda muhim ahamiyatga ega ekanligi, bugungi kunga qadar yaxlit pedagogik jarayon sifatida tadqiq etilmaganligi ta’kidlanadi.

3. O‘quvchi-yoshlarning ijtimoiy faolligi ularning ijtimoiy munosabatlar jarayonidagi ishtirokiga bog‘liq bo‘lib, shaxsning ijtimoiy borliqqa munosabatini belgilaydi.

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-siyosiy mustaqillikni qo‘lga kiritgan dastlabki kunlardayoq mamlakat aholisi, shu jumladan, yoshlar o‘rtasida mustaqillik g‘oyalarini targ‘ib etish, ularda istiqlolni mustahkamlashga yo‘naltirilgan ijtimoiy faollikni qaror toptirish vazifasi kun tartibiga qo‘yildi. Bu boradagi vazifalarni muvaffaqiyatli hal etishda ta’lim-tarbiya jarayonining roli katta.

Ilm-fan va texnologiyalarning jadal rivojlanishi, global dunyoda raqobatning ortishi sharoitida har bir davlat va jamiyatning bu jarayonda raqobatbardoshligi asosida yoshlarning intellektual rivoji hamda ularning iste’dodi va qobiliyatlarini to‘liq amalga oshirishga e’tibor berishga bog‘liq bo‘ladi.

SHuning uchun bu masala har doim davlatlarning uzoq muddatli rivojlanishini ta’minlashga qaratilgan barcha strategiyalarda aks ettirilgan. O‘zbekiston Respublikasining 2017-2021 yillarda rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishlari bo‘yicha Harakatlar strategiyasi ham bu borada istisno bo‘lmadi. Unda alohida bo‘lim davlatning yoshlar siyosatini takomillashtirishga bag‘ishlangan. U O‘zbekistonning 10 million fuqarosi yoki mamlakat aholisining 31 foizini tashkil etuvchi yoshlarga nisbatan davlat siyosatining samaradorligini oshirishga qaratilgan bir qator ustuvor vazifalarni qamrab oladi.

SHu nuqtai nazardan, O‘zbekiston Yoshlar Ittifoqini tashkil etish zarurati hayotning o‘zi tomonidan belgilab qo‘yildi, u tashkilotdan yoshlar hayotidagi eng dolzarb masalalarni hal qilishni talab etadi, ayniqsa uyushmagan yoshlar hayotda o‘z o‘rnini topishi uchun munosib sharoitlar yaratish, yoshlarni har tomonlama qo‘llab-quvvatlash, kasb-hunarga yo‘naltirish va bandligini ta’minlash, ularning tashabbuslarini rag‘batlantirish shular jumlasidan.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00624

O‘zbekiston Yoshlar Ittifoqi tashkil etilgan kun - 30 iyunni YOshlar kuni sifatida e’lon qilinishi ham juda ramziydir. Sababi ushbu Ittifoq davlat organlari, nodavlat notijorat tashkilotlar va fuqarolik jamiyatining boshqa institutlari bilan davlatning yoshlar siyosatini amalga oshirishda samarali faoliyatni ta’minlaydigan, «Yoshlar – kelajak quruvchisi» shiori ostida professional faoliyatni amalga oshiradigan tuzilmaga aylanadi.

## XULOSA VA TAKLIFLAR

Bizning fikrimizcha, ushbu shior shubhasiz tasodifan tanlanmagan - u O‘zbekiston Prezidentining davlatning rivojlanish istiqbollari haqidagi strategiyasida prinsipial yondashuvini ifodalaydi. Shavkat Mirziyoev asosiy e’tiborni yoshlarga qaratmoqda.

Ta’kidlash joizki, mamlakatda ijtimoiy-siyosiy hayotda yoshlarning faolligini rag‘batlantirishga qaratilgan qator aniq chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda.

Yuqorida aytib o‘tilganlar O‘zbekistonda yoshlarning ijtimoiy va siyosiy hayotdagi o‘rnini kuchaytirish bo‘yicha yo‘nalish belgilanganini aytish imkonini beradi. SHu bo‘yicha davlat va yoshlar tashkilotlaridan yoshlar tashabbuslarini to‘liq qo‘llab-quvvatlashga alohida e’tibor berilmoqda. Bunga tayanib, O‘zbekistonning rivojlanishidagi yangi bosqichda yoshlar alohida o‘rin tutishini ta’kidlash mumkin.

## REFERENCES

1. Maxmudov, Q. S. O. G. L., Shayxislamov, N. Z. O. G. L., & Jo, B. B. O. G. L. (2020). O ‘zbek va xorijiy tillarda antonimlar tavsifi, o ‘rni va ularnig turli jihatdan tasniflanishi. *Science and Education*, *1*(Special Issue 3).
2. Juraboyev, B. B. (2020). Nemis tilini o'qitishda kommunikativ yondashuv. *Science and Education*, *7*(7), 215-220.
3. Joraboyev, B. B. O. (2021). Using authentic materials on english lessons. *Academic research in educational sciences*, *2*(2).
4. Joraboyev, B. (2020). Nemis tilida juft otlar va ularning o′ zbek tilida ifodalanishi. *Science and Education*, *1*(Special Issue 4).
5. Журабоев, Б. (2020). Мотивированные люди для удовлетворения своих собственных потребностей. *Academic research in educational sciences*, (3).
6. Juraboyev, B. B. U. (2021). Problems and solutions for online teaching and learning of foreign languages. *Academic research in educational sciences*, *2*(Special Issue 2).
7. Samarova, S. (2018). Forming Creative Vision of Person as Universal Method Enhancing Creativity. *Eastern European Scientific Journal*, (6).

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00624

8. Samarova, S. R. (2019). Methods and technologies for the development of creative thinking of pupils. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, *7*(10), 37-43.
9. Samarova, S. R., & Mirzayeva, M. M. (2020). The problem of the formation of creative abilities of students in foreign psychology. *An International Multidisciplinary Research Journal*, *10*(5), 1937-1943.
10. Рахманова, М. К. (2019). Ёшларнинг маънавий тарбиясида қадимги Ўрта Осиё маънавий-маданий меросининг аҳамияти. *"Глобаллашув шароитида ватанпарварлик тарбиясининг маънавий-маърифий технологиялари" республика илмий-амалий конференцияси*, 206-209.
11. Рахманова, М. К. (2019). Изучение стратегии обучения. *Приориоритетные векторы развития промышленности и сельскогохозяйства материалы II международной научно-практической конференции*, *7*, 95-101.
12. Рахманова, М. К. (2019). Талабаларда ижтимоий фаолликни ривожлантиришнинг назарий методологик асослари. *Халк таълими*, (1), 24-29.
13. Рахманова, М. К. (2019). Таълим технологиялари орқали касб танлашда онгли муносабатни шакллантириш. *Халқаро илмий-амалий конференцияси*, 323-326.
14. Рахманова, М. Қ. (2020). Таълим жараёнида ўқув мунозараларини ташкил этишда ўқитувчининг педагогик маҳорати, ижодкорлиги ва фаоллиги. *"Oriental Art and Culture" Scientific-Methodical Journal*, *4*(4), 68-73.
15. Rajabova, I. T. (2020). Лингводидактические аспекты глаголов, выражающие перемещения, на уроках русского языка с учащимися с узбекским языком обучения. *Academic research in educational sciences*, (4).
16. Абдуллаевна, Ш. К., & Фагимовна, Ш. Н. (2020). Нетрадиционные методы обучения русского языка и литературы. *Суз санъати,(3)*.
17. Shokarimova, K. A. (2020). Pedagogik qobiliyat va pedagogik mahoratning talimtarbiya berishdagi ahamiyati. *Science and Education*, *1*(Special Issue 2).
18. Shokarimova, K. A. (2021). The way of improving reading and writing skills during the lessons. *Academic research in educational sciences*, *2*(2).
19. Ражапова, И. Т. (2019). Методика обучения видам русского глаголав. Илм сарчашмалари.
20. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi «O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha harakatlar strategiyasi to‘g‘risida»gi PF-4947-son Farmoni
21. Akramov A.A. SHaxsga yo‘naltirilgan ta’lim texnologiyalari asosida bo‘lajak o‘qituvchilarda fuqarolik pozitsiyasini rivojlantirishning tashkiliy-metodik asoslarini takomillashtirish: Ped.f.n. ... dis. – T.: TDPU, 2016.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00625

# O'QUVCHILARNING BILISH FAOLIYATINI KENGAYISHIDA TA'LIM JARAYONLARINING O'RNI

**M. Q. Raxmanova**
Chirchiq davlat pedagogika instituti p.f.f.d.(PhD)

**S. G'. Umrzoqov**
Chirchiq davlat pedagogika instituti magistranti
lazizbek_9400@mail.ru

## ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada o‘quvchilarning idrok etish darajasini bosqichma-bosqich va uzluksizligini ta’minlanishi, o‘quv jarayonini demokratik va vatanparvarlik tamoyillariga asoslangan holda tashkil etish haqida so‘z boradi. Shuningdek, muallif kichik maktab davrida o‘quvchilarni erkin va faol diqqatini shakllantirishda didaktik mashg‘ulotlarning asosi sifatida bir qancha tavsiyalar berib o‘tgan.

**Kalit so‘zlar.** Bilim, idrok etish darajasi, uzluksiz ta’lim, o‘quv jarayoni, vatanparvarlik tamoyillari, didaktik mashg‘ulotlar.

# THE ROLE OF EDUCATIONAL PROCESSES IN EXPANDING THE LEARNING ACTIVITY OF STUDENTS

## ABSTRACT

In this article are discussed about supplying successive and uninterrupted education of the students, basics of democratic and patriotic principles in the education process, the unite of stability, active introducing about under school age students. There is spoken about didactic lessons basics in the successive and uninterrupted education.

**Keywords:** Knowledge, cognitive activity, successive and uninterrupted, studing process, patriotic process, primary education, didactic lessons.

## KIRISH

Mamlakatimizda joriy etilgan uzluksiz ta’lim tizimida olib borilayotgan ijobiy ishlar yo‘nalishi O‘zbekiston Respublikasi “Ta’lim to‘g‘risida”gi Qonunda, “Kadrlar tayyorlash Milliy dasturi” da etarlicha qayd etilgan. Belgilangan yo‘nalishlar uzluksiz ta’limning barcha bo‘g‘inlari oldiga yuksak vazifalar qo‘ymoqda.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00625

Kelajagimiz vorislari bo‘lgan yoshlarni komil inson sifatida shakllanishlari uchun umuminsoniy va milliy madaniy qadriyatlardan unumli foydalanish, ularni yangi texnika va texnologiya bilan qurollantirish lozim ekanligi qayd etilmoqda. Ta’lim muassasalari, o‘qituvchilar, tarbiyachilar va ota-onalar zimmasiga yuklatilgan murakkab vazifalar davlat ahamiyatiga ega bo‘lib, ularni amaliyotga joriy etish orqali ta’lim va tarbiya texnologiyasini takomillashtirishni, ta’lim olish uzluksizligini puxta va ixcham tizim sifatida ishlashini ta’minlash mumkin.

Bunda ayniqsa, ta’lim tizimi tarbiyalanuvchilarining jismoniy, axloqiy va aqliy etukligini ta’minlash vositalariga alohida e’tibor berish zarur.

SHuning uchun bilim olish, kasbiy tayyorgarlik ta’limning ham obekti, ham subekti hisoblanmish o‘quvchidan mustaqil tafakkurni va aqliy faollikni talab qiladi. Har qanday o‘quv-tarbiyaviy jarayon ota-onalar, o‘qituvchi hamda o‘quvchilar munosabatini ifodalovchi murakkab pedagogik tizim hisoblanadi.

## ADABIYOTLARNING TAHLILI VA METODOLOGIYA

Psixologiyada bilish faoliyatini kengayishida ta’lim jarayonlarining o‘rni haqida Fransiyalik olim J.Godfruaning “CHto takoe psixologiya” nomli 2-jilddan iborat kitobida antik dunyodan boshlab inson psixikasi, uning qalbi, hislari, xulqi masalalari diqqat markazda bo‘lgan ekanligi, psixologiyaning fan sifatida rivojlanishida faylasuflarning qarashlari, tabiiy fanlar rivoji, 17-asrdan boshlab falsafa fanidan turli fanlarning ajralib chiqishi, 18 va 19-asrlarda Kondilyak, Lokk, YUm yondashuvlari asoslab berilgan. Psixologiyaning bilish jarayonlarining rivojlanishida nemis psixologi va fiziologi Vilgelm Vundt (1832-1920)ning xizmati, uning tomonidan maxsus tajribaviy sinov laboratoriyalarining tashkil etilishi va mohiyati ochib berilgandir. Rossiyalik psixolog olim R.S.Nemov uch jilddan iborat “Psixologiya” kitobida psixologiya atamasi 16-asrda birinchi marta qo‘llanilganligini, ong va o‘zini kuzatish tufayli inson o‘zidagi psixik xolatlarni o‘rgana borganligini, keyinchalik insonning faoliyati sohasida shu psixik jarayonlarni o‘rganish zarurati etilganligini izohlab bergan.

Mazkur holatlarda o‘quvchilar o‘zaro bilish munosabatlari, muloqotga kirishadilar. Bolalarning bilish faoliyatlari hissiy idrok, nazariy tafakkur va amaliy faoliyat birligidir. U ta’limning har bir bosqichida vujudga keladi va muntazam ravishda rivojlanib boradi. Bilish faoliyati o‘quvchilarning ijtimoiy aloqalari va o‘quv faoliyatlarining barcha turlarida mustahkamlanadi. SHu bilan bir qatorda, o‘quvchilar bilish faoliyatining kengayishida o‘quv jarayonlarida muayyan topshiriqlarni bajarishlari ham muhim ahamiyat kasb etadi.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00625

Pedagogik atamalar lug‘atida bilishga qo‘yidagicha ta’rif beriladi:
1) ta’lim jarayonida o‘quvchi va talabalarga taqdim etilgan o‘quv materialining o‘zlashtirilganlik darajasi;
2) borliq va uning obektiv qonuniyatlarini o‘rganish, o‘zlashtirish, egallash jarayonidir.

Demak, bilish faoliyati jarayonida o‘quvchi taqdim etilgan bilimlarni o‘zlashtiradi va tevarak atrofdagi voqelikni anglab etadi.

Ma’lumki, bizni o‘rab turgan tashqi olamdagi narsa va hodisalarning juda ko‘p belgi va xususiyatlari mavjud. *Masalan,* narsalarning rangi, ta’mi, hidi, qattiq yoki yumshoqligi, g‘adir-budur yoki tekisligi, harorat va boshqalar. Ana shu narsa va hodisalarning turli xil belgi, xususiyatlarini biz ham turlicha sezgi a’zolarimiz orqali ongimizda aks ettiramiz.

Tevarak-atrofimizdagi narsa va hodisalarning turli xil belgi hamda xususiyatlari har doim ham bizning sezgi a’zolarimizga ta’sir etib turadi. Natijada bizda turli sezgilar hosil bo‘ladi. CHunonchi, nurlarning ko‘zimizga ta’sir qilishi natijasida ko‘rish sezgisi, har xil tezlik va kuchlanishdagi havo to‘lqinlarining qulog‘imizga ta’sir etishi natijasida eshitish sezgisi, nafas olish paytida havo bilan birga burun bo‘shlig‘iga kirgan har turli modda zarrachalarining ta’siri natijasida hid sezgisi, biror narsani qo‘limiz yoki badanimizga tegib ta’sir etish natijasida teri (taktil – biror narsaning terimizga tegishi) yoki bosim sezgisi va shu kabi sezgilar har doim hosil bo‘ladi.

Demak, **sezgi** deb, atrofimizdagi narsa va hodisalarning sezgi a’zolarimizga bevosita ta’sir etishi natijasida ularning ayrim belgi va xususiyatlarini miyamizda aks ettirilishini aytamiz.

Sezgi bilish jarayonlari ichida oddiy psixologik jarayon bo‘lib, tashqi olamdagi narsa va hodisalarni aks ettiradi. Tashqi olamdan kelayotgan qo‘zg‘atuvchilarning muayyan resteptorlarga bevosita ta’sir etish orqali ayrim belgi va xususiyatlarni va organizm ichki holatini aks ettiradi. Ma’lumki, insondan sezishning dastlabki bosqichi hissiy bilishdan boshlanib, keyinchalik u mantiqiy bilishga o‘tadi. Sezgi ham oddiy psixologik jarayon bo‘lgani bilan uning yuzaga kelishi o‘z-o‘zidan hosil bo‘lmaydi. Ular jumlasiga quyidagilar kiradi:

1. Sezgi a’zolariga ta’sir etadigan narsa va hodisaning bo‘lishi.
2. Sezuvchi apparat, ya’ni analizatorning mavjud bo‘lishi.

*Masalan,* havoning sovuqligini, temirning qattiqligini, qorning yumshoqligi va boshqalarni sezamiz.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00625

Sezgi idrok bilan bog‘liq bo‘ladi, lekin narsa va hodisani idrok qilishdan oldin uni sezish lozim, shu bois sezgilar materiyaning sezgi a’zolarimizga ta’siri natijasidir. Sezgi axborotlarini qabul qilib, tanlab, to‘plab, har bir sekundda axborotlar oqimini qabul qilib va qayta ishlab miyaga etkazib beradi. Natijada tevarak - atrofdagi tashqi olamni va organizm o‘z ichki holatini adekvat “mos” aks ettirishi hosil bo‘ladi. Sezgi a’zolari tashqi olamning inson ongiga olib kiradigan yo‘llaridan biridir.

Ta’lim jarayonida kichik maktab yoshidagi o‘quvchilarda ixtiyoriy, barqaror, mustahkam, kuchli, faol ongli diqqatni rivojlantirish uchun qulay shart-sharoit yaratilishi lozim. Bilish jarayonida mustaqil aqliy faoliyat ko‘rsatish, misollar, masalalar echish, didaktik mashqlar bajarish, takrorlash yordamida ixtiyoriy, ongli diqqat tarkib topadi. 7-8 yoshli bolalarda diqqatni ixtiyoriy tarzda bir nuqtaga jamlash, taqsimlash, ongli ravishda boshqarish ko‘nikmalari shakllanadi.

Boshlang‘ich sinf o‘quvchilari ma’lum darajada o‘z faoliyatlarini mustaqil rivojlantira oladilar. Ular o‘z rejalari, harakatlarining izchilligini so‘z orqali tasvirlab beradilar. Rejalashtirish yordamida o‘quvchilarning ixtiyoriy diqqatlari tarkib topib rivojlanadi. Kichik maktab yoshidagi o‘quvchilarni bilish faoliyatiga jalb etish turli aqliy faoliyat usullarini taqozo qiladi. O‘quvchilarning bilim zaxiralari moddiy olam haqidagi tasavvurlari yordamida boyib borib bilish faoliyatining shakllanishida o‘quv jarayoni muhim o‘rin egallaydi.

Misol uchun, bolada mantiqiy uylash etilmay turib uni mantiqiy fikr yuritishga o‘rgatish foydasiz. 3-7 yoshli davrdagi bolalarning asosiy faoliyati quyidagicha:

• Predmetli o‘rganish;
• Individual va predmetli o‘yinlar, jamoaviy syujetli rolli o‘yinlar;
• Individual va guruhlarda ijod;
• Musobaqa o‘yinlari;
• Munosabat o‘yinlari;
• Ro‘zg‘or mehnati.;

Bolalarning bilish jarayonlarida ushbu o‘yinlarning ahamiyati kattadir. Mutaxassislar shaxsning rivojlanishi moddiy olam bilan bog‘liq bo‘lib inson turmush tarzi uning ongini belgilaydi, deb hisoblaydilar. Insonning bolalikdagi rivojlanishida o‘quv-biluv faoliyati muhim o‘rin tutadi. O‘quvchilar bilish faoliyatining kengayishi, birinchi navbatda, ularning ilmiy hodisalar, fikrlar, g‘oyalar, dalillar va xalqning ijtimoiy tajribasini o‘zlashtirishlari natijasida amalga oshadi. Pedagogika fanida rivojlanish va o‘qitishning o‘zaro aloqadorligi o‘ziga xos tarixiy taraqqiyot yo‘liga ega. Dastlab, pedagoglar o‘quvchilarning rivojlanishi o‘z-o‘zidan amalga oshadi, degan fikrni ilgari surganlar. Ta’limning rivojlanish ta’sirini aniqlaganlaridan so‘ng,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00625

ular bu ta’sirning beixtiyor xarakterga ega ekanini ta’kidlaganlar. SHu bilan bir qatorda, o‘quvchilarni o‘qitish va aqliy rivojlantirish muammosi bo‘yicha shaxsiy nuqtai nazarlar vujudga keldi.

Mazkur nuqtai nazarning asosiy mohiyati yaxshi tashkil etilgan o‘quv jarayoni o‘quvchi rivojlanishini jadallashtiradi. Ta’lim nafaqat yakunlangan turkumlarda quriladi.

Ushbu yondashuv asosida pedagogika fanida ta’limda faoliyatli, individual, tabaqalashgan yondashuv nazariyasi vujudga keldi. SHaxsning rivojlanish jarayonida bir xillik mavjud emas.

Boshlang‘ich sinf o‘quvchilari uchun bu vaqt obrazli tafakkur qilish asosida intellectual rivojlanish davridir. Bu asosan o‘quv-biluv jarayonida amalga oshadi. O‘quv biluv jarayonida shaxsning boshqa jihatlari rivojlanmaydi. Biz o‘quvchilar uchun etakchi bo‘lgan rivojlanish yo‘nalishini asoslashga harakat qilamiz. Intellektual rivojlanishda o‘z-o‘zini hurmat qilishning asosini o‘quvchilarning shaxsiy ijobiy tajribasi tashkil qiladi. Bu o‘quv-biluv jarayonida namoyon bo‘ladi.

Kuzatishlar shuni ko‘rsatmoqdaki, aksariyat o‘quvchilarda bunday tajriba mavjud emas. O‘z faoliyati natijasidan qoniqmaslik o‘quvchilar o‘z-o‘zlarini hurmat qilishlarining asosini tashkil eta olmaydi. Bu yo‘nalishda muhim o‘rin egallaydigan qonuniyatlardan biri o‘quvchilarda muayyan o‘quv vaziyatlarida bilish faoliyatining kengayishi, shaxsiy tenglik hamda o‘z-o‘zlarini hurmat qilishdan iborat.

Bu o‘quvchilar faoliyatlari orqali namoyon bo‘lib bilish jarayonida yo‘l qo‘yilgan xatolar o‘quvchining kayfiyati va rivojlanishiga muayyan ta’sir ko‘rsatadi. O‘quvchilarning bilish faoliyatini tashkil etish jarayonida o‘qituvchi o‘z oldiga bu faoliyatni qanday kengaytirish kerak, degan savolni qo‘yishi lozim. Mavjud ilmiy manbalarning tahlili va amalga oshirilgan kuzatishlar natijasida o‘quvchilardagi bilish faoliyati quyidagi tarkibiy qismlardan iborat:

– bilish qiziqishlari;
– o‘quv maqsadlari;
– hissiyotlar: shaxsiy bezovtalik va hissiy barqarorlik;
– yutuqlarni qo‘lga kiritish va muloqot qilishga bo‘lgan ehtiyoj;
– intellektual layoqatlilik va muloqotga kirishuvchanlik;
– shaxsiy tajribalar hamda ko‘nikmalar.

Rus fiziologiyasi va ilmiy psixologiyasining atokdi namoyondasi I. M. Sechenovning (1829—1905) «Bosh miya rsflekslari» degan mashxur asari 1863 yilda bosilib chikdi. «Insondagi psixik va fiziologik jarayonlar—degan edi Sechenov—bu bir xil tartibdagi hodisalar, bir-biriga yaqin real dunyoga xos bo‘lgan hodisalardir».

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00625

Sechenov psixik jarayonlarning asosi bosh miya reflekslaridir, degan ta’limotni ilgari surdi. Sechenov davomchisi I. P. Pavlov oliy nerv faoliyati fiziologiyasiga doir mashhur asarlarida psixik moddiy substrat faoliyatidagi asosiy konuniyatlarni va ayrim jarayonlarning nerv-fiziologik mexanizmlarini ochib berdi. Izlanishlarimizning asosini muayyan o‘quv vaziyatlarida o‘quvchilarning bilish faoliyatlarini kengaytirishning samarali yo‘llarini tashkil qiladi. O‘z-o‘zini hurmat qilish har bir shaxsning tahliliy sifatidir. Buning tarkibini tahlil qilish orqali o‘quvchining mayllari, qadriyatlari, tayanadigan qoidalarini aniqlashga muvaffaq bo‘lindi.

O‘quv-biluv jarayonida bilish faolligini rivojlantirishga bag‘ishlangan tadqiqotlarda o‘quvchilarning mustaqilligidan kelib chiqqan holda ular faolligini ta’minlash uch yo‘nalishga ajratilgan.

– namunaga asoslangan taqlidiy;
– izlanuvchilikka asoslangan ijrochilik;
– ijodiy bilish faoliyati.

Taqlidiy faoliyat harakatning tayyor namunalari asosida hosil bo‘ladi. Ideal tarzda bo‘lgani singari, predmetlilik asosida ham o‘quvchilarni tirishqoq bo‘lishga undaydi. Izlanuvchilikka asoslangan ijrochilik faoliyati tadqiqotchilik faoliyati bilan qiyosiy tarzda o‘qituvchi tomonidan taklif etilgan muammoli vaziyatlarni echish yo‘llarini mustaqil tarzda izlashdan iborat. Ijodiy faoliyat esa bilish faoliyati hosil bo‘lishining yuqori shakli sifatida muammolarni echishning yangi, o‘ziga xos usullarini izlash, o‘z xattiharakatlarini mustaqil boshqarishning yuqori ko‘rsatkichlarini namoyon qilish hamda mazkur darajani shaxsiy faollik bilan qiyoslash mumkin.

## MUHOKAMA VA NATIJALAR

An’anaviy ta’lim sharoitida bilish faoliyati o‘qituvchining o‘quvchilarga tayyor bilimlarni o‘zlashtirishga yo‘naltirilgan harakati sifatida tushuniladi. Mutaxassislar bosqichma-bosqich bilish faoliyatining yangi darajalariga o‘tish zarurligini tushuna boshladilar. Dastlab bilimlarning muayyan qismi, keyinchalik esa barcha axborotlar o‘quvchilarga tayyor tarzda uzatilmasligi lozimligini mutaxassislar nazariy jihatdan asoslashga muvaffaq bo‘ldilar. O‘qituvchi o‘quvchilarga muloqot asosida taqdim etadigan axborotlarning muayyan qismi mustaqil izlanish uchun asos bo‘lishiga erishish nazarda tutilmoqda.

O‘quvchilarning bilish faoliyatlarini rivojlantirishga yo‘naltirilgan ilmiy yondashuvlar ikkita asosiy yo‘nalishni o‘z ichiga qamrab oladi:

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00625

1.Didaktik yondashuvlar. Bunda asosiy e’tibor o‘qituvchilar faoliyati, o‘quvchilarning bilish faoliyatlarini rivojlantirishga qaratilgan metodik vositalarning o‘rnini o‘rganishga qaratilgan.
2.Psixologik yondashuv. O‘quvchilar o‘zlarining psixologik-pedagogik xususiyatlarini hisobga olgan holda bilish faoliyatidan foydalanadilar. Bilish jarayonining barcha darajalarini tahlil qilishdan ko‘zda tutilgan maqsad – uning turlarini aniqlashdan iboratdir. CHunki bilish turlari ta’lim jarayonida o‘quvchilarning o‘zlashtirish usuli sifatida namoyon bo‘lishi lozim. SHu bois, bilish faoliyatini o‘zlashtirishning turlarini aniqlashni o‘z oldimizga maqsad qilib qo‘yganmiz. O‘quvchining bilish faoliyati muayyan ko‘rinishlar, shakllar, vositalar, usullar, yo‘llar, metodlar yordamida amalga oshiriladi. SHunga ko‘ra, quyidagilarni ta’kidlash mumkin:
1.Tabiiy sharoitdagi maktab amaliyotida bilish faoliyatini turli-tuman ko‘rinishlarda vujudga keltirish.
2.O‘quvchi bilish faoliyatining hosil bo‘lish turlari, ko‘rinishlari, usullari, shakllari, metodlariga ega bo‘lishi.
3.O‘qituvchilar bilish faoliyati turlarining yagona tasnifi mavjud emas.

Bilish faoliyatini rivojlantirishga yo‘naltirilgan o‘quv jarayonlari loyihalashtirilganda umumlashgan bilish ko‘nikmalari o‘z-o‘zidan vujudga kelmaydi. CHunki mazkur jarayonda maqsadga yo‘naltirilgan maxsus o‘quv vaziyatlari amalga oshadi. SHu bilan bir qatorda, o‘quvchilarni umumlashgan ko‘nikmalarni egallashga tayyorlashning muhim tarkibiy qismi ularda xususiy xarakterdagi o‘quv-biluv ko‘nikmalarini shakllantirishdan iborat.

O‘quvchining bilish faoliyatini rivojlantirishda o‘quv vaziyatlari o‘ziga xos didaktik ahamiyat kasb etadi. O‘quv faoliyati shunday vositaki, uning yordamida o‘quvchi o‘quv predmeti mazmunini o‘zlashtirishga intiladi. O‘quvchi faoliyati o‘quv predmeti mazmunini o‘zlashtirishga yo‘naltiriladi. Ma’lumki, o‘qituvchi o‘quvchi faoliyatini boshqarish holatini vujudga keltiradi. Bu jarayon o‘quvchi o‘z faoliyatini mustaqil boshqarish imkoniyatiga ega bo‘lgunga qadar uzluksiz tarzda davom etadi. Bu jarayonda o‘qituvchining vazifasi o‘quvchining mayllarini hisobga olish, rejalashtirish, uning faoliyatini nazorat qilish va tuzatishdir.

O‘rganish o‘quvchida o‘z xatti-harakatiga ishonch tug‘diradi. Mazkur ishonchni egallash boshlang‘ich ta’lim jarayonida amalga oshiriladi. Bunga o‘quvchining bilish faoliyatini rivojlantirish orqali erishiladi.
Bugungi kunga kelib aksariyat o‘quvchilar o‘z bilim zahiralarini kengaytirishga

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00625

intilmayotganiga guvoh bo‘lishi mumkin. Ular darslarda faol ishtirok etmaydilar, o‘quv jarayonidan tashqaridagi erkin faoliyatiga ko‘proq qiziqadilar. Buning sabablarini izlash va bartaraf etish pedagogikaning ustuvor masalalaridandir. O‘quvchilar maktabga borar ekanlar, o‘qituvchilar va sinfdoshlarining mehr-muhabbati, e’tiborini qozonishiga harakat qiladilar.

Muammoning echimi uzluksiz ta’limning o‘ta muhim masalalaridan biridir. Bugungi kunda “o‘quvchi nima uchun sinfdan-sinfga o‘tgan sari o‘qishga bo‘lgan qiziqishni yo‘qotadi?”, “Bunga kim aybdor, o‘qituvchimi yoki o‘qitish metodlarimi?”, “O‘quvchining bilish jarayoniga bo‘lgan qiziqishini uyg‘otishda o‘qituvchi qanday o‘rin egallaydi?”, “O‘qituvchi qanday qilib, nima yordamida o‘quvchilarda o‘quv-biluv jarayoniga bo‘lgan qiziqishni oshira oladi, bunda qanday vositalardan foydalanish kerak?” kabi savollar o‘z echimini kutmoqda.

Pedagoglarning e’tirof etishlaricha, o‘quvchining muvaffaqiyatlari uning o‘quv-biluv faoliyatiga bo‘lgan qiziqishini oshiradi. O‘qishga bo‘lgan qiziqish o‘quvchilarda bilimlarni muvaffaqiyatli o‘zlashtirshdan ruhlangandagina vujudga keladi. O‘quvchi mehnati jarayonida quvonchini his qilsa, qiyinchiliklarni bartaraf etganligidan faxrlansa, o‘quv jarayoniga alohida qiziqish bilan qaray boshlaydi. SHuning uchun ham o‘qituvchi o‘quvchilarga o‘quv mehnatidan quvonish vaziyatini yaratishi kerak. O‘quvchilar qalbida g‘urur va o‘z muvaffaqiyatlariga loyiqlik hissini tarkib toptirish lozim. Muvaffaqiyat har bir o‘quvchi erisha olishi uchun qulay bo‘lgan o‘quv vaziyatini vujudga keltirish orqali ta’minlanadi. Mutaxassislar o‘quv vaziyatida o‘quvchining bilish ehtiyojlarini qondirish uning rivojlanishida muhim o‘rin egallashini ta’kidlab kelmoqdalar. Agar o‘quvchiga o‘quv vaziyatida muvaffaqiyat qozonish imkoniyati berilsa, u hayotda ham to‘g‘ri yo‘l tanlay oladi.

## XULOSA VA TAKLIFLAR

Xulosa qilib aytganda, o‘quv vaziyatini vujudga keltirish o‘quvchining bilish faoliyatini rivojlantirish uchun keng imkoniyatlar yaratishini har tomonlama asoslashga harakat qilmoqdalar. Agar o‘quvchi bilishga intilsa, bilim olishga ehtiyoj sezsa, ularda sog‘lom mayllar va qiziqishlar hosil bo‘ladi va ular bilish jarayonida muvaffaqiyat qozonadilar.

## REFERENCES

1. Maxmudov, Q. S. O. G. L., Shayxislamov, N. Z. O. G. L., & Jo, B. B. O. G. L. (2020). O ‘zbek va xorijiy tillarda antonimlar tavsifi, o ‘rni va ularnig turli jihatdan tasniflanishi. *Science and Education*, *1*(Special Issue 3).

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00625

2. Juraboyev, B. B. (2020). Nemis tilini o'qitishda kommunikativ yondashuv. *Science and Education*, *7*(7), 215-220.
3. Joraboyev, B. B. O. (2021). Using authentic materials on english lessons. *Academic research in educational sciences*, *2*(2).
4. Joraboyev, B. (2020). Nemis tilida juft otlar va ularning o´ zbek tilida ifodalanishi. *Science and Education*, *1*(Special Issue 4).
5. Журабоев, Б. (2020). Мотивированные люди для удовлетворения своих собственных потребностей. *Academic research in educational sciences*, (3).
6. Juraboyev, B. B. U. (2021). Problems and solutions for online teaching and learning of foreign languages. *Academic research in educational sciences*, *2*(Special Issue 2).
7. Samarova, S. (2018). Forming Creative Vision of Person as Universal Method Enhancing Creativity. *Eastern European Scientific Journal*, (6).
8. Samarova, S. R. (2019). Methods and technologies for the development of creative thinking of pupils. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, *7*(10), 37-43.
9. Samarova, S. R., & Mirzayeva, M. M. (2020). The problem of the formation of creative abilities of students in foreign psychology. *An International Multidisciplinary Research Journal*, *10*(5), 1937-1943.
10. Рахманова, М. К. (2019). Ёшларнинг маънавий тарбиясида қадимги Ўрта Осиё маънавий-маданий меросининг аҳамияти. *"Глобаллашув шароитида ватанпарварлик тарбиясининг маънавий-маърифий технологиялари" республика илмий-амалий конференцияси*, 206-209.
11. Рахманова, М. К. (2019). Изучение стратегии обучения. *Приориоритетные векторы развития промышленности и сельскогохозяйства материалы II международной научно-практической конференции*, *7*, 95-101.
12. Рахманова, М. К. (2019). Талабаларда ижтимоий фаолликни ривожлантиришнинг назарий методологик асослари. *Халқ таълими*, (1), 24-29.
13. Рахманова, М. К. (2019). Таълим технологиялари орқали касб танлашда онгли муносабатни шакллантириш. *Халқаро илмий-амалий конференцияси*, 323-326.
14. Рахманова, М. Қ. (2020). Таълим жараёнида ўқув мунозараларини ташкил этишда ўқитувчининг педагогик маҳорати, ижодкорлиги ва фаоллиги. *"Oriental Art and Culture" Scientific-Methodical Journal*, *4*(4), 68-73.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00625

15. Rajabova, I. T. (2020). Лингводидактические аспекты глаголов, выражающие перемещения, на уроках русского языка с учащимися с узбекским языком обучения. *Academic research in educational sciences*, (4).
16. Абдуллаевна, Ш. К., & Фагимовна, Ш. Н. (2020). Нетрадиционные методы обучения русского языка и литературы. *Суз санъати,(3)*.
17. Shokarimova, K. A. (2020). Pedagogik qobiliyat va pedagogik mahoratning talimtarbiya berishdagi ahamiyati. *Science and Education*, *1*(Special Issue 2).
18. Shokarimova, K. A. (2021). The way of improving reading and writing skills during the lessons. *Academic research in educational sciences*, *2*(2).
19. Ражапова, И. Т. (2019). Методика обучения видам русского глаголав. Илм сарчашмалари.
20. Davletshin M.G., Mavlonov M.M, To`ychieva S.M. “YOsh va pedagogik psixologiya” T. TDPU, 2009 .
21. Safaev N.S., Mirashirova N.A., Odilova N.G. “Umumiy psixologiya nazariyasi va amaliyoti”:– T.: Nizomiy nomidagi TDPU, 2013.
22. Safarova. R. Istiqboldagi ta’lim mazmunini modernizatsiyalashning didaktik asoslari.– T.: “Fan”, 2009.
23. Sukerman G.A., Masterov B.M.Psixologiya samorazvitiya. – Moskva: Interpraks, 1995.C. 288.
24. Zankov.L.V. Didaktika i jizn. – M.: Prosveщenie, 1994.C. 420.
25. Nemov R.S. Psixologiya: Uchebnik dlya stud. Vuzov., Kn. 1.: 688 s. 8-12 b.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00626

# MAKTABGACHA TARBIYA YOSHIDAGI BOLALARNI MAKTABGA TAYYORLASHDA AQLIY TARBIYANING ROLI

**M. Q. Raxmanova**
Chirchiq davlat pedagogika instituti p.f.f.d(PhD)

**U. A. Ismadiyarova**
Chirchiq davlat pedagogika instituti magistranti
lazizbek_9400@mail.ru

## ANNOTATSIYA

Mazkur maqolada maktabgacha yoshdagi bolalarning har tamonlama etuk shaxs qilib tarbiyalashda aqliy tarbiyaning o‘rni haqida so‘z yuritilgan. Muallif bolalarning aqliy rivojlanishida bilish jarayonlarining muhim ahamiyatini ko‘rsatib o‘tgan.

**Kalit so‘zlar:** aql, sezgi, idrok, tafakkur, xayolni bilish jarayonlari o‘quvchi, xotira mashqi, mutaxassis, aqliy rivojlanish.

# ROLE OF MENTAL EDUCATION IN PREPARING CHILDREN OF PRESCHOOL EDUCATION FOR SCHOOL

## ABSTRACT

The article examines the role of mental education in the upbringing of preschoolers as full-fledged adults. The author emphasizes the importance of cognitive processes in the mental development of children

**Keywords**: mind, intuition, perception, contemplation, imagination, cognitive processes, development, memory, development of the intellect

## KIRISH

Maktabgacha ta’lim va tarbiya — bolalarga ta’lim va tarbiya berishga, ularni intellektual, ma’naviy-axloqiy, etik, estetik va jismoniy jihatdan rivojlantirishga, shuningdek bolalarni umumiy o‘rta ta’limga tayyorlashga qaratilgan uzluksiz ta’lim turi deb ko‘rsatib o‘tilgan, Maktabgacha ta’lim va tarbiya to‘g‘risida O‘zbekiston Respublikasining qonuni Qonunchilik palatasi tomonidan 2019 yil 22 oktyabrda qabul qilingan Senat tomonidan 2019 yil 14 dekabrda ma’qullangan 3-modda 5 bandida.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00626

YOsh avlodni har tamonlama etuk shaxs qilib tarbiyalash jamiyat ehtiyojlaridan kelib chiqadigan ob'ektiv zaruratdir. Aqliy tarbiya ijtimoiy tarbiyaning eng muhim jihatlaridan biri. Aqliy tarbiya bu aqlni rivojlantirish maqsadida yosh avlodga muntazam va maqsad asosida pedagogikva psixologik ta'sir ko'rsatishdir. Demak, aql keng ma'noda sezish va idrok etishdan boshlab to tafakkur va xayolni o'z ichiga oladigan bilish jarayonlari yig'indisi bo'lib, u yosh avlodning insoniyat to'plagan bilimlar, ko'nikma va malakalar, me'yorlar, qoidalar va boshqalarda ro'y beradi. Bu holat kattalar tomonidan amalga oshiriladi va bolalarning aqliy rivojlanishini ta'minlovchi xilma-xil vositalar, metodlarni, kerakli shart-sharoitlarni yaratishni o'z ichiga oladi.

## ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Ta'lim-tarbiya ishlarining takomillashib borishida SHarq va G'arbning qomusiy olim va pedagoglarining o'rni kattadir. Markaziy Osiyolik mashhur allomalar: Muhammad al-Xorazmiy, Abu Nasr Forobiy, Abu Rayhon Beruniy, Abu Ali ibn Sino, Yusuf Xos Hojib, Kaykovus, Alisher Navoiy, Ahmad Donish, Furqat, Abdulla Avloniy kabi jahon tan olgan mutafakkirlar o'zlarining qator asarlarida ta'lim-tarbiyaga kata e'tibor bilan qaraganlar. Faylasuf olim Forobiy o'zining «Fozil shahar kishilarining qarashlari» asarida tarbiya orqali' insonga beriladigan 12 fazilatni sharhlab beradi.

Abdulla Avloniy esa tarbiya haqida g'oyat ibratli fikrlarni bildiradi. «Pedagogika — Abdulla Avloniyning yozishicha, — bola tarbiyasining fani, demakdir ». «Dars ila tarbiya ikkisi jon ila tan kabidir», «Dars oluvchi—biluvchi, tarbiya oluvchi—amal qiluvchidir». Bu erda pedagogika faniga qisqa va lo'nda ta'rif berib, ta'lim bilan tarbiyani esa jon bilan tanga o'xshatib, ularni bir-biridan ajratib tushunish mumkin emasligini yorqin ifodalab bergan. Avloniyning ta'kidlashicha, tarbiyani yoshlikdan berish nihoyatda zarur. Bolaga avvalo, kichik yoshdan boshlab, ota-ona tarbiya beradi, keyin tarbiya bilan butun jamoatchilik shug'ullanadi, chunki bunda inson taqdiri hal etiladi deydi.

Bu sohada Sharq va G'arb xalqlari yaratgan og'zaki ijodiyot, buyuk mutafakkir, pedagog va olimlarning
ta'lim-tarbiyaga doyr ilg'or fikrlarini o'rganib, tahlil qilib, barkamol insonni tarbiyalash jarayonini o'rganish biz uchun juda qimmatlidir:
— ta'lim-tarbiya to'g'risidagi qonun-qoida tamoyil, metod va usullarni bolalar bog'chalari amaliy hayoti bilan bog'lab, bo'lajak tarbiyachi — o'qituvchilarga o'rgatish

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00626

hamda xalq ta’limini boshqarish va rahbarlik masalalarini chuqur o‘rganib, bo‘lajak tarbiyachilarni qanday tayyorlash muammolarini hal qilish;

— maktabgacha tarbiya muassasalarida oila bilan uzviy hamkorlikda bolalarni har tomonlama rivojlantirish ishini amalga oshirish.

Bunday vazifalarda tadqiq etish:

— birinchidan, bolalar sog‘lig‘ini saqlaydi va mustahkamlaydi, jismoniy rivojlanishini ta’minlaydi;

— ikkinchidan, ilmga qiziqish va qobiliyatlarini rivojl antiradi;

— uchinchidan, Vatanga, tabiatga, jonajon o‘lkaga muhabbat, kattalarga hurmatni, o‘rtoqlik va jamoatchilik, xayrixohlik, xulq madaniyati, mustaqillik, uyushqoqlik va intizom, mehnatsevarlik kabi ijobiy fazilatlarni tarbiyalaydi;

— to‘rtinchidan, estetik tarbiyani amalga oshiradi.

Demak, bilish jarayonida esa bolaning ongi, his-tuyg‘ulari shakllanadi. Eng muhimi ijtimoiy hayot uchun zarur bo‘lgan va ijtimoiy munosabatlarga xizmat qiladigan xulqiy odatlar hosil bo‘ladi. Maktabgacha yoshdagi bolalarning, yosh va individual xususiyatlarini e’tiborga olgan holda ularning har tomonlama rivojlanishini ta’minlashga xizmat qiladi. Maktabgacha tarbiya muassasalari ham bolalarni har tomonlama tarbiyalaydi. Bola hayotidagi ilk yosh eng muhim davr bo‘lib, xuddi mana shu davrda bolaning jismoniy, axloqiy, mehnat, estetik rivojlanishiga poydevor bo‘ladi.

Maktabgacha yoshdagi bolalarni barkamol shaxs qilib tarbiyalashga qaratilgan, ta’lim-tarbiya borasida yaratilgan tajribalarga, nazariy va metodik manbalarga, O‘rta Osiyo va jahon tan olgan buyuk mutafakkir olimlarning asarlari va ta’lim-tarbiyaning umumiy qonuniyatlariga asoslanadi.

Maktabgacha tarbiya yoshidagi bolalarni aqliy tarbiyalash bolalarning fikrlash faoliyatini rivojlantirishga qaratilgan kattalarning ma’lum maqsad asosidagi ta’sir etishdir. U bolalarga tevarak-atrofdagi olam haqida bilimlar berishni, ularni tizimlashtirishni, bolalarda bilishga qiziqish uyg‘otish, aqliy malaka va ko‘nikmalarni tarkib toptirishni, bilim qobiliyatlarini rivojlantirishni o‘z ichiga oladi. Maktabgacha tarbiya yoshidagi bolalarni maktabga tayyorlashda aqliy tarbiyaning roli, ayniqsa, kattadir. Chunki aql his-tuyg‘ular va idrok etishdan tortib, fikrlash va tasavvur etishgacha bo‘lgan jarayonlar yig‘indisidir.

Aqliy rivojlanish fikrning kengligida voqealarni har xil bog‘lanishlarda, munosabatlarda ko‘ra bilish, umumiylashtirish qobiliyatida namoyon buladi. Maktabgacha tarbiya yoshidagi bolalarning aqliy rivojlanishi faoliyat jarayonida,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00626

dastlab muomalada bo‘lish, narsalar bilan bajariladigan faoliyat natijasida, keyin esa o‘quv, mehnat, samarali faoliyatlar:

rasm chizish, loy va plastilindan buyumlar yasash, applikatsiya, qurish - yasash jarayonida amalga oshirib boriladi. Bolaning aqliy rivojlanishga ta’lim va tarbiya samarali ta’sir ko‘rsatadi.

Maktabgacha tarbiya yoshidagi bolalarga aqliy tarbiya berishni to‘g‘ri tashkil etish uchun ularning aqliy rivojlanish qonuniyatlari va imkoniyatlarini bilish kerak. Aqliy tarbiyaning vazifasi uning mazmuni, metodi va tashkil etilishiga qarab belgilanadi. Pedagogika va psixologiya fani aqliy tarbiya berish vazifalarini samarali hal etishda, bir tomondan, bolaning imkoniyatlaridan unumli foydalanish, ikkinchi tomondan, bola organizmning umumiy charchashiga sabab bo‘lishi mumkin bo‘lgan ortiqcha toliqtirish bo‘lmasligi yo‘llarini topish uchun maktabgacha tarbiya yoshidagi bolalarning aqliy rivojlanishi qonuniyatlari va imkoniyatlarini o‘rganish bilan shug‘ullanadi.

Keyingi yillarda olib borilgan psixologik- pedagogik tadqiqotlarning natijalari maktabgacha tarbiya yoshi davrida bolalarning aqliy rivojlanishida juda katta imkoniyatlar mavjudligini ko‘rsatdi. Bularning hammasi maktabgacha tarbiya yoshidagi bolalarga beriladigan bilim malaka va ko‘nikmalar mazmunini yanada chuqurlashtirish, hajmini kengaytirish maqsadga muvofiq ekanligidan dalolatdir.

Maktabgacha tarbiya yoshining oxiriga kelib, bolalar tevarak-atrof to‘g‘risida kattagina hajmdagi eng oddiy bilim va tushunchalarga ega bo‘ladilar, asosiy fikrlash jarayonlarini egallab oladilar. Faqat yaxshi tashkil etilgan faoliyat jarayonidagina to‘laqonli aqliy rivojlanish ro‘y beradi, shuning uchun o‘qituvchi va tarbiyachilarning asosiy vazifasi — bolaga muayyan maqsadni ko‘zlab tarbiyaviy ta’sir ko‘rsatish uchun kerakli sharoit yaratishdir. Bola har doim buyumlar hamda hodisalar orasida bo‘ladi. Bola doimo biror narsa bilan tanishadi, nimanidir bilib oladi, ushlab ko‘radi, hidlaydi, tortib ko‘radi, nimagadir quloq soladi. SHu tariqa asta-sekin dunyoni bilib boradi. Tevarak-atrofdagi buyumlar, tabiat bolaning sezgi organlari — analizatorlariga ta’sir etadi va sezgi hosil qiladi. Sezgi bolalarga buyumlarning ayrim xossalarini: sovuq-issiq, gadir-budur, silliq-yaltiroq, xushbo‘y va h.k. ni bilim olishga yordam beradi. Sezgi atrofdagi muhitni bilishning dastlabki bosqichi sanaladi. Bola sezgi tufayligina tevarak-atrofdagi narsalar to‘g‘risida bilim, tajriba to‘plab boradi. Idrok esa ancha murakkab jarayon bo‘lib, sezgilar asosida hosil bo‘ladi. Bola olmani qo‘lida ushlab ko‘rib, qarab chiqib va eb ko‘rib, uni yaxlit bir buyum, ayni bir vaqtda dumaloq, qizargan, xushbo‘y, mazali va h.k. tarzda idrok qiladi. Bola olmani yaxlit bir buyum tarzida tasavvur qilishi uchun birdaniga bir nechta analizator:

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00626

ko‘rish, sezish va hid bilish analizatorlaridan foydalanadi.

Analizatorlar bir vaqtning o‘zida birdaniga ishlashi buyumning xossasi va belgilarini aniqroq hamda to‘laroq bilish imkonini beradi. SHuning uchun katta yoshdagi kishilar bolani ilk yoshlik chog‘idan boshlaboq aqliy jihatdan to‘g‘ri tarbiyalash maqsadida buyumlarni ko‘proq analizatorlar yordamida idrok qilishga imkon tug‘dirishlari, analizatorlarning rivojlanishiga, ya’ni bolaning sensor madaniyatiga alohida e’tibor berishlari kerak.

Bolada nutq paydo bo‘lishidan ancha oldin (bola bir yoshga to‘la boshlaganda birinchi bor gapira boshlaydi) u tevarak-atrofdagi odamlar va buyumlar dunyosini kata yoshdagi kishilar yordamida bilib oladi. Bola 3 yoshga to‘lganda uning so‘z zaxirasi 1200—1500 taga etadi. Bola katta yoshdagi kishilar unga nima haqida gapirayotganlarini yaxshi tushunadi. Bu katga yoshdagi kishilar nutqidan har tomonlama tarbiyalashning kuchli vositasi tarzida foydalanish imkoniyatini beradi. Bolalarning aqliy jihatdan o‘sishida xotira katga ahamiyatga ega.

Bola tug‘ilganda hech narsani bilmaydi va hech narsa qilolmaydi. U rivojlanishning birmuncha yuqoriroq darajasiga ko‘tarilib biror bir foydali ish uchun ko‘pgina bilim va malakalarini eslab qolishi kerak.

Maktabgacha tarbiya yoshidagi bolalarning xotirasi ko‘pincha beixtiyor tarzda bo‘ladi. SHuningdek, maktabgacha tarbiya yoshidagi bolalarning aqliy rivojlanishida xayol muhim rol o‘ynaydi. Xayol bolaning hayoti jarayonida, uning faoliyatida ta’lim va tarbiya ta’sirida tarkib topadi. Bolaning xayoli u syujetli o‘yinlar o‘ynay boshlaganida, kattalar qiziqarli ertaklar aytib berganida, o‘sha ertaklarga qiziqish orqali dastlabki alomatlari paydo bo‘ladi. Ammo boladagi xayol ko‘proq aniq vaziyatga bog‘liq bo‘ladi (masalan, qo‘g‘irchoq ko‘rinib qolsa, uni uxlatadi, mashina bo‘lsa, biror narsani tashiydi va h.k.).

Katta bog‘cha yoshiga kelganda, bolaning tajribasi ortib, faoliyati murakkablashadi va buning natijasida bola xayolida sezilarli o‘zgarish yuz beradi.

Maktabgacha tarbiya yoshdagi bolalarni aqliy tarbiyalash vazifalarini jamiyatimizning ijtimoiy talablariga va insonning aqliy rivojlanish mohiyati va tabiatiga asoslanib ishlab chiqadi. Aqliy tarbiyaning asosiy vazifalari:

1. Bolalarda tabiat va jamiyat to‘g‘risidagi bilimlar tizimini, ilmiy dunyoqarashni shakllantirish.
2. Aqliy faoliyat, bilish jarayonlari va qobiliyatlarni, aqliy jarayonning xilma-xil usullarini rivojlantirish.
3. Mustaqil bilish qobiliyatlarini, aqliy mehnat madaniyatini rivojlantirish.
4. Aqliy bilim, ko‘nikma va malakalarini rivojlantirish.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00626

Bilimni tasavvurlar va tushunchalar, qoidalar, qonuniyatlar, sistemalar shaklidagi turli fanlarning mazmuni tashkil etadi.

Aqliy tarbiyaning vazifasi bolalarda voqea va hodisalarni to‘la aks ettiradigan yuksak darajadagi umumlashtirilgan bilimlar tizimini shakllantirishdan iboratdir. Bilim dunyoqarashning asosini tashkil etadi. Demak, bola tevarak-atrofdagi narsalar, ularning vazifasi sifati va xossalari (sinadi, pachoq bo‘ladi, yirtiladi, to‘kiladi) haqida, qaysi materialdan tayyorlanganligi to‘g‘risida aniq tasavvurga ega bo‘ladi. U tabiat hodisalari, ularning o‘zaro bog‘liqligi va qonuniyatlari (yil fasllarining o‘ziga xos belgilari, ular o‘rtasidagi bog‘lanishlar, hayvonlar, ularning hayoti va yashash tarzining tashkil qilinishiga, xulqiga, yashash sharoitiga mosligi va h.k.) ni bilib oladilar.

Jonsiz tabiat, o‘simliklar, hasharot va hayvonlarni kuzatishi jarayonida tarbiyachi bolalarda borliq to‘g‘risidagi materialistik tasavvurlarni shakllantirib boradi. Bilimlarni egallab borish natijasida bolaning shaxsi ham shakllanib boradi. Bola san’atning har xil turlari to‘g‘risidagi tasavvur va tushunchalarni egallab oladi.

## MUHOKAMA VA NATIJALAR

Bilim insonning mehnatga munosabatini shakllantiradi. Aqliy faoliyatni rivojlantirish bilim hajmi va xususiyatiga bog‘liq. Aqliy faoliyatni ivojlantirish esa psixik jarayonlarni sezgi va idrok etish, taassurot, xotira, fikrlash, tasavvur va nutqni shakllantirishni ham bildiradi. Bunda ularga aqliy faoliyatning g‘oyat samaradorligini ta’minlaydigan his-tuyg‘ular nozikligi va aniqligi, idrok etishning sobitqadamligi va to‘laqonli, esda qolishning mustahkamligi hamda ongligi, tafakkur mantiqi va uning moslashuvchanligi, ijodiy xususiyat va mustaqillikka xos bo‘lishi kerak.

Maktabgacha tarbiya yoshidagi bolalar o‘zlariga tushunarli bo‘lgan ijtimoiy voqea va hodisalar, kishilarning mehnati, umumxalq bayramlari, respublikamizda yashaydigan ba’zi xalqlar hayoti bilan tanishtiriladi. Bu tadbirlar ularda jamiyatimiz ijtimoiy hayotiga qiziqish uyg‘otish, Vatanga muhabbat tuyg‘usi va baynalmilalchilik asoslarini shakllantirishga yordam beradi.

Aqliy ta’lim — maktabgacha tarbiya yoshidagi bolalarning bilish qobiliyatini muntazam va rejali ravishda rivojlantirib borish, bolalar bog‘chasi dasturida belgilangan eng oddiy bilimlar tizimi bilan qurollantirish, malaka va ko‘nikmalarni shakllantirishdan iborat.

Maktabgacha tarbiya yoshidagi bolalarda aqliy tarbiya berishda ta’lim etakchi rol o‘ynaydi. CHunki ta’lim jarayonida aqliy tarbiyaga doir hamma masalalar hal etiladi. Ta’lim bolalarga izchillik bilan bilim berishni, bu bilimlarni aniqlash va

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00626

tizimlashtirish, bilish jarayonlari, tafakkur faolligini rivojlantirishni nazarda tutadi. Ta'lim kuzatuvchanlik, qiziquvchanlik va sinchkovlik, ziyraklik, tanqidiylik kabi sifatlarni rivojlantirishga yordam beradi.

Ta'lim jarayonida bolalarda o'quv faoliyati asoslari hosil qilinadi, maktabda muvaffaqiyatli o'qishi uchun muhim shart-sharoitlar yaratiladi. Hayot ta'limning ikki xil yo'l bilan amalga oshirilishini taqozo etmokda.

Birinchi yo'l — bolalarning bilim, malaka ko'nikmalarini kattalar bilan o'zaro munosabatda bo'lish orqali egallab borishidir. Bu muomala, mehnat faoliyati va shu kabilar bilan belgilanadi. Ammo bu yo'l bilan egallagan bilim va malakalar bolaga hayotning turli sohalarida mustaqil qatnashish uchun imkoniyat yaratmaydi.

Ta'limning ikkinchi yo'li — maxsus tayyorgarligi bor kishilarning maxsus o'quv muassasalarida bolalarni kerakli bilim, malaka va ko'nikmalar bilan rejali ravishda qurollantirib borishidir. Bunday yo'l bilan ta'lim berishdan maqsad yosh avlodni zamonaviy ishlab chiqarish, jamiyatning ijtimoiy-siyosiy, madaniy hayotida faol qatnashish uchun zarur bo'lgan fan yutuqlari bilan tanishtirishdir.

Barcha olimu fozillar, shoiru yozuvchilar o'z davrining nufuzli ta'lim maskanlarida o'qish bilan hurmat- e'tibor topganlar. Abu Nasr Forobiy, Mahmud Qoshg'ariy, Abu Rayhon Beruniy, Abdurahmon Jomiy, Mirzo Ulug'bek, Alisher Navoiy, Ibn Sino, Abu Abdulloh Rudakiy, Abu Saidrasul Aziziy, Muhammad SHarif So'fizoda, Abdulqodir SHokiriy, Abdulla Avloniy va boshqalar mukammal ilm egallash orqali fanning barcha sohalarida buyuk kashfiyotlar va yangiliklar yaratganlar, shu bilan birga boshqalarni ham ilm egallashga chaqirganlar. Maktabgacha tarbiya yoshidagi bolalarga ta'lim berish tizimi pedagogikada ilk bor chex pedagogi Yan Amos Komenskiy (1592—1670) tomonidan yaratilgan.

Ya.A. Komenskiy 6 yoshgacha bo'lgan bolalarga ta'lim va tarbiya berish mumkinligini ko'rsatib berdi. YA.A. Komenskiy 19 bo'limdan iborat maktabgacha ta'lim dasturini tuzdi. Masalan, u tabiatshunoslik (fizika) suv, er, havo, olov, yomg'ir, qor, muz, tosh, o't, qum va boshqalar haqida bilim berish lozimligini, astrnomiya, geografiya, optika va boshqa sohalarda bolalarga bilim berish kerakligini asoslab berdi. Bolalar bog'chasida beriladigan ta'lim bolalarning maktabda oladigan bilimlari bilan uzviy bog'liq bo'lishi kerakligini ta'kidladi. U o'zining «Onalar maktabi» kitobida kichik bolalarni tarbiyalash va o'qitish dasturi hamda metodikasini juda sinchiklab ishlab chiqqan.

Shu bilan Ya.A. Komenskiy maktabgacha tarbiya pedagogikasining mustaqil fan sifatida shakllanishiga asos soddi. SHveysar pedagogi I.G. Pestalotssi (1746—1827) maktabgacha tarbiya didaktikasini tuzishda maktabgacha tarbiya yoshidagi

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00626

bolalarning rivojlantirish masalasiga katga e'tibor beradi. G. Pestalotssi tomonidan ishlab chiqilgan ta'limning asosiy mazmuni maktabgacha tarbiya pedagogikasining rivojlanishda va bolalarga keyinchalik makgabda sistemali ta'lim berishda asosiy dastur bo'lib xizmat qildi. Hozirgi zamon maktabgacha ta'lim nazariyasini yaratishda A.P.Usovaning xizmatlari katta ahamiyat kasb etadi.

## XULOSA VA TAVSUYALAR

Demak, kattalar mehnati va tabiatni kuzatish bolalarda estetik qislarni, shakllantirishga yordamlashadi, ijodiy faoliyat uchun material beradi.

Katta yoshdagi bog'cha bolalariga har bir bayram va tantananing ahamiyatini ularning yoshlariga mos holda tushuntirishadi. Bu o'rinda tarbiyachining vazifasi — bolalarning hissiyotlarga ta'sir etib, ularda o'z xalqidan hamda uning qadriyatlaridan g'ururlanish hissini shakllantirishdan iboratdir. SHunday qilib, bog'cha bolalarini tabiat, hozirgi davr voqealari bilan tanishtirish orqali ularning aqliy qobiliyati, axloqiy va estetik hislari shakllanib boradi**.**

## REFERENCES

1. Maxmudov, Q. S. O. G. L., Shayxislamov, N. Z. O. G. L., & Jo, B. B. O. G. L. (2020). O 'zbek va xorijiy tillarda antonimlar tavsifi, o 'rni va ularnig turli jihatdan tasniflanishi. *Science and Education*, *1*(Special Issue 3).
2. Juraboyev, B. B. (2020). Nemis tilini o'qitishda kommunikativ yondashuv. *Science and Education*, *7*(7), 215-220.
3. Joraboyev, B. B. O. (2021). Using authentic materials on english lessons. *Academic research in educational sciences*, *2*(2).
4. Joraboyev, B. (2020). Nemis tilida juft otlar va ularning o′ zbek tilida ifodalanishi. *Science and Education*, *1*(Special Issue 4).
5. Журабоев, Б. (2020). Мотивированные люди для удовлетворения своих собственных потребностей. *Academic research in educational sciences*, (3).
6. Juraboyev, B. B. U. (2021). Problems and solutions for online teaching and learning of foreign languages. *Academic research in educational sciences*, *2*(Special Issue 2).
7. Samarova, S. (2018). Forming Creative Vision of Person as Universal Method Enhancing Creativity. *Eastern European Scientific Journal*, (6).
8. Samarova, S. R. (2019). Methods and technologies for the development of creative thinking of pupils. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, *7*(10), 37-43.
9. Samarova, S. R., & Mirzayeva, M. M. (2020). The problem of the formation of creative abilities of students in foreign psychology. *An International Multidisciplinary Research Journal*, *10*(5), 1937-1943.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00626

10. Рахманова, М. К. (2019). Ёшларнинг маънавий тарбиясида қадимги Ўрта Осиё маънавий-маданий меросининг аҳамияти. *“Глобаллашув шароитида ватанпарварлик тарбиясининг маънавий-маърифий технологиялари” республика илмий-амалий конференцияси*, 206-209.
11. Рахманова, М. К. (2019). Изучение стратегии обучения. *Приориоритетные векторы развития промышленности и сельскогохозяйства материалы II международной научно-практической конференции*, *7*, 95-101.
12. Рахманова, М. К. (2019). Талабаларда ижтимоий фаолликни ривожлантиришнинг назарий методологик асослари. *Халк таълими*, (1), 24-29.
13. Рахманова, М. К. (2019). Таълим технологиялари орқали касб танлашда онгли муносабатни шакллантириш. *Халқаро илмий-амалий конференцияси*, 323-326.
14. Рахманова, М. Қ. (2020). Таълим жараёнида ўқув мунозараларини ташкил этишда ўқитувчининг педагогик маҳорати, ижодкорлиги ва фаоллиги. *"Oriental Art and Culture" Scientific-Methodical Journal*, *4*(4), 68-73.
15. Rajabova, I. T. (2020). Лингводидактические аспекты глаголов, выражающие перемещения, на уроках русского языка с учащимися с узбекским языком обучения. *Academic research in educational sciences*, (4).
16. Абдуллаевна, Ш. К., & Фагимовна, Ш. Н. (2020). Нетрадиционные методы обучения русского языка и литературы. *Суз санъати,(3)*.
17. Shokarimova, K. A. (2020). Pedagogik qobiliyat va pedagogik mahoratning talimtarbiya berishdagi ahamiyati. *Science and Education*, *1*(Special Issue 2).
18. Shokarimova, K. A. (2021). The way of improving reading and writing skills during the lessons. *Academic research in educational sciences*, *2*(2).
19. Ражапова, И. Т. (2019). Методика обучения видам русского глаголав. Илм сарчашмалари.
20. Maktabgacha tarbiya pedagogikasi. P. YUsupova. —T., «O‘qituvchi». 1993.
21. R.A.Mavlonova, O.T.To‘raeva, U.M.Xoliqberdiev Pedagogika. — T., «O‘qituvchi». 2001.
22. A.Minavvarov Pedagogika. — T., «O‘qituvchi». 1996.
23. YU.P.Azlarov Bolalarni sevish san’ati. — T., 1992.
24. Z.Mirtursunov O‘zbek xalq pedagogikasi — T., 1973.
25. Muhammad Payg‘ambar qissasi. Hadislar. — T., 1991.
26. S.Rajabov Pedagogika fanining allomalari —T., 1991.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00627

# CHET TIL O'QITISH METODIKASIDA ZAMONAVIY METODLAR

**Zayniddin Sanaqulov**
Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti katta o'qituvchisi

**Baxromjon Jo'raboyev**
Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti talabasi

## ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada chet til o'qitish metodikasi haqida, uning fan sifatida rivojlanish tarixi, chet til o'qitish metodikasida qo'llanilayotgan zamonaviy metod turlari va ulardan foydalanish xususida so'z boradi.

**Kalit so'zlar:** metodika, innovatsiya, chet tili, kommunikatsiya, ko'nikma, malaka, didaktika, madaniyatlararo muloqot.

# MODERN METHODS IN FOREIGN LANGUAGE TEACHING METHODOLOGY

**Zayniddin Sanakulov**
Senior teacher of Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

**Bakhromjon Joraboyev**
Student of Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

## ABSTRACT

This article discusses the methodology of foreign language teaching, the history of its development as a science, the types of modern methods used in foreign language teaching methods and their use.

**Keywords:** methodology, innovation, foreign language, communication, skills, competencies, didactics, intercultural communication.

## KIRISH

Hozirgi davr ta'lim taraqqiyoti yangi yo'nalish innovatsion pedagogikani keltirib chiqardi. Innovatsion – inglizcha "yangilikni kiritish (tarqatish)" ma'nolarini anglatadi. Yangilik kiritishning ijtimoiy-psixologik aspekti Amerika tadqiqotchisi E.Rodjers tomonidan ishlab chiqilgan. U yangilik kiritish jarayoni

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00627

qatnashchilarining tasnifi, ularning yangilikka bo'lgan munosabati va boshqalarni o'rgangan. Ilmiy yo'nalishlarda yangilik va innovatsiya tushunchalari o'zaro farqalanadi. "Yangilik"- bu vosita, yangi metod, metodika, texnologiya ma'nosini anglatadi. "Innovatsiya"- bu ta'lim, ma'lum bosqichlari bo'yicha rivojlanadigan jarayon hisoblanadi. Jahon ilm-fan taraqqiyoti kundan kunga gurkirab, rivojlananib bormoqda. Aynan bu ijobiy rivojlanish bizning diyorimizga ham o'z ta'sirini o'tkazdi. Ilm dunyomizga ilg'or innovatsion texnologiyalar tatbiq etilmoqda. Buning ijrosi sifatida, Yurtboshimiz tomonidan joriy yilni "Yoshlarni qo'llab-quvvatlash va aholi salomatligi yili" deb nomlashi ham mamlakatimiz yoshlarinining ma'suliyatini yanada oshirdi. Ta'lim sohalariga ilg'or, zamonaviy innovatsion texnologiyalarning keng tatbiq etilishi ham chet til o'rganayotgan yoshlar uchun keng imkoniyatlar, marralar eshigini ochdi, desak xato bo'lmaydi.

## ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Til o'rganish kishilik jamiyatida bag'oyat muhim sohalardan biri hisoblanadi. Muloqot vositasi bo'lmish tilni tabiiy muhitda ya'ni oilada, jamoatchilik orasida yoki uyushgan holda amaliy egallash mumkin. Til hodisalariga oid bilimlar esa nazariy jihatdan o'rgatiladi. Xalqaro munosabatlar avj olgan zamonamizda tillarni bilish, ayniqsa ko'p tillilik ulkan ahamiyat kasb etadi. Mamlakatimizda tahsil oladigan o'quvchi va talabalar odatda uch tilni o'rganadilar. Ushbu tillar maxsus nomlar bilan yuritiladi. Bular quyidagilar: ona tili, ikkinchi til, va chet til. Ona tili tafakkur shakllanishida alohida xizmat o'taydigan birinchi til hisoblanadi. Ikkinchi til haqida so'z yuritilganda, unga boshqa millat vakillaridan iborat qardoshlar, qo'shnilar tili sifatida qaraladi.

**Chet til** – bu xorijiy mamlakat tilidir. Respublikamizda G'arbiy Yevropa (ingliz, ispan, nemis, faransuz) tillari va Sharq (arab, turk, fors, xitoy, hind) tillari o'qitilib kelinmoqda. Bu tillar ta'lim muassalarining o'quv rejalaridan o'rin olgan. Uchala tilni o'qitish jarayoni turlicha kechadi. Ona tili va ikkinchi til tabiiy vaziyatda, chet til esa sun'iy muhitda o'rganiladi. Chet tildagi muloqot, asosan, darsda muallim rahbarligida kechadi. Uchala til orasida chet tilni o'rganish va o'rgatish muayyan jihatlari bilan keskin farq qiladi. Bu esa, o'z navbatida, tegishli chet til o'qitish texnologiyasini qo'llashni taqozo etadi. Chet til muallimi metodika fani yutuqlarini puxta o'zlashtirish orqali o'quvchi-talabaning to'plagan til tajribasi me'yorini aniq bilishga va uni yanada takomillashtrishga erishadi. Chet tillarni samarali o'rgatish uning metodikasini bilishni taqozo etadi. Chet tillarni o'rganish va o'rgatish ko'p jihatdan chet til o'qitsih metodikasi masalalarini nazariy tomondan

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00627

ishlab chiqilishiga va nazariyaning amalda ijodiy qo'llanilishiga bog'liqdir.

***Metodikaning predmeti*** – chet til predmeti orqali ta'lim-tarbiya berish jarayoni va usullari, chet til o'rgatish ilmi, muallim va o'quvchi faoliyatini o'rganish metodikaning predmeti sanaladi.

Metodikaning asosiy tushunchalari – metod, usul, prinsip. Didaktika- nimani o'rgatamiz? o'qitish mazmuni hisoblanadi. Metodika – qanday o'rgatamiz? ta'lim usullari va metodlari demakdir. Metod – metodika tushunchasi grek-lotincha "metodos-"metodus" so'zidan olingan bo'lib, ma'lum maqsadga eltuvchi yo'llar, usul ma'nosini anglatadi. Turli adabiyotlarda atamaning tor va keng ma'nosini uchratish mumkin. "Metodika" atamasi tor ma'noda ta'limning konkret dars jarayoni bilan bog'liq tushunchani anglatadi. Mashg'ulotlarni rejalashtirish va o'quv materiallarini tayyorlash bilan bog'liq bo'lgan ko'rsatmalarni qamrab oluvchi boshqariladigan dars jarayoni sifatida talqin etiladi."Metod" atamasi keng ma'noda o'quv materialini tanlash, tabaqalash va taqsimlanishni nazarda tutadi. Germaniya Federativ Respublikasida 60-yillardan boshlab "didaktika" va "metodika" tor ma'noda qo'llanilib kelinmoqda. Shunga ko'ra didaktika ta'lim mazmuni nima o'rgatiladi? Metodika esa ta'lim usullari qanday o'rgatiladi? Masalalari bilan shug'ullanadi. Chet tillarini o'rganish faqat aqliy tarbiya vositasi emas, balki o'zga madaniyat ta'limiy boyliklari va qadriyatlari bilan tanishish va ularni o'z madaniy hayotiga tadbiq qilish orqali kishi shaxsining shakllanish jarayoni hisoblanadi. Yevropada chet tillarni o'rganish uzoq vaqt yuqori darajadagi ta'lim olishda imtiyoz sanaladi va jamoat maktablarida imtiyozga ega bo'lgan kishilarni tarbiyalash deb qaraladi.

Chet til o'qitish metodikasi fan sifatida 200 yildan ortiq tarixga ega. Bu davr ichida chet til o'qitish metodikasiga turlicha munosabatlar bildirilganini kuzatish mumkin. Bunday qarashlardan biri akademik L.V.Shcherbaga mansub hisoblanadi. Uning fikricha, har qanday fanni o'qitish metodikasi fan bo'lishiga qaramasdan, nazariy fan hisoblanmaydi. U amaliy masalalarni hal qiladi.Jumladan, chet til o'qitish metodikasi ham faqat psixologiya dalillariga tayanmaydi, balki umumiy va xususiy tilshunoslik tadqiqotlariga asoslanadi. Agar tilshunoslik til hodisalarining kelib chiqishi va harakatlanish qonuniyatlari bilan shug'ullansa, metodika bu qonuniyatlarga asoslanib zarur til hodisasidan amalda foydalanish uchun nima qilish kerak degan savolga javob beradi. Metodikaga oid kitoblarning eng qimmatlilari ham tilshunoslar tomonidan yozilgan. Bular jumladan XIX asr fonetistlaridan biri va buyuk ingliz tilshunosi G.Suit, XIX asr oxiri va XX asr boshida Angliyada eng original fonetist va nazariyotchi tilshunos hisoblangan O.Yesperson, XIX asrning

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00627

oxiri va XX asr boshlarida eng ko'zga ko'ringan fransuz lingvistlaridan F.Bryuns va Brealya, ko'zga ko'ringan anglist va taniqli fonetist V.Fiyotor va boshqalar kiradi. Rossiyada til o'qitish metodikasi masalasi bilan akademik L.V.Shcherba va uning ustozi buyuk tilshunos olim I.A.Boduen-de-Kurtone va ularning shogirdlari shug'ullanganlar. Chet til o'qitish metodikasiga psixologlar o'zgacha munosabatda bo'ldilar. Metodika va psixologiya fanlarning o'zaro munosabatlari haqida professor V.A.Artemov qimmatli fikr bildirgan. Uning fikricha, psixologiya metodika uchun material beradi. Metodika o'qituvchining qanday dars o'tishini o'rganadi. Psixologiya esa, o'quvchilarning bu predmetni qanday o'zlashtirib olayotganliklari bilan shug'ullanadi. Lekin, bu fikrga to'la qo'shilib bo'lmaydi. Chunki o'qituvchi dars berish jarayonida, o'quvchi esa o'zlashtirish davrida ma'lum ruhiy jarayon va holatlarni boshdan kechiradilar, ular xohlaydilarmi, yo'qmi psixologiyaning qonunlariga ro'baro bo'ladilar va ta'sirlanadilar.

Metodika tarixga oid adabiyotlarni chuqurroq o'rganish shuni ko'rsatadiki, ayrim tadqiqotchilar metodikani **san'at** deydilar. Ular odatda fransuz metodisti Penlash fikriga ishora qiladilar, ya'ni "yaxshi" yoki "yomon" metod yo'q "yaxshi" yoki "yomon" o'qituvchilar bor. Bunday fikrdagi kishilarga nemis metodisti E.Ottoning 1924-yilda bayon qilingan fikrlari bilan javob berishi mumkin. U jumladan shunday deydi: "Agar kimki metodikani san'at deb hisoblar ekan, u fan nazariyasini uning amalda qo'llanishi bilan qorishtirib yuboradi".

Har bir fanda o'z tushunchalar yig'indisi mavjud. Chet til o'qitish metodikasida qabul qilingan asosiy tushunchalar qatoriga quyidagilarni kiritish mumkin: ta'lim sistemasi, ta'lim metodi, ta'lim prinsipi, ta'lim vositasi, metodik usul.

***Chet til o'qitish metodi*** – deyilganda chet til o'rgatishning amaliy, umumta'limiy, tarbiyaviy va rivojlantiruvchi maqsadlariga erishuvni ta'minlovchi muallim va o'quvchi faoliyatining majmuasi tushuniladi. Metod atamasi "ta'lim usullari yig'indisi" va "ta'limning yo'nalishi" ma'nolarida qo'llanadi. Birinchisi ta'lim nazariyasida jarayon metodlar ma`nosida ishlatilsa,ikkinchi ma'noda uni o'qitish metodikasi tarixiga oid asarlarda uchratishimiz mumkin. Masalan, chet til o'qitishning tarjima metodi, tog'ri metod, ongli- qiyosiy metod, an'anaviy metod, intensiv metod va boshqalar hisoblanadi.

## MUHOKAMA VA NATIJALAR

Tabiat va jamiyat hodisalari o'zaro bog'langan va uzluksiz aloqada rivojlanadi. Fanlar obyektiv voqelikning inikosi ekanligi uchun ularning hech biri

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00627

boshqalaridan ajralgan holda mavjud emas. Hodisa va predmet ayni zamonda bir talay fanlarning tadqiqot manbai bo'la oladi, misol uchun, "til" ijtimoiy hodisasini o'z nuqtai nazaridan tilshunoslik (lingvistika), ruxshunoslik (psixologiya), ta'limshunoslik (didaktika) o'rganadi. "Chet til metodikasi" atamasi kishi ongida quyidagicha ya'ni *assotsatsiya* "bog'lanish" uyg'otadi: avvalambor, tilni o'rgatishga qaratilgan metod va metodik usullar yig'indisi tushuniladi yoki o'qitish metodlari haqidagi ilmiy bilimlar va nihoyat, mustaqil pedagogik fan ko'z oldimizga keladi. Chet til o'qitish metodikasi didaktika bilan uyg'un, o'zaro bog'langan holda rivojlanib kelgan. Barcha o'quv fanlarining o'qitish nazariyalari didaktika faniga asoslanishi, undan ilmiy ozuqa olishi shubhasiz barchamizga ma'lum. Chet til o'qitish ham didaktikaga asoslanadi. Didaktika ta'limining umumiy nazariyasi, metodika muayyan o'quv predmetini o'qitish ilmi, lingvodidaktika tillarni o'qitish umumiy nazariyasi, lingvometodika aniq bir tilni o'qitish ilmi sifatida qaraladi. "Metod" atamasi bilim, malaka, ko'nikmani egallash, o'quvchilarda dunyoqarashni shakllantirish va bilish imkoniyatlarini yaratish yo'lidagi o'qituvchi-pedagog va talabaning ish usuli ma'nolarini bildiradi. Ushbu tushuncha son –sanoqsiz ta'riflarga ega. Chet tillar o'qitilishida metodlarni tatbiq etish uzoq davrlardan boshlangan, prinsiplar esa nisbatan yangiroq metodik atamalardir. Tarixan metodlar to'rt guruhga birlashtirilib, ularning nomlariga "tarjima", "tog'ri", "qiyosiy", "aralash" deb atash qabul qilingan.

Metodlar tarixi atoqli metodist prof. I.V.Raxmanov tomonidan chuqur o'rganilgan. Tarjima metodi asosan ikki ko'rinishda bo'lib, grammatika-tarjima va matn-tarjima metodlari nomi bilan yuritiladi. Grammatika-tarjima metodi nuqtayi nazaridan chet til umumta'limiy maqsadda o'rganilgan. Grammatik mashqlar til o'rganuvchining mantiqiy tafakkurini o'stirish maqsadida bajarilgan. Grammatik bilimlarni bayon etish ta`limning asosiy maqsadi deb qabul qilingan. Bu metodning asosiy prinsiplari quyidagilar:

1. Til o'rganish yozma nutqqa asoslangan.
2. O'rganish predmeti qilib grammatika olingan, leksika ham unga tobe ravishda tanlangan. Grammatik mashqlar bajarish asosiy ish usuli bo'lgan.
3. Oldin, grammatik qoida yod olingan, so'ng esa qoidalar asosida gaplar tuzish tavsiya qilingan.
4. Grammatik shakl va so'zlarning ma'nosi so'zma-so'z tarjima vositasida ochib berilgan.
5. So'zma-so'z tarjima va quruq yodlash yo'li bilan til materiali o'zlashtirilgan.
6. So'zlarni kontekstdan tashqarida, yakka yodlash bilan chegaralanilgan.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00627

***Tarjimasiz metod***. Mazkur metodning turli ko'rinishlari tarixan ma'lum. Ularni ikki yirik guruhga ajratish mumkin: tabiiy va tog'ri metodlar. Tabiiy metodda chet tilni o'rganish ona tilini egallash sharoitiga monand bo'lishi kerak. Metodning bosh maqsadi chet tilida gapirishni o'rganish orqali o'qish va yozishni o'rganib olishga imkoniyat yaratiladi, degan g'oya amaliy maqsadtarzida shakllangan. Tabiiy metod tarkibiga kiritilgan prinsiplardan eng muhimi-til muhitini yaratishdir. Olg'a surilgan metodik prinsiplarni amalda qo'llash bobida turli yondashuvlar paydo bo'lgan. Metod namoyondalarining ijodiy faoliyatida buni yaqqol sezish mumkin.

Chet til ta'limidan ko'zlangan maqsadning yangicha talqinida, asosan, pragmatik tilshunoslik tadqiqotlari natijalariga tayanildi.Tilshunoslikningbu sohasi tilni tilga oid shakl tizimi emas, balki inson faoliyati sohasi deb talqin qiladi. Chet til ta'lim sohasida 70-yillarning boshidan beri to'plana boshlangan yangi xulosalar majmui ta'lim maqsadini belgilash sohasida qizg'in munozaralariga olib keldi. Chet til ta'limining asosiy yo'nalishlarini belgilovchi maqsadi o'quvchilarga "muomala qilishni o'rgatish", "Befaeigung zur Kommunikatsion" (kommunikative Kompetenz) bo'lgan yangi o'quv rejalari qabul qilindi. 70-yillarda "kommunikativ metod" bir qator urinishlardan so'ng bir necha bosqichda o'z isbotini topdi. Shunday asnoda metodika fani rivojlanib bordi. Hech qaysi chet tilni biz uning metodikasini chuqur o'rganmasdan egallay olmaymiz. Chet til o'qitish metodikasida "kommunikativ didaktika" metodi ham ahamiyatga molik sanaladi. *Kommunikativ didaktika quyidagilarni o'zida mujassamlashtiradi*.

- Ochiq va moslashuvchan dars konsepsiyasi;
- mavzu va mazmun muhim;
- darsdagi asosiy ish shakli: suhbatlashish va guruh bo'lib ishlash;
- o'quvchilarni faollashtirish va tildan ijodiy va erkin foydalanishga e'tibor katta bo'lishi zarur;
- Tushunishdan fikrni izhor qilishga prinsipi asosida mashqqa kuchli e'tibor berish;
- Ma'noni ochishda, harakat ko'lamini belgilashda va mashqni tashkil qilishda vizualizatsiya (ko'rish tayanchi) muhim ro'l o'ynaydi;
- Kundalik nutqiy muloqotni hayotiy vaziyatda o'rganish (dialogni mashq qilish);
- Tildan og'zaki foydalanish va shu bilan birga asliy matnlarni tushunish muhim hisoblanadi.

**Kommunikativ didaktika** tinglab tushunish materiali sifatida tabiiy nutqiy vaziyatdan foydalanishni birinchi o'ringa qo'ydi, ya'ni, transportdagi, vokzaldagi

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00627

e’lonlar, radio va televideniyedagi reklamalar, telefondagi suhbatlar va shu kabilarni misol keltirishiiz mumkin. Axborotni tinglab tushunish qabul qilish bo’yicha qo’yilgan maqsadlar o’zgardi. Tinglaganini hikoya qilish va nazorat qilish ham boshqacha tus oldi. Mazkur metod maqsaddan kelib chiqqan holda tinglovchiga tinlab tushunishning quyidagi turlarini ajratib berdi:

- Keng ma’noda matnning ba’zi bir detallariga ahamiyat bermay, uning asosiy mazmunini tushunish;
- Aniq informatsiya muhim bo’lganda, masalan, ma’lum bir joy uchun ob-havoning zarurligi, poyezdning kelishi-ketishi tog’risidagi e’lon va boshqalar shu metod jumlasidandir.

Aynan bu bilimlarni ongimizda saqlab qolishimiz, kommunikativ didaktikaga oid ma’lumotlarni o’rganishimiz, “kommunikatsiya” tushunchasidan kelib chiqqan holda, “madaniyatlararo muloqot” terminiga o’zaro mazmuniy jihatdan bog’lanadi.

Chet til o’qitish metodikasida hozirda madaniyatalararo muloqot iborasi keng qo’llanib kelmoqda. Aynan bu tushunchani biz turli xildagi kontekstlarda qo’llashimiz mumkin. Aslida esa: ***Madaniyatlararo muloqot*** – turli madaniyat vakillarining ijtimoiy kelib chiqishi, mentaliteti, milliy xarakteri, hayot tarzi, urf-odatlari, qadriyatlari sistemasi va boshqalar tog’risidagi muloqoti-ma’lumotidir. Mazkur jarayonda o’quvchi-talabalarni o’rganilayotgan mamlakat madaniyatiga nisbatan hurmat, sabr-toqat qilish va o’zga mamlakat madaniyatini tog’ri tushunish ruhida tarbiyalab, rivojlantirib borish lozim.

Har bir chet tili darsi madaniyat chorrahasi, madaniyatlararo muloqot amaliyoti hisoblanadi. Chunki mazkur jarayondagi har bir chet tilidagi so’z chet el hayotini va madaniyatini o’zida aks ettiradi. O’qituvchilar oldidagi vazifa o’quvchi va talabalarning kommunikativlik, muloqotga kirisha olish qobilyatini o’stirishdan iborat. Buning uchun kishilarni samarali muloqot qilishiga o’rgatuvchi o’quv qo’llanmalar va chet tildagi to’rtta nutq faoliyatini rivojlantirishga yo’naltirilgan ta’limning yangi metodlarini o’zlashtirish zarurdir.

Madaniyatlararo muloqot formulasi sabrlilik, bag’rikenglik hisoblanadi. Madaniyatlararo muloqotda ijtimoiy-madaniy xatolarga yo’l qo’ymaslik talab etiladi. Masalan, nemis xalqida, “Tee oder Kaffee?” ya’ni “choymi yoki kofemi” degan savolga ona tilimizda,- “ Tee”, “choy”- deb javob beramiz, lekin nemis tilida esa bunday javob tog’ri kelmaydi. Nemis tilida, “Bitte, Tee” ya’ni, “Marhamat, choy” deb javob beriladi. So’z kishilarni muloqot orqali bir-biriga bog’laydi. Yangi materialni bir vaqtning o’zida barcha nutq faoliyati turlarida qo’llash natijasida

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00627

malaka va ko'nikma hosil qilinadi. Bu jarayonda kommunikativ vositalar, ko'rgazmalilik, zamonaviy texnologiya turlari, usullari,izchillik prinsipi ta'minlansa, ta'limning sifati va samaradorligi oshib boraveradi.

O'qituvchi-muallimning muvaffaqiyatli faoliyat ko'rsatish uchun nafaqat predmetli, pedagogik va psixologik bilimlar, balki yana boshqa alohida xususiyat–muloqot qila olish ko'nikma va malakalari ham, albatta, zarur hisoblanadi.

Inson go'dakligidan boshlab muloqot malakalarini egallay boshlaydi. Ammo katta bo'lganidan keyin hamma ham kerakli darajada muloqot o'rnata olmaydi. Pedagoglik kasbi o'z xususiyatiga ko'ra „inson-inson" tipidagi kasblarsirasiga kiradi va shuning uchun ham muloqot qila olish ko'nikmasi pedagog uchun yetakchi, kasbiy muhim ko'nikmalardan sanaladi. Pedagogning o'quvchilar bilan olib boradigan muloqot va muomalasiga qarab bolalarning o'quv predmetiga qiziqishi, demakki, o'quv motivlari shakllanadi. Pedagogik muloqot usuli o'quvchilar tomonidan predmetli bilim, ko'nikmalarning natijaviyligi, shaxslararo munosabat madaniyatiga ta'sir ko'rsatadi, ta'lim jarayonida o'ziga xos axloqiy–psixologik iqlimni vujudga keltiradi. Muloqot shaxs ijtimoiylashuvining muhim sharti hisoblanadi. Shu o'rinda pedagogik muloqot aslida nima ekanligini bilish zarur hisoblanadi.

**Pedagogik muloqot** – bu o'qituvchi va tarbiyalanuvchining o'zaro hamkorligi bo'lib, u o'zaro axborot, eng avvalo o'quv axboroti, almashinishiga asoslanadi, pedagogik muloqot sherigini anglashga, shuningdek, o'zaro hamkorlik faoliyatini amalga oshirishga yordam beradi. Bunda axborot ham verbal ya'ni, nutq orqali, ham noverbal – vositalar orqali yetkaziladi. Pedagogik muloqot jarayonida o'qituvchi asosiy rolni o'ynashi va o'quvchilar uchun namuna bo'lishi lozim. Bu uning kommunikativ madaniyati bilan baholanadi.

O'qituvchining ***kommunikativ madaniyati*** – bu uning o'quv-tarbiya jarayoni subyektlari bilan professional-pedagogik muloqotdir.Kommunikativ madaniyatning zaruriy darajasi sifatida shuni belgilash mumkinki, bunda o'qituvchi o'z tarbiyalanuvchilari va hamkasblarini ijobiy qabul qila oladi hamda ta'lim va tarbiya maqsadlariga erishishni so'zsiz ta'minlay oladi. Kommunikativ madaniyatning ijtimoiy ahamiyati shundaki, uni egallagan o'qituvchi ta'lim jarayoni barcha subyektlari o'zaro munosabatlarida ijobiy psixologik iqlimni yarata oladi, ta'limni modernizatsiayalashning muhim prinsiplari bo'lmish – insonparvarlik va demokratlashtirishni amalga oshiradi. Shaxsiy ahamiyati shundaki, kommunikativ madaniyatga ega bo'lgan pedagogning o'ziga ishonchi yuqori bo'ladi, tarbiyalanuvchisi bilan qurilgan muloqotdan zavqlanadi,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00627

tanlangan ish faoliyatida o'zini erkin his etadi. O'qituvchi kommunikativ madaniyati tarkibiga quyidagilarni kiritish mumkin:

1. Kommunikativ ko'nikmalar.
2. Pedagogning muloqotga kirishuvchanligi.
3. Pedagogning muloqot madaniyati.
4. Pedagogik muloqot metodlari.

Kommunkiativ ko'nikmalarni quyidagi guruhlarga ajratish mumkin:

1. ***Ijtimoiy-psixologik ko'nikmalar***. Ular o'quvchilarni muloqotga kirishish uchun tayyorlaydi, ijobiy taassurot uyg'otadi, har bir o'quvchi shaxsini, uning mavqei darajasini qabul qilishiga, shaxslararo munosabat rivojini bashorat qilishga yordam beradi, psixologik ta'sir vositalarini qo'llashga, ishontirish, singdira olish, identifikatsiya qilishga imkon yaratadi.

2. ***Axloqiy-estetik ko'nikmalar***. Bu muloqotni insonparvar, demokratik asosda ko'ra olish, kasbiy odob-axloq qoidalariga rioya qilish, har bir o'quvchining shaxs sifatidagi qadr-qimmatini o'rniga qo'yish, o'quvchilar jamoasi va har bir o'quvchi bilan ijodiy hamkorlikni o'rnata olish ko'nikmalari sanaladi.

3. ***Estetik ko'nikmalar***. Bu ichki va tashqi holatlarni uyg'unlashtira olish, artistlik qobilyatiga ega bo'lish, estetik ifodalanganlik, o'smirlarni muloqotning yuqori madaniyatliliga jalb qilish, ularning emotsional kayfiyatini, optimistik idrokini faollashtrish bilan belgilanadi.

4. ***Texnologik ko'nikmalar***. Bu o'quv–tarbiya vositalari, metodlar, usullar o'zaro hamkorligining turli shakllarini tanlay olish, muloqotni boshqarishning optimal metodini tanlash, pedagogik nazokatga rioya qilish, uning tarbiyaviy samaradorligini oshirish bilan belgilanadi.

Pedagogik muloqot madaniyati uchun zarur bo'lgan qator shaxsiy sifatlar-haqqoniylik, ochiqlik, o'z-o'zini boshqara olish, talabchanlik, samimiylik, sabr-

toqatlilik, chidamlilik, taktika kabilarni o'z ichiga oladi. O'qituvchi faqat o'z kommunikativ mahoratini emas, balki o'quvchilarning ham madaniyatlararo muloqotini shakllantirishi lozim. O'qituvchi o'quvchi-yoshlar psixologiyasini yaxshi bilishi, ularning ijtimoiy qarashlarini, ijtimoiylashuv jarayonlarini puxta bilishi talab etiladi. Shuni alohida ta'kidlash lozimki, pedagogik, madaniyatlararo muloqot yakuniy natijaga ko'ra muaffaqiyatga erishishi yoki muaffaqiyatsizlikka uchrashi bu pedagog-muallimning qanday muomala metodini tanlashi va uni qanday amalda qo'llay olishiga bog'liqdir. Pedagog dars mobaynida nafaqat o'zi ishlashi balki o'quvchilarni ham dars jarayoniga qiziqtira olishi, o'z fikrini erkin bayon etishga o'rgatishi lozim. Albatta, bu natijaga faqatgina, darsni tog'ri tashkil etish, ilg'or,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00627

zamonaviy innovatsion texnologiyalardan keng amalda foydalanish orqaligina erishish mumkin. Pedagogning innovatsion faoliyati o'z ichiga yangilikni tahlil qilish va unga baho berish, kelgusidagi harakatlarning maqsadi va konsepsiyasini shakllantirish, amalga oshirish va tahlil qilish, samaradorlikka baho berishni ham qamrab oladi. Yuqoridagi barcha fikr va mulohazalardan ko'rinib turibdiki, bunday ijobiy natijalarga erishish uchun pedagog chet til o'qitishda keyingi qadam, ya'ni "mashq texnologiyasi"ga murojat etishi lozim va uni amalda qo'llash bilim olishdagi ko'nikma va malaka sari yetaklaydi.

## XULOSA

Chet til o'rganish ko'p qirrali ta'limot bo'lib, bu jarayonda inson murakkab psixologik o'zgarishlarni boshdan kechiradi. Jumladan ona tili bilan chet tilini taqqoslash jarayoni yuzaga keladi. Bu jarayonda o'rgatishning turli metod va texnologiyalaridan foydalaniladi. Zamonaviy pedagogik texnologiyalar yordamida chet til bilan ona tilini taqqoslab o'rgatish samarali natija beradi. Chet til o'rgatish uning metodikasiga oid bilimlarga ega bo'lishni taqozo etadi. Metodika va texnologiyalar chet til o'rganish jarayonida muhim ahamiyat kasb etadi. Darsni tashkil qilishda metodika fanining turli usullari mavjud. Chet til o'qitish metodikasida keng qo'llaniladigan metodlar: kommunikativ didaktika metodi, madaniyatlararo muloqotni tashkil qilish metodi va mashqni tashkil qilish metodi hisoblanadi. Uchala metod bir biri bilan chambarchas bog'liq va bir-birini to'ldiradi. Metodika fani didaktika fani bilan bog'liq bo'lganligi sababli, chet til o'rganish mobaynida kommunikativlikka asoslaniladi va kommunikativ didaktika metodi yuzaga keladi.

Kommunukativ didaktika metodinini qo'llash jarayonida pedagogning madaniyatlararo muloqotni shakllantirish metodi ham shakllanadi. Chet til o'rganish natijasida o'zga mamlakat madaniyati ham o'zlashtiriladi. Chet til ta'limida kerakli bilimlarni egallash uchun "mashqni tashkil qilish texnologiyasi" muhim ahamiyat kasb etadi.

Barcha bilimlarni o'zlashtirish uchun mashq eng yaxshi usul hisoblanadi. Mashq nafaqat chet til ta'limida balki barcha soha bilimlarini o'zlashtirishda ham ijobiy natija beradi. Darsni samarali tashkil etish, unda pedagog faoliyati va zamonaviy pedagogik texnologiyalarning o'rni beqiyosdir. Chet til o'rganish jarayonini kommunikativlikka yondashgan holda tashkil qilish, keyingi bosqich madaniyatlararo muloqot darajasiga yetkazish, bunday natijalarga erishish uchun esa, so'ngi qadam, "mashq texnologiyasi"ga e'tibor qaratish muhim. Chet til o'rgatish

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00627

jarayonini natijaviy tashkil etish uchun zamonaviy pedagogik axborot kommunikatsiya texnologiyalariga oid bilimlar egallash lozim.

## REFERENCES

1. Maxmudov, Q. S. O. G. L., Shayxislamov, N. Z. O. G. L., & Jo, B. B. O. G. L. (2020). O ‘zbek va xorijiy tillarda antonimlar tavsifi, o ‘rni va ularnig turli jihatdan tasniflanishi. *Science and Education*, *1*(Special Issue 3).
2. Juraboyev, B. B. (2020). Nemis tilini o'qitishda kommunikativ yondashuv. *Science and Education*, *7*(7), 215-220.
3. Joraboyev, B. B. O. (2021). Using authentic materials on english lessons. *Academic research in educational sciences*, *2*(2).
4. Joraboyev, B. (2020). Nemis tilida juft otlar va ularning o′ zbek tilida ifodalanishi. *Science and Education*, *1*(Special Issue 4).
5. Журабоев, Б. (2020). Мотивированные люди для удовлетворения своих собственных потребностей. *Academic research in educational sciences*, (3).
6. Juraboyev, B. B. U. (2021). Problems and solutions for online teaching and learning of foreign languages. *Academic research in educational sciences*, *2*(Special Issue 2).
7. Samarova, S. (2018). Forming Creative Vision of Person as Universal Method Enhancing Creativity. *Eastern European Scientific Journal*, (6).
8. Samarova, S. R. (2019). Methods and technologies for the development of creative thinking of pupils. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, *7*(10), 37-43.
9. Samarova, S. R., & Mirzayeva, M. M. (2020). The problem of the formation of creative abilities of students in foreign psychology. *An International Multidisciplinary Research Journal*, *10*(5), 1937-1943.
10. Рахманова, М. К. (2019). Ёшларнинг маънавий тарбиясида қадимги Ўрта Осиё маънавий-маданий меросининг аҳамияти. *“Глобаллашув шароитида ватанпарварлик тарбиясининг маънавий-маърифий технологиялари” республика илмий-амалий конференцияси*, 206-209.
11. Рахманова, М. К. (2019). Изучение стратегии обучения. *Приориоритетные векторы развития промышленности и сельскогохозяйства материалы II международной научно-практической конференции*, *7*, 95-101.
12. Рахманова, М. К. (2019). Талабаларда ижтимоий фаолликни ривожлантиришнинг назарий методологик асослари. *Халк таълими*, (1), 24-29.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00627

13. Рахманова, М. К. (2019). Таълим технологиялари орқали касб танлашда онгли муносабатни шакллантириш. *Халқаро илмий-амалий конференцияси*, 323-326.
14. Рахманова, М. Қ. (2020). Таълим жараёнида ўқув мунозараларини ташкил этишда ўқитувчининг педагогик маҳорати, ижодкорлиги ва фаоллиги. *"Oriental Art and Culture" Scientific-Methodical Journal*, *4*(4), 68-73.
15. Rajabova, I. T. (2020). Лингводидактические аспекты глаголов, выражающие перемещения, на уроках русского языка с учащимися с узбекским языком обучения. *Academic research in educational sciences*, (4).
16. Абдуллаевна, Ш. К., & Фагимовна, Ш. Н. (2020). Нетрадиционные методы обучения русского языка и литературы. *Суз санъати,(3)*.
17. Shokarimova, K. A. (2020). Pedagogik qobiliyat va pedagogik mahoratning talimtarbiya berishdagi ahamiyati. *Science and Education*, *1*(Special Issue 2).
18. Shokarimova, K. A. (2021). The way of improving reading and writing skills during the lessons. *Academic research in educational sciences*, *2*(2).
19. Ражапова, И. Т. (2019). Методика обучения видам русского глаголав. Илм сарчашмалари.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00628

# ARISTOTEL KAUZAL TAHLILINING FOMA AKVINSKIY TEOLOGIK FALSAFASIGA TRANSFORMATSIYASI

**Zokirjon Ne'matov**
O‘zbekiston Milliy universiteti talabasi

## ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada Aristotel kauzal tahlilining Foma Akvinskiy teologik falsafasiga transformatsiyasi masalasi ko’rib chiqiladi.

**Kalit so’zlar:** xristianlik, Aristotel, Foma Akvinskiy, teologiya, faflsafa, din.

# TRANSFORMATION OF ARISTOTEL'S CAUSAL ANALYSIS TO THE THOMA AQUINSIC THEOLOGICAL PHILOSOPHY

**Zokirjon Nematov**
Student of the National University of Uzbekistan

## ABSTRACT

This article discusses the transformation of Aristotle's causal analysis into the theological philosophy of Thomas Aquinas.

**Keywords:** Christianity, Aristotle, Thomas Aquinas, theology, philosophy, religion.

## KIRISH

Xristian dini vujudga kelganidan so‘ng uni turli radikal qarashlardan himoya qilish maqsadida Xristian ilohiyotchilik konsepsiyasini ishlab chiqish zarurati tug‘ildi. Bunda Xristian ilohiyotchilari antik davr faylasuflari fikrlaridan o‘z maqsadlari yo‘lida foydalandilar, ulardan o‘zlariga ,, xizmat qilishi" mumkin bo‘lganlarini saqlab qoldilar, xristianlik diniga qarshilarini esa shakkoklikda ayblab inkor etdilar. Bu ma’suliyatli vazifani Apologetlar va Sxolastlar o‘z zimmalariga oladilar. Xususan, ulardan eng mashhurlari Xristian olamida „avliyo"darajasiga ko‘tarilgan apologet Avliyo Avgustin bo‘lsa ,yana biri O‘rta asrlar mashhur sxolasti Foma Akvinskiy bo‘ldi.

## ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Avgustin o‘zining ilohiyotchilik konsepsiyasini ishlab chiqishda Neoplatonizm qarashlaridan faol foydalangan bo‘lsa , Foma uchun kimning qarashlari tayanch asos

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00628

bo‘lganligi masalasi Falsafa va dinshunoslik uchun dolzarb masala hisoblanadi. Foma Akvinskiy masalasi dolzarbligi sababi uning falsafasi Rim - katolik cherkovining rasmiy falsafasi deb e’lon qilinganidir.

O’rta asr xristian aristotelizmining eng mashhur namoyandasi, shubhasiz, «Doctor angelicus», („Farishta doktor") nomini olgan Foma Akvinskiydir. Sababi o‘sha davrgacha xristian dini suyanib kelgan Avliyo Avgustinning ilohiyot konsepsiyasi radikal qarashlarga yetarlicha javob bera olmay qolgan edi. Aynan Foma yashagan davrda qayta kashf qilingan , (Bunda sharq peripatetiklarining o‘rni beqiyos bo‘ldi) Aristotelning qarashlarini esa yoki xristianlik falsafasi bilan sintezlash yoki butunlay inkor etish kerak edi. Bu jarayonda Foma o‘z ustozi Buyuk Albert izidan borib Aristotelni „ xristianlashtirish" ya’ni Aristotel qarashlari va xristianlikni teologik sintezlashga katta hissa qo‘shdi. Bu sintez asosini Foma Akvinskiyning „Xudo mavjudligining 5 isboti" tashkil qilib bu orqali u Xudoning mavjudligini ratsional tarzda isbotlab beradi.

Bunda spikulyativ falsafiy fanlarning yuqori qismi „tabiiy ilohiyot"ni namoyon qiladi. Foma fikriga ko’ra, narsalar haqidagi ochiq va aqldan yuqori bilimlar tabiiy bilimlar bilan qarama-qarshi emas, chunki ularning har ikkisi ham haqiqatdir. Ilohiyot fanlarining maqsadi va vazifasi ilohiy kitoblardagi haqiqatni barchaga tushunarli, ayon, ishonarli bo’lishi uchun batafsil talqin hamda tizimli bayon qilib berishdan iborat.

## MUHOKAMA VA NATIJALAR

Fomaning ta‘kidlashicha, ilohiyot falsafaning xizmatidan foydalanishi mumkin. Xristian dinining asosiy maqsadi insonni xalos etish ekan, bu nuqtai nazardan, „falsafa ilohiyotning cho’risi bo’lmog’i kerak"[1] Xudoning mavjudligini, intellektdagi mutlaq mavjudlik tushunchasiga asoslangan tahlilga tayanib, to‘g‘ridan-to‘g‘ri isbotlash imkonsizdir. Biroq bunda xudoning mavjudligini yaratilgan mavjudotlarga qarab qisman isbotlash mumkin. Foma Akvinskiy beshta shunday dalil keltiradi (lot. quinque viae,ya‘ni „beshta yo’l" yoki „beshta dalil"degan ma‘noni anglatadi) : 1)ex motu - „harakat-sabab" 2)ex ratione efficientis -„keltirib chiqaruvchi sabab"; 3)ex contingente et necessario – „zaruriy sabab"; 4)ex gradibus perfectionis – „mukammalik darajasiga ko’ra sabab"; 5)ex gubernatione rerum – „ilohiylikning narsalar ustidan hukmronlik sababi" . Bu dalillarning tushunarli tarifi quyidagicha:

**1- isbot ;Kosmologik dalil [2]**

Bu dalilning asosi quyidagicha : Tabiatda barcha narsalar o‘zgarishda bo‘ladilar, harakat qiladilar. Ularning o‘zgarish jarayoni bu o‘zgarishdan tashqari

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00628

nimagadir ishora qiladi.Ya'ni harakat sodir bo'lishi uchun boshqa hodisa zarur. Harakat o'z-o'zidan sodir bo'lmaydi. Oddiy qilib misol bilan tushuntirsak : Dominoning ma'lum bir bo'lakchasi yiqilishi uchun avvalgi bo'lakdan turtki oladi , o'z navbatida avvalgi bo'lak ham o'zidan oldingi bo'lakdan turtki olgan.Lekin bu orqaga regresning heksizligini tasavvur qilib bo'lmaydi. Demak domino bo'lakchalariga dastlabki turtkini boshlab bergan sabab borki bu Xudodir.

**2- isbot; Kazual dalil ;**

Bu dalil Kosmologik dalilning mohiyati sifatida ham ko'riladi.Shuningdek bu dalil sabab- oqibat aloqalariga asoslanadi.Barcha hodisalar oqibat sifatida o'z sodir bo'lish sababiga ega bo'ladi.O'z navbatida bu sabab ham boshqa bir sababning oqibati hisoblanadi.Olamdagi xar bir hodisa sabab-oqibat aloqalariga asoslanadi.

Oddiy qilib aytganda Masalan: Ustoz meni darsga kirgizmaganining sababi , dars boshlanish vaqtidan kech qoldim , kech qolganimning sababi men chiqqan aftobus yo'lda buzilib qoldi, aftobus buzilishi sababi esa ,aytaylik, dvigateldagi nosozlik edi.Shu jarayonda biz oqibatdan sabab tomon qaytishni ko'rdik. Bu oqibat- sabab regresi jarayonini orqaga yo'nalishini ham abadiy tasavvur qilib bo'lmaydi. Demak dastlabki sabab mavjudki u Xudodir.

**3 -isbot; Zaruriyatga asoslangan dalil**

Yerdagi har qanday narsa prinsipial jihatdan tasodifiy hisoblanadi,ya'ni mavjudligi zarur emas.

Boshqacha aytganda Dunyoda hayot davom etishi uchun siz yoki mening mavjudligimiz zarur emas. Yoki Amerika qit'asi Kolumb tomonidan kashf qilinguncha ham boshqa materikdagi insonlar yashab kelishgan.Ular uchun Amerika qit'asi borligi zarur emas edi. Shunday qilib olamdagi istalgan bir hodisa, narsaga nisbatan tasodif deb qarashimiz mumkin, lekin hamma narsaning mavjudligi birdaniga tasodif bo'lishini aqlga sig'dirish mumkin emas . Zaruriy bo'lgan nimadir mavjud bo'lishi kerakki Fomaga ko'ra biz uni Xudo deb ataymiz.

**4-isbot ;Mukammallik va borliq darajalariga asoslangan dalil.**

Bizni o'rab turgan olamdagi hamma narsa Ierarxik tartibda tuzilgan bo'lib ,biz bu narsalarda mukammallik unsurlarini darajama- daraja uchratishimiz mumkin.Masalan harakatsiz toshdan doimiy o'zarishda bo'luvchi o'simlik, o'simlikdan ko'ra o'zi mustaqil harakat qila oluvchi,sezish xususiyatlariga ega bo'lgan hayvonlar, hayvonlardan ko'ra aqliy va yana bir necha xususiyatlariga ko'ra insonlar mukammallikka yaqindir. Bu qarashning yana bir jihati shundaki,biz o'simlikliklar orasidan mayda hashorotlarni ovlab ular bilan oziqlanuvchi ayrim o'simlik turlari , ,,ovchi gullar"ni ajratib ko'rsatamiz. Yoki hayvonlar orasida mayda

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00628

Ушбу мақолада Zingiber officinale Rose (Занжабил) доривор ўсимлигини биологик хусусиятлари, Занжабил ўсимлиги илдизи ва лимон меваси экстрактлари 1:1 нисбатда асал билан қўлланилганда инсон иммунитетини ошириш ва сақлаш каби фойдали хусусияти маълум бўлганлиги сабабли, уни шамоллаш ва гриппни профилактикасида яллиғланишга қарши қўлланилиши, меъда, жигар, ичаклар ва талоқ каби ҳазм аъзолари қувватини ошириб, одамни тетиклаштириб, мушаклардаги ёғ қатламларини эришини тезлаштиради. танадаги ҳароратни меъёрда сақлашга ёрдам беради, ички аъзолар яллиғланиши олдини олади. Адабиётларда ушбу экстракнинг бактерицид, антисептик, антибактериал хусусиятларга эга эканлиги ҳақида маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** Zingiber officinale Rose , доривор Занжабил, токоферол, витамин К, аскорбин кислотаси, углевод, целлюлоза, аминокислота, калий, фосфор, магний, темир, кальций, рух, бактерицид ,антисептик, антибактериал, иммунитет.

**ABSTRACT**

Since the biological properties of the medicinal plant Zingiber officinale Rose (Ginger), ginger root and lemon fruit extracts are known to have beneficial properties such as boosting and maintaining human immunity when used with honey in a 1: 1

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00632

ratio, its use in anti-inflammatory, gastric, increases the strength of digestive organs such as the liver, intestines and spleen, stimulates the person and accelerates the dissolution of fat layers in the muscles. helps maintain normal body temperature, prevents inflammation of internal organs. The literature states that this extract has bactericidal, antiseptic, antibacterial properties.

**Keywords:** Zingiber officinale Rose, Medicinal Ginger, tocopherol, vitamin K, ascorbic acid, carbohydrate, cellulose, amino acid, potassium, phosphorus, magnesium, iron, calcium, zinc, bactericide, antiseptic, antibacterial, immunity.

## КИРИШ

Маълумки, тиббиётда ва халқ табобатида кенг кўламда қўлланиладиган Zingiber officinale Rose (доривор Занжабил, Имбир лекарственный); Zingiber zerumbet Rose (Ёввойи занжабил, Имбир дикий) ўсимлиги бир паллалилар синфига, занжабилдошлар оиласига мансуб, йўғон илдиз-пояли, бўйи бир метргача ўсадиган кўп йиллик қамишсимон ўсимлик бўлиб, сариқ рангга гуллайдиган пушти гул (1-расм) куртаклари кластерларни ҳосил қилади. Ўсимликнинг эстетик жозибаси ва иссиқ иқлимга мослашиши туфайли, у тропик ва субтропик ҳудудларда кенг тарқалган бўлиб, уйлар атрофида ободонлаштириш сифатида фойдаланилади. Жанубий ва Жанубий-Шарқий Осиёда ўстирилади. Занжабил илдизи таркиби эфир мойларига бой, қуриган илдизи хушбўй ҳидли ва мазали бўлади. Майдаланмаган занжабилнинг хушбўй ҳиди майдаланганига нисбатан узоқ сақланади.

1-расм. Zingiber officinale Rose ўсимлигини илдиз пояси ва гули .

Дунёдаги кўпчилик халқлар табобатида кенг қўлланилиши, унинг шифобахш хоссалари билан боғлиқ, бу эса унинг кўплаб касалликлар олдини олиш ва уларни даволашда қўлланиладиган табиий восита эканлигидандир. Унинг кимёвий таркибида фойдали элементлар мавжуд. Ушбу илдиз ўз таркибида жуда керакли бўлган аминокислоталар, углеводлар, ёғлар эфир мойлари ва целлюлозани сақлайди. Занжабил витаминларга жуда бой (В-гуруҳ витаминлари, аскорбин килотаси, токоферол, витамин К ни алоҳида таъкидлаш

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00632

керак). Шунингдек унинг таркибида калий, фосфор, магний, темир, кальций, рух ва шу каби бошқа микро ва макроэлементлар мавжуд.

Абу Али Ибн Сино занжабил ўсимлиги илдизини кайфиятни кўтарувчи, инсонга қувват берувчи, қусишни ҳамда ич кетишини тўхтатувчи доривор сифатида қўллаган. Занжабил ўсимлиги илдизи экстракти оғриқ қолдирувчи, тетиклаштирувчи ва бактерияларга қарши таъсир хусусиятига эга. У мушаклар, мускуллар оғриганда, пай ёки эт чўзилганда, тўқималар шикастланганда истеъмол қилишни тавсия этган. Унинг илдизи жуда фойдали бўлиб, қон айланишини яхшилайди, озиш жараёнида самарали ёрдам беради. Қонни суюлтириш билан бирга қон босимини туширади.

Занжабил ўсимлиги илдизи экстракти чойини истеъмол қилган кишининг хотираси кучаяди. Шунингдек, меъда, жигар, ичаклар ва талоқ каби ҳазм аъзолари қувватини ошириб, жинсий қувватни мустаҳкамлайди, одамни тетиклаштириб, мушаклардаги ёғ қатламларининг эришини тезлаштиради. Бу чой баданни яхши қиздиради, совуқдан ҳимоя қилади, шунинг учун уни совуқ ва нам ҳаволи кунларда ичиш айниқса ёқимли ҳисобланади.

Занжабил ўсимлиги илдизи экстракти иммунитетни кўтариш ва сақлаш каби фойдали хусусияти маълум бўлганлиги сабабли, у шамоллаш ва грипп профилактикасида ҳамда даволашда қўлланилади Яллиғланишга қарши, бактерицид антисептик, антибактериал, терлаш, балғам кўчириш, қувватлантирувчи, спазмолитик, кардиотоник, танада ҳароратни меъёрда сақлашга ёрдам беради, ички аъзолардаги шамоллашларни олдини олади, қорин дам бўлишидан ҳамда елдан халос этади.

Занжабил рак касаллигини олдини олишда ва қон таркибидаги қанд миқдорини камайтиришда ёрдам беради. Ўт пуфагида тош пайдо бўлган бўлса, занжабил ўсимлиги илдизи ва лимон меваси экстрактини 1:1 нисбатда асал билан чой қилиб ичилса соғломлаштиради.

Милоддан аввалги II асрда савдогарлар Ҳиндистонга келиб, Zingiber officinale Rose ўсимлигини Яқин Шарқ ва Ўрта Ер денгизи атрофига олиб кетишган. У асосан Ҳиндистоннинг жануби ва Буюк Сунда оролларида қалампир, чиннигул ва бошқа кўплаб зираворлар билан ўстирилган. [1; 2]

## МЕТОДОЛОГИЯ

2016 йилда занжабилнинг глобал ишлаб чиқарилиши 3,3 миллион тоннани ташкил этди, унинг 34 фоизи Ҳиндистон хиссасига тўғри келади. Нигерия, Хитой ва Индонезияда ҳам катта ишлаб чиқариш мавжуд. [3]

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00632

Дунёнинг кўпгина минтақаларида етиштирилган бўлса-да, занжабил Ҳиндистоннинг жануби-ғарбий қисмидан етиштириладиган ва экспорт қилинадиган энг қадимги зираворлар сирасига киради [4,5]. Ҳиндистоннинг жануби-ғарбий ва шимоли-шарқий минтақалари иссиқ ва нам иқлими, ўртача ёғингарчилик ва қуруқлик туфайли занжабил ишлаб чиқариш учун энг мосдир [6].

Занжабил турли хил шароитларда ўсади, аммо илиқ, нам муҳитда 300 дан 900 м гача баландликда ва камида 30 см чуқурликдаги яхши қуритилган тупроқларда ўстирилганда энг яхши ҳосил беради [7]. Кам ёғингарчилик вақтида ҳамда вегетация даврида яхши тақсимланган ёғингарчилик занжабилнинг тупроқда яхши ривожланиши учун зарурдир [8].

Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган занжабил асосан томорқа хўжаликларида етиштирилади [9]. Занжабил экинларининг кўп қисми томорқа хўжаликларида етиштирилганлиги сабабли, фермер хўжаликларининг ишчилари асосан оила аъзолари ёки маҳаллий ҳамжамиятнинг бошқа аъзолари. Занжабил деҳқончилик доирасидаги жинслар бир текис ва адолатли тақсимланган. [10]

Ҳиндистонда максимал ҳосил ва юқори сифатли маҳсулот олиш учун занжабил экинлари ҳар икки ҳафтада, сентябр ва ноябр ойлари орасида суғорилади. Маҳсулотлар йиғиб олингач, энг яқин бозорига етказиб берилади ва у ерда асосий вилоят ёки туман даражасидаги маркетинг марказларига олиб борилади. [11]

Ҳиндистон кўпинча занжабил ва бошқа сабзавот маҳсулотларини Покистон ва Бангладешга, шунингдек Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Марокаш, АҚШ, Яман Республикаси, Буюк Британия ва Нидерландияга жуда тез-тез экспорт қилади [11].

2-расм. Zingiber officinale Rose ўсимлигини купайтириш майдони ва илдизи ҳамда экстракти.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00632

Юқорида айтиб ўтилганидек, Ҳиндистон занжабил ишлаб чиқарадиган дунёдаги энг йирик ишлаб чиқарувчиси бўлишига қарамай, занжабил экспорти 1,17% ини ташкил этади [11].

Занжабил ўсимлиги илдизи экстракти асал билан шамоллаш ва гриппга қарши самарали восита.Кунлар иссиқ бўлишига қарамай шамоллаш ва вирус касалликларига чалиниш ҳавфи мавжуд. Шунда, биринчи бўлиб иммунитети паст бўлган одамлар, шамоллаш ва вирус инфекцияларга чалиниб, касал бўлиши мумкин. Шунинг учун шамоллаш ва грипп эпидемияси ҳали кўпаймаган бўлса ҳам эҳтиёт бўлиш зарур. Шамоллаш ва гриппни биринчи белгиларидаёқ унга қарши курашинг. Бунинг учун Занжабил ўсимлиги илдизи экстрактини стакандаги иссиқ қайнаган сувга 1 пакетини асал билан эритиб ичиб ўз организмингизни шамоллаш ва гриппдан химоя қиласиз

Занжабил ўсимлиги илдизи экстрактини асал билан қушиб ичиш шамоллаш ва гриппни биринчи белгиларида табиий даволаш ва профилактика воситаси сифатида қўлланилиши мумкин бўлган, зарарсиз маҳаллий махсулот.

Занжабил ўсимлиги илдизи экстракти чойини истеъмол қилган кишининг хотираси кучаяди. Шунингдек, меъда, жигар, ичаклар ва талоқ каби ҳазм аъзолари қувватини ошириб, жинсий қувватни мустаҳкамлайди, одамни тетиклаштириб, мушаклардаги ёғ қатламларининг эришини тезлаштиради. Бу чой баданни яхшигина қиздиради, совуқдан ҳимоя қилади, шунинг учун уни совуқ ва нам ҳаволи кунларда ичиш айниқса ёқимли. [11-12].

Занжабил асосан таомларга ишлатиладиган зиравор ҳисобланади, қадимдан табиблар уни доривор ўсимлик сифатида ҳам қўллаб келишган. (яна қайтарилмоқда). Энг яхши самара аёллар тухумдони саратони касаллигини даволашда кузатилди.

Мичиган тиббиёт университети олимларининг ўтказган тадқиқотига мувофиқ, занжабил илдизи ҳужайралардаги яшаш ва кўпайиш учун хизмат қиладиган хавфли воситаларни йўқ қилади, энг асосийси, бунда ҳеч қандай ножўя таъсирлар кузатилмайди, чунки занжабилнинг табиий хусусиятлари тиббий синтетик воситаларга қараганда организм томонидан яхшироқ қабул қилинади.

Тадқиқотчилар саратон занжабил таъсирида 56 %га камайишини аниқлашди. Илгарироқ, Саудия Арабистонилик олимлари занжабил элексири кўкрак саратонига олиб келувчи хавфли ҳужайраларнинг тарқалишини камайтиришини исботлашган эди. Таъкидлаш жоизки, ўсимлик фақат хаста ҳужайраларга таъсир этиб, соғломларини ҳаётда қолдиради. Шифокорлар

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00632

зиравордан саратоннинг олдини олувчи восита сифатида фойдаланиш мумкинлигини эътироф этишмоқда.

## НАТИЖА ВА МУҲОКАМА

Zingiber officinale Rose ўсимлигини илдизи таркибидаги макро ва микро элементлар микдорини аниқлаш усуллари «Рентгенофлюресентли спектрометр Spectro Xepos 111, техник курсаткичи: 120/230В, куввати 150 Вт. қурилмаси (США) ёрдамида амалга оширилди. Бунинг учун намунавий ўсимлик илдизини майдалаб Рентгенографик тахлил учун махсус идишчаларга 5 грдан, айлана шакилига эга бўлган дисикга алоҳида урнатилган идишчаларга жойлаштирилади Хар бир намунани қурилма 20 дакика давомида тахлил қилади. Натижаларни тахлил тугагач. Қурилмага уланган компютер оркали натижалар автоматик тарзда экранга берилади.Ушбу тадқиқотлар натижалари 1-жадвалда келтирилган.

**1-жадвал**

**Zingiber officinale Rose ўсимлигини илдизи таркибидаги макро ва микро элементлар микдори**

| № | Элемент | Номланиши | Ўсимлик илдизидаги макро ва микро элементлар микдори % | Хатолик | № | Элемент | Номланиши | Ўсимлик илдизидаги макро ва микро элементлар микдори % | Хатолик |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **1** | MgO | Магний оксиди | <0.0075 | | **34** | Y | Иттирий | 0.00012 | 0,00001 |
| **2** | $Al_2O_3$ | Алюминий оксиди | 0.0022 | | **35** | Zr | Цирконий | 0.00016 | 0,00001 |
| **3** | Al | Алюминий | 0.0012 | | **36** | Nb | Ниобий | < 0.00012 | 0,00002 |
| **4** | $SiO_2$ | Кремний оксиди | 0.0848 | 0.0012 | **37** | Mo | Молибден | < 0.00002 | - |
| **5** | Si | Кремный | 0.03962 | 0.00058 | **38** | Ru | Рутений | < 0.00002 | - |
| **6** | $P_2O_5$ | Фосфор оксиди | 0.5367 | 0.0023 | **39** | Rh | Родий | < 0.00001 | |
| **7** | P | Фосфор | 0.2342 | 0.0010 | **40** | Pd | Палладий | < 0.00015 | |
| **8** | $SO_3$ | Сулфоксид | 0.9998 | 0.0020 | **41** | Ag | Кумуш | < 0.00002 | |
| **9** | S | Олтингугурт | 0.4004 | 0.0008 | **42** | Cd | Кадмий | < 0.00002 | |
| **10** | Cl | Хлор | 0.06426 | 0.00020 | **43** | In | Индий | < 0.00003 | |
| **11** | $K_2O$ | Калий оксиди | 1.167 | 0.001 | **44** | Sn | Қалай | 0.00026 | |
| **12** | K | Калий | 0.9687 | 0.0008 | **45** | Sb | Сурма | 0.00004 | |
| **13** | CaO | Калций оксиди | 0.1029 | 0.0003 | **46** | Te | Теллур | < 0.00005 | |
| **14** | Ca | Калций | 0.07357 | 0.00021 | **47** | I | Йод | < 3,00041 | 0,00022 |
| **15** | Sc | Скандий | 0.00032 | 0.00003 | **48** | Cs | Цезий | < 0.00008 | - |
| **16** | Ti | Титан | 0.00097 | 0.00002 | **49** | Ba | Барий | 0.00061 | 0.00024 |
| **17** | V | Ваннадий | ≤ 0.00002 | - | **50** | La | Лантан | < 0.00015 | |
| **18** | Cr | Хром | 0.00002 | 0.00001 | **51** | Ce | Церий | < 0.00015 | |
| **19** | MnO | Маргенец оксиди | 0.01513 | 0.00002 | **52** | Pr | Празеодим | < 0.00008 | |

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00632

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **20** | Mn | Марганец | 0.01172 | 0.00002 | **53** | Nd | Неодим | < 0.00015 | - |
| **21** | $Fe_2O_3$ | Темир оксиди | 0.01848 | 0.00015 | **54** | Sm | Самарий | < 0.00006 | 0.00002 |
| **22** | Fe | Темир | 0.01292 | 0.00010 | **55** | Yb | иттербий | <0.00020 | |
| **23** | Co | Кобалт | ≤0.00010 | - | **56** | Hf | Гафний | 0.00006 | - |
| **24** | Ni | Никель | 0.00049 | 0.00002 | **57** | Ta | Тантал | 0.00001 | - |
| **25** | Cu | Мис | 0.00068 | 0.00002 | **58** | W | Волфрам | 0.00004 | 0.00002 |
| **26** | Zn | Рух | 0.00174 | 0.00002 | **59** | Au | Олтин | 0.00001 | - |
| **27** | Ga | Галий | 0.00001 | - | **60** | Hg | смоб | 0.00001 | - |
| **28** | Ge | Германий | 0.00003 | 0,00001 | **61** | Tl | Таллий | 0.00001 | - |
| **29** | As | Мишяк | 0.00005 | 0,00001 | **62** | Pb | қурғошин | 0.00011 | 0.00001 |
| **30** | Se | Селен | 0.000037 | 0,000004 | **63** | Bi | Висмут | 0.00001 | - |
| **31** | Br | Бром | 0.000123 | 0,000004 | **64** | Th | Торий | 0.00001 | - |
| **32** | Rb | Рубидий | 0.00041 | 0,00001 | **65** | U | Уран | 0.00007 | 0.00001 |
| **33** | Sr | Стронций | 0.00047 | 0,00001 | | | | | |

Жадвалдаги маълумотлар шуни кўрсатадики, Zingiber officinale Rose. ўсимлиги илдизи таркибидаги 65 та элемент миқдори аниқланиб, илдизи таркибидаги $K_2O$ (1,167 %), K (0,9687), CaO (0,1029 %), Ca (0,07357 %), $P_2O_5$ (0,5367 %), P (0,2342 %), элементлари микдори бошқа элементларга нисбатан кўплиги маълум бўлди.

Zingiber officinale Rose ўсимлигини илдизи таркибидаги макро ва микро элементлар микдори «Индуктив боғланган аргон плазмали» Оптик эмиссион спектрометрия усули асосида Optima-2100DV (АҚШ) аппаратида ва Автодозатор S-200 Perkin Elmer асбобида аниқланиб ўрганилди. Zingiber officinale Rose. ўсимлиги илдизи намунаси яхшилаб майдаланди, 0,1 гр миқдордаги намуна аналитик тарози ёрдамида ±1 мг аниқликда тортиб олинди. Намуна тефлондан тайёрланган автоклавларга жойлаштирилди ва унга 2 мл нитрат кислота эритмасидан ва 1 мл водород пероксид эритмасидан солинди Автоклав яхшилаб ёпилгандан кейин уни Speebwave ™ MWS-3+ дастурига эга бўлган микротўлкинли парчалагич BERGHOF аппаратига жойлаштириб (автоклавлар сони 12 та).бир минут давомида 25-40 °C да қиздириб парчаланади ва совитиб уни яна бир бор 25-40°C гача қиздирилади. Парчалаш тугатилгандан кейин намуна эритмаси Автоклав 5-10 мл ионсизлантирилган LaboStar PRO UV 4, 1,5 л/мин, Evoqua (SG Wasser) аппаратида олинган сув билан 50 мл ўлчагич колбага 3 марта чойиб ўтказилиб устига 50 мл ҳажмга етгунча устига ионсизлантирилган сув билан белгисигача тўлдирилди. ва Zingiber officinale Rose ўсимлигини илдизи таркибидаги макро ва микро элементлар микдорини «Индуктив боғланган аргон плазмали» Оптик эмиссион спектрометрия усули асосидаги курилмада аниқланди. Қурилмадан маълумотларни олгандан сўнг, якуний ишлов бериш Win-Lab (offline) аппарати томонидан амалга оширилди. Қурилма шовқинни, ўрганилаётган

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00632

элементларнинг белгиланган жойларида эритма шаклини автоматик равишда ҳисоблаб чиқади. Стандартларда кўп элементли стандарт ечим қўлланилади. Таҳлил 5 марта такрорланади ва арифметик ўртача ҳисобланади. Ҳар бир элемент учун RSD 0,01 дан 1,0% гача бўлиши керак. S-200 Perkin Elmer автодозаторида ишлатилган, генераторнинг кучи - 1500 W , насоснинг перисталлик тезлиги - 1,2 мл / мин, аргон оқими 12-15 л / мин, плазмани кузатиш-аксиал нуқтаси - 0,8 л / мин.

## ХУЛОСА

Zingiber officinale Rose ўсимлигини илдизи таркибидаги макро ва микро элементлар микдорини «Индуктив боғланган аргон плазмали» Оптик эмиссион спектрометрия усули асосида Optima-2100DV (АҚШ) аппаратида Автодозатор S-200 Perkin Elmer асбобида ўрганилганда ўсимликнинг илдизи таркибида 44 та макро- ва микроэлементлар борлиги аниқланди. Zingiber officinale Rose ўсимлиги илдизи таркибида. Бошқа элементларга нисбатан кальций, калий, натрий, фосфор, магний, фосфор, маргинц темир, рух элементлари миқдори куп бўлиши аниқланди.

## REFERENCES

1.Jump up to:[a]Singh RJ (2011). Genetic Resources, Chromosome Engineering, and Crop Improvement. Medicinal Plants. **6**. Boca Raton: CRC Press. p.398. ISBN 9781420073867.
2.Doran CF, Dixon C (1991).South East Asia in the World-Economy. Cambridge: Cambridge University Press.ISBN 9780521312370.
3.Jump up to:[a] "Ginger production in 2016, Crops /Regions /World /Production /Quantity (from pick lists)". FAOSTAT. FAO, Statistics Division. 2017. Retrieved 8 May 2018.
4.Münster, Daniel (1 March 2015). "Ginger is a gamble". Focaal. **2015** (71): 100–113. doi:10.3167/fcl.2015.710109. ISSN 0920-1297.
5.Madan, M. S. (2016), "Production, Marketing, and Economics of Ginger", Ginger, CRC Press, pp.444–477, doi: 10.1201 / 97814 20023367-16, ISBN 9781420023367
6.Nair, Kodoth Prabhakaran (2019), "Ginger as a Spice and Flavorant", Turmeric (Curcuma longa L.) and Ginger (Zingiber officinale Rosc.) - World's Invaluable Medicinal Spices, Springer International Publishing, pp. 541–554, doi:10.1007/978-3-030-29189-1_26, ISBN 9783030291884

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00632

7.Nybe, E.V. (2016), "Ginger Production in India and Other South Asian Countries", Ginger, CRC Press, pp. 224–253, doi:10.1201/9781420023367-9, ISBN 978-1-4200-2336-7

8.Aryal, Suman (10 February 2013). "Rainfall And Water Requirement Of Rice During Growing Period". Journal of Agriculture and Environment. **13**: 1–4. doi:10.3126/aej.v13i0.7576. ISSN 2091-1009.

9.Nybe, E.V. (2016), "Ginger Production in India and Other South Asian Countries", Ginger, CRC Press, pp. 224–253, doi:10.1201/9781420023367-9, ISBN 9781420023367

10.Jump up to:[a]Pachuau, Lalduhsanga; Dutta, Rajat Subhra (11 September 2019), "Wild Edible Fruits of Northeast India: Medicinal Values and Traditional Practices", Herbal Medicine in India, Springer Singapore, pp. 437–450, doi:10.1007/978-981-13-7248-3_27, ISBN 978-981-13-7247-6

11.Islomov. A.H., Matchanov.A.D. Gaybullaeva.O.O.,Ishmuratova. A.S.,Maxmudova.D., Komilov. Q. O.// Expansion of acorus calamus l (normal cow) plant and its composition, biological properties and application in medicine. World journal of engineering research and technology. sjif impact factor: 5.924 wjert, 2020, vol. 6, issue 3, 156-165.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00633

# TABIIY GAZLARDAN GELIY OLISHNING KRIOGEN USULI

**Anora Fayzullayevna G'aybullayeva**
Buxoro muhandislik-texnologiya instituti mustaqil-tadqiqotchisi

**Murodjon Soxibovich Sharipov**
Buxoro muhandislik-texnologiya instituti talabasi

**Saidjon Abdusalimovich G'aybullayev**
Buxoro muhandislik-texnologiya instituti mustaqil-tadqiqotchisi

## ANNOTATSIYA

Maqolada geliyning noyob xususiyatlari, uning ishlatilish sohalari, geliy ishlab chiqarishning asosiy manbaalari va usullari hamda tabiiy gazdan geliy ajratib olish istiqbollari yoritilgan. Tabiiy gazdan geliy ajratib olishning kriogen texnologiyasi va turli manbalardan ajratib olinadigan geliyning tahminiy tannarxi.

**Kalit so’zlar:** geliy, geliyli konsentrat, geliy konsentratini boyitish, tabiiy gaz, quyi haroratli ajratish, kriogen texnologiyalar.

# RECEIVING HELIUM FROM NATURAL GASES BY THE CRYOGENIC METHOD

**Anora Fayzullayevna Gaybullayeva**
Independent researcher of Bukhara Institute of Engineering and Technology,

**Murodjon Soxibovich Sharipov**
Student of Bukhara Institute of Engineering and Technology,

**Saidjon Abdusalimovich Gaybullayev**
Independent researcher at the Bukhara Institute of Engineering and Technology

## ABSTRACT

The article discusses the unique properties of helium, their area of application, the main sources and methods of helium production, as well as the prospects for the separation of helium from natural gases. Cryogenic technology for obtaining helium from natural gases and the estimated cost of helium obtained from various sources.

**Keywords:** helium, helium concentrate, helium concentrate enrichment, natural gases, low temperature separation, cryogenic technologies.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00633

## KIRISH

Geliy koinotda eng keng tarqalgan elementlardan biri bo'lib, vodoroddan keyin ikkinchi o'rinni egallaydi. Geliy yengilligi bo'yicha ham vodoroddan keyin turuvchi kimyoviy element sanaladi.

Uning belgilanishi $He$ (lotincha Helium) belgisi bilan ifodalanadi. Geliy – bir atomli rangsiz, hidsiz va ta'msiz inert gaz.

Fransuz olimi P'yer Jansen (***Pierre*** Jules César Janssen) 1868 yil 18 avgustda Hindistonning Guntur shahrida quyoshning to'la tutilishi vaqtida birinchi marta Quyosh xromosferasini tadqiq qildi. Jansen spektroskopni shunday sozladiki, Quyoshning toj spektrlarini nafaqat tutilish vaqtida balki, odatiy kunlarda ham kuzatish imkonini berdi. Keyingi kunning o'zida $D$ natriy chizig'i ortida kuzatayotgan Jansen va boshqa astronomlar quyosh protuberanslari spektroskopiyasida vodorodning – ko'k, yashil-havorang va qizil chiziqlari qatorida juda yorqin sarg'ish chiziq borligini aniqlagan. Jansen bu haqda zudlik bilan Fransiya Fanlar akademiyasiga xabar berdi. Izlanishlar quyosh spektridagi natriy liniyasidagi yorqin sarg'ish chiziq ilgari ma'lum bo'lgan hech qaysi kimyoviy elementga mos kelmaganligi ko'rsatdi.

Oradan ikki oy o'tgach ingliz astronomi Norman Lok'yer (Joseph Norman Lockyer) ham fransuz hamkasbining ishlanmalaridan behabar holda quyosh spektrida tadqiqotlar o'tkazdi. U to'lqin uzunligi $588\ nm$ (aniqrog'i $587{,}56\ nm$) bo'lgan sariq chiziqni aniqlab, natriyning Fraungofer chizig'lari $D1$ $(589{,}59\ nm)$ va $D2$ $(588{,}99\ nm)$ ga juda yaqin joylashgani sabali uni $D3$ deb, belgiladi. Ikki yildan so'ng Lok'yer o'zi bilan hamkorlikda ishlagan ingliz kimyogari Edvard Frankland bilan birgalikda yangi elementga "GELIY" (grekcha, ἥλιος – "quyosh") nomini berishni taklif qildi.

Shunisi qiziqki, Jansen va Lok'yerlarning xatlari Fransiya fanlar akademiyasiga bir kunda – 1868 yilning 24 oktyabrida yetib keldi. Ajablanarlisi shundaki Lok'yerning to'rt kun oldin yozgan xati, Jansenning ikki oy oldin yozgan xatidan bir necha soat ilgari yetib kelgan. Keyingi kun Akademiya yig'ilishida ikkala maktub ham o'qilgan. Fransiya akademiyasi protuberanslarni tadqiq qilishning yangi usuli sharafiga medal joriy qishihga qaror qildi. Medalning bir tomoniga dafna (lavr) shoxlari ustida Jansen va Lok'yer su'ratlari, boshqa tomonida esa jon-jahdi bilan chopayotgan to'rt tulporli aravani boshqarayotgan afsonaviy quyosh ma'budi Appolon tasvirlangan (*1-rasm*).

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00633

1-rasm. **Protuberanslarni tadqiq qilishning yangi usuli sharafiga Fransiya akademiyasi tomonidan joriy etilgan medal**

## ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Geliy – 0,1 $MPa$ bosimda va 0 ℃ haroratda zichligi 0,1785 $kg/m^3$ bo'lgan eng yengil gazlardan (vodoroddan keyin) biri bo'lib hisoblanadi. U eng kichik kritik haroratga ($T_{kr} = -267{,}97$ ℃), yuqori issiqlik o'tkazuvchanlikka va elektr o'tkazuvchanlikka ega. Geliy suv va suyuq uglevodorodlarda yomon eriydi, kimyoviy inert, ionizatsion nurlanishlarga chidamli.

Tabiatda geliyning ikkita izotopi – $^3He$ va $^4He$ mavjud, bunda asosiy ulushni yerning radioaktiv elementlarining α – parchalanishi natijasida hosil bo'lgan $^4He$ tashkil qiladi. Suyuqlantirilgan holda $^4He$ izotopi 125,1 $kg/m^3$ zichlikka ega va

$$4{,}44\ K\ (-268{,}9\ ℃)$$

da qaynaydi.

Geliyning noyob xususiyatlari aksariyat hollarda geliyni o'ta toza muhitlarni, o'ta o'tkazuvchan materiallarni, o'ta quvvatli magnit maydonlarni, o'ta past haroratlarni olishda muqobili bo'lmagan ishlatilish sohalarining kengayishiga sabab bo'ladi. Geliy metallurgiyada, oziq-ovqat sanoatida o'ta quyi haroratlarni olish uchun sovituvchi agent sifatida, havo sharlarini to'ldirishda hamda ba'zi yadro reaktorlari uchun issiqlik tashuvchi sifatida keng qo'llaniladi. Suyuq va gaz holidagi geliy umumiy miqdorining deyarli 50 % i harbiy sanoat kompleksi korxonalari va tashkilotlarida ishlatadi.

Geliyning qo'llanilish sohalarining o'zi ham geliyning naqadar yuqori texnologik ashyoligi va muhim strategik tabiiy resurs ekanidan dalolat beradi.

Geliyli konsentrat to'rt xil usul bilan olinishi mumkin: kriogen, absorbsion, gidrat hosil qilish yo'li bilan va g'ovakli membranalarda diffuziyalash orqali.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00633

An’anaga binoan geliyni ajratib olishda quyi haroratli (kriogen) usullar: quyi haroratli kondensatsiya, rektifikatsiya va adsorbsiya qo’llaniladi. Ba’zida geliy ishlab chiqarishning zamonaviy oqimli sxemasiga membranalar orqali selektiv diffuziyalash bloki kiritiladi.

Kriogen usullar tabiiy gaz komponentlarining quyi haroratlarda oson kondensatsiyalanish qobiliyatiga asoslangan. Bu kabi qurilmalar gazlarni kompleks tayyorlash tizimiga oson joylashtirishning imkoni borligi sababli sanoatda keng qo’llanilmoqda. Odatda propanning katta qismi va deyarli barcha og’irroq uglevodorodlar minus 50 ℃ gacha sovutilganda kondensatsiyalanadi. Ammo yuqori tozalikdagi (99,995 %) geliy olish uchun azotning kondensatsiyalanish harorati (−195,8 ℃) talab qilinadi. Ko’pincha kriogen qurilmalarida tarkibida $50-85$ % geliy saqlagan xom geliy (geliyli konsentrati) olinadi. Xom geliydan toza geliy olish uchun kimyoviy, adsorbsion va katalitik usullar qo’llaniladi.

## MUHOKAMA

Geliyni ishlab chiqarish jarayonining iqtisodiy samaradorligiga ikkita asosiy omil ta’sir ko’rsatadi;

-dastlabki gazdagi geliy konsentratsiyasi;

-gazli xomashyoni qayta ishlashining mujassamligi (bir vaqtning o’zida gazdan vodorod sul’fidi, azot, karbonat angidrid, etan, propan, butanlar, suyultirilgan gazlarni ajratib olish) jarayon rentabelligini oshiradi.

Geliyning o’rtacha ehtiyoj $1{,}2\ mlrd.\ m^3/yil$ni tashkil etib, chamalngan resurslari va isbotlangan zahiralari yarim asrdan ko’p davr mobaynida uzluksiz ta’minlash imkonini beradi (2-rasm). Shu sababli, barcha foydali qazilmalar singari yerdagi geliy – ko’p asrlik evolyutsiya mahsuloti – “Quyosh gazi”ning yangi va muqobil manbalarini izlash borasida keng qamrovli tadqiqotlar amalga oshirilmoqda.

Geliy betakror fizik xususiyatlari tufayli zamonaviy texnologiyalarda qo’llanilish sur’ati jadallashib bormoqda. Bugungacha geliyning asosiy manbasi tabiiy, yo’ldosh va neft gazlari bo’lib qolmoqda. Afsuski, geliyning tabiiy zahiralari behad ko’p emas, XXI asrning oxiriga kelib, ishlatilayotgan geliyli gaz konlaridagi geliy deyarli qolmaydi. Yangi konlarni ishlab chiqish, ularda geliyni tozalash va suyultirish uchun geliyli zavodlarni barpo etish yoki, quvur uzatkichlar orqali gaz xomashyosini geliyli zavodlarga jo’natish natijasida ishlab chiqariladigan geliy miqdori iste’mol ko’rsatkichlaridan ildamlab ketishiga aksincha holda esa, muhim ahamiyat kasb etuvchi komponentning yo’qotilishiga olib kelishi mumkin. Mazkur

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00633

muammoni bartaraf qilish maqsadida geliyni yer osti omborlarida saqlash maqsadga muvofiq (*3-rasm*).




*2-rasm. Tabiiy gaz konlarining tarkibidagi geliy miqdori bo'yicha gradatsiyasi*




*3-rasm. Geliyning yer osti omborlarida jamlanish va ajratib olish hajmlari hamda yaqin kelajakda bashoratlangan geliyli oqimlar*

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00633

Toza geliy qo'shimchalardan tozalangan va chuqur quritilgan tabiiy gazdan uch bosqichda olinadi: $80-90$ % gacha geliy saqlagan geliyli konsentratni ajratib olinadi, uni 99,98% gacha konsentratsiyalanadi va so'ngra tashish va saqlashga qulay bo'lishi uchun suyultiriladi.

Geliyli konsentratni olish qurilmasi chuqur sovutish texnologiyasi negizida yig'iladi. Quritilgan va sovutilgan gaz $-190$ ℃ haroratga qadar chuqur sovutiladi. Sovutish bir necha bosqichlarda tabiiy gaz tarkibidagi $CO_2$ va uglevodorodlarni ketma-ket kondensatsiyalash ($butan+\rightarrow propan \rightarrow etan \rightarrow metan \rightarrow azot$) bilan amalga oshiriladi. Natijada quyi haroratli kondensatsiyalashdan so'ng gaz holidagi $70-85$ % li geliyli konsentrat qoladi.

Jarayon xomashyoni chuqur sovutib, komponentlarga fraksiyalashga asoslangan.

1-jadval. Gaz tarkibidagi komponentlarning qaynash haroratlari

| **Komponent** | *t*, qaynash harorati, $°C$ |
|---|---|
| *Metan* | *-161,5* |
| *Etan* | *-88,6* |
| *Kripton* | *-153,4* |
| *Argon* | *-189,2* |
| *Azot* | *-195,82* |
| *Neon* | *-246,06* |
| *Vodorod* | *-252,77* |
| *Geliy* | *-268,9* |

Tabiiy gazlarni azotni kondensatsiyalash haroratigacha sovutishga asoslangan kriogen usulda tozalangan va quritilgan gaz 3,2 $MPa$ bosim ostida avval propan bilan so'ngra ikkita rekuperativ issiqlik almashtirgichlarda (oraliq seperatsiyalash bilan) $-104$ ℃ gacha sovutiladi va drosserlanib, $-153$ ℃ harorat bilan kolonnaga beriladi. Bu kolonnaning pastidan asosan metan chiqarib olinadi. Kolonnaning yuqorisi sovuqni rekuperatsiyalash hisobiga sovutilib, kolonna yuqorisida geliy va azot aralashmasi chiqariladigan $-191$ ℃ harorat saqlab turiladi. Bu aralashma kelgusida ikkita rekuperativ issiqlik almashtirgichlarda qo'shimcha sovutiladi va ikkita seperatorda 85 %li geliy konsentrati va 99,5 %li azot konsentratiga bo'linadi. Azot turbodenater 5 da kengayib, kolonnaning yuqorisini sovutadi va mahsulot sifatida chiqarib yuboriladi. Bu variant bo'yicha gazdagi geliyning dastlabki miqdoriga ko'ra $95-96$ % ga yaqin geliy ajratib olinadi.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00633

## NATIJALAR

Bugungu kunda sanoat miqyosida gaz holidagi geliy ishlab chiqarishning yagona tijoriy-iqtisodiy manbasi tarkibida geliy saqlagan tabiiy va yo'ldosh gazlar sanaladi. MDH davlatlarining gazlari tarkibidagi geliy miqdori 0,05 $dan$ 1,9 % gacha o'zgarib, ulardan geliy ishlab chiqarish faqatgina $> 0{,}1$ % geliy saqlagan gazlardangina amalga oshiriladi. Chunki, tarkibida 0,1 % dan kam geliy saqlagan konlarning gazlaridan geliy ajratib olish moliyaviy jihatdan maqsadga muvofiq emas.

Talab darajasiga qadar tozaliklangan gaz holidagi geliyni suyuq holga o'tkazish uchun gaz dastlab suyuq azot bilan sovutiladi so'ngra, turbodetanderga undan bug'-suyuqlik turbodetanderiga (yoki, drossellanadi) uzatiladi. Natijada geliyning bir qismi suyuq fazaga o'tib, keyinchalik havo va neon qo'shimchalaridan sovutish agregatlarida bevosita joylashtirilgan adsorberlarda tozalanadi. Olingan suyuq geliy turli sig'imga ega D'yuar idishlariga quyilib, iste'molchiga jo'natiladi.

Dunyo miqyosida ishlab chiqarilayotgan geliyning 85 % dan ortiqrog'i tarkibida $> 0{,}3$ % geliy saqlagan gazdan ajratib olinadi va uning tannarxi deyarli, $0{,}5 \div 0{,}7$ $AQSh\ dol./m^3$ni tashkil etadi. Yaqin kelajakda, zamonaviy, sifatli xamashyo bazasi ($He > 0{,}15$ %) ni hisobga olib, uni ratsional o'zlashtirish va dunyo bo'yicha kutilajak ist'emol hajmi taxminan shu masshtablar va narxlar yana 15 – 20 yil mobaynida kam o'zgarishi kutilmoqda.

2-jadval. Tabiiy gaz tarkibidagi geliyning miqdoriga ko'ra ishlab chiqarilgan geliyning qiyosiy tannarxi

| Xomashyodagi geliyning miqdori | Geliy ajratib olish-ning tannarxi, $AQSh\ dol./m^3$ | Yonaki tovar mahsulotlarining bahosi inobatga olingan gaz xomashyo manbalari |
|---|---|---|
| 0,0005 | $> 100$ | **Atmosfera havosi:** $Ar, Ne, Kr, Xe$, *suyuq azot va kislorod.* |
| $0{,}010 - 0{,}030$ | $20 - 40$ | **G'arbiy Sibir, Alyaska, Barens dengizi gazlari:** *YeUKF, etan, suyultirilgan propan-butan.* |
| $0{,}050 - 0{,}060$ | $10 - 15$ | **Orenburg koni gazlari:** *YeUKF, oltingugurt, suyultirilgan propan-butan.* **Goningen koni gazlari:** *YeUKF, etan, suyultirilgan propan-butan va azot.* |
| $0{,}10 - 0{,}30$ | $0{,}8 - 2{,}0$ | **Xassi-r-Mel koni gazlari va In-Salax (Jazoir) provinsiyasi gazlari, Koviktin koni** |

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00633

| | | |
|---|---|---|
| | | **gazlari (Rossiya):** *YeUKF, etan, suyultirilgan propan-butan va azot.* |
| $0{,}30 - 0{,}50$ | $0{,}5 - 1{,}2$ | **Midkontinent koni (AQSh), ODol'yanov (Pol'sha) va janubiy-Sharqiy Sibir (Rossiya) konlari gazlari:** *YeUKF, etan, suyultirilgan propan-butan va azot.* |
| $> 0{,}50$ | $0{,}3 - 0{,}8$ | **Midkontinent (AQSh), Rayli-Ridj (AQSh, Vayoming shtati) konlari gazlari:** *uglevodorodli mahsulotlarning barcha majmui, suyuq azot, oltingugurt va qattiq karbonat angidridi.* |

## XULOSA

Gazni tozalash va geliy, etan hamda og'ir uglevodorodlar olish imkonini beruvchi kombinatsiyalangan qurilma geliy ishlab chiqarish bo'yicha Yevropadagi yirik zavodlardan sanaladi. Unda gaz xomashyosidagi geliyning miqdori $0{,}05 - 0{,}06\ \%\ (hajm.)$, geliy ishlab chiqarish bo'yicha yillik quvvati $9\,000\ ming\ m^3$ni tashkil qiladi. 1993 yilda mazkur ishlab chiqarish tizimiga unumdorligi $500\ l/soat$ suyuq geliy (sutkasiga $12\ m^3$) olinadigan $KGU - 500$ geliyni suyultirish qurilmasi ishga tushirilgan. Orenburg GQIZ dan suyuq geliy avtokriogen konteynerlarda ("Gardner Cryogen" firmasining $40\ m^3$sig'imli D'yuar idishlarida) G'arbiy Yevropaga eksport qilinadi. Bu konteynerlar geliyni 45 sutkagacha suyuq holatda saqlash imkonini beradi (uning bug'lanuvchanligi sutkasiga 0,25 %ni tashkil qiladi).

Bunday konteynerlardan suyuq geliyni gazlantirib, umumiy geliyning 30 % i miqdorida 99,0 % $(hajm.)$ tozalikdagi, 65 % miqdorda 99,996 % $(hajm.)$ tozalikdagi va 5 % miqdorda 99,9999 % $(hajm.)$ tozalikdagi geliy olinadi.

Suyuq geliyni saqlash uchun kriogen saqlagichlar ishlatiladi. Bugungi kunda dunyoda sig'imi $120\ m^3$ bo'lgan 10 shunday omborlar mavjud, ulardan biri Orenburgda joylashgan.

## REFERENCES

1. Лавренченко Г.К., Уткин В.Н. Как предотвратить «Гелиевую недостаточность?» // Технические газы. -2013. -№ 3. -С. 2-11.
2. Якуцени В.П., Проблемы освоения ресурсов восточносибирского гелия: www.yakutseni.ru/nauch nietrudy/statyi/120-problemy-osvoenija-resursovvostochno-sibirskogo-gelija/default.htm.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00633

3. Бондаренко В.Л., Симоненко Ю.М. Криогенные технологии извлечения редких газов. // Одесса: ПО «Изд. центр». -2013. -332 с.
4. Зарипов Г. Б., Гайбуллаев С. А. Выбор режима работы процесса низкотемпературной сепарации углеводородных сырьевых ресурсов //Молодой ученый. – 2016. – №. 3. – С. 98-100.
5. Турсунов Б. Ж., Гайбуллаев С. А., Жумаев К. К. Влияние технологических параметров на гликолевую осушку газа //MEDICAL SCIENCES. – 2020. – Т. 1. – №. 55. – С. 33.
6. Гайбуллаев С. А., Турсунов Б. Ж. ПИРОКОНДЕНСАТ-ВАЖНЕЙШЕЕ СЫРЬЕ ХИМИЧЕСКОГО СИНТЕЗА //Universum: технические науки. – 2020. – №. 6-2 (75).
7. Гайбуллаев С. А., Турсунов Б. Ж., Тимуров Ш. М. ТЕХНОЛОГИЯ GTL-ПЕРСПЕКТИВНОЕ НАПРАВЛЕНИЕ ПОЛУЧЕНИЯ ТОПЛИВ С УЛУЧШЕННЫМИ ЭКОЛОГИЧЕСКИМИ СВОЙСТВАМИ //Теория и практика современной науки. – 2019. – №. 6. – С. 168-172.
8. Urunov N. S. et al. PIROKONDENSAT TARKIBINING KIMYOVIY TAHLILI //Science and Education. – 2021. – Т. 2. – №. 3. – С. 32-40.
9. Sharipov M. S. et al. TASHLAMA GAZLARNI NOAN'ANAVIY USULLARDA TOZALASH //Science and Education. – 2021. – Т. 2. – №. 3. – С. 136-141.
10. N.S.Maxmudova, S.A.G’aybullayev. TABIIY GAZLARNI VODOROD SUL’FIDIDAN TOZALASH USULLARINING TASNIFI // Scientific progress. 2021. №5.

ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 4 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00634

# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКА ХИЗМАТИ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

**Сарварбек Авазбекович Мирзаев**
Андижон иқтисодиёт ва қурилиш институти, Ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси
mir_sarvarbek@mail.ru

## АННОТАЦИЯ

Мақолада қишлоқ хўжалиги техника хизмати бошқарув тизимида қишлоқ хўжалиги техникасини таъмирлаш, хизмат қилиш базасининг объектлари, бошқарув тизимининг асосий тамойиллари, услублари, машина-трактор ва автомобиль паркларидан фойдаланиш даражаси, агротехник хизмат кўрсатиш, техник хизмат бошқарув тизимини шакллантириш йўллари, тавсифи, бошқарув санъати, бошқаришнинг умумий тамойиллари бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

**Калитли сўзлар:** ташкилий тузилма, потенциал, агротехник, диагностика, чилангар, рельеф, менежер, интеграция, функционал, бошқарув санъати.

**Sarvarbek Avazbekovich Mirzaev**
Andijan Institute of Economics and Construction, Senior Lecturer of the Department of Social and Economic Disciplines
mir_sarvarbek@mail.ru

# PRINCIPLES OF A MANAGEMENT SYSTEM FORMATION FOR MANAGING AGROTECHNICAL SERVICE

## ABSTRACT

This article considers the proposals and recommendations for the repair of agricultural machinery in the management system of the agro-technical service, objects of the service base, basic principles, methods of the management system, the level of use of machine-tractor and car parks, ways of forming a management system for the agro-technical service, a description of the art of management, general principles management.

**Keywords:** organizational structure, potential, agricultural engineering, diagnostics, locksmith, relief, manager, integration, functional.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00634

## КИРИШ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармонида илм-фан соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштиришга алоҳида тўхталиб ўтилган, илмий ташкилотларнинг илмий-инновацион фаолияти самарадорлигини баҳолашга йўналтирилган миллий рейтинг тизимини жорий этиш, илм-фанда ўзини ўзи бошқариш тизимини ривожлантириш орқали давлат ва илмий ташкилотлар ўртасида ижтимоий шерикликни ривожлантириш ҳамда унинг доирасида лойиҳаларни амалга ошириш масаласи кўрсатиб ўтилган. Бундан кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалиги соҳасида техника хизмати бошқарув тизимини янада ривожлантиришда илм-фаннинг ўрни беқиёсдир.

Қишлоқ хўжалиги техника хизмати бошқарув тизимида қишлоқ хўжалиги техникасини таъмирлаш, хизмат қилиш базасининг объектлари ҳозирги кунда муҳимдир, бу ерда техника ва ундан ечилган таркибий қисмларни сақлаш ташкил қилинади, янги техникани буткул йиғиш, ҳисобдан чиқарилган техникани қисмларга ажратиш ва нуқсонлаш, машина трактор агрегатларини бутлаш ва созлаш, оддий қилиб айтганда, қишлоқ хўжалик машиналарини сақлашга қўйишдан олдин таъмирлаш ишларини амалга ошириш муҳим саналади.

Қишлоқ хўжалиги корхонасининг техник хизмати (ТХ) ишлаб чиқаришни бошқариш тизимининг асосини ташкил этади ва уни ташкил этиш даражаси, асосан, ишлаб чиқаришда ишлатиладиган техника ва технологиялар самарадорлигини белгилайди.

Муҳандислик бўлимлари самарадорлигини баҳолаш учун корхонанинг машина-трактор ва автомобиль паркларидан фойдаланиш даражасини таҳлил қилиш керак. Машина-трактор парки (МТП) ўсимликларни етиштиришда механизациялаштиришнинг асоси бўлиб, унинг ишончлилиги ва фойдаланиш самарадорлиги маҳсулот таннархи ва унинг сифатини белгилайди. Аксарият мутахассислар унинг ечимини корхоналарнинг муҳандислик хизматлари ва уларни муҳандислик-техник таъминот тизимларини такомиллаштириш масаласига деярли таъсир қилмайдиган чора-тадбирлар мажмуаси шаклида тақдим этадилар. Ушбу МТП ишончлилиги муаммосини ҳал қилиб бўлмайди, чунки янги ускуналар шароитлари машиналарнинг потенциал имкониятларини рўёбга чиқариш ва уларнинг ишлашини оқилона бошқариш имкониятига эга бўлмайди.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00634

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Н.Ф. Реймерс ва А.В. Яблоков таъкидлаганидек, агар ҳаво нафас ололмаса, сув ичилмайди ва овқат ейилмаса, у ҳолда барча ижтимоий муаммолар ўз маъносини йўқотади.

П.П. Руснак таъкидлашича, ҳар қандай фаолият экологик жиҳатдан оқлангандагина оқланиши мумкин.Шунинг учун техникани қўллашда ниҳоятда эҳтиёт бўлиш талаб этилади, ҳар бир трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасини тўғри ишлатиш, улардан тўғри фойдаланиш, ҳар бир ишни қачон ва қандай амалга оширишни билиш қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлайдиган ҳар бир мутахассис учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини унутмаслигимиз керак [1].

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида техник хизмат бошқарув тизимини ташкил қилишнинг учта асосий тамойили мавжуд:

• қишлоқ хўжалиги корхоналарининг хизмат кўрсатиш тузилмалари;

• собиқ қишлоқ хўжалиги техникалари негизида қолган туман ва вилоят даражасидаги хизмат кўрсатувчи ташкилотлар;

• ишлаб чиқарувчи дилер сифатида моддий-техник таъминот ва хизмат кўрсатадиган тижорат корхоналари.

Республикамизда таъмирлаш-техник сервис корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш ва режалаштириш, қишлоқ хўжалиги машиналарига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш тизимини такомиллаштириш бўйича Ш.Йўлдошев, Р.Матчанов, Т.Худойбердиев, А.Усмонов, И.Аширбеков ва бошқалар томонидан тадқиқотлар олиб борилган [2].

## НАТИЖАЛАР

Қишлоқ хўжалиги техника хизмати бошқарув тизимининг тузилмаси муайян тизимнинг ташкил топган шакли, тизим элементларининг ўзаро муҳим алоқаларининг яхлитлигидир. Қишлоқ хўжалигида бошқарув тизимининг ташкилий тузилмаси функционал муносабатларнинг умумий қонунларига бўйсунади.

Ташкилий тузилма – ташкилотни бошқаришнинг асосий элементларидан бири. Ушбу тузилма бўлинмалар ва ташкилотлар орасидаги мақсадларни ва бошқариш масалаларини тақсимлаш билан белгиланади. Мазмунан, бошқарув тузилмаси – бошқарув қарорларини қабул қилиш ва амалга ошириш бўйича меҳнатни тақсимлашнинг ташкилий шакли [3].

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00634

Қишлоқ хўжалиги техника хизматида ҳар бир мураккаб тизимнинг бир-бирига бўйсуниши кўп поғонали тарзда шаклланади. Бошқарувнинг сифати тузилманинг юқори ҳалқасидан бир хил масофада узоқлашган ва тенг ҳуқуққа эга бўлган тизим элементлари билан белгиланади. Техника хизматида тизим бошқарувининг функциясини амалга ошириш учун махсус тузилма ташкил этилади. Унинг тузилмаси бошқарувнинг бир-бирига тобе бўлган бўғинлари билан белгиланади.

Қишлоқ хўжалиги техника хизматида бошқарув тизими тузилмасини шакллантирувчи элементлар бир-бири билан узвий алоқада бўлади. Бошқарув тизимининг оқилона ташкил этилган тузилмаси унинг самарадорлигини белгилаб беради, яъни бошқарув объектининг кўп сонли элементлари алоқаларининг мустаҳкамлиги ва тизим яхлитлигини таъминлайди. У тизим элементларини бир бутун ҳолга келтиради, бошқарув тизимининг шакли ва ташкилий томонларига, ишни ташкил қилиш усулларига, мувофиқлаштиришга таъсир қилади, тизим фаолияти натижасини баҳолашга ва қиёслашга имкон беради.

Бошқарув тизими бошқарув технологиясига таъсир кўрсатади, ахборотни оқилона тарқатиш, ходимларни танлаш ва лавозимга қўйишдаги бошқарув техникаларини ишлатиш билан боғлиқ вазифаларни белгилайди. Тизимнинг “ички муҳити”ни ундаги элементларнинг асосий функциялари ёрдамида аниқлаб олса бўлади.

Қишлоқ хўжалиги корхона ва ташкилотларида бошқариш самарадорлигини ошириш уларнинг ташкилий тузилмалари қай даражада таркиб топганлигига боғлиқдир. Ташкилий тузилма қанчалик мукаммал, аниқ, мақсадга мувофиқ тузилган бўлса, бошқарув ходимларининг фаолияти шунчалик самарали бўлади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарига агротехник хизмат кўрсатишни яхшилаш, хўжалик техникасидан фойдаланиш самарасини ошириш мақсадида мамлакатимизда машина-трактор паркларига бўлган эътибор оширилди. Муқобил МТП бозор иқтисодиёти қонунларидан келиб чиққан ҳолда тузилиши керак. Маркетинг эса талабнома ва реклама хизмати, истеъмолчилар талабини ўрганиш, шу асосда сервис-хизмати турлари, уларни амалга ошириш учун керак бўладиган техника воситалари тизимини белгилаш, хизмат миқдори ва унинг нархини аниқлаш билан шуғулланади. Шунингдек, истеъмолчилар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари орасида МТП томонидан бажарилиши мумкин бўлган сервис-хизмат турларини реклама қилиш билан ҳамда керакли

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00634

техника воситаларини, эҳтиёт қисмлар, ёқилғи, мойлаш материалларини сотиб олиш жойлари ва нархлари билан шуғулланади [4].

Қишлоқ хўжалиги техника хизматида бошқарув тизими икки услубда амалга оширилади, яъни қўл остида ишловчиларни бевосита ва билвосита бошқариш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги техника хизматида бошқарув тизимининг биринчи услубида (тўғри чизиқли тузилма) ижрочилар тўғридан-тўғри бир бошлиққа бўйсунади ва фақат ундан кўрсатмалар олади. Бу услуб оддий, тушунарли ва мантиқлидир. Тузилма бўлимининг бошқарув функцияларини барча ваколатларга эга бўлган бир киши шахсан ўзининг зиммасига олади.

Унинг чиқарган буйруқларини барча ходимлар бажаришлари керак. Бундай шароитда жамоа фаолиятининг самарадорлиги ошади. Шуни эсда тутиш керакки, ушбу тамойилда бир кишининг қўлида бутун ҳокимлик тўпланади, раҳбарнинг зиммасига катта жавобгарлик юкланади. Юқорида турувчи бошқарув идораси қуйи корхона раҳбарига, сўзсиз, ушбу корхона ишчиларига буйруқни бажариш ҳақида кўрсатма бериш ҳуқуқига эгадир.

Раҳбар жамоа фаолиятининг барча томонларига жавобгар бўлиб, бошқарув ишларини ўзи бажариши лозим, шу туфайли у баъзида меъёрдан ортиқча ахборот таъсирида бўлиб қолади. Агар ижрочилар кўп бўлиб, улар турли хил ишларни бажараётган бўлсалар, уларга раҳбарлик қилиш қийинлашади.

Қишлоқ хўжалиги техника хизматида тўғри чизиқли бошқарув тузилмаларининг устуворлиги уларнинг оддийлигида, ташкил топишининг аниқлигида, тузилма элементларининг бир-бирига бўлган тобелигида ва масъулиятлилигидадир. Шу билан бирга, мураккаб масалаларни ечишда пайдо бўлган қийинчиликлар туфайли уларнинг қўлланилиши чекланган. Бўлинмалар ўртасида юзага келган масалалар қийин ечилиши, раҳбарларнинг иш билан бандлиги бир текисда эмаслиги ва жуда катта юклама билан ишлашига боғлиқ.

Қишлоқ хўжалиги техника хизматида бошқарув тизимининг иккинчи услуби (функционал тузилма) раҳбар ишини анча енгиллаштиради, чунки у барча ходимлар билан эмас, балки ўзининг ўринбосарлари ёрдамида иш олиб боради. Ҳар бир ўринбосар функционал йўналиш бўйича юзага келган ишлаб чиқариш муаммоларини ўз ваколати доирасида кўриб чиқади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00634




***1-чизма. Қишлоқ хўжалиги техника хизмати менежменти бошқаруви тизими.***

## МУҲОКАМА

Янги тузилаётган қишлоқ хўжалигида техник хизмати бошқарув тизимини шакллантиришдан аввал кимга хизмат кўрсатиши, хизматга бўлган талабни, хизмат турларини аниқ белгилаб олиши ҳамда шу хизмат турларини, миқдорини бажариш учун қайси турдаги техника воситалари ва қанча кераклиги аниқ бўлиши зарур (1-чизма).

Қуйида қишлоқ хўжалиги техника хизмати ташкилий бошқаруви тизимининг ҳар бир бўлимининг тавсифи бериб ўтилган.

Қишлоқ хўжалиги техника хизмати бошқаруви раиси – ташкилот фаолиятига тегишли услубий ва меъёрий материаллар, саноат ва ташкилотнинг техник, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш истиқболлари, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш, ташкилот фаолиятига доир юқори ва бошқа органларнинг қарорлари, фармонлари, буйруқлари, бошқа раҳбар ва норматив ҳужжатлари, ташкилот тузилмасининг профили, ихтисослаштирилиши ва хусусиятлари, ташкилотни бошқариш, хўжалик шартномаларини тузиш ва расмийлаштириш тартиби, мамлакатимизда ва хорижда ишлаб чиқаришнинг тегишли тармоғида фан ва техника ютуқлари ва илғор ташкилотлар тажрибаси билан шуғулланади.

Машиналарни таъмирлаш хизмати муҳандиси – асбоб-ускуналар, техникаларни таъмирлашни ташкил этиш бўйича норматив, методик ва бошқа материаллар, корхонада таъмирлаш хизматини ташкил этиш, таъмирлаш ишларини режалаштириш, жиҳозлар бузилишининг олдини олиш, корхона ускуналарининг ишлаб чиқариш қувватлари, техник хусусиятлари, конструктив хусусиятлари, иш режимлари, ускуналардан фойдаланиш қоидалари,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00634

жиҳозларни монтажлаш ва таъмирлаш усуллари, таъмирлаш ишларини ташкил этиш технологияси, паспортлар ва асбоб-ускуналардан фойдаланиш бўйича йўриқномаларни ва бошқа техник ҳужжатларни тузиш тартиби, таъмирлашдан кейин асбоб-ускуналарни қабул қилиш ва топшириш қоидалари, ускуналар ва таъмирлаш жиҳозларидан фойдаланиш, таъмирлаш ва модернизация қилишда меҳнатни оқилона ташкил этиш, техник хизмат кўрсатишнинг маҳаллий ва хорижий тажрибасини ўрганиш, иқтисодиёт, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва нормалари билан шуғулланади.

Моддий техник-таъминот муҳандиси – таъминловчи техник ижрочилар тоифасига киради, асосан, корхона директорининг буйруғи билан иш юритади. Вазифасига доир моддий ресурслардан фойдаланиш масалаларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, низомлар, йўриқномалар, моддий-техник таъминлаш ва юклаш-тушириш ишларини ташкил этиш, юкларни қабул қилиш ва жўнатиш, контейнерлар ва транспорт воситаларига буюртма бериш, олинган ва жўнатиладиган юкларга ҳужжатларни расмийлаштириш қоидалари, материаллар ва бошқа товар-моддий қадриятларни сарфлаш номенклатураси ва нормалари, уларни сақлаш ва ташиш шартлари, меҳнатни ташкил этиш, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, ички меҳнат тартиби қоидалари, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва нормалари бўйича иш олиб боради.

Асбоб-ускуналар диагностикаси бўйича мутахассис – раҳбар томонидан қабул қилинадиган ва бўшатиладиган мутахассислар тоифасига киради. Унинг вазифасига республикадаги амалдаги қонунчиликда юритиладиган фирма раҳбарининг буйруқлари, ички норматив ҳужжатлар ва оғзаки буйруқлар, мутахассислик бўйича методик материаллар, ишлаб чиқариш технологияси, иш профили, иш дастурлари ва йўриқномалари бўйича махсус адабиётда қўлланиладиган терминология, фойдаланилаётган ускуналарнинг техник хусусиятлари, конструктив хусусиятлари, белгиланиши, ишлаш тамойиллари ва фойдаланиш қоидалари, унинг камчиликларини кўриб чиқиш ва аниқлаш усуллари, ички меҳнат тартиб-қоидалари, меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнғинга қарши ҳимоя қилиш қоидалари ва нормаларини билиш киради.

Асбоб-ускуналар бўйича техник уста – асбоб-ускуналар бўйича техник мутахассис ҳисобланади. Асбоб-ускуналар бўйича техник лавозимга тайинлаш ва ундан озод қилиш ташкилот раҳбарининг буйруғи билан амалга оширилади. Асбоб-ускуналар бўйича техник уста, асбоб ва жиҳозларни тайёрлаш технологияси асослари, улардан фойдаланиш ва сақлаш қоидалари, асбоб-

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00634

ускуналар ва жиҳозларга, уларни тайёрлашда фойдаланиладиган материалларга қўйиладиган техник талаблар, омборхона хўжалигини ташкил этиш, иқтисодий статистика, корхона бўлинмаларининг асбоб-ускуналар ва технологик жиҳозларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш тартиби, асбоб-ускуналар ва технологик жиҳозларнинг сарф нормалари ва захираларини ҳисоблаш тартиби, корхонада фаолият кўрсатаётган асбоб ва жиҳозлар нархлари, ишлаб чиқариш дастурларини асбоб-ускуналар цехи билан бажариш кўрсаткичларини ҳисобга олиш, асбоб-ускуналар ва жиҳозлар, иқтисодиёт, меҳнатни илмий ташкил этиш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ички меҳнат тартиб-қоидалари, меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнғинга қарши ҳимоя қилиш қоидалари ва нормаларини билиши керак.

Асбоб-ускуналарни йўлга қўйиш устаси – қишлоқ хўжалиги машиналари ва тракторларини йўлга қўйиш устаси ишчилар тоифасига киради. Қишлоқ хўжалиги машиналари ва тракторларини йўлга қўювчи уста – юқори ва бошқа органларнинг қарорлари, фармонлари, буйруқлари, бошқа раҳбарлик ва норматив ҳужжатлар, ички меҳнат тартиб-қоидалари, меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси қоидалари, машина-трактор, боғга хизмат кўрсатишда қўлланиладиган тракторлар, комбайнлар, қишлоқ хўжалиги машиналари ва ускуналари қурилишини билишлари керак бўлади. Лавозим вазифаларига: қишлоқ хўжалиги машиналари, тракторлар ва комбайнларнинг оддий ва ўртача мураккаб тузилмалари ва агрегатларини йўлга қўйиш, текшириш ва тартибга солиш, тракторларга техник хизмат кўрсатиш операцияларининг барча турларини бажариш киради.

Чилангар (слесарь), таъмирловчи уста – механик йиғиш ишлари слесари ишчилар тоифасига киради. Механик йиғиш ишлари чилангари қуйидагиларни: йиғилаётган тузилмалар ва механизмлар учун техник шартлар, оддий иш асбобининг номи ва белгиланиши, қайта ишланаётган материалларнинг номи ва маркировкасини билиши керак. Лавозим вазифаларига: тузилма ва механизмларни йиғиш ва тартибга солиш, деталларни 12-14 квалитет бўйича ч ишлаш ва айлантириш киради. Чилангар уста режа асосида, жорий ёки капитал таъмирлаш, шунингдек ускуналар, машиналар ва агрегатларни монтажлаш, текшириш ва тартибга солишни амалга оширади. Муаммоларни аниқлаш учун механизмларнинг техник диагностикасини амалга оширади ва таъмирлаш ишлари режасини белгилайди.

Пайвандловчи уста – пайвандловчи ишчилар тоифасига киради. Пайвандловчи қўлланилаётган алоқа машиналарининг амал қилиш тамойили ва

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00634

уларга хизмат кўрсатиш қоидалари, пайвандланган бирикмаларнинг ёпишқоқ, нуқта, рельеф ва тикиш турларини билишлари керак ҳамда контакт ва нуқта машиналарида углеродли пўлат ва асбобдан ясалган оддий буюмлар, тугунлар ва конструкцияларни пайвандлаш, кесиш жойлари, бурмалаш ва оғишларни тўғрилаш вазифаларини бажариши керак.

Қишлоқ хўжалиги техника хизмати ташкилий бошқаруви тизимида бошқарув санъати бўлиши керак. Бошқарув санъати бу – менежернинг, раҳбарнинг қобилияти, устамонлиги, ижодиётидир [5].

Шундай қилиб, бошқариш тамойилларини бошқарув вазифаларини амалга ошириш бўйича асосий ғоялар, қонуниятлар ва раҳбарлар хатти-ҳаракатларининг қоидалари сифатида тасаввур қилиш мумкин.

Менежментнинг барча тамойилларини икки гуруҳга – умумий ва хусусий гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқдир.

Бошқаришнинг умумий тамойилларига дастурлаш, тизимлилик, кўп функциялилик, интеграция, қадриятларни назарда тутиш тамойиллари киради.

Дастурлаш тамойили – менежмент фирмада ишловчи барча ходимлар учун ўзига хос фаолият дастурини ишлаб чиқади.

Тизимлилик тамойили – менежмент, умуман, ўз тузилмаси ёки тизимининг ташқи ва ички ўзаро алоқаларини, ўзаро боғлиқликлари ва очиқлигини (ошкоралигини) ҳисобга олган ҳолда барча тизимни қамраб олади.

Кўп функциялилик тамойили – менежмент фаолиятнинг турли томонларини, яъни моддий (ресурслар, хизматлар), функционал (меҳнатни ташкил этиш), мазмуний (охирги мақсадга эришиш) томонларини қамраб олади.

Интеграция тамойили – тизим ичида ходимларнинг турли усулдаги муносабатлари ва қарашлари интеграциялашиши лозим, фирмадан ташқарида эса, ўз дунёларига бўлиниб олишлари мумкин.

Қадриятларни назарда тутиш тамойили – менежмент ижтимоий атроф муҳит билан меҳмондўстлик, ҳалол (виждонан) хизмат кўрсатиш, нарх ва хизматларнинг фойдали нисбати каби қадриятлар тўғрисида муайян тасаввурлар билан боғлиқ. Буларнинг барчасини фақатгина ҳисобга олиш билан чекланиб қолмай, балки фаолиятни юқорида айтиб ўтилган умумий тамойилларга тўла амал қилган ҳолда ташкил этиш карак.

Менежментнинг асосий хусусий тамойили бошқарувдаги марказлашиш ва номарказлашишни оптимал мослаштириш тамойили ҳисобланади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00634

## ХУЛОСА

Фермер хўжаликларини замонавий техника ресурслари билан таъминлаш, ташкилий ишларни такомиллаштириш, доимий равишда иш унумдорлигини ошириш, қўл кучи билан бажариладиган ишларни камайтириш ва уларни машиналар зиммасига юклаш, етказилаётган маҳсулотларнинг таннархини пасайтириш, меҳнат сарфини ва машиналарга техник хизмат (сервис) кўрсатиш, таъмирлаш ишларида захира қисмларни сарфлашни камайтириш мақсадга мувофиқ.

## REFERENCES

1. Игамбердиев, А. К., Аликулов, С. (2020) Тракторлар ва қишлоқ хўжалиги машиналаридан фойдаланиш, техник сервис. – Тошкент.
2. Рустамов, Р.М. (2017) Замонавий қишлоқ хўжалиги машиналарига ҳудудий фирмавий техник сервис кўрсатиш тизимини такомиллаштириш. 05.07.02- “Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларини ишлатиш, тиклаш ва таъмирлаш”. – Тошкент.
3. Махкамова, М., Юлдашева, С., Холматова, Ш., Шмигун, О. (2007) Менежмент. - Тошкент. Шарқ.
4. Обидов, А. (2013) Машина-трактор паркидан фойдаланиш. - Тошкент: Tafakkur qanoti.
5. Ғуломов, С.С. (2002) Менежмент асослари. - Тошкент. Шарқ.

ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 4 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00635

# ЎЗБЕК МУСИҚА САНЪАТИ ВА МАДАНИЯТИНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ

**Одина Вахобова**
Фарғона давлат университети талабаси

## АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада ўзбек мусиқа санъатининг ўтмишда ва ҳозирги кунда халқимизнинг маънавий савиясини оширишдаги аҳамияти ҳамда янги Ўзбекистоннинг ижтимоий тараққиётида мусиқа санъати етакчи омиллардан бири эканлиги ва ўзбек мусиқа маданиятини шаклланиш жараёнлари илмий асослаб берилади.

**Калит сўзлар:** мусиқа, маданият, ижодий фаолият, миллий ва умуминсоний қадриятлар, ижрочилик санъати, анъана, маънавий мерос, мақом, дутор, ҳофиз, созанда ва бастакор.

# IMPORTANT ASPECTS OF UZBEK MUSICAL ART AND CULTURE

**Odina Vakhobova**
Student of Fergana State University

## ABSTRACT

This article scientifically substantiates the importance of Uzbek music in the past and present in raising the spiritual level of our people, as well as the fact that musical art is one of the leading factors in the social development of new Uzbekistan and scientifically substantiates the formation of Uzbek musical culture

**Keywords:** music, culture, creativity, national and universal values, performing arts, tradition, spiritual heritage, maqom, dutar, hafiz, musician and composer.

## КИРИШ

Бугунги кунда Ўзбекистонда мусиқа санъати ва маданиятини янада ривожлантириш учун янги имкониятлар яратилмоқда. Мусиқа маданиятининг турли йўналишлари бўйича ёш истеъдодларни излаб топиш, уларнинг ижодий фаолиятини юксалтириш юзасидан ғамхўрлик қилиш муҳим аҳамиятга молик вазифалардан бирига айланди. “...Халқимизнинг маънавий савиясини ошириш,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00635

ёш авлодни юксак инсоний ғоялар, она Ватанга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялаш, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида камол топтиришда мусиқа санъатининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир”. Зеро, ўтмишдаги мусиқий ижрочилик анъаналарини тиклаш, замонавий шароитларда сақлаб қолиш, ўзбек миллий мусиқий асарлари ва созларини хорижий мамлакатларда намойиш этиш, мусиқа таълимида янги анъаналарни таркиб топтириш, халқ маънавий меросини асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга етказиш, жамият ҳаётида мусиқа маданиятининг тутган ўрнини таҳлил этиш долзарб вазифа ҳисобланади.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўзбек халқининг мусиқа мероси бой анъаналарга ва қадимий тарихга эгадир. Унинг даврлар оша ривожи, халқ мусиқаси ва мумтоз мусиқаси негизида ривож топиб келганлиги амалиётдан маълумдир. Мусиқа санъати инсониятнинг маънавий бойлиги, эстетик дунёқараши ва келажак камолотини белгиловчи мезонлардан бири сифатида ардоқланиб келинади. Унда ҳар бир халқнинг миллий анъаналари, урф-одатлари, маросим ва қадриятлари муносиб ўрин олган. Мусиқа ижрочилиги, халқ мусиқа маданиятининг шаклланиб, ривож топувчи жонли жараёни эканлиги ҳаммага маълум. Унинг намояндалари бўлмиш созанда, хонанда ва бастакорлар халқ маданиятининг ўзига хос мутасаддилари сифатида ардоқланиб келинган. Бу борада ўтмиш рисолаларда ҳам тарихий муаммолар зикр этиб келинган. Жумладан, Абу Наср Фаробийнинг “Катта мусиқа китоби”, Зайнуллобиддин Ҳусайнийнинг “Қонуни илми, амали мусиқи”, Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолаи мусиқий”, Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис”, Дарвеш Али Чангийнинг “Мусиқий рисола”лари бунга ёрқин мисолдир.

Мусиқа маданияти тарихи мавзусига доир Собиқ Иттифоқ даврида яратилган асарлар кўлами ниҳоятда кенгдир. Улар орасида ўзбек халқ мусиқаси тарихини ўрганишда Бекжон Раҳмон ўғли ва Муҳаммад Юсуф Девонзода (Харратов)нинг 1925 йил Москвада араб алифбосида нашр этилган “Хоразм мусиқий тарихчаси” рисоласи муҳим аҳамиятга эга. Ушбу рисолада Хоразм мусиқачилари ижоди, Хива хонлиги ҳудудига Шашмақомнинг кириб келиши, Муҳаммад Рахимхон Ферузнинг мусиқа санъатини ривожлантириш борасидаги ҳаракатлари ҳақида қимматли маълумотлар берилади.

Қирқ олти йилдан зиёд (1864–1910) ҳукумат тепасида турган шоир, бастакор ва мусиқийшунос Муҳаммад Раҳимхон Феруз (1846–1910) ҳомийлиги

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00635

ва раҳнамолигида Хоразм Олти ярим мақоми бир бутун мажмуа сифатида хатга туширилди. XX асрнинг 20-йилларига келиб ноёб истеъдод соҳиби, закий шоир, созанда ва мусиқийшунос, қўли гул санъаткор Муҳаммад Комил Девоний (1887–1938) ўз салафлари ишини давом эттириб, худди шу нота ёзуви воситасида Хоразм мумтоз мусиқасининг қадимийроқ қатлами бўлмиш дутор мақомларининг етти туркумини куй ва сўз матнлари билан Олти ярим мақом (Танбур мақомлари)га қўшиб ёзиб олди. Хоразм мусиқашуносларининг жуда катта тарихий ва илмий аҳамиятга эга бўлган бу топиғи ўзбек мусиқаси тарихининг зарҳол саҳифаларидан биридир. Ўз даврида танбур чизғиларининг қайтадан кашф қилиниши замонавий ўзбек мақомшунослигининг янги босқичга кўтарилиб бораётгани далилидир. Кейинги йилларда мақомшунослик борасида жиддий изланишларга йўл очилди. Замонавий илмларга таянган янги авлод вакиллари майдонга чиқа бошлади. Шулар қаторида навқирон мақом устози Рустам Болтаев ва мусиқашунос Ботир Раҳимовларнинг номларини қайд этиш мумкин. Улар Хоразм танбур чизғилари устида узоқ йиллар илмий ва ижодий изланишлар олиб бориб, мазкур ёзувлардаги нота матнларини замонавий такт тизимига ўгиришга ва ижроларини тиклашга муяссар бўлдилар.

Ўз вақтида улуғ устозлар қўли билан битилган мўътабар нота ёзувларининг кенг илмий муомалага жорий этилиши умумбашарий миқёсга молик тадбирдир. Ваҳоланки, у бир вақтлар деярли узилиш арафасига етиб қолган жонли удумларнинг ворисийлик ришталарини тиклашдаги амалий аҳамияти билан бир қаторда, ўтмишнинг буюк мусиқашуносларидан мерос қолган илмий ютуқларни замонавий фан тараққиёти хизматига жалб этиш имкониятини ҳам туғдиради.

## НАТИЖАЛАР

Мусиқа санъатининг азалий анъаналари Шарқ халқлари маданиятида шаклланиб ривож топганлиги ҳамда бутун башариятга ижодий таъсир этганлиги, фанда ўз ижобатини топган. Шунингдек, ўзбек миллий мусиқа маданияти тарихини ўрганишда Абдурауф Фитратнинг ҳам ҳиссаси салмоқли бўлиб, муаллифнинг мазкур масалага бағишланган асар ва мақолаларида ўзбек мумтоз мусиқаси, унинг услублари ва уларнинг турк, араб, форс мусиқаларидан фарқи, “Шарқ мусиқаси” назарияси ва унинг асослари тўғрисидаги таҳлилий фикр-мулоҳазалари баён этилади. Мусиқий рисолалар, одатда, назарий йўналишга қаратилган бўлади, ва уларда умумий қонун-қоидалар мавҳум риёзий тилда баён этилади. Ижодиётнинг нозик сифатлари, хусусан, эл-

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00635

элатларнинг куй ва ашулаларига хос жиҳатлар, кўпинча назарий қарашлардан ташқарида қолади. Шунинг учун қўшимча маълумотлар, гарчан асосий мусиқий рисолаларга нисбатан иккинчи даражали аҳамиятга эга бўлса ҳам, ўтмиш тарихини ўрганишда назарий қонун-қоидаларни тўлдириб, маълум давр мусиқий ҳаёти ҳақида кенгроқ ва атрофлича таассурот пайдо этиш имкониятини беради.

Ҳаёт тараққиёти жараёнларида, Ғарб маданиятининг ўзига хос камол топганлигини эса, ҳозирги замон мусиқа санъати кўламидан илғаб олиш мушкул эмас. Бунинг негизида мусиқа санъати ва унинг ички унсурларини профессионаллик даражада умумлашиш босқичларини ўташи, бу жараёнда мутаносиб товуш пардаларини уйғунлаштириш ҳамда барча баробар қабул қилишлари каби мезонлар, умумбашарият мусиқа санъатининг гўзал уйғунлашишига олиб келганлигини эотироф этиш лозимдир. Натижада, мусиқа санъати ижодиётида Ғарб мусиқа санъатига интилиш, ўхшатиш, маданиятига эргашиш каби муносабатлар юзага келди. Бунинг натижасида 1920-йилда Тошкент рус опера ва балет театри, вилоят мусиқали драма театрлари, 1926-йилда М.Қориёқубов раҳбарлигида ташкил топган “Ўзбек этнографик ансамбли” асосида 1929-йилда бунёдга келган “Ўзбекистон давлат мусиқали драма театри”, унинг асосида 1939-йили “Ўзбек давлат опера ва балет театри” ва “Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали драма ва комедия театр”лари фаолият кўрсата бошлади. Шунингдек, Ўзбекистон давлат филармонияси таркибида “Ўзбекистон ашула ва рақс ансамбли”, “Дуторчи қизлар ансамбли”, “Тамарахоним ансамбли”, “Хоразм гармончи қизлар ансамбли”, “Симфоник оркестр”, “Ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри”, “Хор акапелла жамоаси” каби ижрочи жамоалар замонавий ўзбек мусиқа маданиятини ривожлантириш жараёнида самарали хизмат қилдилар.

Ўзбек миллий мусиқа санъати узоқ тарихий йўлни босиб ўтди. Хусусан, XIX аср охири – XX аср бошларида кўлами, ижро йўллари, шакллари, мураккаблигига қараб анъанавий мусиқа санъати профессионал мусиқа асарлари (мақом, катта ашула, достончилик) ва халқ куйларига (лапар, ялла, қўшиқ, ашула) бўлинган. XX аср бошларида ўзбек мусиқаси санъатига алоҳида эътибор билан ёндошилган. XX асрнинг илк йилларида Ўзбекистонда сиёсий-ижтимоий ва маданий муҳитнинг ўзи янгиланиш шароитлари билан характерланади. Марказий Осиёда жадидчилик ҳаракати, улуғ намояндалари ва уларнинг ижодий фаолияти алоҳида аҳамиятлидир. Бунда, Европа услубдаги миллий театрларнинг бунёдга келиши ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Бунда

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00635

Маҳмудхўжа Беҳбудий, Садриддин Айний, Абдурауф Фитрат, Тавалло, Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ва Абдулла Шакурий каби намояндаларининг ижодий фаолиятлари алоҳида аҳамиятлидир. Бундан кўринадики, бу даврда ўзбек халқи мусиқа санъати намояндалари фаолияти икки йўналишда ривожланган. Мумтоз мусиқа намуналари асосан етук ҳофиз, созанда ва бастакорлар томонидан яратилиб, ўзининг жанрлари ва ижро анъаналари мураккаблиги туфайли мақомчилик санъати ва достончилик ижро услублари, мактаблари билан ажралиб туради.

Ўзбек халқ мумтоз мусиқаси ўзининг мукаммаллиги ва мураккаблиги билан бошқа халқлар орасида алоҳида ўринга эгадир. Мумтоз мусиқанинг энг йирик шакли мақомлардир. Мақомлар Ўзбекистоннинг уч воҳасида мавжуд бўлиб, Бухорода “Шашмақом”, Хоразмда “Хоразм мақомлари”, Фарғона водийсида “Фарғона-Тошкент мақом йўллари” деб юритилган. Бундан ташқари, мақомлар йўлларида яратилган, шаклан ва ижровий хусусиятлари доираси мақомларга хос бўлган “Сувора”лар, Катта ашула, Сурнай мақом йўллари, дутор мақомлари ҳамда чолғу йўллари мавжуддир. Мумтоз мусиқанинг шаклан муқимлиги, қонун қоидаларга эгалиги, талқин услубларининг мавжудлиги унинг мураккаблигидан далолат беради. Мақомлар Шарқ халқларининг жуда қадим замонлардан мавжуд бўлган мусиқа жанрларидан бири сифатида мусиқа меросида жуда муҳим ўринни эгаллайди.

Ўз даврида Бухоро амири саройида мақомларга жуда катта қизиқиш билан қаралган. Амир Саид Олимхон мақом мусиқасини юксак даражада қадрлаган, ўзи ҳам дутор чалишда моҳир бўлган. Анъаналарга кўра, амирликда халқ мусиқачилари орасидан иқтидорли болалар танлаб олиниб, тажрибали мусиқачилар қўлига топширилган. Масалан, Бухоронинг машҳур мақом усталари Уста Шоди Азизов, Бобоқул Файзуллаев, Шохназар Соҳибов кабилар сарой мусиқачилари қўлида таълим олганликлари фикримизнинг далилидир.

Тошкент ва Фарғона водийсида ҳам мумтоз мусиқанинг маълум вариантлари юзага келди. Ушбу йўналиш асосан катта ашула йўлларидан иборат бўлган. Ашурали Ҳофиз, Мирза Қосим Ҳофиз, Мўминжон Ҳофиз, Мўйдин Ҳожи, Беркинбой Файзиев, Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов, Ғанижон Мирзаев, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Турғун Каримовлар мазкур йўналишда моҳир ижрочилари бўлганлар. Фарғона водийсида маҳаллий ижрочилик мактаблари ҳам шаклланган бўлиб, улар орасида айниқса, Қўқон, Марғилон, Бешариқ каби ижрочилик мактаблари ўз даврида жуда машҳур бўлган.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00635

## МУҲОКАМА

XIX аср охири – XX аср бошларида Хоразм воҳаси ўзбек мусиқа санъатида ўзининг ижрочилик ва хонандалик анъаналари билан анча машҳур бўлган. Воҳада мақом ижрочилиги достон йўллари, халқ оммавий қўшиқлари ўз йўналишлари доирасида ривожланган. Бу даврда Хоразмда Комил Хоразмий, Муҳаммад Раҳимхон Феруз, Ниёзжон Хўжа каби машҳур бастакорлар ижод қилишган.

XX аср бошларида Туркистоннинг деярли барча шаҳарларида жадидларнинг ҳаваскорлик тўгараклари ва миллий театрлари ташкил топди. 1911-1917 йиллар давомида 20 га яқин пьесалар ёзилди. К.Нусратиллаевнинг “Тўй”, Абдулла Қодирийнинг “Бахтсиз куёв”, Хўжа Муиннинг “Эски ва янги мактаб”, А.Бодрининг “Аҳмоқ” пьесалари шу даврда яратилган.

## ХУЛОСА

Хуллас, XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида Туркистон, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида мусиқа санъатида жиддий ўзгаришлар ва янгиланишлар юз берди. Европалик мусиқа билимдонлари Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида мумтоз мусиқа ва халқ оғзаки намуналарини ўрганиш ва уларни ноталаштириш, халқ мусиқа чолғуларини тўплашга эътибор қаратди. Туркистон шаҳарларида мусиқий жамиятлар тузилиб, ҳаваскорлар жалб этилди. Рус мусиқа билимдонлари томонидан ўзбек халқ қўшиқларини ўрганилиши, уларнинг ноталаштирилиши, хориж матбуотида нашр эттирилиши каби ҳолатлар ўз даврида мусиқа санъатининг ривожига муносиб ҳисса қўшди. Айни пайтда, Бухоро ва Хоразм ҳудудида ҳамда Фарғона водийсида ўзбек мусиқа санъати анъаналарини сақлаб қолиш учун зарурий чора-тадбирларнинг олиб борилиши ўзбек мумтоз мусиқаси анъаналарининг ривожланишига хизмат қилади.

## REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 августдаги ”Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3212-сонлиқарори (Электрон ресурс) // www.uza.uz.
2. Зияева Д. Х. Ўзбекистон шаҳарлари XIX аср иккинчи ярми –XX аср бошларида: шаҳар маданияти ва урбанизация жараёнлари. – Тошкент: Yangi nashr, 2017. – Б.370.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00635

3. Ризаев Ш. Ўзбек драматургияси ва театрининг асосчиси // Театр, 2006, №1. – Б.10-12.
4. Bakhromovich, S. I. (2020). Effects of Objective and Subjective Factors to Develop Intellectual Culture of Youth. *Canadian Social Science*, *16*(2), 55-59.
5. Сиддиков, И. Б. (2018). Социально-философские аспекты формирования интеллектуальной культуры МОЛОДЁЖИ. *Theoretical & Applied Science*, (1), 61-66.
6. Bakhromovich, S. I. (2020). Analysis Of Modern Approaches To Ensuring The Effectiveness Of Management In Higher Education Institutions. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, *2*(12), 364-369.
7. Bakhromovich, S. I. (2018). Social and philisophical performance of making youth's intellectual culture. *European science review*, (7-8).
8. Bakhromovich, S. I. Development trends and transformation processes in academic mobility in higher education in uzbekistan and the world.
9. Gulomov, A. B. (2020, December). Uzbek Jadid Thinker Abdulla Avloni's Viewpoints On Concerning Relationship Between Man And Nature. In *international scientific and current research conferences* (pp. 45-47).
10. Gulomov, A. (2019). Participation and role of uzbekistan in finding solutions to global environmental problems. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, *1*(5), 152-156.
11. Siddikov, I., & Gulomov, A. (2020). Philosophical and psychological features of the formation of asertive behavior in the development of cognitive activity. In *Психологическое здоровье населения как важный фактор обеспечения процветания общества* (pp. 38-42).4
12. Mirzarahimov, B. (2019). The factor of good neighborhood and tourism development (Philosophical analysis). Scientific Bulletin of Namangan State University, 1(1), 140-145.
13. Mirzarakhimov, B. (2020). Tourism-is a modern means of aesthetic education. Вестник педагогики: наука и практика, (51), 135-136.
14. Madimarovna, A. I., & Khoshimovich, M. B. (2020). Factors for the development of tourism culture in the uzbek national value system. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 10(4), 575-580.
15. Мирзарахимов, Б. Х. (2019). Культура туризма как стратегия развития книговедения. in перспективные области развития науки и технологий (pp. 57-58).
16. YULDASHEV, S. U. (2019). Technology of social and cultural projection in

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00635

scientific management of society. theoretical & applied science, (11), 621-623.
17. Mamatov, M., Isomiddinov, A., & Yuldashev, S. (2019). Factors of Developing the Intellectual Abilities of the Youth. International Journal of Progressive Sciences and Technologies, 16(2), 311-313.
18. Yuldashev, S. U. (2019). The role of the function of stabilization and development of society in scientific management (as socio-cultural technology). Scientific Bulletin of Namangan State University, 1(6), 255-259.
19. Yuldashev, S. (2020). Socio-Cultural Technologies in Uzbekistan: History and Now. International Journal of Progressive Sciences and Technologies, 18(1), 171-173.
20. Yuldashev, S. U. (2019). The role of socio-cultural technologies in society. scientific bulletin of namangan state university, 1(10), 187-192.
20. Bakhromovich, S. I. Development trends and transformation processes in academic mobility in higher education in uzbekistan and the world.
21. Siddikov, I., & Gulomov, A. (2020). Philosophical and psychological features of the formation of asertive behavior in the development of cognitive activity. In *Психологическое здоровье населения как важный фактор обеспечения процветания общества* (pp. 38-42).
22. Odilovna, A. N. (2020). In The Studies Of The Late XIX And Early XX Centuries Issues Of Silk Factory Of Turkestan Region. The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(12), 391-395.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00636

# ҚИСҚА МУДДАТЛИ ГУРУҲЛАРНИНГ ТАЬЛИМ ЖАРАЁНИДА ОТА-ОНАЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИК

**Лайло Исроиловна Аминова**
Термиз давлат университети магистиранти

## АННОТАЦИЯ

Тобора жадал қадамлар билан одимлаётган бугунги глобаллашув даврида, барча жабҳаларда улкан марралар забт этилмоқда. Биргина бугунги замонавий Мактабгача таьлим ташкилотларида тарбия топаётган болажонларга билим бериш, таьлим-тарбияни жараёнини тўғри ташкил этиш бугунги кун педагогида улкан маьсулият ҳиссини юклайди

**Калит сўзлар:** ота-она, таьлим жараёни, ҳамкорлик, методлар, когнитив фаолият, шахс, педагог маҳорати.

# COOPERATION WITH PARENTS IN THE EDUCATIONAL PROCESS OF SHORT-TERM GROUPS

**Laylo Isroilovna Aminova**
Master student of Termez State University

## ABSTRACT

In today's era of rapid globalization, great strides are being made on all fronts. Only in today's modern preschool educational institutions, the education of children, the proper organization of the educational process imposes a great sense of responsibility on today's pedagogue.

**Keywords:** parent, learning process, collaboration, methods, cognitive activity, personality, pedagogical skills.

## КИРИШ

Оила ва мактабгача таьлим ташкилоти бизнинг келажагимизни асосини ташкил этадиган иккита жамоат институтидир. Лекин кўпинча улар бир-бирини тинглаш ва тушуниш учун ҳар доим ҳам тушуниш, хушмуомалалик, сабр-тоқатга эга бўлмайдилар. Ҳеч кимга сир эмаски кўпгина ота-оналар фарзандининг сифатли ва самарали таьлим жараёнига қизиқишади аммо педагог билан яқин ҳамкорликка эга бўлиша олмайди. Бунга аксар

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00636

педагогларнинг тажрибасизлиги, ўқув малакавий фаолиятининг етишмаслиги сабаб бўлиши мумкин.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Аслида бола ривожланишининг дастлабки босқичларида оиланинг тутган ўрни беқиёсдир. Болалар оилада тарбияланади ва унда юз берадиган воқеалар уларга жуда катта таьсир кўрсатади. Кичкина болалар оилага жуда боғланиб қолган бўладилар. Чунки оила боланинг жисмоний ва руҳий жиҳатдан баркамол бўлишлари учун шароит яратишади. Педагоглар боланинг дастлабки тарбиячиси сифатида оиланинг бола учун етакчи ролда эканлигини тан олишлари лозим. Бола мактабгача таьлим ташкилотининг қисқа муддатли гуруҳига келгунга қадар оила томонидан маданиятни, энг муҳим зарурий кўникмаларни сингдиришга улгуради. Болани мактабга тайёрлаш бола ва оила ўртасидаги шаклланган ана шу дастлабки муносабатларга таянган ҳолда ота-оналарга ушбу гуруҳ фаолиятининг барча жабҳаларида иштирок этишига имкон беради. Оила ва Мактабгача таьлим ташкилотининг қисқа муддатли балки барча гуруҳларида ўзаро ҳамкорлик муносабатларини олиб боришнинг консепциясининг асоси бу ғоя. Яьни мустаҳкам ҳамкорлик учун педагог томонида ишлаб чиқилган таьлим жараёнига жалб қилишда аҳамиятга эга иннавацион ғоялардир. Мисол учун оилани ўрганиш, ота-оналарнинг таьлим эҳтиёжларини ўрганиш, унинг аьзолари билан алоқа ўрнатиш, таьлимни ўзлаштириб, муваффақлаштиришнинг бола шахсига таьсири мавзусида ота-оналар билан “Мактабгача таьлим ташкилоти ва оила ҳамкорлиги” анкетаси устида ишлаш. Бу усулни тўғри ташкил этиш тарбиячидан улкан педагогик маҳоратни ташкил этади. Педагог ҳафтада бир кун “очиқ эшиклар куни”да ота-оналарни таклиф қилиши ва таьлим жараёнига иштирок этишга жалб қилиши лозим. Ишончли ахборот баьзаларини яьни, ота-налар бурчаклари, бунда ота-онанинг бурчи ва вазифалари аниқ ва тушунарли келтирилган бўлиши лозим. Бундан ташқари “гуруҳ ҳаётидан”, “Бизнинг дўстона оила”, “Оила даврасида”, “Мен аьлочи боламан” мавзусида фотокўргазмалар жамланмаси интернет тармоқлари орқали ота-она ва педагогларга улашилиши ва фикр алмашилиши мақсадга мувофиқдир. Мактабгача таьлим ташкилотида олиб бориладиган ота-оналар йиғилишларида ота-оналарни таклиф қилиш ва ота-она иштирокини тўлиқ таьминлаб бера олган педагог демакки, ҳамкорликнинг сифат даражасига эришиб бошлаган.бунинг самараси эса ота-оналарнинг фарзандининг таьлимига нисбатан маьсулият, ташаббускорлик ва бошқа ижобий сифатларни

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00636

шакллантириб боради. Мактабгача таьлим ташкилотларидаги байрам эрталиклари бу катталар ҳам болалар ҳам биргаликда баҳам кўрадиган қувончли байрамлардир. Бола учун ота-она энг азиз ва энг яқин инсонлар ҳисобланишади. Улар фарзанди билан фахрланишини, бирга рақсга тушишни, ўйинлар ўйнашни, раҳбатлантирилишини хохлашади. Йиллар ўтиб болалар фестивалда куйлаган қўшиғини унитиши мумкин, аммо уларнинг хотираларида ота-онаси билан илиқ яқинлиги, ҳамдарди ва қувончлари сақланади. Оила ва таьлим ташкилотининг ўзаро алоқалари, ижтимоий таьсири ҳақида рус педагоги Сухамлинский шундай дейди. “мактабгача ёшдаги бола ўзини ота-онасининг ҳукмлари ва баҳолари ва ҳатти-ҳаракатлари орқали ўзини ва бошқа одамларни кашф ва тасдиқлаш деярли ўз оиласи билан ўзини таништиради”. Шунинг учун у таькидлаганидек оила ва таьлим даргоҳи бир-бирлари билан алоқани сақлаб турса, педагоглар ва ота-оналар ўртасида ишонч ва ҳамкорлик алоқалари мустаҳкам бўлса таьлим-тарбия самарадорлиги муваффақиятли амалга ошади. Оилаларни жалб этиш мактабга тайёрлаш бўйича қисқа муддатли гуруҳда боланинг билим олиши,бола қизиқишлари ва уйдаги таьлим-тарбия натижаларидан фойдаланиш муҳим ўрин тутади.

## НАТИЖАЛАР

Бугунги кунда Мактабгача таьлим ташкилоти тарбиячиси ота-оналар билан суҳбат чоғида дастур талабларига таянади, ота-онанинг педагогик лаёқати ва оилавий тарбия хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қўлланмаларда бериладиган тавсия ва маслаҳатлардан ижодий фойдалана олиши лозим.

Суҳбат икки томон- тарбиячи билан ота-онанинг мулоқотидир. У фикр алмашишга, муҳокама қилинаётган масалаларда ўзаро ҳамжиҳатлик ўрнатилишига ёрдам бериши керак. Бунда муҳими, тарбиячи томонидан хайриҳоҳлик, эркинлик муҳитининг яратиши лозим. Оилаларда болани мактаб таьлимига тайёрлаш турли усулларда олиб борилади. Баьзи оилаларда болалар билан кўп шуғулланилса ҳам, бу асосан ўқув машғулотларидир, яни ҳуснихат ёзуви, алифбе ўргатиш, турли адабиётлар ўқиб бериш бўлиб, мактабгача ёшдаги болалар учун айниқса муҳим бўлган сюжетли ўйинлар, ҳаракат фаоллиги, тасвирий фаолиятга оид ишлар билан шуғулланмайдилар. Бошқа оилаларда болани ўйинчоқлар ва телевизор билан яккама-якка қолдириб, бу унга ёқади ва ривожланиши учун етарли билим беради деб ҳисоблашади. Натижада айрим ҳолларда қисқа муддатли гуруҳларга ривожланишида муайян муаммолари, мустақил фаолиятни етарли даражада амалга ошира олмайдиган,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00636

мақсадга эришиш учун иродаси бўш, ўзаро ҳурмат, умумқабул қилинган меьёр ва қоидалар асосида бошқалар билан амалга ошириладиган фаолиятни ташкил эта олмайдиган болалар қабул қилинади. Бундан ташқари айрим болаларда сенсор кўникмаларни, тасаввурларнинг ривожланмагани, ҳиссиёт оламининг қашшоқлиги кузатилади. Бунга сабаб эса турли-туман оила муҳитининг бола ижтимоийлашувига таьсири десак муболаға бўлмайди. Болаларда кузатиладиган ушбу хусусиятларни таьлим жараёнида педагог бефарқ бўлмасдан инобатга олиши лозим. Ота-оналарнинг Мактабгача таьлим фаолиятига жалб этилиши болаларга ҳам, ота-оналарга ҳам Мактабгача таьлим ташкилотига ҳам фойда келтиради. Мулоқот ўзаро ҳурмат, турфахилликни, бола манфаатларини эьтироф этиш самарали ҳамкорликка асос бўлади. Самарали ҳамкорлик шакллантирилиши учун педагоглар ва ота-оналар ўзларида янги кўникма ва билимларни ривожлантиришлари керак. Педагог учун оила шунчаки таьсир обекти сифатида хизмат қилмаслиги лозим. Ота-оналарнинг педагогик жараён доирасига, уларнинг фаол иштироки ўз боласини ривожланиши учун керакдир.

## МУҲОКАМА

Фарзанди қисқа муддатли гуруҳда таьлим олаётган ота-оналар билан ҳамкорлик доирасида педагог томонидан бир қанча имкониятлар яратилган бўлиши лозим.

Ота-оналар учун қулай вақтда оилаларга ташрифни режалаштириш, педагогга болалар ва ота-оналар билан улар учун одатий вазиятларда танишиш имконини беради.

Ота-оналарга болалари қандай ишлаётгани ва ўйнаётганини кўриш учун истаган пайтда гуруҳга ташриф буюриши учун имкониятлар яратиш лозим.

Ота-оналарни гуруҳда болалар билан биргаликда шуғулланиши учун таклиф қилиши, болалар портфолиоси билан таништириб, фикр алмашишларига имкон яратиш керак.

Ота-оналар билан биргаликда тадбирлар, болалар ишлари кўргазмаларини ташкил этишни режалаштириш.

Боланинг миллий ва минтақавий маданиятини ўрганишга мўлжалланган музейларга ота-оналар билан биргаликда ташриф буюришлари лозим.

## ХУЛОСА

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00636

Бир сўз билан айтганда бугунги кун педагоги таьлим-тарбия жараёнида ҳам, ота-оналар билан ҳамкорликда ҳам самарага эришишлари учун ўз устларида тинимсиз ишлашлари ва билим салоҳиятлари юқори даражада бўлиши лозим. Зеро, эртанги кун буюклари, даҳолари илк билмларни Мактабгача таьлим ташкилотида олади.

**REFERENCES**

1. Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болаларга қўйиладиган “Давлат талаблари”. 2018-йил 3-июль.
2. “Илк қадам” давлат ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таьлим вазирлигининг 2018 йил
3. мактабгача таьлим ташкилотларида қисқа муддатли гуруҳлар фаолиятини ташкил этишда тарбиячиларни тайёрлаш бўйича тренинг модули.. Т.: 2017 й.
4. Назарова Ф. “Мактабгача таьлим муассасаларида психологик хизмат ва меьёрий ҳужжатлар”. 2017 й
5. М.Норбошева
6. Назирова Г.М “Мактабгача таьлим муассасаларида таьлим-тарбия жараёнини ташкил этиш” ўқув қўлланма 2014 й
7. Ф.Қодирова, Ш.Тошпўлатова, М.Аьзамова “Мактабгача педагогика” F. –Т.; “Маьнавият” 2013 й.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00637

# КИМЁ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ШАХСИЙ-ИНСОНПАРВАРЛИК ТЕХНОЛОГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ

**Дилбар Абдикаюмовна Шайзакова**
Чирчиқ давлат педагогика институти доценти
dilbar.nazirova.77@mail.ru

## АННОТАЦИЯ

Мақолада кимё фанини ўқитишда шахсий – инсонпарварлик технологиясидан фойдаланиб босқичма – босқич қўллаш асосида ўқитиш ёритиб берилган.

**Калит сўзлари:** Педагогик технология, индивидуал, тахлил қилиш, шахсий - инсонпарвар, реакция, схема.

# THE USE OF PERSONAL-HUMANITARIAN TECHNOLOGY IN TEACHING CHEMISTRY

**Shayzakova Dilbar Abdikayumovna**
Associate Professor of Chirchiq State Pedagogical Institute

## ABSTRACT

The article highlights the teaching of chemistry on the basis of step – by – step application using personal-Humanitarian Technology.

**Keywords:** Pedagogical technology, individual, analysis, individual-humane, reaction, scheme.

## КИРИШ

Жамият хаётининг демократик тенденцияларини кучайтириш сабабли, таълим тизими ўқувчи шахсининг индивидуал ривожланиш имкониятлари ва ҳолатларини, уларнинг турли ҳаётий босқичларидан ўз-ўзини намоён этиш, ўз-ўзини амалга ошириш шароитларини тадқиқ қилишга асосий эътиборни қаратади. Глобаллашув шароитида таълим - шахсни ҳар томонлама вояга етказиш, унда комиллик ва малакали мутахассисга хос сифатларни шакллантиришда муҳим ўрин тутади. Бугунги тезкор давр таълим олувчиларни, қисқа муддатда ва асосли маълумотлар билан қуроллантириш, улар томонидан турли фан асосларини пухта ўзлаштирилиши учун зарур шарт- шароитларни яратишни тақозо этмоқда.[1]

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00637

Замонавий шароитда таълим жараёнининг барча имкониятларига кўра шахсни ривожлантириш, ижтимоийлаштириш ва унда мустақил, танқидий, ижодий фикрлаш қобилиятларини тарбиялашга йўналтирилиши талаб қилинмоқда. Ўзида ана шу имкониятларни намоён эта олган таълим шахсга йўналтирилган таълим деб номланади [2].

Замонавий педагогик технологияларга шахсий-инсонпарварлик, ҳамкорлик, лойиҳалаш, табақалаштирилган ва индивидуал, модулли, муаммоли, эркин, мажбурламаслик, диалогли, рефлексивли ҳамда эвристик ўқитиш, танқидий фикрлашни ривожлантириш, ўйин, ахборот - коммуникация, ўқувчини қўллаб-қувватлаш технологияларини киритиш мумкин. Бугунги кунда мазкур технологиялар ичида бошқаларини камситмаган ҳолда, қўйилган мақсадларга мос келувчилари, бизнинг нуқтаи назаримизда, шахсий-инсонпарварлик, лойиҳалаш, муаммоли ва эвристик ўқитиш технологиялари деб ҳисоблаймиз. Уларни илмий тадқиқот ишлари, муаммони ечиш, индивидуал фаолиятда, мустақил танқидий фикрлашни ривожлантириш кабиларда қўллашда ҳамда шахсга йўналтирилган муаммоларни ечишда фойдаланиш самарали ҳисобланади.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Таълимга шахсга йўналтирилган ёндашув, инсоннинг шаклланиши, унинг индивидуал ривожланиши, шахсга йўналтирилган таълимнинг назарияси ва амалиёти, мазмун ва моҳияти масалалари, ўқув фаолиятининг фаол субъекти сифатида ўқувчи шахсини ривожлантиришга, ўз-ўзини такомиллаштириш, ҳар томонлама тайёрлаш Трубайчук Л.В. “Словарь-справочник педагогических инноваций в образовательном процесс”. 2001., Н.Муслимов, М. Усмонбоева, Д. Сайфурова, А.Тўраев “Инновацион таълим технологиялари”. 2015., Ж.Ғ.Йўлдошев, С.А.Усмонов “Педагогик технология асослари”. 2004., Шайзакова Д.А. Шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллардан фойдаланиб, кимё фанларини ўқитиш мазмунини такомиллаштириш. 2018., ва бошқа олимларнинг илмий ишлари натижаларида ёритиб берилган.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Педагогик технология ўз навбатида таълим-тарбиянинг объектив қонуниятлари ва диагностик мақсадлари асосида ўқув жараёнлари, таълим-тарбиянинг мазмуни, метод ва воситаларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш тизимидир [3].

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00637

Кимё фанидан ўқувчини шакллантиришга йўналтирилган асосий технологиялардан бири бу шахсий-инсонпарварлик технологияси бўлиб, ушбу технология ўқувчининг ижтимоий ва билиш фаоллигини таъминлайди.

Шахсий-инсонпарварлик технологияси шахсга йўналтирилган таълимдаги инсонпарварлик ёндашувига тааллуқлидир. Ушбу технологияда ўкувчи шахсининг қизиқиши, қобилияти, имконияти эътиборга олинади. Айниқса, ўқувчида мустақил фикрлаш орқали муаммоли вазиятдан чиқишга интилиш малакасини шакллантиришга алоҳида урғу берилади [4].

Шахсий-субъектли ёндашув шахснинг алоҳида хусусиятининг ривожланишига тўлиқ миқдорда қаратилган ҳисобланади. У ҳар бир ўқувчига ноёб, такрорланмас, ўхшамас каби муносабатда бўлишни назарда тутади.

Ўқувчининг субъект тажрибаси хусусиятини ҳамда ўзлаштиришнинг ички механизми қонуниятини инобатга олишга асосланган принципиал янги дидактикани яратиш - психология ва педагогиканинг энг муҳим назарий ҳамда амалий вазифалари ҳисобланади. Шунинг учун бугунги кунда ҳам назарий, ҳам амалий даражада янги шахсга йўналтирилган таълим парадигмасини шакллантириш ва такомиллаштириш муҳим.

Шахсий-инсонпарварлик технологияси ўқувчида дунёнинг борлиқ кўринишини шакллантиришга имкон берувчи тушунчаларга оид турли фанлардан дастурли билимларни ўзлаштиришга йўналтирилган. Бошқа технологиялардан фарқли ўлароқ, бу технология шахснинг бутун бир ривожланишини назарда тутади ҳамда инсонпарварлаштириш принципига асосланади. Уни амалга оширишда ўқувчининг ижтимоий ва билиш фаоллигини, фан мазмунини юқори даражада ўзлаштиришини таъминлашга қуйидагича эришилади:

- ўқитиш жараёни субъектларининг ҳамкорликдаги ҳаракатини ташкил этиш;
- амалий дарсда ишлашга ҳар бир микрогуруҳнинг аъзоларини жалб этиш;
- ўқитишнинг фаол шакл ва усулларидан фойдаланиш орқали фан мазмунини юқори даражада ўзлаштиришини таъминлаш мумкин.

Ўқувчиларни ўқитишда шахсий-инсонпарварлик технологияси қуйидаги босқичлар асосида амалга оширилади:

*1-босқич*: Ўқув вазифасини англаш ва ўқитишга шахсий мотивни яратиш.

*2-босқич:* Ўқувчининг субъект тажрибасини фаоллаштириш.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00637

*3-босқич:*Субъект тажрибасининг табиий - илмий ва ижтимоий интеграцияси ҳамда ўрганилаётган мавзунинг фикрий моделини яратиш.

*4-босқич:* Субъект ва кўп - субъектли тажрибаларни тизимлаштириш жараёнида ўрганилаётган мавзунинг белгили моделини яратиш.

*5-босқич:* Индивидуал билимлар рефлексияси ва коррекцияси, ўқув вазифасини бажариш асосида ўқувчи томонидан субъект фаолиятини ўзи назорат қилиши ва баҳолаши.[5]

Шахсий-инсонпарварлик технологияси, аввало, шахсни инсонпарвар-лик ёндашуви, психотерапевтик йўналиши билан бошқа технологиялардан ажралиб туради. Бу ўқувчини ҳар томонлама ҳурмат қилиш, яхши кўриш ҳамда ижодкорлик имкониятига ишонч билан қараш ғояларини илгари суради. Бу технологияда шахсга муносабат бирламчи бўлиб, индивидуал ёндашув ҳамда инсоний қарашлар бошқа йўналишлардан устун туради [5]. Қуйида келтирилган “Кимёвий реакция турлари” мавзуси бўйича шахсий – инсонпарварлик технологиясининг қўлланилишини ёритиб берамиз.

***Мавзу:*** “**Кимёвий реакция турлари”**

***Мотивацион- мақсадли босқич.***

*Дарснинг мақсади:* Моддаларнинг синфларга бўлинишини қайтариш, кимёвий реакция турлари ва уларнинг синфлрга бўлинишини ўрганиш, кимёвий реакция турлари бўйича олинган билимларни - лаборатория ва амалиётда қўллаш, кимёвий реакциялар тенгламасини тузиш ва кимёвий реакциялар турини аниқлаш.

*Тарбиявийлиги:*Ўқувчиларларда моддаларни синфланиши тўғрисидаги билимларини тизимлаштириш. Кузатиш асосида кимёвий реакция турлари, фикрлаш қобилятларини шакллантириш. Реакция тенгламаларини ёзиш ва кимёвий реакция маҳсулотларини олдиндан билиш. Алмашиниш реакцияларини ёзишда кўникмаларни шакллантириш, турмуш тарзида учрайдиган қайтар ва қайтмас реакциялар ҳақидаги тушунча ва маълумотлар бериш.

*Ривожлантирувчи:* Ўқувчиларни кимёвий реакцияларни тузишда, лаборатория ишларини бажариш кўникмаларини, ўқувчиларда солиштириш ва умулаштириш кўникмаларини шакллантириш: хотирани мустахмамлаш, доимий эътибор, мустақил фикрлаш, бошқаларни фикрларини тинглаш ва эшитиш, фикрлашни ривожлантириш.

*Тарбияловчи:* Ўқувчиларда фикр алмашиниш, баҳслашиш ва дунё қарашини шакллантириш.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00637

*Дарс шакли:* Маъруза консултация.

*Дарс тури:* Аралаш дарс турлари.

*Дарс структураси:* Янги материални ўрганиш.

*Ўқитиш усули:* Қисман - изланувчи

*Технология:* Шахсий-инсонпарварлик технологияси.

Кириш. Дарснинг бориши.

*Ўқитувчи:* Акром касал бўлиб, касалхонада ётиб чиқган. Кимё фанидан бир қанча дарс қолдирганлиги сабабли топшириқларни ечишга қийналади. Дарсда Акромга топшириқларни бажаришида ёрдамлашамиз. *Сизлар билан ҳаммамиз биргаликда ишлаймиз.*

*Ўқитувчи:* (Ўқитувчи мавзуга доир табиатда содир бўладиган, турмаш тарзида учрайдиган қизиқарли кимёвий ходисалардан мисоллар келтиради). Бу ходисаларни сизлар биласизлар, улар табиатда ва кундалик хаётингизда учрайди, бу ҳодисалар ўзгаришлари билан ажралиб туради ва натижада янги моддалар ҳосил бўлади. *Бу қайси ходиса?*

*Ўқувчи:* Бу кимёвий ходиса ва реакциялар.

*Операцион босқич:*

*Ўқитувчи:* Тўғри.. Бугун сизлар билан кимёвий реакция нима эканлигини, моддаларнинг кимёвий хоссларини, уларни олинишини ўрганамиз. Чунки бизнинг атрофимизни ушбу моддалар ва жараёнлар ўраб турибди. Бу мавзуни тушуниб олганингиздан сўнг, осонлик билан кимёвий реакциядаги ўзгаришларни ва кимёвий рекция турларига доир берилган турли хил турдаги топшириқларни ечишингиз мумкин.

Ўқитувчи: Ер юзида кўплаб кимёвий реакция турларига мисоллар бор. Уларнинг ҳар бири алоҳид муҳим аҳамиятга эга. Кимёвий реакция нима, реакциянинг турлари ҳақида маълумот беришга харакат қилинг... .

Тўртта турдаги кимёвий реакция турлари мавжуд: бирикиш, ажралиш, алмашиниш ва ўрин олиш рекциялари. Уларнинг схемаси қуйидагича:

1. A+B = C - бирикиш рекцияси;
2. AB = B+C - ажралиш рекцияси;
3. A+BC=AC+B - алмашиниш рекцияси;
4. AB+CD=AD+CB - ўрин олиш рекцияси;

Ўқувчиларда таянч ва фанга оид компетенцияларни шакллантиришда, тасаввур қилишларида, яъни фанни ўзлаштириш даражасини юксалтиришда, ўқув тарбия жараёнини ҳаёт ва ишлаб чиқариш билан боғлиқлигини кўрсатиш учун экранда анимацион компютер графикаси намойиш этилади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00637




Ўқитувчи янги мавзу тушунтириб ўтганидан сўнг, ўқувчилар мавзуни қай даражада ўзлаштиришганлигини қуйидаги топшириқлар асосида текшириб кўриш мақсадида “Ким билағон” ўйинида фаол қатнашишларига ёрдам берган ҳолда 3 турдаги топшириқларни ўқувчиларга ҳавола этади:

**“Ким билағон”**

1-тур топшириқлари “Ўзингни бил”.

2-тур топшириқлари “Ўзингни танла”.

3-тур топширқлари “Ўзингни текшир”.

Ўқувчилар топшириқларни бажаришади ва ўзаро бир-бирлари билан топшириқ варағларини алмаштиришади ва берилган вазифаларни экрандаги жавобга қараб солиштириб текширишади. Тўғри бажарилган топшириқ учун “+” қўйилади. Бунда гурухдошларини ҳурмат қилган холда, фикр аламашинади, хамкорликда ишлайди, билмаганларини гурухдошларидан сўраб ўрганади.

**1-турдаги топшириқ:** *”Сўзни топинг”*

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00637

| Реакция тенгламалари | Кимёвий реакция турлари | | | |
|---|---|---|---|---|
| | Бирикиш | Ажралиш | Алмашиниш | Ўрин олиш |
| $Mg+2HCI=MgCI_2+H_2$ | **Б** | **П** | **Н** | **Г** |
| $2Fe(OH)_3=Fe_2O_3+3H_2O$ | **Л** | **А** | **З** | **Я** |
| $2Ca+O_2=2CaO$ | **Т** | **Ф** | **М** | **Ч** |
| $K_3PO_4+3AgNO_3=Ag_3PO_4+3KNO_3$ | **К** | **В** | **Ў** | **Р** |
| $2HgO=2Hg+O_2$ | **С** | **И** | **Ю** | **У** |
| $Br_2+2KI=2KBr+I_2$ | **Ж** | **Ш** | **Й** | **Ғ** |

**2-турдаги топшириқ:** Қоғознинг тепа қисмида кимёвий реакциялар ёзилган. Пастки қисмида нуқта билан рақамлар тартибсиз қўйилган. Тепада ёзилган кимёвий реакциялардаги моддаларнинг коэфицентлари йиғиндиси, ҳар бир сонга тегишли.

**Сизнинг вазифангиз:** Яширинган "*Кимёвий элементни* "топиш.
Бунинг учун, кимёвий реакцияларни тартиб билан тенглаштиринг, тенгламадаги моддаларнинг коэфицентлари йиғиндисини ҳисоблаб, тегишли нуқтани топиб, ручка орқали уларни кетма - кет бир - бири билан бирлаштиринг. Агар сиз топшириқни тўғри бажарсангиз, рақамлар орқасида яширинган қайси кимёвий элемент эканлигини билиб оласиз [4].

| | | |
|---|---|---|
| 1. $Ba + O_2 \rightarrow BaO$<br>2. $Fe(OH)_3 + HCl \rightarrow FeCl_3 + H_2O$<br>3. $Na + S \rightarrow Na_2S$<br>4. $Fe + O_2 \rightarrow Fe_3O_4$ | |  |

| | | |
|---|---|---|
| 1. $C + O_2 \rightarrow CO_2$<br>2. $CH_4 \rightarrow C_2H_2 + H_2$<br>3. $Ca + HCl \rightarrow CaCl_2 + H_2$<br>4. $K + S \rightarrow K_2S$ | |  |

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00637

| | | |
|---|---|---|
| 1. $HNO_3 + CaO \rightarrow Ca(NO_3)_2 + H_2O$<br>2. $Fe + O_2 \rightarrow Fe_2O_3$<br>3. $BaO + H_2SO_4 \rightarrow BaSO_4 + H_2O$<br>4. $Fe + Cl_2 \rightarrow FeCl_3$ | |  |

**3- турдаги топшириқ.** Ўқитувчи ўқувчиларни мустақил фикрлашини билиш ва ошириш мақсадида қуйидаги реакция схемасини доскага ёзади: Ушбу реакция схемасига тўғри келадиган реакцияларга мисолар келтира оласизми? Берилган реакция схемаси қайси кимёвий реакция турига киради?

AB+C=AC+BC

**Ўқитувчи:** Ким менга моддалар билан ишлашда техника хавфсизлик қоидаларини эслатади?

***Пробирка№1.*** $H_2SO_4$+Zn= кузатувларни ёзиб боринг.

***Пробирка№2.*** $H_2SO_4$+$CaCO_3$= кузатувларни ёзиб боринг.

***Пробирка№3.*** NaCI+$H_2O$= кузатувларни ёзиб боринг.

Ўқувчилар доскага ҳосил бўлган реакция маҳсулотларини ёзишади ва биргаликда кимёвий реакция турларини аниқлашади.

**Ўқитувчи:** Олдингиздаги таблицани тўлдиринг:

| **Модда (молекула)** | **Оддий модда** | **Мураккаб модда** | **Номланиши** |
|---|---|---|---|
| NaCI | | | |
| $O_3$ | | | |
| $H_3PO_4$ | | | |
| Ag | | | |
| $HNO_3$ | | | |

| **Рекция тенламалари** | **Рекция турлари** |
|---|---|
| NaOH=NaO+$H_2O$ | |
| $H_2$+$O_2$=$H_2O_2$ | |
| $K_2O$+$CO_2$=$K_2CO_3$ | |
| $H_2SO_4$+2Na=$Na_2SO_4$+$H_2$ | |
| NaCI+$H_2O$=NaOH+HCI | |

Дарс оҳирида гуруҳлар бажарган топшириқларини ўзаро тахлил қилишиб баҳолашади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00637

***Рефлекция босқичи.***

***1.*** Мен билдим....

***2.*** Мен ўргандим....

***3.*** Мен тушундим, қила оламан .....

***4.*** Менга ёқди....

***5.*** Мен учун янгилик бўлди....

***6.*** Мени хайрон қолдирди....

***7.*** Менда амалга ошди....

***8.*** Мен олдим...

**Уйга вазифа:** Қуйида берилган мураккаблик даражаси уч турдаги топшириқларни танлаган холда бажаринг.

**№1 Турдаги топшириқ.** Берилган кимёвий реакция турларини оддий ва мураккаб моддаларга ажратинг ва жадвални тўлдиринг.

| **Рекция тенламалари** | **Оддий моддалар** | **Мураккаб моддалар** |
|---|---|---|
| 2H2+O2= 2H2O | | |
| 3NaOH+H3PO4 = Na3PO4+3H2O | | |
| CaCO3=CaO +CO2 | | |
**Source: Author's calculations based on annual statistical bulletins of the State Statistics Committee of the Republic of Uzbekistan.**

The results of the analysis show that while the largest share in the structure of agricultural production was agriculture (average share 55.1%), the smallest share in this structure was livestock production (average share 44.0%). The reference values

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00640

for the structure of agricultural production were formed from the average values of the share of annual agricultural production in total agricultural production in the period 2010-2018 and expressed the following indicators (Table 2).

**Table 2**

**Reference values for the composition of agricultural production**

| Production of agricultural products | Reference structure (average values) |
|---|---|
| farming | 55,1 |
| animal husbandry | 44,9 |
| **Total:** | **100** |

**Source: Author's calculations based on data from the State Statistics Committee of the Republic of Uzbekistan.**

According to the results of the empirical analysis, the values of the corresponding correlation coefficients between the formed standard structure of agricultural production and the structure of agricultural production formed during 2010-2018 expressed the following trend (Figure 2).




**Figure 2. Proportion of the structure of agricultural production formed in 2010-2018 to the standard composition (in coefficients)**

Source: (1) Author's calculations based on formula.

The coefficients of proportionality of the components of agricultural production show that the highest value of this indicator was recorded in 2012 (the value of the coefficient of proportionality in the year under review was 0.999998), and the lowest value in 2010 was 0.99496.

The results of the analysis of the study confirmed that the composition of total agricultural production formed in 2017 was more efficient than the composition

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00640

formed in other years. This is because the empirical values of the proportionality coefficient obtained in this year show that the production of agricultural products is very close to the reference composition.

According to our calculations, the improved Lilien Index (MLI) expressed its lowest value (MLI index value 0.465) in the period 2012-2013, and its highest value in the period 2017-2018 (MLI index value 5.237) ( Figure 3).




**Figure 3. Dynamics of general changes in the structure of agricultural production (Change in MLI index values)**

Source: (3) Author's calculations based on formula.

The dynamics of general changes in the structure of agricultural production shows that the value of the MLI index had a steady growth trend in the period from 2012 to 2015. If we evaluate the dynamics of the MLI index on the basis of the results of the Nishi study, then it can be noted that the changes in the structure of agricultural production in 2015-2018 went at a high rate.

If changes in the dynamics of the MLI index are observed in S.M. According to Okladnikova's research, the structure of agricultural production formed in 2012 is at a lower level than its structure formed in 2013, and the structure of agricultural production formed in 2010 is at a higher level than its structure formed in 2011. it can be noted that [17].

## CONCLUSIONS

Summarizing the above results, the share of agricultural production in the structure of the economy in the period from 2010 to 2018 fluctuates in the range of 41.67-48.99 percent. The share of agricultural production in this structure in 2018 was 45.99%, which means less than in previous years.

According to our scientific conclusions, the coefficient of proportion is a numerical measure of the closeness between the content being evaluated and the reference content. When they are fully matched, this coefficient is equal to 1. If the

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00640

value of the calculated proportionality coefficient deviates from 1, the content formed in the year under study differs from the reference content, and conversely, the closer the proportionality coefficient approaches 1, the closer the content formed in the year under study to the reference content. Based on these considerations, the composition of agricultural production formed in 2017 was found to be “most efficient” compared to the composition formed in other years.

The dynamics of general changes in the structure of agricultural production confirmed the steady growth trend of the MLI index in 2015-2018. Considering that agriculture is the most high-tech sector of the economy, the figure of 45.99 percent in 2018 is not enough, according to the author. In this regard, in order to increase the share of this sector in the economy and GDP, the widespread introduction of innovative developments in this sector, training and improving its quality, attracting innovative technologies and foreign investment, in turn, deepening local agricultural raw materials. processing is expedient.

## REFERENCES

1. JuraevaN.V., Ibrohimova H.S., Yaxshiboeva R.B., Madaminova N.A// O’zbek tilidagi “NG” harf birikmasi electron bazasini tuzishda klassifikasiyalash va sistemalash muammolari// “Til va adabiyot ta’limi” Oz’bekiston respublikasi xalq ta’limi vazirligining ilmiy-metodik jurnali. 2020 yil. 7-son/ ISSN 2010-5584 14-15 бет

2. Саттаров Абдисамат Умиркулович, Намозов Джурабек Абдуазизович, Раджабов Фуркат Туракулович. (2021 год). Влияние пастбищного животноводства на сельскохозяйственные угодья Самаркандской области. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology* , *25* (2), 447–451. Получено с http://annalsofrscb.ro/index.php/journal/article/view/969

3. Фуркат Туракулович Ражабов, & Азиза Абдуллаевана Олимова (2020). ТАЪЛИМ МУАММОЛАРИ ЕЧИМИДА ИННОВАЦИОН КЛАСТЕРНИНГ АҲАМИЯТИ (ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИ МИСОЛИДА). Academic research in educational sciences, (3), 697-702.

4. Oybek Uralovich Abdimurotov (2021). “YEVROSIYO MATERIGI”NI O'QITISHDA “KEYS STADI” METODIDAN FOYDALANISH USULLARI. Academic research in educational sciences, 2 (1), 377-382. doi: 10.24411/2181-1385-2021-00048

5. Akbar Orolovich Shernaev (2021). GEOGRAFIYA DARSLARIDA “GEOGRAFIK SAYOHAT USULI” DAN FOYDALANGAN HOLDA

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00640

DARSLARNI TASHKIL ETISH. Academic research in educational sciences, 2 (1), 370-376. doi: 10.24411/2181-1385-2021-00047

6. Sherzod Ibroim O'Gli Ibroimov, & Saida Zunnunovna Mirzarahimova (2021). GEOGRAFIK NOMLARNING YOZILISHI VA TRANSKRIPSIYASI. Academic research in educational sciences, 2 (1), 789-798. doi: 10.24411/2181-1385-2021-00100

7. Lobar Vohidovna Djurayeva, & Muhammadbek Norbek Ogli Berdiqulov (2021). UMUMIY O'RTA TA'LIM MAKTABLARIDA GEOGRAFIYA FANINI O'QITISHNI YANADA RIVOJLANTRISH. Academic research in educational sciences, 2 (1), 128-132. doi: 10.24411/2181-1385-2021-00017

8. Джумабаева, С. К. (2020). ГЕОГРАФИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА НОАНЪАНАВИЙ МЕТОДЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ. Academic research in educational sciences, (4), 663-671.

9. Равшан Йўлдошевич Маҳаммадалиев, & Гулчеҳра Абдуллаевна Ешимбетова (2021). ГЕОГРАФИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА МОДУЛЛИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ. Academic research in educational sciences, 2 (2), 779-785. doi: 10.24411/2181-1385-2021-00261

10. Фуркат Ражабов, Лобар Джўраева, & Асрор Махмадалиев (2020). ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ: РИВОЖЛАНИШИ, ИХТИСОСЛАШУВИ, ГЕОГРАФИЯСИ. Academic research in educational sciences, (3), 674-686.

11. Shernaev, A. O. (2020). GEOGRAFIYA DARSLARINI O'QITISHDA ATLAS VA XARITALAR BILAN ISHLASH TEXNOLOGIYALARI. Academic research in educational sciences, (4), 657-662.

12. Шерзод Иброим Ўғли Иброимов, & Актути Араповна Туйчибекова (2021). БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИСИ ФАОЛИЯТИДА МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИ ВА ПСИХОЛОГИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ (ТАБИИЙ ФАНЛАР МИСОЛИДА). Academic research in educational sciences, 2 (Special Issue 1), 456-471.

13. Ражабов, Ф. Т., & Абдимуротов, О. У. (2020). ТАБИИЙ ГЕОГРАФИЯ КУРСЛАРИДА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШДА ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ УСЛУБИЁТИ. Academic research in educational sciences, (4), 663-671.

14. Шомуродова Шахноза Гайратовна Природные озера Тянь-Шаня в зоне отдыха Чимган-Чарвак // Европейское научное обозрение. 2018. №9-10-1. URL:

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00640

https://cyberleninka.ru/article/n/the-natural-lakes-at-the-tianshan-mountains-covered-in-chimgan-charvak-recreation-zone (дата обращения: 15.03.2021).
15. Jurayeva, L. V., & Yeshinbetova, G. A. (2020). NOZOOGEOGRAFIK VAZIYATNI YAXSHILASHNING IJTIMOIY-IQTISODIY VA EKOLOGIK MUAMMOLARNI O'RGANISH PRINSIPLARI. Academic research in educational sciences, (4), 630-638.
16. Sharipov Shavkat Mukhamajanovich, Shomurodova Shahnoza Gayratovna, Gudalov Mirkomil Ravshanovich (2020) THE USE OF THE MOUNTAIN KARS IN THE TOURISM SPHERE IN CORT AND RECREATION ZONE OF CHIMGAN-CHARVAK. Journal of Critical Reviews, 7 (3), 475-481. doi:10.31838/jcr.07.03.87
17. Маҳмудов Муҳаммадисмоил Муҳитдинович (2018). Андижон вилояти туристик салоҳияти ва унинг минтақа ривожланишига таъсири. Экономика и финансы (Узбекистан), (6), 21-26.
18. Шерзод Иброим Ўғли Иброимов, & Гулчехра Курдашевна Юсупова (2021). БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ (ТАБИАТШУНОСЛИК ФАНИ МИСОЛИДА). Academic research in educational sciences, 2 (Special Issue 1), 370-378.
19. Равшан Йўлдошевич Маҳаммадалиев, & Адҳам Абдуғаниевич Ниязов (2021). ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ ВА ИСТИҚБОЛИ. Academic research in educational sciences, 2 (2), 707-720. doi: 10.24411/2181-1385-2021-00255
20. Муҳаммадисмоил Мухитдинович Маҳмудов (2021). ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА ТУРИЗМНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ. Academic research in educational sciences, 2 (2), 880-891. doi: 10.24411/2181-1385-2021-00277
21. Джураева, Л. В. (2020). География фанини ўқитишда локал ва хусусий методик даражада фойдаланиладиган техналогиялар (интерфаол методлар методлар). Интернаука, 18(147), 54-56.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00641

# OMMAVIY AXBOROT VOSITALARINING INSON VA JAMIYAT HAYOTIDAGI TA'SIRI HAMDA AXBOROT XURUJLARI

**Abduvali Lutfullayev**
Toshkent irrigatsiya va qishloq xo'jaligini mexanizatsiyalash muhandislari instituti Qarshi filiali o'qituvchisi

**Elbek Jabborov**
Toshkent irrigatsiya va qishloq xo'jaligini mexanizatsiyalash muhandislari instituti Qarshi filiali o'qituvchisi

## ANNOTATSIYA

Ommaviy axborot vositalari eng asosiy, qudratli va ta'sirchan mafkura vositasi ekenligi, oxirgi paytlarda informatsion hurujlarning tez-tez uyushtirilayotgani aslida urushga munosabatning o'zgarganligidan, qurolning yangi turi kashf qilinganidan darak beradi. Bu qurol - axborotdir. Bunday qurol yordamida olib boriladigan informatsion urushlarda insonning ongi va qalbi nishonga olinishi, internetdan foydalanish, bugungi kunda dunyoda terroristlar foydalanigan internet saytlar to'satdan paydo bo'lishi, axborot xurujlari hamda ularga qarshi kurashish yo'llari haqida.

**Kalit so'zlar:** Ommaviy axborot vositalari (televideniye, kompyuter, Internet, uyali telefon), axborot, terroristik tashkilotlar.

# THE IMPACT OF THE MEDIA ON HUMAN AND SOCIETY LIFE AND INFORMATION ATTACKS

**Abduvali Lutfullayev**
Teacher of Karshi branch of Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers

**Elbek Jabborov**
Teacher of Karshi branch of Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers

## ABSTRACT

The fact that the media is the most basic, powerful, and influential ideological tool, and the recent increase in information attacks, is a sign that attitudes toward war have changed, and that new types of weapons have been invented. This weapon is information. Information wars with such weapons target the minds and hearts of people,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00641

the use of the Internet, the sudden emergence of Internet sites used by terrorists in the world today, information attacks and ways to combat them.

**Keywords:** Mass media (television, computer, Internet, mobile phone), information, terrorist organizations

## KIRISH

Bugungi kunda dunyo shiddat bilan o‘zgarmoqda. Barcha sohalarda axborot olish va uni yetkazish, ta’sirchan jamoatchilik fikrini shakllantirish zaruratga aylangan. Bunday murakkab sharoitda hayot yangidan-yangi talab va vazifalarni oldimizga qo‘ymoqda [4].

Ommaviy axborot vositalari eng asosiy, qudratli va ta’sirchan mafkura vositasidir. Chunki ommaviy axborot vositalari ommaning o‘ziga xos tarbiyachisi, muhim tadbirlarning tashkilotchisi, dolzarb muammolarni hal qilishning ta’sirchan quroli bo‘lib xizmat qiladi. Aynan ommaviy axborot vositalari orqali milliy qadriyatlarimiz va umuminsoniy qadriyatlar, milliy g‘oya va demokratik tamoyillar targ‘ib-tashviq qilinadi. Ommaviy axborot vositalari doimo demokratiya va so‘z erkinligining o‘ziga xos o‘lchovi, ko‘rsatkichi bo‘lib kelgan. Erkin va mustaqil ommaviy axborot vositalari demokratik taraqqiyotni rag‘batlantiradi va mustahkamlaydi.

Ommaviy axborot vositalari orqali milliy istiqlol g‘oyasini singdirishning yana bir muhim jihati mavjud. Bu jihat - axborot terroriga, mafkuraviy tahdidlarga munosib javob berish, ma’naviy-mafkuraviy jihatdan xalqimizni tobe etishga intilishlarning payini kesish va O‘zbekiston fuqarolarida mafkuraviy immunitetni shakllantirish bilan bog‘liq.

## METODOLOGIYA

Ommaviy axborot vositalarining ta’sir kuchini kursatadigan shunday bir gap bor "har qanday puch g‘oya, uydirma haftasiga uch martadan to’rt yil davomida takrorlansa - "haqiqat" tayyor bo’ladi, odamlar unga chippachin ishonadilar". Oxirgi paytlarda informatsion hurujlarning tez-tez uyushtirilayotgani aslida urushga munosabatning o’zgarganligidan, qurolning yangi turi kashf qilinganidan darak beradi. Bu qurol - axborotdir. Bunday qurol yordamida olib boriladigan informatsion urushlarda insonning ongi va qalbi nishonga olinadi. Garchi u daydi o‘q singari insonni jismonan yo‘q qila olmasada, uning qo‘poruvchilik kuchi, keltiradigan talofotlari har qanday ommaviy qirg‘in qurolinikidan kam emas. Chunki bu qurol yordamida onga berilgan zarbalar kishini adashtiradi, uni o’z manfaatlariga zid harakat qilishga undaydi va demak insonni boshqarish, uning ustidan hukmronlik

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00641

qilish imkonini beradi. Aslida, axborot maqsadga erishishning eng arzon vositasi ham sanaladi.

Haqiqatan ham, informatsion hurujlar uyushtirish uchun u qadap ko‘p mehnat, u qadap ko‘p harakat, u qadap ko‘p harajat talab etilmaydi. Garchi bunday mafkuraviy ekspansiya otishmalar va qon tukishlarni keltirib chiqarmasada, milliy o’zlikni anglashni zaiflashtirish evaziga tanazzulga olib keladi.

Zamonaviy OAV, televideniye, kompyuter, Internet, uyali telefon va boshqa vositalar, insonlar, ayniqsa, yoshlarning milliyligi, tafakkuri va dunyoqarashini o‘zgartirib yubormoqda. Taraqqiy etgan mamlakatlarning mazkur vositalar yordamida jahon xalqlari ongi, dunyoqarashi va turmush tarzini bir qolipga solish hamda unga o‘zlari shakllantirayotgan «ommaviy madaniyat»ni singdirishi bosh strategik siyosatga aylantirayotganligida yaqqol namoyon bo‘lmoqda.

## MUHOKAMA VA NATIJALAR

Internet bugungi axborot makonining muhim bo‘g‘iniga aylandi. Hozirda internetdan nafaqat kompyuter tarmog‘i, balki kosmik aloqa yo‘ldoshlari, radiosignal, kabel televideniyesi, telefon, uyali aloqa orqali ham foydalanish mumkin. Internet kishilar hayotining ajralmas qismiga aylanib bormoqda. Bugungi kunda 2 milliard ortiqroq kishi u yoki bu darajada undan foydalanishi ham mazkur fikrlarning to‘g‘riligini tasdiqlaydi.

50 millionlik auditoriyaga erishib, ommalashish uchun radioga 38 yil, televideniyega 13 yil, kabel televideniyega 10 yil kerak bo‘lgani holda, bu bosqichni internet 5 yilda bosib o‘tdi. Internet odamlar ongi va hissiyotlariga, tafakkur tarziga, xulq-atvorlariga ta’sir ko‘rsatishda katta imkoniyatlarga ega. Internetning bugungi kundagi rivoji g‘oyaviy ta’sir o‘tkazishning miqyosi va ko‘lamining keskin darajada o‘sishiga olib keldi.Internet bugungi axborot makonining muhim bo‘g‘iniga aylandi.

Internet kishilar hayotining ajralmas qismiga aylanib borayotganini quyidagi raqamlardan bilib olish mumkin: 2000 yildan 2012 yil oxiriga qadar dunyoda internetdan foydalanuvchilar soni 9,6 barobarga oshib, 2,4 milliard kishiga etdi, mobil aloqa abonentlari soni esa 13,4 barobarga oshib, 6,7 milliardni tashkil etdi. Internetdan foydalanuvchilarning 44,8 % (1,1 mlrd. kishi) Osiyo, 21,6 % (519 mln. kishi) Yevropa, 11,4 % (274 mln. kishi) Shimoliy Amerika qit’alariga to‘g‘ri keladi. Jahon veb-auditoriyasining 45 %ini 25 yoshgacha bo‘lgan shaxslar tashkil etadi. Mazkur o‘smirlarning 68 % har kuni kimgadir SMS-xabar jo‘natadi, 51 % ijtimoiy tarmoqlarga kiradi, 30 % elektron pochtadan foydalanadi. Ayni vaqtda virtual olamda

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00641

600 mln.ga yaqin internet saytlar mavjud bo‘lib, har oyda o‘rtacha 201,4 trln. videorolik ko‘rib chiqiladi, har kuni 144 mlrd. elektron maktub jo‘natiladi.

Ko'pgina Internet foydalanuvchilari mobil qurilmalar yordamida Internetga kirishni afzal ko'rishadi - 2018 yilda keng polosali ulanishning ulanish soni 5,3 milliardga yetdi, 2007 yildagi 268 millionga nisbatan. Dunyoda 100 kishiga to'g'ri keladigan ushbu turdagi aloqa ulushi 2007 yildagi 4% dan 2018 yilda 69,3% gacha o'sdi. 2018 yil oxiriga kelib 1,1 milliard simli internet aloqasi qayd etildi. 4 milliard Internet foydalanuvchisi 2018 yil yanvar oyining oxirida biz "We Are Social" global media-agentligi va "HootSuite" ijtimoiy media boshqaruv platformasini ishlab chiquvchisi hisobot chiqardi, unga ko'ra dunyo bo'ylab to'rt milliarddan ortiq odam Internetdan foydalanadi. Internetdan foydalanuvchilar soni 2018 yil oxiriga kelib 4,021 milliardni (dunyo aholisining 53 foizini) tashkil etdi, bu 2017 yilning shu davriga nisbatan 7 foizga ko'pdir.

Aholining keng qatlamlari foydalanishi mumkin bo'lgan smartfonlar va mobil aloqaning tarif rejalari narxlarining pasayishi tufayli yangi foydalanuvchilarning aksariyati tarmoqda paydo bo'ldi. 2017 yilda 200 milliondan ortiq kishi birinchi marta mobil qurilmani sotib oldi. Shunday qilib, dunyo aholisining uchdan ikki qismidan ko'prog'i mobil telefonlarni (asosan, smartfon) sotib olgan. Foydalanuvchilar soni mobil telefonlar 2018 yilda bu 5,175 milliard kishini (68%) tashkil etadi, bu 2017 yilning shu davriga nisbatan 4 foizga ko'pdir.

Xalqaro elektraloqa ittifoqi (XEI) tomonidan taqdim etilgan ma’lumotga ko’ra 2020 yilga kelib Internet 60 foizga ega bo'ldi. Bu degani dunyoda 4,1 milliard kishi Internet bilan ta'minlandi.

O‘zbekistonda internet xizmatidan foydalanuvchilar soni -22,1 milliondan oshdi. Shundan mobil internet foydalanuvchilari soni -19 millionni tashkil etmoqda. Mamlakat bo‘yicha aholi punktlarining mobil aloqa bilan qamrab olinishi darajasi 97 foizni, mobil internet qamrovi esa 87 foizni tashkil etdi.[6] 26 mingga yaqin “uz” domenidagi veb-saytlar faoliyat olib bormoqda. 200 dan ortiq vebsayt ommaviy axborot vositasi sifatida ro‘yxatga olingan. Internetning ta’sir kuchi beriladigan materiallarning tezkorligi, ko‘tarilayotgan masalalarning dolzarbligi hamda tahliliylik darajasi va mavjud muammolarning samarali echimlarini taklif etishiga ko‘p darajada bog‘liq.

Birinchi prezidentimiz Islom Karimov ta’kidlaganlaridek, shuni unutmaslik kerakki, “bugungi kunda inson ma’naviyatiga qarshi yo‘naltirilgan, bir qarashda arzimas bo‘lib tuyuladigan kichkina xabar ham axborot olamidagi globallashuv

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00641

shiddatidan kuch olib, ko‘zga ko‘rinmaydigan, lekin zararini hech narsa bilan qoplab bo‘lmaydigan ulkan ziyon yetkazishi mumkin”[5].

Unda o‘z-o‘zini o‘ldirishning oson yo‘llarini targ‘ib qiluvchi 9 mingdan, erotik mazmunga ega 4 mingdan ziyod saytlarning mavjudligi ham buning isboti bo‘la oladi. Mutaxassislar o‘tkazgan maxsus tadqiqotlar mavjud saytlarning taxminan 12 foizi pornografik xarakterga egaligini ko‘rsatadi. Mavjud maxsus dasturlar internet tarmog‘idagi pornografiyaning faqat 90 foizinigina filtrlaydi, ya’ni komyuterdan foydalanuvchining ixtiyoridan tashqarida ekranda paydo bo‘lishi yo‘liga to‘siq qo‘ya oladi. Demak, qanchalik harakat qilinmasin pornografik mazmunga ega saytlar internetdan foydalanuvchilarning xohish-istagidan qat’i nazar, ularning diqqatini torta oladi. Jumladan, tadqiqotlarda 42 foiz bolalar va o‘smirlar onlayn pornografiya ta’siriga tushishi qayd qilinadi.

Shuningdek, mutaxassislar ma’lumotlariga ko‘ra, internet orqali tarqatiladigan komyuter o‘yinlarining 49 foizi sezilarli darajada zo‘ravonlik va yovuzlik ko‘rinishiga ega, 41 foiz jangari (turli otishmalar va portlashlarga asoslangan) o‘yinlarda esa o‘yin qahramoni o‘z maqsadiga etishish uchun shunday zo‘ravonlik va yovuzlik sodir etadi. 17 foiz o‘yinlarda ana shu zo‘ravonlik va yovuzlikning o‘zi bosh maqsad hisoblanadi.

Internet rivoji, u berayotgan imkoniyatlar o‘ziga xos qaramlikni ham keltirib chiqarmoqda. Ma’lumotlarga ko‘ra, dunyo bo‘yicha internetdan foydalanuvchilarning taxminan 10 foizi unga mustahkam bog‘lanib qolgan.

BMT Bosh assambleyasi 2006 yil 8 sentabrda qabul qilingan “BMTning global aksilterror strategiyasi”da yangi uslublar qatorida bioterrorizm hamda internetdan terror maqsadida foydalanishning oldini olish choralarini kuchaytirish alohida qayd etilgan. 2007 yil noyabrda AQSH Davlat departamenti “Tashqi raqamli aloqalar guruhi” nomli maxsus axborot dasturini joriy qilgan. Dastur maqsadi – arab, fors, urdu va boshqa tillardagi internet saytlari, chat va bloglarda AQSH siyosati haqidagi dezinformatsiya (noto‘g‘ri ma’lumotlar)ga qarshi kurash hisoblanadi. Dasturga ko‘ra, zarur hollarda, departament xodimlari internet orqali rasman muloqotga kirishi va savollarga javob berishi, aniq hujjatlar asosida ma’lumot keltirishi ko‘zda tutilgan. So‘nggi yillarda terroristik tashkilotlar g‘oyalarini targ‘ibtashviq qilishga qaratilgan vebsaytlarning soni bir necha barobarga oshgan. Xususan, 10 yil avval bunday saytlar soni 20 ta bo‘lsa, bugungi kunda dunyoda terroristlar foydalanigan 7000 dan ortiq internet saytlari mavjud bo‘lib, ularga xizmat ko‘rsatuvchi portallar soni ortib bormoqda. Bunday internet saytlar to‘satdan paydo bo‘ladi, vaqt o‘tgach yo‘qoladi, mazmunini o‘zgartirmagan holda, tez-tez nomlanishi va domenini o‘zgartirib turadi.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00641

- Internet quyidagilar bilan terroristlar uchun qulay hisoblanadi:
- Internetga kirishning osonligi;
- Foydalanuvchilar sonining ko‘pligi;
- Aloqaning anonimligi;
- Tashqaridan boshqarish va tahrir qilish cheklangani;
- Axborotlar qisqa muddatda keng makonda tez tarqalishi;
- Faoliyat sarf-xarajatlarining bir necha barobar kamligi.

Terroristlar internetdan quyidagi maqsadlarda foydalanadilar:
Targ‘ibot va tashviqot maqsadida ma’lumot tarqatish;

- Yangi a’zolarni yollash (verbovka);
- A’zolik va xayriya badallarini yig‘ish hamda ulardan foydalanish;
- Tarmoq va shahobchalar tashkil etish;
- Terroristlarni o‘qitish, ko‘rsatmalar berish;
- Razvedka va ma’lumot qidirish;
- Yangi terroristik harakatlarni rejalashtirish va boshqarish

Yirik siyosatchilardan biri Buyuk Britaniya sobiq Bosh vaziri Margaret Tetcher "Ommaviy axborot vositalari terrorchilar uchun kislorod vazifasini utaydi", degan. Bu gapning mag‘zini chaqan odam "ommaviy axborot vositalari terrorchilar uchun havodek zarur ekan", degan xulosaga keladi. Bir qarashda bu fikr mantiqsizday tuyuladi. Chuqurroq uylab kursak-chi? Aslida, terrorchilar bir qancha insonlarni shafqatsizlik bilan uldirish orqali millionlarda qo‘rquv va daqshat uyg‘otishga intiladilar. Demaq ularning maqsadlari - uldirish emas, jamoatchilikka kuchli ta’sir qilishdir. Taassufki, ba’zi ommaviy axborot vositalari uzlari bilmagan holda terrorizmning buzg‘unchiliq qo‘poruvchilik ta’sirini yanada oshirishga "xizmat" qilib qo‘yadilar. Ularning terror oqibatlari haqidagi vahimali axborotlari insonlardagi qurquvni, daqshatni, himoyasizlik hissini yanada kuchaytirib yuboradi.

Vaziyatni beqarorlashtirish yoki davlat organlari tomonidan qaror qabul qilinishiga ta’sir ko’rsatish yohud siyosiy yoki boshqa ijtimoiy faoliyatga to’sqinlik qilish maqsadida davlat yoki jamoat arbobi yohud hokimiyat vakilining davlat yoki jamoatchilik faoliyati munosabati bilan uning hayotiga suiqasd qilish yoki uning badaniga shikast yetkazish, mol-mulk musodara qilinib, o’n yildan o’n besh yilgacha ozodlikdan mahrum qilish bilan jazolanadi [1]. O’zbekiston Respublikasining “Vijdon erkinligi va diniy tashkilotlar to’g’risida”gi qonunining 5 – moddasi. “Din davlatdan ajratilganligi” Terrorizm, narkobiznes va uyushgan jinoyatchilikka ko’maklashadigan, shuningdek boshqa g’arazli maqsadlarni ko’zlovchi diniy tashkilotlar, oqimlar, sektalar va boshqalarning faoliyati man etiladi. Davlat

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00641

hokimiyati va boshqaruv organlariga, mansabdor shaxslarga tazyiq o'tkazishga qaratilgan har qanday urunish, shuningdek yashirin diniy faoliyat qonun bilan ta'qiqlanadi [2]. Bu kabi axborotlarga qarshi aksiltarg'ibotni uyushtirish zarurati tug'iladi.

## XULOSA

Ommaviy axborot vositalari, Internet tarmog'i, jumladan, ijtimoiy tarmoqlar va mobil messenjerlarda e'lon qilinayotgan aholining keng qatlamlari fikriga salbiy ta'sir ko'rsatuvchi ma'lumotlarning doimiy monitoringini amalga oshirsin hamda tegishli davlat organlari va tashkilotlari axborot xizmatlari munosabat bildirishi uchun ularga yuborilishi [3].

Hayotimizdagi bugungi ulkan o'zgarishlar, islohotlarimiz mantig'i barchadan yangicha ishlashni, yangi g'oya va tashabbuslar bilan maydonga chiqishni talab etmoqda. Shu ma'noda, ommaviy axborot vositalarining moddiy-texnik bazasini, kadrlar salohiyatni mustahkamlash, milliy matbuotimiz xalqaro maydonda munosib o'rin egallashiga erishish, internet jurnalistikasini rivojlantirish, noshirlik ishi, kitob savdosi, obuna masalalarida bozor mexanizmlarini keng joriy etish, ochiqlik va sog'lom raqobat muhitida ishlashni yo'lga qo'yish bo'yicha ko'p ishlashimiz kerak.

## REFERENCES

1. O'zbekiston Respublikasining "Jinoyat Kodeksi" (155 – modda, terrorizmga qarshi)-1994.
2. O'zbekiston Respublikasining "Vijdon erkinligi va diniy tashkilotlar to'g'risida"gi qonuni.T.:-1998.
3. Ommaviy axborot vositalari mustaqilligini ta'minlash hamda davlat organlari va tashkilotlari axborot xizmatlari faoliyatini rivojlantirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Qarori (Manba: uza.uz)-2019
4. Mirziyoyev Sh.M. "Matbuot va ommaviy axborot vositalari xodimlari kuni" bayram tabrigidagi nutqi.T.:- 2019.
5. Karimov I.A."Yuksak ma'naviyat-yengilmas kuch".T.:-2008

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00642

# ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ САНОАТ ЭКОЛОГИЯСИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Муҳаммадисмоил Мухитдинович Маҳмудов**
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти доценти в.б. PhD.

**Дилфуза Махмудовна Дусмуродова**
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти магистранти

## АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Тошкент вилоятида саноат тармоқларини ривожланиши ҳамда корхоналарнинг ҳудудий жойлашувига умумий тавсиф берилган. Шунингдек, вилоятда саноат корхоналарини ҳудудий жойлашуви қонуниятлари очиб берилган. Вилоятдаги йирик саноат корхоналарининг минтақа экологияси, атроф-муҳит ҳамда инсон саломатлигига етказиши мумкин бўлган салбий оқибатларига тўхталиб ўтилган. Вилоят саноат экологиясига тавсиф беришда оғир саноат корхоналарининг атмосфера ҳавоси, сув, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига таъсири атрофлича ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** саноат, экология, сув, ҳаво, тупроқ, корхона, кимё, газ, чанг, зарарли моддалар, завод, корхона, саноат зонаси, кластер, тоғ-кон, металлургия, атмосфера, ишлаб чиқариш, жойлаштириш.

# GENERAL DESCRIPTION OF INDUSTRIAL ECOLOGY OF TASHKENT REGION

**Muhammadismoil Muxitdinovich Mahmudov**
PhD, Associate Professor of the Faculty of Natural Sciences,
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

**Dilfuza Mahmudovna Dusmurodova**
Master student of Faculty of Natural Sciences,
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

## ABSTRACT

This article provides an overview of the development of industries in Tashkent region and the regional location of enterprises. The legislation on the territorial location of industrial enterprises in the region is also disclosed. The negative impact of large

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00642

industrial enterprises in the region on the ecology, environment and human health of the region was highlighted. In describing the industrial ecology of the region, the impact of heavy industrial enterprises on the air, water, soil, flora and fauna is covered in detail.

**Keywords:** industry, ecology, water, air, soil, enterprise, chemical, gas, dust, harmful substances, factory, enterprise, industrial zone, cluster, mining, metallurgy, atmosphere, production, placement.

*Биосферанинг инқирози асосан бакалавр,*
*бизнес бошқаруви магистрлари ҳамда фан доктори*
*унвонига эга инсонлар фаолиятининг маҳсулидир.*
***Профессор Дэвид Орр***

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикасининг бой ва ранг баранг табиатига ўтган асрда олиб борилган иқтисодий сиёсат, янги ерларни ўзлаштириш ҳамда мамлакат экологиясига бепарволик сабабли бугунги кунда экологик жиҳатдан инқирозларли марказлар вужудга кела бошлади. Мамлакатда олиб борилган пахта сиёсати туфайли интенсив ва экстенсив усулда кўп миқдорда пахта етиштиришда кимёвий моддалардан ортиқча фойдаланиш натижасида тупроқлар унумдолигини пасайиши, яроқсиз дренажлар, ирригация ва мелеорация тизимларини ишдан чиқиши каби ҳолатлар кузатилди. Пировадида, мамлакатдаги чучук сув манбъаларини кимёвий моддалар билан ифлосланиши ортиб борди. Суғориладиган ерларнинг қарийб 50 фоизи шўрланган деб таснифланди, суғориладиган ерларнинг тахминан 5 фоизи юқори даражада шўрхок ерларга айланди.

Оғир саноатнинг қора ва рангли металлургия, кимё саноати ва электр энергия ишлаб чиқариш каби тармоқларини жойлаштиришда уларнинг атроф-муҳитга кучли таъсирини инобатга олиш зарур. Шунингдек, саноат тармоқларини жойлаштиришда иқлим омилини, айнан шамол йўналишларини ўрганиш лозим. Бинобарин, саноат корхоналарида ишлаб чиқариладиган турли зарарли моддалар ва буғлар атмосферага чиқарилиши натижасида шамол йўналиши бўйлаб аҳоли манзилгоҳлари томон харакатланиши натижасида аҳоли саломатлигига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Натижада, йирик саноат корхоналари жойлашган ҳудудлар атрофида экологик ва нозогеографик ҳолатларнинг бузилиши кузатилади.

Шу боис, саноат корхоналарини жойлаштиришда уларнинг экологияга ва аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи зарарли моддаларининг харакатини шамол таъсирида тўғри йўналтириш мақсадга мувофиқдир. Бу

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00642

учун, саноат корхоналари қурилаётган ҳудуднинг йил давомида мунтазам эсувчи шамол йўналишларини тадқиқ қилиш “Шамол гули” деб номланган моделидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ўзбекистонда Республикаси ёки унинг айрим ҳудудларида саноат тармоқларини ривожланиши, саноат корхоналарини жойлаштириш, ҳудудий мажмуалар, кичик саноат зоналари, кластерларни ҳудудий ташкил этилиши унга хос муаммолар билан боғлиқ назарий ва амалий масалалари З.М.Акрамов, Қ.Н.Абиркулов, О.Б.Ата-Мирзаев, А.С.Солиев, А.А.Қаюмов, А.М.Содиқов, М.А.Абдусалямов, Ф.Т.Эгамбердиев, Ҳ.П.Абулқосимов, О.Абдуллаев, Ш.Азимов, Л.Каршибоева, Ҳ.А.Абдуназаров, А.Г.Абдуллаев, ШС.Жўраев ва бошқаларнинг илмий-тадқиқот ишларида ўрганилган.

Юқорида келтирилган олимларнинг илмий ишларида республика миқёсида саноатнинг жадал ривожланиши, саноат тараққиётининг ҳудудий тафовутларини камайтириш, унинг тармоқ ва ҳудудий таркибини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Бироқ саноат корхоналарининг экологияга таъсири етарлича тадқиқ этилмаган. Мақолани тайёрлашда ҳудудий таҳлил, тарихий, статистик-математик, географик таққослаш, тизим-таркиб каби методлардан фойдаланилди.

## НАТИЖАЛАР

Республика Экология қўмитасининг яқинда тарқатган хабарларига кўра мамлакатимиздаги саноат корхоналари томонидан атмосферага белгиланган нормадан 40 бараваргача кўпроқ заҳарли моддаларни чиқариляпти. Каронавирус пандемияси вақтида бутун дунёда барча соҳалар фаолияти деярли тўхтатилди. 2020 йил апрел ойида 2019 йилнинг шу даврига нисбатан глобал миқёсда кунлик карбонат ангидрид ажралиб чиқиш миқдори 17 фоизга камроқ бўлганини кузатиди[5]. Халқаро Энергетика Агентлиги томонидан 2020 йилнинг январ-март ойларида иссиқхона газларининг асосини ташкил қилувчи карбонат ангидрид эмиссияси фоизи 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 5 баравар кам эканлиги таъкидланган[3]. Пандемия даврида жаҳон миқёсида завод ва фабрикалар фаолиятини маълум муддатга тўхталиши экологияга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди.

Сўнгги йилларда республикамизда йилига 100 миллион тоннадан ортиқ саноат чиқиндиси (унинг 14 фоизи токсик чиқиндилар тоифасига мансуб), 35

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00642

миллион тоннага яқин маиший чиқинди ҳосил бўлади. Чиқиндихоналар ва чиқинди сақлаш омборхоналарида 2 миллиард тоннага яқин саноат, қурилиш ва маиший чиқинди сақланаётгани ҳамда улар 12 минг гектар майдонни эгаллаб турибди[7]. Агар бу каби саноат чиқиндиларини атмосфера, гидросфера ва биосферага салбий таъсирини инобатга олсак, ишлаб чиқариш жараёнига экологик тоза технологияларни амалиётга жалб қилиш энг долзарб масалалардан ҳисобланади.

Юқори ишлаб чиқариш салоҳиятига эга бўлганлиги сабабли Тошкент вилояти Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетига энг кўп даромад келтирадиган минтақалардан бири ҳисобланади. Вилоят республика саноат маҳсулотларини 14.9 фоизини ишлаб чиқаради[4]. Йирик саноат марказлари Ангрен, Олмалиқ, Чирчиқ ва Бекобод шаҳарлари ҳиссасига тўғри келади. Тошкент вилоятида бугунги кунда қуйидаги йирик саноат корхоналари фаолият олиб бормоқда. “Оҳангаронцемент”, “Максам Чирчиқ”, “Бекободцемент”, “Мелкомбинат”, “Ўзбеккўмир”, “Қибрай ТошГРЭС 2”, “Амафос-Максам”, “Ангрен ИЭС”, “Ўзбметкомбинат”, “GM POWERTRAIN UZBEKISTAN”, “Туман давлат электростанцияси“, “Тошкент ёғ-мой комбинати”, “Вино ишлаб чиқарувчи корхона”, “Спирт ишлаб чиқарувчи корхона”, “Олмалиқ тоғ-кон комбинати” каби йирик корхоналар вилоят саноатининг етакчиликлари ҳисобланади. Маълум бир минтақада саноат тармоқларини жойлаштиришда албатта шу ҳудуднинг ҳом-ашё ва меҳнат ресурсларини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга.

Айни вақтда вилоят бўйича жами 18 та кичик саноат зонаси фаолият юритмоқда[6]. Улар Ангрен, Оҳангарон, Бекобод, Қуйичирчиқ, Чирчиқ, Янгийўл, Бўка, Оққўрғон, Паркент, Бўстонлиқ, Пскент, Қибрай каби кичик саноат зоналаридир. Ушбу кичик саноат зоналарида тоғ-кон саноати, кўмир, рангли ва қора металлургия, кимё саноати, электроэнергетика, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, текстил саноати, целлюлоза-қоғоз саноати, агросаноат каби соҳалар етакчи ҳисобланади. Бу корхоналарда рудани қайта ишлаш, тозалаш, ювиш, совутиш мақсадларида кўп миқдорда сув ишлатилади. Масалан, 1 тонна чўянни эритиб пўлат олиш учун 300 $м^3$, 1 тонна мис олишда 500 $м^3$ гача, 1 тонна никелга - 4000 $м^3$, 1 тонна резина олишга - 3500 $м^3$, 1 тонна синтетик каучук ва сунъий газлама олиш учун 2100 - 3500 $м^3$ сув ишлатилади. Бу корхоналарда ишлатилган сувлардан кейинчалик бошқа хўжалик соҳаларида фойдаланиш имконияти бўлмайди.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00642

Чирчиқ шаҳрида жойлашган “Электрохимпром”, УзКТЖМ, “Maxam-Chirchiq” заводларининг чиқиндилари Ўзбекистон буйича саноатдан чиқадиган чиқиндиларнинг 55 фоизини ташкил қилади. Шу чиқиндилар Чирчиқ дарёсига ташланади, бунинг натижасида Чирчиқ воҳаси ер ости сувининг бир литрида азотнинг микдори 70-80 мг га етади. Тошкент водопровод сувларидаги азот миқдори меъёридан 5-7 баробар кўп. Улардан ташқари, Чирчиқ шаҳридаги заводлар ҳавога чанг, азот оксидлари, сульфат ангидриди, аммиак каби газларни чиқараётганлиги натижасида уларнинг миқдори Чирчиқ шаҳри ҳавосида 1,8 - 2 баробар кўп. Тошкент шаҳрида ТашГРЭС, Тошкент иссиқлик тарқатиш тармоғидан ва автомобиллардан чиқаётган турли заҳарли моддалар фенол, азот IV оксиди 1,5-3 марта, айрим жойларда 8-12 марта меъёридан ортиқ[1; 83-84-б.].

Саноат корхоналарининг ҳудудий жойлашуви асосан Ангрен, Оҳангарон, Олмалиқ, Бекобод, Чирчиқ шаҳарлари, Бўстонлиқ, Ғазалкент, Тошкент, Зангиота туманлари хиссасига тўғри келади. Вилоят саноатида ҳудудий корхоналар улуши атиги 15 фоизни ташкил етади. Қуйичирчиқ, Бўка, Оққўрғон, Пискент, Паркент каби туманларда саноат тармоқлари анча суст даражада ривожланган. Асосан бу туманлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтсисослашган бўлиб, донли экинлар, пахта ва боғдорчилик маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланади. Одатда 1 тонна буғдой ҳосили учун 1500, 1 тонна шоли учун 4000, 1 тонна пахта учун эса 10000 тонна сув сарф этилади. Қишлоқ хўжалигида фойдаланилган сувдан кейинчалик бошқа мақсадларда ҳам фойдаланиш мумкин.

Юқорида санаб ўтилган йирик саноат мажмуаларининг атроф-муҳитни турли зарарли кимёвий моддалар ва чанглар билан ифлослантириши юзасидан давлат экология қўмитасига 2019 йилнинг биринчи ярим йиллигида фуқаролардан 175 та мурожат келиб тушган. 2018 йил якунлари бўйича атрофга 2 миллион 449 минг тонна зарарли модда чиқарилган. Бунинг 1 миллион 600 минг тоннаси автомобил воситаларига, 880 минг тоннаси ишлаб чиқариш корхоналари ҳиссасига тўғри келади. Республикада 300 мингдан зиёд хўжалик корхоналари мавжуд бўлиб, улардан 5 мингтаси экологияни зарарлантириш бўйича биринчи ва иккинчи тоифали корхоналар ҳисобланади.

Мутахассислар берган маълумотларга кўра, атмосферанинг ифлосланганлик даражаси бўйича халқаро рейтингда Ўзбекистон 158 та мамлакат орасида 108 ўринни эгаллаб турибди. Атроф-муҳитга жиддий зарар етказган саноат корхоналаридан 2018 йилда 975 миллион сўм компенсация

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00642

ундирилган. 2019 йилнинг фақатгина биринчи чорагида эса бу кўрсаткич 1 млрд 72 млн сўмни ташкил этган[2].

Мамлакатда экологик хавфсизликни таъминлаш, атроф-муҳит барқарорлигини сақлаб қолиш борасида қатор ислоҳотлар олиб борилмоқда. Жумладан, вилоятдаги йирик саноат мажмуаларига атмосфера, гидросфера ва тупроқ қатламига кимёвий чиқиндилар таъсирини камайтирувчи экологик хавфсиз қурилма, асбоб ва ускуналарни хориждан олиб киришда солиқ ва божхона имтиёзлари берилиши талаб этилади.

Ангрен кўмир кони заҳираси 1.9 млрд.тоннани ташкил қилиб, Ўрта Осиё кўмир заҳирасини ¼ қисмини ташкил қилади. Бу албатта қувонарли ҳол, бироқ саноат қанчалик жадал ривожланадиган бўлса бу ҳудуднинг экологиясига ҳам шунчалик зарар етказилади. Ангренда каолин ва қўнғир кўмири очиқ усулда қазиб олинади. Бундан ташқари конда “еростигаз” станцияси бўлиб, бу ерда кўмир газга айлантирилади[10]. Очиқ усулда қазиб олинган кариерлардан атроф муҳитга 90 фоизгача кераксиз рудалар, чиқиндилар, чанг, газ, тутунлар шу атрофдаги тупроқ қатламини, сув ресурсларини, атмосфера ва тирик организмларни зарарлайди. Шу сабабли Ангрен-Олмалиқ ҳудудининг нозогеографик вазияти қониқарли даражада эмаслиги турли касалликлар ўчоғи бўлиши мумкин.

Саноат корхоналари атмосферага инсон организми учун зарарли бўлган азот оксиди, олтингугурт, фенол, аммиак, ацетон, чанг каби захарли моддаларни чиқаради. Ҳаво, тупроқ, сув, озиқ-овқат маҳсулотларини юқоридаги заҳарли моддалар билан ифлосланиши сабабли аҳоли орасида бевосита ёки билвосита инфекцион ва ноинфекцион касалликларнинг тарқалиши хавфи ортиб боради. Германиянинг Макс Планк институти тадқиқоти натижаларига кўра, Хитойда ҳар йили ҳаво ифлосланиши сабабли юзага келадиган касалликлар туфайли 1,4 млн киши вафот этади[8]. Албатта, мамлакат иқтисодиёти учун саноат корхоналари сонини ортиши ва транспорт тизими ҳамда тўрини зичлигни ғоят муҳим саналади. Аҳоли бандлиги ва даромадлари ортади, ҳарид қобилияти ошади. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2021 йил 1 январ ҳолатига кўра республикада жисмоний шахсларга тегишли автомобиллар сони жами 2 767 126 та бўлиб, ҳар 100 кишига 8 тадан енгил машина тўғри келади. Бу ҳолат Тошкент вилоятида 262 741 та автомобил тўғри келмоқда[13]. Мазкур автомобилларнинг қарийб 20-30 фоизи эски русумда бўлганлиги сабабли уларнинг атмосферага кучли даражада ис гази ишлаб чиқарувчилар

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00642

ҳисобланади. Бу ҳам саноат корхоналари билан бир қаторда атмосферани ифлосланишига маълум бир миқдорда салбий таъсир кўрсатмоқда.

2021 йил январ-февраль ойларида Тошкент вилоятида истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 15,2 трлн. сўмни ташкил этди[11]. Бу жами саноат маҳсулотлари улушида 27,4 % га тенг. Агар истеъмол моллари ишлаб чиқариш кўрсаткичларини аҳоли жон бошига нисбатан ҳисоблаганда ўртача Оҳангарон шаҳрига (36895,5 минг сўм), Зангиота туманига (12174,5 минг сўм), Чирчиқ шаҳрига (6701,2 минг сўм), Қибрай туманига (6253,2 минг сўм) тўғри келади. Юқоридаги кўрсаткичлар вилоятнинг ўртача даражаси (4431,7 минг сўм) кўрсаткичидан анча юқорилигини кўрсатади[9]. Аммо, уларнинг атроф-муҳитга етказаётган зарарига ҳам эътиборсизлик қилиб бўлмайди. Негаки, бугун атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш борасидаги таҳлиллар жиддий ҳавотир уйғотмоқда. Бироқ мамлакатда олиб борилаётган янги иқтисодий ислоҳотлар натижасида янги саноат корхоналарини бунёд қилиш, янги турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқишга бўлган талаб ортиб бормоқда. 2021 йилнинг 1 март ҳолатига жами 3 571 та янги саноат корхоналари ташкил этилиб, шундан 275 таси Тошкент вилояти улушига тўғри келади. Бу кўрсаткичлар бўйича вилоят республикада 6 ўринни эгаллайди. Вилоятдаги жами саноат корхоналарида аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрчаткичи Олмалиқ шаҳрида (187657,6 минг сўм), Оҳангарон шаҳрида (94492,9 минг сўм), Бекобод шаҳрида (65070,8 минг сўм) ва Чирчиқ шаҳрида (28712,9 минг сўм) ўртача вилоят даражаси (21821,6 минг сўм) кўрсаткичидан анча юқори эканлигини кўрсатади[12].

## ХУЛОСА

Сўнги йилларда барча соҳа ва ҳудудларда бўлгани каби Тошкент вилояти саноатида ҳам чуқур таркибий ўзгаришлар кузатилмоқда. Тоғ-кон, машинасозлик, енгил ва тўқимачилик саноатлари энг илғор, замонавий технологиялар билан қайта жиҳозланмоқда. Тошкент вилоятида фаолият олиб бораётган йирик саноат корхоналарини атроф муҳитга салбий таъсирини янада камайтириш мақсадида давлат ва ҳусусий шерикчилик, инвесторлар, тадбиркорлар учун алоҳида имтиёзлар берган ҳолда чиқиндисиз маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи замонавий асбоб-ускуналар ҳамда технологияларни хориждан олиб киришга шарт шароитлар яратиб бериш зарур;

Вилоят табиий экотизимларини асраб авайлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш бўйича

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00642

тадбиркорлик субъектлари, таълим муассасалари, маҳалла ва жамоат жойларда, оммавий ахборот воситалари, интернет сайтларида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

## REFERENCES

1. Муҳаммадисмоил Мухитдинович Маҳмудов, & Сабохат Кадиркуловна Ахмедова (2021). БУХОРО ВИЛОЯТИДА ЭКОТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА “ЖАЙРОН” ЭКОЛОГИК МАРКАЗИНИНГ АҲАМИЯТИ. Academic research in educational sciences, 2 (3), 544-553. doi: 10.24411/2181-1385-2021-00436

2. Саттаров Абдисамат Умиркулович, Намозов Джурабек Абдуазизович, Раджабов Фуркат Туракулович. (2021 год). Влияние пастбищного животноводства на сельскохозяйственные угодья Самаркандской области. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology* , *25* (2), 447–451. Получено с http://annalsofrscb.ro/index.php/journal/article/view/969

3. Маҳмудов Муҳаммадисмоил Муҳитдинович (2018). Андижон вилояти туристик салоҳияти ва унинг минтақа ривожланишига таъсири. Экономика и финансы (Узбекистан), (6), 21-26.

4. Фуркат Туракулович Ражабов, & Азиза Абдуллаевана Олимова (2020). ТАЪЛИМ МУАММОЛАРИ ЕЧИМИДА ИННОВАЦИОН КЛАСТЕРНИНГ АҲАМИЯТИ (ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИ МИСОЛИДА). Academic research in educational sciences, (3), 697-702.

5. Oybek Uralovich Abdimurotov (2021). “YEVROSIYO MATERIGI”NI O'QITISHDA “KEYS STADI” METODIDAN FOYDALANISH USULLARI. Academic research in educational sciences, 2 (1), 377-382. doi: 10.24411/2181-1385-2021-00048

6. Шерзод Иброим Ўғли Иброимов, & Гулчехра Курдашевна Юсупова (2021). БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ (ТАБИАТШУНОСЛИК ФАНИ МИСОЛИДА). Academic research in educational sciences, 2 (Special Issue 1), 370-378.

7. Akbar Orolovich Shernaev (2021). GEOGRAFIYA DARSLARIDA “GEOGRAFIK SAYOHAT USULI” DAN FOYDALANGAN HOLDA DARSLARNI TASHKIL ETISH. Academic research in educational sciences, 2 (1), 370-376. doi: 10.24411/2181-1385-2021-00047

8. Sherzod Ibroim O'Gli Ibroimov, & Saida Zunnunovna Mirzarahimova (2021). GEOGRAFIK NOMLARNING YOZILISHI VA TRANSKRIPSIYASI. Academic research in educational sciences, 2 (1), 789-798. doi: 10.24411/2181-1385-2021-00100

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00642

9. Lobar Vohidovna Djurayeva, & Muhammadbek Norbek Ogli Berdiqulov (2021). UMUMIY O'RTA TA'LIM MAKTABLARIDA GEOGRAFIYA FANINI O'QITISHNI YANADA RIVOJLANTRISH. Academic research in educational sciences, 2 (1), 128-132. doi: 10.24411/2181-1385-2021-00017
10. Джумабаева, С. К. (2020). ГЕОГРАФИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА НОАНЪАНАВИЙ МЕТОДЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ. Academic research in educational sciences, (4), 663-671.
11. Фуркат Ражабов, Лобар Джўраева, & Асрор Махмадалиев (2020). ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ: РИВОЖЛАНИШИ, ИХТИСОСЛАШУВИ, ГЕОГРАФИЯСИ. Academic research in educational sciences, (3), 674-686.
12. Shernaev, A. O. (2020). GEOGRAFIYA DARSLARINI O'QITISHDA ATLAS VA XARITALAR BILAN ISHLASH TEXNOLOGIYALARI. Academic research in educational sciences, (4), 657-662.
13. Шерзод Иброим Ўғли Иброимов, & Актути Араповна Туйчибекова (2021). БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИСИ ФАОЛИЯТИДА МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИ ВА ПСИХОЛОГИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ (ТАБИИЙ ФАНЛАР МИСОЛИДА). Academic research in educational sciences, 2 (Special Issue 1), 456-471.
14. Муҳаммадисмоил Мухитдинович Маҳмудов (2021). ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА ТУРИЗМНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ. Academic research in educational sciences, 2 (2), 880-891. doi: 10.24411/2181-1385-2021-00277
15. Ражабов, Ф. Т., & Абдимуротов, О. У. (2020). ТАБИИЙ ГЕОГРАФИЯ КУРСЛАРИДА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШДА ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ УСЛУБИЁТИ. Academic research in educational sciences, (4), 663-671.
16. Шомуродова Шахноза Гайратовна Природные озера Тянь-Шаня в зоне отдыха Чимган-Чарвак // Европейское научное обозрение. 2018. №9-10-1. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/the-natural-lakes-at-the-tianshan-mountains-covered-in-chimgan-charvak-recreation-zone (дата обращения: 15.03.2021).
17. Jurayeva, L. V., & Yeshinbetova, G. A. (2020). NOZOOGEOGRAFIK VAZIYATNI YAXSHILASHNING IJTIMOIY-IQTISODIY VA EKOLOGIK MUAMMOLARNI O'RGANISH PRINSIPLARI. Academic research in educational sciences, (4), 630-638.
18. Sherzod Ibroim Ogli Ibroimov, & Abdurauf Abdurahim Ogli Yusubaxmedov (2020). O'ZBEKISTON HUDUDINI TIBBIY-GEOGRAFIK BAHOLASH USULLARI. Academic research in educational sciences, (4), 418-424.

ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 4 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00643

# ЎҚУВЧИЛАРДА МИЛЛИЙ ҒОЯ ТУЙҒУСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ДИДАКТИК ИМКОНИЯТЛАРИ

**Шохида Инатовна Шодиева**
Жиззах давлат педагогика институти ўқитувчиси

## АННОТАТЦИЯ

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган туб ислоҳотлар мазмуни ёш авлодни маънавий етук, интеллектуал салоҳиятли, баркамол шахс қилиб тарбиялашга қаратилган. Бугунги кунда таълим йуналишидаги ислоҳотлар миллий мафкурамиз ғояларини ҳаётга тадбиқ етишга қаратилган бўлиб, ушбу мақолада ўқувчиларда миллий ғоя туйғусини шакллантиришнинг дидактик имкониятлари хусусида сўз юритилади.

**Калит сўзлар:** ватанпарвар, салоҳият, маънавий тарбия, келажак бунёдкори, умуминсоний қадрият, инсонпарварлик, тараққийпарварлик, билимлилик ва онглилик, одиллик, истеъдод.

## КИРИШ

Мамлакатимизда сўнгги йилларида ёшларни маънавий етук ва жисмонан соғлом, ватанпарвар ва фидойи этиб тарбиялаш, уларнинг хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур соҳадаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш ва янги юксак сифат босқичига кўтариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар итгифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Унга мувофиқ, ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳукуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини тубдан ислоҳ этиш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқига 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасидаги ислоҳотларда ёшлар фаоллигини ошириш билан боғлиқ бир қатор янги ва муҳим вазифалар қўйилди.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи республикамизда ёшларга оид давлат

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00643

сиёсатининг амалга оширилишида давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорликни таъминловчи, “Ёшлар - келажак бунёдкори” шиори остида профессионал фаолиятни амалга оширувчи тузилмага айланди. Мамлакатимизда жисмонан соғлом, маънан етук ва интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган ёш авлодни шакллантириш бўйича ягона тизимни яратиш борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 30 июнь куни Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилди.

Ўз навбатида, Ёшлар иттифоқининг ташкил этилиши, мамлакатда ёшларга оид давлат сиёсатни янги босқичга олиб чиқилишига, ёшлар хаёти, уларнинг келажаги учун янги саҳифа очилишига собит қадам бўлди.

Ўзбекистон тажрибасида амалга оширилмаган, яъни 30 ёшга тўлмаган ёш кадрларни вазир ўринбосари, ҳоким, ҳоким ўринбосари, ҳамда корхона ва ташкилот раҳбари лавозимларига тайинлаш тизими жорий этилди. Ўзбекистон тарихида илк маротаба 30 июнь куни-“Ёшлар куни”деб эълон қилинди. Қисқа давр мобайнида асосий эътибор Ёшлар итгифоқи фаолиятига оид норматив хуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва ушбу ҳужжатлар асосида республика миқёсида ривожланган хорижий давлатлар орасида намунали ёшлар ташкилотини яратишга эътибор қаратилди.

Агар рақамларга эътибор берадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси ва амалий кўмаги асосида ўтган бир йил мобайнида Ёшлар иттифоқи фаолиятига доир жами 26 та Қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди.

Жумладан: Ўзбекистон Республикасининг 2 та Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2 та Фармони, 4 та қарори, 1 та фармойиши, Вазирлар Маҳкамасининг 14 та қарори ва 3 та фармойиши имзоланди, Ёшлар масалалари билан боғлиқ 70 га яқин норматив-хуқуқий ҳужжатга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда шаҳар ва туманлар Кенгаши раҳбарлигига кўп йиллик тажрибага эга, салоҳиятли, билимли 33-35 ёш атрофида бўлган, энг аввало келажакда қўрқмасдан ҳокимлик лавозимига тавсия этиш мумкин бўлган номзодлар сайланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 августдаги ПҚ-3206-сон Қарори асосида Давлат бошқаруви академияси қошида Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтини

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00643

ташкил этилди.

Бугунги кунда Ёшлар иттифоқи тизимларида фаолият юритаётган ёш кадрлар, 250 дан ортиқ вазирлик, идора ва ташкилотлардаги тегишли лавозимлар захирасига киритилди.

Мазкур ислоҳотлар амалда юксак маънавиятли ёшларимизнинг чинакам баркамол бўлиб вояга етишлари учун замин яратиб берди. Ёшлар қанчалик маънавий баркамол бўлса, турли ёт иллатларга қарши иммунитети ҳам шунча кучли бўлади. Шунингдек, давлатимиз раҳбари ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш, хусусан ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та муҳим ташаббусни илгари сурган эди.

Биринчи ташаббус ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилади.

Иккинчи ташаббус ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга йуналтирилган.

Учинчи ташаббус аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилган.

Тўртинчи ташаббус ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган.

Бешинчи ташаббус хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини назарда тутади.

Ана шу эзгу ғоя асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев жойлардаги маданият марказлари, мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базаси ва улардан фойдаланиш ҳолатини ўрганиб, фаолиятини яхшилаш бўйича топшириқларни бериб келмоқда.

Мамлакатда ёшларни ҳар томонлама билимли, салоҳиятли ҳамда фаровон ҳаёт кечириши йўлида кўрсатилаётган ана шундай ғамхўрликлар навқирон авлодни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашда юксак самаралар бермоқда.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Маълумки, замонавий таълим тизими, унинг мақсад ва вазифалари

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00643

мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилувчи таълим-тарбия жараёни олдига қўйилган муаммо ечимига мос келиши керак. Булар замонавий таълим тизимида миллат руҳиятининг нозик жиҳатларига кириб бориши ва бошланғич таълимда саводхонлик асосларини пухта эгаллаши, ҳисоблаш тафаккурини шакллантирилиши, меҳнат кўникмалари ҳамда шахс маънавияти элементларини ўқувчиларда таркиб топтириш ва шу кабилар орқали ҳал этилади.

Бу борада ўқувчилар маънавий тарбияси алоҳида аҳамият касб этади. Шунингдек, ўқувчилар маънавий тарбиясида эса улардаги миллий ғоя туйғусини шакллантириш ҳам ўқувчилар маънавиятини юксалтиришда йўналтирувчи (илҳомлантирувчи) дидактик омил бўлиб ҳисобланади. Шу сабабли ҳам мазкур тадқиқотимизда кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда миллий ғоя туйғусини шакллантиришнинг дидактик имкониятларини илмий-методологик жиҳатдан асослаш масаласи қаралади.

Ушбу йўналишдаги ишларни бошланғич таълимдан бошлаш аҳамиятли ва истиқболлидир. Чунки, бу орқали ўқувчилар жамият тараққиётининг маънавий асосларини эгаллаган, Ватаннинг истиқболини ўйлайдиган, Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигига муносиб ҳисса қўша олиш мумкинлигини онгли равишда ҳис қила оладилар. Бу табиийки бошланғич таълимга катта маъсулият юклайди.

Ҳозирда тадқиқот ишимизга қўйилган масалани ҳал қилишга юртимизда кенг имкониятлар ва шарт-шароитлар мавжуд. Бунга ҳозирда давлатимиз томонидан баркамол авлод тарбиясига бўлган эътиборни асос қилиб олиш мумкин, яъни маънавий етук, интеллектуал салоҳиятли, иймони бутун, эътиқоди мустаҳкам бўлган баркамол авлодни шакллантириш ҳозирда давлат сиёсатига айланган ва буларда, яъни баркамол авлод тарбиясида, эса қуйидаги асосий ғояларни олға сурмоқда.

Ватанпарварлик, эркинлик, инсонпарварлик, иймон-эътиқодлилик, ҳалоллик, ахлоқий поклик, одиллик, биродарлик, билимлилик ва онглилик, тараққийпарварлик, ҳурфикрлилик, байналминалчилик ва шу кабилар. Бу каби ғоялар ўқувчиларда миллий ғоя туйғусини шакллантиришда “маънавий озуқа” олиш ва муҳим дидактик асос бўлиш вазифаларини таъминлашга кўмаклашадилар.

Ҳозирда ўқувчиларда миллий ғоя туйғусини шакллантириш ва уни мустаҳкамлашга кўпгина дидактик имкониятлар мавжуд. Ушбу соҳада олиб

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00643

борган тадқиқотларимизда бундай дидактик имкониятларни қуйидаги кетма-кетлик асосида тайёрлаш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатди:

- оилада фарзандлардаги маънавий сифатларни тарбиялаш;
- мактабгача таълим муассасаларида болалар маънавий сифатлари элементларини таркиб топтириш;
- таълим-тарбия жараёнларидаги интерфаол – қизиқарли машғулотлар мазмунига миллий ғоя туйғусига оид материалларни интеграциялаш;
- таълим-тарбия жараёнидаги дарс мазмунини маънавиятга оид маълумотлар билан бойитиш;
- ўқувчиларни миллий ғоя туйғусини шакллантиришга оид жараёнларда мустақил фикрлашга ўргатиш;
- ўқув адабиётлари мазмунига қўйилган маънавий-ахлоқий талабларни қайтадан кўриб чиқиш;
- ўқувчиларда миллий ғоя туйғусини шакллантиришда донишмандлар ҳикматларидан фойдаланиш;
- ўқувчилар маънавиятини шакллантиришда халқ мақолларидан фойдаланиш;
- анъанавий таълим мазмунига, миллий ғояга, оид билимларни интеграциялаш ва шу кабилар.

Демак, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда миллий ғоя туйғусини шакллантиришга оид кўплаб дидактик имкониятларни топса бўлади ва улардан ўқувчилар маънавиятини шакллантиришда самарали фойдаланилса, шубҳасиз, ижобий педагогик самаралар қўлга киритилади.

## ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш жоизки, кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар қалбига ва онгига миллий ғояни сингдириш таълим муассасаларидаги фақат ижтимоий гуманитар йўналишдаги фанларнинг вазифаси бўлиб қолмасдан, балки ўрта махсус, касб ҳунар таълими ўқув режасидан ўрин олган барча ўқув фанларининг вазифаси саналади.

Бу борадаги маънавий-маърифий ишлар кенг кўламда олиб борилиб, таълим - тарбия жараёнининг барча жабҳаларида асосий ўринни эгаллаши лозим. Хусусан, ўқувчиларда Ватан туйғусини шакллантириш Она Ватанга, унинг табиатига меҳр-мухаббат уйғотиш ва бойликларини асраб авайлаш, табиатдаги ўсимликлар ва ҳайвонларга нисбатан онгли ва тўғри муносабатни таркиб топтириш, экологик маданиятни юксалтиришни мақсад қилиб қўяди.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00643

Ҳозирги вақтда энг муҳим, энг долзарб вазифамиз жамиятимиз аъзоларини, авваламбор, вояга етиб келаётган ёш авлодни камол топтириш, уларнинг қалбида миллий ғоя, миллий мафкура, ўз Ватанига меҳру - садоқат туйғусини уйғотиш, ўзлигини англаш, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашдан иборатдир. Шунга кўра, ҳозирги кунда ҳар томонлама камол топган, ўзида юксак аҳлоқий фазилатларни мужассамлаштирган, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, мустақиллик принсиплари ва Она Ватанга садоқат руҳида тарбияланган, таълим ва касб-ҳунар дастурларини онгли танлаб, пухта ўзлаштирган, жамиятимиздаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга, турмушга мослашган, соғлом турмуш тарзи ва меҳнат кўникмалари шаклланган, жамият, Ўзбекистон Республикасининг Конститутсияси, миллий ва умуминсоний қадриятлар, демократия тамойилларига асосланади, халқимизнинг асрлар давомида шаклланган юксак маънавияти, анъана ва удумлари, улуғ бобокалонларимизнинг ўлмас меросидан озиқланади.

## REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи / Ш.М.Мирзиёев. -Т.: Ўзбекистон, 2016,70-б.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб- интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. - Т.: Ўзбекистон, 2017,104- б.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни //Олий таълим. Меъёрий-ҳуқуқий ва услубий ҳужжатлар тўплами. - Т.: Истиқлол, 2004, 3-8-б.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” тўғрисидаги қонуни // Олий таълим меъёрий ҳуқуқий ва услубий ҳужжатлар тўплами. - Т.: Истиқлол, 2004, 9-23-б.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. - Т., 2017, 39-б.
6. Усманов Н.У. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини миллий ғоя тарғиботига тайёрлаш технологияси. - Т.: «Фан ва технология, 2012.- 112- б.
7. Усманов С. Бошланғич синфларда маънавий - маърифий ишларни ташкил этишнинг педагогик асослари. Т. 2004. – 24- б.
8. Форманов Ў. Н. Таълим мазмунини интеллектуаллаштириш Ўқув-

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00643

методик қўлланма. - Т.: «Фан ва технология,- 2010 84- б.
9. Тўрақулова И.Х. Баркамол авлод тарбиясининг маънавий- иммунологик асослари «Таълим тизимида ижтимоий - гуманитар фанлар. - Т.: 2010. 3-4.-Б. 12-14.б
10. Тўрақулова И.Х. Оилада болаларнинг маънавий дунёқарашини тарбиялаш // «Таълим тизимида ижтимоийлашув . 2013. – 175 -б
11. Тўрақулова Н. Х., Тўрақулова И. Х. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг маънавий тарбияси асослари. Илмий-услубий қўлланма. – Т.: Фан ва технология, 2013. - 300- б.
12. Abdunazarov, A. (2020). Имконияти чекланган болаларнинг ижтимоий мослашувини ўрганишнинг инновацион усуллари.*Архив Научных Публикаций JSPI*.
13. Eryigitov, D., & Abdunazarov, A. (2020). The Importance Of The Process Of Integratıon Of Psychological And Pedagogical Knowledge Of Future Physical Culture Teachers. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 4 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00644

# МЕТОДИКИ ПРЕПОДАВАНИЯ СОПОСТАВИТЕЛЬНОЙ ХАРАКТЕРИСТИКИ ДИАЛЕКТНОЙ И ЛИТЕРАТУРНОЙ ЛЕКСИКИ НА ЗАНЯТИЯХ РУССКОГО ЯЗЫКА

**Хосият Назаровна Кадырова**
Преподаватель Чирчикского государственного педагогического института

## АННОТАЦИЯ

Методика обучения русскому языку как неродному в новых геополитических условиях только формируется, базируясь на наработках теории обучения (и воспитания) русскому языку как иностранному, русскому языку в национальной школе. Многие выдающиеся педагоги справедливо обращали внимание на эффективность использования игр в процессе обучения. мы рассматриваем игру как ситуативно–вариативное упражнение, где создаѐтся возможность для многократного повторения речевого образца в условиях, максимально приближенных к реально-речевому общению с присущими ему признаками – эмоциональностью, целенаправленностью, речевого воздействия.

**Ключевые слова:** геополитических условиях только формируется, позволяет сконцентрировать их внимание на главном, важно проиллюстрировать на материале текста, процессы социальной практики и образовательной рефлексии, мнемотехника – учебные стратегии.

## ВВЕДЕНИЕ

Методика обучения русскому языку как неродному в новых геополитических условиях только формируется, базируясь на наработках теории обучения (и воспитания) русскому языку как иностранному, русскому языку в национальной школе. Опыт должен показать в ближайшее время преемственность и взаимодополняемость этих теорий и методик. Понятно, что базовый принцип обучения русскому языку как неродному остается: учет особенностей родного языка и родной культуры в учебном процессе необходим так же, как и сохранение базовых ментальных исторических связей личности с истоками своей нации через национальный (родной) язык и культуру.

Их использование даѐт хорошие результаты, повышает интерес студентов к изучению иностранного языка, позволяет сконцентрировать их внимание на главном – овладении речевыми навыками в процессе естественной ситуации, общения во время игры. Об обучающих возможностях игр известно давно.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00644

Многие выдающиеся педагоги справедливо обращали внимание на эффективность использования игр в процессе обучения. В настоящее время проблема применения речевой игры в обучении иностранному языку широко освещается в отечественной и зарубежной методической литературе. [1].

## ЛИТЕРАТУРА И МЕТОДОЛОГИЯ

Методологической основой методики как науки является философское учение о сущности языка как важнейшего средства человеческого общения, положение о единстве языка и сознания, о функциях языка. В зависимости от аудитории различают методику преподавания русского языка как родного (А.Ю. Купалова, Т.А. Ладыженская, М.Т. Баранов, Н.А. Ипполитова, А.Д. Дейкина и др.), неродного (Е.А. Быстрова, Л.З.Шакирова, Л.Г. Саяхова, К.З. Закриьянов, Г.А. Анисимов, Р.Б.Сабаткоев, Т.М.Балыхина и др.) и иностранного (В.Г. Костомаров, О.Д. Митрофанова, М.Н. Ватютнев, А.А. Акишина, Л.В. Московкин, Т.М. Балыхина и др.). Все три методики имеют точки соприкосновения и в то же время отличаются друг от друга. Содержание и характер изучаемого в школе материала по русскому языку определяются прежде всего наукой о языкознании – лингвистикой.[2].

Функционально-семантический принцип главным образом ориентирован на особенности функционирования языковых форм в речи. Реализация функционально-семантического принципа позволяет расширить традиционное (формально-грамматическое и описательно-классификационное) изучение языковых явлений (частей речи, синтаксиса).

Так, при подаче материала о местоимениях недостаточно фиксировать внимание учащихся лишь на их лексико-грамматических признаках, важно проиллюстрировать на материале текста.

## ОБСУЖДЕНИЕ И РЕЗУЛЬТАТЫ

Таким образом, мы рассматриваем игру как ситуативно–вариативное упражнение, где создаѐтся возможность для многократного повторения речевого образца в условиях, максимально приближенных к реально-речевому общению с присущими ему признаками – эмоциональностью, целенаправленностью, речевого воздействия. Можно заметить, что в приведенном высказывании слово « сопоставление» употреблено в узком, прикладном значении, а именно как методический приём, в то время как оно обычно вызывает и более традиционные, академические ассоциации с сугубо

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00644

лингвистическими , сравнительными, или, как ещё говорят, контрастивными описаниями языков. [3].

Если в традиционном понимании образовательного пространства акцент делается на обучении, а процессы социальной практики и образовательной рефлексии, как правило, не рассматриваются, то в тьюторской модели процессы обучения, социальной практики и образовательной рефлексии рассматриваются как равнозначные, при этом ведущая функция — за процессом образовательной рефлексии, т. е. за процессом осмысления студентом своей образовательной истории и проектирования собственного образования через создание образа себя в будущем. Для этого ему необходимо осознать свои возможности и образовательные перспективы, сделать. Если в традиционном понимании образовательного пространства акцент делается на обучении, а процессы социальной практики и образовательной рефлексии, как правило, не рассматриваются, то в тьюторской модели процессы обучения, социальной практики и образовательной рефлексии рассматриваются как равнозначные, при этом ведущая функция — за процессом образовательной рефлексии, т. е. за процессом осмысления студентом своей образовательной истории и проектирования собственного образования через создание образа себя в будущем. Для этого ему необходимо осознать свои возможности и образовательные перспективы, сделать осознанный заказ к обучению, то есть составить свою индивидуальную образовательную программу, обеспеченную тьютором. [4].

## ЗАКЛЮЧЕНИЕ

Студенты должны не просто получать домашние задания для заучивания наизусть, но самостоятельно на занятиях закреплять материал благодаря учебным стратегиям преподавателя, под которыми понимается совокупность технических упражнений (в том числе и в игровой форме), нацеленных на развитие мышления, коммуникационных способностей, а так же на закрепление лексического и грамматического материала. К примеру, мнемотехника – учебные стратегии, способствующие более эффективному сохранению в памяти человека новых лексических единиц и т. п.

## REFERENCES

1. Галимуллина, А. Ф. Проблемы изучения русской литературы XVIII века и ее традиций в педагогическом вузе: монография / А.Ф.Галимуллина – Казань: Изд-во МОиН РТ, 2011. – 568 с.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00644

2. Галимуллина А.Ф. Формирование понятия о классицизме у старшеклассников на уроках русской литературы в процессе изучения лирики / А.Ф.Галимуллина. – Казань: РИЦ «Школа», 2006.– 212

4. Беспаленко, Е. М. Психолого-педагогические условия развития профессиональной ориентации учащейся молодежи в преемственной связи школа – вуз: дис. … канд. пед. н. / Е. М. Беспаленко – Воронеж: ВорГУ, 2001. – 171 с.

5. Кадырова, Х. Н. (2021). КОННОТАТИВНАЯ ЛЕКСИКА В ПРЕПОДАВАНИИ РУССКОГО ЯЗЫКА КАК ИНОСТРАННОГО. *Academic research in educational sciences*, *2*(2).

6. Yuldasheva, T., & Kadirova, K. (2020). Teaching Russian with Innovative Approach. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, *8*(7).

7. Аметовна, Ю. Т., & Назаровна, К. Х. (2020). Применение интеграции при обучении русскому языку в национальных группах. *Суз санъати,(3)*.

8. Юсупова, Ф. М. (2021). О МЕЖПРЕДМЕТНЫХ СВЯЗАХ В ПРЕПОДАВАНИИ РУССКОГО ЯЗЫКА. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES, 2(4), 182-185.

9. Юсупова, Ф. М. (2020). О преподавании русского языка в условиях модернизации образования. *Международный журнал искусство слова*, *3*, 257-264.

ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 4 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00645

# AMIR TEMURNING DAVLAT BOSHQARUVI SOHASIDAGI ISLOHOTLARI

**Jumanazar Xayitbayevich Adambayev**
Urganch davlat universiteti katta o'qituvchisi
nnurjamol@mail.ru

## ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada Amir Temurning davlat boshqaruv sohasida, hamda ichki va tashqi siyosatda amalga oshirgan islohotlari o`z davrida uning saltanatini yanada mustahkam bo`lishiga olib kelgan va hozirgi kunda kundan-kun gullab-yashnab borayotgan Mustaqil O`zbekiston Respublikasida amalga oshirilayotgan keng ko`lamli islohotlar ham davlat boshqaruv sohasida mamlakatimizning ertangi kuniga bo`lgan ishonchni yanada mustahkamlab, buyuk davlat arbobi Amir Temur tajribasini chuqur o`rganib, amalda buyuk bobolarimiz tajribasidan unumli foydalanilayotganining isboti sifatida ko'rish mumkin.

**Kalit so'zlar:** Buyuk davlat arbobi, diplomat, Temur tuzuklari, adolatli tamoyillar, Temuriylar davlati, musulmon fiqhi qoidalari, Islom qudrati, moliya, iqtisod, insonparvar, qonun-qoida, adolat, tartib-intizom, islomiy-mazhabiy, mo'g'ullar.

## KIRISH

Amir Temur va temuriylar davri davlatchiligi, ma'naviyati o'zining salohiyati, mazmuni, tarbiyaviy kuchi va ta'siri bilan xalqimiz tarixida alohida o'rin tutadi.

O'zbekiston o'zining davlat mustaqilligiga erishgach, uning bir necha ming yillik ijtimoiy-siyosiy tarixini har taraflama o'rganish uchun keng imkoniyatlar yaratildi. Ayniqsa, markazlashgan Amir Temur saltanati, uning o'zbek davlatchiligi va madaniyatini rivojlantirishdagi o'rni masalalariga oydinlik kiritilib, tarixchi, sharqshunos olimlarimiz ko'plab birinchi manba ahamiyatidagi asarlarni o'zbek tiliga tarjima qilib, nashr ettirdilar. Davlatimizning siyosati va xalqimiz xohish-irodasiga asoslangan Vazirlar Mahkamasining 1994 yil 29 dekabrda «Amir Temur tavalludining 660 yilligini nishonlash to'g'risida»gi qarori, 1995 yil 26 dekabrda esa Prezidentimizning «1996 yilni Amir Temur yili deb e'lon qilish to'g'risida»gi farmonlari qabul qilindi. 1996 yil martida «Temuriylar tarixi» davlat muzeyini tashkil qilish xususida, «Amir Temur» ordenini ta'sis etish to'g'risida farmonlar chiqdi. YUNESKO qarori asosida Amir Temur tavalludining 660 yilligi butun dunyoda keng

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00645

nishonlandi. 1996 yil aprelida shu tashkilotning Parijdagi bosh qarorgohida «Temuriylar davrida fan, madaniyat va ta'lim ravnaqi» mavzuida ilmiy konferensiya o'tkazilib, Buyuk davlat arbobining tarixdagi o'rniga yuksak baho berildi. «Amir Temur jahon tarixida qudratli va gullab-yashnagan davlat barpo etgan buyuk sarkarda va davlat arbobi sifatidagina mavqei tutmaydi.

U o'z poytaxti bo'lmish Samarqandni er yuzining chinakam madaniy va ilmiy markazlaridan biriga aylantirdi. Bu ulug' zot qurdirgan me'morchilik va xalq san'atining javohirlari yanglig' bugungacha qad ko'tarib turgan osori atiqalar shahar va qishloqlarimiz ko'rkiga ko'rk qo'shib kelyapti. Sohibqiron zamonasining ajoyib diplomati, davlatlar o'rtasida do'stona munosabatlar o'rnatilishi va iqtisodiy aloqalar rivojlanishining tarafdori sifatida ham mashhur edi. U olimlar va hokimlar, me'morlar va shoirlarning buyuk homiysi yanglig' dong chiqargan».

Bugungi kunda demokratik huquqiy davlat qurayotgan xalqimiz Vatanimiz tarixida huquqiy davlat haqidagi tasavvur va qarashlarning yuzaga kelishi hamda rivojlanishi, uning yuridik manbalari, dunyoviy huquq va qonunchilik masalalarini ham bilishni istaydi, albatta. Ana shu nuqtai nazardan qaraganda, Temur tuzuklarini tarixiy-huquqiy tadqiq etish alohida dolzarblik kasb etadi. Zero, o'tmish merosimiz, uning boy davlatchilik va huquqiy asoslari, xususan, Amir Temur davrida davlat va huquq borasida qo'llanilgan adolatli tamoyillar bugungi kunda mustaqilligimizga ham xizmat qilib, shaxsning yuksak siyosiy, axloqiy va huquqiy madaniyatini shakllantirishda ko'maklashmoqda. Amir Temur hayoti va faoliyatini yorituvchi asosiy tarixiy manbalar benihoya ko'p va xilma-xil bo'lib, bu uning nomi, jahon tarixidagi roli beqiyos ekanligi va g'oyat mashhurligidan dalolat beradi.

Amir Temur, Temuriylar davlati, uning tashkil topishi masalalariga bag'ishlangan, chet ellarda va Respublikamizda olib borilgan tadqiqotlarning ilmiy tahlili ham bir qator olimlarimizning kitoblarida yoritilgan. «Temur tuzuklari» ilmiy jamoatchilikni 600 yil mobaynida qiziqtirib kelmoqda.

## ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

«XIII asrning 20-yillarida Markaziy Osiyoga mo'g'ul hukmdorlari egalik qila boshlashlari oqibatida Abu Nasr Forobiy, Muso Xorazmiy, Abu Ali ibn Sino, Abu Rayhon Beruniy, Ahmad Yugnakiy, Mahmud Koshg'ariy kabilar zakovati bilan tiklangan ilm-fan va madaniyatimiz qoyalari nurashga yuz tutdi, hukmron mafkura hisoblangan islom dini ham o'z maqomidan anchagina mahrum bo'ldi. Chunki Movarounnahrni o'z ulusi o'laroq tasarrufiga olgan Chig'atoyxon islom dinining ashaddiy dushmani edi»

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00645

Yov asoratida qolgan Movarounnahr xalqi, ozodlik kurashiga shaylanar ekan, ko‘ksida asrab-avaylab kelgan istiqlol g‘oyasini qudratli kuch va harakatga aylantiradigan ma’naviy asosni axtardi. Turonliklarning erkka bo‘lgan intilish va irodasini tarbiyalagan er, avvalo, mashhur ajdodlar vatanparvarligi, so‘ngra dini islom va shu yurtda dunyoga kelgan to‘rt buyuk tariqat bo‘ldi. Mo‘g‘ullar bosqini arafasida shakllanish bosqichida bo‘lgan Futuvvat (javonmardlik, jo‘mardlik), Yassaviya, Xojagon (keyinroq Naqshbandiya) va Kubraviya tariqatlari namoyandalari ta’sirida xalq e’tiqodini poklab, ma’nan o‘zidan tuban turuvchi dushman ustidan ruhiy g‘alabaga erishdi.

Temurning ijtimoiy-siyosiy tamoyillari tizimini yanada batafsilroq bayon qilsak, quyidagi manzara hosil bo‘ladi: 1. Amir Temur iqtisodiyotni har qanday saltanat poydevori, deb tushungan. «Davlatu saltanat – deb ta’kidlaydi, Temur o‘zining «Tuzuklari»da, – uch narsa bilan – mulk, xazina va lashkar bilan tirikdir». Bu bilan Temur davlatning yashashi va ijtimoiy rivoji uchun, avvalo, iqtisodiy imkoniyatlarga ega bo‘lishi zarurligini ta’kidlaydi. 2. Amir Temurning qarashlariga ko‘ra, har bir mamlakat, turli xil iqtisodiy imkoniyatlaridan kelib chiqib, barcha mintaqalar «xususida to‘la ma’lumotlarga ega bo‘lishi va ularning iqtisodiy xususiyatlarini hisobga olishi» lozim. 3. Amir Temur asosiy ishlab chiqarish vositasi bo‘lgan er egaligiga katta e’tibor qildi va har bir viloyatni idora qilishda davlat, vaqf, xususiy er egaligi tartiblarini saqlab qoldi va bunga er maydonining miqdori, egalik huquqini davlat manfaatini ko‘zda tutib, o‘zgartirishga harakat qildi. 4.Temur mehnatning yaratuvchanlik faoliyatini nazarda tutib, uni ijtimoiy qadriyat, deb tushundi. 5.Amir Temur iqtisodiy tamoyillari tizimida moliya masalalariga katta e’tibor bergan. Chunki moliya Temur nazarida davlatning iqtisodiy tayanchi hisoblangan.

Temurning siyosiy-huquqiy qarashlari uning axloqiy qarashlari bilan asoslanadi va diniy axloq ustiga quriladi. Shuning uchun ham Temur nazarida har qanday siyosatning muvaffaqiyati podshohning o‘z fuqarolariga bo‘lgan rahmdilligi, saxovatida-dir. Qur’onda «Taxlaku bi-axloq Alloh» deyilganidek, – deb yozadi Temur, – agar podshoh, biror gunohkorning gunohini kechirsa, bu bilan fuqarosiga rahm qilgan bo‘ladi. Mening barcha ishlarimda ana shunday podshohlar menga ibrat bo‘ldi».2 Temur o‘z siyosatida ham adolat, haqqoniylik, odillikka tayanib ish tutdi. Chunki o‘z siyosatida haq yo‘lini tanlagan.

Temur bundan boshqa siyosat yuritishi mumkin emas edi. U nimaiki qilsa, shariat doirasida, musulmon fiqhi qoidalariga tayanib, umuman Islom qudrati bilan ish tutdi. Bu esa Temurning o‘z piri Abu Bakr Toyibodiyning «rosti-rasti» ya’ni,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00645

«haqgo‘y bo‘lsang, najot topasan» hikmatini, Ibn Arabshohning yozishicha, Temur o‘z tamg‘asiga muhr sifatida o‘rnashtirgan edi.

Shunday qilib, Temur ham adolat haqidagi o‘z qarashlarini diniy tamoyillar asosida bayon qildi. Bizgacha saqlanib qolgan yilnomalar va tarixiy manbalarda Temurning dinga munosabati o‘zining yaqqol ifodasini topgan. Jumladan, islom diniga munosabat tamoyilini ishlab chiqqanligi butun temuriylar uchun dastur vazifasini o‘tadi. Chunki Temur islom diniga davlatni idora qiladigan siyosiy tamoyili yo‘qligi uchun emas, balki uning xalqqa eng yaqin va ma’qul bo‘lganligi hamda uning insonparvar xususiyati uchun to‘la tayangan.

Temurning siyosiy tamoyili markazida inson turadi. Temur o‘z davrida saltanat manfaatini xalq manfaatiga bo‘ysundira olgan davlat rahbari edi. Temur siyosiy qarashlari tizimining yana bir muhim tomoni shundan iboratki, u har bir siyosiy masalani hal etishdan oldin shu sohaning bilimdon odamlari, olimlari bilan maslahatlashib, so‘ngra qaror qilar edi. Uning olimlar bilan qiladigan maslahatlari turli shakl va darajada bo‘lardi. Shuni ham aytib o‘tish kerakki, XIV-XV asr mutafakkirlari o‘z ijodlari va g‘oyaviy karashlarida adolatli va ma’rifatparvar shohning eng oliy sifati qilib, birlari adolatni ko‘rsatsalar, boshqalari aqlni, uchinchi toifadagilar esa - axloqiy sifatlarni ko‘rsatganlar. Shunisi qiziqarliki, agar ular o‘zlarining «Ideal davlat» nomli g‘oyaviy xayolotini nazariy jihatdan ta’riflagan bo‘lsalar, XIV asrga kelib, Amir Temur uni amalda qo‘llay oldi va o‘zida buxislat va xususiyatlarni mujassamlashtirgan adolatli hukumdor sifatida maydonga chiqdi. O‘z saltanati siyosatini tasavvuf asosiga qurgan Temur adolat bayrog‘ini baland ko‘tarib, xalqni quruq qonun-qoidaga emas, balki insoniy tartib-intizomga bo‘ysunishga chaqirgan. Chunki Temur insoniy tartib-intizomga ilohiy tus berib, uni muqaddas deb biladi va shuning uchun ham yomonlikni maqsad qilgan kishilarni jilovlovchi va yaxshilik yo‘lida jafo chekuvchilarni quvvatlovchi har qanday podsho va hokimga bo‘ysunish kerak, deb hisoblaydi.

Amir Temur jahonning katta qismini fath etdi, umrining oxirigacha kamtarona amirlik darajasi bilan qanoatlandi.

«Tuzuklar»dan ko‘p misollar keltirish mumkin:

Ularning nazdida dunyo boyligi emas, inson qadri ustun turgan. Shuning bilan birga, Temur tasavvufning Yassaviya tariqatiga ixlosi baland bo‘lganligi haqida ham dalillar bor. Buning sababi bir tomondan «... Yassaviya ta’limoti o‘zining mustahkam intizomi, pok islomiy-mazhabiy, irfoniy-tasavvufiy g‘oyalari bilan Turkiston xalqlarini mo‘g‘ullar zulmi va istibdodiga qarshi jipslashtirib tarbiyalab borgan»ligida bo‘lsa, ikkinchi tomondan, Amir Temur Ko‘ragon, Xo‘ja Ahmad

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00645

Yassaviyning (1166-1167 yilda vafot etgan) avliyolik martabasidan ma'naviy, ruhiy oziq, kuch olib kelganligidadir.

Shuni aytish lozimki, ba'zi olimlar haqli ravishda, Buyuk Temur saltanati – imperiyasining boshqarish qonunqoidalari Naqshbandiy tariqati g'oyalari bilan asoslangan, deb hisoblaydilar. Temur tuzuklarining vujudga kelishi, kuchli mafkuraviy nazariya hamda boy amaliy tajribalar mahsuli sifatida maydonga kelganligi ko'rsatib o'tiladi. «Ana shu tarzda Naqshbandiya tariqati g'oyalari Amir Temur davrida Movarounnahrda va saltanatning boshqa hududlarida kuchli ijtimoiy mafkuraga aylandi», – deb yozadi faylasuf N.G'oyibov.

## NATIJALAR

Amir Temur o'zi yashab turgan jamiyatni eng etuk ijtimoiy tizimga aylantirish, farovon hayot qurish maqsadidagina kurashib qolmay, balki bu g'oyalarning butun dunyoda tantana qilishiga ham ishongan edi. Faqat shu maqsaddagina u harbiylik libosini kiygan edi. U ana shunday maqsadlarda jahongirlik qilgan har bir davlat boshlig'i, asosan, to'rt narsani xotirasida saqlash kerakligini uqtiradi: birinchidan, qaysi mamlakatni zabt etmoqchi bo'lsa, to'g'ri tadbir va kengash bilan ish tutish; ikkinchidan, xatoga yo'l qo'ymaslik uchun har bir ishni ko'p o'ylab, sergaklik va ehtiyotkorlik bilan qilish; uchinchidan, o'z atrofida aslzoda er yigitlarni (amirlarni) to'plash va birlashtirish; to'rtinchisi**,** bugungi kunning ishini ertaga qoldirmaslik.

Amir Temur dasturi va siyosiy-huquqiy qarashlarida mukammal jamiyatni orzu qilishdan ko'ra, ko'proq uni amalga oshirish hamda uning mas'uliyatini o'z zimmasiga olish yaqqol sezilib turadi. Shuning uchun ham Amir Temurning davlat arbobi, sarkarda va mutaffakir sifatidagi o'ziga xos tomoni shundaki, u o'zi hukmronlik qilgan saltanat (imperiya) timsolida mukammal jamiyatni qurdi va uni har tomonlama mustahkamlashga harakat qildi. Amir Temur siyosiy ta'limotining muhim jihati jamiyatni boshqarishda qonunning ustuvorligi, qonunchilik masalasidir. Temur saltanatini boshqarishning asosiy sharti, qonunning hamma a'mollardan ustunligini tan olish va uning asosiy qoidalarini yaratishdan iborat bo'ldi. Temurning qonun ustuvorligi tamoyili zaruriy shart ekanligi haqidagi xulosasida, qonunning ustuvorligi juda teran qo'yilgan: bu g'oya Sohibqironning ongida Imom Ismoil Buxoriy, Imom Abu Iso at-Termiziy, Forobiy, Taftazoniylarning huquqiy ta'limotlarini, Burhonidin Marg'inoniyning «Hidoya»sini, uning «Muxtasar» ini maktab va madrasada o'rganib, olimlar bilan bo'lgan uchrashuvlarida eshitish

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00645

natijasida shakllangan va shuning uchun jamiyatda qonun ustuvorligi masalasiga «Tuzuklar»da keng o‘rin ajratgan.

Ya’ni «Ulug‘ bobokalonimiz Amir Temur «qaerda qonun hukmronlik qilsa, shu erda erkinlik bo‘ladi», degan gaplarini tarix sahifalariga zarvaraqlar bilan yozdirgan edi». Temur davrining mumtoz tarixchilaridan bo‘lgan Ibn Arabshoh Amir Temurning fazilatlarini sharhlab: «Temur tengi yo‘q fe’l-atvorli, chuqur mulohazali kishi bo‘lib, uning tafakkur dengizining qa’ri yo‘q va (uning) ta’biri tagiga na tekisligu, na g‘adir-budur orqali yo‘l topiladi», – deb yuksak baho bergan edi.

## MUHOKAMA

Amir Temurning qanday shaxs va davlat arbobi bo‘lganligi hamda uning sifatlari haqida juda ko‘p mualliflar o‘z fikrlarini aytganlar. Ammo aynan uni ko‘rib, suhbat qilgan kishilar Ibn Xaldun, don Klavixo hamda Temurning maslahatchisi va, ayniqsa, g‘arb mamlakatlariga yuborilgan xristian elchisi Ioann Fransiskning, hozirda Parij milliy kutubxonasida saklanayotgan xotiralari, ayniqsa, qimmatli, ishonchli dalildir. «Amir Temur fors, arab va turk tillarini biladi. Qur’on ilmi va Islom huquqshunosligi ilmida shu qadar kuchli olimki hech bir musulmon olimi u bilan munozara kilishga qodir emas, u olim va shoirlarga katta hurmat ko‘rsatadi. Buning sababi shundaki, uning o‘zi olim va donishmanddir».

## XULOSA

Xulosa o`rnida shuni aytish lozimki, buyuk sarkarda Amir Temurning davlat boshqaruv sohasida, hamda ichki va tashqi siyosatda amalga oshirgan islohotlari o`z davrida uning saltanatini yanada mustahkam bo`lishiga olib kelgan. Hozirgi kunda kundan-kun gullab-yashnab borayotgan Mustaqil O`zbekiston Respublikasida amalga oshirilayotgan keng ko`lamli islohotlar ham davlat boshqaruv sohasida mamlakatimizning ertangi kuniga bo`lgan ishonchni yanada mustahkamlab, buyuk davlat arbobi Amir Temur tajribasini chuqur o`rganib, amalda buyuk bobolarimiz tajribasidan unumli foydalanilayotganining isbotidir. Bu esa xalqimiz kelajagi uchun adolatli turmush tarzi yaratib berish yo`lida qilinayotgan say-harakatlarning samarasidir.

## REFERENCES

1. Azamat Ziyo. O‘zbek davlatchiligi tarixi.- Toshkent: Sharq, -2000.-365 b.
2. Temur tuzuklari. Ahmedov B. tahriri.- Toshkent: G‘afur G‘ulom, - 1991.-144 b.
3. Ahmedov B. Tarixdan saboqlar.-Toshkent: O‘qituvchi, 1994.-432 b.
4. Muiniddin Natanziy. Muntahab at- tavorix. –Toshkent, 1991.-260 b.

ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 4 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00646

# THE EVOLUTION OF POSTMODERN ENGLISH NOVELS

**Mukhlisa Tursunova**
Teacher, UzSWLU Department of Linguistics and English Literature

## ABSTRACT

The present study aimed to investigate the literary evolution of postmodernism in English novel genre. It is anticipated in the research to go through various assumptions in order to accomplish several inferences on postmodern fiction through metanarration, fragmentation and black irony, the means that have empowered postmodern authors to demonstrate the fictionality of fiction in the process of progressive deconstruction.

**Keywords:** postmodernism, postmodern fiction, metanarration, fragmentation, black irony, fictionality, deconstruction

## INTRODUCTION

English novel genre since its first emergence with “Robinson Crusoe” by D. Defoe in the early XVIII century has successfully structured itself in the traditional form of the elements of fiction and has prosperously advanced over periods in a variety of types with the phenomenal contribution of such immanent names like J. Swift, W. Scott, J. Austin, Ch. Dickens, Ch. Bronte, E. Gaskell, G. Eliot, O. Wilde, J. Galsworthy, H. Wells, J. Joyce, V. Wolfe and many others. In every period, whether it is Realism or Aesthetism or Modernism, the novel genre never lost its true English tone, essence, colour and of course readers. However, coming to the late XX century with the beginning of postmodernism, literary scholars have by far begun to worry on those continuation of the novel genre in the hands of postmodernist writers whose inclinations are destined to deconstruction. The most essential point here might be as well by J.F. Lyotard who confirmed “the narrative function is losing its functors, its great hero, its great dangers, its great voyages, its great goal” under the legitimation of postmodern authors.

## METHODOLOGY AND LITERATURE REVIEW

While we sit to elucidate the true meaning of postmodernism, we might be already considering finding ourselves to be able to come up with one decent definition of the term “Postmodernism”. But we would be acting adversely to the overall conception of postmodernism as far as they reject the utmost objectivity. Bran

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00646

Nicol, in *"The Cambridge Introduction to Postmodern Fictio*n" states that postmodernism due to its slippery and indefinable quality, literary scholars is doomed to take quite a great deal of effort to define it in some decent terms. The authors of the recent article entitled "*Critical Examination of Postmodernism Based on Religious and Moral Values Education"* support the same conception of the postmodernism and state that postmodernism is not a systematic school of thought whose intellectual framework and educational implications can be precisely and definitively expressed, but as the nature of this movement requires, it constantly changes form and contains different trends. However, Jean Francois Lyotard simply defines postmodern as incredulity toward metanarratives. This form of incredulity might be as well seen as the result of science as Lyotard confirmed but also as the authors of *"Postmodern Humanism in Contemporary Literature and Culture"*, Todd F. Davis and Kenneth Womack contended it's to draw readers' attention to textual nature of reality with the help of metafictional techniques. In *"Postmodern Fiction: Theory and Practice"* we are assured that postmodernism as a genre has not come up with any sensational innovations in fiction but point out fiction's dominance or else to demonstrate how fictionality of fiction dominated throughout the centuries. Ana María Losada Pérez in her recently published (2015) dissertation *"Postmodernism in Angela Carter's Short Fiction"* claims that postmodernists deny any assertion to absolute knowledge. The rejection of any true knowledge in its utmost form is one of the main tendencies of postmodern novelists. These predispositions have their deep traces in Nietzsche who in his *"Twilight of Idols"* asserted that the "true world" – an idea with no use anymore has become useless. J. Derrida as one of the major contributors of postmodernism and as a pioneer of deconstruction theory asserted that deconstruction discovers hidden assumptions about a text as far as it implies meaning of meanings.

## RESULTS AND DISCUSSION

One of the first things that urges us to work on this movement of literature is to understand the English postmodern generation, their culture, and their values and of course their norms through the works they created as postmodern generation. Postmodernism in the works of English postmodernists shouldn't mean to hold firmly in some type of ideology or creating some new forms or sets of strong beliefs, distinct features and typical characteristics but it intensely emphasizes why or for what individual reasons one is holding this exact form of ideology and requires them full

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00646

and absolute understanding of those sets of ideology and stresses the fact only those are responsible for the repercussions of the beliefs they hold.

Everything changes simultaneously when the values change. It might be therefore there are at times misunderstandings between the older and younger generation. Thus, the elderly are unable sometimes to comprehend the youth for their full ignorance of the well-established, well-experienced and well-preserved throughout the time traditional values. Coming to the modern era, the very established traditional form of writing lost its true values with the global and utmost level of dehumanization. Not only artists, writers, philosophers but the ordinary people had no more tendencies towards traditionalism but to change everything from its theory to its practical implementation. For those who emphasized the necessity of human reason over blind religious obedience or pious illiterate submission, progress with rationality was primeval comparing to romanticists who could foresee the progressive dangers of the human reason and therefore fully brought the freedom of human soul into revolutionary positions. Reconsidering that the realists who intended to portray the dead-end of love of money and materialism through the privilege of "all evil" upper class strata accentuated the physical sufferings of the characters to demonstrate as the main motive for unstandardized life whereas modernists were fully eager to contemplate the thoughts of the main characters as the main basis of the literary fiction. As *"the relation of novel and confession techniques is similar, the author jumps into his characters' minds to follow their stream of consciousness, and out again to describe them externally".* [2, 74] Because they were able to see the human race not only as rational beings, or as spiritual beings, or as physical beings but also as psychological beings through which they were destined to bring literary fiction into a new revolutionary position. While the postmodernists in their world of deconstruction and metanarration created such characters whose beings brought the world into *"a profound anti-humanism"* [5, 3], the deepest dimmest recesses of human imagination are seen as off-limits.

English postmodernism developed in different ways of literary prose, postmodern feminism significantly progressed with the notable works by Angela Carter, postmodern drama came into a new stage with Samuel Beckett's postmodern masterpieces, novel genre found its profundity with the works by Julian Barnes. Reading Angela Carter's works, we slightly come to a precise perception about postmodern feminism that all fairy tales were once written for girls as they were all narrated by women from Medieval ages because they were definitely in the expectations of men: young girls going well with the supremacy of "all beautiful

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00646

categorization" and no tendencies towards deep intelligence which might as well turn adversely to men's expectations because otherwise they would realize what is there beyond the world they are "living". Samuel Beckett's "Waiting for Godot" was magnificently able to declare to the human race why they all exist and keep existing in despair, disillusion and anger. They simply exist but their existence cannot change them into the full life till their inexistence. People with their self-misunderstood ideologies and self-misinterpreted beliefs of seeing the world out of its true nature and full of miracles to "live" simply left them into vanity. Julian Barnes with his irreplaceable work "A History of the World in 10 ½ Chapters" brought the postmodern novel into a new stage of recognition. With the manifestation of fragmentation, metafiction, black irony and deconstruction of traditional construction of literary fiction Julian Barnes was able to display the real hegemony of postmodernism through his astute scepticism in absolutism of any current knowledge the contemporary world possesses. Barnes looks as if he was challenging literature itself, he is masterfully trying to show how fictional is fiction; he looks as if he had set himself a goal – to create a book using all possible styles and techniques of writing, and his method in this case works great for the main idea: to make us, readers, look at the story differently, from an unexpected angle, not as strict, a leather-bound encyclopaedia, where all events are divided into paragraphs and numbered, but as a chaotic set of rumours and speculations or assumptions told by theatre spectators. For Julian Barnes there is no history, neither mystery if you are able to perceive the reality of your own ability to see the things the way they happened if had happened.

## CONCLUSION

While reading a postmodern novel, you always feel the power of the author; it is not the power of the characters, not the power of the event, not even a conflict but the genuine power of the author. The supremacy of the postmodern authors can be inferred through this set of concepts: All the preceding ideologies, beliefs, philosophies emerged to convey what is right and how to mature rightly, but postmodernist writers are affably intended to present what is wrong with all of these preceding values, those who created them and followed. The whole process of these particular types of surging insight into the world and human reason and surely fiction is achieved by the use of various types of postmodern elements that have been encountered above.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00646

## REFERENCES

1. Davis T.F., Womack K. Postmodern Humanism in Contemporary Literature and Culture. Palgrave McMillian. – US.: 2006. - P. 41
2. Forghani N., Keshtiaray N., Yousefy A. Critical Examination of Postmodernism Based on Religious and Moral Values Education. International Education Studies; Vol. 8, No. 9; 201.ISSN 1913-9020 E-ISSN 1913-9039. Published by Canadian Center of Science and Education. - P. 98
3. Lyotard J.F. The Postmodern Condition: A Report on Knowledge. – UK.: 2010. - P. 22
4. McKeon M. Theory of the Novel: A Historical Approach. New Jersey, The Johns Hopkins University Press. – US.: 2000. - P. 74
5. Nicol, B. The Cambridge Introduction to Postmodern Fiction. – US.: 2009. - P. 21
6. Nietzsche F. Twilight of the Idols. – US.: 1997. - P. 23
7. Perez A.M.L. Postmodernism in Angela Carter's Short Fiction. University of Santiago de Compostela. – US.: 2015. - P. 3

ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 4 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00647

# ИЗУЧЕНИЕ ВЛИЯНИЯ СЕГРЕГАЦИИ И ТЕРМОДИФФУЗНИ АТОМОВ БАРИЯ НА ФОТОЭМИССИОННУЮ ЭФФУКТИВНОСТЬ СПЛАВА Mg-Ba(1%)

**З. Ф. Абдурашидова**
Магистр Национального Университета Узбекистана

**Н. А. Нурматов**
Доцент Национального университета Узбекистана

## АННОТАЦИЯ

В многофункциональной сверхвысоковакуумной установке изучены кристаллы магния и его сплавы с барием, методами оже-фотоэлектронной спектроскопии. В качестве источников излучения в области вакуумного ультрафиолета использовались криптоновые и ксеноновые резонансные лампы. Исследованы энергетические распределения фотоэлектронов N(E), спектральные зависимости квантового выхода фотоэлектронной эмиссии до и после нагрева сплава магния-бария. Анализируется вклад поверхностных состояние и зон, образованных атомами магния и бария. Сравнением фотоэлектронных спектров магния и сплава магния с барием снятых при hν=8,4эВ и 10эВ установлено, что в электронной структуре имеются максимумы при 0,6-0,7эВ, 1,1-1,2 и 1,5-1,6эВ ниже уровня Ферми, обусловленные с плотностью электронных состояний магния и бария. Экспериментально установлена, что после прогрева сплава магний-барий с объемным содержанием атомов бария-1% при 350-400$^0$C наблюдается сегрегация и термодиффузия атомов бария в поверхностный слой сплава. Впервые установлено, что по мере роста концентрации атомов бария в приповерхностной области сплава происходит химические сдвиги Оже-пиков магния связанные образованием интерметаллические соединения с разными стехиометрическими составами. Показано, что в области энергии фотонов 5эВ КВФ сплава почти на порядок больше КВФ чистого магния. Результаты обсуждаются на основе литературных теоретических расчетов, которые использованы плотности состояний магния модельных структур магния-бария.

**Ключевые слова:** физика, атом, сегрегация, термодиффузия, бария.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00647

## ВВЕДЕНИЕ

В последнее время фотоэмиссионные материалы с высоким квантовым выходом фотоэмиссии (КВФ) в ультрафиолетовой области спектра являются объектом интенсивных исследований, направленных на создание сильноточных эмиттеров электронов для мощных СВЧ- генераторов и лазеров на свободных электронах. Высокоэффективные полупроводниковые фотокатоды, которые могли бы быть использованы в этой области, новой техники требуют сложной процедуры активации эмиссионных свойств. Они разрушаются при воздействии мощных импульсов лазерного излучения, тепловых потоков и при ионной бомбардировке. В качестве фотокатодов также нельзя использовать чистые материалы из-за низкого значения КВФ в области ультрафиолета (Y~$10^{-3}$ - $10^{-6}$эл/фотон). Поиск новых материалов для получения высокоэффективных фотокатодов, исследование механизма увеличения эмиссионной активности материалов, изучение объемных и поверхностных факторов приводящих к резкому увеличению квантовой эффективности металлических сплавных систем представляет не только научную, но и прикладную значимость.

Известно, что легирование алюминия и магния литием или барием приводит к значительному повышению квантовой эффективности фотокатодов изготовленных на их основе. В литературе этот эффект объясняют в основном поверхностным фактором, т.е образованием на поверхности сплава Al-Li и Mg-Ba двойного электрического слоя, состоящего из сегрегированных из объема сплава, атомов лития и бария, которые уменьшают работу выхода электрона.

К настоящему времени сделана попытка исследования вклада в квантовую эффективность объемного фактора. т.е роль особенностей электронной структуры поверхности в формировании высокого квантового выхода магния. При этом использовался метод измерения парамагнитной восприимчивости, который определяется плотностью электронных состояний на уровне Ферми. Таким образом, для изучения механизма высокой квантовой эффективности, вклада электронной структуры и других объемных факторов к повышению фотоэмиссионной активности материалов исследования необходимо провести комплексно с одновременным использованием несколько методов. Для исключения побочных эффектов приводящих к изменению условий на поверхности фотокатода необходимо провести эти исследоания в сверхвысоковакуумных условиях. Результаты полученные имено в таких условиях представляют практический научный интерес не только в области физической электроники, но и в области физики поверхности твердого тела.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00647

## МЕТОДИКА ЭКСПЕРИМЕНТА

Конструкция экспериментального прибора и методика проведения экспериментов приведена а [ ]. Для измерения фотоэмиссионного тока в области ближнего ультрафиолета ( $\lambda \sim 2000A°$ и выше) была использована стандартная электрическая блок- схема. Источником излучения служила ртутно- кварцевая лампа. Монохроматизация излучения осуществлена при помощи монохроматора МДР-12У. Размер пучка фотонов ~3-4 мм.

Между образцом и коллектором подавалось постоянное стабилизированное напряжение от источника питания. При этом сетка и коллектор (анод) соединялись вместе и напряжение между образцом и сеткой коллектора составляло +40 В. Фотоэмиссионные токи снимались с образца и измерялись с помощью вольтметра - электрометра В7-30. Чувствительность измерительных приборов составляла $\sim 1*10^{-15}$ А/дель.

После прогревов образцов определенном режиме один из кристаллов устанавливался в оптический центр анализатора фотоэлектронов.

Энергия фотонов изменялась в диапазоне от 2,25 эВ до 5,15 эВ.

Для калибровки источника излучения нами использовался откалиброванный фотоэлемент Ф-17. Этот фотоэлемент был установлен вместо образца, чтобы имитировать экспериментальные условия. Зная фотоэлектронные токи, при различных энергиях фотонов по формуле

$$\Upsilon = \frac{J\phi}{e\, N\phi}$$

легко определяется - число фотонов. Здесь Y -абсолютный квантовый выход фотоэлемента Ф-17; $J_{\phi}$- регистрируемый фотоэлектронный ток на фотоэлементе; e -элементарный заряд электрона ($e=1.6*10^{-19}$Кл); $N_{\phi}$- число фотонов, падающих на фото-катод Ф-17.

## РЕЗУЛЬТАТЫ ЭКСПЕРИМЕНТА И ИХ ОБСУЖДЕНИЕ



Рис.1. Оже-спектры системы Mg-Ba, a) $T_{пр}$=375 С; t=10 мин, b) $T_{у}$=275 С; t=5-6 мин

После прогрева сплава Mg-Ba (1%) при 100°С в течение более одного часа в оже-спектре появляется слабый пик магния при 45эВ (переход LVV) и пик углерода (274эВ). Оже-спектр в основном состоит из пиков углерода. С

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00647

увеличением температуры до 200°C существенно увеличивалась амплитуда оже-пика магния при 45эВ. В оже-спектре имеются оже-пики углерода и кислорода . Однако, не был обнаружен оже-пик бария. По всей видимости, еще не полностью удалился поверхностный "наклеп", образованный при предварительной обработке поверхности сплава. Прогрев сплава при 350°C в течение более 30 мин приводит химическому сдвигу оже-пика магния при 45эВ на 40-40,5эВ . В оже-спектре снятом при этом режиме, кроме слабых оже-пиком углерода и кислорода мы обнаружили следы бария с оже-пиком при 74эВ. Известно, что самый интенсивный оже-пик бария в низкоэнергетической области спектра находится в области 73-74эВ [1]. На рис. 1(*а*) приведены участки оже-спектров снятые с поверхности сплава Mg-Ba(1%) после прогрева кристалла при $T_{пр}$= 375°C в течение 10мин. Из рисунки видно, что резко увеличилась амплитуда оже-пика бария при 74эВ. Кроме этого, мы обнаружили химический сдвиг оже-пика магния при 45эВ. Этот пик магния сдвинутый до 40-40,5 эВ при появлении следов бария сдвинулся еще на 3-3,5эВ и в оже-спектре расположился при энергии 36.5-37эВ . В оже-спектре еще обнаруживался слабый пик углерода и следы кислорода. Поверхность сплава полностью очистится от загрязняющих примесей после прогрева при 350°C и выше. Кроме этого, амплитуда оже-пика бария при 74эВ 5 раза больше чем амплитуда пика магния при 37эВ. После того как были удалены «грязи» с поверхности сплава Mg- Ba( 1%) прогрев кристалла приводил к существенному увеличению амплитуды оже-пика бария, показывающего образования пленки из атомов бария на поверхности сплава. Об этом свидетельствует еще и тот факт, что оже-спектре практически исчез оже-пик магния. На рис. 1(б) приведен оже-спектр снятый с поверхности в прогретом состоянии сплава при 275°C. В оже-спекте обнаруживаются все интенсивные низко энергетические пики бария: при 57эВ, 74эВ и 93эВ. Причем амплитуда оже-пиков бария значительно увеличилась. Далее мы снимали спектральную зависимость квантового выхода фотоэмиссии сплава Mg-Ba после сегрегации атомов бария на поверхности кристалла. При этом работа выхода сплава уменьшалось до 2,44эВ, что соответствует работе выхода атомов



*Рис 2.* Спектральные распределния КВФ магния (а); сплава Mg-Ba (б)

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00647

бария. Для сравнения приведены (рис.2) спектральные распределения КВФ чистого магния и сплава Mg-Ba покрытого атомами бария в результате их сегрегации и термодиффузии в поверхностный слой кристалла. Из рис.2 видно, что при энергии фотонов 4,98эВ, КВФ сплава 6-7 раз больше чем КВФ чистого магния. Фотоэлектронные спектры для чистого магния и сплава магния-бария приведены на рис.3 (а,б). Из рисунка 3 (б) видно что в спектрах N(E) появляются особенности А и В при энергии ~1, 1-1,2 эВ и 1,4-1,5 эВ связанные атомами бария.

Прежде чем анализировать результаты исследования фотоэмиссионных свойств сплава магния-бария отметим следующее. Атом магния в свободном состояний состоит из ионного остова, внутри которого находится два 1S-электрона, два 2S-и шесть 2P-электронов, окружающих ядро; оставшихся два электрона на 3S-уровне являются валентными и легко могут быть оторванными. Поэтому магний сильно электроположительный металл, образующей очень прочную окись гидроокись. Т.е магний очень активен кислороду и он легко образует окись магния-MgO при наличии на поверхности кислорода. Этим обьясняется появление оже-пика при 32эВ в процессе термообработки магния. Магний кристаллизуется в плотноупакованной гексагональной структуре [2].

## ЗАКЛЮЧЕНИЕ

На основании выполненной работы можно сделать следующие заключения.

Подготовлен литературный обзор по высокоэффективным фотокатодам на основе двойных металлических сплавов. 2. Освоены методы измерения спектрального распределения квантового выхода фотоэмиссии, оже-спектров и энергетического распределения фотоэлектронов в области вакуумного ультрафиолета и количественная обработка полученных результатов на ЭВМ. 3. Проведена термическая обработка кристалла магния с одновременным контролем изменения элементного состава поверхности методом ЭОС с целью получения атомно-чистой поверхности кристалла. 4. Определена фотоэлектронная работа выхода поверхности магния методами прямой Фаулера с использованием метода наименьших квадратов, а также методом изотермических кривых Фаулера. ФРВ чистой поверхности магния равна: $e\varphi$-(3,67±0,02)эВ.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00647

**REFERENCES**

1. Stendard AUGER Spectra of the ELEMENTS" Справочник, -1976.
2. Рейнор Г.В. «Металловедения магиния и его сплавов» / М. Металлургия - 1964, с. 1486
3. Бурибаев И., Нурматов Н.А., Талипов Н., Аскаров М., Ткаченко В.Г, Максимчук И.Н., Кондрашев А.И., «Электронная структура и фотоэмиссионные свойства легких сплавов с нанокластеризованной структурой». Материалы семинара в НАН Украины «Электронная структура и свойства тугоплавких металлов и наноструктурных материалов». Киев-2004.-1с
4. Ткаченко В.Г. Физический основы формирования и восстановления механических и прецизионных сплавов./ Киев-1996, с.364 Ткаченко В.Г., Кондрашев А.И., Лазоренко В.И., Лашкарев Г.В. Трефилов В.И., Электронная структура металлических сплавов с повышенным квантовым выходом фотоэмиссии. // ДАН (Москва), - 1999, т.367, Ne5., с. 632-635. 24. 2. 2.
5. Добрецов Л.Н., Гомоюнова М.В. Эмиссионная электроника./ 1966 М. Наука.с.
6. Ионов твердотельных элементов. *С. Ф. Белых, А.Б. Толстогузов, А.А Лозован №-10 2015.*
7. Температурная зависимость движущих сил поверхностной сегрегации в сплавах Cu-Ge и Cu-Mn.
*И.Н.Прохоров, К. Ч. Бжихатлов №-5 2015*
*8.*Упорядочение в твердых растворах Cu-25 ат.% Au и Cu -75 ат.% Au
*Д. Энхтор, В.М.Силонов, П.П.Сапронов. №-4 2015,*

ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 4 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00648

# ADABIYOT DARSLARIDA KICHIK EPIK JANRLARNI XALQARO TADQIQOT TALABLARI ASOSIDA O'TISH TEXNOLOGIYASI (8-SINF DARSLIGIDAGI SH. XOLMIRZAYEVNING “OT EGASI” HIKOYASI ASOSIDA)

**Firuza Murodova**
Chirchiq davlat pedagogika instituti magistranti

## ANNOTATSIYA

Adabiyot fani bugungi kun o’quvchisining fikrlay olish, tasavvurini boyitish, ziyrakligi, diqqatini oshirish, nutqini o’stirish, o’z shaxsiy fikrini ayta olish, hayotga real qarashini shakllantish, matnni tahlil qilish imkoniyatlarini yuzaga chiqaradi va uni o’stirishga, takomillashishga xizmat qiladi. Shundan kelib chiqqan holda biz bu maqolamizda maktab darsliklaridagi ayrim kichik epik janrlarni xalqaro talablar asosida tahlil qilish texnologiyasini ishlab chiqdik.

**Kalit so’zlar:** Pirls xalqaro tadqiqoti, Pisa xalqaro tadqiqoti, ta’lim sifati, o’qish savodxonligi, bir bosqichli amallar, hodisalarni tavsiflash, murakkab ma’lumotlarni tahlil qilish.

«Metodika — bu vaqtni tejash malakasi, o‘quvchi kuchlarini oqilona sarflash, o‘quv materialidagi asosiy va bosh narsani topish malakasi, jamoa mehnatini tashkil qilish san’ati, bu o‘quvchilardagi xilma-xil individualliklarga tayanadigan ta’sir tizimidir».

**M.A.Ribnikova**

## KIRISH

Barchamizga ayonki, XXI asr intellektual salohiyat, tafakkur va ma’naviyat asri sifatida insoniyat oldida yangi-yangi ufqlar ochish bilan birga, biz ilgari ko‘rmagan, duch kelmagan keskin muammolarni ham keltirib chiqarmoqda. Bugungi murakkab va tahlikali zamonda adabiyot o‘qituvchisi o‘quvchilarining ertangi kunini o‘ylab adabiyot darsi jarayonida ularni ezgulikka, insof-diyonat, mehr-oqibat va bag‘rikenglikka da’vat etib, ta’lim-tarbiya ishlarini olib bormog‘i darkor. Bunday ma’naviy huquqqa ega bo‘lish uchun biz o‘qituvchilar, avvalo, katta bilim va hayotiy tajribaga, keng dunyoqarash, yuksak ijodiy mahoratga, zamonaviy innovasion bilimlarga ega bo‘lishimiz kerakligini, eng muhimi, bu o‘ta og‘ir, kuchli irodani talab etadigan jabhada haqiqiy fidoiylik ko‘rsatish lozimligini yaxshi tushunamiz. Prezidentimiz Sh.M. Mirziyoyev o‘qituvchi va ziyolilarga murojaatida O‘zbekistonda

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00648

yangi Uyg‘onish davri, ya’ni uchinchi Renessans poydevorini yaratish asosiy maqsad qilib belgilanganini ta’kidlagan edi. Ta’lim sifatini baholash bo‘yicha xalqaro tadqiqotlarda munosib tayyorgarlik ko‘rish va ishtirok etish ham ayni maqsadlarga xizmat qiladi.

## ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

O‘zbekiston 2021-2022-yillarda ilk marotaba ta’lim sifatini baholash bo‘yicha PIRLS, PISA va boshqa xalqaro tadqiqotlarda ishtirok etadi. 2000-yildan buyon har 3 yilda o‘tkazib kelinayotgan, 2022-yilda 90 ga yaqin davlat ishtirok etishi rejalashtirilayotgan PISA tadqiqotlarida 15 yoshli o‘quvchilarning o‘qish savodxonligi, matematika va tabiiy fanlar yo‘nalishlari bo‘yicha bilimiga baho berildi. PISA tadqiqotlarida o‘quvchi dasturni o‘zlashtirganligi emas, balki bilim va ko‘nikmalarni hayotda qay darajada qo‘llay olishi baholanadi.

Bu tadqiqotlar Evropa davlatlari orasida “o’qish savodxonligi” deb atalgan va o’quvchini tahlilga undaydigan Adabiyot fani yo’nalishi bo’yicha bugungi kun o’quvchisining fikrlay olish, tasavvurini boyitish, ziyrakligi, diqqatini oshirish, nutqini o’stirish, o’z shaxsiy fikrini ayta olish, hayotga real qarashini shakllantish, matnni tahlil qilish imkoniyatlarini yuzaga chiqaradi va uni o’stirishga, takomillashishga xizmat qiladi. Shundan kelib chiqqan holda biz bu maqolamizda maktab darsliklaridagi ayrim kichik epik janrlarni xalqaro talablar asosida tahlil qilish texnologiyasini ishlab chiqdik. Jumladan, 8- sinf darsligida keltirilgan O’zbekiston xalq yozuvchisi Shukur Xolmirzayevning “Ot egasi” hikoyasi asosida tahlilga kirishamiz.

Maktab o’quv dasturining adabiyot fani o’quv yuklamasida ushbu asarning o’rganilishiga 1soat ajratilgan. Xo’sh, savol: 45 daqiqa davomida 1600 so’zdan ortiq bu asarni o’rganib, tahlil qilish munkinmi? Asarning ifodali, tushunarli qilib o’qilishi uchun kamida 20 daqiqa kerak bo’ladi. Tashkiliy ishlar va o’tilgan mavzuni mustahkamlash bosqichlariga 10-15 daqiqa ketsa, qolgan daqiqalar o’quvchining asarni tahlil qilishi uchun yetarli emasligini ko’rsatadi. Shunday ekan, o’quvchilarni xalqaro tadqiqot metodlariga tayyorlashdan oldin o’quv dasturlari va mavzularga ajratilgan soatlarni bir tahlil qilsak, maqsadga muvofiq bo’lar edi.

Asar o’quvchilarga o’qib eshittirilishidan oldin, ulardan hikoyani diqqat bilan eshitish talab qilinadi. Har bir voqeaga, har bir detalga va har bir obrazga e’tibor berish kerakligi ta’kidlanadi.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00648

Hikoya o'qituvchi tomonidan o'qib beriladi. O'quvchilar diqqat bilan tinglaydilar. Asar o'qib bo'lingach, o'qituvchi sinfni 3 ta kichik guruhga ajratadi va kichik guruhlarni asarni turli usullar bilan tahlilga chaqiradi:

**1-usul - "10 × 10" yoki "O'ntalikni top" deb nomlanadi.** Bunda o'quvchilar berilgan savollarga 10 ta variantdagi javob keltirishlari talab etiladi. Bu usul o'quvchilarning fikrlash doirasini kengaytiradi, so'z boyligini oshiradi, sinonim so'zlardan foydalanish mahoratini shakllantiradi, zehnining o'tkir bo'lishi va har bir narsaga diqqat bilan qarashiga o'rgatadi.

**1-kichik guruh. Asarning bosh qahramoni kim? Unga 10 ta ta'rif bering.**

Masalan: Asarning bosh qahramoni Inod. 1) Oilasidan ayrilgan inson; 2) mehribon muallim; 3) jonkuyar, jafokash kishi; 4) sabr-toqatli, itoatkor shaxs; 5) yaxshi uloq chopadigan; 6) oilasiga va otiga vafodor; 6) ishonuvchan; 7) kimsasiz kishi; 8) xotiralari bilan yashaydigan; 9) odamovi va og'irkarvon yigit; 10) taqdirga tan beruvchi, kurasha olmaydigan obraz

**2- kichik guruh. Asarning ikkinchi darajali qahramonlari kimlar? Ularga 10 ta ta'rif bering.**

Asarning ikkinchi darajali qahramonlari Egamberdi Xudoyberganov va Bo'riboy. Egamberdi – 1) kichik leytenant; 2) rahmsiz va insofsiz odam; 3) nafsining quli; 4) poraxo'r; 5) yolg'onchi, razil kishi; 6) Qorabayir otning o'limiga sababchi; 7) sigir va qo'yga ham qanoat qilmagan o'g'ri; 8) qo'rqoq odam

Bo'riboy- 9) qo'shnisi; 10) maktab qorovuli

**3- kichik guruh. Asarda keltirilgan daraxt, hayvon, taom va detallar nomi. 10 ta** 1) Ot; 2) biya; 3) baytal; 4) sigir; 5) qo'y; 6) o'rik daraxti; 7) suzma; 8) chalop; 9) bir tig'li miltiq; 10) qabr

**2-usulni "Nima uchun…?" deb ataymiz.** Bunda kichik guruhlar berilgan topshiq yuzasidan "Nega…?" so'rog'iga bilganlari bo'yicha so'zlab beradilar. Bu usul o'quvchilarning fikrlash, eslab qolish va nutq so'zlash qobiliyatlarini shakllantiradi.

**Umumiy savol: Inodning uchta boyligi bor edi. Ular….**

1-kichik guruh: Birinchi boyligi – serdaraxt qishlog'i. → …nega?

2-kichik guruh: ikkinchi boyligi – ikki xonali maktabi…→ …nega?

3- kichik guruh: uchinchi boyligi – qorabayir oti… → …nega?

**3- usul "O'yla, izla, top".** Bunda asardagi kichik epizodlarni topish bo'yicha yopiq test beriladi. Bu usul o'quvchilar zehnini va diqqatini o'rganadi.

1-savol: Inodning uyi oldida qanday mevali daraxt bor edi? (o'rik daraxti)

2-savol: Inod mehmonga qaysi taomni taklif qiladi? (chalop)

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00648

3- savol: Inod mehmon so’ragan suzmani qayerdan oldi? (tulum)

4-savol: Egamberdi Xudoyberganovning zvanyasi qanday edi? (kichik leytenat)

5- savol: hikoyaning oxirgi jumlasi qanday tugaydi? (Inodning qalbida maktabiga va qishlog’iga bo’lgan muhabbati nish urib ulgurgan edi)

Dars so’ngida “Hikoyadan olgan taaassurotlarim” mavzusida matn yozish uyga vazifa sifatida beriladi.

## MUHOKAMA VA NATIJALAR

Yuqorida keltirilgan usullar yordamida berilgan hikoya o’quvchilar tushunchalarini kengaytiradi, asarni tahlil qilishga yordam beradi. O’rtoqlarining fikrlarini umumlashtirish, jamlash va xulosa chiqarish ko’nikmasini shakllantiradi.

Endi e’tibor qilaylik, PISA xalqaro tadqiqot topshiriqlari darajalariga qanday talablar qo‘yiladi?

— Topshiriqni bajarish uchun talab etiladigan intellektual va fikrlash qobiliyatiga ko‘ra ular uchta kognitiv darajaga ajratiladi:

1. Quyi daraja — bir bosqichli amallar.
2. O‘rta daraja — hodisalarni tavsiflash.
3. Yuqori daraja — murakkab ma’lumotlarni tahlil qilish.

Shu talablarga tayanadigan bo’lsak, biz yuqorida hikoyaning tahlili uchun qo’llagan usullarimiz xalqaro baholash tizimi qoidalariga imkon qadar javob bera oladi, deb o’ylaymiz. Bundan tashqari, tahlillar o’quvchini kitobni sevishga, qiziqarli asarlarni ko’proq o’qishiga turtki bo’ladi. Chunki, kitob o’qigan sari uning ongi o’sadi, hayotga qarashi o’zgaradi, tafakkur doirasi kengayadi va eng asosiysi, nutqi rivojlanadi.

## XULOSA

Ijtimoiy hayotdagi yangilanish va o‘zgarishlar adabiyotning o‘zida ham, uni o‘qitish sohasida ham yangilanishlarni, yangicha yondashuvlarni taqozo etayotgani aniq. Bu narsa ta’lim metodlaridan boshlab darsning tarkibiy qismlarigacha, adabiy ta’lim mazmunidan boshlab o‘qituvchi va o‘quvchining munosabatlarigacha, o‘quv dasturlari, darsliklardan boshlab adabiyot darslarini tashkil etishgacha bo‘lgan muammolarning barchasiga bir xilda daxldor bo‘lib turibdi. Bugun axborotlar oqimi shiddat bilan kuchayib borayotgan, kompyuter va umuman texnika olami inson hayotida tobora kengroq va mustahkamroq o‘rin olib borayotgan bir zamonda kitob o‘qish, kitobxonlik muammosining yanada dolzarblik kasb etishi sir emas. Zero,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00648

kitob va kitobxonlik inson ma’naviy olamining ajralmas qismi ekan, kitob o‘qishni o‘rganish, kitobxon ma’naviyatini shakllantirish ta’lim-tarbiya jarayonidagi eng asosiy vazifa bo‘lib qolaveradi.

## REFERENCES

1. O’zbekiston Resublikasi Prezidenti Sh. M. Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi
2. To’xliyev B. Adabiyot o’qitish metodikasi. Toshkent. “Yangi asr avlodi”. 2020 y
3. Adabiyot. 8-sinf uchun darslik. Toshkent -2019 yil
4. Кололожвари И.ва Сеченикова. Как организовать интегрированный урок, Народное образование. -1999 №1
5. A.A.Xalikov “Pirls dasturining mazmun –mohiyati” –pedagogika fanlar doktori

ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 4 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00649

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИНИНГ ЎРНИ

**Муроддуло Тоғаевич Нормуродов**
Қарши давлат университети профессори
m.normuradov46@mail.ru

**Абурайхон Холиқулович Жураев**
Қарши муҳандислик- иқтисодиёт институти катта ўқитувчиси
a.juraev@rambler.ru

## АННОТАЦИЯ

Республика иқтисодиётини ривожлантириш биринчи навбатда тайёрланаётган кадрлар сифатига боғлиқ. Кейинги йилларда турли тармоқларда амалга оширилаётган ислоҳотлар ушбу масалани долзарблигини яна бир бор исботлади. Олий таълимда таълим сифати талаб даражасига кўтарилиши учун билимли ва юқори салоҳиятли профессор-ўқитувчилардан ташқари моддий-техник базанинг таъминланганлиги, замонавий ахборот технологияларига асосланган инновацион педагогик технологиялар қўлланилиши, ҳамда олий таълим билан ишлаб чиқаришнинг интеграцияси муҳим омиллардан биридир.

**Калит сўзлар:** модернизация, таълим, тарбия, интеграция, бакалавр, магистр, инновация, педагогик технологиялар, ахборот технологиялари, инновацион технологиялар.

# THE ROLE OF MANUFACTURING ENTERPRISES IN THE MODERNIZATION OF HIGHER EDUCATION

**Muroddulo Togaevich Normurodov**
Professor of Karshi State University
m.normuradov46@mail.ru

**Aburayhon Kholikulovich Juraev**
Senior lecturer of Karshi Institute of Engineering and Economics
a.juraev@rambler.ru

## ABSTRACT

The development of the economy of the Republic primarily depends on the quality of trained personnel. Reforms in various sectors in recent ears have once again proved the relevance of this issue. In order to improve the quality of education in higher education, one

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00649

of the important factors is the provision of material and technical resources, with the participation of highly qualified professors and teachers, the use of innovative teaching technologies based on modern information technologies, as well as the integration of higher education.

**Keywords:** modernization, education, training, integration, bachelor, master, innovation, pedagogical technologies, information technology, innovative technologies.

## КИРИШ

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин, биринчи навбатда ёшлар тарбиясига, уларнинг билимли кадрлар тайёрлаш тизимига катта эътибор қаратиб келди.

1997 йил 29-августда Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасида таълим тизимининг ягоналиги ва узлуксизлиги қонун билан мустаҳкамланди. Узлуксиз таълим ўз ичига олган таълим турлари: Мактабгача таълимдан олий таълим ва ундан кейинги таълим тизими долзарблигини йўқотмади.

Кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришда таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш устувор йўналишлардан бири этиб олинди. Узлуксиз таълим тизимида узвийлик, ўзаро боғлиқлик, изчиллик устувор вазифа сифатида белгиланди [1].

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мамлакатимизда айниқса кейинги 3 йилда таълимга, ёшларнинг билим олишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биргина таълим тизимини ривожлантиришга оид 10 дан ортиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари қабул қилинди. 2019 йил 8 октябрда “Ўзбекистон Руспубликаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожланиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. Кўплаб олий ўқув юртлари очилмоқда. Чет эл университетлари филиаллари ташкил этилмоқда. Ёшларни олий таълимга қамраб олиш 20% дан ошиб кетди. Ўрта ва олий таълим тизимида меҳнат қилаётган педагог-ўқитувчилар ойлик маошлари оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак” деган сўзлари “Бешикдан қабргача илм изла”

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00649

деган улуғ ҳадис иборасига ҳамоҳанглиги, нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билимли, юқори савияли, илм-маърифатли ва юксак маънавиятга эга бўлиши олдимизда турган энг устувор вазифалардан биридир [2,3].

## НАТИЖАЛАР

Таълим сифати ва тарбия самарадорлигида устоз-муаллим тизими энг асосий ўринда туради. Таълим муассасаларини юқори малакали педагог кадрлар билан таъминлашнинг бозор иқтисодиётига асосланган тизимини ишлаб чиқиш лозим.

Маърузанинг салмоғи эмас, сифати муҳим. Унда педагогик технологияларнинг энг сўнги ютуқлари, ахборот технологияларининг мукаммал вариантларидан фойдаланиши кўзда тутиладиган тизимга эришиш мақсад-муддаомиз бўлиши лозим. Хусусан, олий таълимда маъруза бир томонлама бўлмаслиги, балки талаба фаол иштирокчига айланиши зарур. Малака ошириш курсларида профессор-ўқитувчиларнинг дарс бериш маҳоратини оширишга қаратилиши керак.

Дарсларни ҳар томонлама қизиқарли ташкил этиш учун моддий-техник базанинг таъминланганлигига алоҳида эътибор қаратилиши зарур. Замонавий ахборот технологиялари билан аудиторияларни жиҳозламасдан туриб ушбу ишларни ташкиллаштириш қийинчиликларни туғдиради. Таълим-тарбия сифатини моддий техник базани ташкил этмасдан туриб ошириш мумкин эмас.

Олий таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси унинг сифатига ижобий таъсир этиши, чет эл университетлари тажрибасидан маълум.

Республикамизда бу соҳада амалга оширилган ишлар талаб даражасида эмас. Айрим олий ўқув юртлари, айрим ишлаб чиқариш корхоналари билан маълум йўналишларда ҳамкорлик қилишмоқда. Бу жараён доимий ва тизимли ташкил этилиши лозим.

## MUHOKAMA

Бизнингча, бу борадаги фаолиятни тубдан ўзгартириш масаласи кун тартибида турибди. Абитуриентни ўқишга қабул қилишдан бошлаб ишга боргунгача бўлган жараёнда ишлаб чиқаришнинг бевосита иштироки бўлиши зарур. Мутахассис тайёрлашда ишлаб чиқариш корхоналари фаол иштирок этиши зарур. Ишлаб чиқариш билан олий таълим интеграцияси қандай бўлиш лозим деган савол туғилади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00649

Жаҳон Банкининг “Академик инновациялар жамғармаси” доирасида Ўзбекистонда олий таълим муассасаларни модернизация қилиш йўналиши бўйича амалга оширилаётган грант иштирокчиси сифатида “Қашқадарё вилояти ишлаб чиқариш корхоналари билан Қарши давлат университети орасидаги ҳамкорликни кучайтириш орқали бакалавр ва магистрлар тайёрлашнинг сифатини ошириш” мавзусида лойиҳа амалга оширилмоқда. Бизга маълумки Ўзбекистонда энг йирик ишлаб чиқариш корхоналаридан “Муборак газни қайта ишлаш” заводи, “Талимаржон” Иссиқлик электр станциялари мисолида ўрганганимизда, ишлаб чиқариш корхоналари тезлик билан ўз технологияларини янгиламоқда. Асосан чет эл янги техника ва технологияларини олиб кириб, ишлаб чиқариш жараёнларига жорий этмоқда. Кадр тайёрлаётган олий ўқув юртлари кафедралари бу жараёнларга фаол иштирок эта олмаяпди. Натижада олий таълим муассасалари битирувчилари ишга боришганда уларни ишлаб чиқаришда мутахассис сифатида ишга киришиб кетиши қийин кечмоқда. Ишлаб чиқаришда уларни 2-3 ойлаб қайта тайёрлашга тўғри келмоқда.

Олий ўқув юртларида ўқитилаётган айрим фанлар корхоналарнинг замонавий технология ва янги қурилмаларига мос келмайди. Олий таълим муассасаларда олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларини ҳам ишлаб чиқариш корхоналарнинг ривожланишига ижобий ҳисса қўшиши лозимлиги ҳисобга олинмаяпди. Умуман кадрларни мақсадли тайёрлашни кескин яхшилаш лозим.

Ишлаб чиқариш билан кадр тайёрлайдиган институт ва университетлар орасида ҳамкорлик шартномалари бўлиши керак. Ишлаб чиқаришда университет кафедраларининг филиаллари ташкил этилиши, ундан ташқари корхонада ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган ўқув-илмий марказлар ташкил этилган бўлиши лозим. Талабалар экскурциялардан бошлаб, амалиётлар ўтиши, ишлаб чиқаришдаги мутахассисларни дарс беришга жалб этиш, битирув малакавий ишлар ва магистрлик диссертациялари тўғридан – тўғри ишлаб чиқариш корхоналарда бажарилишини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ишлаб чиқариш корхоналарда фойдаланилаётган асбоблар ва қурилмалар олий ўқув юртлари ўқув ва илмий лабораториялар билан мослик даражаси доимо ўрганиб борилиши керак. Олий таълимда ўқитилаётган фанлар ва уларнинг ўқув режалари ва дастурлари ишлаб чиқариш корхоналари мутахассислари томонидан доимо экспертизадан ўтказиб борилиши лозим. Бу

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00649

соҳадаги таклифлар олий ўқув юртлари ўқув методик Кенгашда муҳокама қилиб, ўқув жараёнига тавсия этилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Умуман, Республикамиздаги олий таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналарининг ўзаро алоқасининг самарадорлигини ошириш учун қонун доирасида ёндашув лозим, яъни ўзаро ҳамкорлик қонунга асосланган бўлса ишлаб чиқариш корхоналарининг ҳам олий таълим муассасаларининг ҳам мажбуриятлари ва вазифалари аниқ белгилаб қўйилган бўлади.

## ХУЛОСА

Яна бир масала, Республикамиз олий таълим муассасаларида контракт асосида ўқишга қабул қилинаётган талабаларнинг ҳеч бўлмаганда бир қисми йирик ишлаб чиқариш корхоналари томонидан молиялаштирилиши мақсадга мувофиқ. Бу таклифнинг амалга оширилиши, биринчидан, ишлаб чиқариш корхоналари ўзларига керак бўлган кадрларни тайёрлайди, иккинчидан, кам таъминланган оилалар ижтимоий ҳимояси таъминланади.

Шундай улкан имкониятлар яратилаётган пайтда таълим тизимида таълим сифати талаб даражасида кўтарилиши учун муҳим туртки бўлади деб ҳисоблаймиз.

## REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги қонуни “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси 1997 й., 9-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи газетаси. 2020 йил 25 январь, №19.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.
4. А.Х.Жураев. Таълим тизимига педагогик дастурий воситаларни жорий этиш афзалликлари. ЎзМУ хабарлари журнали. 1/1-сон 2020 й. 85-89 бетлар.
5. Xurramov Anvar Jumanazarovich, Boymurodov Adham Khushimkulovich, Jurayev Aburaykhan Xoluqulovich. Educational technologies and their quality assessment. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. 8 No. 12, 2020. -P. 162-165.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00649

6. Хуррамов, А.Ж., Комолов, Э.Р., Разработка алгоритма управления с учетом трудноформализуемой информации // Academic research in educational sciences, 2020. Volume 01, Issue 03, -pp: 240-247
7. Хуррамов, А.Ж., Ражабов, О.Т., Ядгарова, Н.Н., Умумий ўрта таълим мактабларида математика фанини ўқитишда таълим технологияси инновацион моделининг ўрни. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES, 2021 Volume 2 Special ISSUE 2 - pp: 59-67
8. Султанов, Р. О. (2020). Idea блокли шифрлаш алгоритмини такомиллаштириш методлари. Academic Research in Educational Sciences, 1(3), 397-404.
9. Sultanov, R.O., Xalmetova, M.X., Ikki gildirakli transport robotlari harakatini dasturlash. Academic Research in Educational Sciences, 2021 Volume 2 Special ISSUE 2 - pp: 108-114.

ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 4 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00650

# ФОРСАЙТ – ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ КЕНГАЙТИРИШ ОМИЛИ СИФАТИДА

**Анвар Жуманазарович Хуррамов**
Чирчиқ давлат педаггика в.в.б. доцент

**Мадина Улфатовна Махкамова**
Чирчиқ давлат педаггика институти в.в.б. доцент

**Абдулазиз Ибрагимович Юсупов**
Тошкент давлат техника университети доцент

## АННОТАЦИЯ

Мақолада “Форсайт”нинг мазмун моҳияти, имконияти ва уни қўллаш зарурияти, форсайт марказларининг мақсади ва вазифалари, инновацион фаолиятни ташкил этиш, таълим-тарбия, касбий таълим ва илмий-тадқиқот бўйича узоқ келажакка мўлжалланган таълимий ва илмий ишлар самарадорлигини ошириш масалалари ёритилган.

**Калит сўзлар:** форсайт, илмий-техник прогнозлаш, илмий тадқиқотчилар жамоаси, форсайт марказлари фаолияти, инновацион ривожлантириш.

# FORSITE - AS A FACTOR FOR EXPANDING INNOVATION ACTIVITIES

## ABSTRACT

The article discusses the nature, possibilities and application of Foresight, goals and objectives, the organization of innovation, improving the effectiveness of long-term educational and research activities in the field of education, training and research.

**Keywords:** Foresight, scientific and technical forecasting, team of researchers, activity of foresight centers, innovative development.

## КИРИШ

Илм-фан, технология ва инновациялардаги ўзгариш суръати бугунги кунда жуда юқори тезкор ва малакали мониторингни ўтказмасдан хўжалик

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00650

фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш деярли мумкин эмас. Барқарор ривожланишни таъминлаш учун чегара билими, технология ва технология нафақат қисқа муддатда, балки жуда узоқ келажакда ҳам қандай билимга эга бўлишни талаб қилади.Узоқ муддатли ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш йўлларини аниқлаш, инновацион фаолиятни кенгайтириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини ошириш зарур бўлган ҳолатларда энг самарали восита ҳисобланади. Унинг ривожланиши нафақат мавжуд тенденцияларига асосланган ҳолда, балки истиқболда юзага келиши мумкин бўлган технологик ютуқларни ҳисобга олган ҳолда узоқ муддатли прогнозлаш усулларини “Форсайт”ни қўллаш зарурати билан боғлиқ[2].

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

**Форсайт** – мазкур атама инглиз тилида (foresight –“келажакка назар” маъносини англатади. У инновацияни илгари суриш, стратегик баҳолашни фаоллаштириш ва илмий-тадқиқот ишлари бўйича узоқ келажакка мўлжалланган фоалиятни назарда тутади

**Форсайт** – таниқли олимлар соҳа мутахассислари гуруҳи раҳбарлик қиладиган, илмий тадқиқотларнинг муайян соҳасида эришилган ютуқлари билан ажралиб турадиган, илмий-тадқиқот муаммолари бўйича ютуқларга эришган, узоқ келажакка мўлжалланган ҳамкорликдаги ҳаракат кординацияси (FOREN Guede);

**Форсайт** – ҳар бир соҳанинг келажагини тизимли тасаввур қилиш ва илмий башоратлаш ва инновацион ривожлантириш (Australian Center for Innovation)[1];

**Форсайт** – мазкур атама инглиз тилида “келажакни кўра олиш” маъносини англатади ва ижодий тафаккур маҳсули сифатида илмий-тадқиқот ишлари бўйича узоқ келажакка мўлжалланган фоалиятни назарда тутади. Унинг умумийтаърифи: фаолпрогноз, прогноз, иқтисод, фан, бизнесдаги келажакдаги вазиятнинг ривожланишини башорат қилишдир. Аслида, бу келгуси бир неча ой учун ишончли қисқа муддатли прогнозларга асосланиб, жуда узоқ муддатли прогнозларни (5 йилдан 50 йилгача) ташкил этади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Форсайт ижтимоий фаолиятнинг барча жабҳаларида: фан ва технологиялар, иқтисодиёт, ижтимоий муносабатлар, маданиятнинг ўзгариши ва ривожланишларини исобга олган ҳолда узоқ муддатли келажакни шакллантиришнинг тизимли воситасидир.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00650

Форсайтни ўтган асрнинг 80-йилларда Америка Қўшма Штатлар мудофаа тадқиқотлари ва хавфсизлик истиқболларига оид ушбу фаол прогнозни қўллай бошлаган. Кейинчалик Форсайт дастурлари Японияда қўлланила бошланган ва кейинчалик дастур географияси Европада тарқалган.

Бугунги кунда деярли барча саноатлашган мамлакатлар илмий ва технологик фаолият кўрсаткичлари, умуман олганда, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш нуқтаи назаридан энг муҳими ҳақида ғоялар яратдилар. Улар одатда компютер фанлари ва телекоммуникация, нанотехнологиялар ва янги материаллар, жонли тизимлар ва атроф-муҳит билан бир қаторда муайян мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда танланган бошқа соҳаларни ўз ичига олади.

Ҳозирда нанотехнология соҳасидаги тадқиқотлар Америка Қўшма Штатлари, Европа Иттифоқи мамлакатлари, Япония, Хитой ва Россиядаги мамлакатларнинг устувор йўналишларида ривожланган мамлакатларда стратегик прогнозлаш ишлари миллий дастурлар доирасида тахмин қилиш – бу ўрта ва узоқ муддатли истиқболда иқтисодиёт ва жамиятга максимал даражада таъсир этиши мумкин бўлган технологик ютуқларни аниқлаш учун инновацион ривожланишнинг стратегик истиқболлари учун эксперт баҳолаш усуллари тизимини кузатиш мумкин.

Ўтган 15-20 йил мобайнида дунёнинг етакчи мамлакатларида Форсайт жамиятни инновацион ривожланиш истиқболларини узоқ муддатли прогнозлашда асосий воситага айланди. Унда қўлланилган ёндашувлар фан, техника, иқтисодиёт ва жамиятни ривожлантиришнинг узоқ муддатли (25-30 йилгача) истиқболларини мунтазам баҳолашга қаратилган. Форсайт ёрдамида мамлакатнинг жаҳон миқёсидаги рақобатбардошлигини ошириш ва энг муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишни таъминлайдиган илмий ва технологик ривожланиш соҳалари бўйича келишилган ғояларга эришилади[3].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сон Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарорлари асосида Олий таълим

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00650

муассасаларида таълим сифатини тубдан такомиллаштириш, уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйичаҲаракатлар стратегиясидабелгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадидаолий таълим даражасини сифат жиҳатидан ошириш ва тубдан такомиллаштириш, олий таълим муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш, уларни замонавий ўқув-илмий лабораториялари, ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлаш, Олий таълим тизимини 2017 — 2021 йилларга мўлжалланган комплекс ривожлантириш дастурига мувофиқ ҳолда етакчи олий таълим муассасалари қошида илмий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш ванатижаларини ижтимоий-иқтисодий соҳа ҳамда таълимга жорий этиш тизимининг алоҳида бўғини сифатида Форсайт марказларини ташкил қилишни тақозо этади.

## НАТИЖАЛАР

**Форсайт марказлари** – Илм-фанни равнақ топишини таъминлаш, илмий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, илмий тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш тизимида фаолият олиб борадиган тадқиқотчилар уюшмаси (Center for Technology Foresight), фаолиятни объектив баҳолаш технологияси асосида прогнозлаш;

**Форсайт марказлари** – таниқли олим (ёки олимлар гуруҳи) раҳбарлик қиладиган, илмий тадқиқотларнинг муайян соҳасида эришилган ютуқлари билан ажралиб турадиган, илмий-тадқиқот муаммолари бўйича ютуқларга эришган, айни замонда, узоқ келажакка мўлжалланган илмий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш,натижаларини амалиётга жорий этиш тизимида фаолият олиб борадиган тадқиқотчилар уюшмаси.

Олий таълим муассасалари қошидаги Форсайт марказлари муайян соҳада эришилган ютуқларни таҳлил қилиб турадиган, таълим-тарбия, касбий таълим ва илмий-тадқиқот бўйича узоқ келажакка мўлжалланган таълимий ва илмий ишлар самарадорлигини ошириш,натижаларини амалиётга жорий этиш тизимида фаолият олиб борадиган, стратегик тизим асосида юқори малакали кадрларни тайёрлаш жараёни иштирокчилари бўлган педагоглар ёки муайян соҳанинг етук мутахассислари жамоаси.

**Форсайт маркази фаолиятининг мақсади –** ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бўйича зарур билимлар назарияси ва уларни амалиётга

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00650

татбиқ этиш бўйича илмий-методик ишланмалар яратиш, улар асосида олий таълим муассасаларининг илмий потенциалини ривожлантириш, олий таълим муассасаларидаги авлодлар алмашинуви тизимлилигини таъминлаш, профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар, докторантлар, иқтидорли талабалар, тадқиқотчи-мутахассисларнинг касбий ривожланишини фаоллаштириш, илмий фаолиятларни бирлаштириш ҳамда келажакда илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланувчижамоа ворисларини тайёрлашдан иборат.

**Форсайт марказлари фаолиятининг вазифаларини қуйидагича белгилаш мумкин:**

Форсайт маркази аъзолари (профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар, докторантлар, мустақил тадқиқотчилар, иқтидорли талабалар)нинг узоқ муддатли ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни рўёбга чиқариш;

Ўзбекистон Республикасида илм-фан, ижтимоий-иқтисодий ва таълим тараққиёти, саноат ишлаб чиқариш соҳасидаги муаммоларни мониторинг ва таҳлил қилиш;

докторант, мустақил тадқиқотчи ва иқтидорли талабаларнинг потенциалидан максимал даражада фойдаланиш, замонавий методологик ёндашувлар, янги информацион техника ва технологияларни инновацион ривожлантириш;

олий таълим муассасалариаро ўзаро алоқаларни ва узоқ муддатли халқаро ҳамкорликни ташкил этиш, йўлга қўйиш;

миллий ва хорижий машҳур олимлар, фан арбоблари ва ижтимоий-иқтисодий соҳанинг етук мутахассислари билан ҳамкорликда иш олиб боришни ташкил этиш;

ижтимоий-иқтисодий, илм-фан ва таълим-тарбия соҳасидаги долзарб муаммолар бўйича келажак илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш;

олий таълим муассасасининг тадқиқот йўналишлари бўйича тадбир (конференциялар, давра суҳбатлари, секциялар, симпозиумлар ва бошқалар)ларни ташкил этиш;

Форсайт маркази аъзолари томонидан амалга оширилган тадқиқот натижаларииилмий ва педагогик амалиётга жорий этиш;

олий таълим муассасаси жойлашган ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилган келажак тадқиқот лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда уни амалга ошириш чораларини кўриш;

ҳудудий ишлаб чиқариш кархоналари ва тегишли муассасаларни жалб этган ҳолда илм-фан ва техника ютуқларини кадрлар тайёрлаш тизимининг иқтисодиёт

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00650

эҳтиёжларига мослашувчанлигини таъминлаш асосида таълим тизимини ривожлантириш;

тармоқ ва минтақавий иқтисодиёт сценарийлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва инновацион фаолият ривожини прогнозлаштириш тизимининг алоҳида бўғини сифатида ҳамда олий таълим муассасасининг ички ва ташқи муҳитини илмий-технологик прогнозлаштиришни таъминлаш, уларнинг технологик, инновацион муҳитини ва устувор инновацион йўналишларини ривожлантириш;

олий таълим муассасаларининг таълим жараёнига дахлдор тадқиқотлар маркази ИТИлари натижаларини жорий этиш бўйича ҳамкорлик фаолиятини ташкил этиш кабилар.

Форсайт марказларида инновацион тенденциялар узлуксизлик билан режалаштирилиб, керак бўлган мунтазам жараён сифатида ташкил этилади. Одатда, узоқ муддатли прогнозлар (масалан, 1971 йилдан бошлаб ҳар 5 йилда амалга ошириладиган узоқ муддатли Япон прогнози каби), баъзи ҳолларда тадқиқотлар бир-бирига боғлиқ бўлган вазифаларни ҳал этишга қаратилган ўзаро боғлиқ лойиҳалар кетма-кетлиги сифатида олиб борилади.

## МУҲОКАМА

Технологиялар ва инновацияларни ва жамиятни ривожлантиришнинг узоқ муддатли истиқболларини изчил кузатиб боради.

Форсайт (foresight) марказларида анъанавий прогнозларга қараганда анча кенг қамровли ёндашувли прогнозлар, жумладан: .

Биринчидан, прогнозлар, қоида тариқасида, тор доирадаги мутахассислар томонидан яратилади ва аксарият ҳолларда кам назоратли ҳодисаларнинг башоратлари билан боғлиқ илм-фан ва техника тараққиёти билан боғлиқи нновацион ривожланишнинг мумкин бўлган истиқболларига баҳо бериш, муайян маблағларни инвестициялаш ва тизимлиишларни ташкил қилиш, иқтисодиёт ва жамият учун мумкин бўлган таъсирлар орқали эришиш мумкин бўлган технологик уфқларни белгилаб беради.

Иккинчидан, Форсайт ҳар доим фаолиятнинг барча соҳаларидаги кўплаб мутахассисларнинг маълум даражада олдиндан режалаштирилган лойиҳа мавзусига алоқадорлигини (баъзида қизғин равишда мутахассисларнинг ўзаро мулоқотлари орқали) ва баъзан аҳоли гуруҳлари (жамоат ташкилотлари, аҳоли, ёшлар ва бошқалар) лойиҳаларда муҳокама қилиниб муаммоларни ҳал қилиш таклифлари ишлаб чиқилади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00650

**ХУЛОСА**

Форсайтнинг анъанавий прогнозлардан учинчи асосий фарқи шундаки, танланган стратегик йўнал ишларни тахмин қилиш учун амалий чоралар ишлаб чиқилади.

Ўзбекистон Республикасида олий таълим муассасалари негизида Форсайт марказлари фаолиятини йўлга қўйиш, илмий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш,илғор технологиялар ва инновацион ўқитиш методларидан кенг фойдаланиш асосида таълим жараёнини, ўқув режалари ва фан дастурларини такомиллаштириш ҳамда сифатини ошириб бориш, илғор ўқитиш шакллари, усуллари ва ахборот-коммуникация технологиялари воситаларини жорий этишга илмий-методик кўмаклашиш, Ўзбекистон Республикасида Олий ва ўрта махсус таълим таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш имконини беради.

**REFERENCES**

1. Xurramov, A. J., Komolov, E. R., Decision development of management problems of biotechnological systems at an uncertainty of environmental states using the mathematical statistics methods. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 2020. Vol. 8 No. 3, pp: 212-218.
2. Khurramov, A. J., Makhmudova, D. M., Improvement of Technique of Designing and Teaching Learning Process in the course “Methods of Teaching Mathematics”. International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering (IJITEE), 2019. Volume-9 Issue-2, pp: 5244-5249.
3. Султанов, Р. О. (2020). Idea блокли шифрлаш алгоритмини такомиллаштириш методлари. Academic Research in Educational Sciences, 1(3), 397-404.
4. Sultanov, R.O., Xalmetova, M.X., Ikki gildirakli transport robotlari harakatini dasturlash. Academic Research in Educational Sciences, 2021 Volume 2 Special ISSUE 2 - pp: 108-114.
5. Хуррамов, А. Ж., Комолов, Э. Р., Разработка алгоритма управления с учетом трудноформализуемой информации // Academic research in educational sciences, (2020). Volume 01, Issue 03, -pp: 240-247.
6. Хуррамов, А. Ж., Ражабов, О. Т., Ядгарова, Н. Н., Умумий ўрта таълим мактабларида математика фанини ўқитишда таълим технологияси инновацион моделининг ўрни. Academic research in educational sciences, 2021. Volume 2 special issue 2, pp: 59-67.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00650

7. Боймуродов, А. Х. Таълим жараёнида ахборот технологиялари ва интерфаол методлар интеграцияси. Academic research in educational sciences, 2021. volume 2 ISSUE 3, pp: 406-412.
8. Жўраева, Н. В., Султанов, Р. О., Абдуллаева, С. А., Рахимжонова, В. А. (2020). Systematization of word combinations in the uzbek language. Наука и Мир, 2(6), 65-68.
9. Sultanov R. O., Yusupov M. R. (2020). Ta'limda matematika fanini o'qitishdagi muammolar va ularning yechimida axborot kommunikatsiya texnologiyalarining ahamiyati. O`zMU xabarlari, 2(1/2/1), 144-147.
10. Kamolov, E. R., Raximov, S. M., Sultanov, R. O., Maxmudov, M.A., (2021). Innovative method of developing creative thinking of students. Экономика и социум, 1(80).

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00651

# БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА ИНТЕГРАЦИЯЛАШ МАСАЛАЛАРИ

**Онахон Маннаповна Жабборова**
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти,
Бошланғич таълим кафедраси мудири
o.jabborova@cspi.uz

Шунинг баробарида, мамлакатимиз “Болаларни асрайлик” (SAVE THE CHILDREN) халқаро ташкилоти томонидан тузилган 161 мамлакатдан ёш авлод саломатлиги ҳақида энг кўп ғамхурлик кўрсатаётган давлатлар орасида энг илғор етакчи ўнта мамлакат қаторидан жой олган. Албатта, бу мамлакатимизда ёшлар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида кўрсатилаётган ғамхурликларнинг халқаро даражада эътироф этилишидир.

Инсон онги ва тафаккурининг стандартлашуви ОАВга хам боғлиқ. Замон билан ҳамнафас инсоннинг муҳим сифатларидан бири, бу унинг ахборот тазйиқидан озод ва эркин бўлишида, ўз атрофида кечаётган воқеа ва ҳодисаларга бўлган муносабатида, аввало, ўзининг мустақил фикрига эга бўлиши лозим. Афсуски, маънавиятимиз ва миллий қадриятларимизга зид тобора урф бўлаётган янги йўналишдаги (реп, поп, жаз) қўшиқчилик, ранг-баранг мусиқий шоулар, жангари ва порнографик кинофильмлар, шунингдек, турли хил компьютер ўйинлари ва уларда тарғиб қилинаётган шафқатсизлик, зўравонлик, ахлоқ категорияларига зид келувчи кўринишлар усмирлар ва ёшларнинг маънавиятига салбий таъсир қилмоқда ва уларда диструктив мойилликларни келтириб чиқармоқда.

Дарҳақиқат, бугунги даврда инсонларнинг онги-шуурини эгаллаш учун қилинаётган турли-хил маънавий-мафкуравий таҳдидлар бутун дунёҳамжамиятини бирдек хавотирга солиб қўймокда. Қадриятларимизга мутлақо ёт ғоялар, бехаёликни маданият деб тарғиб этиш каби мафкуравий хужум турлари кундан-кунга ортиб бораётганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Бугунги кунда, ушбу хужумлар гирдобига аксарият ўсмир ёшлар тушиб қолишмоқда. “...маълумки бугунги кунда фарзандларимизнинг маънавий

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00655

оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи биз учун энг долзарб масала бўлиб қолмоқда. Айниқса, жозирги мураккаб ва таҳликали замонда миллий ўзлигимиз, азалий қадриятларимизга ёт ва бегона бўлган турли хил ҳуружлар ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ғаразли интилишлар тобора кучайиб бораётгани барчамизни янада ҳушёр ва огоҳ бўлишга даъват этиши табиийдир”[1].

Ёшларимизни турли ғоявий таҳдидлардан асраш, жамиятимиз аъзоларида мафкуравий иммунитетни шакллантириш учун энг аввало миллий ғоя, истиқлол мафкураси билан қуроллантириш зарур. Мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасига қаратилаётган эътиборнинг йилдан-йилга ошиб бориши натижасида ёш авлодни миллий ғоя асосида тарбиялаш, улуғ аждодларимизга муносиб ворис сифатида камолга етказиш учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Шу муносабат билан мамлакатимизда юксак ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Биргина мисол ёш авлодни руҳан ва жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш борасида мунтазам равишда спорт соҳасида таъкидлаб ўтиш керакки, дунёнинг ҳеч бир давлатида кузатилмайдиган “Кичик олимпида” деб ном олган уч бўғинли “Умид ниҳоллари” (мактаб ўқувчи ёшлари ўртасида), “Баркамол авлод” (академик лицей ва касб-ҳунар коллеж техникумлари ўқувчи ёшлари ўртасида), “Универсиада” (олий ўқув юртлари талабалари ўртасида) спорт мусобақалари ўтказилиб келинмоқда. Ушбу мусобақаларда зафар қучган ёшларимиз етарлича тобланиб, жаҳон ва олимпиада ўйинларида юксак натижалар кўрсатиб халқаро ареналарда юртимиз обрўсини мустаҳкамлаётганлиги барчамизга маълум. Илм-маърифат борасида “Ёш китобхон” республика танлови мамлакатимизнинг илмга чанқоқ ёшларини кашф этмоқда. Бу каби мисолларни бошқа соҳаларда ҳам жуда кўп санаб ўтиш мумкин. Бу ислоҳотларнинг барчаси ёшларимиз келажагига хизмат қилиши шак-шубҳасиз.

Маълумки, бугун ёшлар республикамиз аҳолисининг 60 фоизидан кўпини ташкил этмоқда. Шу боис, ёшларнинг миллий ғояни англаши, уни ишонч ва эътиқодга айлантириши, қандай янги қадриятларни шаклланганлиги муҳим аҳамиятга эга. Чунки, миллий ғоя, бир томондан ёшларни ўзининг объекъти сифатида қараса, иккинчи томондан, ёшлар миллий ғоянинг илғор ривожлантирувчилари ва келажак авлодга етказувчилари ҳисобланади. Учинчидан, ёшлар қанчалик миллий ғоя билан қуролланган, адолат, ҳалоллик ва эзгулик туйғулари юксак шаклланган ва уни англаб олган бўлса, қолаверса,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00655

давлат ва жамият манфаатлари йўлида фуқаровий масъулиятини чуқур ҳис қилиши, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий муносабатларида, айниқса касбий йўналишларини танлашда собитқадам, шижоатли, жасоратли ва янгиликка интилувчан фазилатларини намойиш қила олиши жамиятни шунчалик тараққиётга олиб чиқади.

Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий Кенгашининг IV қурултойида қуйидагиларни келтириб ўтдилар: “Барчангизга аён, ҳозирги кунда дунё миқёсида бешафқат рақобат, қарама-қаршилик ва зиддиятлар тобора кескин тус олмоқда.

Диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, “оммавий маданият” каби хавф-хатарлар кучайиб, одамзот асрлар давомида амал қилиб келган эътиқодлар, оилавий қадриятларга путур етказмоқда.

Бугунги учрашувимизда ана шу мураккаб вазиятни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати қандай амалга ошириляпти, бу соҳада қандай муаммолар бор, уларни қандай ҳал қилишимиз керак, бу борада ёшлар ташкилотининг ўрни қандай бўлиши лозим, деган масалалар ҳақида атрофлича гаплашиб олсак, ўйлайманки, мақсадга мувофиқ бўлади.”?[2]

Дарҳақиқат, мамлакатда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларга тўла қонли иштирок этувчи, замонавий илм-фан, технология ютуқларини эгалловчи, соғлом ва баркамол, эркин фикр ва дунёқарашга эга шахслар сифатида тарбиялаш, миллий қадриятларимизга ёт бўлган турли салбий таъсирлардан асраб-авайлаш долзарб вазифалар қаторига киради.

Бугун ёшлар фаолиятини кенг қамровли йўналишларини белгилашда оила, маҳалла, таълим ва таълимдан ташқари муассасалар фаолиятлари ўртасида узвий ҳамкорлик ишларини янги сифат даражасига кўтариш муҳим. Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини, жисмоний ва руҳий имкониятларини аниқлаш ва уни мақсад сари самарали йўналтириш, ҳар бир ёш ўсмирга миллий ўзлигини англаш, ҳаётий позициясини белгилаш шароитини яратади. Шундай экан, ёшларнинг муваффақиятга эришиш сирларидан сабоқ бермасдан, маънавий салоҳиятларини оширмасдан кўзланган натижаларга эришиш қийин. Зеро, ҳар бир ёш бетакрор ўз хусусият фазилатлари билан шаклланадики, уни рўёбга чиқаришнинг илмий-амалий дастурларини яратиш билан ютуқ ва марралар забт этилади. “Миллий ўзликни англашни учта компонентдан иборат деб қараш лозим. Биринчиси, ўз-ўзини билиш, иккинчиси, ўз-ўзини қадрлаш, баҳолаш ва эмоционал холатини англаб етиш, учинчиси, миллий ўз-ўзини

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00655

бошқаришидир”[3]. Дарҳақиқат, юксак маънавиятгина ёшларимизда миллий қадриятларимиз ва маданиятимизга бўлган чинакам чуқур ҳурмат ва ғурурни шакллантира олади.

Тажрибалар шундан далолат берадики, айрим ёшлар мақсад деб, ўз майли ва истакларини қондиришга қаратилган мавсумий ҳамда тор интилишларини тасаввур қиладилар. Мақсад ахлоқий мазмун-моҳиятига кўра эзгу ва бунёкорлиги билан инсон “мақсад”ига айланади. Агар у комилликка, фаровонликка, бахт-саодатга хизмат қилмаса, уни мақсад деб бўлмайди. Инсон мақсади халққа, керак бўлса башариятга хизмат қилмоғи лозим. Зеро, инсон меҳнат билан ўз қиёфасини яратади.

Шундай экан, мақсадга эришишнинг сирлари нимада, унинг қандай йўллари бор?! Мақсадга қаратилган интилишларимизнинг амалий ифодаси қандай амалларда белгиланади? Менимча, бундай саволлар барча ёшларни ўйлантиради. Чунки ёшлар энг фаол, қизиқувчан, айни пайтда ишонувчан, эҳтиросли қатлам бўлиб, ижтимоий ва маърифий ҳимояга муҳтож. Айниқса, ёшларни ҳаётнинг мураккаб, баъзан зиддиятли қарама-қарши сўқмоқларидан олиб ўтиш учун ҳам маълум тажрибаларни оммалаштириш зарурати туғилади. Инсон фақат ўзининг саъий-ҳаракатлари натижасидан бахтли бўлади. Мақсадга эришиш учун эса унга озроқ жасорат, дид, ўз ишига муҳаббат ва даставвал фаолият мантиғи керак бўлади. Шу нуқтаи назардан олим Т.Алимардонов бу борадаги айрим мулоҳаза, тавсия ва қарашларини ёшлар билан баҳам кўради:[4]

- Баъзан ҳою ҳавасга ҳам мақсад, деб қараймиз. Зеро, инсоннинг мақсади ана шу орзу-ҳаваслардан бошланса-да, унга ички салоҳиятларимизни сафарбар этмагач, мақсадга эришиш мураккаб бўлиб қолади. Натижада ўзимиз билан боғлиқ бўлган муваффақиятларимизни орзулар гирдобига ғарқ қиламиз. Айбни эса ҳаргалгидек ижтимоий омиллардан ёки бизни тушунмаган яқинларимиздан қидирамиз.
- Мақсад кучли ҳоҳиш ва истакнинг ҳосил бўлиши билан бошланади. Хоҳиш, оддий ейиш ва ичишга бўлган хоҳишдан фарқли равишда бизни комилликка етаклайдиган кучли даражадаги маънавий эҳтиёжга айланмоғи зарур. Чунки барча ютуқларнинг гарови ана шундай кучли дард ва истаклардан бошланади. Аммо, мақсад йўлида сабр ва қаноатли бўлиш талаб этилади.
- Ўзаро муомала ва муносабатларда иззат, ҳурмат, одоб-ахлоқ меъёрларига, жамият қонунларига риоя қилинг. Оилавий муносабатларларда,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00655

ҳамкасблар ва дўстлар билан муносабатларда одоб-ахлоқ меъёрларига қатъий риоя қилинг. Миллий қадриятларимизга зид ҳаракатларни амалга оширманг.

- Интернет ва бошқа ахборот технологиялари орқали ўзатилаётган маълумотларни саралашга ўрганинг ва уларнинг жамият учун ижтимоий жиҳатларини таҳлил қилишга ҳаракат қилинг;
- Мақсадни амалга ошириш йўлида иродани мустаҳкамланг. Ирода орқали биз мақсадга эришишга қаратилган ҳаракатларимизнинг мунтазамлигини, собитқадамлигини таъминлаймиз. Агар биз мақсадга эришиш амалларини билсагу, унга риоя қилмасак, мақсадимиз йўлида силжимаймиз.
- Мақсад йўлида ўзингизнинг қусурларингизга қарши боришни ўрганинг ҳамда шу йўналишда моддий, маънавий ва жисмоний имкониятларингизни такомиллаштиришиб боришга эришинг. Зарарли бўлган иштиёқларингизни мақсад учун фойдали ҳаракатларга айлантиринг, вақтни қадрлаш, тежаш, самарали фойдаланиш малакасини шакллантиринг. Керакли ва кераксиз нарсаларни фарқланг.
- Ўзингизга нисбатан бешавқат бўлинг. Иллатларингизни айёвсиз фош қилинг ва уларни бартараф этиш чора-тадбирларини тузинг.
- Муваффақиятсизликнинг кўплаб сабаблари эътиборсизлик, лоқайдлик ёки ярим чала қилинган ишлардан қониқиш туфайли содир бўлади. Бу ғоянинг мавҳумлиги ва эътиқоднинг заифлиги, интизомсизлик ва иродасизликнинг белгисидир.
- Бундан ташқари сиёсий партиялар ва мутасадди ташкилотлар томонидан иқтидорли ёшларни хусусан уюшмаган ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича дастур, меёрий-ҳуқуқий хужжат лойиҳаларини тайёрлаб уни амалиётга жорий этиш керак.

## ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, республикамизда олиб борилаётган ислоҳотлар орқали биз ўз олдимизга узоқ ва давомли миллий манфаатларимизни амалга ошириш масаласини қўяр эканмиз, ушбу масалани самарали ҳал этиш энг аввало, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ахлоқий баркамоллигига ғоявий-сиёсий етуклигига, миллий ўзлигини чуқур англаб олганлигига ҳам боғлиқ. Мустақил фикрлай оладиган, дунёқараши ва тафаккури кенг инсонлар юртимиз тақдирини ҳал қилувчи кучлардир. Хусусан, буюк турон заминида туғилиб ўсган, жаҳон маданияти ва цивилизациясига катта ҳисса қўшган Хоразмий, Имом Бухорий, Форобий, Беруний, Ибн Сино,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00655

Мирзо Улуғбек каби кўплаб буюк аждодларимиз қолдирган маънавий-маданий мерос бугун ҳам ўз қадр-қимматини сақлаб келмоқда. Халқимизнинг гўзал маънавий қадриятларига йўғрилган ор-номус, уят, шарм-ҳаё каби тушунчалари ҳаётимизга сингиб кетган. Айниқса, ота-онага ҳурмат, аёлга эҳтиром, мардлик ва жасурлик сингари туйғуларимиз бутун дунё халқларини ром этиб келади. Ёш авлоднинг мамлакатимиз ижтимоий- иктисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий-маърифий ҳаётга жадал ижтимоийлашуви, улар саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни такомиллаштириш лозим. Ёшлар тарбияси ва уларнинг соғлом турмуш тарзига амал қилиб ҳаёт кечириши борасида мутасадди ташкилотлар томонидан изчил дастурлар ишлаб чиқилиб ҳаётга татбиқ этилмоқда.

## REFERENCES

1. Каримов И. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир.// Халқ сўзи. 2009 йил 9 декабрь.
2. Мирзиёев Ш. “Жисмоний ва маънавий етук ёшлар – эзгу мақсадларимизга етишда таянчимиз ва суянчимиздир”. Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқи. Халқ сўзи, 1 июль, 2017 й.
3. Қўчқаров В. (2007) Миллий ўзликни англаш ва ижтимоий-сиёсий жараёнлар. – Тошкент: “Академия”.– Б. 6.
4. Алимардонов Т. (2014) Мақсадга элтувчи йўл ёхуд ёш дўстимга маслаҳат (рисола). / Тошкент архитектура-қурилиш институти. – Т.: “ТАҚИ”.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00656

# КОНСТРУКТИВИЗМ ПАРАДИГМАСИ: ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛ

**Гулчехра Ғаффарова**
Чирчиқ давлат педагогика институти профессори
gafforovagulchehra3@gmail.com

## АННОТАЦИЯ

Инсониятни, фанни ривожланиши ҳар бир даврга хос бўлган янги категориал аппарати, методология, парадигмалар яратади. Булар эса билишнинг имкониятларини кенгайтиради, мураккаб дунёни сирларини ўрганиш асосида яна янги ёндашувлари яратилади. Бу жараённинг йўналишлари хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Ушбу мақолада конструктивизм муаммоси фалсафий таҳлил этилади.

**Калит сўзлар**: билим, билиш, билиш жараёни, фалсафа, конструктивизм, ёндашув, априори, тафаккур, мураккаблик, автопоэзия, тизим.

# THE PARADY OF CONSTRUCTIVISM: PHILOSOPHICAL ANALYSIS

## ABSTRACT

Being common of human and science developing makes new categorical apparatus, methodology and paradigms. These extends opportunities of knowing, makes new approaching by learning mysteries of complex world. They are very different. In the article, a problem of constructivism is researched philosophically.

**Keywords:** knowing, process of knowing, knowledge, philosophy, constructivism, approach, a priori, thought, complexity, autopoesis, system.

## КИРИШ

Билиш жараёни инсониятни доимо қизиқтириб келган. Инсон қандай қилиб дунёни ўрганади, англайди, билиш жараёни қандай рўй беради, билиш жараёнида инсон ва объектив дунёнинг бир-бирига нисбатан тутган ўрни каби масалалар инсонлар, айниқса файласуфлар орасида доимо қизғин баҳсларга сабаб бўлган. Қадимги замонлардан бугунги кунгача турли хил гносеологик концепциялар яратилган. Инсониятни тараққиёти фанни ривожланиши билан узвий боғлиқ.

Ҳар бир ижтимоий ривожланиш даври учун ўзига хос билиш гносеологик назариялар, билиш усуллари, методология, парадигмалар билан ажралиб туради. Инсониятни, фанни ривожланиши ҳар бир даврга хос бўлган янги

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00656

категориал аппарати, методология, парадигмалар яратади. Булар эса билишнинг имкониятларини кенгайтиради, мураккаб дунёни сирларини ўрганиш асосида яна янги ёндашувлар яратилади. Бу жараённинг йўналишлари хилма-хиллиги билан ажралиб туради.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Замонавий эпистемологияда кенг тарқалган конструктивизм, постнеклассик фанининг ёндашуви ҳақида кўп мақолалар, монографиялар чоп этилган. Ушбу парадигмани асосларини яратишда Вико, Беркли, Кант каби донишмандларнинг хизматларини кўрсатиш мумкин. XX асрнинг иккинчи ярмида конструктив парадигмалар табиий фанларда ҳам гуманитар фанларда ҳам илмий назарияларнинг муҳим қисмига айланди. Айниқса, конструктивизм тушунчаси математика, мантиқ, фалсафа, фан ва санъатда кенг фойдаланилади.

Конструктивизм тушунчасини 1950 йилларда биринчи бўлиб билиш назариясида Ж.Пиаже ва Дж.Келли ишларида муҳокама этилган. Аммо тушунча мақомини ҳамда эпистемологик аниқлашни билдирадиган нуқтаи-назарда 1981 йил П.Ватцлавикнинг “Фаолият яратувчан” (Изобретенная деятельносты) мақоласида кейин олди.

Бугунги кунда конструктивизм тушунчаси фалсафа ва фанда кенг ишлатилмоқда. Хусусан, И.Линсольн, И.Губа, Э.фон Глазерфилд, Ж.Пиаже, Дж.Келли, Дж.Бруанер, П.Бергер, К.Лукман, Дж.Джердмен, В.Бирр, В.Петренко, Ж.Роскин, К.Герген, А.Улановский, Е.Князева ва бошқалар асарлари ва тадқиқотларида ижтимоий конструктивизм, радикал конструктивизм, психологияда конструктивизм ҳамда янги кўринишдаги парадигма сифатида ишлатилган.

Ўзбекистонда эса профессор М.Н.Абдуллаева, Г.Ғ.Ғаффарова фалсафада конструктивизм муаммосини таҳлил этишган.

Мақолани тайёрлашда тарихийлик, танқидийлик, тизимли ва синергетик методлардан фойдаланилди.

## НАТИЖАЛАР

XX аср бошларида конструктив ғоялар илмий билимнинг турли йўналишларида пайдо бўла бошлади, хусусан, лингвистикада (Ф. Де Соссюр), биосемиотика (Я. Фон Икскюль), операционализм (У.П.Бриджмен). Шу билан бирга XX асрнинг иккинчи ярмида конструктив парадигмалар табиий фанларда ҳам гуманитар фанларда ҳам илмий назарияларнинг муҳим қисмига айланди.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00656

Ушбу парадигма турли фанлар асосида ривожлантирилган: генетик психология, болани ривожлантириш психологияси – Жан Пиаже, тизимли назария ва кибернетика – Ханц фон Фёрстер, антропология – Григори Бейтсон, психологии восприятия – Ульриком Найссер, психотерапия – Паул Воцловик, когнитив психология – Эрнст фон Глазерсфелд, микробиология ва когнитив фанлар – Умберто Матурана ва Франсиско Варела [3]. Ижтимоий фанларда (социология, политология, ижтимоий фалсафа) онгнинг конструктив қурилмалари мавжуд. Н.Луман, Ф.Гваттари ижтимоий ҳаётни ҳам мураккаб тизимлар ва автопоэзис назариялари асосида тадқиқ қила бошладилар [6].

Л.Штефф, Дж.Гейл конструктивизм парадигмасининг камида олтитасини: ижтимоий конструктивизм, радикал конструктивизм, ижтимоий конструктивизм, ахборотни қайта ишлаш соҳасидаги конструктивизм, кибернетик конструктивизм ёки конструктив тизим, ижтимоий-маданий конструктивизмни санаб ўтадилар [12].

М.Даужиамас эса конструктивизмни бир қанча типологиясини ишлаб чиқди, жумладан, аҳамиятсиз ёки индивидуал, радикал, ижтимоий, маданий ва танқидий конструктивизм [11].

## МУҲОКАМА

Маълумки, билимга инсон қандай эришади деган саволга жавобан фалсафада турли йўналишлар шаклланган. Масалан, Аристотелни фикрига кўра, инсон тажриба орқали билимга эга бўлади, ташқи дунёда мавжуд бўлган нарсалар, ҳодисалар инсонни сезгиларига таъсир қилиниши таъкидланади. Платоннинг ёндашуви бошқача. Унинг ёндашувига кўра: инсон «ғоялар» дунёсида кўрганини «эслаш» қобилиятига эга. Инсон туғилганида ҳақиқий билимларга эга, ҳаёти давомида фақат ташқи таъсирлар натижасида уларни «эслаш» ва улардан фойдаланиши мумкин.

Дарҳақиқат, Платон, Декарт ва кейинчалик бошқа файласуфлар таълимотларида ушбу қобилият инсонни ўзида мавжуд, ана шу асосида инсон дунёни ўрганади, англайди деган ёндашув мавжуд бўлган.

Кант таълимотида эса бизнинг онгимизда «азалдан», яъни ҳар қандай тажрибагача априори билим мавжуд. Улар инсонни ҳар қандай тажриба ўтказиш учун имкон беради ва тажрибани шаклларини белгилайди. «Ҳар қандай билиш нарсаларни билиш билан эмас балки бизнинг билишимизнинг шаклларини ўрганганлиги сабабли ушбу билиш apriori бўлиши шарт» [1].

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00656

Кант таълимотида бизнинг онгимизда «соф ақл тушунчалари apriori мавжуддир», яъни унда олдиндан билишнинг априор шакллари мавжуд, улар унинг билимига зарурийлик ва умумийлик хусусиятини берадилар. «Кантнинг буюк ва фундаментал кашфиёти: инсонлар тафаккури ва идроки ҳар қандай индивидуал тажрибагача муайян функционал структурага эга»[5]. Кантнинг априори тушунчаси инсон тафаккурининг фаоллиги ички манбаа билан боғлиқлигини англатади, яъни тафаккур фаолиятининг асоси инсоннинг ўзидадир.

Конструктивизм атамаси XX асрнинг 70-йиллари охирида фаол ишлатила бошланди ва гуманитар фанлар учун назарий ва методологик қурилмани белгилайди, илмий жамоа фаолияти ва илмий коммуникация тармоғида илмий билимларни ишлаб чиқиш, ижтимоий қадриятни ўрнини таъкидлайди ҳамда ушбу маданиятлар олам манзарасини қуришда билиш учун асос бўлади.

Дарҳақиқат, “конструктивизм – образ, тушунча ва фикрлашни яратиш (конструкциялаш) махсус рефлексив жараёнларда қўлланилади ва субъектни фаол билишига асосланадиган фалсафа фани ва эпистемологиядаги йўналиш. Фалсафа доирасида конструктивизм ўзида шундай ёндашувни оладики, унга кўра барча билиш фаолияти конструкцияланган ҳисобланади” [2, 5].

Шу сабабли ҳам билиш назариясида конструктивизм – бу шундай ёндашувки, унда инсон тафаккури ва билиш жараёнида оламни ўзида акс эттирмайди ёки ўраб турган оламни ўзида қайта яратади, балки фаол равишда тиклайди (яратади), уни конструкциялайди [9, 140].

Шу билан бирга Е.Н.Князева энактивизмни эпистемологияда конструктивизмнинг янги шакли сифатида қарайди. Яъни, унинг фикрича «эпистемологияда конструктивизм – бу шундай ёндашувки, унда инсон ўзининг тафаккури ва идрок жараёнида ўраб турган оламни (дунёни) нафақат акс эттиради, балки фаол яратади, уни қуради» [3]. Дарҳақиқат, конструктивизмнинг асосий ғояси бизни ўраб турган дунёни тафаккур ва идрок этиш жараёнларида акс этишдан кўра уни конструкциялаштиришимиз фаол яратади.

Конструктив ёндашув ҳақидаги тезислар ичида Е.Н.Князева бир мунча аниқроқ кўрсатади, яъни унда 1) билим оламни акс этмайди; 2) инсонлар конструкцияни яратади; 3) билим ҳақиқат эмас, балки яшовчандир (жизнеспособны); 4) мия – ёпиқ тизимдир; 5) биронта ҳам билим ўзича ягона бўлолмайди [4].

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00656

Мураккаб тизимларни тадқиқи билиш назариясига янги ёндашувлар, тушунчалар шаклланишига олиб келди. Классик фан асосида объектив дунёда аниқлик, муҳаррирлик, детерминизм каби хоссалар мавжудлиги эътироф этилди, тасодиф, ноаниқлик каби ҳолатларни эса субъектнинг хатоси деб қабул қилинган. Классик термодинамика, квант физикаси, биология, мураккаб тизимлар назарияси (синергетика) тасодиф, ноаниқлик, индетерминизм, эҳтимол тушунчаларни объективлигини ва дунёда содир бўлаётган жараёнларга таъсир қилишларини исботлаб берди.

Мураккаблик ҳодисасини тадқиқ қилиш тизимнинг нафақат тартибга солинган, барқарор жиҳатларини билиш, балки унинг турғун бўлмаган ҳолатларини ва ўзини-ўзи ташкил қилиш воситасида сифат жиҳатдан янги ҳолатга ўтишини ўрганишни кўзда тутади. Бу тизимга тартибга солинганлик билан бир қаторда ночизиқлик ва тартибсизлик ҳам хос эканлиги билан боғлиқ. Замонавий фанда мураккаблик назарияси (complexity science) фанлараро билимлар соҳаси сифатида ривожланмоқда.

Шу билан бирга, автопоэзис концепциясига тўҳталадиган бўлсак.

У.Матурана ва Ф.Варела ўз-ўзини қайта бунёд этиш тизимларнинг янги тизимли назарий парадигмани таклиф этдилар. Улар ҳаётнинг пайдо бўлиши, жонли объектнинг жонсиздан фарқи, ҳаёт ва билиш жараёни каби муаммоларни ўрганганлар. У.Матурана ва Ф.Варела янги тизимли назарий концепция ишлаб чиқдилар - ўз-ўзини қайта тикловчи (барпо этиш) тизим парадигмаси. Ўз-ўзини қайта тикловчи тизим, компонентлар ва муносабатлардан ташкил топиб, элементларни ҳамда улар орасидаги боғланишларни фақат ўзларининг ҳаракати билан қайта ишлаб чиқаришга қодирлар, яъни операциялар, тизимнинг ўзига таалуқли (тегишли), уни қуршаб олган дунёга эмас.

Системага таъллуқли бўлган барча хусусиятлар тирик (жонли) организмларга ҳам тегишли. Лекин, тирик организмларнинг ташкилланиши жараёни натижасида фақат ўзлигини қайта барпо этадилар, ишлаб чиқарувчи ва маҳсулотга бўлинмайдилар. Тирик организмларни ажралиб турган хусусияти: улар доимо ўз-ўзини тиклайдилар, барпо этадилар. Айнан ушбу ўз-ўзини тиклаш, қайта барпо этиш жараёнини тирик организмларни ташкиллаштирилганлигини биз назарда тутамиз, улар ушбу хусусият билан ажралиб турадилар, автопоэзия ташкилланиши [8, 12] (авто – ўзи, поэзия – яратиш, барпо этиш, автопоэзис ўз-ўзини барпо этиш, яратиш). Автопоэзис пайдо бўлишини ва борлиқни бир-биридан ажратиб бўлмайди ва бу уларга хос бўлган ташкилланиш [8, 14].

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00656

Автопоэзис концепцияни муаллифлари У.Матурана ва Ф.Варела билиш жараёнининг «тайёр» ҳолатида эмас, балки дунёни яратилиши ҳаёт жараёнининг асосида шаклланишини эътироф этадилар. «Ҳар қандай фаолият билишдир, ҳар қандай билиш фаолиятдир» [7, 103]. Билишнинг «ҳеч қандай объекти йўқ. Билиш – ўзаро индивидуал ёки кооператив таъсирлар билан боғлиқ вазиятларда ўзини адекват тарзда тутмоқдир» [7, 135].

«Билиш феноменига ташқи дунёда» қандайдир «фактлар ёки объектлар мавжуд ва биз уларни англаймиз ва онгимизда сақлаймиз деб ёндашиш мумкин эмас. Дунё тўғрисида олинган маълумотлар ўзига хос кўринишда (шаклда) инсоннинг структураси билан тасдиқланади, унинг натижасида биз нарса тўғрисида билимга эга бўламиз ва уни тавсифлаш имкониятига эга бўламиз» [8, 6].

У.Матурана ва Ф.Варела концепцияси эволюцион эпистемологияга янгича қарашларни шакллантирди. Шу билан бирга Кантнинг априори ғояси инсон тафаккури ҳар қандай индивидуал тажрибагача муайян функционал структурага эга ўз тасдиғини топди. Концепцияда инсон индивидуал биологик структурага эгалиги аниқланди.

Конструктивизмнинг моҳиятига келганимизда инсон ташқи дунёни акс этмайди, аммо ундан келган сигналлар асосида ўзигагина хос бўлган ушбу дунёни моделини ижод этади. У.Матурана фикрига мувофиқ [7, 103]: тирик организмлар – бу когнитив тизимлардир, ҳаёт жараёни сифатида билиш жараёнини ўзида (акс этади, ифодалайди) гавдалантиради. Ушбу фикр барча организмларга таъллуқли, асаб системасига эга бўлганларга ҳам, бўлмаганларига ҳам.

Когнитив система ташқи таъсирлар, сигналларни қай усулда қабул қиладилар? Яъни жонли система ва уни ўраб олган муҳит (жонли системаларни уларни ўраб олган муҳитнинг қисмидан ажратиб бўлмайди) орасида қандай ўзаро таъсир билиш жараёнини шакллантиради? Концепцияга биноан «жонли организм ва уни ўраб олган муҳит орасида бўлган ўзаро таъсирлар натижасида пайдо бўлган ўзгаришлар таъсир этувчи томонидан бўлсага, таъсирланувчининг структураси аниқлайди» [8, 27]. Яъни, жонли системаларни структураси уни ўраб олган муҳит билан муносабатларни ўзи белгилаш қобилиятига эга.

«Жонли (тирик организм) структураси ва атрофдаги муҳит орасида структуравий конгруэнтлик мавжуд» [8, 27]. Структуравий когерентлик мавжуд бўлмаса жонли организм халок бўлади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00656

## ХУЛОСА

Хулоса, юқорида айтилган фикрлар конструктивизмнинг баъзи-бир масалаларига оид бўлиб, ҳозирги мураккаб ижтимоий, иқтисодий, глобаллашув даврида ушбу концепцияга асосланиб таълим-тарбия, коммуникация масалаларини ҳам тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки конструктивизм моҳиятига кўра, инсон ташқи дунёни акс эттирмайди, доимо ундан келган сигналлар асосида ўзигагина хос бўлган ушбу дунёни моделини ижод этади. Яъни, инсон тафаккури ва билиш жараёнида оламни ўзида акс эттирмайди балки фаол яратади, конструкциялайди.

## REFERENCES

1. Кант И. Введение 7 // Критика чистого разума.
2. Касавин И.Т. Конструктивизм: заявленные программы и нерешенные проблемы // Эпистемология и философия науки, 2008. №1. –с.5.
3. Князева Е. Энактивизм: новая форма конструктивизма в эпистемологии. – М., 2014.
4. Князева Е. Эпистемологический конструктивизм // Философия науки. Вып.12. – М.: ИФ РАН, 2006.
5. Лоренц К. Кантовская концепция apriori и в свете современной биологии. Эволюция. Язык. Познания. – М., 2001.
6. Луман Н. Социальные системы. – Санк-Петербург, 2007. Истина, знания, наука как система. – М., 2016.
7. Матурана У. Биология познания. Язык и интеллект. – М., 1995. –С.135.
8. Матурана У., Варела Ф. Древо познание. Биологические корни человеческого понимание / перевод с анг. Ю.А.Данилова. – М.: Прогресс-традиция, 2001. – С.6.
9. Сапрыкине Е.В. Конструктивизм и проблема понимания в современном философском знании // Философские науки, -С.140.
10. Сергодеева Е.А. Феноменологическая версия эпистемологического конструктивизма // Вестник Адыгейского государственного университета. Серия “Регионоведение: философия, история, социология, юриспруденция, политология, культурология”. 2010. №4.
11. Dougiamas M. A Journey into Constructivism / M.Dougiamas. – Mode of access: https://dougiamas.com/archives/a-journey-inti-constructivism

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00656

12. Steff L. Constructivizm in education / L.Steffe, J.Gale (ed). – Hillsdale, NJ: Lawrence Erlbaum Associates, 1995. –p.XIII.
13. Ғаффарова Г.Ғ., Абдуллаева М.Н. (2018). Фалсафада конструктивизм муаммоси. Имом Бухорий сабоқлари. №3, -Б.96-98.
14. Gaffarova, G.G. (2019), Problems self-organization: philosophical analysis // Scientific Bulletin of Namangan State University. -T.l. -№5, - C. 185-190.
15. Gaffarova G.G., Abdullayeva M.N. (2020). Tasavvufning kognitiv tizimi zamonaviy falsafa prizmasida. Academic research in educational sciences. №3. URL: https://cyberleninka.ru/article/n7tasavvufning-kognitiv-tizimi-zamonaviy-falsafa-prizmasida (дата обращения: 15.01.2021).
16. Gaffarova, G.G. (2019). Structural transformations as a faktor new development opportunities. Scientific Bulletin of Namangan State University, T.1, №10, pp.261-267.
17. Abdullaeva, M.N., & Gaffarova, G.G. (2020). Muhabbat muammosi zamonaviy falsafa prizmasida. Ilmiy xabarlari. Ijtimoiy-gumanitar fanlar seriyasi, 5(49), pp.5-9.
18. Ғаффарова Г.Ғ., Абдуллаева М.Н. (2018). Конструктив диалог - ҳаракатлар стратегиясида муаммоларни ҳал қилиш йўли сифатида. Андижон давлат университети илмий ахборотномаси. 4-сон, -Б.48-51.
19. G.G. Gaffarova, (2020). Strategy of activity and systematical approach. nternational Journal of Psyshosial Rehabilition. London, United Kingdom, 24, Issue-5, May. - 6645-6651.
20. Gaffarova, G. G., & Abdullaeva, M. N. (2021). Cognitive system of sufism. ISJ Theoretical & Applied Science, 02 (94), 38-42.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00657

# МАРКАЗИЙ ВА ҲУДУДИЙ ДАВЛАТ ТЕЛЕКАНАЛЛАРИНИНГ ЎЗАРО ТАЪСИРИ, ФАОЛИЯТИДАГИ ЎХШАШ ВА ФАРҚЛИ ЖИҲАТЛАР

**Марғуба Олтмишбоевна Дадахонова**
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети таянч докторанти (PhD)
Тошкент, Ўзбекистон
dadaxonovamarguba@gmail.com

## АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган марказий ва ҳудудий телеканалларнинг ривожланиш босқичлари ўрганилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларидаги телевидениени ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини замонавийлаштириш, теледастурларда миллий-маънавий меросимиз, аҳолини қийнаётган муаммоларни кенг ёритиш, мамлакатнинг барча ҳудудларида рақамли телеузатиш станцияларини барпо этиш билан боғлиқ фикрлар, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ифодаланган оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришга оид концептуал ғоялар асосида мавзуни очишга ҳаракат қилинган.

**Калит сўзлар:** телевидение, ҳудудий телеканаллар, давлат телеканали, хусусий телеканаллар, самарадорлик.

# INTERACTIONS, CHARACTERISTICS AND DIFFERENCES IN THE ACTIVITY OF CENTRAL AND TERRITORIAL STATE TV CHANNELS

## ABSTRACT

The article examines the stages of development of central and regional TV channels operating in Uzbekistan. Thoughts on the development of television in the works of the President of the Republic of Uzbekistan, modernization of its material and technical base, broad coverage of our national and spiritual heritage in television programs, the problems of the population, the construction of digital television stations in all regions of the country an attempt was made to open the subject on the basis of relevant conceptual ideas.

**Keywords:** television, regional TV channels, state TV channel, private TV channels, efficiency.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00657

## КИРИШ

XX асрнинг 90-йилларида Ўзбекистоннинг ҳудудларида телевизион маълумотларни тайёрлаш технологияси ва тақдим этиш усуллари билан боғлиқ бўлган телевизион кўрсатувлар пайдо бўла бошлади, бу объектив равишда янги маданий ва сиёсий ривожланишдир. Ҳудудий телевидение таъсир объекти бир хил - йиғилган аудитория. Аммо агар барча оммавий ахборот воситалари ўз фаолиятлари маҳсулотларини бир хил томошабин, тингловчи, ўқувчига мурожаат қилсалар, ҳар хил оммавий ахборот воситалари акс эттириш учун фақат маълум томонларни танлаши керак, деб ўйлаш мантиқан тўғри келмайди.

Телевидение аҳолига амалга оширилаётган ислоҳотлар, дунёдаги воқеалар тўғрисида ахборот бериш билан бирга, жамиятдаги муаммоларни бартараф этиш учун жамоатчилик назоратини ўрнатишга, аҳолининг дунёқараши, тафаккурини бойитишга, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий фаоллигининг ошишига хизмат қилади. Шу боис Ўзбекистонда телевидениени ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Телевидение фаолиятининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланиб, тегишли ташкилий-тузилмавий ўзгаришлар қилинди. Бундан ташқари, телеканалларни ривожлантиришда хориж тажрибасининг энг сўнгги ютуқларини қўллашга ҳаракат қилинди. Амалга оширилган ўзгаришлардан сўнг Ўзбекистонда 1991 йилгача 7 та телеканал фаолият кўрсатган бўлса, 2017 йилда уларнинг сони 66 тага етди.

Ўзбекистондаги телевизион каналлар қуйидаги учта туркумга бўлинади:

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси (МТРК) телевизион каналлари, Ҳудудий телевизион каналлар, Нодавлат телевизион каналлар.

## АДАБИЁТЛАР ТАХЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

90-йилларнинг охири 2000-йилларнинг бошларида. В. В. Егоров Россияда телевидение назарияси ва тарихини ўрганишни давом эттириб[1], ўзининг асарларида маҳаллий, ҳудудий ва республика телевидениесига таърифлар берилган. Муаллиф таъкидлаганидек, посцовет Россиясида телевидение соҳасидаги асосий тенденция шундан иборатки, мамлакатда миллий каналларнинг ривожланиши ҳудудий каналларнинг ривожланиши билан бирлаштирилади ва бу алоҳида ҳудудларнинг ҳудудий, маданий ва миллий хусусиятларига боғлиқ. Ўзбекистонда телевизорнинг "горизонтал", "кенгликда" ривожланиши билан, айниқса 90-йилларнинг бошларида "суверенитетлар парадида", эфирга узатишда миллий ва ҳудудий

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00657

устуворликлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик муаммоси пайдо бўлди. “Марказлаштиришдан ҳудудий эшиттиришлар кўплаб мамлакатларда телевидениенинг ривожланишининг умумий йўли ҳисобланади. Маҳаллий ёки ҳудудий телевидение ҳудуднинг хусусиятларини, томошабинларнинг миллий, таълимий, ёш таркибини аниқроқ ҳисобга олиши мумкин » [2].

Яқинда маҳаллий телерадиокомпаниялар бирлашган давлат телевизион тизимининг бўғинлари эди. Эшиттиришни демократлаштириш ҳудудий телевидение олдига янги талабларни қўйди. Бу давлат телеканалларда Ўзбекистоннинг ҳудудларида бўлиб ўтаётган воқеалар тўғрисида маълумотларнинг етишмаслигини қоплаши керак. Е. А. Корниловнинг фикрига кўра, "маҳаллий матбуот ва журналистикага бўлган эҳтиёж, маъмурий-ҳудудий тузилмалари бўлган давлатларнинг мавжудлиги билан, шунингдек, маълум бир маҳаллий, маълум бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ бўлган ва ўз маълумотларига эга бўлган турли хил ижтимоий, миллий, профессионал, этник гуруҳларнинг мавжудлиги билан белгиланади”[3] . Муаллифнинг фикрига кўра, “Умуман маҳаллий журналистиканинг ва хусусан телевидениенинг мавжудлиги баъзи ижтимоий, ташкилий ва маданий-рекреацион функциялар билан ҳам белгиланади" [4].

## НАТИЖАЛАР

Телевидение соҳасига рақамли форматнинг жорий этилиши ўнлаб телечастоталарда телеканалларни эфирга узатиш ҳамда аҳоли қизиқишларига мос соҳалар бўйича телеканалларни ихтисослаштириш имконини берди.

Т.А.Ахмедовнинг «Ўзбекистонда телевидениенинг ривожланиш жараёни ва унинг аҳоли ижтимоий-маданий ҳаётидаги ўрни» номли диссертациясида Ўзбекистон давлат телевидениеси ривожининг тўртта босқичи кўрсатилган:

Биринчи босқич – 1991–1997 йиллар. Бу йилларда телевидениедаги кўрсатувларнинг мазмун-моҳияти тубдан янгиланди. Чунки, мустақилликка эришилгач, ўша вақтда энг асосий тарғибот воситаси бўлган телевидение дастурларини мутлақо янгилаш чоралари кўрилиши керак эди. Шу мақсадда 1992 йил 7 январда Ўзбекистон Республикаси телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети Ўзбекистон давлат телерадиоэшиттириш компаниясига айлантирилди. Республика миқёсида ўз дастурларини эфирга узатадиган “ЎзТВ-1” ва “ЎзТВ-2” телеканаллари фаолияти яхшиланди. Телеканаллар дастурларида фуқароларда мустақиллик тафаккурини шакллантириш билан бирга, миллий-маънавий ўзликни қайта тиклаш, бозор

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00657

муносабатлари ва демократик ислоҳотлар жараёнини кенг ёритишга эътибор қаратилди. Шу билан бирга, “ЎзТВ-3” телеканалидан Россия Федерацияси, “ЎзТВ-4” телеканалидан Туркия жумҳурияти кўрсатувлари намойиш этилди[5]. 1997 йилга келиб, республика бўйича узатиладиган 4 та телеканалнинг узлуксиз ишлаши таъминланди. Худди шу даврда Андижон, Фарғона, Бухоро, Қашқадарё, Жиззах, Сирдарё вилоятларида маҳаллий телеканаллар ташкил этилди. Иккинчи босқич – 1997–2005 йилларни ўз ичига олади. Ушбу босқич1997 йил 7 майда Ўзбекистон давлат телерадиоэшиттириш компаниясинингЎзбекистон телерадиокомпанияси сифатида ўзгартирилиши билан бошланди. Энг асосийси, телеканалларнинг ихтисослашуви бўлди. Яъни, ЎзбекистонРеспубликаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 29 мартдаги “Ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, диний ақидапарастликнинголдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 130-сонли Қарори ҳамдаЎзбекистон телерадиокомпанияси раисининг 1998 йил 20 июлдаги 102-сонлибуйруғи билан “ЎзТВ-4” “Yoshlar”, “ЎзТВ-2” “Toshkent”, “ЎзТВ-1”“O‘zbekiston”, “ЎзТВ-3” “Xalqaro” телеканал деб ўзгартирилди[6]. 2003 йилда“Xalqaro” телеканал негизида спорт дастурларига ихтисослашган “Sport”телеканали ташкил этилди. Қисқа вақтда воқеа-ҳодисаларни таҳлил қилишдажаҳон телесаноатининг илғор тажрибаларини ўзлаштирган, телевидениедатўпланган энг яхши анъаналарни давом эттирган бундай телеканалларЎзбекистонда ихтисослашган каналларнинг истиқболи мавжудлигиниисботлади[7]. Республиканинг барча ҳудудларида маҳаллий телеканалларнинг таркиб топиш жараёни тугалланди. Яъни, 2000 йилда Навоий вилоятида ҳаммаҳаллий телеканал фаолияти йўлга қўйилди.

Учинчи босқич – 2005–2011 йиллар. Телеканаллар фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш ва бу борада зарурий чора-тадбирларни кўриш мақсадида 2005 йил 8 ноябрда Ўзбекистон телерадиокомпанияси Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясига айлантирилди. Бу даврда республика бўйича эфирга узатиладиган телерадиоканаллар – “O‘zbekiston teleradiokanali”, “Yoshlar teleradiokanali”, “Sport teleradiokanali”, “Toshkent teleradiokanali” давлат унитар корхоналари сифатида қайта ташкил этилди. Бу билан тузилмавий жиҳатдан телерадиоканалларнинг ҳажми катталашди, мустақил ҳолда ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш учун тўлиқ шароит яратилди, ҳар бир ихтисослашган телеканалнинг телемаҳсулотларни дубляж ва трансляция қилиш имконияти кенгайди, телестудиялар янгиланди. 2006 йилдан сўнг телеузатиш станциялари фаолиятининг яхшиланиши натижасида маҳаллий

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00657

телеканалларнинг эфир ҳажми бир суткада 10 соатга етди. Ваҳоланки, 1990 йилларда бу миқдор 1-2 соатни ташкил этарди. Тўртинчи босқич – 2011 йилдан кейинги йиллар. Мазкур босқич ихтисослашган рақамли телеканалларнинг ривожланиши ва ҳудудий телеканалларнинг рақамли форматга ўтиш даври ҳисобланади. 2011 йил 29 ноябрь куни МДҲ давлатлари ичида биринчи бўлиб “UzHD” рақамли телеканал ер устки узатиш тизими орқали тарқатила бошланди. 2012 йил 30 июлда иккита янги рақамли канал – “Madaniyat va ma’rifat” ҳамда “Dunyo bo‘ylab” телеканаллари ташкил этилди. Шундан сўнг 2013–2014 йилларда “Bolajon”, “Kinoteatr”, “Mahalla”, “Navo”, “Diyor”, “Oilaviy” каби бир қатор ихтисослашган рақамли телеканаллар фаолияти йўлга қўйилди[8]. Бу билан аҳолининг барча қатламлари учун ранг-баранг теледастурлар тайёрлаш имконияти янада кенгайди. Хусусан, “Oilaviy” телеканалида оилавий қадриятларга, “Dunyo bo‘ylab” телеканалида ҳайвонот ва ўсимликлар олами, туристик масканларга, “Mahalla” телеканалида маҳалла анъаналарига, “Kinoteatr” телеканалида кинофильмлар намойишига, “Bolajon” телеканалида болаларга мўлжалланган дастурларга эътибор қаратилди.

## МУҲОКАМА

Маҳаллий телевизион дастурларни фарқлаш учун иккита асосий мезонни кўрсатиш мумкин, улар бўйича маҳаллий телекўрсатув дастурларни фарқлаш керак. Ушбу белгилар бир-бирига боғлиқдир. Бу ерда биринчи навбатда ҳудуднинг географик, иқтисодий ва ижтимоий-маданий хусусиятлари, иккинчидан, томошабинларнинг хусусиятлари ҳақида гап кетмоқда.

Ҳудудий телеканалларга талаб катта эканлигининг сабаби шундаки, томошабин телевизор экрани орқали ўзининг туғилган кўчаларини кўришни, қизиқарли одамлар билан учрашишни, маҳаллий ҳокимият билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишни, ҳудуд тарихини ўрганишни хоҳлайди. Ҳар бир телеканалнинг муҳаррирлари янгиликлар нашрида ишлашда томошабинлар, вилоят аҳолиси, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси манфаатларини ҳисобга олишга ҳаракат қилишади. Телеканал телевизорни ёқтирган ҳар бир кишига бош муҳаррир, журналист ёки телекомпаниянинг асосчиси учун эмас, балки биринчи навбатда томошабин учун қизиқарли бўлган маълумотларни олиш имконини бериши керак.

Шунга кўра, ҳозирги вақтда телевидение ривожланишининг асосий йўналиши турли хил телевизион дастурларни яратишдир. Бу телевизорнинг

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00657

рақамли эшиттиришга ўтиши муносабати билан янада муҳимроқ. Бизнинг фикримизча, бугунги кунда телевидение тарқатувчилар ва вилоят ҳокимияти биргаликда 2014 йилга қадар шунча маҳаллий телекомпаниялар мультиплексга ўтишлари учун ҳудудий телеканалларни ривожлантириш бўйича амалий чораларни ишлаб чиқишлари керак.

Яратилаётган студиялар фаолиятини режалаштиришда ва мавжудларини эфирга узатишни ташкил қилишда ташқи муҳитнинг ўзига хос хусусиятлари ва тингловчилар таркиби тўғрисида етарлича аниқ билим талаб этилади. Бироқ, ҳудудларда "ташқи муҳит" нинг кўп факторли хусусиятларини ўрганиш етарли даражада самарали олиб борилмаяпти. Дастурларнинг рейтингини ўлчаш ва уларнинг кенг тарқалиб кетган телеканалларнинг трансляция сиёсатига таъсири, холис тадқиқотчини қониқтириши қийин. Баъзан ҳудудий телевидение аудиториясининг социологик тадқиқотлари маҳаллий студиялар фаолиятида ҳам камроқ сезилади.

Айниқса, маҳаллий янгиликлар ҳақида гап кетганда шуни таъкидлаш керакки, маҳаллий оммавий ахборот воситалари тадқиқотларда пастроқ бўлса-да, ҳудудий тележурналистлар эксклюзивлик нуқтаи назаридан рақобатдан ташқарида. Самарадорликка келсак, бу тегишли техник базани талаб қилади, аксарият ҳолларда ҳудудий телекомпаниялар учун мавжуд эмас.

Шунга қарамай, ҳудудий телевидение ҳар қандай давлат каналга қараганда анча фойдали мавқеъга эга, чунки у муаммоларни бутун Ўзбекистонда эмас, балки маҳаллий миқёсда муҳокама қилади. Одамлар ўз кўчаларини экранда кўришни, маҳаллий бошлиқларга ўзларини қизиқтирган саволларни беришни, экологик муаммолар, ўзлари яшайдиган шаҳар ёки қишлоқ йўлларини муҳокама қилишни хоҳлашади.

Ҳудудий журналистнинг навбатдаги ўзига хос хусусияти - бу ҳудудий телевидениедаги фаолиятининг кўп қирралилиги. Давлат каналларда аниқ ишлаб чиқариш технологияси мавжуд ва ҳар бир киши фақат ўз лавозими ва шартномасига биноан бажариши шарт бўлган нарсани қилади. Бу вилоят телевидениесида жуда кам учрайди. Аммо аксарият ҳолларда ҳудудий телекомпаниялар маълум бир ходимга айнан бир мутахассисликни бериш имконига эга эмас. Ҳозир ҳудудий телевидениедаги вазиятни қисқача айтганда, давлат телеканалларга ёки хорижий телеканалларга тақлид қилиш йўли нотўғри. Пойтахтдаги кўрсатувларни ёқтиришга, ундан андоза олишга уринишлар, аммо кичикроқ миқёсда бу кўпинча муваффақиятсизликка учрайди. Гап нафақат технологик имкониятларнинг фарқи, балки трансляциянинг ҳар

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00657

хил ўзига хос хусусияти ҳақида ҳам кетмоқда. Фарқи шунчалик каттаки, тўғридан-тўғри кўчириб олиш кенг жамоатчиликда қабул қилинмайди.

Шунинг учун давлат телеканаллардан кам бўлмаган ҳудудий телеканаллар синчковлик билан батафсил ўрганиш ва объектив тадқиқотларга лойиқдир. "Ҳар қандай мамлакат телевидениеси кучли, биринчи навбатда, ҳудудий телевидение орқали битта марказий телевидениеда узоққа бора олмайсиз."

Ҳудудий телевидение барча маҳаллий тадбирларнинг фаол иштирокчисидир, у ўз томошабинига давлат телеканалларнинг имкониятлари ва манфаатларидан ташқарида бўлган нарсалар тўғрисида маълумот беради.

Ўзбекистоннинг ҳудудлари кенг бўлганлиги сабабли ҳудудий каналлар тобора кўпроқ роль ўйнамоқда. Бундан ташқари, агар илгари улар ҳудудий ҳокимиятнинг оғзаки нутқлари бўлган ва шу сабабли уларга нисбатан қизиқиш нисбатан паст бўлган бўлса, энди маҳаллий ҳокимият таъсиридан чиқиб кетиш ва катта мустақилликка эришиш тенденцияси мавжуд. Бугунги кунда ҳудудий телевидениенинг роли ошиб бориши, биринчи навбатда, аҳолининг унга бўлган ишончининг юқорилиги билан боғлиқ, иккинчидан, замонавий шароитларда унинг олдида турган вазифа - ҳудуд аҳолисини маданий қадриятлар асосида бирлаштирган алоқа тизимининг асосий мустаҳкамловчи бўғинига айланишдир. Телевидениенинг ўзига хос анъаналари ҳақида фикр юритадиган бўлсак. Маҳаллий телевидение бугунги кунда ўзини бутун республика бўйлаб танитди, нафақат янги кўнгил очиш манбаи, балки маҳаллий маълумот манбаи бўлди. Маҳаллий телевидение янгиликларини ишлаб чиқариш биринчи марта маҳаллий аудитория фикри ва манфаатларини ифода этиш имкониятини берди.

Замонавий ҳудудий телевидениенинг ривожланишини таҳлил қилиб, шуни хулоса қилишимиз мумкинки, телевизион кўрсатувлар сифатини ошириш, давлат телевизион кўрсатувларни оддий нусхалашдан воз кечиш каби кўплаб ижобий тенденциялар пайдо бўлганига қарамай, қонунчилик базасининг номукаммаллиги каби бир қатор ечимсиз муаммолар мавжуд. Масалан, юқори малакали кадрларнинг етишмаслиги, маҳаллий телекомпанияларнинг маблағлари етарли эмаслиги.

Ҳудудий телеэшиттириш бозорларини ўрганиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки, йирик савдо ва саноат марказлари, аксарият ҳолларда ҳудудлар, вилоятлар, республикалар пойтахтлари ҳудудларда телевизион ривожланиш марказига айланган. Ҳар бир ҳудудий телевидение бозори ўзига хос ва қўшни бозорга ўхшамайди, чунки у кўплаб маҳаллий омиллар, масалан, иқтисодий

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00657

вазият, анъаналар ва аҳолининг миллий таркибининг хусусиятлари, таълим муҳитининг ривожланиш даражаси таъсирида шаклланган.

Телевизион томошабинларнинг хоҳиш-истакларини ўрганиш асосида аёллар одатда давлат каналларга ёки маҳаллий каналларнинг кўнгилочар теледастурларига устунлик беришлари таъкидланди. Бизнинг сўровимизга кўра, эркаклар иш кунлари асосан маҳаллий телеканалларда янгиликлар дастурларини томоша қилишади.

Шундай қилиб, биз бутун Ўзбекистон телевидениесининг, умуман, ҳудудий, телеканалларнинг, янада ривожланиши бизнинг давлатимизнинг сиёсий йўналиши, иқтисодий ва бошқа ислоҳотларга боғлиқ деган хулосага келишимиз мумкин. Фуқаролар ва оммавий ахборот воситаларига барқарорлик кафолатларини берадиган барқарор сиёсий, ижтимоий, иқтисодий институтлар мавжуд бўлмаган давлатда келажакда ҳеч қандай узоқ муддатли режалар ёки аниқ ривожланиш истиқболлари ҳақида гапириш мумкин эмас.

Жамият доимо ҳар хил даражадаги телевидение маълумотларига эҳтиёж сезади: миллий миқёсдаги маълумотларда ҳам, тор ҳудудий аудиторияга қаратилган маҳаллий янгиликларда ҳам. Шундай қилиб, аудиторияни фарқлашнинг асосий хусусияти унинг ҳудудий мансублиги бўлиб қолса-да, ҳудудий телевидениега доимо қизиқиш пайдо бўлади.

Ижтимоий-сиёсий вазиятнинг ўзгариши, турли хил мулкчилик шаклидаги телекомпанияларнинг тез суръатлар билан ўсиши ва цензуранинг бекор қилиниши тележурналистика ривожланиш босқичларини таҳлил қилишга бағишланган асарлар пайдо бўлишига ёрдам берди. В.В.Гаспарян 1985 йилдан 1998 йилгача телевизион журналистиканинг ривожланишига алоҳида эътибор бериб, унинг ривожланишидаги учта босқични ажратиб кўрсатди: "демократик романтизм босқичи" (1980 йилларнинг ўрталари - 1991 йил август); "сиёсат васвасаси" даври (1991 йил куз - 1994 йил куз); "ўсиш даври" даври (1994 йил октябр - 2000 йил)[9] . Ўзи аниқлаган ҳар бир босқични таҳлил қилиб, муаллиф турли молиявий гуруҳлар томонидан эфирни монополлаштириш ҳавфига алоҳида эътибор қаратиб, «эфирни монополлаштириш фақат тижорат ютуғи улушига олиб келади. Шунинг учун болалар ёки камбағал одамларга бағишланган дастурларни тармоқдан чиқариб ташлаш. Ушбу тоифадаги резидентлар реклама берувчининг ҳомийси учун энг кам қизиқиш уйғотади» [10]. Муаллиф томонидан олиб борилган муҳим таҳлиллар ҳудудий телевидение муаммоларини ўрганишда услубий ёндашувни таклиф қилади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00657

Ҳудудларда давлат телевидениеси ишида тажриба тўпланиши, шунингдек 90-йилларнинг бошларида пайдо бўлиши. XX аср нодавлат телевизион компаниялари ҳудудий телевидение ва ҳудудий тележурналистикада бир қатор асарларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Вилоят журналисти "Практика" раҳбари Н.В.Зверева вилоят тележурналисти ва ҳудудий телекомпанияларнинг амалий фаолиятига катта эътибор қаратди[11]. У ўзининг ҳудудий компаниялар билан ишлашнинг катта амалий тажрибасига асосланиб, федерал ва ҳудудий телеканаллар фаолиятини, марказда ва ҳудудларда тележурналистлар учун ишлаш шароитларини таҳлил қилди, таққослади ва ҳудудий телевидениенинг ривожланиш тенденцияларини аниқлади. Муаллиф ўз фаолиятини қуйидагича изоҳлаган: ҳудудий компаниялар томонидан ўз маҳсулотларини қисқартириш ва йирик тармоқ телеканаллари билан шартномалар тузиш, ҳудудий телевизион каналларни ишлаб чиқарувчи асосий дастур сифатида янгиликларни чиқариш, "у ёки бу сиёсий куч ёки маълум бир шахс билан яқин алоқа мавжуд бўлганда" ҳудудий компанияларнинг сиёсийлашиши. Замонавий Ўзбекистон телевидениесининг яна бир қуйи тизими, ҳудудлардаги давлат ва нодавлат телекомпаниялари ҳам қиёсий таҳлилдан ўтказилди. Профессионал фестиваллар ва танловлар натижаларига кўра Н.В.Зверева замонавий ҳудудий тижорат телевидениеси давлат телевидениесига қараганда анча муваффақиятли эканлиги тўғрисида хулосага келди.

И.И. Мурзакка кўра, реминисценциялар типологиясини ва асосий турларининг хусусиятларини қуйидагиларга бўлинади: “Сўзма-сўз келтириш, кичик модификациялар билан манбани кўпайтириш, интертекстуал иқтибос, манбанинг семантик ва стилистик жиҳатдан муҳим элементларини алмаштириш (бу қасддан таҳрирлашдир), жузъий ўтказиш, эркин тартибга солиш, қайта ҳикоя қилиш, таржима, архетип тасвирининг кўрсаткичи, асл кузатув, Инжилдан иқтибос, китоб ҳикоявий вазиятни қайта қуриш сифатида, ассоциатив иқтибослар, сюжетли реминисценция, асл матн ва таржимани бирлаштириш, синкретик маданий реминисценция, пластик ва расмли дурдоналар, фалсафий трактатлар, илмий назариялар, нуфузли ҳукмлар, мақол ва маталлар, афоризмларни келтириш, белгиларнинг типологик яқинлиги”. [1, 77–83]

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Адабиётшунослик, хусусан, бадиият масалалари бўйича тадқиқот ишлари, асар ўқиш жараёнидаги бевосита кузатишлар олиб борганлар. Бунда фалсафа фанидан эндигина ажралиб чиққан даврлардан Аристотелдан тортиб ҳозирги кунда поэтик мушоҳада юритаётган бошловчи тадқиқотчигача шулар жумласига қўшиш мумкин. бу борада хорижий олимлар: Рене Уэллек, Остин Уоррен, Александр Квятковсий, Геннадий Поспелов, ўзбекистонлик олимлар: Воҳид Зоҳидов, Воҳид Абдуллаев, Ҳамид Сулаймонов, Ғулом Каримов, Иззат Султон, Натан Маллаев, Азиз Қаюмов, Матёқуб Қўшжонов, Абдуқодир Ҳайитметов, Абдурашид Абдуғафуров, Баҳодир Каримов, Узоқ Жўрақулов, Дилмурод Қуронов каби олимларнинг илмий текширишларини алоҳида эътироф этиш мумкин. Бироқ, бадиий тасвир ва ифода воситаларидан бўлган реминисценция алоҳида тадқиқ қилиш ва унинг бадиий матндаги ўрни ва аҳамияти, умуман, ушбу ҳодисаларнинг ўзбек адабиётшунослигидаги ўрнини

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00662

белгилаб берувчи кузатувлар етарли даражада ўрганилмаганлиги мазкур тадқиқотимиз мавзусини белгилаб беради.

Тадқиқот ишида таҳлилий-статистик, қиёсий-ретроспектив, тавсиф ва таҳқиқ каби методлардан фойдаланилди.

## НАТИЖАЛАР

Реминисценцияга “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”да шундай таъриф берилади: “Реминисценция (лот. reminiscentia – эслаш) (психологияда) – эс-эс хотирлаш; инсон илгари ҳаётда учратиб ўрганган нарса ва ҳодисаларни, фикрлар, сўзлар, воқеаларни тусмоллаб эслаши. Бунда эслашнинг тўлиқлиги, аниқлиги хотиранинг индивидуал хусусиятларига, материални эсда олиб қолинган ёки ёдланган пайтдан кейин ўтган вақтга, материалнинг мазмунига, инсоннинг психик ҳолати ва ёшига, шунингдек, бошқа омилларга боғлиқ бўлади”. [2, 154]

“Адабиётшунослик луғати”да қуйидагича таърифни ўқиймиз: “Реминисценция (лот. reminiscentia – хотирлаш, эслаш) – адабий ҳодисаларнинг диалогик муносабатда бўлиши натижаси ўлароқ юзага келувчи ҳодиса, адабий асардаги илгари мавжуд бўлган асарларни ёдга солувчи нуқталар. Бундай реминисценциялар англанган ё англанмаган (асарда ижодкор хотирасида муҳрланиб қолган ўзга асардаги нуқталарнинг ғайриихтиёрий тарзда акс этиши) равишда воқе бўлади; улар очиқ-ошкора эмас, шу боис илғаб олиниши ҳам бирмунча қийин ва шу жиҳати билан ўзлаштириш ва тақлиддан фарқланади”. [3, 248]

А.Квятковскийнинг “Бадиият луғати”да реминисценцияга қуйидагича таъриф берилади: “Реминисценция, бу – бошқа бир бадиий асардан таниш бўлган фразал ёки образли конструкцияни шоир томонидан қасддан ёки билмасдан такрорланиши. Баъзан эслаш ритмик-синтактик ҳаракатларни нусхалаш орқали ифода этилади. Асл ва эслатувчи ибораларни ёнма-ён қоъйиш баъзи шоирларнинг бошқаларга таъсирини қизиқарли тасвирлайди” [4, 238].

Квятковский реминисценция шундай таъриф беради ва ўз даврининг таниқли ижодкорларининг шеърлари ва ўша шеърни эслатувчи, таъсир самараси бўлган шеърларни мисол келтиради. Шунингдек, автореминиценция (ўз-ўзидан таъсирланган, ўз асарида учрайдиган реминисценция) ҳодисасини ҳам мисоллар билан беради.

Собир Сайқалийнинг “Равзат уш-шуҳадо” асарининг реминисцентив таҳлили ва унинг ўзига хос жиҳатлари қандай бўлади?

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00662

Аввало, асарнинг номланиши шу ҳодисанинг бадиий функционаллигидир, яъни унда Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг невараларининг мудҳиш қотиллик оқибатида шаҳид бўлишлари (“Шаҳидлар боғи” деб номланиши шундан) шундай хулосага келишимизга сабаб бўлади. Пайғамбаримиз невaралари Имом Ҳасаннинг заҳарланиб ўлдирилиши ва Имом Ҳусайннинг Ироқдаги Карбало даштида аҳли оиласи ва бутун тарафдорлари билан биргаликда жами 72 кишининг шаҳид этилиши ислом тарихида даҳшатли фожеа бўлган. Бу мудҳиш воқеа бир қатор ўзбек ёзувчилари томонидан қаламга олинган. [5, 3]

Карбало фожеасига бағишланган Собир Сайқалий асари вужудга келишида Ҳусайн Воиз Кошифийнинг (1440-1505) “Равзат уш-шуҳадо” номли форсий асарининг ўрни шубҳасиз катта ўрин тутади. Кошифий асарида Одам (а.с.)дан Муҳаммад (с.а.в.)гача ўтган пайғамбарлар қиссалари, халифалар, Ҳазрати Али, Фотима ва Имом Ҳасан ҳамда Имом Ҳусайнларнинг қонли кечмиши ҳикоя қилинади.

Карбало шаҳрида туғилган улуғ озар шоири Муҳаммад Фузулий (1498–1556) биринчилардан бўлиб туркий тилда бу мавзуни кенг ёритди. Кошифий анъаналарини давом эттирган Фузулий ўз асарини “Ҳадиқат ус-суадо” (“Бахтлилар боғи”) деб номлаб, Кошифий “Равзат уш-шуҳадо”си каби ўн бир қисмдан иборат қилиб, ўзига хос услубда асар тартиб берган. [5, 4].

Кейинг ўринларда “Равзат уш-шуҳадо” асарида хотирлашнинг, яъни реминисценциянинг ғаройиб усулларидан фойдаланилган. Масалан, асар номлари эсланади: “Канз ул-ғаройиб”, “Равзат ул-ахбор”, “Шавоҳид”.

Воқеа асар номи билан эмас, тарихий шахс/персонаж/муаллиф номи эсланади: Охунди Мулло Муъийн, Али Мусо Ризо.

Сайқалий гоҳида асар номини ҳам, муаллифини ҳам зикр қилиб ўтади:

*Басе ул Охунди Мулло Муъин дер,*
*“Сийар” ичра далиллар бирла ул эр.*

Сайқалий “Равзат уш-шуҳадо” асарида реминисцентив ҳикоя услуби асосида иш олиб боради ва, масалан, бир пайғамбар қиссаси ҳикоя қилиниб, унинг ривояти фонида Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайнларнинг ғамгин қиссаларини бериб кетади.

“Равзат уш-шуҳадо”да шундай эсланади:

*Таниб нафсинг, ҳаводин тонмайин то,*
*Қасам биллоҳ, танимасанг Ҳақни асло.*

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00662

Бу ўринда шоир “Ман арафа нафсаҳу фақад арафа раббаҳ”, яъни “Кимки ўз нафсини таниса, бас, Раббини танийди” ҳадисига ишора қилинмоқда.

Яна бир ўринда:

*Кулоҳинг узра қоим тожи “лавлок”,*
*Буроқинг Жабраил, фаршингдур афлок.*

Бу ерда Аллоҳу таоло ҳадиси қудсийда Муҳаммад (с.а.в.) ҳақида “Лавлока лавлок, ламо халақтул-афлок” (Сен бўлмаганингда, сен бўлмаганингда коинотни яратмасдим) деб марҳамат қилгани эсланади.

## МУҲОКАМА

Адабий ҳодисалар шунчаки юзага келмаган. Уларнинг ҳар бири маълум воқеалар билан боғлиқ бўлган. Реминисценция ҳам ана шундай ҳодисалардан бири сифатида пайдо бўлган. Инсон вақт ўтган сари хотиралар билан яшайди. Хотирлаш сингари ҳодисалар бадиий асарлар таркиби ҳам келади ва маълум воқеаларни эслаш баробарида айтилмоқчи бўлган, ёки тасвирланаётган сюжет линиясини маълум ҳолатда ушлаб туриш учун қўлланади. Бу эса воқеаларнинг жонли чиқишида, ўқувчини қизиқарли воқеалар фонида ушлаб туришда ёрдам беради. Демак, ўтмишда бўлиб ўтган воқеаларни хотирлаш адабиётшуносликда реминисценция сифатида баҳоланар экан.

## ХУЛОСА

Ўқувчи асарни ўқиш жараёнида, тадқиқотчи асар устида ишлаганида, талаба уни ўқиганда турли кўринишдаги реминисцентив ҳолатларга дуч келади, уни реминисценция эканлигига кўп-да эътибор беравермаслиги ҳам мумкин, лекин Собир Сайқалийнинг мазкур “Равзат уш-шуҳадо” асари реминисцентив ўринларнинг бир қанча турлари бўлиб, асарни ўқиётган пациент шу адабий ҳодисанинг бир неча турли кўринишлари мавжудлигини сезиб олади. Чунончи:

1. Аввало, унинг номланиши (“Равзат уш-шуҳадо”/“Шаҳидлар боғи”) буюк бир эслатма эканлигини англаб етади.

2. Асарнинг вужудга келишида катта туртки бўлган Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Равзат уш-шуҳадо” асарининг бевосита номини тўғридан-тўғри олган, лекин эпик кўламда эмас, лиро-эпик шаклда бутунлай бошқа оҳангда қайта ҳикоя қилиниши реминисценция ҳодисанинг алоҳида кўриниши сифатида баҳолаш мумкин.

3. Кейин ҳикоя ичида ҳикоя усулидаги реминисцентив ҳолатларнинг бериб борилиши. Яъни ҳар бир пайғамбар ҳақида ҳикоя фонида фожиали ўлим

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00662

топган пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг неваралари Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайнлар қиссаларини эслатиб ўтиши;

4. Собир Сайқалий “Равзат уш-шуҳадо”да бошқа бир асарни (асарнинг номи, тарихий шахсни/персонажни/асар муаллифини) эслатиб ўтиш билан реминисценция ҳодисасининг бир кўринишини намоён қилган.

5. Асарда бевосита Қуръони карим ва ҳадиси шарифлардан аслиятидан ё маъносини эслатувчи мисраларнинг учраши унинг реминисцентив услубий жиҳатини эътиборга олишимиз учун асос бўлади.

## REFERENCES

1. Мурзак И.И. Реминисценция // Введение в литературоведение. (Под общ. ред. Л.М.Крупчанова). – М.: Оникс, 2007.
2. Реминисценция. // Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. – Т.: ЎзМЭ давлат илмий нашриёти. – Б. 154. www.ziyouz.com
3. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Т.: Академнашр, 2010.
4. Квятковский А. Поэтический словарь (научн. ред.: И. Роднянская). – М.: Изд-во “Советская энциклопедия”, 1966.
5. С. Сайфуллоҳ, Д.Хунзикер. Карбало фожеаси ва бадиий ижод (сўзбоши) // Собир Сайқалий Ҳисорий. Равзат уш-шуҳадо. – Т.: Моваройуннаҳр. 2004.

ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 4 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00663

# ЭШИТИШИДА НУҚСОНИ БЎЛГАН БОЛАЛАРНИ ГЎДАКЛИК, ИЛК ВА МАКТАБГАЧА ЁШДА ОИЛАДА ТАРБИЯЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММО ВА ЕЧИМЛАРИ

**М. У. Хамидова**
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети в.б. доценти
mxamidova@gmail.com

## АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола эшитишида нуқсони бўлган болаларнинг хулқи псэхологияси ва тарбиясининг тўғрилаш усуллари ҳақида бўлиб, у ўз ичига асосан мактабгача таьлим яни боғча ва ундан кичик ёшдаги болаларда турли хил машғулотлар ўтказиш ва ёш боланинг онги улғайган боланинг онгидан яхшироқ ишлаши ҳақидаги маьлумотларни қамраб олган. Бундан ташқари, боладаги умумривожлантурувчи ва коррэксион йўлларнинг афзаллик томонлари ҳақида ҳам сўз борган.

**Калит сўзлар:** супдопедагог, тарбия, психология, бола, мактабгача таълим.

# CHALLENGES AND SOLUTIONS OF FAMILY EDUCATION AND DEVELOPMENT OF CHILDREN WITH HEARING DISABILITIES IN CHILDHOOD, EARLY AND PRESCHOOL AGE

## ABSTRACT

This article is about the psychology and behavior of children with hearing impairments and includes information on pre-school education, kindergarten and younger children, and how a child's mind works better than an adult's. There was also talk of the advantages of general developmental and correctional pathways in the child.

**Keywords:** upbringing, psychology, child, preschool education.

## КИРИШ

Одатда, гўдаклар ва икки - уч ёшгача бўлган болалар оилада тарбияланади ва ота - оналар фарзанди ривожланиши учун жуда кўп нарса қилишлари мумкин.

Умумривожлантирувчи ва коррекция ишлари қанчалик эрта

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00663

бошланса, унинг натижалари шунча яхши бўлади. Эшитишида нуқсони бўлган боланинг илк ёшдаги ривожланишининг асосий шарти эшитишни протезлаш саналади. Ота-оналарга тўғри танланган эшитиш аппаратларининг афзалликларини тушунтириш зарур: атроф оламдаги товушларни идрок этиш имконияти предмет ва ҳодисаларнинг хоссаларини билиш; бола хулқини бошқариш учун жуда зарур. Эрта протезлаш нутқни кўриб-эшитиб идрок қилишнинг ривожланиши учун (бунинг самарадорлиги кўриб идрок этишга қараганда анча юқори); эшитиш идроки, ўз нутқини назорат килиш учун алоҳида аҳамиятга эга.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ота-оналарга, аппаратдан фойдаланиш қоидаларини: индивидуал эслатмаларнинг мавжудлиги, аппарат иш режимини тўғри танланиши, ундан фойдаланиш ва унга тўғри қарашнинг муҳимлигини тушунтириш зарур. Эшитиш идрокини ривожлантириш бўйича узоқ муддатли иш натижасидагина юқори самарадорликка эришиш мумкин.

Нутқ кўп сўзли бўлмаслиги: бир хил вазиятларда айнан бир хил иборалардан фойдаланиш керак, шунда бола уларни тушунишга тезроқ ўрганади.

Эшитмайдиган бола билан мулоқотда айрим махсус ҳолатларни ҳисобга олиш керак. Кичкинтой ҳамиша гапираётган кишининг юзини кўриб туриши, унинг эътиборини лаблар ҳаракатига қаратиш керак. Болада эшитиш аппарати бўлса, у билан 1 метргача масофадан туриб мулоқот қилиш керак, бунда бола нутқни кўриш- эшитиш асосида идрок этади. Баъзан сўзнинг, масалан, ўйинчоқ номининг жаранглашини аниқлаштириш учун уни бир неча бор такроран талаффуз қилиш, шунингдек уни эшитиш учун тақдим қилиш, юзни қўл билан тўсиш, сўзни боланинг ёнида ё орқасида туриб талаффуз қилиш (токи бола сўзловчининг лабларини кўрмасин) мақсадга мувофиқ. Бола билан уйда, кўчада мулоқот қилиш жараёнида унинг эътиборини жаранг сочадиган предметларга қаратиш, товушга тақдлидни қайтариш, жаранг сочадиган предметларни айтиш (кучукча вовуллайди: Вов-вов; машина визиллайди: виз-виз) керак.Бола сўз ёки товушларни қайтаришга уринганда катта одам уларни қўллаб-қувватлайди, қайтаради, боланинг ҳаракатларини маъқуллайди, у билан бирга қувонади.

Боланинг амалда бутун фаолияти катталар томонидан ташкил этилиши ва болага педагогик таъсир билан боғлиқлигига қарамай, болалар билан

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00663

мунтазам машғулотлар ўтказиш керак, уларнинг мазмуни умумий ривожлантириш иши, нутқни, эшитиш идрокини ривожлантиришга оид махсус ўйин ва машқлардан иборат бўлади. Машғулотлар давомийлиги ва миқдори боланинг ёши, психофизиологик ҳолатига боғлиқ. Машғулотлар кун давомида бир неча марта ўтказилади. Мутахассислар бир ёшгача бўлган болалар билан бир кунда учта 3-5 дақиқалик; икки ёшгача болалар билан икки-учта 10 дақиқалик; икки ёшдан беш ёшгача болалар билан 15-20 дақиқалик машғулот ўтказишни тавсия қилади. Машғулотлар, одатда, куннинг биринчи ярмида ва кундузги уйқудан кейин ўтказилади. Турли йўналишдаги машғулотлар ўзаро алмаштириб борилади. Машғулот ўтказиш жойларини: гиламда, ўйин бурчагида, стол атрофида аниқлаш керак. Машғулотларга тайёргарлик: ҳар бир машғулот мақсадини ўйлаб олиш, унинг режасини ишлаш, турли хил дидактик материални танлаш катта аҳамиятга эга. Ота-оналарга эшитмайдиган бола билан оилада машғулотлар ўтказиш юзасидан батафсил маслаҳатни, одатда ота-оналарга педагогик ёрдам кўрсатадиган супдопедагог бериши лозим.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Болани умумий ривожлантириш бўйича ишлар, бир томондан, боланинг билиши ривожланишини рағбатлайди, фаолият турлари ривожланишига кўмаклашади, бу мулоқотнинг ривожланиши ва нутқий ривожланиш омиллари шаклланиши учун муҳим. Иккинчи томондан, бу ишларни амалга ошириш жараёнида катта ҳажмдаги нутқий материалдан фойдаланиладики, буни бола аста-секинлик билан ўзлаштира боради.

Нутқ ва эшитишни ривложлантириш бўйича ишларни амалга оширишнинг асосий шартларидан бири эшитиш нутқ муҳитини ташкил этиш саналади. У эшитиш аппаратларидан фойдаланилгани ҳолда бола билан доимий нутқий мулоқотни кўзда тутади.

Нутқни шакллантириш кўп қиррали жараён саналади. Унинг турли шаклларини, аввало мулоқот асосини ташкил этадиган оғзаки нутқни ривожлантириш зарур. Машғулотларни эрта бошлаш – шубҳасиз, муваффақият омили. Бола ҳали ўзига хос мулоқот шаклларидан бирортасини ўзлаштириб, ўзининг камчилигини, ҳамма каби эмаслигини тушуниб, ҳис қилиб улгурмаган.

Эшитиб идрок этишни ривожлантириш боланинг билиш фаолияти, нутқ ва талаффузни идрок этиш механизмлари шаклланиши учун катта

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00663

аҳамиятга эга. Қолдиқли эшитишни ривожлантириш бўйича ишларни эрта бошлаш алоҳида мухим аҳамият касб этади, шу сабабли эшитиш функциясини ривожлантириш бола ҳаётининг биринчи йилларида тобора сензитив даврда амалга оширилади, бунда эшитиш анализатори физиологик жиҳатдан етилади, бу педагогик ишсамарадорлигини таъминлайди.

Эшитиш идрокини ривожлантиришга қаратилган махсус машқлар билан бир пайтда болаларни реакция қилиш ва турли маиший шовқинлар, табиий товушлар, транспорт сигналларини тушунишга ўргатилади. Аудиоёзувларни эшитиш ҳам эшитиш идрокининг ривожланишига кўмаклашади. Катта ёшли киши бола билан бирга мусиқа тактига мос ҳаракат қилади, боланинг ўзини рақс ҳаракатларини бажаришга ундайди.

Ота-она учун асосий ва энг мураккаб вазифа – машғулотларда тўғри тон (оҳанг), бола билан муомаланинг тўғри шаклини топа билиш. Она (гарчи бола билан доимий шуғулланиш керак бўлса-да) ўқитувчи эмас, аввало она бўлиши керак. Машғулотлар ҳаёт билан табиий тарзда уйғунлашиб кетганидагина бунга эришиш мумкин бўлади. Ота-оналар боласи билан имкон қадар кам вақтини стол атрофида ўтказишлари тавсия қилинади.

Бироқ ота-она қийинчиликларга тайёр туриши лозим. зеро карликнинг қўрқинчли тўсиғини енгиб ўтиш учун ота-онадан узоқ ва машаққаатли меҳнат талаб қилинади. Қолаверса, қийинчиликларни қай тарзда енгиб ўтиш ҳаммага ва ҳамма вақт ҳам тушунарли бўлавермайди.

**Мактабгача ёш даври** – инсон ҳаётида муҳим, айтиш мумкинки, ҳал қилувчи палла. Бу даврда асосий одатлар, кўникмалар шаклланади, характер белгиланади, яъни бутун кейинги ҳаёт асослари қурилади, барпо этиладиган ҳар қандай иморат учун пойдевор нима эканини жуда яхши биламиз…

Мактабгача ёшдаги болалар билан илк ёшда бошланган ишлар давом эттирилади. Ота-оналар боланинг ривожланишидаги ютуқларини тўғри баҳолашлари лозим. Уларга ортиқча баҳо бериш педагогок бўш қўйилганлик, тенгдошларидан ортда қолиш кўринишидаги салбий оқибатларга эга бўлиши мумкин. Ота-оналарнинг бола тарбияси ва таълими бўйича фаолияти самараси кам бўлса, махсус мактабгача муассасада тарбиялашни бошлаш керак. Ота - оналар мунтазам равишда сурдопедагог консультациясини олишлари лозим. У боланинг ривожланиши ва таълимдаги натижаларини назорат қилади, ота-оналар учун мураккаб бўлган иш йўналишларини аниқлайди, бола билан коррекцион педагогик ишни

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00663

давом эттириш бўйича аниқ маслаҳатлар беради. Агар имкони бўлса, уйда тарбия олаётган болалар ота-оналар ҳузурида сурдопедагог машғулот ўтказадиган, уйда шуғулланиш юзасидан маслаҳат берадиган қисқа муддатли гуруҳларга ташриф буюриши керак.

Тарбияни эрта бошлашнинг аҳамияти ҳақида кўплаб файласуф ва олимлар фикр билдирган. Психологлар тадқиқотлари ҳам ҳаётининг илк кунларидан мақсадга йўналтирилган, яъни махсус ташкил этилган тарбия инсоннинг ривожланиши учун катта аҳамият касб этишини исботламоқда.

Мамлакатимизда мактабгача тарбиянинг бола туғилганидан бошлаб то мактабга қабул қилингунига қадар даврни қамраб олган ягона тизими, эшитишида нуқсони бўлган болалар учун эса махсус мактабгача тарбия муассасалари жорий этилган. Кар ва заиф эшитувчи бола учун мактабгача тарбия алоҳида аҳамият касб этади, чунки илк даврида, тахминан бир ёшгача, ҳали боланинг тили чиққунига қадар эшитадиган ва кар болалар ўртасидаги тафовут у қадар кўзга ташланмайди. Эшитишида муаммоси бўлган болани нутққа ўргатишни қанчалик эрта бошласангиз, унинг ривожланишида эшитадиган бола билан фарқ шунчалик кам ва кейинги таълим имкониятлари шунчалик кўп бўлади. Болалар боғчасида сурдопедагог ва тарбиячилар уни шу ёшдаги эшитадиган болани ҳамма нарсага: расм солиш, ёпиштириш, қуриш, сана шва хатто рақс тушишга ўргатишади. Ҳамма болалар каби уни ҳам меҳнатга, озодаликка, мулойимликка ўргатишади. Бунда меники-бизники, мумкин-мумкин эмас, рост-ёлғон каби кўплаб ҳаётий муҳим, илк ёшда шакллантириладиган ва бевосита тарбия натижаси саналмиш тушунча ва кўникмалар шакллантирила бошлайди.

Эшитишида муаммоси бўлган мактабгача таълим ташкилотида, болаларни гапириш ва нутқни тушунишга ўргатишади, унинг қолдиқли эшитишини ривожлантирилади.

Таълимни кечиктириб бўлмайди. Чунки бу давр ичида эшитадиган бола эшитиб ва эслаб қолган ҳар бир сўз билан кар бола ҳамда эшитадиган бола ўртасидаги фарқ ортиб бораверади.

Ота-оналар кар болаларнинг мактабгача тарбиясидаги учта муҳим дастлабки қоидани билишлари керак.

**Биринчиси.** Соғлом кар боланинг ақлий ривожланиш имкониятлари эшитадиган боланикидан асло кам эмас. Юқори даражада талабчанлик ва малакали таълим билан уйғунлашган муҳаббат - шу имкониятларни реализациялаш имконини берадиган шарт-шароит шундан иборат.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00663

Муваффақиятга ишониш, шу ишончни болада тарбиялаш олиш – кар болани бахтли қилиш ва ўз нуқсонини ҳис қилмаслик, ҳеч бўлмаганда ундан азият чекмасликка ёрдам беришнинг муҳим омили.

**Иккинчиси.** Тарбиянинг умумий масалалари, унинг ҳиссиёти, хулқини тарбиялаш махсус тарбияга қараганда иккинчи даражали эмас, балки махсус тарбиянинг асосини ташкил қилади. зеро фарзанд, аввало фарзанд, кейин эса кар. Буни унутмаслик лозим. унинг маънавий қиёфаси, унинг шахсини тарбиялаш – махсус ўқитишнинг ҳар бир вазиятини белгилайдиган асосий жиҳат шу. Бунда кар бола хулқини тарбиялашга унинг эшитадиган тенгдошининг хулқини тарбиялашга каби ёндашиш зарур.

**Учинчиси.** Болани соқовликдан асраб қолиш, атрофдагилар билан мулоқотга ўргатиш учун барча воситалардан фойдаланиш керак. Кар болани ўқитишнинг (ота-оналар учун) тобора самарали ва қулай воситалардан бири дактил (бармоқлар) нутқи саналади. кичик ёшдаги кар болаларни ўқитишда ундан кенг фойдаланилади.

**Дактил нутқ** – кар болаларни ўқитишнинг қудратли воситаси, у луғат бойлиги ва натқни ўзлаштириш сифатини, шунингдек кар болаларнинг умумий ривожланиш даражасини бир неча баробар ошириши мумкин. Кар болаларнинг мактабгача ва мактаб таълимида дактил нутқдан фойдаланилади. Дактил нутқ – оғзаки нутқнинг бир кўриниши. Ундан фойдаланиш – сўзларнинг маъносини тушуниш, тилнинг грамматик қурилишини эгаллаш демак. Бу нутқни ҳам оғзаки ҳам ёзма шаклда эгаллашга кўмаклашади.

Дактил белгини нафақт идрок этиш, балки товушга қараганда қайта яратиш ҳам анча осон. Хатто икки ярим ёшли бола ҳам дактил алифбони ўзлаштира олади. Уч ёшли болалар уни 15-30 кунда ўзлаштиради. Бу жуда муҳим, чунки бу тарзда болага сўз ёрдамида мурожаат қилиш, эшитадиган болага каби исталган предметни айтиш мумкин. Буни сўзни овоз чиқарибгина эмас, балки бармоқлар ёрдамида ҳам «талаффуз қилиш» керак. Бунда бола ҳар бир сўзнинг ҳарф таркиби ва грамматик қурилишини аниқ идрок этади. Шу тариқа уни нутққа ва мулоқотга ўргатиш бошланади. Бунда худди эшитадиган боладагига ўхшаш жараён кечади. Вақт ўтиши билан, товушларни талаффуз қилишга ўрганган бола бармоқлари ёрдамида «айта оладиган» сўзларини ва ибораларини оғзаки шаклда ҳам қўллайди.

Ота-оналар олдида иккита вазифа туради: ҳар бир белгини тўғри кўрсатиш ва у алифбодаги қайси ҳарфни англатишини билиш.

Унутмаслик керакки, белгиларни моҳирлик билан кўрсата олиш

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00663

(дактиллаш) биринчи дастлабки шарт. Бунинг учун айрим қоидаларни билиш керак: ўнг қўл билан «сўзлаш» керак. Қўлни кўкрак қафаси даражасида тутилади. Ўнг тирсак ўнг ёнга сиқилган. Қўл билан «гаплашганда», асосан, бармоқлар ҳаракатланиши лозим. Бунда ёзиш ва ўқишдаги жараён билан маълум умумийлик кўзга ташланади: сўзларни дактиллаб, ёзув жараёни ўзига хос тарза такрорланади, уни идрок қилаётган бола эса ўқиш жараёнини такрорлайди.

Бир пайтнинг ўзида гапирилса ва дактилланса, бунинг учун дактиллаш техникаси жуда яхши ривожланган бўлиши талаб қилинади, талаффуз бироз секинлаштирилади, бироқ бўғинлаб талаффуз қилинмайди, акс ҳолда бу боланинг оғзаки нутқида, унинг лабдан ўқишида ва талаффузида салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

**Ўқишга ўргатиш** мактабгача ёшда катта аҳамият касб этади. Бўгинлб ўқиш методикасидан фойдаланилади, у қирқма алифбо билан ишлаш, боланинг босма ҳарфлар билан ёзуви ҳисобига тўлдирилади. Ўқишни шакллантириш учун дастлаб фаолоият турлари жараёнида босма ҳарфлар билан ёзилган сўзлар, жумлалар акс эттирилган табличкалдардан фойдаланилади. Бола уларни дастлаб яхлит, кейинроқ бўғинлаб идрок эта бошлайди. Ўқиган жумла ва сўзларини тўғри тушунишини аниқлаш жуда муҳим. Бу мақсадда бола ўқиб бўлгач, предметни кўрсатади, ҳаракатни бажаради, тушунганини расмда, аппликацияда акс эттиради. Англаб ўқиш кўникмаларини шакллантириш учун бола ҳаётидаги ҳодисаларни акс эттирадиган қўлбола китобчаларни тайёрлаш ва ўқиш тавсии қилинади. Китобчадаги расмларни дастлаб катталар боланинг иштирокида, кейинрок боланинг ўзи бажаради. Қўл бола китобчалар тайёрлаш ва ўқиш боланинг ўқишга қизиқишини қўллаб-қувватлайди.

Диққат, тасаввурни ривожлантиришнинг муҳим воситаларидан бири ҳикоя қилиш саналади. Бунда катта ёшли киши болага кичик ҳикояларни айтиб беради, кўргазмалиликни таъминлаш учун ўйинчоқлар, қатнашчиларни акс эттирадиган фигурачалар, расмлардан фойдаланилади. Болани катта одамнинг эмоцилонал ҳикоясини кузатишга ўргатилади. Айнан бир хил ҳикояларни қайта-қайта айтиб бериш боланинг ўзи дастлаб ҳикоя қисмларини, кейинроқ бутун ҳикояларни айтиб беришига олиб келади. Ҳикоя қилиш жараёнида катта мактабгача ёшдаги болаларда ижодкорлик: ҳикоянинг давомини ўйлаб топиш, уларни мустақил ўқиш ривожланиши мумкин.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00663

Сўз структурасини мустаҳкамлаш учун аввал сўзларни табличкалардан кўчириш ва ёд олиш, кейин сўз ва жумлаларни хотирадан ёзиш кабилдардан фойдаланилади. Ёзувга қизиқишни шакллантириш учун турли методик усуллардан фойдаланилади: расмлар остига ёзиш, хат-топшириқ, хат-илтимоснома, кўриш-эшитиш ва эшитишга оид диктантлар. Катта мактабгача ёшдаги болалар қилган ишлари, бошқаларнинг қилаётган ишлари юзасидан ҳисобот ёзишни, сюжетли расмни тавсифлаш, дам олиш кунлари ҳақида бир неча боғланишли гап ёзишни билиши керак.

Бола нутқининг ривожланиши, талаффузни эгаллаш нутқий эшитиш, атроф оламдаги товушлар ҳақидаги тасаввурларнинг кенгайиши билан чамбарчас боғлиқ. Мактабгача ёш даврида нутқни эшитиб идрок этишни ривожлантириш босқичли тарзда давом эттирилади. Болаларни таниш овозни фарқлаш ва таниш нутқий материални (эшитиб) таниб олишга ўргатилади. Бу боталарда акустик образларнинг узоқ муддатли эшитиш хотираси, нутқни идрок этиш жараёнида улар билан операциялашга кўмаклашади.

Параллел равишда янги сўз, сўз бирикмалари, жумлаларни фарқлаш бўйича ишлар олиб борилади. Болага нотаниш сўзлар эшитиш учун тақдим этилади, бу эшитиш идрокини ривожлантириш ишлари изчиллигига боғлиқ тарзда амалга оширилади. Махсус машғулотлар, кундалик фаолиятда тўпланадиган эшитиш луғати бу материални тўлақонли ўзлаштиришнинг шарти бўлиб, турли типдаги сўз ва жумлаларнинг мазмун ва талаффуз томони шаклланишини таъминлайди. Эшитиб идрок этишнги ривожлантириш талаффуз устида ишлаш билан узвий боғлиқ. Зеро таклиф этилган материални бола оғзаки тарзда қайта яратади ва акустик образларни аниқлаштириш жараёнида сўзнинг товуш-бўғин ва ритмик-интонацион характеристикасини фарқлаш ва аниқлаштириш амалга оширилади. Эшитиш идрокини ривожлантириш жараёнида бола нутқий материални идрок этиш масофаси орттириб борилади. Кар болаларни нормал баландликдаги, заиф эшитувчиларни эса, шивирлаб гапирилганни идрок этишга ўргатилади.

Агар бирор сабабга кўра болангизни эшитишида нуқсони бўлган болалар учун махсус муассасага топшириш имконига эга бўлмасангиз, болангиз тарбиясини уйда ташкил қилинг.

Бунинг учун:

1) боланинг яхши жасмоний ривожланишива тетик, ҳаётдан қувониш ҳолатининг устун бўлишини таъминлаш;

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00663

2) тафаккур ва нутқ, диққат ва хотирасини ривожлантириш;
3) болада атрофдагилар билан мулоқот эҳтиёжини тарбиялаш;
4) ирода, ҳақиқатгўйлик, мардлик, ўртоқлик ҳиссини тарбиялаш;
5) болага элементар гигиеник-маданий кўникмаларни сингдириш ва ўз-ўзига хизмат кўрсатишга ўргатиш зарур.

## ХУЛОСА

Энг аввало, болангизнинг маиший турмушини ташкил қилинг. Унинг ёшига мос келадиган тартиб ўрнатинг. Фарзандингиз ўз вақтида (болалар поликлиникаси шифокори кўрсатмасига мувофиқ) ухлаши, овқатланиши, ўйнашига, тоза хавода имкон қадар кўп бўлишини назорат қилинг.

## REFERENCES

1. Психология глухих детей. /Под ред. Соловьев И.М., Шиф Ж.И., Розановой Т.В., Яшковой Н.В. –М., 1991.
2. Махсус педагогика М.У. Хамидова. -Тошкент 2018
3. Pedagogik- psixologik diagnostika D.A.Nurkeldieva Toshkent “VNESHINVESTPROM”, 2019 y.

ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 4 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00664

# ҲОМЕРНИНГ “ИЛИАДА”ДОСТОНИДА УЧРАЙДИГАН МАҚОЛ ВА ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАР

**Нуриддин Очилович Юсупов**
Самарқанд давлат чет тиллар институти ўқитувчиси

## АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ҳомернинг “Илиада” достонлари учун хос бўлган мақол ва мақол даражасидаги қанотли иборалар ҳақида сўз юритилган. Бундан ташқари айрим идиомалар ва идиоматик ибораларнинг пайдо бўлиш жараёни ҳақида ҳам маълум мулоҳазалар берилган. Н.Гнедичнинг қадимий юнон тилига тегишли бўлган, “Илиада”да ишлатилган оформизм ва идиоматик сўзларнинг рус тилига ва ундан ўзбек тилига қилдинган таржималари ҳақида ҳам лингвистик ва лиенгвопоэтик таҳлилларга ўрин берилган.

**Калит сўзлар:** Фразеологизм, идиомалар, Зевс, эпос, фольклор, мифология, эпиграмма, Ҳектор, Ахиллес.

## PROVERBS AND PHRASEOLOGISM IN HOMER'S ILIADA

## ABSTRACT

This article discusses idioms and catchphrases typical of Homer's Iliad epic. There are also some considerations about the process by which certain idioms and idioms arise. There are a linguistic and linguopoetic analysis of N. Gnedich's translations of aphorisms and idiomatic expressions from the original language, that is, from the ancient Greek language of the Iliad into Russian, and then from Russian into Uzbek.

**Keywords:** Phraseology, idioms, Zeus, epic, folklore, mythology, epigram, Hector, Achilles.

## КИРИШ

Достонда мақолларни ва ёки мақол даражасига етиб қолган ибора-идиомаларни ҳам баъзида учратишимиз мумкин, бироқ, аслида “Илиада”да мақоллар ёки мақол даражасидаги сўз бирикмаларидан пайдо бўлган иборалар – фразеологизмлар ва идиомалар унчалик ҳам кўп эмас. Мисол учун, қадимги юнонларда масалан, “келажак тақдир худди шамшир тиғига илингандек

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00664

омонатдир” - деган мақол бўлган. Бу мақол рус тилида қуйидаги каби жаранглайди: “На мечном острии распростерта или погибель... или спасение...”

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Кўриб турибсизки, ушбу мақол таржимаси сираям рус тилидаги вариантдан кам эмас. Бу ерда биринчидан рус таржимони Н.И.Гнедичнинг оригинал тилни қанчалик пухта ўзлаштиргани кўринса, иккинчидан ўзбек таржимони Қодир Мирмуҳамедовнинг ҳам маҳорати номоён бўлиб турибди. “Илиада” поэмасининг рус тилидаги таржима вариантига берилган изоҳда ушбу мақолга алоҳида тўхтаб ўтилган. Шунингдек, худди шу каби изоҳ ўзбек тилидаги таржимада ҳам мавжуд. Шу сингари мақолларнинг яна бири рус тилида ушбу кўринишда келган:

“Скройся в толпу; предо мною не стой ты, пока над тобою
Горе еще не сбылося! Событие зрит и безумный!”

Адбатта, ҳар иккала, яъни ўзбек ва рус тиллардаги таржима китобларнинг охирида изоҳлар берилган бўлиб, унда қадимги юнонларда шундай мақол бўлганлиги изоҳланган. Мақол ифода қилинган мисраларнинг ўзбек тилидаги таржимаси:

“Кўз олдимда турма, йўқса бошингга шум фалокат тушгай!
Бошга тушган фалокатни мушоҳада қилур аҳмоқ ҳам”

“Илиада” достони шеърий йўл билан ёзилган эпик асар. Шубҳасиз, унда баён услуби кучли. Воқеалар худди насрий китоблардаги каби баёний хусусиятга эга. Унда образ ҳам, портрет ҳам, манзара, характер ҳам ўзига хос тарзда, маълум кетма-кетликда ифода қилинган. Достон саҳифаларига битилган воқеаларини ўқиб чиқар экансиз, шу нарсага амин бўлиш мумкинки, ҳар бир манзара, ҳар бир тавсиф, таъриф ўз маромида, ўз ўрнида, айни пайтда реал тасвирга эга. Таржиманинг муваффақияти сабабли кишида худди азалдан ўзбек тилида битилган каби тасаввур пайдо қилади, яъни унинг аввал бошқа тилда мавжуд бўлганлиги эсингизга ҳам келмайди.

“Илиада”да уни мутоалаа қилувчи китобхонлар баъзан тушунмайдиган мифологик номлар, воқеа-ҳодисалар жуда кўп. Таржимон буни эътиборга олиб илмий асосланган ва Юнон мифологиясини изоҳлаб берадиган махсус илова, шунингдек нотаниш сўзларнинг шарҳини ҳам берган. Бундай қулайликлар асарнинг мағзини тушунишга ёрдам беради. Шубҳасиз ушбу таржима илҳом, меҳнат ва илмий тадқиқот меваси, кўп йиллик ижодий изланиш самараси. Ўзбек таржимачилик мактаби вакиллари таъкидлаган-ларидек, таржимачиликнинг янги ютуғидир.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00664

Энди қуйида яна бир мақолга диққат қилайлик, ушбу мақол достонда икки маротаба турли ўринларда келтирилган. Жумладан, Н.Гнедич таржимасидаги русча вариантда 17 қўшиқ 514-стих ва 20 қўшиқ 435 стих, лекин ҳар икки ҳолатга битта изоҳ (стр.407;) берилган. Шунингдек достоннинг Қ.Мирмуҳамедов томонидан қилинган ўзбек тилидаги таржимасида ҳам худди шу тартибдаги қўшиқларнинг мос мисраларида (296-бет ва 337-бет) битта изоҳ билан берилган. Достоннинг Н. Гнедич таржимасида чоп қилинган рус тилидаги изоҳида: «Все это еще в будущем» дейилган бўлса, ўзбек тилидаги муқобилида эса қуйидагича изоҳ берилган, яъни унда:“ҳали буни келажак кўрсатади, худо билади”, деган маъно мужассам. Энди, юқорида мисол сифатида айтиб ўтилган мисраларга диққат қилинг:

“Впрочем, еще то лежит у бессмертных богов на коленах:
Мчись и мое копие, а Кронион решит остальное!”

Худди шу мисраларнинг ўзбек тилидаги муқобилларига эътибор қаратинг:

“Лекин боқий тангриларнинг этагида ётур бу ҳали
Барибир мен найза отгум, у ёғини Зевс ҳал қилади”.

Албатта ушбу эпос жуда катта ҳажмга эга, бироқ унда берилган мақоллар жуда кам, деярли йўқ ҳисобида, гарчи бунга айрим идоматик жумлаларни қўшганимизда ҳам шундай хулоса қилишга тўғри келади. Умуман фольклорга оид ёки мифологик асарларда кичик ҳажмдаги ибораларнинг камлиги жамият тараққиётининг маълум ўзига хосликлари билан изоҳланиши мумкин.

Одатда қадимги давр халқ оғзаки ижодининг ривожида айни бир асар ёки эпос таркибидаги учқур ва машҳур иборалардан кўра кўпроқ кичик жанрларнинг яхшигина ривож топганлигини кўриш мумкин. Албатта қатор халқларнинг қадимги адабиётларида латифа, эпиграмма, топишмоқ синггари кичик адабий жанрларга мисолларни кўплаб топса бўлади. Энди катта ҳажмдаги эпик достон саналган “Илиада”даги энг кейинги мақолни бир қараб ўтайлик. Бу мақолнинг матни қуйидагича:

“С зеленого дуба иль с камня...”
“Гапни эман ёки тошдан бошламоқлик...”

Достоннинг йигарма иккинчи қўшиғида келтирилган бу мақолда, ўзига хос воқелик манзарасининг мантиқий хулосаси мавжуд. Бу ерда достоннинг энг қудратли қаҳрамонлари Ҳектор билан Ахиллес ўртасидаги яккама-якка жанг тасвирлари чизилиб берилаётган, ҳар икки қаҳрамонларнинг руҳий психологик ҳолатлари таъкидлаб ўтилаётган пайт. Энди энг кескин паллада бу жангнинг нимадан бошланганлиги, қандай келиб чиққанлигини суриштириб ўтиришнинг

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00664

вақти эмаслиги қайд қилинаётир. Шунинг учун ҳам гапнинг нимадан бошлашнинг аҳамияти йўқ бу ерда. Бу ерда қилич ва найза, қалқон ва куч-қудрат гапга киради. Бу ерда ўлим ва ҳаёт ўртасида жанг кетади. Мақол шунинг учун ҳам ниҳоятда ўринли ва ўз жойига тушган.

Достонда мақоллардан ташқари айрим идоматик иборалар ҳам мавжуд, қуйида шундай иборалардан айримларини ҳам рус ва ҳам ўзбек тилларидаги таржима шаклларини келтириб ўтаётирмиз. “Илиада”нинг ўн биринчи қўшиғида шундай мисралар бор:

“Сильно всегда убеждение друга”.

“Дўст каломин қувваси зўрдир”.

Достоннинг йигарманчи қўшиғидан олинган икки тилдаги иккинчи мисоллар:

“Гибок язык человека; речей для него изобильно”.

“Суяги йўқ дейдилар тилнинг, қаён бурсанг, шуён кетур”.

Маълум бўлаётирки, бундай иборалар ҳам таржима жараёнинг сифатини кўтаришга, ҳам унинг ифодавий жиҳатини ва маъно-мазмунини оширишга хизмат қилар экан.

Чуқурроқ таҳлил ва тасниф қилиш учун “Илиада”да келтирилган мақол ва анчайин бир қаттиқ ибора даражасига етиб қолган сўзларни қараб чиқиш лозим бўлади. Бизни бундай сўзларнинг тузилиши, структураси, шакли ва айрим морфологик парадигмалари қизиқтиради. Бундай мақол ва иборалар одатда, ўз мағзида кўп жиҳатларни қамраган бўлади.

Шу нарсани хулоса қилиш мумкинки, таҳлил учун олинган материалнинг деярли ярмини қотиб қолган ифодали сўзлар ташкил қилаётир. Бу ерда фразеологизмларнинг ўзига хос мисолларини кўриш мумкин. Ушбу мисолларда метафоралар учрамайди.

Масалан, “келажак тақдир худди шамшир тиғига илингандек омонатдир”-иборасини фаразан:“тақдир–омонат, шамшир тиғига илинган дай”– деб тушунса бўлади. Чунки бу гап от: (тақдир) ва сифат: (омонат) ва яна равиш:(... илингандай) сўз туркимига кирувчи сўзлардан иборат. Кейинги ушбу:

“Кўз олдимда турма, йўқса бошингга шум фалокат тушгай!

Бошга тушган фалокатни мушоҳада қилур аҳмоқ ҳам” –

мисраларни қараб чиқайлик. Уни фаразан қисқароқ ва оддийроқ қилиб ушбу тарзда тушунишга ҳаракат қилайлик:

“олдимда турма, йўқса, бошинг кетади, буни аҳмоқ ҳам билади”.

Ушбу ифоданинг грамматик тузилиши қуйидагича:

Буйруқ ва шарт майлидаги феъл + кўрсатиш олмоши + от + феъл.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00664

Мавжуд сўз бирикмаларининг дастлабкиси от ва сифат сўз туркимларига тааллуқли сўзлардан иборат. Иккинчи ибора эса феъл ва тушум келишигидаги олмош ва от ҳамда феъл сўз туркимларига оид сўз бирикмасидан иборат. Шу тариқа кейинги мисолларни кўриб ўтамиз:

“Лекин боқий тангриларнинг этагида ётур бу ҳали
Барибир мен найза отгум, у ёғини Зевс ҳал қилади”.

Ушбу мисолни фаразан оддийроқ ва қисқароқ тушунсак: “эртага нима бўлади, худо билади” шаклига эга. Унинг грамматик тузилиши, қуйидаги сўз туркимларига оид сўзлардан таркиб топган: олмош + от + феъл. Энди кейинги мисол:

“Гапни эман ёки тошдан бошламоқлик...”

Ушбу мисолнинг грамматик тузилиши: тушум келишигидаги от ва чиқиш келишигидаги феълдан иборат. Навбатдаги мисолни қарайлик:

“Дўст каломин қувваси зўрдир ”.

Ушбу мисолнинг грамматик тузилиши: қаратқич келишигидаги от ва феълдан ташкил топган. Ва ниҳоят сўнгги мисол:

“Суяги йўқ дейдилар тилнинг, қаён бурсанг, шуён кетур”.

Ушбу мисолнинг грамматик тузилиши: от+от+жўналиш келишигидаги феълдан иборат.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Бундай олиб қараганда, Ҳомернинг “Илиада” достонига тааллуқли юқоридаги баъзи сўз бирикмалари грамматик жиҳатдан олмош + от + феълнинг қўшилувидан тузилган бўлса, кейинги идиома тушум келишигидаги от ва чиқиш келишигидаги феълдан иборат. Шунингдек, навбатдаги мисол учун олинган ибора: қаратқич келишигидаги от ва феълдан ташкил топган. Охирги ибора эса грамматик тузилишига биноан: от ва жўналиш келиши-гидаги феълдан иборат.

Яна таъкидлаб ўтиш жоизки, ўз ифода услубига кўра, мавжуд фразеологик бирликлар феъл ва бошқа сўз туркимидаги сўз бирикмаларининг қўшилишидан пайдо бўлган.

Одатда фразеологизмлар маълум бир тилга оид бўлиб, нисбатан шаклланиб улгирган сўз бирикмаларидан иборат бўлади, унинг маъноси эса баъзида шу ибора таркибига кирган сўзлар воситасида аниқланади. Фразеологизмлар одатда семантик жиҳатдан бус-бутун шаклда ишлатилади, улар бўлиниб кетмайди.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00664

Турли лингвист олимлар фразеологизмлар ва уларнинг хоссаларини ҳар хил тарзда талқин этадилар, бироқ уларнинг умумий жиҳатлари қуйидагича: улар қайта тикланади, улар таркибидаги сўзлар қотиб қолганлилик хусусиятига эга, шунингдек, шаклидан фарқли равишда кўра ўзгача маъно бера олишлиги ва айни маълум бир тилга мансублиги ва шу кабилар.

Умуман олганда фразеологизмлар таркибига идиомаларни, сўз оборотларини, (яъни: маъноси ўзгача бўлган ва баъзан тарвақайлаган сўзлар), фразеологик бирикмалар ва бирликларни киритишимиз мумкин.

“Илиада”достонининг 1960 йилда чоп қилинган нашрига ёзган сўзбошисида ҳомершунос олим И.Шталь қуйидагича фикр билдиради: “Ҳомер “Илиада” достонининг таржимаси рус шоири Н.И.Гнедич томонидан амалга оширилган. Таржимон ушбу достон таржимаси устида қариийб йигарма йил ишлаган ва фақат 1829 йили уни тугатган. У достоннинг қадимги оригинал тили бўлмиш юнон тилини олдин ўрганган ва шундан кейин таржима ишига жуда катта қунт ва эътибор билан қараган. Шунинг учун ҳам достон таржимаси ва талқинида бирон-бир хато ва камчиликлар бутунлай ўтмаган. Достоннинг асл матнидаги шеърий ўлчов: ҳекзаметр (олти стопли дактиль) сақлаб қолинган.

**ХУЛОСА**

Н. И. Гнедич достоннинг поэтик хусусиятлари, тили Ҳомерга хос баён услубини ўз оддийлигича, ўз кучи ва салмоғи билан сақлаб қолишга интилган. Ўз таржимасида Ҳомер услубининг худди шу сифатларини сақлаб қолишга ҳаракат қилган ҳолда, у архаизмларни ишлатган ва асарнинг умумий кўтаринки қадимий оҳангини эски сўзлар воситасида қайта тиклашга интилган. Унинг таржимон сифатидаги меҳнатининг кўлами, эски славян ва русча сўзлардан кенг фойдаланганлиги шу билан изоҳланади”. Дарҳақиқат, ҳозирги пайтда “Илиада”нинг рус тилида қатор – қатор таржималари бўлса-да, Н.И.Гнедич томонидан қилинган ушбу таржима кўпчиликнинг эътирофига сазовор бўлиб келаётир.

Шунинг учун ҳам, моҳир ўзбек таржимони Қодир Мирмуҳамедов достоннинг ушбу таржимасини асос учун олганлиги бежиз эмас. Шуни ҳам айтиш керакки, Қодир мирмуҳамедов бадиий таржима соҳасида баракали ижод қилган, таржимани чинакам санъат деб билган, таланти, қобилиятини шу йўлга сарфлаган, яхши натижаларга эришган адиблардан бири ҳисобланади. “Илиада” таржимасига қўл уришдан олдин у кўплаб насрий, шеърий ва драматик асарларни маҳорат билан ўзбек тилига ўгириб, малака ва тажриба ҳосил қилди.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00664

Унинг таржималари орасида жаҳон адабиётининг дурдонасига айланган Ж. Боккаччонинг “Декамерон” номли асари, Л.Толстойнинг “Ёшлик” автобиографик повести, В.Гюгонинг “Бюг Жаргаль”, Ж. Лондоннинг “Мартин Иден”, Р. Тагорнинг “Хонадон ва жаҳон”, “Сўнгги достон” романлари, М. Горькийнинг “Клим Самгиннинг ҳаёти” номли эпопеяси, шунингдек Т. Шевченко, К.Чапек, М. Шолохов, М. Булгаков сингари атоқли ёзувчиларнинг асарлари бор.

Қ. Мирмуҳамедов таржимасида саҳналаштирилган драмаларнинг ўзи ўндан ортиқ, у таржима қилган киносценарийларнинг сони эса бир юз элликка етади. Бундан ташқари, Қодир Мирмуҳамедов томонидан таржима қилинган “Эзоп масаллари тўплами” антик даврга тааллуқли бўлган асарлар таржимасининг янги бир шодаси десак бўлади.

## REFERENCES

1. Ҳомер “Илиада” русчадан Қодир Мирмуҳамедов таржимаси, Тошкент–1988. 171- бет.
2. Гомер. “Илиада” перевод Н.И.Гнедича. М-1960.10-песня, стихи:173-174; Примечание: стр. 404.
3. Гомер. “Илиада” перевод Н.И.Гнедича. М-1960.17-песня, стих:32; Примечание: стр. 407.
4. Ҳомер “Илиада” русчадан Қодир Мирмуҳамедов таржимаси, Тошкент–1988. 284- бет.
5. Гомер. “Илиада” перевод Н.И.Гнедича. М-1960.17-песня, стих:514; Примечание: стр. 407.
6. Ҳомер “Илиада” русчадан Қодир Мирмуҳамедов таржимаси, Тошкент–1988. 296-бет.
7. Гомер. “Илиада” перевод Н.И.Гнедича. М-1960.22-песня, стих:126; Примечание: стр. 409.
8. Ҳомер “Илиада” русчадан Қодир Мирмуҳамедов таржимаси, Тошкент–1988. 357-бет.
9. Ўша китоб. Стр.188.
10. Ўша китоб: 199-бет.
11. Ўша китоб. Стр.321.
12. Ўша китоб: 332-бет.
13. https://moluch.ru/conf/phil/archive/258/13431/
14. Опарина Е. О. Ш. Балли // Европейские лингвисты XX в.: Сб. обзоров. М., 2001.
15. Гомер. “Илиада” перевод Н.И.Гнедича. М-1960. Стр.6.

ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 4 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00665

# МАКРОНОМИНАТИВ МАЪНО ОРТИДА МАКРОПРОПОЗИТИВ СТРУКТУРА ҲАҚИДА

**Наргиза Мардоновна Сулейманова**
Самарқанд давлат чет тиллари институти катта ўқитувчиси

**Акбар Рустам ўғли Идиев**
Самарқанд давлат чет тиллари институти ўқитувчиси

## АННОТАЦИЯ

Макропропозиция ходисасининг ифодаланишида гапнинг ёхуд муайян объектнинг синтактик структурасини ташкил этувчи барча воситалар бир хилда фаоллик кўрсатмайди. Бунда хабар ифодасининг марказида бўлган номинатив бирликларгина фаол иштирок этади.

**Калит сўзлар:** макрономинатив, макропропозитив, синтактик структура, номинативлик, пропозиция.

# ABOUT THE MACROPROPOSITIVE STRUCTURE BEHIND THE MACRONOMINATIVE MEANING

## ABSTRACT

Macroproposition phenomena do not function in the same way as all means that make up the syntactic structure of a sentence or a particular object. Only the nominative units at the center of the message expression are actively involved.

**Keywords:** macronominative, macropositive, syntactic structure, nominativity, proposition.

## КИРИШ

Равшанки, референт мавжудлиги номинатив маънога ишора қилади. Шундай бўлгач, бу ўринда алоҳида пропозициялар ва номинатив маънолар макроструктура таркибида бирлашади. Макроструктурада эса макропропозиция ва бир пайтнинг ўзида макрономинатив маъно шаклланмоқда. Бироқ улар аниқ ифодали эмас. Бошқача айтганда, макропропозицияга ҳам, макрономинатив маънога ҳам вербал ифода етишмаганини кузатамиз. Шу боис бундай вазиятда имплицит ифода тушунчасидан фойдаланамиз.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00665

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Албатта, макростуктура тушунчасини инкор этиб бўлмайди. Бироқ уни макроматнга нисбатан, масалан кўп компонентли абзацга нисбатан қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бундай абзац материалида эса, кўриб ўтганимиз сингари, макропропозиция, макрономинатив маъно тушунчаларининг илмий талқинини бера оламиз: *Бобом мункиллаган қария одам. Қошлари ўсиқ, сийрак соқоли оппоқ. Бурушиқ қўлларида томирлар қаварган, йирик бармоқлари қадоқли, ориқлигидан гавдаси чўккан, елкаси чиққан (Ойбек. Болалик).*

Берилган абзацда битта мустақил гап ва иккита боғловчисиз мураккаб синтактик қурилма қатнашаётганини кўрамиз. Бунда абзац ортида асар муаллифи бобосининг портретини акс эттирувчи ситуация мавжуд бўлиб, унинг воситасида макроструктура шаклланмоқда. Бу жуда муҳимдир, чунки макропропозиция ва макрономинатив маъно ана шу макроструктурага таянмоқда.

Айни пайтда алоҳида пропозитив номинация ҳодисаси берилган гапларнинг ҳар бирида кузатилади. Бундай гаплар сони еттита. Уларнинг олтитаси мураккаб синатактик қурилмалар компонентлари мақомида келаётган бўлса, биринчи гап ўзича мустақилдир. Ана шу гапларнинг номинатив маъноларининг жами макрономинатив маънони беради. Агар номинатив маънолар пропозиция тушунчаси билан боғланадиган бўлса, у ҳолда макрономинатив маъно ортида макропропозитив структура мавжудлигини кўрамиз.

Шуни ҳам айтиш лозимки, ҳар қандай синтактик структуранинг шаклланиши коммуникатив жараёнда рўй беради. Кўриб ўтганимиз абзацнинг ҳам деривацион асоси муайян коммуникатив жараён саналади. Демак, макроструктуранинг ҳам, макропропозициянинг ҳам, макрономинатив маънонинг ҳам шаклланиши коммуникатив жараён билан боғлиқ. Бу ҳақда сўз юритганида Н.Турниёзов қуйидагиларни қайд этади: “ ...гапнинг коммуникатив аспекти бир пайтнинг ўзида ҳар бири ўзича мустақил категорияларни ташкил этувчи предикативлик, номинативлик ҳодисалари ҳамда пропозиция тушунчаси билан узвий боғлиқдир. Албатта, уларни мутлақ автоном характерли деб бўлмайди, чунки бирининг шаклланиши иккинчиси билан бевосита алоқадордир. Буни биринчи галда семантик планда кузатамиз” [7, 57].

Номинализация ҳодисасининг шаклланиши биринчи навбатда пропозитив структуранинг предикатига асосланади. С.Д.Кацнельсон бу хусусда мулоҳаза

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00665

юритганида, гап бири иккинчиси билан боғланмаган сўз ёхуд морфемаларнинг муносабатидан эмас, балки пропозиция замирида вужудга келишини қайд этади. Гапнинг пропозитив структураси унинг синтактик шаклланиши учун зарур бўлган тил элементларини олдиндан белгилаб беради [3, 8]. Демак, гапнинг синтактик шаклланиши пропозитив структураси билан боғлиқ бўлса, пропозитив структуранинг вужудга келиши унинг предикати билан боғлиқдир.

Н.Турниёзов пропозиция ҳодисаси ҳақида қуйидагиларни таъкидлайди: “...пропозиция ҳодисасининг ифодаланишида гапнинг синтактик структурасини ташкил этувчи воситаларнинг барчаси бир хилда иштирок этмайди. Бунда хабар ифодасининг марказида бўлган сўзларгина фаоллик кўрсатади, предикативлик ҳодисаси эса гапнинг синтактик структурасини ташкил этаётган барча сўзларнинг у ёки бу даражадаги иштирокида рўй беради” [8, 60].

Бироқ гапнинг предикативлик ҳодисаси доирасида вужудга келаётган юзаки синтактик структурада барча сўзлар фаол қатнашади. Бу жуда муҳимдир, зотан, фикрнинг тўлиқ ифодаси сўз билан боғлиқдир. Бу ҳақда сўз юритганида Е.С.Кубрякова қуйидагиларни мутлақо тўғри таъкидлайди: “Мысль не только творится в слове, она немыслима без слов, если мы хотим сделать её достоянием другого человека. Синтаксис может быть сведён до минимума, синтаксическая структура может быть равной слову по своей структурной (форматной) характеристике. Но быть свободным от номинации синтаксис не может” [5, 135].

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Гапнинг номинатив маъноси, шубҳасиз, синтактик структуралар доирасида вужудга келади. Синтактик структуралар эса сўзларнинг синтагматик боғланишида шаклланади. Синтактик муносабат бўлмас экан, синтактик структуралар ҳақида сўз юрита олмаймиз. Синтактик структуралар сатҳида сўзларнинг жойлашиш тартиби (позициялари) муҳим рол ўйнайди. Масалан, О*н возвратил отца сыну – Он возвратил сына отцу* тарзидаги гапларда қатнашаётган сўзлар бир хил бўлишига қарамай, бу ерда *отец* ва *сын* сўзларининг (берилган гапларда) жойлашиш тартиби ҳар хил эканлигини кўрамиз. Бу орқали ушбу гапларнинг мазмуний жиҳатлари ҳам қисман фарқланмоқда [2, 290].

Синтактик структуралар шаклланиши сўз билан боғлиқ экан, айни пайтда сўз танланиши масаласи муҳим аҳамият касб этади. Бошқача айтганда, олдин синтактик структура танланадими ёки сўз аввал танланадими, деган савол

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00665

туғилиши табийдир. Аввал ҳам эслатиб ўтилгани каби, Ежи Куриловичнинг фикрига кўра, айни пайтда олдин синтактик структура ва ундан сўнг лексик бирликлар танланади [6, 179].

Бизнингча, бу ўринда сўз ёки синтактик структуранинг қайси бири олдин танланиши масаласи муҳим эмас. Ҳар икки ҳолатда ҳам номинатив маънонинг шаклланиши катта аҳамият касб этади. Муайян тилда сўзловчи кишининг онгида синтактик структуралар моделлари мавжудлиги табиийдир. Бироқ мазкур моделларнинг нутққа кўчирилиши лексик бирликларга мурожаат этишга ундайди. Лексик бирликлар билан тўлдирилган моделларда тўлақонли номинатив маъно вужудга келади. Акс ҳолда эса фақат абстракт номинатив маъно хусусида сўз юрита оламиз. Чунки синтактик структура лексик бирликлар билан тўлдирилмаган ҳолатда ана шундай мақомда бўлади.

С.Д.Кацнельсон ҳам гап шаклланишидан олдин унинг структураси тайёр ҳолда мавжуд бўлади, деган ғояни олға суради. Унинг фикрига кўра, синтактик структуралар схемалари қолипида янги гап туғилади, синтактик структура эса шу боис динамик характерлидир [4, 130].

## ХУЛОСА

Шуни ҳам айтиш керакки, сўнгги йилларда синтактик структура схемасини тил бирлиги тарзида изоҳлашмоқдалар. Назаримизда, тил системасида мавжуд бўлмаган унсурларни унинг бирлиги деб билиш мақсадга номувофиқдир. Чунки гапнинг синтактик схемаси сўзловчининг (инсоннинг) онгида тайёр ҳолда яшайди. Бундай схемалар инсоннинг йиллар давомида сўзлашуви орқали унинг онгига сингиб қолади. Бу ҳақда мулоҳаза юритганида профессор М.Абдуразоқов қуйидагиларни тўғри таъкидлайди: “... она (структурная схема-Н.С.) присуствует в сознании говорящего субъекта как психологическая и мыслительная реальность, как форма общественного сознания” [1, 67].

Мазкур фикрга тўлиқ қўшилган ҳолда шуни ҳам айтмоқчимизки, гапнинг структур схемаси инсон онгида тафаккур маҳсули сифатида яшаса-да, у абстракт ҳолатдаги номинатив маънога эга бўлади. Лексик воситалар билан тўлдирилган схемалар эса нутқда яшайди ва тўлақонли номинатив бирликлар саналади.

## REFERENCES

1. Абдуразаков М.А. Семантические типы субъектов. – Ташкент, 1991.- С.67.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00665

2. Кацнельсон С.Д. Общее языкознание. Внутренняя структура языка. – М., 1972.- С.290.
3. Кацнельсон С.Д. Речемыслительные процессы⁄⁄Вопросы языкознания, 1984,№4. -С.8.
4. Кацнельсон С.Д. Общее и типологическое языкознание.– Л., 1986.-С.130.
5. Кубрякова Е.С. Номинативный аспект речевой деятельности. –М., 1986.-С.135.
6. Курилович Е. Проблемма классификации падежей. В кн.: Курилович Е. Очерки по лингвистике. –М., 1962. –С.179.
7. Турниёзов Н. Гап ва унинг деривацион хусусиятлари⁄⁄Ўзбек тили деривацион синтаксиси. –Тошкент, 2011, 57-бет.
8. Турниёзов Н., Турниёзов Б., Турниёзова Ш, Ўзбек тили деривацион синтаксиси, 60-бет.

ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 4 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00666

# РАҲБАР СИЁСИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИНГ НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛИ

**Зилола Турақуловна Мавлонова**
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти Психология кафедраси ўқитувчиси
zilola1985s@gmail.com

## АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада раҳбар шахси ва унинг сиёсий компетентлигининг ўзига хос жиҳатлари муҳокама қилинган. Шунингдек, сиёсий компетентлик муаммосининг назарий-методологик масалалари, пайдо бўлиш шарт шароитлари, ушбу масалада тадқиқот олиб борган олимларнинг ишлари таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** раҳбар, ижтимоий психология, сиёсий онг, сиёсий маданият, компетентлик, раҳбарлик, таҳлил, методлар.

# THEORETICAL ANALYSIS OF LEADER POLITICAL COMPETENCE

## ABSTRACT

This article discusses the personality of a leader and the specifics of his or her political competence. Also, the theoretical and methodological issues of the problem of political competence, the conditions of its emergence, the work of scientists who have conducted research on this issue are analyzed.

**Keywords:** infancy, leadership, social psychology, political consciousness, political culture, competence, leadership, analysis, methods.

## КИРИШ

Бутун дунёда бошқарувни такомиллаштиришнинг асосий мақсади раҳбарларга янги муҳит талаблари асосида тайёрлаш. Барча соҳаларида уларнинг эркин фаолиятини таъминлаш, раҳбар-ёшларнинг, ҳалқаро муносабатларда етакчи ҳисобланган сиёсий компетентлик хусусиятини шакллантиришдан иборат. Ўзбекистонда шахслараро муносабатларнинг тобора замонавий тус олиши, яъни раҳбарлар ва ўқитувчилар алмашинуви, олий таълим муассасалар ҳамкорлиги, халқаро конференциялар, туризм соҳасининг ривожланиши бўлажак мутахассисдан сиёсий компетентлик хусусиятларини талаб қилмоқда.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ҳозирга қадар сиёсий компетентликнинг тарихи – Арасту, Сенек, Макеиавелли, Руссо Тоббс, Симит, Гегель каби мутафаккирлар номи билан боғлиқ. Ўз даврида бу мутафаккирлар бошқа назарий қарашларга, яъни

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00666

психологияга алоқаси бўлмаган ёндашувга асосланган ҳолда ушбу масалаларни ўрганишган.

Файласуфлар, социологлар, психологлар ва сиёсатшунослар сиёсатдаги янги ҳодисаларга эътибор бера бошладилар. Унда раҳнамолар, қироллар, президентлар ва сиёсат оламининг вакиллари билан бир қаторда ҳалқ оммасининг ҳам ўрни борлигини эътироф этишган. Бу мавзуга биринчилардан бўлиб француз олими Г.Лебон ўзининг “Халқлар ва омма психологияси”, “Оломон психологияси” асарлари орқали эътиборини қаратган. Г.Лебон оммада шахснинг индивидуаллиги, кучи ва барқарорлигини йўқотувчи хавф мавжуд деб баҳолайди. Омманинг турлари ичида айниқса оломонга алоҳида таъриф бериб унга хос тажовузкорлик, жазава, масъулиятсизлик каби хусусиятларни таъкидлаб ўтган.

Замонавий тадқиқотчилар эса оммавий хулқ-атвор нафақат салбий ҳарактерга, балки ижобий жиҳатларга ҳам эгалигини таъкидлайдилар. Сиёсий компетентлик шаклланишига психоанализ назаряси тарафдори Г.Лассуэлнинг “Психопатология ва сиёсат” асари ҳам катта ҳисса қўшган.

XX аср бошларида эълон қилинган П.И.Ковалевскийнинг “Тарихдан психиатрик этюдлар” китобида кўплаб машҳур сиёсий арбоблар шоҳ Давиддан Петр I гача, Суворовдан Жанна Д.Арккача ва Наполеоннинг психологик портрети тавсифлаб берилган. А.А.Бодалев ўзининг “Қандай қилиб машҳур ва буюк бўлиш мумкин” деб номланган китобида кўплаб машҳур кишиларнинг сиёсат майдонига кириб келиш тарихи ҳақида фикр юритади. Шунингдек, ушбу муаммога доир Б.Ф.Поршнев, Ю.Н.Давидов, В.Д.Паригин, Ю.Ф.Замошкин каби социологлар, тарихчилар, психологларнинг илмий тадқиқот ишлари эълон қилинди.

Яқин-яқинларгача жуда кўплаб олимлар сиёсий компетентликнинг мустақил категория сифатида эътироф этилишига шубҳа билан қарашган, сиёсий муаммоларни таҳлил қилишда психологияни кутилмаган феномен сифатида қабул қилишган. Психологлар эса янги фаннинг предметини аниқлашда жуда кўп қийинчиликларга дуч келишган.

Сиёсий компетентликни предмет сифатида ўрганиш борасидаги баҳс-мунозарадаги муҳим хусусиятлар қуйидагилардан иборат.

Биринчидан, сиёсий компетентликнинг психологик таркибий қисмини нима ташкил этиши керак?

Иккинчидан, сиёсий компетентликнинг таркибий қисмлари сифатида сиёсий хулқ-атвор, сиёсий тафаккур, сиёсий маданият, сиёсий онгни ўрганадиган мутахассислар тадқиқот воситаси сифатида сиёсий ва психологик статистика ва социологик методологиядан фойдаланишган, сиёсий психологик махсус методологик асосга эга бўлмаган.

Сўнгги йилларда фанлараро оралиқдаги муаммоларга бағишланган кўплаб нашрлар пайдо бўлади. Уларда шахснинг сиёсатда ривожланиш қонуниятлари, сиёсий маданиятнинг мамлакат тақдирига таъсири, шаклланган

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00666

тарихий менталитет (ақл-идрок)нинг миллат тараққиётига таъсири муаммолари акс эттирилган.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Сиёсий компетентликнинг предмети таркибига кирган феноменларини аниқлаш масаласи ҳам мунозаралидир. Масалан, Г.Г.Делининг фикрича, сиёсий психология макросиёсий жараёнларни эмас, балки сиёсатчилар психологиясини ўрганиши керак.

М. Херманн, Ж.Кнутсон, Х.Юлау каби сиёсий психологлар фикрича, сиёсий компетентликнинг вазифаси сиёсат субъектлари шахсининг хулқ-атвор ва когнитив (билиш) соҳа билан боғлиқ жиҳатларини ўрганиш, унинг қонуниятлари, механизмлари, шарт-шароитлари, омилларини тадқиқ этишдан иборат.

Жамоалардаги ўзаро муносабатлар юқоридан пастга ёки аксинча бўлиб, жамоа аъзоларининг конкрет мавқелари, бошлиқ билан бўйсунувчилар ўртасидаги муносабатларни ўз ичига олади. Бу борада «Раҳбар» ва «Бошлиқ» тушунчалари ўртасидаги фарқлар ҳақида гапириш лозим. Б.Д.Паригин бу икки тушунчани фарқлаб шундай ёзади.

1. Лидер асосан гуруҳдаги шахслараро муносабатларни бошқарса, раҳбар-шу гуруҳдаги расмий муносабатларни бошқаради;
2. Лидерлик кичик гуруҳларгагина мос бўлган ходиса бўлса, раҳбарлик ҳақ-ҳуқуқлари катта гуруҳлар доирасида ҳам содир бўлиши, амалга ошрилиши мумкин;
3. Агар лидерлик стихияли, бетартиб жараён бўлса, раҳбарлик мАқсадга қаратилган, жамиятда ишлаб чиқилган нормалар, тартиблар асосида сайловлар оқибатида содир бўладиган ходисадир;
4. Лидерлик раҳбарликка нисбатан вақтинчалик ходиса бўлиб, гуруҳ аъзоларининг кутишлари, уларнинг кайфиятлари, фаолият йўналишига қараб, узоқроқ муддатда ёки қисқа муддатда рўй беради;
5. Раҳбарнинг лидердан фарқи шундаки, у лидерда йўқ бўлган жазолаш ва рағбатлантириш тизимига эга бўлиб шу асосда ўз ходимларига таъсирини ўтказиши мумкин;
6. Лидер гуруҳда у ёки бу қарорлар, кўрсатмалар, ташаббусларни ўз ихтиёрича, бевосита чиқариши мумкин, раҳбарда эса бу йўналишда кўплаб расмий кўрсатмалар, режалар, нормалар, буйруқлар мавжудки, улар доирасидан чиқиб кетиш қийин;
7. Лидернинг фаолияти фақат кичик гуруҳлар доирасида амалга оширилса, раҳбар шу гуруҳдаги кенгроқ ижтимоий доирадаги жамиятнинг вакили бўлганлиги учун, унинг ваколатлари ҳам кенг, фаолият имкониятлари ҳам ортиқдир.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00666

Лидерлик ходисаси тўғрисида гап кетар экан, лидерлик назариялари ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтиш лозим. Хозирги кунга қадар лидерлик тўғрисида асосан учта назария мавжуд.

Биринчиси «лидерлик сифатлари назарияси» дир ёки харизматик назария мавжуд. Унинг моҳияти шундаки, ҳамма ҳам лидер бўла олмайди, айрим шахсларда шундай сифатлар йиғиндиси туғма мавжуд бўлиб, улар унинг гуруҳда лидер бўлишини таминлайди. Масалан, 1940 йилда америкалик К. Берд 79 сифатдан иборат бўлган лидерлик қирралари рўйхатини тузди. Бу рўйхатда жумладан, ташаббускорлик, мулоқотга кириша олиш, юмор хисси, ўзига ишонч, тез ва аниқ қарор қабул қила олиш, ташкилотчилик каби сифатлар ҳам бор эди. Лекин бу назарияларнинг хатолиги шунда эдики, биринчидан, у юқоридаги сифатлар қандай қилиб намоён бўлади-ю, қандай шаклланишини тушунтириб бера олмайди, иккинчидан, сўровлар мобайнида бирорта сифат ҳам мутлақ кўп марта қайд этилмайди.

Иккинчи назария лидерликнинг вазияга боғлиқлиги назариясидир. Бу ердаги асосий ғоя – лидер вазиятни маҳсули деган ғоядир. Ҳар бир одамда лидерлик сифатлари бор, лекин айрим вазиятлар айрим шахсларни ўзларини кўрсатишлари, Лидер бўлишлари учун қулай хисобланади.

Юқоридаги икки назарияни танқид қилиш натижасида пайдо бўлган учинчи назария лидерликнинг синтетик назариясидир. Бу назария лидерни гуруҳий муносабатларнинг бевосита мақсули деб қарайди, лидернинг рўёбга чиқишида гуруҳнинг бирламчи ролини илгари суради.

Рус психологи А.Н. Леонтьевнинг фаолият концепциясига таянган ҳолда, лидерликни фаолият маҳсули, гуруҳнинг ушбу фаолиятга муносабати ва гуруҳда қабул қилинган нормалар ва ижтимоий кутишларга ким кўпроқ жавоб беришига қараб лидерни аниқлаш мумкин деб кўпчилик томонидан маъқул ёндашишлардан бири деб қабул қилинмоқда. Юқорида келтириб ўтилган қарашлар рахбар шахси ёки жамоада лидерларнинг кометентлигини шакллантиришда ижтимоий-психолгик ёндашувларнинг ўрнини алоҳида таъкидлаб ўтади.

## ХУЛОСА

Демак, лидер ёки рахбар хеч қачон ёлғиз бўлмайди, у шу жамоа аъзоларини у ёки бу ҳаракатларга чорлайди. Чунки рахбар жамоа аъзоларининг психологияси, уларниг кайфиятлари, интилишлари, қизиқишлари ва хакозоларни ҳаммадан ҳам яхши билади, улар ичида энг ташаббускоридир. Обрўлилик шахснинг шундай хусусиятидирки, у бошқа шахсларга ҳам хиссий-эмоционал, ҳам иродавий таъсир кўрсата олиш қобилиятига эга. Норасмий обрўлилик, яъни шахслараро муносабатлар махсули сифатида орттирилган обрў жуда самаралидир.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00666

## REFERENCES

1. Goziyev, E. (2010). *Umumiy psixologiya*. Yangi asr avlodi.
2. Davletshin, M. (2002). Umumiy psixologiya. TDPU.
3. Лебон, Г. Психология народов и масс. (1995) СПб. «Макет».
4. Стефаненко, Т. Этнопсихология. (1999) М. Академический проект.
5. Ғаниев, Э. Олий мактаб психологияси. (1997). -Т., ―Ўқитувчи‖ нашр.
Андреева, Г. Социальная психология. (1999). М. Аспект пресс
6. Samarova Shoxista Rabidjanovna, Rakhmonova Muqaddas Qahramanovna, Mirzarahimova Gulnora, Ikromovna, Maratov Temur Gayrat ugli, Kamilov Bobir Sultanovich. (2020). Psychological aspects of developing creative personality and the concept of reduction of creativity to intellect. JCR. 7(17): 498-505. doi: 10.31838/jcr.07.17.69
7. Maratov Temur Gayrat ugli (2019) Scientific theoretical problems of perfect human category in the psychology. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. 7(8). 16-22.
8. NJ Эshnaev, TG‘ Maratov, G Mirzaraximova. (2020). O‘zbek milliy kino san’ati va madaniyatida psixoprofilaktik xizmat tizimini joriy этish masalalari. Oriental Art and Culture 03. 156-165.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00667

# АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

**Бахтиёр Қурбонович Турдимуродов**
Тошкент тиббиёт академияси Термиз филиали ўқитувчиси
baxtiyor.turdimurodov@mail.ru

## АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ўқитишнинг ананавий усуллари эскиришини ҳисобга олиб, уларни АКТлар ва дастурий воситаларни қўллаган холда инновацион технологиялардан фойдаланишни таълимда қўллаш ҳамда кузатувлар ва тахлиллар асосида максадга эришилган.

**Калит сўзлар:** Ахборот, маълумот, компьютер, дастурий таъминот, таълим, инновация, технология, электрон дарслик, электрон видео дарслик, педогогик технологиялар.

# USE OF INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN TEACHING PRACTICAL TRAINING

## ABSTRACT

In this article, taking into account the obsolescence of traditional teaching methods, their use in education using ICTs and software tools, as well as the purpose of achieving the goal based on observations and analysis.

**Keywords:** Information, information, computer, software, education, innovation, technology, e-textbook, e-video textbook, pedagogical technology.

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини комплекс ўрганиш бўйича ўтказилган таҳлил натижалари асосида берилган хулосаларда олий таълим ўқитиш жараёнида назария ва амалиёт яхлитлиги таъминланмаганлиги, таълим сифатини назорат қилиш механизми замонавий талабларга жавоб бермаслиги маълум бўлди.

Ушбу йўналишда биз томондан олиб борилган кузатишларда шу нарса маълум бўлдики, талабаларни Интернет ёрдамида фанларни ўзлаштириш жараёнида: бир тоифа талабалар фанни тўлароқ, чуқурроқ ўзлаштиришса,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00667

иккинчи тоифа талабалар акси, талаб даражада ўрганолмаётгани маълум бўлди.Чунки, фанга доир мақбул вариантдаги интернет маълумотини танлаб олиш учун кўплаб вақт мобайнида адабиётларни кўриш, ўрганиш зарур бўлади. Юзага келган ҳолат дарсдан кейин талаба ва ўқитувчини ҳамкорликда индувидиал кўпроқ ишлашини талаб этмоқда.

Келтирилган кўрсатмалар асосида информацион ахборот технологиясига оид фанлар бўйича 3 йўналишда биз томондан қуйидаги тадқиқот ишлари амалга оширилди:

1)тиббиёт касб таълими йўналиши фанларига компьютер технологиясини қўллашга доир илмий изланишлар;

2)ижтимоий ва тиббиёт соҳага ахборот технологиясини қўллаш йўналишидаги илмий изланишлар.

3)тиббиёт саноати ва ишлаб чиқаришида компьютер технологиясини қўллаш йўналишида олиб борилган илмий изланишлардан иборат.

Бу тадқиқот ишларимиздан асосий мақсад: талабаларни кун сайин ошиб бораётган ахборот-таълим муҳити шароитида **мустақил равишда фаолият** кўрсата олишга, соҳаларда замонавий **ахборот технологияларини самарали қўллаш** ва ахборот оқимидан **оқилона фойдаланишга** ўргатишдан иборат эди.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Замонавий таълим шароитида олий ўқув юртлари талабаларининг мустақил ишлаш ва ўрганиш фаолиятини ошириш, уларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш илғор инновацион педагогик технологиялардан ҳамда янги авлод электрон видео ўқув адабиётларидан фойдаланишни талаб этади. Шу билан бирга бугунги кунда ахборот ва коммуникация технологияларининг кириб келиши билим узатилишининг янги шакллари ва воситаларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Бундай шакллардан бири фанларни электрон таълим заҳиралари воситасида ўқитишдир.

Электрон таълим заҳиралари воситасида таълим бериш педагогик адабиётларда компьютерли ўқитиш технологияси деб юритилади.

Мақолада Тиббиёт таълим муассасаларида ўқитилаётган фанларнинг мазмунини модернизациялаш ва таълим-тарбия самарадорлигини янги сифат босқичига кўтариш масалалари ўз аксини топган. Унда ушбу тизимда

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00667

ўқитилаётган амалий машғулотлар дарслари бўйича муаллиф томонидан ишлаб чиқилган технологиялар тўғрисида фикрлар баён этилган.

Мамлакатимизда миллий тиббиёт ва фармацевтика таълимини модернизация қилиш, ушбу соҳага халқаро таълим стандартларини жорий этиш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишнинг долзарб муаммолари бўйича комплекс илмий тадқиқотлар олиб бориш, шунингдек, таълим олаётган ёшларга маънавий-ахлоқий тарбия беришнинг самарали тизимини яратиш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ҳурматли юртбошимиз Шавкат Мирзиёев белгиланган вазифаларни бажариш учун интеллектуал ривожланган, кенг мушоҳада қилувчи, янгилик яратишга интилувчан шахсни тарбиялаш учун олий таълимнинг ўзи янгиликларга бой бўлиши, унинг мазмунида ижодкорлик руҳи ва мотивлари ҳукм суриши лозим. Бунда инновацион фаолият субъектининг талабларини қондиришдан инновацион фаолият субъекти эҳтиёжининг мажмуавийлигини англаш ва шакллантиришгача бўлган амалий фаолияти жараёнида юзага келувчи субъектнинг янгиликни яратиш ва ўзлаштиришга бўлган эҳтиёж ва қизиқишларини ўзида ифода этувчи, ундовчи куч бўлмоғи лозим. Бугунги кунда Тиббий таълим тизимини мазмунан модернизациялаш ва таълим-тарбия самарадорлигини янги сифат босқичига кўтаришдан асосий мақсад талабаларимизнинг замонавий билим ва касбга эга бўлиши ўта мураккаб ва таҳликали замонда мавжуд бўлган ҳар қандай хатар, зарарли таъсир ва оқимларга нисбатан огоҳ, сезгир ва ҳушёр бўлиб яшашини ва жамиятимиз ҳаётида муносиб ўрин эгаллашини таъминлашдан иборат ҳисобланади.

## МУҲОКАМА

Бугунги кунда Тиббий таълим тизимида амалий машғулотни қуйидаги босқичларда ўтказиш мақсадга мувофиқ:

-янгилик киритишни шакллантириш, ўқув жараёнини лойиҳалаштириш;

-инновацион ғояларни ижодкор ўқитувчилар гуруҳи билан синовдан ўтказиш, тажриба синовдан ўтказилган амалий ишнинг якунини чиқариш, шу асосда янгиликни кенг миқёсда қўллаш бўйича қарор қабул қилиш ва уни амалга ошириш;

- янги ғояларни излаш: ахборотлар банкини яратиш, инновацион жараёнлар ривожланишига бағишланган назарий-амалий семинар, тренингларни ташкил этиш ва уларни қўллашга тайёрлаш;

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00667

- янгиликни жорий этишни таҳлил қилиш, танқидий қараш, тадбирлар ташкил этиш ва янгиликни таълим тизимига татбиқ этиш ва бошқалар.

Индикаторлар тизими орқали таълим сифатини бошқариш механизмини яратиш ва жорий этиш муҳим аҳамият касб этади. Демак, бугунги кунда ҳаётимизда тобора катта ўрин олаётган илму-фан, таълим-тарбия, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, тиббиёт, маданият ва санъат каби муҳим соҳа ва тармоқлар ривожини ижодкор олимлар иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди.

## НАТИЖАЛАР

Худди шундай таълим тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, тарбиянинг таъсирчан механизмларини излаб топиш, ўқитиш жараёнига инновацион технологияларни татбиқ қилиш, шу ва шунга ўхшаш барча саволларга жавоб топиш учун Тошкент тиббиёт академияси Термиз филиалида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар ва бошқа соҳа мутасаддилари саъйҳаракат қилишмоқда. Тошкент тиббиёт академияси Термиз филиалида амалий машғулотларни ўқитиш жараёнида қуйидаги инновацион технологиялардан фойдаланиш профессор-ўқитувчиларнинг ўқитиш сифатини ошириш ва такомиллаштирилиб борилаётганда, қуйида илғор педагогик услубларини қўллаш тавсия этилади.[2]

**Пинборд техникаси.** Пинборд инглизча Pin- маҳкамлаш, board- доска сўзидан олинган бўлиб, муаммони ҳал қилишга оид фикрларни тизимлаштириб, гуруҳлашни амалга ошириш, жамоа тарзда ёки ягона ҳолда қарама-қарши фикрларни шакллантиришга имкон яратади. Дастлаб ўқитувчи муаммоли саволни ўртага ташлайди ва талабалардан ўз фикрларини баён этишни сўрайди. Тўғридан-тўғри ёки оммавий ақлий ҳужумнинг бошланишини ташкил этади. Фаол талабалар рағбатлантирилади. Кейин фикрлар таҳлил қилиниб, муҳокама қилинади, баҳоланади ва энг самарали фикр танланади. Ушбу таянч хулосавий фикр алоҳида қоғозларга ва доскага ёзилади (маҳкамланади).

Ушбу технологияда муаммоли савол бўйича барча фикрлар жамлангач, гуруҳ намояндалари доскага чиқадилар ва маслаҳатлашган ҳолда:

- хато ёки такрорланаётган фикрлар олиб ташланади;
- баҳсли фикрларга аниқлик киритилади;
- фикрлар маълум белгилар бўйича тизимлаштирилади, гуруҳларга ажратилади;
- уларнинг ўзаро муносабатлари чизиқлар ёки бошқа белгилар ёрдамида белгиланади. Жамоанинг ягона ёки қарама-қарши фикрлари ишлаб чиқилади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00667

**“Веер” технологияси.** Мураккаб, муаммо характердаги мавзуларни ўрганишда қўлланилади. Бу технологияда мавзу бўйича дастлаб тўлиқ ва қисқа маълумот берилади. Кейин мавзу бўйича асосий муаммоли саволлар ажратилиб, алоҳида кичик гуруҳларда муҳокама этилади, яъни муаммонинг ижобий ва салбий томонлари, афзаллик ва камчиликлари, фойда ва зарарлари аниқланади. Бу интерактив технология танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни шакллантриб, талабаларга ўз фикрларини оғзаки ёки ёзма баён этишларига, ҳимоя қилишлариша шароит яратади.”Веер” технологияси ёрдамида мавзунинг алоҳида саволлари бўйича кичик гуруҳларнинг, ҳар бир талабанинг фаол иштирок этиши таъминланади ва уларнинг ушбу савол бўйича билимлари баҳоланади.

**ФСМУ технологияси.** Ушбу технология тингловчиларни ўз фикрларини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрига бошқаларни ишонтиришга, очиқ-ошкора баҳслашишга, эгаллаган билимларни таҳлил қилиши, уларни қай даражада эгаллаганлигини баҳолашга ҳамда тингловчиларни баҳслашиш маданиятига ўргатади. Ушбу технология тингловчиларга қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ҳолатда ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларини баён этиш тартибида амалга оширилади

**Ф – фикрингизни баён этинг.**

**С - фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг.**

**М- кўрсатилган сабабни тушунтирувчи мисол келтиринг.**

**У - фикрингизни умумлаштиринг.**

ФСМУ технологиясида мавзу бўйича савол қўйилади. Талабаларга ФСМУ технологиясининг моҳити ва уларнинг вазифаси тушунтирилади. Топшириқни бажариш учун аниқ вақт белгилайди, масалан 15-20 минут. Топшириқни ҳар бир талаба шахсан бажариши талаб этилади. Талабалар фаолиятини кузатади, уларнинг саволларига жавоб бериб боради, йўналтиради, маслаҳатлар беради. Кузатув даврида тўғри қарор ёки фикр ёзаётган талабаларни аниқлайди. Жавобларни йиғиб олиб, кузатув даврида нисбатан тўғри деб топилган талабаларнинг фикрларини ўқийди, қўшимчалар киритиб, савол бўйича тўлиқ маълумот беради. Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда, баҳс-мунозаралар ўтказишда ёки ўқув-семинари якунида (тингловчиларнинг ўқув-семинари ҳақидаги фикрларни билиш мақсадида) ёки ўқув режаси асосида бирон бўлим ўрганиб бўлингач қўлланилиши мумкин.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00667

**“Скарабей” технологияси.** Ўқитишнинг ИНТЕРАКТИВ технологияларидан бири бўлиб, ундан ўқув материалларини ўрганишнинг турли босқичларида фойдаланиш мумкин. Бу технологияда талабалар тажрибасидан фойдаланилади, рефлектив кузатишни амалга оширади, фаол ижодий излаш ва фикрий тажриба ўтказиш имкониятини яратади. Ушбу технология қуйидаги кетма-кетлик асосида амалга оширилади:

- дастлаб ўқув мавзусининг моҳияти, тузилиши ва мазмуни “ақлий ҳужум” технологияси асосида белгиланади;

- мавзу бўйича ўрганиладиган саволлар ўртасидаги алоқалар, боғлиқлик, асосий тушунчалар аниқланади;

- мавзунинг ҳар бир саволи чуқурроқ ўрганилади, мавзу бўйича талабаларда янги ғоялар пайдо бўлишига имконият яратилади.

- Ўқитувчи мавзуни якунлаб, олинган билимларни мустаҳкамлайди.[2]

## ХУЛОСА

Шундай қилиб, амалий машғулотларни ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланиш тиббиёт таълими тизимида соғлом ижодий муҳитни яратиш, ўқитиш сифатини янги босқичга кўтариш, талабаларнинг дунёқараши, тафаккури, мустақил мушоҳада қилиш қобилиятларини ривожлантиришга замин яратади. Юқоридаги технологиялар орқали диққатни жамлаш, эркин мушоҳада юритиш, ишончли қарор қабул қилиш кўникмаларини шакллантириш кўникмаларини ривожлантиради ҳамда гуруҳни фаоллаштиришга эришилади. Инновацион технологиялар ўқув жараёнининг мажмуавий вазифаларини ечишга йўналтирилган бўлиб, ўқитувчи ва таҳсил олувчиларнинг биргаликдаги фаолиятини ифода этади. Улар босқичма-босқич амалга оширилади. Бунда муайян метод, усул ва воситалар асосида самарали бошқариш тизими мақсадга йўналтирилади. Кўзланган натижаларга эришишда кўмакчи бўлади.

## REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.Тошкент, 26 Январ. 2020 й
2. О.Д.Рахимов, О.М.Турғунов, Қ.О.Мустафаев, Ҳ.Ж.Рўзиев Замонавий таълим технологиялари /Тошкент, “Фан ва технология нашриёти”, 2013 й
3. Абдуллаева Ш.А. Педагогика. – Т.: «Фан ва технологиялар», 2013 й

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00667

4. Pedagogy of the Twenty-First Century: Innovative Teaching Methods http://dx.doi.org/10.5772/intechopen.72341 Mynbayeva, Zukhra Sadvakassova and Bakhytkul Akshalova. New Pedagogical Challenges in the 21st Century - Contributions of Research in Education.

ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 4 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00668

# БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАР КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ШАКЛ ВА УСУЛЛАРИ

**Дониёр Бахтиёр ўғли Ахмаджонов**
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

## АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада бўлажак ўқитувчилар касбий-педагогик компетентлиги мазмуни, уни такомиллаштириш шакл ва усуллари, касбий-компетентлик сифатлари ҳамда уларнинг моҳияти изоҳлаб ўтилган. Бўлажак мутахассис касбий-компетентлигини такомиллаштиришда ўз устида ишлаш босқичлари, ўзини-ўзи ривожлантириш, таҳлил ва мониторинг қилиш орқали ўзини-ўзи ҳолис баҳолашнинг шакллари келтириб ўтилган. Касбий-педагогик компетентликни такомиллаштириш бўйича инновацион махсус дастурлар ишлаб чиқишнинг зарурати, унинг таркибий қисмлари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган, хулосалар тақдим қилинган.

**Калит сўзлар:** педагогика, психология, компетенция, касб, инновация.

# FORMS AND METHODS OF IMPROVING THE PROFESSIONAL COMPETENCES OF FUTURE TEACHERS

## ABSTRACT

This article explains the content of professional and pedagogical competence of future teachers, forms and methods of its improvement, the qualities of professional competence and their essence. The stages of self-improvement, forms of self-assessment through self-development, analysis and monitoring in improving the professional competence of the future specialist are given. The need to develop innovative special programs to improve professional and pedagogical competence, proposals and recommendations on its components have been developed, conclusions have been presented.

**Keywords:** pedagogy, psychology, competence, profession, innovation.

## КИРИШ

Дунё таълим тизимида таълимни ривожлантириш бўйича кўплаб тадқиқотлар, лойиҳалар олиб борилмоқда, айниқса педагогик касбий тайёргарликнинг барча компонентларини ривожлантиришга катта аҳамият

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00668

қаратилмоқда. Мамлакатимизда ҳам педагогик касбий компетенцияларни ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш мақсадида таълим муассасаларида замонавий моддий техник база яратилган ҳамда инновацион таълим дастурлари ишлаб чиқилган.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Ривожланган давлатлар таълим тизимидаги ютуқлардан келиб чиққан ҳолда юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш, олий таълим муассасаларида компетентли илмий педагогик кадрлар заҳирасини яратиш” вазифаси белгилаб ўтилган[1]. Шу билан бирга мамлакатимизда амалга оширилаётган кўплаб ислоҳотларда ҳам демократик тамойиллар асосидаги фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида олий таълим тизимида талабаларнинг мутахассислиги бўйича касбий тайёргарлик сифатини оширишда педагогларнинг касбий компетенцияларини янада такомиллаштириш зарурати таъкидлаб ўтилган. Бозор муносабатлари шароитида меҳнат бозорида устувор ўрин эгаллаган кучли рақобатга бардошли бўлиш ҳар бир мутахассисдан касбий компетентликка эга бўлиш, уни изчил равишда ошириб бориш зарурлигини кўрсатмоқда. Бу вазифаларни амалга оширишда таълим контекстида кўп босқичли узвийлик, узлуксизлик ва изчиллик тамойилларига асосланган самарали инновацион моделларни яратиш, педагогларнинг касбий компетенцияларини ривожлантиришни тақозо қилмоқда.

Глобаллашув ва халқаро интеграциянинг ривожланиши, ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг кенгайиши билан боғлиқ ҳолда касбий компетенциялар бўйича ахборотларнинг ҳам тезкор алмашиш имконини берадиган механизмлар зарур бўлмоқда ва бу масалалар мазкур мавзунинг долзарблигини белгилаб беради.

Педагогика соҳасидаги олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларни интеллектуал салоҳиятини ошириш, дунёқарашларини бойитишда уларни инновацион таълим технологиялари, ўқитишнинг янги, инновацион шакл, метод ва воситалари билан таништириш, педагогларда касбий компетентлик сифатлари ва креатив қобилият моҳияти билан яқиндан таништириш муҳим аҳамиятга эга.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Республикамиз олимларидан Л.Ахмедова, У.Бегимқулов, Н.Муслимов, Б.Раҳимов, Н.Тайлоқов, Ш.Шарипов ва бошқалар таълим соҳасида ижтимоий-

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00668

педагогик, акмеологик масалаларга доир илмий тадқиқотлар олиб борган ва бу тадқиқотларда бевосита муайян йўналишлардаги мутахассисларнинг касбий компетенцияларини такомиллаштириш масалалари келтириб ўтилган. Шунингдек, педагогнинг касбий маҳоратини такомиллаштириш масалалари педагог олимлар Ҳ.Абдукаримов, Н.Азизхўжаева, А.Алиев, Ю.А.Ахроров, А.А.Вербицкий, Р.Ҳ.Жўраев, Б.Р.Жўраева, Ж.Ғ. Йўлдошев, С.М.Маркова, Г.М.Махмутова, А.А.Ҳамидов, Ф.Р.Юзликаевларнинг ишларида ҳам тадқиқ этилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларида В.Байденко, А.Залевская, Э.Зеер, И.Зимняя, О.Поляков каби олимларнинг илмий тадқиқотларида касбий компетенцияларни шакллантириш ва такомиллаштириш усулларини турли жараёнларда таҳлил қилиш ва тизимлаштириш масалалари кўриб чиқилган.

Бироқ инновацион ёндашувлар асосида олий ҳарбий таълим муассасалари офицер-ўқитувчиларининг касбий-педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг интегратив мазмуни ва методик шарт-шароитларининг ишлаб чиқилмаганлиги мазкур йўналишда илмий изланишлар олиб боришни тақозо этади.

## НАТИЖАЛАР

Олий таълим муассасаларидаги ўқув-тарбия жараёнини модернизациялаш, педагог мутахассислар тайёрлаш тизими сифат даражасини оширишда бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш, уларни соҳага оид замонавий касбий билим, малака ва кўникмалар билан қуроллантириш, илмий-техник инновациялардан мустақил равишда, ижодий фойдаланиш ҳамда истиқболли вазифаларни ҳал қила олиш кўникмаларини ривожлантириш муҳим вазифалардан саналади. Олий таълим тизимини модернизациялаш (инг. modern – янгиланган, замонавий, тезкор ўсиш) таълим жараёнига нисбатан инновацион ёндашувни талаб этади. В.А.Сластенин педагогик жараёнга инновацион ёндашишни ўқитувчи ва талабаларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этиш, ўқитиш ва тарбиялашнинг мақсади, мазмуни ва шаклига янгилик киритиш билан изоҳлайди[2].

“Компетентлик” тушунчаси таълим соҳасига психологик илмий изланишлар натижасида кириб келган. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон қарори билан тасдиқланган Умумий ўрта таълимнинг Давлат

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00668

Таълим Стандартида компетенция тушунчасига мавжуд билим, кўникма ва малакаларни кундалик фаолиятда қўллай олиш қобилияти сифатида таъриф берилган[3].

Психологик нуқтаи назардан компетентлик “ноанъанавий вазиятлар, кутилмаган ҳолатларда мутахассиснинг ўзини қандай тутиши, мулоқотга киришиши, рақиблар билан ўзаро муносабатларда янги йўл тутиши, ноаниқ вазифаларни бажаришда, зиддиятларга тўла маълумотлардан фойдаланишда, изчил ривожланиб борувчи ва мураккаб жараёнларда ҳаракатланиш режасига эгалик”ни англатади. Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда компетентлик бу инсоннинг мавжуд билим ва ҳаётий тажрибаларга таянган ҳолда маълум бир муаммони ҳал этишга доир иқтидори деган хулосага келиш мумкин.

Олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёнига инновацияларни татбиқ этишдаги муҳим компонентлардан бири – ўқитувчининг касбий компетентлиги ва инновацион фаоллиги ҳисобланади. Касбий компетентлик тушунчасига нисбатан илмий доирада турли муносабатлар илгари сурилади. У меҳнат субъектига нисбатан аниқ фаолият талаблари ёки айнан, субъектнинг аниқ фаолиятнинг ўзига хос жиҳатларига нисбатан муносабатини тавсифловчи хусусият сифатида қўлланилади. Масалан, тадқиқотчи олим Э.Ф.Зеер касбий компетентликнинг функционал тараққиётини тадқиқ қилиш касбий камолотга эришиш чоғида компетентликнинг турли кўринишлари интеграциялашиб боришини ва уларнинг касбий муҳим шахс сифатлари билан алоқаси кучайиб боришини кўрсатади[4]. Хусусан, касбий компетентликнинг асосий даражаларига касбий тайёргарлик ва тажриба, ўзини-ўзи англаш, ўз кучига ишониш, ўзга инсонлар томонидан кўрсатилган камчиликларни тўғри қабул қилиш ва шу каби бошқа касбий камолотни белгилаб берувчи шахс хусусиятларини киритади. Юқорида қайд этилган фикрларни таҳлили педагогнинг касбий компетентлигини шахсий, ижтимоий, креатив, методик компетентлик каби қатор ўзига хос хусусиятлар мажмуаси сифатида тўлиқ изоҳланишига имкон беради[5].

Касбий компетентликда мутахассис томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ва уларни амалда юқори даражада қўллай олиниши назарда тутилади. Бу тушунча бўйича турлича таъриф ва ёндашувлар мавжуд. Н.М.Муслимовнинг фикрига кўра, “компетентлик” (ингл. “competence” – “қобилият”) – фаолиятда назарий

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00668

билимлардан самарали фойдаланиш, юқори даражадаги касбий малака, маҳорат ва иқтидорни намоён эта олишни ифодалайди[6].

В.И.Андреевнинг фикрича, компетенция маълум ўқув, касбий ва бошқа мажмуавий масалаларни ҳал қилишда намоён бўлувчи, ривожланиб борувчи интеграл кўрсаткичлар бўлиб, у шахснинг ижобий мотивация, билим, маҳорат, иқтидор ва ижодий фаолият тажрибасини ўз ичига олувчи тайёргарлик даражасидир[7].

Н.В.Тарасова компетенция тушунчасини муаммони ҳал этишга қаратилган билим ва вазият, билим ва ҳаракат ўртасида алоқадорликни таъминлаш имконини берувчи билим, қадриятлар ва идрокка асосланган умумий қобилият сифатида талқин этади[8].

## МУҲОКАМА

Касбий компетентлик мутахассис томонидан алоҳида билим, малакаларнинг эгалланишини эмас, балки ҳар бир мустақил йўналиш бўйича интегратив билимлар ва ҳаракатларнинг ўзлаштирилишини назарда тутади. Шунингдек, компетенция мутахассислик билимларини доимо бойитиб боришни, янги ахборотларни ўрганишни, муҳим ижтимоий талабларни англай олишни, янги маълумотларни излаб топиш, уларни қайта ишлаш ва ўз фаолиятида қўллай билишни тақозо этади. Касбий компетентлик мураккаб жараёнларда, ноаниқ вазифаларни бажаришда, бир-бирига зид маълумотлардан фойдаланишда, кутилмаган вазиятда ҳаракат режасига эга бўла олишда ва бошқа шу каби ҳолатларда яққол намоён бўлади.

Касбий-педагогик компетентлик эса ўзининг касбий маҳоратини мукаммал ривожлантирган, дарс жараёнини самарали лойиҳалаштирадиган, уни бошқара оладиган, таълим ислоҳотларини, замон талабларини, инновацион парадигмаларни илғаган ҳолда уларни дарс жараёнида муваффақиятли қўллай оладиган мутахассисларга нисбатан билдирилади. Демак бўлажак ўқитувчи ўз касбий-педагогик билимларини изчил бойитиш, янги ахборотларни ўзлаштириш, давр талабларини чуқур англаган ҳолда янги билимларни излаб топиш, уларни қайта ишлаш ва ўз амалий фаолиятида самарали қўллай олиш орқали касбий компетентликка эришади. Айтиб ўтиш керакки, педагогик касбий компетентлик негизида бир қатор сифатлар мавжуд бўлиб, уларнинг моҳиятини қуйидагича изоҳлаш мумкин.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00668

1. Ижтимоий компетентлик – ижтимоий муносабатларда фаоллик кўрсатиш кўникма, малакаларига эгалик, касбий-педагогик фаолиятда субъектлар билан коммуникатив мулоқотга кириша олиш.

2. Махсус компетентлик – касбий-педагогик фаолиятни ташкил этишга тайёрланиш, касбий-педагогик вазифаларни оқилона ҳал қилиш, фаолияти натижаларини реал баҳолаш, БКМни изчил ривожлантириб бориш бўлиб, ушбу компетентлик негизида руҳий (психологик), услубий, ахборот (информацион), креатив (ностандарт), инновацион ва коммуникатив компетентлик кўзга ташланади. Улар ўзида қуйидаги мазмунни ифодалайди:

- психологик компетентлик – педагогик жараёнда соғлом психологик муҳитни ярата олиш, таълим олувчилар ва таълим жараёнининг бошқа иштирокчилари билан ижобий мулоқотни ташкил этиш, турли салбий психологик зиддиятларни ўз вақтида англай олиш ва бартараф эта олиш;

- услубий компетентлик – педагогик жараённи услубий жиҳатдан оқилона ташкил этиш, таълим ёки тарбиявий фаолият шаклларини тўғри белгилаш, усул ва воситаларни мақсадга мувофиқ танлай олиш, уларни самарали қўллай олиш;

- информацион компетентлик – ахборот муҳитида зарур, муҳим, керакли, фойдали маълумотларни излаш, йиғиш, саралаш, қайта ишлаш ва улардан тезкор, мақсадли ва самарали фойдаланиш;

- креатив компетентлик – педагогик фаолиятга нисбатан танқидий ва ижодий ёндошиш, ўзининг ижодкорлик малакаларига эгалигини намойиш эта олиш, муаммоларга нисбатан кенг қамровли турли ҳил ечимларни топа олиш;

- инновацион компетентлик – педагогик жараённи такомиллаштириш, таълим сифатини яхшилаш, тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишга доир янги ғояларни илгари суриш, уларни амалиётга муваффақиятли татбиқ этиш;

- коммуникатив компетентлик – таълим жараёнининг барча иштирокчилари билан самимий мулоқотда бўлиш, уларни тинглай билиш, уларга ижобий таъсир кўрсата олиш.

- шахсий компетентлик – изчил равишда касбий ўсишга эришиш, малака даражасини ошириб бориш, касбий фаолиятда ўз ички имкониятларини намоён қилиш;

- технологик компетентлик – касбий-педагогик БКМни бойитадиган илғор технологияларни ўзлаштириш, замонавий восита, техника ва технологиялардан фойдалана олиш;

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00668

- экстремал компетентлик – фавқулотда вазиятлар (табиий офатлар, технологик жараён ишдан чиққан)да, педагогик низолар юзага келганда оқилона қарор қабул қилиш, тўғри ҳаракатланиш малакасига эгалик ва ҳоказо.

Бир қатор тадқиқотларда бевосита педагогга хос касбий компетентлик ва унинг ўзига хос жиҳатлари ўрганилган. Ана шундай тадқиқотлар сирасига А.К.Маркова ва Б.Назаровалар томонидан олиб борилган изланишларни киритиш мумкин. Ўз тадқиқотларида А.К.Маркова педагогнинг касбий компетентлиги қуйидаги таркибий асослардан иборат эканлигини қайд этади:

- махсус ёки касбий компетентлик (касбий фаолиятни юқори даражада ташкил этиш);
- шахсий компетентлик (ўз-ўзини ривожлантириш, ўз-ўзини намоён этиш);
- ижтимоий компетентлик (қўшимча фаолиятни ҳамкорликда ташкил этиш);
- индивидуал компетентлик (ўз-ўзини бошқариш, касбий ривожланиш ва янгиликлар яратиш)[9].

Ўзбекистон шароитида ҳам педагогга хос касбий компетентлик, унинг ўзига хос жиҳатлари ўрганилган бўлиб, улар орасида Б.Назарова томонидан олиб борилган тадқиқот ўзига хос аҳамият касб этади. Тадқиқотчининг фикрига кўра педагогга хос касбий компетентлик негизини қуйидаги таркибий асослар ташкил этади:

- махсус ёки касбий компетентлик (касбий фаолиятни юқори даражада ташкил этиш);
- ижтимоий компетентлик (касбий фаолиятни ҳамкорликда ташкил этиш, ижтимоий масъуллик);
- аутокомпетентлик (ўзини ижтимоий-касбий ривожлантира олиш);
- экстремал касбий компетентлик (кутилмаган вазиятларда ишлай олиш).

Педагогнинг касбий компетентлигини ривожлантиришда ўз устида ишлаш ва ўз-ўзини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Ўз-ўзини ривожлантириш вазифалари ўзини ўзи таҳлил қилиш баҳолаш орқали аниқланади. Ўз устида ишлаш бу мутахассис томонидан ўзини ижтимоий ҳамда касбий жиҳатдан ривожлантириш, камолотга эришиш йўлида мақсадли, изчил, тизимли ҳаракатларнинг ташкил этиши тушунилади.

Мутахассиснинг ўз устида ишлаши қуйидагиларда кўринади:

- касбий БКМни такомиллаштириб бориш;

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00668

- фаолиятга танқидий ва ижодий ёндошиш;
- касбий ва ижодий ҳамкорликка эришиш;
- ишчанлик қобилиятини ривожлантириш;
- салбий одатларни бартараф этиб бориш;
- ижобий сифатларни ўзлаштириш.

Педагогнинг ўз устида ишлаш босқичи узвий, тизимли шаклда олиб борилади, жумладан,

биринчи босқич - ўз фаолиятини таҳлил қилиш асосида ютуқ ва камчиликларини аниқлаш;

иккинчи босқич - ютуқларини бойитиш ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ қарорга келиш;

учинчи босқич – қабул қилинган қарор бўйича амалий ҳаракатларни самарали ташкил этиш йўлларини излаш;

тўртинчи босқич - хато ва камчиликларни такрорламасликка интилиш;

бешинчи босқич - қабул қилинган қарорнинг изчил бажарилишини доимий назорат қилиб бориш ва бошқалар.

Педагогнинг қуйидаги амалий ҳаракатлари мутахассис сифатида унинг ўз устида ишлашини ифодалаб беради:

- аниқ мақсад, интилиш асосида педагогик жараённи такомиллаштириш;
- педагогик жараён самарадорлигини, ўзининг ишчанлик фаоллигини ошириш;
- изчил равишда янгиланиб бораётган педагогик билимларни ўзлаштириш;
- илғор технология, метод ҳамда воситалардан хабардор бўлиш;
- фаолиятига фан-техниканинг сўнгги янгиликларини самарали татбиқ этиш;
- касбий кўникма ва малакаларини такомиллаштириш;
- салбий педагогик низоларнинг олдини олиш, бартараф этиш чораларини излаш ва ҳоказо.

Олий таълим муассасаларида бўлажак мутахассисларнинг ўз устиларида изчил, самарали ишлашларида фаолиятга лойиҳали ёндошув асосида олиб бориш самарали ҳисобланади. Уларнинг лойиҳали ёндошув асосида ўз устида ишлаш босқичлари ва ҳар бир босқичда амалга ошириладиган вазифаларнинг самарали ҳал этилиши навбатдаги босқичга ўтиш имконини беради.

Бўлажак ўқитувчининг касбий-педагогик компетентликка эга бўлишида ўзини ўзи таҳлил қила олиши ҳам муҳим бўлиб, бу мутахасис томонидан

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00668

касбий фаолиятда ташкил этиладиган ўз амалий ҳаракатлари моҳиятининг ўрганилиши саналади. Мутахассиснинг касбий-педагогик компетентлик сифатларига эга бўлишида уларнинг ўз-ўзини баҳолаш малакаларига эгалиги ҳам зарур ва бунинг натижасида у ўзини ўзи таҳлил қилади ҳамда касбий компетентлигини холисона баҳолаш имкониятига эга бўлади. Моҳиятига кўра ўзини ўзи баҳолаш субъект учун шахсий имкониятларини ҳисоб-китоб қилиш, ўзига объектив баҳо бериш, ўзидан қониқишни таъминлайди. Ҳар қандай мутахассисда бўлгани каби ўқитувчининг ҳам ўзини ўзи самарали баҳолай олишига бир қатор омиллар таъсир кўрсатади, жумладан:

- ўзини тушуниш (ўзи ҳақида аниқ маълумотларга эга бўлиш);
- шахс сифатида ўз қадр-қимматини англаш (ўзи тўғрисидаги ижобий маълумотларни тўплаш);
- ўзини-ўзи назорат қилиш (ўзи тўғрисидаги шахсий фикрнинг атрофдагилар томонидан унга берилаётган баҳога мос келиши) ва б.

Ўз-ўзини баҳолаш даражаси шахснинг ўз-ўзидан қониқиши ёки қониқмаслигини белгилаб беради. Бунда ўз-ўзини баҳолаш кўрсаткичлари шахс имкониятларига мос келиши лозим. Ўз-ўзини ривожлантириш педагогнинг ўзида касбий тажриба, малака ва маҳоратни такомиллаштириш йўлида аниқ мақсад ва пухта ўйланган вазифалар асосида мустақил равишда амалий ҳаракатларни ташкил этиши орқали амалга оширилади. Кўплаб тадқиқотчилар ўз-ўзини ривожлантиришнинг энг самарали усулларидан бири сифатида махсус дастурларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этишда деб билади, бу дастурлар бўлажак ўқитувчини индивидуал ривожланишига йўналтирилган бўлиши самарали натижаларни намоён қилади. Бўлажак-ўқитувчини касбий-педагогик компетентлигини ривожлантириш мақсадига йўналтирилган бу каби индивидуал ривожланиш дастурлари мутахассиснинг ўзида маълум сифат, БКМ, касбий компетентликни такомиллаштириш ва ривожлантириш эҳтиёжлари асосида ишлаб чиқилган бўлиши лозим. Ушбу дастурда касбий фаолиятни ташкил этиш учун зарур бўлган касбий компетентлик сифатларини шакллантириш ва ривожлантириш муддатлари белгиланиши мақсадга мувофиқ. Ҳар қандай педагог ўзи учун шахсий амалий характерга эга бўлган индивидуал ривожланиш дастурларини ишлаб чиқа олиши, у асосида педагогик фаолиятни йўлга қўйиши зарур. Унинг индивидуал ривожланиш дастури индивидуал равишда ўзида касбий-педагогик компетентлик сифатларини такомиллаштириш ва ривожлантириш эҳтиёжларига таянган ҳолда ишлаб чиқилсагина юқори самарадорликка эришилади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00668

Бўлажак ўқитувчи томонидан ишлаб чиқиладиган касбий-педагогик характердаги индивидуал ривожланиш дастурлари педагогик, психологик ва мутахассислик билимлари билан бирга қуйидаги таркибий қисмлардан ҳам таркиб топган бўлиши мақсадга мувофиқ:

- дидактик малакалар (билишга оид (гностик) лойиҳалаш ижодий-амалий (конструктив) тадқиқотчилик мулоқотга кирувчанлик (коммуникатив) ташкилотчилик изчилликни таъминловчи (процесссуал) техник-технологик малакалар);
- тарбиявий ишларни ташкил этиш малакалари (билишга оид (гностик) лойиҳалаш малакалари ижодий-амалий (конструктив) тадқиқотчилик мулоқотга кирувчанлик (коммуникатив) ташкилотчилик изчилликни таъминловчи (процесссуал) техник-технологик малакалар);
- руҳиятнинг касбий аҳамиятга эга хусусиятлари ва шахсий сифатлар (педагогик фикрлаш тизимлилик мослашувчанлик мобиллик ижодкорлик ҳозиржавоблик ҳиссий ривожланганлик педагогик рефлексия);
- ўз-ўзини ривожлантириш мақсадлари ва шунга йўналтирилган топшириқлар ва ҳоказо.

## ХУЛОСА

Хулоса ўрнида айтиш керакки, бўлажак ўқитувчи касбий-педагогик компетентлигини такомиллаштиришга қаратилган индивидуал ривожлантириш дастурларида педагогик билим, малака ва шахсий сифатларининг айни пайтдаги мавжуд даражаси ва бу компетентликни ривожлантиришга қаратилган истиқбол вазифалар келтирилиб ўтилган бўлиши тавсия этилади. Бу ўз навбатида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий жиҳатдан ривожланиш динамикасини турли даражаларда доимий мониторинг қилиб боришда самарали фаолият махсули бўлиб, бунинг натижасида педагог касбий компетентлигига катта эътибор қаратилиши лозим бўлган компетентлик қисмлари яққол кўринади ва бу уни ривожлантиришга туртки беради. Касбий-педагогик компетентлиги юқори таълим берувчи томонидан олиб бориладиган ўқув-тарбия жараёнларида ҳар бир фан ва мавзу ёритилиш жараёни аввало таълим олувчи юқори даражали билим олиши ва юқори касбий компетентлигини шакллантиришга қаратиш талабаларнинг келгусида юқори салоҳиятли ва рақобатбардош кадрлар бўлиб етишишларига ёрдам беради. Бу аввало, жамиятни ривожлантиришга асосий омил бўлиб хизмат қилади, зеро,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00668

юқори малакали педагог кадрларни тайёрлаш келгусида интеллектуал салоҳиятли ёшлар етишиб чиқишини таъминлайди.

## REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сон Фармони. 2017 йил 7 февраль.
2. Сластенин В.А. и др. Педагогика. – М.: “Академия”, 2002.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли қарори, 2017 йил 6 апрель.
4. Зеер Э.Ф., Шахматова Н. Личностью ориентированные технологии пофессионального развития специалиста. – Екатеринбург, 1999.
5. Р.Ишмуҳамедов, М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. –Т.: “Fan va texnologiya”, 2014, 60 бет.
6. Муслимов Н.М. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари.
7. Андреев В.И. Педагогика творческого саморазвития: Инновационный курс. Кн. 1. -Казань: Изд-во Казан, ун-та, 1996. - 570 с.
8. Тарасова Н.В. Стратегия реализации компетентностного подхода в образовании: историко – педагогический аспект – М.: ФИРО, 2007. – 52 с.
9. Маркова А.К. Психология профессионализма. – М.: Знание, 1996.
10. Тоштемирова, С. (2020). Таълимда Чирчиқ тажрибаси. Academic Research in Educational Sciences, 1 (3), 445-451.
11. Javlonbek Begaliyev, Doniyor Ahmadjanov. (2020) MDH DAVLATLARIDA MUALLIFLIK HUQUQI TARIXI BILAN BOG’LIQ AYRIM MULOHAZALAR. Academic Research in Educational Sciences 1 (3)
Когнитив-йўналтирилган психология йўналиши валиллари Х. Тэджфел, Дж. Тернер, Г. Брейкуэллар идентификацияни хулқ-атворни тартибга солиш ролини ўйнайдиган когнетив: лингвистика ва ижтимоий тизимдан иборат деб таъкидлашади. Бунда идентификация инсон ҳаёти давомида мунтазам ривожланиб боради.

## МУҲОКАМА

Идентификация икки жараён ёрдамида амалга оширилади:

– янги таркибий қисмларни ўзлаштириш ва уларни мослаштириш орқали

– янги ва эски компонентларнинг маъноси ва қийматларини аниқлаш орқали.

Идентификация муаммосига оид собиқ иттифоқ психологиясининг ёндошувлри ҳақида гап кетганда, авваламбор, Л.С.Виготскийнинг қуйидаги фикрларини келтириб ўтиш лозим: "инсон психикаси жараёнлари шахслараро муносабатларга асосланади. Шахс ўзининг ички дунёсини фаолиятининг тарихий шаклланган шакллари ва турларини интериоризатсия қилиш орқали шакллантиради. С.Л. Рубинштейннинг фикрича: «Инсон мавжудлигининг ўзига хослиги инсонни ўзини-ўзи ва бошқалар томонидан эътироф этиши билан белгиланади.»

Тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда шуни айтиш мумкинки, ўтган асрнинг 90-йилларига қадар собиқ иттифоқ давлатларида идентификация муаммоси амалий жиҳатдан деярли ўрганилмаган. Собиқ иттифоқ психологиясида идентификация муаммосини турли жиҳатларини тадқиқ этиш борасида И.С.Коннинг ишларини мисол келтириб ўтиш мумкин. Унга кўра шахсда учта идентификация тури мавжуд:

1. Психофизиологик идентификация – организм тузилишидаги физиологик ва руҳий жараёнларнинг бирлиги ва узлуксизлиги;

2. Ижтимоий идентификация – бунинг натижасида шахс жамият ва гуруҳ аъзосига айланади ва шахслар ижтимоий мавқеи ва ўрнатилган меъёрларга кўра ижтимоий синфларга мансублигига қараб бўлинади;

3. Шахсий идентификация - ҳаётнинг бирлиги ва давомийлиги, мақсадлари ва мотивлари.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00671

## ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Агар шахс идентификацияси шахс ҳаётининг мазмунини ўзга инсонларнинг ҳаёт мазмуни билан қиёслаш механизми бўлса демак, идентификация – бу айнан ўша механизмниг харакатланишидир. Идентификация феноменини ўрганишнинг мураккаблиги шундаки, ушбу ҳодиса мураккаб таҳлилларни талаб этувчи жуда кўплаб психо-ижтимоий ҳодисалар билан боғлиқлгидир. Шу боисдан ушбу феноменни мавжуд назарий тушунчаларини янада чуқурроқ таҳлил қилиш талаб этилади.

## REFERENCES

1. G‘oziyev, E. (2010). Umumiy psixologiya. Yangi asr avlodi.
2. Davletshin, M. (2002). Umumiy psixologiya. TDPU.
3. Баранова Т.С. (1993)Теоретические модели социальной идентификации личности // Социальная идентификация личности. М.
4. Василюк Ф. (2004)., Исповедь и психотерапия // Московский психотерапевтический журнал, №4.
5. Василюк Ф. (2003)., Молитва и переживание в контексте душепопечения // Московский психотерапевтический журнал, №3.
6. Демченко О.Н., Мытиль А.В. Социальная (1995)., идентификация и адаптация личности, // Социологические исследования. - - №6. – С. 110-119
7. Заковоротная М.В, - Идентичность человека. (1999)., Социальнофилософские аспекты. - Ростов - на - Дону: СКНЦВШ. - - 261 с.
8. Рубинштейн С. Л. (2001)., Основы общей психологии. – СПб.: Питер,. – 866 с
9. Хантингтон С. (2003). Столкновение цивилизаций. – М.: АСТ.
10. Шнейдер Л.Б. (2000)., Профессиональная идентичность. – М.
11. Samarova Shoxista Rabidjanovna, Rakhmonova Muqaddas Qahramanovna, Mirzarahimova Gulnora, Ikromovna, Maratov Temur Gayrat ugli, Kamilov Bobir Sultanovich. (2020). Psychological aspects of developing creative personality and the concept of reduction of creativity to intellect. JCR. 7(17): 498-505. doi: 10.31838/jcr.07.17.6
12. Maratov Temur Gayrat ugli (2019) Scientific theoretical problems of perfect human category in the psychology. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. 7(8). 16-22.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00672

# HARBIY XIZMATCHILAR UCHUN ZAMONAVIY HIMOYA SHLEMI

**Suxrob Mashraf o'g'li Bekmamatov**
Chirchiq oliy tank qo'mondonlik muhandislik bilim yurti 3-bosqich kursanti

**Shohruh Shoim o'g'li Ro'ziyev**
Chirchiq oliy tank qo'mondonlik muhandislik bilim yurti kata o'qituvchisi
r.shoh13@rambler.ru

## ANNOTATSIYA

Maqolada harbiy hizmatchilar uchun maxsus topshiriqlarni bajarishda ularning himoya vositalari, xususan maxsus shlemlarning ahamiyati, ularning bugungi kunga qadar ishlab chiqarilgan turlari va takomillashtish jarayonlari tahliliy o'rganilgan. Shu bilan birga o'rganishlar natijasida Respublikamiz qurolli kuchlarida qo'llanilayotgan himoya shlemlarini yanada takomillashtirish va hozirgidan mustaxkamroq va yengilroq yangi namunadagi himoya shlemlarini mahalliy imkoniyatlardan kelib chiqqan holda ishlab chiqish vazifalari haqida so'z yuritilgan.

**Kalit so'zlar. S**hlem, harbiy, mustaxkamlik, kompozit, polimer, shisha tola, texnologiya.

# MODERN HELMET FOR MILITARY SERVICES

## ABSTRACT

The article discusses the means of protection for military personnel in the performance of special tasks, especially the importance of special helmets, the species they have produced to date and improvement processes are studied analytically. At the same time, as a result of the study, further improvement of the helmets used in the Armed Forces of the Republic and the task of developing a new type of helmet that is stronger and lighter than the current one based on local capabilities.

**Keywords:** helmet, military, durability, composite, polymer, fiberglass, technology.

## KIRISH

Tarixdan ma'lumki har bir harbiy yoki jangchining shahsiy himoya vositalari orasida himoya dubulg'alari alohida o'rin kasb etgan. Bu dubulg'alar jangda uni himoya qilishda muhim omillardan biri hisoblangan.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00672

Bugungi kunda ham bunday himoya shlemlaridan keng foydalanilmoqda. Bu esa bo'linmalar jangovor topshiriqlarni bajarishida shaxsiy tarkibni havfsizligini ta'minlashda muhim rol o'ynaydib(1-rasm).

## ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Bunday himoya vositalari harbiy mojarolarda keng qo'llaniladi. 20-asrning 80-yillariga qadar butun jahonda asosan po'latdan tayyorlangan shlemlar qo'llanilgan. Zamonaviy qurollar yaratilishi natijasida bu shlemlar jangchilarni yetarlicha himoyalash imkoniyatini kamaytirdi.

1-rasm

Demak shlemlarni yanada mustaxkamroq ya'ni qalinroq qilib tayyorlash zarurati tug'iladi. Lekin ushbu shlemlarning birdan-bir kamchiligi mavjud bo'lib, bu uning nisbatan ogirligidir. Chunki harbiy xizmatchi bunday shlemdan tashqari himoya nimchasi, qurol-aslaha va o'q-dorilarni o'zi bilan ko'tarib yurishi zarur bo'ladi.

Ushbu muammoni hal qilishning yo'llaridan biri bu – himoya shlemlarini yengilroq materialdan yasash. Ammo bunda shlemning o'q o'tkazmaslik qobiliyati saqlanib qolishi zarur.

Bu borada xorijiy davlatlarda ko'plab izlanishlar olib borilgan va hamon olib borilmoqda.

20-asrning 60-70 yillariga kelib himoya shlemlari uchun po'latdan mustaxkamroq va yengilroq, zichligi kamroq materiallarni topish muammosi tug'ildi.

Xuddi shunday material birinchi marotaba Amerikaning "DUPONT" firmasi tomonidan "Para-aramid tolasi" nomida ishlab chiqildi. Uning konstruksiyasi xuddi po'latga o'xshash bo'lib og'irligi undan 5 marta yengilroq, mustahkamligi 255 g/m$^2$ ni tashkil etadi va bu mahsulot "Kevlar®29" bendi ostida ishlab chiqarila boshlandi (2-rasm). Ushbu shlem polimer–matoli tarkibda 1970-yillarda tayyorlana boshlandi.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00672

2-rasm. AQShning KEVLAR®29 himoya shlemi.

Ushbu shlemni tayyorlash texnologiyasi murakkab jarayon hisoblanmaydi, ya'ni mato, polimer singdirilgan birikma, qatron bir necha qatlamda taxlangan va ma'lum temperatura ostida presslangan. Bunda matoni qatron bilan to'yintirish texnologiyasi unchalik murakkab jarayon emas. Shuning uchun bu texnologiya bo'yicha ko'plab davlatlarda himoya shlemlari ishlab chiqarila boshlandi.

Keyinchalik boshqa xorijiy davlatlar olimlari tomonidan **"Kevlar29"** ning materialidan massasi 10-15 % yengilroq va mustaxkamligi yuqoriroq bo'lgan ishlanmalar ishlab chiqildi. Ushbu material **"KevlarKM2"** deb nomlangan.

Ushbu yo'nalishda tadqiqot ishlarini yanada kuchaytirish natijasida NATICK laboratoriyasi tomonidan PASGT shlemi ishlab chiqarildi.

Bugungi kunda ushbu laboratoriyasi xodimlari tomonidan 2 ta yangi og'irligi kamroq bo'lgan material ishlab chiqildi. Bu materialning birinchisi **"ZIYON".** Ushbu materialdan tayyorlangan shlemning og'irligi 800 g ni tashkil qiladi. Ammo bu material quyosh nuri va suvga ta'sirchanligi ancha yuqori bo'lib chiqdi.

Xitoy davlati harbiy olimlar tomonidan bugungi kunda NIJ IIIA o'q o'tkazmaydigan shlemlar ishlab chiqilgan va sotuvga qo'yilgan. Bu shlemi **UHMWPE tolali po'latdan** tayyorlanganligi takidlanmoqda, va uning og'irligi ancha kam (3-rasm).

3-rasm. Xitoyning NIJ IIIA shlemi.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00672

2005 yil Rossiyada zamonaviy himoya shlemlarining 3 modeli – 6B26, 6B27, 6B28 modellari ishlab chiqildi. Hozirda ushbu modellar o'zining mustaxkamligi va o'girligi bo'yicha rekordni saqlab turibdi. Uning og'irligi 1,1 kg dan ko'p emas, o'qqaqarshi mustaxkamligi 700 m/s ni tashkil etadi (4-rasm).

4-rasm. 6B27 himoya shlemi.

Ushbu 6B28 shlemi Rossiya Federatsiyasi qurolli kuchlari Desant bo'linmalari uchun taqdim etilgan. Shlemning tarkibi asosi shisha tolali mato va polimer to'ldiruvchidan tashkil topgan kompozit materialdan tashkil topgan. Umumiy og'irligi 970 g ga yaqinroq qalinligi 7 mm ni tashkil etadi (5-rasm). Agar faqatgina shisha tolali materialdan tayyorlangan holda bo'lsa uning og'irligi 1.5 kg ni tashkil etadi.

5-rasm. 6B28 shlemi.

## NATIJALAR

Bundan tashqari boshqa davlatlar tomonidan ancha yengilroq namunalar tayorlangan, ammo ularning mustaxkamligi ancha kam bo'lgani uchun keng tarqalmagan.

Bugungi kunda mustaxkamli va og'irligi jihatdandan po'latdan afzalroq materiallar mavjud. Quyida shular haqida to'xtalib o'tamiz.

Boeing kompaniyasi dunyoda eng yengil metall yaratilganligini bildirdi. Metallga mikrolattis deya nom berishdi. U 99,99 foiz havodan iborat. Shunchalik

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00672

yengilligidan uni qoqigulning pari ustiga qo'ysa ham bo'ladi! Yangi metallni samolyotsozlik, mashinasozlik va boshqa sohalarda qo'llash mumkin.

Yangi metallning siri shundaki, uning ichida po'kakka o'xshash g'ovak-g'ovak teshiklar izchillik bilan xoch shaklida joylashgan. U o'ta yengil bo'lishi bilan birga yuqori bosimga bardoshlidir. Laboratoriya xodimining aytishicha, suyaklar ham shunday ko'rinishda tuzilgan. Suyakning ustki qatlami qattiq, ichi esa serg'ovak tuzilishga ega, shu sababli sinmasligi, bukilmasligi bilan birga yengil jins hisoblanadi.

Mikrolattisni yaratuvchilar aerokosmik sanoatda qo'l kelishini aytishmoqda. Boeing kompaniyasi tez orada amaliyotga qo'llash rejasini bildirdi. Yangi material samolyot vaznini ancha kamaytiradi va yonilg'i sarfi tejaladi (6-rasm).

6-rasm. Mikrolattis.

**Grafen** — uglerodning qalinligi bir atomga teng bo’lgan yassi allotropik modifikatsiyasi. Grafen nazariyasi 1947 yilda F. Wollas tomonidan ishlab chiqilgan. Grafenni o’zi 2004 yilda tajribalar natijasida olingan va uning xossalari o’rganib borilgan. Bu nafaqat eng yupqa material u eng mustahkam material material (po’latdan 200 marta mustahkam), va elektr o’tkazzuvchanligi ham eng yuqori material (7-rasm).

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00672



7-rasm. Grafen.

**MUHOKAMA**

Biz berayotgan taklifga ko'ra zamonaviy himoya shlemlarini yuqoridagi kabi mustaxkam va yengil materiallardan foydalangan holda kompozit tolali materiallar olish, ya'ni asosi shisha tolali to'qimadan iborat bo'lgan va unga boshqa turdagi mustaxkamlikni oshiruvchi (polimer) qo'shimcha materiallar singdirilgan to'qimali materiallarni ishlab va amaliyotga joriy etish zarur bo'ladi.

Shunday ekan shisha tolali mahsulotlar tarkibi va ularning texnik xususiyatlariga to'xtalib o'tamiz.

**Shisha tolali** materiallar yuqori mustahkamlikka ega bo'lib u legirlangan po'latga tenglasha oladi. Uning tolasi diametri **7-9 mikron** ni tashkil etadi. Ular magnialyumensilikatli shishadan tayyorlanadi. Ushbu materialning strukturasi yuqori temperaturaga ham o'ta chidamli. Shu sababli juda ko'plab kompozit materiallarda biriktiruvchi asos sifatida ishlatiladi. Bundan tashqari undagi plastiklik xususiyati ham juda yuqori (8-rasm).



8-rasm. Shisha tolali materiallar.

Kompozit materiallarni hosil qilishda ikkinchi muhim element bu polimerlardir.

**Polimerlar** kelib chiqisha ko'ra sintetik va suniy guruhlarga bo'linadi. Polimer materiallar faqat ikki xil ko'rinishda qattiq va suyuq xolatda bo'ladi. Bu

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00672

materiallarning zichligi ancha kam. Masalan, eng ko’p tarqalgan organik polimerlar **smola**, **plastmassalar** hamda **grafit**ning zichligi 900-2400 kg/m kub ga teng. G’ovakli materiallarning zichligi bundan kamroq, **penoplast**, **penorezina**, **penoyna** 20-900 kg/m kub gacha (9-rasm).

9-rasm. Polimerlar.

## XULOSA

Xulosa o’rnida shuni takidlash joizki. Hozirgi kunda Qurolli Kuchlarimizda foydalaniladigan himoya shlemlarining og’irligi 3 kg gacha bo’lib, bu harbiy xizmatchilarda ortiqch yuk ko’tarib yurish kabi noqulayliklarni tug’diradi. Bunday shlemlar o’rniga yuqorida keltirilgan materiallardan tuzilgan kompozit mahsulotlardan tayyorlangan himoya shlemlari og’irligi 2-3 barobar kamayadi, ya’ni uning og’irligi 1 kg dan 1.5 kg gacha bo’ladi. Mustaxkamligi ham bir necha bor yuqoriroq bo’ladi. Bu esa Qurolli Kuchlarimiz harbiy xizmatchilari, maxsus bo’linmalari jangovar imkonyatlarni keskin oshiradi.

## REFERENCES

1. Ofitserlar uchun qo‘llanma. Toshkent 2019.
2. S.D.Nurmurodov, A.X. Rasulov, K.G.Baxadirov (2015). Materialshunoslik va konstruksion materiallar texnologiyasi. Toshkent.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00673

# G.BARBADENSE L. ТУР ИЧИ ХИЛМА-ХИЛЛИКЛАРИНИ ДУРАГАЙЛАШ АСОСИДА ОЛИНГАН ЙИРИК КЎСАКЛИ ОИЛА ПОПУЛЯЦИЯЛАРИНИНГ АЙРИМ МОРФО-ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИНИНГ УЗВИЙ БОҒЛИҚЛИГИ

**Б. Х. Аманов**
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти Генетика ва эволюцион биологияси кафедраси
amanov.81@bk.ru

**Д. У. Закиров**
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти Генетика ва эволюцион биологияси кафедраси

## АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолага ғўзанинг белгилари, жумладан морфо-хўжалик белгилари ўртасидаги корреляцион боғлиқликни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ўрганилаётган ҳар битта белги қай даражада бошқа бир белги билан боғлиқлиги, ғўза ўсимлигида морфобиологик белгилари билан энг муҳим қимматли хўжалик белгилари ўртасидаги корреляцион боғлиқликни ўрганиш селекция учун муҳим аҳамиятга эга ҳамда бу алоқалардан селекцияда янги зот ва навларни чиқаришда фойдаланиш, ғўзанинг хўжалик белгилар ўртасидаги узвий боғлиқликларни F2 ўсимликлари чегарасида ўрганиш бўйича кўплаб мисоллар ҳамда G.barbadense L. туричи хилма-хилликларини дурагайлаш асосида олинган оилаларининг морфо-хўжалик белгиларининг узвий боғлиқлиги хақида маълумотлар ва тахлиллар киритилган.

**Калит сўзлар**: Ғўза, морфобиологик белгилар, корреляцион боғлиқлик, селекция, дурагайлаш

# G.BARBADENSE L. ORGANIZATION OF SOME MORPHO-ECONOMIC CHARACTERISTICS OF BIG-COUNTRY FAMILY POPULATIONS GROUNDED ON THE BASIS OF HYGIENE OF VARIETIES

## ABSTRACT

In this article, it is important to study the correlation between the characteristics of cotton, including morpho-economic traits, the extent to which each

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00673

trait is related to another trait, the study of the correlation between morphobiological traits and the most important valuable traits in cotton. and the use of these connections in the selection of new breeds and varieties, many examples of the study of organic relationships between cotton plant traits within F2 plants, and data and analysis on the organic relationship of morphological and economic traits of families based on hybridization of G. barbadense L. species.

**Keywords**: Cotton, morphobiological traits, correlation, selection, hybridization

## КИРИШ

Маълумки, ғўзанинг белгилари, жумладан морфо-хўжалик белгилари ўртасидаги корреляцион боғлиқликни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ўрганилаётган ҳар битта белги қай даражада бошқа бир белги билан боғлиқлигини кўрсатади. Масалан, ғўзанинг ҳосил шохи пастда жойлашиши билан шоналаш даврининг эрта бошланиши, қимматли хўжалик белгилари тола узунлиги билан чиқими, тезпишарлик билан ҳосилдорлик ва бошқа белгилар ўртасида салбий боғланиш бўлиши аниқланган, аммо бу узвий боғланишларни барчаси ҳам мустаҳкам эмас, амалий селекция ишлари жараёнида уларни осонгина узиш мумкин. Чатиштириш натижасида олинган дурагай авлодларида белгилар орасидаги салбий боғлиқликларни бартараф этиш учун, танлов ишларини тўғри олиб боришда ва амалий селекция жараёнининг самарадорлигини оширишда танлаб олинган ўсимлик популяциялари миқдори жуда катта ўрин тутади.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

S.C. Harland [1939] ўз тадқиқотларида, ғўзанинг морфобиологик ва хўжалик белгилари ўртасида корреляция боғлиқлиги ўрганилган. Гултожбарглар ранги билан тола узунлиги ва чиқими ўртасида коррелятив алоқа борлигини аниқлади. Унинг далиллари бўйича гултожи барглар рангининг омиллари тола узунлигининг ортиши билан ва зичлигининг камайиши билан боғлиқ. Ғўза ўсимлигида морфобиологик белгилари билан энг муҳим қимматли хўжалик белгилари ўртасидаги корреляцион боғлиқликни ўрганиш селекция учун муҳим аҳамиятга эга ҳамда бу алоқалардан селекцияда янги зот ва навларни чиқаришда фойдаланиш имконини беради. Янги дунё ғўзаларида паст тола индекси яланғоч уруғлилик билан боғлиқлигини ҳамда

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00673

панжасимон кесик баргли ўсимликларнинг тола индекси панжасимон бўлинма (оддий) баргли ўсимликларникига нисбатан паст бўлганлигини қайд этади.

Н.Г. Симонгулян [1969] ғўзанинг эртапишарлик масаласи билан шуғулланиб, эртапишарлик билан тола узунлиги, кўсакнинг йириклиги каби белгилар орасида манфий алоқадорликни аниқлади. Корреляция коэффициентлари у қадар юқори бўлмаганини айтган.

Н.Э. Чоршанбиев [2006] олиб борган изланишларида, ғўзанинг G.barbadense L. турига мансуб янги ғўза навлари ва улар иштирокида олинган дурагайларнинг $F_1$ авлодида қимматли хўжалик белгиларининг узвий боғлиқлик даражасини ўрганган. Олинган натижалар таҳлилига кўра, қимматли хўжалик белгиларидан бири бўлган тола узунлиги билан тола чиқими ўртасида кучсиз манфий равишда узвий боғлиқлик мавжудлиги, тола узунлиги билан кўсаклар сони ўртасидаги боғлиқлик мавжуд эмаслиги; битта кўсакдаги пахта вазни билан биттта ўсимликдаги кўсаклар сони ўртасида кучли манфий узвий боғлиқлик борлиги аниқланган ва белгилар ўртасидаги фенотипик узвий боғлиқлик генотипга боғлиқ равишда ўзгаради, деган хулосага келган.

Х.Ю. Тўйчиев [2010] қайд этишича, ғўзанинг ўрта толали навларида қимматли хўжалик белгиларининг генетик боғланишини ўрганган. Тола сифати ва миқдорий белгилар орасида кучли салбий генетик боғланиш қайд этилган ва бу маълумотлар юқори тола чиқими ва узунлигига эга бўлган ғўза навларини яратишдаги қийинчиликларни бартараф қилиш мумкинлигини кўрсатган. Маҳсулдорлик кўсак йириклиги билан, 1000 дона чигит вазни, толанинг чиқими, тола узунлиги билан ижобий равишда боғланиш мавжудлигини, тола зичлиги ва индекси боғланиши сезиларли даражада эканлигини аниқлаган.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ғўзанинг хўжалик белгилар ўртасидаги узвий боғлиқликларни $F_2$ ўсимликлари чегарасида ўрганиш бўйича кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бироқ, юқори авлод дурагайларида, айниқса туричи генетик хилма-хилликлари иштирокида олинган дурагай ўсимликларнинг кейинги авлодларида белгиларнинг ўзаро коррелятив боғлиқликларини ўрганиш бирмунча қизиқиш уйғотади.

Ўсимлик бўйи билан биринчи ҳосил шохи кўрсаткичлари орасидаги корреляция коэффициенти ажратиб олинган оилалари 2011-2013 йил натижаларига кўра қиёсий таҳлил қилинганда, баъзи оилаларда бир биридан кескин фарқ қилиши кузатилди. 2011 йил натижаларига кўра, ўсимлик бўйи билан биринчи ҳосил шохи ўртасида кучсиз, кучли ижобий ва деярли

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00673

корреляцион боғлиқлик қайд этилмаган оилалар ҳам аниқланди. Жумладан, оила популяциялари таҳлил қилинганда фақат битта «Оила 1» корреляция коэффициентининг кучли ижобий (r=+0,92) боғланиш қайд этилган бўлса, «Оила 2», «Оила 4» популяцияларида деярли боғлиқлик (r=0,001) кузатилмади (1-расм).




**1-расм. G.barbadense L. туричи хилма-хилликларини дурагайлаш асосида олинган оилаларининг морфо-хўжалик белгиларининг узвий боғлиқлиги (2011 йил).**

Туричи дурагайлаш асосида ажратиб олинган оилаларда ғўзанинг морфо-хўжалик белгилари ўсимлик бўйи билан ҳосил шохлар сони ўртасида корреляция коэффициенти таҳлил қилинганда ажратиб олинган «Оила 2», «Оила 3», «Оила 6» популяцияларида ўртача ижобий боғланиш (r=+0,45; r=+0,53; r=+0,63) кузатилган бўлса, «Оила 4» популяциясида деярли боғланиш (r=0,007) кузатилмаган бўлса, қолган оилаларда кучсиз ижобий боғланиш қайд этилди.

Ажратиб олинган оилаларда морфо-хўжалик белгилари яъни, биринчи ҳосил шохи билан ҳосил шохлар сони орасидаги корреляция коэффициенти 3 йиллик (2011-2013 йил) қиёсий таҳлил қилинган оилалларида бир нечта оилаларда деярли боғлиқлик кузатилмади, яъни «Оила 7» ($F_3$ r=0,000036), «Оила 4» популяцияларида ($F_4$ r=0,000026), «Оила 7» ($F_5$ r=0,00008) боғлиқлик

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00673

кузатилмади ҳамда оилаларда корреляция коэффициентининг ўртача ва кучсиз ижобий боғлиқлик борлиги кузатилди (1-3-расм).




**2-расм. G.barbadense L. туричи хилма-хилликларини дурагайлаш асосида олинган оилаларининг айрим морфо-хўжалик белгиларининг узвий боғлиқлиги (2012 йил).**

G.barbadense L. туричи хилма-хилликларини дурагайлаш асосида олинган йирик кўсакли оилаларнинг иккинчи йилги (2012 йил) натижаларига кўра, морфо-хўжалик белгиларидан ўсимлик бўйи билан биринчи ҳосил шохи ўртасидаги корреляция коэффициенти қиёсий ўрганилган оилаларда бир биридан кескин фарқ қилиши кузатилди, биринчи йилги натижаларга нисбатан кучли ижобий боғланиш кузатилмади ва кучсиз ижобий ҳамда деярли боғлиқлик қайд этилмаган оилалар ҳам аниқланди. Жумладан, «Оила 1» популяцияларида (r=+0,23) кучсиз ижобий боғланиш қайд этилган бўлса, «Оила 3» (r=+0,001), «Оила 8» (r=+0,003), популяцияларида деярли корреляцион боғланиш ҳолати кузатилмади (2-расм).

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00673




**3-расм. G.barbadense L. туричи хилма-хилликларини дурагайлаш асосида олинган оилаларининг морфо-хўжалик белгиларининг узвий боғлиқлиги (2013 йил).**

## ХУЛОСА

Ғўзанинг айрим морфо-хўжалик белгилари яъни, ўсимлик бўйи билан ҳосил шохлар сони ўртасида корреляция коэффициенти таҳлил қилинганда, ўрганилган «Оила-3» популяциясида ўртача (r=+0,39) боғланиш қайд этилди, қолган оилаларда кучсиз «Оила-2» (r=+0,32), «Оила-2» (r=+0,02), «Оила-9» (r=+0,04), «Оила-1» (r=+0,05) корреляцион боғланиш қайд этилган бўлса, ўсимлик бўйи билан ҳосил шохлар сони ўртасида ўрганилган «Оила-6» (r=+0,000067), «Оила-8» (r=+0,008) популяцияларида деярли корреляцион боғлиқлик аниқланмади.

2013 йилги тадқиқиқот натижаларига кўра, G.barbadense L. туричи хилма-хилликларини дурагайлаш асосида ажратиб оилаларда ғўзанинг морфо-хўжалик кўрсаткичларидан ўсимлик бўйи билан биринчи ҳосил шохи белгилари ўртасидаги корреляция коэффициенти бўйича деярли барча ўрганилган оилаларда кучсиз ижобий (r=+0,005; r=+0,17) корреляцион боғланиш кузатилди. Жумладан, «Оила 2» популяцияларида кучсиз ижобий (r=+0,17) корреляцион боғланиш қайд этилди (3-расм).

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00673

Ғўзанинг айрим морфо-хўжалик белгиларидан ўсимлик бўйи билан ҳосил шохлар сони кўрсаткичларининг корреляцион боғлиқлиги таҳлил қилинганда биринчи ва иккинчи йилги натижалар билан аналогик ҳолат қайд этилди.

## REFERENCES

1. Симонгулян Н.Г. Наследование скороспелости и фотопериодической реакции у гибридов однолетних форм с многолетней формой.// Журнал Генетика. - Москва. 1969. - №5.- С. 62-65.
2. Туйчиев Х.Ю. Айрим ғўза ва нав тизмаларининг популяциялари ичидаги биотипларнинг морфобиологик ва хўжалик белгиларининг мувозанатлиги. Б.ф.д.... дисс. автореф. Ташкент. 2010. - С. 16-18.
3. Чоршанбиев Н.Э. Ингичка толали ғўзанинг янги навларида ва дурагайларининг $F_1$ авлодида қимматли хўжалик белгиларининг корреляцияси.// Республика илмий конференция материаллари. - Самарқанд. 2006. - Б. 34-35.
4. Harland S.C. The genetics of cotton // Jonathan cape-London. 1939. - P. 32-35.
5. Shavkiev, J., Nabiev, S., Azimov, A., KHamdullaev, S., Amanov, B., Matniyazova, H., & Nurmetov, K. (2020). Correlation coefficients between physiology, biochemistry, common economic traits and yield of cotton cultivars under full and deficit irrigated conditions. Journal of Critical Reviews, 7(4), 131-136.
6. Аманов, Б. Х., & Муминов, Х. А. (2014). НАСЛЕДОВАНИЕ И ИЗМЕНЧИВОСТЬ ХОЗЯЙСТВЕННО-ЦЕННЫХ ПРИЗНАКОВ ГИБРИДОВ, ПОЛУЧЕННЫХ НА ОСНОВЕ СКРЕЩИВАНИЙ ТЕТРАПЛОИДНЫХ ВИДОВ ХЛОПЧАТНИКА G. BARBADENSE L. И G. DARWINII WATT. The Way of Science, 17.
7. Muminov, K., Ernazarova, Z., & Amanov, B. (2020). Cluster analysis of valuable economic traits in amphidiploid cotton hybrid plants. EurAsian Journal of BioSciences, 14(2), 4973-4981.
8. Аманов, Б. Х., & Саманов, Ш. А. (2020). НАСЛЕДОВАНИЕ И ИЗМЕНЧИВОСТЬ ПРИЗНАКА ДЛИНЫ ВОЛОКНА У РАСТЕНИЙ F1-F2 ПОЛУЧЕННЫХ ПУТЁМ ГИБРИДИЗАЦИИ ЛИНИЙ И СОРТОВ ВИДА G. BARBADENSE L. ТЕОРИИ, ШКОЛЫ И КОНЦЕПЦИИ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ НАУКИ, 12.
9. Абдуллаев, А. А., Ризаева, С. М., Эрназарова, З. А., Абдуллаев, Ф. Х., Эрназарова, Д. К., Аманов, Б. Х., ... & Сирожидинов, Б. А. (2016). Оценка разнообразия культивируемых видов хлопчатника различного эко-

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00673

географического происхождения. In Современные тенденции развития аграрного комплекса (pp. 777-784).
10. Amanov, B. K., Rizaeva, S. M., Khidirov, M. T., & Umirova, L. F. (2020). Inheritance of morphobiological signs in plants F1-F2 obtained based on the intraspeced hybridization of the peruanian cotton household. ISJ Theoretical & Applied Science, 02 (82), 78-82.
11. GAPPAROV, B., AMANOV, B., & RIZAYEVA, S. (2019). CROSSBREEDING OF G. HIRSUTUM L. WITH INTERSPECIFIC DIVERSITY AND WILD SPECIES G. PALMERII. In Развитие взаимоотношений различных отраслей науки в современных условиях (pp. 8-12).
12. Kh, A. B. (2018). Correlation between some morphological and economical traits at the hybrids F4 obtained on the base of intraspecific diversity of species G. barbadense L. European science review, (7-8).
13. Дониёр Уткирович Закиров, & Жасур Хабибуллаевич Гулямов (2020). ЭКСКУРСИОННАЯ МЕТОДИКА ОБУЧЕНИЯ ПО РАЗВИТИЮ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ ШКОЛЬНИКОВ В ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНА ШКОЛАХ. Science and Education, 1 (Special Issue 1), 37-44.
14. Бахтиёр Рамазонов, Вохид Файзиев, Каримжон Муталов, & Дониёр Закиров (2020). ПРОЦЕССЫ ОПУСТЫНИВАНИЯ И ТРАНСФОРМАЦИЯ ПОЧВЕННОГО ПОКРОВА В РЕГИОНЕ ПРИАРАЛЬЯ. Academic research in educational sciences, (2), 213-220. doi: 10.24411/2181-1385-2020-00079
15. Д.У.Закиров, & Х.С.Нурметов (2021). ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНАЯ ШКОЛА ОСНОВНОЙ ИСТОЧНИК ЭКОЛОГИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ. Academic research in educational sciences, 2 (Special Issue 2), 25-31.
16. SH.A. Samanov, B.KH. Amanov, & D.Zakirov, D. (2020). FORMATION OF QUALITY INDICATORS OF COTTON LINES OBTAINED BY INTERGENOMIC INTROGRESSIVE METHODS. EPRA International Journal of Research & Development (IJRD), 213-217. https://doi.org/10.36713/epra2016

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00674

# РОЛЬ ЗАИМСТВОВАНИЙ В МЕЖКУЛЬТУРНОЙ КОММУНИКАЦИИ

**Дилрабо Хасановна Сайдахметова**
Преподаватель Чирчикского государственного педагогического института Ташкентской области
saydaxmetovadilrabo@gmail.com

## АННОТАЦИЯ

Связь русского народа с народами Средней Азии уходят в глубь веков. Основу лексики современного литературного узбекского языка составляют слова общетюркского происхождения. Проникновение отдельных лексических элементов из русского языка в тюркские языки, в том числе и в узбекский, началось очень давно. Активное проникновение русских слов в узбекский язык начинается со второй половины 19 в. В первой половине 20 в число слов и выражений, заимствованных из русского языка, в узбекском языке из года в год возрастает. Заимствование увеличивает лексическое богатство, служит источником новых корней, словообразовательных элементов и точных терминов и представляет собой следствие условий социальной жизни человечества. Заимствования иностранных слов – один из способов развития современного языка.

**Ключевые слова:** заимствованные слова, литературный язык, межкультурная коммуникация, узбекский язык, русский язык, лексические заимствования.

# ROLE OF BORROWING IN INTERCULTURAL COMMUNICATION

## ABSTRACT

The connection of the Russian people with the peoples of Central Asia goes back centuries. The vocabulary of the modern literary Uzbek language is based on words of common Turkic origin. The penetration of certain lexical elements from the Russian language into the Turkic languages, including Uzbek, began a long time ago. The active penetration of Russian words into the Uzbek language begins in the second half of the 19th century. In the first half of 20, the number of words and expressions borrowed from the Russian language in the Uzbek language increases from year to year. Borrowing increases lexical richness, serves as a source of new roots, word-building elements and precise terms and is a consequence of the

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00674

conditions of the social life of mankind. Borrowing foreign words is one of the ways of developing a modern language.

**Keywords:** borrowed words, literary language, intercultural communication, Uzbek language, Russian, lexical borrowings.

## ВВЕДЕНИЯ

Слово относится к двусторонним лингвистическим единицам. Иначе говоря, оно обладает планом выражения, или звучанием, и планом содержания, или семантикой. Семантика слова есть сложное психическое образование, в котором обычно преобладают мыслительные (интеллектуальные)элементы. Например, содержание слова самолет представляет собой мысли о летательном аппарате с определенными свойствами, иначе – семантика этого слова совпадает с понятием самолета.

Содержание слова может включать и разнообразные коннотации, т.е. семантические оттенки, отражающие особенности употребления слова. Так, содержание слова аэроплан совпадает с содержанием слова самолет во всем, кроме коннотаций. Слово аэроплан было общеупотребительным в первой четверти 20 в., и его семантика содержит элемент архаичности, как бы отблеск технического несовершенства и романтического героизма, характерных для тогдашней авиации. Слова картофель и картошка семантически совершенно эквивалентны, если не считать стилистических коннотаций: первое слово - книжное, второе разговорное.

Л. А. Щерба всегда рассматривал любой язык прежде всего в его человеческой сущности: сами люди когда-то «выработали» языки, на которых они говорят, выражают мысли и чувства, общаются друг с другом и тем самым – вольно или невольно – шлифуют и развивают свои же языки, « приспосабливают» их к новым условиям жизни, к требованиям более высокой культуры. Люди не стоят в стороне от своих языков, они своеобразно воздействуют на их развитие и их функционирование. Л.В. Щерба всегда интересовался видами и способами воздействия людей на язык их повседневного общения. Но если так в жизни, то так должно быть и в науке поэтому, по мнению ученого, в лингвистике можно «двигаться» не только от форм к их содержанию, но и от содержания, от понятийных (логических) категорий к видам и способам их выражения в том или ином языке.

Родной язык – это живая связь времен. С помощью языка человек осознает роль своего народа в прошлом и настоящем, приобщается к культурному наследию,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00674

к современным процессам духовного развития общества, нации. Значение русского языка в наше время огромно. Русский язык закрепляется и как средство международного общения, входя в круг мировых языков.

науку о происхождении слов называют этимологией. Это один из древнейших и один из интереснейших отделов языкознания. Основателями его были древнегреческие философы, в трудах которых появился и сам термин этимология, составленный из двух греческих слов:etymon, что значит «истина», и logos, что значит « слово, учение».

Язык есть главное средство общения людей и потому всегда существует в обществе.

Пока есть люди, которые пользуются языком как основным средством общения, язык жив, он непрерывно изменяется. Весь процесс развития языка сводится к постепенному исчезновению одних явлений и появлению других, причем момент зарождения новых лингвистических инноваций обычно происходит незаметно для самих говорящих. Возникая в речи (устной или письменной), лингвистические инновации (фонетические, грамматические, лексические) постепенно находят себе все большее применение, начинают употребляться все чаще и чаще, пока не приобретут таким образом силу правила, пока люди, говорящие на данном языке, не станут рассматривать эти лингвистические инновации как нечто обычное, само собой разумеющееся, как факт языка.

Вариант языка, согласующийся с особой нормой и сознательно противопоставляемый ненормативным вариантом, называется литературным языком.

В наше время всеобщая грамотность, книгопечатание, средства массовой информации способствуют распространению литературного языка на все слои населения.

Двуязычие, или билингвизм, обычно вызывается непосредственными контактами народов, совместным проживанием людей, говорящих на разных языках.

Слова заимствуются из одного языка в другой основными путями: устным и письменным. Непосредственные контакты людей, говорящих на разных языках, способствуют устному проникновению заимствований в начале 19 в., например было два варианта русского слова клуб: клуб и клоб. Первый вариант точно отражает написание английского слова, но не соответствует его произношению, этот вариант проник в русский язык письменным путем.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00674

Второй вариант соответствует французскому (тогдашнему английскому) произношению и вошел в русский язык устным путем.

Письменный путь заимствования предполагает чтение литературы (книг, газет, журналов) на чужом языке. Этот путь заимствования слов обладает очень широкими возможностями, т.к. Не предполагает обязательных личных контактов. Здесь, в частности возможны заимствования из мертвых языков.

Заимствование слов происходило во все эпохи. Уже в древности существовали так называемые слова - путешественники, которые вместе с обозначаемыми предметами

Переходили от народа к народу, от языка к языку. Лишь в редких случаях удается установить тот язык, где впервые возникло данное слово. Например, из древнеиндийского языка происходит обозначение сахара: др. Инд. Sarkara, - тадж. Шаккар, узб. Шакар, араб.sykkar, греч.sakkhazon, ит.zucchero, фр.sucre, анг. Sugar, нем.zucker,

Польск.cukieri русск. Сахар.

Русские этимологические дублеты чердак и чердог восходят к одному и тому же источнику ( пер.cartak « галерея»), персидское слово пришло в русский язык двумя разными путями, да время своих странствий дублеты разошлись фонетически и семантически. Так же образовались цифра ( из нем.zipher) и шифр (из фр.chiffre), восходящие к араб.sifr «ноль»

Особенно много этимологических дублетов образуется при массовых заимствованиях из родственного языка. Русский язык заимствовал множество старославянских слов, большинство их образует пары этимологических дублетов с исконно русскими словами.

Ф.Соссюр отмечает связь истории языка с историей общества и цивилизации. Он признает, что «обычаи нации отражаются на ее языке, а с другой стороны, в значительной мере именно язык формирует нацию».

Развитие материальной культуры и производства влияют на язык: определяют его границы, взаимодействие с другими языками, определяют особенности литературного языка, приводят к заимствованиям и т.п. Однако, по мнению Соссюра, экстралингвистические факторы не затрагивают внутреннюю систему языка: «ошибочно думать, что, минуя их, нельзя познать внутренний организм языка». Более того: нет никакой надобности знать условия, в которых развивается тот или иной язык.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00674

## ВЫВОД

Развитие информационно – коммуникационных технологий и глобальной сети интернет позволяет повысить эффективность правительственной деятельности и всех отраслях народного хозяйства страны. Русский язык продолжает оказывать много услуг нашим наукам, искусству, народному хозяйству. Изменение языковых норм, появление новых слов, новых заимствований, профессиональных и диалектных речений всегда вызывает определенную оценку общества оно не равнодушно к судьбе языка.

## REFERENCES

1. Л.В.Щерба. О трояком аспекте языковых явлений и об эксперименте в языкознании. «из. Ан СССР», отд. Обществ наук, 1931,1.
2. Скакун н. П. Творческие письменные работы как средство формирования языковых навыков.
3. Белозерова Е.В. Заимствования в лексике туризма испанского языка.
4. Филиминова Н.Ю. Проблемы межкультурной коммуникации на начальном этапе.
5. Плеханова Т.Ф. Интерпретация иноязычного художественного текста.
6. Шайкевич А.Я. Введение в языкознание.
7. Люстрова З.Д. Беседы о русском слове.
8. Шанский Н.М .Этимологический словарь русского языка.
9. Сайдахметова, Х. Д. (2021). КАЧЕСТВА ОБУЧЕНИЯ В СИСТЕМЕ ВУЗОВСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES, 2(1), 1148-1152.
10. Сайдахметова, Д. Х. (2020). ЦИФРОВАЯ ТЕХНОЛОГИЯ. Academic Research in Educational Sciences, 1 (4), 85-90.
11. Юсупова, Ф. М. (2021). О МЕЖПРЕДМЕТНЫХ СВЯЗАХ В ПРЕПОДАВАНИИ РУССКОГО ЯЗЫКА. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES, 2(4), 182-185.
12. Бадалова, Б. (2021). ЭТАПЫ СТАНОВЛЕНИЯ И УРОВНИ РАЗВИТИЯ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИИ КАК НАУКИ. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES, 2(2), 48-51.
13. Бадалова, Б. Т. (2020). ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ВА ПЕДАЛОГИЯ НАЗАРИЯСИ. Academic Research in Educational Sciences, 1 (3), 1300-1305.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00675

# O‘RTA UMUMTA'LIM MAKTABLARIDA FIZIKA VA ASTRONOMIYANI KASBGA YO'NALTIRIB O'QITISHDA TAYANCH VA FANGA OID KOMPETENSIYALARNING AHAMIYATI

**Abdurazzoq Nizamiddinovich Ernazarov**
Nizomiy nomidagi TDPU magistranti
ernazarov_abdurazzoq@mail.ru

## ANNOTATSIYA

Maqolaning mazmuni shundan iboratki, Fizika va astronomiyani o‘qitishning kasbiy yo‘naltirilishi muammosi hal etishda tayanch va fanga oid kompetensiyalarning ahamiyati ochib berilgan.

**Kalit so‘zlar:** ekologik, fizika, texnika, mehnat, kompetensiya, texnologiya, astronomiya, trigonometric funksiya.

# THE IMPORTANCE OF BASIS AND SCIENCE COMPETENCES IN PROFESSIONAL TEACHING OF PHYSICS AND ASTRONOMY IN SECONDARY EDUCATION SCHOOLS

**Abdurazzoq Nizamiddinovich Ernazarov**
Master student of Tashkent State Pedagogical University named after Nizami
ernazarov_abdurazzoq@mail.ru

## ABSTRACT

The content of the article is that the importance of basic and scientific competencies in solving the problem of professional orientation of physics and astronomy teaching is revealed.

**Keywords:** ecological, physics, engineering, labor, competence, technology, astronomy, trigonometric function.

## KIRISH

O’zbekiston Respublikasida mustaqillikka erishgandan so’ng barcha yo’nalishlar qatori ta’lim sohasoida ham katta islohotlar amalga oshirildi. “Ta’lim to’g’risida”gi, “Kadrlar tayyorlash milliy dasturi to’g’risida”gi qonunlar shular jumlasidandir.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00675

Davlat ta’lim standartlarida o’quvchilarda tayanch va fanga oid umumiy kompetensiyalarni shakllantirish ko’zda tutilgan. Tayanch kompetensiyalar – inson qanday kasb egasi bo’lishidan qat’iy nazar, jamiyatda muvaffaqiyatli yashashi uchun ega bo’lishi kerak bo’lgan layoqatlar, qobiliyatlar va faoliyat turlaridan iboratdir. Bunda har bir shaxs kommunikativ bo’lishi, axborot bilan ishlay olishi, shaxs sifatida o’z-o’zini rivojlantirishi, ijtimoiy faol fuqaro bo’lishi, umummadaniy xislatlarga ega hamda matematik jihatdan savodxon bo’lishi nazarda tutiladi.

Fan-texnika taraqqiyoti natijasida, fizika fani izchil rivojlanib borayotgan shu asrimizda biz yangiliklar yaratishimiz kerak bo’ladi. Shu munosabat bilan o’quv-tarbiya jarayonining darajasini ancha oshirish zarurati tug’ildi, yoshlarga umumkasbiy fanlarni o’qitishda o’quvchilarning fan asoslarini chuqur egallashini ta’minlash, ularga kasbiga e’tiqod, mexnatsevarlik, axloqiy soflik kabi xislatlarni shakllantirish, Vatanimizga muhabbat va uning kelajagi uchun o’zining xissasini qo’shishga tayyor turadiga va komil inson ruhida tarbiyalashga qaratilgan bo’lib. Shu bilan birga mavzuning insoniyat xayotidagi rolini o’quvchilarga yetkazishdan iborat.

Fizikani predmet sifatida o‘qitishda kasbiy yo‘naltirish o‘qitishning maqsadlaridan biri sifatida ham, bilimlar sifatini oshirishning muhim faktori sifatida ham xizmat qiladi. Fizikani kasbiy yo‘naltirib o‘qitish faqatgina kasbiy chaqqonlikni oshiribgina qolmay, shu bilan birga o‘quvchilarning ma’naviy kuchlarini va qobiliyatlarini ham rivojlantirishga, ularda ilmiy dunyoqarashni, ijobiy munosabatda bo‘lish kabi fazilatlarni shakllantirishga ham imkon beradi.

Ma’lumki, fan va texnika taraqqiyoti ta’lim va tarbiyaning mazmuni va metodlariga bevosita ta’sir etadigan quyidagi bir qator belgilar bilan xarakterlanadi:

- fan, texnika va ishlab chiqarishdagi o‘zgarishlarning birga qo‘shilib ketishi natijasida fanning bevosita ishlab chiqarish kuchlariga aylanib ketishi;
- ishlab chiqarish kuchlari hamma elementlarini sifat jihatdan qaytadan qurish;
- mehnat xarakteri va mazmunining o‘zgarishi, unda ijodiy elementlar rolining o‘sishi;
- ishchilar umumiy va maxsus ta’limi, hamda madaniyatining o‘sish darajasi;
- ekologik muammolarning paydo bo‘lishi va shunga bog‘liq bo‘lgan boshqa masalalar.

Kasbiy yo‘naltirib o‘qitish ham albatta didaktik tamoyillarga tayanadi. Fizikani kasbiy yo‘naltirib o‘qitish asosan “ko‘rgazmali” bo‘ladi, chunki uning manbai texnika ob’ektlari hisoblanadi. Shu tufayli, fizika o‘qitishda politexnik tamoyilni ketma-ket amalga oshirish ko‘rgazmalilik tamoyili vositalarini boyitish bilan birga fizikadan o‘quv jihozlariga aniq talablar qo‘yadi.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00675

Kasbiy yo‘naltirib o‘qitish insonning mehnat va ishlab chiqarish – texnik faoliyatida shakllanadi va aniq ko‘rinishda namoyon bo‘ladi. Shu sababli, o‘qitishni ishlab chiqarish va o‘quvchilarning mehnati bilan bog‘lanishi ular tomonidan bilimlarni o‘zlashtirishning zaruriy sharti bo‘lib xizmat qiladi. O‘quvchilarni kasbga tayyorlash fan asoslarini, mehnat ta’limini o‘rganish jarayonida, texnika, texnologiya va ijtimoiy – foydali, ishlab chiqarish mehnati bo‘yicha sinfdan tashqari mashg‘ulotlarda amalga oshiriladi.

## ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Fizikani o‘qitishning kasbiy yo‘naltirilishi muammosi bugungi kunda ayniqsa, dolzarb hisoblanadi, chunki hozirgi paytda texnika kirib bormagan sohaning o‘zi yo‘q. Bunda uning mazmun va jarayonual tomoni farqlanadi. Mazmun tomoni esa o‘qitishning metodlariga va shakllariga qo‘yilgan talablar hisoblanadi.

Fizikani o‘rganishda qarab chiqilayotgan qonuniyatlar xalq xo‘jaligining muhim sohalaridagi texnik qo‘llanishlarni ham kiritish kerakligini talab etadi. Bu esa fizika kursining nazariy va amaliy qismlarini aniqlab olishga imkon beradi.

O’rta umumta’lim maktablarini tugatgan o’quvchilarning bir qismi ishlab chiqarish sohasiga boradi. Shu munosabat bilan ular mehnat tarbiyasini olgan bo‘lishlari zarur. Mehnat tarbiyasi masalasini hal etishda fizika o‘qituvchisi ham ma’lum darajada ishtirok etadi. Mehnat tarbiyasining maqsadi yoshlarni hamkasblarga, mehnat jamoalarga muhabbat va hurmat ruhida tarbiyalash, jamiyat uchun zarur va foydali ishlarni bajarishga tayyorlash, mehnat natijasiga javobgarlik hissini, jamoa qiziqishini o‘zining qiziqishlaridan ustun qo‘yishga, mehnatga ijodiy munosabatda bo‘lish hislariga erishishga yoshligidan tayyorlab borishdan iborat. Agar, o‘qitish ishlab chiqarish mehnati bilan qo‘shib olib borilsa, yaxshi samara beradi.

## NATIJALAR

O’rta umumta’lim maktablarida mehnat tarbiyasi asosiy maqsadlardan biri hisoblanadi. O’rta umumta’lim maktablarida barcha fan o‘qituvchilari buni amalga oshirishda faol ishtirok etishlari zarur. Fizika o‘qituvchisi ham har bir darsida faqat fan asoslarini o‘rgatib qolmasdan mehnat tarbiyasini ham amalga oshirishi kerak.

Fizika o‘qituvchisining o’quvchilarni mehnat tarbiyasi va kasbga yo‘naltirish bo‘yicha ish metodini aniqlovchi tamoyil bo‘lib politexnik tamoyil hisoblanadi. Fizika o‘qituvchisi o‘z darslarida avvalambor o‘z faniga o’quvchilarni qiziqtira olishi

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00675

zarur, aks holda u hozirgi ishlab chiqarishning ilmiy asoslari haqida, novator va ijodkorlar haqida har qancha chiroyli so‘zlab bersa ham o’quvchida mehnatga ijodiy munosabat shakllanmaydi. O’rta umumta’lim maktablarida ishlayotgan fizika o‘qituvchilarining yana bir muhim vazifasi shundan iboratki, u o‘z darslarida fizikani o’quvchilarning kelgusidagi mehnat faoliyatlariga qanchalik zarur ekanligini aniq misollar orqali ko‘rsatib bera olishi va bularni tajribalar orqali namoyish etib berishi kerak bo‘ladi. O‘qituvchi shu yo‘l bilan o’quvchilarni fizika faniga bo‘lgan qiziqishini oshirish bilan birga o‘z kasbiga muhabbat tuyg‘usini ham uyg‘ota oladi. Fizika o‘qitishni shunday tashkil etish kerakki, bunda texnika taraqqiyotini belgilovchi faktor fizikaning qonunlari ekanligiga o’quvchilarda ishonch hosil bo‘lsin.

## MUHOKAMA

Fanning insonparvarlik mohiyatini ochish, ya’ni yutuqlaridan xalq farovonligi yo‘lida foydalanish o’quvchilarning politexnik saviyasini, hamda kasbga yo‘naltirish bo‘yicha qiladigan ishlarining samaradorligini oshiradi.

Fizikani o‘rganish o‘quvchilarning fizikadan olgan oldingi bilimlarigagina tayanib qolmasdan, shu bilan birga ijtimoiy va tabiiy fanlardan olgan bilimlariga ham tayanadi. Masalan, mexanika, tebranish va to‘lqinlarni o‘rganish uchun matematika kursidan trigonometrik funksiyalar, elektroliz hodisasini, atom va yadro fizikasini o‘rganishda kimyo kursidan olgan bilimlarga, issiqlik va elektr haqidagi ta’limotlarni tushuntirishda XIX asrdagi sanoat talablari haqidagi tarix kursidan olgan ma’lumotlar, atmosfera, konvensiya, yer magnetizm hodisalarini o‘rganishda geografiyadan olgan bilimlardan foydalaniladi.

## XULOSA

O’rta umjumta’lim maktablarida fizika fanini kasbiy sohalarga yo’naltirib o’qitish o’qituvchidan yuksak bilim va oliy darajadagi pedagogik mahorat talab etadi. O’quvchilarning fanga bo’lgan qiziqishlarini oshirish va dars mobaynida egallagan bilimlarini kelajakda o’z mexnat faoliyatlari davomida qo’llay olishlarini ta’minlashda kasbiy yo’naltirib o’qitishning ahamiyati katta.

## REFERENCES

1. X.Mahmudova, B.Nurillayev , R.Isyanov, O.Rajabova. Fizika fanini kasbiy sohalarga yo‘naltirib o‘qitish (O‘rta maxsus kasb-hunar ta’limi muassasalari o‘qituvchilari uchun metodik qo‘llanma) – T.: 2012 y.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00675

2. Ж. Усаров. Физика ўқитиш жараёнида ўқувчиларда компетенцияларни ривожлантиришнинг дидактик жиҳатлари. – Т.: “MASHHUR-PRESS” , - 2019.- 192 бет.
3. Usarov. J., (2019). Using Teaching Methods for Development Student Competencies. International Journal of Progressive Sciences and Technologies.
4. Jabbor Eshbekovich Usarov. (2017). Formation Competence at Pupils as the Factor of Increase of Education’s Efficiency. *Theoretical & Applied Science*, 53(9), 79-82.
5. Jabbor Eshbekovich Usarov, Kabilova. Sh., (2021). Inklyuziv ta’limning nazariy va kontseptual masalalari. Fan, ta’lim va amaliyot integratsiyasi, 02(02), 37-46.
6. Mamadazimov, M., Tillaboyev, A., & Nurmamatov, Sh. (2019). Astronomiya kursidan masalalar to‘plami.
7. Nurmamatov, Sh. (2020). Umumiy o‘rta ta'lim maktablarida astronomiya fanidan "Osmon sferasi, uning asosiy nuqtalari, aylanalari va chiziqlari" mavzusiga doir masala yechish metodikasi. Fizika, matematika va informatika, 01(1), 37-44.
8. Nurmamatov, Sh. (2020). Astronomiya kursining astrofizika bo’limiga doir masalalar yechish metodikasi. "O‘zbekistonda ilmiy-amaliy tadqiqotlar" mavzusidagi respublika 16-ko‘p tarmoqli ilmiy masofaviy onlayn konferensiya materiallari
9. Gafurjan Isroilovich Muxamedov, Sheroz Eraliyevich Nurmamatov & Ibrohim Ulug'bek o'g'li Sapayev. (2021). Umumiy o'rta ta'lim maktablarida astronomiyadan masalalar yechish usullari. Academic research in educational sciences, 02(01), 664-667.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00676

# PROMISING METHOD OF OIL WASTE DISPOSAL

**Bakhodir Zhunaidullaevich Tursunov**
Assistant of the Department "Technology of Gas Chemical Processing" of Bukhara Engineering and Technological

**Bakhtiyor Sharifovich Gadoev**
Student, Bukhara engineering-technological institute

## ABSTRACT

This article provides a brief overview of the negative impact of oil waste, both on the environment and on the economic component of oil-extracting and refining enterprises, formed during the extraction, transportation, storage of oil and oil products, and methods of their disposal are also considered. The urgency of the problem of oil waste utilization is considered. The most effective solution to the problem by briquetting is proposed.

**Keywords:** oil sludge, fuel briquettes, reservoir oil sludge, complex disposal, energy resources, alternative fuel, recycling, asphalt-resin-paraffin deposits.

## INTRODUCTION

At the moment, there is a situation of reduction of world reserves of energy resources, in connection with which it is a modern and competent approach to the disposal of petroleum products that can significantly increase the efficiency of using energy reserves. At the same time, a particularly acute problem is the organization of competent disposal of waste from oil refining production, with the help of which the industry can not only significantly improve the environmental situation in the region, but also significantly increase its economic potential [1].

The problem of the negative impact on the environment of the accumulated waste generated during the extraction, transportation, storage of oil and petroleum products has not yet been resolved. As a result of the migration of harmful substances, environmental pollution occurs.

It should be noted that all the processes of conversion of hydrocarbons are activated in hot climates - due to a decrease in viscosity and an increase in the reaction rate [2-5].

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00676

## METHODOLOGY

Enterprises associated with oil and gas production and processing of oil and gas raw materials are forced to accumulate and store oil sludge on their territory due to the insufficient number of industrial waste landfills that receive them or due to the lack of installations for processing oil - containing waste, respectively, paying for their storage.

The accumulation of oil waste in production areas can lead to intensive pollution of soil, air and groundwater. Often, oil-containing waste is destroyed at industrial sites by incineration, which is a violation of environmental legislation..

Asphalt-resin-paraffin deposits (ARPD), which are a complex mixture of high-molecular organic compounds with inorganic inclusions, represent a big problem in terms of oil sludge disposal [2, 3, 6-9].

## RESULTS

In turn, the issues of providing the population with fuel for economic needs, as well as the transition of industrial enterprises from gas to cheaper and alternative fuel, are actual.

Oil sludge is a complex physico-chemical mixture that consists of petroleum products, mechanical impurities (clay, metal oxides, sand) and water. The ratio of the elements that make up the oil sludge can be very different.

Oil sludge is formed during production processes such as oil refining, production and transportation. This type of waste represents a great danger to the environment and must be buried or recycled.

Oil sludge can be formed both as a result of natural controlled processes (for example, cleaning oil from impurities and water), and from all kinds of accidents (spills). In the latter case, with late detection or a large-scale accident, nature can be greatly damaged [8-13].




***Figure 1. Level-by-level layers of the sludge accumulator. 1 - oil and fuel oil layer; 2 water-emulsion layer; 3 - bottom sediments***

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00676

Currently, the production of the refinery is directed towards the development of waste-free environmental technologies, according to which the amount of oil waste is minimized, or they are reused and used profitably.

**Table 1. Chemical composition of oil sludge**

| Component name | Quantity, mass % | | | |
|---|---|---|---|---|
| | Organic Ingredients | Moisture | Sulfur | Mineral part |
| Oil sludge | 72 | 10,2 | 1,8 | 16 |

In addition to the formation of oil sludge, other types of waste are accumulated at petrochemical and oil production enterprises, such as: contaminated soils; drilling mud; acid tar; spent catalysts; adsorbents; ash; solid residue of oil; resinous substances; dust caught during the cleaning of emissions.

**Table 2. Mineral composition of oil sludge**

| Content of components, % | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| $SiO_2$ | CaO | $Fe_2O_3$ | $Al_2O_3$ | MgO | other |
| 4,55 | 3,14 | 1,65 | 2,36 | 1,0 | 3,3 |

**Table 3. Classification of oil sludge, in accordance with existing legal regulations**

| Structure, % | Oil sludge | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | oiled soil | Bottom sludge | Tank cleaning products | Oil-water emulsion | Trap oil | Drill cuttings | Barn top layer |
| Mechanical impurities | 50-90 | 15-50 | 5-10 | 1,5-15 | 0,05-0,5 | 11-25 | 0,5-15 |
| Oil, petroleum products | to 10 | 10-30 | 50-70 | 30-80 | 70-90 | 7-14 | 90-95 |
| Asphaltenes | - | 6,5 | 42 | 5-10 | 4-15 | - | 9,5 |
| Resins | - | 18 | 20 | 10-20 | 10-45 | - | - |
| Paraffins | - | 2,5 | 5,6 | 3-9 | 2-10 | - | 3 |
| Water | to 20 | to 60 | 25-40 | to 70 | to 15 | 75-90 | 1,5-5 |

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00676

To determine the scope of application of oil sludge, it is necessary to conduct a preliminary analysis of the qualitative composition of the feedstock.

Scheme 1 illustrates the stages of primary processing and analysis of oil sludge. (Fig. 2).




***Figure 2. Scheme of technological stages of oil sludge processing and composition analysis***

The reviewed studies in the field of oil-containing waste management revealed the need for a unified system of treatment in the field of oil sludge utilization and processing, despite the presence of many approaches and technologies. Oil-containing waste should be involved in recycling in order to minimize the technogenic impact on the environment, taking into account their characteristics, in order to maximize their involvement in resource turnover. Currently, the majority of technologies used for the disposal of oil-containing waste involve the processing of the upper layer of oil sludge, leaving the lower-bottom layer of historical accumulation intact.

## DISCUSSION

To identify the suitability of oil sludge and select the required technology, it is necessary to conduct experimental studies in order to analyze its chemical composition and properties. That in the future will allow you to choose the optimal method of recycling in various industries. The most promising technologies for the processing of oil sludge is their use in the production of building materials. At the same time, it is necessary to take into account the ecological and economic justification of the choice and the prospects for the implementation of the technology.

In turn, the issues of providing the population with fuel for household needs and as a boiler fuel, as well as the transition of industrial enterprises from gas to cheaper and alternative fuel, are topical.

With all the variety of characteristics of various oil waste in the most general form, all oil sludge can be divided into three main groups in accordance with the

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00676

conditions of their formation - ground, bottom and reservoir type. Depending on the method of formation and, accordingly, the physic-chemical composition, oil sludge is divided into several groups or types:

1. Bottom, formed at the bottom of various reservoirs after an oil spill.

2. Formed when drilling wells with hydrocarbon-based drilling fluids.

3. Formed in the process of oil production, or rather, in the process of its purification. The fact is that the oil extracted from the well contains numerous salts, precipitated solid hydrocarbons, mechanical impurities (including particles of rocks).

4. Tank oil sludge is a waste that is generated during the storage and transportation of oil in a wide variety of tanks.

5. Soil, which is the product of the connection of the soil and the oil spilled on it (the reason for this can be either a technological process or an accident). This type of oil sludge (contaminated soil) refers to waste only after it is placed in waste storage facilities or in landfills for waste processing.

In the most simplified form, oil sludge is a multicomponent stable aggregate physic-chemical system, consisting mainly of oil products, water and mineral additives (sand, clay, metal oxides, etc.). The main reason for the formation of tank oil sludge is the physicochemical interaction of oil products in the volume of a specific oil intake device with moisture, air oxygen and mechanical impurities, as well as with the material of the walls of the reservoir. As a result of such processes, partial oxidation of the original petroleum products occurs with the formation of resin-like compounds and rusting of the tank walls. Along the way, the ingress of moisture and mechanical impurities into the volume of the oil product leads to the formation of water-oil emulsions and mineral dispersions. Since any sludge is formed as a result of interaction with a specific environment for its conditions and for a certain period of time, there are no sludges that are identical in composition and physic-chemical characteristics in nature. According to the results of many studies in tank-type oil sludge, the ratio of oil products, water and mechanical impurities (particles of sand, clay, rust, etc.) varies over a very wide range: hydrocarbons are 5-90%, water 1-52%, solid impurities 0 , 8-65%. As a consequence, such a significant change in the composition of oil sludge, the range of changes in their physicochemical characteristics is also very wide. The density of oil sludge ranges from 830-1700 kg / $m^3$, the solidification temperature from -3 to + 80 ° C. Flash point ranges from 35 to 120 ℃ [5].

Processing and disposal of oil sludge is an important environmental and economic challenge.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00676

Technologies for the disposal of oil sludge, based on destructive methods, do not allow the full use of oil-containing waste in economic activities.

At the same time, the waste of the woodworking industry -wood sawdust, is not less than 40 % of the total volume, and the efficiency of their use does not exceed 48 %, at the same time, the waste of coal production is not less than 20-30% of the total volume, they are also formed during extraction and transportation, and their disposal is not fully carried out, which negatively affects the ecology of the environment.

Therefore, the complex disposal of oil sludge and sawdust by obtaining fuel briquettes is an urgent task, has scientific novelty and great practical significance, as it allows you to save energy resources and provide fuel to hard-to-reach areas.

## CONCLUSION

We propose a comprehensive disposal of oil sludge with other production wastes for the manufacture of fuel briquettes based on mixing ARPD with waste from other industries, using both cheap and available raw materials and molding them using high-molecular compounds with inorganic inclusions. The main parameters of fuel briquettes are their calorific value, strength, ash content and duration of combustion.

Fuel briquettes from oil waste are one of the most effective solutions in matters of both environmental pollution, soil and underground sources, and in providing the population and industrial enterprises with cheaper and alternative fuel.

## REFERENCES

1. Zhumaev K.K., Shomurodov A.Yu., Yakhyaev N. Sh., Tursunov B.Zh. «Research on the separation of oil sludge in the field of centrifugal forces » proceedings of the international conference Bukhara 2019. 3 vol. 401-404.
2. Zhumaev K.K., Shomurodov A.Yu., Yakhyaev N. Sh., Tursunov B.Zh. III international conference-symposium "Introduction of scientific achievements into practice and elimination of corruption in it" November 30, 2019. Tashkent 2019. 434-437.
3. Zhumaev K.K., Shomurodov A.Yu., Yakhyaev N. Sh., Tursunov B.Zh. «Ecology and sources of environmental pollution» III international conference-symposium "Introduction of scientific achievements into practice and elimination of corruption in it" November 30, 2019. Tashkent 2019. 431-434.
4. Sverguzova S.V., Fetisov D.D., Bulletin of BSTU named after V.G. Shukhov, 4, 192-194 (2011).

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00676

5. Ruchkinova O. I. Doct. Technical Sciences, Perm State Technical University, 2004. 367 p.
6. 1. Аминова А. С. и др. Использование нефтешламов-рациональный способ их утилизации //Молодой ученый. – 2015. – №. 2. – С. 124-126.
7. 2. Тимофеев Э. А., Курамшина Н. Г. Утилизация нефтесодержащих отходов и применение их в строительной отрасли //Молодой ученый. – 2016. – №. 30. – С. 139-142.
8. 3. К. А. Джураев, А. С. Аминова, С. А. Гайбуллаев. Основные методы обезвреживания и утилизации нефтеотходов // Молодой ученый. – 2014. – № 10 (69). –С. 136-137.
9. 4. Турсунов Б. Ж., Гайбуллаев С. А., Жумаев К. К. Влияние технологических параметров на гликолевую осушку газа //MEDICAL SCIENCES. – 2020. – Т. 1. – №. 55. – С. 33.
10. 5. Гайбуллаев С. А., Турсунов Б. Ж., Тимуров Ш. М. ТЕХНОЛОГИЯ GTL-ПЕРСПЕКТИВНОЕ НАПРАВЛЕНИЕ ПОЛУЧЕНИЯ ТОПЛИВ С УЛУЧШЕННЫМИ ЭКОЛОГИЧЕСКИМИ СВОЙСТВАМИ //Теория и практика современной науки. – 2019. – №. 6. – С. 168-172.
11. 6. Зарипов Г. Б., Гайбуллаев С. А. Выбор режима работы процесса низкотемпературной сепарации углеводородных сырьевых ресурсов //Молодой ученый. – 2016. – №. 3. – С. 98-100.
12. Sharipov M. S. et al. TASHLAMA GAZLARNI NOAN'ANAVIY USULLARDA TOZALASH //Science and Education. – 2021. – Т. 2. – №. 3. – С. 136-141.
13. Абдулазизов С. С. Ў., Шарипов М. С., Ғайбуллаев С. А. МОЙ ФРАКЦИЯЛАРИНИНГ КИМЁВИЙ ТАРКИБИ ВА РЕОЛОГИК ХОССАЛАРИ //Science and Education. – 2021. – Т. 2. – №. 3.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00677

# TIB ILMINING BUYUK ALLOMASI ABU ALI IBN SINO O‘GITLARINING YOSH AVLOD TARBIYASIDAGI AHAMIYATI

**Xurshida Baxadirovna Alimova**
Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti magistranti
alimova.xurshida@bk.ru

**Dilbar Sattarovna Bozorova**
Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti magistranti
bozorova.dilbar@bk.ru

**Baxtiyor Ramazonovich Ramazonov**
Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti, Tabiiy fanlar fakulteti
Biologiya kafedrasi o‘qituvchisi, b.f.f.d. (PhD)
ramazonov_74@mail.ru

## ANNOTATSIYA

Maqolada sharq uyg‘onish davrining ulug‘ qomusiy allomalari, mashhur mutafakkirlari bilan birga tib olamida katta muvaffaqiyatlarga erishgan Abu Ali ibn Sino asarlari va o‘gitlarining yosh avlod tarbiyasidagi ahamiyati, maktab o‘quvchilarida tibbiyot va biologiya fanlariga bo‘lgan qiziqishlarini hamda ularda fanga bo‘lgan mehrlarini yanada oshishida amaliy ahamiyati to‘g‘risida fikr yuritiladi. Abu Ali ibn Sinoning o‘z zamonasida tabobat ilmida yuksak darajaga erishagani va hatto bugungi kunda ham alohida e’tirofga sazovor bo‘layotganiga ayniqsa bugungi sinovli kunlarda katta amaliy ahamiyatga ega ekanligi ta’kidlab o‘tilgan.

**Kalit so‘zlar**: tabobat, biologiya, uyg‘onish davri, Markaziy Osiyo, Tib qonunlari, Avitsenna.

# THE GREAT SCIENCE OF MEDICAL SCIENCE THE IMPORTANCE OF ABU ALI IBN SINO'S TEACHINGS IN THE EDUCATION OF THE YOUNG GENERATION

## ABSTRACT

The article discusses the importance of the works and teachings of Abu Ali ibn Sino, who, along with the great encyclopedic scholars of the Eastern Renaissance,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00677

made great strides in educating the younger generation. It is said that Abu Ali ibn Sino reached a high level in the science of medicine in his time and is even recognized today, which is of great practical importance, especially in these difficult days.

**Keywords:** medicine, biology, Renaissance, Central Asia, Laws of Medicine, Avicenna.

## KIRISH

Movarounnahrda tug‘ilib, Markaziy Osiyo xalqlari madaniyatini dunyo madaniyati tamadduniga aylantirgan buyuk mutafakkirlardan biri - Abu Ali ibn Sino bo‘lib, u Yevropada «Avitsenna» nomi bilan mashhurdir. Ibn Sino (asl ismi Husayn, otasining ismi Abdulloh) Buxoroning Afshona qishlog‘ida, 980 yilning safar oyida, amaldor oilasida tug‘iladi. 986 yilda Ibn Sino oilasi Buxoroga ko‘chib keladi va shu vaqtdan boshlab yosh Husayn boshlang’ich ma’lumot olishga, ilm-fanni o’rganishga kirishadi. Tabibning yoshligi, yigitlik chog‘lari Somoniylar hukmronligining so‘nggi yillari, Nuh II ibn Mansur Somoniy hukmronligi davriga (976-997) to‘g‘ri keladi.

Ibn Sino 10 yoshidayoq Qur’onni yod olib, 13 yoshlaridan boshlang‘ich matematika, mantiq, fiqh, falsafa ilmlari bilan shug’ullana boshlaydi. Ibn Sino yosh bo‘lishiga qaramay, Abu Abdulloh Notiliy rahbarligida falsafa, Hasan ibn Nuh al-Qumriydan tibbiyot ilmini har tomonlama o‘rganadi, asta-sekin tabiblik bilan ham shug‘ullanadi. U o’zidan avval o‘tgan Sharq mutafakkirlarining asarlarini chuqur o‘rganish bilan birga, qadimgi yunon tabiiy-ilmiy, falsafiy merosini, xususan Aristotel, Yevklid, Ptolemey, Galen, Gippokrat, Pifagor, Porfiriylarning asarlarini ham qunt bilan o‘rgandi. 16-17 yoshidayoq Ibn Sino mashhur tabib — hakim bo‘lib taniladi.

## ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Tarixdan ma’lumki, 999 yilda Buxoro Qoraxoniylar tomonidan zabt etilgach, Ibn Sino Buxorodan chiqib ketadi va madaniyat markazlaridan biri hisoblangan Xorazmga boradi, u yerda Xorazm hokimi Ali ibn Ma’mun saroyidagi olimlarni birlashtirgan o‘z zamonasining akademiyasiga qabul qilinadi. U yerda Beruniy, Ibn Miskavayh, Abu Sahl Masihiy, Abulxayr Hammor, Abu Nasr ibn Iroq kabi yetuk olimlar bilan yaqindan tanishadi. Mahmud G‘aznaviyning ta’qibidan qochib, Xorazmni tashlab ketishga va Xuroson, Eronning turli shaharlarida sarson-sargardonlikda yurishga majbur bo‘ldi. Jurjon shahriga kelgan Ibn Sino hokim Qobus ibn Vashmgir saroyida mashhur tabib sifatida yashadi, bo‘lajak shogirdi Juzjoniy

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00677

bilan tanishadi. Hamadondagi vazirlik chog‘ida hokim bilan kelisha olmay, 4 oy mobaynida qamoqda saqlanadi.

Buyuk tabib 1023 yilda Isfahonga qochadi va butun umrini ilmiy ijodga bag‘ishlab «Kitob al-qonun fit-tibb», «Kitob un-najot», «Kitob ul-insof» kabi geometriya, astronomiya, o‘simlik, hayvonot olami, mantiqqa oid risolalar yaratadi. Uning «Hayy ibn Yaqzon» falsafiy qissasi esa so’nggi yillarda yozilgan. U Isfahonda rasadxona qurish bilan mashg‘ul bo‘ladi. Ota yurtdan uzoqda Isfaxon, Ray, Hamadon shaharlarida sarsonlikda yurgan buyuk tabib 1037 yil 18 iyunda Isfahon shahrida 57 yoshida qulunj kasalligidan vafot etadi.

Tabibning hayot yo’li shogirdi Juzjoniy tomonidan qoldirilgan manbalardan ma’lum. Ibn Sino tarjimayi holida Forobiyning «Metafizika maqsadlari», «Fusus ul-hikam» kabi muhim risolalarini qunt bilan o’rganganligi, ulardan keng foydalanganligini ta’kidlab o’tadi.

Buyuk vatandoshimiz asarlari 450 dan ortiq bo’lib, taassufki, bizgacha faqat 160 ga yaqin asari yetib kelgan xolos. Ko‘p asarlari turli falokat va saroy fitnalari oqibatida yo‘qolgan. Ibn Sino asarlarining asosiy qismi o’sha davr ilmiy tili hisoblangan arab tili, ba’zilari esa fors tilida yozilgan. Uning bizgacha, ma’lum bo‘lgan katta asari «Kitob ush-shifo» (Shifo kitobi) 22 jilddan iborat bo‘lib, unda mantiq, fizika, matematika, metafizikaga doir masalalar yoritilgan. Afsuski, 20 jilddan iborat bo‘lgan «Kitob ul-insof» (Insof kitobi) Isfahondagi yong’in sabab bizgacha yetib kelmagan. Olimning «Kitob un-najot» (Najot kitobi), «Kitob lison ul-arab» (Arab tili kitobi), «Donishnoma» fors tilida yozilgan bo‘lib rus tiliga tarjima etilgan. Bu kitoblarni o‘zbek tiliga to‘laligicha tarjima qilish esa, bugun yelkamizdagi ulkan ma’naviy qarz.

Buyuk tabib tabobat masalalarini ommabop holda nazm bilan izohlovchi «Urjuza» nomli tibbiy asar yaratdi. Bulardan tashqari, kimyo, mineralogiya, astronomiya, matematika, o‘simlik dunyosi, geologik jarayonlarni o‘rganish sohasida ham u yangi-yangi fikrlarni olg‘a sura oldi. Ibn Sinoning “Kitob al-qonun fit-tibb («Tib qonunlari»), «Kitob ul-qulanj» («Ichak sanchiqlari»), «Kitob un-nabz» («Tomir ko‘rish haqida kitob»), Fuj ul-tibbiya joria fi majlisih” («Tib haqida hikmatli so‘zlar»), «Tadbir ul-manzil» («Turar joyning tuzilishi»), «Fil-hindubo» («Sachratqi o‘simligi haqida»), «Risola fi-dastur it-tibbiy» («Tibbiy ko‘rsatmalar haqida») kabi asarlari mavjud.

## MUHOKAMA VA NATIJALAR

Sharq Uyg‘onish davri ulug‘ allomalar, qomusiy bilim sohiblari, mashhur mutafakkirlarni yetishtirdi. Muhammad Muso al-Xorazmiy, Abu Rayhon Beruniy,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00677

Abu Ali ibn Sino, Ahmad al-Farg'oniy Abu Nasr Forobiy, Yusuf Xos Hojib, Mahmud Koshg'ariy kabi buyuk ajdodlarimiz serqirra iste'dod sohiblari bo'lishlari bilan bir qatorda, o'z fanlari bo'yicha butun olamga ustozlik maqomiga erishdilar. Mazkur davr dunyo taraqqiyotining yuksalish tamoyillarini belgilab berdi. Shu qatorda Abu Ali ibn Sinoning tibbiyot faniga qo'shgan hissalari haqida alohida to'xtalib o'tmoqchimiz. Kelajak avlodni tabobat ilmining sultoni Abu Ali ibn Sinoning ma'rifat, madaniyat va tabobat taraqqiyotiga qo'shgan hissalari bilan tanishtirish biz tabiatshunos olimlarning oldida turgan vazififalardan biridir.

Tabobat ilmining sultoni, Markaziy Osiyo xalqlari madaniyatini dunyo madaniyatining oldingi qatoriga olib chiqqan buyuk mutafakkirlarimizdan biri – Abu Ali ibn Sinodir. Buyuk allomamiz o'zining benazir fiklari va ilm sohasidagi qimmatbaho ma'lumotlarini jahonning ilg'or ommasiga yetkazib berishda katta xizmatlar ko'rsatib, mamlakat shon-shuhratini, tafakkur qudratini uzoq o'lkalarga qadar yoydilar.

Abu Ali ibn Sino Yevropada Avitsenna nomi bilan tanilgan bo'lib uning tib ilmiga oid risolalari Sharq hamda G'arbda juda mashhurdir. Buning yorqin isboti sifatida dunyoni lol qoldirib kelayotgan "Tib qonunlari"ni tilga olishimiz mumkin. Abu Ali ibn Sinoning tibbiy va farmatsevtik bilimlarning bir tizimga solinishi, tashxislash va davolashning yangi usullari, ma'danlar transmutatsiyasi imkonlarining tahlili bu tabiiy fanlarda amalga oshirgan ulug' g'oyalarining ba'zilaridir. Abu Ali ibn Sinoning "Tib qonunlari" hamda "Sayyohlar uchun qo'llanma" ("Fiy tadbir al musofiriyn") asarlari — tibbiyot ilmi mutaxassislari va umuman, dunyo ahli uchun bir necha asrlardan o'tib, to bugunga qadar zarur qo'llanma sifatida xizmat qilmoqda.

Abu Ali ibn Sinoning o'z zamonasida tabobat ilmida yuksak darajaga erishgani va hatto bugungi kunda ham alohida e'tirofga sazovor bo'layotganiga ayniqsa bugungi sinovli kunlarda yana bir bor guvoh bo'lmoqdamiz. Zero bugun dunyoning barcha tibbiyot tashkilotlarining pandemiya davrida odamlar o'zini qanday tutish kerakligiga oid ma'lumotlari bundan ming yil ilgari ulug' tabibimizning bu haqida qoldirgan ilmiy merosi naqadar to'g'ri ekanligini tasdiqlaydi.

Buyuk bobokalonimizning tabobat ilmini rivojlanishida hissalari ulkandir. Dunyoga ma`lum va mashhur bo'lgan "Tib qonunlari" tahsinga sazovordir. Ushbu kitob beshta tomdan iborat:

1-tom: tibbiyot ilmi – o'tchil va surunkali kasalliklarning ta'rifi, ularning tashhisi, davolanishi, jarrohlik.

2-tom: tabiiy giyohli dorilar haqida hikoyalar.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00677

3-va 4-tomlar: inson tanasidagi kasalliklar, a’zolardagi sinishlarni davolash bo‘yicha tavsiyalar.

5-tom: Ibn Sino tarafidan mustaqil tayyorlangan murakkab tarkibli dorilar xususiyatining ta’rifi hamda Yevropa va Osiyodagi qadimgi tabiblarning yozuvlaridan manba sifatida foydalanilganligi.

Bundan tashqari, bobomizning bugun insoniyatga xizmat qilayotgan odob-axloqqa oid asarlari hamtahsinga sazovordir. Ibn Sino o‘zining axloq to‘g‘risidagi asarlarida insonlar kundalik ishlarida kamtarlik, izzat-hurmat, jasurlik, to‘g‘rilik, sofdillik kabi axloqiy qoidalarga alohida e’tibor berishlari zarurligini uqtirgani, tarbiyaning asosi bo‘lgan bu fazilatlar ayni kunda mamlakatimiz umumta’lim nihoyatda qadrlidir.

Shu jumladan, Ibn Sino bolani maktabda o‘qitish va tarbiyalash zarurligini qayd etib, maktabga barcha kishilarning bolalari tortilishi va birga o‘qitilishi va tarbiyalanishi lozim deb, bolani uy sharoitida yakka o‘qitishga qarshi bo‘lgan. Bolani maktabda jamoa bo‘lib o‘qishini foydasi quyidagicha ifodalangan:

-Agar o‘quvchi birga o‘qisa u zerikmaydi, fanni egallashga qiziqish yuzaga keladi, bir-biridan qolmaslik uchun harakat, musobaqalashish istagi rivojlanadi. Bularning hammasi o‘qishning yaxshilanishiga yordam beradi.

-O‘zaro suhbatda o‘quvchilar bir-biriga kitobdan o‘qib olganlari, kattalardan eshitganlarini hikoya qiladilar.

-Bolalar birga to‘planganlarida bir-birini hurmat qila boshlaydilar, do‘stlashadilar, o‘quv materiallarini o‘zlashtirishda bir-biriga yordamlashadilar, bir-biridan yaxshi odatlarni qabul qiladilar.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00677

Bilim olishda bolalarni maktabda o‘qitish zarurligini qayd etar ekan, ta’limda quyidagi tomonlarga rioya etish zarurligini ta’kidlaydi:

-bolaga bilim berishda birdaniga kitobga band qilib qo‘ymaslik;

-ta’limda yengildan og‘irga borish orqali bilim berish;

-olib boriladigan mashqlar bolalar yoshiga mos bo‘lishi;

-o‘qitishda jamoa bo‘lib maktabda o‘qitishga e’tibor berish;

-bilim berishda bolalarning mayli, qiziqishi va qobiliyatini hisobga olish;

-o‘qitishni jismoniy mashqlar bilan qo‘shib olib borish.

Bu talablar hozirgi davr ta’lim tamoyillariga ham mos kelishi bilan qimmatlidir. Yuqoridagi masalalarga o‘zining «Tadbiri manzil» asarida maxsus bo‘lim bag‘ishlaydi. «Bolani maktabda o‘qitish va tarbiyalash» («Omozish va parvarish madrasa farzand») bo‘limida ta’lim va tarbiya jarayonini ochib beradi. Yuqoridagi tamoyillar esa bolalarni yengil-yelpi bilim olish emas, balki har tomonlama chuqur va mustahkam bilim olishiga yordam beradi

Dunyo tabobatida yelka suyagining chiqishini oddiy bosish bilan davolash usuli hozirgacha «Avitsenna usuli» ekanligi, umurtqani yog‘och moslama yordamida tuzatish usulini Ibn Sinodan so‘ng XV asrga kelib fransuz tabibi Kalo qayta kashf etganligi, tabobat tarixida ilk bora vabo bilan o‘latni farqlab, ularni alohida (karantin) davolashni boshlagan, sariq kasalligi, moxov, qizamiq, suvchechak, kuydirgi, zotiljam, meningit, zaxm, oshqozon yarasi kabi kasallik belgilari va kechish jarayonini to‘g‘ri tasvirlagan buyuk tabib hayoti va boy merosini o‘rganyapmizmi?” degan mas’uliyat hamon dolzarb, ayniqsa, hozirgi COVID-19 holatida.

## XULOSA

Fikrimiz yakunida bunday allomalari bor yurt farzandlari iste’dodi barq urishi, el-yurtga xizmat qiladigan yetuk inson bo‘lib ulg’ayishi muqarrardir. Bugungi kun avlodlari ajdodlarimizga munosib farzand bo`lib yetishishlari va yurtimiz dovrug`ini butun dunyoga tanitishlari lozimdir. Toki biz buyuk daholar avlodi ekanligini unutmasligimiz kerak.

## REFERENCES

1. Ramazonov, B. R., Mutalov, K. A., Fayziev, V. B., & Koraev, S. B. (2020). Morphogenetic characteristics and biological activity of takyr and meadow soils of the republic of karakalpakstan (on the example of soils of chimbay district) morphogenetic characteristics and biological activity of takyr and meadow soils of the republic of karakalpakstan (on the example of soils of chimbay district). Journal Of Critical Reviews, 7(5), 243-249.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00677

2. Ramazonovich, R. B., & Ramazon, K. (2018). Evolution of soils of the Aral Sea area under the influence of anthropogenic desertification. European science review, (1-2).
3. Ramazonovich, R. B., & Ramazon, K. EVOLUTION OF SOILS OF THE ARAL SEA AREA UNDER THE INFLUENCE OF ANTHROPOGENIC DESERTIFICATION. January–February, 24.
4. Рамазонов, Б. Р. (2018). РАСТИТЕЛЬНЫЙ МИР ОСУЩЕННОГО ДНА АРАЛЬСКОГО МОРЯ. In Современное экологическое состояние природной среды и научно-практические аспекты рационального природопользования (pp. 716-719).
5. Рамазонов, Б. Р. (2017). КРАТКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ПОЧВЕННОГО ПОКРОВА ПРИАРАЛЬЯ (на примере Каракалпакстана). In СОВРЕМЕННОЕ ЭКОЛОГИЧЕСКОЕ СОСТОЯНИЕ ПРИРОДНОЙ СРЕДЫ И НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ РАЦИОНАЛЬНОГО ПРИРОДОПОЛЬЗОВАНИЯ (pp. 1054-1056).
6. Рамазонов, Б. Р. (2017). НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ПРЕДОТВРАЩЕНИЯ ОТРИЦАТЕЛЬНЫХ ПОСЛЕДСТВИЙ ОПУСТЫНИВАНИЯ. In СОВРЕМЕННОЕ ЭКОЛОГИЧЕСКОЕ СОСТОЯНИЕ ПРИРОДНОЙ СРЕДЫ И НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ РАЦИОНАЛЬНОГО ПРИРОДОПОЛЬЗОВАНИЯ (pp. 117-120).
7. Agzhigitova, N. I., Allanazarova, U., Kapustina, L. A., & Mutalov, K. A. (1995). Transformation of desert pasture vegetation under effect of anthropogenic pressure. Problems of Desert Development, 3, 62-65.
8. Rakhimov, A. K., Jononova, R. N., & Egamberdieva, L. N. (2020). Methodological Support Using Innovative Teaching for The Development of Natural and Scientific Outlook of Students methodological Support Using Innovative Teaching for The Development Of Natural And Scientific Outlook Of Students. International Journal of Psychological Rehabilitation, 24(7), 8136-8142.
9. Хуршида Бахадировна Алимова, & Бахтиёр Рамазонович Рамазонов (2021). ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ ЁРДАМИДА МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ. Academic research in educational sciences, 2 (1), 937-943. doi: 10.24411/2181-1385-2021-00121
10. Дониёр Уткирович Закиров, & Жасур Хабибуллаевич Гулямов (2020). ЭКСКУРСИОННАЯ МЕТОДИКА ОБУЧЕНИЯ ПО РАЗВИТИЮ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ ШКОЛЬНИКОВ В ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНА ШКОЛАХ. Science and Education, 1 (Special Issue 1), 37-44.
11. Закиров, Д. У. (2020). МАКТАБЛАРДА БИОЛОГИЯ ФАНИНИ ЎТКАЗИШДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ. Science and Education, 1(7).

ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 4 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00678

# OLAM MILLIY LISONIY MANZARASI TASVIRIDA TIL VA MADANIYAT MUSHTARAKLIGI

**Maxbuba Turakulovna Xalimova**
Buxoro davlat universiteti o'qituvchisi

## ANNOTATSIYA

Mazkur maqolada Olam milliy lisoniy manzarasi tasvirida til va madaniyat mushtarakligi haqida fikr-mulohazalar keltirildi.

**Kalit so'zlar:** Olam, til, lisoniy, obyektiv, obraz, manzara, madaniyat, fiziologik.

# COMMON LANGUAGE AND CULTURAL COMMONWEALTH IN THE IMAGE OF THE NATIONAL LANGUAGE LANDSCAPE OF THE WORLD

## ABSTRACT

This article discusses the common language and culture in the description of the national linguistic landscape of the world.

**Keywords:** Universe, language, linguistic, objective, image, landscape, culture, physiological.

## KIRISH

Har qanday til alohida olam manzarasiga ega va lisoniy shaxs ana shu manzaraga mos ravishda ifodalarning mazmunini tuzishga majburdir. Bunda tilda o‘z aksini topgan insonning olamni o‘ziga xos idroki namoyon bo‘ladi. Til insonning olam haqidagi bilimlarining shakllanishi va mavjud bo‘lishidagi muhim omildir. Inson faoliyat jarayonida obyektiv dunyoni aks ettirar ekan dunyoni bilish natijalarini so‘zda qayd etadi. Olamning lisoniy manzarasi borliq haqidagi obyektiv bilimlarni to‘ldiradi. Lisoniy shakllarda muhrlangan mazkur bilimlar majmuasi olamning lisoniy manzarasi, deb nomlanadi. Olamning manzarasi (lisoniy ham) tushunchasi insonning olam haqidagi tasavvurlarini o‘rganish asosida yaratiladi. Olam – o‘zaro munosabatdagi inson va muhit bo‘lsa, olam manzarasi – inson va muhit haqidagi ma’lumotni qayta ishlash natijasidir. Agar olamning obrazi bo‘linmaydigan yaxlit butunlikni namoyon qilsa, olamning manzarasi dunyo haqidagi turli darajadagi bilimlar majmuyini va uning obyektlariga bo‘lgan munosabatni namoyon qiladi.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00678

## ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Olamning obrazini to‘g‘ridanto‘g‘ri reflekslar vositasida anglab bo‘lmaydi, uni faqat o‘ziga xos obrazlarni “o‘z boshidan kechirish” orqaligina tushunish mumkin. Olam manzarasini “odatdagi” bilish orqali anglab bo‘lmasa-da, uni verbal va obrazli aks ettirish, ifodalash mumkin. A.K.Kamenskiy olamning lisoniy manzarasini “mantiqiy (konseptual) va lisoniy (so‘zli) modeldan tashkil topgan mantiqiy-so‘zli hosila” sifatida umumiy shaklda izohlagan. M. Xaydeggerning qayd qilishicha, “manzara” so‘zi deganda birinchi navbatda, biron narsaning tasviri haqida o‘ylaymiz, “olam manzarasi dunyoning tasvirini emas, balki olamni manzaradek tushunishni ifodalaydi”. Haqiqiy borliqni aks ettiruvchi olamning manzarasi va olamning lisoniy manzarasi o‘rtasida murakkab munosabatlar mavjud bo‘ladi. Olam manzarasi makon (yuqori-quyi, o‘ng-chap, sharq-g‘arb, uzoq-yaqin), zamon (kun-tun, qish-yoz), miqdor va h.k. o‘lchovlar vositasida tasavvur etilishi mumkin. Uning shakllanishiga til, an’analar, tabiat va landshaft, ta’lim va tarbiya va boshqa ijtimoiy omillar ta’sir ko‘rsatadi. Olamning lisoniy manzarasi olamning maxsus manzaralari (kimyo, fizika va h.k.) bilan bir qatorda bo‘la olmaydi, u boshqa manzaralardan oldinda bo‘lib, ularni shakllantiradi. Chunki inson dunyoni va o‘zini umuminsoniy va milliy tajribaga asoslangan til vositasida anglaydi. Bu o‘rinda milliy tajriba tilning barcha darajadagi o‘ziga xos xususiyatlarni belgilaydi. Tilning o‘ziga xosligi tufayli til egasining ongida muayyan olamning lisoniy manzarasi yuzaga keladi va inson u orqali dunyoni ko‘radi.

## MUHOKAMA VA NATIJALAR

Til ham madaniyat, ham tabiat hodisasi sifatida mavjud. Shubhasiz, til madaniyatning tarkibiy qismi bo‘lib, insoniyatning ijtimoiy tarixidagi eng muhim yutuqlardan biri sanaladi. Lekin boshqa tomondan tilning materiyasida insonning biologik tabiati namoyon bo‘ladi. Bu o‘rinda ko‘p narsa nutqiy faoliyatning fiziologik va psixofiziologik imkoniyatlari bilan aniqlangan. Masalan, dunyoning barcha tillarida unli va undoshlar hamda ko‘plab tovushlar almashinuvi zanjirining mavjudligi madaniyat bilan emas, tabiat bilan bog‘liqdir. Binobarin, inson faqat unlilar yoki undoshlarning o‘zi bilan nutq hosil qila olmaydi. Tabiat til strukturasining teran xususiyatlarini hamda matnni hosil qilish va uni qabul qilish qonuniyatlarini aniqlaydi. Madaniyat esa tilning mazmun jihatini aniqlaydi Insonning nutqiy faoliyati tug‘mami yoki keyin shakllanganmi? degan savol haligacha munozarali bo‘lib qolmoqda. Insonning nutq

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00678

imkoniyatini psixofiziologik mexanizm bilan ta’minlaydigan tug‘ma lisoniy qobiliyatga egaligini barcha e’tirof etgan. Ko‘pchilik tadqiqotchilarning fikricha, bu inson miya qobiliyatining dastlabki ontogenez yillaridagi birinchidan, muayyan til belgilari tizimini, ikkinchidan, matn tuzishda kerakli belgilarni tanlash qoidalarini o‘zlashtirishini ifodalaydi. Lisoniy qobiliyatni amalga oshirish atrofdagi muayyan til eagalari bilan muloqot qilish jarayonida yuz beradi. N. Xomskiyning ta’limotiga ko‘ra, lisoniy qobiliyatning tug‘ma komponenti juda sermazmun bo‘ladi, shuning uchun ontogenezda til o‘rganish “noldan” boshlanmaydi. Lisoniy qobiliyat ayrim tug‘ma va universal bilimlarni o‘z ichiga oladi, inson ular yordamida jumlalar hosil qiladi va tushunadi. Shunday qilib, N.Xomskiy til strukturasi va semantikaning botiniy xususiyatlarini tabiiy-genetik asosga tutashtiradi.

“Til va madaniyat” masalasi ko‘p qirrali bo‘lib, unga madaniyat tarixchisi, tilshunos, faylasuf, psixolog, etnograf va adabiyotshunos turlicha yondashadi. Biroq masalaning tilshunoslikka oid tomoni ikki jihatlidir, chunki til va madaniyat o‘zaro munosabatda bo‘ladi. Shunga ko‘ra, ikkita savol tug‘iladi: 1) turli madaniy jarayonlar tilga qanday ta’sir ko‘rsatadi? 2) madaniyatga til qanday ta’sir qiladi? Mashhur rus tilshunosi G.O.Vinokurning “tilni o‘rganayotgan har qanday tilshunos, albatta, tanlagan tili uning mahsuloti bo‘lgan o‘sha madaniyatning tadqiqotchisiga aylanadi”1 degan tezisi tilshunoslikning shakllanishidan boshlab tasdiqlanib kelmoqda. I.Gerderning 1770-yilda yozilgan “Tilning kelib chiqishi haqida talqin” asarida inson faoliyatidagi to‘rt asosiy hodisa: til, madaniyat, jamiyat va milliy ruh bir-biri bilan bog‘lagan. Til o‘zining kelib chiqishiga ko‘ra madaniyat bilan bog‘liq bo‘lib, u jamiyat bilan birga takomillashadi. Tilning madaniyat bilan organik bog‘liqligi uni milliy ruhning muhim tarkibiy qismiga aylantiradi. Tilda aks ettirilgan olamgina mavjud. Modomiki, har bir til borliqni o‘ziga xos usullar bilan aks ettirar ekan, unda tillar bir-biridan o‘zining “olamning lisoniy manzarasi”ga ko‘ra farqlanadi. E. Sepir va B.Uorfning gipotezasida quyidagi asosiy masalalar ajratiladi: 1. Til unda so‘zlashuvchi xalqning tafakkur usuli bilan bog‘liqdir. 2. Olamni bilish usuli subyektlarning qanday tillarda fikrlashiga bog‘liqdir.Uchinchi yondashuvga ko‘ra, til madaniyatning dalilidir: 1) til – biz ajdodlarimizdan meros qilib olgan madaniyatning tarkibiy qismi; 2) til –madaniyatni o‘zlashtirishning asosiy vositasi; 3) til – barcha madaniy hodisalarning eng muhimi. Xullas, til madaniyatning tarkibiy qismi va uning vositasidir. U ruhimizning borlig‘i, madaniyatimizning ko‘rinishidir; u milliy mentallikning o‘ziga xos xususiyatlarini ifodalaydi. Til inson oldida tafakkur sohasini ochgan mexanizmdir (N.I.Jinkin). O‘zbek

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00678

tilshunosligida “til va madaniyat” masalalari bilan eng ko‘p va xo‘p shug‘ullangan olim sifatida professor Nizomiddin Mahmudovni ko‘rsatish mumkin. Jumladan, olim o‘zining “Tilning mukammal tadqiqi yo‘llarini izlab...” nomli maqolasida “til” va “madaniyat” tushunchalari haqida quyidagilarni yozadi:

“Til va madaniyat deganda, ko‘pincha, “nutq madaniyati” deyiladigan muammo assotsiativ holda esga tushsa-da, bu ikki o‘rindagi madaniyatning aynanligini aslo ko‘rsatmaydi. Til va madaniyat deganda, odatda, (to‘g‘risi ham shu) til orqali u yoki bu madaniyatni yoki aksincha, madaniyatni o‘rganish orqali u yoki bu tilni tushuntirish nazarda tutiladi, aniqroq aytadigan bo‘lsak, lingvokulturologiyadagi madaniyatning ma’nosi “aqliy-ma’naviy yoki xo‘jalik faoliyatida erishilgan daraja, saviya (nutq madaniyati)” emas, balki “kishilik jamiyatining ishlab chiqarish, ijtimoiy va ma’naviy-ma’rifiy hayotida qo‘lga kiritgan yutuqlari majmuyi (madaniyat tarixi, o‘zbek madaniyati)” demakdir” N. Mahmudov tilga ehtirom ko‘rsatish va unga e’tibor berishni ta’kidlab, quyidagilarni yozadi: Til benihoya muqaddas va mo‘’tabar ne’mat, u odam degan mavjudotga shakllantirilgan, qavmlar o‘laroq birlashtirgan, taraqqiyot bosqichlariga olib chiqqan, ruhiy takomilga boshlagan, tafakkur gulshanining darvozalarini ochgan bemisl bir robitadir. Shuning uchun ham tilga nopisandlik insoniyatning o‘zligiga nopisandlik demkdir. Tilga ehtirom va e’tibor esa bu dunyoda inson bolasi muhtaramligining e’tirofidir”.V. fon Gumboldning “Tilda xalq ruhi aks etadi” degan fikri N. Mahmudovning asarlarida o‘ziga xos tarzda davom ettirilganini ko‘rish mumkin: “...tilda xalqning urf-odati, yashash tarzi, iqtisodiy ahvoli, qisqasi, xalqning borbudi, bo‘y-basti aks etadi. Muayyan xalqning tilini bilish uning butun borlig‘ini anglash demakdir. Muayyan xalq tilining mazmunu mohiyatini idrok etish shu xalqning tarixiyu kelajagini idrok etish demkdir. Til xalqning bebaho va muqaddas boyligidir, xalqning har bir asl farzandi o‘z tilida sobit va o‘z tiliga sodiq bo‘lmog‘i azal-abad ham qarz, ham farz”. Olim buyuk nemis tilshunosi Yakob Grimmning “Xalq haqidagi saqlanib qoladigan eng jonli guvoh – bu uning suyagi, foydalangan ish qurollari yoki qabriemas, balki uning tilidir” degan fikrini shunday rivojlantiradi: “Xalq o‘z tili haqida uning ibtidosidan boshlab ma’lumotga ega bo‘lsa, bu tilning turfa tovlanishlariyu, tarang va lo‘nda mantiqini chuqur his eta olsa, o‘zining uzoq va murakkab tarixini ham chuqur his eta oladi, tarixidan faxrlana oladi, o‘zinikidan boshqa tillarning xam muqaddasligiga. Har jihatdan hurmatga loyiqligiga imon keltira oladi. Bu esa xalqning o‘zligini anglashi demakdir”

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00678

## XULOSA

Xullas, har qanday madaniyat o‘zining kalit so‘zlariga ega bo‘ladi. Bu o‘rinda O‘zbekiston Respublikasi birinchi Prezidenti I.A.Karimovning tilimizning milliymadaniy xususiyatlari haqida bildirgan quyidagi fikrlarini keltirish ayni muddaodir: “...tilimizdagi mehr-oqibat, mehr-muhabbat, mehr-shafqat, qadrqimmat degan, bir-birini chuqur ma’no-mazmun bilan boyitadigan va to‘ldiradigan iboralarni olaylik. Qanchalik g‘alati tuyulmasin, bu iboralarni boshqa tillarga aynan tarjima qilishning o‘zi mushkul bir muammo. Shuni aytish lozimki, bu tushunchalar kimdir shunchaki o‘ylab topgan shirin kalom, quloqqa xush yoqadigan so‘zlar emas. Bunday tushunchalar asrlar mobaynida el-yurtimizning dunyoqarashi, ma’naviy hayotining negizi sifatida vujudga kelgan, ongu shuurimizdan chuqur joy olgan buyuk qadriyatlarning amaliy ifodasidir”.Shunday qilib, olamning lisoniy manzarasini o‘rganish masalasi inson va uning turmushi, uning dunyo bilan o‘zaro munosabati, uning mavjudligining sharoitlarini aks ettiradigan olamning konseptual manzarasi masalasi bilan chambarchas bog‘liqdir. Olamning lisoniy manzarasi insonning turli olam manzaralarini izohlaydi va umumiy olam manzarasini aks ettiradi.

## REFERENCES

1. Мечковская Н. Б. Социальная лингвистика. I. 2 изд. - М., 2000.
2. Хомский Н. Аспекты теории синтаксиса. М., 1972. – С. 259; Язык и мышление. М., 1972. – С. 122.
3. Г. О. Избранные работы по русскому языку. –М., 1959. –С. 211.
4. Гердер И. Г. Идеи и философия истории человечества. –М., 1977. –С. 233.
5. Сепир Э. Избранные труды по языкознанию и культурологии. –М., 1993.
6. Маслова В. А. Лингвокультурология: Учеб. пособие для студ. высш. учеб, заведений. –М.: Издательский центр «Академия», 2001. –С.60.
7. Уорф Б. Л. Отношение норм поведения и мышления к языку // Новое в зарубежной лингвистике. –М., 1960. –Вып. 1. –С. 174
8. Маҳмудов Н. Тилнинг мукаммал тадқиқи йўлларини излаб...// Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 2012. -№ 5. –Б. 10.
9. Маҳмудов Н. Тил. –Тошкент: Ёзувчи, 1998. –Б. 3.
10. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 7.
11. Лакофф Дж. Лингвистические гештальты / Дж. Лакофф // Новое в зарубеж. лингвистике. Вып. 10. Лингвистическая семантика. –М.: Прогресс, 1981. –С. 350–368.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00679

# МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВА ЁШЛАР ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИ

**Л. К. Ахатов**
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти катта ўқитувчиси

**Ж. Жўраева**
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти талабаси

## АННОТАЦИЯ

Янги Ўзбекистонда, бугунги шиддат билан ўтиб бораётган янги тараққиёт босқичида жисмоний соғлом ва маънавий баркамол ёш-авлодни тарбиялаш мамлакат сиёсатининг устувор йўналиши эканлиги мақолада илмий нуқтаи назардан кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар:** маънавият, қадрият, интелектуал салоҳият, таълим, тарбия.

# IMPLEMENTATION OF SPIRITUAL VALUES AND INTELLECTUAL POWER OF YOUTH

## ABSTRACT

In the new Uzbekistan, at the current stage of rapid development, the article considers from a scientific point of view that the upbringing of physically healthy and spiritually mature young generation is a priority of the country's policy.

**Keywords:** spirituality, value, intellectual potential, education, upbringing.

## КИРИШ

Бугуги янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида ёшлар ва уларнинг интеллектуал салоҳияти мужассамдир. Мамлакатимиз Президентининг “Биз ёшларнинг мамлакатимиз ҳаётидаги демократик жараёнларда фаол иштирок этишига, уларнинг сиёсий ва ижтимоий салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим” деб таъкидлагани ҳам фикримизга асосдир.

Маълумки, ёш авлод вакилларининг интеллектуал салоҳиятини оширишнинг ўзига хос тадрижий ва ижтимоий-маданий омиллари мавжуд бўлиб, ушбу омиллар ичида тарбия ва таълим омили етакчи саналади. Сабаби

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00679

инсондан, хусусан, ёшлардан ўз истеъдод ва иқтидорини шакллантириш ва намоён этиш учун диярли ҳамма шарт-шароитларни тарбия ва таълим орқали амалга оширилади. Шунингдек, деалектик тараққиётнинг янги босқичида бутунлай янгича шарт-шароит ва муҳитда ўсган ёш авлод вакиллари катта ҳаётга қадам қўймоқда. Шу билан бирга, мамлакат аҳолисининг асосий қисмини ташкил этадиган ёшларнинг ҳали тўла ечилмаган муаммоларини интеллектуал салоҳият билан ечиш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, таълим тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда жамиятнинг ижтимоий-маданий юксалтириш асосий вазифаси саналади. Шунинг учун, бугунги ёшлар тарбияси фақат мактабда ёки оилада эмас, балки бутун жамият олдидаги ўта стратегик ва зарурлик жиҳатидан муҳим мақсад ҳисобланиши керак.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Спорт ва маънавий қадриятларни янада такомиллаштириш ва ривожлантириш учун ҳам жисмоний ва ҳам ақлий меҳнат, яъни интеллектуал салоҳият орқали, уни амалга оширган ёшларгина, жамият учун ушбу давр ва келажак авлодга маънавий қадриятларни мерос қилиб қолдириш имкониятини бунёткорлари бўлади. Бундай спорт орқали шаклланган маънавий қадриятлар ўз навбатида шу жамият учун инсон омилини муҳим эканлигини кўрсатмоқда.

Шунинг учун, спорт ва ақлий меҳнат вакили саналган ёшлар янги ғояларни бунёд этади ва такомимллаштиради, жамиятнинг қолган қисми учун меъёрлар ва маданий қадриятларни белгилайди деб эътироф этилади. Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари олға қадам қуйиш, юксак маънавиятли ёшларни миллий тикланишга сафарбар этиш ўз мустақил фикрига эга балкамол авлод вакилларини шакллантириш каби муҳим стратегик вазифани ҳал қилиш билан белгиланади. Бундай ғоялар ўз навбатида ҳар томонланма оила, маҳалла, мактабгача таълим, умумтаълим муассасалари, ОТМ (ЎзДЖТСУ мисолида Л.Ахатов), фуқаролик жамияти институтларининг биргаликда самарали фаолият олиб боришини тақозо этишлиги шарт.

Фикримизга асос бу: ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, таълим муассасалари, ёшлар ва бошқа ташкилотларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш масалалари белгиланганлигидир.

Бундай қарорга келишга доир мисоллар кўп: файласуф олимлардан Хосе Арангуреннинг таъкидлашича, интеллектуал салоҳият вакили (эгаси Л.А) “миллат виждони”, “озчиликнинг жамиятдаги энг илғор, мустақил ва

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00679

прогрессив овози”, бўлишлиги айтиб ўтилган. Бундан маълумки, интеллектуал салоҳият эгаси миллат ва жамиятнинг “гнезиси”-субстационал ядроси бўлмоғи лозим. Бу ўз навбатида миллат ва жамиятнинг “гнезиси”ни шакллантириш эҳтиёжини амалга оширади. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлса, рационал (ақлий фаолият Л.А) тизимининг ҳозирги ҳолатини, инсон ҳаётининг маълум бир даврида (ёшлик ва ўсмирлик) интеллектуал фаолиятнинг самарадорлигини баҳолашга интеллектуал мақом тушунчаси орқали ифодаланади.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Жисмонан соғлом ва маънан етук бўлган, интеллектуал салоҳиятга эга ёшлар-бу рациоонал (ақл-идрок) тизимининг янги даражасига ўтиш учун зарур саналган воқеликнинг ўзига хос инъикоси, сифат жиҳатдан янги элементлар ва функциялар тизимини ўзида жо этишлиги лозим.

Шунинг учун “Таълим-тарбиянинг асосий мақсади ҳар бир шахсда юксак ахлоқий фазилатларни шакллантириш ҳамдир” деб қаралади. Аслини олганда, маънавиятнинг ўзаги бўлмиш инсон ахлоқи шунчаки салом-алик, хушмуомалаликдан иборат бўлибгина қолмай, аввало инсоф, адолат, имон, ҳалолликни ташкил этишлиги лозим балади.

Унутмаслик керак, тарихий даврларда маънавий қадриятлар бирининг ўрнини иккинчиси эгаллайди, тўлдириб боради, бойитиб боради, ривожлантириб туради, яъни эскини умуман инкор қилмасдан, балки унинг кераксиз бўлиб қолган жиҳатларидан воз кечиб, янги тараққиётга имкон яратиб келади.

Демак бугунги кунда ҳам янги авлодни тарбиялашдаги энг муҳим асос бу катта авлод тажрибасига таяниш, хулқ-одоб қадриятларини аждодларимиз доно фикрларига уйғунлашган ҳолда ворисийликка асосланиб давом эттириш ке рак. Тараққиётнинг ҳар бир юқорироқ босқичи қуйи босқич билан “ворисларча” алоқадор бўлганида аввалини инкор қилмайди, балки унинг ёрдамида мазмунан бойийди, тараққий этади. Инкор ўзининг моҳият-эътибори билан фақат эскиликни тугатишни эмас, балки олдинги босқичларда қўлга киритган илғор ижобий ютуқларни сақлаб, янада ривожлантиришни назарда тутади.

Шундагина, ҳам жисмонан ва ҳам маънан етук кадрлар салоҳияти ва интеллектуал салоҳияти бойитилади. Анашу мавжуд интеллектуал салоҳият эгаларини мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этиш, “Кучли давлатдан-кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилини ҳаётга татбиқ этишга йўналтириш орқали миллий юксалишга эришиш мумкин.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00679

Спорт ва маънавий қадриятларни амалга оширишда ёшлар интеллектуал салоҳияти орқали белгиланадиган омилларни ифодаловчи вазифаларни шакллантирувчи таянч бу “Бугунги тез ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги, буюк имкониятлар очмоқда. Шу билан бирга, уларни илгари кўрилмаган турли ёвуз хавф-хатарларга ҳам дучор қилмоқда. Ғаразли кучлар содда, ғўр болаларни ўз ота-онасига, ўз юртига қарши қайраб, уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда. Бундай кескин ва таҳликали шароитда биз ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-кўй бу масалада ҳушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак. Болаларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим” эканлигидир.

Бугунги тараққиётнинг янги босқичида ёшлар интеллектуал салоҳиятини ошириш учун давлат сиёсати даражасида ҳаракат қилинмоқда. Бугунги кунда жамиятда тизимли равишда давлат ва шахс, давлат ва фуқаролик жамияти, давлат ва оила устуворлиги ҳамда ҳимояси, давлат ва таълим-тарбия, давлат ва аҳоли саломатлиги, давлат ва хотин-қизлар, давлат ва ёшлар каби ўзаро алоқадор ижтимой-маданий воқеаларнинг изчил, ҳамнафас ва бир-бирини тўлдирувчи ижтимоий-маданий категориялари ривожланмоқда. Бу борада мамлакат раҳбарининг “Халқ давлат учун эмас, балки давлат халқ манфаати учун хизмат қилишлиги лозим” деган мазмундаги чақириқлари ҳам бир асос саналади. Шу билан бирга, давлат ўз сиёсатини амалга оширар экан, табиий равишда, ёшлар қатламини унинг таянчи ва истиқболини белгилаб берувчи асос сифатида қабул қилишлигига боғлиқ. Шундагина, ёшларни ҳам жисмонан ва ҳам маънан интеллектуал салоҳиятини ошириш давлатнинг энг муҳим ижтимоий-маданий қадриятига айланиб боради. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2019 йил март ойида илгари сурилган бешта ташаббус мазмуни ва вазифалари билан боғлаш ёшлар учун муҳим аҳамиятга эгалиги ҳам ушбу фикрларимизга бир асос ҳисобланади.

## ХУЛОСА

Ҳикмат шуки, ёшларни жисмонан ва маънан етук ҳамда интеллектуал салоҳиятини оширишлик – бу демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва шахс эркинлигини таъминлаш борасидаги ҳар бир устувор йўналишларда ўз куч-қуввати, билими, салоҳияти, идроки ва журъатини кучайтиришга қаратилган давлат сиёсати билан интеграшув хусусиятига боғлиқлигида. Мамлакатимизда ёшлар интеллектуал салоҳияти ва жисмоний маданият омилларини юксак

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00679

босқичда баҳолаш ва кўтаришда таълим-тарбия омили давлат сиёсати моҳиятига кўра ҳам миллий, ҳам умуминсоний қадриятларга таянилган ҳолда амалга оширилиб юксалиш сари ҳаракатланмоқда.

Шу билан бирга, ижтимоий-маданий тараққиётда ёшларни тўлақонли иштирок этишлари учун, таълим-тарбия тизимига оид амалга оширилаётган ислоҳотлар ёшлар интеллектуал салоҳиятини оширишнинг муҳим буғуни саналади. Мисол учун, мамлакатда таълим тизимини ривожлантиришга оид бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилиниб, баркамол авлодни спорт соҳасига йўналтириш ва интеллектуал салоҳиятини оширишга замин яратилиб келинмоқда. Бу эса ўз навбатида миллий юксалишнинг самараси ёшлар интеллектуал салоҳиятининг намоён бўлиши учун ҳам кенг имкониятлар ҳозирлайди.

Унутмаслик керак, “Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб ярмини ташкил этадиган ёшлар билан ишлаш масаласи, бундан буён ҳам энг асосий вазифаларимиздан бири бўлиб қолади”.

## REFERENCES

1. Ш.М.Мирзиёев Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. Тошкент. “Ўзбекистон” НМИУ 2019. Б-386
2. Энциклопедия социологии. 2-том. Москва. 2016. С-214.
3. Ўзб.Рес. Президенти “Ўзб.Респ. янада ривож. бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ 4947 фармони 2017 йил 7 феврал
4. J.L.Aranguren El buen talante Obras Completas.-Madrid: Trotta, El buen talante.-V.638.
5. Э.Юсупов Ёшларнинг –маънавий камолоти – Т.: Ўзбекистон, 1995. 8 б.
6. М.Қаҳҳорова Ворислик хулқ одоб қадриятларини шакллантиришнинг муҳим омили. Ф.ф.н...дисс. – Т.: ЎзМУ. 2001. – 162 б.
7. Ш.М.Мирзиёев Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // URL - https://nrm.uz/contentf?doc=480816_o‘zbekiston_respublikasining_saylangan_o‘zb_respublikasi_konstituciyasi_qabul_qilinganining_24_yilligiga_bag‘ishlangan_tantanali_marosimdagi_maruzasi_(2016_yil_7_dekabr)
8. Ш.М.Мирзиеёв Президент: Ёшларни тарбиялашдаги муҳим 5 та ташаббус. 20.03.2019. http://uzdaily.uz
9. Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномаси // URL - https://president.uz/uz/lists/view

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00680

# ARCTIUM TOMENTOSUM MILL ЎСИМЛИГИ ВА ИЛДИЗИ ТАРКИБИДАГИ МИКРО ВА МАКРОЭЛЕМЕНТЛАР МИҚДОРИНИ АНИҚЛАШ

**А. Дж. Қурбанова, Қ. Ў. Комилов, А. Х. Исломов, Д. У. Бозорова**
Тошкент вилояти Чирчиқ Давлат педогогика институти
islomov-72@mail.ru; kaypara@list.ru

## АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Arctium tomentosum-паҳмоқ (қариқиз, репей, лопух войлочный) ўсимлиги ўстки қисми ва илдизини экстрактлари ҳамда ўсимлигини ўстки қисми ва илдизини майдаланган кукунини таркибидаги микро ва макроэлементлар миқдори урганилган ва кимёвий таркиблари киритилган ҳамда тиббиётда ишлатилишлари келтирилган.

**Калит сўзлар:** мис, титан, бор, марганец, стронсий, синк, қалай, ванадий, темир, аскорбин кислота, каротин, рутин, гиперосид, эфир мойи, лимон кислота.

# DETERMINATION OF THE QUANTITY OF MICRO - AND MACROELEMENTS IN PLANTS AND ROOTS OF ARCTIUM TOMENTOSUM MILL

## ABSTRACT

This article examines the amount of micro- and macroelements in the extracts of the upper and root extracts of the Arctium tomentosum-cotton plant (old maid, burdock, burdock felt) and the powder of the upper part of the plant and root, and also presents its chemical composition and use in medicine

**Keywords:** copper, titanium, boron, manganese, strontium, zinc, tin, vanadium, iron, ascorbic acid, carotene, rutin, hyperoside, essential oil, citric acid.

## КИРИШ

Мамлакатимизда илму-фани изчил ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Азалдан ўзбек мутафаккир ва алломалари жаҳон илму фани ривожига улкан ҳисса қўшган ўнинчи-ўн биринчи асрларнинг атоқли табиби Абу Али ибн Сино ҳам табий дорувор ўсимликлар билан даволашга катта эътибор беришган. Абу Али ибн Сино ўзининг «Тиб қонунлари» китобида табий дорувор ўсимликларни афзалликлари, тиббиётда ишлатиш тартиб-

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00680

қоидалари ҳақида батафсил маълумот берган. Халк табобатида қариқиз ўсимлигининг дамламаси рахитда, ўт пуфаги, жигар касалликларида тери, сийдик хайдовчи, қонни тозаловчи, қон тўхтатувчи восита сифатида ишлатилади. Шунингдек Arctium tomentosum ўсимлигини сил касаллигида, бош оғриқларда, спазмларда тавсия қилинади. Тери қичитмали дерматозларда, унинг қайнатмасида ванна қилинади. Унинг дамламасини тана жарохатдарида хам ишлатадилар. Қариқизнинг илдизи қайнатмаларини сийдик хайдовчи восита сифатида ишлатилади. Arctium tomentosum ўсимлигининг дамламаси ва қайнатмасини моддалар алмашинуви бузилишларда, спазмларда, қон кетишларда тавсия қилинади. Arctium tomentosum ўсимлиги адаптогенлар туркумига киради, антиоксидант хусусиятларга эга. Унинг яллиғланишга ва оғриқларга қарши хусусиятлари аниқланган. Экспериментал текширишларда Arctium tomentosum ўсимлигининг гипотензив таъсири аниқланган. Ўсимликнинг полисахаридлари бузилган иммунитетни, иммунодефицит холатларини тиклаш сохасида иммунал препаратидан қолишмайди ҳамда антибактериал хусусиятлари аниқланган. Олимлар томонидан олиб борилган илмий-амалий тажрибалар доривор ўсимликлардан тиббиётда янада кенгроқ қўламда фойдаланиш имкониятларини яратади [1;2]

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Arctium tomentosum Mill (паҳмоқ қариқиз, репей войлочный, лопух) ўсимлиги мураккабгулдошлар оиласига мансуб икки йиллик пояси тик, олабула қиррали, хира қизғиш, сербарг. Бўйи 60—150 см, барглари йирик, бандли, тухумсимон шаклда, усти яшил, ости кулранг момиқ тукли. Илдиз олди баргларининг бўйи 50 см гача, Ўрама барглари учи бигизсимон. Гуллари тўқ бинафша найсимон, икки жинсли, саватча тўпгул ҳосил қилади.меваси-тескари тухумсимон шаклида,қиррали,жигарранг ёки қўнғир тусли ўруғли мева, июнь августда гуллайди, мевалари август-сентябрда етилади.Вилоятнинг юқори туманларида тарқалган бўлиб, ташландиқ (зах ва соя) ерларда, йўл ёқаларида, турар жойлар яқинида ва дарахитзорларда ўсади. Чорвачиликда ем, хашак сифатида ишлатилади.тиббиётда илдизлари ва барглари қўлланилади[3;4].

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00680

**1-расм. Arctium tomentosum ўсимлигини поя қисми ва илдизи.**

Arctium tomentosum ўсимлигини илдизи таркибида кўп миқдорда инулин полисахариди (45% гача), оқсиллар (12,3% гача), эфир мойи ва ёғлар (0,17% гача), аскорбин кислотаси, витаминлар (Е, С), флавоноидлар (1,3-2,3%), танинлар (4,1-7,3%), Кофеин кислотасининг ҳосилалари (хлороген кислота, изохлороген кислота), органик кислоталар (молик, лимон, қаҳва, изовалериан, бутир, пропионик, тиглиник, асатик, транс-гексен-2-овой), палмитик ва стеарин кислотаси, ситостерол, сигмастерол, фитостерол, алкалоидлар, поленлар (асосий компонент тридеса-1,11-диен-3,5,7,9-тетраин), шилимшиқ моддалар,макро ва микроэлементлар: мис, титан, бор, марганетс, стронсий, синк, қалай, ванадий ва темир каби элементларга бойдир [5-7].

Arctium tomentosum ўсимлигини барглари таркибида 350 мг% гача аскорбин кислотаси (С витамини), каротин (провитамин А), каротин, рутин, гиперосид, эфир мойи, углеводлар (22% гача моносакаридлар ва дисакаридлар), флавоноидлар (5,7-18%), фенол карбоксилик кислоталар бор.

Arctium tomentosum ўсимлигини уруғлари таркибида алкалоидлар, лигнан гликозид, арстиин ($C_{27}H_{34}O_{11}$), арктигенин ($C_{21}H_{24}O_6$) га гидролизланади ва глюкоза), фенол карбоксилик кислоталар, сапонинлар, кумаринлар, молик ва лимон кислоталари, ёғлар 17 % (линолеик ва олейк кислоталарнинг глитсеридлари), артсин гликозиди, пектинлар. флавоноидлар топилган [5-7].

Arctium tomentosum ўсимлигини илдизидан экстракция қилиб олинган ёғлари тиббиётда сочни ўстиришда, соч тўкилишини олдини олишда, экзема, хуснбузар, фурункулез, баъзи тери касалликларида, меъда яраси, меъда-ичак касалликларида, бод, подогра, ички қон кетишларида, ўт пуфакдаги тошларга, буйрак-тош, сийдик йўлларидаги тош касалликларида хамда сийдик ҳайдовчи, терлатувчи, моддалар алмашинувини яхшилашда, ички аъзоларни қувватлантиради, қон тозалаш хусусиятига эга, .маҳаллий яллиғланиш ва ярани тузатувчи таъсирларга эга [8-9].

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00680

Новосибирск вилояти ҳудудида табиий ўсиш жойларидан йиғиб олинган Arctium tomentosum ўсимлигини барглари илдизлари таркибидаги ва қуруқ хом ашё сув ҳаммомида уч марта экстракция (40% ли этил спирти)да 30 минут қайнатилганда олинган, аралашмаси филтрлар юмшоқ ҳарорат шароитида (40 °C)да лиофил қурилмасида қуритилиб микро ва макроэлементларнинг таркиби ва миқдорий таркиби кимёвий аналитик ПЛАЗМА ли ускунада (Томск) да «ELAN-DRC асбобидан фойдаланган ҳолда индуктив равишда боғланган плазма масс спектроскопияси апаратида аниқланган. Қуритилган хом ашё ва экстракт намуналари 1 мм дан кичикроқ зарраларга майдаланди, илгари чинни қобиқларда кислоталар аралашмаси билан ишланди ва назорат қўшимчалар усули билан таққослаб микро ва макроэлементларнинг таркиби ва миқдорий таркиби ўрганилган [10-12].

Новосибирск вилояти ҳудудида табиий ўсадиган Arctium tomentosum ўсимлигини барглари таркибидаги микро ва макроэлементларнинг миқдори аниқлангандаги натижалари қуйида келтирилган. Na,(2641мг/г), K,(27648мг/г), Ca,(7349мг/г), Mg,(1548 мг/г), Fe,(530 мг/г), I,(0.41мг/г), Cu,(6,3 мг/г), Zn,(14,0 мг/г), Co,(0,72 мг/г), Cr,(3,7 мг/г), Mo,(0,55мг/г), Se,(0,23 мг/г), Mn (41,5мг/г), As,(0,49 мг/г), B,(24,3 мг/г), Br,(43,9 мг/г), Li,(1,0 мг/г), Ni,(1,7 мг/г), Si,(665 мг/г), V,(2,7 мг/г), Sn,(3,2 мг/г), Ag,(0,0052 мг/г), Sr,(176 мг/г), Ti,(44,2 мг/г), Al,(1192 мг/г), Pb,(9,6 мг/г), Cd,(0,145 мг/г), Pb, (9,6 мг/г), Be,(0,023 мг/г), Te,(0,001 мг/г), Ba,(40,4 мг/г). Бу маълумотлар шуни кўрсатадики, Arctium tomentosum. Ўсимлиги барги таркибидаги 31 та элемент миқдори аниқланиб, барги таркибидаги Ca (7349 мг/г), K (27648 мг/г), Na (2641 мг/г), Mg (1548 мг/г), Al (1192 мг/г) элементлари микдори бошқа элементларга нисбатан кўплиги маълум бўлган [10-15].

Ўсимликларда бирор бир микроэлементнинг етишмаслиги, уни ҳар хил бактериал, чириш ва бошқа касалликлар билан зарарланишига олиб келади, яъни микроэлементлар қишлоқ хўжалик экинларини турли хил касалликларга бўлган чидамлилигини оширади. Айниқса, микроэлементлар ўсимликларни ташқи муҳитнинг ноқулай таъсирига (совуққа, юқори ҳароратга, тупроқларни шўрланиши ва қурғоқчиликка) қарши тура олиш қобилиятини оширади. Шунинг учун ҳам, ўсимликларни нормал озиқланишида айрим микроэлементларнинг аҳамиятини, уларнинг тупроқдаги шаклларини ва ўсимликларни қайси ривожланиш фазаларида қандай турларини кўплаб ўзлаштиришини ўрганишимиз ва билишимиз керак бўлади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00680

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Бугунги кунда Республикамизда дорувор ўсимликларни купайтириш ва таркибидаги микро ва макроэлементлар микдорини аниқлаш, биологиясини ўрганиш бўйича кўпгина олимларимиз илмий изланишлар олиб боришмоқда. Ушбу мақоламизда Навоий вилояти ҳудудларида ўсадиган Arctium tomentosum ўсимлигини ўстки қисми ва илдизини кукуни ҳамда уларнинг 70 % ли этонолдаги экстракция қилинди ва экстрактлар Бюхнер воронкаси ёрдамида фильтрланиб,. лиофиль қуритиш қурилмасида қуритилди ва ўлчами 250 мкм ли элак орқали элаб олинди. Экстрактларни таркибидаги микро ва макроэлементлар миқдори аниқланди. Аниқлаш ишлари «Индуктив боғланган аргон плазмали Оптик эмиссион спектрометр Optima-2100DV (США) ускунаси ёрдамида амалга оширилди. Бунинг учун намунавий эритмалар автодозаторида қудуқларига етказиб берилди ва якуний ишлов бериш Win-Lab (offline) аппарати томонидан амалга оширилди. Қурилма шовқинни, ўрганилаётган элементларнинг белгиланган жойларида эритма шаклини автоматик равишда ҳисоблаб чиқади. Олинган натижалар ва спектрлар таҳлили «мультиспектрал таҳлил» усулида автоматик тарзда амалга оширилиб аниқланди. Ушбу тадқиқотлар натижалари 1-жадвалда келтирилган.

**1-жадвал**

**Arctium tomentosum ўсимлигини ўстки қисми ва илдизини экстрактлари ҳамда ўсимлигини ўстки қисми ва илдизини майдаланган кукунини таркибидаги микро ва макроэлементлар микдори мг/г.**

| № | Элементлар | ўсимлиги ўстки қисми | ўсимлиги ўстки қисми экстракти | ўсимлиги илдизи | ўсимлиги илдизи экстракти | № | Элементлар | ўсимлиги ўстки қисми | ўсимлиги ўстки қисми экстракти | ўсимлиги илдизи | ўсимлиги илдизи экстракти |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **1** | Al | 1140 | 1001 | 1241 | 1210 | **23** | Ti | 95,34 | 91,11 | 93,18 | 92,13 |
| **2** | Ba | 40,63 | 26,6 | 28,8 | 32,6 | **24** | Gr | 2,5 | 2,4 | 2,8 | 4,5 |
| **3** | Bi | 0,20 | 0,09 | 0,10 | 0,17 | **25** | Co | 0,35 | 0,15 | 0,13 | 0,38 |
| **4** | Ca | 7634 | 5340 | 7563 | 6332 | **26** | Cu | 7,4 | 9,4 | 4,0 | 7,8 |
| **5** | Fe | 510 | 251 | 87,51 | 751 | **27** | Ga | 0,25 | 0,146 | 0,048 | 0,28 |
| **6** | K | 29320 | 30012 | 33219 | 3262 | **28** | Ge | 0,034 | 0,017 | 0,070 | 0,038 |
| **7** | Li | 1,30 | 0,30 | 0,48 | 1,38 | **29** | As | 0,54 | 0,46 | 0,0004 | 0,051 |
| **8** | Mg | 1385 | 2297 | 5385 | 1482 | **30** | Zr | 0,83 | 0,43 | 0,41 | 0,91 |
| **9** | Na | 2680 | 2869 | 2242 | 2746 | **31** | Nb | 0,096 | 0,017 | 0,073 | 0,083 |
| **10** | Mn | 55,0 | 25,0 | 45,6 | 35,3 | **32** | Mo | 0,46 | 1,40 | 0,69 | 0,49 |
| **11** | Rb | 10,3 | 2,3 | 24,8 | 7,3 | **33** | Ag | 0,002 | 0,001 | 0,003 | 0,002 |
| **12** | Se | 0,51 | 0,91 | 1,41 | 0,31 | **34** | Cd | 0,128 | 0,148 | 0,028 | 0,028 |
| **13** | Sr | 199 | 109 | 119 | 170 | **35** | In | 0,001 | 0,001 | 0,001 | 0,001 |

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00680

| | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **14** | V | 0,46 | 0,76 | 0,06 | 0,23 | **36** | Cs | 0,096 | 0,046 | 0,086 | 0,089 |
| **15** | Zn | 25,03 | 33,08 | 42,02 | 22,06 | **37** | Ta | 0,020 | 0,018 | 0,022 | 0,021 |
| **16** | P | 1212 | 1077 | 1340 | 1240 | **38** | W | 0,101 | 0,100 | 0,175 | 0,123 |
| **17** | Pb | 12,48 | 10,17 | 20,48 | 17,00 | **39** | Re | 0,001 | 0,001 | 0,001 | 0,001 |
| **18** | Ni | 1,3 | 2,2 | 5,24 | 2,32 | **40** | Hg | 0,01 | 0,01 | 0,2 | 0,01 |
| **19** | Be | 0,040 | 0,018 | 0,090 | 0,050 | **41** | TI | 0,108 | 0,102 | 0,109 | 0,101 |
| **20** | B | 36,3 | 36,5 | 66,4 | 35,7 | **42** | U | 0,155 | 0,142 | 0,177 | 0,162 |
| **21** | Si | 708 | 238 | 312 | 1010 | **43** | Sn | 1,183 | 1,159 | 1,359 | 1,221 |
| **22** | S | 1018 | 1002 | 1082 | 1052 | **44** | Sb | 0,122 | 0,114 | 0,222 | 0,188 |

Жадвалдаги маълумотлар шуни кўрсатадики, Arctium tomentosum ўсимлигини ўстки қисми ва илдизини кукуни ҳамда уларнинг 70 % ли этонолда олинган экстрактларини таркибидаги микро ва макроэлементлар миқдори аниқланганда 44 та элемент борлиги ва уларнинг миқдори аниқланди, Arctium tomentosum ўсимлигини ўстки қисмини ва унинг 70% ли этонолда олинган экстракти таркибидаги Ca (7634 мг/г), K (29320 мг/г), Na (2680 мг/г), Mg (1385 мг/г), P (1212мг/г), Al (1140 мг/г) элементлари миқдори бошқа элементларга нисбатан кўплиги маълум бўлди. Arctium tomentosum ўсимлигини илдизи ва унинг 70% ли этонолда олинган экстракти таркибидаги Ca (7563мг/г), K (33219 мг/г), Na (2242 мг/г), P (1340 мг/г), Mg (5385 мг/г), Al (1241 мг/г) элементлари миқдори бошқа элементларга нисбатан кўплиги маълум бўлди.

Arctium tomentosum ўсимлигини субстанцияларини олиш учун Arctium tomentosum ўсимлигини ўстки қисмини ва илдизини алоҳида майдалаб кукун қилиб иккита ҳажми икки летирли таги юмалоқ колба солиб бирига100 г Arctium tomentosum ўсимлигини ўстки қисмини кукуни ва иккинчи колбага ўсимлик илдизини майдаланганини солиб уларнинг ҳар бири ўстига 1000 мл 70 % ли этонол солинди ва 50-60 $^0$C да сув ҳаммомида 30 дақиқа экстракция қилинди ва бир суткага қолдирилди. Сўнгра экстрактлар Бюхнер воронкаси ёрдамида фильтрланиб,. лиофиль қуритиш қурилмасида қуритилди ва ўлчами 250 мкм ли элак орқали элаб олинди. Arctium tomentosum ўсимлигини ўстки қисмидан 18,4 гр ва илдизидан 22,4 гр қуруқ экстракти олинди. Олинган экстрактларни ҳамда Arctium tomentosum ўсимлигини ўстки қисмини кукунини ва илдизи таркибидаги макро ва микро элементлар миқдори аниқланди. Аниқлаш ишлари «Индуктив боғланган аргон плазмали» Оптик эмиссион спектрометрия усули асосида Optima-2100DV (АҚШ) аппаратида ва Автодозатор S-200 Perkin Elmer асбобида аниқланиб ўрганилди. Arctium tomentosum ўсимлиги экстрактлари ва ўсимликни ўстки қисмини кукунини ва илдизи намуналари алоҳида яхшилаб майдаланди ҳар биридан алоҳида алоҳида 0,1 гр миқдордаги намуналар аналитик тарози ёрдамида ±1 мг аниқликда

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00680

тортиб олинди. Намуналар тефлондан тайёрланган автоклавларга алоҳида жойлаштирилди ва уларни ҳар бирини устига 2 мл нитрат кислота эритмасидан ва 1 мл водород пероксид эритмасидан солинди Автоклав яхшилаб ёпилгандан кейин уларни Speebwave ™ MWS-3+ дастурига эга бўлган микротўлкинли парчалагич BERGHOF аппаратига жойлаштириб (автоклавлар сони 12 та).бир минут давомида 25-40 °C да қиздириб парчаланади ва совитиб уларни яна бир бор 25-40°C гача қиздирилди. Парчалаш тугатилгандан кейин намуналар эритмаси Автоклав 5-10 мл ионсизлантирилган LaboStar PRO UV 4, 1,5 л/мин, Evoqua (SG Wasser) аппаратида олинган сув билан 50 мл ўлчагич колбага 3 марта чойиб ўтказилиб устига 50 мл ҳажмга етгунча устига ионсизлантирилган сув билан белгисигача тўлдирилди. ва Arctium tomentosum ўсимлигини номуналари таркибидаги макро ва микро элементлар микдорини «Индуктив боғланган аргон плазмали» Оптик эмиссион спектрометрия усули асосидаги қурилмада аниқланди. Қурилмадан маълумотларни олгандан сўнг, якуний ишлов бериш Win-Lab (offline) аппарати томонидан амалга оширилди. Қурилма шовқинни, ўрганилаётган элементларнинг белгиланган жойларида эритма шаклини автоматик равишда ҳисоблаб чиқади. Стандартларда кўп элементли стандарт ечим қўлланилади. Таҳлил 5 марта такрорланди ва арифметик ўртача ҳисобланди. Ҳар бир элемент учун RSD 0,01 дан 1,0% гача бўлиши керак. S-200 Perkin Elmer автодозаторида ишлатилган, генераторнинг кучи - 1500 W , насоснинг перисталлик тезлиги - 1,2 мл / мин, аргон оқими 12-15 л / мин, плазмани кузатиш-аксиал нуқтаси - 0,8 л / мин.

**ХУЛОСА**

1. Arctium tomentosum ўсимлигини ўстки қисми ва илдизини 70 % ли этонолда экстракция қилиб экстрактлари олинди ва экстрактлар таркибидаги макро ва микро элементлар миқдори «Индуктив боғланган аргон плазмали» Оптик эмиссион спектрометрия усули асосида Optima-2100DV (АҚШ) аппаратида Автодозатор S-200 Perkin Elmer асбобида аниқланди.

2. Arctium tomentosum ўсимлигини ўстки қисми ва илдизини экстрактлари ҳамда ўсимлигини ўстки қисми ва илдизини майдаланган кукунини таркибидаги макро ва микро элементлар микдори ўрганилганда ўсимликнинг илдизи таркибида 44 та микро ва макроэлементлар борлиги аниқланди.

3. Arctium tomentosum ўсимлиги ўстки қисми ва илдизини экстрактлари ҳамда ўсимлигини ўстки қисми ва илдизини майдаланган кукунини таркибида.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00680

бошқа элементларга нисбатан кальций, калий, натрий, фосфор, магний, алюминий элементлари миқдори куп бўлиши аниқланди.

## REFERENCES

1. Farmakognoziya (H.Xolmatov, O'.Ahmedov) Abu Ali ibn Sino Toshkent 1997.
2. Х.Х.Холматов, Ў.А.Аҳмедов, Фармакогнозия: дарслик, Тошкент, Ибн Сино номидаги НМБ, 1995.
3. Флора Западной Сибири / П. Крылов и.др. // Томск. 1949. С.2874-2877.
4. Фармакопейная статья предприятия ЗАО «Эвалар» № 42-0041347702от 08.09.2003.
5. Растительные ресурсы СССР цветковые растения, их химический состав, использование; семейство Asteraceae (Compositae).Спб. Наука, 1993. С.332-335.
6. Фитохимическое исследование растений флоры Сибири / Д. Л. Макарова, В. В. Величко, Н. Е. Ким, М. Г. Ханина, М. А. Ханина // Фармация.2008. № 3.С.19-22.
7. Римкене СП., Пенкаускене Э.А. Исследование углеводов лопуха репейника (Arctium lappa l) // Роль ботанических садов в охране и обогащении растительного мира. -Киев, 1989.-Т. 2.С. 125.
8. Канакина Т.А. Противоязвенная активность извлече ний из лопуха войлочного: Автореф. дис. кан. биол. наук. - Томск, 1997.С.20.
9. Керашева С.И., Шершнева О.К., Турецкова В.Ф. Ан тибактериальные свойства стабилизированного сока лопуха большого // Лекарственные растения Алтайского края. Томск, 1986. С. 36-39.
10. Микроэлементовы человека/ А.П. Авцын, А.А.Жаворонков, М.А.Риш, Л.С.Строчкова. М.1991.С 496.
11. Томпсон М. Руководство по спектрометрическому анализу с индуктивно-связанной плазмой / М. Томпсон., Д.Н. Уолш. М., 1988. С 288.
12. Поветьева Т.Н., Пашинский В.Г., Дудко В.В., Хору жая Т.Г., Жданов В.Н., Канакина Т.А., Першина О.В., Турлянцева О.А. Противовоспалительные свойства сухих экс трактов из корней и листьев Arctium tomentosum Mill // Растительные ресурсы. 2001. Т. 37, вып. 2. С. 80-85.
13. Islomov. A.H., Matchanov.A.D. Gaybullaeva.O.O.,Ishmuratova. A.S.,Maxmudova.D.,Komilov. Q. O.// Expansion of acorus calamus l (normal cow) plant and its composition, biological properties and application in medicine. World journal of engineering research and technology. sjif impact factor: 5.924 wjert, 2020, vol. 6, issue 3, 156-165.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00680

14. Gaybullaeva.O.O, Islamov A.KH, // Chemical Composition, Biological Properties And Importance Of Inula Helenium L (Black Andiz) In The Wild In Uzbekistan. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal https://saarj.com.Spl Issue Impact Factor 7.13: SJIF 2020, Issue 5, May 2020, ISSN: 2249-7137 Vol.10.

15. IslamovA.KH, Smanova Z.A, Matchanov A.D, Abdulladjanova N.G, Saidova V.A, Gaybullaeva.O.O, Ishmuratova. A.S, Raximov R.N, Khushvaqtov Z.Sh // Technology of production of active applications with natural capsulla against diseases caused by iodine deficiency. World journal of engineering research and technology. sjif impact factor: 5.924 wjert, 2020, vol. 6, issue 4, 91-104.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00681

# ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИ - ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДА МУҲИМ ЙЎНАЛИШ СИФАТИДА

**Гулчеҳра Ғаффарова**
Чирчиқ давлат педагогика институти профессор в.б.
gafforovagulchehra3@gmail.com

**Дилфуза Эргашева**
Чирчиқ давлат педагогика институти магистранти

## АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилаётган ислоҳотларда ёшлар масаласи, мамлакатимизда ёшларга яратилаётган имкониятлар, уларни ижтимоий фаоллигини ошириш масалалари ҳамда ёшлар маънавиятини ривожлантиришда 5 та муҳим ташаббусни аҳамияти ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** Ҳаракатлар стратегияси, ёшлар, маънавият, жамият, давлат, таълим, 5 та муҳим ташаббус.

# SPIRITUALITY OF YOUTH - AS AN IMPORTANT DIRECTION IN STRATEGY OF ACTIVITY

## ABSTRACT

This article highlights the issues of youth in the reforms implemented under the Action Strategy, the opportunities created for young people in our country, the issues of increasing their social activity and the importance of 5 important initiatives in the development of youth spirituality.

**Keywords:** Action strategy, youth, spirituality, society, state, education, 5 important initiatives.

## КИРИШ

Маълумки, мамлакатимизда ёшларнинг пухта билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида камол топиши йўлида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Дарҳақиқат, бугунги глобаллашув ва тез суръатлар билан ўзгариб бораётган мураккаб ва шиддатли даврда

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00681

мамлакатимиз ёшлари маънавиятини юксалтириш ҳамда турли таҳдидлардан асраш, уларнинг халқаро майдонда содир бўлаётган жараёнларнинг туб моҳиятини англаб етиши, ушбу воқеликлар юзасидан холис ва мустақил фикрга эга бўлиши, ёшларга эътиборни кучайтириш, уларни маданият, санъат жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларга ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини сингдириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш каби масалалар долзарб аҳамият касб этмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги ПФ-4947 сонли фармони ҳамда 2019 йил 19 март куни Президентнинг 5 та мухим ташаббуснинг қабул қилиниши.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ёшлар маънавияти масаласи нафақат бугунги кунда балки олдинги даврларда ҳам муҳим ва аҳамиятли муаммолар тарзида эътибор берилган. Айниқса, ёшлар маънавиятини шакллантириш муаммоси турли даражадаги жамият ва фалсафа, психология, социология каби фанларнинг ихтисослашуви билан боғлиқ бўлган гуманитар билимларнинг бирлашмасидан иборат.

Ёшлар маънавиятини шакллантириш билан боғлиқ муаммолар муаллифлар томонидан дунёқарашнинг турли позициялари, маданий ва тарихий анъаналари ва мактаблари, услубий ва концептуал асосларидан кўриб чиқилган. Хусусан, рус файласуфлари Д.М. Азаматова, Р.Г. Апресян, А. И. Арнолдов, Е. А. Баллер, О. А. Беленкова, Б.С. Галимова, Д. Ж. Валеева, А.А. Валков, У. С. Вилданова, Г. Н. Волков, В. Е. Давидович, Ю. А. Жданов, М. Т. Иовчук, В. В. Куравлев, Н.С. Злобин, Л. Н. Коган, Г. Г. Квасов, И.К.Кучмаева, Е. С. Маркарян, В. М. Межуев, Е. А. Орлова, С. М. Поздяева, Ф.Б. Содиқов, Ф.А.Хазиев ва бошқаларнинг асарлари киритиш мумкин.

Глобаллашув шароитида маънавият масалалари, ёшлар маънавияти, маънавий қадриятлар ва маънавий янгиланишнинг хусусиятлари мустақилликнинг дастлабки йилларида Т.Маҳмудов, Ж.Туленов, С.Шермуҳамедов, А.Жалалов, Э.Юсупов каби атоқли олимлар томонидан ўрганилган бўлса, ҳозирги маънавий янгиланишнинг турли жиҳатлари Б.Алиев, С.Отамуродов, С.Бердиқулов, Д.Норқулов, А.Умаров, Ш.Мадаева, С.Мамашокиров, Ж.С.Раматов, М.Қаҳҳарова, Г.Туленова, С.Рахимов ва бошқалар томонидан тадқиқ этилмоқда.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00681

Мақолани тайёрлашда тарихийлик, танқидийлик, тизимли методлардан фойдаланилди.

## НАТИЖАЛАР

Ёшлар маънавиятини шакллантириш, ахлоқий тақдирни белгилаш ва умумбашарий инсоний қадриятларни дунёга жорий этиш муаммоси кўплаб авлод тадқиқотчилари томонидан ишлаб чиқилган абадий масалалардан биридир. Маънавият мавзусини қамраб олган илмий адабиётлар жуда кўп, турли хил таърифлар, талқинлар ва тадқиқот йўналишларини ўз ичига олади. Ушбу муаммони ўрганишга ёндашувларнинг хилма-хиллиги, асосан, маънавиятнинг умумлаштирилган назариясининг йўқлиги билан боғлиқ.

Жамиятнинг махсус гуруҳи сифатида ёшларга илмий ёндашиш, ёшларнинг турмуш тарзи ва маданиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, гуманитар фанлар бўйича кўплаб маҳаллий олимларнинг асарларида ўз аксини топган.

Ўзбекистон биринчи Президенти И.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида маънавият, ёшлар тарбияси, миллий ўзликни англаш, миллий маънавият масалаларига эътибор берилган бўлса, ҳозирги президентимиз Ш.Мирзиёевнинг “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” асарида ёшларни маънавий етук инсон этиб тарбиялаш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётиш эҳтиёжга айланиши, ёшлар билими, савиясини ошириш учун илм-маърифат, юксак маънавият кераклиги илгари сурилган.

М.Қуронов, А.Қодиров, Ш.Акрамовалар томонидан “Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш” монографиясида ёшларни этиб тарбиялаш, уларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш ва ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш каби масалалар таҳлил этилган[11].

Ф.Юлдашева илмий тадқиқотларида глобаллашув шароитида маънавий янгиланишнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган[12].

Г.Ғаффарова ахборотлашган жамиятда маънавиятдаги ўзгаришлар, янгиланаётган Ўзбекистонда инсон капиталини ривожлантиришда маънавиятнинг ўрнини [7-10] ёритиб берган.

## МУҲОКАМА

Ёшлар маънавиятини шакллантириш муаммоси ҳар доим ушбу мураккаб ижтимоий-маданий жараённинг турли қирраларини ўрганаётган тадқиқотчилар

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00681

манфаатлари соҳасида бўлиб келган. Ушбу тадқиқотлар турли хил тарихий даврларда амалга оширилган ва амалга оширилмоқда.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизни ўзгартириш бир қатор мавжуд ёндашувларни қайта кўриб чиқишни ва янги мураккаб ижтимоий-фалсафий изланишларни талаб қилади. Замонавий амалиёт жадал ўзгариб бораётган жамиятнинг ҳақиқатларини ҳисобга олган ҳолда ёшлар маънавияти ва уни шакллантириш ҳамда ривожлантириш муаммоларини назарий таҳлил қилишни талаб қилади. Чунки узоқ муддатли ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар шароитида маънавиятнинг асосий элементлари ўзгаришларга учрайди.

Хўш мамлакатимизда охирги йилларда, айниқса Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилган ислоҳотларда ёшлар, ёшлар маънавияти масалаларига қай даражада эътибор қаратилди?

Маълумки, 2017 йил республикамизда “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” қабул қилинди [1]. Ушбу стратегия республика тараққиётнинг янги босқичини бошлаб берди. Шу билан бирга унда мамлакатимиз фуқароларининг келгуси беш йиллик ҳаётини белгилаб берувчи ҳужжат ҳам бўлди.

Ҳаракатлар стратегиясида ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш, ёшларни муносиб таълим олиши, ёшлар фаоллигини ошириш, ёшларни тадбиркорликка жалб этиш, ёшлар бандлигини таъминлаш, мустақил фикрлайдиган ёшларни тарбиялаш, ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ёш оилалар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитлар яратиш каби вазифаларни ҳал этиш муҳим йўналиши ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз“[1] деган фикрлари ҳам мамлакатимизда ёшлар масаласига эътибор давлат сиёсатининг энг мухим йўналишларидан бири эканлигини исботидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 30 июнь куни ёшлар билан бўлиб ўтган тарихий учрашуви мамлакатда ёшлар сиёсати самарадорлигини ошириш билан боғлиқ янги даврни бошлаб берди. Энг муҳим жиҳат сифатида, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Ўзбекистон

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00681

ёшларини буюк мақсадлар сари бирлаштирадиган ва сафарбар этадиган оммавий ҳаракат – Ўзбекистон Республикаси ёшлар иттифоқи ташкил этилди.

Ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини тубдан ислоҳ этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги [2] Фармони қабул қилинди. Таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг ўтган даврида мамлакатда ёшларга доир давлат сиёсати самарадорлигини оширишга доир ўнлаб қонун ҳужжатлари қабул қилиниб,уларда биринчи навбатда, ёшлар тарбиясини мустаҳкамлаш ва уларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Энг аввало, барча даражадаги давлат ҳокимияти органларида, маҳаллаларда ёшлар масалалари бўйича хизматлар ташкил этилди, 30 июнь мамлакатда “Ёшлар куни” деб белгиланди.

Айтиш керакки, давлатимиз раҳбари томонидан ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалалари бўйича илгари сурилган 5 муҳим ташаббусни амалга ошириш юзасидан қарорлари муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, 2019 йил 19 март куни Республика Президентининг ёшларга эътиборни кучайтириш, уларни маданият, санъат жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларга ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини сингдириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш масалаларига бағишланган видеоселлектор йиғилишида илгари сурган 5 та муҳим ташаббусининг ижроси юзасидан Чирчиқ шаҳар халқ таълими тизимида бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, ёшлар маънавиятини ривожлантириш улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш мақсадида китобхонлик викториналари, китобхонлик кечалари, китоблар ярмаркалари ташкил этилиб ушбу ўтказилган тадбирлардан кўзланган мақсад ёшларни интеллектуал билимларини янада бойитиш, уларни ўтмиш тарихимиз, аждодларимизнинг бой маданий меъросини ўргатиш орқали маънавиятини янада юксалтириш бўлиб, 5 та мухим ташаббус доирасида Республика миқёсида ўтказилган “Энг яхши китобхон” кўрик танловида Чирчиқ шаҳар ўқувчи ёшлари Президент совғаси “спарк” машинаси билан тақдирландилар[3].

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00681

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакат тарихида илк бор ўтказилган Ёшлар форумида “ўз тажрибамдан келиб чиқиб, сизларга айтадиган маслаҳатим шу - Илмни қадрланг, илмга интилинг! Бир сония вақтингиз ҳам бекор кетмасин! Ёшлик – умрнинг энг бебаҳо даври. Илм ва билим – ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган, ҳеч ким сиздан тортиб ололмайдиган бойлик эканини асло унутманг!” [6] дея таъкидлаши ёшларга кўтаринки руҳ ва шижоат бағишлади.

Шунингдек, давлат раҳбари томонидан кейинги йилдан (2021-2022 йй.) олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида энг юқори балл тўплаган 200 нафар ёшлар учун Президент гранти жорий этилиши ҳам ёшлар масаласини давлат сиёсати даражасига кўтарилганидан далолат беради. Айтиш лозимки, агар мавжуд Президент стипендияси фақат бир ўқув йили учун мўлжалланган бўлса, Президент гранти талаба ўқишни битиргунига қадар, яъни тўрт йил давомида тўлаб борилади. Шу билан бирга, келгуси ўқув йилидан бошлаб, республикамиздаги хорижий олий ўқув юртларининг бакалавриат босқичи талабалари учун ҳам Президент ва давлат стипендиялари жорий этилиши Янгиланаётган Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотларнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Бундай ислоҳотлар натижасида хорижий давлат олий таълим масканларида таълим олаётган ёшлар ҳам ўзимизнинг фарзандларимиз эканлиги, улар ҳам эртага юртимиз тараққиёти учун хизмат қилишини назарда тутади. Шундай экан, уларга бугун ғамхўрлик қилиш, истеъдодини рағбатлантириш адолатдан бўлиши ҳақида алоҳида таъкидлади.

Илм йўлини танлаган иқтидорли ёшларимизни қўллаб-қувватлаш мақсадида, кейинги йилдан бошлаб магистратура ва докторантура босқичлари учун Президент стипендияси квотасини икки баробарга оширилиши [4], бундай имконият ва имтиёзларга, аввало, янги Ренессанс пойдеворининг чинакам бунёдкорлари сазовор бўлиши ҳам юртбошимиз томонидан ёшларга яратилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан бири саналади. Шу сабабли жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун “илм-маърифат, юксак маънавият керак” [5, 11].

Юртбошимиз томонидан яна бир долзарб масала ўртага қўйилганди. Яъни, юртимизда бир неча фарзанди олийгоҳларда таҳсил олаётган ота-оналарнинг аксарияти, ўқиш харажатларини қоплашда қийналишини инобатга олиб икки ва ундан ортиқ фарзанди олий ўқув юртида шартнома асосида ўқиётган оилаларга имтиёзли таълим кредити бериш тартиби ишлаб чиқилди.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00681

Бунда кредитни ўқиш даври тугаб, ёшларимиз ишга жойлашгандан сўнг қайтариши назарда тутилган.

Шуни таъкидлаш керакки, мамлакатимиз аҳолисининг 30 фоизини 14-ёшдан 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил этади. Уларнинг таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун кенг имкониятлар яратилган. Ёшларга яратилаётган бундай имкониятлар ёшлар маънавиятини ривожлантиришда, мамлакатимиз иқтисодиётини, таълим сифатини, оширишда ўзига ҳос аҳамият касб этади. Дарҳақиқат, Ҳаракатлар стратегияси доирада олиб борилаётган ислоҳотларнинг барчаси ёшларнинг маънавий камолотини оширишда ва уларнинг малакали кадрлар бўлиб етишишларида муҳим аҳамият касб этади. Маънавий соҳада маънавий қадриятларимизни илм-фан ва тараққиёт ютуқлари билан бойитиб бориш, ўзлигимизни чуқурроқ англаш, миллий ғоя ва истиқлол мафкураси тамойилларини халқимизнинг қалби ва онгига сингдириш, муқаддас динимиз ва тарихимизни сохталаштириш, улардан сиёсий мақсадларда фойдаланишларига йўл қўймаслик бу борадаги асосий вазифаларимиздан бири бўлди.

Давлатимиз томонидан ёшларга оид сиёсатнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки бугунки кунда нафақат мамлакатимиз ёшлари балки чет мамлакатларга ишлаш учун кетган ёшларни ҳам ватанга қайтариш уларга кенг имкониятлар яратиш каби инсонпарварлик ҳаракатлари олиб борилмоқда.

## ХУЛОСА

Умуман олганда, ёшлар маънавиятининг шаклланиш жараёни ўзаро зиддиятли ва чексиздир. Ёшлар маънавиятини шакллантиришга таъсир қилувчи қарама-қаршиликлар объектив ва субъективдир. Шу билан бирга, биз ушбу қарама-қаршиликларнинг барча ёш босқичларида изоморфик эканлигини таъкидлаймиз ва агар улар ҳал етилса, у ҳолда шахснинг маънавий асосларини мустаҳкамлайди, агар улар ҳал етилмаса, демак, маънавий ривожланиш боши берк кўчага кириши мумкин. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ҳаракатлар стратегияси ҳамда 5 та муҳим ташаббусда ёшлар маънавиятини юксалтириш, бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш, ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, ватанпарварлик, халққа муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол авлодни тарбиялаш каби масалалар муҳим ўринни эгаллайди.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00681

## REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: “Адолат”, 2018. – 112 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида” ги Қонун. Тошкент 2016 йил 14 сентябр
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 март кунидаги маърузаси Тошкент 2019 й.
4. Мирзиёев Ш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. –Т.: “Ўзбекистон”, 2020.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4 жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2020. – 453 б.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар форумида сўзлаган маърузаси Тошкент 2020 й.
7. Gafforova, G. G., Khaitmetov, R. K., & Madalimov, T. A. (2020). A STRATEGY OF ACTION AS A COMPLEX SYSTEM. International Scientific Journal Theoretical & Applied Science, 90(10), 448-452.
8. Г. Ғаффарова, А. Абдуллаев. (2021). АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА МАЪНАВИЙ ҲАЁТНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. Academic research in educational sciences. Special Issue 2.
9. G. Makhmudova, G. G‘affarova, G. Jalalova (2020). O’zbekistonda islohatlar jarayonini tahlil etish va amalga oshirishning konseptual-falsafiy metodologiyasi. 176 b.
10. G.G. Gaffarova, (2020). Strategy of activity and systematical approach. nternational Journal of Psyshosial Rehabilition. London, United Kingdom, 24, Issue-5, May. - 6645-6651.
11. Қуронов М., Қодиров А., Акрамова Ш. Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш. – Тошкент: «Маънавият», 2018. -112 б.
12. Юлдашева Ф.Х. Ўзбекистонда глобаллашув шароитида маънавий янгиланишнинг ўзига хос хусусиятлари: Дисс. автореф. фалс.ф.д. – Тошкент, 2019. -72 б.

ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 4 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00682

# ЁШЛАР МАЬНАВИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ОИЛАНИНГ ЎРНИ

**Зиннура Жўраева**
Чирчиқ давлат педагогика институти магистранти

## АННОТАЦИЯ

Ушбу маколада Республикамизда олиб борилаётган ислоҳотларда ёшларга эътибор ҳамда ёшлар маънавиятидаги ўзгаришлар, ёшлар маънавиятини ривожлантиришда оиланинг ўрни таҳлил этилади.

**Калит сўзлар:** ёшлар, маънавият, ёшлар маънавияти, ўзгаришлар, баркамол авлод, таълим, оила.

# THE ROLE OF THE FAMILY IN THE DEVELOPMENT OF YOUTH SPIRITUALITY

## ABSTRACT

This article analyzes the attention paid to youth in the ongoing reforms in the Republic, as well as changes in youth spirituality, the role of the family in the development of youth spirituality.

**Keywords:** youth, spirituality, youth spirituality, change, harmoniously developed generation, education, family.

## КИРИШ

Маълумки, республикамизда Ҳаракатлар стратегияси доирасида олиб борилаётган ислоҳотларда ёшлар муаммоси, ёшлар манавиятини ривожлантириш, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш каби масалалар давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Айниқса, мамлакатимизда ёшларни маьнавиятини ривожлантириш учун ташкилий-ҳуқуқий ва ижтимоий шарт шароитлар яратилаётганини таъкидлаш мумкин. Хусусан, “Ёшлар – келажагимиз” жамғармаси, Ёшлар клуби, Ёш тадбиркор, Темурбеклар мактаби, президент мактаблари, ижод мактаблари, Ёшлар кутубхонаси, Ёш китобхон кўрик танлови кабиларни ташкил этилиши ҳам ёшларнинг маънавиятини ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон республикасида ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича беш муҳим ташаббусда илгари сурилгани, “Ўзбекистон ёшлари –

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00682

2025” концепциясини ишлаб чиқилиши мамлакатни ривожлантиришнинг устувор вазифаси сифатида белгиланган.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ёшлар маънавияти ва уни ривожлантириш, ёшлар муаммоси, оилада баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш каби масалалар нафақат бугунги кунда балки олдинги даврларда ҳам эътибор берилганини таъкидлаш лозим.

Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хож Хожиб, Яссавий, Нақшбанд, Имом Бухорий, Хаким Термизий, Бурҳониддин ал Марғилоний, Низомул мулк, Алишер Навоий, Бобур, Мунис Хоразмий, Аҳмад Дониш, Бедил, Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Чўлпон, Фитрат каби алломаларимиз баркамол авлод ва ёшлар тарбияси, оила, оилавий ҳаёт ва ёшлар маънавиятини ривожлантиришга оид қарашлари мавжуд.

Бугунги кунда ёшлар маънавияти, ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш, миллий маънавиятга таҳдидлар, ёшлар маънавий-ахлоқий тарбияси масаласига оид Э.Юсупов, Ж.Туленов, Б.Қосимов, С.Отамуродов, А.Очилдиев, Ш.Пахриддинов, Н.Сафарова, М.Қуронов, О.Тошбоев, У.Саидов, Б.Умаров, Р.Самаров, В.Қўчқоров, Н.Маманазаров, Қ.Эргашев, А.Эгамбердиев каби олимлар илмий тадқиқотларида учратиш мумкин. Жумладан, Қ.Эргашев ёшлар маънавий тарбияси масалаларини ёритиб берган бўлса, А.Эгамбердиев ёшларда инновацион онг шаклланишининг маънавий жиҳатларини илмий-фалсафий тадқиқ этган.

Шу билан бирга, М.Холматова, Х.Шайхова, И.Саифназаров, Ф.Саифназаровалар оиланинг ижтимоий институт сифатидаги аҳамиятини, О.Мусурмонова, Ф.Отажонов, К.Хамраевлар оилада бола тарбиясининг таълим сифатини аниқлашдаги ўрнини, А.Саидов, Э.Бобомуродов, А.Мунавваровлар оила аъзолари ҳуқуқларининг ҳимояси, уларнинг тенглигининг кафолати эканлигини очиб берган.

## НАТИЖАЛАР

Илмий адабиётларда ёшлар маънавиятига оид Қ.Эргашевнинг “Ёшларнинг маънавий тарбияси” номли рисоласида таъкидланишича, “ёшларга маънавият тарбиясини беришнинг бош мақсади уларда мустақил тафаккурни шакллантиришга қаратилиши”[5] керак.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00682

М.Қуронов, А.Қодиров, Ш.Акрамова “Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш” номли монографиясида ёшларни маънан баркамол этиб тарбиялаш ва уларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш ҳамда ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишнинг олдини олиш каби муаммолар таҳлили ёритиб берилган[6].

А.Абдусамедов, М.Ҳўжаев, Ж.Юсубов, Б.Жалилов, Б. Суюнов, М.Омонова, З.Азимова, Г.Алимова томонидан нашр этилган “Мустаҳкам оила маънавияти” монографиясида мустақиллик йилларида мамлакатимизда оилаларнинг маънавий, руҳий барқарорлигини мустаҳкамлаш, унинг ижтимоий функцияларини ошириш, имкониятларини кенгайтириш, айниқса оиланинг фарзандлар тарбиялашдаги нуфузини кенгайтириш борасида амалга оширилган ижобий ишлар ёритиб берилган [3].

К.У. Нажмидиновнанинг “Оила тарбиясида миллий ва умуминсоний ахлоқий маданиятнинг ўрни» номли монографиясида оила тарбиясининг назарий-методологик асослари, оила ва оилавий тарбия ҳақидаги тарихий-фалсафий қарашлар ривожи, ҳозирги даврда оила тарбиясини юксалтиришнинг устувор йўналишлари, оила тарбиясида миллий ва умуминсоний ахлоқий маданиятнинг уйғунлиги таҳлил этилган [7].

## МУҲОКАМА

Маълумки, маънавий баркамол инсон юксак даражадаги маънавиятга эга - фидойилик, жасорат, мардлик, ўз халқини севиш, Ватанни қадрлаш, аждодларидан фахрланиш каби олижаноб фазилатлари билан ажралиб туради. Шу сабабли, инсоннинг инсонлиги, биринчи навбатда унинг маънавий-ахлоқий жихатдан баркомоллиги, поклиги билан белгиланади. Албатта, маънавий-ахлоқий баркамолликнинг асосий қирраларига юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, қуйидагиларни киритиш мумкин: ота-онаси, фарзандлари, қариндошлари, хуллас бутун оила аъзолари, қўни-қўшнилари, маҳалла-куйи, қишлоқдошлари ва бутун мамлакат халқ фаровонлиги ҳақида қайғуришдир.

Хўш ёшлар маънавиятини ривожлантиришда оиланинг аҳамияти қандай?

Албатта, жамиятимизда оилани мустаҳкамлаш, ёшларимизни ҳар томонлама етук, соғлом ва баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш, оилани жамиятнинг бошқа муҳим ижтимоий тузилмалари каби юртимиздаги маънавий ўзгаришлар билан уйғун тарзда ривожлантириш, унинг нуфузини ошириш масаласига давлат сиёсатининг энг муҳим йўналиши сифатида доимий эътибор бериб келиняпти. Чунки оила - кишилар ҳаётини энг муҳим қисми, жамиятнинг

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00682

кичик хужайраси, ижтимои-маданий организмдир. Шунингдек, инсон туғилгандан бошлаб оила муҳитида яшайди.

Оила муқаддаслиги, фарзанд тарбияси ҳақида “Қурони Карим”, “Хадис”ларда аждодларимизнинг маънавий мероси ҳисобланган “Қобуснома”, “Шохнома”, “Темурнома”, “Бобурнома”, “Гулистон” каби дурдона асарларимизда тарбиянинг инсон шаклланишидаги муҳим омил эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилинади. Хаттоки марказлашган давлат асосчиси Амир Темур ҳам “мен фарзанд тарбиялашда давлат бошқаришдан кўра чуқурроқ донишмандлик кераклигига ишонч ҳосил қилдим” деятаъкидлайди. Абдулла Авлоний эса “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ” асарида “тарбия биз учун ё ҳаёт-ё мамот, ё нажот-ё ҳалокат, ё саодат - ё фалокат масаласидир” [1] дегани бежизга эмас.

Ёшлар маънавиятини шакллантиришда оиланинг аҳамияти каттадир. Чунки “оила – тарбия тизимидаги шундай бўғинки, бутун жамиятнинг, миллатнинг бугунги ва келажак ҳаёти уни қандай ташкил этилишига, ундаги мавжуд ижтимоий-маънавий муҳитга боғлиқ” [3, 3]. Шу сабабли ҳам фарзанд тарбиялаш учун албатта ота-онанинг ўзлари тарбияли, юксак маънавият фазилатлари шаклланган бўлиши керак.

Маълумки, оила ҳар бир жамиятнинг асос-негизи бўлиб, ёшларда инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, ахлоқийлик, ватанпарварлик ва юксак туйғулар, аввало оила муҳитида сингади. Бу жараён боболар ўгити, ота ибрати, она меҳри орқали амалга ошади. Шу сабабли немис педагоги Адолф Дистервег фикрлари ўринли, яъни “бола қалби тоза ёзув тахтасига ўхшайди. Унга нима ёзилган бўлса, шу унинг тақдирини яратади”. Демак боланинг ёзув тахтасига қандай ёзувларни ёзиш бу ота-онанинг вазифаси ҳисобланади.

Ёшлар маънавиятини ривожлантиришда оиладаги маънавият алоҳида ўрин тутади. Чунки “оила маънавияти – оиланинг тўлақонли, баркамол ривожланиши ва фаолият юритишини белгилаб берувчи, руҳий, психологик ҳамда ғоявий омилларнинг бирлиги, оила аъзолари ички дунёсининг уйғунлиги”дир [3, 5]. Дарҳақиқат, оиладаги маънавий қарашлар яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби тушунчаларга асосланади. Шу билан бирга, оилада шахс маънавияти, унинг ахлоқий фазилатларига болаликдан асос солинади, кейин тарбия ва маърифат тизимида ривожланади.

Айтиш керакки, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаб вояга етказишнинг энг асосий бўғини бу оиладир. Тўғри шаклланган инсон жамиятга

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00682

тўғри ва адолатли муносабатда бўлади, ўз миллатининг миллий қадриятларини ҳам эъзозлаб ўзлигини ҳеч қачон унутмайди. Агар акси бўлсачи, унда “агар ёмон хулқ одатга кириб қолса, у мижоз бузилишини келтириб чиқаради”[4, 88-89]. Шу сабабли инсонни “давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши, заиф бўлиб хорликка тушиши, фақирлик жомасини кийиб, бахтсизлик юкини тортиб, эътибордан қолиши, ўзгаларга тобе, қул ва асир бўлиши, болаликдан ўз ота-оналаридан олган тарбияларига боғлиқ”дир”[2, 55].

Абдулла Авлоний ҳам қарашларда “тарбия икки босқичдан – оила ва мактаб тарбиясидан ташкил топади. Оилада тўғри йўлга қўйилган тарбия мактаб учун катта мададдир ва, аксинча, оилада тегишли тарбия ишлари олиб борилмаса, бу ҳол мактабнинг таълим тарбия ишини жуда қийинлаштириб қўяди» [1, 12] дея таъкидланади. Дарҳақиқат, ота-оналарнинг ўзаро дўстона муносабатлари, ўз фарзандларига ўрнак бўлишлари, уларни ўз вақтида кузатиб, назорат қилиб бориши, фарзандларининг хатти-ҳаракатларини тўғри, адолатли баҳолай олиш, ўз вақтида ўринли танбех бериш, фарзандлари учун, оила кутубхонасини ташкил этиш, оилавий китоб журналларни ўқиш, тарбиявий аҳамиятга мойил кўрсатувларни кўриш ва уни оилавий муҳокама қилиш, оила аъзолари билан бирга театр ва спектаклларга, тарихий қадамжоларга саёҳат учун бориш фарзандлар қалбида эзгулик уруғини куртак очишига жамият учун фойда келтирадиган инсонлар бўлиб етишишига ҳамда уларнинг маънавиятини ривожлантиришга сабаб бўлади.

Оилага хос анъаналар, қадриятлар, урф-одатлар боланинг келгуси ҳаётида намоён бўлади. Халқимиз таъбири билан айтганда, „Қуш уясида кўрганини қилади”. Шу нуқтаи назаридан айтиш мумкинки, соғлом муҳит, соғлом турмуш тарзи барқарор бўлган оилаларда тарбия топиб, ўсиб улғайган фарзандлар жамиятга фойда келтирадиган инсонлар бўлиб етишади.

## ХУЛОСА

Умуман олганда, ўзбекларда оилавий тарбия анъаналари ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, энг аввало, тарбия воситасида болаларга ота-оналарнинг ота-оналик, қон-қариндошлик хислатлари, миллий маънавий фазилатлар сингдирилади. Шу орқали бола ўз ота-оналарининг фарзандларига бўлган меҳр-муҳаббатини, оила ва жамият олдидаги бурч масъулиятини, бола тарбиясидаги тажрибаларини ўзлаштиради.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00682

Ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлиқ вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуммиллий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини болалик пайтидан бошлаб шакллантиришимиз зарур. Бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина ҳар қандай хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин

## REFERENCES

1. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. –Б. 12.
2. Фитрат А., Оила ёки оила бошқариш тартиблари. – Тошкент: Маънавият, 2000; Ойина. – Тошкент: Академия, 2001. –Б. 55.
3. Абдусамедов А., Ҳўжаев М., Юсубов Ж., Жалилов Б., Суюнов Б., Омонова М., Азимова З., Алимова Г. Мустаҳкам оила маънавияти. –Тошкент: “Савдо-стандарт”, 2012. – 160 б.
4. Раҳимов С. Абу Али ибн Сино таълим ва тарбия ҳақида. – Тошкент: Ўқитувчи, 1967. –Б. 88–89.
5. Эргашев Қ. Ёшларнинг маънавий тарбияси. – Тошкент: «Маънавият», 1998. – 40 б.
6. Қуронов М., Қодиров А., Акрамова Ш. Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш. – Тошкент: “Маънавият”, 2018. – 112 б.
7. Нажмидиновна К.У. Оила тарбиясида миллий ва умуминсоний ахлоқий маданиятнинг ўрни. – Т.: «Адолат», 2016. - 224 б.
8. Г. Ғаффарова, А. Абдуллаев. (2021). АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА МАЪНАВИЙ ҲАЁТНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. Academic research in educational sciences. Special Issue 2.
9. G. Makhmudova, G. G‘affarova, G. Jalalova (2020). O’zbekistonda islohatlar jarayonini tahlil etish va amalga oshirishning konseptual-falsafiy metodologiyasi. 176 b.
10. G.G. Gaffarova, (2020). Strategy of activity and systematical approach. nternational Journal of Psyshosial Rehabilition. London, United Kingdom, 24, Issue-5, May. - 6645-6651.
11. Gafforova, G. G., Khaitmetov, R. K., & Madalimov, T. A. (2020). A STRATEGY OF ACTION AS A COMPLEX SYSTEM. International Scientific Journal Theoretical & Applied Science, 90(10), 448-452.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00683

# MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTLARIDA PEDAGOGIK JARAYONNI TASHKIL ETISH

**Ra'no Xamidovna Nosirova**
Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti o'qituvchisi
rxamidovna@gmail.com

## ANNOTATSIYA

Maqolada mamlakatimizda maktabgacha ta'lim tizimini yanada takomillashtirish va rivojlantirish borasida amalga oshirilayotgan islohotlar, yosh avlodning aqliy-intellektual, estetik, jismoniy, ma'naviy salohiyatini oshirishga qaratilgan chora-tadbirlarni takomillashtirish masalalari xususida fikr bayon etilgan.

**Kalit so'zlar:** maktabgacha ta'lim tizimi, tashkilot, yosh avlod, aqliy-intellektual, estetik, jismoniy, ma'naviy salohiyat, maktabga tayyorlash, takomillashtirish.

# ORGANIZATION OF THE PEDAGOGICAL PROCESS IN PRESCHOOL EDUCATIONAL ORGANIZATIONS

## ABSTRACT

The article highlights the issues of reforming the system of preschool education, improving the mechanisms of work on the formation and development of the mental, intellectual, aesthetic, physical, spiritual potential of the younger generation.

**Keywords:** preschool education system, institution, the younger generation, mental, intellectual, aesthetic, physical, spiritual development, preparation for school, improvement.

## KIRISH

Dunyo va respublikamiz miqyosida yoshlarning qobiliyatlari, iste'dodlari, ichki imkoniyatlarini, o'ziga xos individual-psixologik xususiyatlarini tadqiq etish tendentsiyalari kuzatilmoqda. Yosh avlodning shaxs va sub'ekt sifatida shakllanishi, aqliy rivojlanishi, tarbiyalanganlik darajasini yuksaltirish maktabgacha ta'lim tashkilotlaridan boshlanadi. Ushbu jarayonning samarali tashkil etilishi va boshqarilishi ta'lim tizimining uzluksizligini ta'minlash sharti bo'lib xizmat qiladi, chunki yosh va murg'ak qalblar bilan olib boriladigan pedagogik jarayon ularning

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00683

kelajakda kim bo'lib yetishishlari, qanday fuqarolik pozitsiyani egallashlari bilan bog'liq holda qaraladi.

## ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Respublikamizda 2019 yil 8 maydagi PQ-4312-son "O'zbekiston Respublikasi maktabgacha ta'lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish" kontseptsiyasini ishlab chiqildi. Kontseptsiya O'zbekiston Respublikasida maktabgacha ta'limni rivojlantirishning maqsadlari, vazifalari, ustuvor yo'nalishlari, o'rta va uzoq muddatli istiqboldagi bosqichlarini belgilaydi hamda maktabgacha ta'lim sohasini rivojlantirishga yo'naltirilgan dasturlar va kompleks chora-tadbirlarni ishlab chiqish uchun asos bo'ladi. [1]

Ushbu vazifalarni amalga oshirishda maktabgacha ta'lim tashkilotlarida yosh avlodning aqliy-intellektual, estetik, jismoniy, ma'naviy salohiyatini oshirishga qaratilgan chora-tadbirlarni takomillashtirish alohida dolzarblik kasb emoqda. Bu borada pedagog rahbar–jamiyatning yosh avlod ta'lim-tarbiyasiga qo'ygan ijtimoiy buyurtmasining asosiy ijrochisiga aylanishi muqarrar.

Bugungi kunda jahonda texnologiyalar va axborotlashtirish jarayonlarining rivojlanishi davrida maktabgacha ta'limni isloh qilish, komil insonni tarbiyalash, ularga zamonaviy ta'lim berish masalalari birinchi navbatda hal qilinishi kerak bo'lgan muammo hisoblanadi. Aynan, maktabgacha ta'limni isloh qilishda bolaning maktabga tayyorgarligi bilan belgilanuvchi ta'lim sifatini oshirish muhim va zaruriy bo'lib hisoblanadi.

Shu jihatdan olganda, maktabgacha ta'lim tashkilotlarida ta'lim sifatini ta'minlashda zamonaviy yondashuvlar, boshqaruv, innovatsiya va axborot texnologiyalarini ta'lim-tarbiya jarayoniga joriy etishda rahbarlik layoqatini oshirish muhim ahamiyat kasb etadi.

Mazkur vazifani amalga oshirishda maktabgacha ta'lim tashkilotlari rahbar xodimlarining har biridan yuksak kasbiy salohiyat va insoniy sifatlarga ega bo'lish talab etiladi. «Avvalambor, uning vatanparvar va yurtparvarlik fazilatlariga ega bo'lishi, ona yurtini chin qalbidan sevishi va ardoqlashi, el-yurti uchun o'zini ayamasligi, kerak bulsa, bu yo'lda jonini ham fido qilishiga tayyor bo'lishini, o'z kasb-korining ustasi, shu ishning chinakam bilimdoni, bu borada boshqalarga o'rnak bo'lishini kutadi. Jamoatchilik, halq rahbar shaxsning mustaqil dunyoqarashi, keng fikrlashi, uzoqni ko'ra bilish qobiliyati bilan boshqalardan ajralib turishini, iymon-e'tiqodi mustahkam, irodasi baquvvat, or-nomusli, harom-xarish ishlardan hazar qiladigan, izlanuvchan, tashabbuskor, tadbirkorlik fazilatiga ega bo'lishini,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00683

tashkilotchi, talabchan va qat'iyatli bo'lishini istaydi» [4; 201-b.].

O'zbekiston Respublikasining mustaqillikka erishishi maktabgacha ta'lim tashkilotlarining oldiga - yangi demokratik davlatning fuqarolarini shakllantirishdek muhim vazifani qo'ydi. Bu esa hozirgi vaqtda maktabgacha ta'lim tizimida davr talabiga javob beradigan mutaxassislarni nazariy bilimlar bilan bir qatorda jahon andozalariga mos holatda tayyorlash, ularning malakasini oshirish zaruriyatini keltirib chiqaradi. SHu bilan birga maktabgacha ta'limni isloh qilishning asosiy shartlaridan biri - buyuk ma'naviy fazilatlarga ega, insoniy fazilatlarni o'zida mo'jassamlashtirgan, yetuk kadr sifatida faoliyat yuritayotgan mutaxassislar avlodini yetishtirishni talab etadi. Hozirgi davrning bu talabi – matabgacha ta'lim tarbiyalanuvchilarini axloqan va ma'nan yetuk, komil insonlar qilib tarbiyalash vazifalarini bajarishni talab etadi. MTT rahbarlari va pedagog kadrlari oldida turgan eng dolzarb vazifalardan biri – erkin fuqaro ma'naviyatini, ozod shaxsni shakllantirish masalasidir. Boshqacha aytganda, o'z xaq-huquqlarini taniydigan, o'z kuchi va imkoniyatlarini anglagan, atrofda sodir bo'layotgan voqea va hodisalarga mustaqil munosabat bilan yondashgan, ayni zamonda shaxsiy manfaatlarini mamlakat va xalq manfaatlari bilan uyg'un xolda quradigan erkin, har jihatdan barkamol insonlarni tarbiyalash lozim. Shu jihatdan olganda, barkamol insonni tarbiyalash avvalo, pedagoglardan ulkan mahorat va mas'uliyatni talab qiladi. Ustozlik mahorati va tarbiyachilik san'atining tayyor andozasi yoki qolipi mavjud emas. Ushbu san'atni egallash uchun insondan katta kuch, ijodkorlik va ko'p yillik tajriba talab etiladi.

O'zbekistonda maktabgacha ta'limni isloh qilishning asosiy omillaridan biri komil inson tarbiyasida "shaxs manfaatlari va ta'lim ustuvorligi" masalalari borasida bir qator olimlar izlanish olib bormoqdalar. Bular R.H. Djuraev, J.G'. Yo'ldoshev, S.Turg'unov, R.Safarova, M. Yuldashev, SH.A. Abdullaeva, Y. M. Asadovlardir.

## MUHOKAMA VA NATIJALAR

O'zbekistonda maktabgacha ta'lim tizimini tubdan isloh qilish bo'yicha keng miqyosdagi ishlarning amalga oshirilishi natijasida bugungi kunda mamlakatimiz maktabgacha ta'lim tashkilotlarida ilmiy va pedagogik tarkib tubdan o'zgardi, zamonaviy o'quv-dasturiy asosga, moddiy-texnik bazaga ega bo'lgan ta'lim maskanlari sifatida samarali faoliyat ko'rsatmoqda.

Maktabgacha ta'lim tizimi faoliyatining pedagogik-psixologik asoslari, davlat va nodavlat maktabgacha ta'lim tashkilotlari hamda ularning muqobil turlarini tashkil etishning pedagogik shart-sharoitlari, maktabgacha ta'lim tashkilotlari faoliyatini tashkil etishning xukukiy-me'yoriy asoslari, boshqarishda jahon tajribasi va uni

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00683

ta’lim-tarbiya jarayoniga tatbiq etish texnologiyalarini o’rganish va shu asosda chora-tadbirlarni belgilash, amaliyotga joriy qilish ishlari jadallashmoqda.

Maktabgacha ta’lim tizimining yangi avlod rahbarlarini shakllantirish masalasi ham kundalik dolzarb ahamiyat kasb etuvchi masalalar sirasiga kiradi. Bunda rahbarning muvofiqlashtirish, rejalashtirish, tartibga solish, nazorat qilish va baholash vazifalari bilan uyg’unlikda bajarilishi lozim bo’lgan vazifalari to’g’risida e’tirof etilgan funktsiyalar bolalarning intellektual jihatdan voyaga yetishiga, ma’naviy barkamol shaxs bo’lib shakllanishiga va pedagog xodimlarning ilmiy-ma’naviy jihatdan o’sishiga, siyosiy va fuqarolik pozitsiyasining mustahkamlanishiga olib keladi.

MTT pedagog xodimlaridan keng bilimdonlik, puxta amaliy tayyorgarlik, yuksak pedagogik mahorat, kompetentlik va ijodkorlik talab etiladi. Maktabgacha ta’lim jarayonida insonparvarlik omilini ta’minlaydigan ustozlarning shaxsiy sifatlariga quyidagilar kiradi: talabchanlik, haqqoniylik, halollik, mehribonlik, xushmomalalik. Ushbu sifatlar pedagogning ta’lim-tarbiya oluvchilar uchun ahamiyatini belgilashi kerak. Zero, shaxsiy sifatlar o’qitish va tarbiyalash mahoratiga ta’sir ko’rsatadi.

Muhtaram Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoev o’zining “Buyuk kelajagimizni mard va olijanob halqimiz bilan birga quramiz” kitobida: “O’z xalqiga fidoyi, biz boshlagan ishlarni davom ettirishga qodir bo’lgan, har tomonlama yetuk rahbar oldida dolzarb vazifa – kelgusi avlodni komil inson qilib tarbiyalash vazifasi turibdi”-degan fikrni e’tirof etadilar. Darhaqiqat, XXI asrda ijtimoiy - iqtisodiy munosabatlar rivojida inson aql zakovati va ma’naviyati asosiy muvofiqlashtiruvchi, rivojlantiruvchi omil va vosita ekanligi tobora namoyon bo’lmokda. SHuning uchun insonparvarlik bozor iqtisodiyoti asosida huquqiy, demokratik davlat, erkin fuqarolik jamiyati qurilishining bosh tamoyili sifatida maydonga chiqdi.

Maktabgacha ta’lim tizimida ta’lim sifati – tarbiyachi va xodimlarning kasbiy rivojlanishi tavsifi bo’lib, zamonaviy bosqichida iqtisodiy taraqqiyot talablariga mos kasbiy faoliyatni muvaffaqiyatli yurituvchi mutaxassis qobiliyati va ish faoliyati bilan belgilanishi e’tirof etiladi.

Maktabgacha ta’lim tashkilotlari o’quv faoliyatining sifati o’quv jarayonini rejalashtirish, uni amalga oshirish, o’quv reja, dasturlarining mazmun mohiyati bilan emas, balki bolalarning olgan bilimlari, malaka va ko’nikmalari, mustaqil ravishda olgan bilimlari bilan bog’liq ta’lim natijasi sifati bilan belgilanmoqda. Har tomonlama taraqqiy etgan, aqlan va ma’nan barkamol, jismonan va ruhan tetik farzandlarni maktabgacha tarbiya tashkilotlarida kamol toptirish ahamiyati, Vatanimizning ravnaqi

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00683

bugungi kunda yosh avlodlarga bergan ta'lim sifati va tarbiya mohiyati bilan chambarchas bog'liqligi alohida dolzarblik kasb etadi. Mamlakatimizda bu borada amalga oshirilayotgan islohotlar buyuk ma'naviy fazilatlarga ega, insoniy fazilatlarni o'zida mo'jassamlashtirgan, yetuk kadr sifatida faoliyat yuritishga zamin hozirlaydi.

O'zbekistonda maktabgacha ta'lim tizimini tubdan isloh qilishda ta'lim jarayonning barcha shakllarini eng qulay va samarali holatda tashkil etish, ularni shaxs kamoloti maqsadlari tomon yo'naltirish, tarbiyalanuvchilarda dunyoqarash, qobiliyatni shakllantirish va ularda jamiyat uchun zarur bo'lgan faoliyatga moyillik uyg'otishdir. Pedagogning ko'p qirrali faoliyati va uning qobiliyati, ijodkor va fidoiy bo'lishi hamda shogirdlarni barkamol insonlar qilib tarbiyalash masalasi davlat siyosati darajasidagi dolzarb masalalardan biridir. Pedagogik mahoratga ega bo'lgan pedagog tarbiyadagi qiyinchiliklarni yengishga qodir bo'lgan nufuzli rahbar, o'sib kelayotgan yosh avlodning ma'naviy dunyosini tushuna oladigan, ularning tuyg'ularini his qila oladigan, ichki dunyosi nozik bo'lgan bola shaxsiga mohirlik bilan avaylab yondashadigan, donolik va ijodiy dadillik, ilmiy tahlil, xayol va fantaziya, chuqur ilmiy tafakkurga ega bo'lgan shaxslardir.

Mustaqil O'zbekistonda pedagoglik kasbiga hurmat e'tibor va uni sharaflash beqiyosdir, shu bilan birga ustozlar oldiga qo'yiladigan mas'uliyat ham katta.

Hozirgi kunda o'zining fidokorona mehnati bilan yosh avlodni o'qitish va tarbiyalash sifatini oshirishga katta hissa qo'shayotgan ijodkor pedagoglar, olimlar, tadqiqotchilar soni yil sayin ortib bormoqda. Bularning barchasi mustaqil O'zbekiston diyorida pedagog shaxsiga bo'lgan e'zoz, e'tibordan dalolatdir.

Imom al Buxoriyning «Al – jomi' as – sahih» hadislar to'plamining «Ilm kitobi» bobida ilm egallash fazilati va xosiyatlar, ilm o'rganish va o'rgatish odobi to'g'risida ma'lumotlar berilgan. Ushbu bobda ilm o'rgatish va o'rganishga doir hadislar keltirilgan. Ularning tahlili, ilm o'rgatuvchiga nisbatan didaktik talablar, pedagogik – axloqiy g'oyalarni ifodalashga imkon beradi. Bugungi kunda ham pedagoglar malakasini oshirish jarayonida, ularning pedagogik, psixologik tayyorgarligi, bilimi, muomala madaniyatini yuksaltirish, zamonaviy fan sirlaridan xabardor qilish, axborot va kommunikatsiya ko'nikmalarini singdirish va milliy psixologik omillarni e'tiborga olish kerak. Yuksak saviyali, mahoratli ustozlargina xalq orzusidagi barkamol insonni tarbiyalaydi. Ilm insonni yuksaklik sari olib boradi. Ilmga chanqoq o'zbek xalqida ziyoli, ilmli insonlarni e'zozlash, ular faoliyatiga havas bilan qarash xususiyati mavjud.

Maktabgacha ta'lim tizimini yanada takomillashtirish va rivojlantirishda bu borada to'plangan tajribani tahlil etish va umumlashtirish, mamlakatni ijtimoiy-

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00683

iqtisodiy rivojlantirish istiqbollariga muvofiq kadrlar tayyorlash tizimini takomillashtirish va yanada rivojlantirish masalalariga alohida e'tibor qaratilmoqda. Shu bilan birga, ta'lim tashkilotlarining resurs, kadrlar va axborot bazalari yanada mustahkamlanmoqda, o'quv-tarbiya jarayoni yangi o'quv-uslubiy majmualar, ilg'or pedagogik tenologiyalar bilan to'liq ta'minlanmoqda. Jahon andozalariga javob beradigan maktabgacha ta'lim tashkilotlari qaror topmoqda va ularni rivojlantirish amalga oshirilmoqda. Ta'lim sifatini oshirishda, ta'lim jarayonini to'liq axborotlashtirish kuzda tutilmoqda.

- Hozirgi paytda maktabgacha ta'lim tizimida faoliyat yuritayotgan pedagoglar malakasini oshirishga quyidagicha yondashish tendentsiyalari kuzatilmoqda:

sifatli o'quv jarayonini tashkil qilishda pedagog kompetentsiyasini rivojlantirish;

- ta'lim sifatini ta'minlashda zamonaviy yondashuvlarining asosiy negizi - turli xil boshqaruv, innovatsiya va axborot texnologiyalarini ta'limga joriy etishda pedagogning layoqatini oshirish;
- ta'lim-tarbiya sifatining mahsulasi – natijani qo'lga kiritish va boshqalar.

Maktabgacha ta'lim tashkilotlari o'quv faoliyatining sifati o'quv jarayonini rejalashtirish, uni amalga oshirish, o'quv reja, dasturlarining mazmun mohiyati bilan yemas, balki tahsil oluvchilarning olgan bilimlari, malaka va ko'nikmalari, mustaqil ravishda olgan bilimlari bilan bog'liq ta'lim natijasi sifati bilan belgilanmoqda.

Abu Nasr Farobiyning "Fozil odamlar shahri" asarida keltirilgan bosh g'oya, ya'ni: "... faqat ilm va bilimlar jamiyatni rivojlantirishi, davlatni taraqqiy ettira olishi mumkinligi", to'g'risidagi g'oyasiga monand ravishda sifatli ta'lim boshqaruvini amalda joriy etish talab etiladi. Demak, bugungi kunda jahon andozalariga tenglashtirilgan ta'lim sifat tizimi asosida mutaxassislar tayyorlashga alohida e'tibor qaratilmoqda. Bunda pedagogdan ta'lim berishda yuksak mahorat talab etiladi.

Maktabgacha tarbiya tashkilotlarida ta'lim va tarbiya sifati, uni baholash va sifat menejmentiga oid jahonda olib borilgan tadqiqotlar natijasida qator, jumladan, quyidagi ilmiy natijalar olingan: maktabgacha tarbiya tashkilotlarida ta'limiy va tarbiyaviy sifat nazoratining ichki baholash mexanizmlari ishlab chiqilgan (London universiteti qoshidagi "Layf Kouching", Ta'lim institutlari (Buyuk Britaniya); ta'lim sifati menejmenti tizimini sertifikatlash va sifatni kafolatlash usullari tavsiflangan (Bavariya akkreditatsiyalash, sertifikatlash va sifatni kafolatlash instituti, Germaniya) va boshqalar.

Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida ta'lim va tarbiya sifati, uni baholash, ilmiy-nazariy asoslash, kvalimetriyaga murojaat etish, sifatning yalpi menejmentini qo'llash

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00683

uzluksiz ta’lim tizimini takomillashtirishning muhim shartlaridan biridir. Bunda kvalimetrik tahlil muhim ahamiyat kasb etadi.

**Kvalimetriya** – diagnostik metodlarni aniqlash, sifatni miqdoriy baholashning nazariy asoslarini yaratish bilan bog’liq ilmiy va amaliy faoliyat sohasi. Kvalimetriya **kvalitologiya** (sifat haqidagi fan)ning tarkibiy qismidir.

Dunyoda ta’lim sifati menejmentini takomillashtirish bo’yicha qator, jumladan, quyidagi ustuvor yo’nalishlarda tadqiqotlar olib borilmoqda: ta’lim sifatini kafolatlashning yagona mezonlari va standartlarini belgilashni aniqlash; ta’lim xizmatlari eksportini rivojlantirish; ta’lim dasturlarini akkreditatsiyalash milliy tizimlarini muvofiq-lashtirish; sifatni boshqarish texnologiyalarini takomillashtirish. Biroq, hanuzgacha davlat va nodavlat maktabgacha tarbiya tashkilotlari xodimlarining malakasini oshirish va ushbu tarbiya maskanlarida ta’limiy va tarbiyaviy boshqaruv menejmentiga xos xususiyatlarni aniqlashning yagona tizimini takomillashtirish masalalari o’z yechimini tulaqonlicha amalga oshirilmagan. Shu jihatdan olganda, ta’limda sifatni boshqarish, sifatni kafolatlashda akkreditatsiyaning o’rni, sifatning tashqi monitoringi, oliy ta’limda sifatni baholash tizimlari, ta’lim jarayoni ishtirokchilari faoliyatini muvofiqlashtirish va ta’lim sifatini nazorat qilishning pedagogik shart-sharoitlarini aniqlash zarurati oshmoqda.

## XULOSA

Yuqoridagilardan kelib chiqib, bugungi kunda davlat va nodavlat maktabgacha ta’lim tashkilotlarida ta’lim va tarbiya sifatini takomillashtirish muammosini alohida tadqiqot predmeti sifatida o’rganish ehtiyoji sezilmoqda. Muammoning yechimini topish uchun:

- davlat va nodavlat maktabgacha tarbiya tashkilotlari xodimlarining malakasini oshirishda «tarbiya kvalimetriyasi» va «ta’lim kvalimetriyasi» tushunchalarini ilmiy jihatdan tavsiflash;
- davlat va nodavlat maktabgacha tarbiya tashkilotlari boshqarishning metodologik va nazariy asoslarini sifatli menejment nuqtai nazaridan tadqiq qilish;
- davlat va nodavlat maktabgacha tarbiya tashkilotlariga qo’yiladigan davlat talablarini tabaqalashtirilgan yondashuv asosida takomillashtirish;
- davlat va nodavlat maktabgacha tarbiya tashkilotlari xodimlarining malaka oshirishdan keyingi faoliyati samaradorligi monitoringini joriy etish bo’yicha tavsiyalar ishlab chiqish;
- davlat va nodavlat maktabgacha tarbiya tashkilotlari tarbiyalanuvchilari iqtidorini aniqlash va rivojlantirishga mo’ljallangan metodik qo’llanmalar yaratish va

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00683

amaliyotga tatbiq etish;

- davlat va nodavlat maktabgacha tarbiya tashkilotlarida sifat menejmenti tizimini takomillashtirish bo'yicha ilmiy asoslangan takliflar ishlab chiqish lozim.

Davlat va nodavlat maktabgacha tarbiya tashkilotlari xodimlarining faoliyatini kvalimetriya asosida baholash, kasbiy faoliyat natijasi, tarbiyalanuvchilarning intellektual darajasi va shaxsiy rivojlanishi mezonlariga asoslangan holda takomillashtirishga qaratish lozim.

Shunday qilib, ta'lim-tarbiya sifatini oshirish jarayonida yangi mazmun va mohiyatga ega bo'lgan insonparvarlik tamoyillariga asoslangan, yaratuvchanlik, ijodkorlikka intilish hissi bilan yo'g'rilgan ta'lim komil inson shaxsini yetuklikka yo'naltiradi. Binobarin, O'zbekistonda maktabgacha ta'lim tashkilotlarida olib borilayotgan islohotlar ta'lim-tarbiyaning maqsadini yangi yo'nalishga burdi. Demak, ta'lim-tarbiyaning maqsadi butunlay yangilandi, unga mos holda mazmunning ham, pedagogik jarayonning ham yangilanishi tabiiydir. Bu omil davlatimizning ijtimoiy siyosatini belgilab berganligi tufayli shaxs manfaatlarini ta'minlashga xizmat qiladi.

## REFERENCES

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasi maktabgacha ta'lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish kontseptsiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi Qarori, 2019., 13 may, PQ 4312 son.
2. Mirziyoev SH.M. Buyuk kelajagimizni mard va oliyjanob halqimiz bilan birga qo'ramiz. –Toshkent:O'zbekiston, 2017.-488 bet.
3. Abu Nasr Farobiy. Fozil odamlar shahri. –Toshkent: O'qituvchi, 1998.-43-bet.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00684

# СИФАТЛИ МАЙИЗ (ГЕРМИЁН) ОЛИШДА ЙИРИК ҒУЖУМЛИ УЗУМ НАВЛАРИНИНГ МУҲИМ АГРОТЕХНОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

**Мирзамад Исаевич Одинаев**
Тошкент давлат аграр университети доценти

**Муҳаммаджон Парпиевич Парпиев**
Тошкент давлат аграр университети доценти

## АННОТАЦИЯ

Мақолада йирик ғужумли майизбоп узум навларини ўрганишда, узумни келиб чиқиш ватани, узум бошининг шакли, пишиш муддати, ҳосилдорлик, мева тугиш ва тугувчанлик коэффициенти, ўлчами ва тиғизлиги, ғужумининг вазни, ранги, ғужумининг физик-механик хусусияти, пўстининг қалинлиги, дегустацион баҳоси, ғужумининг увологик кўрсаткичлари, ғужумидаги шарбат ва этининг тиғиз қисмлари, шингил, пўст миқдори, майиз сифати ва чиқиши, қанд миқдори, нордонлиги ўрганилган.

**Калит сўзлар:** узум боши, ғужум, пишиш муддати, ҳосилдорлик, қуритиш, майиз, ғужум ўлчами, таъм, ранг, консистенция, ҳарорат йиғиндиси, балл.

# THE MPORTANT AGROTECHNOLOGICAL PROPERTIES OF LARGE GRAPE VARIETIES TO OBTAIN QUALITATIVE RAISINS (HERMIONE)

## ABSTRACT

The article, devoted to the study of large-berry raisin grape varieties, provides information on the origin of the grapes, the shape of the grape cluster, the ripening period, yield, fruiting coefficient and fecundity, the size and maturity period, weight, color, physical and mechanical properties of the grapes, the thickness of the peel, tasting evaluation, the amount of juice and pulp in the peel, the amount of peel, the quality and yield of raisins, sugar content and acidity.

**Keywords:** bunch of grapes, raisins, ripening time, yield, drying, raisins, berry size, taste, color, consistency, sum of temperatures, points.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00684

## КИРИШ

Ўзбекистон узумнинг кўпгина турларини келиб чиқиш ватани бўлиб, бу ерда жуда қадимдан хилма хил навлар етиштириб келинади. Республика тупроқ иқлим шароити, айниқса, унинг тоғолди минтақалари узум етиштириш учун жуда ҳам қулай бўлиб, бу ердаги узумлар ўзининг қанддорлиги, юқори ҳосилдорлиги, майиз маҳсулотининг юқори сифатлилиги билан алоҳида ажралиб туради. Ўзбекистон Ўрта Осиёда кишмиш ва майиз экспорт қилувчи етакчи давлатлардан бири ҳисобланади [1,2,4].

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Узумнинг янги майизбоп навларини чиқариш бўйича ишлар жуда қадимдан давом этиб келмоқда. Сўнгги йилларда бундай навларни чиқаришга бўлган эътибор янада ортиб бормоқда. Айниқса унинг йирик ғужумли навлари юқори қадрланади. Республика олимлари томонидан сўнгги йилларда бундай навларнинг бир қанчаси чиқарилган бўлиб, уларнинг технологик хусусиятларини чуқур ўрганиш ва танлаш долзарб ҳисобланади. Бу эса сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва майиз экспорти салоҳиятини ошириш имконини беради [3,5].

**Катта-Курган (Маска)** - кечпишар хўраки, майизбоп узум нави Шарқий экологик-географик навлар гуруҳига киради. Ватани - Ўрта Осиё. Узум боши йирик (бўйи 12-26 см, эни 14-25 см), ғужуми йирик, овалсимон ёки тухумсимон оч яшил, этдор, сершира, пўсти юпқа, уруғи йирик. Ҳосили йиғиб олингунга қадар фойдали ҳарорат йиғиндиси 3400-3800 °С ни 150-160 кунда (сентябр 2-ярми)га тўғри келади ва шу муддатда пишиб етилади. (1-расм).

**1-расм. Узумнинг майизбоп Катта-Курган (Маска) нави**

Ҳосилдорлиги ўртача 270-280 ц/га. Функционал урғочи гулли бўлганлиги сабабли унга Оқ кишмиш, Қора кишмиш, Пушти Тоифи, Саперави, Султоний навлари энг яхши чангловчилар ҳисобланади. Янгилигида ейилади, қуритилади, гермиён майизи тайёрланади. Узоқ ерларга ташишга яроқли. Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида районлаштирилган

**Султони** (синонимлари: Жаус, Оқпар, Шакарак)– ўртача кечпишар маҳаллий хўраки, майизбоп ва винобоп узум нави. (2-расм).

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00684

Ўрта Осиёда яратилган. Ўзбекистон (Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида кўпроқ), Тожикистон, Туркманистон, Қозоғистонда экилади. Узум боши йирик, вазни 400-500, баъзан 800-1100г. Конус-симон, тиғиз жойлашган. Ғужуми йирик, 5-6 г келади, юмалоқ чўзиқ, оч сариқ, пишганда қаҳрабо, офтобга қараган томони тўқ сариқ. Пўсти қалин, қўнғир нуқталар билан қопланган. Эти сершира, еганда карсиллайди.

2-расм. Узумнинг майизбоп Султони нави

Сентябрь бошларида,148-154 кунда пишади. Таркибида 25-27 % қанд, 3-3,5% кислота бор. Ҳосилдорлиги 200-240 ц/га. Узуми янгилигида истеъмол қилинади, майиз солинади.

**Қоражанжал** - (синоними: Қорасемиз) - халқ селекциясида чиқарилган ўртача кечпишар маҳаллий хўраки ва майизбоп узум нави. (3-расм).

3-расм Узумнинг майизбоп Қора жанжал

Узум боши йирик 300-400 г (бўйи 16-25 см), кенг конуссимон, зичлиги ўртача. Ғужуми йирик (4,8 г), сер эт, ширали, овал ёки цилиндрсимон; бинафша-қорамтир, пўсти қалин. Таркибида 25-27% қанд бор, нордонлиги 4-7%, сентябрда пишади. Узумининг сифатлилиги жиҳатидан хўраки навлар орасида 1-ўринларда туради. Янгилигида ейилади, майиз солинади (23% майиз тушади).

4-расм. Узумнинг майизбоп Нимранг нави

Тошкент, Самарқанд, Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида етиштирилади.

**Нимранг.** Тожикистон махаллий нави. 1959 йилдан Республика бўйича Давлат реестрига киритилган. Узум боши йирик, конус ёки цилиндрсимон. Ғужуми йирик тух-умсимон шаклда, ранги оқиш - сариқ, қуёш тушган томони пушти. Узум бошининг ўртача вазни 348-465 г атро-фида.Эти гўштли, сершира, куврак. Таркибида 22-25% қанд, 5-

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00684

6% кислота бор. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси 6,5 балл. Куртак ёзилишидан меваси пишгунгача 162 кун. Ўртача ҳосилдорлиги 180-220 центнерни ташкил этади. Янгилигида ейилади, қишги сақлашга қўйилади ва майиз ҳам қилинади (23% гача майиз тушади)

**Гўзал қора** – ўртапишар хўраки нав. Гўзал қора нави Бутуниттифоқ ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтининг Ўрта Осиё тажрибаста нциясида олинган дурагай уруғлардан чиқарилган.Узум боши ўртача, юмалоқ, 500-600 г келади.Узум боши ва ғужумлари ўртача тиғиз. Ғужуми йирик, кўкиш-қора рангда. Куртак ёзгандан бошлаб фаол ҳарорат йиғиндиси 2800°да 136 кунда - август ойи охирларида пишади. Ҳосилдорлиги 220-240 ц/га. Касалликлар билан кам зарарланади. Асосан янгилигида истеъмол қилинади ва майиз солинади. Қуритилганда йирик донали майиз олинади. Ўзбекистоннинг барча вилоятларида районлаштирилган (5-расмга қаранг).

**5-расм. Узумнинг майизбоп Гўзал қора нави**

**Хусайне мускатный**. Академик М. Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институтида яратилган. 2014 йилдан Республика бўйича давлат реестрига киритилган. Ўртаги муддатларда пишадиган хўраки ва майизбоп нав. Август охири ва сентябр ойи бошида пишади. Узум боши йирик – 400-450 г атрофида, ғужуми 6-7 г келади, шакли – узунчоқ, ранги оқиш-яшил, таъми ёқимли. Қанд миқдори 23% ни ташкил этади. Ҳосилдорлиги ўртача 160-180 ц/га ни ташкил этади. Асосан янгилигида истеъмол қилинади, республиканинг жанубий вилоятлар ида қуритилиб, сифатли майиз ҳам олинади.

**3-расм. Узумнинг майизбоп**

**Хусайне мускатный нави**

Ушбу майизбоп узум навларини тажрибаларимизда бир нечта усулларда

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00684

қуритиб кўрдик.

Юқорида майизбоп узум навларининг агробиологик кўрсаткичлари ўрганилиб расмлари билан келтириб ўтилди. 1-жадвалда Ўзбекистонда районлаштирилган майизбоп узум навларининг агробиологик тавсифи келтирилган.

**Ўзбекистонда районлаштирилган майизбоп узум навларининг агробиологик тавсифи**
(2017-2020 йй)

1-жадвал

| Навлар | Ғужумининг ўлчами, мм | Оидиумга чидамлилиги | Совуққа чидамлилиги (5 балли тизимда) | Намликка талабчанлиги | Шўрга чидамлилиги | Қанд миқдори, % | Кислоталилиги, г/л | Тезпишарлик гуруҳи | Вегетация даври давомийлиги, кун | Фаол ҳарорат йиғиндиси $^{o}C$ | Ҳосилининг пишиш санаси |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Катта-Курган** (Маска) | 30х30 | чидам-сиз | 3 | + | + | 24-26 | 4,3 | ўртача кечки | 150-160 | 3600 | 15-25/09 |
| **Султани** | 25х24 | ўртача | 3 | + | + | 25-27 | 4,1 | ўртача кечки | 148-154 | 3400 | 8-15/09 |
| **Кара джанжал** | 27х24 | чидам-сиз | 4 | + | + | 23-24 | 4,6 | ўртача кечки | 138-145 | 3500 | 5-10/09 |
| **Хусайне мускатный** | 32х20 | ўртача | 3 | + | + | 26-27 | 4,4 | ўртача кечки | 140-145 | 3400 | 4-11/09 |
| **Нимранг** | 21х15 | ўртача | 3 | + | + | 23-24 | 5,1 | ўртача кечки | 155-162 | 3300 | 8-14/09 |
| **Гўзал қора** | 27х22 | ўртача | 3 | - | + | 25-26 | 6,0 | ўртача кечки | 136-140 | 2800 | 25-31/08 |

Узумнинг майизбоп навларини ўрганишда қуйидаги хулосага келинди. Узумнин майизбоп йирик ғужумли навларининг бошининг хусусияти – пўстининг қалинлиги, ғужумидаги шарбат ва этининг тиғиз қисмлари, шингил, пўст миқдори, майиз сифати – майиз чиқиши, йириклиги, пишиш муддати, ҳосилдорлик, мева тугиш ва мева тугувчанлик коэффициенти, ғужумининг

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00684

вазни, рангги, ғужумининг физик-механик қанд миқдори, нордонлиги ва дегустация баҳолари ўрганилди. Ушбу навларнинг майизбоплиги иқтисодий ва сифатли қуритилган маҳсулот бериш хусусиятидан келиб чиқиб республикада узумчиликга иқтисослашган фермер хўжаликларига етиштириш ва сифатли майиз олишлари учун тавсия этиш мумкин.

## ХУЛОСА

Узумнинг майизбоп навларини ўрганишда қуйидаги хулосага келинди. Узумнин майизбоп йирик ғужумли навларининг бошининг йириклиги, пишиш муддати, ҳосилдорлик, мева тугиш ва мева тугувчанлик коэффициенти, ғужумининг вазни, рангги, ғужумининг физик-механик хусусияти – пўстининг қалинлиги, ғужумидаги шарбат ва этининг тиғиз қисмлари, шингил, пўст миқдори, майиз сифати – майиз чиқиши, қанд миқдори, нордонлиги ва дегустация баҳолари ўрганилди. Ушбу навларнинг майизбоплиги иқтисодий ва сифатли қуритилган маҳсулот бериш хусусиятидан келиб чиқиб республикамизда узумчиликга иқтисослашган фермер хўжаликларига етиштириш ва сифатли майиз олишлари учун тавсия этиш мумкин.

## REFERENCES

1. Буриев Х., Мирзаев М., Одинаев М. - Майизбоп (гермиён) узум навларини қуритиш усуллари. -ТошДАУ Таҳририят-нашриёти, 2018. -18 б.
2. Темуров Ш., Узумчилик. - “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. Тошкент: 2002. -Б. 180-187.
3. Мирзаев М., Одинаев М. - Технология выращивания и сушки изюмных сортов винограда.- Монография. LAMBERT Academic Publishing. Германия-2017. -196 б.
4. Буриев Х., Ризаев Р., - Мева-узум маҳсулотлари биокимёси ва технологияси. – Тошкент: “Мехнат”, 1996. -Б. 76-81.
5. Мирзаев М., Абдуллаев Р. -Тоғ ва тоғолди минтақалар боғдорчилиги ва узумчилиги. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. Тошкент, 2010. № 1. - Б. 21-22.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00685

# ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАРНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ

**Самин Рахимов**
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти профессори

**Аслиддин Рузиев**
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти магистранти

## АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада охирги йилларда маънавий-маърифий ишларни такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар ҳамда ёш авлод таълим-тарбиясига алоҳида эътибор берилаётганлигини фактлар билан асослаб берилган. Шунингдек, маънавият – халқнинг ўзлик тимсоли эканлиги ифодаланган.

**Калит сўзлар:** Янги Ўзбекистон, маънавият, мафкура, мафкуравий иммунитет, ёшлар, китобхонлик, мактаб, олий таълим муасасаси, таълим-тарбия.

# IMPROVEMENT OF SPIRITUAL AND EDUCATIONAL AFFAIRS IN RENEWING UZBEKISTAN

## ABSTRACT

This article is based on the fact that in recent years, reforms have been carried out to improve the spiritual and educational work, as well as special attention is paid to the education of the younger generation. It is also stated that spirituality is a symbol of the identity of the people.

**Keywords:** New Uzbekistan, spirituality, ideology, ideological immunity, youth, reading, school, higher education institution, education.

## КИРИШ

Мамлакатимизда ёш авлод тарбиясига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиши бу соҳанинг нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00685

ҳимоя қилиш, уларнинг баркамол бўлиб вояга етиши учун шароитларни яратиш борасида муҳим ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ПҚ-3160-сонли Қарори маънавий-маърифий соҳада янгича туб бурилиш ясади десак муболоға бўлмайди.

Шу билан бирга, жорий йилнинг 26 март куни “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Президент Қарорининг қабул қилиниши ҳам маънавий-маърифий ишларнинг самараси ва таъсирчанлигини ошириш, кўлами ва миқёсини янада кенгайтириш, мамлакат аҳолиси, аввало, ёшлар қалбида амалга оширилаётган ислоҳотларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, соҳадаги ишларни мувофиқлаштиришнинг ягона тизимини яратиш имкониятини бермоқда.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўзбекистон биринчи Президенти И.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида маънавият, ёшлар тарбияси, миллий ўзликни англаш, миллий маънавият масалаларига эътибор берилган бўлса, ҳозирги президентимиз Ш.Мирзиёевнинг асарларида ёшларни маънавий етук инсон этиб тарбиялаш учун беш муҳим ташаббус илгари сурилган.

Янгиланаётган Ўзбекистонда маънавиятдаги трансформациялари, Ҳаракатлар стратегиясига оид ислоҳотларда маънавий-маърифий муаммоларни мамлакатимиз олимларидан М.Абдуллаева, А.Бегматов, Г.Маҳмудова, С.Отамуродов, Б.Тўйчиев, И.Эргашев, Г.Туленова, М.Қаҳҳарова, И.Саифназаров, Ф.Юлдашева, Г.Ғаффарова ва бошқалар томонидан тадқиқ этилмоқда. Жумладан, М.Абдуллаева ёшларни маънавиятини ривожлантиришда мулоқотнинг аҳамияти, Г.Ғаффарова ахборотлашган жамиятда маънавиятдаги ўзгаришлар, янгиланаётган Ўзбекистонда инсон капиталини ривожлантиришда маънавиятнинг ўрни[9-12] каби масалалар ёритиб берилган.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ва бунёдкорлик ишлари натижасида халқимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши ўзгармоқда. Юртимизда ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00685

барпо этишда “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган ҳаётбахш ғоянинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Айниқса, ёшларда соғлом дунёқараш, жумладан, китобхонлик кўникмасини шакллантириш интернет-ахборот коммуникация технологияларидан оқилона фойдаланиш маданиятини ошириш уларда ғоявий ва ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетни кучайтириш дунёда юз бераётган мураккаб геосиёсий ва ғоявий-мафкуравий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини ҳар томонлама чуқур бериш, терроризм, диний экстремизм, ақидапарастлик сепаратизм, одам савдоси, оммавий маданият, наркобизнес ва бошқа таҳдидларга қарши ғоявий кураш олиб бориш жамиятнинг барқарор ривожланишига тўсқинлик қилаётган ички таҳдидлар, эл-юрт тақдирига лоқайдлик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, ахлоқий қадриятлар ва ёшлар тарбиясига эътиборсизлик каби ҳолатларга барҳам беришга қаратилган комплекс тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш, миллий ғояни вилоятларимизда яшаётган барча миллат ва элатлар, ижтимоий тоифа вакиллари ўртасида кенг тарғибот этиш муҳим вазифалар ҳисобланади.

Хусусан, ҳозирги глобаллашув жараёнларида ёшларни шахс онгини эгаллашга қаратилган хуружлардан ҳимоялаш ҳар бир шахснинг рухий оламида мустаҳкам маънавиятни шакллантириш, дистрибутив (бузғунчи) гуруҳлар таъсиридан асраш, ҳар бир фуқарода ёшларимиз миллий-маънавий қадриятларимизга таянган ҳолда мафкуравий иммунитет, ахборот истеъмоли маданиятини таркиб топтириш тобора муҳим ва долзарб аҳамият касб этади.

Президентимизнинг 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги Ф-4789-сонли фармойиши маънавий тарбия соҳасида давр талабларига мос ўзгаришларни рўёбга чиқаришда залворли қадам бўлди. Албатта, мамлакатимизда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида китоб муомаласи ва китобхонлик маданиятини ошириш чора-тадбирларига доимий эътибор қаратилиб, ноширлик фаолиятини изчил такомиллаштириш мақсадида тегишли ҳуқуқий базаҳозирги кунда 1677 та матбаа корхонаси, 118 та нашриёт давлат рўйхатига олинган бўлиб, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 14 та вилоят ахборот-кутубхона ҳамда туман-шаҳарлардаги таълим муассасаларида 200 га яқин ахборот ресурс марказлари иш олиб бораётгани китоб савдоси хизматини кўрсатишда замонавий ёндашувларни амалиётга татбиқ қилинаётган соҳа ривожидан далолат беради.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00685

Албатта, тарихий меросимизнинг бир қанча турлари мавжудки улар орасида музейлар, тарихий ёдгорликларнинг ҳам ўрни беқиёсдир. Ҳозир Ўзбекистонда биргина Маданият вазирлиги тизимида турли соҳалар бўйича 68 та музей мавжуд бўлиб, булар 21 та ўлкашунослик, 17 та бадиий, 14 та меъмориал, 5 та адабий мемориал, 1 та табиий-илмий музейлардир[7, 6]. Бу борада “Ўзбекмузей” жамғармаси ташкил этилган.

Ўзбек, инглиз ва рус тилларида чоп этиладиган илмий-амалий, маънавий-маърифий “Музейдан садо” халқаро журнали таъсис этилган. Демак, бундай масканларга ташриф буюриш ёшларда миллий ғурур ва ифтиҳор, бой маданий меросимизга меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис Президентимиз Шавкат Мирзиеёв ташаббуси билан баркамолни вояга етказиш мамлакатимиз стратегик тараққиётини таъминлаш учун бугунги кунда мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, профессионал таълим ва олий таълим соҳаларини ислоҳ қилишнинг асосий омилларидан бири шахс маънавияти тарбияси ва таълим устуворлиги белгиланди. Бу омил давлатимизнинг ички сиёсатини белгилаб берганлиги туфайли таълим ва тарбиянинг янгича стратегик модели яратилди. Шу боис, ҳозирги жадал ўзгаришлар ва янгиланишлар шароитида ёшлар дунёқараши, фикрлаш тарзида теран ўзгаришлар рўй бермоқда.

Таълим тарбия сифати ва маънавий ишлар самарадорлигини оширишда биринчи навбатда ёшларга маънавий, ғоявий, билим ва тарбия бериш ҳамда уларга жамият манфаатларига зид зарарли ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни таркиб топтириш орқали Ўзбекистонни буюк келажакка эришиш ҳар томонлама етук ёшларни вояга етказиш муҳим аҳамият касб этади.

Кичик ёшдаги болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси тўрт йил давомида икки баробар ортиб 60% га етди. Боғчалар сони эса уч баробарга кўрайиб, ўн тўрт мингдан ошди. Бу йил олий таълимга қабул параметрлари 2016 йилга нисбатан икки ярим баробарга ўсди ёшларимизни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 9 фоиздан 25 фоизга етди[4].

“Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб аталиши мактабгача таълим қамровини 65 %га, 2023 йил охирида эса 75%га етказиши керак. Бу ишларда бюджетдан 600 миллиард сўм субсидия берилиши ҳисобидан қўшимча равишда икки мингта нодавлат боғчалар ташкил этилиб, хусусий сектор улуши 25%га етказилади. Олий таълим сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Кейинги йилдан бошлаб олий таълимга ажратилган давлат грантлари сони камида 25%га оширилади. Олий ўқув

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00685

юртларига қабул қилишда еҳтиёжманд оилалар қизлари учун гранд сонини икки баробарга кўпайтириб, икки мингтага етказамиз. Аъло баҳоларга ўқиётган, ижтимоий ҳимояга муҳтож қизлар учун махсус стипендиялар жорий этилади.

Олийгоҳлар ва таълим тизимининг қуйи бўғинлари ўртасидаги узвийликни кучайтириш мақсадида 65 та академик лицей олий ўқув юртлари тасарруфига ўтказилади. Шунингдек, 187 та техникум ҳам ўз йўналиши бўйича турдош олийгоҳ ва тармоқ корхоналарига бириктирилади.

Шу муносабат билан келгуси йилда “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали етакчи хорижий олий ўқув юртларининг магистратура ва докторантурасида ўқишга юбориладиган ёшлар сони 5 баробарга оширилади. Бу дастур орқали илк бор бакалавр йўналишида чет элларга 100 нафар ўғил-қизларимизни юборамиз. Кейинги йиллардан уларнинг сони 2-3 баробарга кўпайтирилади.

Келгуси йилда илм-фан соҳасида олийгоҳлар ва илмий ташкилотлардаги докторантлар сони 4,5 мингтага етказилади ёки 2017 йилга нисбатан 3 баробарга оширилади[4].

Жаҳон тарихига назар солсак, ҳар бир халқ аввало маънавий бирлашуви, миллий ғояси билан юксалган. Бугун янги ҳаёт қуриш, ривожланган давлатлар қаторига чиқиш йўлидан бораётган мамлакатимизда ҳам миллий ғоя масаласи жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Республика Маънавия ва маърифат кенгаши раиси Президент эканлиги белгилаб қўйилди. Бу ўзгариш маънавий-маърифий ишларни давлатимиз сиёсатида янада юксак ўринга кўтарди.

“Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир” [5], - дейди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда - Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси – бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси – аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавият.

– Биз яратаётган янги Ўзбекистоннинг мафкураси эзгулик, одамийлик, гуманизм ғояси бўлади. Биз мафкура деганда, аввало, фикр тарбиясини, миллий ва умуминсоний қадриятлар тарбиясини тушунамиз. Улар халқимизнинг неча минг йиллик ҳаётий тушунча ва қадриятларига асосланган, – деди давлатимиз раҳбари.

Бундан буён Республика Маънавият ва маърифат маркази барча ҳудудий кенгашларнинг, вазирлик, идора ва ташкилотларнинг маънавий-маърифий фаолиятини мувофиқлаштириб бориши белгиланди.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00685

Марказ ва унинг тизимидаги ташкилотларнинг моддий-техник таъминоти кескин кучайтирилади. Унинг фаолияти илмий тадқиқот ва тарғибот-ташвиқот йўналишларида қайта ташкил қилинади.

## ХУЛОСА

Умуман олганда, охирги уч йилда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ва бунёдкорлик ишлари “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” тамойилига асосланади. Бу борада олиб борилаётган муҳим ишларга қарамасдан, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги янгиланишлар жараёнида маънавий-маърифий ислоҳотларнинг самарадорлигига тўсиқ бўлаётган бир қатор тизимли муаммолар сақланиб қолмоқда. Хусусан, маънавий-маърифий жараёнларни ташкил этишда яхлит тизим мавжуд эмас, халқимиз, айниқса, ёшларни маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш борасида етарли даражада ташкилий-амалий ва илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмаяпти, ушбу йўналишда давлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда хусусий секторнинг ижтимоий ҳамкорлиги самарали йўлга қўйилмаган. Шу сабабли мавжуд муаммоларни ҳал этиш, маънавий-маърифий ишларнинг самараси ва таъсирчанлигини ошириш, кўлами ва миқёсини янада кенгайтириш, мамлакат аҳолиси, аввало, ёшлар қалбида амалга оширилаётган ислоҳотларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, соҳадаги ишларни мувофиқлаштиришнинг ягона тизимини яратиш зарур.

## REFERENCES

1. Ш.Мирзиёев Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Т. “Ўзбекистон”. 2016.
2. Ш.Мирзиёев Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. –Т. “Ўзбекистон”. 2017.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сонли Фармони.
4. Ш.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. –Т. “Ўзбекистон”. 2020.
5. Ш.Мирзиёев Жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир // Халқ сўзи 2021 йил 20 январ.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00685

6. О.Салимов, Қ.Қуронбоев ва б. Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари. –Т. “Ёшлар нашриёт уйи”. 2019.
7. А.Маврулов Ёшларда соғлом дунёқараш, китобхонлик кўникмасини шакллантириш, уларда ғоявий ва ахборий хуружларга қарши мавкуравий иммунитетни кучайтириш йўллари. Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш (Республика амалий конференцияси материаллари) –Тошкент. ТМИ 2019 йил 19 май. 6-бет.
8. Н.Обломуродов Халқимиз меросини ва урф-одатларини, миллатлараро муҳитни мустаҳкамлаш масалалри. –Тошкент. 2019.
9. G.G. Gaffarova, (2020). Strategy of activity and systematical approach. nternational Journal of Psyshosial Rehabilition. London, United Kingdom, 24, Issue-5, May. - 6645-6651.
10. Gafforova, G. G., Khaitmetov, R. K., & Madalimov, T. A. (2020). A STRATEGY OF ACTION AS A COMPLEX SYSTEM. International Scientific Journal Theoretical & Applied Science, 90(10), 448-452.
11. Г. Ғаффарова, А. Абдуллаев. (2021). АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА МАЪНАВИЙ ҲАЁТНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. Academic research in educational sciences. Special Issue 2.
12. G. Makhmudova, G. G‘affarova, G. Jalalova (2020). O’zbekistonda islohatlar jarayonini tahlil etish va amalga oshirishning konseptual-falsafiy metodologiyasi. 176 b.
13. Икрамов Р.А., Хожиев Р.Б. (2020). Воспитание гармонично развитого поколения является приоритетом государственной молодежной политики. Вестник науки и образования. № 14 (92). Часть 1. С. 88-90.
14. Ҳожиев, Р. Б., & Норбоева, Д. О. (2021). Ёшлар ижтимоий ҳаётининг когнитив асослари. Academic Research in Educational Sciences, 2(2), 544-555.
15. Hojiyev R.B., Xolmo`minov G.B., Sharipov M.L. (2020) Raising a Harmoniously Developed Generation is a Priority of Democratic Reforms in Uzbekistan // European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, №8(5). 1-3.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00686

# O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA IQTISODIYOTNING TUTGAN O'RNI

**Shakhzod Xayatovich Maksudov**
Islom Karimov nomidagi Toshkent davlat texnika universiteti mustaqil izlanuvchisi
shaklaser@gmail.com

## ANNOTATSIYA

Mazkur ilmiy maqolada «Raqobatbardosh iqtisodiyot» deganda maqbul sur`atlar va mutanosiblik bilan o'sib boradigan milliy iqtisodiyot, unda xususiy mulkchilikka asoslangan tadbirkorlik faoliyatini amalga oshirish uchun yaratilgan kerakli sharoitlar, aholi turmush darajasini doimiy yaxshilanib borishiga xizmat qiladigan bozor iqtisodiyoti qonunlari asosida ishlab chiqilgan xo'jalik mexanizmi, ishlab chiqarish resurslari erkin harakatlanadigan va bozor mexanizmi yordamida tartibga solinadigan ochiq iqtisodiy tizim tushuniladi.

**Kalit so’zlar:** Raqobatbardosh iqtisodiyot, milliy iqtisodiyot,tadbirkorlik, bozor iqtisodiyoti, ishlab chiqarish resurslari, ochiq iqtisodiy tizim

# THE ROLE OF THE ECONOMY IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

## ABSTRACT

In this scientific article, the term "competitive economy" refers to a national economy that grows at a reasonable pace and proportionally, in which the necessary conditions for private entrepreneurship are created, based on the laws of a market economy that serves to constantly improve living standards. An economic system is an open economic system in which production resources move freely and are regulated by a market mechanism.

**Keywords:** Competitive economy, national economy, entrepreneurship, market economy, production resources, open economic system

## KIRISH

Mamalakatimizning iqitisodiyotni rivojlantirishda O’zbek modeli ijtimoiy-iqtisodiy salohiyatini, xalqimiz davlatchiligi tarixini, milliy diniy qadriyatlar va jahon

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00686

tajribasini hisobga olgan holda ishlab chiqilgani qayd etildi. Iqtisodiyotning siyosatdan ustunligi, davlatning bosh islohotchi ahamiyati, qonun ustuvorligi kuchli ijtimoiy siyosat,bozor iqtisodiyotiga bosqichma-bosqich o'tish mashhur beshta tamoyilga tayangan ushbu model bozor iqtisodiyotiga asoslangan huquqiy demokratik davlat qurish strategiyasi sifatida istiqlol yillarida barcha amaliy ishlarning ishonchli poydevori, taraqqiyotning harakatlantiruvchi kuchiga aylandi.

## ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Mamlakatimiz prezidenti Shavkat Mirziyoyev tomonidan ilgari surilgan O'zbekiston Respublikasini 2017-2021 yillarda beshta ustuvor "Harakatlar strategiyasi" O'zbekiston xalqi farovonligi va davlatimiz iqtisodiy qudratini mustahkamlash yo'lida yangi taraqqiyot bosqichida Respublikamizda amalga oshirilayotgan islohotlarni davom ettirmoqda. Mustaqillikka erishganimizdan to hozirgi kunga qadar yuqoridagi ikkita tamoyilga tayangan holda iqtisodiyotni rivojlantirib, xalq farovonligini ta'minlab kelinmoqda. Jaxondagi innovatsion iqtisodiyotning rivojlanishi bugungi kunlarda sur'atlar bilan namoyon bo'lmoqda. Innovatsion iqtisodiyotning dinamik rivojlanish tendentsiyasi iste'molchilar talabini to'liqroq qondirish va iqtisodiyotning zamonaviy tarmoqlarida mehnat unumdorligini yuqori darajada oshirish imkonini beradi[1].

Respublikamiz iqtisodiyotini samarali rivojlantirishda uning an'anaviy resurslarga asoslangan modelining muhim muqobil varianti sifatida texnika va texnologiyalar, ilm-fanning oxirigi natijalari hamda yaxlit holda jamiyat hayotini uzluksiz yuksalishini ta'minlash maqsadida inson kapitalidan samarali foydalanishga yo'naltirilgan innovatsion rivojlanish strategiyasiga o'tish alohida ahamiyat kasb etmoqda. Zamonaviy axborot texnolggiyalar innovatsion va integratsion ijtimoiy iqtisodiyotga – egiluvchan, dinamik, samarali, doimiy yangilanib turadigan, yangicha mazmun va ko'rinishga ega bo'lgan innovatsion rivojlanish strategiyasi mos keladi. Sanoat tarmoqlarini, xususan, zamonaviy tarmoqlarni innovatsion va integratsion rivojlantirishga ham tegishlidir. Iqtisodiyotimizning raqobatdoshligini ta'minlanilishi xozirgi kungdagi yurtimizning barqaror rivojlantirishning asosiy dolzarb masalaridan biri. Milliy ijtimoiy va iqtisodiy izchil ravishda isloh qilish maqsadida tarkibiy jihatdan o'zgartirish va diversifikatsiya qilishni chuqurlashtirish, innovatsion va integratsion va yuqori texnologiyalarga asoslangan yangi sanoat korxonalarida ishlab chiqarish tarmoqlarining jadal rivojlanishini ta'minlash, faoliyat ko'rsatayotgan quvvatlarni modernizatsiya qilish va innovatsion integratsion zamonaviy texnik yangilash jarayonlarini tezlashtirish

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00686

orqaligina ta’minlanishi mumkinligini janoxdagi ko’zga ko’ringan assosiy va yetakchi davlatlar tajribasi ko’rsatib turibdi. Jahon bozorida narxi va sifati bo’yicha raqobatdosh mahsulotlar ishlab chiqarish zarur[2]. Xozirda milliy sanoat mahsulotlari ishlab chiqarishni diversifikatsiyalash va uning zamonaviy tarmoqlarini modernizatsiyalash jarayoni uning sub’ektlari iqtisodiy faoliyatining moddiy-texnika bazasini rivojlanish darajasiga bog’liqdir, chunki korxonalar resurs salohiyatidan samarali foydalanish iqtisodiy o’sishni ta’minlash va barqarorlikka erishishning shart-sharoiti va asosiy omili hisoblanadi.

## MUHOKAMA VA NATIJALAR

Mamlakat prezidenti O’zbekiston fuqarolari uchun tabiiy haq-huquq va shuningdek oliy ne’mat bo’lgan mustaqillik to’g’risida so’z yuritar ekan, ya’ni uni jamiyat rivojining asosi, bugungi va uzoq istiqboldagi taraqqiyotimiz sharti, barcha islohotlarimizning mezoni va nihoyat, barcha amal qiladigan bosh tamoyil deb ta’riflanadi. Shunday ekan, u jamiyat a’zolari oldiga muttasil yangi-yangi tartibda jahon andozalariga mos keladigan davlat qurish, siyosiy, ijtimoiy va iqtisodiy tub islohotlarni amalga oshirish, ularni qonun bilan mustahkamlaydigan huquqiy tizimni vujudga keltirish vazifasi turar edi. Chunki sobiq sotsialistik tuzumga xos ijtimoiy munosabatlar va jarayonlar endilikda Respublikada barpo qilinajak yangi jamiyat manfaatlariga mos kelmas edi. Mulkchilik mulkka egalik qilish va uni boshqarish, ishlab chiqarish omillari, bozor mexanizmi ,davlatning ijtimoiy-iqtisodiy hayotini normal izga solish ana shunday jiddiy yangilanishlarni taqozo etar edi. Iqitodiyotni rivojlantirishda ko’plab sohalarga e’tibor qaratildi. Shu jumladan xususiy mulk, tadbirkorlik va kichik biznesni rivojlantirish uchun ham ko’plab islohotlar o’tkazildi. Xususiy mulk, kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni ishonchli himoya qilishni ta’minlash, ularni jadal rivojlantirish yo’lidagi to’siqlarni bartaraf etish chora tadbirlari dasturi amalga oshirilishi doirasida 2016-yil mobaynida qonunchilik va me’yoriy huquqiy baza tashkil etish hamda uni takomillashtirish ishlari davom ettirildi. Xususan qurilishning barcha bosqichlarida tadbirkorlik faoliyati sohasida ruxsat berish tartib tamoillari doirasida yagona qoida talablar belgilandi, bino va inshootlar tashqi ko’rinishini o’zgartirish ,obyektlarni qayta iqtisoslashtirish va rekonstruksiya qilishga, turar joylarni noturar joylar toifasiga o’tkazishga ruhsat berish talablari joriy etildi. Eksport-import operatsialarini amalga oshirishda, tadbirkorli operatsialarini amalga oshirishda tadbirkorlik subyektlari huquqlarini himoya qilish kafolatlari va choralari kuchaytirildi. Tadbirkorlik faoliyatini

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00686

qo’llab-quvvatlash va kichik korxonalar tashkil etish maqsadida 2016-yil mobaynida kichik biznes subyektlariga 15.9 trillion so’mlik kreditlar ajratildi va o’sish 2015-yilga nisbatan 1.3 barobarni tashkil etdi. Jumladan qiymati 3.3 trillion so’mlik mikrokreditlar ajratildi, xalqaro moliya institutlarining 915 206.7 million dollar miqdordagi kredit linyalari o’zlashtirildi. Qulay ishbilarmonlik muhitini shakillantirish, kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni har tomonlama qo’llab-quvvatlash hamda yanada rag’batlantirish borasida amalga oshirilayotgan chora tadbirlar 2016-yil mobaynida qariyb 32 ming yangi kichik biznes sub’yekti tashkil etish imkonini berdi. Ma’lumki O’zbekiston Respublikasi qaytadan tiklanuvchi manbalardan energiya ishlan chiqarish yuqori texnika salohiyatiga ega bo’lib uning 97 foizi quyosh energiyasining ulushiga to’g’ri keladi. O’zbekiston Respublikasining prezidentining 2019-yil 22-avgustdagi “Iqtisodiyot tarmoqlari va ijtimoiy sohaning energiya samaradorligini oshirish, energiya tejovchi texnalogiyalarni joriy etish va qayta tiklanuvchi energiya manbalarini rivojlantirishning tezkor chora tadbirlari to’g’risida”gi qarori bilan mavjud salohiyatlardan samarali foydalanish maqsadida 2030-yilgacha qayta tiklanuvchi energiya manbalarining ulushini elektr energiyasini ishlab chiqarish umumiy hajmining 25 foizdan ko’prog’iga yetkazish vazifasi belgilandi. Buning uchun 10 yil mobaynida jami 5000 MVt quvvatdagi elektr stansiyalarini qurish ko’zda tutilgan. Iqtisodiyotning barcha tarmoqlarida suvdan foydalanish samaradorligini sezilarli darajada oshirish, 1 million gektargacha maydonda tomchilab sug’orish texnalogiyasini joriy etish va ularda yetishtiriladigan ekinlar hosildorligini 20-40 foizga oshirish; Yerlarning tanazzulga uchrashi bo’yicha neytral balanisga erishish; Asosiy turdagi qishloq xo’jaligi oziq-ovqat mahsulotlari ishlab chiqarishning o’rtacha hosildorligini 20-25 foizgacha oshirishga erishishdir. Shuni ham takidlash lozimki, keyingi yillarda mamlakatimizda oilaviy tadbirkorlikni rivojlantirishga ham alohida etibor qaratilmoqda. Bu oilalarning barqaror daromad manbaini shakillantirish, turmush darajasini yanada yaxshilanib borishida hal qiluvchi ahamiyat kasb etadi[3]. O’zbekiston Respublikasining “Oilalaviy tadbirkorlik to’g’risida”gi qonuni bu yo’nalishdagi huquqiy asosi bo’lib xizmat qilayotir. “Xalq boy bo’lsa, davlat ham boy va qudratli bo’ladi”, degan tamoyilini ro’yobga chiqarishga qaratilgan islohotlar izchil olib borilmoqda. Misol uchun 2012 - yilda olilaviy tadbirkorlik va hunarmandchilikni rivojlantirish uchun, 2012 yilda oilaviy tadbirkorlik va hunarmandchilikni rivojlantirish maqsadlari uchun 91.3 milliard so’m kredit mablag’i ajratilgan bo’lsa, 2016-yilda ushbu raqam 367.2 milliard so’mni tashkil etdi . Bugungi kunda yurtimizda 8 mingdan ortiq oilaviy korxonalar mavjud. Tijorat banklari aholiga

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00686

bank xizmatlari ko'rsatish bilan birga, ularni tadbirkorlikka jalb qilish ,daromadini oshirish, ish bilan ta'minlashda ham samarali ishlar olib borilmoqda .Jumladan loyihalarda yaratilgan ish o'rinlariga qarab beriladigan kreditning yillik stavka foizi pasayib bordi. Bitta ish o'rni yaratgan tadbirkor uchun 9 foiz, ikkita ish joyi yaratganlik uchun 8 foiz beshta va undan ko'p ish o'rni yaratga tadbirkorning kredit stavkasi 6 foiz qilib belgilandi. Bu loyihalardan maqsad xalqimiz farovonligini oshirish va turmush sharoitini yanada yaxshilashdir. Qay tomonga qaramaylik, kichik biznes va xususiy tadbirkorliknig roli va o'rni tobora mustahkamlanib borayotganiga guvoh bo'lamiz. 2016 - yilda mamlakat 916 yalpi ichki mahsulotining 56.9 foizi ishlab chiqarilayotgan sanoat mahsulotlarining 4.5 foizi kichik biznes va xususiy tadbirkorlik hissasiga to'g'ri keladi. Shu bilan birga, iqtisodiyotda jami ish bilan band bo'lgan aholining 78.1 foizi shu sohada faoliyat yuritmoqda. 2016-yilda 31.8 mingta kichik biznes sub'yektlari tashkil etildi. Bu 2015- yilning shu davridagidan 18.1 foiz ko'p demakdir Jahon bankining 2017-yil 31-oktabrda e'lon qilingan "Biznesni yuritish 2018: ish o'rinlari yaratish uchun islohatlar" ma'ruzasiga ko'ra, O'zbekiston dunyoning 190 davlati ichida 74-o'rinni turadi egallab, o'tgan yildagi mavqeyini biur yo'la 13 pog'ona yaxshiladi. Qolaversa mamlakatimiz biznes yuritish uchun eng qulay sharoitlar yaratish bo'yicha islohotchi davlatlarning birinchi o'ntaligiga kirishga muvaffaq bo'ldi. Amalga oshirilayotgan islohotlar O'zbekistonning ishbilarmonligini yaxshilash va biznes yuritish sharoitlarini soddalashtirish bo'yicha yevropa va Markaziy Osiyo mintaqasi davlatlari orasida yetakchiga aylanishga imkon berdi. Tadbirkorlik subyektining davlat ro'yxatidan o'tkazish va hisobga qo'yish tizimining tubdan takomillashtirilgani tufayli O'zbekiston korxonani ro'yxztdan o'tkazish ko'rsatkichi bo'yicha 11-o'rinni band etdi. 2017-yilning 9 oyi davomida o'tgan yilning shu davrdagiga nisbatan 1.3 marta ko'p biznes sub'ektlari tashkil etganining o'ziyoq mamlakatimizda biznes ochishning naqadar oson ekanligidan dalolat beradi .Mamlakatimiz xalqi shundan xursandki, Birinchi prezidentimiz Islom Karimov yurtimiz ravnaqi yo'lida boshlagan samarali ishlari, yuksak azmu shijoat bilan davom ettirilmoqda. Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyevning ezgu sa'y harakatlari, Kechani kecha, kunduzni kunduz demasdan mehnat qilib barchaga ibrat bo'layotgani O'zbekistonni istiqbolda nihoyatda farovon kunlar kutayotganidan darak beradi. Iqtisodiyotni rivojlantirish va liberallashtirishning ustuvor yo'nalishlari.

Makro iqtispdiy mutanosiblikni saqlash, qabuk qilingan o'rta muddatli dasturlar asosida tarkibiy va institutsional o'zgarishlarini chuqurlashtirish hisobiga yalpi ichki mahsulotning barqaror yuqori o'sish sur'atlarini ta'minlash; Xarajatlarning ijtimoiy

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00686

yo'naltirilganini saqlab qolgan holda Davlat budjetining barcha darajalarida mutanosiblikni taminlash, mahalliy byudjetlarning daromad qismini mustahkamlashga qaratilgan byudjetlararo munosabatlarni takomillashtirish; Milliy iqtisodiyotning mutanosibligi va barqarorligini ta'minlash, uning tarkibida sanoat va xizmat ko'rsatish sohasi, kichik biznes va xususiy tadbirkorlik ulushini ko'paytirish; Ishlab chiqarish modernizatsiya qilish, texnik va texnologik jihatdan yangilash, ishlab chiqarish, transport-kommunikatsiya va ijtimoiy infratuzilma loihalarini amalga oshirishga qaratilgan faol investisiya siyosatini olib boorish; Ushbu yuqorida aytilganlar orqali iqrisodiyotni bosqichma bosqich yuqori pog'onaga olib chiqish choralari amalga oshirilmoqda.

## XULOSA

Hozirgi kunimiz ertamizni o'ylab, yurtimiz haqida o'ylab qabul qilinayotgan farmonlar, qarorlar va qonunlar hamda olib borilayotgan keng ko'lamli islohotlar zamirida ham O'zbekiston yangi marralarni ko'zlayotgani va mamlakatimiz o'z taraqqiyotida yangi bosqichga qadam qoyganidan darak beradi, bu islohotlar o'z navbatida mamlakat aholisining farovonligi va turmush darajasini yanada ko'tarishga qaratilgandir. Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev O'zbekiston Respublikasi qabul qilinganing 25 yilligiga bag'ishlangan tantanali marosimda ma'ruzasida ta'kidlanganidek,"... tadbirkorlik faoliyatining erkinligi, xususiy mulk daxilsizligini amalda taminlash bundan buyon ham davlat siyosatida ustuvor yo'nalish bo'lib qoldi…. Yana bir bor alohida ta'kidilab o'tmoqchiman :tadbirkor yo'liga to'siq bo'lishni davlat siyosatiga xiyonat, deb qabul qilish kerak". Zero, Prezidentimiz Oliy Majlisga taqdim qilgan murojaatnomada qayd etilgaidek, "..xalqimiz ertaga emas uzoq kelajakda emas, aynan bugun o'z hayotida ijobiy o'zgarishlarni ko'rishni istaydi. Bizning mehnatkash, oqko'ngil, bag'rikeng xalqimiz bunga to'la haqlidir" Vatanimiz rivoji uchun barchamiz masul hisoblanib, uni istiqboli, farovon hayoti uchun iqtisodiyotini rivojlantiramiz[4]. Xalqimiz o'ziga to'q bo'lsa, uni kelajagi yanada yaxshilanib borad. Mamlakatimizning farovonligini yuksaltirish, turmush sharoitini yaxshilash - asosiy vazifamizdir, deb ta'kidlaydi yurtboshimiz. Iqtisodiy farovonlikka erishgan davlatdagina siyosiy yuksaklikka intilish mumkin. Iqtisodiyotni mustahkamlamay turib, jahon sahnasida rivojlangan davlatlarga siyosiy raqobatchi bo'lolmaydi. Hozirdagi vaqtda davlat o'z oldiga xalqning ijtimoiy turmush darajasini va oylik ish-haqini o'z vaqtida berib borishi bilan siyosiy mustahkamlikka erisha oladi.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00686

## REFERENCES

1. O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning videoselektordagi nutqlari.
2. O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 4 oktyabrdagi № PQ – 4477 sonli “2019 – 2030 yillarda O’zbekiston Respublikasining “yashil iqtisodiyotga o’tish strategiyasini tasdiqlash to’g’risida”gi Qarori.
3. O’zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 28.07.2015 yildagi № 207 sonli Qarori.
4. Vaxrushina M. A. Strategicheskiy upravlencheskiy uchet/ M. A. Vaxrushina, M. I. Sidorova. – M.: KnoRus, 2017. -320 s.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00687

# ИНТРОДУКЦИЯ ҚИЛИНГАН ВА МАҲАЛЛИЙ ЮМШОҚ БУҒДОЙ НАВЛАРИДА ХЛОРОФИЛЛ ВА КАРАТИНОИД МИҚДОРИНИНГ ЎЗГАРИШИ

**Нурдинжон Шухратжон ўғли Обидов**
Ўзбекистон Миллий университети магистранти
nuriddinobidov1604@gmail.com

## АННОТАЦИЯ

Козоғистон ва маҳаллий юмшоқ буғдой навларида лаборатория шароитида хлорофилл ва каратиноид миқдори ўрганилди. Олинган натижаларда Қайроқтош (қадимий маҳаллий) ва Ақбидай (Қозоғистон) навларида хлорофилл ва каратиноидлар миқдори қолган навларга нисбатан юқорилиги кузатилди.

**Калит сўзлар:** хлорофилл, каратиноид, юмшоқ буғдой, фикобилинлар, экстракд.

# THE CHANGES OF CHLOROPHYLL AND CAROTENOID CONTENT IN INTRODUCED AND LOCAL BREAD WHEAT VARIETIES

## ABSTRACT

The amount of chlorophyll and carotenoids of Kazakhstan and local soft wheat varieties was studied in the laboratory conditions. The results showed that the content of chlorophyll and carotenoids were higher in Kairaktash (ancient local) and Akbiday (Kazakhstan) varieties compared to other varieties.

**Keywords**: chlorophyll, carotenoids, soft wheat, phycobilins, extract.

## КИРИШ

Буғдой ўсимлиги қишлоқ хўжалик экинлари орасида асосий ўринни эгаллайди. Бугунги кунда буғдой ўсимлигидан юқори ҳосил олиш бу- ўсиб бораётган кўп сонли аҳолини ун ва нон махсулотларига бўлган талабини қондириш демакдир. Ҳосилдорлик навнинг қийматини тавсифловчи кўрсаткичлардан биридир[1].Ўсимликларда биологик ва хўжалик учун аҳамиятли бўлган хосилнинг 95 % га яқини фотосинтез натижасида хосил бўлган органик моддалар ташкил қилади[2]. Ўсимликларда фотосинтез, ёруғлик энергиясини кимёвий энергияга айлантирувчи ноёб биологик

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00687

жараёндир[3]. Хусусан, назарий ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, фотосинтетик жараённинг турли даражаларда оптималлаштириш дон ҳосилдорлигини 10-60% га ошириши мумкин [4, 5]. Фотосинтез жараёни турли пигментлар, ферментлар, коферментлар, фикобилинлар, каротиноидлар ва хлорофиллар ва бошқалар иштирокида кечади.

Шулардан хлорофилл “а ва” б” жуда кўпчилик ўсимликларда синтез қилинади. Улар рангларига қараб бир биридан фарқ қилади. Хлорофилл “а” тўқ яшил рангда, хлорофилл “б” сариқроқ яшил рангда. Хлорофилл “а” нормал рифожланган баргларда тахминан 1,2-1,41 баравар хлорофилл “б” дан кўп учрайди. Бу нисбат ўсиликларни яшаш шароитлари ва бошқа омиллар таъсирида ўзгариб туради. Яшил ўсимликларда хлорофилл билан бирга учрайдиган каратиноидлар хам мавжуд. Каротиноидлар сариқ, тўқ сариқ, қизил рангдаги пигментлар гуруҳи каратиноидлар дейилади[6].

Мамадюсуфованинг тажрибаларида хлорофилл а/б нисбатининг стресс шароитларида ўзгариши, хлорофил “а” нинг пасайиши хлорофилл “б” нинг синтез бўлишини ошириб, ўсимликларни стресс шароитларга ассимиляция жараёнининг мослашувчанлик реакциясини билдириши келтириб ўтилган.[7].

Шу нуқтаи назардан турли экологик гуруҳга мансуб буғдой ўсимлик баргларидаги хлорофилл “а”, “б” ва умумий хлорофилл, каротиноид миқдори ўрганилди.

## МЕТОДОЛОГИЯ

Тажрибалар ЎзР ФА Генетика ва ЎЭБ институтининг “Донли экинлар генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги” лабораториясида термостатда ундириш йўли билан олиб борилди. Унда петри чашкасига хар бир навдан 10 донадан буғдой ўсимлиги уруғи солиниб 15 мг/г дан дистирланган сув қуйилди ва термосттатга 25 $^0$C хароратга қўйилди. Хар бир нав 3 қайтариқда олиб борилди. 10 кундан кейин ундириб олинган буғдой ўсимликлари баргидан фойдаланилди. Ҳар бир навдан 0,05 мг/г гача аниқликда ўлчайдиган “waga torsyjna-wt-250” тарозида 50 мг/гдан олинди. Олинган намуналар спирт (96 %) солинган пробиркаларга солиниб тажриба учун экстрак тайёрланди. Таёрланган экстрак спектрофотометрда[8] (Agilent Cary 60 UV-Vis. Германия) хлорофилл “а” учун 664, хлорофилл “б” 649 ва каратиноид учун 449 нм тўлқин узунликда бахоланди.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00687

Хлорофилл “а” ва “б” нинг концентрацияси (спирт 96%) Винтерманс ва Де Мотс формуласи ёрдамида[9], экстракдаги каратиноид концентрацияси Веттштейна формуласи ёрдамида хисобланган[10, 11].

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ўрганилган юмшоқ буғдой навларининг келиб чиқишига кўра Ақбидай, Ақдан, Алатау, Аликҳан, Алия навлари Қозоғистон, Бардош, Оқ марварид, Андижон, Қайроқтош, Илғор навлари Ўзбекистонда яратилган юмшоқ буғдой навлари ҳисобланади. Ривожланиш тури бўйича Бардош, Қайроқтош ва Илғор навлари факультатив типга мансуб юмшоқ буғдой навлар қаторига киради.

1- Жадвал.

**Навларнинг келиб чиқиши ва ривожланиш тури**

| Навлар | Келиб чиқиши | Ривожланиш тури |
|---|---|---|
| Ақбидай | Қозоғистон | Кузги |
| Ақдан | Қозоғистон | Кузги |
| Алатау | Қозоғистон | Кузги |
| Аликҳан | Қозоғистон | Кузги |
| Алия | Қозоғистон | Кузги |
| Бардош | Ўзбекистон | Фаултатив |
| Оқ марварид | Ўзбекистон | Кузги |
| Андижон | Ўзбекистон | Кузги |
| Қайроқтош | Ўзбекистон | Факултатив |
| Илғор | Ўзбекистон | Факултатив |

Хлорофилл “а” барча фотосинтетик жараённи ўзида мужассам этган организмлар учун умумий ягона пигментдир. Қолган барча пигментлар хлорофилл “а” га ёрдамчи пигмент ҳисобланади, чунки улар томонидан ютилган ёруғлик энергияси хлорофилл “а” га етказиб берилади.

Хлорофилл “а” нинг миқдори барча навларда 0,28 мг/г дан 0,72 мг/г гача ўзгариб турганлиги кузатилди. Энг юқори натижа Ақбидай навида 0,72 мг/г, Қайроқтош навида 0,66 мг/г, Андижон навида 0,59 мг/г, Ақдон навида 0,49 мг/г, Алатау ва Илғор навларида 0,47 мг/г, қолган Алия, Бардош ва Оқмарварид навларида 0,28- 0,38 мг/г оралиғида бўлганлиги, энг паст натижа Аликхан навида 0,27 мг/г ташкил этганлиги кузатилди.

Хлорофилл “б” ва нинг миқдори 0,18 мг/г дан 0,38 мг/г оралиғида бўлганлиги кузатилди. Энг юқори натижа Ақбидай навида 0,38 мг/г, шунга яқин натижа кўрсатган Қайроқтош навида 0,35 мг/г ташкил этди. Энг паст

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00687

натижа Аликҳан навида 0,18 мг/г ташкил этганлиги қайд этилди. Ақдан, Алатау, Алия, Бардош, Оқмарварид, Андижон, Қайроқтош, Илғор навларида 0,19 дан 0,35 мг/г гача бўлганлиги аниқланди.




**Расм-1. Хлорофилл ва каратиноид миқдори мг/г.**

Яшил ўсимликларда хлорофилл билан бирга учрайдиган каратиноидлар хам мавжуд. Каратиноидлар сариқ, тўқ сариқ, қизил рангдаги пигментлар гуруҳи каратиноидлар дейилади. Баргларда каратиноидлар канча кўп бўлса қўшимча ёруғлик энергиясидан фойдаланиш имконияти ошади. Каратиноидлар асосан икки функцияни бажаради: ёруғликни йиғиш ва кучли ёруғлик нуридан химоя қилиш[12], хулоса қилиб айитганда каратиноидлар ёруғлик сртесси остида хлоропластларда химоя функциясини бажаради[13].

Каратиноид ва умумий хлорофилл миқдори бахоланганда юқоридаги натижа кузатилди. Унга кўра Ақбидай ва Қайроқтош навларида каратиноид 0,85 ва 0,72 мг/г, умумий хлорофилл 1,10 ва 1,01 мг/г ташкил этди. Энг паст натижа Аликхан навида каратиноид ва умумий хлорофил 0,23 ва 0,45 мг/г ни қайид этди.

## ХУЛОСА

Навларда хлорофилл “а” нинг юқори бўлиши хлорофилл “б”, каратиноид ва умумий хлорофилл миқдорининг мутоносиб равишда юқори бўлишига олиб

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00687

келганлиги кузатилди. Ақбудай ва Қайроқтош навларида қолган навларга қараганда пигментларнинг юқори бўлганлиги аниқланди. Ушбу навларда пигментларнинг юқорилиги, хлоропластларда фотокимёвий реакцияларни тезлигини, фотосинтезнинг самарадорлиги ва қуруқ моддалар тўпланиш даражаси ошишига натижада ҳосилдорликнинг ошишига олиб келади.

## REFERENCES

1. Лукъянчук И.В. Селекционно-генетическая оценка исходных форм и гибридных сеянцев земляники по хозяйственно-биологическим признакам: автореф. дис…канд.с.-х.н. / И.В. Лукъянчук. – Мичуринск. – 2007. – 23с.
2. Х.А. Абдулаев, Б.Б. Гиясидинов, Б.А. Солиева, Х.М. Миракилов. Парадокс: фотосинтез хлопчатника за сто лет селекции новых сортов как консервативный признак существенно не изменился. // Всероссийская научная конференция с международным участием "Растения в условиях глобальных и локальных природно-климатических и антропогенных воздействий". – Петрозаводск. – 2015. – С. 19
3. Zhu, X.-G., Long, S. P., & Ort, D. R. (2010). Improving photosynthetic efficiency for greater yield. *Annu. Rev. Plant. Biol., 61*, 235-261.
4. Long, S. P., Marshall-Colon, A., & Zhu, X.-G. (2015). Meeting the global food demand of the future by engineering crop photosynthesis and yield potential. *Cell.*, 161(1), 56-66.
5. Parry, M. A. J., & Hawkesford, M. J. (2012). An integrated approach to crop genetic improvement. *J. Integr. Plant Biol.*, 54(4), 250-259.
6. Ж.Х. Хўжаев Ўсимликлар физиологияси. Тошкент. 2004. Б. 48-60.
7. Мамадюсуфова, М.Г. Особенности биохимических показателей у пшеницы и ее диких сородичей, произрастающих в разных зонах Таджикистана: автореф. дис. … канд. биол. наук: 03.01.04 /Мамадюсуфова Мену Гуломайдаровна. - Душанбе, 2014. – 22с.
8. Шлык А.А. О спектрофотометрическом определении хлорофиллов a и b // Биохи- мия. – 1968. – Т. 33, вып. 2. – С. 275–285.
9. Растение и стресс : курс лекций / Уральский государственный университет им. А. М. Горького. – Екатеринбург, 2012. – С. 267.
10. Smashevskiy N. D. *Praktikum po fiziologii rasteniy* [Workshop on plant physiology]. Astrakhan, Publ. House Astrakhan University, 2011, P. 77.
11. Smashevskiy N. D. *Fotosintez i ekologiya* [Photosynthesis and Ecology]. Astrakhan, Publ.House Astrakhan University, 2012, P. 164.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00687

12. Карнаухов, В.Н. Биологические функции каротиноидов / В.Н. Карнаухов. – М.: Наука. – 1988. – 240.
13. Зотикова А.П., Воробьева Н.А., Соболевская Ю.С. Динамика содержания и роль каротиноидов хвои кедра сибирского в высокогорье. // Вестник Башкирского ун-та, 2001. № 2 (II). – С. 67-69.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00688

# TA'LIM JARAYONIDA ZAMONAVIY TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH

**Hilola Abduraxmon qizi Shokirova**
Guliston Davlat Universiteti o'qituvchisi
hilolshakirova91@gmail.com

**Jo'rayeva Dilafruz Shuxrat qizi**
Guliston Davlat Universiteti o'qituvchisi

**Egamberdiyeva Muqaddas Gupronqul qizi**
Guliston Davlat Universiteti o'qituvchisi

**Sirojjidiniva Nilufar Qodirali qizi**
Guliston Davlat Universiteti o'qituvchisi

## ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada muallif tomonidan ta'limni zamon talabi darajasida isloh qilish, uning sifatini yuksak talab darajasiga ko'tarish muammolari atroflicha ko'rib chiqilgan bo'lib, yuqori malakali kadrlar tayyorlashda milliy va xorijiy tajriba keng yoritilgan. Shuningdek maqolada yuqori malakali kadrlar tayyorlashda ta'lim jarayonining sifatini belgilovchi asosiy xususiyatlar ko'rsatib berilgan hamda oliy o'quv yurtidagi sifat tizimi tushunchasini asosini ifodalovchi qoidalar keltirilgan.

**Kalit so'zlar**: Ta'lim, sotsial menejment, globallashuv, boshqaruv, kordinatsiya, mutaxassis, kadrlar, oliy ta'lim, jarayon, madaniyat, koserpsiya, mehnat taqsimoti.

# USE OF MODERN TECHNOLOGIES IN THE EDUCATIONAL PROCESS

## ABSTRACT

In this article, the author discusses in detail the problems of reforming education at the level of modern requirements, raising its quality to a high level of demand, the national and foreign experience in training highly qualified personnel. The rules that represent the basis of the concept of quality system in higher education

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00688

are given. Five universal elements of the management system based on the principles of quality management are substantiated and analyzed to determine whether these elements are specific to any organization.

**Keywords:** Education, social management, globalization, management, coordination, specialist, human resources, higher education, process, culture, concept, division of labor.

## KIRISH

Shiddat bilan o’zgarib borayotgan dunyoda yashay oladigan yoshlarni tayyorlash uchun asosiy vazifasini muayyan miqdordagi bilimlarni berishdan iborat deb hisoblaydigan an’anaviy ta’lim yo’sini mutlaqo yetarli emas. Chunki ilm-fan va texnika shu darajada rivojlandiki, endi odam biror fandagi eng asosiy tushunchalarni ham xotirasida saqlab qola olmaydi. Buning ustiga, tinimsiz o’zgarishlardan iborat bo’lib qolgan hayotga mustaqil qadam qo’yayotgan yoshlar ana shunday o’zgarishlarga ham intellektual, ham ma’naviy jihatdan tayyor bo’lmasa, raqobatlar kurashidan iborat dunyoda o’z o’rnini topolmasligi mumkin. Hozirgi kunda ta’lim tizimida boy tajribalar yig’ilgan. Chunonchi, ishbilarmonlik o’yinlari, kompyuterli o’qitish, individuallashtirilgan o’qitish, insonparvarlik, hamkorlik, shaxsni erkin tarbiyalash va h.zo.

## ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Bugungi kunda xorij tajribalaridan andoza olish, ijodiy yondashgan holda amaliyotda joriy etish, zamon talabiga mos ravishda me’yoriy hujjatlar, o’quv-metodik adabiyotlar, o’quv metodik majmualarni ishlab chiqish, ilg’or xorijiy tajriba asosida maktabgacha ta’lim tashkilotlarining rahbar va mutaxassislarida zamonaviy menejment va pedagogik texnologiyalar bo’yicha sohaga oid bilim va ko’nikmalarni shakllantirish vazifalari dolzarb masalalar sirasiga kiritilmoqda. Shu bois mamlakatimizda maktabgacha ta’lim tizimini tubdan takomillashtirish yuzasidan farmon va qarorlar qabul qilindi. O’zbekiston Respublikasi Prezidentining “2017-2021 yillarda maktabgacha ta’lim tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to’g’risida”gi 2016-yil 29-dekabrdagi PQ2707-sonli, “Maktabgacha ta’lim tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to’g’risida”gi 2017-yil 9- sentyabrdagi PQ-3261-son qarorlari, “Maktabgacha ta’lim tizimi boshqaruvini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to’g’risida”gi 2017- yil 30- sentyabrdagi PF-5198 sonli Farmoyishi shular jumlasidandir.

“Maktabgacha ta’lim konsepsiyasi”ning paydo bo’lishi maktabgacha ta’lim

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00688

mazmunini yangilash, umumiy amaliyotda yangi pedagogik texnologiyalarni sinovdan o'tkazish va pedagoglar tomonidan o'qitishning yangi usullari va shakllarini o'rganish bilan bog'liq nazariy va amaliy masalalarni qizg'in muhokama qilishning boshlanishi bo'ldi. Mahalliy maktabgacha ta'limda innovatsion jarayonlarni rivojlantirish normativ va dasturiy-metodik hujjatlarda aks ettirilgan. Ushbu ishda ta'limning barcha darajalari, metodologiya xizmati, ilm-fan va amaliyotning barcha darajadagi mutaxassislar ishtirok etib, birlashtirilgan ta'lim maskani yaratildi. Maktabgacha ta'lim sohasi uzluksiz ta'lim tizimining birlamchi bo'g'ini hisoblanib, u har tomonlama sog'lom va barkamol bola shaxsini tarbiyalash va maktabga tayyorlashda g'oyat muhim ahamiyat kasb etadi. Mustaqillik yillarida Respublikada ta'lim-tarbiya tizimi va barkamol avlodni tarbiyalash davlat siyosatining asosiy ustuvor yo'nalishlari darajasiga ko'tarildi. Biroq o'tkazilgan tahlillar maktabgacha ta'lim sohasida olib borilayotgan ishlarning samarasi va natijasi yetarli darajada emasligini ko'rsatmoqda.

Jumladan, MTTda zamonaviy pedagogik texnologiyalar, didaktik topshiriqlar va ishlanmalar, bolalarni maktabga tayyorlash bo'yicha zamonaviy shakl va usullarni ishlab chiqilmaganligi, rivojlangan mamlakatlarning tajribasi yetarli darajada tahlil qilinmaganligi hamda ular singari ijtimoiy, shaxsiy, hissiy, nutqiy, matematik, jismoniy va ijodiy rivojlantirish, atrof muhit bilan tanishuvga yo'naltirilgan maxsus davlat ta'lim dasturlari tatbiq qilinmaganligi, faoliyat yuritayotgan pedagog kadrlarning aksariyati ijodkor emasligi, ta'lim-tarbiya sifati monitoringi yuritilmaganligi kabi faktorlarni keltirish mumkin.

Bundan tashqari, maktabgacha ta'lim sifati monitoringini yuritish tuzilmaviy va tashkiliy jihatdan nazarda tutilmaganligi sababli, maktabgacha ta'lim tashkilotlaridagi ta'lim jarayonining sifati va samaradorligini baholash zamon talablariga javob bermaydi.

Ta'lim tizimining hozirgi kundagi rivojlanish bosqichida uning birinchi bo'g'ini hisoblangan maktabgacha ta'limda jadal o'zgarishlar yuz bermoqda va ular quyidagilarda namoyon bo'lmoqda: maktabgacha ta'lim tashkilotlari faoliyatining huquqiy-me'yoriy asosi takomillashmoqda; maktabgacha ta'lim tashkilotlari moliyaviy-xo'jalik faoliyatining yangi turlariga o'tmoqda; nodavlat maktabgacha ta'lim tashkilotlari tarmog'i kengaymoqda; ta'limning ilg'or texnologiyalari joriy etilmoqda; xodimlarning malaka oshirish tizimi takomillashmoqda; qisqa muddatli guruhlar asosida maktabgacha ta'lim tashkilotlarining muqobil shakllari joriy etilmoqda. O'zbekistonda maktabgacha ta'lim tashkilotlari zamonaviy tizimi quyidagi jadvalda o'z aksini topgan.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00688




Ta'lim jarayoni bola shaxsiga yo'naltirilganligidan kelib chiqib, maktabgacha yoshdagi bolalarning ta'lim-tarbiyasi shaxsning rivojlanishida ijodiy va insonparvarlik tamoyillariga asoslangan holda ta'lim-tarbiyaning usul va uslublari tizimidan tashkil topgan hamkorlik pedagogikasi tamoyillariga tayanib amalga oshirilishi lozim.

Maktabgacha ta'lim sifati - natija haqida bola shaxsini rivojlantirish nuqtai nazaridan bolalar quyidagi shaxsiy natijalarni qanday egallaganiga qarab so'z yuritish mumkin: tizimli tabaqalanadigan malakalilik:

- til malakasi, bolaning o'z fikrlari, istaklari va niyatlarini nutq vositasida va nutqsiz vositalarda erkin ifodalashni nazarda tutadi;
- ijtimoiy malaka, har bir insonga oliy qadriyat sifatida yondashishni, uning o'ziga xosliklari va manfaatlarini tushunish mahoratini, uning hissiy holatidagi o'zgarishlarni payqashni, vaziyatga qarab muloqot usullarini tanlashni o'z ichiga oladi;
- intellektual malaka, o'z maqsadiga erishish uchun bolaga yangi xatti-harakatlarini ijro etishga va ularni bajarishga yordam beruvchi umumiy intellektual faoliyatni shakllanganligini nazarda tutadi;
- jismoniy malaka, bolaning o'z yosh darajasiga mos keluvchi turli harakat turlarini egallaganligini ko'rsatadi;

ixtiyorivlik. bola tomonidan qoidalar va me'yorlarga muvofiq o'z xatti-harakatini boshqarish ko'nikmasida namoyon bo'ladi;

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00688

mustaqillik. kundalik hayotda va ishda paydo bo'ladigan turli vazifalarni bola tomonidan kattalarning yordamisiz mustaqil kun tartibiga qo'yish va hal qilishni ta'minlaydi;

mas'uliyat. "mumkin" va "mumkin emas", "yaxshi" va "yomon", "xohlayman" va "kerak" o'rtasida tanlov vaziyatida paydo bo'ladi;

**Tahlil va natijalar. Conclusions and suggestions**

aktabgacha ta’lim tashkiloti mashg’ulotlarini zamonaviy tashkil etishning mazmun va mohiyatini amalda qo’llashga oid qator mashg’ulotlar o’tkazildi.

**1. Topshiriq: “Bu rasmlar nimasi bilan farqlanishini aytgin”**. Sizning kichkintoyingiz “semiz” va “ozg’in” so’zlar mohiyatini tushungan bo’lishi kerak.

**2. Topshiriq: “Bu rasmlar nimasi bilan farqlanishini ayting”.** Sizning kichkintoyingiz “baland, novcha” va “past, pakana” so’zlar mohiyatini tushungan bo’lishi kerak.

***Avval nima, keyin nima?Rivojlantiruvchi loto o‘yini 5-7 yosh***

***O‘yin doskasi*** ***Kartochkalar***

Maktabgacha ta’lim tashkilotining Tayyorlov guruhida 32 ta tarbiyalanuvchi, keyingi guruhida 35 ta tarbiyalanuvchi, oxirgi tayyorlov guruhida esa 35 ta

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00688

tarbiyalanuvchi mavjud bo'lib, sinov shu uchta o'zbek guruhlarida olib borildi. Tajribalarimiz avvalida tayyorlov guruhlarida tarbiyalanuchilarining o'zlashtirish darajasini quyidagi ko'rinishini aniqladik.

1- jadval

| Tanlanmalar | Qoniqarsiz | Qoniqarli | Yaxshi | A'lo | Tarbiyalanuvchilar soni |
|---|---|---|---|---|---|
| Tajriba guruhi | 19 | 16 | 28 | 4 | 67 |
| Nazorat guruhi | 32 | 14 | 18 | 5 | 69 |
| Jami | 51 | 30 | 46 | 9 | 136 |

Ta'limiy tajribalar asosida olingan natijalar tadqiqot uchun ko'zlagan maqsad va ilmiy g'oyaning asosli ekanini ko'rsatdi.

Tajriba yakunida olingan ko'rsatkichlar shuni ko'rsatdiki, maktabgacha ta'lim tashkiioti mashg'ulotlarini zamonaviy tashkil etishning nafaqat ularning bilim darajalarini oshishiga xizmat qilib, balki ularda o'yin faoliyati, psixofiziologik xususiyatlari, jumladan tafakkuri, xotirasining shakllanishi va rivojlanishiga ijobiy ta'sir ko'rsatishi aniqlandi. Buni quyidagi jadval asosida ko'rishimiz mumkin:

2- jadval

| Tanlanmalar | Qoniqarsiz | Qoniqarli | Yaxshi | A'lo | T arbiyalanuv chilar soni |
|---|---|---|---|---|---|
| Tajriba guruhi | | 2 | 11 | 54 | 67 |
| Nazorat guruhi | 31 | 12 | 20 | 6 | 69 |
| Jami | 31 | 14 | 31 | 60 | 136 |

Yuqoridagilardan xulosa chiqargan holda tajriba ishlarimizni quyidagilarga qaratdik.

1. Kuzatishlarimiz shuni ko'rsatadiki, yuqoridagi mavzular bo'yicha topshiriqlar og'zaki test asosida o'tkazildi.

2. Tajriba avvalida 5,97 foiz o'zlashtirishga, tajriba yakunida esa 80,59 foiz o'zlashtirishga erishdilar.

MTTda o'tkazilgan tajriba-sinov ishlarining natijalari juda ham quvonarli. Bundan ma'lum bo'ladiki, tajribadan keyingi holat tajribadan oldingi holatdan yuqori ekan.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00688

Demak, ushbu maktabgacha ta’lim tashkiloti mashg’ulotlarini zamonaviy tashkil etishda yaxshi natijalarga erishgan deyish mumkin.

Ta’lim samaradorligini oshirish, eng avvalo, tarbiyachining pedagogik mahorati hamda uning ta’lim jarayoniga nisbatan yondashuvi muhim ahamiyatga ega. Bugungi kunda tarbiyachilarning pedagogik mahorati darajasi har bir mashg’ulot hamda o’rganilayotgan mavzuning tarbiyalanuvchilarga yetkazib berish jarayoniga nisbatan ijodiy, texnologik yondashuvni taqozo etmoqda. Texnologik yondashuv negizida namoyon bo’luvchi holatlarning asosiysi – bu dars jarayonining muayyan loyiha asosida tashkil etilishi sanaladi.

Maktabgacha ta'lim sifatiga ta'sir qiluvchi tashqi muhit omillariga ijtimoiy buyurtmali maqsadlardan tashqari maktabgacha ta'limga davlat me'yorlari (talablari), shuningdek, maktabgacha ta'lim tashkilotida bolalarga ta'lim berish uchun zarur bo'lgan tashqi resurslar (kadrlar, axborot, moddiy va hokozo) kiradi.

Xulosa o’rnida shuni qayd etish lozimki, texnologik yondashuv asosida ta’limni tashkil etish ijobiy natijalarni beradi.

## XULOSA VA TAVSIYALAR

1. “Zamonaviy ta’lim usullari” deganda maktabgacha ta’lim tashkiLoti mashg’ulotlarini o’rganish bo’yicha tarbiyalanuvchilarning oldiga qo’yilgan pedagogik muammoni mustaqil yechishga xizmat qiadigan interfaol metodlar ko’zda tutiladi.
2. Adabiy ta’lim samaradorligiga erishishning eng maqbul yo’li – bu maktabgacha ta’lim tashkilotlarida fan mashg’ulotlarini o’qitish jarayonida zamonaviy pedagogik texnologiyalarni qo’llash sanaladi.
3. Maktabgacha ta’lim tashkiloti mashg’ulotlari zamonaviy tashkil etilsa, tarbiyalanuvchilarda samarali muloqot va o’z fikrini to’g’ri, ravon, ifodali bayon etish hamda asosli himoya qilish ko’nikmalari rivojlanadi.
4. Ta’lim samaradorligi tarbiyachilar tomonidan zamonaviy pedagogik texnologiya nazariyasi asoslari borasidagi nazariy va amaliy bilimlarning puxta o’zlashtirilishiga bog’liq.
5. Zamonaviy usullar tarbilanuvchilarni faollashtiradi, ular o’zaro bahs-munozara asnosida kichik hikoyalarning mohiyatini teranroq anglaydilar.
8. Tarbiyalanuvchilar bilan hamkorlikda mashg’ulotlar uyushtirilsa, kichik guruhlar tashkil etilsa, topshiriqlar alohida tarbiyalanuvchiga emas, balki kichik guruhlarga berilsa, bolalarning birgalikda faoliyat ko’rsatish zarurati va ko’nikmasi yuzaga keladi.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00688

1. Maktabgacha ta’lim tashkiioti mashg’ulotlarini zamonaviy tashkil etish metodikasiga amaliy-uslubiy jihatdan e’tibor qaratish va pedagog-tarbiyachilarning kompetentsiyaviy yondashuv asosida faoliyat olib borish imkoniyatlari qamrovini kengaytirishga xizmat qilishi lozim.
2. Maktabgacha ta’lim tashkiloti mashg’ulotlarini interfaol usullarda o’qitishni tashkil etishdan oldin joylarda tarbiyachilarning innovatsion faoliyatini maqsadli va samarali tashkil etishga mo’ljallangan maxsus o’quv seminarlari o’tkazish lozim.
3. Pedagog-tarbiyachilarni maktabgacha yoshdagi bolalarni zamonaviy texnologiyalar bilan qurollantirish maqsadida “Maktabgacha ta’lim tashkiloti mashg’ulotlarini zamonaviy tashkil etish texnologiyalari” nomli metodik qo’llanma yaratish.

## REFERENCES

1. Mirziyoyev Sh.M. “Milliy taraqqiyot yo’limizni qat’iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko’taramiz.” - T.: O’zbekiston, 2017.
2. Abdullayeva N.Maktabgacha ta’limga variativ yondashuv asosida takomillashtirish. Ped. fan. nom… diss. –T.: 2020. – 164 b.
3. Кларин М. В. Инновационные модели обучения в зарубежных педагогических поисках. –М.: «Арена», 1994.
4. Qodirova F.R., Qodirova R.M. “Maktabgacha yoshdagi bolalarga ikkinchi tilni o’rgatish metodikasi”, O’quv-metodik qo’llanma, -T.: 2004.
5. Монахов В.М. Введение в теорию педагогических технологий. Монография, г. Волгоград «Перемена» 2006.
6. Ochilov M. Yangi pedagogik texnologiyalar. Qarshi. 2000-y.
7. O’zbekiston respublikasining ilk va maktabgacha yoshdagi bolalar rivojlanishiga qo’yiladigan davlat talablarini tasdiqlash haqida O’zbekiston Respublikasi maktabgacha ta’lim vazirining buyrug’i. 2018- yil 18 –iyun.
8. “Ilk qadam” Maktabgacha ta’lim muassasasining Davlat o’quv dasturi. //Mualliflar: I.V. Grosheva, L.G.Evstafeva, D.T.Maxmudova, SH.B.Nabixanova, S.V.Pak, G.E.Djanpeisova.- Toshkent, 2018.-59 b.
9. Qodirova F. Pedagog kadrlarga yangi pedagogik texnologiyalar haqida. //Til va adabiyot ta’limi. 2001. 4-son. 9-10-b.
10. Husanboyeva Q. Adabiy ta’lim jarayonida tarbiyalanuvchilarni mustaqil fikrlashga o’rgatishning ilmiy-metodik asoslari. Ped.fan.dok. ...diss. -T.: 2004. -262 b.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00689

# ZAMONAVIY INNOVATSION TEXNOLOGIYA ORQALI TA'LIMNI BOSHQARISHNING AHAMIYATI

**A. E. Parmanov**
Toshkent to`qimachilik va yengil sanoati instituti dotsenti

**Z. A. Shodmonkulov**
Toshkent to`qimachilik va yengil sanoati instituti katta o'qituvchi, PhD

## ANNOTATSIYA

Maqolada mamlakatimizda zamonaviy innovatsion texnologiyalar orqali ta`limni boshqarishning ahamiyati va qo`llash sohalari tahlil qilinadi. Oliy ta`limda zamonaviy talim texnologiyalaridan ya`ni interfaol metodlaridan foydalanish keng yoritib o`tilgan. Interfaol metodlar o`quvchi-talablarning bilimlarini yanada mustahkam egallanishiga, nutq madaniyatini oshishiga, savollarni to`g`ri tuzishiga, o`z fikrini bayon etishga o`rgatishi aytib o`tilgan

**Kalit so`zlar:** Texnologiya, innovatsiya, ko`nikma, texnika, ijodiy, irodaviy, jarayon, axborot, fikr, boomerang, labirint, Skorabey, guruh, bellashuv.

# THE IMPORTANCE OF EDUCATION MANAGEMENT THROUGH MODERN INNOVATIVE TECHNOLOGY

## ABSTRACT

The article analyzes the importance and application of education management in our country through modern innovative technologies. The use of modern educational technologies, ie interactive methods, is widely covered in higher education. It was noted that interactive methods teach students to acquire knowledge more strongly, to increase the culture of speech, to formulate questions correctly, to express their opinions.

**Keywords:** Technology, innovation, skill, technique, creativity, will, process, information, thought, boomerang, maze, Scorpio, group, competition

## KIRISH

XXI asrda yuksak taraqqiy etgan texnologiyalar vujudga kelayotganligi hamda ularning murakkablashuvi natijasida hayotiy faoliyat xavfsizligini ta`minlash dolzarb ahamiyat kasb etadi. Prezidentimiz Sh.M.Mirziyiyevning Oliy Majlisga yo`llagan Murojaatnomalarida ilgari surilgan dolzarb vazifalarga e`tiborni qaratish maqsadga

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00689

muvofiq hisoblanadi. Xususan, Oliy Majlisga 2018 yil 28 dekabrdagi Murojaatnomasida Oliy ta`lim jarayonida innovatsion ta`lim texnologiyalarini yuqori bosqichga ko`tarish zarurligi muxim yo`nalishlardan biri sifatida belgilandi.

## ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Oliy ta`lim jarayonini innovatsion texnologiyalardan keng foydalanish, uni yuqori darajada mustahkamlash, tegishli chora tadbirlarni amalga oshirish bilan bir qatorda jamiyatimizning har bir a`zosidan innovatsion yondashuvni, ilmiy ishlanmalar, zamonaviy texnologiyalar yaratishni taqazo etadi. Muhtaram yurtboshimiz ta`biri bilan aytganda, “Xalqimiz dunyoqarashida innovatsion muxitni yaratish eng muhim vazifamizdir. Innovatsiya bo`lmas ekan, hech bir sohada raqobat, rivojlanish bo`lmaydi. Bu sohadagi o`zgarishlarni xalqimizga keng targ`ib qilmasak, odamlarda ko`nikma paydo qilmasak, bugungi davr shiddati, fan texnikaning mislsiz yutuqlari bilan hamqadam bo`lolmaymiz.”

Oliy ta`limni boshqarishda zamonaviy innovatsion texnologiya bugungi kunda eng ko`p qo`llanadigan texnologiyalardan biri hisoblanadi. Bu esa O`zbekiston Respublikasining “Ta`lim to`g`risida”gi qonun va “Kadrlar tayyorlash milliy dasturi”ga asosan Oliy ta`limning rivojlanishi ularning maqsad hamda vazifalarini tobra bir-biriga yaqilashtirib ularni birlashtirmoqda.

Oliy ta`limni boshqarishda zamonaviy innovatsion texnologiyalar barkamol avlodni va tarbiyalash sohasida yagona davlat siyosatini amalga oshirishlari, etilgan masalalarni o`z vaqtida va ijodiy hal etishlari barcha o`quv yurtlarining ish samaradorligini hozirgi zamon talablariga muvofiq oshirilishini ta`minlashlari kerak.

Bu barcha davlat va jamoat tashkilotlarining vazifasi bo`lishi bilan birga, tabiiyki, eng avvalo, uzluksiz ta`lim tizimi muassasalari faoliyati mazmunini tubdan, qaytadan ko`rib chiqishni taqazo etadigan murakkab jarayondir. Bularning barchasi Oliy ta`limni boshqwarish va rivojlantirishda alohida ahamiyatga ega. Buning uchun ta`limni boshqarish va rivojlantirish belgilangan tartibda yuridik va jismoniy shaxslarning, shu jumladan chet ellik yuridik shaxslar va jismoniy shaxslarning ixtiyoriy badallari hisobidan tashkil etilishi mumkin.

## MUHOKAMA VA NATIJALAR

Oliy va O`rta maxsus ta`lim vazirligi barcha universitetlarni, kasb-hunar texnikumlarni, bilim yurtlarini boshqaradi va rahbarlik qiladi. Oliy o`quv yurtlari va kasb-hunar ta`limi uchun o`quv rejalari va dasturlar ishlab chiqadi va tasdiqlaydi.

Oliy ta`limga oid ishlarni boshqarish quyidan yuqorigacha oldindan rejalashtirib, ta`limning barcha sohalaridagi ish jarayoni bilan uyg`unlashib, barcha

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00689

o`quv tarbiya muassasalarining ish mazmuni belgilanadi. Boshqarish jarayonida turli innovatsion usullardan keng foydalaniladi. O`quv tarbiya jarayonida innovatsion texnologiyaning to`g`ri joriy etilishi, o`qituvchining bu jarayonda asosiy tashkilotchi yoki maslahatchi sifatida faoliyat yuritishiga olib keladi. Bu esa talabalardan ko`proq mustaqillikni, ijodiy va irodaviy sifatlarini shakllanishini o`tkazilgan mashg`ulotlar esa yoshlarning hayotiy yutuq va muammolariga o`z munosabatlarini bildirishga imkon yaratib, ularning mustaqil fikrlashlarini talab etadi.

Hozirgi davrda sodir bo`layotgan innovatsion jarayonlarda ta`lim tizimi oldidagi muammolarni hal etish uchun yangi axborotlarni o`zlashtirgan, bu axborotlatni o`zlari tomonidan bahlashga qodir, zarur qarorlar qabul qiluvchi, mustaqil va erkin fikrlaydigan shaxslar kerak. Bu borada Oliy ta`limini innovatsion texnologiyalarning boshqarish jarasyonidagi o`rni va ahamiyati beqiyosdir. Innovatsiya (inglizcha-innovation) yangilik kiritish, yangilik demakdir.

Innovatsion texnologiyalar pedagogic jarayon hamda o`qituvchi va talaba o`rtasidagi ijodiy faoliyatiga yangilik, o`zgartirishlar kiritish bo`lib, uni amalga oshirishda asosan interfaol usullardan foydalaniladi, chunki ta`limda boshqaruv rolini o`qituvchi bajaradi.

Interfaol usullarga “Semenar musobaqa” texnologiyasi “Tanishuv” texnologiyasi, “Zinama-zina” texnologiyasi, “Aqliy hujum” texnologiyasi, “Charxpalak” texnologiyasi, “Klaster” texnologiyasi, “Bumerang” texnologiyasi, “3x4” texnologiyasi, “Rezyume” texnologiyasi, “Muammo” texnologiyasi, “Labirint” texnologiyasi, “Blits so`rov” texnologiyasi, “FSMU” texnologiyasi, “Skorabey” texnologiyasi, “Yelpig`ich” texnologiyasi, “Muloqot” texnologiyasi, “Baxslashuv” texnologiyasi, “Stenariy” texnologiyasi va boshqalar kiradi.

Masalan, “Semenar musobaqa” texnologiyasi darslarini tashkil etish ko`p yildan beri ta`limda keng qo`llanib kelinadi. Bu usul talabalarning qiziqishini va aktivligini oshiradi. Bu usulga tayyorgarlik ko`rish uchun talabalar oldindan ogohlantiriladi va mavzu e`lon qilinadi. Talabalar guruhi 2 kichik guruhchalarga bo`linadi. Ularning har biri mavzu bo`yicha savollar tayyorlab kelishi lozim. Semenar boshida talabalar musobaqa shartlari bilan tanishtiriladi. Bunda faqat javoblar uchun emas balki savollarni to`g`ri va aniqligi uchu va qo`shimcha tuzatishlar uchun ham ma`lum ballar belgilanadi. Guruh talabalarining barchasi faol qatnashishlari uchun esa minus (-) ballar ham ko`rsatilishi mumkin, masalan, +3 dan -3 gacha noto`g`ri javoblar va savollar uchun ballarni ayirish usuli ishlatilishi mumkin. Musobaqa davomida doskaga to`plangan ballar yozib borilishi mumkin. Semenar oxirida g`olib guruh qatnashchilari qo`shimcha ballar bilan rag`batlanishi mumkin. Pedagog ta`lim

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00689

jarayonini boshqaruvchi sifatida juda hushyor va sinchkovlik bilan javoblarni eshitib, har bir talabaga baho qo`yib borishi lozim. Bu usul bilimlarni yanada mustahkamroq egallanishiga, nutq madaniyatini oshishiga, savollarni to`g`ri tuzilishiga, o`z fikrini bayon etishga o`rgatadi. Eng muhimi esa, taladalardan mustaqil bilimlarni egallash, yangiliklarni qidirish, mavzuga ijodiy yondashish hususiyatlari oshadi. O`rganilayotgan mavzu har tomonlama tahlil etiladi va hayotiy jarayonlar bilan bog`lanadi. Bunday innovatsin texnologiyaning dastlabki ko`rinishlari oliygohlarda qo`llanilsa yuqori natijalarga erishsa bo`ladi.

Kichik guruhchalar usuli. Bu usulda guruh talabalari bir necha guruhga bo`linadi, har bir guruhda 4-5 tadan talaba bo`lishi mumkin. Har bir guruhning rahbari tayinlanadi. Ularga oldindan vazifa beriladi. Guruh talabalari semenarga birgalikda tayyorlanib o`z savollarini to`liq ochib berishga harakat qilishlari kerak. Boshqa guruhlar asosiy ma`ruzachiga savollar beradilar, savollarga guruhning talabalari javob berishda yordam beradilar. Asosiy ma`ruzachi himoyasidan so`ng opponentlar savolni yanada to`liqroq izohlab berishlari kerak. Uchinchi va to`rtinchi guruh talabalari o`zlarini fikrlarini bildirgach, tadqiqot olib brogan guruhga baho qo`yib izoh berishlari kerak. Bunday usulda ish olib boorish uchun guruhlarni tuzishda talabalarning bilimi teng bo`lishiga harakat qilish kerak. Guruhni boshqarishda yahshi o`zlashtiruvchi talabalarni tanlash lozim. Bunday innovatsion texnologiyaga oid bellashuvlar tugagach bo`lim yuzasidan boshqa turli musobaqalar o`tkazish mumkin.

## XULOSA

Bu borada innovatsion texnologiyaga oid didaktik o`yinlarni tashkil etish maqsadga muvofiq hisoblanadi.

## REFERENCES

1. Mirziyoyev Sh.M. “Harakatlar strategiyasi” 2017-2021 yillarga mo`ljallangan besh ustuvor yo`nalishi. – T.: G`ofur G`ulom. 2017 yil. g.s. 136
2. Karimov I.A. Yuksak manaviyat – yengilmas kuch. – T.: Ma`naviyat 2008 yil.
3. Ishmuhammedov R.J. Innovatsion texnologiyalar yordamida ta`lim samaradorligini oshirish yo`llari. Toshkent.: 2005 yil
4. Xudoyqulov X.J. Pedagogik texnologiya ta`lim samaradorligining asosidir. Toshkent. Navro`z. 2012 yil
5. Sibirskaya M.P. Профессиональное обучение: Педагогические технологии. – Санкт-Петербург. 2002 г.

ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 4 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00690

# ЯЗЫКОВАЯ ИГРА В ПЬЕСАХ Е.Л. ШВАРЦА

**Рано Рустамовна Акбарова**
Студентка Андижанского государственного университета
qasymovr18@gmail.com

## АННОТАЦИЯ

В данной статье исследуется феномен языковой игры как способа воплощения индивидуально-авторской языковой картины мира Е.Л. Шварца. Подробно рассматриваются вопросы о сказке и различных приемах языковой игры, способствующие языковой организации пьес.

**Ключевые слова:** языковая игра, сказка, многозначность, метафора, языковая личность, языковая картина мира.

# LANGUAGE PLAYS BY E.L. SCHWARTZ

## ABSTRACT

This article examines the phenomenon of a language game as a way of embodying the individual author's linguistic picture of the world by E.L. Schwartz. Questions about the fairy tale and various methods of language play, contributing to the linguistic organization of plays, are considered in detail.

**Keywords:** language game, fairy tale, polysemy, metaphor, linguistic personality, linguistic picture of the world.

## ВВЕДЕНИЕ

Литература и язык в целом – это один из способов познать мир, человечество, самого себя. Литература как нельзя лучше передает мысли, взгляды автора, его отношение к жизни, реальности. И каждый писатель создает свой художественный мир. Произведения А.С. Пушкина, М.Ю. Лермонтова, Н.В. Гоголя, Л.Н. Толстого, Ф.М. Достоевского, А.П. Чехова и других писателей – позволяют молодому поколению не только узнавать прошлое, но и переживать вместе с их героями, воспитывают чувство прекрасного, обогащают духовный мир человека. Представляет интерес и драматургия Е.Л. Шварца, который способен сказать современному человеку – особенно думающему, ищущему – очень многое.

Евгений Львович Шварц – писатель, судьба которого даже в контексте судеб его современников воспринимается как своеобразная судьба художника, складывающаяся, казалось бы, из различных случайностей и превратностей, в которых точно отражается его неповторимое своеобразие, его нравственная позиция, его убеждение в важности избранного им жизненного пути. В творческой судьбе Е.Л. Шварца с необыкновенной отчетливостью отразились его желание к постижению разных, сложных, поучительных человеческих

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00690

характеров и, более всего, художественное стремление представить людям мир, в котором мы живем, объясненным, разгаданным, открытым во всей многоцветности.

Большинство исследований творчества Е.Л. Шварца было посвящено в первую очередь, зрелым пьесам, таким, как «Тень», «Дракон», «Обыкновенное чудо». Однако ранние пьесы драматурга – «Ундервуд» (1929), «Приключения Гогенштауфена» (1934) и «Голый король» (1934) и другие – составляют неотъемлемую и весьма важную часть художественного наследия писателя. Для понимания творчества Е.Л. Шварца в целом необходимо рассмотреть ранний этап его творчества в сопоставлении с более поздними произведениями писателя.

Многозначность, метафоричность манеры Е.Л. Шварца в его произведениях проявляются не только на уровне сюжета, но и на уровне языковой организации его пьес. Метафорическое начало усиливается от пьесы к пьесе, язык играет все большую роль в организации шварцевских пьес. В ранних его опытах метафорическая функция языка ещё не задействована – Е.Л. Шварц прибегает только к изображению и передаче детской речи («Ундервуд»). Однако в полной мере стилистический талант Е.Л. Шварца раскрывается только в «Голом короле» и последующих зрелых пьесах драматурга.

## ЛИТЕРАТУРА И МЕТОДОЛОГИЯ

Языковая игра исследовалась в работах Е.А. Земской [3], Н.Д. Арутюновой [1], Т.А. Гридиной [2], В.З. Санникова [11], Б.Ю. Нормана [4], Н.А. Янко-Триницкой [13], Д.В. Попова [5; 6; 7; 8; 9; 10; 14; 15] и др. и это не случайно, поскольку «языковая игра (в максимально широком понимании термина) – это нетрадиционное, неканоническое использование языка, это творчество в языке, это ориентация на скрытые эстетические возможности языкового знака».

Языковая игра активизирует внимание носителей языка к языковой форме, к ее структурным элементам, она связана с ситуацией неожиданности, обусловленной нарушением в игровом тексте каких-либо норм и стереотипов и осознанием этого нарушения.

## ОБСУЖДЕНИЕ

Как известно, в языке литературных произведений отражается авторское мировоззрение, т.е. индивидуально-авторская языковая картина мира писателя. Поэтому целью лингвистического анализа художественного текста в конечном счете является выявление индивидуально-авторской языковой картины мира писателя. В художественном тексте отражаются какие-то стороны человеческого мира, увиденные глазами писателя, отобранные и

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00690

трансформированные им в соответствии с его «пониманием жизни» и творческими целями.

В творческой судьбе Шварца с необыкновенной отчетливостью отразились его желание к постижению разных, сложных, поучительных человеческих характеров и, более всего, художественное стремление представить людям мир, в котором мы живем, объясненным, разгаданным, открытым во всей своей многоцветности.

Е.Л. Шварц часто сам помогал своим читателям расшифровать смысл своего писательского труда и увидеть жизненную первооснову сказок. Так, разъясняя замысел «Обыкновенного чуда», он писал: «Среди действующих лиц нашей сказки…узнаете вы людей, которых приходится встречать довольно часто. Например, Король. Вы легко угадаете в нем обыкновенного квартирного деспота, хилого тирана, ловко умеющего объяснить свои бесчинства соображениями принципиальными. Или дистрофией сердечной мышцы. Или психастенией. А то и наследственностью. В сказке он сделан королем, чтобы черты его характера дошли до своего естественного предела». Многое в сказке Е.Л. Шварца доходит «до своего естественного предела», но вовсе не теряет при этом своих связей с жизнью. В определенном смысле можно было бы сказать, что он пришел в сказку за правдой, которая всегда нужна людям и в любом случае выступает их помощником и другом. В том же прологе к «Обыкновенному чуду» он подчеркивал, что «в сказке очень удобно укладываются рядом обыкновенное и чудесное и легко понимаются, если смотреть на сказку как на сказку. Сказка рассказывается не для того, чтобы скрыть, а для того, чтобы открыть, сказать во всю силу, во весь голос то, что думаешь».

## РЕЗУЛЬТАТЫ

Е.Л. Шварц был во многих отношениях первооткрывателем. Однако, как ни парадоксально, у истинного первооткрывателя есть предшественники. Писатель знал об этом, он честно и бескорыстно продолжил поиск, начатый задолго до него. Поверив в Ганса-Христиана Андерсена, своего великого и мудрого единомышленника, Шварц избрал гениального сказочника в «посаженные отцы». Именно Андерсен, не одним только словом, но и всем своим художественным делом утвердил Шварца в очень простой, но вечно плодотворной истине.

В основном все пьесы-сказки Е.Л. Шварца написаны по мотивам сказок Андерсена. Наверное, выбор сюжетов сказок датского писателя Е.Л. Шварцем не случаен: в каждой из сказок Андерсена речь идёт о разоблачении зла, о различии видимого и сущего. Мир Андерсена как бы «пропускается» драматургом сквозь его собственное поэтическое сознание, индивидуально-авторскую иронию и оценку.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00690

Проведенный нами анализ языковой организации ранних пьес Е.Л. Шварца позволил выявить механизмы языковой игры, обусловленные характерными чертами индивидуально-авторской картины мира драматурга.

Так, в самой ранней из пьес драматурга, «Ундервуд» (1929), обращает на себя внимание речь наивных героев – детей, Аньки и Иринки. Ср.: *«Анька. Я подойду, а ты плюнешь. Иринка. О! Есть мне время на всех плевать. Что я дождик, что ли? Иди сюда!»* [12]. Но наряду с этими проявлениями детской наивности вдруг возникают некие абсурдные, бессмысленные фразы – абракадабра, произносимая Маркушкой: *«Дерево! Листики! Кустики! Веточки! Планочки! Палочки! Рамочки! Вагоны!»* [12].

Писатель, изображая этот маленький детский мир в конкретном дворе, который находится в пригороде Ленинграда, вводит элементы какой-то странной, непонятной силы, существующей в мире. При данном механизме: столкновении двух этих речевых характеристик у читателя создается впечатление противопоставления мира детства, наивности и доверчивости миру хаоса реальной, но весьма, «странной» жизни.

Еще один механизм языковой игры: аллюзия. Один из студентов, Крошкин, который учится в техникуме сценических искусств, в своей речи постоянно цитирует стихи, реплики из пьес, словно разыгрывая роль на сцене – не только перед зрителями, но и перед самими действующими лицами. Этот своеобразный «театр в театре» играет особую роль в пьесах Е.Л. Шварца. Театральность, проявляющаяся в бессмысленных репликах Маркушки, и во фразах Крошкина, постепенно перерастает из одного качества в другое: театральность как «игра в сцену», театральность бытия, театральность жизни, театральность нелепого мира, в котором живут персонажи абсурдного произведения.

Речевое поведение отрицательных персонажей характеризуются грубостью, резкостью; они используют архаичные, устаревшие выражения. Е.Л. Шварц противопоставляет эту грубость и архаичность детской невинности и непосредственности мировосприятия, сталкивает их как на уровне сюжета, так и на уровне языка. В мире «Ундервуда» дети (Иринка, Анька, Маруся) с их наивностью, непосредственностью, бескомпромиссностью борются со злом, со страхом, который проявляется в непонятных словах Маркушки, в угрозах Варварки, в их абсурдном мире. И вместе с тем на всем лежит отпечаток театральности, некой игры. Так формируется ассоциативный ряд: «Весь мир – театр, а люди в нем актеры» (В.Шекспир).

Следует отметить, что «Ундервуд» – это некий эскиз той картины, которая в дальнейших пьесах получает свое продолжение и развитие: эскиз наивности, с которой драматург и его положительные герои воспринимают мир, эскиз театрального действия, которое там пока только намечается, а также эскиз страха, который в дальнейшем в пьесах Е.Л. Шварца становится весьма важным мотивом.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00690

В следующей пьесе «Приключениях Гогенштауфена» (1934) голос автора «звучит» в стихах, например, в песенке о «красной кавалерии», которую во время работы напевает Гогенштауфен. В некотором роде это свидетельство революционности его деятельности: он точно так же сражается на своем месте бухгалтера, как и кавалерия Буденного сражалась на полях битв. Следует также отметить парадоксальные характеристики современной действительности, данные при помощи отдельных реплик героев. Например, ругательство Бойбабченко: *«У меня от злости все ругательства в голове перемешались! Что крикнуть? Можете в автомобиле ездить… Нет, не то. У меня у самой ребенок дома, а я не лезу без очереди - и это не то. Вагон не резиновый, дура такая!»* [12]. Это типичная зарисовка действительности.

Языковая игра создается в пьесе в результате «соединения-столкновения»:

синонимов, которые, противопоставляются друг другу по контексту: *«Хохочут звери над животным»,* – говорит Бойбабченко, имея в виду издевательства людей над кошкой;

многозначных слов, возвращения им первоначального, но уже забытого смысла: *«Делает он такой проект, который все наше учреждение по-новому повернет и так оживит, что каждый охнет, удивится и скажет: как верно придумано, давно пора!»*;

«буквализации метафор: Гогенштауфен рассеянно желает Брючкиной стать трижды рыжей, и она буквально ею становится: «Гогенштауфен (кричит). А, будь ты трижды рыжей! На секунду вспыхивает яркий свет. На голове Брючкиной вырастает тройная рыжая прическа. Над бровями – тройные рыжие брови. Рыжие ресницы. Веснушки покрывают ее лицо».

В пьесе Е.Л. Шварца «Голый король» (1934) речь персонажей, язык – одно из сильнейших средств воздействия и выражения авторского отношения к происходящему.

Языковая игра – способ показать свое отношение к миру, выразить авторскую позицию. Именно в «Голом короле» происходит формирование того особого авторского стиля Шварца, который будет характерен и для всех его более поздних пьес. Несмотря на то что сказки эти адресованы взрослым, тем не менее они сохраняют некоторую направленность на сознание читателя-ребенка. Этим, очевидно, и объясняются некоторые языковые особенности пьес-сказок Шварца, и прежде всего – непосредственность, наивность взгляда на мир, которыми обладают положительные герои.

Очевидно, именно через призму языка ребенок воспринимает окружающий мир иначе, чем взрослый человек, его картина мира отличается от картины мира взрослого. Так, увидев принцессу, идущую к нему в окружении свиты, Генрих эту свиту просто не замечает, он говорит Христиану: *«Я никого не вижу кроме нее»*. Фраза эта в контексте шварцевской пьесы обретает двоякий смысл: в данный момент Генрих не видит никого, кроме принцессы, и

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00690

ему не важно, что ее сопровождают придворные дамы, но и в жизни своей он не замечает и не видит никого, кроме принцессы. Сталкиваются два значения выражения «Он никого кроме нее не видит» – прямое и переносное, метафорическое.

Наивность и открытость взгляда принцессы на мир выражается и в ее речи, язык отражает взгляд героев на мир и отношение к ним автора. Ср.: *«Первая придворная дама. И вообще он ведет себя неприлично. Он держит вас за руку. Принцесса. Что же тут неприличного! Если бы он держал меня за ногу. Первая придворная дама. Умоляю вас, молчите. Вы так невинны, что можете сказать совершенно страшные вещи»* [11].

Е.Л. Шварц и его герои будто бы возвращают словам и фразеологизмам их исходный, первоначальный, почти забытый смысл, скрытый от читателей многими условностями. Герои разрушают эти условности, они возвращают слову его истинный смысл – точно так же, как пытаются обрести этот истинный смысл и в свой жизни, вопреки существующим общественным условностям или литературным канонам. Е.Л. Шварц использует здесь такой механизм языковой игры, при котором «обыгрыванию чаще всего подвергается природа фразеологизма, его вторичный производный характер».

Рассмотрим следующий механизм: имитация речи иностранца. Так, например, с точки зрения речевой характеристики особый интерес представляет речь иностранной гувернантки: она говорит фразами, более похожими на абракадабру, чем на нормальный человеческий язык. Приведем несколько ее реплик: *«Платки имеют быть лежать себя в чемодане, готентотенпотентатертантеатентер. Выньте свои руки карманов из! Это неприлично есть иметь суть! Энтведер!»; «Не чешите себя. Не!»* [11].

Если принцесса – наивный и непосредственный ребенок, впервые открывающий мир, то гувернантка этот мир для себя упорядочила, раз и навсегда заучила правила и теперь обучает им других. Для нее мир измеряется только ее правилами и формулами, но ее мир – это мир абсурда и хаоса, такой же, как и ее абсурдный язык.

## ЗАКЛЮЧЕНИЕ

Таким образом, отметим, что многозначность, метафоричность манеры Шварца проявляются не только на уровне сюжета, но и на уровне языковой организации его пьес. Метафорическое начало усиливается от пьесы к пьесе, язык играет все большую роль в организации глубинного смысла шварцевских пьес. В ранних его опытах метафорическая функция языка ещё не задействована – Е.Л. Шварц прибегает только к изображению и передаче детской речи («Ундервуд»). Однако, в «Голом короле» метафорическое начало выступает на первый план, играя не менее важную роль, чем сюжет и композиция пьесы. Прямые и метафорические смыслы скрыты в шварцевском слове точно так же, как силы добра и зла в душах его героев. И эти смыслы

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00690

причудливо «просвечивают» один сквозь другой, и порой только герою-ребенку удается угадать своим наивным сознанием истинное значение происходящих событий. И вновь наивное, непосредственное сознание побеждает условности, абсурд и хаос мира взрослых.

## REFERENCES

1. Арутюнова, Н. Д. (1987). Аномалии и язык. *Вопросы языкознания, 3*, 3-19.
2. Гридина, Т. А. (1996). *Языковая игра: стереотип и творчество*. Екатеринбург: Уральский государственный педагогический институт.
3. Земская, Е. А. (1983). Языковая игра. *Русская разговорная речь. Фонетика. Морфология. Лексика. Жест*. Москва: Наука. 172-214.
4. Норман, В. Ю. (2018). *Грамматика говорящего*. Москва: URSS.
5. Попов, Д. В. (2016). Риторические приемы в посланиях Ивана Грозного. *Научный вестник Бухарского государственного университета, 3*, 59-63.
6. Попов, Д. В. (2018). Композиты в Посланиях Ивана Грозного. *Вестник Московского государственного областного университета*, *3*, 256-261.
7. Попов, Д. В. (2019). Выразительные средства в публицистическом тексте. *Вестник Курганского государственного университета*, *1* (52), 146-147.
8. Попов, Д. В. (2019). *Проблематика второго южнославянского влияния и формирование эпистолярного жанра XVI века (лексико-грамматический и стилистический аспекты). Автореф. дисс… докт. философии (PhD) по филол. наукам*. Ташкент.
9. Попов, Д. В. (2020). Художественно-стилистические особенности публицистики Ивана Пересветова. *Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси*, *6* (2), 95-97.
10. Попов, Д. В. (2021). *Стиль «плетение словес» в посланиях Ивана Грозного*. Москва: Издательство «Перо».
11. Санников, В. З. (2002). *Русский язык в зеркале языковой игры*. Москва: Языки славянской культуры.
12. Шварц, Е. Л. (2016). *Обыкновенное чудо и другие пьесы*. Москва: Азбука.
13. Янко-Триницкая, Н. А. (1975). Продуктивные способы и образцы окказионального словообразования. *Актуальные проблемы русского словообразования*, 413-418.
14. Popov, D. V. (2018). Controversial Issues of Periodization of the Russian Literary Language. *Scientific reports of Bukhara State University*, *1* (3), 102-107.
15. Popov, D. V. (2020). The concept of «book elements» in the history of the Russian literary language. *ISJ Theoretical & Applied Science, 01* (81), 401-407.
16. Popov, D. V. (2020). Publicistic Ideas of “The Tale of Bygone Years”. *Scientific reports of Bukhara State University*, *4* (3), 152-158.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00691

# ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАРНИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИГА ТАЪСИРИ

**Гулчеҳра Ғаффарова**
Чирчиқ давлат педагогика институти профессор в.б.
gafforovagulchehra3@gmail.com

**Дилмурод Жуманов**
Чирчиқ давлат педагогика институти магистранти

## АННОТАЦИЯ

Ижтимоий тармоқлар ўзаро танишиш, билдириш, дўстлашиш учун тузилган. Ижтимоий тармоқлардан ҳар бир инсон қизиқиши ва манфаатига кўра фойдаланади. Баъзи инсонлар ундан роҳат-фароғат излайди ва қимматли вақтини йўқотиб, кераксиз нарсалар билан банд бўлади. Шу сабабли, бугунги кунда турли кўринишдаги ахборот воситаларининг нозик жиҳатларини ҳар бир онгли киши англаб етиши лозим. Ушбу мақолада ижтимоий тармоқларнинг ёшлар маънавиятига қандай таъсир кўрсатишининг баъзи масалалари фалсафий таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** ёшлар, маънавият, ёшлар маънавияти, тафаккур, фаоллик, ижтимоий тармоқлар, Интернет, интернетга қарамлик.

# THE EFFECT OF SOCIAL NETWORKS ON YOUTH SPIRITUALITY

**Gulchehra Gaffarova**
Chirchik State Pedagogical Institute Professor
gafforovagulchehra3@gmail.com

**Dilmurod Jumanov**
Master of Chirchik State Pedagogical Institute

## ABSTRACT

Social networks are formed for mutual acquaintance, communication and friendship as well. Everyone uses them according to their interests. Some people seek pleasure from it and waste their precious time and get busy with unnecessary things. Therefore, every conscious person should understand the subtleties of different types of media today. This article provides a philosophical analysis of some of the issues of how social media effects on the spirituality of young people.

**Keywords:** the young, spirituality, youth spirituality, thought, being active, social networks, the Internet, internet addiction.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00691

## КИРИШ

Маълумки, дунё бўйлаб уч миллиард одам, яъни аҳолининг тахминан 40% Интернетдаги ижтимоий тармоқлардан фойдаланади. Биз уларга ҳар куни ўртача икки соат вақт сарфлаймиз: ёзувлар нашр этамиз, фотосуратлар алмашамиз, дўстларимизнинг хабарларига муносабат билдирамиз. Ҳар дақиқада ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари Snapchat-га ярим миллионга яқин твит ва фотосуратларни юборишади. Агар ижтимоий медиа бизнинг ҳаётимизда бундай катта рол ўйнаса, унда бу бизга қандай таъсир қилишини тушуниш жуда муҳимдир.

Шу сабабли ҳам охирги йилларда ижтимоий тармоқлар фуқаролик жамиятининг анъанавий шаклларини нафақат ўзгартиряпти, балки яқин келажакдаги янгича кўринишини ўзида намоён қилмоқда. Аслида ижтимоий тармоқларнинг асосий вазифаси дастлаб ташкил этилган пайтларда одамларга узоқдаги таниши билан алоқа қилиш, улар ўртасида ўзаро онлайн мулоқотни йўлга қўйиш эди. Бироқ бугун уларнинг функциялари тобора кенгайиб бормоқда. Энг аввало, ёшлар онгига ва маънавиятига таъсир кўрсатишнинг қудратли ахборот-сиёсий воситасига айланмоқда. Ушбу мақолада илгари сурилган мавзунинг долзарблиги ҳозирги кунда қарама-қаршилик мавжудлигидан келиб чиқади. Яъни, бир томондан, замонавий ёш инсонни ижтимоий тармоқларсиз тасаввур қилишнинг иложи йўқ, бошқа томондан, таъсирни кузатиб бориш қийин ижтимоий тармоқлар ёшларни шакллантириш, маънавий ва ахлоқий фазилатларни тарбиялаш бор. Шу жиҳатдан, бугунги кунда ахборот технологиялари инсон фаолиятининг барча соҳаларига татбиқ этилмоқда. Ёшлар, айниқса, Интернетда ҳимоясиздир. Жаҳон тармоғида доимий иштирок этиш, ота-оналар назорати йўқлиги, болаларнинг ахборот маданиятини билмаслик кўпинча ўспиринларнинг Интернетга қарам бўлишига олиб келиши мумкин.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ёшлар маънавияти масаласи нафақат бугунги кунда балки олдинги даврларда ҳам муҳим ва аҳамиятли муаммолар тарзида эътибор берилган. Айниқса, ёшлар маънавиятини шакллантириш муаммоси турли даражадаги жамият ва фалсафа, психология, социология каби фанларнинг ихтисослашуви билан боғлиқ бўлган гуманитар билимларнинг бирлашмасидан иборат.

Ёшлар маънавиятини шакллантириш билан боғлиқ муаммолар муаллифлар томонидан дунёқарашнинг турли позициялари, маданий ва тарихий анъаналари ва мактаблари, услубий ва концептуал асосларидан кўриб

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00691

чиқилган. Хусусан, рус файласуфлари Д.М. Азаматова, Р.Г. Апресян, А. И. Арнолдов, Е. А. Баллер, О. А. Беленкова, Б.С. Галимова, Д. Ж. Валеева, А.А. Валков, У. С. Вилданова, Г. Н. Волков, В. Е. Давидович, Ю. А. Жданов, М. Т. Иовчук, В. В. Куравлев, Н.С. Злобин, Л. Н. Коган, Г. Г. Квасов, И.К.Кучмаева, Е. С. Маркарян, В. М. Межуев, Е. А. Орлова, С. М. Поздяева, Ф.Б. Содиқов, Ф.А.Хазиев ва бошқаларнинг асарлари киритиш мумкин.

Глобаллашув шароитида маънавият масалалари, ёшлар маънавияти, маънавий қадриятлар ва маънавий янгиланишнинг хусусиятлари мустақилликнинг дастлабки йилларида Т.Маҳмудов, Ж.Туленов, С.Шермуҳамедов, А.Жалалов, Э.Юсупов каби атоқли олимлар томонидан ўрганилган бўлса, ҳозирги маънавий янгиланишнинг турли жиҳатлари Б.Алиев, С.Отамуродов, С.Бердиқулов, Д.Норқулов, А.Умаров, Ш.Мадаева, С.Мамашокиров, Ж.С.Раматов, М.Қаҳҳарова, Г.Туленова, С.Рахимов ва бошқалар томонидан тадқиқ этилмоқда.

Ижтимоий тармоқларнинг ёшлар маънавиятига, тафаккурига, онгига таъсири масаласининг баъзи бир жиҳатларини ўрганган олимлар қаторига инглиз олимларидан Петер Э. Маеух, Стеве Жонес, рус олимларидан Е.Вайнер, Е.Горний, В.Паско, В.Сухарова, О.Криштановская, шунингдек, ўзбек олимларидан филология фанлари номзоди Д.Рашидова, файласуфлардан Ж.Раматов, И.Саифназаров, А.Мўминов, А.Мухторов, Б.Хусанов,Г.Ғаффарова, Н.Сайдалиева, К.Мавлянова кабилар томонидан нашр этилган мақолаларни киритиш мумкин.

Мақолани тайёрлашда тарихийлик, танқидийлик, тизимли методлардан фойдаланилди.

## НАТИЖАЛАР

"Ижтимоий тармоқ" тушунчаси 1954 йилда пайдо бўлган бўлиб, ўтган асрнинг 30-йилларида ўрганиш бошланган. Ушбу концепцияни социолог Жеймс Барнс киритган: "ижтимоий тармоқ" бу ижтимоий объектлар (одамлар ёки ташкилотлар) ва улар ўртасидаги алоқалар (ижтимоий муносабатлар) бўлган тугунлар гуруҳидан иборат бўлган ижтимоий тузилишдир. Оддий қилиб айтганда, бу таниш одамларнинг маълум бир гуруҳи, бу ерда одам ўзи марказ бўлиб, дўстлари эса филиаллардир.

Компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда биринчи ижтимоий тармоқ 1971 йилда ARPA Net-да ҳарбийлар томонидан ишлатилган электрон почта технологияси эди. Кейин, 1988 йилда фин талабаси Ярко Ойкаринен реал вақтда мулоқот қилиш имкониятини яратган «IRC» технологиясини (инглизча Internet Relay Chat – узатиладиган интернет-суҳбат) ихтиро қилди. 1991 йилда инглиз олими Тим Бернерс-Ли туфайли оммалашган Интернет ихтироси муҳим воқеа бўлди.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00691

1995 йилда Рэнди Конрад Classmates.com - замонавий маънода биринчи ижтимоий тармоқни яратди. Концепция жуда катта талабга айланди ҳамда шу йил Интернетдаги ижтимоий тармоқларнинг жадал ривожланиши бошланади. Бугунги кунда ушбу тармоқ ҳали ҳам дунёдаги энг машҳур тармоқлардан бири бўлиб, 50 миллиондан ортиқ фойдаланувчига эга.

Ижтимоий тармоқларнинг кенг миқёсида оммалашуви 2004 йилдан кейинги даврга тўғри келади. Шу йили АҚШ да кейинчалик дунёга машҳур бўлган “Фасебоок” жамоатчилик тармоғига асос солинди.

Ёшлар маънавиятини шакллантириш, ахлоқий тақдирни белгилаш ва умумбашарий инсоний қадриятларни дунёга жорий этиш муаммоси кўплаб авлод тадқиқотчилари томонидан ишлаб чиқилган абадий масалалардан биридир. Маънавият мавзусини қамраб олган илмий адабиётлар жуда кўп, турли хил таърифлар, талқинлар ва тадқиқот йўналишларини ўз ичига олади. Ушбу муаммони ўрганишга ёндашувларнинг хилма-хиллиги, асосан, маънавиятнинг умумлаштирилган назариясининг йўқлиги билан боғлиқ.

Жамиятнинг махсус гуруҳи сифатида ёшларга илмий ёндашиш, ёшларнинг турмуш тарзи ва маданиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, гуманитар фанлар бўйича кўплаб маҳаллий олимларнинг асарларида ўз аксини топган. Ҳозирги президентимиз Ш.Мирзиёевнинг “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” асарида ёшларни маънавий етук инсон этиб тарбиялаш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётиш эҳтиёжга айланиши, ёшлар билими, савиясини ошириш учун илм-маърифат, юксак маънавият кераклиги илгари сурилган [2].

М.Қуронов, А.Қодиров, Ш.Акрамовалар томонидан “Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш” монографиясида ёшларни этиб тарбиялаш, уларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш, ижтимоий тармоқлардаги ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш каби масалалар таҳлил этилган[10].

Г.Ғаффарова ижтимоий тармоқларнинг ёшлар тафаккури ва фаоллигига таъсири, ахборотлашган жамиятда маънавиятдаги ўзгаришлар, янгиланаётган Ўзбекистонда инсон капиталини ривожлантиришда маънавиятнинг ўрнини [6-9] ёритиб берган.

## МУҲОКАМА

XXI асрда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, хусусан, интернетнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти шиддат билан ошиб бормоқда. Албатта, интернет орқали дунёнинг исталган нуқтаси билан тезкор алоқа ўрнатиш, зудлик билан зарур ахборот ва маълумотларни олиш, билим ва маърифатни оширишда унинг беқиёс ўрни ва аҳамияти бор. Шунингдек, Интернетнинг пайдо бўлиши билан ҳаётнинг жуда кўп соҳаларида, жумладан, кундалик маиший хизматлардан тортиб, бизнес ва менежмент, юридик ва

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00691

консуллик хизматлари ва хатто давлат бошқарувигача бирин-кетин виртуал дунёга кўча бошлади.

Мутахассисларнинг фикрича, замонавий жамиятда ижтимоий тармоқлардан фойдаланишнинг асосий устунлиги мулоқот эркинлиги ҳисобланади. Дарҳақиқат, бугун ижтимоий, маданий, иқтисодий ва сиёсий барча-барча соҳаларда глобал тармоқнинг чексиз-чегарасиз имкониятларини ҳисобга олмаслик, ундан маълум мақсадлар йўлида фойдаланмаслик, таъбир жоиз бўлса, замондан орқада қолиш, деганидир. Бу масала бевосита ёшлар фаолияти ва маънавиятига ҳам дахлдор.

Хўш, ижтимоий тармоқлар нима? У ёшлар тафаккури ва фаолиятига ҳамда ёшлар маънавиятига қандай таъсир қилади?

Википедия сайтида таъкидланишича, ижтимоий тармоқ «мулоқот қилиш, танишиш, қизиқишлари ўхшаш ёки офлайн алоқада бўлган одамлар ўртасида ижтимоий алоқаларни яратиш, шунингдек кўнгил очиш (мусиқа, филмлар) ва иш учун ишлатиладиган онлайн платформа»дир. Дарҳақиқат, ижтимоий тармоқлар виртуал олам интернетдаги худди шундай «ари уяси»дир. Улар пайдо бўлганига унчалик кўп бўлгани йўқ. Ушбу тармоқда дастлаб қизиқишлари ёки касблари бўйича бирлашган бўлса, ҳозирги кунда бу ғоя кенгайиб, дўстлар, танишлар, ҳамкасблар уларга қўшила бошладилар.

Ҳозирда йирик ижтимоий тармоқларда фойдаланувчилар сони миллионлаб, миллиардлаб кишига етган. Улар ўзаро мулоқот қиладилар, сайтларга ўзларининг, яқинларининг фотосуратлари, видеоларини қўядилар, у ёки бу мавзуда фикр алмашадилар. Кимлардир бу сайтларда ўзларининг унут бўлиб кетган танишларини, болаликдаги дўстларини топадилар.

Дарҳақиқат, ижтимоий тармоқларда фақат дўстлар, танишларнигина эмас, хатто машҳур инсонларни ҳам учратиш мумкин. Юлдузлар ўз саҳифаларини очиб, унда ҳаётларидаги қизиқарли воқеаларни ёзадилар, суратларни бериб борадилар. Шу билан бирга тармоқлар ичида кўплаб ҳамжамиятлар очилган – уларни исталган фойдаланувчи ўз қизиқишига қараб очиши ва дўстларини таклиф қилиши мумкин. Ҳамжамиятларнинг мавзулари хилма-хил – футбол, тикувчилик, автомобил ва ҳ.к. Шундай қилиб, инсоният нимага қизиқса, ҳаммаси мавжуд. Ҳамжамият ичида унинг аъзолари ўзаро фикр алмашадилар. Баъзи ҳамжамиятларга истаган киши аъзо бўлиши мумкин, баъзилари эса ёпиқ саналиб, унга фақат аъзолардан бирининг тавсияси билан ёки ҳамжамият маъмури рухсати билан қўшилса бўлади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00691

Айтиш керакки, ижтимоий тармоқлар бугунги кунимизнинг энг асосий вақт ўтказувчи омили ҳисобланади. Айниқса ёшлар ижтимоий тармоқлар касалига учрашган. Бизнинг диёримизда дастлаб энг асосий ижтимоий тармоқ сифатида “одноклассники” ижтимоий тармоқ кенг оммалашган. Дарҳақиқат, Одноклассники ижтимоий тармоғи синфдошларни - лицей (коллеж) курсдошларни, институт (университет) курсдошларни, қариндошларни, ҳамкасабаларни хуллас яқин дўстларни топиб, улар билан гаплашишга имкон берувчи кўптиллик тармоқ ҳисобланади [4, 6]. Бу ижтимоий тармоқ 2006 йилда ишга тушган. Унинг тузувчиси россиялик веб-дастурчи Алберт Попков ҳисобланади. Сайт фойдаланувчиларнинг асосий ёши 14-55 ёшни ташкил қилади. Дастлаб бу сайтдан рўйхатдан ўтиш пуллик бўлган, кейинрок 2010 йилдан бу хизмат бепул деб эълон қилинган.

Энг муҳими, ижтимоий тармоқлар ёшларнинг анъанавий мулоқот шаклини тубдан ўзгартириб юборди. Олис масофадан туриб нафақат эшитиб, балки кўриш имкониятининг юзага келиши виртуал суҳбатларни кескин оммалаштирди. Кейинги 15-20 йил давомида дунё мамлакатлари аҳолиси, шу жумладан, ўзбекистонлик ёшлар ҳаётида мобил алоқа урф тусини олган бўлса, ҳозирги даврга келиб мобил ускуналардаги WhatsApp, ICQ, MSN Messenger ва Telegram орқали матнли мулоқот оммавийлик касб этмоқда.

Айниқса, fasebook тармоғидаги турли гуруҳлар фойдаланувчилар орасида обрў қозонди. Бу тармоқдаги гуруҳларда одамлар орасидаги турли вазиятлар, муаммолар кўриб чиқилиб, маълум вақтда ҳал қилинмоқда. Шу билан бирга instagram ҳам ёшлар орасида машҳур бўлиб, унда асосан ёшлар кундалик ҳаётидаги воқеаларни фото ва видео орқали ёритиш урф бўлган. Қайд этиш керак, бугунги кунда дунё аҳолисининг қарийб ярми – яъни 3 млрд.га яқин киши турли ижтимоий тармоқлардан фойдаланмоқда. Шулардан энг катта қисми – 2 млрд. одам “Facebook”да. https://napoleoncat.com сайти берган маълумотга кўра, Ўзбекистонда “Facebook” тармоғидан фойдаланувчилар 1 миллионга яқинлашиб қолган [5]. Улар ўртача 25-34 ёшда бўлиб, 65,5 фоизини эркаклар, 34,5 фоизини хотин-қизларимиз ташкил этар экан.

Айни пайтда дунёда 1 млрд.лик аудиторияга эга Instagram Ўзбекистонда 1.586.500 нафар фойдаланувчига эга. 2.476.590 лик Facebook эса мамлакатимизда 686.400 кишини бирлаштирган. 200 млн.лик Telegram – Ўзбекистонда 18 млн. кишига хизмат кўрсатмоқда [11].

Айтиш мумкинки, ижтимоий тармоқ деганда кўз олдимизга ҳозирги кун таърифи билан айтадиган бўлсак Виртуал олам деган тушунча келадиган бўлиб

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00691

қолди. Ҳозирги кунда ижтимоий тармоқларнинг сони кўпайгандан кўпайиб бормоқда, бу ўз навбатида жамиятга катта таъсирини бериб келмоқда. Ижтимоий тармоқлар шундай кучга эга бўлдики узоқдаги дўстингни яқинлаштириб, яқиндаги дўстингни узоқлаштиришга олиб келди. Бу ўз навбатида жамият аъзолари орасида саросима ва бетартибликни келтириб чиқармоқда. Лекин ижтимоий тармоқлар ҳозирги кунда ёшларга кенг имкониятларни ҳам яратиб бермоқда. Жумладан, турли давлат ёшлари бир-бирлари билан фикр алмашиб саволларига жавоб топишда, катта ютуқларга эришишда ижтимоий тармоқларнинг беқиёс ёрдамлари фойда бериб келмоқда. Шу сабабли ёшларнинг онгини ва ниятини тўғри йўналтира олишни ўргатсак ижтимоий тармоқлардан ҳам керакли натижаларни олсак бўлади.

Дарҳақиқат, бугунги кунда ҳамма YouTube, Facebook, Instagram, Telegram, Twitter каби ижтимоий тармоқларни билади, ҳеч бўлмаганда биттасидан фойдаланади. Айниқса, ёшлар бу масалада фаолдир ва айнан шунинг ўзи муаммодир. Нима учун? Сабаби битта: ижтимоий тармоқлардаги маълумотлар ҳар доим ҳам тўғри ва объектив эмас. Табиийки, унинг маънавиятига, руҳиятига, ахлоқига таҳдид солмайди деган кафолатлар йўқ.

Шуни тан олиш керакки, ижобий томонлари билан бир қаторда унинг салбий томонлари ҳам мавжуд. Чунки оммавий алоқа воситалари орқали онгни ва ақлни эгаллаш таҳдиди мавжуд экан, жиддий қўрқув учун асослар мавжуд. Муаммони, айниқса, ижтимоий тармоқларда салбий маълумотлар оқимининг кўпайиши кучайтирмоқда. Сабаби, ёшлар ўзларининг тажрибасизликлари сабабли келган маълумотларни таҳлил қилиш ва синтез қилишга қодир эмаслар. Эҳтимол, ёлғон ва холис маълумотлар уни осонликча йўлдан оздириши мумкин.

Шу ўринда савол туғилади, Нега ижтимоий тармоқларда асоссиз янгиликлар ва ғийбат тарқатилмоқда? Нима учун аҳоли, асосан ёшлар, уларга ишонишади? Бунда давлат органлари, муассаса ва ташкилотларнинг матбуот хизматлари ҳам айбдор. Агар бирор жойда бирор нарса юз берса, бу жараён ҳақидаги маълумотлар гувоҳлар, кузатувчилар томонидан Интернет орқали тарқатилади. Аслида, бундай вазиятларда айнан матбуот хизматлари маълумот беришлари керак. Улар туну кун фаол ишлашлари керак.

Шундай қилиб, ижтимоий тармоқларнинг одамлар ҳаётига таъсири жуда катта, кўпчилик бу ҳодисанинг кўламини тўлиқ англамайдилар ва ахир ижтимоий тармоқлар аллақачон Интернетдаги энг оммабоп фаолиятдир. Бугунги кунда дунёдаги энг кўп ташриф буюриладиган 100 та сайтдан 20 таси

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00691

классик ижтимоий тармоқлар, яна 60 таси у ёки бу даражада ижтимоийлашмоқда. Дунё бўйлаб компанияларнинг 80% дан ортиғи ўз ишларида ижтимоий тармоқлардан фойдаланадилар. Одамларнинг 78 фоизга яқини ижтимоий тармоқлардаги маълумотларга ишонади.

Ижтимоий тармоқларнинг ёшлар маънавияти ва тафаккурига кўрсатаётган ҳам ижобий ҳам салбий жиҳатларини таъкидлаш лозим. Биринчидан, ижтимоий тармоқларнинг ёшлар маънавиятини ривожлантиришга таъсир этадиган ижобий хусусиятларига хайрия тадбирлари ташкил этиш, ёшларни уюштириш, имконияти бор кишиларни шу ишга жалб этиш, дўстлар орттириш, ёшлар ўзларининг фаолиятларига тегишли маълумотларни олиш, узатиш кабиларни киритиш мумкин.

Иккинчидан, ижтимоий тармоқларнинг ёшлар маънавиятини ривожлантиришга таъсир этадиган салбий хусусиятларига ахлоқсизлик, фаҳш, бузуқликни тарғиб қилувчи сайтлар ва уларнинг саҳифалари кенг ёйилгани; миш-миш, ёлғон, уйдирмалар, бузғунчи ғоялар, сохталаштириш, тарафкашликнинг ёйилгани; эълон қилинган айрим мақолаларда ишончли манбаларнинг йўқлиги, қайси китоб ёки сайтдан олинганлиги, ким ёзганлиги ҳақида маълумотнинг йўқлиги, бировларнинг ҳақларини поймол этиш, уларнинг ёзган мақолаларини ўзлаштириб олиб, маънавий, интеллектуал ҳуқуқларнинг бузилиши содир бўлиши; ушбу тармоқларда инсоний алоқалар заифлашади, юзма-юз кўришиш бўлмагани учун ўзаро меҳр камаяди, воқеликдан узилиб қолиш юз беради, оилавий аҳилликка салбий таъсир қилиши; ёшларнинг ижтимоий тармоқлардан нотўғри фойдаланиши вақтнинг исроф бўлишига, керагидан ортиқ фойдаланиш эса, унга ўрганиб қолиши; мақтанчоқликнинг ёйилгани, яъни ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари кийган кийимлари, еган овқатларини ўз саҳифаларига жойлаштиришлари оқибатида мақтанчоқлик, барчанинг эътиборида, диққат марказида бўлиш хоҳиши кучайиб, камбағал, ночор аҳволда яшаётганларнинг ҳис-туйғулари эътиборга олинмайдиган кайфият юзага келади.

Шу билан бирга, ижтимоий тармоқлар қуйидаги хавфли таъсирларга эга: интернет тармоғига боғланиб қолиш; ўқиш ва билим олишга енгилтаклик билан муносабатда бўлиш (Интернетдан тайёр дарс ишланмалари, математик масалалар ечимларини осонгина топиш ҳисобига дарс топшириқларини мустақил бажармаслик); жисмоний ривожланишига салбий таъсир хавфи, яъни боланинг фаол ҳаракатда бўлмай, узоқ вақт монитор рўпарасида ўтиришига тўғри келиши ва бошқалар.

Албатта, ижтимоий тармоқ манбаларида болаларга ҳақиқий ҳаётдаги каби виртуал оламда ҳам тартиб-интизом қоидалари мавжудлигини тушунтириб бориш энг биринчи навбатдаги вазифадир. Шу билан бирга ижтимоий

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00691

тармоқлар ҳозирги кунда ёшлар тафаккурига ижобий таъсир этиши билан бирга жуда кўплаб ёшларни ижтимоий тармоқлар вақтини ўғирламоқда, интернет-клубларда, мобил телефонларда ёшлар айни ўқиб илм ҳосил қиладиган пайтларида вақтларини бекорчи ўйинларга, ахлоқий бузуқ харакатлар, эстетик жиҳатдан савияси анча паст бўлган фото суратлар ва видео файлларни кўриш билан умрини хазон қилмоқда.

Шундай қилиб, Интернетдаги ижтимоий тармоқлар ёшлар маънавиятига сезиларли таъсир кўрсатмоқда, яъни шахсий манфаатлар ёшлар учун устувор аҳамият касб етади ва шу билан бирга жамият, ижобий шахслараро мулоқот, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам ҳамда ижтимоий меъёрлар ва асосий умуминсоний қадриятларга бефарқ муносабат шакллантиради [6]. Шу сабабли ёшлар орасида тўлиқ жонли алоқа аста-секин қадрсизланиб бормоқда, ўзининг бевосита ҳиссиётлари билан ҳақиқий коммуникатив ҳаракат ўрнини сезилмайдиган қуруқ хабарлар, китобларни ўқиш - қидирув сайтларидан шубҳали маълумотлар, психологик саломатлик - ИТ-технологияларга, гаджетлар ва шахсий компьютерлардаги виртуал ахборот майдонига боғлиқлик эгалламоқда.

Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда амалга ошириладиган барча демократик ислоҳотлар жараёнида ҳам ёшлар масаласига ҳамда ёшларни ижтимоий жиҳатдан шакллантириш ва уларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа йўналишдаги салоҳиятини камол топтириш, ёшлар маънавиятини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратилишини назарда тутадиган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар тизимига алоҳида эътибор берилади. Жумладан, ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари: ёшларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлаш; ёшларнинг маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашиш; ёшлар учун очиқ ва сифатли таълимни таъминлаш; ёшларни ишга жойлаштириш ва уларнинг бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш; ёшларни ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш; иқтидорли ва истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш; ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш; ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, шунингдек ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ва ёшлар спортини оммавий ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш; ёш оилаларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00691

маиший шароитларни яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш [1] кабилардан иборат.

## ХУЛОСА

Албатта, ёшларнинг ижтимоий тармоқларда мутлоқа нотаниш шахслар билан танишишга уринаётгани ташвишли холат. Бу эса жамиятда илмсизлик жоҳилликнинг, ахлоқсизликни томир ёйилишига ҳамда ёшлар онги ва маданиятига салбий таъсир қилади. Буларнинг олдини олиш учун, ёшларни бўш вақтини мазмунли ва қизиқарли ташкил этиш, таълим муассасаларида ёшларни ўқишдан ташқари бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш учун спорт тўгараклари, мусиқа тўгараклари, фан тўгараклари давомий тарзда ва энг асосийси ёшларни қизиқтира оладиган даражада ташкил этиш, шу билан бирга ёшларни иқтидорлисини топиш ва уларни тарбиялаш зарур. Бунинг учун “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасалар биргаликда, хусусан нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ёшларни қизиқиши ва ёш хусусиятидан келиб чиқиб турли хил формлар ташкил этиш лозим. Шунингдек, сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратишдан иборат.

## REFERENCES

1. “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2016 йил 24 август // http://www.lex.uz/.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4 жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2020. – 453 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар форумида сўзлаган маърузаси Тошкент 2020 й.
4. Белинская Е.П. Язык Интернет-коммуникации и социолингвистическая ситуация современности // Современная социальная психология: теоретические подходы и прикладные исследования. – Т., 2011. № 10. - С.6.
5. Ёшларнинг ижтимоий тармоқлар орқали мамлакат имижини оширишдаги роли – Беруний Алимов http//beruniyalimov.uz/archives/705
6. Патрикеева Э.Г. Влияние виртуального пространства сети Интернет на жизненные ценности современной молодежи // Молодой ученый. — 2015. — № 10 (90). — С. 1342-1346. — URL: https://moluch.ru/archive/90/18990/ (дата обращения: 19.04.2021).

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00691

6. G.G Gaffarova, N.Z. Saydaliyeva. (2020). The influence of social networks on youth thinking and activity. JournalNX - A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal. 6 (5), 105-108.
7. Г.Ғаффарова, А.Абдуллаев. (2021). АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА МАЪНАВИЙ ҲАЁТНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. Academic research in educational sciences. Special Issue 2.
8. G. Makhmudova, G. G‘affarova, G. Jalalova (2020). O’zbekistonda islohatlar jarayonini tahlil etish va amalga oshirishning konseptual-falsafiy metodologiyasi. 176 b.
9. G.G. Gaffarova, (2020). Strategy of activity and systematical approach. nternational Journal of Psyshosial Rehabilition. London, United Kingdom, 24, Issue-5, May. - 6645-6651
10. Қуронов М., Қодиров А., Акрамова Ш. Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш. – Тошкент: «Маънавият», 2018. -112 б.
11. http://beruniyalimov.uz/archives/705

ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 4 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00692

# АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИДА ИЛМИЙ - ТЕХНИКАВИЙ ИННОВАЦИЯДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Малика Мухамаджоновна Парпиева**
Тошкент ахборот технологиялари университети ассистент
malikaparpieva1983@gmail.com

## АННОТАЦИЯ

Ахборот технологиялари соҳасида илмий - техникавий инновациядан самарали фойдаланиш хусусиятлари бўйича илм-фан янгиликлари, илмий таклиф ва тавсиялар келтирилган.

**Калит сўзлар:** Инновация, иқтисодиёт, ахборот технологиялар, илм-фан, янгиланиш.

# CHARACTERISTICS OF EFFECTIVE USE OF SCIENTIFIC AND TECHNICAL INNOVATION IN THE FIELD OF INFORMATION TECHNOLOGIES

## ABSTRACT

There are scientific news, scientific proposals and recommendations on the features of the effective use of scientific and technological innovation in the field of information technology.

**Keywords:** Innovation, economics, information technology, science, innovation.

## КИРИШ

Маълумки замонавий миллий иқтисодиёт самарадорлигининг асосини табиий ва меҳнат ресурслари билан бир қаторда, мамлакатнинг инновация салоҳияти ташкил этади. Бундан фойдаланиш макроиқтисодий барқарорлик, реал секторлар рақобатбардошлигини таъминлаш, етакчи тармоқларни техник ва технологик даражасини кўтариш ва бошқаришнинг замонавий усулларини жорий этишда кенг имкониятларни очиб беради. Бу имкониятлар аввало фундаментал тадқиқотлар, илм-фан янгиликлари, янги билимлар, замонавий ахборот технологиялари ва хизмат кўрсатиш усулларида намоён бўлади.

Инновациялар иқтисодиётни модернизациялашни, ишлаб чиқаришнинг техник ва технологик базасини узлуксиз янгиланишини, янги рақобатбардош

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00692

маҳсулотларни ўзлаштириш, товарлар ва хизматларнинг жаҳон бозорларига самарали кириб боришини таъминлашга йўналтирилади. Инновацион йўналишга асосланган иқтисодий ўсиш ривожланишнинг эволюцион натижаси бўлиб, унинг моҳиятини фундаментал фанлар, янги илмий ишланмалар, назарий ва амалий кашфиётлар, бошқарувнинг янгича усуллари ташкил этади. Бунда асосий эътибор иқтисодий фаолиятдан кутилаётган мақсад, унга эришиш йўллари, бу йўналишда рақобат муҳитининг мавқеи ва таъсирига қаратилмоғи лозим.

Жаҳонда хўжалик юритиш амалиёти ишлаб чиқаришда ва такрор ишлаб чиқаришни мунтазам ошириб боришда, иқтисодий тараққиётнинг барқарорлигини таъминлашда, ишлаб чиқарувчи кучларни тубдан янгилашда инновацияларнинг асосий харакатлантирувчи куч эканлигини исботлади. Шунга кўра, эндиликда жаҳоннинг барча мамлакатларида инновацион фаолият иқтисодий ривожланишнинг барча босқичларида барқарорликни таъминлаш асоси бўлиб хизмат қилади, унинг негизида мамлакат иқтисодий хавфсизлигини ҳимоя қилиш, моддий–техника базасини замонавий технологиялар асосида янгилаш, ишлаб чиқаришни тубдан модернизация қилиш имкониятлари яратилади. Фақат шу йўналиш негизидагина ишлаб чиқариш харажатларини камайиши, макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ижобий ҳолати кузатилади. Шу боис, асосий эътиборни иқтисодий-ижтимоий тараққиёт омили сифатида инновацион фаолиятга, унинг турли босқичлардаги ривожланиш даражасига, ахборот коммуникация тизимидаги ўзгаришларга ва уларнинг самарадорлигига қаратишимиз лозим.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мақоланинг назарий ва методологик асоси бўлиб, ахборот технологиялари соҳасида илмий - техникавий инновациядан фойдаланиш хусусияти соҳаси бўйича етакчи мутахассисларнинг меҳнатлари, шу билан бирга хориж олимларидан бу йўналишнинг назарий асослари жуда кўламли, серқирра бўлиб, унинг асосий хусусиятлари дастлаб кенг маънода ғарб иқтисодчиларидан П.Друкер, Дж.Залмен, Л.Д.Рейман, Д.Сахал, Б.Твисс, Й.Шумпетер ва Ўзбекистонда инновацион жараёнларнинг ривожланиши бозор иқтисодиёти шаклланиши билан боғлиқлиги туфайли кўтарилаётган масала мамлакатимиз учун алоҳида аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам инновацион фаолият юритиш, уни жараёнларини кучайтириш давлатимизнинг сиёсати даражасига кўтарилди.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00692

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон иқтисодчи олимлари - Ш.Р.Орифханов, Б.Б.Абдуллаев, Р.Я.Досумов, Т.К.Иминов, А.М.Қодиров, М.А.Маҳкамова, Р.М.Муҳитдинова, Х.А.Мамажанов, И.А.Тўхлиев, М.Л.Турсунхўжаев, О.Ҳ.Ҳикматов, М.Ш.Шарифхўжаев, Л.И.Шибаршова, А.Н.Арипов, Х.А.Мухитдинов, Т.З.Тешабаев, И.И.Искандаров, Д.И.Кокурин , М.А.Маҳкамова, Л.А.Соколова, И.С.Тўхлиев, А.Х.Хикматов, В.М.Шепелёв, Н.М.Юсупова, Б.Б. Абдуллаев, Т.Хасанова, ва бошқаларнинг асарларида техник тараққиёт иқтисодий ўсиш омили, саноат корхоналарини тубдан модернизация қилиш манбаи, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асоси сифатида ўрганилмоқда. Улар ҳам «янгилик киритиш», «янгилик» ва «инновация» сингари категорияларнинг турлича талқинларини берганлар. Уларнинг фикрича инновацияларни қатор белгилари бўйича туркумлаш зарур.

“Инновация” атамаси биринчи марта австриялик иқтисодчи Й.Шумпетер томонидан 1912 йилда «Иқтисодий ривожланиш назарияси» асарида таклиф этилган. Инновацион назариянинг энг асосий қоидалари хам ушбу асарда тўла асослаб берилган. У инновация деб ишлаб чиқариш соҳасида қўлланган янгилик ва у билан боғлиқ барча ўзгаришларни тушунган. Унинг фикрича, инновация фойда олишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланиб, ишлаб чиқаришнинг барқарорлигини таъминлаш, ривожланишни янада тезлаштириш манбасидир. Кейинчалик Й.Шумпетер рус иқтисодчи олими Н.Д.Кондратьевнинг “иқтисодий ривожланишнинг тўлқинли концепцияси” ни ўзинининг инновацион назарияси билан боғлади ва натижада у циклли ривожланиш назариясини шакллантирди. Бу назариянинг асосий харакатлантирувчи механизми сифатида, янгиликларни жорий этиш жараёнини ҳисоблади. Бу ерда харакатлар ёки тебранишлар сабабларини таҳлил эта туриб, олим иқтисодиёт фанида биринчи бўлиб ишлаб чиқариш омилларининг янги комбинацияларини ажратиб кўрсатди ва уларни куйидаги босқичлар кўринишида тавсифлади:

- янгилик, яъни истеъмолчиларга маълум бўлмаган неъматни ишлаб чиқариш ёки бирор неъматнинг янги сифатини яратиш;
- саноатнинг муайян тармоғида янги, амалда ҳали номаълум ишлаб чиқариш усулини жорий этиш. Бу усулнинг асосида янги илмий кашфиёт ётади ва у тегишли товарнинг тижоратда қўлланишининг янги усулидан иборат бўлиши мумкин;

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00692

- сотишнинг янги бозорини ўзлаштириш, яъни муайян мамлакат саноат маҳсулотларининг ҳозирга қадар иштирок этмаган, янги бозорларда сотилиш имкониятларининг яратилиши;
- хом-ашё ёки ярим тайёр махсулотларнинг янги манбаларини ўзлаштириш (бунда мазкур манбанинг аввал мавжудлиги аҳамиятли эмас);
- ишлаб чиқаришни қайта ташкил этишнинг самарали усулларини қўллаш, монопол мавқени таъминлаш (трестлар тузиш йўли билан) ёки бошқа корхонанинг монопол мавқеига барҳам бериш.

Бундай таснифнинг асосида “янгилик” тушунчаси ётади, у муайян тизимда ёки соҳада янгиликларнинг ёки уларнинг бирон-бир тўпламининг тебранишлари амплитудаси ва давомийлигини аниқлашга имкон беради. “Янгилик” бу ишлаб чиқаришни кенгайтириш, унинг самарадорлигини оширишга қаратилган маълум бир фойдали ўзгаришни назарда тутади ва шу маънода ушбу тушунча “ихтиро” тушунчасига жуда яқин. “Янгилик киритиш” – бу янги техника ва технологияни, ташкил этиш ва бошқаришнинг такомиллашган усулларини ўзлаштириш демакдир. “Инновация” эса – бу “маҳсулотлар, технологиялар, ташкилий шаклларнинг янги турларини ишлаб чиқишга, яратишга, тарқатиш ва фойдаланишга йўналтирилган фаолиятдир”. Бу йўналишдаги бошқа тадқиқотлар Й.Шумпетер кўрсатиб ўтган комбинацияларнинг барчаси инновацияларни, уларнинг пайдо бўлиш босқичлари, табиати ва қонуниятларини ўрганишда тўғри хулоса қилишга имкон беради.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Шуни қайд этиш лозимки, ҳозирги кунда ҳам ижтимоий-иқтисодий ривожланиш босқичларида бундай ёндашувнинг турли кўринишлари турлича шакл ва услубларда намоён бўлишини кузатиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси келажакда етакчи тармокларни модернизациялаш ва техникавий қайта қуроллантириш, барча соҳаларни замонавий ахборот технологиялар негизида доимий ривожлантириш, ахборот тизимини кучайтиришга қаратилган.

Фан-техника тараккиёти, илмий салоҳиятни ривожлантириш, иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида замонавий технологияларни, компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларини оммавий жорий этиш ва улардан фойдаланиш, аҳолининг ахборотга бўлган ошиб бораётган эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш, жаҳон ахборот ресурсларидан

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00692

фойдаланишни кенгайтириш ахборот технологиялари соҳасини ривожлантиришнинг асосий вазифалари ҳисобланади.

Ахборотлаштириш соҳасини инновацион йўналиш бўйича истиқболли ривожлантириш қуйидаги йўналишларда амалга ошмоқда:

-Телекоммуникациялар инфратузилмаси;

- Стационар ва мобил алоқа;
- Мобил алоқа бозори;
- Интернет тармоғи;
- Ахборот ва маълумотлардан фойдаланиш.
- Ахборот ресурслари;
- Салоҳият яратиш миллий сиёсати;
- Ахборот технологиялари соҳасида саводхонлик;
- Халқаро ва регионал ҳамкорлик;
- Ахборот технологияларидан фойдаланишда ишонч ва ҳавфсизликни мустаҳкамлаш;
- Ҳуқуқий-меъёрий базанинг ривожланиши;
- Электрон ҳукумат, АТ дан давлат бошқарувида фойдаланиш;
- Интерактив давлат хизматларини кўрсатиш;
- Давлат ахборот ресурслари ва тизимлари;
- Электрон тижорат;
- Электрон таълим;
- Электрон соғлиқни сақлаш;
- Электрон бандлик;
- Электрон атроф муҳитни муҳофаза қилиш;
- Оммавий ахборот воситалари;
- Ахборот жамиятининг этик жиҳатлари;
- Халқаро ва регионал ҳамкорлик ва бошқалар.

Маълумки инновацион фаолият корхоналарга рақобатда жиддий устунликлар беради, барқарорликни таъминлайди, бозордаги мавқенинг мустаҳкамланиши ва кенгайишига ёрдам беради. Технологик салоҳиятнинг кучайиши, янги технологик ишланмаларни мослаштира олиш қобилиятини ошириш бозордаги мавқенинг яхшиланишига ва иқтисодий стратегик жиҳатдан яққол кузатилаётган ижобий натижа билан сотиш ҳажмини кўпайишига олиб келади. Корхоналарнинг, бир томондан, инновациялардан бундай кучли манфаатдорлиги ва, бошқа томондан эса уларга боғлиқлиги инновацияларни узлуксиз такрор ишлаб чиқариш тизимини шакллантиради, ишлаб чиқариш ва

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00692

илмий техник фаолияти соҳалари ўртасидаги яқин ва самарали алоқани таъминлайди. Бундай масалалар ечимини таъминлаш корхоналар ва тармоқлар илмий-техник салоҳиятининг даражаси билан тўғридан-тўғри боғлиқдир.

Мамлакатимиз корхоналари учун инновацион жараёнларни амалга ошириш ва ривожлантиришга эҳтиёж авваламбор жаҳонда юз бераётган

иқтисодий инқироз шароитида иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши ва Ўзбекистоннинг жаҳон ҳўжалигига узвий кириб бориши зарурлиги билан белгиланмоқда. Буни натижаси ўлароқ Ўзбекистон ҳукуматининг бир қатор қарорлари инновацион стратегиянинг ривожланиши чора-тадбирларини белгилаб бермоқда.

Бозор иқтисодиётининг такомиллашиб бориши инновацион технологияларнинг хўжалик фаолияти юритувчи турли касб эгалари ва турли тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириб борувчи жараёнларнинг фаолиятига шароит яратиб беради. Уларнинг самарали меҳнати учун бу фаолият эгаларини қанчалик бозор хақида, рақобатчилари хақида, истеъмолчилар ҳақида ва ниҳоят талаб ва таклиф ҳақида қанчалик ахборотга эга бўлса, шунчалик самарали иш олиб боради. Бунда инновацион технологиялардан бўлган ахборот фаолияти катта роль ўйнайди.

Жахон иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш бўйича юртимизда қабул қилинган инқирозгага қарши дастурни бажарилишини таъминлаш мақсадида республикамиз ахборотлаштириш соҳасида инновацион технологияларни ривожлантириш қуйидаги асосий вазифаларни бажарилиши билан боғлиқ:

- соҳада модернизация жараёнини тезлаштириш, энергия тежайдиган янги техника ва технологияларни жорий этиш;
- ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш ҳамда хизматлар рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш;
- илмий-техника инновация ишларини молиялаш ва имтиёзли кредитлаш механизмларини такомиллаштириш;
- соҳада хизматларни янги турларини ривожлантириш;
- жалб этилган хорижий ва махаллий сармоялар миқдорини ошириш;
-қишлоқ жойларда соҳани инновацион ривожлантиришини таъминлайдиган хусусий бизнес ривожланиши учун қулай шарт шароит

ҳозирлаш, сервис инфратузилмасини янада ривожлантириш, янги иш ўринларини ташкил этиш борасида ишларни жадаллаштириш;

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00692

- ишлаб чиқариш жараёнини автоматлаштириш орқали иш хақи харажатларини камайтириш.

Бугунги кунда республика ахборотлаштириш соҳасини инновацион йўналиш бўйича истиқболли ривожлантириш телекоммуникациялар инфратузилмасини самарали шакллантириш, стационар, мобил алоқа ва Интернет тармоғида сифатли хизматларни ташкил этиш, ахборот ва маълумотлардан фойдаланиш бўйича хизмат кўрсатадиган Интернет провайдерларини сонини кўпайтириш орқали, истеъмолчиларнинг танлаш имкониятини ошириш ва рақобат муҳитини шакллантириш, халқаро йўналишлардаги ахборот алмашинуви ҳажмини (каналлар сонини) ошириш ва валюта тушумини кўпайтириш, соҳада илмий-техник салоҳиятни ривожлантириш бўйича миллий сиёсатни амалга ошириш каби вазифаларни бажариш билан боғлиқ.

Ривожланган мамлакатларнинг иқтисодиётда инновацион жараёнларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларини амалга ошириш бўйича тажрибаласидан фойдаланиш мамлакатимиз учун алоҳида аҳамиятга эга. Бу саноат, телекоммуникация ва бошқа бир қатор тармоқларда инновацион фаолиятни тартибга солиш ва рағбатлантириш тизимининг шаклланишига кўмаклашади. Мазкур масалани тадбиқ этишнинг долзарблиги республика корхоналарида илмий - техникавий ва инновацион сиёсатни амалга оширишда бошқарувнинг худудий-тармоқ органлари функцияларининг комплекс дастурларини ишлаб чиқишдан тортиб, ишлаб чиқаришда илмий - техник янгиликларни рўёбга чиқариш бўйича фаолиятининг тезкор масалаларини ҳал қилишгача кенгайиши шароитларида янада кучаяди.

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган илмий - техник сиёсат ва илмий - техник салоҳиятни сақлаб қолишга ва ривожлантиришга, бозор ислоҳотларининг чуқурлаштирилиши шароитларида мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишда саъий-харакатларни жамлашга қаратилган.

“Илмий - техникавий салоҳият” - жамият томонидан жамғарилган билимлар даражаси бўлиб, бу билимлардан илмий - техникавий ва таъминловчи моддий ва ташкилий шарт - шароитлар йиғиндиси сараланади. Илмий салоҳият «илмий тизимнинг ўз эҳтиёжларини ва у хизмат кўрсатаётган ижтимоий тизимнинг эҳтиёжларини қондира олиш қобилиятидир. Пировард илмий натижа эса, соф илмий маҳсулотни чиқариш, хусусан, бу маҳсулотдаги илмнинг ҳиссаси илмий салоҳиятни интеграцияловчи кўрсаткич бўлиб, хизмат

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00692

қилади”. Бу тушунча илмий - техник фаолиятни амалга оширишининг манбасини ва потенциал имкониятларини бирлаштиради.

Илмий - техникавий билимларнинг шаклланиши кишиларнинг интеллектуал ижодий ўрганиш ва билим олиш фаолияти ёрдамида юз беради. Бу фаолият ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, янги товарлар ва хизматлар яратиш, кишиларнинг ҳаёт шароитларини яхшилаш ва маданият даражасини ошириш, табиат ва жамиятнинг оқилона биргаликдаги фаолияти учун билимларнинг тўлдирилишини, тарқатилишини ва ишлатилишини таъминлайди.

Илмий - техника алоҳида динамизмга эга, унинг такрор ишлаб чиқарилиши ва ўстирилиши қисман ташқаридан ресурслар киритилиши билан, қисман салоҳият ўз фаолиятининг маҳсули бўлган ресурслар ҳисобидан таъминланади. Фундаментал фаннинг пировард натижалари (назария, кашфиёт, теорема, алгоритм ва бошқалар) товар шакли ва баҳога эга эмас балки амалий фан учун «хом - ашё» бўлиб хизмат қилади. Илмий - техника салоҳияти учун иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидан келиб тушаётган моддий ва пул ресурслари ташқи ресурслар ҳисобланади. Илмий тадқиқотлар ва техник ишланмалар бошланғич дақиқа холос. Пировардида эса иқтисодий ва ижтимоий натижаларга уларнинг ишлаб чиқариш ва истеъмол соҳасида ўзлаштирилиши туфайли эришилади. Илмий - техникавий салоҳият - бу:

- жамғарилган билимларнинг (ахборотнинг) йиғиндиси, уларни яратадиган, асрайдиган ва қўллайдиган бўлиб, у илмий - техника муассасаларининг ички ташкилий тузилмасини ҳам, илмий - тадқиқот ва тажриба - конструкторлик ишлари соҳасининг фан секторлари ва тармоқлар бўйича табақалаштирилган илмий - техника муасссаларини бирлаштирувчи миллий таркибий тузилмасини ҳам ўз ичига олади. Илмий - техникавий ютуқлар ва инновацион фаолият моддий бойликлар ўсишининг ва инсон капитали сифати юксалишининг бош манбалари ҳисобланиб, миллий бойликнинг интеллектуал - ахборот элементларининг - илмий - техникавий, инновацион, таълим ва маданий салоҳиятнинг жадал ривожланишини назарда тутади;

Фан ва техниканинг иқтисодиётда сифат силжишларини таъминловчи устувор йўналишлари асосида миллий иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш ва янгилаш илмий - техникавий салоҳиятнинг самарали шакллантирилиши ва ишлатилишини тақоза этарди. Илмий - техникавий салоҳиятнинг ҳар бир таркибий қисми ўзининг мустақил мазмунига эга ва улар бир хил аҳамиятли эмас ҳамда бир - биридан мустақил эмас. Инсон

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00692

потенциалидан иборат таркибий қисми - янги билимлар (ахборот) генераторидир. Айна пайтда илмий - техникавий салоҳиятнинг бошқа таркибий қисмлари, асосан таъминловчи вазифаларини бажарадилар. Илмий - техникавий салоҳият муайян таркибий қисмнинг устун равишда ўсиши, шу пайтнинг ўзида бошқаларининг чекланиши ёки қисқартирилиши ҳолида шакллантирилиши мумкин. Ахборот таъминоти даражасини ошириш персоналдан иборат таркибий қисмининг қисқартирилишига ёрдам беради ва бу кучни хизмат кўрсатиш соҳаларига сафарбар этади.

Илмий - техникавий салоҳият ҳар қандай депитеграциялашган тизимнинг характеристикасидир: глобал тизим, дунёнинг алоҳида минтақаларидан иборат тизим, мамлакатлар, мамлакат минтақалари ёки унинг иқтисодий тармоқлари, алоҳида корхона ёки илмий - техник ташкилотлари иерархиясининг ҳар қандай даражаси илмий - техникавий салоҳияти бошқаларидан бутунлай ажратилган эмас. Зеро илмий - техникавий салоҳиятларнинг алоҳида таркибий қисмлари ўртасида мунтазам айирбошлаш содир бўлади ва натижада у ҳар бир тизимнинг илмий - техникавий салоҳиятини ривожланишига олиб келади. Бундай эркин айирбошлаш фунтаментал тадқиқотларни ва амалий, илмий - тадқиқот ва тажриба - конструкторлик ишларини натижаларига тааллуқли. Пировард маҳсулотларни яратувчи тармоқнинг илмий - техникавий салоҳияти муқаррар равишда унга ресурслар (технологик ускуна, хом-ашё ва материаллар ва бошқалар) етказиб берувчи тармоқларда пайдо бўлган илмий - техникавий янгиликларни ўз ичига олади. Ўз навбатида ишлаб чиқариш воситаларининг техникавий даражаси уларни тайёрловчи тармоқларнинг илмий - техникавий салоҳияти билан белгиланади, бу салоҳият эса фундаментал ва амалий фаннинг ривожланишига боғлиқ.

Миллий иқтисодиётнинг тармоқлар ва соҳаларга бўлиниши илмий - техника салоҳиятларининг тармоқ ва минтақавий таркибини белгилайди. Тармоқ таркиби моддий ишлаб чиқариш тармоқлари, ноишлаб чиқариш соҳасининг илмий - техника базасини, уларга кирувчи ташкилотларнинг илмий - техника салоҳиятларини ўз ичига олади. Минтақавий таркиби эса мамлакатнинг (республика, иқтисодий минтақалар, вилоятлар, шаҳарлар) маъмурий ва иқтисодий бўлинишига мувофиқ ҳолда тавсифланади. Илмий - техникавий салоҳият бозор ислоҳотларига қадар амалда мавжуд бўлмаган, яъни мулкчилик шакллари бўйича туркумланишига эга. Бунга боғлиқ ҳолда давлат мулки ва хусусий мулкнинг илмий - техникавий салоҳиятлари ҳақида сўз юритиш мумкин.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00692

Илмий - техникавий салоҳиятларнинг бир-бирига кириб бориши ва бойитиши минтақа даражасида ҳам кузатилади. Минтақанинг илмий - техника салоҳияти кўпинча ўзининг ҳудудида жойлашган илмий-муассасалар ва лойиха-конструкторлик бозорлари ҳисобига эмас, балки бошқа минтақаларнинг илмий - техника салоҳиятлари жамғарган ютуқлар ҳисобига шаклланади. Давлатлараро даражада эса халқаро меҳнат тақсимоти миллий илмий - техника салоҳиятларининг ўзаро биргаликдаги харакатига кўмаклашади.

Илмий - техника салоҳиятининг сифат кўрсаткичлари фундаментал фаннинг ривожланиши даражасини баҳолашга имкон беради. Бунда малакавий таркиб, илмий - тадқиқот ва тажриба - конструкторлик ишларининг ва янги техника намуналарининг жаҳон даражасига мувофиқ келувчи ёки ундан ўзиб кетганлари ҳиссасини, шунингдек илм талаб хизматлар ва номоддий активларни умумий аниқлангач, амалий фан даражаси каби кўрсаткичлар ишга солинади.

Илмий адабиётда илмий - техника салоҳиятини тавсифлаш учун алоҳида таркибий қисмлари (персонал, моддий - техника базаси) тавсифларидан ва молиялаш кўрсакичларидан фойдаланилади. Жами жорий харажатлар ва салоҳиятининг умумийлаштирувчи баҳоси сифатида фундаментал ва амалий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг эскириши турли муддатларини ҳисобга олган ҳолда илмий - тадқиқот ва тажриба - конструкторлик ишларига жамғарилган харажатлар кўрсаткичи қўлланилади.

Илмий - техникавий фаолиятнинг молиявий таъминоти уни тавсифласа ҳам, тўла маънода у илмий - техникавий салоҳиятнинг таркибий қисми ҳисобланмайди. У ривожлинишнинг иқтисодий омиллари томонидан яратилаётган имкониятларини акс эттиради ҳамда илмий - техника салоҳиятининг ва унинг алоҳида таркибий қисмларининг ўсишига кўмаклашади.

Илмий - техника салоҳияти моддий - техника базасининг ривожланиши илмий муассасаларнинг ускуна ва асбоблар миқдорини тўлдирилиши билангина эмас, балки уларнинг юқори сифатга эга бўлганликлари билан ва аввало, махсус ва уникал ускуна ва асбоблар билан жиҳозланишига боғлиқ.

Илмий - техника салоҳиятнинг моддий ресурсларини характерловчи кўрсаткичларга асбоблар ва қурилмалар билан таъминланганлик, ахборот инфраструктураси ривожланиши даражаси, ускуналарнинг техник даражаси ва хизмат қилган муддати киради.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00692

Ҳозирги пайтда статистик ҳисоботлар асосий фондларнинг бинолар ва иншоотлар, машиналар ва ускуналар, транспорт воситалари сингари элементларини ажратиб кўрсатган ҳолда фақат қиймат кўринишидаги маълумотларни олишга имкон берди. Амалдаги ҳисобни муҳандислик, ишлаб чиқариш ва илмий ускуналар ҳақидаги маълумотлар билан тўлдириш лозим. Илмий ускуналар ҳақидаги маълумотлар (ускуналар таркибига тадқиқот ускуналари ва қурилмаларини, мураккаб ва уникал ўлчов ва синов асбоблари ва ускуналарини, ҳисоблаш техникани махсус ўлчов асбоблари ва ускуналарини, умумий мақсадлардаги ўлчов асбобларини, ташкилий ва нусха кўпайтириш техникасини киритиш зарур) ускуналарнинг ҳар бир тури бўйича қиймат ва миқдор ифодасида берилиши керак. Шунингдек, маълумотларда уларнинг тавсифи ва ишлатилганлик даражаси акс эттирилиши зарур.

Илмий - техникавий фаолиятнинг моддий ишлаб чиқаришдан фарқ қилувчи ўзига хос хусусияти (табиий ресурслар кам сарфланиши, ахборот ресурсларининг юксак роли, кадрларнинг табиий қобилиятлари, маълумот даражаси ва малакасининг ҳал қилувчи аҳамияти) расмий ва норасмий бирлашмаларнинг (институтлар, жамиятлар, кенгашлар, уюшмалар, ҳайъатлар, конгресслар, семинарлар ва бошқалар) фаолияти ҳақидаги ахборот ва ахборот каналларига (нашриётлар, нашрлар, журналлар, тўпламлар, маълумотлар базалари ва ҳ.к.) киришнинг таъминланишини назарда тутади. Илмий - техника фаолиятининг энг муҳим ресурси - илмий - техника ахборотидир. Чунки банкдан маълумотлар олиш янги тадқиқотлар ўтказишга қараганда 2-3 марта афзалроқдир.

Ахборот илмий - техник фаолият жараёнида иккиёқлама роль ўйнайди: биринчидан, у ҳар қандай тадқиқот иши учун бошланғич материалдир, иккинчидан, у - илмий - тадқиқот ва тажриба - конструкторлик ишининг натижаси. Ишлаб чиқаришда инновацион фаолият ва илмий - техника фаолияти натижаларидан фойдаланиш ахборотнинг узатилиши асосида амалга оширилади. Ҳозирги пайтда илмий - техника салоҳиятининг ахборот ресурсларини комплекс миқдорий баҳолаш амалга оширилмайди. Ахборотни қайта ишлаш воситалари илмий - техникавий фаолиятни муҳим равишда интенсивлаштиргани учун илмий - тадқиқот ва тажриба - конструкторлик ишларини бажарувчи муассасалар асосий фондларининг актив қисмида ИКТ ускуналари қийматининг усишини ҳисоблаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Илмий - техникавий билимларни сақлаш ва тарқатишда ахборот тизимлари энг муҳим роль ўйнайди. Улар илмий - техникавий ахборотни

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00692

йиғадилар, қайта ишлайдилар ва сақлайдилар, олимлар, мутахассислар ва менежерлар орасида уни тарқатадилар. Фан ва техника ривожланишининг ҳозирги жаҳон даражасида ўн минглаб илмий - тадқиқот ва конструкторлик ташкилотларининг мавжудлиги ва ахборот айирбошлаш тобора кўпроқ равишда илмий - тадқиқот ва тажриба - конструкторлик ишларининг сифати, муддатини ва ўтказилиши харажатларини белгилаб бермоқда. Бунга фанларнинг бир - бирига кириб бориши ва фанлараро тадқиқот ишланмаларининг амалга оширилиши тезлашуви тенденцияси ҳам таъсир этмоқда. Айнан ахборот олдинги босқичларда олинган натижаларга ва илмий - тадқиқот ҳамда тажрибаларга боғлиқ равишда илмий - тадқиқот ва тажриба - конструкторлик ишларига ўз вақтида тузатишлар киритишга имкон беради. Ахборот фаолияти илмий - техникавий фаолиятнинг алоҳида тури сифатида ажралиб чиқди. У ўзига хос технология ва техник воситаларни қўлловчи ихтисослашган ахборот хизматлари ва тизимлари кўринишида ифодаланган тадқиқотчилар, ишланмаларни бажарувчилар (конструкторлар ва лойиҳаловчилар), инновацион соҳа ходимлари ва ишлаб чиқариш мутахассисларининг ахборот таъминоти даражаси илмий - техника салоҳияти ривожланиши ва ундан самарали фойдаланишга таъсир этади.

Ҳозирги пайтда бозорларнинг жадал глобаллашуви шароитларида инновацион соҳада таҳлилий тадқиқотларни ахборот таъминотининг роли муҳим равишда ортди. Ахборотлаштиришнинг анъанавий йўналишлари билан бир қаторда, масалан, илмий тадқиқотларни олиб боришнинг ахборот таъминоти, ахборотлаштиришнинг қатор долзарб йўналишлари ва уларга мувофиқ келувчи йўналишлари пайдо бўлди. Бу йўналишлар фан ва технологиялар соҳасидаги ҳозирги ва яқин йилларга башорат қилинаётган ўзгаришларни ўзида акс эттиради.

Жаҳон миқёсида иқтисодиётнинг жадал ривожланишининг асосий омилларидан бири инсонларни, институтларни ва давлатларни ўзаро боғлайдиган тармоқларга айланаётган ахборот асрининг шаклланиши ва бунга боғлиқ равишда инсонлар ва жамият ҳаётидаги ахборот алмашувини кучайишидир.

Ахборот технологиялари АТ маҳсулотлари халқаро савдоси, жаҳон бозорининг тез суръатларда кенгайиши муҳим тенденциясига айланди. АТ бозори жаҳон хўжалигининг анча динамик ва кенг сиғимли секторига айланди ва бу мазкур соҳада халқаро рақобатнинг кучайишига ҳамда кўплаб давлатларнинг глобал АТ саноатидаги етакчиликни таъминлаш учун

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00692

коммуникацияни ривожлантиришда илмий изланишни ташкил этишга, АТ маҳсулотлари инновацияси ва тадбиқ этилишига харажатларни кўпайтиришига олиб келди.

Глобаллашув шароитида давлат ва улар иқтисодиёти илмий-техникавий салоҳиятининг мухим таркибий қисмларидан бири бу ахборот ва уни таъминлаб берувчи ахборот технологияларидир.

Тахлилиларимиз асосида, замонавий глобаллашув жараёнларининг талабидан келиб чиқиб, илмий-техникавий салоҳиятнинг таърифига қўшимча янгича талқинини, яъни ахборот технологиялари мазкур салоҳиятнинг ажралмас қисми эканлигини таърифлаймиз.

Ахборот технологияларини замонавий илмий-техникавий салоҳиятнинг ажралмас таркибий компонентларидан бири эканлиги деб хисоблашимизда, биз аввало уларнинг замонавий ва глобал хусусиятларига ва миллий иқтисодиётнинг ривожланишидаги алоҳида ўрнига эътибор бердик. Бугунги кунда ахборот технологиялар иқтисодиётнинг кўплаб тармоқларида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Алоҳида компанияларнинг ва миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги, мамлакатнинг ички ва хорижий инвесторлар учун жозибадорлиги кўп жиҳатдан ахборот инфраструктураси ривожланиши даражасига боғлиқ.

Ахборот технологиялар иқтисодий ва жамият ривожланишининг энг муҳим компонентларидан бирига айланди, у йил сайин алоҳида мамлакатларнинг глобал рақобатбардошлигини кўпроқ даражада белгилаб бермоқда.

Изланишлар натижасида ахборот технологиялар соҳасида илмий техникавий салоҳиятни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларини қуйидаги 3 босқичга бўлиш мумкин:

**1. Шаклланиш даври** – бу давр мустақиллигимизнинг дастлабки йилларни ўз ичига олиб, унда миллий алоқа ва ахборот технология соҳасини шаклланиши, давлат ахборот ресурслари салоҳиятини шакллантириш, миллий ахборот тизимларини яратиш ҳамда ривожлантириш, ахборотлаштириш ва телекоммуникация соҳасида қонунчилик базасини дастлабки асосларини яратиш, соҳани техник-технологик жиҳатдан таъминлаш даврларини ўз ичига олади;

**2. Ривожланиш даври** – бу миллий ахборот технология соҳасининг ривожланишининг дастлабки даври бўлиб, унда республикаси телекоммуникация тармоғини ривожлантириш, халқаро ахборот тармоқлари ва

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00692

Интернет хизматларидан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш, телекоммуникация хизматлари бозорини шаклланиши, жаҳон ахборот тармоғидан эркин фойдаланишни йўлга қўйиш учун шароит яратиш, миллий маълумотлар узатиш тармоғини шакллантириш ва ривожлантириш, мобил алоқа хизматларини кенг тарқалиши ва ривожланиши, иқтисодиёт тармоқларида ахборот технологияларини кенг қўллаш ва соҳага хорижий инвестицияларни ва замонавий инновацион технологияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш жараёнлари билан характерланади;

**3. Глобаллашув даври** – бу давр ҳозирги вақтда жамиятни ахборотлаштириш даврини ўз ичига олиб, у иқтисодиётнинг барча тармоқларига ахборотлашувни кенг кириб бориши, ахборот ва уни таъминловчи технологиялар корхоналар рақобатбардошлигини асоси бўлиб қолиши, у глобал ахборот тармоқларининг жаҳон бозорида барқарор ишлашини таъминлаш, Интернет тўри тармоғининг глобаллашуви ва жахон, давлатлар иқтисодиётнинг барча тармоқларига ахборот технологиялари тизимининг интеграциялашуви билан характерланади.

## ХУЛОСА

XXI асрда глобал ахборот жамиятига ўтиш даврида Ўзбекистоннинг замонавий миллий иқтисодиёти самарадорлигининг асосини, табиий ва меҳнат ресурслари билан бир қаторда, мамлакатнинг инновацион салоҳияти ташкил этади. Ундан фойдаланиш постиндустриал ахборот жамиятига ўтишга имкониятларни очиб беради.

Ахборот технологиялари имкониятларининг ўсиши Ўзбекистонга ҳам таълуқлидир. Ахборот технологиялар бозорини ривожлантириш бўйича муҳим чора - тадбирлар амалга оширилди, ҳисоблаш техникаси ва телекоммуникация воситалари импорти тез ўсмоқда. Республикада телекоммуникациялар секторлари жадал суръатларда ривожланмоқда. Сўнгги йилларда хорижий мамлакатларга ҳам чиқувчи каналлар сони бир неча марта ортди, бу биринчи навбатда Ғарб компанияларининг йирик инвестиялари ҳисобига юз берди, телефон каналлари сони тез ортмоқда.

Бугунги кунда республика ахборот технология соҳасини инновация йўналиши бўйича истиқболли ривожлантириш телекоммуникациялар инфратузилмасини самарали шакллантириш, стационар, мобил алоқа ва Интернет тармоғида сифатли хизматларни ташкил этиш, ахборот ва маълумотлардан фойдаланиш бўйича хизмат кўрсатадиган Интернет

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00692

провайдерларини сонини кўпайтириш орқали, истеъмолчиларнинг танлаш имкониятини ошириш ва рақобат мухитини шакллантириш, халқаро йўналишлардаги ахборот алмашинуви хажмини (каналлар сонини) ошириш ва валюта тушумини кўпайтириш соҳада илмий-техник салоҳиятни ривожлантириш бўйича миллий сиёсатни амалга ошириш каби вазифаларни амалга ошириш билан боғлиқ.

Ўзбекистоннинг илмий-техникавий салоҳияти махаллий илмий мактаблар, тармоқларнинг моддий-техника, кадрлар ва ахборот базалари маълумотлари, кампаниялар, илмий-техника муассасалари ва олий ўқув юртларининг статистик ҳисоботлари маълумотларидир.

Илмий адабиётда илмий - техникавий салоҳиятни тавсифлаш учун алоҳида таркибий қисмлари (кадрлар, моддий - техника базаси) тавсифларидан ва молиялаш кўрсакичларидан жами жорий харажатлар ва салоҳиятининг умумийлаштирувчи баҳоси сифатида фундаментал ва амалий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг эскириши турли муддатларини ҳисобга олган ҳолда илмий - тадқиқот ва тажриба - конструкторлик ишларига жамғарилган харажатлар кўрсаткичи қўлланилади.

Глобаллашув шароитида давлат ва улар иқтисодиёти илмий-техникавий салоҳиятининг мухим таркибий қисмларидан бири бу ахборот ва уни таъминлаб берувчи ахборот-коммуникация технологияларидир.

Тахлилиларимиз асосида, замонавий глобаллашув жараёнларининг талабидан келиб чиқиб, илмий-техникавий салоҳиятнинг таърифига қўшимча янгича талқинини, яъни ахборот технологиялари мазкур салоҳиятнинг ажралмас қисми эканлигини таърифлаймиз. Ахборот технологияларини замонавий илмий-техникавий салоҳиятнинг ажралмас таркибий компонентларидан бири эканлиги деб хисоблашимизда, биз аввало уларнинг замонавий ва глобал хусусиятларига ва миллий иқтисодиётнинг ривожланишидаги алоҳида ўрнига эътибор бердик.

## REFERENCES

1. А.Н.Арипов. Ахборот-коммуникациялар соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш муаммолари. – Т.: Автореферат и.ф.н.дисс., 2004
2. А.Н.Арипов, Т.К.Иминов Ўзбекистон ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси менежменти масалалари. – Т.: Фан ва технология, 2005, 92-101б.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00692

3. Абдираимов И., Муминов Р., Маленова С., Малый инновационный бизнес: факторы устойчивого развития. // Экономический вестник. Узбекистан, 2000, № 4.
4. Махкамова М.А. Новые подходы в развитии инновационной деятельности Узбекистана. Сборник МГУ им. Ломоносова, №3, Москва, 2002
5. Махкамова М.А. Рыночная стратегия инновационной деятельности промышленных предприятий. Вестник ТашГТУ, №1., Ташкент, 2002
6. Афонин И.В. Инновационный менеджмент. – М.: Гардарики, 2005.
7. Абрютина М.С. Экономика предприятия. – М.: «Дело и сервис», 2004.
8. Абулқосимов Ҳ.П., Раҳимова Д. ва бошқалар. Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бошқариш. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт матба ижодий уйи, 2007.
9. Бусыгин А.В. Эффективный менеджмент. – М: Финпресс, 2004.
10. Виханский О.С., Науров А.И. Менеджмент. – М.: Экономика, 2004.
11. Веснин В.Р. Основы менеджмента. – М.: Элит, 2004.
12. Воронина Э.М. Менеджмент предприятия и организации. – М.: МГУ, 2004.
13. Герчикова И.Н. Менеджмент. – М.: Питер, 2007.
14. Герасименко В.В. Основы менеджмента. – М.:ТЕНС, 2004.
15. Джумаев З.А. Муниципальная экономика. – Т.: Евразия, 2003.
16. Дафт Р. Менеджмент. – М.: Питер, 2004
17. Егерев И.А. Стоимость бизнеса: Искусство управления. – М.:Дело, 2003.
18. Евенко Л.И. Организация как система. Теория амерканского
19. Забелин П.В., Моисеева Н.К. Основы стратегического управления. – М., ИВЦ «Маркетинг», 1997. –195 с.
20. Идрисов А.Б., Картышев С.В., Постников А.В. Стратегическое планирование и анализ эффективности инвестиций. - М., Филинъ, 1996.-272 с.
21. Иванов М., Колупаева С., Кочетков Й. США: управление наукой и нововведениями. –М., Наука, 1990. –214 с.
22. Инвестирование в инновационный бизнес: мировая практика – венчурный капитал / Сост. И общ. Ред. Н.М.Фонштейн. –М., Дело, -1996. –172 с.

ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 4 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00693

# ЎСМИР БОЛА ВА ОТА-ОНАЛАР ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР ПСИХОЛОГИЯСИ

**Зебо Тоғайназаровна Мўминова**
Ўзбекистон Миллий университети магистратранти

## АННОТАЦИЯ

Мақолада оилада ўсмир бола ва ота-оналар ўртасидаги муносабатлар оилавий маданиятга боғлиқ эканлиги, яъни, оилада ёшларни комил инсон қилиб тарбиялашдек юксак ва маъсулиятли вазифа юклатилганлиги, ота – онанинг фарзандлар тарбиясига ўта маъсуллиги, оилада ўрнатилган намунали тартиб ва ижобий урф-одатлар болалар тарбиясига таъсир этиши тўғрисида фикр билдирилган.

**Калит сўзлар:** психология, бола, тарбия, оила, педагогика.

# THE PSYCHOLOGY OF THE RELATIONSHIP BETWEEN TEENAGERS AND PARENTS

## ABSTRACT

The article emphasizes that the relationship between adolescents and parents in the family depends on the family culture, that is, the high and responsible task of raising young people in the family as a full-fledged person, the extreme responsibility of parents in raising children, exemplary family discipline commented on.

Keywords: psychology, child, upbringing, family, pedagogy.

## КИРИШ

Маълумки, ёш авлод тарбияси жуда сермашаққат иш бўлиб, айниқса, ўсмирлик даври тарбияси ўзига хос хусусиятга эга. “Бола билан мулоқат қилиш санъатидан-да мураккаб санъат йўқдир” , деб ёзган машхур полшалик педиатр ва педагог Януш Корчак. Болалар билан ота-онанинг, умуман, катталарнинг мулоқати ва муносабати, айниқса, болалар ўсмир ёшига етганда ўта мураккаблашади, мулоқотнинг нозик қирралари кўпаяди. Педагоглар ва психологлар, сотциологлар ва физиологлар, психиаторлар ва ҳуқуқшунослар – барча бир овоздан ўсмирлик даври инсон ҳаётидаги мураккаб ва инқирозли давр эканини тан оладилар. Мазкур даврни шахс шаклланишининг асосий босқичларидан бири деб ҳисоблайдилар.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00693

## АДАБИЁТЛАР МУҲОКАМАСИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Машҳур немис психологи ва файласуфи Э.Шпрангер ўсмирлик ёшининг маданий – психологик консепциясида ривожланишнинг уч тури мавжудлигини ажратиб кўрсатган бўлиб, улар қуйидагилардан иборатдир:

Биринчи тур – кескин кризисли, шиддатли кечади ва ўсмир ўзининг иккинчи туғилишини ҳис этади, оқибатда янги “Мен” вужудга келади.

Иккинчи тур – ўсмирнинг катталик ҳаётида босиқлик, сокинлик узлуксиз сезилиб туради, унинг шахсиятида чуқур ва жиддий ўзгариш рўй бермайди.

Учинчи тур – бу ривожланишнинг шундай босқичики, ўсмир ўз ички кечинмаларини ва кризисларини маътонат билан енгиб, ўзини фаол англаган ҳолда шакллантиради ҳамда тарбиялайди. Дарҳақиқат, тиббиётчиларнинг аниқлашича, ўсмирлик даврида бола организмида катта ўзгаришлар юз беради. 12-13 ёшдан 16-18 ёшгача давом этадиган бу даврда жинсий безлар етилиб, ишлай бошлаши организмдаги барча жараёнларнинг кечишига, жумладан, вегетатив ва марказий нерв системасига таъсир қилади. Шу ёшга хос асаб ва эндокрин системасининг беқарорлиги натижасида ўсмирларда ҳам жисмонан, ҳам руҳан зўриқиш юз беради.

Ота-оналар ва педагоглар ҳамда тарбия билан шуғулланувчи бошқа кишилар ўсмирлар тарбияси ва таълимда худди шу ҳолатларни ҳам инобатга олишлари зарур. Суяклар ўсиши ва ўпка, юрак каби зарур органланинг жадалликда катталашиши, мия ва асаб тизимининг ривожланиши каби анатомик-физиологик ўзгаришлар ўсмирнинг бутун руҳий фаолиятини шиддатли тарзда мураккаблаштиради.

Психолог П.И.Левентуевнинг фикрича, бу даврда тормозланиш жараёнига қараганда, уйғониш жараёнлари кучли суръатда содир бўлади. Кўпинча ўсмирларда кузатиладиган ўзини тута билмаслик, бирдан жўшиб кетиш ҳар нарсага майл билдириш, қизиқиш ва манфаатдорликдаги беқарорлик, баъзан ишчан ва баъзан “бекордан-бекорга дангаса бўлиб қолиш”, ҳолатларнинг асл сабаби ҳам шундадир. Ўсмирлик даврини инқирозли даврга айлантириб қуядиган сабаблар жуда кўп (болаларнинг жинсий етилиши, уларда катталик ҳисининг пайдо бўлиши ва ривожланиши, мустақилликка бўлган эхтиёжининг кучайиши ва ҳ.к). Бироқ фарзанднинг “тилини топа олмаётган” у билан психологик алоқа ўрнатишга қийналаётган хар бир ота-онани фарзандидаги ўзгаришларнинг сабабларидан кўра шундай вазиятларда қандай йўл тутиш кераклиги, нима қилиш мумкинлиги кўпроқ қизиқтиради. Шу туфайли ушбу мақолада асосий урғу ўсмир ёшидаги болалар ва ота-оналар

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00693

ўртасидаги психологик алоқани, мулоқатни яхшилаш учун нималар қилиш мақсадга мувофиқлигига қаратилди. Аввало, шунга эътибор қаратиш керакки, ўсмирлик ёшида ота-онанинг бола кўз ўнгидаги мавқеи бир мунча пасаяди. Мактабгача ёш даврида, кичик мактаб ёшида ота-онасини энг кучли, ақлли ва чиройли деб ҳисоблайдиган болалар ўсмирлик ёшига етиб, аслида уларнинг ота-оналарида ҳам талай камчиликлар борлигини пайқай бошлашади. Умуман, бу даврда тендошлар мавқеи ошиб, катталарга нисбатан танқидчан муносабат кучаяди.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ота-она ва ўсмир бола ўртасида вужудга келувчи низоларга кўпинча қуйидагилар сабаб бўлади: боланинг дўст ва ўртоқ танлашда адашиши, турли жойларга ва тадбирлага кўп бориши ҳамда у ерларда узоқ қолиб кетиши, кийиниши ва ташқи кўринишда антиқа ўзгаришлар қилиши, уй юмушлари бўйича турли топшириқларни бажармаслиги ёки айтиландай бажармаслиги, ака-укалар ва опа сингиллар тортишишлари, ота-она ва катта авлод вакилларига нисбатан ҳурматсизликни очиқ намоён этиши.

Ўсмир бола ҳамда ота-она ўртасидаги низо тушунмовчиликлардан бутунлай холи бўлган бирор оилани топиб бўлмайди. Аммо тадқиқотлардан маълум бўлишича, жуда жиддий низолар 15-20 % оилалардагина рўй беради. Ўртадаги низоларга қарамай кўпчилик ўсмирларга ота-оналарга ишонч, ҳурмат юқори даражада сақланиб қолади, ўсмир ота-онанинг мақтовларини ҳамда эътирофларини жуда юқори даражада қадрлайди. Мана шундай қадрни, ҳурматни, муносабатлардаги илиқликни сақлаб қолиш, мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун психолог мутахассис ота-она ҳамда фарзанд ўртасидаги психологик алоқни яхшилаш мақсадига хизмат қилувчи ушбу тавсияларга қулоқ тутиш айни муддао бўлади:

1. Ота-она ва фарзандининг хулқ-атвори юзасидан ўзининг муносабатини билдирмоқчи бўлганда, “Сен--хабар” услубидан эмас, “Мен-хабар” услубидан фойдаланган маъқул. Бу дегани “Сен кеча айтганимни қилиб қўймабсан”, “Сен нега доим одамни жавдиратасан”, “Сен қаердан топдинг бу қилиқни” каби мулоҳазалар ўрнига “Мен кеча айтганимни қилиб қўймаганингдан бироз ранжидим”, “Мен хеч тушунмайман нега одамни жавдиратаверасан”, “Мен билмадим, бу қилиқни қаердан топдинг” каби мулоҳазаларни ишлатиш керак. Зеро, бу болага бўлган ҳурмат ва ишончни намоён этади, ўртадаги қарама-қаршиликни анчагини сусайтиради.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00693

2. Ота-она боланинг бирор фикрини маъқулламоқчи бўлганда, шунчаки “ҳа” ёки “майли” деб айтишдан кўра қуйидаги турдаги мулоҳазалардан фойдалангани маъқул: “Агар сен шундай қилишни хоҳлаётган бўлсанг....”, “Майли, сен айтгандай бўлсин”, “Сенинг бундай қилишингга мен қарши эмасман”, “Буни мен эмас, сен ҳал этасанку”. Зотан, бу ота-она болага мустақил шахс сифатида ишонаётганини, унинг шахсий мустақиллигини тан олаётганлигини кўрсатади.

3. Ота-она фарзандига ниманидир тақиқламоқчи бўлганида, қуйидаги мулоҳазаларни берилган кетма-кетликда билдирадиган бўлса, бола тақиқни унчалик оғир қабул қилмайди:

а) ота-она болада муайян истак пайдо бўлгани ўринли эканини тан олади – “Биз бугун кинога боргинг келаётганини яхши тушуняпмиз”;

б) ота-она боланинг бирор ҳаракати бўйича тақиқни аниқ белгилайди – “Лекин биз сенга рухсат бера олмаймиз, чунки эртага мактабга тайёрлаб боришинг керак бўлган вазифаларинг кўп”;

д) ота-она болага ўз истагини бошқа холатда амалга ошириш имконияти тўғрисида айтиб “Шанба куни эса бўш вақтинг кўпроқ бўлади, эҳтимол шу куни бориш тўғри бўлади”;

с) ота-она болага оилада хукм сурувчи тартиб қоидаларга норозилик билдириши учун ёрдам бериб юборади – “Шубҳасиз, сен бундай таклифлар бўлишини хоҳлардинг”, “Албатта, ҳозир рухсат бермаётганимиз сенга ёқмаяпти”, “Балки, биз умуман нотўғри қиляпмиз деб, ҳисоблаётган бўлсанг ажаб эмас”.

Энг муҳими, айтилаётган тақиқлар бола шаънини камситмайдиган шаклда билдириши керак. “Ўзинг яхши биласан, иш кунлари кинога борганда, бошқа муҳим ишлар қолиб кетиши мумкин”, деб айтган маъқул.

4. Ота-она бола улғайиб блрган сайин оилавий муҳокамаларда унинг овози ҳам аста-секин кўп нарсаларни хал этадиган даражага етиши учун шароит яратиш керак. Турли муаммоларни мухокама қилишда, баҳсларда ота-она ўзини ноҳақлигини тан олишдан қўрқмаслиги лозим. Борди-ю ўртада низо юзага келса, ота-она биринчи бўлиб, муросага келиши мақсадга мувофиқ. Бунда ота-она ўз фикрларини “Кечирасан, мен сени яхши тушунмадим шекилли. Бироз қизишиб, айрим кераксиз нарсаларни айтиб юборганга ўхшайман. Ҳозир мен бироз шошганимни биляпман, сени тушунишни жуда-жуда хоҳлайман. Қани кел, бир бошидан катта одамлардек гаплашиб оламиз” деган сўзлар билан бошлагани маъқул.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00693

## ХУЛОСА

Бир сўз билан айтганда, бола билан мулоқатда ота-онадан хақиқий ижодкорлик, эгилувчанлик муносабат, тоғдек бардош талаб қилинади. Фарзанд билан алоқани, эркин ва самимий мулоқатни йўқотиш фарзанднинг ўзини йўқотиш билан баробарлигини вақтида англаб етиш айни муддаодир.

## REFERENCES

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т “Маънавият”.55 – 56 б.
2. МуҳаммадДўст М., Мусурмонова О., Рисқиев Т. вабошқалар. Соғлом авлод - бизнинг келажагимиз Т. Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти. 2000й.27 б.
3. Э.Ғ.Ғозиев.Социал психология.”Ношир” наштиёти. Тошкент. 2012 й.175 бет.
4. Ҳ.Узоқов.Э.Ғозиев.А.Тожиев. Оила этикаси ва психологияси “Ўқитувчи”. Тошкент. 89 бет

ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 4 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00694

# ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА КОРПОРАЦИЯЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ

**Шахзод Хаятович Максудов**
Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети
мустақил изланувчиси
shaklaser@gmail.com

## АННОТАЦИЯ

Ушбу илмий мақолада саноат корхоналарини иқтисодий -ижтимоий ривожланишга инновацион ва интеграцион янгиликларни жалб этилиши хамда корпорацияларнинг жахон тажрибаладан фоийдаланишнинг ўз ўрни борлигини кенг тарзда кўрсатилган.

**Калит сўзлар:** инновацион, интеграцион, интеграцион, саноат, корпорация.

# WORLD EXPERIENCE OF CORPORATE ACTIVITIES IN THE CONTEXT OF ECONOMIC AND SOCIAL MODERNIZATION

## ABSTRACT

This scientific article highlights the role of innovation and integration in the economic and social development of industrial enterprises, as well as the role of corporations in the use of world experience.

**Keywords:** innovation, integration, integration, industry, corporation.

## КИРИШ

Миллий иқтисодиёт таркибидаги бизнес секторни ривожлантиришда маданият ва маънавиятнинг ўрнини алоҳида қайд этмоқ айни муддаодир. Чунки маънавият нафақат ишбилармон-тадбиркорларнинг балки, миллатнинг юзага чиққан ақлий ва руҳий салоҳияти ҳамда ижодкорлик қобилиятидир, қолаверса ривожланишнинг бош омилидир. Юртимизнинг ижтимоий ва иқтисодий барча тармокларини модернизациялаш, техник- технологик янгилаш ва ислох этиш жараёни ҳамда рақобатчиликка асосланган бизнес муҳит шароитида, давлат тассарруфидан чиқарилган ва хусусийлаштирилган корхоналар негизида ташкил этилаётган хужалик субъектлари, шунингдек, акциядорлик жамиятлари

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00694

фаолиятини бошқариш самарадорлигини янада оширишнинг аҳамияти ортиб бормоқда.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг янада чуқурлаштириш борасида «... нафақат иқтсодиётнинг таянч тармокларини, балки, энг аввало, худудларни комплекс ривожлантириш ва мамлакатимиз барча фуқароларининг хаётий манфаатларини таъминлашга ва уларнинг даромадларини кўпайтиршпга доир истиқболдаги муҳим вазифалар туриши керак»[1]. Бу холат, акциядорлик жамиятларини ривожлантириш стратегияси ва самарали бошқариш борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017-2021 йилларга Ўзбекистон Республикасини ривожпангиришнинг харакатлар стратегияси муҳимдир. Харакатлар стратегиясининг “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари”да акциядорлик жамиятлари фаолиятини ривожлантариш ва самарали бошқаришни ташкил килиш жараёнларига “корпоратив бошқарувининг замонавий стандартлар, принциплари ва усулларни жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш” [2]. мухим вазифалардан хисобланади.

Корпоратив бошқарув концепцияси XX-аср бошларида чоп этилган адабиётларда қўлланилган. Хусусан, корпоратив муносабатлар тизими корпоратив ва хусусий мулкни бошқаришни қўллаш жараёни сифатида биринчи марта 1932 йилда америкалик хукукшунос олим А. Берли ва иктасодчи Г. Минзнинг[3].классик ишларида ўрганилган. Уларнинг ишларида корпоратив бошқарув атамаси тилга олинмаган бўлса-да, улар корпоратив бошқарувни ишониб топширувчилар – principals (аутсайдерлар, инвесторлар) ва вакиллар - agents (инсайдерлар,бошцарувчилар) ўртасидаги агентлик муносабатларини ўрганишган.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Маълумки, жаҳон амалиётида корпоратив бошкарув тизимининг ўзига хос, бир-биридан ажралиб турадиган 3 та тури: инглиз-америка, немис ва япон моделлари юзага келган.

Корпоратив бошқарувнинг Америка модели (Англия, АҚШ) - ихтиёрий фуқарога шахсий бойликка эришиш имкониятини таъминлаш мақсадида

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00694

“аутсайдерлик”, яъни компания фаолиятига алоқадор бўлмаган гуруҳлар томонидан компания фаолияти назоратига асосланган.

Немис моделида корпоратив тузилмаларга акциядоряик жамиятларидан ташқари бошқа юридик шахслар: турли ширкатлар, хўжалик жамиятлари, хўжалик бирлашма кўринишидаги концерн, уюшма, холдинг ва шунга ўхшаш тузилмалар киради. Германия моделининг Америка моделидан фарқи, акциядорларнинг асосий капитали юридик шахслар кўлида сақланишдир. Яна бир мухим жихати Германияда АҚШга нисбатан фонд биржаси камроқ даражада ривожланган. Германия иқтисодиётида иштирок этаётган барча компанияларнинг фақат 12 фоизга якини Лондон фонд биржаси ва 10 фоизга якини АҚШ фонд биржаларида котировка қилинади[4].

Япония моделида эса, кўпгина компанияларнинг йирик акция пакетлари катта банк ва молия гурухлари портфелида мужассамлашганлиги билан ажралиб туради. Йирик акция пакетига эга бўлган акциядорлар корхона бошқарувида бемалол иштирок эта оладилар. Корпоратив бошқарувнинг японча моделидаги ўзига хос хусусият компаниянинг асосий акциядорлари компанияга келиб тушаётган даромадларидан воз кечишлари эвазига гурухда бирга фаолият юритиб каттарок даромад олишлари каби имкониятларнинг мавжудлигидир. Япония корпоратив бошқарув моделининг яна мухим бир жихати ўзида юқори бизнес маданиятни акс эттириб, унда ўзаро ишончга асосланган узоқ муддатли шахсий муносабатлар, шартномалар муҳим ахамият касб этади. Япония моделида акциядорлик жамиятларининг конунчилик ва қимматли қоғозлар билан операциялари тартибга солиниши Америка модели таъсирини ўзида мужассам этади. Корпоратив бошқарувнинг инглиз-америка, Германия (контитентал) ва Япония моделларини ажратиб курсатиш анъанавий хисобланади[5]. Инглиз-америка моделига тарқоқ; аутсайдерлик акциядорлик мулки, корпоратив бошқарувнинг икки поғонали тизими (Директорлар Кенгаши ва ижроия дирекцияси) мавжудлиги, корпорациялар фаолияти устидан назорат килишнинг либерал воситаси сифатида фонд бозорининг роли мухим эканлиги хосдир.

Германия модели қоидага кўра, марказлаштирилган характерга эга бўлган катта хажмдаги инсайдерлик мулки мавжудлиги билан тавсифланади. Германия модели доирасида уч поғопали корпоратив бошқарув тизими ўрингa эга бўлиб, унда Директорлар Кенгаши ва ижроия дирекциясидан (корпорацияни жорий бошқариш органи) ташқари, корпоратив бошқарув тизими устидан мустақил

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00694

назорат функциясини амалга оширадиган кузатув кенгаши хам мавжуд. Бундан ташқари, Германия моделига холдинг компанияларига тегишли бўлган катта хажмдаги корпоратив мулк мавжудлиги ҳам хосдир.

Япония модели инглиз-америка модели ва Германия модели билан таққослаганда корпоратив бошқарувнинг ахборот жихатидан кўпрок «ёпик»лиги билан тавсифланади. Ушбу модель доирасида корпорацияларни бошқариш тизимини шакллантириш ва ривожлантиришга молия институтлари, биринчи навбатда, саноат корпорациялари фаолиятини молиялаштириш соҳасида ҳам, корпоратив назорат соҳасида ҳам кенг доирадаги функцияларни бажарадиган йирик банк тузилмалари жиддий таъсир кўрсатади.

DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00698

Elektrotexnika mashg‘ulotlarda, “Multisim” dasturi orqali o‘tkaziladigan mashg‘ulotlarda har qanday elektrotexnik sxemalarni (zanjirlarni) yig‘ish mumkin.

Bunda talabalar yakka, katta va kichik bo‘lingan holda va hamkorlikda ishlaydilar. Multisim dasturida ishlash talabalarga estetik zavq bag‘ishlaydi, fanga bo‘lgan qiziqishlarini yanada orttiradi. O‘yin usullarini qo‘llash orqali o‘zlashtirish qiyin bo‘lgan mavzularni talabalarni o‘zlari bemalol o‘zlashtirish imkoni yaratiladi. Agar bu “Multisim” dasturlarida ma’ruza mashg‘ulotlarida ham qo‘llanilsa yaxshi samara beradi. Bu dasturlardan uzviy foydalanish hatto past o‘zlashtiruvchi talabalarning fanni yaxshi o‘zlashtirish zamin bo‘ladi. Natijada barcha tinglovchilarda elektrotexnika fanidan dars samaradorliligiga erishish imkonini yaratish mumkin.

Ayrim talabalarnig fanni yaxshi o‘zlashtirmagani uni yaxshi bilmasligida emas, balki ularda tortinchoqlik, qo‘rquv alomatlari bo‘lishi sabablidir. “Multisim” dasturi talabalarni bunday xislatlarini bartaraf etishga yordam beradi. Bu dastur orqali talabalardan o‘tgan darslarni so‘rash, elektrotexnik zanjir yig‘ish, sxemadagi jarayonlarni kuzatish, xar-xil qidirilayotgan qiymatlarni olish,

grafiklar chizish va olingan natijalarni taxlil qilishda keng foydalanish mumkin. SHuni alohida takidlash joizki tajribalarni o‘tkazish jarayonida elektrotexnik laboratoriya va amaliy mashg‘ulotlarda jihozlar yetishmasa, asboblar nosoz bo‘lsa, o‘tkaziladigan tajribani virtual laboratoriya orqali o‘tkazish imkoni mavjud.

Bunday usullarning o‘ziga hosligi shundaki, ular faqat talaba va o‘qituvchilarning birgalikdagi faoliyat ko‘rsatishi orqali amalga oshiriladi. Bunday hamkorlik jarayoni o‘ziga hos xususiyatlarga ega. Ya’ni:

-talabalarning o‘quv jarayonida fanga bo‘lgan qiziqishlari doimiyligini ta’minlash;

-talabalarning dars davomida mustaqil fikrlash, ijod qilish va izlanishga imkon yaratish;

-talabalarning fanga bo‘lgan qiziqishlarini mustaqil holda har bir masalaga ijodiy yondashgan holda bilimga ega bo‘lgan intilishlarini kuchaytirish.

## NATIJALAR

Elektrotexnika fanidan mashg‘ulotlarni, “Multisim” dasturi asosida o‘tkazilganda, fanning o‘zlashtirish natijalarini aniqlash maqsadida, pedagogik tajriba-sinov ishlari o‘tkazildi.

2019-2020 o‘quv yilida pedagogik tajriba-sinov ishlari Toshkent viloyati CHirchiq davlat pedagogika institutining CHaqriqqacha harbiy ta’lim fakulteti texnalogik ta’lim yo‘nalishi MET-18/1- va MET-18/2-guruhlarida o‘tkazildi. Bunda

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00698

MET-18/1-guruhidan 20 nafar talaba nazorat guruhi sifatida, MET-18/2-guruhdan esa 18 nafar talaba tajriba guruhi sifatida tanlab olindi. Elektrotexnika fanini o‘qitish jarayonida “Multisim” dasturidan foydalanilganda quyidagi natijalar olindi.

Talabalarning elektrotexnika fanidan bilimlarining rivojlanganlik darajasini baholash mezoni (2-jadval)da keltirilgan.

**2-jadval**

| **Baholash mezoni** | |
|---|---|
| **Baholash ko‘rsatgichlari** | **5 baho «a’lo»** - elektrotexnika fanidan nazariy bilimlarga tayanib masalalar echa olsa, laboratoriya ishlarini bajara olsa va olingan natijalar asosida xulosalar chiqara olsa. Ijodiy fikrlay olsa, mustaqil mushohada yuritaib, olgan bilimlarini amalda qo‘llay olsa, mohiyatini tushunsa, aytib bersa, keng tasavvurga ega bo‘lsa. |
| | **4 baho «yaxshi»** - Fan asoslari va jarayonlarni o‘rganishda tushunchalrini tadbiq eta olish malakalariga ega bo‘lishi kerak, mustaqil mushohada yurita olsa, olgan bilimlarini amalda qo‘llay olsa, mohiyatini tushunsa, bilib, aytib bersa, tasavvurga ega bo‘lsa. |
| | **3 baho «qoniqarli»** - Fan asoslari hamda jarayonlarni o`rganishda fan elementlaridan foydalanaish va tadbiq eta olish malakalariga ega bo‘lishi kerak. Ularning mohiyatini tushunsa, bilsa, aytib bersa, tasavvurga ega bo‘lsa. |
| | **2 baho «qoniqarsiz»** - Tushunchalarga berilgan ta’riflarda jiddiy kamchiliklar mavjud, bu tushunchalarga misollar keltirmagan yoki misollar noto‘g‘ri tanlangan (tushuncha haqida tasavvurga ega emas). Masala yechishga harakat qilingan. Qo‘pol xatolarga yo‘l qo‘yilgan. Aniq tasavvurga ega bo‘lmasa. |

Respondent-talabalar tomonidan elektrotexnika fanidan bilimlarning rivojlanganlik darajasi (tajriba oxirida) (3-jadval)

**3-jadval**

| № | Guruhlar va respond-entlar soni | Darajalar va ularga mos talabalar soni | | |
|---|---|---|---|---|
| | | a’lo | yaxshi | qoniqarli |
| 1 | Tajriba ($n_1$) 18 nafar | 6 | 8 | 4 |
| 2 | Nazorat ($n_2$) nafar 20 | 2 | 5 | 13 |

Ko‘rsatkichlariga muvofiq tajriba va nazorat guruhlariga biriktirilgan respondentlar tomonidan qayd etilgan sifat darajasi o‘rtasidagi farqli aniqroq ifoda etish maqsadida koeffitsent qiymatlarini topib olamiz.

3- jadval. Respondent-talabalar tomonidan elektrotexnika fanidan bilimlarining rivojlanganlik darajasining o‘rtacha koeffitsenti 4-jadvalda keltirilgan.

4-jadval

| № | Guruhlar va respond-entlar soni | Darajalar va ularga mos talabalar soni | | | Koeffitsient |
|---|---|---|---|---|---|
| | | A’lo | Yaxshi | Qoniqarli | |
| 1 | Tajriba ($n_1$) 18 nafar | 6 | 8 | 4 | 4,11 |
| 2 | Nazorat ($n_2$) 20 nafar | 2 | 5 | 13 | 3,45 |

2-3 jadvallardan olamiz va tahlilni quyidagicha olib boramiz:

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00698

Tajriba guruhlari uchun:

O‘rtacha qiymat: x= (3·4+4·8+5·6):18=4,11

O‘rtacha kvadrat qiymati: $x^2$=19,9

O‘rtacha kvadrat qiymati: $x^2$=(9·4+16·8+25·6):18=17.22

Dispersiya: $S^2_T$ =19,9-17,22=2.67

Miqdor: $S^2_T$ /n =2.67:18=0,14

Nazorat guruhlari uchun:

O‘rtacha kiymat: U=(3·13+4·5+5·2):20=3,45

O‘rtacha kvadrat qiymati: $U^2$=11,9

O‘rtacha kvadrat qiymati: $U^2$=(9·13+16·5+25·2):20=12,35

Dispersiya: $S^2_T$ =12,35-11,9=0.44

Miqdor: $S^2_T$ /n=0,44:20=0,022

Demak, x-u = 2,67- 0,022 = 2.648

Hosil bo‘lgan qiymat ishonchlilik oralig‘iga tushmaydi.

Nazorat va tajriba guruhlaridagi dinamik o‘zgarishlar 1- rasmdagi gistogram-malarda keltirilgan.




**1-rasm.** Nazorat va tajriba guruhlaridagi dinamik o‘zgarishlar gistogrammalari

SHunday qilib, tadqiqotning tajriba-sinov ishlari natijalari elektrotexnika fani mashg‘ulotlarida talabalarning faniga oid bilimlarini rivojlantirish darajasi oshganligini ifodalovchi yakuniy xulosaning haqqoniyligi kelib chiqadi. Olingan natijalar tajriba-sinov ishlarining samarali kechganligini tasdiqladi.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00698

Yuqoridagi pedagogik tajriba sinov natijalaridan kelib chiqib quydagi xulosalarga keldik.

## XULOSA

“Multisim” dasturi bilan sodda yoki murakkab anolog va raqamli qurilmalarni yaratish, modellashtirish va o‘rganish mumkin.

Elektrotexnik zanjirlarni tuzish, qidirilayotgan natijalarni qisqa vaqtda aniq olish va grafiklarni jozibali namoyish etish imkonini beradi. Elektrotenika fanidan Multisim dasturi asosida mashg‘ulotlar olib borilganda talabalarning mustaqil fikrlashi rivojlanadi.

Ma’ruza mashg‘ulotida olingan nazariy bilimlar mustaxkamlanadi. Amaliy mashg‘ulotlarda bajarilgan ishlar orqali olingan natijalarni tahlil qilish ko‘nikmalariga ega bo‘ladi. Bu esa talabalarning fanga va ilmiy tadqiqot ishlariga qiziqishlari ortadi.

Xozirgi davrda masofaviy o‘qitishga bo‘lgan ehtiyoj juda yuqoriligi sababli elektrotexnika fanining barcha mashg‘ulotlarida Multisim dasturidan samarali foydalanish mumkin. Talabalarni doimiy ravishda ilmiy faoliyatga qiziqishini rivojlantiradi va vaqtdan unumli foydalanishni o‘rgatadi.

“Multisim” dasturi bilan bo‘lajak mutaxassislarning mustaqil o‘quv faoliyatlarini rivojlantirish, o‘quv va ilmiy ishlarining mushtarakligini taminlash, talabalarni ilmiy tadqiqot ishlariga jalb qilish, shular asosida yetuk mutaxassis tayyorlash va sifatini oshirishga erishish mumkin bo‘ladi.

## REFERENCES

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 8 avgustdagi "O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida"gi PF-5847-son Farmoni.
2. N.A.Muslimov va boshqalar “Innovatsion ta’lim texnologiyalari va pedagogik kompetentlik” moduli bo‘yicha o‘quv-uslubiy majmua. T.TDPU 2016.
3. K.R.Nasriddinov, O.Qayumov, M.B.Dusmuradov Fizika ta’limida axborot texnologiyalarini qo‘llash. “Pedagogning shaxsiy va kasbiy axborot maydonini loyihalashda axborot kommunikatsiya texnologiyalariga oid kompitentligini rivojlantirish” TDPU 2015.
4. https://www.ni.com/pdf/manuals/374483d.pdf
5. Multisim 14 User Guide for version 10.0.144/ Rukovodstvo polzovatelya multisim, 2007.-714 s.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00698

6. Corbin M.J. Multisim: An object-based distributed framework for mission simulation / M.J. Corbin, G.F. Butler // Simulation Practice and Theory – 15 January 1996, Vol. 3. – Issue 6. – P. 383-399
7. Xerniter Mark E. Elektronnoe modelirovanie v Multisim / M.E. Xerniter. – M.: DMK Press, 2010. – 501 s
8. Programma sxemotexnicheskogo modelirovaniya Multisim [Elektronnыy resurs].– URL:http://ikit.edu.sfukras.ru /CP_Electronics/pages/soft/Multisim/manual.pdf (data obrashheniya: 01.07.2017)
9. Эшниёзов У.А. Масофавий таьлим шаклида “Электротехника”фанидан “яримўтказгичли тўғрилагичлар” мавзусини “Swot”методи ёрдамида, ўқитишда инновацион ёндашувлар. Academic Research in Educational Sciences (ARES), 1(4), 713-722, 2020
10. I.G. Tursunov, U.A .Eshniyozov, S.A. Durdiyeva “Turli muhitlarda elektr toki” mavzusini o'qitishdagi innovatsiyalar. Academic Research in Educational Sciences (ARES), v.2, issue.2, pp.513-523, 2021
11. I.G.Tursunov. Investigations of the deep-level parameters in semiconductors. Ukrainian Journal of Physics, vol.62, №12, pp.1041-1043, 2017
12. S.Z. Zainabidinov, A. Abduraimov, O.O. Mamatkarimov, I.G. Tursunov, R. Kh. Khamidov. Deformation Methods for Investigation of the Deep Level Parameters in Semiconductors. Turkish Journal of Physics Turkish Journal of Physics, v.22, №3 pp. 193-197, 1998

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00699

# MAHMUD TOIR LIRIKASINING BADIIY XUSUSIYATLARI

**Guljahon Ismailovna Doshanova**
Berdaq nomidagi Qoraqalpoq Davlat Universiteti
katta o'qituvchisi

## ANNOTATSIYA

Bugungi adabiy, ijtimoiy, ma’naviy-madaniy hayotda O‘zbekiston xalq shoiri Mahmud Toir juda faol, o‘z ovoziga ega zabardast, qalami o‘tkir va hozirjavob shoirlardan biridir. Mahmud Toir she’riyatining umumkonseptual pafosini ezgulik tarannumi tashkil qiladi. Shoirning hozirgacha bosilgan she’riy to‘plamlari va dostonlari adabiyot ixlosmandlarining ma’naviy mulkiga aylandi. Mahmud Toir she’riyatining mavzu ko‘lami keng va an’anaviy. Zotan, badiiy ijodda abadiyatga oid mavzular barmoq bilan sanarlidir.

**Kalit so’zlar**: Poetik ,ijodkor, tajohili orifona, topildiq, obrazlilik, misra, mantiq, uslubiy yangilik, she’r,badiiy hodisa, uslub.

# ARTISTIC PROPERTIES OF MAHMUD TOIR LYRICS

## ABSTRACT

In today's literary, social, spiritual and cultural life, the People's Poet of Uzbekistan Mahmud Toir is one of the most active, articulate, sharp-witted and modern poets. The general conceptual pathos of Mahmud Toir's poetry is the hymn of goodness. The poet's collections of poetry and epics, which have been published so far, have become the intellectual property of literary lovers. Mahmud Toir's poetry has a wide range of themes and is traditional. Indeed, in art, the themes of eternity are numbered with the finger.

**Keywords:** Poetic, creative, tajori orifona, discovery, figurative, verse, logic, stylistic novelty, poetry, artistic phenomenon, style.

## KIRISH

Vatan ravnaqi, xalq farovonligida, yurt tinchligi, fikr-ongning ezgu maqsad sari yo`nalishida, komil insonning shakllanishida milliy g’oya va mafkuraning roli va o`rni g’oyat kattadir. Uni odamlar ongi va qalbiga singdirishda bir qancha omillar qatorida adabiyot katta vazifa bajaradi. Ma`lumki, milliy g’oya va milliy mafkura keng tushuncha. U tarkibiga Ma`naviy, siyosiy, iqtisodiy, diniy masalalarni qamrab

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00699

oladi. Milliy g'oya inson va jamiyat hayotiga katta mano va mazmun kasb etadigan falsafiy fikr va dunyoqarash olib kiradi. Bu fikrlar insoniylik bilan yo`g'rilgani uchun uning ezgu maqsadlarni amalga oshirish tamoyillarini belgilaydi va qay tarzda amalga oshirish g'oyasini ishlab chiqadi. Biroq plyurealizm tamoyiliga ega bo`lgan mafkuragina istiqbolli va hayotbaxsh bo`la oladi. Chunki bunday mafkura erkin fikrga to`sqinlik qilmaydi.

Mamlakatimiz mustaqilligining birinchi kunlaridan boshlaboq matbuot va so`z erkinligi, ijod erkinligi masalasi kun tartibiga qo`yilib, axondagi eng ilg'or mamlakatlardagi singari tegishli bosqichlarda qonunlashtirildi. Bu tarixiy hodisa olimlar va jurnalistlar, shoir va yozuvchilar imkoniyatlar eshigini katta va keng ochib berdi. Ilgarilari qatiy taqiqlangan mavzular – ajdodlarimizning sharafli tarixi, diniy qadriyatlarimiz, milliy urf-odatlarimiz haqida bemalol qalam tebratish, ularni targ'ib va tashviq qilish mumkinchiligi tug'ildi. Sharq xalqlari, xususan o`zbeklar minglab yillardan beri etiqod qilib kelayotgan islomiy dunyoqarashni o`rganish ham o`sha yillarda taqiqlangan mavzulardan bittasi edi. Shuning uchun ham adabiyotshunos va tarixnavislarimiz Ahmad Yassaviy, Sulaymon Boqirg'oniy, Najmiddin Kubro kabi ijodkorlar va ularning adabiy meroslari haqida mavjud haqikatni ayta olmadilar. Shoirlarimiz ko`nglida ko`karib turgan diniy-irfoniy tuyg'ular samarasi she`rlar iforidan o`quvchi vatandoshlarini bahramand qila olmadilar.

Ma`lumki, she`r sarlavhadan boshlanadi. Istedodli shoir sarlavha orqali ham o`quvchi qalbiniga yo`l topa oladi. Sarlavha esa, she`r mazmunidan kelib chiqadi. Nomlanishda yarim mazmun ifoda topsa, mavzu bilan uyg'unlikda o`z mantiqiy asosi va mohiyatiga ega bo`ladi. Bu hol ayniqsa ustoz shoirlar ijodida yorqin ifoda topadi. Hayot haqiqatidan Ma`lumki, har kim o`z qo`lidan kelgan yumish bilan mashg'ul bo`lsagina, o`ziga ham, jamiyatga ham foyda keltiradi. Bugungi bozor iqtisodiyoti shakllanayotgan kun, davr talabi va shiori shudir. Yani har kim o`z o`rnida vijdonan mehnat qilsin, o`z sohasini rivojldantirishga hissa qo`shsin. Bu shior zamirida ham milliy g'oya yotadi. Chunki unga rioya qilinsa, Vatan taraqqiyotiga erishiladi.

Badiiy asarni tushunish, anglash, his etish, uning go‘zalligini sezish, ta'sirini tuyish, boshqalarga yuqtirish, yolg‘izlikda eslash – har bir insonda kechadigan individual ruhiy holat, albatta. Biroq anglangan, tushunilgan, xayol ufqida aks etgan go‘zallikni tushuntirish, uning beg‘uborligi va ta'sir quvvatini anglatish, zavq-shavq ildizini muhokama qilish oson emas. Har qanday go‘zal badiiy hodisaning qaysidir qirrasi sirliligicha, qaysidir jihati ochiqligicha qolib ketadi. Badiiy so‘zning sehri, poeziyaning quvvati, she'r hikmati ham mana shunda…

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00699

## ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Barcha shoirlar uchun muhabbat, Vatan, ota-ona, do‘sti sodiq mavzulari birdek tabarruk. Ammo Mahmud Toir ijodida bu mavzular muallif biografiyasiga mos sifatlar bilan orzu-istaklari, dardu armonlari erkin va xalqona yo‘sinda talqin etiladi. “Yashash yaxshi, bir g‘unchaning Gul bo‘lganini ko‘rib tursang” – cho‘ng orzu. Boshqa sahifada o‘qiymiz:

Bulut ko‘kda, suv soydadur,
Qaro tunda ko‘z oydadur,
Jonim onam, jon qaydadur,
Yashadingmi o‘zing uchun?

Yo‘l-yo‘riqsiz, boshqalardan ajralib turadigan o‘ziga xos uslubsiz ijodkor adabiy qiyofaga ega bo‘lmaydi. Mahmud Toirning samimiy, sodda, jarangli, shiddatli, eng muhimi, dilining rangiga mos uslubi – so‘zi, sozi va ovozi bor. Uning she’riy ovozidan o‘ktamlik, jo‘shqinlik, o‘z so‘ziga ishonch tuyg‘usi sezilib turadi. Shoir dilining rangin holatlari va manzaralarini o‘z muxlislariga taqdim etadi. Shuning uchun ko‘rkam dilini avaylab qo‘rchilaydi. Shoir “har dilda bir yangi kalom bor”ligini biladi.

Maysalarga inimsan, degin,
Binafshaga shirinsan, degin,
Lolazorlar qoshiga kelgin,
Bahor berar biz kutgan baxtni.

Ha, Mahmud Toir tabiatga yaqin shoir. Shunga monand uning she’rlarida shiddatli shamollar guvullab tog‘ daralari aro kezib yuradi. Uning she’rlarida daryo to‘lqinlari samanga aylanadi. Atirgul ildizi oshiq yuragidan suv ichadi. Rayhon ifori chor atrofga taraladi.

Shoirlarning durdona she’rlari – iste’dodining totli mevalari. She’rni qoyilmaqom qilib o‘qish, ya’ni ijro ham o‘ziga xos san’at sanaladi. Ayniqsa, Mahmud Toir nutq so‘zlasa, xalq baxshi-oqinlari uslubiga xos ravishda nasr bilan nazmni aralash qo‘llaydi; tinglovchi auditoriyasini zabt etadi va bir lahza ham ular diqqati chalg‘imaydi. Shoir qatnashgan adabiy uchrashuv va anjumanlar o‘zgacha jo‘shqinlik, fayzu tarovat kasb etadi. To‘g‘risi, she’riyat shaydolarining butun vujudi bilan Mahmud shoirni tinglagan vaziyatlarga ko‘p guvoh bo‘lganman.

Har narsani bilib turgan shoir ba’zan go‘yo hech narsani bilmagandek she’r o‘qiydi:

Men toshlarning tiliman,
Men ko‘ngilning guliman,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00699

Bu dunyoning giliman,
Mendan meni so‘rama.

Lirik “men” o‘zini turli narsalarga qiyoslaydi. She’rning har bir bandida o‘zidan oldin keladigan uch qatordagi tezisni “mendan meni so‘rama” degan to‘rtinchi misra antitezisi tajohili orifona yo‘sinida tasdiqlaydi.

Har qanday ijodkorning ma’naviy, adabiy, ijtimoiy qiyofasini so‘zining fasohati, balog‘ati, asarlarining umrboqiyligi belgilaydi. Shu e’tibordan Mahmud Toir she’rlarining ko‘pchiligi she’riyat muhiblari qalbida yashayotgani sir emas. Shoir ko‘ngil yo‘rig‘iga yuradigan inson. Odamlar yuragiga quloq tutib, sadoning aks-sadosini qog‘ozga tushiradi. Chin shoir va chin insonning yurak devorini Yer yuzi xaritasi, el-yurt dardi, baland tog‘lar mahobati bezaydi. Haq so‘zni jonining jarangi, she’rni dilining rangi o‘laroq tavsiflagan Mahmud Toir she’rlarida “Elning e’zozidan balandroq tog‘ yo‘q”, “Quvonch – yurak chertgan baxt qo‘ng‘irog‘i”, “Dilpora dillarga dildoshsan, lola” kabi juda nafis shoirona topildiqlar ko‘p uchraydi. Boshqa o‘rinda “Bir maysaga ildiz bo‘lib ko‘r” misrasi diqqatimni tortdi. Xo‘sh, buni qanday izohlash mumkin? Maysa – juda mayda, ingichka, uning ildizi undan nozik – qilday. Odam o‘zini shu mitti o‘simlik ildiz o‘rniga qo‘ysin va uning vazifasini o‘ylasin. Yo bo‘lmasa, maysaning yonida tiz cho‘kkan, chumolidan uzr so‘rayotgan inson holini tasavvur qiling.

Maysalaring shivirlashdi, tizlar cho‘kib, quloq berdim,
Bilmay bosib chumolini gunohimga so‘roq berdim,
Vatan ne deb so‘rganlarga bir kaftgina tuproq berdim,
Menga Vatan siyratini, Momo yerim, o‘zing berding.

## MUHOKAMA VA NATIJALAR

Shoir tasavvuri va tasviri eng mitti maysa bilan chumoliyu bir kaft tuproqdan tortib bepoyon Vatan va Momo yer manzaralarigacha bir lahzada qamrab oladi. Oraliqda esa inson vosita bo‘lib turibdi. Shoir lozim topsa, “qizg‘alodoqning armonini qo‘shiq” qiladi, kulib turgan boychechak tabassumiga bog‘lanadi. U borliq ovozini tinglaydi; so‘zini tog‘u toshlarga tinglatadi. Mahmud shoir turfa gullar – lola, yalpiz, rayhonu boychechaklar, yuqorida ta’kidlanganidek, hatto maysalarning ildizlari bilan tillashadi. Shoir shamollar, daraxtlar, yaproqlar kuyiga jo‘r bo‘lib qo‘shiladi. Goho – so‘z ortiqcha bo‘lgan fursatda – yashil barglar o‘zaro shitirlab so‘ylashganida shoir “dilini xushlab”, “tilini tishlab” ham turadi. Tabiatdagi go‘zallikdan lol qolgan mahallarda, tabiiyki, so‘z ortiqchalik, qalam ojizlik qiladi.

Kapalakka uzatgandim qo‘l,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00699

Qanotlarin yozdi duoga.

Kapalakning qo‘shqanoti duoga ochilgan qo‘lni eslatadi. Poetik detallararo bunday metaforik yaqinlik-qarinani faqatgina shoirning tafakkur ko‘zi ko‘ra oladi. Umumiy bir kuzatishimcha, oftob, oy, shamol, bulut, yomg‘ir; maysa, yalpiz, boychechak, rayhon, kurtak, kapalak, qaldirg‘och – bularning barchasi shoir she’rlarining obrazlilik pallasiga yuk bosadigan tabiat unsurlaridir. “Qaldirg‘och” she’rida shu beg‘ubor qushga qarab yozadi:

Ko‘klam ko‘rki qaldirg‘och,
Ayvonimga xush kelding.
Qaydan kelding, diling och,
Osmonimga xush kelding.
Kel, kurtaklar ko‘zidan
Kulgu terib olamiz
Sabolarning so‘zidan
Tuyg‘u terib olamiz.

Shoir uchun xayol muhim; shoir uchun dil obodligiyu ko‘ngil pokligi, ko‘ngil ranglari va gurunglari aziz; shoir bir lahza ichida olamning olti tarafida, ko‘ngil mulkining beshta faslida istiqomat qiladi.

“Jonimda bir chashma bor, Unga qancha tashna bor. Bu dunyo bozorida Men vafoga xaridor”, “Irmoqlarning tushiga, Daryo kirsa ne ajab”, “Tavba – yaratgandan so‘rar gunohim” – Mahmud Toir she’rlariga ana shunday quyma, ohangli, hikmatli, dono va hayotiy falsafa xos. “Seni siylaganni senlama axir” kabi misrasini ochqilash – tahlil etish uchun hurmat, ehtirom, izzat-ikrom, sharqona odob-axloq va yana bir qancha fayzli tushunchalarni qo‘llash mumkin.

Shoir bahorning kelishini o‘z ifoda uslubiga moslab obrazli qilib yozadi:

Suvlar sepgin hovlingga,
Eshigingni katta och.
Uyingga sovchilikka
Ketayapti qaldirg‘och.

Bir e’tibor bering: “Savob asli samodan tushmas”, “Mahmud, savob bilan izlaring to‘lsin” kabi boshqa ko‘plab misralarida Mahmud Toir savob va gunoh, rost va yolg‘on, halol va harom, hurlik va qullik kabi axloqiy-didaktik tushunchalarni muhokama qiladi. Uning lirik qahramoni o‘z nafsiga hisob beradi. Qilgan gunohi uchun tavba etadi, savob ishidan ortiqcha kerilib manmansiramaydi, maqtanmaydi, ezgu ishi uchun ichdan shukrona aytadi. Ammo Mahmud akaning “Bilsangiz ishq ahlining gul unmish gunohidan” misrasida mantiq buzilgandek ko‘rindi.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00699

Ma’lumki, mumtoz sharq adabiyoti, xususan, g‘azal janri maqta’siga shoirlar o‘z taxallusi – imzosini muhrlaydi. Shu an’anadan ulgu olgan Mahmud Toir zamonaviy she’riyatning barmoq vaznida yozgan she’rlari tuganch bandining biror misrasiga “Qoshingda Mahmudning xush dami bu kun”, “Mahmudga siz jonsiz, jononsiz”, “Sizga, ey do‘st, Mahmud kabi dildosh bor”, “Agarchi hasaddan yiroq bo‘lmaysan, Mahmud, hech bir dilga chiroq bo‘lmaysan”, “Ayo Mahmud, maysalarning tili borga o‘xshaydi”, “Mahmudga shu tuproq quchog‘i Vatan”, “Shu ko‘hna haqiqatni Mahmud takrorlar mudom” tarzida o‘z ismini qo‘shib qo‘yadi. Zamonamizning boshqa shoirlaridan farqli o‘laroq bunday tutum ham Mahmud Toir she’rlariga xos muhim bir xususiyat, o‘ziga yarashib tushgan uslubiy yangilik sanaladi.

Mahmud Toirning oshiqona she’rlari toshlarni eritadigan darajada samimiy, chin. Chunki dili kuyib, ma’shuqa visoli uchun “har tong gul” dastalaydigan chin oshiq, kuyib-kuyib dili ming pora bo‘lgan oshiq “kuygan dil qo‘ridan kuy bastalaydi”. Bunday kuy ohanglari dilni o‘rtaydi.

Oshiq dilda armon ko‘p,
Ishqsiz dilda yolg‘on ko‘p.

Oshiqlikda devonaligu sultonlik, bedorligu bemorlik bor. Shoir shu dardga malham izlaydi va: “Bir malham bormikin suyub qolganga” deya bo‘zlaydi. Bu savolning javobi esa, mumtoz shoirlarimiz e’tiroficha, “Tabib ayturki: ey nodon bu dardni bedavo derlar” (Mashrab), azizlar.

Shoir o‘ziga darddosh, maslakdosh, fikrdosh oshiqlarga qarab:

Bir ohida ming bir alam,
Bir rozida yuz ming malham,
Tili ko‘rkam, dili ko‘rkam
Ahli muhabbat, qaydasiz,

tarzida murojaat etadi. Shoir yaxshi bir kitobini “Ahli muhabbat, qaydasiz” deb nomlagan. Yuqoridagi she’riy misollarni asosan shu to‘plamdan oldim. Undagi she’rlarni o‘qiganimda bir taklif paydo bo‘ldi. Kitobdagi birorta she’r oxiriga sana, joy nomi qo‘yilmabdi. Ehtimol, atay shunday tutum tutilgandir. Ammo she’rning tug‘ilgan kuni va joyi, she’rning tarjimai holi ba’zan adabiyotshunoslar talqini uchun zarur bo‘ladi. Cho‘lpon she’rlaridagi shunday qaydlar vositasida adabiyotchi olimlar shoir yurgan yo‘llarning adabiy-jug‘rofiy xaritasini chizgani ma’lum. Bu kabi arzimas ko‘ringan unsurlardan Sharl Sent-Byov, Andre Moruadek dunyo adabiyotshunosligining taniqli namoyandalari o‘zlarining adabiy-biografik talqin usullarida juda unumli foydalanishgan.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00699

Mahmud Toir sharq donishmandlarga xos ixcham hikmatlarni she'rlarida, tarkibida ham, alohida to'rtlik yo ikkiliklarida ham ko'p yozadi.

Dilingni o'rtasa gunohing har on,
Demak, vujudingda uyg'oqdir iymon.

Bu yerdagi hikmat tavba to'g'risida. Inson qalbini nimadir o'rtashi, yaralashi, o'z ishlaridan qoniqmasligi, kimgadir zarracha yetkazib qo'ygan ozoridan o'ksinishi mumkin. Dili uyg'oq, vijdoni salomat, yuragi pokiza odam shunday holga tushadi. Bunday ruhiy-psixologik holatdagi kishining tiynatida iymondan nishon bo'ladi. E'tibor berilsa, butun she'r shu ikki qatordan iborat. Ba'zan uzundan-uzoq shaklan she'rdek tizilgan tizmalardan ma'ni uqilmaganda, ko'ngil zavq topmagan bir pallada Mahmud Toir yozgan ikkiliklarni o'qib, o'quvchi sergak tortadi. Shoirning chinakam hikmat egasi ekanining isboti shudir.

Olam go'zalligi gulning rangida,
Tilning go'zalligi dilning rangida.

Yoki:

Demang, qaydan Mahmudning bayti,
She'r – ko'nglimning gullagan payti.

Men Mahmud Toir shu ikkiliklarini bir necha bandlar mazmuniga joylab kattagina she'r yozishi mumkin edi, shu ish qo'lidan keladigan shoir, deb o'yladim. Aslida, uzun she'rlar ba'zan bitta so'z uchun, bir so'z birikmasi yoki bir misra uchun yoziladi. Bitta shoyista so'z potensialidan she'r bunyod bo'ladi. Birgina misra assotsiatsiyasidan matn kengayadi, bandlar bandga ulanadi; ba'zan muqaddima va tuganch hisobiga ko'lamdorlik kasb etadi. To'g'risi, men kam so'z bilan ko'p ma'no ifodasini qadrlayman; uzun ma'ruzalarda, ko'p gapda ma'no oz bo'lishi fasohatsizlik sanaladi. Menga fikr, o'y, his-tuyg'u, ijtimoiy va individual-ruhiy hodisalarning hayotiy xulosasi sifatida tug'ilgan Mahmud Toirning "Ikkilik"lari rostdanam ma'qul keldi.

Shu bilan gapni tugatishni o'yladim. Ammo Mahmud Toirning "Armon tuni" degan kichkina bir kitobi taqdimotida qatnashgan, ammo ko'ngildagi ayrim gaplarni aytish imkonini topa olmagan edim. Shu o'rinda ba'zi fikrlar bildirsam.

Mahmud Toirning "Armon tuni"da armonli nola, alamli bir nido bor. Chunki unda onaning bu yorug' olamni tark etgani, boqiy yo'lga ketgani bilan bog'liq bir dunyo tuyg'ular ifodalandi.

Dostonni o'qigan har kim undan o'zi uchun saboq oladi. "O'ylab ko'rsam, odamzod niyatidagi yorug'likni, go'zallikni, mehru oqibatni ona tabiatidan olar ekan". Haq gap ham shudir.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00699

Bismilloh boʻlgay soʻzim avvali,
Onamdir qalbimning toza gavhari.
Oʻzi osmonimdir, oʻzi zaminim,
Jonidan jon bergan, jonim zargari.

Yozuvchi Xurshid Doʻstmuhammad kitobchadagi bir jumlaga ishora qildi: “Sogʻinch – bu aslida koʻnglimiz koʻzidagi yosh”. Shu sahifada “Onani yoʻqotish koʻngilni qon yigʻlatadi” degan gap ham bor. Koʻngli qon yigʻlagan farzand faryodiga oʻxshaydi bu doston.

Men onamdan tuproq bilan
Tillashishni oʻrganganman.
Rayhon bilan, yaproq bilan
Sirlashishni oʻrganganman.

Sobir muallim va uning urushda vafot etgan oʻgʻli voqeasini shunchaki – befarq oʻqib boʻlmaydi. Afgʻon urushi dilbandidan ajralgan har bir ota-ona qalbidagi nolayu figʻon urushidir. Tinchlik – muhim. “Aslida, tinchlik – dunyo onalarining olam ahliga salomi” – Assalomu alaykum mohiyatida tinchlik mazmuni bor. “Onasiz yashasang koʻngling toʻlmaydi”. Shunday armonli, oʻtkinchi, kelib-ketishli bekat bu dunyo.

Farzand oʻzini har vaqt onasidan qarzdor sezadi:

Azal dunyo, goʻzal dunyo,
Qodir Xudo, qodir Xudo,
Gʻoyiblardan ber bir sado,
Men onamdan uzay qarzim!

Ba’zi sahifalari avval yozilgan she’rlar kompozitsiyasi asosiga qurilgan bu asar mohiyatiga koʻra muloqot dostonidir. Shoir unda oʻz yaqinlari, tabiat, borliq, asosan, ota-onasi bilan muloqotga kirishadi. Otasini erta yoʻqotgan shoir padari buzrukvori ruhidan hamisha madad oladi. “Bolam, otang oʻlgan dema, men oʻzingda yashayman, Diling, tiling bir boʻlsa gar men soʻzingda yashayman”. Shoir otasi bilan bir umr gʻoyibdan suhbatlar quradi:

Koʻzlarimning yoshi ne darkor,
Kimga kerak bu koʻz-koʻz nolam.
Goʻyo otam ruhi boʻzlardi,
– Oh, yoʻgʻimni bildirding, bolam!

Oxirgi misra har kim yuragini bir titratadi.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00699

Doston hayotning davom etishi, oydin tuyg‘ular bilan umidli yakunlanadi. Shoir yozadi: “Ona, bu dostonga men ko‘zimda yosh bilan nuqta qo‘ymoqchi emasman. Siz er kishining noliganini xush ko‘rmas edingiz…
Mayli, armon tunining og‘riqlari – bu mening dilimdagi xun, tilimdagi dod”. Muallif ta’kidlashicha, umr tongining oftobi onadir.

Har tong tog‘lar ortidan bosh ko‘tarayotgan quyosh hayotni olqishlaydi, odamlar qalbini yoritadi. Sabrga, shukrga, fikru zikrga o‘rgatadi. Mahmud Toir dostoni ham shunday – onani e’zozlashga, tinch va osuda oydin hayotni qadrlashga chorlovdek taassurot qoldiradi…

## XULOSA

Shunday asarlar bo‘ladiki, jaranglab turadi; yurakni larzaga soladi, dilni yashnatadi, ko‘zni yoshlatadi. Adabiyotshunos shu zavqli lahzaning sababini, she’rni go‘zallashtirgan badiiyat unsurlarini o‘zicha topib, ularga nom bera boshlaydi. Bu zavqli jarayonda talqinchi-adabiyotshunos she’riy asarlar jilovini, parvozini, kengligini ilmiy istilohlar qo‘rg‘oni ichiga olib kiradi. Qolipga sig‘magan she’rlar yangi nazariyalarga asos bo‘ladi. Bunday talqinlar odamda she’r o‘qish istagi paydo qilsa – naqadar xush. Biroq she’rlar talqini majburlab yasama qolipga solinsa, ulardan badiiy tarovat ketadi.

## REFERENCES

1. Karimov I. Yangicha ishlash va fikrlash davr talabi. 5-jild.Toshkent, O`zbekiston, 1996
2. Boboev T. Adabiyotshunoslik asoslari. Toshkent, O`zbekiston, 2001.
3. Umurov H. Adabiyotshunoslik nazariyasi. Toshkent, Sharq matbaa kontserni, 2006.
4. Mahmud Toir “Ahli muhabbat, qaydasiz”. Toshkent, Ozbekiston.
5. Mahmud Toir “ Yangi sherlar”. Toshkent, O’zbekiston, 2018
6. Mahmud Toir “Saylanma”. Toshkent, O’zbekiston, 2008
7. Jamolxonov H. Hozirgi o‘zbek adabiy tili. Toshkent. 2010
8. Mahmud Toir. Mendan meni so‘rama. “Sharq” nashriyoti.Toshkent.2007

ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 4 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00700

# ВЛИЯНИЕ КОРНЯ СОЛОДКИ НА КРУПНЫЙ РОГАТЫЙ СКОТ

**Ш. Авезимбетов**
Доцент Нукусский филиал Самаркандского института ветеринарной медицины.

**О. Досумбетов**
Студент Нукусский филиал Самаркандского института ветеринарной медицины

## АННОТАЦИЯ

Использование солодки бледноцветковой в кормлении коров положительно влияет на их репродуктивную способность. Количество бесплодных животных сокращается на 20 %.

**Ключевые слова**: солодка бледноцветковая, корова, бесплодие.

## EFFECT OF LICORICE ROOT ON CATTLE

## ABSTRACT

The use of pale-flowered licorice in cow feeding has a positive effect on their reproductive ability. The number of infertile animals is reduced by 20%.

**Keywords**: pale-flowered licorice, cow, infertility.

## ВВЕДЕНИЕ

Вид солодки относится к семейству бобовых и насчитывает около 20 видов. Бадьян бледный (Glycyrrhiza pallidiflora Maxim.) Растет на территории Республики Каракалпакстан [2, 5].

Солодка бледноцветковая – крупное многолетнее растение с длинными толстыми корневищами. Стебель высотой до 2 м, ветвистый. Листья сложные непарноперистые, черешки листьев короткие. Стебель и листья покрыты мелкими точечными железками. Густые соцветия до 4 см длиной образуются на пазушных цветоносах. Венчик мотыльковый, бледно-фиолетовый. Бобы до 17 мм длиной густо усажены тонкими и длинными шипами, скучены в шаровидные головки. Цветение в июне, плодоношение в июле [2].

В корнях солодки бледноцветковой обнаружены кумарины, тритерпеновые сапонины, флавоноиды, органические кислоты (лимонная, янтарная, фумаровая, яблочная). В гидролизате тритерпеноидов выделены

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00700

ехинатовая, меристотроповая, мацедониковая кислоты. Надземная часть растения содержит флавоноиды, кумарины, аскорбиновую, винную, фумаровую, лимонную, щавелевую, глюконовую, янтарную и яблочную кислоты. В корнях присутствует до 10,8 % глицирризина [8].

Благодаря химическому составу корни солодки используются в народной медицине в качестве отхаркивающего средства, легкого слабительного, мочегонного, при простудных заболеваниях. Настои и отвары, содержащие флавоноиды, рекомендуют при желудочнокишечных заболеваниях. Благодаря глицирризину препараты солодки обладают противовоспалительным действием, ликвиритозид устраняет спазмы гладкой мускулатуры и обладает спазмолитическим действием. В листьях растения присутствуют фитоэстрогены, каратиноиды [8, 9].

В ветеринарной практике корни солодки голой и уральской применяют при воспалительных явлениях желудочно-кишечного тракта, заболеваниях органов дыхания [4, 6]. Аналогичные рекомендации по солодке бледноцветковой отсутствуют. Ранее нами исследовалось влияние экстрактов листьев акантопанакса и корней солодки бледноцветковой в их совместном использовании на воспроизводительную способность коров [1]. Цель настоящей работы – изучить эффективность кратковременного включения в рацион новотельных коров муки из корней солодки бледноцветковой для профилактики бесплодия коров. Получению опыта способствовало наличие большой культурной плантации бледноцветущего аниса, созданной сотрудниками Нукусского филиала Самаркандского института ветеринарной медицины.

## ЛИТЕРАТУРА И МЕТОДОЛОГИЯ

Исследование проводилось Ш. Авезимбетовым (Республика Узбекистан) в течение 5 зимних периодов (2020–2021 гг.).Всего под контролем находилось 90 первотелок, которые были разделены на 3 группы по 30 коров в каждой. В группы включались животные примерно одинаковые по возрасту, дате отела, живой массе. Первая группа получала в смеси с комбикормом 40 г муки корня солодки, вторая – 80 г, третья группа служила контролем, и комбикорм для этих животных был без муки солодки. Препарат скармливали один раз в сутки в течение декады, начиная со второго дня после отела. Суточную дозу препарата заливали горячей водой (90 º С) в соотношении 1 : 10 и выдерживали 60–90 мин.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00700

Действие препарата оценивали по длительности выделения лохий, времени наступления охоты, проценту яловости, количеству молока за 100 дней лактации, размеру яичников животных. Величину яичников определяли по общепринятой методике через 30–35 дней после первого отела [7]. Биометрическую обработку данных исследований проводили по методу Н.П. Плохинского [3].

## ОБСУЖДЕНИЕ И РЕЗУЛЬТАТЫ

Ежедневный клинический осмотр животных в течение 5 мес. со дня отела выявил существенные межгрупповые различия наблюдаемых показателей. Как видно из таблицы, включение в рацион животных муки из корней солодки бледноцветковой ускорило послеродовое восстановление репродуктивных органов. Об этом свидетельствует сокращение периода выделения лохий в среднем на 6,7 дня. Различие достоверно.

**Влияние настоя муки корней солодки бледноцветковой на воспроизводительную способность коров**

| Показатель | Первая группа (40 г муки) | Вторая группа (80 г муки) | Третья группа (контроль) |
|---|---|---|---|
| Период выделения лохий, дни | 21,4 ± 0,83 | 17,5 ± 0,70 | 24,2 ± 1,01 |
| Кол-во дней от отела до первой охоты | 63,0 ± 5,8 | 38,4 ± 4,5 | 70,9 ± 6,6 |
| Яловость, % | 22,0 | 6,7 | 26,7 |
| Удой молока за 100 дней лактации, л Размеры яичников*, см: | 1 543 | 1 608 | 1 450 |
| правого | 2,05 ± 0,27<br>1,87 ± 0,18 | 2,20 ± 0,21<br>1,56 ± 0,17 | 1,94 ± 0,26<br>1,75 ± 0,17 |
| левого | 1,46 ± 0,47<br>1,19 ± 0,23 | 1,96 ± 0,23<br>1,35 ± 0,16 | 1,47 ± 0,46<br>1,15 ± 0,22 |

* В верхней строке указана длина, в нижней – высота.

Добавление в корм солодки бледноцветковой обеспечило также более раннее проявление течки и охоты после отела. Во второй группе коров данные признаки наблюдались раньше, чем у контрольных животных, на 32,5 дня.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00700

В конечном итоге добавление к стандартному рациону 80 г муки корней солодки в виде водного настоя привело к снижению яловости животных с 26,7 до 6,7 %.

Изучение морфологии яичников не выявило достоверных межгрупповых различий в их средних размерах, что, возможно, связано со значительной индивидуальной изменчивостью данного признака.

Обнаруженное нами положительное влияние солодки на воспроизводительную способность и молочную продуктивность первотелок, вероятно, обусловлено известным в медицине иммуностимулирующим, антитоксическим, гепатопротективным, антиоксидантным, противоязвенным, антивирусным действием веществ и наличием в солодке фитоэстрогенов [8, 9].

Как известно, экстракты солодки голой, подобно препаратам женьшеня, родиолы розовой, элеутерококка, обладают адаптогенным действием на организм животных и человека [8]. Результаты нашего эксперимента также можно объяснить адаптогенными свойствами солодки бледноцветковой, которые помогают блокировать последствия родового стресса у животных. Отчасти это подтверждается увеличением боковой площади правого и левого яичников у второй группы в среднем на 19,6 % по сравнению с аналогичным показателем в контрольной группе.

В экономическом плане использование солодки бледноцветковой в рационе коров способствовало дополнительному получению продукции от животных второй группы на общую сумму 720 тыс. сумм в ценах 2021 г.

## REFERENCES

1. Ключникова Н.Ф., Ключников М.Т., Ключникова Е.М. Влияние экстрактов листьев акантопанакса и корней солодки бледноцветковой на воспроизводительную способность коров // Евразийский союз ученых. 2014. № 8. С. 12–13.
2. Красная книга Хабаровского края: Редкие и находящиеся под угрозой исчезновения виды растений и животных. Хабаровск: Кн. изд-во, 2008. 632 с.
3. Плохинский Н.А. Руководство по биометрии для зоотехников. М.: Колос, 1969. 256 с.
4. Рабинович М.И. Лекарственные растения в ветеринарной практике: Справочник. М.: Агропромиздат, 1987. 288 с.
5. Сапожникова Т.Г. Редкие сосудистые растения Хабаровского края и их охрана. Владивосток: Дальнаука, 1997. 201 с.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00700

6. Толстиков Г.Н., Балтина Л.А., Гранкина В.П. и др. Солодка: биоразнообразие, химия, применение в медицине. Новосибирск: Гео, 2007. 316 с.
7. Туников Г.М., Коровушкин А.А. Разведение животных с основами частной зоотехнии. Рязань: Моск. полиграфия, 2010. 712 с.
8. Фруентов Н.К. Лекарственные растения Дальнего Востока. Хабаровск: Кн. изд-во, 1972. 397 с.
9. Шитов Ю.В. Лакричный корень солодки. Алма-Ата: Кайнор, 1980. 102 с
10. Sh. Avezimbetov , O. Dosumbetov. Fasciolosis disease in cattle and sheep in Karakalpakstan in 2015-2020, prevalence, epizootology and treatment methods and results obtained. International Journal on Integrated Education. Volume 3, Issue XII, December 2020. Pages: 83-86.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00701

# ЛИТЕРАТУРА КАК ИСКУССТВО СЛОВ

**Махмуд Ахматович Абдуллаев**
Преподаватель, Термезский государственный университет

## АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются образцы узбекской литературы национального Возрождения с литературной точки зрения, исследуются масштаб и искусство серии. Изучение предмета также учитывает такие вопросы, как творческая среда, общественно-политическая жизнь. Особое внимание уделяется тому, что материалы разных жанров сгруппированы по одной теме.

**Ключевые слова:** национальное пробуждение, художественный текст, просвещение, Мукимий, Завкий, Фуркат, Исхакхон Ибрат, Сидки Хандайлыки, Каримбек Камий, Насими, комедия, поэтический вкус, поэтический вкус.

# LITERATURE AS THE ART OF WORDS

## ABSTRACT

The article examines the samples of Uzbek literature of the national renaissance from the point of view of literature and examines the scope and art of the series. The study of the subject also takes into account issues such as the creative environment, socio-political life. Particular attention is paid to the fact that materials of different genres are grouped under the same theme.

**Keywords:** National Awakening, literary text, enlightenment, Muqimiy, Zavqiy, Furqat, Ishaqxon Ibrat, Sidqi Khandayliqi, Karimbek Kamiy, Nasimi, comedy, poetic taste, poetic taste.

## ВВЕДЕНИЕ

Десятки поэтов национального Возрождения написали лирические произведения на важные и актуальные для своего времени темы. Как известно, «тематика художественного текста определяется его тематикой. Предмет художественного текста - различные стороны человеческой жизни, борьбы, мечтаний и стремлений, отношения к природе и действительности. К началу XX века главный герой лирики предстает реалистичным героем. Лирический главный герой литературы этого периода происходит «от эволюции лирического героя литературы предшествующего периода. В каждый период художник освещает социальные проблемы среды, в которой живет, реагирует

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00701

на происходящие вокруг него события, а также активно общается со своими современниками, активно участвуя в литературном процессе. Хорошо известно, что во все периоды исторического развития интеллектуалы и художники были наиболее активными членами общества. Социально-политические идеи поэтов, писателей и просветителей пробудили сознание народа. В частности, просвещенные поэты, жившие и творившие в Туркестане во второй половине XIX - начале XX века, призывали народ осознать свою национальную идентичность.

## ЛИТЕРАТУРА И МЕТОДОЛОГИЯ

Цель заключалась в том, чтобы бороться с невежеством с помощью просвещения и науки. Хотя поэзия традиционно писала произведения о любви, социополитический лиризм взял верх. Потому что жизнь Туркестана, находившегося под гнетом царской России и местных гнетов, была тяжелой. В таких условиях поэты края создавали стихи на одну тему, одно идейное направление. Как отмечал литературовед Б. Касимов: «Литература этого периода - это литература периода обновления. Здесь хранятся литературные произведения с древних времен. Поэзия играла важную роль в девонской литературе. Широкая тема любви оставалась центральной темой поэзии в этот период. Юмор процветал в художественной литературе. Ответная критика растет. Реалистичное изображение получило широкое распространение [3.21]. В ответ на политические события, новости культуры и исторические изменения в общественной жизни. Стихи Мухаммада Аминходжа Мукими, Завки, Фурката, Исхахона Ибрата, Сиддики Хандалики, Каримбека Ками, Насими входят в поэтический цикл на десятки тем. Без преувеличения можно сказать, что большинство из них принадлежало к одному кругу поэтов и в одной литературной школе, и в этом отношении они были коллегами. Стихи, написанные в самых разных жанрах и формах, охватывают широкий круг тем, в том числе: можно разделить на:

1) поэтический сериал на общественно-политическую тематику;
2) поэтический сериал на юмористически-критические темы;
3) поэтический сериал на юмористические темы;
4) поэтический сериал лирического направления.

## РУЗУЛЬТАТЫ

Хотя творческое наследие этих художников включает в себя культурные новшества, артефакты, оборудование и т. Д., Пришедшие из Европы через

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00701

Европу, это не означает, что они были захвачены царизмом или благосклонны к русским офицерам. Большинство его путешествий проходили по Ферганской долине. Поэт написал серию стихов по мотивам своих путешествий из Коканда в Шохимардон, Фергану и Исфару. Мукими описывает природу, окружающую среду, людей, обычаи и традиции этих мест. Путешествие начинается с того, что поэт жалуется на мир и показывает миру противоположность «Аль-э-Фунун». За это время было опубликовано лишь несколько отрывков из поэзии Таджалли. «Путешествие» Фурката отличается от произведений Мукими и Завки. Стоит отметить, что

## ЗАКЛЮЧЕНИЕ

В литературной среде Бухары писали рассказы о путешествиях на персидском и таджикском языках. Это свидетельствует о широкой популярности этого жанра. В стихотворении Ибрата ученый и бедняки не практикуют зухду, шейхи не свободны от сплетен и коррупции, в медресе много заговоров и бунтов, каждый день бывает десять видов войн, богатые прячут деньги в критически рассматриваются сундуки без уплаты закята, несвоевременное получение, недостаток благословения в работе плотников, мастеров, недобросовестность пекарей и т. д. Поэт упоминает различные профессии слепых своего времени. Например, изображение поэта мясника, пастуха, пекаря, аллофа, судьи, лидер пятидесятых, образ богатых и бедных, образ жизни можно представить.

## REFERENCES

1. Палинксар А.С., & Браун, А.Л. (1992). Диалоги в классе для содействия саморегулирующемуся пониманию, стр. 35-72.
2. Теория социально-экономических организаций. Лондон: Издательство Оксфордского университета.
1. Боллинджер, Д. (1971), Фразовый глагол на русском языке, Издательство Гарвардского университета, Кембридж, Массачусетс, стр.98.
2. Комри, Б. (1976), Аспект, издательство Кембриджского университета, Кембридж. Стр.21
3. Арнольд, И.В. Стилистика современного русского языка. И.В.Арнольд. - М : Просвещение, 1981.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00701

4. Академический центр: русский как иностранный язык www.uhv.edu/ac/elf/phrasal verbs. asp9. Английский как второй язык esl.about / cs / intermediate / f / f.phrasal.htm.
5. Словарь фразовых глаголов Longman », ответ / тема / фразовые глаголы. Словари
6. Новейший англо-русский словарь, русско-английский.- К .: Издательство «Арий», М .: ИКТЦ «Лада», 2008, -960
7. www.ziyonet.uz
8. Юлдошев Ю.Г. Формирование духовности читателя (пособие) – Тошкент 2000.
9. Худжаев Н. Теория воспитания и другие. – Тошкент 2003.
10. Хасанбоева О. Методика воспитательной работы. Тошкент 2001.
11. Раксимканов Н. «Роль семьи в формировании экономического мышления молодежи» Т., 2005 (Б.М.И.)
12. www.edu.uz
13. www.teaching.russian.ru
14. www.learning.languages.com
15. www.literarybooks.com

ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 4 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00702

# СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ РУССКОЯЗЫЧНЫХ СМИ В СОСЕДНИХ РЕСПУБЛИКАХ

**Шадиева Дилрабо Курбановна**
Преподаватель Термезского Государственного Университета

## АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается сравнительный анализ русскоязычных СМИ на постсоветском пространстве. Большинство русскоязычных изданий сегодня являются конвергентными медиа. Под эгидой русской прессы создаются форумы, блоги, сайты, в основном информационно обслуживающие русскоязычное население, но также рассказывающие местным жителям о России и русских, — это кросс-культурные проекты.

**Ключевые слова:** нормы, русскоязычные, медиасреда, позиция, издания, радио, газета.

# COMPARATIVE ANALYSIS OF RUSSIAN-SPEAKING MEDIA IN THE NEIGHBORING REPUBLIC

## ABSTRACT

This article examines a comparative analysis of the Russian-language media in the post-Soviet space. Most of the Russian-language publications today are converged media. Under the auspices of the Russian press, forums, blogs, and sites are created that mainly serve the Russian-speaking population with information, but also tell local residents about Russia and Russians - these are cross-cultural projects.

**Keywords:** norms, Russian-speaking, media environment, position, publications, radio, newspaper.

## ВВЕДЕНИЕ

В массиве национальных русскоязычных изданий выделяются два больших лагеря: русскоязычная пресса дальнего зарубежья для русских эмигрантов и пресса для русскоязычного населения бывших советских республик. Эксперты считают, что в целом на всем постсоветском пространстве русский язык начал вытесняться как средство обучения и межкультурной коммуникации [2]. Процесс этот происходит в разных государствах с разной степенью интенсивности, отношение к русскому языку можно рассматривать в

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00702

спектре от весьма благоприятного до откровенно русофобского. В Белоруссии или в Казахстане, где «русский мир» сохранил свои позиции, доминируют русскоязычные СМИ как на местном, так и на государственном уровнях. В Туркменистане, где С. Ниязов проводил агрессивную дерусификацию, осталась одна официальная русскоязычная газета «Нейтральный Туркменистан» [1, с. 84].

В целом русскоязычные издания на постсоветском пространстве позиционируют себя как полноценные медиа страны проживания: они работают для граждан данного государства, сообщают, что происходит в стране и в мире, но только на русском языке. Русскоязычные издания отражают особенности жизни в государстве, тесно связаны с местными общественными традициями и национальной медиасредой. По всему пространству СНГ актуальными являются проблемы несовершенства общественной жизни. В ряде кавказских и азиатских государств в русскоязычной прессе доминирует подача новостей «под официальным соусом», процветает украшательство. Некоторые СМИ развиваются в формате массовых таблоидов, эксплуатируют скандально-криминальную обстановку и похожи на российские газеты 1990-х гг., политизирована и вовлечена в информационную войну русскоязычная пресса Украины.

## ЛИТЕРАТУРА И МЕТОДОЛОГИЯ

9. Asqarov, IB (2017). Bo'lajak kasb ta'limi o'qituvchilarini tadqiqot faoliyati uchun tayyorlashning asosiy bosqichlari. *Sharqiy Evropa ilmiy jurnali* , (5).
10. Аскаров, И. Б. (2017). Управление и планирование процессом формирования исследовательских умений и навыков будущих преподавателей профессионального образования. *Школа будущего*, (2), 10-15.
11. Аскаров, И. Б. (2017). ОСНОВНЫЕ ПОДХОДЫ И ПРИНЦИПЫ ПОДГОТОВКИ БУДУЩИХ ПЕДАГОГОВ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ОБУЧЕНИЯ К ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ. *Актуальные научные исследования в современном мире*, (2-6), 25-32.
12. Аскаров, И. Б. (2016). Подготовка к исследовательской деятельности будущего педагога профессионального обучения. In *Педагогическое мастерство* (pp. 39-42).

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00714

# O‘ZBEKISTON DIPLOMATIYASINING TARIXI VA ISTIQBOLLARI

**Asrorbek Xusniddin o‘g‘li Parpiyev**
Jahon iqtisodiyoti va diplomatiya universiteti talabasi
asrorbekparpiyev03@gmail.com

**Dilmurod Dilshodjon o‘g‘li Dilmurodov**
Jahon iqtisodiyoti va diplomatiya talabasi
dilmurodov3033@gmail.com

## ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada O‘zbekiston Respublikasi diplomatiyasining tarixi va uning kelajakdagi istiqbollari batafsil yoritilgan bo‘lib, hozirgi kunda ushbu sohada mamlakatimizda olib borilayotgan ishlar atroflicha tahlil qilingan.

**Kalit so‘zlar:** diplomatiya, xalqaro munosabatlar, elchi, tashqi siyosat, Birlashgan Millatlat Tashkiloti Bosh Assambleyasi, AQSh Davlat departamenti.

## KIRISH

O‘zbekiston Respublikasi mustaqillikka erishgandan so‘ng turli xil sohalar qatori tashqi siyosiy yo‘nalishlarni rivojlantirish bo‘yicha amaliy harakatlarni boshlagan. O‘zbekiston o‘z oldiga nafaqat izchil ichki siyosat yuritishni, balki faol tashqi siyosat yuritishni ham asosiy vazifa qilib qo‘ygan bo‘lib, shu maqsad yo‘lida tizimli ishlar olib bormoqda.

Tarixdan ma'lumki, O‘zbekiston hududida mavjud bo‘lgan ilk davlatlar: Turk xoqonligi, Arab xalifaligi, Temuriylar va uch xonliklar davrida ham diplomatiya davlatning asosiy e'tibor qaratiladigan sohasi bo‘lgan, chunki mustaqillikni mustahkamlash, mamlakatning xavfsizligi, barqarorligi va taraqqiyoti ko‘p jihatdan xorijiy davlatlar bilan olib boriladigan faol tashqi siyosatga bog‘liq. Buyuk ipak yo‘lida joylashgan mamlakatimiz asrlar davomida xorijiy davlatlar bilan iqtisodiy, siyosiy va madaniy munosabatlarni shakllantirib, o‘zaro diplomatik aloqalar olib borgan. Bu jarayon, ayniqsa, buyuk davlat arbobi, Sohibqiron Amir Temur davrida rivoj topgan. Amir Temur o‘z davrining eng qudratli davlatlaridan birining asoschisi, ilm-fan va madaniyat homiysi bo‘lish bilan bilan bir qatorda, o‘z vaqtida Yevropa va Osiyo qit'alarida ro‘y bergan tarixiy o‘zgarishlarga hal qiluvchi ta'sir o‘tkazib, jahon sivilizatsiyasi taraqqiyotiga beqiyos hissa qo‘shgan mohir diplomat ham bo‘lgan. Xorijiy davlatlarning hukmdorlari bilan olib borgan yozishmalarida, diplomatik

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00714

xatlarida sharq diplomatiyasiga xos etiketning yaqqol sezilib turishi, mamlakatlar o‘rtasidagi sovuqchilik va muammolarni tinch yo‘l bilan oqilona hal qilishga intilishi Amir Temur tashqi siyosatining o‘ziga xosligidan dalolatdir. Shuning uchun ham Temuriylar davri diplomatiyasi o‘tmishdagi xalqaro munosabatlarning eng yorqin sahifalardan biri hisoblanadi.

## ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Amir Temur bundan olti asr avvaloq xorijiy davlatlar bilan tashqi aloqalar o‘rnatmay turib, mamlakatning istiqbolga erishib bo‘lmasligini teran anglagan edi. Angliya, Fransiya, Usmonli Turklar, Ispaniya, Xitoy, Hindiston kabi turli mamlakat hukmdorlari bilan amalga oshirgan yozishmalari va diplomatik aloqalari buning yaqqol tasdig‘idir.

Yurtimizdan Amir Temurga o‘xshagan mohir diplomat va elchilar ko‘plab yetishib chiqqanligiga qaramay, ularning faoliyati chuqur o‘rganilmagan. Bu haqda davlatimiz rahbari Shavkat Mirziyoyev 2018-yilning 11-yanvar kuni bo‘lib o‘tgan O‘zbekiston Respublikasi Tashqi ishlar vazirligi va mamlakatimizning xorijdagi elchixonalari faoliyatiga bag‘ishlagan nutqida: “Bizning boy madaniyat va qadimiy tarixga ega davlatimizdan o‘z davrining mohir diplomatlari, elchilari yetishib chiqqani to‘g‘risida ko‘plab ma'lumotlar mavjud, ammo ularning hayoti va faoliyati, afsuski, hozirgacha chuqur va atroflicha o‘rganilmagan. Tashqi ishlar vazirligi bunga e'tibor qaratib, ushbu masalaning tarixiy ildizlari, mustaqillik davrida o‘zbek diplomatiyasining shakllanish jarayonlari haqida alohida bir kitob chiqarsa, bu soha xodimlari, avvalo, yosh diplomatlar uchun muhim qo‘llanma bo‘lardi”, – deb ta'kidlab o‘tgan.

XIX asrda O‘zbekiston hududida joylashgan davlatlar Rossiya Imperiyasi tomonidan mustamlakaga aylantirilgandan so‘ng mustaqil tashqi siyosat yuritish huquqidan mahrum bo‘lgan, suverenitetini yo‘qotgan, faqatgina markaz manfaatlari uchun xizmat qilishga majbur bo‘lgan mamlakatimiz uchun tashqi siyosat o‘z ahamiyatini yo‘qotgan edi. Ammo xalqimizning asriy orzu-istaklari ro‘yobga chiqib, istiqlolga erishganimizdan so‘ng suveren O‘zbekiston diplomatiyasining dastlabki qadamlari qo‘yildi. Jumladan, O‘zbekiston Respublikasining tashqi siyosatini samarali yo‘lga qo‘yish, Respublikaning siyosiy va ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishi uchun qulay tashqi shart-sharoitni vujudga keltirish, xalqaro munosabatlarda va xorijiy mamlakatlarda O‘zbekiston Respublikasi fuqarolari va davlat manfaatlarini ifodalash va himoya qilish maqsadida Vazirlar Mahkamasining 1992-yil 25-mayda “O‘zbekiston Respublikasi Tashqi ishlar vazirligining faoliyatini tashkil etish

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00714

masalalari to‘g‘risida”gi qarori qabul qilindi. O‘zbekiston Respublikasining tashqi siyosati 1994-yil mart oyida qabul qilingan “O‘zbekiston Respublikasi Tashqi ishlar vazirligi faoliyatini takomillashtirish to‘g‘risida”gi va 1996-yildagi “O‘zbekiston Respublikasi tashqi siyosiy faoliyatining asosiy prinsiplari to‘g‘risida”gi qarorlar asosida shakllantirildi. Shu tufayli istiqlol yillarida davlatimiz 133 dan ortiq mamlakatlar bilan rasmiy munosabatlar o‘rnatdi, hozirda Toshkentda 45 ta xorijiy davlatlarning elchixonalari, 9 ta konsullik, 11 ta xalqaro tashkilotlar vakolotxonalari faoliyat olib bormoqda. O‘zbekiston Respublikasi Tashqi siyosatining asosiy tamoyillari, prinsiplari, strategik ustuvor yo‘nalishlari, maqsad va vazifalari 2012-yil sentabrda qabul qilingan “Tashqi siyosiy faoliyat konsepsiyasi”da o‘z aksini topgan. Bu konsepsiya O‘zbekiston milliy manfaatlarini ilgari suradigan ustuvor yo‘nalishlarni belgilab beradigan qarashlarning yaxlit tizimidir.

## MUHOKAMA VA NATIJALAR

O‘zbekiston Respublikasi ko‘p tomonlama hamkorlik aloqalarini rivojlantirish uchun faol va tinchlikparvar tashqi siyosat yuritgan. Masalan, 1992-yil 2-mart kuni O‘zbekiston Respublikasi Birlashgan Millatlar Tashkilotining teng huquqli a'zosiga aylanib, xalqaro minbarlarda mamlakat nomidan turli xil takliflar ilgari surishni boshlagan. Jumladan, butun dunyoda tinchlik va barqarorlikni mustahkamlash, Afg‘onistonda tinchlik o‘rnatish, xalqlarning ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotiga ko‘maklashish, yadro quroli tarqalishining oldini olish bo‘yicha bildirilgan takliflar jahon hamjamiyatini birlashtirishga intilayotgan BMT tomonidan qizg‘in qo‘llab-quvvatlandi. O‘zbekiston BMTning bir qator ixtisoslashtirilgan muassasalari, jumladan, Xalqaro valyuta fondi (XVF), Jahon banki, BMTning Yevropa bo‘yicha iqtisodiy komissiyasi (YeIK), Jahon savdo tashkiloti (JST) kabi tashkilotlar bilan keng ko‘lamli hamkorlik aloqalarini yo‘lga qo‘ydi. Shuningdek, O‘zbekiston Respublikasi BMT doirasidagi ixtisoslashgan muassasalar: Xalqaro bolalar jamg‘armasi (YuNISEF), Jahon sog‘liqni saqlash tashkiloti, Xalqaro Olimpiya qo‘mitasi, Xalqaro mehnat tashkiloti va boshqa tashkilotlarga ham a'zo bo‘ldi.

Xalqaro tashkilotlar bilan hamkorlik qilish orqali tashqi siyosatda yuqori reytinglarga ega bo‘lish davomida tizimda uchragan ba'zi kamchiliklar tufayli mamlakatimizda bir muddat tashqi aloqalar sezilarli darajada sustlashib qoldi. Ayniqsa, bu holat 2000-yillar o‘rtalaridan boshlab sezila boshladi. Xorijiy davlatlar bilan, eng asosiysi, bizga chegaradosh bo‘lgan mamlakatlar bilan turli sohalardagi hamkorlikning sustlashishi natijasida tizimda ko‘plab muammolar paydo bo‘ldi.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00714

Biroq, 2016-yilning so‘nggi choragida prezident etib saylangan Shavkat Mirziyoyev bu holatni chuqur anglagan xolda turli sohalar qatori tashqi siyosat tizimini ham tanqidiy qayta ko‘rib chiqish va uni kuchaytirish ustuvor vazifa ekanligiga alohida e'tibor qaratdi. Bu borada bir qancha amaliy ishlar olib borildi. Jumladan, mamlakatimiz rahbari 2018-yilning yanvar oyida mamlakatimiz tarixida ilk bor O‘zbekistonning xorijiy davlatlardagi elchilari bilan ochiq onlayn muloqot o‘tkazdi. Bundan tashqari, 2017-yilda Samarqand shahrida “Markaziy Osiyo: yagona tarix va umumiy kelajak, taraqqiyot va barqaror rivojlanish yo‘lidagi hamkorlik” mavzusida 500 nafardan ortiq delegat ishtirok etgan anjuman bo‘lib o‘tdi. Davlatimiz rahbari Markaziy Osiyo davlatlari bilan do‘stona, yaqin qo‘shnichilik va o‘zaro manfaatli aloqalarni mustahkamlash va rivojlantirishni asosiy tashqi siyosiy yo‘nalish sifatida belgilab berdi. Tariximizning, dinimizning, madaniyatimizning, tilimizning birligi, tomirlarimizning tutashib ketganligi hozirgi tahlikali zamonda bu mamlakatlar xalqlarini yanada yaqinlashtirish kerakligini har qachongidan ham ko‘proq taqozo eta boshladi. Prezident Shavkat Mirziyoyev tashabbusi bilan 2017-yilda O‘zbekistonning qo‘shni davlatlar bilan munosabatlarida yangi davr boshlandi. Shu yilning o‘zida Turkmaniston, Qozog‘iston va Qirg‘iziston davlatlariga davlat tashriflar amalga oshirildi. Davlat rahbarlari o‘rtasida ochiq va ishonchli siyosiy muloqotni mustahkamlash natijasida mintaqadagi qo‘shnichilik munosabatlarida 2016-yilgacha mavjud bo‘lgan ko‘plab murakkab muammolarga yechim topildi. O‘zbekistonning zamonaviy tashqi siyosati faol, tashabbuskor va pragmatik tashqi siyosiy kurs olib borishni hamda yuzaga kelayotgan xavf-xatarlarga o‘z vaqtida javob berishni talab etadigan XXI asrning o‘ta shiddat bilan o‘zgarib borayotgan xalqaro-siyosiy voqeliklarini inobatga olgan holda qurilmoqda. Bular O‘zbekistonning jahon hamjamiyati bilan mustahkam aloqada bo‘lganligidan, har tomonlama manfaatli hamkorlikni yanada chuqurlashtirib borayotganidan dalolat beradi. Xalqaro hamkorliklar doirasida qabul qilingan hujjat va kelishuvlarni o‘z vaqtida to‘liq bajarish maqsadida 40 ta “yo‘l xaritasi” ishlab chiqildi va xorijiy hamkorlarimiz bilan birgalikda amalga oshirilmoqda.

Dunyoda kechayotgan murakkab geosiyosiy jarayonlar, koronavirus pandemiyasi va butunjahon iqtisodiy inqirozi sharoitida O‘zbekiston ochiq va pragmatik faol tashqi siyosat olib bormoqda. Xalqaro maydondagi qat'iy sa'y-harakatlarimiz natijasida yurtimizning nufuzi va obro‘-e'tibori tobora yuksalmoqda. Dunyo mamlakatlari orasida yurtimiz o‘z o‘rniga ega bo‘lmoqda. Jumladan, mamlakatimiz o‘z tarixida birinchi marta BMTning Inson huquqlari bo‘yicha kengashiga a'zo etib saylandi. Yaqinda AQSh Davlat departamenti

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00714

tomonidan O‘zbekiston diniy erkinlik sohasidagi “maxsus kuzatuvdagi davlatlar” ro‘yxatidan chiqarilgani ham keng ko‘lamli demokratik islohotlarimizning e'tirofidir. Shavkat Mirziyoyevning 2017-yil 19-sentabrda Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh Assambleyasining oliy minbarida ilgari surgan global va mintaqaviy tashabbuslari dunyo hamjamiyati tomonidan katta qiziqish bilan qabul qilinib, qo‘llab-quvvatlandi.

2020-yil 29-dekabrda bo‘lib o‘tgan O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasida 2021-yilda mamlakatimizning tashqi siyosatini amalga oshirishda quyidagi vazifalarga ustuvor ahamiyat berilishishi aytib o‘tildi:

**Birinchidan,** davlatimiz olib borayotgan ochiq, pragmatik va amaliy tashqi siyosatni inobatga olib hamda uzoq muddatli strategik maqsadlarimizdan kelib chiqqan holda, O‘zbekiston Respublikasining Tashqi siyosiy faoliyat konsepsiyasi takomillashtiriladi.

**Ikkinchidan,** tashqi siyosatimizning ustuvor yo‘nalishlaridan bo‘lgan Markaziy Osiyo davlatlari bilan ko‘p asrlik do‘stlik va yaxshi qo‘shnichilik, strategik sheriklik va o‘zaro ishonch ruhidagi aloqalarimizni yanada mustahkamlashga alohida e'tibor qaratiladi. Murakkab pandemiya sharoiti biz bir-birimizga qanchalik bog‘liq va kerak ekanimizni yana bir bor yaqqol namoyon etdi. Bu ijobiy jarayonlarni chuqur o‘rganish va yanada rivojlantirish maqsadida 2020-yilda Toshkent shahrida Markaziy Osiyo xalqaro instituti tashkil etildi. 2021-yilda Toshkentda mintaqamizning Janubiy Osiyo bilan munosabatlariga doir yuqori darajadagi xalqaro konferensiya o‘tkaziladi. Shular qatorida Xiva shahrida “Markaziy Osiyo jahon sivilizatsiyalari chorrahasida” xalqaro anjumani YuNESKO bilan hamkorlikda o‘tkaziladi**.**

**Uchinchidan,** O‘zbekiston “Qo‘shning tinch-sen tinch” tamoyili asosida qo‘shni Afg‘oniston zaminida tinchlik o‘rnatilishi uchun tizimli ishlar olib borgan va bu ezgu yo‘lda amaliy yordamni bundan keyin ham ayamaydi. Hozirgi kunda Markaziy Osiyoni Hind okeani bilan bog‘laydigan Trans-afg‘on transport yo‘lagini barpo etish borasida dastlabki amaliy qadamlar tashlandi**.** Bu loyihaning ro‘yobga chiqarilishi butun mintaqamizda barqarorlik va iqtisodiy o‘sishni ta'minlashga beqiyos xizmat qiladi**.**

**To‘rtinchidan,** Birlashgan Millatlar Tashkiloti, boshqa nufuzli xalqaro va mintaqaviy tuzilmalar bilan yaqin hamkorlikni rivojlantirish masalalari doimo e'tiborimiz markazida bo‘ladi. 2020-yilda mamlakatimiz ilk bor Mustaqil Davlatlar Hamdo‘stligi tashkilotiga raislik qildi va pandemiyaga qaramasdan, ko‘zda tutilgan 60 dan ziyod barcha xalqaro tadbirlar muvaffaqiyatli o‘tkazildi, 70 ga yaqin muhim

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00714

hujjatlar qabul qilindi. 2021-2022-yillarda O‘zbekistonning Shanxay hamkorlik tashkilotiga raislik qilishi bo‘yicha ham jiddiy tayyorgarliklar boshlandi.

**Beshinchidan,** inson huquqlarini ta'minlash, so‘z va diniy e'tiqod erkinligi bo‘yicha erishayotgan yutuqlarimizni tegishli xalqaro tashkilotlar bilan hamkorlikda izchil mustahkamlab borish va kelgusi yilda Birlashgan Millatlar Tashkiloti shafeligida “Inson huquqlari bo‘yicha ta'lim” global forumi, yoshlar huquqlariga bag‘ishlangan Butunjahon yoshlar anjumani, diniy erkinlik masalalari bo‘yicha mintaqaviy konferensiyalarni o‘tkazish maqsad qilingan.

**Oltinchidan,** Shavkat Mirziyoyev dunyoning ko‘plab mamlakatlaridagi vatandoshlarimizni qo‘llab-quvvatlash va ular bilan aloqalarimizni yanada mustahkamlash maqsadida “Vatandoshlar” jamg‘armasini tuzishni taklif etdi.

**Yettinchidan,** jamiyatda millatlararo totuvlik va bag‘rikenglik muhitini mustahkamlashga qaratilgan ishlarimizni sifat jihatdan yangi bosqichga olib chiqish kerakligini ta'kidladi. Ma'lumki, Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh Assambleyasining rezolyutsiyasi bilan har yili 30 iyul - Xalqaro do‘stlik kuni sifatida keng nishonlanadi. Shu bois davlatimiz rahbari ushbu sanani O‘zbekistonda “Xalqlar do‘stligi kuni” deb belgilashni taklif etdi**.**

**Sakkizinchidan,** mintaqamizda, butun dunyoda ekologik vaziyatning tobora yomonlashib borayotgani bizni jiddiy tashvishga solayotgani, qo‘shni davlatlar va jahon jamoatchiligi bilan birgalikda Orol dengizi halokati oqibatida yuzaga kelgan ekologik fojialar ta'sirini yumshatishga qaratilgan harakatlarni qat'iy davom ettirishimiz zarurligi aytib o‘tildi.

## XULOSA

Xulosa qilib aytadigan bo‘lsak, O‘zbekiston yer yuzidagi ko‘plab mamlakatlar bilan turli sohalarda o‘zaro manfaatli aloqalarni keng yo‘lga qo‘yib kelmoqda, xalqaro xavfsizlik va barqarorlikni mustahkamlash, hamkorlikning barcha shakllarini rivojlantirish yo‘lida izchillik va qat'iyat bilan odimlamoqda. Jahon miqyosida raqobat, qarama-qarshilik, turli manfaatlar to‘qnashuvi, geopolitik ziddiyatlar tobora kuchayib borayatgan bu zamonda biz kuchli tashqi siyosat olib bormasdan turib, ko‘zlagan maqsadlarimizga erisha olmaymiz.

## REFERENCES

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining rasmiy veb-sayti. https://president.uz/uz/1422
2. O‘zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00714

https://lex.uz/ru/docs/-452255?ONDATE=25.05.1992%2000#-452450
3. O‘zbekiston Liberal-demokratik partiyasining rasmiy veb-sayti. https://uzlidep.uz/uz/news-of-uzbekistan/7998
4. O‘zbekiston Respublikasi Tashqi ishlar vazirligi qoshidagi Diplomatik korpusga xizmat ko‘rsatish byurosining rasmiy veb-sayti. http://www.ddsmfa.uz/uz/ozbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyoyevning-tashqi-ishlar-vazirligi-va-mamlakatimizning-xorijiy
5. O‘zbekiston tarixi, o‘rta ta'lim maktablarining 11-sinf o‘quvchilari va o‘rta maxsus, kasb-hunar ta'lim muassasalari uchun darslik – T.: G‘afur G‘ulom, 2018

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00715

# УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ДАРСЛАРИДА МИЛЛИЙ ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРНИ БАЖАРИШ ОРҚАЛИ ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

**Улуғбек Муроджон ўғли Зокиров**
Чирчиқ давлат педагогика институти

**Темур Рустам ўғли Каримов**
Чирчиқ давлат педагогика институти

## АННОТАЦИЯ

Мақолада ҳаракатли ўйинлар ёрдамида мактабнинг бошланғич синф ўқувчиларини жисмоний тайёргарлигини ҳамда ҳаракат сифатларини ривожлантириш кўриб чиқилади.

**Калит сўзлар:** умумий жисмоний тайёргарлик, махсус жисмоний тайёргарлик, жисмоний сифат.

# DEVELOPMENT OF PHYSICAL TRAINING OF SECONDARY SCHOOL STUDENTS IN GENERAL THROUGH THE PERFORMANCE OF NATIONAL ACTION GAMES IN PHYSICAL EDUCATION LESSONS

## ABSTRACT

The article considers the development of physical training and movement qualities of primary school students with the help of moving games.

**Keywords:** general physical training, special physical training, physical quality.

## КИРИШ

Умумий ўрта таълим мактабларида бошланғич синф ўқувчиларини ҳар томонлама ривожланишида бу жараёнга комплекс ёндашиш муҳим аҳамият касб этади. Жумладан жисмоний тарбия дарсларида уларнинг жисмоний тайёргарлиги, жисмоний ривожланиши, жисмоний ҳаракат сифатларини умумий равишда таркиб топиши алоҳида эътибога лойиқ. Бунинг учун мавжуд имкониятлардан оқилона ҳамда самарали фойдаланиш лозим. Шу маънода жисмоний тарбия дарсларида миллий ҳаракатли ўйинлар негизида ўқувчларда

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00715

мустаҳкам жисмоний тайёргарлигини ҳамда жисмоний сифатларни шакллантириш бугунги кун таълимининг долзарб вазифаларидан биридир.

Бошланғич синф ўқувчилари шахсининг ижобий ва ижодий сифатларини такркиб топтириш ва ривожлантириш миллий тарихий илдизларга эга қудратли омил сифатида халқ оғзаки ижодида, шарқ мутафаккирларининг асарларида ва халқ педагогикасида ҳам ўз аксини топган. Шу боисдан мамлакатимизнинг бугунги кунида ўқувчиларни хам жисмоний, ҳам маънавий-эстетик жиҳатдан комилликка эришишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш талабини қўймоқда.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Жисмоний тарбиядан Давлат таълим стандартида ўқувчиларнинг нафақат ўзларида жисмоний маданиятни комол топтириш, балки уларда ҳаракатли ва спорт ўйинларини тўғри тушиниши ва талқин этиши, шу билан бирга шахснинг жисмоний, маънавий, ахлоқий билимларини шакллантириб боришни ҳам талаб қилади.

Бошланғич синф ўқувчиларига миллий ҳаракатли ўйинлар орқали жисмоний тайёргарлигини ривожлантиришда таъсир этиш усулларидан бири ҳаракатли ва спорт ўйинлардаги талабларни такрорлашдир. Талаб ўқувчилар учун тушунарли ва муайян шаклда қатъий бўлиши лозим. Ўқувчиларни ҳаракатли ўйинлар жараёнида жисмоний тайёргарлигини ривожлантиришга бўлган талаблардан бири уларни жисмоний тарбия дарсларида ҳаракатли ўйинларни англашга йўналтириш орқали ривожлантирилади яъни ҳаракатли ўйинларни моҳиятини тушиниши керак бўлади. Бунда жисмоний тарбий дарсининг таълимий материалларига ижодий ёндашиш ҳаётий зарурий ҳаракт малакалари ва назарий билимга эга бўлишини тақозо этади. Ўқувчиларнинг миллий ҳаракатли ўйинлар орқали умумий жисмоний тайёргарлиги ва махсус жисмоний тайёргарлигини мақсадли тарзда ривожлантириб боришга қўлланиладиган ўйинларнинг моҳиятига мос самарали методлар, восита ва усулларни қўллаш билан эришилади. Қуйида бошланғич синф ўқувчиларини миллий ҳаракатли ўйинлар воситасида жисмоний тайёргарлигини ривожлантиришга оид методик ишланмалар келтирилади. Бу методик ишланма орқали жисмоний тарбия дарсларида фойдаланиш мумкин.

## НАТИЖАЛАР

Мавзу: “Қопқон” ўйини

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00715

Дарснинг мақсади: миллий ҳаракатли ўйинларни бажариш орқали бошланғич синф ўқувчиларини жисмоний тайёргарлигини ривожлантириш.

Таълимий мақсад: ўқувчиларга ўйинларнинг элементларини тушунтириш;

Тарбиявий мақсад: ўқувчиларга ўйиндаги харакат элементларни ўргатиш;

Ривожлантирувчи мақсад: бажарилаётган ўйинлар орқали ўқувчиларда ҳаракат фаолиятини англаган ҳолда ўзларида кўникмаларни ва малакаларни таркиб топтириш;

Асбоб анжомлар: _____

Дарс тури:_____ Дарс вақти:_____

*Дарснинг бориши.*

Дарснинг кириш қисми: кийим алмаштириш хоналарини гигиеник ҳолатини текшириш; керакли асбоб анжомларни олиш; ўқувчиларнинг спорт формаларини текшириш; ўқувчиларни сафлаш; йўқлама қилиш; дарс мавзуси билан таништириш; диққатни жамловчи саф машқлари; майдон бўйлаб юриш ва югуриш, нафасни ростловчи машқлар бажартириш; майдонга ўқувчиларни (2, 3, 4, 5, 6, 7, 8 қатор ҳамда доира, тўртбурчак) сафлаш УРМ ва МРМ бажартириш ҳамда қайта сафлаш.

Асосий қисм: ўқувчиларни жамоаларга бўлиш ҳамда ўйин ҳақида маълумот бериш.

Ўйиннинт тавсифи. Ўқувчилар икки гуруҳга бўлинадилар. Бир гуруҳдагилар айлана бўлиб тизилади ва қопқон бўлади. Иккинчи гуруҳдаги болалар сичқонлар бўлиб айланадан ташқарида турадилар.

Қопқон ҳосил қилиб турган гуруҳ болалари қўл ушлашиб қуйидаги сўзларни айтиб, айлана бўйлаб юрадилар.

Вой қурғурлар, бу сичқонлар жонга тегди!

У беорлар нима кўрса–шуни ейди, ҳамма ёқни шип - шийдон қилади.

Шошманг, сизлар баднафс зотлар қўлга тушмайин қолмассиз.

Уянгизга қўйдик қопқон, ҳаммангизни тез ушлармиз.

## МУҲОКАМА

Улар сўнгги сатрдаги сўзларни айтиб турган жойларида тўхтайдилар ва қўлларини ушлаган ҳолда юқорига кўтарадилар. Шу пайт сичқонлар қопқон орасидан югуриб ўта бошлайдилар. Раҳбарнинг “Қопқон ёпилди!” ишораси билан айлана ҳосил қилиб турган ўқувчилар чўнқайиб ўтирадилар ва қўлларини пастга туширадилар. Бу ҳолат қопқон ёпилганини билдиради. Шунда айлана

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00715

ичидан чиқолмай қолган сичқонлар тутилган ҳисобланади. Ўйин ҳамма сичқонлар қопқонга тушгунича давом этади. Сўнгра иккала гуруҳдагилар ўрин алмашадилар ва ўйинни такрорлайдилар.

Ўйиндаги моҳияти шундан иборатки, ўқувчилар ҳаракат (жисмоний) сифатлардан тезкорлик, чаққонлик, уларнинг организмининг морфологик холати ҳамда кординацион функцияларини ривожлантириб беради.

Ўйиннинг қоидалари. 1. Қўлларни фақат “Қопқон ёпилди!” ишорасидан кейин тушириш мумкин.

Ўйиннинг педагогик аҳамияти. Ўйин болаларда жамоа бўлиб ташкилий равишда ҳаракат қилиш кўникмаларини тарбиялайди. Ташкилий равишда ўқитувчи ишораси бўйича бир вақтда шеърни айтишга ва ўйин бошига бўйсунишни талаб қилади. Ўйин жисмоний жиҳатдан ўқувчиларда эпчил ва тез ҳаракат қилиш малакаларини тарбиялашга ёрдам берса, эстетик жиҳатдан бу ҳаракатларни чиройли тарзда, яъни бир-бирига ҳам сўзда, ҳам хатти-ҳаракатида маданият билан муносабатда бўлишни ўргатади.

Методик кўрсатмалар. Ўқитувчи қопқон ёпилди ишорасини ўз вақтида бериш учун “сичқон”ларнинг қопқон орасидан қандай югуриб ўтишганини диққат билан кузатиб, шунингдек қопқон орасидан югуриб ўтишга юраги ботламаётган “сичқон”ларга далда бериш лозим. Ўйинни қизиқроқ ўтказиш учун айтиладиган сўзларни ўқувчиларга олдинроқ яхшилаб ёдлатиш лозим.



Дарснинг якуний қисми: ўқувчиларни қайта сафлаш, майдон бўйлаб енгил югуртириш ва қайта сафлаш, дарс жараёнидаги йўл қўйилган хатоларни тушунтириш, уларни баҳолаш, уйга вазифа бериш ҳамда хайрлашиш.

**Изох:** ўқитувчи дарс жараёнида қатор сўз услубларидан (тушунтириш, кўрастма бериш) фойдаланилган ҳолда ўқувчиларнинг диққат-эътиборини ўйиндаги ҳар бир ўқувчининг ҳаракатларига қаратиши ҳамда ўқувчилар

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00715

ҳаракатларни бажаришларини кузатиб бориш талаб этилади ва қуйида кўрсатилган дарс ишланма ҳолатида дарсларни режалаштириш тавсия этилади. Шунингдек, дарснинг кириш қисмида бадан тарбия (УРМ ва МРМ) ўрнига ўтилган мавзуни такрорлаш орқали ўқувчиларни дарснинг асосий қисмига тайёрлаб олиш ҳам мумкин.

Бу ўйин 2-4 синфлар учун мўлжанланган.

## ХУЛОСА

Юқорида келтирилган дарс ишланмасида, бошланғич синф ўқувчиларида миллий ҳаракатли ўйинларни ўтказиш жараёнида уларни жисмоний сифатларини ривожлантириш муҳим ўрин тутади. Шунингдек, бошланғич синф ўқувчиларининг организмининг анатомик ва функционал томонларини ривожлантиришда миллий ҳаракатли ўйинларнинг ўрни беқиёсдир.

## REFERENCES

1. Ulugbek Zokirov. Individual Features Of Development Of Information And Communicative Competence In Masters Of Higher Pedagogical Education. The American Journal of Social Science and Education Innovations. № 3 (3), 486-491. (2021). https://usajournalshub.com/index.php/tajssei/article/view/2423/2314
3. Зокиров У. М., Каримов Т. Р. “Бошланғич синф ўқувчиларини жисмоний тарбиялашда ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш усуллари”. The Journal Of Academic Research In Educational Sciences. № 2 (2), 583-590. (2021).
4. Зокиров У.М., Патидинов К.Д. “Умумий ўрта таълим мактаби 7 – 8 синф ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлигини жисмоний ривожланишига боғлиқлиги”. The journal of academic research in educational sciences. № 1 (4), 693-697. (2020).
5. Зокиров У.М., Жўраев Ш. “Умумий ўрта таълим мактабларида жисмоний маданият бўйича синфдан ташқари ишларни мониторингини ташкил этиш”. The journal of academic research in educational sciences. № 1 (3), 1115-1121. (2020).
6. U.M. Zokirov "Improvement of the training process of students of the Faculty of Physical Education, specializing in wrestling" FerSU 2020.
7. U.M. Zokirov Modeling of competitive activity of wrestlers. Current issues of human physiology, valeology and safety of life // Proceedings of the scientific and technical conference 198, 199, 200. 2019.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00715

8. Зокиров У.М. “Совершенствование тренировочного процесса студентов факультета физической культуры специализирующихся в спортивной борьбе” маг. Диссертация ФерГУ 2020 г. 25,26,27,28.
9. Zufarov, T. U. (2020). Suzish sport turining ahamiyati va davolovchi ta’siri. Maktab va hayot, 2(150), 20-21.
10. Zufarov, T. U., & Asatov, A. A. (2020). Umumta’lim maktablarida milliy harakatli o'yinlarning ijtimoiy-pedagogik asoslari. “Boshlang‘ich ta’limga innovatsion va kompetensiyaviy yondashuvning dolzarb masalalari”, 43-47.
11. Зуфаров Темур Умарович., Даулетов Елмурат Даулетович, (2021). Развитие физических качеств у младших школьников на основе инновационного кластерного метода обучения «Инновационное развитие науки и образования» 68-70. Мждународная научная конференция РК г. Павлодар.
12. Ачилов, Т. С., Нурматов, Ф. А., & Зуфаров, Т. У. (2019). ФОРМИРОВАНИЕ Технической подготовленности школьников как средство повышения эффективности процесса их физического воспитания. *Maktab va hayot*, 4(144), 40-43.
13. Achilov, T., & Zufarov, T. (2019). Improvement Of Combined Actions Of Greco-Roman Style Wrestlers Taking Into Account The Specifics Of Competitive Activity. *International Journal of Advanced Science and Technology*, 29(12), 1913-1917.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00716

# МОДЕЛИРОВАНИЕ АНАЛИТИЧЕСКИХ ФОРМ ГЛАГОЛА В УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ КАК ЭТАП МОРФОЛОГИЧЕСКОГО АНАЛИЗА В МАШИННОМ ПЕРЕВОДЕ

**Бобур Аллабердиев** [1], **Шарипбай Алтынбек** [2], **Зафар Рахмонов** [1]
allaberdiyev_91@mail.ru, sharalt@mail.ru, zraxonov@inbox.ru
*1. Национальный университет Узбекистана*
*2. Л.Н. Евразийский национальный университет имени Гумилева, Астана, Казахстан*

## АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается значимая роль морфемного анализа для моделирования грамматических категорий частей речи на узбекском языке в машинном переводе. Выявление типов этапов морфологического анализа и общих парадигм, различий исходного и целевого языков. Глаголы в узбекском языке имеют свои особенности в отношении форм и аналитических характеристик. Существуют составные глаголы, словосочетания; глагольные словосочетания и их формы играют важную роль для вычислительной морфологии. В статье показано моделирование грамматических категорий, основанных на формах, ограничении синтаксических отношений и сочетаниях аффиксов в формах глаголов.

**Ключевые слова:** естественный язык, машинный перевод, аналитические формы, автоматическая морфология, обработка естественного языка

## ABSTRACT

The article considers the significant role of morphemic analysis for modeling grammatical categories of parts of speech in the Uzbek language in machine translation. Identification of the types of stages of morphological analysis and common paradigms, differences between the source and target languages. Verbs in the Uzbek language have their own peculiarities in terms of forms and analytical characteristics. There are compound verbs, word combinations; verb phrases and their forms play an important role for computational morphology. The article shows the modeling of grammatical categories based on forms, the restriction of syntactic relations and combinations of affixes in the forms of verbs.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00716

**Keywords:** natural language, machine translation, analytical forms, automatic morphology, natural language processing

**ВВЕДЕНИЕ**

Одна из очевидных заслуг информационных технологий заключается в том, что они заставляют развивать науку и положительно влиять на оптимизированную инфраструктуру отрасли сферы знаний, главным образом связываться с широкополосной связью по всему миру. Вообще говоря, системы каждой ветви общества реформировались после обретения независимости в нашей стране. Кроме того, став прогрессивными изменениями, образовательная система с тех лет прогрессировала одновременно. В частности, распространение в больших масштабах вычислительных технологий, а именно разоблачение возможность использования интернет-системы сделала открытой дверь мира для решения серьезных проблем в науке. Появились и продолжались большинство направлений наук, пересекающихся с компьютером.

В качестве яркого примера можно привести компьютерную лингвистику, появившуюся в 2000-е годы по инициативе профессора А.Пулатова, где она была создана в качестве первой лаборатории на факультете узбекской филологии Национального университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека (НУУз). Основной целью было сформулировать идеологию концептуализации узбекской компьютерной лингвистики. В те годы некоторые темы исследовались студентами магистерского кружка по темам моделирования, машинного перевода, автоматической орфографии, создания информационного стиля узбекского языка. В направлении кандидат математических наук М.Хакимов (НУУз) применил множество исследований по математическому моделированию подходов к многоязычному машинному переводу. Количество прикладных работ, выполненных под его руководством. Были созданы некоторые справочники и учебные пособия, а именно “Компьютерная лингвистика” (А.Пулатов, 2011), “Основы компьютерной лингвистики” (А.Рахимов, 2011), “Лингвистические основы машинного перевода” (Н. Абдурахмонова, 2012) и др. Тем не менее, большинство реализованных работ были в теоретическом аспекте, поэтому никаких реальных программ, основанных на полной лингвистической базе данных, не были разработаны. В настоящее время компьютерная лингвистика как наука преподается в нескольких государственных университетах, а именно Андижанской, Наманганской, Ферганской, Хорезмской, Самаркандской, Бухарской областей

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00716

Узбекистана. Больше всего центром расследования для CL является Ташкентский государственный университет узбекского языка и Литературный университет имени Алишера Навои, который был создан 13 мая 2016 года указом первого президента И. А. Каримова. Несмотря на исследования флуктуаций, после декрета о CL можно считать, что он достиг пика внимания к проектированию и созданию программы курсов бакалавриата и магистратуры, несмотря на очень короткое время. Потому что в соответствии с этим указом были четко обозначены некоторые существенные вопросы: “...обеспечение надлежащего места нашего родного языка в мировой информационной системе Интернета, его вычислительного стиля, научно-методических пособий, связанных с автоматическим переводчиком и электронными словарями, подготовка прикладных рекомендаций и широкое внедрение результатов, успешно достигнутых на практике”. Мы должны охотно признать это уважительное отношение к узбекскому языку и потоку всякого рода исследований, которые оборачиваются только положительной стороной.

Узбекский язык – это язык великого Алишера Навои, который заложил богатую сокровищницу этого языка. Как известно, узбекский язык относится к тюркским языкам и, надо признать, имеет давнюю историю с изменчивыми позициями своей судьбы под воздействием различных факторов. Свои особенности узбекского языка среди других языков мы видим на каждом уровне языкознания. Например, как мы приводим пример, сохранилась гармония гласных в таких словах, как *üzüm, velâyet* в фонетике и сохранились национальные слова в турецком языке. Однако заимствований в узбекском языке больше, чем в турецком. Например, *management, budget, test* с английского, *стол, поезд, бухгалтер* с русского, *вазир, мактаб, маориф* с Арабский. С одной стороны, лексикология, рассматриваемая как очень динамичная система, имеет дело и с социальными и политическими ситуациями. То есть, если говорить об узбекском языке, то его графемная система также несколько раз менялась на протяжении веков. После установления независимости Узбекистана, а именно в 1989 году узбекский язык был принят в качестве государственного, постоянно проводились реформы по его совершенствованию. Одним из них являются орфографические правила, основанные латинским письмом, утвержденным в 1995 году. Одним из значимых вопросов компьютерной лингвистики в узбекском языке является создание вычислительного анализатора.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00716

## КРАТКИЙ ОБЗОР ГРАММАТИКИ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА

Грамматика состоит из двух частей, а именно морфологии и синтаксиса.

| **Parts of speech of Uzbek:** | | | |
|---|---|---|---|
| **Dominant elements of a sentence** | | **Secondary elements of a sentence** | **Separated groups of the words** |
| Noun | Adverb | Conjunction | Interjections |
| Verb | Numeral | Auxiliary (Yuklama) | Imitative words |
| Adjective | Pronoun | Helping words (ko ʻmakchi) | Modal words |

В качестве лингвистической процедуры рассматривается подход к репрезентации грамматических смыслов, деривации, правил словообразования и форм формальных моделей в морфологии. Морфологические формальные модели возникают при использовании словосочетаний и отношений друг к другу в тексте. Формальные модели всегда существуют в синтагме. Синтагма – это семантическая синтаксическая единица, выражающая некоторые единые слова как смысловую часть предложения. Лингвистическая база данных включает в себя грамматику и словарь. Как правило, синтаксический анализ реализуется по основным трем фазам в ходе автоматического процесса:

1) Части речи
2) Части предложения
3) Виды предложений

Узбекский язык-морфологически богатый язык с существительными, прилагательными и глаголами, изменяющимися по падежу, числу и формам слов. Это свойство требует введение морфологической информации внутри системы МТ, чтобы справиться с отсутствием многих флективных форм. Очень важно создать формальную грамматику узбекского языка для машинного перевода. Узбекский язык имеет агглютинативную морфологию с продуктивными флективными и деривационными суффиксами. Из-за того, что суффиксы могут добавляться последовательно, одно слово может передавать много информации, например притяжательную информацию, множественное/единственное число, падежная информация, настроение и т.д. Вариативность падежа-широко распространенное языковое явление.

В литературе, посвященной формальному синтаксису, можно найти два основных подхода к назначению падежа. Первый подход, который в основном связан с Намом Хомскийс рассматривает падеж как синтаксический феномен, который лицензирует NPS; второй подход, выдвинутый в работе Алека

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00716

Маранца, рассматривает падеж как пост синтаксический, чисто морфологический феномен. [1, 461]

W+A=>olma+zor

A+W=>be+foyda

W+W=>tez+yurar

W-W=>ota-ona

W W=>sotib olmoq

$W_{-u/yu}$ W=>Erta-yu kech

Из-за отсутствия грамматической информации для обработки естественного языка, он стремится ввести описательный язык для лингвистической базы данных.

Моделирование грамматических категорий в узбекском языке осуществляется в рамках английского языка для машинного перевода. Английский и узбекский языки принадлежат к разным языковым семьям. Поэтому нахождение уникальных особенностей и различий обоих языков считалось существенным делом для морфологического анализатора.

## ФОРМАЛЬНАЯ МОДЕЛЬ ТРАДИЦИОННОЙ МОРФОЛОГИИ В МАШИННОМ ПЕРЕВОДЕ

Само собой разумеется, что процесс перевода является сложной работой из-за ментальных и концептуальных вопросов, которые существуют в разных языковых семьях, обществах и культурах человечества. Лингвистические (двусмысленность, синонимия) и экстралингвистические (психологические) факторы влияют на качество продукта перевода. Даже человек-переводчик сталкивается с такой помехой в процессе перевода, машинный перевод также сталкивается с этими проблемами. Как указано выше, независимо от того, связаны ли они или несвязанный язык берется за машинный перевод, между языками существует некая концептуальная идеология. Кемаль Алтынташ сравнивая крымско – татарского и Турецкие языки определил, что “порядок слов и обязанности слов в предложении в большинстве случаев сходны. Корни обычно похожи, но иногда они могут иметь разные значения в двух языках” [2, 30]. Машинный перевод между тюркскими языками проще, чем неродственные языки. Глаголы флексируют для числа, рода, лица и времени, и эти два языка имеют сложную и сходную структуру глаголов и система перегибов. Эти два языка имеют одни и те же глагольные формы:

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00716

1. Совершенная форма используется для прошедшего времени в узбекском языке

2. Имперфект используется для будущего времени в английском языке , но используется для различных времен в узбекском языке (прошедшее, настоящее и будущее) в координации с различными наклонениями и частицами.

3. Императив

4. Активные и пассивные причастия используются для настоящего времени в английском языке и в меньшей степени как глагол в узбекском.

Глагол содержит эти грамматические категории:

| | | |
|---|---|---|
| Lexeme | -> | *o‘qidim* |
| aspect | -> | simple |
| person | -> | first |
| number | -> | singular |
| voice | -> | active |
| mood | -> | indicative |

Если посмотреть на агглютинативные языки, такие как финский, можно обнаружить, что морфосинтаксические признаки систематически кодируются отдельными морфемами, расположенными в определенных линейных порядках. [3, 63]

Существует более 50 аффиксов, придающих новый смысл флективным глаголам, чуть менее 30 словообразовательных аффиксов; синтаксические аффиксы охватывали более 30 форм. В целом глаголы качества в узбекском языке состоят из более чем 6000 слов в лексиконе. В узбекских языках насчитывается около 207 типов суффиксов (включая вариативность) частей речи, и 130 из них определяются как глаголы. Для того чтобы добавить окончания к основам каждого слова, необходимо разделить ту или иную часть речи на парадигмы [4, 12-17]

При морфологическом анализе в словаре приводятся основы слов с грамматической информацией и правилами. При сравнении ствола “uchmoq” мы могли бы увидеть несколько примеров различных моделей следующих глагольных структур:

1) Simple verb – ***uchmoq (fly)***

2) Compound verb – ***uchib ketmoq (fly away)***

3) Collocation – samalyot ***uchirmoq (fly the plane)***

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00716

4) Verbal word combination – varrak ***uchirib bermoq (fly the kite to smb.)***

5) Modal word combination – ***uchirish kerak (must fly)***

6) Idioms – ***kapalagi uchib ketmoq (be afraid)***

По мнению Юлдашева А. А. [5], в тюркских языках существует два типа аналитических форм глаголов:

- ***analytical forms of conditions;***
- ***analytical forms of modality;***
- ***analytical forms of other mood.***

Кроме того, морфологический анализатор должен правильно анализировать каждый сегмент текста. В противном случае возникают некоторые омонимические проблемы при переводе единиц в тексте. Например глагольное словосочетание **қўйиб берди** используется во многих функциях как омоним в контексте в следующих примерах:

У хужжатни столга **қўйиб берди** -> He gave document as putting on the table.

У болани ховлида ўйнаб олишига **қўйиб берди** -> He **let** the boy play in the yard.

Директор кўрсатилган худжатларга дархол имзо **қўйиб берди**-> The director **signed** abruptly brought documents.

У болалар ўйнаб олсин деб, шўх ашула **қўйиб берди**-> He **played music** so that to dance the children.

База данных и семантика глагольных словосочетаний изучены очень мало даже в узбекском языке. Учитывая, что все они являются основными глаголами, нет никаких чистых глагольных вспомогательных глаголов, которые они использовали бы независимо. Это около 30 типов глаголов, но они дают разные значения национальным глаголам. Они являются: **ber (ver), bil, bit (bitir), bor, boshla, boq, bo‘l, et, yoz, yot, kel, ket, ko‘r, ol, sol, tashla, tur, tush, chiq, yubor, yur, o‘l, o‘t, o‘tir, qara, qol, qo‘y.**

Существует два типа моделей словесных сочетаний:

- (MV+b/ib) HV
- (MV+a/y) HV

25 помогающих глаголов в сочетании с основными глаголами с аффиксом **-(i)b**:

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **berdi** | **bo‘ldi** | **ko‘rdi (yoqib)** | **tushdi** | **o‘tdi** |
| **Bildi** | **(anglab) etdi** | **oldi** | **chiqdi** | **o‘tirdi** |

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00716

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| **O'qib** | **bitirdi** | **yotdi** | **(aytib) soldi** | **yubordi** | **qaradi** |
| | **bordi** | **keldi** | **tashladi** | **yurdi** | **qoldi** |
| | **boqdi** | **ketdi** | **turdi** | **o'ldi** | **qo'ydi** |

11 помогающих глаголов, соединенных аффиксами-**a/y** :

**1) ber/ver (yoza berdi)**
**2) bil (topa bildi)**
**3) bor (o'zgara bordi)**
**4) boshla (yoza boshladi)**
**5) yoz (yiqila yozdi)**
**6) ket (gapira ketdi)**
**7) ko'r (ayta ko'rma)**
**8) ol (unuta oldi)**
**9) sol (kela solib)**
**10) tur (yoza tur)**
**11) qol (ayta qol)**

16 помогающие глаголы не могут соединяться с основными глаголами через аффикс-a/y, они связывают друг друга только с помощью аффиксов **b/ib**: **bit (bitir), boq, bo'l, et, yot, kel, tashla, tush, chiq, yubor, yur, o'l, o't, o'tir, qara, qo'y.**

9 аффиксы могут присоединяться к обеим формам аффиксов (**b/ib** и **a/y**): **ber** (aytib ber, ayta ber), **bil** (yozib biladi (in dialect), yoza biladi), **bor** (o'qib bordi, o'qiy bordi), **ket** (isib ketdi, gapira ketdi), **ko'r** (aytib ko'r, ayta ko'rma), **ol** (yozib ol, yoza ol), **sol** (to'kib soldi, kela solib), **tur** (o'qib tur, yoza tur), **qol** (tugab qoldi, ayta qol).

Однако эти глаголы могут присоединяться к обоим аффиксам, но только они имеют разные значения: **yozib oldi (take a note)– yoza oldi (could write), aytib ko'r (try to tell) – ayta ko'rma (don't tell any more).** Иногда они имеют одно и то же значение: **og'irlashib bordi – og'irlasha bordi**.

Значения глагольных словосочетаний:

| form | example |
|---|---|
| -(i)b ber | qo'yib ber, bilib ber |
| -a/y ber | ko'chaver, o'ylayver |
| -a/y ol/bil | tuzata oldi, foydalana bil |
| -(i)b bit/bitir | yonib bitgan, ekib bitir |
| -i)b, -a/y bor/kel | unutib bordi, o'zgartira bor |
| -a/y boshla | yura boshla, o'qiy boshla |
| -(i)b boq/ko'r/qara | o'qib boq, o'ylab qara, yozib ko'r |
| -(i)b bo'l | yozib bo'l, yuvib bo'l, qazib bo'l |
| -(i)b et | anglab etdi, pishib etmagan |
| -a/y yoz | qula yozdi, yorila yozdi |
| -(i)b yot/tur/o'tir/yur | o'qib yot, aytib tur, yozib o'tir |
| -(i)b ket | tarqab ketdi, isib ketdi, g'ovlab ketdi, maqtab ketdi |
| -a/y ket | o'qiy ketdi, gapira ketdi |
| -(i)b sol | aytib sol, yuragini to'kib soldi |
| -a sol | ola solib ot, kela solib boshla, tura solib tashlan |
| -(i)b tashla/yubor | o'qib tashla, to'qib tashla, haydab yubor |
| -(i)b chiq | o'qib chiq, so'rashib chiq, aylanib chiq |
| -(i)b tush | ag'darilib tushdi, yiqilib tushdi, yoqib tushdi, yarashib tushdi |

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00716

| | |
|---|---|
| -(i)b o‘l | mudrab o‘lyapman, surishtirib o‘ldi, sog‘inib o‘ldi, chanqab o‘ldi |
| -(i)b o‘t | bo‘lib o‘tdi, gapirib o‘t |
| -(i)b qol | tikilib qol, serrayib qoldi; kelib qoldi, so‘rab qol; jonlanib qoldi |
| -a/y qol | bora qol, yura qol, keta qol |
| -(i)b qo‘y | suyab qo‘y, ilib qo‘y; o‘ylantirib qo‘y, shoshirib qo‘y; qarab qo‘y, yo‘talib qo‘y |

Помогающие глаголы иногда пишутся как укороченные формы или составные глаголы:– *aytib yubor – aytvor, bora ber – boraver, unuta olmadi – unutolmadi.*

В составе такого рода глаголов есть несколько глаголов: айтиб бериб тура кул, айтиб бра олмай голди. Каждый раз первая часть глаголов считается главным глаголом: Aytib (главный глагол) ber (помогающий глагол), aytib (главный глагол) berib tur (помогающий глагол).

Глагольные словосочетания похожи на составные глаголы, но только первый компонент глагола дает основное значение, другие помогают этому основному глаголу, в составном глаголе сохраняют оба компонента, сохраняют независимые значения. Мы видим три одинаковые модели:

1. (MV+PP) HV=> oshib tushmoq (Compound verb)
2. (MV+PP) HV=> oshib ketmoq (Verbal word combination)
3. (MV+PP) HV=> to‘pni oshirib uzatmoq (Collocation)

1) если убрать помогающий глагол из условных глаголов, то такое сочетание может несколько изменить смысл: **yozib bordi (write on) – yozdi (write), isib ketdi (warm up) – isidi (get warm)**.

Тем не менее, снятый помогающий глагол из составного глагола будет полностью менять смысл слова, потому что помогающий глагол участвует в образовании нового слова: **sotib ol (buy) – sot (sell)**; **ishlab chiqardi (produce) – ishladi (work);**

2) в тексте имеется более двух независимых единиц словосочетания: **Quvonib** (modifier) **so‘zladi** (predicate) – *he talked joyfully*; в глагольном словосочетании есть только один сказуемый: **O‘ylab qoldi** (predicate).

Аффиксы голоса и отрицательной формы могут быть добавлены как части глагольного словосочетания: **to‘xtatib qo‘yishdi; aytib qo‘yma, aytmay tur, aytmay turma;** к глаголам помощи присоединяются аффиксы времени, настроения, лица. Помимо этих синтаксических форм существуют одновременно в обеих частях глагола: **tamomlashdi-qo‘yishdi.**

В дискуссиях о морфологии принято говорить о флективных вариантах деривационной морфологии в узбекском языке, с точки зрения типов

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00716

признаков, которые каждый из них кодирует. Важным вопросом является моделирование грамматических форм в машинном переводе:

1) Моделирование вербальных словосочетаний;

2) Нахождение адекватного смысла глагольных словосочетаний в английском языке.

Это общие модели вербальных словосочетаний:

- MV HV->o‘qib berdi
- MV+HV->berolmadi<=> bera olmadi
- [MV]-[HV]->yozdi-qo‘ydi

Вот некоторые особенности моделирования:

MV-main verb (MV – такие главные глаголы сохраняют собственные национальные значения)

HV1-helping verb (HV1 – такие глаголы добавляются после аффиксов-b/-ib)

HV2-helping verb (HV1 – такие глаголы добавляются после аффиксов-a/-y)

- MV+HV1=>aytib berdi
- MV+HV2=>so‘zlay oldi

Глагольные словосочетания похожи на фразовые глаголы в английском языке тем, что некоторые предлоги или наречия придают дополнительные значения условным глаголам:

| | |
|---|---|
| o‘qib bo‘l- | Mushtariy kitobni o‘qib bo‘ldi. |
| o‘qib chiq- | Mushtariy kitobni o‘qib chiqdi. |
| o‘qib tur- | Mushtariy kitobni o‘qib turdi. |
| o‘qib yubor- | Mushtariy kitobni o‘qib yubordi. |
| o‘qib tashla- | Mushtariy kitobni o‘qib tashladi. |
| o‘qib ol- | Mushtariy kitobni (qayta) o‘qib oldi. |
| o‘qib ko‘r- | Mushtariy kitobni o‘qib ko‘rdi. |
| o‘qib qo‘y- | Mushtariy kitobni (o‘zi uchun) o‘qib qo‘ydi. |
| o‘qib ber- | Mushtariy kitobni (ukasiga) o‘qib berdi. |
| o‘qib ket- | Mushtariy kitobni (to‘xtamay) o‘qib ketdi. |

Тем не менее, сходство в обоих языках, есть один существенный угол фразовых глаголов, изменивших определенно значения в отличие от глагольных фразовых глаголов в узбекском языке. Кроме того, он не может сравнивать две категории как морфологическую единицу в силу собственной специфики языков и моделей вербального словосочетания в зависимости от того, в каком и как положении находятся:

- MV+HV=> ko‘rib qoldi
- MV+HV(1) + HV(2)=>ko‘rsatib bera oldi

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00716

- MV+HV(1) + HV(2) +HV(3)=>berib qo‘ya qoldi
- MV+HV(1) + HV(2) +HV(3) +HV(4)=>aytib berib qo‘ya qoldi
- MV+HV(1) + HV(1)=>o‘qib **tura tur**
- MV(1)+HV(1)=>**tura tur**
- MV(1)+HV(1) +HV(2)=>**turib tura** qolgin

Как мы указывали выше, некоторые модели [глагол + глагол] включающие в себя одни и те же корни, могут встречаться несколько раз и давать отдельные значения в тексте [6, 55].

Более того, они также выглядят как составные глаголы с внешней формой в соответствии со структурой:

- Oshib tushmoq->Compound verb (climb over)
- Oshib ketmoq->Verbal word combinations (rise up)

С другой стороны, помогающие глаголы также являются компонентом сложных глаголов и идиом:

- Nonushta qilmoq (have a breakfast) =>nonushta qilib berdi(Compound verb);
- Mashq qilmoq (do exercise) =>mashq qilib turdi (Compound verb);
- Kapalagi uchib ketmoq (to be afraid) => kapalagini uchirib yubordi (Idiom);

Морфологический анализатор должен правильно идентифицировать каждую единицу в соответствии с ее контекстуальным значением. В узбекском языке глагол имеет следующие предикативные формы:

Negative form-N {-ma| -mas| -may}
Conditional form-CF {-sa}
Tense-T {-a|-y|-yap|-moqda|-yotir…}
Predicative form-PF {-man|-san|-dir…}
Voice-VF {-t|-tir|-giz, |-kiz…}
Non-finite form-NF {-gan|-kan|-qan|-b|-ib…}
Person-P {-im|-ing|-k|-ngiz|-lar| -man| -san|-k|-ngiz}
Purpose-PS {-moqchi}

**ПРИМЕР КОМБИНАЦИИ**

- MV+ N+PF=> O‘qimayman
- MV+ N+ T+PF=> O‘qimadim
- MV+ CF +PF=> O‘qisam
- MV+ N +CF +PF=>O‘qimasam

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00716

- MV+ T+PF=>O‘qiyapman
- MV+VF=>O‘qittir
- MV+NF=>O‘qigan
- MV+PS+PF=>o‘qimoqchiman

Аффиксы могут быть добавлены в обоих компонентах глагольного словосочетания:

- (MV+N+NF)+HV=> ko‘rmay qoldi
- (MV+ NF)+(HV+ N)=> ko‘rib qolmadi
- (MV+N+NF)+(HV+ N)=> ko‘rmay qolmadi
- (MV+V+NF)+HV =>ko‘rsattirib qo‘ydi
- (MV+NF)+(HV+ PF)=>ko‘rib borsam
- (MV+NF)+(HV+ N+PF)=>ko‘rib bormasam
- (MV+NF)+(HV+ VF+N+T)=>yeb ko‘rgizmadi

Помимо перечисленных выше всех форм глагольного словосочетания существуют некоторые структуры глаголов ***edi, ekan, emish*** и ***bo`lmoq, hisoblanmoq, sanalmoq, deyilmoq.***

Эти связывающие глаголы (эти глаголы создают предикативные формы) формулируют предикативные формы глаголов, которые они имеют в следующих моделях:

a) N|Adj.|Num.|Pron.|Adv.+bo`lmoq=> Agar soat o‘n bo‘lsa, sizga qo‘ng‘iroq qilaman (If it is 10 o’clock, I shall call you);

b) yo`q/bor/oz/ko`p/zarur/lozim/kerak+bo`lmoq=> O‘ylagan orzularim bir pasta yo‘q bo‘ldi (My thinking dreams disappeared abruptly);

d) Infinitive+kerak/lozim/shart/darkor: xona tozalanishi kerak=> Xona tozalanishi kerak (The room needs cleaning.

-The room needs to be cleaned).

## ГЛАГОЛЫ В УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ ДЛЯ СИСТЕМЫ МОРФОЛОГИЧЕСКОГО АНАЛИЗА

Автоматический морфологический анализ восходит к самым ранним работам в компьютерной лингвистике по машинному переводу в 1950 - е годы (Andron, 1962;Woyna, 1962; Bernard-Georges et al., 1962; Boussard and Berthaud, 1965; Vauquois, 1965; Schveiger and Mathe, 1965; Matthews, 1966; Brand et al., 1969; Hutchins, 2001). На протяжении многих лет было много приложений, включая стеммер Портера (Porter, 1980), широко используемый в приложениях поиска информации (Dolby et al., 1965; Attar et al., 1978; Choueka, 1983; Büttel et

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00716

al., 1986; Meya-Lloport, 1987; Choueka, 1990; Коскенниеми, 1984), проверка орфографии (Макилрой, 1982; Хэнкамер, 1986), ввод текста систем (Беккер, 1984; Абэ и соавт., 1986) и морфологического анализа текста-к - синтеза речи (Аллен и др., 1987; Церковь, 1986; Кокер соавт., 1990). Многие из этих более ранних приложений использовали довольно специальные подходы, включая жесткое кодирование большей части лингвистической информации в систему. Например, в системе, описанной в Coker et al. (1990), большая часть морфологического анализа опосредуется таблицами, закодированными в виде заголовочных файлов C, и правилами изменения орфографии, записанными в виде функций C [9, 100].

Нужен Менеджер слов в машинном переводе. Word Manager (WM) - это система для морфологических словарей. Морфологический словарь-это база данных, в которой лексические знания организованы в соответствии с морфологическими правилами. [10, 88]

С нашей точки зрения, морфологический анализ не должен ограничиваться не только разбором категорий, главным образом в машинном переводе. Что касается Родольфо Дельмонте, то в итальянском языке лингвистические категории представлены следующими типами [11, 4-5]:

- грамматические категории - производные от категоризации реальности на сущности - существительные -, события - глаголы и номиналы -, атрибуты - прилагательные, наречия и существительные;
- семантические категории, такие как отрицание, кванторы;
- категории дискурсивного уровня, такие как дейктика, определенность, союзы для координации и подчинения на пропозициональном уровне;
- синтаксические категории - кодирование арности предикатно - аргументных структур в том виде, в каком они интерпретируются в ситуациях;
- аспектуальные категории - кодирование внутренней временной структуры событий (как выражается как вербальными, так и девербальными номиналами);
- семантические концептуальные категории - классификация типов событий по отношению к (не)реальности, которую они кодируют.;
- селекционные ограничения - кодирование типичности участников событий в присущих им семантических признаках, представленных в онтологии или связанной энциклопедической базе данных сущностей и их семантических взаимосвязей.;
- грамматические ограничения - кодирование так называемых

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00716

синтаксических и анафорических ограничений связывания аргументов предикатов и зависимых предикатов только для пропозициональных аргументов.

Как мы видим, грамматические категории составляют основную часть морфологического анализа. Согласно некоторым работам, автоматический анализ имеет следующие виды [12, 65]:

- Анализ стебля в лексиконе
- Анализ словоформ в лексиконе
- Анализ с помощью логического подхода
- Анализ с помощью таблиц без лексики

Какой из типов подходит для узбекского языка, перейдем к следующей алгоритмической системе аффиксов глагола:




Здесь некоторые глаголы любят корень *<ko'n>*, но дают частично определения*: ko'nmoq<=>ko'nikmoq*

1. V->ko‘n (agree) -> U mening shartimga ko‘ndi (He agreed to my condition)
2. stem +ik=Verb ->ko‘nikmoq (used to)– Men shahar hayotiga ko‘nikdim (I am used to living in urban lifestyle)

Больше всего это должно быть направлено на глаголы в морфологическом анализе морфем, которые в том числе и в лемме. Записи лексикона маркируются с помощью простого алгоритма токенизатора длинного совпадения слева направо. Запись маркируется путем прохождения строки ввода, позиция за позицией, и поиска самых длинных символов, доступных с помощью очень простого жадного токенизатора. Если токенизатор инкрементный, он запоминает новые токены при анализе входных данных,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00716

предполагая, что многосимвольные токены были объявлены заранее. Альтернативная, но менее эффективная стратегия состоит в том, чтобы определить все токены в отдельном проходе, чтобы составить входную строку с помощью токенизатора-преобразователя, реализующего жадное сопоставление слева направо или какую-либо другую стратегию для достижения желаемых разбиений [13]. Приведем еще один пример для анализа глагола в тексте: *Men hali ham* ***tuzalganim yo‘q****.–If automaton announce underlined word as predicate, the core problem is how it will be take apart morphemes correctly so that given proper meaning into another target language.*

Word manager ищет список аффиксов в базе данных. Отсюда будет очевидно, какие аффиксы являются правильной формой, к которой может быть добавлен глагол. Он имеет как список баз данных:

| ID | Affixes | Function | Abbreviation |
|---|---|---|---|
| 1. | ga | Case | C |
| 2. | gan | Tense (Past) | $T_{past}$ |
| 3. | gan | Participle (Past) | PP |
| 4. | l | Voice (Active) | $V_{act.}$ |
| 5. | l | Voice (Passive) | $V_{pass.}$ |
| 6. | a | Tense (Present) | $T_{pres.}$ |
| 7. | m | Person (first) | $P_1$ |
| 8. | i | Possessive pronoun (3-person) | $PossP_3$ |
| 9. | im | Possessive pronoun (1-person) | $PossP_1$ |

После проверки аффиксов проверяется модуль словообразования и сочетания аффиксов.

- Wstem+V+PP+PossP=>tuza+l+gan+im=> Passive voice
- Wstem +PP+PossP=>tuzal+gan+im=> Active voice

Здесь может возникнуть проблема, какая из них истина. Кроме того, принимая во внимание анализ этих данных, после этого процесса требуется семантический анализ. Предположим ради аргументации, что аффиксы дают различный смысл с различными функциональными позициями. Отрицательные формы глагола также считаются одной из важных парадигм в узбекском языке. Потому что вариативные формы также вызывают изменение смысла. Следующие модели предназначены для обозначения отрицательных форм в различных словосочетаниях:

I.MV+ma=>o‘qimadi (He did not read)

II. MV+may) HV=> O‘qimay qo‘ydi (He is not used to read)

III.MV (HV+ma)=>O‘qib qo‘ymadi (He did not read anymore)

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00716

iv.(MV+may) (HV+ma)=>O‘qimay qo‘ymadi – **positive meaning meaning**(Surely he read (in the past))

v. (MV+PP)+emas=>O‘qigan emas (He has never read)

vi.(MV+PP+Poss) yo‘q=>O‘qigani yo‘q (He did not read)

vii. Na MV{CV, MV, VC}=>na habar oldi | na o‘qidi | na berib ketdi (Neither he read)

viii. (MV+mas) edi=>O‘qimas edi (He did not use to read)

ix. (MV+ma+gan)+ekan+P=>O‘qimagan ekanman (I did not read)

x. Na (MV+ma)=>Na o‘qimadi (He did not read)

Композиция регулярных отношений-это единственная наиболее общая вычислительная операция, которая может обрабатывать формальные устройства, найденные в морфологии естественного языка.

Оценено одно, что семантический полюс лексики и контекстуальное значение словоформ в системе машинного перевода очень необходимы для лингвистической базы данных. Из-за отсутствия слов и аффиксов сочетаний и не дано уместность, грамматические категории в исходном и целевом языках вызывают только электронные словари, но не машинный перевод. В тексте перевод на узбекский должен был звучать так: Мен барча ишларимни килиб боулдим. Давайте проанализируем подобный текст в контекстно свободной грамматике:




Как визуализируется модельное предложение, должно быть ясно, как части предложения связаны друг с другом в свою очередь на обоих языках. В частности, в каждом языке, показанном на диаграмме, нет некоторых

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00716

категорий. Соответствующие части речи и семантические полюсы слов должны учитываться и в машинном переводе.

## ЗАКЛЮЧЕНИЕ

В целом, лингвистические модели и семантические отношения каждой единицы в машинном переводе играют важную роль для построения базы данных. Благодаря глобализационному процессу все начинает быстро меняться, кроме того, нет никаких препятствий для унификации культурных и социальных отношений между людьми. Таким образом, понимание другого иностранного языка стало очень важной вещью, которую мы не можем игнорировать. Сегодня результат машинного перевода, появившийся в середине прошлого века, повлиял на расширение исследований в этой сфере-это направление компьютерной лингвистики, а современные информационные технологии дают возможность использовать их в любых отраслях общественной жизни. Насколько нам известно, хороший машинный перевод является одним из инструментов торговли для процедуры перевода. Использование только грамматических моделей не может решить всех проблем в системе машинного перевода. Само собой разумеется, что подстановка записей в словари в соответствии с грамматической информацией помогает искать в лингвистической базе данных. Однако если он продолжает внимательно изучать не полную информацию о языке, искусственный интеллект по-прежнему остается единственным инструментарием переводчика в процессе перевода.

## REFERENCES

1. Лютикова Е. А. Формальное Моделирование падежного варьирования: параметрический подход // Компьютерная лингвистика и интеллектуальные технологии По материалам ежегодной международной конференции «Диалог» (2016) Выпуск 15, С. 461.
2. Kemal Altıntaşh Turkish to Crimean Tatar machine translation system (a thesis submitted to the department of computer engineering and the institute of engineering and science of Bilkent university in partial fulfillment of the requirements for the degree of master of science) 2001, P.30
3. Matlatipov G., Vetulani Z. (2009) Representation of Uzbek Morphology in Prolog. In: Marciniak M., Mykowiecka A. (eds) Aspects of Natural Language Processing. Lecture Notes in Computer Science, vol 5070. Springer, Berlin, Heidelberg

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00716

4. Sanatbek Matlatipov, Ualsher Tukeyev, Mersaid Aripov Towards the Uzbek Language Endings as a Language Resource.
5. Brian Roark, Richard Sproat. Computational Approaches to Morphology and Syntax. Oxford University Press Inc., New York, 2007, P. 63.
6. N.Abdurakhmonova, The bases of automatic morphological analysis for machine translation, Известия Кыргызский государственный технический университет им. И.Раззокова теоритической и прикладной научно-технический журнал, 2016 № 2 (38)], С. 12-17.
7. Yuldashev A.A. Аналитические формы глагола в тюркских языках. Москва, – Наука, 1965.
8. N.Abdurakhmonova. O‘zakdosh fe’llarning ketma-ket qo‘llanilishiga doir – Tilshunoslikka ilk qadam (to‘plam III), T., 2007, B. 55-59.
9. Andreea-Rosalia Olteanu. A holistic approach to phrasal verbs, Editura Sfântul Ierarh Nicolae 2012, P 16.
10. Yorick Wilks. Machine translation. Its scope and limits. Spring science+Business Media LLC. 2009 UK, P 139.
11. Brian Roark and Richard Sproat. Computational Approaches to Morphology and Syntax, 2007, OXFORD, P.100.
12. State of the Art in Computational Morphology, Workshop on Systems and Frameworks for Computational Morphology, SFCM 2009 Zurich, Switzerland, September 4, 2009 Proceedings, P. 88.
13. Rodolfe D. Computational Linguistic Text Processing: Lexicon, Grammar, Parsing and Anaphora Resolution. Nova Science Publishers, Inc. New York, 2008, P. 4-5.
14. Марчук Ю. Компьютерная лингвистика. Москва, 2006 С. 65.
15. State of the Art in Computational Morphology Workshop on Systems and Frameworks for Computational Morphology, SFCM 2009 Zurich, Switzerland, September 4, 2009, Proceedings, P. 31.
16. Дрейзин Ф.А. Об алгоритмизации составление алгоритма анализа языка. (на примере морфологии агглютинативного узбекского языка)//Научные труди Ташкентского университета, 1961, вып. 189.Матем.Науки, кн.С.121.
17. Абдурахмонова Н.З. Машина таржимасининг лингвистик асослари. Тошкент, «Академнашр», 2012 Б.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00717

# КАСБ-ҲУНАР МАКТАБЛАРИДА ЎҚУВ АМАЛИЁТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

**М. М. Байметов**
Чирчиқ давлат педагогика институти

## АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ўқув амалиётини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича саволлари, шунингдек такомиллаштириш бўйича тавсиялар ва ўқув амалиётини самарали ташкил ташкил этиш усуллари.

# WAYS TO ORGANIZE AND INCREASE EFFICIENCY OF TRAINING PRACTICES IN VOCATIONAL SCHOOLS

## ABSTRACT

In this article the questions on organization and holding of educational practice, as well as recommendations for improvement and ways of efficient organization of educational practice.

## КИРИШ

Республикамиз ўрта махсус, профессионал таълим тизимида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ўсиб келаётган ёш авлодда интеллектуал қобилиятлар ва касбий билимларни ривожлантиришни кўзда тутади.

Бу эса ўз навбатида касб-ҳунар мактабларида мутахассислик фанларидан ўқув амалиётларини илғор педагогик ва ахборот технологиялари асосида ташкил этишни, шу орқали ўқувчиларда касбий билим ва кўникмаларини шакллантиришни тақоза этади.

Касб ҳунар мактабларида амалга оширилаётган ўқув амалиётлари асосини ўқувчиларга амалий билимларни бериш, уларда ҳаётий ҳамда касбий фаолиятни амалга ошириш жараёнида эгалланган билимларни қўллай олиш кўникма ва малакаларини шакллантиришга йўналтирилган педагогик фаолиятни ташкил этади. Ушбу педагогик фаолият мазмуни касб ҳунар мактабларида амалга оширилаётган ўқув амалиётларининг асосий мақсадини ифодалашга хизмат қилади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00717

Бугунги кун талаблари ўқув амалиётлари сифатини ошириш масаласига янгича ёндашишни, бажарилган ишлар билан чекланмасдан, уни мунтазам равишда такомиллаштириш, янги услуб ва шаклларини ишлаб чиқиш, амалиётга жорий этиш каби муҳим вазифаларни қўймоқда. Жумладан, касб-ҳунар мактабларида барча умумкасбий ва махсус фанлар бўйича ўқув амалиётини ташкил этиш билан чекланмасдан, уларни янги муаммоли масалалар, топшириқлар, вазифалар билан бойитиш устида иш олиб бориш барча касб-ҳунар мактабларининг бош масалаларидан бирига айланиши лозим.

Касб ҳунар мактабларда ўқув амалиётлари самарадорлигини оширишга йўналтирилган ишларнинг бош мақсади, уларда ўқувчиларга мустақил билимларни етказиб бериш, уларда мустақил онгни шакллантириш, юқори кўрсаткичларга эришиш омилларини аниқлашдан иборат. Ушбу мақсаднинг ижобий ечимини таъминлаш бугунги кун талаби ва ижтимоий муносабатлар мазмунининг чуқурлашуви натижасида юзага келаётган ҳаётий зарурат туфайли ўқув амалиётлари жараёни самарадорлигини оширишга нисбатан янгича ёндашувни шакллантириш заруриятини келтириб чиқаради.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

1. Устоз ва шогирд одоби.Ўқув услубий қўдлланма (Х. Юлдашев., С.Булатов.) Ўқувчиларни ўқув амалиёти жараёнида касбий фаолиятда юқори кўрсаткичларга эришган, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш тажрибасига эга малакали ишлаб чиқариш мутахассисларига “Устоз-шогирд” тизими асосида бириктирилишини йўлга қўйиш ҳамда касб-ҳунар мактаблари ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва манфаатли интеграцияни шакллантириш каби масалаларга катта эътибор қаратилган

2. Педагогик технология тамойиллари асосида дарс машғулотларини олиб бориш технологияси (А. Мавлянов., Ш. Жавлонов., С. Абдалова., Л. Юсупова.) Касб-ҳунар мактаблари раҳбарлари ва масъуллари томонидан амалиёт ўташга жалб қилинган ўқувчиларни ишлаб чиқаришдаги малакали мутахассисларга бириктириш учун маркетинг изланишларини ўтказиш ва шу каби муаммолар ечими ўз аксини топган

3. 2019 йил 6 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5812 фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси вазирлар махкамасининг 2020 йил 7 августдаги “Ўзбекистон Республикасида узлуксиз бошланғич, ўрта ва ўрта махсус

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00717

профессионал таълим тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш профессионал таълим тизимини илғор хориж тажрибалари асосида такомиллаштириш, бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим босқичларини жорий қилиш орқали меҳнат бозори учун малакали ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ҳамда мазкур жараёнга иш берувчиларни кенг жалб қилиш каби турли масалалар очиб беришга қаратилган.

**МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Ҳар бир таълим йўналиши бўйича ўқув амалиёти жараёнининг мантиқий-тузилиш шаклини аниқлаш, уларни бевосита бугунги кун талабларига мослаштириш, муаммоли топшириқларни тузиш, улар асосида услубий тавсиялар ва кўрсатмаларни тайёрлаш, педагогик технологияларнинг замонавий турларини қўллаш, дастлаб, иқтидорли ўқувчилар гуруҳларида тажрибадан ўтказиш, натижаларига қараб, ўқув жараёнига жорий этиш ва шу тариқа ўқувчиларда касбий кўникма ва малакаларни шакллантириш ҳамда ривожлантиришга эришиш, педагог-мухандислар фаолиятини рағбатлантиришда барчага бир хил ёндашиш принципларидан воз кечиш, унинг ўрнига уларнинг фаоллигига ва ўқув амалиёти сифатини оширишга тааллуқли бўлган муайян ишининг сифати, ҳажмига қараб, моддий-маънавий рағбатлантириш лозим. Ўқув амалиётида ўқувчилар фаоллигини ошириш мақсадида қуйидаги услубларни кенг қўллаш лозим:

- ўқув хоналарни замонавий техника, воситалари билан жиҳозлаш ва улардан ўқув амалиётида унумли фойдаланиш, машғулотларни кичик гуруҳларда ташкил этиш;
- ўқув амалиётида замонавий педагогик технологиялар, интерфаол усуллардан фойдаланишни йўлга қўйиш;
- ўқув амалиёти мавзуси бўйича ўқувчилар тўплаган маълумотларни ўзаро муҳокама этиш, билдирилган танқидий ва мустақил фикрларни таҳлил этиш, уларни умумлаштириш;
- гуруҳларда фан-техника ривожига йўналтирилган изланишларни жонлантириш;
- ўқув амалиёти сифатини ошириш бўйича хориж тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш ва республикада қўлланилиши мумкин бўлганлари бўйича услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиш.

Ўқувчиларни ўқув амалиёти жараёнида касбий фаолиятда юқори кўрсаткичларга эришган, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш тажрибасига эга

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00717

малакали ишлаб чиқариш мутахассисларига “Устоз-шогирд” тизими асосида бириктирилишини йўлга қўйиш муҳим.

Бу тизимнинг амалга оширилиши касб-ҳунар мактаблари ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва манфаатли интеграцияни шакллантириш, амалиётни Давлат таълим стандартлари талаблари даражасида ташкил этиш, ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш ва диплом олди амалиётларини дастур талаблари даражасида юқори савияда ўтказилишини таъминлаш, битирувчиларни мутахассисликларига мос равишда бандлигига эришишга хизмат қилади.

Касб-ҳунар мактаблари раҳбарлари ва масъуллари томонидан ҳозирда амалиёт ўташга жалб қилинган ўқувчиларни ишлаб чиқаришдаги малакали мутахассисларга бириктириш учун маркетинг изланишларини ўтказиш, тегишли маълумотларнинг тўлиқ базасини шакллантириш, амалиёт жараёнининг Давлат таълим стандартлари талабларида даражасида ўтказилишининг қатъий мониторингини юритиш самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш керак.

Республикамизда бозор муносабатларининг қарор топган бугунги босқичида кадрлар тайёрловчи таълим муассасалари, иш берувчилар ҳамда битирувчиларнинг ўзаро фаол мулоқоти ва ҳамкорлигини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади.

2019 йил 6 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5812 фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси вазирлар махкамасининг 2020 йил 7 августдаги “Ўзбекистон Республикасида узлуксиз бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” ги № 466 қарорида профессионал таълим тизимини илғор хориж тажрибалари асосида такомиллаштириш, бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим босқичларини жорий қилиш орқали меҳнат бозори учун малакали ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ҳамда мазкур жараёнга иш берувчиларни кенг жалб қилиш ва ўқитувчилар таркибини иннавацион ва ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш бўйича амалий кўникмаларга эга бўлиши ўқув амалиётларига алохида эътибор беришига қаратилган.

Касб-ҳунар мактабларида ўқув амалиётини самарали ташкил этиш ва ўтказиш учун қуйидаги тавсияларни эътиборга олиш зарур:

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00717

- уларнинг сифатини таъминлашга қаратилган педагогик ва ахборот технологиялари, электрон таълим ресурслари ва мультимедиа тақдимотларидан кенг фойдаланиш, бу борадаги чет эл тажрибасини ўрганиб чиқиш;

- тармоқ ва тармоқлараро дастурларни, соҳани тараққий эттиришнинг истиқболли дастурларини ижросини таъминлаш самарадорлигини ошириш;

- республикамиз бўйича, айниқса қишлоқ худудларидаги касб-ҳунар мактабларини меҳнат бозорига мослашувчанлик даражасини кўтариш, уларда тайёрланаётган йўналишлар бўйича ўқув амалиёти диапозонини кенгайтириб бориш;

- ўқувчиларни ўқув амалиёти орқали касб эгаси сифатида меҳнат бозоридаги вазиятни тўғри баҳолаш ва ўзи учун мақбул бўлган бандлик турини танлашга йўналтириш;

Мамлакатимиз таълим соҳасида амалга оширилаётган барча саъй-ҳаракатлар етук кадрлар тайёрлаш, ўз иқтидори ва истеъдодини тўла-тўкис намоён эта оладиган, ҳаётда ўз ўрнини топишга қодир баркамол шахсларни вояга етказишга йўналтирилган. Зеро, бугун ўз самараларини бераётган бундай эзгу ишлар келажакда мамлакатимизнинг юксак тараққиётини, ҳаётимиз фаровонлигини янада оширишни таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

## ХУЛОСА

Шундай қилиб, ўқув амалиётлари жараёнида ўқувчиларга бериладиган амалий билимлар касб ҳунар мактабларда ўқувчиларининг касбий кўникмаларини шакллантиришга имкон беради. Ўқув амалиётларини илғор методлар, хусусан, янги педагогик ва ахборот технологиялар асосида ташкил этиш мазкур жараён самарадорлигини оширади.

## REFERENCES

1. Х. Юлдашев., С.Булатов. Устоз ва шогирд одоби.Ўқув услубий қўдлланма.-Тошкент. 2005. -240 б.
2. А. Мавлянов., Ш. Жавлонов., С. Абдалова., Л. Юсупова. Педагогик технология тамойиллари асосида дарс машғулотларини олиб бориш технологияси. – Т.: Ворис, 2010. -112 б.
3. Лухманов, Д. Б. (2020). Mehnat tarbiyasi orqali ўqувчиларнинг ижтимоий haётга мослашишларини таьминлаш. Academic Research in Educational Sciences, 1 (3), 1051-1056.
4.Luxmanov D.B. The use of national traditions in the labor education of pupils// Academia,2020.Volume 10,Issue 10,pp 300-305

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00717

5.Luxmanov D.B.,Raxmanov A.R.Maktablarda ta`limning ijtimoiy sheriklik modelini yaratishda klaster yondashuv. Academic research in educational sciences,2020.Volume 1,Issue 4,244-249 b.
6. Lukhmanov, D. B., & Khaydarov, M. E. (2019). People's Labor Traditionsin The Process of Labor Preparation for Schoolchildren. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 24(09), 2405-2412.
7. Халмухамедова, М. А. (2020). Наqшбандия тариqати воситасида талабаларнинг касбий компетентлигини такомиллаштириш (технологик таълим мисолида). Myg‘аллим, 1(1).
8. Шермухамедов Р.С., Бурхонов А.Сущност воспитания и его место в селостной структуре образовательного просесса//Халq таълими,2020, № 3 120-124 б.
9. Шермухамедов Р.С., Эшмонова .Узлуксиз таълим тизимида ўqувчиларни меһнат тарбияси орqали ижтимоий ривожланишларини таъминлаш//Узлуксиз таълим,2020. 67-71 б.
10. Хамидов Ж.А.О неоторых формах, методах трудового воспитания младших школьников//Academic research in educational sciences,2020.Volume 1,Issue 3,1045-1050 с
11.Yakubova M.Y. Ta’lim-tarbiya jarayonida kreativ yondashuvning dolzarbligi va uning ahamiyati// Халq таълими,2020,№ 3 84-88 b.
12. Якубова М.Ю.Умумтаълим мактаблари ўqувчиларида креативликни шакллантиришнинг назарий жиһатлари// Academic research in educational sciences,2020.Volume 1,Issue 3,1057-1062 b.
13. Jumanova F.U.,Halmuxamedova M.A. “Naqshbandiya tariqatining uzluksiz ta'lim tizimidagi kasbiy kompetentlikni shakllantirishdagi o'rni”// Uzliksiz ta’lim. 2020 8-12 б.
14. Халмухамедова М.А. «Наqшбандия тариqати воситасида талабаларда кластер усулида устоз-шогирд анъаналарини такомиллаштириш»// Academic research in educational sciences,2020.Volume 1,Issue 3,1063-1071 б.
15. Abduvaliyev U.,Butunov J. Dynamic analysis of planetary mechanism of the horizontal forging machine// International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology,Volume 7, Issue 6 , 2020,pp 14031-14035
16. Ergashev M.,Butunov J.,Mamasodikov X. International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology,Volume 7, Issue 6 , 2020,pp 14116-14119
17. J.A.Khamidov. About Some Forms Methods of Labor Educati on of Younger School Children. International Journal of Research, page 375-378

ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 4 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00718

# “ДИСКУРС” НИ ИЗОҲЛАШГА БЎЛГАН ТУРЛИЧА ЁНДАШУВЛАР

**Нилуфар Ёркин қизи Абдуназарова**
Қўқон давлат педагогика институти ўқитувчиси

## АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада замонавий тилшуносликда янги йўналишлар сифатида тан олинган прагматик ва когнитив тилшуносликнинг асосий муаммоларидан бири бўлган дискурс масаласи ёритиб берилган. Дискурс тушунчаси лингвистик атама сифатида тилшуносликка кириб келди. Тилшуносликда у дастлаб гап ёки нутқда боғланган ва келишилган оқибат сифатида тушунилган бўлса, замонавий лингвистикада мураккаб коммуникатив ҳодиса сифатида изоҳланаши билан характерланади.

**Калит сўзлар:** дискурс, прагматика, когнитив тилшунослик, нутқ, матн, публицистик дискурс, сиёсий дискурс, илмий дискурс, бадиий дискурс, баҳоловчи дискурс.

## DIFFERENT APPROACHES TO EXPLANATION OF DISCURSE

## ABSTRACT

This article highlights the issue of discourse, which is one of the main problems of pragmatic and cognitive linguistics, which is recognized as a new trend in modern linguistics. The concept of discourse has entered linguistics as a linguistic term. In linguistics, it is characterized by its interpretation as a complex communicative phenomenon in modern linguistics, while it is initially understood as a connected and agreed consequence in speech or speech.

**Keywords:** discourse, pragmatics, cognitive linguistics, speech, text, journalistic discourse, political discourse, scientific discourse, art discourse, evaluative discourse.

## КИРИШ

Замонавий тилшуносликда янги йўналишлар сифатида тан олинган прагматик ва когнитив тилшуносликнинг асосий муаммоларидан бири дискурс масаласидир.

Дискурс лотинча discursus - муҳокама сўзидан олинган бўлиб, ҳиссий, бевосита, интуитив, яъни муҳокаматалаб билимдан фарқли ўлароқ, муҳокама

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00718

орқали восита билан ҳосил қилинадиган мантиқий далил - исботли билим демакдир. Дискурс тушунчаси лингвистик атама сифатида ўтган асрнинг ўрталарида тилшуносликка кириб келди. Тилшуносликда у дастлаб гап ёки нутқда боғланган ва келишилган оқибат сифатида тушунилган бўлса, замонавий лингвистикада мураккаб коммуникатив ҳодиса сифатида изоҳланмокда.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Тилни прагматик нуқтаи назардан тадқиқ этишга бағишланган ишларда дискурс атамаси саккиз хил маънода қўлланган:

1) сўз муқобили;
2) фразалардан ўлчами бўйича ортадиган бирлик;
3) нутқ вазияти ҳисобга олинган ҳолда фикрнинг адресатга таъсири;
4) суҳбат; нутқда сўзловчи позицияси;
6) Лисоний бирликлардан фойдаланиш;
7) фикрнинг ижтимоий ёки мафкуравий чекланган тури;
8) матн ҳосил бўлиш шартларини тадқиқ этишга мўлжалланган назарий қурилмалар.

Голланд тилшуноси Т. А. ван Дейк дискурсни бир нечта даражада кўриб чиқишни таклиф қилади. У кенг маънода дискурсга комплексли коммуникатив воқеа, тор маънода эса коммуникатив ҳаракатнинг ёзма ёки нутқий вербал маҳсулоти сифатида қараш лозимлиги ҳақида фикр билдиради. Таъкидлаш керакки, Т.А. ван Дейк дискурс ва матн ўртасидаги фарқни шундай белгилайди: дискурс - актуал айтилган матн, яъни фаол нутқий ҳаракат, матн эса тил тизимига ёки шаклий лисоний билимларга тегишли фикрларнинг мавҳум грамматик тузилишидир. Дискурс – аниқ суҳбат, аниқлик эса дискурс тушунчаси қўлланадиган вазиятга, матнга ва обектга ҳам бирдай тааллуқлидир. Дискурс - суҳбат тури. Дискурс жанр кабидир. Нутқий жанр - типик тузилиши, лисоний воситалардан фойдаланишнинг ўзига хослиги, аниқ адресат, маълум коммуникатив мақсад ва информативлик, императивлик, этикетлик каби жиҳатлари билан ажралиб турувчи нутқ тури ҳисобланади.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Дискурснинг ижтимоий табиати янгиликли дискурс, публицистик дискурс, сиёсий дискурс, илмий дискурс, бадиий дискурс, баҳоловчи дискурс каби янги тушунчаларнинг юзага келишига имкон беради. Талқин ва

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00718

изоҳларнинг хилма- хиллиги дискурс тушунчасининг кўп қиррали ва кенг қамровли эканлигини кўрсатади. Инсоннинг нутқ орқали амалга ошадиган барча ижтимоий фаолияти дискурсив характерга эга. Нутқнинг ижтимоий моҳияти матн билан боғланган бўлиб, унинг ўзига хос хусусиятлари матннинг у ёки бу кўринишида намоён бўлади. У аниқ социопрагматик матнда амалга ошириладиган, мураккаб мақсадга йўналтирилган нутқий ҳаракат сифатида бир томондан, нутқнинг тарихийлиги билан, иккинчи томондан, ижтимоийлиги билан, учинчи томондан, мафкуравийлиги билан боғлиқ. Маълум бир индивидуал дискурснинг алоҳида тадқиқот обекти сифатида ўрганилиши нутқнинг лингвопрагматик табиати тўғрисида мулоҳаза юритишга имкон беради.

В.З. Демяньков фикрига кўра, XX аср сўнгидаги тилшуносликдаги устун назариялардан бири дискурс таҳлил назариясидир. Дискурс таҳлилнинг мақсади нега бошқа эмас, айнан шу гаплар ишлатилган, нега айнан шу ижтимоий манбалар ишлатилишининг кучлари ишга солинганлигини тушунтиришдир.

Ушбу мақолада дискурс таҳлил кишиларнинг қандайдир мақсадларга эришишга йўналтирилган ўзаро ҳаракат қилишлари контекстида коммуникантлар нутқ ва ҳаракатларни қандай тушунтирадилар ёки тушунадилар, сўзлашувда бўлганидек, бундай мурожаатлар иккала томон учун ҳам тушунарлими, ёки биз ўқиган ёки ёзган пайтимиздагидек фақат бир томон учун тушунарлими, шу нарсаларнинг характеристикасини бериши керак. Бундай вазифа, фикримизча, хабарларнинг коммуникатив функцияси деталлашиши ҳисобига дискурс таҳлилни кенгайтиришга мажбур этади. Интерпретация (тушунтириш, изоҳлаш) бу жараённинг боришида ишлатиладиган умумий ва махсус билимларга таянади.

Нутқий бўлакларни прагматик ва коммуникация (мулоқот) контекстида ўрганиш алоҳида қизиқишга сабаб бўлади деб ўйлаймиз. Прагматик ва коммуникатив параметрлар уюшган бўлакларни ўрганишда асосий ўринни эгаллайди. Ўрганилаётган ҳодисага тизимли ёндашув принципидан келиб чиқиб, нутқ бўлакларининг бу параметрларини уларнинг максимал даражада тўлиқ ишлатилиш контекстида кўриш керак. Фикримизча, дискурс шундай контекст бўлиб хизмат қилади.

А.М. Каплуненко сўзларига кўра, “ Адекват (тўғри) интерпретация учун камгина матннинг ўзи ҳам етарли. Шунинг учун матнда айтилган гап (фикр)

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00718

ортидаги дискурс, билимларни ҳам англай олиш бутунлай қонунийдир (табиийдир) ”.

“Дискурс” ушбу тадқиқотда принципиал аҳамиятга эга бўлганлиги учун унга алоҳида эътибор қаратамиз. “Дискурс” ва “матн” тушунчалари, ҳамда уларнинг бир-бири билан ўзаро муносабатлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтишни мантиқий бўлади деб ўйлаймиз.

“Дискурс” тушунчаси лисоний мулоқот таҳлилига ўз шахсий нуқтаи-назари билан бир қадар идеологик ёндашувни тақозо қилади. Мишель Фуко бу сўзни кенг қамровли маънода кўриб чиқиб, дискурсни лисоний эмас, балки умуммаданий тушунча деб ҳисоблайди. У ёзади: “ ... Дискурс, шубҳасиз – белги ҳодисаси, лекин бу - нарсаларни ифодалаш учун белгиларнинг шунчаки ишлатилишидан кўра кўпроқ иш бажарадиган ҳодиса. Айнан унинг ана шу кўпроқ иш бажариши уни тил ва нутққа қиёслаб бўлмаслигини таъминлайди”. М. Фуко тушунчаси бўйича дискурс бирлиги ва “атом” и бу фикрдир. Фикрлар мажмуи дискурсив формацияларни ташкил қилади. Фуко формацияларга инсоният жамиятининг иқтисодиёт, сиёсат, тиббиёт, тирик жонзотлар ҳақидаги фанлар каби иқлимий дискурс ҳақида гапиришга изн берадиган дискурсни, табиий тарих дискурсини, психиатрия дискурсини киритади. Фуконинг тан олишича, “дискурс” тушунчасининг бундай ишлатилиши ҳамма томонидан қабул этилмаган, бироқ тилшунослар унга бутунлай бошқача маъно берадилар. Тилшунослик бўйича тадқиқотларда “дискурс” экстралингвистик, прагматик, ижтимоий маданий, психологик ва бошқа факторлар билан биргаликдаги боғланган матн деб талқин қилинади.

Ю.С. Степанов дискурсга В.З. Демяньков берган таърифни энг яхши таъриф деб ҳисоблайди. “Discourse– битта гапдан ёки мустақил гап қисмидан кўпроқ матннинг ихтиёрий фрагменти. Кўпинча, лекин доимо эмас қандайдир таянч концепт атрофида жамланади. Ҳаракатланадиган шахслар, объектлар, ҳолатлар, замонлар, ҳаракатларни тасвирлайдиган умумий контекстни ҳосил қилади. Дискурс гапларнинг кетма-кетлигидан эмас, уни ҳосил қиладиган ва талқин қиладиган, дискурс билан “яратиладиган” олам томонидан аниқланади”. Қайд этиш керакки, таърифнинг бу қисмида В.З.Демяньков дискурснинг интенционал тузилишини ифодалаяпти, чунки бу ерда гап талқин этувчи олам ҳақида, яъни интенционал горизонт ва интерпретация контексти ҳақида кетаяпти. Шу билан бирга дискурс мантиқий тузилишга ҳам эга деб ҳисоблайди ушбу таъриф муаллифи. Дискурс учун бошланғич тузилиш конъюнкция, дизъюнкция ва бошқа мантиқий муносабатлари билан ўзаро боғланган

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00718

элементар пропозициялар кетма-кетлиги кўринишига эга. Дискурс элементлари: баён этилган воқеа-ҳодисалар, уларнинг қатнашчилари, перформатив ахборотлар ва ҳодисалар эмас, яъни, а) ҳодисалардан кейинги ҳолатлар; б) ҳодисаларни аниқлаштирадиган фон; в) воқеа-ҳодиса қатнашчилари баҳоси; г) дискурсни воқеалар билан солиштиридиган ахборот.

## ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, дискурсни барча экстралингвистик факторлар билан биргаликда, дунё, фикрлар, қарашлар, баҳо, адресантнинг мақсадини ўз ичига олган матн ёки ҳаракатдаги нутқ деб тушунса бўлади.

## REFERENCES

1. Дейк Т.А. Язык. Познание. Коммуникация. М.: Прогресс, 1989. - 312 с.
2. Демьянков В.З. Когнитивная лингвистика как разновидность интерпретирующего подхода / В.З.Демьянков // Вопросы языкознания. - 1994. – № 4. - С.17 – 33.
3. Каплуненко А.М. Историко – функциональный аспект английской идиоматики: Монография /А.М.Каплуненко. – Ташкент: Изд - во Ташкент. ГПИ им. Низами, 1991. – 126 с.
4. Фуко М. Археология знания / М.Фуко. – Киев: Ника – центр, 1996. – С. 207.
5. Степанов Ю.С. Альтернативный мир, Дискурс, Факт и принцип Причинности / Ю.С.Степанов // Язык и наука конца XX века. – М.: Российский Государственный гуманитарный институт, 1995. – С. 35 – 73.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00719

# YONG'IN XABARLOVCHILAR VA ULARDA YARIMO'TKAZGICHLARDAN FOYDALANISH

**D. K. Nasriddinov**
O‘zbekiston Milliy Universiteti
mustaqil izlanuvchisi

**D. A. Begmatova**
O‘zbekiston Milliy Universiteti
dotsenti

dadahon.90@mail.ru

## ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada yong‘in xabarlovchilarda yarimo‘tkazgichlarning tutgan o‘rni hususida so‘z yuritiladi.Yarimo‘tkazgichli issiqlik yong‘in xabarlovchilarning afzalligi ularning kichik inersionalligidir. Bu esa o‘z navbatida insonlar hayoti, mol-mulki, sog‘ligi hamda atrof-muhitga zarar yetkazishining oldini olishda samaralidir.

**Kalit so‘zlar:** issiqlik yong‘in xabarlovchilar, bimetall plastinka, oson eruvchi qotishmali issiqlik yong‘in xabarlovchilar, termopara, tutunli issiqlik yong‘in xabarlovchilar, radioizotopli yong‘in xabarlovchilar, vud qotishmasi, yorug‘lik zarralari intensivligi.

# FIRE DETECTORS AND USE OF SEMICONDUCTORS IN THEM

## ABSTRACT

This article discusses the role of semiconductors in fire detectors. The advantage of semiconductor heat fire detectors is their low inertia. This, in turn, effectively prevents damage to life, property, human health and the environment.

**Keywords:** heat detectors, bimetallic plate, light alloy fire detectors, light alloy heat detectors, thermocouple, smoke detectors, radioisotope fire detectors, wood alloy, light particles intensity.

## KIRISH

Dastlabki yong‘in xabarlovchilar bundan *200* yil oldin yaratilgan bo‘lib, faqat yuqori haroratlarni xis qilishga mo‘ljallangan. Ular yong‘indan xabar beruvchi qo‘ng‘iroqqa ulangan shiftga tortilgan arqon edi. Yong‘in vaqtida arqon yonib qo‘ng‘iroq chalingan. Elektr energiyasi kashf etilgach, yong‘inlarda elektr ko‘ng‘iroqni ishga tushuruvchi termodastaklar vujudga keldi. Bunda oson eruvchi qotishma bilan kavsharlangan bimetall plastina foydalanildi. Bu yong‘in xabarlovchilar ochiq olov o‘chog‘i katta xajmni qamrab olganidagina ishga tushar edi. Bunday hollarda olovni inson faktori orqali o‘chirish qiyinchilik tug‘dirgan.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00719

Kuchli tutun hosil bo‘lganligi sababli insonlarni xavfsiz xududga evakuatsiya qilish muammo bo‘lgan.

## ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYASI

So‘ngi yillarda yong‘in xabarlovchilar bo‘yicha fikrlar va xulosalar mustaqil davlatlar hamdo‘stligi mamlakatlari olimlaridan N.A.Zobova, N.M.Barbin, A.V.Smagin, V.I.Sluyev, E.A.Kornilova, E.M.Zemsova, A.A.Chervova, N.M.Bauer, V.M.Kornev, I.M.Golev, I.B.Nikolaeva, T.V.Larina va V.V.Yudinlar tomonidan o‘rganilgan.

Shu bilan bir qatorda yong‘in xabarlovchilar va ularda yarimo‘tkazgichlardan foydalanishning ilmiy-nazariy asoslari xorijlik D.Rasbash, D.Drayzdell, R.Sheinson, D.Indritz, M.Horasan, D.Bruck singari olimlar tomonidan rivojlantirilgan.

## MUHOKAMA

Yong‘in xabarlovchilarning asosiy elementlaridan biri issiqlikni sezuvchi sezgir elemendir. Issiqlik yong‘in xabarlovchilarning konstruksiyasi murakkab emas. Issiqlikni sezuvchi element shunday tuzilganki, bunda u bir vaqtning o‘zida kontakt qurilma yordamida signal berishda elektr energiyasini boshqaradi. Issiqlik yong‘in xabarlovchilar qo‘llanilgan ish prinsipiga bog‘liq xolda o‘z tarkibida bir yoki ikkita yarimo‘tkazgichli issiqlik sezgir elementdan tashkil topib, malum qiymatli harorat oshishida ishga tushadi. Bunday yong‘indan xabarlovchilar mos ravishda maksimal va differensial turlarga bo‘linadi. Differensial issiqlik yong‘in xabarlovchilar texnologik sabablarga ko‘ra haroratning yuqori tebranishlarida yolg‘on xabar berishi mumkin. Maksimal turdagi issiqlik yong‘in xabarlovchilar esa bunday vaziyatlarda stabil ishlaydi. Maksimal turdagi issiqlik yong‘in xabarlovchilar binolarda harorat mumkin bo‘lgan chegaradan $10\text{-}30^0S$ ga va undan yuqoriroq qiymatlarga oshganda ishga tushadi. Bu farq qanchalik sezilarli bo‘lsa, yolg‘on xabar extimolligi shunchalik kamdir. Issiqlik yong‘in xabarlovchilarning ishlash prinsipi harorat o‘zgarishi bilan sezgir elementlari xossalarining o‘zgarishidan iboratdir. Issiqlik yong‘in xabarlovchilarda sezgir elementlar sifatida turli hil geometrik shakldagi bimetall plastinkalardan, oson eruvchi qotishmalardan, termoparalardan, yarimo‘tkazgichlardan va magnit materiallardan foydalaniladi.

## NATIJALAR

**Bimetall plastinkalar.** Issiqlik yong‘in xabarlovchilarda sezgir elementlar sifatida turli hil geometrik shakldagi bimetall plastinkalardan keng qo‘llaniladi. Bimetall plastinkalar qiziganda kengayadi.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00719

Bimetall plastinka turli $\beta_1$ va $\beta_2$ chiziqli kengayish koeffitsientiga ega presslangan metall qatlamdan iboratdir. Bimetall plastinkani qizdirishda katta kengayish koeffitsientiga ega metall o‘z uzunligini o‘zgartiradi. Natijada plastinka egiladi va signal zanjiri kontaktini yoqadi.

Misol uchun, TRV-termorele turidagi yong‘in xabarlovchi portlashdan himoyalangan bo‘lib, invar *(po‘lat+xrom+molibden)* sterjen va kontakt bilan ulangan latun trubkadan iboratdir. Qizdirilganda latun trubka invar sterjenga qaraganda ko‘proq cho‘ziladi va uni o‘zi bilan tortib kontakt signal zanjirini yoqadi[1].

*TRV*-termorele turidagi yong‘in xabarlovchilar barcha turdagi portlashdan xavfli bo‘lgan binolarga o‘rnatish uchun mo‘ljallangan.

**Oson eruvchi qotishmali issiqlik yong‘in xabarlovchilar**ning ishlash prinsipi harorat ta’sirida sezgir elementning erishida signal zanjirining ishga tushishiga asoslangan.

Misol uchun, *DTL* turidagi yongin xabarlovchilarda sezgir element sifatida erish harorati $72^0S$ bo‘lgan Vud qotishmasi *(qalay+karmiy+vismut+qo‘rg‘oshin)* qo‘llanilib, u ikki metall prujinali plastinkani birlashtiradi. Qizdirilganda qotishma erib, prujinali plastinkalar signal zanjirini ulaydi.

*DTL* turidagi yongin xabarlovchilar qo‘riqlash-yong‘in signalizatsiya qurilmalarida qo‘llaniladi. Eruvchan va oson eruvchan sezgir elementli yong‘in xabarlovchilar bir qancha quyidagi afzalliklarga ega:

1. *DTL* turidagi yongin xabarlovchining sodda tuzilganligi;
2. *DTL* turidagi yongin xabarlovchining yuqori ishonchliligi.

**Termoparalar.** Issiqlik yong‘in xabarlovchilarda termoparalardan foydalanish muximdir. Bu sezgir elementlarning ishlash prinsipi shundan iboratki, bunda turli metallardan yasalgan o‘tkazgichdan tuzilgan yopiq konturda termoelektr yurutuvchi kuch yuzaga keladi. Bir juft termoparaning termoelektr yurutuvchi kuchi millivolt tartibidagi kattalikni tashkil etadi. SHuning uchun termoparali issiqlik yong‘in xabarlovchilarni qo‘shimcha ravishda quvvat manbaiga ulash lozim[2].

Termoparalar yopiq elektr zanjirga ulangan turli o‘tkazgichlardan tuzilgan bo‘ladi. Agar o‘tkazgichlarning ulanish nuqtalari $t_1$ va $t_2$ haroratda bo‘lsa, unda zanjirdagi termoelektr tokining miqdori mikroamperlarda o‘lchanadi.

**Tutunli issiqlik yong‘in xabarlovchilar.** Tutunli issiqlik yong‘in xabarlovchilar havoda tutunni payqash, ya’ni modda va materiallarning to‘liq yonmasligida hosil bo‘lgan mayda qattiq zarrachalarni payqash prinsipida ishlaydi. Bu turdagi yong‘in xabarlovchilar eng sodda turdagi yong‘in xabarlovchilar

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00719

hisoblanadi. Ushbu turdagi yong‘in xabarlovchilarni doimiy elektr manbaiga ulash kerak emas. Ular bir martalik quvvatlagichlar (batareykalar) yordamida ishlaydi.

Tutunni sezishning 2 ta asosiy prinsipi mavjuddir:

1. Optik-elektron;
2. Radioizotop.

Tutunni sezuvchi datchiklarning 2 ta turi bor: optik va ionozatsion.

Tutunning xarakterli qobiliyati bu yorug‘likning yutilishi va sochilishi bo‘lib, bu uning noshaffofligiga asoslangan. Yorug‘lik sochilishi va yutilishi jarayonlari tutunning fizik-kimyoviy ko‘rsatgichlari, zarralar o‘lchami va shakli hamda yorug‘likning optik xossalari bilan, ya’ni tutun zarrasi o‘lchamining yorug‘lik to‘lqin uzunligiga nisbati bilan aniqlanadi. Muhitning quyidagi optik xossalari o‘zgarishini nazorat qilish bilan tutunni payqash mumkin:

1. Tutundan qaytgan yorug‘lik zarralari intensivligi bilan;
2. Atrof-muhitning shaffofligi kamayishi evaziga dastlabki yorug‘lik oqimining susayishi bilan.

Optik tutun yong‘in xabarlovchilar infraqizil yorug‘lik manbai (svetodiod) va undan ekran bilan himoyalangan fotodiod bilan jixozlangan bo‘ladi. Kamera yuqori darajadagi qora materialdan yasaladi va normal sharoitda yorug‘lik diodi tomonidan chiqarilgan barcha nurlar u tomonidan yutiladi. Kameraga tutun zarrasi tushgan holatda yorug‘lik undan sochila boshlaydi. Bunday hollarda “yong‘in” signali ishga tushadi. Bunday yong‘in xabarlagichlar yong‘inni erta aniqlashga qodirdir. Optik tutun yong‘in xabarlovchilarga suv bug‘i yoki turli hil changlar ta’siri ostida u yong‘in to‘g‘risida yolg‘on xabar berishi mumkin. Optik tutun yong‘in xabarlovchilarning yana bir turi mavjudki, ular bir yorug‘lik manbaidan keluvchi ikkita yorug‘lik oqimining intensivligini taqqoslashga asoslangan bo‘ladi. Bu oqimlar yong‘in xabarlovchining germetik yopiq kamerasi orqali o‘tadi. Normal sharoitda ikkala nur to‘liq holda o‘lchov optikasiga tushadi, shu vaqtda tutun zarralari o‘lchov qurilmasiga tushadi va yorug‘likning sochilishi yuz beradi. Agar ikki oqim intensivliklari farqi malum chegaradan ortsa, datchik ishga tushada va “xavf” signalini beradi[3].

Misol uchun, fotoelektrik *IDF* turidagi tutun yong‘in xabarlovchilar tutun zarralaridan qaytgan yorug‘likni fotoelement tomonidan qayd etish prinsipi orqali ishlaydi. Yong‘in xabarlovchi optik tarmoq va yarimo‘tkazgichli kuchaytirgichdan tashkil topgan bo‘ladi.

**Radioizotopli yong‘in xabarlovchilar.** Ushbu turdagi yong‘in xabarlovchilarning sezgir elementi ionizatsion kameradan tashkil topgan bo‘lib, u

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00719

ikkita elektrod va *α*-zarralar manbaidan iborat. Elektrodlarga kuchlanish beriladi. Radiofaol nurlanish manbai *(Ameritsiy-241)* o‘zidan juda kichik intensivli *α*-zarralarni chiqarib havo fazosini ionlaydi. Musbat zaryadlangan ionlar kuch maydoni ta’siri ostida manfiy elektrod tomon, manfiy ionlar va elektronlar esa musbat elektrod tomon siljiydi. Elektrodlar orasida ionlashgan elektr toki vujudga keladi. Yong‘in xabarlovchiga tutun kirganida gazning ionlashishi darajasi pasayadi, elektr tokining kuchi kamayadi. Yong‘in xabarlovchilarda elektron sxema ionlashgan tokning o‘zgarishini sezadi va xavf signali ishga tushadi.

Misol uchun, *RID-1* radioizotopli yong‘in xabarlovchilar sezgir element sifatida ionlovchi kameraga ega. Ionlash o‘zidan *α*-zarra nurlovchi plutoniy izotopi bilan amalga oshiriladi. Agar ionlovchi kameraga tutun kirsa, ionlovchi tok kuchi keskin kamayadi va mos holda kamera qarshiligi ortadi. Bu esa elektrod kuchlanishining ortishiga olib keladi. Bu turdagi yong‘in xabarlovchilar tutunning mayda zarralarini yaxshi sezadi[4].

## XULOSA

Yarimo‘tkazgichli issiqlik yong‘in xabarlovchilar ishlash prinsipi yarimo‘tkazgich qiziganida elektr parametrlarning o‘zgarishiga asoslangan. Yarimo‘tkazgichli materiallarda harorat oshishi bilan elektr parametrlar o‘zgaradi.

Parametrlarning o‘zgarishi issiqlik energiyasi ta’siri ostida yuzaga keluvchi erkin zaryad tashuvchilar miqdorining o‘sishi natijasida yuz beradi. Yarimo‘tkazgichli sezgir elementlar qarshilikning manfiy temperaturaviy qiymatiga ega. Harorat ortishi bilan ularda erkin zaryad tashuvchilar soni oshadi, albatta, elektr toki kuchi ortadi va qarshilik kamayadi. Yong‘in xabarlovchilarda rele effektiga ega yarimo‘tkazgichli termorezistorlar qo‘llaniladi. Termorezistorlar qarshiligining o‘zgarishi malum haroratga erishilganida sakrashsimon tarzida yuz beradi.

Misol uchun, avtomatik issiqlik yong‘in xabarlovchi *POST-1* ning sezgir elementi yarimo‘tkazgichli termorezistordan tashkil topgan. Termorezistor belgilangan haroratgacha qizdirilganda xabar signalini shakllantiruvchi qurilma ishlab ketadi.

Yarimo‘tkazgichli issiqlik yong‘in xabarlovchilarning afzalligi kichik inersionalligidir.

## REFERENCES

1. Слуев В.И Роль курса Физики в формировании восприятия опасности //Тезисы доклада научно-практической конференции “Безопасность городов”. -М: ВНИИ ГОЧС, 1997. -С.176

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00719

2. Слуев В.И. О воспитательной и информационной роли курса физики МИПБ МВД РФ // Сборник трудов Московского Государственного открытого педагогического университета, вып. № 40, 1998. –С.145-151.
3. Слуев В.И. Пожары, катастрофы и безопасность людей в задачах по физике. Учебное пособие. –М.: МИПБ МВД РФ, 1998. –С.212.
4. Н.А.Зобова, Н.М.Барбин. Применение законов физики в пожарной безопасности. Учебное пособие. Екатеринбург 2008. –С.59.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00720

# TILSHUNOSLIK TERMINLARINING SHAKLIY STRUKTURASI TAHLILI

**Shahlo Abdimurod qizi Abdisalomova**
Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti magistranti

## ANNOTATSIYA

Ushbu maqola lingvistik terminlar tadqiqiga bag‘ishlangan bo‘lib, unda ona tili darsliklarida keltirilgan tilshunoslik terminlarining tarkibiy xususiyatlarini aniqlash, shakliy tuzilishini tavsiflash maqsad qilib olindi. Darsliklarda lingvistik terminlarning ifodalanishi: muammo va kamchiliklar o‘rganildi. Terminlarning standartligini ta’minlash va modellashtirish, shuningdek, tarjima jarayonida ularning moddiy ko‘rinishi muhim ahamiyat kasb etadi. Bu esa ilmiy terminologiya, terminografiya taraqqiyoti, terminologik korpus, terminologik ma’lumot bazalarini yaratishning asosiy shartidir.

**Kalit so‘zlar:** terminologiya, termin, darslik, sodda termin, qo‘shma termin, juft termin, termin-birikma, ikki tarkibli termin-birikma, uch tarkibli termin-birikma, to‘rt tarkibli termin-birikma

# ANALYSIS OF THE FORMAL STRUCTURE OF LINGUISTIC TERMS

## ABSTRACT

This article is devoted to the study linguistic terms, in which aims to identify the structural features of linguistic terms in the textbooks of the native language, to describe their formal structure. In the textbooks, the expression of linguistic terms: problems and short-comings were studied. Ensuring the standardization of terms, as well as their material appearance in the translation process is important. This is a prerequisite for the development of scientific terminology, terminography, terminology corpus and the creation of terminology databases

**Keywords:** terminology, term, textbook, simple term, compound term, a couple of term, term-combination, a two-component term-combination, a three-component term-combination, a four-component term-combination

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00720

## KIRISH

Ma’lumki, til va jamiyat bir-biri bilan chambarchas bog‘langan. Jamiyatdagi o‘zgarishlar tilda o‘z ifodasini topishi zarur. Shu nuqtayi nazardan terminologiya tilshunoslikning tez o‘zgaruvchan va murakkab tuzilishga ega sohasi hisoblanadi. Har bir fan terminlar tizimidir. Rus faylasufi P.A.Florenskiy terminlarning fandagi o‘rnini quyidagicha izohlagan: “Fanning mohiyati terminologiyani tuzish, aniqrog‘i, joy-joyiga qo‘yishdan iborat…Terminlar hayoti fan tarixining o‘zidir”. Tilshunoslik ham o‘z lingvistik terminlariga ega. Til ta’limiga lingvistik terminlar mohiyatini o‘rganish asosida kechadigan jarayon sifatida qarash mumkin. Ona tilida terminlarning puxta ishlanishi va tartibga solinishi nafaqat darslik va qo‘llanmalar yaratish, ona tilida dars olib borish uchun, balki ijtimoiy hayotda ham ahamiyati katta bo‘lgan masaladir.

## ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Rus tilshunosligida lingvistik terminlar turli yondashuvlar asosida keng tadqiq etilgan. Y.A.Kolesnikovaning “Русская лингвистическая терминология второй половины XVIII. – первой трети XX вв.”, T.V.Jerebeloning “Словарь лингвистических терминов”, Z.I.Yevloyevaning “Русская лингвистическая терминология в эволютивном аспекте”, V.A.Tatarinovaning “Введение в научной оборот значительного количества лингвистических терминов объясняется целесообразностью проследить и продемонстрировать динамику развития терминосистемы” nomli ishlari buning yaqqol dalilidir. Xususan, Yevloyeva tadqiqotida rus lingvistik terminologiyasini tartibga solish bo‘yicha terminografik ishlar, adabiy tilning tarkibiy qismi sifatida lingvistik terminologiyani o‘rganish aspekti, XIX-XX asrlarda lingvistik terminologiyaning rivojlanish xususiyatlari, freym tahlilning terminologiya taraqqiyotini ifodalashdagi o‘rni, rus terminologiyasining so‘z yaratish imkoniyatlari haqida fikr yuritilgan. Shuningdek, xalqaro notijorat tashkilot – SIL tomonidan yaratilgan ingliz lingvistik terminlari glossariyi hamda fransuz-ingliz lingvistik terminlari glossariyi ham lingvistik terminlar tadqiqi mahsulidir. Ingliz lingvistik terminlari glossariyi 900 mingdan ortiq terminlardan tashkil topgan bo‘lib, har bir terminning ta’rifi va manbasi keltirilgan. Ko‘p maqolalar muhokama, misollar, terminning ierarxik tuzilishi va boshqa qo‘shimcha ma’lumotlarni o‘z ichiga oladi. Dastlab tilshunoslar uchun tezkor ma’lumot vositasi sifatida bosh muharrir Eugene E.Loos va muharrirlar Susan Anderson, Dwight H.Day, Paul C.Jordan hamda J.Douglas

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00720

Wingate tomonidan tuzilgan. Fransuz-ingliz lingvistik terminlari glossariyi esa 7,837 fransuz lingvistik terminlari va 8,059 ingliz lingvistik terminlaridan iborat. Ushbu glossariyda terminlarga ta’rif berilmaydi, balki ularning boshqa tildagi ekvivalenti keltiriladi. Ikki tilda terminlarning leksik-semantik munosabatlari ifoda etiladi. O‘zbek tilshunosligida tilshunoslikka oid terminlar Hojiyev A., Ermatov I.R., Xudoyberganova D., Xamroyeva Sh.M kabi tilshunoslar tomonidan atroflicha o‘rganilgan. Ammo lingvistik terminologiyamizda o‘z yechimini kutayotgan muammolar yetarli darajada mavjud. Terminlarning standartligini ta’minlash va modellashtirish, shuningdek, tarjima jarayonida ularning moddiy ko‘rinishi muhim ahamiyat kasb etadi. Bu esa ilmiy terminologiya, terminografiya taraqqiyoti, terminologik korpus, terminologik ma’lumot bazalarini yaratishning asosiy shartidir. Terminshunos olim R.Doniyorov terminologik sistemani guruhlarga bo‘lib o‘rganishning imkoniyatlari xususida ta’kidlaganidek, bu jarayon, birinchidan, shu sistemaning umumtermin boyligi haqida tasavvur hosil qiladi; ikkinchidan, bu sistemaning so‘z yasash imkoniyatlari haqida ma’lumot beradi; uchinchidan, sistemaning har qaysi mavzu guruhidagi so‘z yasash modeli qanday ekanligini aniqlab beradi. Tilshunoslik terminlarining shakliy tuzilishini ona tili darsliklaridagi lingvistik terminlar misolida ko‘rib chiqamiz.

## MUHOKAMA VA NATIJALAR

Ona tili darsliklarida keltirilgan lingvistik terminlarni shakliy tuzilishiga ko‘ra quyidagicha tasnif qilish mumkin:

1. Sodda terminlar
2. Qo‘shma terminlar
3. Juft terminlar
4. Termin-birikmalar

**Sodda terminlar.** Sodda terminlar ot turkumiga mansub bo‘lib, bir o‘zak va shakliy-ma’noviy yaxlitlikka ega bo‘ladi. Masalan: *ot, sifat, son, ega, bog‘lovchi, nutq, omonim, sinonim, metafora, uslubiyat, harf, matn, gap, vergul, nuqta* va b. Sodda terminlar derivatsion xususiyatlariga ko‘ra **sodda tub terminlar** va **sodda yasama terminlar**ga bo‘linadi:

– sodda tub terminlar: *til, nutq, urg‘u, termin, lug‘at, asos, fe’l, ravish, kesim, ega, hol, tire, iqtibos, kinoya, sinekdoxa, me’yor, nisbat, paronim, bo‘g‘in* va h.k.

– sodda yasama terminlar: *tilshunoslik, lug‘atshunoslik, taklifnoma, tabriknoma, ifodalilik, uslubiyat, sifatdosh, ravishdosh, to‘plam, yozuv, turlanish* kabi.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00720

**Qo‘shma terminlar.** Bunday terminlar birdan ortiq o‘zak birikuvidan iborat qo‘shma so‘zlar hisoblanadi. Ona tili darsliklaridagi lingvistik terminlarning ushbu ko‘rinishi faqat o‘zlashgan qatlamga tegishli bo‘lib, ularga o‘zbek tilida tub termin sifatida qaraladi: *leksikologiya, leksikografiya, orfoepiya, orfografiya…*

**Juft terminlar.** Juft terminlar ikki so‘zning juftlanishi asosida hosil bo‘ladi. Biz tadqiqot davomida birgina **so‘z-gap** juft terminiga duch keldik.

**Termin-birikmalar.** Barcha terminosistemalarda kuzatilgani kabi lingvistik terminlarimiz orasida ham termin-birikmalar miqdori ustuvorlik kasb etadi. Birikma-terminlar birdan ortiq leksik birlikdan tashkil topadi va birikma holatida bo‘ladi: *unli tovush, nutq a’zosi, bosh so‘z, hikoya matni, so‘z yasovchi qo‘shimcha, sodda yasama so‘z, fe’lning vazifa shakllari, buyruq-istak mayli, otlashgan sifat, vazifadosh bog‘lovchi, adabiy me’yor, nutqning boyligi, nutqning jo‘yaliligi* va b. Ona tili darsliklarida ifodalangan lingvistik termin-birikmalarni tarkib nuqtayi nazaridan guruhlaymiz:

**Ikki tarkibli termin-birikmalar** – sodda so‘z birikmasi shaklida bo‘lib, shaklan hokim-tobelik munosabati sezilib turadi: *badiiy nutq, nutq tovushi, unli tovush, undosh tovush, nutq a’zosi, fonetik hodisa, tovush ortishi, tovush tushishi, tovush almashishi, ochiq bo‘g‘in, yopiq bo‘g‘in, so‘z urg‘usi, gap urg‘usi, qo‘sh undosh, qator undosh, so‘z turkumlari, mustaqil so‘zlar, o‘timli fe’l, o‘timsiz fe’l, o‘zlik nisbat, birgalik nisbat, harakat nomi, adabiy me’yor, nutq madaniyati, undov belgisi, o‘zlashtirma gap, ajratilgan hol, sifatlovchi aniqlovchi, vositasiz to‘ldiruvchi, daraja-miqdor holi, atov gap, buyruq-istak mayli, shaxs-son qo‘shimchalari, o‘rin-payt kelishigi, nutq texnikasi* kabi.

**Uch tarkibli termin-birikmalar** – bunday murakkab terminlar uch mustaqil ma’noli lug‘aviy birlikdan iborat bo‘ladi, ya’ni uch tarkibli so‘z birikmasi zanjiri termin sifatida ma’no ifodalab, bir tushunchani anglatishga xizmat qiladi: *shakl yasovchi qo‘shimcha, so‘z yasovchi qo‘shimcha, sodda yasama so‘z, fe’lning vazifa shakllari, fe’lning munosabat shakli, so‘roq va taajjub yuklamalari, tovushga taqlid so‘z, holatga taqlid so‘z, vazifadosh modal so‘z, sinonim so‘zlar qatori, adabiy nutq uslubi, erkin mavzudagi insho, otli so‘z birikmasi, fe’lli so‘z birikmasi, shaxsi ma’lum gap, shaxsi umumlashgan gap, shaxsi noma’lum gap, ikkinchi darajali bo‘lak, ajtatilgan izoh bo‘lak, qo‘shma gap qismlari, bog‘langan qo‘shma gap, bog‘lovchisiz qo‘shma gap, ritorik so‘roq gap, tinish belgilari me’yori* kabi.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00720

**To‘rt tarkibli termin-birikmalar.** Tilshunoslikka oid bunday termin-birikmalar ona tili darsliklarida nisbatan kamligi bilan xarakterlanadi: *ko‘chirma gapli qo‘shma gap, lug‘aviy shakl yasovchi qo‘shimcha, sintaktik shakl yasovchi qo‘shimcha* kabi.

## XULOSA

Kuzatishlardan ma’lum bo‘ladiki, ona tili darsliklarida besh va undan ortiq tarkibli termin-birikmalar uchramaydi hamda sodda terminlar va termin-birikmalar yetakchi o‘rinda bo‘lgani holda, qo‘shma va juft terminlar miqdori juda kam hajmni tashkil etadi. Ona tili darsliklarida mavjud lingvistik terminlar tizimidagi murakkab terminlarning aksariyati umumnutqda so‘z birikmasi sifatida ham ishlatiladi va ular tarkibidagi har bir lug‘aviy ma’noli birlik o‘z avtosemantikligini saqlab qoladi. Faqat bir ilmiy-lingvistik tushunchani anglatishi, ba’zilarining boshqa tillarga bir so‘z bilan tarjima qilinishi kabi xususiyatlar ularni termin-birikmalar safiga kiritishga asos bo‘ladi. Terminologik korpus, terminologik ma’lumot bazalari yaratishda terminni modellashtirish asosiy bosqichlardan sanaladi va bu jarayonda ham, terminni bir tildan ikkinchi tilga tarjima qilishda ham murakkab tarkibli terminlar turli qiyinchiliklarni yuzaga keltirishi mumkin. Bu esa tilshunoslik terminologiyasi oldiga lingvistik terminlarni qayta ishlash, tizimlashtirish va tartibga solish vazifasini qo‘yadi.

## REFERENCES

1. Евлоева З.И. Русская лингвистическая терминология в эволютивном аспекте: диссертация кандидата филологических наук. – Нальчик , 2006. – 150 с.
2. Hojiyev A.Tilshunoslik terminlarining izohli lug‘ati. – Toshkent:O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2002
3. Ermatov I.R. O‘zbek tilshunoslik terminlarining shakllanishi va taraqqiyoti: filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PHD)dissertatsiyasi avtoreferati. – Toshkent, 2019
4. Xudoyberganova D. Lingvokulturologiya terminlarining qisqacha izohli lug‘ati. – Toshkent:Turon zamin ziyo, 2015
5. Хамроева Ш.М. Корпус лингвистикаси атамаларининг қисқача изоҳли луғати. – 2020

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00720

6. Doniyorov R. O‘zbek tili texnik terminologiyasining ayrim masalalari. – Toshkent:Fan, 1977
**7.** Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 5-sinfi uchun darslik. – Toshkent, 2020
8. Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 6-sinfi uchun darslik. – Toshkent, 2017
9. Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 7-sinfi uchun darslik. – Toshkent, 2017
10. Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 8-sinfi uchun darslik. – Toshkent, 2019
11. Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 9-sinfi uchun darslik. – Toshkent, 2019
12. Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 10-sinfi uchun darslik. – Toshkent, 2017
13. Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 11-sinfi uchun darslik. – Toshkent, 2018

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00721

# ТАЛИМАРЖОН СУВ ОМБОРИДА ОЛИБ БОРИЛГАН ДАЛА-ТАДҚИҚОТ КУЗАТУВ НАТИЖАЛАРИ

**Д. Т. Қодиров**
Ирригация ва сув муаммолари илмий тадқиқот институти докторанти.
dilmurod.qdt@mail.ru

**С. Б. Кадиров**
Талимаржон сув омбори Фойдаланиш ва таьмирлашни ташкил этиш буйича 1-тоифали мухандиси

**М. Р. Шербаев**
Ирригация ва сув муаммолари илмий тадыиқот институти докторанти
murod709@mail.ru

**Ё. Я. Турдибоев**
Ирригация ва сув муаммолари илмий тадқиқот институти стажиёр тадкикотчиси.

**Ш. Т. Рустамов**
Ирригация ва сув муаммолари илмий тадқиқот институти стажиёр тадкикотчиси.

**Г. У. Музаффарова**
Ирригация ва сув муаммолари илмий тадқиқот институти стажиёр тадкикотчиси.
gavhar0793@gmail.com

## АННОТАЦИЯ

Республикамизда фаолият кўрсатаётган сув хўжалик обектларининг асосий қисми Республиканинг Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги сув хўжалиги ташкилотлари томонидан бошқарилади. Уларга сув етказиб берувчи манбаалардан ҳисобланмиш Амударё ва Сирдарё трансчегаравий дарё ҳисобланади [1]. Мақолада шундай дарёлардан бири Амударёдан сув олувчи гидротехника обекти, яъни Талимаржон сув омборидаги иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганиш бўйича олиб борилган дала тадқиқотлари натижасида аниқланган, иншоотларнинг ишлаши жараёнида юзага келган дефект камчиликлари ва уларни бартараф этиш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** Сув омбори, тўғон, насос станция, марка, иншоот.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00721

## КИРИШ

Маълумки, ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикасида сув омборларининг ишончли ва хавфсиз ишлашини таъминлаш бўйича бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Талимаржон сув омборидан фойлаланишда ҳам иншоотларнинг хавфсиз ва ишончли ишлашини таъминлаш мақсадида силжишлар ва чўкишларни аниқлаш учун ўрнатилган назорат-ўлчаш асбобларининг бугунги кундаги ҳолати бўйича олиб бориладиган дала кузатув тадқиқотлари муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли, Талимаржон сув омборидан фойлаланишда иншоотларнинг хавфсиз ва ишончли ишлашини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш долзарб масалалардан биридир.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

**Дастлабки маълумотлар:** Талимаржон сув омбори Қашқадқарё вилояти Талимаржон шаҳрида жойлашган бўлиб, Қарши чўлини ўзлаштириш мақсадида қурилган. Талимаржон сув омбори Қарши магистрал канали (ҚМК) насослар каскади ёрдамида Амударёдан сув кўтариб бериш орқали тўлдириладиган қуйилма сув омбори турига киради. Талимаржон сув омбори мамлакатимиздаги энг муҳим гидротехника иншоотларидан биридир. У Қарши чўлини вегетация даврида сув билан таъминлашда муҳум аҳамиятга эга. Чунки ушбу сув омбори қиш мавсумида ҚМКдан келувчи сувларни заҳира қилиб олади ва вегетация даврида сув етишмаслиги мавжуд бўлган ҳолатда сув чиқариш иншоотидан 360 $м^3$/сек. гача сув чиқариб, бундай муаммони бартараф этишга хизмат қилади. Шундай экан ушбу гидротехника иншоотидан фойдаланишда эксплуатация хизматини тўғри ташкил қилиш, техник қаровларни ўз вақтида амалга ошириш, мамлакатимиз учун муҳум бўлган бу обектни хавфсиз ва ишончли ишлашининг гаровидир. Унинг лойиҳавий сув сиғими 1525 млн $м^3$ ни, нормал димланган сатҳ (НДС) бўйича юза майдони 77.35 $км^2$ ни ташкил қилади.

***Талимаржон сув омбори таркибига кирувчи иншоотлар компановкаси:***

- Талимаржон сув омбори Тўғон 1;
- Талимаржон сув омбори Тўғон 2;
- Талимаржон сув омбори насос станцияси-7;
- Талимаржон сув омбори дренаж насос станцияси;
- Талимаржон сув омбори минорали сув чиқариш иншооти;
- Талимаржон сув омборидан сувни олиб кетувчи канал [2].

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00721

**Тадқиқот предмети:** Талимаржон сув омбори тўғони ва унинг атрофидаги геодезик белгилар, тўғон танаси грунти, тўғон қияликлари, хавфсизлиги ва ишончлилиги.

Дала кузатувлари натижалари бўйича Талимаржон сув омборидан фойлаланишда иншоотларнинг хавфсиз ва ишончли ишлаши бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Иншоотларнинг ишлаши тўғрисидаги дастлабки тассавурни кўз билан кузатиб чиқиш ишлари беради, шунинг учун ҳам улар иншоотларни бевосита кузатиш ишларининг бир қисми ҳисобланади ва капиталликнинг барча синфларига мансуб иншоотларда ўтказилади. Уларнинг асосида кейинги назорат-ўлчаш асбоблари ёрдамидаги кузатиш ишларининг таркиби аниқланади. Кузатиш ва тадқиқотлар олиб боришда фойдаланиладиган назорат-ўлчаш асбоблари, пикетлар, створ белгилари ва бошқа назорат мосламалари, дренаж сувлари оқизиб юбориладиган каналчалар, қирғоқлар, гидроузел жойлашган худуддаги жарликларнинг ҳолатини кўриб чиқиш ҳам муҳимдир. Баъзи ҳолатларда фильтрация оқими келтириб чиқарган кутилмаган жараёнларга дуч келиш мумкин [1,2,3,4,5].

Гидроузел лойиҳасининг таркибий қисми ҳисобланган табиий тадқиқотлар лойиҳасига: табиий тадқиқотлар ва назорат-ўлчаш асбобларини мақсади, вазифаси, давомийлигини асослаб берувчи бош дастур; назорат-ўлчаш асбобларини жойлаштириш чизмалари ва кабеллар трассалари; кузатишни автоматлаштириш лойиҳаси; назорат-ўлчаш асбобларини ўрнатиш ва кузатишни олиб бориш бўйича йўриқнома; ўрганилаётган катталиклар назорат параметрлари ва смета киради [6,7,8,9].

Гидротехника иншоотларида чўкишларни кузатиш даврий равишда маркаларни нивелировка қилиш, чўкишларни аниқлаш ва натижаларни таҳлил қилишдан иборат. Даврий нивелирлаш тўғон ва асоснинг геологик тузилиши, эксплуатация муддати давомийлиги, иншоотларни ишлаш шароитлари ва бошқа шунга ўхшаш омилларга боғлиқ[10,11,12,13,14,15]. Грунтли иншоотларни ишлатиш тажрибаси ишлатишнинг дастлабки йилларида - ойига 2 марта, ундан кейин ҳар кварталга - 1 марта чўкишини ўлчаб боришни тавсия қилмоқда. Ишлатишнинг иккинчи йили ўтгандан сўнг Баҳор ва кузда, чўкиш турғунлашгандан сўнг эса йилига 1 марта чўкиш ўлчаб борилади. Қумли

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00721

грунтлардан қилинган иншоотларда чўкиш асосан қурилиш даврида кечади, глина грунтли иншоотларда чўкиш жудаям секин кечади [16,17,18,19,20,21].

*Талимаржон сув омборидан фойдаланиш жараёнидаги камчиликлар:*

Биз объектни кўз чамали кузатувларимиз натиасида, тўғоннинг юқори бьефини мустаҳкамлаш учун қуйилган бетон қопламаларида ҳар хил ёриқлар ва ўпирилишларни ҳамда ушбу ўпирилишлар орқали кирган сувнинг грунтларни ўзи билан олиб чиқиб кетиши натижасида юзага келган ковакларни аниқладик [22,23,24](1-расм).

а) б)

1-расм. Талимаржон сув омбори тўғони юқори бьефининг бетон қопламасидаги дифектлар

а) б)

2-расм. Тўғон танасига ўрнатилган бетонли маркада аниқланган нуқсонлар

Биз Талимаржон сув омборида, сув омбор таркибига кирувчи иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганиш мақсадида дала кузатув тадқиқотларини олиб бордик. Бу кузатув тадқиқотларимиз натижасида

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00721

Талимаржон сув омбори таркибига кирадиган иншоотларнинг ишлаши жараёнида келиб чиққан камчиликларни аниқладик [25,26,27].

***Ишлаб чиқилган чора-тадбирлар:***

**1-жадвал**

| **Талимаржон сув омборидан фойдаланишдаги муаммолар ва уларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар** | |
|---|---|
| **Муаммолар** | **Ечимлар** |
| Тўғон-1 да пк 27 дан пк 60 гача бўлган масофада юқори бьефнинг бетон қопламалари остида бўшлиқлар мавжуд (1-расм а.) | Бўшлиқлар грунт билан тўлдирилиб, бетон қопламалар бетонланиб, мустаҳкамланиши керак. |
| Тўғон-2 да юқори бьефнинг бетон қопламаларида синишлар мавжуд (1-расм б.) | Бетон қопламаларни мустаҳкамлаш керак |
| Сув ташловчи босимли қувур деворларининг ички томонидан образив ейилишга учраганлиги сабабидан хавфсизлик даражасининг пасайганлиги [4] | Махсус цементация қопламаси ёрдамида қувур деворларига ишлов бериб, уларни қалинлаштириш керак |
| Тўғон-1 да пк 7+50 ва пк 81+50 лардаги 1-рақамли пьезометрлар носоз ҳолатда | Пьезометрларда тозалаш ишларини бажариш керак, агар яна ишламаса янги пьезометрлар ўрнатиш керак |
| Сув чиқариш иншоотининг затворларида сув қўйиб юбориши кузатилмоқда [4] | Зичлагичларни янгилаш керак |
| Сув ташловчи 7-насос станцияси биносининг ер ости қисмидаги вентиляция тизимининг техник талабларга жавоб бермаслиги, ер ости қисмида ҳаддан ташқари намгарчиликнинг ортганлиги | Вентиляция тизимини қайта тиклаш, двигател ёрдамида айланувчи парракларни жорий этиш |
| Сув омборига сув ташловчи 7-насос станцияси 1-агрегатининг аванкамерасида ёриқ пайдо бўлган | Аванкамерадаги бетон қоплама ёриқларни иннекция қилиш орқали бартараф этиш |
| 7-насос станцияси насос агрегатларининг подшипникларини техник сув билан таъминловчи очиқ сув тиндиргичнинг лойқа | Сув тиндиргичда лойқа тозалаш ишлари олиб борилиши керак |

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00721

| | |
|---|---|
| босганлиги [4] | |
| Биринчи тўғон танасига ўрнатилган геодезик белги бетонли марка ишга яроқсиз ҳолатда (2-расм) | Бетонли маркани бошқатдан ўрнатиб, қайтадан нивелирлаш керак |

## ХУЛОСА

Бизга маълумки ҳар қандай гидротехника иншооти узоқ вақт давомида хавфсиз ва ишончли ишлашини таъминлаш асосан учта босқичга боғлиқ бўлган ҳолда амалга оширилади. Булар: лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш босқичларидир. Шундай экан Талимаржон сув омборидан фойдаланишдаги муаммони бартараф этиш, обектни узоқ вақт давомида хавфсиз ва ишончли ишлашига олиб келади.

## REFERENCES

1. Бакиев М.Р., Янгиев А.А., Рахматов Н. “Гидротехника иншоотлари” Т.: 2018. 233 бет;
2. Талимаржон сув омбори паспорти;
3. М-Г. А. Кадирова. Дарё гидроузелларидан фойдаланиш. ТИМИ. Тошкент-2008 йил. 354 бет;
4. Талимаржон сув омбори 2019-2020 йиллик ҳисобот;
5. Интернет малумотлари.
6. Rakhimov, S., Seytov, A., Nazarov, B., Buvabekov, B., Optimal control of unstable water movement in channels of irrigation systems under conditions of discontinuity of water delivery to consumers. IOP Conf. Series: Materials Science and Engineering 883 (2020) 012065, Dagestan, 2020, IOP Publishing DOI:10.1088/1757-899X/883/1/012065 (№5, Scopus, IF=4,652)
7. A. Kabulov, I. Normatov, A. Seytov and A. Kudaybergenov, "Optimal Management of Water Resources in Large Main Canals with Cascade Pumping Stations," 2020 IEEE International IOT, Electronics and Mechatronics Conference (IEMTRONICS), Vancouver, BC, Canada, 2020, pp. 1-4, DOI: 10.1109/IEMTRONICS51293.2020.9216402 (№ 6, Scopus, IF= 9.936).
8. Shavkat Rakhimov, Aybek Seytov, Nasiba Rakhimova, Bahrom Xonimqulov. Mathematical models of optimal distribution of water in main channels. 2020 IEEE 14th International Conference on Application of Information and Communication Technologies (AICT), INSPEC Accession Number: 20413548, IEEE Access, Tashkent, Uzbekistan, DOI:10.1109/AICT50176.2020.9368798 (AICT) pp. 1-4,(№ 6, Scopus, IF=3,557)
9. A.V. Kabulov, A.J. Seytov, A.A. Kudaybergenov, Classification of mathematical models of unsteady water movement in the main canals of irrigation systems, International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology Vol. 7, Issue 4 , April 2020, ISSN: 2350-0328, India, pp. 13392- 13401.(№ 6, Web of science, IF=3,98)
10. Sh.Kh.Rakhimov, A.J. Seytov, A.A. Kudaybergenov, Optimal control of unsteady water movement in the main canals. International Journal of Advanced Research in Science,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00721

Engineering and Technology Vol. 7, Issue 4 , April 2020, India, ISSN: 2350-0328, pp. 13380-13391. (№ 6, Web of science, IF=3,98).
11. A.J. Seytov, A.R. Kutlimuradov, R.N. Turaev,N.K. Muradov,A.A. Kudaybergenov, Mathematical model of optimal control of the supply canal to the first pumping station of the cascade of the Karshi main canal. International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology Vol. 8, Issue 3 , March 2021. India. ISSN: 2350-0328. pp. 16790- 16797. (№5, web of science IF=6,646)
12. A. V. Kabulov, A. J. Seytov & A. A. Kudaybergenov. Mathematical models of the optimal distribution of water in the channels of irrigation systems. International Journal of Mechanical and Production Engineering Research and Development (IJMPERD) ISSN(P): 2249–6890; ISSN(E): 2249–8001 Vol. 10, Issue 3, Jun 2020, pp. 14193–14202 (№5 Scopus IF = 9.6246)
13. Sh. Kh. Rakhimov, A. J. Seytov, D. K. Jumamuratov & N. K. Rakhimova. Optimal control of water distribution in a typical element of a cascade of structures of a machine canal pump station, hydraulic structure and pump station. India. International Journal of Mechanical and Production Engineering Research and Development (IJMPERD) ISSN (P): 2249–6890; ISSN (E): 2249–8001 Vol. 10, Issue 3, Jun 2020, pp. 11103-11120. (№5 Scopus IF = 9.6246)
14. A Zh Seitov, BR Khanimkulov. Mathematical models and criteria for water distribution quality in large main irrigation canals. Academic research in educational sciences. Uzbekistan. Ares.uz. Vol. 1. №2, 2020. ISSN 2181-1385. Pp.405-415. (№5, web of science IF=5.723)
15. А. Ж. Сейтов, Б. Р. Ханимкулов, М. Гаипов, О. Хамидуллаева, Н. К. Мурадов. Численные алгоритмы решения задач оптимального управления объектами каршинского магистрального канала. academic research in educational sciences volume 2 | ISSUE 3 | 2021 ISSN: 2181-1385 Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723 DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00519. pp. 1145-1153. (№5, web of science IF=5.723)
16. А. Ж. Сейтов А. Р. Кутлимурадов Р. Н. Тураев Э. М. Махкамов Б. Р. Хонимкулов. Оптимальные управления водных ресурсов крупных магистральных каналов с каскадом насосных станций ирригационных систем. academic research in educational sciences volume 2 | ISSUE 2 | 2021 ISSN: 2181-1385 Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: (№5, web of science IF=5.723)
17. Seytov Aybek Jumayevich, Solaeva Mehribon Norimonovna, TadjibayevIkram Uralbaevich. The product of a function and its place in physics. Solid State Technology. Vol. 63 No. 4 (2020). (№5 scopus IF=0.3)
18. Aybek Jumabayevich Seytov, Mamatqobil Nurmamatovich Esonturdiyev, Obid Sherqul Ogli Qarshiboyev, Gulhayo Baxodirovna Quzmanova. academic research in educational sciences volume 1 | ISSUE 3 | 2020 ISSN: 2181-1385 Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2020: 4.804. pp. 784- 788.
19. Ш. Х. Рахимов, А. Ж. Сейтов, М. Р. Шербаев, Д. Жумамурадов, Ф. Ж. Дусиёров. Структура базы данных и программные модули для моделирования управления водными ресурсами каскада насосных станций каршинского магистрального канала. Мелиорация 2019 3(89) стр. 85-91. (№5, web of science IF=0.144)
20. А.В.Кабулов, А.Ж.Сейтов, А.А.Кудайбергенов, Критерий управления задач оперативного управления водными ресурсами объектов водохозяйственных систем.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00721

ILIM hám JÁMIYET. science and society Scientific-methodical journal Series: Natural-technical sciences. Social and economic sciences. Philological scienes №2 2020. Pp.6-7.
21. Ш.Х. Рахимов, А.Ж. Сейтов, А.А. Кудайбергенов. Оптимальное управление распределением воды в магистральных каналах ирригационных систем. ILIM hám JÁMIYET. SCIENCE and SOCIETY Scientific-methodical journal Series: Natural-technical sciences. Social and economic sciences. Philological scienes. pp. 8-10.
22. А.СЕЙТОВ. Оптимальные методы управления водных ресурсов в крупных магистральных каналах ирригационных систем. AGRO ILM – O‘ZBEKISTON QISHLOQ VA SUV XO‘JALIGI. Махсус сон. 2020. Ташкент. Стр. 84-86.
23. Mekhriban Salaeva, Kakhramon Eshkaraev, Aybek Seytov. Solving mathematical problems in unusual ways with excellent limits. European Scientific Conference. Пенза, 17 мая 2020 года pp. 254-257
24. Рахимов Ш. Х., Сейтов А. Ж., Кудайбергенов А. А. Критерии управления задач оперативного управления водными ресурсами объектов водохозяйственных систем. Abstracts of IX International Scientific and Practical Conference Kharkiv, Ukraine 2-4 August 2020. Стр. 125-131.
25. Сейтов А. Ж., Кудайбергенов А. А., Хонимкулов Б. Р. Моделирования двумерного неустановившегося движения воды на открытых руслах на основе проекционного метода. сборник докладов Республиканской научно-технической конференции «Инновационные идеи в разработке информационно-коммуникационных технологий и программных обеспечений» 15-16 мая 2020 года. САМАРҚАНД. Стр. 60-63.
26. Рахимов Ш.Х., Сейтов А.Ж. Теоретико-множественная модель насосной станции, оснащенная осевыми поворотно-лопастными насосными агрегатами. Материалы республиканской научной онлайн конференции молодых ученых «современные проблемы математики и прикладной математики» посвященной 100 летию академика С.Х.Сираждинова (21 мая 2020 г.) Стр. 78-82.
27. Ё. ШЕРМАТОВ, С.М. МУРАТОВ, Ш.Н. ИМОМОВ, М.Р. ШЕРБАЕВ. Методы выявления солнечно-земных эмпирических связей. ВЕСТНИК ПРИКАСПИЯ, РОССИЯ. №4, стр.29-34. 2018

ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 4 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00722

# EXCEL DASTURINING IQTISODIYOTGA DOIR FUNKSIYALARI VA ULAR USTIDA IQTISODIY MASALALARNI YECHISH

**N. Sh. Tojiyev**
Samarqand iqtisodiyot va servis instituti assistenti

**A.A. Adilov**
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti Samarqand filiali

## ANNOTATSIYA

Olib borgan kuzatishlar shuni ko`rsatmoqdaki, birinchidan, bu Microsoft excel dasturining imkoniyatlari juda ham rang-barang va boy. Deyarli har bir foydalanuvchi bu o`zi uchun ko`plab hayotiy masalalarni xal qilishda foydalanishi uchun imkoniyatlar mavjud. Ikkinchidan, Microsoft excel imkoniyatlari ilmiy-tadqiqot, ishlab chiqarish, iqtisodiyot, biznes, tijorat va boshqa ko`plab sohalarida qo`llanish va yanada kengroq tatbiq etishga imkon beradi.

**Kalit so’zlar:** Microsoft excel, iqtisodiyot, ПЛТ funksiyasi, ПРПЛТ funksiyasi, ОСПЛТ funksiyasi.

# EXCEL FUNCTIONS OF ECONOMY AND SOLVING ECONOMIC PROBLEMS ON THEM

## ABSTRACT

Observations show that, first of all, the capabilities of this Microsoft excel program are very diverse and rich. Almost every user has the opportunity to use it to solve many vital problems. Second, Microsoft excel capabilities allow it to be used and widely used in research, manufacturing, economics, business, commerce and many other areas.

**Keywords:** Microsoft excel, economics, ПЛТ function, ПРПЛТ function, ОСПЛТ function

## KIRISH

Hozirgi kunda mutaxassislar, guruhlar, yirik ishlab chiqarish korxonalari yoki ta’lim muassasalarining faoliyati ko`p jihatdan ularning qay darajada zaruriy ma`lumot va axborotlar bilan to`la ta`minlanganligiga, hamda ushbu ma`lumotlardan qay darajada samarali foydalana olayotganliklariga bog’liq bo`lib qolmoqda.

Avvalo bir echimga kelishdan, qaror qilishdan oldin ushbu masalaga (sohaga)

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00722

aloqador bo`lgan juda ko`plab ma`lumotlarni to`plash, ularni qayta ishlash va tahlil qilish zarur bo`ladi. Ba`zan bunday ma`lumotlar miqdori shu qadar ko`payib ketadiki, ularni qayta ishlash va tahlil qilishni maxsus texnik tizimlar yordamisiz amalga oshirib bo`lmay qoladi. Bundan tashqari, kundalik hayotda qabul qilish, qayta ishlash zarur bo`lgan axborotlar hajmi nihoyatda ortib borayotganligi sababli, ba`zan ularni guruhlar bo`yicha jamlash, maqsadli tarzda taqsimlash va ishlov berish ko`p vaqtni talab etmoqda.

Bu inson faoliyatining barcha sohalariga intellektual mehnat quroli sifatida axborotlarni tezkorlik bilan yig'ish, qayta ishlash, jarayon, voqea va hodisalarni modellashtirish, ularni tahlil qilish imkonini beruvchi komp'yuterlashtirilgan tizimlar va boshqa axborot texnologiyalari kirib kelishini anglatadi. Ana shunday texnologiyalardan biri – shak shubhasiz Microsoft excel dasturi xisoblanadi. Kuzatishlar shuni ko`rsatmoqdaki, birinchidan, bu Microsoft excel dasturining imkoniyatlari juda ham rang- barang va boy. Deyarli har bir foydalanuvchi bu o`zi uchun ko`plab hayotiy masalalarni xal qilishda foydalanishi uchun imkoniyatlar mavjud. Ikkinchidan, Microsoft excel imkoniyatlari ilmiy-tadqiqot, ishlab chiqarish, iqtisodiyot, biznes, tijorat va boshqa ko`plab sohalarida qo`llanish va yanada kengroq tatbiq etishga imkon beradi.

Shunday bo`lsada, bizning nazarimizda bu dasturdan ko`pincha, xatto buxgalteriya masalalari uchun xam faqat matematik hisob-kitob ishlarida foydalanilmoqda xolos. Microsoft excel dasturining bir qator iqtisodiy masalalarni yechish jarayonini avtomatlashtirishga qaratilgan imkoniyatlari xamda sof iqtisodiy masalalarni xal qilishi mumkinligi nazardan chetda qolmoqda.

Shu sababli, agar ushbu dastur imkoniyatlarini yana bir tadqiq qilish foydalanuvchilar uchun iqtisodiy masalalarni hal qilishda zamonaviy komp'yuterlarning tarkibiy qismi bo`lgan Mirosoft office dasturlar dastasi tarkibiga kirgan Microsoft excel dasturining o`zi etarli ekanligini e`tiborga olish evaziga yangidan-yangi dasturlarni sotib olish va ularning imkoniyatlarini o`rganib, amaliyotga tatbiq etish kabi oqibatlardan saqlashga olib kelishiga yo`l ochadi. Bu esa ortiqcha mablag', vaqt, mehnat kabi resurslarni tejashga imkon beradi. Mocrosoft excel dasturining iqtisodiyot bilan bog'liq funktsiyalarini nazariy va amaliy jihatdan o`rganamiz.

## METODOLOGIYA

### O`zgarmas davriy to`lovlarni hisoblash

**ПЈТ funksiyasi.** Mazkur funksiya fiksirlangan davriy to`lov xamda

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00722

o`zgarmas protsent stavkalari asosida bitta davr uchun to`lovlarni hisoblashga mo`ljallangan. ППЛАТ funksiyasi yordamida hisoblangan to`lovlar o`z ichiga asosiy to`lov xamda protsentlar bo`yicha to`lovlarni oladi.

Funksiya umumiy ko`rinishda quyidagicha yoziladi:

**ПЛТ (stavka, kdavr, nz, bs, tip).**

Bu yerda Stavka — qarz bo`yicha protsent stavkasi;

Kdavr — qarz bo`yicha to`lovlarning umumiy soni;

Nz — joriy vaqtda kelib qoldiq narx yoki joriy vaqtga kelib asosiy summa deb ataladigan kelajakdagi to`lovlar teng bo`lgan summa;

Bs — kelajakdagi narxning talab qilingan qiymati yoki oxirgi to`lovdanr keyin qolgan vositalar. Agar bs – argumenti tushirib qoldirilgan bo`lsa uni nolga teng deb faraz qilinadi.

Tip — 0 yoki 1 soni bo`lib, to`lovni qachon amalga oshirilishini ko`rastadi. ПЛТ funksiyasi quyidagi hisoblash ishlarida qo`llanishi mumkin:

Aytaylik, xar bir hisob davrining boshi yoki oxirida amalga oshirilishi kerak bo`lgan fiksirlangan davriy to`lovlarning kelajakdagi qiymati ma`lum bo`lsin. Ana shu to`lovlar xajmini hisoblash talab qilinadi. Bunga EXCEL da mos keladigan ko`rsatma quyidagicha:

**ПЛТ (norma, kdavr, , bs, tip).**

1. Aytaylik, **nz** miqdordagi qarzni **kdavr** sondagi davrlardan so`ng to`laligicha to`lashni kafolatlash uchun miqdori bo`yicha teng bo`lgan davriy to`lovlar xajmini hisoblash talab qilingan bo`lsin. Bu to`lovlarning xajmi qarzning joriy xolatiga teng bo`ladi. Bu jarayonni EXCEL muhitida quyidagi formula bilan yoziladi:

**ПЛТ (norma, kdavr, nz, , tip).**

Odatda qarzlarni to`lab borish xar bir hisob davrining yakunida amalga oshiriladi. Bu xol uchun formulani quyidagicha yoziladi:

**ПЛТ (norma, kdavr, nz),**

chunki **tip** argumenti **0** ga teng.

Agar qarzni to`la to`lanmasa, u xolda uning kelajakdagi qiymati nolga teng bo`lmaydi, balki qarzning barcha to`lovlardan keyin qolgan qoldiq summasiga teng bo`ladi.

**Misol keltiramiz.** Faraz qilaylik, Xar bir oyning oxirida ma`lum bir summadan jamg’arib, uch yil mobaynida 4000000 so`mni yig’ish talab qilingan bo`lsin. Agar omonat bo`yicha yillik protsent stavkasi 12 % bo`lsa, boshlang’ich omonat miqdori qancha bo`lishi lozim.

**Yechish:**Dastlab protsentlarni qo`shish xamda davr uchun protsent stavkalarini

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00722

e`tiborga olgan xolda protsentlarni qo`shish uchun umumiy davrlar sonini aniqlaymiz. Bu miqdorlar mos ravishda 312 va 12% / 12 (norma argumenti) ga teng. Tip argumenti nolga teng. Oylararo to`lov summasini aniqlaymiz:

ПЛТ(12%/12;12*3;;40000000) = -928 572,39 so'm

**Masala.** Aytaylik, bank 4 yilga yillik 18% protsent stakasi bilan 200 mln so`m qarz (ssuda) bergan bo`lsin. Ssuda yil boshida berilgan. To`lovlar esa yil oxirida bir xil miqdorlar bilan amalga oshiriladi. Ssudaning xar bir yildagi to`lovlari xajmini aniqlang.

**Yechish.** Yillararo to`lovlar xajmiПЛТ(18%;4;-200000000) = 74 347 734,19 сўм

mln so`mni tashkil qiladi.

Eslatma: bank uchun berilayotgan ssuda summasi manfiy miqdor (chiqim), yillararo to`lovlar miqdori esa musbat qiymat (kirim) hisoblanadi.

- **Protsentlar bo`yicha to`lovlarni hisoblash.**

**ПРПЛТ funksiyasi.** ПРПЛТ funksiyasi .o`zgarmas protsentlar stavkasi va o`zgarmas davriy to`lovlar asosida berilgan davr uchun protsentlar stavkasi bo`yicha to`lovlar xajmini hisoblashda qo`llanadi.

ПРПЛТ funksiyasi umumiy ko`rinishda quyidagicha yoziladi:

**ПРПЛТ (norma, давр, kdavr, ts, bs; tip**).

Funksiya quyidagi hisob-kitob ishlarida qo`llash uchun mo`ljallangan.

1. Qarzlarni bir xil miqdorlar bilan to`lab borilganda, o`zgarmas davriy to`lovlar o`z ichiga qarzning to`lanmagan qismi uchun protsentlar stavkasi bo`yicha to`lov summasi xamda qarzdorlikning to`lov summalarini oladi. Qarzdorlikning to`lanmagan qismi to`lovlar natijasida kamayib borgani uchun protsent stavkalari bo`yicha to`lov summalari xam kamayib boradi. Qarzdorlikning to`lov ulushlari esa ortib boradi. Konkret davr uchun protsent stavkalari bo`yicha to`lov summalari xajmini hisoblab topish uchun (agar qarzni to`lab borish xar bir hisob davri yakunida bir xil miqdorlar bilan amalga oshirilsa) quyidagi formuladanfoydalanish lozim:

**ПРПЛТ (norma, давр, квфмк, ts),**

2. Aytaylik, komkret davr uchun o`zgarmas davriy to`lovlar keltirishi mumkin bo`lgan daromad xajmini hisoblash talab qilingan bo`lsin. Bu daromad joriy vaqtga kelib jamg'arilgan vlojeniyalar umumiy miqdoriga (protsentlari bilan birga) teng bo`ladi. Hisoblash ishlari bajariladi:

**ПРПЛТ (norma, davr, kdavr,, bs, tip).**

**Misol.** Uch yilga yillik 10 % protsent bilan berilgan 800 ming so`mlik

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00722

qarzning birinchi oy uchun protsentlar bo`yicha to`lov summasini aniqlang.

**Yechish.** Davrlarning soni xamda davr uchun stavkani hisoblaymiz: norma= 10% / 12, **kdavr** = 12*3.

Hisoblashni birinchi davr uchun amalga oshiramiz:

**ПРПЛТ(10% / 12,1,12*3,800) = -6.667 ming so`m.**

**Masala.** Faraz qilaylik, yillik ajratmalar evaziga 6 yil mobaynida 5000 so`mlik fond shakllangan bo`lsin. Agar yillik foiz 17,5 % ni tashkil qilgan bo`lsa, jamg'arma egasining oxirgi yilda olgan foydasini aniqlaymiz.

**Yechish.** Oxirgi davr uchun daromad quyidagicha hisoblanadi:

**ПРПЛТ(17.5%, 6, 6 , , 5 000) = 664.81 ming so`m.**

Xar bir yil uchun ajratmalar

**ППЛАТ (17.5%, 6 , , 5000) = -536.27 ming so`m**

ni tashkil qiladi. .

**Misol.** "Protsentlar bo`yicha to`lovlar" ni hisoblaymiz.

**Yechish.** Hisoblash ishlarini quyidagi usulda bajaramiz. Birinchi yil uchun protsentlar bo`yicha to`lov 70000*0.17 = 11900 ming so`mni tashkil qiladi. Yil boshidagi qarz summasidan umumiy to`lovlarni ayiramiz va birinchi yilning oxiri, ikkinchi yilning boshiga qarz summasini aniqlaymiz:

70000-31680.16=38319.84.

Shu summa bo`yicha ikkichni yil uchun 17 % foiz summasini topamiz:

50219.84 · 0.17 = 8537.57.

Xuddi shu usul bilan uchinchi yil uchun protsent summasi hisoblanadi:27077.06 · 0.17 = 4603.1.

EXCEL da bu ishlar youyidagicha yoziladi:

**ПРПЛТ(17%, 1, 3, -70000) = 11900 ming so`m.**

**ПРПЛТ(17%, 2, 3, -70000) = 8537.57 mipg so`m .**

**ПРПЛТ(17%, 3, 3, -70000) = 4603.10 ming so`m.**

- **Qarz bo`yicha asosiy to`lovlarni hisoblash.**

**ОСПЛТ funksiyasi.** Bu funksiya xar bir hisob davrining boshi yokioxirida bir miqdorlar bilan to`lanadigan qarzlarning muayyan davrdagi asosiy to`lov miqdorini (qarzdorlik bo`yicha) hisoblash uchun xizmat qiladi.

Funksiya umumiy ko`rinishda quyidagicha yoziladi:

**ОСПЛТ(norma, davr, kdavr, ts, bs, tip).**

**Misol.** ОСПЛТ funksiyasi yordamida "qarz bo`yicha asosiy to`lov" ni hisoblashga xarakat qilamiz.

**Yechish.** Qarz bo`yicha asosiy to`lov (qarzni to`lash) fiksirlangan davriy to`lov

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00722

va qarzning to`lanmagan qismi uchun hisoblangan protsent stavkalari orasidagi farq shaklida hisoblanadi. Masadan, birinchi yil uchun

31680.16-11900 = 19780.16 ming so`m.

Qarz bo`yicha asosiy to`lovlarning xajmi EXCEL muxitida ОСПЛТ funksiyasi yordamida quyidagicha hisoblanadi:

**ОСПЛТ(17%, 1, 3, 70000) = -19 780.16 so`m.**

**ОСПЛТ(17%, 2, 3, 70000) = -23 142.78 so`m.**

**ОСПЛТ(17%, 3, 3, 70000) = -27 077.06 so`m.**

➢ **Protsentlarning effektiv va nominal stavkalarini hisoblash**

ЭФФЕКТ va НОМИНАЛ funksiyalari Protsentlarning effektiv va nominal stavkalarini hisoblash uchun mo`ljallangan. Qimmatbaho qog'ozlarni ishlab chiqishda, yirik mablag'larga shartnromalar tuzishda, ssuda olinganda qarzdorlik shartnomalarida yillik nominal stavkasi xamda to`lovlarini hisoblash muddatlari (yillik. yarim yillik, kvartal yoki oylar bo`yicha) ko`rsatib qo`yiladi.

Nominal protsentlar bo`yicha hisoblash ishlari murakab protsentlar formulasi bo`yicha amalga oshiriladi. Murakkab protsentlar bo`yicha hisoblangan nominal stavka asosida olinadigan daromadni ta`minlashi mumkin bo`lgan yillik stavka - bu effektiv protsent stavkasidir. Natijasiga ko`ra Nominal va effektiv protsent stavkalari moddiy jihatdan ekvivalent hisoblanadi.

**ЭФФЕКТ funksiyasi.** Bu funksiya umumiy ko`rinishda quyidagicha yoziladi:

**ЭФФЕКТ (nominal stavka, davrlar soni )**

**Misol.** 3 yilga olingan va nominal protsent normasi 12 % bo`lgan 1 00 mln so`m qarzni ko`raylik. Faraz qilaylik, olingan qarzning hammasi va uning ustidan hisoblangan barcha foiz to`lovlari shu muddatning oxirida bir vaqtda to`lanishi rejalashtirilgan. Agar hi soblangan protsentlar a) yillik; i) kvartal; s) oylik; g) utsnlik bo`lsa, qanday summa to`lanishi lozim?

**Yechish.** Ushbu masalani bir nechta usullar yordamida xal qilish mumkin. EXCEL muhitida БС funksiyasi nazarda tutilgan bo`lib, u quyidagi tarzda hisob-kitob ishlarini bajarishi mumkin:

a) БС (12%/2; 2*3 ; ; -100) = 1418.52;

b) БС (12%/4; 4*3; ; -100) = 1425.76;

v) БС (12%/12; 12*3 ; ; -1000) = 1430.77;

g) БС (12%/365; 365*3 ; ; 1000) = 1433.24.

Boshqa tomondan, qarzlarning kelajakdagi summasini effektiv protsent stavkasi orqali ham hisoblash ham mumkin. Bu yacheykalar uchun effektiv protsent

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00722

stavkalarini hisoblaymiz:

a) A1 = ЭФФЕКТ(12%; 2) = 0.1236;

b) A2 = ЭФФЕКТ (12%; 4) = 0.1255;

v) A3 = ЭФФЕКТ (12%; 12) = 0.1268;

g) A4 = ЭФФЕКТ (12%; 365) = 0.1275.

B1 yacheykaga qarzning kelajakdagi umumiy bahosini aniqlash uchun quyidagi formulani kiritamiz: A1=БС(A1; 3; ; -1000) va uning nusxalarini B2:B4 yacheykalarga ko`chiriladi. YUqorida keltirilgan a) - g) xolatlar uchun hisoblash natijalari mos ravishda B1:B4 yacheykalarda quyidagicha bo`ladi:

| | A | B |
|---|---|---|
| 1 | = ЭФФЕКТ(12%; 2) | =БС(A1; 3; ; -100( |
| 2 | = ЭФФЕКТ(12%; 4) | =БС(A2; 3; ; -100( |
| 3 | =ЭФФЕКТ(12%; 12) | =БС(A3; 3; ; -100( |
| 4 | =ЭФФЕКТ(12%; 365) | =БС(A4; 3; ; -100( |

Formula

| | A | B |
|---|---|---|
| 1 | 0,1236 | 1 418,52р. |
| 2 | 0,1255 | 1 425,76р. |
| 3 | 0,1268 | 1 430,77р. |
| 4 | 0,1275 | 1 433,24р. |

Hisob

**НОМИНАЛ funksiyasi.** Mazkur funksiyadan yilni tashkil qiluvchi davrlar soni xamda effektiv stavka ma`lum bo`lgan xollarda yillik nominal protsent stavkasini hisoblash uchun qo`llanadi. Bu funksiya umumiy ko`rinishda fuyidagicha tarzda yoziladi:

**НОМИНАЛ (effekt_stavka, davrlar soni**).

**Misol.** Faraz qilaylik, effektiv protsent stavkasi 28 % ni tashkil qilsin xamda protsentlarni xar oyda bir marta hisoblash talab qilingan bo`lsin. Nominal stavkani hisoblaymiz:

**Yechish.** Nominal protsent stavkasi quyidagicha hisoblanadi: НОМИНАЛ(28%; 12) = 0.2494 yoki 24.29%.

## MUHOKAMA VA NATIJALAR

### ➢ Joriy baholarni aniqlash

Ko`plab masalalarda kelajakda kutilayotgan daromad va xarajatlarning joriy (xozirgi vaqtdagi) qiymatini aniqlashga to`g’ri keladi.Bu tushuncha xozirgi vaqtda olingan qarz summasining kelajakdagi qaytarilishi lozim bo`lgan summadan katta bo`lib qolishi mumkinligi bilan bog’lanadi. Pullarning vaqt bo`yicha narxi kontseptsiyasiga ko`ra, bitta vaqtga mansub bo`lmagan daromad va xarajatlarni birxil davrga keltirish (diskontirlash usuli bilan) kerak bo`ladi. Joriy narx kelajakdagi

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00722

daromad va xarajatlarni boshlang'ich vaqt davriga keltirish natijasida olinadi.EXCEL muhitida quyidagi masalalarni xal qilishga mo`ljallangan bir qator funksiyalar nazarda tutilgan:

ПС funksiyasi yordamida hisoblashda amaliyot orasidagi intervallarning bir xil bo`lishi xamda pul oqimlarining xam teng bo`lishi talab qilinadi. eng umumiy bo`lgan hisobni ЧИСТНЗ funksiyasi orqali amalga oshirish mumkin. U muntazam bo`lmagan xamda o`zgaruvchan miqdordagi pul oqimlari uchun sof joriy bahoni aniqlashga xizmat qiladi.

**ПС funksiyasi.** Bu funksiya omonat summasi (qarz, ssuda) va fiksirlangan davriy to`lovlarni hisobga olgan xolda joriy bahosini aniqlash uchun mo`ljallangan. Ushbu hisob ishlari BS funksiyasi yordamida kelajakdagi bahoni aniqlash amaliga teskari hisoblanadi. Funksiya umumiy xolda quyidagicha ko`rinishda yoziladi:

ПС(stavka; kdavr; ПЛТ; bs; tip)

Stavka — davr uchun protsent stavkasi. Masalan, agar avtomobil uchun

yillik 10% bilan ssuda olingan va to`lovlar xar oyda amalga oshirilsa, u xolda xar oyga protsent stavkasi bir oyga 10%/12 yoki 0,83% ni tashkil qiladi. SHuninn uchun argument sifatida formulaga yoki 10%/12 yoki 0,83% yoki 0,0083 ni kiritish lozim.

Kdavr — annuitet bo`yicha davrlarning umumiy soni. Masalan, agar ssuda 4 yilga olingan va xar oyda to`lovlar amalga oshirilayotgan bo`lsa, u xolda Kdavr 4*12 (yoki 48) ta teng bo`ladi.

ПЛТ — butun muddat davomida o`zgarmaydigan va xar bir davrda amalga oshiriladigan to`lov summasi. Odatda bu to`lovlar asosiy va protsentlar bo`yicha to`lovlarni o`z ichiga oladi xamda boshqa turdagi to`lovlarni xam inkor qilmasligi mumkin. Masalan, to`rt yillik sstsda yuzasidan oylik to`lovlar 10000 so`m, yillik 12% esa 263,33 so`mni tashkil qilsin. Formulaga argument sifatida -263,33 so`m kiritiladi.

.

Bs — kelajakdagi bahoning talab qilingan qiymati yoki oxirgi to`lovdan keyin qolgan qarz miqdorini anglatadi. Agar argument tushirib qoldirilgan bo`lsa, u 0 ga teng, Masalan, agar maxsus loyixani 18 yil davomida to`lash uchun 50000 so`m jamg'arish talab qilingan bo`lsa, ana shuning o`zi kelajakdagi baho hisoblanadi. Protsent stavkasi saqlanadigan bo`lsa, xar oyda qanchadan mablag'ni jamg'arib borish kerakligini aniqlash mumkin.

Tip — 0 yoki 1 bo`lib, to`lovni qachon amalga oshirish lozimligini ko`rsatadi.

Mazkur funksiya quyidaogi xollarda foydali bo`lishi mumkin:

1. Aytaylik, omonatning kelajakdagi (orttirilgan) bahosi ma`lum bo`lsin.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00722

Ushbu omonatning joriy bahosini aniqlash talab qilinadi. Bu summani shu kuni omonatga qo`yish zarur bo`ladi.

2. Faraz qilaylik, xar bir hisob kelajakdagi davriy muntazam to`lovlar davrining oxiri yoki boshida amalga oshiriladigan bo`lsa, ularning joriy vaqtdagi bahosini aniqlash talab qilingan bo`lsin. Vaqtbay baho kontseptsiyasiga ko`ra, kelajakdagi xarajat yoki daromadlar joriy vaqtdan qancha uzoq bo`lsa, ularning joriy bahosi shunchalik past bo`ladi.

**Misol.** Firmaga 12 yildan keyin 500 mln so`m zarur bo`ladi. Xozirgi vaqtda firmada ma`lum bir mablag' mavjud va depozit omonatiga qo`yib, 12 yildan keyin summaning 5000 ming so`mga chiqishini xoxlaydi. Agar yillik foiz 12 % ni tashkil qilsa, boshlang'ich omonat summasini aniqlash talab qilinadi.

**Yechish**. **ПС(12%, 12,, 500)=-1283.38 mln so`m.**

Natijaning manfiyligi bu summani omonatga qo`yilishini anglatadi.

**Misol**. Faraz qilaylik, uyni ikki variantdan biri yordamida sotib olish rejalashtirilgan: birdaniga 99 million so`mni to`lash yoki 15 yil mobaynida xar oyda 940 ming so`mdan 15 yil mobaynida to`lash xam mumkin. Agar yillik protsent stavkasi 8 % bo`lsa, qaysi variantning afzalligini aniqlash talab qilinadi.

**Yechish**. Hisoblash ishlarini ПС funksiyasi yordamida quyidagicha amalga oshiriladi:

**ПС(8%/12, 1512, -940)=98362.16 ming so`m.**

Demak, so`ralayotgan 99 mln so`m pul kutilayotgan summadan katta ekan va shu sababli bir vaqtda to`lovni amalga oshirish iqtisodiy jahatdan noto`g'ri bo`lar ekan.

## XULOSA

Microsoft office dasturlar paketi tarkibiga kirgan Microsoft excel dasturi yordamida iqtisodiy masalalarni hal qilish yo'l-yo'riqlarini o'rganish hamda qtisodiy funksiyalarni nazariy va amaliy tomonlarini tahlil qilishga bag'ishlangan.

Bizning olib brogan kuzatishlarimiz Microsoft excel dasturidan odatda faqat bug'alteriya bilan bog'liq jadvalli ma'lumotlarni qayta ishlashda qo'llanmoqda holos. Vaholangki, ushbu dastur bir qator ilmiy masalalarni hal qilishga, bank amaliyotida tez-tez qo'llanadigan masalalarga ham tatbiq etilishi mumkin.

Microsoft excel tarkibiga kirgan bir qator funksiyalar banklarning oddiy mijozlariga bugungi kunda jamiyatda keng tarqalib borayotgan kredit olish, omonatga jamg'armalarni qo'yish kabi masalalarda qarorlar qabul qilishda yordam berishi mumkin.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00722

## REFERENCES

1. Ayupov R.X. Excel jadval hisoblagichida iqtisodiy va moliyaviy masalalarni yechish.Toshkent 2012.-148 bet
2. Юрченко Т.В. Информационные технологии в экономике. Решение экономических задач средствами MS EXCEL 2007 - Н.Новгород: ННГАСУ, 2010. – 132 с.
3. Уокенбах Джон. Microsoft Excel: Библия пользователя. –М.: ООД «Вильямс», 2011. -912 с.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00723

# MAKTABGACHA TA'LIM YOSHIDAGI BOLALARNI TARBIYALASHDA MARIYA MONTESSORI METODIKASIDAN FOYDALANISH

**Nazokat Boboqulova**
Termiz davlat universiteti

## ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada Mariya Montessori metodikasidan foydalanish haqida so`z boradi. Ta’limning insonparvarlashuvi va inson qobiliyatlarining ochilishi hamda uning ta’limga nisbatan bo’lgan turli –tuman ehtiyojlari qondirilishi, milliy umumbashariy qadriyatlar ustuvorligining ta’minlanishi, inson jamiyat va atrof muhit o’zaro munosabatlarining uyg’unlashuvidir. Shu bois bugungi kunda maktabgacha ta’lim pedagogikasini rivojlantirish maqsadida bir qancha ilg’or usullar tatbiq etib kelinmoqda. Shulardan biri Mariya Montessori texnologiyasidir. Bu mohiyatan hayotdan o’zlashtirilgan “tabiiy” usul bo’lib, bola tarbiyasida o’zining har tomonlama mukammaligi bilan ommalashgan. “Bizning bolalarga bo’lgan munosabatimizni o’ylar ekanman –deydi.

**Kalit so`zlar**: bola, ong, individ, mashq, metodika

# USE OF MARIA MONTESSOR METHODOLOGY IN EDUCATION OF PRESCHOOL CHILDREN

## ABSTRACT

This article discusses the use of the Maria Montessori method. The humanization of education and the discovery of human potential and the satisfaction of its diverse needs in education, the priority of national values, the harmonization of human society and the environment. Therefore, today a number of advanced methods are used to develop the pedagogy of preschool education. One of these is Maria Montessori technology. It is essentially a "natural" way of life and is known for its perfection in child rearing. "I think about the way we treat children," he said.

**Keywords:** child, mind, individual, exercise, methodology

## KIRISH

Montessori biz ularda tug’ilajak aqliy tuyg’ularini ehtiyojkorlik bilan rivojlantiruvchi hamda mashq qilidiruvchi omil hisoblanamiz”. Demak biz bolalarni rivojlantiriuvchi asosiy omil ekanmiz, inson uchun nima muhim biz ularga nisbatan qanday munosabatda bo’lishimiz kerak? – degan savolga javob izlashimiz zarur. Eng

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00723

avvalo bola bizning shaxsiy mulkimiz degan fikrdan qutilishimiz kerak. U nafaqat o'z oilasining a'zosi balki jamiyatning bir bo'lagi ekaniga ko'nikishimiz zarur. Bundan tashqari bola boshqalarga tegishli bo'lgan yagona insoniy hilqat hisoblanishini ochiq tan olishimiz juda muhim.

## ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Kichik yoshdagi bolalarning aqliy rivojlanishi (Montessori metodikasi bo'yicha) Agar biz bugungi kunda «Zamonaviy maktablarda o'quvchilarning intellektual rivojlanish darajasi qay ahvolda?» degan savolni bersak, Montessori bizning savolimizga shunday javob berar edi: «Maktab o'qituvchisi o'quvchi intellektining quruvchisi hisolanadi. O'quvchi o'qituvchi imkon bergan darajada shakllanadi. O'qituvchi nimaniki bergan bo'lsa, o'shani biladi. O'qituvchi nimani tushuntirgan bo'lsa, o'quvchi undan ko'p ham, kam ham narsani tushunmaydi. O'quvchilarning muvaffaqiyatlarini maqtashganda bu maqtovlar bevosita o'qituvchiga ham tegishlidir. Sinfning yutug'i — uning muvaffaqiyatidir. Uning mahorati shundaki, o'quvchilarga yetkazishni zarur deb bilgan darsini bolalarning diqqat bilan tinglashlaridir». Aytilgan bu so'zlar ayni haqiqat. Xo'sh, bular boshlang'ich maktabga tegishlimi yoki bolalar bog'chasiga aloqador? O'qituvchi, tarbiyachi, xullas, bolalarni tarbiyalovchilarning barchasi ta'lim-tarbiya jarayonida faoliyat yurituvchi asosiy shaxs hisoblanadilar. Shuningdek, ularning ruhiy rivojlanishida ham cheksiz quvvat manbai hisoblanadi. Bolalarga faqatgina kattalar tomonidan yoki o'z xohishi bilan yoxud belgilangan dasturga ko'ra taqdim etiladigan «taomni» qabul qilishgina qoladi, xolos. Va shu o'rinda «erkinlik», «erkin tarbiya» deb ataluvchi tushunchani yuzaga keltiradi. «Erkinlik» masalasi qancha ko'p muhokama qilinmasin, bola baribir qaram bo'lib qolmoqda. Hattoki unga yuqori darajada e'tibor ko'rsatilganda ham u erkin emas, balki «qarovsiz»dir. Ya'ni, uning intellekti qarovsiz, «yoqimsiz taomni tanovvul» qilishga majbur. Natijada rivojlanish uchun keng erkinlik beruvchi hissiyotlarga bo'ysunadi. Faqatgina shunchaki harakatlanadigan bola erkin hisoblanmaydi. Balki o'z harakatlarida aniq o'ylangan maqsadga ega bo'lgandagina muayyan tashkil etilgan sharoitda o'z shaxsini rivojlantirishga va shakllantirishga qodir. Shaxsiy rivojlanishi uchun uning o'zi mustaqil ish tanlay oladi.

## MUHOKAMA VA NATIJALAR

Biror bir ishga uzoq vaqt davomida o'z intilishi bilan katta intellektual, maqsad bilan sho'ng'ib ketadi. Fikrni jamlab predmetlarni (sensor materiallarda) tanlash

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00723

imkoniyatini, muhokamasi va tuzatish imkoniyatini qo'lga kiritadi. O'z salohiyatini yuzaga chiqarib, uni yuksaltirish uchun turtki bera oladigan bolagina erkin hisoblanadi. Bolani shaxsiy intellekt maktabiga joylash bilan biz uning turini muqarrar o'zgartiramiz; «bolalik psixologiyasi» nomida izohlanuvchi bola haqidagi barcha tasavvurlar, agar bolalarni Montessori sharoitida uzoq vaqt kuzatadigan bo'lsak, sezilarli darajada ba'zi bir munosabatlarda tamomila o'zini oqlamaydi. Uch yoshga yaqin yosh bola birinchi bor bolalar bog'chasiga kelganda unga xuddi hamma narsani yozish mumkin bo'lgan «oppoq qog'oz» degan tasavvur bilan emas, aksincha, tashqi olam ta'sirida to'plangan tartibsiz taassurotlarga ega, deb yondoshishimiz zarur. «Uch yoshli bola kechinmalarida turli chalkashliklardan iborat og'ir bo'shliq mavjud bo'ladi», deydi Montessori. Aksariyat hollarda oxiri uyqu bilan tugaydigan sababsiz injiqliklar va yig'i, uning ustiga yopiriladigan tashqi olamdan olingan hisobsiz taassurotlar hisobiga yuzaga keladi. Hyech kim xayoliga ham keltirmaydiki, sayr bola uchun mehnat hisoblanadi. Ayniqsa, hali uning sezgilari layoqatli bo'lmagani holda ko'rish va eshitish orqali xatolarini to'xtovsiz to'g'rilab boradi. Narsalarni kuzatib ko'zi bilan aniq baholay olmasligi uni o'ta toliqtiradi. o'z yoshligini eslay oladiganlarning hammasi buni tasdiqlashi, yosh bolalarni kuzatuvchi har bir e'tiborli odam buni har qadamda ko'rishi mumkin. Biz bolaga bu og'ir holatdan chiqib olishga yordam berishimiz kerak, unga dunyoni chalkashlik sifatida emas, balki tabiatan nihoyatda intiluvchanligini hisobga olgan holda, tabiatning qat'iy tartibda ekanini anglashga imkon berishimiz lozim. Bunga yaqinlashish uchun esa bola atrofdan tabiat qoidalari asosida boshlanuvchi uning ichki uyushqoqligi bilan to'g'ridan-to'g'ri aloqador bo'lgan nimadir topishi kerak. Aytaylik, xuddi hasharotdek to'g'ridan-to'g'ri o'z shakl va mohiyatidan kelib chiqib, ranglarning shakli va sifatini topish kerak bo'ladi. Boshqacha aytganda, biz bola uchun aniq belgilangan sharoit yaratib berishimiz va unga intellektual mustaqil mashqlar uchun zarur tashqi vositalarni berishimiz kerak. Bu vositalar tasodifiy yoki o'qituvchi xohishi bilan tanlangan bo'lmasligi kerak. Balki bola uchun aqliy rivojlanishda mustaqil mashqlar obyekti bo'lib xizmat qiluvchi, Montessorining sezgi a'zolarini tarbiyalashga qaratilgan didaktik materallari bo'lishi, tajriba orttirilishi natijasida sekin-asta taqdim etishi kerak. Dastlab intellektning rivojlanishi uchun faktlarning to'planishi va ularning farqlanishi zarur bo'ladi. Bolaga bu asosda o'z intellektini oshirishga ko'maklashish faqatgina mashqlarda «o'zini-o'zi boshqarish» bilan amalga oshiriladi.^«Boshqa bir odam bizning o'rnimizga mashq qilib, bizga mahorat orttirish imkonini berishi aqlga sig'maydigan holatdir», deydi Montessori. Sensor materiallardagi sezgiga doir mashg'ulotlar bolalarga ajratish va tavsiflash

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00723

(klassifikasiyalash) imkonini beradi. Hozirgi kunda ba'zi narsa-buyumlarni ularning sifatidan bo'lak boshqa belgilariga qarab ajratish imkoniyati mavjud emas. Montessorining sensor materiallari ham narsa-buyumlar sifatini: o'lchami, shakli, rangi, yuzaning silliqligi va g'adir-budurligi, og'irligi, harorati, hidi, shovqin, ovozini tahlil qiladi va ko'rsatib beradi. Predmetlarning sifatigina bir-biridan farqlanadi, ularning o'zi emas, chunki bu sifatlar predmetning belgisini bildiradi. Misol uchun Montessori materiallaridagi ixtiyoriy predmetni olaylik, u favqulodda oddiy, bola diqqatini o'zida jamlovchi sifatlarga ega. Unda bolaning e'tiborini tortuvchi sifatlar mavjud bo'lib, uni qiynab qo'yuvchi barcha ortiqcha belgilar olib tashlangan. Masalan, balandlik va hajmni farqlash imkonini berish uchun bolaga shunchaki hajman har xil bo'lmagan silindir, kub va prizmalar berish kerak. Qo'ziqorin, tuxum yoki jo'jaxo'roz va shunga o'xshash narsalar berilmaydi. Shaklni farqlash uchun tekis geometrik shakl va jismlardan foydalaniladi. Uychalar, gullar va olmalar bu tarkibga kirmaydi. Rangni farqlashda esa qo'g'irchoq, gul yoki qo'lda yasalgan o'yinchoqlar emas, balki oddiy rangli shoyi qirqimlari kifoya. Ranglar tartibini anglatuvchi yo'nalishda joylashgan bu predmetlar ranglarning sifatiga qarab ham ajratiladi. Bola mashq qilar ekan, bu sifatlarni farqlab beradi: endilikda u predmetlarning ko'proq yoki kamroq, baland va past, yo'g'on va ingichka, ko'p va kam bo'lishi mumkinligini farqlaydi. Ranglar bo'yalganlik darajasiga qarab turlicha bo'lishini, tovushlar turlicha jarangdorlikda, shakllar bir-biriga o'xshashligi jihatidan turli darajada bo'lishini anglab yetadi. Bola material predmetlarini juftlash va qo'yish bilan sifatlar ayniyatini o'rnatish holatida bo'ladi. Masalan, bola geometrik shaklni kartonga qo'yish, ularni yacheykaga yasoylash, ikkita rangli jadvalni yonma-yon qo'yishni bajaradi. Shuningdek, ikkita kub, prizma yoki tayoqni qo'yadi. Keyinchalik esa individual darslar yoki o'z shaxsiy xulosalariga tayanib, bola sifatlar tafovutini aniqlaydi: uzun-kalta, yorqin-xira, katta-kichik va boshqalar. Va nihoyat, qachonki rangli katakchalar, prizma, tayoq, silindr geometrik shakllar kabi predmetlar turlari bo'yicha ketma-ket joylashganda sifatlar darajasini farqlashni boshlaydi. Biz har doim bolalarimizdan quyidagi iboralarni eshitamiz: «bu xuddi o'zi», «u bungao'xshaydi», «judayam o'xshash», «sal-pal o'xshash», «ko'proq», «semizroq», «kengroq», «buxiraroq», «bu rangliroq», «bu baland, bunisi pastroq» va shu kabi. Uning o'ziga ma'lum bo'lmagan, ammo ongda yashirin yotgan va unda zarurat tug'ilgandagina yuzaga chiquvchi aniq so'zlarni ishlatishni boshlaydi. Sifati bo'yicha farqlanuvchi narsa va buyumlar ma'lum tartib asosida guruhlarga taqsimlanadi. Bunday vaziyatda tevarak-olam bola uchun chalkash tuyulmaydi.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00723

## XULOSA

Har bitta predmet o’z o’rnida va darajasida bo’ladi. Bola o’zlashtirgan har bir bilim faqatgina «tasavvuriy» bo’lmay, balki «aniq» faktlar asosida egallanadi. Shu taxlitda bola ongida mustahkam va muntazam boyib boruvchi dastlabki tartib o’rnatiladi. Yosh bolaning kelajakda aqliy rivojlanishi asosan dastlabki ichki tartibning o’rnatilishiga bog’liq. Montessori bu o’sishni homila rivojlanishi bilan taqqoslaydi: homilaning o’sishi emas, balki uning tartib bilan rivojlanishi muhimdir. Bu tartibning ahamiyati shundaki, u to’g’ri rivojyaganishni kafolatlaydi. Hamda yashash imkoniyati hisoblanadi. Homila butunlay ulg’aygan, lekin ichki organlari nomutanosib bo’lsa, u hayotga layoqatsiz bo’ladi.

## REFERENCES

1. «Bolalar bog`chalari uchun dasturlar» T.:1992y
2. “Barkamol avlod yili” davlat dasturi to'g'risida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori . O'zbekiston ovozi 28.01.2010 y
3. «Bolalar bog`chasida tarbiyachi programmasiga oid metodik ko`rsatmalar»T.: 1967y
4. Godina G.N. «Maktabgacha kichik yoshdagi bolarga ta'lim tarbiya berish T.: 1989y
5. Daminova M., Adambyekova T. «O`yin mashg`ulotlari» T.: «O`qituvchi» 1993y
6. Logipova V.I. «Maktabgacha tarbiya pedagogikasi» T.: «O`qiuvchi» 1992y
7. Yusupova G. «Maktabgacha tarbiya pedagogikasi». T «O`qituvchi» 1993
8. Fausyek Yu.U. Motessori bolalar bog`chasi. T.: «Yangi asr avlodi» 2007y
9. Yusuf xos Xojib. «Qutadg`u bilig» T.: «Yulduzcha» 1989y

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00724

# BO'LAJAK TARBIYACHILARNI BOLALARDA DIDAKTIK O'YINLAR VOSITASIDA KREATIV QOBILIYATLARINI SHAKLLANTIRISHGA TAYYORLASH TEXNOLOGIYALARI

**Aziza Bobokeldiyeva**
Termiz davlat universiteti

## ANNOTATSIYA

Ta’lim muassasalarida ta’lim –tarbiya jarayoni tashkil etishi shaxs –bu tarbiyasi. Aytish mumkinki, tarbiyachi (ustoz -muallim) bu maxsus tayyorgarlikni o’tagan va pedagogik faoliyat mutaxassis sifatida shug’ullanmayotgandir kishidir. Bu o’rinda mutaxassis so’ziga e’tibor qaratish zarur. Nomutaxassis sifatida pedagogik faoliyat bilan barcha shug’ullanmoqda, bu yerda faqat tarbiyachigina pedagogik faoliyatni qachon va qanday badarishni biladi. Pedagogik qonuniyatlarga muvofiq harakatlana oladi. Kabiy burchining bajarilish sifatiga belgilangan tartibda javobgarlikni his etadi.

**Kalit so`zlar**: bola, ong, individ, mashq, metodika

# TECHNOLOGIES OF PREPARING FUTURE TEACHERS FOR THE FORMATION OF CREATIVE ABILITIES IN CHILDREN THROUGH DIDACTIC GAMES

## ABSTRACT

The organization of the educational process in educational institutions is the education of the individual. It can be said that an educator (teacher) is a person who has undergone special training and is not engaged in pedagogical activity as a specialist. It is important to pay attention to the words of the expert. As a non-specialist, everyone is engaged in pedagogical activity, where only the educator knows when and how to carry out pedagogical activity. Can act in accordance with pedagogical laws. Kabi feels responsible for the quality of performance of the duty in the prescribed manner.

**Keywords:** child, mind, individual, exercise, methodology

## KIRISH

Tarbiyachi o’rnida turgan kishi barchasi uchun javobgar: u zukko va o’quvli u bilimli va ilmli. Har bir tarbiyachining kelajagiga o’sib kelayotgan avlodning jamiyat

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00724

va davlatning taqdiriga javobgarlik hissi tarbiyachi unvonining tafsifini belgalydi. Tarbiyachining bugungi kim mehnati natijasi qanday bo'lsa ertaga jamiyat aynan. Shunday bo'ldiyu bunchalik katta ma'suliyat yukdangan faoliyat, turini har bir kishining va butun xalqning taqdirini hal etuvchi boshqa faoliyat turini tassavur etish murakkab jumboq, tarbiyachilik mehnati inson bajarayotgan eng murakkab mehnatlar sirasiga kiradi. Bu mehnatning murakkabligi nimada? Ular bu faoliyatning yuzaki tomonlariga tavsif beradilar xalos. Agar savolni quyidagicha qo'ysak – ko'pgina narsa o'z –o'zidan ayon bo'ladi. Savol esa qo'yidagicha: tarbiyachi boshqa odamlardan tarbiyachi emaslardan nimasi bilan farq qiladi. Faqat pedagogika oliy o'quv yurtini tugatganligi to'g'risidagi diplomi belgilanami? Sinfda muhandisni taklif qilamiz. U bolalarlarga o'zining fanini tushuntirishni boshlaydi.

## METODOLOGIYA

Har qanday soha xodimi ham unday qiladi. Aniqrog'i bunday tarbiyachi o'zining tarbiyachi bajargan narsalarni takrorladi tushuntiradi. Mashqlar bajaradi. Doskaga chiqaradi. Baholar qo'yadi va boshqalar. Bir qaraganda pedagogik jarayon amalga oshirmoqda. Faqat bu bir qaraganda va shunday tuyulmoqda xalos haqiqiy tarbiyachi mehnatidan u tubdan farq qiladi obrazli qilib aytganda bolalarning maktab –makab o'yini maktabning o'zidan farq qilqonidek. Tarbiyachi qanday bajarishni biladi. Bu har doim birinchi darajasidir. Ko'nikma esa fanni bilishdan muhimroq.

## MUHOKAMA VA NATIJALAR

Matematikani albatta har qanday matematikani biluvchi kishi o'rgatishi mumkin. Hayotda esa ko'pgina matematika bilimdonlari ham yaxshi tarbiyachi bo'la olmagan. Pedagogik vazifa –kasbiy bilim va malakalarni qo'llashga yo'naltirilgan faoliyat turidir. Albatta pedagogik bolalarlarni o'qitish o'rgatish tarbiyalash rivojlantirish va shakllantirishga yo'lantirilgandir. Bu vazifalarni badarishda tarbiyachi ko'plab aniq harakatlarni amalga oshirish zarur bo'ladi. Bularning barchasi ham tashqaridan qaraganda ko'rga ashlanavermaydi yoki boshqacha qilib aytganda – boshqa soha egalari bularning barchasini anglayvermaydi. Mavjud manbalarga tayanib pedagogik faoliyat sosida nima tashkil etishni aniqlashimiz mumkin. Shunday qilib tarbiyachining asosiy vazifasi ta'lim –tarbiya rivojlantirish va shakllantirish mumkin. Shunday qilib tarbiyachilik asosiy vazifasi –ta'lim –tarbiya rivojlanish va shakllanish jarayonini boshqarishdir. Tarbiyachi bolalarni o'qitish ems o'qishga boshqarib turishi tarbiyalash emas tarbiya jarayoniga rahbarlik qilish uchun yaratilgan. Bu vazifani u qanchalik chuqur anglab etsa u o'z bolalariga shunchalik

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00724

erkinlik tashabbuskorlik, mustaqil fikrlash uchun sharoit yaratib bergan bo'ladi. Tarbiyachilik qobiliyatini haqiqatdan ham yuqori darajada egallagan tarbiyachi ta'lim –tarbiya jarayonini go'yo chetdan kuzatib turgandek ko'rinadi aslida esa u bu jarayonni boshqarib beradi. Buyuk grek faylasufi Suqrot o'sha davrlardayoq mutaxassis tarbiyachilarni "fikr akusherlari" deb nomlagan edi. Tayyor haqiqatni e'lon qilish emas balki bolalar ongida yangi fikr tug'ilishini ta'minlash zarur. So'nggi nashrdan chiqqan pedagogik lo'g'at va boshqa manbalarda "menejment" atamasi uchramoqda, bu so'z ingliz tilidan olingan bo'lib jarayonini boshqarish san'ati ma'nosini anglatadi. Rivojlangan xoridiy davlatlarda tarbiyachi bajarayotgan barcha ishlarni o'zini esa munejer deb atashmoqda. Bular esa tarbiyachi mehnati mazmunini o'zgartirmaydi. Tarbiyaning haqiqatda bajaradigan ishlarini tarbiyachi mehnatining o'ziga xos xususiyatlarini anglash uchun olimlar tomonidan o'nglab modellar ishlab chiqilgan va amaliyotga tadbiq etilgan. Olib borilgan tadqiqotlarning ko'rsatishicha tarbiyachi ta'lim jarayonini qanchalik chuqur oqilona bilimli boshqarsa shunchalik xato kam va shunchalik katta natijalarga erishish mumkin.

Ta'lim –tarbiya jarayonini boshqarishdagi pedagogning birinchi vazifasi – maqsadni belgilanganlikdir. Maqsad esa pedagogik faoliyatda tayanch omildir u tarbiyachi va bolalarning umumiy mehnatini m'lum yo'nalishga boshqarib boradi. Bu esa o'z o'rnida kutilgan natijaga etaklaydi. Boshqarish jarayonining mohiyati ana shundan iboratki pedagogik jarayon ishtirokchilari harakatlarini muvofiqlashtirib turadi. Ta'lim jarayonini boshqarish avvalombor bolalar bilimiga asoslanadi, tarbiyachilarning tayyorlanganlik darajasi, imkoniyatlari tarbiyalanganliklari rivojlanliklari kabilar. Bunga bolalarning jismoniy va ruhiy rivojlanganliklari aqliy va axaloqiy shakllanganlik darajalari sinf sharoiti va oila tarbiyasi va boshqa shu kabilar kiradi. Bularni ya'ni bu vazifalar tashxis qo'yish metodi orqali amalga oshiriladi. Bularni o'rganmasdan bilmasdan tarbiya maqsadlarini unga erishish, usullarini amalga oshirib bo'lmaydi. Insonni har tomonlama tarbiyalash uchun pedagogika insonni barcha munosabatlarida bilish lozim. Mana nima uchun tarbiyachi pedagog vaziyatlarni oldindan bashorat qilish metodlarini yuqori darajada egallagan bo'lishi zarur. Tashxis metodi bilan oldindan bashorat (prognasis) qilish metodi uzviy qilish metodi bilan uzviy bog'liqdir. (Prognasis –grekcha so'z bo'lib "oldindan ko'ra bilish" ma'nosini anglatadi). Bu metodning mohiyati shundan iboratki, tarbiyachi va faoliyatining natijasini avvaldan ko'ra bilishi zarur va u shu bashoratga tayanib faoliyat yo'nalishlarini aniqlaydi, pedagogik samara imkoniyatlarini baholaydi. Oldindan ko'ra olmaydigan pedagog ko'zlangan maqsadga erishishda ko'p qiyinchiliklarga, muammolarga duch keladi. Tashxis natijalarga erishib samarali

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00724

bosharotga tayanib haqiqiy pedagog ta'lim-tarbiya faoliyati loyixasini tuzishga kirishadi. Tarbiyachining loyixalashtirish vazifasi mohiyati shundan iboratki, rejalashtirilayotgan faoliyat modelini yoratadi, rejani amalga oshirish usul va vositalarini tanlaydi. Maqsadga erishish bosqichlarini aniqlaydi, erishilgan natijalarni baholash shakl va turlarini tuzadi. Keyingi amalga oshirish bosqichia tarbiyachi ma'lumot beruvchi, tashkil etuvchi, baholovchi va tuzatiuvchi vazifasini amalga oshiradi.

Tarbiyachining tashkilotchilik qobiliyati tarbiyachilarning belgilangan maqsad sari intilishini uyushtirishda va ular bilan hamkorlik qilishda namoyon bo'ladi. Hamokrlik qilish va bugungi ta'lim sharoitida mehnati tashkil etishning oqilona yo'lidir. Tarbiyachining ma'lumot berish vazifasi mohiyati shundan iboratki, tarbiyachi ta'lim oluvchilar uchun asosiy ma'lumot manbai hisoblanadi. Baholovchi, nazorat qiluvchi va tuzatuvchi kabi tarbiyachining vazifalari bir –biriga yaqin bo'lib (ko'p hollarda bir butun bo'lib) tarbiyachilar harakatini muvofiqlashtirib, ta'lim – tarbiya jarayonini rivojlantirish, ilhomlashtirish va bu jarayonga ma'lum o'zgartirishlar kiritib berishni ta'minlaydi. Tajriba tarbiyachilarga shu narsa ma'ulmki, majburlash va aqliy mehnatga zo'raki undash muvoffaqiyatga olib bormaydi. Buning o'rniga ko'pgina ma'lumotga ega tarbiyachilar bilan ishlashda aqliy faoliyatga mustaqil sho'ng'ib ketishni ta'minlovchi rag'bbat usullarini ishlab chiqish zarur.

## XULOSA

Ta'lim jarayonini nazorat qilish va baholashda nafaqat tarbiyachilarning erishgan muvaffaqiyatlarini aniqlash mumkin balki o'zlashtirmaslik sabablari, dars qoldirish sabablari ayon bo'lib qoladi. To'plagan ma'ulmotlar jarayon oqimiga tuzatishlar kiritish boshqa "turtki" beruvchi vositalaridan foydalanish samaralarining usullarni qo'llash imkonini beradi. Va nihoyat tarbiyachi har qanday pedagogik loyihaning yakunlovchi bosqichida an'anaviy vazifani bajaradi, ya'ni yakunlagan ishni taxlil qiladi, qanday natijaga erishildi nima uchun blegilangan maqsadga to'liq erishilmadi, buning sababi nimada keyngi ishlarda qanday qilib bulardan holi bo'lish mumkin va hakozo. Tarbiyachi tomonidan bajaraladigan vazifalarning ko'pligi uning kasbida boshqa ko'plab boshqa mutaxassisliklar elementlaridan foydalanishni taqozo etadi, aktiyorlik, rejisyorlik menedjerlik, tadqiqotchilik kabi.

## REFERENCES

1.«Bolalar bog`chalari uchun dasturlar» T.:1992y

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00724

2.“Barkamol avlod yili” davlat dasturi to'g'risida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori . O'zbekiston ovozi 28.01.2010 y
3.«Bolalar bog`chasida tarbiyachi programmasiga oid metodik ko`rsatmalar»T.: 1967y
4. Godina G.N. «Maktabgacha kichik yoshdagi bolarga ta'lim tarbiya berish T.: 1989y
5.Daminova M., Adambyekova T. «O`yin mashg`ulotlari» T.: «O`qituvchi» 1993y
6.Logipova V.I. «Maktabgacha tarbiya pedagogikasi» T.: «O`qiuvchi» 1992y
7.Yusupova G. «Maktabgacha tarbiya pedagogikasi». T «O`qituvchi» 1993
8.Fausyek Yu.U. Motessori bolalar bog`chasi. T.: «Yangi asr avlodi» 2007y
9.Yusuf xos Xojib. «Qutadg`u bilig» T.: «Yulduzcha» 1989y

ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 4 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00725

# O'ZBEKISTONDA LOGISTIKA VA TRANSPORT INFRATUZILMALARINI RIVOJLANTIRISH YO'NALISHLARI

**Bibijon Karimovna Karrieva**
Toshkent davlat texnika universiteti katta o'qituvchisi

## ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada mamlakatimizda logistika va transport infratuzilmalarini rivojlantirish yo'nalishlarini yangicha ma'lumotlar bilan tanishtirib chiqilgan. Logistikani, transport infrotuzilmalarini rivojlantirish va xalqaro aloqalarini mustaxkamlash uchun bir qator ko'rsatmalar berilgan.

**Kalit so'zlar:** logistika**,** transport infratuzilmalari, harakatlar strategiyasi, iqtisodiyot, yo'l-transport, modernizasiya, raqamli rivojlanish, innovasion logistika

# DIRECTIONS OF LOGISTICS AND TRANSPORT INFRASTRUCTURE DEVELOPMENT IN UZBEKISTAN

## ABSTRACT

This article presents new information on the development of logistics and transport infrastructure in our country. A number of guidelines have been issued for the development of logistics, transport infrastructure and the strengthening of international relations.

**Keywords:** logistics, transport infrastructure, action strategy, economy, road transport, modernization, digital development, innovative logistics

## KIRISH

Jarayonlami tashkil etishning logistik konsepsiyasini faqatgina logistika sohasida mutaxassislar tomonidangina amalga oshirib bo'lmaydi. Jarayonlami tizimli tashkil etish falsafasi biznesning tayanch falsafasi bo'lishi lozim. Tijoratchilar, iqtisodchilar, turli larmoq menejerlari logistika konsepsiyasini tushunishlari va qabul qilishlari, jarayonlami logistik tashkil etishning asosiy usullarini bilishlari hamda erishiladigan samarani ko'zda tutadigan bo'lishlari kerak. Shuning uchun ham bugungi kunda logistika sohasidagi kcng qamrovdagi oliy ta'lim vazifasi nihoyatda muhim hisoblanadi.

## ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Mamlakatimizni rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishlari bo'yicha Harakatlar Strategiyasining iqtisodiyotni rivojlantirish va liberallashtirishning ustuvor yo'nalishariga bag'ishlangan bandida "Tarkibiy o'zgartirishlarni chuqurlashtirish,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00725

milliy iqtisodiyotning yetakchi tarmoqlarini modernizasiya va difersifikasiya qilish hisobiga uning raqobatbardoshligini oshirish, erkin iqtisodiy zonalar, texnoparklar va kichik sanoat zonalarni tashkil etish, amaldagi zonalarning samaradorligini oshirish, klasterlar faoliyatini tashkil etish, xizmatlar ko‘rsatish sohasini jadal rivojlantirish, yalpi ichki mahsulotni shakllantirishda xizmatlar roli va ulushini oshirish, ko‘rsatilayotgan xizmatlarning tuzilmasini eng avvalo xizmatlarning zamonaviy yuqori texnologik turlari hisobiga tubdan o‘zgartirish, logistika va yo‘l-transport infratuzilmasini yanada rivojlantirish, iqtisodiyot, ijtimoiy sohaga, boshqarish tizimiga raqamlashtirish usullarini joriy etish,qishloq xo‘jaligi mahsulotlarni saqlash, transportirovka qilish va sotish, moliyaviy va boshqa zamonaviy bozor xizmatlarni ko‘rsatish infratuzilmasini yanada kengaytirish”kabi vazifalar keltirilgan. Shulardan kelib chiqqan holda, bugun mamlakatimizni modernizasiya qilish va yangilash, yangi O‘zbekistonni yaratish, iqtisodiyotimizning sifat jihatdan yangi, zamonaviy tarkibiy tuzilmasini shakllantirish, hududlarimizni kompleks rivojlantirish bo‘yicha barcha rejalarimizning muvaffaqiyatli amalga oshirilishi yo‘l-transport va kommunikasiya infratuzilma tarmoqlarini yuksak sur'atlar bilan rivojlantirishga uzviy bog‘liqdir. O‘zbekistonda oxirgi yillarda logistikani,klasterlarni,innovasion faoliyatni, raqamlashtirishni shiddat bilan rivojlantirish masalalari davlat iqtisodiy siyosatining ustuvor yo‘nalishlaridan biri bo‘lib qoldi. Bu esa o‘z o‘rnida raqamlashtirish mamlakatimiz iqtisodiyoti raqobatbardoshligini rivojlantirish, inson taraqqiyoti darajasini oshirish, yoshlarni ish bilan bandligini taminlash,mehnat unumdorligini o‘stirishdagi hissasi to‘g‘risida xulosa chiqarish uchun O‘zbekistonning raqamli rivojlanishi bo‘yicha to‘la miqyosli uzoq muddatga ega bo‘lgan strategiyali davlat innovasion siyosatini rivojlantirishni va iqtisodiyotimizni raqamlashtirishni taqozo etmoqda.

## MUHOKAMA VA NATIJALAR

Shu o‘rinda ta'kidlash joizki transport va logistika klasterlar tizimida yuklarni tashishda raqamlashtirishdan, ya'ni axborot kommunikasion texnologiyadardan, innovasion logistikadan foydalanish katta ahamiyatga egadir.

Logistikani boshqarishning mohiyati va vazifalari. Tovarlar harakatini boshqarish tizimi eng kam xarajatlar bilan ko‘ngildagidek ko'rsatish darajasiga erishishga xizmat qiladi. Bunda boshqaruv mahsulot ishlab chiqaruvchi korxonalam ing aniq maqsadli ko‘rsatmalarini amalga oshiradi. Masalan, eng kam varajatlar bilan kerakli muddatda mahsulotni yetkazib berishni la 'ininlash, xizmat ko‘rsatishni tegishli darajada ushlab turish kabi ko rsatmalar bo'lishi mumkin. Bunday holda boshqaruv mahsulot islilab

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00725

chiqarish va sotish faoliyati bilan shug'ullanayotgan barcha ho limlarni ma'Ium darajada muvofiqlashtirishga yo‘naltiriiadi. Tovarlar harakatini tashkil etishda marketing va ta'minot ma'lumotlari, ishlab chiqarish bo'limlari, transport, ombor xo‘jaligi, olish xizmati ishtirok etadi. Mazkur bo‘limlar ishida kelishmovchiliklar va ziddiyatlar yuzaga keladi. Boshqaruv tizimining ziddiyatlaming bartaraf etilishini va tovarlar harakatiga shai'oit yaratilishini ta'minlovchi qarorlami qabul qilishdadir. Logistikani boshqarish boshqaruv vazifalari tizimi orqali amalga oshiriladi. Logistik boshqaruvning vazifalari. Logistik boshqaruv vazifalarini guruhga: logistik jaravon ishtirokchUari faoliyatini leialashtirish va muvofiqlashtirish, olingan buyurtmalami bajarish vazifasidan olib borilayotgan ishlarni tartibga solish va materiallar

Transport koridorlarini rivojlantirish O‘zbekiston Respublikasi tashqi iqtisodiy faoliyatining asosiy yo‘nalishidir. O‘zbekiston Respublikasi tashqi iqtisodiy aloqalarining jadal sur'atlarda rivojlanishi, Markaziy Osiyoning barcha mamlakatlari duch keladigan tashqi savdo yuklarini tashishni rivojlantirishda mavjud muammolarning hal etilishiga bog'liqdir. Akademik V. Bartold ta'kidlaganidek, «Turkistonning kelajagi jahon savdosida unga qanday o‘rin tegishli bo‘lishi bilan belgilanadi. Uning savdo ahamiyati temir yo‘llari, quruqlik va dengizda savdo olib borilishining rivojlanishiga tamoman bog'langandir». Sobiq Sovet lttifoqi parchalanganidan so'ng dengizga chiqish yo‘llariga ega bo‘lmagan mamlakatlarning soni 29 taga yetdi va 0 ‘zbekiston dunyo okeanidan kamida ikki mamlakat hududi bilan ajratilgan davlatlardan boigani bois, bu ro‘yxatdan alohida o‘rinni egalladi. Mustaqillikka erishgunga qadar 0 ‘zbekiston o'zining tashqi savdo aloqalarini uch yo‘nalish — Ilyichevsk shahridagi (Qora dengizga chiquvchi), Sankt-Peterburgdagi (Boltiq dengiziga chiquvchi), Vladivostokdagi (Uzoq Sharqqa chiquvchi) dengiz portlari orqali amalga oshirar edi. Respublikadan mazkur portlargacha boigan masofa 3000, 4300 va 8000 km.ni tashkil etgan va bu holat yuklarni tashishni nihoyatda qimmatlashtirgan. O‘zbekiston Respublikasi Hukumatining faol chora-tadbirlari hamda tegishli vazirlik va tashkilotlaming tashqi savdo yuklarini tashishga moljallangan muqobil transport koridorlarini izlash va samarali foydalanishga doir muvofiqlashtirilgan ishi natijasida xalqaro transport koridorlarining keng tarm og'i yaratildi va takomillashib borayapti.

Mamlakatimizda o‘tkazilayotgan radikal iqtisodiy islohotlarning muvaffaqiyati, ko‘p jihatdan, muomala sohasining samarali faoliyati, ishlab chiqarish vositalari bilan ulgurji savdoning keng rivojlanishi, ishlab chiqarish texnikasiga mo‘ljallangan mahsulotlarni ishlab chiqaruvchilar va iste'molchilar o‘rtasidagi to‘g‘ri aloqalar, hududlarning xalq xo‘jalik tarmoqlari, aksiyadorlar birlashmalari, turli mulk

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00725

shakllaridagi ishlab chiqarish va tijorat sub'yektlariga xizmat ko'rsatuvchi transportning sifati bilan ko'proq bog'liq bo'ladi. Bu maqsadlarga erishish uchun rivojlangan mamlakatlarning tajribasini o'rganish bilan birga vatanimizda logistika sohasida bozor iqtisodiyotida turli mulkchilik shakllarini hisobga olgan holda ishlab chiqarish munosabatlari sohasida mahsulot harakatlarini optimallashtirishning ilg'or yo'nalishlaridan foydalanish ham ma'lum bir ahamiyatga ega bo'ladi. Logistika bo'yicha mutaxassislar moddiy - texnika ta'minoti, transport va tovar harakati haqidagi axborotlarni yagona tizimga integratsiyalashuvini ta'minlashga intilishmoqda, bu esa ushbu sohalarning har birini ish faoliyatining samarasi va tarmoqlararo samaraning ortishiga olib kelishi kerak. Chet ellarda nazariya sifatida logistika mustaqil fan bo'lib ajralib, oliy o'quv yurtlarida, izlanishlar sohasi hamda ilmiy ishlab chiqarishda o'rganilmoqda. Ko'pgina oliy o'quv yurtlarida boshqaruv xodimlarini tayyorlash uchun informatika va marketing bilan birga «logistika» mutaxassisligi mavjud va bitiruvchilarga mos mutaxassislik berilmoqda. Mamlakatimizda oliy ta'lim tizimida amalga oshirilayotgan islohotlar kengaygan ishlab chiqarish va muomala sohalari uchun mutaxassis tayyorlashdagi o'quv jarayonlarini tashkil qilishga ta'sir o'tkazdi. «Tijorat logistikasi» - tijorat faoliyati sohasidagi logistik faoliyat. Ammo «tijorat» bizning ongimizga keng tarqalgan, bu katta darajadagi savdo, savdo muammolari majmuasidir. Savdo sohasi - tijorat keng xaridorlar ommasi bilan bevosita munosabat o'rnatish, faqat bizda emas, balki g'arbda ham ishlab chiqarishdan mohirona ajratilgan bo'lib, buning sababi va oqibatlari turlicha. Bu holda logistikadagi «tijorat» sifat mazmuni bo'yicha ko'proq mos kelishi mumkin. Masalan, Savdo institutining iqtisodiyot fakultetiga, qaysiki faqat savdo - tijorat sohalari uchun iqtisodchi tijoratchilar o'rtasidagi dallollik muomalalarini amalga oshirish uchun tayyorlanadi. Shunga qaramay ishlab chiqarish - texnik maqsadlarga atalgan mahsulotni realizatsiya qilish va sotish, ishlab chiqarish va qurilish sohasida moddiy texnikaning iste'mol oqimi hajmini 90 %ini tashkil etib kelish bilan, g'arbda va zamonaviy sharoitlarda bizda ham ishlab chiqaruvchilarning o'z vazifalari va tijorat faoliyatlarining asosi bo'lib qolmoqda. Bunday hollarda ishlab chiqarish, ta'minot hamda sotish bo'yicha tijorat faoliyatini ishlab chiqarish - tijorat faoliyati bu sohadagi LOGISTIKAni «ishlab chiqarish - tijorat logistikasi», deb nomlash mantiqlidir. Unda bu soha mutaxassislarini tayyorlash shubhasiz iqtisodiyot va moliya universitetining vazifasiga kiradi. Bunday o'qilayotgan kurs «tijorat logistikasi»ga xuddi shunday mazmunni beradi. Mazkur kursning maqsadi, tijorat (ishbilarmonlik) logistikasi asoslarini bizda ham, chet ellarda ham bu yo'nalishni tashkil qilish va iqtisodiy faoliyatning nazariy va amaliy aspektlari

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00725

rivojlanishi hamda rivojlangan mamlakatlarning oliy ta'lim o'quv yurtlarida maxsus fan sifatida o'qitish amaliyotini o'sha davrning haqiqiy axborotlar imkoniyatlarini hisobga olgan holda o'rganishdan iborat. Bizning mamlakatda 1991 yilgacha aniq logistikani ilmiy ifodalashda hamda logistika faoliyatini tashkil etishni o'qitish amaliyotining yo'qligi, shu bilan mavjud chet el axborotlarini o'rganish jarayonida izlanishlarni amalga oshirib, chet ellarning logistika va vatanimizning xalq xo'jaligi faoliyatini tashkil qilish - iqtisodiy sohalari dinamikasi tezda o'zgaruvchan bozorning ishlab chiqarishtijorat sharoitlariga hamda barcha muammolarni tamoman yangicha konseptual holda qo'yilishi va o'rganilishi lozim.

## XULOSA

Logistikani fan sifatida, bilimlar tizimi, tamoyillari va usullari sifatida bilmaslik xodimning kasbiy kamchiliklarini tavsiflaydi, bu esa sub'yektning ishida (biznesda) ma'lum bir harajatlarning qo'shimcha sarflanishiga olib keladi. Shuning uchun bozor iqtisodiyotining markaziy ishtirokchisi - tijoratchini tayyorlashda logistikani o'qitish ahamiyatli o'rin egallaydi. Logistikani bilish iqtisodchilar uchun muvaffaqiyatli tadbirkorlik faoliyatini olib borishga asos sifatida zarurdir.

## REFERENCES

1. Q.Dadaboyev. Logistika. "Iqtisod-Moliya" 2007.
2. D.M. Umarov. M.A. Bo'ronov. "Logistika". Cho'lpon-2016.
3. M.N.Juraev, A.E.Yusupov. Transport logistikasi. Qarshi.2016.
4. https://uz.opentran.net/ingliz-ozbek-tarjima/logistics.html
5. http://uzavtosanoat.uz/uz/Ozbekiston-avtomobilsozlik-sanoati---Vatanimiz-mustaqilligining-muhim-yutuqlaridan-biridir.html?format=pdf

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00726

# BADIIY ASAR JOZIBADORLIGINI OSHIRISHDA QARG'ISH ANGLATUVCHI DISFEMIZMLARNING PERSONAJLAR NUTQIDA BERILISHI

**Sanjar Saliyevich Kurbanov**
Buxoro davlat universiteti o'qituvchisi
sanjarkurbanov0077@gmail.com

**Mohigul Ramazonovna Saparova**
Buxoro davlat universiteti o'qituvchisi
s.mohigul01@mail.ru

## ANNOTATSIYA

Maqolada personajlar nutqining badiiy jozibadorligini oshirish uchun qarg'ish anglatuvchi disfemizmlar tahlili misollar yordamida yoritilgan. Ushbu maqolada evfemizm va disfemizmning farqi, shuningdek personajlar nutqining tahlili Amerika yozuvchisi Xolid Husayniyning o'zbek tiliga Rustam Jabborov tomonidan tarjima qilingan "Ming quyosh shulasi" (A Thousand Splandid Sun) asaridan olingan misollarda o'z aksini topgan.

**Kalit so'zlar:** badiiy asar, dialog, monolog, evfemizm va disfemizm, personajlar nutqi, qarg'ish so'zlar.

# THE USE OF CURSED DYSPHEMISMS IN THE SPEECH OF THE CHARACTERS TO ENHANCE THE ATTRACTIVENESS OF THE WORK OF FICTION

## ABSTRACT

The article analyzes the analysis of cursed dysphemisms with examples to enhance the artistic appeal of the characters' speech. This article highlights the difference between euphemism and dysphemism, as well as the analysis of the characters' speech is reflected on examples from the work of the American writer Khaled Husseini, translated into Uzbek by Rustam Jabborov "A Thousand Splendid Suns".

**Keywords:** fiction, dialogue, monologue, euphemism and dysphemism, character speech, cursing words.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00726

## KIRISH

Badiiy asarning eng asosiy elementi bu-so'zdir. So'zlar esa asar personajlari tilida turli uslubda namoyon bo'ladi, kimdir sekin-sekin chertib gapirsa, ayrimlari duduqlanib, soqovlanib so'zlashadi, ba'zilari esa adabiy til me'yorini buzib gapirishadi.

Badiiy asarda personajlar nutqini berishda badiiy ijodkor uchun juda katta mahorat talab qilinadi. Har bir personaj nutqi uning ma'naviyatiga, xulq-atvoriga, kasb-koriga, hayotiy tajribasiga, ruhiyatiga, yoshiga, jinsiga mos, hamda uning nutqidan qanday odam ekanligini anglash lozim bo'lishi kerak.

Personaj nutqi dialog (ikki yoki undan ortiq personajlar o'rtasidagi suhbat) va monolog (personajlarning o'z-o'ziga yoki o'zgalarga qaratilgan ichki nutqi)dan iborat bo'lib, ularning ikkalasi ham obraz va xarakter yaratishning muhim vositalaridan sanaladi.

## ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Dialog jo'shqin bo'lishi, kishining ruhiy kechinmasini ko'rsatibgina qolmay, xarakterni ham ochib berishi lozim (A.Makarenko) bo'lsa, monolog muayyan personajning ruhiy dunyosini, qalb tug'yonlarini chuqur ochishda qo'l keladi.

Yozuvchi personaj nutqini uning asarda tasvirlangan voqealardagi o'rniga, individual xarakter-xususiyatlariga qarab ishlab chiqadi. Asar qahramonining tabiatiga qarab, yozuvchi unung nutq tuzilishi, so'z boyligi va boshqa til xususiyatlarini ochadi. Qahramoni tipiklashtirish va individuallashtirish maqsadida yozuvchi zarur bo'lganda badiiy til leksikasi resurslari – arxaizm, neologizm, professionalism, dialektizm kabi elementlardan ham foydalanadi [3]. Bu o'rinda, biz Amerika yozuvchisi Xolid Husayniyning o'zbek tiliga Rustam Jabborov tomonidan tarjima qilingan "Ming quyosh shulasi" (A Thousand Splandid Sun) asarida badiiy til leksikasi resurslaridan kelib chiqqan qarg'ish so'zlarini misol tariqasida bermoqchimiz.

Qarg'ish so'zlar disfemik hodisa sanaladi. Masalan, "O'l" so'ziga nisbatan qo'llanilgan joyi jahannamdan, joyi jannatda bo'lsin, ikki yuzi qaro bo'lsun kabi ifodalar biroz yumshoqroq ya'ni evfemizm sifatida namoyon bo'lsa, biroq harom qotsin, go'rso'xta ifodalarida harom va go'r so'zlari mavjudligi tufayli va ma'lum davr muhiti nuqtai nazaridan qo'polroq bo'lganligi sababli disfemik ifoda sifatida namoyon bo'ladi.

Disfemizmga O.S.Axmanovaning "Словарь лингвистических терминов" lug'atida, A.Shomaqsudovning "O'zbek tili stilistikasi" kitobida qisqacha izoh

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00726

berilgan. Disfemizm haqidagi mavjud qarashlarni M.M.Mirtojiev “O‘zbek tili semasiologiyasi” monografiyasida keng tahlil qilgan va ular orasidagi nozik jihatlarni ko‘rsatgan [1].

Disfemizm – denotat bahosiga munosabatning salbiy tomonga ketishi bilan bog‘liq pragmatik hodisa. Disfemizm evfemizm bilan munosabatdosh bo‘lganligi sababli ularning tasnifida ham evfemizmlar tasnifidagi ayrim belgilar tayanch bo‘lib xizmat qiladi.

Disfemizmlarning semantik guruhlari doirasi ham asosan so‘kish, haqorat, qarg‘ish, kinoya, masxara tushunchalarini ifodalovchi birliklardan iborat. Shulardan kelib chiqib, to‘plangan misollar asosida quyidagi qarg‘ish anglatuvchi disfemizmlar personajlar nutqida keltirilib, ularning xulq-atvori, kasb-kori, hayotiy tajribasi, ruhiyati, yoshi, ijtimoiy kelib chiqishi aniqlandi:

“Maryam ilk bor “haromi” degan so’zni eshitganida besh yashar qizaloq edi. Xullasi kalom, bu hodisa payshanbada yuz bergandi. O’shanda uning es-hushi joyida emas, o’zini qo’yarga joy topolmasdi. Axir payshanba kunlari ularning yoniga Jalil kelardi-da! Vaqtni tezroq o’tkazish uchun (hademay u uzoqdan qo’llarini silkitgancha, tizza bo’yi o’tlarni bosib kela boshlaydi) Maryam stulning ustiga chiqib oldi va tokchadagi xitoyi chinnilarga qo’l uzatdi. Bu chinni serviz Maryamning ikki yasharligida dunyodan o’tgan buvisidan qolgan yagona yodgorlik bo’lib, oyisi uni ko’z qorachiq’idek asrardi. Nana (Maryam oyisini shunday atardi) qushlar va xrizantema gullari tasviri tushirilgan piyolalarni, tumshug’i egik choynakni, yovuz ruhlarni quvadigan ajdar nusxasi solingan qanddoni, hatto ishlatishga ham ko’zi qiymasdi.

Xuddi shu qanddon Maryamning qo’lchasidan yog’och polga sirg’alib tushdiyu chil-chil bo’ldi. Nana polda sochilib yotgan chinni bo’laklarini ko’rdiyu yuzlari qizarib, lablari titradi, hamisha mehr bilan boqib turuvchi ko’z “Nanamning yelkasiga yana shayton minib oldi”, deb o’ylab, qo’rqib ketdi. Yo’q, o’tib ketdi. Nana qizining qo’llaridan mahkam tutib, o’ziga tortdi va tihlarini g’ichirlatgancha, uning qulog’i ostida g’azabnok shipshidi:

- Ho’ qo’lginang singur, axmoq! Menga ko’rsatgan karomating shu bo’ldimi? Bu mitti haromi meni xonavayron qilmasa go’rgaydi. Shunday qimmatbaho narsani sindirdi-ya!” [4]

Ushbu parchadagi onaning qiziga aytgan qarg’ishidan personajlarning ijtimoiy kelib chiqishi yaqqol ko’zga tashlanadi, oila ona va qizdan iborat, otasining o’z oilasi borligi, ona qizning faqirona yashash sharoiti tasvirlangan.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00726

“Guldomandagi kulbalarida har yil ro’za hayitida onasi bilan Jalilni intizor bo’lib kutishardi. U kostyum-shim kiyib, bo’yinbog’ taqib, sovg’alar ko’tarib kelardi. Ona-bolaning yonida bir oz o’tirib, choy ichgach, ortiga qaytardi.

**- Ketdi yer yutkur, endi xotinchalari bilan bayram qiladi, -deya ming’irlay boshlardi onasi Jalil ketishi bilan.” [4]**

Ushbu parchadagi qarg’ish so’zlardan ayol erining boshqa xotinlaridan rashk qilgani, asosiy vaqtini ular bilan o’tkazishini bilib doim qarg’aydigan ayol obrazi gavdallangan.

“Ayol ustidagi matolarni bir chetga surdi. Kerishgancha o’rnidan turdi. Keyin taralmagan sochlarini bir chetga surib, qo’llarini yozib kerishib oldi. Derazadan tushayotgan yorug’lik uning ko’zini qamashtirgandi.

- Maktabdan keldingmi? – so’radi mudroq ovozda.

Har kuni shu ahvol. Bir xil, hissiz savol-javoblar. “Qanaqa dars o’tdinglar?”, “Ovqat yeb oldingmi?”, “Nechchi baho olding?” Onasi ko’zlarini kafti bilan to’sib oldi:

- Shunaqa boshim og’rib ketyaptiki!
- Dori opkelaymi, oyi?

Onasi chakkalarini ishqaladi.

- Yo’q, keyinroq! Otang kelmadimi?
- Hali endi uch bo’ldi-ku!
- E, ha, boya ayting-ku! – oyisi erinchoqlik bilan esnadi.
- Oyi, bitta bola yuzimga to’pponchasi bilan siydik sepdi, - hiqilladi Laylo.
- **Nima? Voy, qo’lginasi sinsin!** Fariba biro z sergak tortdi. – Ertaga borib o’zim gaplashaman.” [4]

## MUHOKAMA VA NATIJALAR

Ushbu dialogda onasi Fariba va qizi Layloning suhbati aks etgan. Bu yerda ona atrofida bo’layotgan voqealarga be’etibor, chunki u yaqinda bir emas ikki o’g’lidan ajralgan, asarda Afg’onistondagi sho’raviylar urushi tasvirlangan va har uchta oilaning bittasida farzand dog’iga kuygan ota-onalar tasviri mavjudligi qahramonimiz nutqida, ruhiy holatida ko’rinib turibdi.

“O’shanda ayollar bisotlaridagi bor tahqiromuz va behayo so’zlarni to’kib solishdi. Ammo, xayriyatki, bu galgi jang jismoniy kuch ishlatishga borib yetmadi. Mana, o’shandan beri ikki kundosh bir-biri bilan gaplashmaydi. Faqat, Laylo o’shanda, bor ovozi bilan baqirib, yuragida yig’ilib qolgan dardini to’kib solganidan so’ng o’zida allaqanday qoniqish his etdi. Qiziq, o’shanda Maryam o’zini qanday his

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00726

qilgan bo'lsa? O'sha kuni, janjaldan so'ng Laylo yuqoriga – erining yotog'iga chiqib, o'zini karavotga otgan, yuzini yostiqqa bosgancha, bor ovozi bilan ho'ngrab yig'lagan edi. Uning nazdida ota-onasini endigina o'ldirishgan va bu musibatdan yangi xabar topgandek edi. Oshxonadan Maryamning qarg'angan ovozi eshitildi:

- **Ko'zingga tuproq to'lsin, iloyo! Tilginang kesilsin, baloga uchragin, Xudoyo xudovando!"[4]**

Ushbu parchada ikki ayol, ya'ni kundoshlar bir uyda istiqomat qilishi bayon etilgan. Maryam Rashidning vafot etgan xotinidan keyin nikohiga olgan xotini bo'lib, u farzandi nobud bo'lgandan keyin farzand ko'rmaydi, shunda Rashid qo'shnisining uyi bomba tagida qolib eru xotin vafot etgandan so'ng yosh qizi Layloni o'z uyida parvarishlab nikohiga oladi. Boshida Laylo rozi bo'lmaydi, keyinchalik sevgilisi Tariqdan homilador bo'lib qolganini bilganidan so'ng, o'zidan ancha katta bo'lgan erkakka turmushga chiqishga rozi bo'ladi. Tariq ota-onasi bilan ancha oldin boshqa shaharga ko'chib ketadi va joylashgandan keyin kelib Layloni olib ketishga va'da beradi, Laylo uni ancha kutadi, lekin bir kuni Tariqni o'lganligi to'g'risida xabarni eshitib bu sharmandalikni yashirish uchun Rashidga tegishga rozi bo'ladi. Rashid yosh xotini Layloga butun e'tiborini qaratgandan so'ng Maryamni xo'rligi keladi chunki u hayotida hech ham ro'shnolik ko'rmagan yetim qiz bo'ladi. Shu sababli, parchadagi qarg'ishda uning ruhiy holati yaqqol gavdalangan.

Yuqoridagi qarg'ish anglatuvchi disfemizmlardan tashqari kinoya ma'nosida ishlatiladigan disfemizmlar ham mavjud:

"Layloning kundan-kunga bola parvarishi tufayli boshqacha qiyofa kasb etib, ulg'ayib borishini ko'rib, negadir Maryam ham ancha eriy boshladi. Ba'zida u Layloning farzandiga qarab, yorishgan yuzlarini ko'rib ich-ichidan sevinar, zavqlanar, ammo hech narsani sezdirmasdi. Ba'zida, Laylo kechasi bilan uxlamay, ertalab ko'zlari qizarib tursada, uning yuzlaridan allanechuk xurramlik ufurardi. Qizalog'idagi hr bir o'zgarish, har bir yangi harakat layloda cheksiz hayrat, quvonch uyg'otardi.

- Voy, uning shaqildoqqa qarab intilishini qarang! Ko'rdingizmi? Voy buning aqlliligini!

- **Ha, gazetaga xabar berish kerak,** - ermaklardi Rashid." [4]

## XULOSA

Xulosa o'rnida shuni aytish joizki, badiiy asarlarda disfemizmning qo'llanilishi haqida ilmiy tadqiqotlar sanoqli hisoblanadi. Disfemizatsiya til birliklarining pragmatik ma'nosi bo'lib, o'z navbatida, nutqiy ma'nodoshlik qatorining boyishini

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00726

ham ta’minlaydi. Personajlar nutqidagi disfemizatsiyani individual usul sifatida baholash mumkin. Bu individuallik evfemizmdagi individuallikka nisbatan birmuncha ustuvorligi bilan xarakterlanadi.

## REFERENCES

1. Nadjapova N.A. Fors tilida evfemizm va tabu so‘zlarning funksional va semantik tahlili: Magistr akademik darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya. -T.: 2013. -35 b.
2. Qodirova X.B. O’zbek tilida evfemizm va disfemizm. O’quv-uslubiy qo’llanma. –T.: 2013
3. Umurov H. Adabiyot nazariyasi: darslik. Sharq. –T.:2002
4. Xolid Husayniy “Ming quyosh shu’lasi”. Yangi asr avlodi. –T.:2016
5. Усмонова З. Х. СТИВЕН КИНГ" ТУМАН"(THE FOG) //Язык и культура. – 2019. – С. 129-135.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00727

# BOLA TARBIYASIDA OTA-ONALAR MA'SULIYATINI OSHIRISH DOLZARB VAZIFA

**Нилуфар Махсудовна Кошанова**
Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси
koshanovanilufar512@gmail.com

**Мирзохид Латифович Шарипов**
Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси
sharipovmirzoxid@gmail.com

## АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада миллий тарбиянинг долзарб масалалари, бола тарбиясида ота-она маъсулиятин оширишнинг аҳамияти, тарбиянинг нозик ва мураккаб жиҳатлари ҳақида мушоҳада қилинган.

**Калит сўзлар:** Глоболлашув жараёни, оммавий маданият, бурч, маъсулият, таълим имконияти, комил инсон, таълим субъекти

# INCREASING PARENT RESPONSIBILITY FOR RAISING CHILDREN

## ABSTRACT

The article examines topical problems of national education, the importance of increasing parental responsibility in raising children, subtle and complex aspects of education.

**Keywords:** The process of globalization, mass culture, job function, responsibility, educational opportunities, ideal person, subject of education.

## КИРИШ

Тарбия масаласи ҳар бир даврда долзарб масала ҳисобланган. Аммо ҳозирги шиддаткор, ахборот алмашинуви тезкор давом этаётган даврда, миллий тарбия асосларига путур етмоқда. Тобора шиддатли тус олаётган глоболлашув жараёни, оммавий маданиятнинг кенг тарқалаётганлиги халқимизнинг миллий менталитети, маънавий қиёфасига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ҳар бир тарбиячи ҳоҳ ўқитувчи, ҳоҳ ота-она бўлсин бола тарбиясига жиддий қараш

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00727

лозимлигини янада кўпроқ англаши лозимлиги давр тақозоси ҳисобланади. Таълим ва тарбияни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Бу икки жараён ўзаро уйғун, узлуксиз асосда ташкил этилгандагина одобли, юксак маънавиятли, шу билан бирга билимдон, зукко, руҳан ва жисмонан соғлом, кенг дунёқараш ва тафаккурга эга, замонавий касб-ҳунар эгаси бўлган ватанпарвар ёшларни етиштириб беради.

Тарбияга янгича, тизимли ёндашув, болада таянч фазилатларни кафолатли шакллантиришда оила, мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари, маҳаллаларнинг ижтимоий-педагогик имкониятларини тўлиқ юзага чиқаришни ва улар орасида илмий-методик узвийликни янги даражага кўтаришни тақозо этади. [1]

Миллат келажаги ҳисобланган фарзанд тарбиясида оилада ота-она таълим имкониятлари жамиятнинг кейинги тараққиётида қанчалик аҳамиятли эканлигини, оилаларда узлуксиз маънавий тарбияни яхшилаш, фарзанд тарбиясида маъсулият ҳиссини кучайтириш, ота-оналарнинг таълим салоҳиятини яхшилаш масаласи энг долзарб масала сифатида қаралмоқда. Агар оилада муайян таълим имконияти, ота-оналаримизнинг маъсулиятлилик даражаси суст бўладиган бўлса, у ҳолда болани тарбиялашда кўзланган натижага эришиш мушкул **[ 2.32]**

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мавзу юзасидан рус тадқиқотчиларидан О. Кожурова [ 3], Ш. Марина [ 4], И.А. Хоменко [5 ], А.М. Низова [ 6] М.И. Кирикова [7 ], каби кўплаб рус тадқиқотчилари мавзуни илмий жихатдан ўрганган ва боланинг ҳар томонлама ривожланишида оиладаги тарбиявий муҳитнинг аҳамияти, мактаб билан оила ҳамкорлигининг ижобий жихатларини илмий таҳлил қилишга, асослашга уринганлар.

Мавзуни ўрганишда анализ, синтез, умумлаштириш, математик таҳлил методларидан фойдаланилди.

## НАТИЖАЛАР

Кўп ҳолларда тарбиядаги нуқсонларимиздан бири шуки, болалар ва уларнинг ота-оналари фақат ўзларини эшитадилар ва тарбия *"менинг мажбуриятларим"* эмас, балки *"менинг ҳуқуқларим"* деган тенденцияни юқори қўядилар.[8]

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00727

Бундай жараён мактабда таълим сиёсатини олиб бориш, таълим тизимини қуриш ишларини мураккаблаштиради ва жамоа олдидаги, умуман олганда, жамият олдидаги мажбуриятлар йўқола боради. Бундай шароитда тарбиянинг асосий вазифаси аввалгидан ҳам оғирроқ юк билан мактаб педагогик жамоасига тушади. Ота-оналар ўзларининг таълим функцияларини тобора кўпроқ мактабга юкламоқдалар. Шунга мувофиқ таълим тизимига ўз талабларини тақдим қиладилару фарзанд оилада пайдо бўлган пайтдан бошлаб ота-онанинг бола тарбиясида энг асосий ҳал қилувчи субьект эканлигини унутиб қўядилар. Кўплаб ота-оналар фарзандларини келажагини аниқ режалаштириб қўйишади. Ўзлари танлаган стратегиядан чапга ёки ўнгга бурилишлар мумкун эмаслигини уқтиришга ҳаракат қилади. Умумтаълим мактабларида тарбиявий жараённинг оғир юки синф мураббийлари зиммасига тушади. Синф раҳбари ва ота-она ўртасидаги муносабатлар қандай шакл ва асосда қурилиши лозим. Ҳар бир синф раҳбари ўз муносабатлар тизимини қуради, ўзига хос шакл ва усулларни излайди. Ота-оналарнинг турли тоифалари билан ишлашда синф раҳбари ўз ишини диагностикадан бошлайди. Яъни оиладаги боланинг таълим олиши билан боғлиқ шароит ва муоммоларини ёки оила таълим салоҳиятининг ижобий жиҳатларини ўрганади. Синф раҳбар қўл остидаги ўқувчиларнинг ҳатти-ҳаракатларини доимий назорат қилиб бориши рўй бериши мумкун бўлган хатарни тахмин қила олиши, мактаб остонасидаги бола юрмоқчи бўлган эгри чизиқдан олдинроқ ҳаракат қилиши лозим. Тажриба ва амалиёт шуни кўрсатадики, мураббий ва ота-она ҳамкорлигисиз ўқувчи тарбиясида кўзланган натижага эришиш мушкул. Фақат катталаргина болаларга умид, ҳаётда оқ қорани ажратиш, муоммоларнинг ечимини топиш,қўрқувни енгиш каби кўплаб ҳаёт тажрибаларини ўргатиши мумкун.

Машҳур рус педагагоги Антон Семенович Макаренко ўқитувчининг иши энг қийин, «эҳтимол энг масъулиятли ва шахсиятдан нафақат энг катта стрессни, балки катта куч, катта қобилиятни ҳам талаб қилади” –деган эдилар. [9.30]

Ота-оналар болаларига ота-она меҳрини ҳис қилиш ва англаш имкониятини бериши, меҳр ва ғамхўрлик қилиши лозим. Таълим алоқаси -бу бола ва катталар позициялар тенглигини ўрнатиш. Ҳар кунги оилавий муносабатларда бунга эришиш жуда қийин.

Болани ота-онанинг севгиси ҳисси билан илҳомлантириш учун яна бир ўта муҳим қоидага риоя қилиш керак. Унинг ўзига хослиги, бошқалар билан ўхшашлигини қабул қилиш боланинг эгалик ҳуқуқини тан олишни англатади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00727

Бироқ, оилавий ўқитишдаги ролни камситмаслик керак. Болалар ўзларининг ҳатти-ҳаракатлари, талаблари, қизиқишлари билан ота-оналарга доимий таъсир кўрсатади, яъни уларни ўз-ўзини тарбиялашга ўз устида фаол ишлашга ундайди.

Шундай қилиб, оилавий таълим қуйидаги принципларга асосланади:

- болага муҳаббат, инсонпарварлик ва раҳм-шафқат;
- ўсиб бораётган болага доимий эътибор ва ғамхўрлик;
- болаларни оила ҳаётига тенгдош сифатида жалб қилиш

-мактаб ўқувчиларининг мунтазам равишда мактабга боришини назорат қилиш.

Ота-оналарнинг кейинги ва энг қийин вазифаси мактаб ўқувчиларининг уй вазифаларига ёрдам бериш ва уларнинг таълим фаолияти устидан доимий мониторинг олиб бориш. Ота-оналар ўз болаларида қатъиятлилик, меҳнатсеварлик, сабр-тоқатни ривожлантириши қийинчиликни енгишга болалигидан ўргатиши лозим. Оилавий тарбияда ахлоқий таълим энг муҳим ўринни эгаллайди. Туйғулар оилавий тарбия жараёнида шаклланади, яъни инсонпарварлик, ҳамдардлик, диққатлилик, раҳмдиллик, ҳамдардлик, муомала маданияти, мулойимлик, сезгирлик, садоқат, миннатдорчилик ҳисси ва ҳоказо. Ва аксинча, ота-оналарнинг тарбия услубига қараб, оилавий муносабатлар соҳасида худбинлик, сусткашлик, катталарга ҳурмацизлик, бошқаларнинг эҳтиёжларига бепарволик, масъулияцизлик, шафқацизлик хусусиятлари ҳам шаклланиши мумкун. Оилада ватанга муҳаббат, чуқур ҳурмат шаклланади миллий маданияти ва она тилига ҳурматнинг асослари оиладан шаклланади.Ҳар бир оила тенг аъзолардан иборат жамоадир. Ҳар бир ота-она бола тарбияси бўйича аниқ режага эга бўлиши керак. Фақат бир неча фарзандли оилада ота-она ғамхўрлиги нормал характерга эга бўлиши мумкун. Агар оилада катта ва кичик болалар бўлса, улар орасида севги ва дўстлик тажрибаси хилма-хил шаклларда ўрнатилади. Бола катта оилада ҳар қадамда, ҳатто ўйинда ҳам, бола жамоада бўлишга одатланиб қолади. Буларнинг барчаси таълим учун жуда муҳимдир.

## МУҲОКАМА

Баъзи оилаларда болалар ва ота-оналар ҳамма нарса ўз-ўзидан амалга ошишига умид қилишади. Баъзи ота-оналарда на аниқ мақсад ва дастур йўқ. Албатта, бу ҳолда ва натижалар ҳар доим тасодифий бўлади ва кўпинча бундай ота-оналар нега уларнинг ёмон болалари борлиги ҳақида ўйлашади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00727

В.А. Сухоминский "ҳақиқий инсонни қандай тарбиялаш керак " деган саволга “Ота ва она, гўё бир-бирини тўлдиради; агар онаси билан яхши дўстлик бўлса, бола отасини чинакам инсонни кўради ...”-деган эди.

А.С. Макаренко болада интизомни тарбиялашнинг аҳамияти тўғрисида режим кўп болали катта оилада бошқача бир болали оилада бутунлай бошқача бўлиши лозим деб ҳисоблайди. Баъзи оилаларда ота-оналар қабул қилинган режимнинг соғломлигига ишонишади ва хатога йўл қўйишади. Режим аниқ табиатда доимий бўлиши мумкин эмас, чунки бу фақат таълим воситасидир. Ҳар қандай тарбия маълум мақсадларни кўзлайди ва бу мақсадлар доимо ўзгариб туради ва мураккаблашади. Масалан, эрта болалик даврида ота-оналарнинг жиддий вазифаси - болаларни тоза бўлишга ўргатиш. Ушбу мақсадга эришиш учун ота-оналар болалар учун махсус тартиб-қоидани ўрнатиши лозим. Яъни ювиниш, тозалик қоидалари ва ҳоказо.. Бундай режим мунтазам равишда сақланиб турилиши керак, ота-оналар бу ҳақда ҳеч қачон унутмасликлари, бажарилишини назорат қилишлари, болалар ўзлари бирон бир нарса қила олмайдиган пайтда ёрдам бериш, болалардан сифатли иш талаб қилиш лозим. Болаларда тозалик одатлари ривожлантирилса боланинг ўзи энди ифлос қўллари билан таомлана олмайди. Аста-секин, ушбу тартиб-қоидалар бошқа мураккаб ва муҳимроқлари билан алмаштирилиб борилиши лозим. Уйдаги оилада ота-она томонидан ўрнатилган қоидалар қуйидаги қисмлар: туришнинг аниқ вақти, дам олиш кунларида ҳам тозалик қоидаларига риоя қилиш, чойшаб алмаштириш шартлари ва қоидалари, кийим-кечак, уларни кийиш, тозалаш қоидалари каби қоидаларни вақтида бажаришга одатланган бўлиши керак Оилада ҳаётнинг ҳар қандай қоидалари жорий этилмаслиги керак.

**ХУЛОСА**

Машҳур рус педагоги Макаренко тарбияловчи ўзи берган насиҳатга ўзи риоя қилмаса тарбиядан кўзланган натижага эриша олмайди. Болалар эшитганларига эмас кўрганларига тақлид қиладилар деган эди. Ота ичкиликга берилган, хулқи ёмон бўлса, онанинг билими, тафаккури сайёз бўлса тарбиядан кўзланган натижага эришиш мушкул. Бола тарбияси барча касблар ичида энг қийин, мураккаб ва кечиктириб бўлмас жараёндир. Ота-оналар бола тарбиясида фақат бирёқлама, моддий эҳтиёжларини қондириш асносида ота-оналик бурчимни бажардим десалар хато қиладилар. Болаларимизни ҳар томонлама етук инсон сифатида тарбиялашда, уларда гўзал инсоний хислатларини

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00727

шакллантириш жараёнида энг фаол таълим субъекти ота-оналар эканлигини унутмасликлари керак. Яхши болани тарбиялаш қийин, аммо имконсиз эмас. Ватанимиз тараққиёти ҳар томонлама етук, маънавиятли ёшларнинг салмоғи билан боғлиқ экан ҳар бир таълим субъэкти ўз ишини сидқидилдан бажарсагина кўзланган натижага эришишимиз мумкун.

## REFERENCES

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31-декабрдаги И059-сонли қарорига 1-илова.ҚҲММБ: 09/20/1059/0017-сон.03.20.2020.Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси.
2. Кошанова, Н. М. Оила ва мураббий манфаатли ҳамкорлигининг таьлим сифатини оширишдаги аҳамияти. Academic Research in Educational Sciences, 1 (3), 2020. 32-б.
3. Кожурова, О. Ю. Мактаб ва оиланинг ижтимоий ҳамкорлиги уларнинг таълим салоҳиятини ошириш омили сифатида: дисс автореферати. ... 2002. — 480 с. )
4. Шенна Марина Борисовна. Развитие и реализация воспитателъного потенциала семьи в условиях социалного потенциала семьи условиях социального партнерства со школой. дисс. ... канд. пед. Наук.Уфа-2013.-224 с.
5. Хоменко, И.А. Школа и родители: этапы развития социального партнерства [Текст] // И.А.Хоменко// Педагогическое обозрение. - 2008. - №4 (79).-С.7-8.]
6. *Низова, А.М.* Функции семьи и воспитание детей /Сборник научных трудов. Воспитательные возможности семьи [Текст] /А.М.Низова. - М., 1981.
7. *Кирикова, М.И.* Повышение воспитательного потенциала неполной семьи в условиях Центра социальной помощи семье и детям: автореферат дисс. ... канд. соц. наук [Текст] / М.И.Кирикова. - Москва, 2009.- 38 с.
8. Министерство образования Республики Беларусь Учреждение образования «Белорусский государственный педагогический университет имени Максима Танка» Методические сопровождение факулътативнқх занятий введение педагогическую профессию Модуль 1. «В мире педагогической професии» для X класса учреждений общего среднего образования Минск 2015 .С-30.
9. Mardonov S., Toshtemirova S., Ahmadjonov B, Koshanova N. Structure and Mechanisms of Action of The Edcatcional cluster. // International Journal of Psychologial Rehabilitation,Vol.24,Issue 07,2020. 8104-8111
10. Koshanova N. Teacher actions in professional direction school (according to the educational cluster) //European Science review.№ 3-4 2020. htpps://doi.org/10.29013/ESR-20-3.4-24-26.
11. Кошанова, Н. М. Халқимиз ҳаётидаги зардуштийлик таълимоти билан боғлиқ анъана маросимлар. Тамаддун нури. Илмий, ижтимоий-фалсафий, маданий-маърифий, адабий-бадиий журнали. Қорақалпоғистон Республикаси, 2020.1-сон – Б. 37-40

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00727

12. Абдурауф Фитратнинг “Оила ёки оилани бошқариш тартиблари” асарида миллий тарбия масаласи. Илм сарчашмалари. илмий –методик журнали.Урганч.2020.7-сон.44-47
13. “Умумтаълим мактабларида синф мураббийлари фаолияти самарадорлигини ошириш механизмлари”. Замонавий таълим илмий –амалий оммабоп журнали. 2020. 2-сон. 28-33-б.
14. Koshanova N.M.Teacher Actions in professional Direction of secondary school children(assording to the educatsional cluster) European Science Review Scientific journal №3-4 2020 (March-April) 24-26p
15. Шарипов М.Л. (2020). “Ёшлар маънавиятини юксалтиришда Ҳусайн Воиз Кошифий ахлоқ фалсафасининг аҳамияти”. *Муғаллим ҳем узликсиз билимлендириў*. № 1-1. 94-98.
16. Мирзохид Шарипов. (2020). “Тарихни ўзгартирган буюк соҳибқирон”. *Тамаддун нури*. № 2. 14-17.
17. Шарипов М.Л. (2020). Марказий Осиё мутафаккирларининг илмий мероси, уларнинг илм-фан ҳамда жаҳон цивилизацияси тараққиётидаги роли ва аҳамияти. "*Science and Education*" Scientific Journal. Volume 1 Special Issue. 157-172.
18. Шарипов М.Л. (2020). Коррупцияни юзага келтирувчи омиллар ва унинг оқибатлари. *"Science and Education"* Scientific Journal. Volume 1 Issue 5. 263-270.
19. Hojiyev Rasulbek Boynazar o`g`li, Xolmo`minov Gofur Bobonazarovich & Sharipov Mirzohid Latipovich. (2020). “Raising a harmoniously developed generation is a priority of democratic reforms in Uzbekistan”. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences.* Vol. 8 No 5, Part II. 1-3.
20. Шарипов М.Л. (2020). Коррупция ва у билан боғлиқ жиноятларнинг инсон ва жамият ҳаётига таҳдидлари. «Academic research in educational sciences». Volume 1. Issue 4. 50-58 – бетлар.
21. Кучина, Е. А. Проблемы совр еменного учебно-воспитательного процесса. Роль классного руководителя в современном школьном образовании / Е. А. Кучина. — Текст : непосредственный // Педагогическое мастерство : материалы II Междунар. науч. конф. (г. Москва, декабрь 2012 г.). — Москва : Буки-Веди, 2012. — С. 210-212. — URL: https://moluch.ru/conf/ped/archive/65/3191/ (дата обращения: 24.10.2020).

ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 4 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00728

# ИНСОН КАПИТАЛИ МОҲИЯТИ, УНИНГ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ

**Мирзохид Латифович Шарипов**
Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси
sharipovmirzoxid@gmail.com

**Нилуфар Махсудовна Кошанова**
Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси
koshanovanilufar512@gmail.com

## АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада инсон капиталининг моҳияти, ўзига хос хусусиятлари ва турлари, инсон капитали тўғрисидаги назариялар тараққиёти ва босқичлари таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** Инсон капитали, меҳнат ресурси, ишчи кучи, меҳнат потенциали, инсон ресурслари, инсон омили.

# THE ESSENCE OF HUMAN CAPITAL, ITS SIGNIFICANCE IN THE DEVELOPMENT OF THE STATE AND SOCIETY

## ABSTRACT

In the article analyzes the essence, features and types of human capital, the development and stages of theories about human capital.

**Keywords:** Human capital, labor resource, labor force, labor potential, human resources, human factor.

## КИРИШ

Инсон капитали тушунчаси XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб илм-фан соҳасига кенг қўлланила бошланди. Инсон капитали фан ва техника тараққий этган замонавий дунёда энг қимматга айланган ресурс ҳисобланади. Аммо ушбу тадқиқот йўналиши мураккаблиги сабабли жуда кўп ўрганилмаган масалаларга эга бўлиб, инсон капиталини барча кўринишлари баҳолаш ва уни ўлчашнинг услубий қийинчиликлари мавжуд. Шунингдек, ҳозирча турли услубий ёндашувларга эга ягона меъёрий-ҳуқуқий база ҳам мавжуд эмас. Замонавий дунёда юқори технологияларни ишлаб чиқиш ва янада ривожлантириш, барча соҳаларда инновацион маҳсулотлар ва технологияларни жорий этиш, иқтисодий ҳаёт янги инсон ресурсларини талаб қилади.

Интенсив илмий-техник трансформациялар шароитида тезда қарор қабул қилишга қодир бўлган ўз ишига ижодий ёндашадиган ва креатив фикрловчи

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00728

кадрларни тайёрлаш замон талабига айланди [2.11]. Кўп йиллар давомида бундай рақобатбардош устунлик фақат юксак технологияларга эгалик қилишда деб эътироф этиб келинди. Бундай ёндашув қайсидир маънода ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган, аммо технологиялар соҳасидаги кашфиётлар тезлик билан ўсиб бормоқда. Илғор тараққиёт даражасига эришган жамиятлар бошқа рақобатчилардан доимо олдинда бўлишлари учун бу технологияларни яратувчи юксак интеллектуал инсон капитали зарурлигини аллақачон англаб етишди.

Инсон капитали - бу одамлар ҳаёти давомида тўплаган билимлари, кўникмалари ва соғлиғи, бу уларга жамиятнинг фойдали аъзолари сифатида ўз салоҳиятларини рўёбга чиқаришга имкон беради. Яхшиланган овқатланиш, соғлиқни сақлаш, сифатли таълим, иш ўринларини яратиш ва малакаларини ошириш орқали одамларга сармоя киритиш инсон капиталининг ривожланишига ҳисса қўшади, бу ўта қашшоқликни тўхтатиш ва ижтимоий жиҳатдан бирлашган жамиятларни барпо этиш учун жуда муҳимдир [3.24].

Иқтисодий ўсиш ва ривожланиш ҳам инсон капиталига, ҳам моддий бойликларга, шунингдек самарадорликка таъсир қилувчи омилларга боғлиқ. Ушбу соҳаларга киритилган сармоялар бир-бирини тўлдиради ва мустаҳкамлайди. Инсоннинг унумдорлиги инфратузилма, ускуналар ва барқарор, яхши бошқариладиган иқтисодиёт каби моддий бойликларнинг мавжудлигига боғлиқ. Ўз навбатида, жисмонан соғлом ва билимли одамлар кўпроқ пул ишлашлари ва иқтисодиётнинг моддий бойликларига кўпроқ сармоя киритишлари мумкин.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Дастлаб, инсон капитали деганда фақат инсоннинг меҳнат қобилиятини оширадиган инвестициялар йиғиндиси - таълим ва касбий маҳорат тушунилган. Инсон капитали кенг маънода иқтисодий ривожланишнинг интенсив ишлаб чиқариш омили, жамият ва оила ривожи, билимлар, интеллектуал ва бошқарувчи меҳнат воситалари, аҳоли саломатлиги ва яшаш муҳити, замонавий малакали кадрларнинг юксак салоҳиятидир [3. 19].

Замонавий дунёда юқори технологияларни ривожлантириш, барча соҳаларда инновацион маҳсулотлар ва технологияларни жорий этиш, иқтисодий ҳаёт янги инсон ресурсларини талаб қилади. Постиндустриал жамиятларда интенсив илмий-техник ўзгаришлар, янги технологик асосни шакллантириш жараёнида замонавий технологиялар эмас, балки юксак

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00728

малакали ишчи кучи ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи омили сифатида эътироф этилмоқда. Узоқ йиллар давомида саноатлашган жамиятларда рақобатбардошлик техника ва технологиянинг устунлигида бўлиб келди. Бу ҳолат бугунги кунда ҳам маълум даражада ўз аҳамиятини йўқотмаган. Аммо бизнинг давримиздаги технологиялар рақобатчилар томонидан жуда тез кўчирилиши мумкин. Шунинг учун рақиблардан ҳар доим ярим қадам олдинда бўлиш учун, сиз доимо янги нарсаларни ишлаб чиқишингиз ва таклиф қилишингиз керак. Бу ўз навбатида интеллектуал инсон капиталига эҳтиёжни юзага келтиради.

Ҳозирги пайтда инсон капитали ва у билан боғлиқ тушунчаларнинг назарий масалалари С.А.Грачев, М.А.Гундорова, В.А.Мошнов, В.В.Адамчук, Г.Борягин, В.А.Галкина, Б.М.Генкин, М.М.Хайкин, А.Я.Кибанова, Г.С.Беккер, И.В.Грузков, А.В.Корицкий каби хорижий тадқиқотчи-олимлар томонидан атрофлича ўрганилган. Кейинги йилларда мамлакатимизда ҳам Қ.Х.Абдурахмонов, А.Ўлмасов, А.Ваҳобов, М.Саидов, И.А.Бакиева, М.Қ.Пардаев, Б.А.Абдукаримов, К.Саидов, М.Мухаммедов, Д.Асланова, Р.Сейтмурадов, С.Исхаковалар томонидан илмий изланишлар олиб борилиб, инсон капитали соҳасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу мақолада инсон капиталининг мазмун-моҳияти тадқиқ этилган бўлиб, анализ ва синтез, умумлаштириш, қиёсий таҳлил методларидан унумли фойдаланилди.

## НАТИЖАЛАР

Биринчи марта инсон капитали тушунчаси 1958 йилда америкалик иқтисодчи Жейкоб Минсер томонидан "Инсон капиталига инвестициялар ва шахсий даромадларни тақсимлаш" мақоласида қўлланилган. Кейинчалик 1961 йилда Теодор Шульц, 1964 йилдан эса Гари Беккерлар томонидан инсон капитали концепциялари ишлаб чиқилган. Инсон капитали назариясининг асосларини яратгани учун 1979 йилда Теодор Шульц, кейинроқ унинг шогирди Гари Бекер 1992 йилда Иқтисодиёт бўйича Нобел мукофотига сазовор бўлишган. 1971 йилда иқтисодиёт бўйича Нобел мукофотини олган Семён Кузнец инсон капитали назариясини яратишга катта ҳисса қўшди [6.43].

Инсон капитали назарияси институционал назария, неоклассик назария ва бошқа хусусий иқтисодий назариялар ютуқларига асосланади. Унинг пайдо бўлиши иқтисодий ва унга алоқадор фанларнинг реал иқтисодиёт ва ҳаётга бўлган талабларига жавоб тарзида шаклланган. Бу даврда шахснинг роли ва унинг интеллектуал фаолиятининг жамланган натижаларини жамият ва

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00728

иқтисодиётнинг ривожланиш суръати ва сифатига таъсирини чуқур англаш муаммоси мавжуд эди. Замонавий шароитда ривожланиш ва иқтисодий ўсишнинг ҳақиқий жараёнларини таҳлил қилиш замонавий иқтисодиёт ва жамият ривожланишининг асосий ишлаб чиқариш ва ижтимоий омили сифатида инсон капиталига талабнинг ортишига олиб келди.

Интеллектуал капитал назариясининг эволюциясини бир неча босқичларга бўлиш мумкин:

1. Классик - инсон ресурсларини баҳолаш ғоясининг пайдо бўлиши, давлатнинг иқтисодий ривожланишида малакали меҳнатнинг аҳамиятини тан олиш босқичи.

2. Неоклассик - иқтисодий капитал ва максимал иқтисодий хатти-ҳаракатлар концепцияларининг пайдо бўлиш босқичи.

3. Ҳозирги (замонавий) - интеллектуал капитал концепциясини кенгайтириш, назарий қоидаларни эмпирик натижалар билан тасдиқлаш босқичи [2. 7].

Ҳозирги вақтда инсон капитали қийматини баҳолайдиган жуда кўп усуллар мавжуд бўлиб, уни баҳолаш турли иқтисодий даражаларда амалга оширилади:

- *микро-даража* – индивидуал инсон капитали ҳамда корхоналар ва фирмалар даражасидаги инсон капитали;

- *мезо-даража* – муайян минтақа ва йирик корпорацияларнинг инсон капитали;

- *макро-даража* - миллий иқтисодиёт (жамият) миқёсидаги жами инсон капитали;

- *мега-даража* - глобал, жаҳон миқёсида бирлашган инсон капитали [6. 23].

Юқоридаги фикрлардан хулоса қиладиган бўлсак, инсон капитали - инсон ва умуман жамиятнинг хилма-хил эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланиладиган билимлар, малакалар ва кўникмалар тўпламидир.

Инсон капитали турли мезонларга кўра таснифланади:

1. Инсон капиталидан чекланган фойдаланиш даражаси бўйича қуйидагиларга бўлинади:

- *умумий инсон капитали* - бу билим ва кўникмалар қаерда олинишидан қатъий назар, улар бошқа иш жойларида ҳам ишлатилиши мумкин;

- *махсус инсон капитали* - билим ва кўникмалар айнан шу соҳа учун ишлатилади ва қийматга эга бўлади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00728

2. Харажат элементлари бўйича:
- *таълим капитали;*
- *соғлиқни сақлаш капитали;*
- *ахборот капитали*.

3. Кўпайиш жараёни билан боғлиқ кўринишлари:
- *истеъмолчи;*
- *ишлаб чиқарувчи;*
- *интеллектуал*.

4. Шаклланиш ва тўпланишнинг асосий шакллари бўйича:

- *соғлиқни сақлаш капитали* - ҳар бир касб учун зарур бўлган жисмоний куч, чидамлилик, меҳнат қобилияти, касалликларга қарши иммунитет, фаол меҳнат фаолияти.

- *меҳнат капитали* - иш қанчалик қийин бўлса, малака, кўникма ва тажрибага талаблар шунчалик юқори бўлади.

- *интеллектуал капитал* - интеллектуал, ижодий фаолият, ҳанузгача инсоннинг ўзига хос хусусияти бўлган ақл, зукколик, топқирлик.

- *ташкилий ва тадбиркорлик капитали* - самарали бизнес ғояларини ривожлантириш қобилияти, тадбиркорлик руҳи ва қатъиятлилиги, ташкилотчилик қобилиятлари, тижоратга эгалик сирлари;

- *маданий ва ахлоқий капитал* - ишбилармонлик ахлоқи, одоб-ахлоқ, маънавиятлилик, ўзини тутиш қоидаларига риоя қилиш, қонунга итоаткорлик ва бошқалар.

## МУҲОКАМА

Инсон капитали кенг маънода - иқтисодиёт, жамият ва оила ривожланишининг интенсив ишлаб чиқарувчи омили, шу жумладан ишчи кучининг билим ва малакали интеллектуал қисми, бошқарувчи меҳнат воситалари, атроф-муҳит ва меҳнат фаолиятларининг йиғиндисидир. Инсон капиталига қисқача - ақл, соғлиқ, билим, сифатли ва самарали меҳнат ва ҳаёт сифати деб таъриф бериш мумкин.

Капиталнинг жисмоний капитал, молиявий капитал, табиий капитал, интеллектуал капитал ва инсон капитали ҳамда капиталнинг баъзи бошқа турларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Миллий бойликка жисмоний, инсоний, молиявий ва табиий капиталлар киради. Инсон капитали аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини яхшилаш, интеллектуал фаолиятга сармоялар киритиш орқали шакллантирилади. Шу жумладан - таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00728

илм-фан, ишбилармонлик қобилияти ва иқлими, меҳнатни ахборот билан таъминлаш, самарали элитани шакллантириш, фуқаролик, бизнес хавфсизлиги ва иқтисодий эркинлик, шунингдек маданият соҳасида, бадиий ва бошқа таркибий қисмлар воситасида ҳам ривожлантирилади.

Инсон капиталини бошқа давлатлардан кириб келган малакали кадрлар ва маблағлар ҳисобига ҳам шакллантириш мумкин. Инсон капитали жамият ҳаётининг барча соҳаларида меҳнатнинг сифати ва унумдорлигини оширишга ҳисса қўшади ва қўллаб-қувватлайди. Инсон капитали ривожланишининг асосий омиллари рақобат, сармоя ва инновациялардир.

Миллий инсон капитали - мамлакат миллий бойлигининг ажралмас қисми бўлган инсон капиталидир. Миллий инсон капитали ижтимоий ва сиёсий капитални, шунингдек, миллий интеллектуал устуворликлар, миллий рақобатбардош устунликлар ва миллатнинг табиий салоҳияти ўз ичига олади.

Миллий инсон капитали қиймати - инвестициялар, дисконтлаш ва бошқа усуллар билан ҳисобланади. Миллий инсон капиталининг хусусиятлари жаҳон цивилизациялари ва дунё давлатларининг тарихий ривожланишини белгилаб берди. XX асрнинг иккинчи ярми ва XXI асрнинг биринчи чораги миллий инсон капитали иқтисодиёт ва жамият ривожланишининг асосий интенсив омили бўлиб қолмоқда.

Инсон капитали самарадорлик даражасига кўра ишлаб чиқарувчи омил сифатида салбий инсон капитали (ҳалокатли) ва ижобий (ижодий) инсон капиталига бўлиниши мумкин.

Салбий инсон капитали - бу жамғарилган инсон капиталининг бир қисми бўлиб, у жамият, ва иқтисодиётга фойда келтирмайди, аҳолининг турмуш даражаси ўсишига, жамият ва шахснинг ривожланишига тўсқинлик қилади. Ҳар доим ҳам таълим ва тарбияга киритилган сармоя фойда беравермайди. Тузатиб бўлмайдиган жиноятчи ва қотиллар - бу жамият ва оила учун йўқотилган сармоядир. Салбий инсон капиталининг ортиб боришига порахўр амалдорлар, жиноятчилар, гиёҳвандлар, ҳаддан ташқари спиртли ичимликка ружу қўйган кимсалар, дангаса ва ўғрилар катта ҳисса қўшмоқда.

Салбий инсон капиталининг кўпайишига миллатнинг фаол қисми - унинг элитаси катта ҳисса қўшиши мумкин, чунки айнан улар мамлакатни ривожлантириш сиёсати ва стратегиясини белгилайдилар, миллатни тараққиёт йўлига олиб чиқади ёки турғунлик ёки инқирозга бошлайди. Салбий инсон капитали билим ва тажрибанинг моҳиятини ўзгартиришни, шунингдек инсон капиталига қўшимча сармояларни талаб қилади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00728

Таълим жараёнини, инновацион ва инвестиция салоҳиятини ўзгартириш, аҳолининг менталитети ва маданиятини юксалтириш учун ислоҳотларни амалга ошириш керак бўлади. Йиғилган салбий инсон капитали бифуркация даврида ўзини тўлиқ намоён қила бошлайди.

Ижобий инсон капитали (ижодий ёки инновацион) тараққиёт ва ўсиш даврида унга қўйилган инвестицияларнинг фойдали даромадини таъминлайдиган инсон капитали сифатида тавсифланади. Ижобий инсон капитали таълим тизимини ривожлантиришда, билимларнинг ўсиши, илм-фаннинг ривожланиши, аҳолининг соғлиғини яхшилаш, ахборот сифати оширишда ўзининг беқиёс ҳиссасини қўшади.

Пассив инсон капитали - мамлакат тараққиётига, инновацион иқтисодиётга ҳисса қўшмайдиган, асосан моддий неъматларни ўзи истеъмол қилишга қаратилган инсон капитали.

Инсон капиталини қисқа вақт ичида ўзгартириш мумкин эмас, айниқса кўп миқдорда тўпланган салбий инсон капитали билан мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш катта қийинчиликларни вужудга келтиради.

## ХУЛОСА

Билим энг катта хазина бўлиб, уни ҳеч бир бойлик билан қиёслаб бўлмайди. Буюк аждодимиз Исмоил ал-Бухорий томонидан “Дунёда илмдан ўзга нажот йўқ ва бўлмагай” деб бежизга айтилмаган. Жаҳон тараққиётида интеллектуал салоҳият муҳим аҳамият касб этиб, билимли ва малакали инсоннинг кучига бўлган талаб тобора кучайиб бормоқда. Чунки дунёда юксак илмий-технологик кашфиётларни ана шундай салоҳияти баланд кадрлар яратади. Шунингдек, ҳар қандай кашфиётлардан фақат инсон манфаатлари, унинг бахт-саодати йўлида фойдаланмоқ лозим.

Бугунги глобаллашув жараёнида инновация ҳар қандай мамлакатнинг энг муҳим стратегик ресурсларидан биридир. Ижтимоий-иқтисодий муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш, янги саноат ва молиявий технологияларни жорий қилиш, инновация-инвестиция инфратузилмасини ривожлантириш, интеллектуал салоҳиятни юксалтириш, экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш, импорт ўрнини босиш, валюта захираларини тўплаш маълум даражада инновацион фаолият билан боғлиқдир.

Ҳақиқатан ҳам, инсон капиталини ривожлантирмасдан туриб, инновацион тараққиётга эришиш мумкин эмас. Таниқли иқтисодчи олимларнинг фикрича, инсон капиталига инвестиция киритишга нисбатан

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00728

бепарволик мамлакат рақобатбардошлилигини кескин пасайтириб юбориши мумкин. Мамлакат иқтисодий жиҳатдан тараққий этиши учун истеъдодли одамларни тарбиялаш талаб этилади [4.1].

Инсон капитали XXI асрда инсониятнинг, ҳар бир давлатнинг тақдирини белгилайдиган мезонга айланди. Ҳозир ахборот технологияларидан тезкор суръатларда фойдаланиш даври. Олимлар яқин ўн-ўн беш йилда бу даврнинг тугашини башорат қилмоқдалар. Цивилизациянинг учинчи босқичи умуммаданий ёки интеллектуал-маънавий босқич бўлиши мумкин [5.1].

Йиллар давомида моддий-табиий ресурслар, иқтисодиётнинг саноат ва аграр секторлари, олтин, валюта захираси ва бошқалар миллий бойликнинг доимий камайиб борувчи қисмига айланади. Баъзи экспертларнинг фикрича, улар 2030 йилга келиб, ривожланган мамлакатлар миллий бойлигининг 10 фоизига ҳам тенглашолмайди. Бошқача айтганда, интеллектуал-маънавий омил миллий бойликнинг ҳал қилувчи шарти бўлиб, давлат қудратининг энг муҳим кўрсаткичи ва жамиятнинг ривожланганлик даражасини белгилайди [5.3].

Ўзбекистонни ривожланган давлатлар қаторига кўтариш учун улкан қудрат, катта салоҳият керак. Бу куч нимада? Бу куч ва салоҳият миллатимизнинг инсон капиталида. Ҳар бир одамнинг нималарнидир билишида, нималарни қандай ўқув ва малака билан бажара олишида, Ватанига, халқига нисбатан чексиз садоқатида. Фуқаролик жамиятини қўллаб-қувватлашга киритиладиган ҳар бир инвестиция кишиларнинг креативлигини, қонунларга бўйсунишини таъминлайди. Жамиятда кўтаринкилик муҳити юзага келади, конструктив ва рационал дунёқараш шаклланади. Ҳаёт сифатини оширувчи нодавлат институтлар пайдо бўлади. Одамлар соғлом турмуш тарзига ўрганади. Буларнинг барчаси халқимизда келажакка ишонч кайфиятини пайдо қилади, ҳаёт сифатини юксалтиради.

## REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Т., 29.12.2020.
2. С.А.Грачев, М.А.Гундорова, В.А.Мошнов. Инвестиции в человеческий капитал. Владимир., 2016.
3. И.Н.Шапкин. Человеческий капитал: теория, исторический опыт и перспективы развития. Москва., 2017.
4. Д.Шоумаров. Инсон капитали ўз-ўзидан юзага чиқмайди. uzlidep.uz/news-of-party/3127., 04.10.2018.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00728

5. М.Қуронов. Инсон капитали мактабда яратилади. Маърифат газетаси, 23.07.2018.
6. Я.И.Кузьмин, Л.Н.Овчарова, Л.И.Якобсон. Как увеличить человеческий капитал и его вклад в экономическое и социальное развитие. Москва. 2018.
7. Akhatov, L.K., Rasulov, A.N., Mirzorakhimov, O.K., Sharipov, M.L., & Ibrokhimov, F.A. (2020). The Outlookings of Religious and Sufism in Teaching of Abdurakhman Jami. *Journal of Critical Reviews*, 7(17), 112-116.
8. Шарипов М.Л. (2020). “Ёшлар маънавиятини юксалтиришда Ҳусайн Воиз Кошифий ахлоқ фалсафасининг аҳамияти”. *Муғаллим ҳем узликсиз билимлендириў*. № 1-1. 94-98.
9. Мирзохид Шарипов. (2020). “Тарихни ўзгартирган буюк соҳибқирон”. *Тамаддун нури*. № 2. 14-17.
10. Шарипов М.Л. (2020). Марказий Осиё мутафаккирларининг илмий мероси, уларнинг илм-фан ҳамда жаҳон цивилизацияси тараққиётидаги роли ва аҳамияти. "*Science and Education*" Scientific Journal. Volume 1 Special Issue. 157-172.
11. Шарипов М.Л. (2020). Коррупцияни юзага келтирувчи омиллар ва унинг оқибатлари. *"Science and Education"* Scientific Journal. Volume 1 Issue 5. 263-270.
12. Hojiyev Rasulbek Boynazar o`g`li, Xolmo`minov Gofur Bobonazarovich & Sharipov Mirzohid Latipovich. (2020). “Raising a harmoniously developed generation is a priority of democratic reforms in Uzbekistan”. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences.* Vol. 8 No 5, Part II. 1-3.
13. Шарипов М.Л. (2020). Коррупция ва у билан боғлиқ жиноятларнинг инсон ва жамият ҳаётига таҳдидлари. «Academic research in educational sciences». Volume 1. Issue 4. 50-58 – бетлар.
14. Кошанова Н.М. Оила ва мураббий манфаатли ҳамкорлигининг таьлим сифатини оширишдаги аҳамияти. //Academic Research in Educational Sciences, 1 (3), 2020. 32-41-бетлар
15. Mardonov S., Toshtemirova S., Ahmadjonov B, Koshanova N. Structure and Mechanisms of Action of The Edcatcional cluster. // International Journal of Psychologial Rehabilitation,Vol.24,Issue 07,2020. 8104-8111
16. Koshanova N. Teacher actions in professional direction school (according to the educational cluster) //European Science review. № 3-4 2020. htpps://doi.org/10.29013/ESR-20-3.4-24-26.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00728

17. Кошанова Н.М. Халқимиз ҳаётидаги зардуштийлик таълимоти билан боғлиқ анъана маросимлар. Тамаддун нури. Илмий, ижтимоий-фалсафий, маданий-маърифий, адабий-бадиий журнали. Қорақалпоғистон Республикаси, 2020.1-сон – Б. 37-40
18. Абдурауф Фитратнинг “Оила ёки оилани бошқариш тартиблари” асарида миллий тарбия масаласи. Илм сарчашмалари. илмий–методик журнали. Урганч. 2020. 7-сон. 44-47
19. “Умумтаълим мактабларида синф мураббийлари фаолияти самарадорлигини ошириш механизмлари”. Замонавий таълим илмий –амалий оммабоп журнали. 2020. 2-сон. 28-33-б.
20. Koshanova N.M. Teacher Actions in professional Direction of secondary school children(assording to the educatsional cluster) European Science Review Scientific journal №3-4 2020 (March-April) 24-26p

ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 4 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00729

# ОИЛАДА МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ МАКТАБ ТАЪЛИМИГА ТАЙЁРЛАШДА ОТА-ОНАЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИШ МЕТОДИКАСИ

**Мунаввар Абдуллаевна Шералиева**
Термиз давлат университети ўқитувчиси

## АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Оилада мактабгача ёшдаги болаларни мактаб таълимига тайёрлашда ота-оналарнинг педагогик-психологик саводхонлигини ошириш методикаси хақида сўз боради.

**Калит сўзлар.** Педагогика, ёш, мактаб, оила, психология

# METHODOLOGY OF INCREASING PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL LITERACY OF PARENTS IN PREPARATION OF PRESCHOOL CHILDREN FOR SCHOOL EDUCATION IN THE FAMILY

## ABSTRACT

This article discusses the methods of increasing the pedagogical and psychological literacy of parents in the preparation of preschool children for school education in the family.

**Keywords:** Pedagogy, age, school, family, psychology

## КИРИШ

XIX асрнинг 80-90 йилларига келиб Марказий Осиёда болалар мактабгача ижтимоий тарбияси гоялари етилди. Уша даврда тараккийпарвар махаллий зиёлилар мехнаткаш аёлларнинг огир ахволини ва болалар назоратеизлигини Кўриб, уларнинг кисматини енгиллаштиришга интилади. Бу зиёлилар вакиллари 1872 йилда Туркистонда тузилган “Жамията хайрия” таркиб ига кирган эди. “Жамияти хайрия” томонидан мискинлар уЙлари, тунаш жойлари, тугрук жойлари билан бир каторда ота-онаси булмаган болалар учун етимхонларни ташкил этди. Бу етимхоналар оз сонли болаларни бутун Туркистонда тахминан 150-200 кишини Уз ичига олди. Ушбу етимхоналар ясли ёшдаги болалардан тортиб, мактаб ёшидаги болаларни хам камраб олган. 1896 йилда Туркистонда воситалар кенгаши камбагалларнинг болалари учун “ясли”лар деб аталадиган муассасаларни туза бошлади. Яслиларга атак-чечак

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00729

кила бошлаган болалар кабул килинган ва мактабга кетгунга кадар тарбияланган болалар кун буйи болалар яслида булишар ва уч марта овкатлантирилар эди. Ясли ишларини назоратчи аёл бошкарган, хизмат килувчи ходимлар хам булган.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Бу муассасада болаларни дуолар ўқишга (дуогуйликка), оддий ўқишга, ёзишга, санашга, туқишга, тикишга ва бошка ҳунарларга ўргатилган. Бутун ўлка буйлаб шундай яслилардаги болалар сони 50-60 боладан ошмас эди, Туркистонда камбағалларнинг болалари учун Тошкент, Самарканд, Сирдарё, Наманган шаҳарларида еттихоналар ташкил этилган. Имтиёзли синфларнинг болалари учун 1891 йилда “Богдорчилик” жамияти томонидан Тошкент истирохат богида мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар учун “Болалар майдончаси” туридаги биринчи болалар богчалари очилди. Болалар богчаси учун истирохат боги майдонидан серсоя жой ажратиб берилди. Майдончада аргимчок, кайиклар, катта аргимчок (устунга осилган) урнатилди ва хилма-хил уйинчоклар тайёрланди. Майдончада гулзор катта уринни эгаллаб, болалар узлари усимликларни парвариш килишарди. 1891-1903 йиллар давомида маблаг йуклиги сабаблибогча бир неча марта ёпилган.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Таълим-тарбияга оид илгор гояларнинг таъсири остида Тошкентда 1903 йил февраль ойида “Оилавий таълимтарбиявий тугараги” ташкил килинди. Тугарак ҳарбий министрлик ва Халк маорифи томонидан тасдикланган Устав асосида иш бошлади. У уз олдига куйидаги вазифаларни:

1. Болаларга таълим-тарбия бериш усулларини ривожлантириш ва такомиллаштиршцда ёрдам бериш;
2. Педагоглар билан ота-оналарни ва болалар тарбияси ишини бошкарадиган кишиларни(оила, мактаб ва болалар богчасининг ягона тарбиявий таъсир этишини белгилаш максадида) бир-бирларига якинлаштиришни куяди. Бу тугаракда мактабгача секцияси хам фаолият курсатган. Таълимтарбия тугараги юзага келгунга кадар болалар богчасининг тарбиявий ишида муайян педагогик тизим йук эди, шу сабабли тугарак аъзолари болалар тарбияси билан боглик масалаларни мухокама килишар эди. Бола шахеининг ривожланиши инсон ижтимоий мавжудотдир, деган фалсафий таълимотга асосланади. Айни вактда инсон тирик, биологик мавжудот хамдир.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00729

Демак, унинг ривожланишида табиат ривожланишининг конуниятлари хам мухим ахамиятга эга. Шунингдек, шахе бир бутун мавжудот сифатида бахоланар экан, унинг ривожланишига биологик ва ижтимоий конуниятлар биргаликда таъсир этади, уларни бир-биридан ажратиб булмайди. Чунки шахснинг фаолияти, хаёт тарзига ёши, билими, турмуш тажрибаси билан бирга бопща фожиали холатлар, касалликлар хам таъсир этади. Инсон бутун умри давомида узгариб боради. У хам ижтимоий, хам психик жихатдан камолга етади, бунда болага берилаётган тарбия максадга мувофик булса, у жамият аъзоси сифатида камол топиб, мураккаб ижтимоий муносабатлар тизимида узига муносиб урин згаллайди. Чунки ривожланиш тарбия таъсири остида боради. Шахснинг фазилатларини тугри куриш ва бехато бахолаш учун уни турли муносабатлар жараёнида кузатиш лозим. Демак, шахсни ривожлантириш вазифасини тугри хал этиш учун унинг хулкига таъсир этувчи омиллар, шахе хусусиятларини яхши билиш зарур. Тарбия болага самарали таъсир этиши учун усиш ва ривожланиш шахе сифатида ривожланиб, тараккий этиб бориши, унинг шахе булиб камолга етишида наел (биологик омил), ижтимоий мухит (бола яшайдиган шароит), шунингдек, максадга мувофик амалга ошадиган тарбия хам бирдек ахамиятга эга. Бу омилларнинг таъеирини аниклашда илгор педагогик одимлар, психолог ва файласуфлар таълимотига суянилади. Фалсафада шахсни жамият билан боглик булган ижтимоий хаётдаги мураккаб вокелик деб карал ади. Улар индивиднинг маънавий бойлиги унинг муноеабатларига боглик, деб хисоблайди. Хакикатдан хам, шахе мехнат фаолияти таъсирида ривожланади, камолга етади. Инсон шароитни, шароит эса одамни яратади. Бу эса уз навбатида инсон фаоллигини намоён этади. Зеро, шахе маълум ижтимоий хаёт махсулидир. Жамият шахе камолотининг муайян имкониятларини руёбга чикаришиёки йук килиши мумкин. Шахснинг шаклланишига ижтимоий мухит хам таъсир курсатади. Ижтимоий мухитнинг шахснинг шаклланишига таъсири тарбия асосида кечади. Зеро, биринчидан, тарбия таъсирида мухит бера олмаган билим, маълумот эгалланади, мехнат ва техник фаолият билан боглик куникма ва малакалар хосил булади. Иккинчидан, тарбия туфайли тугма камчиликлар хам бартараф этилиб, шахе камолга етади. Учинчидан, тарбия ёрдамида мухитнинг салбий таъеирини хам йукотиш мумкин. Туртинчидан, тарбия келажакка каратилган максадни белгилайди. Демак, тарбия билан ривожланиш бир-бирига таъсир этади, бундай тарбия доимий ва узлукеиздир. Шундай килиб, бола шахеининг ривожланишида тарбия хам етакчи Принта эга булиб, тарбия туфайли насл-насаби, оила мухити,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00729

ижтимоий мухит таъсирида хар томонлама ривожланишга кодир, деган хулосани чикариш мумкин. Замонавий педагогикада шахе шаклланишига дойр турт ендашув карор топтан:

1. Биологик ёндашув - инсон табиий мавжудот булиб, унинг бутун хатти-харакатлари тугма инстинкт ва эхтиёжлар натижа-сидир. Инсон жамият талабларига буйеунишга мажбур, шу билан бирга табиий эхтиёжларини хам намоён килиб боради.

2. Ижтимоий ёндашув - инсон биологик мавжудот сифатида тугилади, факат хаётий фаолияти давомида бошкалар билан доимий мулокот ва ижтимоий гурухдарнинг таъсири остида ижтимоийл ашдди.

3. Психологик ёндашув - инсондаги психик жараёнлар (сезги, идрок, фикрлаш кабилар) табиий тавсифга эга, инсоннинг йуналганлиги - кизикишлари, крбшшятлари ижтимоий ходиса саналади.

4. Яхлит ёндашув - шахе яхлит тавсифга эга булиб, унинг ривожига нафавдт унинг фаолиятидаги узига хосликлар, балки турмуш тарзи хам таъсир курсатади. Шу билан бирга ижтимоий хаёт натижалари - мотив, максад, кизикиш кабилар хам унинг ривожланишида мухим роль уйнайди. Муайян бир ёш даврига хос булган анатомик, физиологик (жисмоний) ва психологик хусусиятлар ёш хусусиятлари деб аталади. Ана шу ёш хусусиятларни хисобга олган холда таълим ва тарбия иши ташкил этилади. Шунда бола ривожланишига тарбия таъсири кучли булади.

## ХУЛОСА

Болаларнинг тарбиясига тугри ёндашиш, уни муваффакиятли укитиш учун бола ривожланишидаги турли ёшдаги даврларига хос хусусиятларни билиш ва уни хдеобга олиш мухимдир. Чунки бола организмининг усиши хам, ривожланиши хам, психик таракдий этиши хам турли ёш даврларида хилма-хил булади. Абу Али ибн Сино, Ян Амос Коменский, К.Д.Ушинский, Абдулла Авлонийлар хдм болани тарбиялаш зарурлигини уктириб уттан. Боланинг узига хос хусусиятини хисобга олиш жуда мураккаб. Чунки бир хил ёшдаги болалар хам психик жихатдан турлича булиши мумкин. М: куриш ва эшитиш кобюшяти, фаоллиги, тез англаш, суст фикр юритиши, ховликма ёки вазминлиги, сергап ёки камгаплиги, сергайрат ёки гайратсизлиги, ялков ёки тиришкокдиги, пала-партиш ва чала ишлайдиган, йигинчоклиш ёки ишга тез киришиб кетиши кабилар нерв фаолияти тизимининг таъсири булиб, тарбиячи уларни билиши зарур. Боланинг индивидуал, узига хос хусусиятини билиш

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00729

учун темпераментнинг умумий типлари ва боланинг узига хос хусусиятини урганиш методикасини билиш мухим. Темперамент (лот. “temperamentum” - кисмларнинг бир-бирига муносабати) шахснинг индивидуал психологик хусусиятлари мажмуидир.

Мактабгача ёшдаги боланинг жисмоний ва психик камолоти шартли равищда куйидаги даврларга булинади:

- гудаклик (1 ёшгача);
- болалик ёши (1-2 ёш);
- илк ёш гурухи (2-3 ёш); - кичик ёш (3-4 ёш);
- урта ёш (4-5 ёш); - катта ёш (5-6 ёш);
- мактабга тайёрлов даври (6-7 ёш)

## REFERENCES

1. Каримов И.А.Баркамол авлод орзуси / Туз.: Ш.Курбонов, ХСаидов, Р.Ахдиддинов. Нашр учун масъул: Т.Рискиев. - Т.: “Шари” НМК Бош тахририяти, 1999. - 182 б.
2. Каримов. И.А. Баркамол авлод - Узбекистан тараккиётининг пойдевори. - Т.: “Узбекистон”, 1997. -6 2 б.
3. Кариме®. И.А. Жах,он молиявий-иктисодий инкирози, Узбекистон шароиттада уни бартараф этишнинг йуллари ва чоралари. -Т .: “Узбекистан”, 2009. - 56 б.
4. Каримов И.А. Юксак малакали мутахассислар - тараккиёт омили. - Т.: “Узбекистон”, 1995. -2 4 б.
5. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. - Т.: “Маънавият”, 2008. - 173 б.
6. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. - Т.: “Узбекистон”, 1997. - 138 б.
7. Узбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури / Баркамол авлод - Узбекистон тараккиётининг пойдевори. - Т.: “Шарк” нашриёт-матбаа концерни. 1997. - Б. 20-29.
8. Узбекистон Республикасининг “Таълим тугрисида”ги Конуни / Баркамол авлод - Узбекистон тараккиётининг пойдевори. - Т.: “Узбекистон”, 1997. - Б. 31-61.
9. Узбекистон Республикасининг Мактабгача таълим концепцияси. - Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2011. - 40 б.
10. Болажон таянч дастури, - Т. : “Sano-standart”, 2010. - 229 б

ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 4 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00730

# УПОТРЕБЛЕНИЕ ФРАЗЕОЛОГИЗМОВ И ИХ СИНТАКСИЧЕСКАЯ ФУНКЦИЯ

**О. К. Мирзорахимов**
Ташкентская область Чирчикский государственный педагогический институт

## АННОТАЦИЯ

В статье дана информация о использовании фразеологизмов и их синтаксических функциях.

**Ключевые слова:** фразеологизмы, мудрость, основной, стилистические, словосочетание, слова, единица.

# USE OF PHRASEOLOGISTS AND THEIR SYNTAXIC FUNCTION

## ABSTRACT

The article provides information on the use of phraseological units and their syntactic functions.

**Keywords:** phraseological units, wisdom, basic, stylistic, phrase, words, unit.

## ВВЕДЕНИЕ

Фразеологизмы – своеобразные микромиры, они содержат в себе и нравственный закон, и здравый смысл, выраженные в краткое изречении, которые завещали предки в руководство потомкам. Это душа всякого национального языка, в которой неповторимым образом выражаются дух и своеобразие нации.

Язык любого народа – это его историческая память, воплощённая в слове. Родной язык - душа нации. Фразеологизм – это устойчивые сочетания, образующие смысловые единство и выполняющие функцию отдельного слова. Слова, составляющие фразеологизм, все вместе значат совсем не то, что они же значат по отдельности. Именно они очень осложняют изучение, а особенно понимание иностранных языков – ведь порой, даже зная язык на приличном уровне, при общении с его носителем, употребляющим подобные выражения, понять смысл фразеологизмов бывает непросто. Особенности фразеологизмов ещё в том, что они, как правило, имеют исторические или литературные корни. В свободных словосочетаниях одно слово можно заменить другим, если оно подходит по смыслу (ср: читаю книгу, просматриваю книгу, читаю роман,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00730

Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00735

protagonists, to create a realistic image of life, and, accordingly, the artistic and methodological value of phrases describing the person, and that these compounds are a means of artistic speech. At the same time, comments on the linguistic syntactic features, general and specific patterns of these speech derivatives are reflected in the article.

**Keywords:** Language, speech, word, linguistic-syntactic pattern, speech product, phrase, style, image, artistic style.

## KIRISH

Badiiylik, boshqacha qilib aytganda, badiiyat bu go‘zallikning kalom ko‘rinishi bo‘lib, uning yorqin namunasi so‘z san’atidir. Butun mavjudotning, xususan, insonning tuzilishi, yurish-turishida qanchadan qancha yetuklik, jumladan, go‘zallik bor. Ammo tabiiy go‘zallikdan tashqari yana inson vujudga keltiradigan sun’iy go‘zallik ham mavjud. Hunarmand-u san’atkorlar buyumlarga, inshootlarga go‘zal tus beradilar. Usta dehqonlar go‘zal bog‘-u rog‘larni bunyod etadilar. Kuychilar kuy, ashulachilar ashula, raqqoslar raqs yaratadilar. Mana shularning hammasi va ularning go‘zalligi til vositasida aks ettiriladi. Bu tilning go‘zallikni ifodalashdagi xizmatidir. Lekin tilning o‘zidan ham go‘zallik moddasi sifatida, xususan, qalam-u so‘z ahli va umuman xalq foydalanadi. Chunki til yetuk hodisalardan bo‘lib, unda go‘zallik uchun zarur bo‘lgan hamma sifatlar mavjuddir. Til ilmining nuktadoni A.Rustamiy ta’biriga ko‘ra: “birinchidan, til tabiat va insondagi mavjud go‘zallikni aks ettirish vositasi bo‘lib, ikkinchidan, tilning o‘zi go‘zallikni vujudga keltiradi”[4,17]. Tabiiyki, shoir-u yozuvchilar hamda oddiy xalq orasidagi minglab chechanlar tilning mazkur ikki jihatining biridan yoki har ikkisidan birdek foydalanadilar va shu bilan o‘quvchi yoki tinglovchiga rohat bag‘ishlaydilar.

## ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Shunisi muhimki, tilning go‘zallik javhari sifatida badiiy voqelanish imkoniyatlarini to‘la-to‘kis aks ettiradigan va uning yetuklik darajasini ko‘z-ko‘z qiladigan badiiy asarlar hamma vaqt barmoq bilan sanarli bo‘ladi. Zero, san’atning boshqa turlarida bo‘lgani kabi adabiyotda ham “san’at asari” va “shoh asar” degan sharafli nomga kamdan kam badiiy asarlar munosib bo‘lgan. Fikrimizning dalili o‘laroq Abdulla Qodiriyning “O‘tgan kunlar” romani, Cho‘lponning “Kecha va kunduz” romani, Oybekning “Navoiy” romani qatorida Abdulla Qahhorning “Sarob” romani qissa va hikoyalarini faqat nasriy so‘z san’atining go‘zal namunalari sifatida ko‘rsatish mumkin. O‘zbek adabiyotida zamonaviy nasrning bu kabi go‘zal

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00735

namunalari tahlili boshqa bahs va munozaralarning mavzusi bo‘lib, maqola markaziga qo‘yilgan shaxsni tafsiflovchi so‘z birikmalarini Abdulla Qahhor “Sarob” romani asosida o‘rganilishiga e’tiborimizni qaratamiz. Shuning uchun tahlilni shaxsni tavsiflovchi so‘z birikmalarining badiiy-uslubiy qimmatini aniqlashga imkon beruvchi Abdulla Qahhor nasriy asarlarida qo‘llangan shaxsni tavsiflovchi so‘z birikmalarini tahlil qilish asosida davom ettirish maqsadga muvofiqdir.

Xudodod iste’dod sohibi bo‘lgan Abdulla Qahhor badiiy ijod – so‘z sehriga o‘ta mas’uliyat bilan nihoyatda jiddiy qaragan adib. Hayotda o‘ta kamgap bo‘lgan Abdulla Qahhor hikoya, qissa va romanlarda ham har bir so‘zni tejab, sayqallab va ma’no tovlanishlarini chuqur o‘ylab ming bir andisha bilan gap tuzsa, xalq tilining uchida turgan dard, armonlari, el ichida maddalab yotgan nafrat va o‘kinchini, bo‘ysundirilgan isyon tuyg‘ularini, uyg‘onishga mahtal qalb iztiroblarini juda teran anglagan. Shunday ekan, 1934 yilda yozib tugatilgan “Sarob” romani adibning har bir so‘zni tejab, sayqallab va ma’no tovlanishlarini chuqur anglaganligini asar kontekstida qo‘llangan shaxsni tavsiflovchi birikmalar tasdiqlay oladimi? Buni “Sarob” romani kontekstidagi shaxsni tavsiflovchi birikmalar tahlili orqali aniqlash mumkin. Romanning dastlabki sahifalaridayoq quyidagi jumlalarda aks etgan shaxsni tavsiflovchi birikmalar diqqatni tortadi:

1. Jon **Rahimjon uka**, o‘rgilay...[5,39].
2. Bu odam shu kunlarda adabiyot maydonida o‘zining tanqidlari bilan javlon urgan **tanqidchi Abbosxon** edi [5,50].

## MUHOKAMA VA NATIJALAR

Kitobxon “Sarob” romanini o‘qir ekan, dabdurustdan Saidiyning ismini anglab yetmaydi. Asar muallifi bosh qahramon haqidagi tasavvurni asta-sekin shakllantirib boradi: Saidiy universitetda o‘qiydi, demak, bosh – qahramon universitet talabasi. Saidiy daf’atan topib, yo‘qotgan gavhar – Munisxon bilan jonlangan dastlabki epizodlarda kitobxon bosh qahramon hayotiga tobora chuqurroq kiradi. Ammo uning ismi Rahimjon ekanligini va uning opasi borligini yozuvchi “Jon **Rahimjon uka**, o‘rgilay...” jumlasida ifodalaganki, Saidiy hayotida opasidan bo‘lak yaqini yo‘qligi ma’lum bo‘ladi. Chunki opasi tilidan yolvorib aytilgan “Hech bo‘lmasa pochchang yo‘q vaqtlarda ham bormaysan...Ikkovimiz qoldik. Boshqa kimimiz bor?..” gaplari Saidiyni tanishtirish uchun yetarli. Zero, muallif tanlagan siqiq, ixcham shakl, biroq sezgir aql va tuyg‘u bilan ilg‘anadigan teran mazmun muvofiqligida opaning kimligi va uning ismi noma’lum axborot mavjud bo‘lsa ham, muhim xabar **Rahimjon uka** birikmasi orqali etkaziladi. Umumxalq tilida keng iste’mol qilinuvchi **Rahimjon uka**

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00735

tipidagi birikmalar A.Qahhor asarlari tilida, xususan, Qahhor qahramonlari tilida tabiiylik va xalqchillikning jonli ifodasiga aylangan.

Saidiy xarakterini aniqlashtiruvchi maorif uyi bilan bog‘liq voqeada yozuvchi qorni chiqqan yo‘g‘on gavdali notiqni “bu odam shu kunlarda adabiyot maydonida o‘zining tanqidlari bilan javlon urgan **tanqidchi Abbosxon** edi” deb tanishtiradi. Shu jumlaning o‘ziyoq o‘quvchi ko‘z o‘ngida Saidiy yashagan davr ruhi va mafkurasini gavdalantiradi. Yozuvchi Saidiy qatnashgan va kelganiga pushaymon bo‘lgan majlisda sal avval tanitgan personaji – Abbosxon shaxsini tavsiflovchi tanqidchi so‘zini ishlatib o‘tirmaydi va romandagi shu voqea bilan aloqador faslni “Abbosxon nima desa to‘g‘ri, bir gapni aytib kulsa, yoki biron narsani mazax qilsa, gapida hech kuladigan joyi bo‘lmasa ham, atrofdagilar kular va har qaysisi qattiqroq kulishga tirishar edi” [5,51] deb yakunlaydi. Kitobxon yozuvchi nega Abbosxonni tanqidchi Abbosxon deb atashini va endi bu shaxsni tavsiflash ortiqchaligini Saidiy ko‘nglida nish urgan g‘ashlik va pushaymonlik hissiga yo‘g‘rilgan munosabatida ifodalaganligini tezda anglaydi.

“Sarob”romaniga oliy ideallar nuqtayi nazaridan eng xolis va ilmiy baho bergan olim M.Olimovdir. Eng xolis va ilmiy baho adabiyotshunos olimning “Hozirgi o‘zbek adabiyotida pafos muammosi”(T.,1994) asarida o‘z aksini topgan. Shu jihatdan, ya’ni “Sarob”ga M.Olimov nuqtayi nazari bilan qaraydigan bo‘lsak, unda kitobxonning butun e’tiborini o‘ziga jalb etadigan, qalbini ochib, o‘zi bilan kitobxon o‘rtasida ma’naviy yaqinlik o‘rnata oladigan, tuyg‘ulari va dard-o‘ylarini unga yuqtira oladigan, o‘ziga nisbatan hamdardlik va xayrihohlik uyg‘ota oladigan, o‘z taqdiri bilan uni larzaga solib, bir umr xotirasida muhrlanib qoladigan eng jozibali qahramon kim? Saidiy emasmi? Uni yo‘qdan bor qilib, unga shunday insoniy joziba baxsh eta olgan odam kim? Muallif emasmi?! Agar u Saidiy va Saidiylarga nisbatan faqat nafrat tuyganida, obrazning butun strukturasini, uning o‘zligini namoyon qilish maromini, asardagi ma’nolar va ohanglar oqimini faqat o‘sha nafrat asosigagina qurmasmidi?! Saidiy o‘zining insoniy tuyg‘ulari bilan o‘quvchida xayrixohlik va achinish hislarini uyg‘otishi romanning eng ashaddiy tanqidchilari tomonidan ham o‘sha 30-yillardayoq qayd etilmaganmi edi?! [6,19]

Darhaqiqat, M.Olimov haq. Chunki o‘ziga asir eta oladigan ma’naviyat, haqiqiy insoniy joziba kimning tomonida bo‘lsa, haqiqiy kitobxon ham o‘sha taraf bo‘ladi. Bu–san’atning, eng asosiysi, hayotning qonuni.

“Sarob” romani A.Qahhor nasriy merosida eng katta va salmoqli o‘rinni egallaydi. Shuning uchun adibning nasriy asarlari kontekstida tadqiq obyektimiz – shaxsni tavsiflovchi birikmalarning ko‘proq shu asar matnida uchrashiga umid

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00735

bog‘lagan edik. Biroq roman kontekstida biz kuzatgan shaxsni tavsiflovchi birikmalar yozuvchining qissa va hikoyalari matnida voqelashgan mazkur birikmalar ko‘rinishlariga nisbatan ozchilikni tashkil etadi. Buning sababini izlar ekanmiz, savol tug‘iladi: roman konteksti badiiy tafakkurning erkin ifodasi, demak, badiiy til vositalarining voqelanishi uchun har tomonlama – kompozitsion qurilish, sujet, g‘oya, hajm, xullas, epik turga xos shakl va mazmun nuqtayi nazaridan qulay bo‘lsa, shaxsni tavsiflovchi so‘z birikmalarining badiiy-uslubiy qo‘llanish imkoniyatlarini kengroq va to‘liq aks ettirishi kerak edi-ku? Nega “Sarob” romani kontekstida Saidiy, Abbosxon, Ilhom, Is’hoq, Kenja, Murodxo‘ja, Mirzo Muhiddin, Salohiddin singari asar qahramonlari gavdalangan epizodlarda bu shaxslar haqida u yoki bu axborotni yetkazuvchi birikmalar reallashgan? Chunonchi:

1. **Do‘stim Rahimxon**! Kechasi kayfingiz juda oshib ketib, biznikida qolishga sira unamadingiz [5,69].
2. **O‘rtoq Saidiy**! Idora xizmatchilarimizning ehtiyotsizligi orqasida bo‘lsa kerak, qoladigan materiallar orasiga tushib ketgan “Vodiy” sarlavhali she’ringiz, “Qalandar” sarlavhali hikoyangizni kechikib bo‘lsa ham navbatga qo‘ydik [66,70].
3. –**O‘rtoq Kenja** siz bo‘lasizmi? – deb so‘radi [5, 72].
4. **Domla Murodxo‘ja** o‘zining yurishi bilangina emas, boshqa yana birmuncha sifatlari bilan ham o‘rdakka o‘xshardi [5,80].
5. – Bu islohoti bilan sho‘ro hukumati o‘zbek qishloqlarini vayron qilmoqchi! – dedi u qichqirib, xuddi bunga shu erda o‘tirganlar aybliday.–**Tegirmonchi shoirlar**ing ta’sirlangan ekanlar, ko‘rdim... [5,81].

Bu sirani davom ettirish mumkin. Zero, roman matnida yuqoridagi dalillar qatorini to‘ldiruvchi Hoji buva, Mahmudjon afandi, muharrir yigit, o‘rtoq Saidiy, tergovchi Mirzo Muhiddin, Abbosxon ma’ruzachi, oqsoch xotin, muallim Salohiddin, Salohiddin domla kabi birikmalar qo‘llanganki, bu so‘z birikmalari ham muallifning tilimizda mavjud murojaat vositalaridan foydalanganligini tasdiqlaydi. Qahhor o‘z qahramonlari yashayotgan davr va ijtimoiy muhitni real tasvirlagan, millatimizga xos fikrlash tarzi hamda maishiy turmush darajasini tipiklashtirgan. Roman matnida yuzaga kelgan do‘stim Rahimxon, o‘rtoq Saidiy, o‘rtoq Kenja, domla Murodxo‘ja, Hoji buva, Mahmudjon afandi, muharrir yigit, o‘rtoq Saidiy, tergovchi Mirzo Muhiddin, Abbosxon ma’ruzachi, oqsoch xotin, muallim Salohiddin, Salohiddin domla kabi shaxsni tavsiflovchi birikmalar buning yorqin dalilidir.

Sintaktik jihatdan izohlovchi-izohlanmish munosabati doirasida baholanuvchi do‘stim Rahimxon, o‘rtoq Saidiy, o‘rtoq Kenja, domla Murodxo‘ja, Hoji buva, Mahmudjon afandi, o‘rtoq Saidiy, tergovchi Mirzo Muhiddin, Abbosxon ma’ruzachi,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00735

muallim Salohiddin, Salohiddin domla birikmalari, aslida, tilimizda ruscha drug moy Raximxon, tovariщ Saidiy, sledovateli Mirzo Muxiddin qurilishidagi birikmalarning ta'sirida shakllangan. Binobarin, do'stim Rahimxon, o'rtoq Saidiy, o'rtoq Kenja, domla Murodxo'ja, o'rtoq Saidiy, tergovchi Mirzo Muhiddin, tanqidchi Abbosxon, shoir Ilhom birikmalari 30-yillar o'zbek umumxalq so'zlashuv uslubiga o'rnashgan murojaat shakllarining tipik ko'rinishi bo'lib, lisoniy jihatdan shaxsni tavsiflovchi atov birliklari hisoblanadi. To'g'ri, bu birikmalar nafaqat murojaat shaklini, balki murojaat qilinayotgan shaxsning muayyan xususiyatini qamrab oladi.

## XULOSA

Chunonchi, domla Murodxo'ja, tergovchi Mirzo Muhiddin, tanqidchi Abbosxon, shoir Ilhom birikmalarida atoqli otlarda nomi ko'rsatilgan shaxslarning kasbi va mashg'uloti haqida axborot mujassam. Mazkur so'z birikmalari shaxsni boshqalardan farqlovchi ismi, kasb-kori va mashg'uloti asosida tavsiflaydi.

Shuni ham unutmaslik lozimki, bunday birikmalar turli yondashuvlarda turlicha atvorga egaligini ko'rsatadi. Atoqli otlarda nomi ko'rsatilgan shaxslarning kasbi va mashg'uloti haqida tushunchani ifodalashi, ya'ni atash vazifasi bu til birliklarini nominativ birliklar sistemasida atov birliklari paradigmasida turishini belgilaydi. Ammo atov birliklari paradigmasidan o'rin olsa-da, til sathida tayyor leksemalardan lisoniy-sintaktik qolip hosilasi o'laroq nutqda muvaqqatligi bilan farqlanadi. Shuning uchun [$O_{sh}$~$O_{sh}$]=SB qolipining nutqiy voqelanishidan hosil bo'ladigan shaxsni tavsiflovchi so'z birikmalari shaxsning ma'lum xususiyatini ifodalovchi nutqiy atov birliklari sanaladi va til tizimida shaxsni atovchi lisoniy birliklar – shaxs otlari, shaxs ma'noli leksemalar bilan bir paradigmani tashkil etadi. Demak, [$O_{sh}$~$O_{sh}$]=SB qolipining nutqiy voqelanishidan hosil bo'lgan domla Murodxo'ja, tergovchi Mirzo Muhiddin, tanqidchi Abbosxon, shoir Ilhom birikmalari shaxs ma'noli leksik paradigmaga tegishli shaxsning ma'lum xususiyatini ifodalovchi nutqiy atov birliklari hisoblanadi.

## REFERENCES

1. Назарова С. Бирикмаларда сўзларнинг эркин боғланиш омиллари. Номзодл. диссер. …автореф.–Т., 1997. - 21 б.
2. Неъматов Ҳ., Бозоров О. Тил ва нутқ. – Т.: Ўқитувчи, 1993. - 32 б.
3. Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари.–Т.: Ўқитувчи, 1995. - 128 б.
4. Рустамий А. Адиблар одобидан адаблар. – Т.: Маънавият, 2003. - 112 б.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00735

5. Қаҳҳор, Абдулла. Асарлар: 5 жилдлик. 1-жилд. Сароб. Роман. Ҳикоялар. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. – 336 б.
6. Олимов М. “Сароб” пафоси ҳақида айрим қайдлар//Абдулла Қаҳҳор ва бадиий тафаккур ривожи (илмий-амалий анжуман материаллари). – Т.: Фан, 2008.-Б.19-21.
7. Nazarova S.A., Xojiyeva M.Y. Substantial Description of Uzbek Word Combinations . // International Journal of Psychosocial Rehabilitation. United Kingdom. – Scopus journal. –ISSN: 1475-7192, Volume-24, Issue-1, January 2020.– P.422-429. https://www. psychosocial.com/article-category/issue-1-volume-24.
8. Xojiyeva M.Y. Shaxsni tavsislovchi so`z birikmalarida genderga mansublik ifodasi.// “Tilshunoslikdagi zamonaviy yo`nalishlar: muammolar va yechimlar” mavzusida Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materillari.Andijon 2020y.
9. Xojiyeva M.Y., Yoqubova Sh.Y. Language and speech expression of personal descriptions . TJE - Tematics journal of Education. -ISSN : 2249-9822. Vol-5-Issue-1- January -2021.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00736

# ТАҚИҚЛАНГАН ЭКИНЛАРНИ ЕТИШТИРИШ ЖИНОЯТИ БЎЙИЧА ҲОДИСА СОДИР БЎЛГАН ЖОЙНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШДА УЧРАЙДИГАН МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

**Сардор Ғуломжонович Раззоқов**
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Дастлабки тергов ва криминалистика кафедраси ўқитувчиси

## АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада тақиқланган экинларни етиштириш жинояти бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришга оид фикр-мулоҳазалар билдирилиб, муаммо ва камчиликларни таҳлил қилиш орқали асосланган илмий хулосалар ишлаб чиқилган.

**Таянч сўзлар:** Гиёвандлик воситалари, психотроп моддалар, тақиқланган экинлар, кўздан кечириш, жиноят, қонунчилик, суриштирув, дастлабки тергов, суд, квалификация.

## ABSTRACT

This article provides feedback on the crime scene inspection of prohibited crops and develops scientific conclusions based on the analysis of problems and shortcomings.

**Keywords:** Drugs, psychotropic substances, prohibited crops, review, crime, legislation, inquiry, preliminary investigation, trial, qualification.

## КИРИШ

Гиёвандлик воситалари, психотроп моддалар ва таркибида гиёвандлик воситалари бўлган тақиқланган экинларни етиштириш билан боғлиқ ҳолда содир этилаётган жиноятларга қарши кураш ва уларнинг олдини олиш давлат сиёсатининг жиноий-ҳуқуқий соҳадаги асосий йўналиши эканлиги барчамизга маълум. Ушбу жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги жихати юқори бўлиб, аҳоли соғлиғига, жамиятнинг иқтисодий ва маънавий негизига жиддий таҳдид солади, оилавий муносабатларга салбий таъсир кўрсатади, бошқа ижтимоий муаммоларни келтириб чиқаради.

Мазкур турдаги жиноятларни олдини олиш ва унга қарши курашиш, айбдор шахсларнинг қилмишларини фош қилиш ва уларга жазо муқаррарлигини

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00736

таъминлашда тергов органларининг ҳам салмоқли ҳиссаси бўлиб, бу жиноятларни аниқланган вақтидан бошлаб ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, жиноят ишини қўзғатиб тергов қилиш жараёнида ўтказиладиган тергов ҳаракатлари билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг «Гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар» бобида таркибида гиёвандлик воситалари бўлган тақиқланган экинларни етиштириш билан боғлиқ ҳолда содир этилаётган жиноятлар учун жавобгарликни кўзда тутувчи моддаси белгилаб қўйилган.

Жиноят қонунчилигидаги мазкур жиноятнинг мазмунига кўра кўкнор, мойли кўкнор, каннабис ўсимликлари ёки таркибида БМТнинг «Гиёвандлик воситалари тўғрисида»ги 1961 йилги Ягона Конвенциясининг I ва II рўйхатларига киритилган табиий ҳар қандай гиёвандлик воситалари ёки БМТнинг «Психотроп моддалар ҳақида»ги 1971 йилги Конвенциясининг I, II, III ва IV рўйхатларига киритилган ҳар қандай табиий моддалар бўлган экинлар назарда тутилади.

Республика миқёсида тақиқланган экинларни етиштириш жиноятининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилаётган бўлишига қарамасдан, мазкур турдаги жиноятлар йилдан-йилга ошиб бораётганлигини қуйидаги таҳлиллардан кўришимиз мумкин. Жумладан, республикамизда гиёвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш йўналишида 2020 йил якуни бўйича ўтказилган таҳлиллар натижасига кўра, айнан тақиқланган экинларни етиштириш ҳолати 2019 йилга нисбатан 40,9% га ошганини, бунда юқори кўрсаткич Фарғона(110,9%), Қашқадарё(50,0%) ва Тошкент вилоятларига (48,5%) тўғри келиб бошқа вилоятларга нисбатан мазкур вилоятларда бу турдаги жиноятларнинг кўп содир этилиши ва ўсиш динамикаси юқорилигини кўришимиз мумкин.

Ушбу турдаги жиноят содир этилган ҳудудни ва жиноятнинг ўсиш камайиши динамикасини ўрганиб, таҳлил қилиш мазкур жиноятларни содир этган шахсларни аниқлаш, қидириб топиш, очилмай қолган жиноятларни фош этиш ҳамда терговнинг тўлақонли ўтказилишига замин яратади.

Тақиқланган экинларни етиштириш жинояти бўйича терговнинг ҳар томонлама, тўлиқ ўтказилишида ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракати ҳам муҳим аҳамият касб этади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00736

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракати бўлиб, жиноят аломатларини ўзида акс эттирган ҳодисанинг натижаларини синчковлик билан фаол ўрганишдан иборатдир.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Жиноят излари, ашёвий далилларни топиш, ҳодиса содир бўлган вазиятни ва иш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаштириш мақсадида терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки суд ҳодиса содир бўлган жойни, мурдани, ҳайвонларни, теварак-атрофни, биноларни, нарсалар ва ҳужжатларни кўздан кечиради.

Ушбу жиноят бўйича кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларда ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказиш жиноят ҳодисасини зудлик билан текширишга, далилларни тўплаш ва расмийлаштиришга имкон беради. Ҳодиса содир бўлган жойни ўз вақтида ҳамда сифатли кўздан кечириш жиноятнинг очилиши ва ким томонидан содир этилганлигини аниқлаш, жиноятларини тергов қилиш жараёнида жиноят иши бўйича тўғри квалификацияни амалга ошириш ҳамда айбдор шахсларга нисбатан келгусида суд органлари тамонидан жазони адолатли қарор қабул қилинишига асос бўлиб хизмат қилади.

Бироқ, таъкидлаш ўринлики, тақиқланган экинларни етиштириш жинояти бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда бир қатор муаммолар учрайди ва ушбу муаммолар жиноятларни тез ва тўла очишга, айбдорларни фош этишга, шунингдек жиноят ишини тўлақонли тергов қилишга ўзининг салбий таъсирини кўрсатади.

Айнан ушбу муаммолар сифатида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

1) ҳодиса содир бўлган жойни ўз вақтида ва сифатли кўздан кечирилмаслиги;

2) ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда аниқланган ашёвий далилларнинг тўғри расмийлаштириб олинмаслиги;

3) ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда замонавий техника воситаларидан фойдаланилмаслиги.

Энди ушбу муаммоларнинг ҳар бирини алоҳида таҳлил қиламиз ва уларни бартараф этишга қаратилган тавсияларимизни берамиз.

Бир қатор олимлар “ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш муҳим тергов ҳаракати ҳисобланиб, унинг сифатли амалга оширилиши жиноят

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00736

ишининг кейинги натижалари муваффақиятли бўлишига хизмат қилади” [1]. дея таъкидлаб ўтишган бўлсалар, бошқа бир олимлар жамоаси “ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш айнан ана шу жойда жиноят содир этилганлиги ёки унинг излари борлиги ҳақида маълумотлар бўлган тақдирда ўтказилади” [2] дея таъкидлаб ўтишган.

Дарҳақиқат, ҳодиса содир бўлган жойни зудликда кўздан кечирилиши у ердаги жиноятчи шахслардан қолган изларнинг табиий ёки сунъий равишда йўқолиб кетишининг олдини олади ва жиноятларни иссиқ изидан очилишида муҳим аҳамият касб этади.

Айрим ҳолатларда ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракатини тақиқланган экинларни етиштириш жинояти аниқланган вақтдан кечиктириб ўтказиш ҳам жиноятни тўлақонли равишда очилишига ёрдам беради. Тунги вақтда аниқланганида, излар йўқолиб кетишининг ва жиноятчи шахсларнинг қочиб кетишининг олдини олиш чоралари кўрилган ҳолда кўздан кечиришни тундан кундузгача кечиктирилиши ҳодиса жойидаги излар ва экиннинг бегона ўтлардан тозаланганлиги, сув ёки ўғит билан ишлов бериб экинларнинг таги юмшатилиб, парвариш қилинганлигини, яъни ҳодиса жойидаги экинлар экилган экилмаганлиги ёки ўзи ўсиб чиқган чиқмаганлигини аниқлаштириб олишга ҳамда экинлар бошқа тақиқланмаган экинлар орасига экилган бўлса, уларнинг барчасини аниқлаб ҳужжатлаштириб олинишига ёрдам беради.

## МУҲОКАМА

Юқоридаги фикримизнинг тасдиғи сифатида А.В.Белаусов “далилларни тўплаш бўйича тергов ҳаракатларининг ўз вақтида ва кечиктирилмаган ҳолда ўтказилиши муҳим аҳамият касб этади. Лекин, юзага келган айрим ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатларини ҳам кечиктириш келгусида иш учун муҳим ҳисобланади. Масалан, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришни қоронғу вақтдан кундузгача кечиктирилиши иш учун аҳамиятли бўлган нарса ва ҳолатларни топиш эҳтимолини оширади” деган фикрни билдирган[3].

Шунингдек, тақиқланган экинларни етиштириш жинояти бўйича ҳодиса жойини кўздан кечиришдан олдин мазкур тергов ҳаракатини ўтказишга тайёргарлик кўриш босқичига аҳамият бериш керак, яъни тергов тезкор гуруҳининг тўлиқлигини таъминлаш, экилган экиннинг парвариш қилинган қилинмаганлиги, ўзи ўсиб чиққан чиқмаганлиги ёки экилганлигини аниқлаш

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00736

учун мутахассис агрономни ҳамда турли хил вазиятларни инобатга олган ҳолда кўшимча куч ва воситаларни ҳам жалб қилиш лозим.

Ҳодиса жойини синчковлик билан кўздан кечириш талаб этилиб, кўздан кечирилаётган жой хонадон ҳовлиси, ҳовли атрофидаги томорқа ери бўлсада фақатгина шу экин экилган жойнинг ўзини кўздан кечириш билан чекланмай, мазкур экинларнинг хонаки усулда етиштирилишини, хонадонларнинг том бостирмалари остида ва бошқа ёрдамчи хўжалик хоналарида, дала ховлиларда ҳам етиштирилиши эҳтимолини, уй том бостирмаларида ҳам етиштирилаётган, узиб қуритилаётган ёки сотишга тайёрланаётган бўлиши мумкинлигини инобатга олиш лозим ва ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечираётган тергов тезкор гуруҳининг тақиқланган экинларни экиб парвариш қилаётган шахснинг илгари ҳам шу турдаги жиноятларни содир қилган қилмаганлигига эътибор қаратиши лозим. Амалиётдан маълумки, шу турдаги жиноятларни содир этиш ҳолатлари аниқланиб, ҳодиса содир бўлган жой кўздан кечирилганида ёки тинтув ва олиб қўйиш тергов ҳаракатларини ўтказиш жараёнида тақиқланган экинларни етиштириб улардан хонаки усулларда гиёвандлик воситаларини тайёрлаган, бангихона ташкил қилган ва ўзи истеъмол қилган гиёҳвандлик воситалари қолдиқлари ҳамда тайёрлашда ёки истеъмол қилишда ишлатилган нарса ва буюмлар аниқланиб ҳужжатлаштириб олиш ҳолатлари кузатилган.

Шу сабабли, тақиқланган экинларни экиш жинояти бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракатини синчковлик билан амалга ошириб у ерда тақиқланган экинлардан гиёвандлик воситаларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда истеъмол қилишда фойдаланиши мумкин бўлган буюм ва воситаларга ҳам алоҳида этибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Чунки, мазкур буюмларда, гиёвандлик воситасининг қолдиқлари, зарралари ёки тайёрлаган, истеъмол қилган шахсларнинг қўл бармоқ излари ҳамда биологик ажралмалар қолиши мумкин. Бу каби нарса ва изларни аниқлаб, тўғри тадқиқ қилишнинг натижаси мазкур жиноятларни содир этган шахсларни ва уларнинг бошқа қилмишларини ҳам фош этишга ёрдам беради.

Тадқиқотчи Ш.О.Матёзов “Таркибида наркотик моддалар сақловчи ўсимликларни етиштириш жиноятларини аниқлашда бир қатор муаммолар борлигини, республикамизнинг бир неча километрлаб пиёда юриб боришга тўғри келадиган тоғли ҳудудларида таркибида наркотик моддалар бўлган ўсимликлар етиштирилишини назорат қилиш қийинлиги, мамлакатимиз ҳудудининг 21,3 фоизини тоғлар ва тоғ оралиғидаги ботиқ ҳудудлар ташкил этгани сабабли жойлардаги ички ишлар органи ходимларида баъзи тоғли

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00736

ҳудудларга автомашинада бориш имкони йўқ, пиёда бориш эса ходимнинг кун давомидаги иш вақтини олади” [4] деб баён этган.

Ҳақиқатда кўздан кечирилаётган ҳудуднинг катталиги ёки ноқулайлиги ҳодиса жойини тўла равишда кўздан кечириш ва далилларни аниқлашнинг имконини бироз чеклаб қўяди. Шу сабабли, тақиқланган экинлар экилган жой ва атрофини кўздан кечриш жараёнида ноқулайликларни бартараф этиш ҳамда жиноятни иссиқ изидан тўла очиш заруратини инобатга олиб замонавий махсус текник воситаларини ҳам жалб қилиш мақсадга мувофиқ.

Биз кўриб чиқаётган жиноят бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш жараёнида аниқланган ўсимликларни расмийлаштириб олишда ҳам муаммоли ҳолатлар учраб туради.

## НАТИЖАЛАР

Жумладан, таъқиланган экинларни етиштириш жинояти аниқланган вақтда тергов-тезкор гуруҳи ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириб, экспертиза текширувига тадқиқотда фойдаланиш учун бир нечта тупини расмийлаштириб олишади ва қолган қисмини текшириб кўрмасдан аниқланган жойнинг ўзида холислар иштирокида ёқиш йўли билан йўқ қилиш чораларини кўришади. Бу эса жиноят ишларини тергов қилишнинг холислигини таъминланишига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди ва гумондор шахсларнинг аниқланган экинларнинг барчаси тақиқланган экинлар сирасига кирмаслиги мумкин деган мазмундаги ҳақли эътирозларига сабаб бўлиши эҳтимолини инобатга олишимиз зарур.

Бундан ташқари, мазкур жиноят ҳолати аниқланганида, ҳодиса жойига чиқган тергов-тезкор гуруҳи аъзоларининг ҳодиса жойини кўздан кечиришда далилларни йиғишдаги эътиборсизликлари оқибатида баъзи бир ҳолларда етиштирилиши тақиқланган ўсимликларни ўстирганлик учун кекса кишилар жиноий жавобгарликка тортилиб, ҳақиқий айбдорлар эса жазосиз қолмоқда, чунки ёши кекса шахслар фарзандаларининг жавобгарликка тортилишини хохламай ўзининг ёши ўтганлиги боис озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо чоралари қўлланилмаслигининг эхтимоли юқорилигини назарда тутиб жиноятни ўз бўйнига олиш ҳоллари учраб туради.

Жиноятни содир этган шахсни аниқлаш ҳамда терговнинг ҳар тамонлама холислигини таъминлаш мақсадида ҳодиса жойини кўздан кечириш жараёнида экспертиза текшируви ўтказиш учун тақиқланган экинлар етиштирилаётган хонадонда яшовчи барча шахсларнинг кийимларидан, оёқ кимларидан ва

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00736

хонадондаги экинларни парвариш қилишга мўлжалланган қишлоқ хўжалиги асбоблари (кетмон, ўроқ, теша, белкурак, хаскаш)ни ҳам ҳужжатлаштириб олинишига эътибор қаратилиши лозим.

Ҳужжатлаштириб олинган кийимлар, оёқ кийимлар ва экинларни парвариш қилишга мўлжалланган асбобларнинг аҳамияти шундаки, мазкур экинларни парвариш қилишда кийимда парвариш қилинаётган экиннинг микрозарралари, бегона ўтлардан тозалаганда қолган тупроқ зарралари, экин экилган жой атрофида оёқ кийим излари аниқланганида гипсли қолиплар ёрдамида олинган изларни хонадонда яшовчиларнинг оёқ кийим излари билан таққослашнинг ҳамда экинларни парвариш қилишга мўлжалланган асбобларда мазкур экиннинг остидаги тупроқ зарралари ва асбобларнинг дастакларида тақиқланган экинни парвариш қилган шахсларнинг қўлидан қолган бармоқ излар ва биологик изларни текшириб кўриш орқали экинларни ким парвариш қилиб етиштириб келаётганлиги ҳолатига тўлиқ ойдинлик киритиш мумкин.

## ХУЛОСА

Юқоридаги муаммоли ҳолатлардан келиб чиқиб, тақиқланган экинларни етиштириш жинояти бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракатида учраб турадиган муаммоли ҳолатларни бартараф этиш мақсадида қуйидаги фикрларни билдириб ўтишликни лозим топдик.

Биринчидан, таъқиланган экинларни етиштириш жинояти аниқланган ҳолатлар юзасидан ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш вақтида аниқланган экинларнинг бир қисмини тадқиқот учун расмийлаштириб олиб, қолган қисмини ҳодиса жойининг ўзида йўқ қилинишининг олдини олиш ва сақлаш чоралари кўрилиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг “Гиёвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 12-сонли қарорига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш иккинчидан, кўздан кечирилаётган ҳудуднинг тўла равишда кўздан кечириш ва далилларни тўплашнинг имконини кенгайтириш мақсадида ички ишлар органларининг тергов-тезкор гуруҳларини учувчисиз учадиган қурилмалар яъни дронлар билан таъминлаш чораларини кўриш, учинчидан, тақиқланган экинларни экиш жиноятлари бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда далилларни аниқлаш ва олиш юзасидан суриштирув ва тергов бўлимларида қўшимча ўқув машғулотларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00736

**REFERENCES**

1. Қаранг: Осмотр места происшествия: Практическое пособие / Под ред. А.И.Дворкина. – Москва: Юрист, 2001. – 336 с/ -«Библиотека следователя»; Осмотр места происшествия (тактика и практика): Учебное пособие / В.А.Макаров. – Самара: Самар.гуманит.акад., 2008.- 120 с.; Давыдов А.А. Осмотр места происшествия: Учебное пособие. - - Нальчик: Каб.-Балк. Ун-т, 2003. – 130 с.

2. Жиноят-процессуал ҳқуқи. Умумий қисм: Дарслик /муаллифлар жамоаси./ ю.ф.д., проф. З.Я.Тўлаганова ва ю.ф.р., доц. С.М.Рахмоновларнинг умумий тахрири остида – Тошкент: ТДЮУ нашриёти, 2017. – 230 б.

3. Белаусов А.В. Процессуальное закрепление доказательства при расследовании преступлений. – Москва: ООО Издательство «Юрлитинформ», 2001. – С. 6.

4. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. -2020 -№ 2 (45)

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00737

# МИГРАЦИЯ МУНОСАБАТЛАРИНИ МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ

**Жўрабек Гойибов**
Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Академияси мустақил изланувчиси
Goipov_J@inbox.uz

## АННОТАЦИЯ

Мақолада миграция соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг ҳуқуқий асослари, шунингдек, миграция муносабатларини бузган шахсларга нисбатан маъмурий ва профилактика чоралари қўлланилиши таҳлил қилинган, шунингдек миграция хизматидаги олимларнинг фикрлари таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** миграция, миграция назорати, миграция оқимлари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар.

# ADMINISTRATIVE AND LEGAL REGULATION OF MIGRATION RELATIONS IN FOREIGN COUNTRIES

## ABSTRACT

The article analyzes the legal basis for the prevention of offenses in the field of migration, as well as the use of administrative and preventive measures in relation to persons who violate migration relations, and also analyzes the opinions of scientists in the migration service.

**Keywords**: migration, migration control, migration flows, foreign citizens and stateless persons.

## КИРИШ

Ҳозирги шиддат билан ривожланаётган замон шароитлари глобализация жараёнларининг жамият ҳаётининг барча соҳаларига кириб бораётганлги билан тавсифланмоқда. Бунда инсонларнинг бир давлат ичида ва давлатлараро миқёсларда бир жойдан бошқа жойга кўчиб ўтишлари, иш ва ижтимоий таъминотнинг самарадорлиги юқори бўлган шароитларидан фойдаланишга интилишлари натижасида турли жараёнлар амалга оширилаётганилиги барчага маълум. Бугунги кунда миграция жараёнларининг хусусиятлари сифатида

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00737

миграция дунёнинг барча мамлакатларида мавжудлигини, мигрантлар нинг оқими асосан ривожанланган иқтисодиётга эга, яшаш ва иш шароитлари яхши бўлган, юқори иш ҳақи тўланадиган мамлакатлар сари йўналганлиги, меҳнат миграцияси салмоғининг ортиб бориши, шу билан бирга ноқонуний миграция даражасининг ўсиши; мажбурий меҳнат миграциясининг кўпайиши ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Таъкидлаш жоизки, муайян мамлакатларда иқтисодиёт тармоқларининг шиддат билан ўсиши миллий меҳнат бозорлари учун мигрантларга эҳтиёжни орттиради ва ушбу давлатларнинг меҳнат бозори очиқлиги кузатилиб, уларнинг меҳнат миграциясидан манфаатдорлиги пайдо бўлади ва мазкур давлатлар уни кенгайтиришдан манфаатдорлиги мавжудлигини намоён этади.

Хорижий мамлакатларда миграция жараёнларини давлат томонидан бошқаришнинг энг муҳим хусусияти миллий миграция сиёсатини шакллантириш ва мамлакатдаги иқтисодий вазиятни акс эттирувчи ҳуқуқий режимларни қўллашдан иборатдир. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда бу хусусият ноқонуний миграцияни олдини олиш ва унга нисбатан қарши курашнинг самарали тизимини шакллантиришда намоён бўлади ва ҳудудий ва иқтисодий йўналтирилган ёндашув амалга оширилаётганилиги кузатилади.

Бундан ташқари, хорижий меҳнатни жалб қилишнинг мақсадли ва юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш масаласи иқтисодиёт айрим соҳаларинниг эҳтиёжларига боғлиқ равишда амалга оширилади.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Таъкидлаш лозимки, хориж мамлакатларида иммиграция назоратини амалга оширишда кенг кўламли назорат усулларидан фойдаланилади (сўровномалар, текширувлар, алоҳида алоҳида суҳбатлар ва бошқалар). Америка Қўшма Штатлари ва Канада ҳудудига хорижликлар киритилишининг муҳим хусусияти шундан иборатки, мамлакатда яшаш ҳуқуқи муайян муддатга берилади ва мазкур муддат тугаганидан кейин шахс мамлакатни тарк этишга тайёр бўлиши лозим.

Европа миграция тизимининг ўзига хослиги асрлар давомида ўрнатилган тартиб таомиллар билан узвий боғлиқ. В.А.Конновнинг таъкидлашича, Европа Иттифоқи давлатлари миграция сиёсати унга аъзо мамлакатларнинг хусусиятларини акс эттиради ва миграция соҳасида давлат бошқарувининг ҳуқуқий режимларини белгилашнинг ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Европа Иттифоқи ва унга аъзо мамлакатларнинг миграция қонунчилиги

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00737

мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро шартномаларга асосланади. Шу муносабат билан, Европа Иттифоқи ҳудудига хорижий фуқароларнинг кириши учун иммиграция режими ҳамжамият доирасида қабул қилинган шартномалар билан тартибга солинади: “Умумий чегара доирасида чекловларни босқичма-босқич бекор тўғрисидаги Конвенция” (1985 йил Шенген шартномаси) ва уни амалга ошириш бўйича 1990 шартномаси ва бошқалар. Бу актлар Европа Иттифоқининг «умумий» чегараларида ҳаракатланиш эркинлигини белгилаб берди ва Европа Иттифоқининг «ташқи» чегараларида кириш ҳуқуқини беришнинг ягона қоидаларини ўрнатди.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга Шенген визасини бериш учун асослар қуйидагилардан иборат:

1) давлат ҳудудини тарк қилиш ҳуқуқини берувчи зарур ҳужжатлар мавжудлиги;

2) моддий талаблар – яшашга шароитлари борлиги (маблағ ва уй-жой), қайтишга билетлари олинганлиги, саёҳат учун ҳужжатлар мавжудлиги;

3) ҳуқуқни муҳофаза қилиш талаблари, давлат хавфсизлигига таҳдид кўрсатиши мумкин ахборот йўқлигини, Шенген давлатлари ҳудудида ҳуқуқ ва тартибга риоя этиши.

Хорижий мамлакатларда миграция жараёнларини давлат томонидан бошқаришнинг маъмурий-ҳуқуқий режимлари қатор хусусиятлар билан тавсифланади:

1) миллий миграция сиёсатини шакллантириш ва мамлакатдаги иқтисодий вазиятни ва уларнинг мазмунини акс эттирувчи муайян ҳуқуқий режимларни қўллаш;

2) мамлакатнинг минтақавий ҳолати ва миграция тизими шаклланишининг тарихий шарт-шароитлари;

3) миграция оқимининг турига қараб миграция жараёнларини давлат бошқарув режимлар фарқлаш (ҳуқуқий режимлар аҳолининг ташқи ва ташқи меҳнат миграцияси давлат бошқаруви билан боғлиқ фарқ, мажбурий миграция ва ноқонуний миграция);

4) муайян давлат амалиётида одатда қўлланиладиган ва умумтанолинган ҳуқуқий режимлар ва уларнинг ўзига хос анъаналарининг комплекси мавжудлги.

Хорижий мамлакатларнинг миграция жараёнларини тартибга солувчи

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00737

қонунлари ҳамда бу борадаги илмий адабиётлар таҳлили ҳозирги замон давлат миграция сиёсатининг қуйидаги турларини таснифлашга имкон беради:

*а) либерал миграция сиёсати* - хорижий фуқароларни жалб этиш, чет эл фуқаролари учун доимий яшаш ҳуқуқини беришнинг соддалаштирилган тартиби, ҳаракатланиш эркинлиги ва давлат ҳудудида яшаш жойи ўз ҳоҳишига кўра танлаш, эркин ва оптимал виза бериш тартиби, ноқонуний миграцияга қарши курашиш, миграцияни тартибга солиш учун либерал ёндашув. Миграция сиёсатининг бу тури ҳозирги кунда дунёда рўй бераётган глобализация сиёсатидан манфаатдор бўлган давлатлар (Австралия, Канада ва бошқалар) томонидан қўлланилмоқда;

*б) «ёпиқ ешиклар» (турғунлик) сиёсати* - аҳолининг мамлакат ичкарисида ҳам, унинг ташқарисида ҳам фуқароларнинг ҳудудий ҳаракатини максимал даражада чеклаш. Бу сиёсатнинг устуворлиги аҳолининг ҳудудий ҳаракатини чекловчи норматив-ҳуқуқий базани яратишдан иборат бўлиб, у давлатда шакллантирилган мафкуравий қарашларга асосланади. Бу сиёсатнинг алоҳида хусусияти ноқонуний (яширин) миграциянинг амалда йўқлиги ёки унга қарши кескин курашишдир. Миграция сиёсатининг бу тури ўз ҳудудига иммиграция қилишни жиддий чеклашни мақсад қилиб қўйган иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар учун ҳам хосдир (Дания, Белгия, Финляндия, Куба, Хитой, Шимолий Корея, яқин Шарқдаги қатор мамлакатлар ва бошқалар.);

*в) самарали миграция сиёсати* - миграция жараёнларини жамиятдаги ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш мақсадида давлат томонидан самарали тартибга солиниши ва амалга оширилиши. Бу сиёсатнинг устувор хусусияти шундан иборатки, унда аҳолининг миграцияси кенг қамровли равишда давлат томонидан тартибга солинади, мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш асослари яратилади, мигрантлар ҳуқуқларига нсибатан маҳаллий аҳоли ҳуқуқларининг устуворлиги белгиланади, мигрантлар ҳуқуқий мақомини аниқ тартибга солинади, ташқи меҳнат миграцияси учун квоталар ажратилади, давлат ҳудудида миграция шарт-шароитларини баратараф этиш учун ҳуқуқий ва иқтисодий чора-тадбирлар ишлаб чиқиб амалга оширилади. Бундай сиёсатни амалга ошириш орқали ташқи ва ташқи меҳнат миграциясини тартибга солишнинг мувозанатли механизмини яратиш, аҳоли ички миграциясини самарали бошқариш ва ноқонуний (яширин) миграцияга йўл қўймаслик мақсадлари кўзланади. Жумладан, И.В.Ивахнюкнинг фикрига кўра бундай чоралар тизимида чегара назоратини мустаҳкамлаш ва ноқонуний миграцияга қарши курашиш, бошпана беришда

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00737

қўшни давлатлар билан ҳамкорлик қилиш ва мигрантларнинг келиб чиқиш давлатлари билан иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш чораларини кўрсатиш мумкин. Бошқа олимларнинг фикрига кўра, миграцияни тартибга солишнинг муҳим белгилари қаторида қонуний миграция қилаётганлар учун қулай шарт-шароит яратиш, ноқонуний мигрантларга нисбатан эса уларнинг ўз мамлкаталарига ихтиёрий қайтишиг олиб келадиган шароитлар яратишдан иборат деб ҳисоблайдилар. Бундай миграция сиёсати қатор Европа давлатлари (Испания, Австрия, Италия, Венгрия, Польша, Чехия, Швейцария, Словакия ва бошқалар)га хос.

*г) консерватив миграция сиёсати* – «иммиграция» ва «рестрикционизм» (инглизча restriction – чеклаш) тушунчаларини ўзида бирлаштиради, яъни, бир томондан, очиқлик ва миллий иқтисодий ва ижтимоий фойда учун ҳаракатланиш, ва бошқа томондан – «мамлакатга ишчи кучи кириши ҳажмини чеклаш, жамиятнинг асосий қадриятларига риоя этувчи мигрантларнинг таркибини шакллантириш”.га қаратилган чора-тадбирларни ўзида мужассам этади. Бу миграция сиёсати, айни пайтда, мамлакат ичида ҳаракатланиш эркинлигини таъминлаш ва аҳоли орасида ноқонуний ва яширин миграцияга қатъий кураш бўйича самарали тизимни назарда тутади. Давлат сиёсатининг бу тури яхши йўлга қўйилган демократик қадриятларга эга бўлган давлатларга хос бўлиб, уни амалга оширишнинг кутилаётган натижалари давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати билан миграция сиёсатини мустаҳкамлашга қаратилган бўлади. Кўриниб турибдики, сиёсий фаолиятнинг бу тури давлат ва унинг аҳолисининг ривожланаётган ижтимоий муносабатлари ва манфаатларига энг яхши тарзда мос келади. Бу сиёсат АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония ва бошқалар учун хосдир;

Таъкидлаш жоизки, миграция сиёсатининг кўрсатиб ўтилган турлари умумлаштирилган ва шартли равишда ажратилган бўлиб, уларнинг турларининг энг умумий, типик хусусиятларини ўзида акс эттирган. Бироқ, миграцияни бошқаришнинг хориж давлатларининг илғор амалиётини ҳисобга олиш бу соҳада мувозанатли ва яхши ташкил этилган давлат сиёсатини шакллантиришга имкон беради.

Хорижий мамлакатларда миграция жараёнларини давлат томонидан бошқариш тўғрисида тасаввур берадиган яна бир муҳим жиҳат - бу давлат ҳудудида миграция жараёнларини давлат томонидан бошқариш режимларидир. Миграция жараёнлари давлат бошқарув режимлар фарқлаш миграция оқимининг турига қараб амалга оширилиши лозим. Зеро аҳолининг ички ва

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00737

ташқи меҳнат миграцияси соҳасида давлат бошқарувининг ҳуқуқий режимлари ўзаро фарқ қилади, мажбурий миграция, қонуний ва ноқонуний миграция, яширин миграция суръатларидан келиб чиқиб белгиланади ва ҳар бир ҳуду ёки минтақада ўзига хос ҳуқуқий тартибга солиш орқали рўёбга чиқарилади.

## ХУЛОСА

Таъкидлаш лозимки, миграция жараёнларини давлат томонидан бошқаришнинг умумий ва махсус миграция режимлари мавжуд. Деярли барча хорижий мамлакатлар миграция жараёнларини давлат бошқаруви умумий миграция режимлар орасида қуйидагиларни – иммиграция назорат режими; таъқиқлаш ёки чет эл фуқаролари (фуқаролиги бўлмаган шахслар)нинг яшайдиган ҳудудларини чеклаш режими, давлат томонидан айрим ҳудудларда давлат ва жамоат хавфсизлиги манфаатларини таъминлаш мақсадида қўллайдиган депортация режими; бошпана режими ва бошқаларни қўллаши амалиёти йўлга қўйилган. Миграция жараёнларининг давлат бошқаруви махсус миграция режимлари қаторига – миграцион амнистия режими; ташқи меҳнат кучини жалб этиш ва фойдаланиш режими; юқори малакали мутахассисларни жалб режими; инвестицион миграция режими; гуманитар таъминлаш режими (вақтинчалик бошпана бериш) ва бошқалар. Масалан, Америка Қўшма Штатларида иммиграция назорат режими давлат ҳудудига хорижликлар кириши учун квоталар (Green card) жорий этишни ўз ичига олади ва фақат мазкур тадбирда иштирок этган шахсларни фақат муайян чекланган қисми (ҳар бир давлат учун алоҳида белгиланган квота доирасида) Америка Қўшма Штатларида доимий яшаш ҳуқуқини олади.

Шундай қилиб, хорижий мамлакатларда миграция муносабатларини тартибга солишнинг таржрибасини ўрганиш, уларнинг ижобий ва салбий жиҳатларини аниқлашга, хатоликларга йўл тқўймасликка ҳамда мамлакатимизда ички ва ташқи миграция жараёнларини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солишнинг самарали механизмини яратилишига хизмат қилади.

## REFERENCES

*1. Коннов В. А.* Международно-правовые стандарты предоставления убежища в практике государственного строительства стран Европы // Государство и право. 2007. № 12. С. 31—38.

*2.Ивахнюк И. В.* Международная трудовая миграция: учебное пособие. М.: Тезис, 2005. С. 279.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00737

*3. Щербакова Н. И.* Иностранная рабочая сила на рынках труда Европейских стран: динамические тенденции // Трудовая миграция в СНГ: социальные и экономические эффекты / отв. ред. Ж. А. Зайнчковская. М., 2003. С. 250

*4. Молодикова И. Н.* Основные этапы и методы управления трудовой миграцией в Западноевропейский странах // Трудовая миграция в СНГ: социальные и экономические эффекты / отв. ред. Ж. А. Зайнчковская. М. 2003. С. 278.

5. Бикметов Р.Ш. Рестрикционизм как явление в практике менежмета // Экономика труда. Том 6. Номер 2. Апрель-июнь 2019. – С.863-871

*6. Баранов А. В.* Миграционная политика стран Запада: доктрины и практика консерватизма // Миграция и толерантность. Материалы Международной научно-практической конференции 19 марта 2004 г. Краснодар, 2004. С. 24.

ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 4 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00738

# СПОРТИВНАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ-КАК ФАКТОР ВЛИЯНИЯ НА ЛИЧНОСТЬ ДЗЮДОИСТОВ

**Ильхом Аширалиевич Даминов**
Термезский государственный университет

## АННОТАЦИЯ

В статье приведены данные исследования автором влияния спортивной деятельности на личность спортсменов-дзюдоистов, проведены тестирование качеств личности, физического и психического здоровья дзюдоистов в подготовительном и соревновательном периодах их деятельности. В результате исследования было установлено, что особенности влияния спортивной деятельности на личность спортсменов-дзюдоистов определяются их стрессоустойчивостью и тренировочными, а также соревновательными условиями в которых она осуществляется. К исследованию были привлечены 22 спортсмена мужского пола в возрасте от 18 до 22 лет.

**Ключевые слова:** дзюдо, личностные качества, тестирование качеств личности, дзюдоисты, уверенность, хладнокровие, спокойствие, физическое и психическое здоровье, психологическая подготовка.

# SPORTS ACTIVITY AS A FACTOR OF INFLUENCE ON THE PERSONALITY OF JUDOKAS

## ABSTRACT

The article presents the data of the study by the author of the influence of sports activities on the identity of the athletes-judoists, carried out testing the qualities of the personality, physical and mental health of judoists in the preparatory and competitive periods of their activities As a result of the study, it was established that the peculiarities of the influence of sports activities on the identity of judo athletes are determined by their stress resistance and training, as well as the competitive conditions in which it is carried out. The study involved 22 athletes of male ages aged from 18 to 22 years.

**Keywords:** judo, personal qualities, testing the qualities of personality, judoists, confidence, comprehension, calm, physical and mental health, psychological training.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00738

## ВВЕДЕНИЕ

Условия современной спортивной подготовки в спорте высших достижений и высочайший уровень конкуренции требуют от спортсменов предельных напряжений и мобилизации всех физиологических возможностей организма, в том числе, и психических. В связи с этим возрастает зависимость эффективности соревновательной деятельности спортсменов от индивидуальных психических качеств личности [3,4]. Это обусловливает необходимость совершенствования подготовки спортсменов не только в направлении развития их технико-технических навыков, но и поиск новых психологических ресурсов, которые позволили бы повысить результативность их выступлений [1].

Из анализа многочисленных исследований известно, что условия деятельности человека сушественно влияют на уровень проявления качеств личности, ее характер и темперамент. Из практики спортивной деятельности известно, что от таких качеств личности, как эмоциональная и нервно-психическая устойчивость, тревожность, агрессивность, депрессивность и другие в значительной мере зависят результаты выступлений спортсменов [2,3].

В то же время ученые отмечают недостаточную разработанность и низкий уровень практических рекомендаций для спортсменов, занимающихся различными видами спорта, в которых были бы учтены не только возраст, пол, уровень спортивной квалификации и индивидуальных возможностей, но и влияние специфики конкретного вида спорта на качество личности и здоровья спортсменов [8,9,10].

Актуальность решения указанных вопросов очевидна, что и побудило нас провести данное исследование. Исследование выполнено в соответствии с запланированной темой «Психолого-педагогическое обоснование повышения эффективности спортивной деятельности и восстановительных процессов после физических нагрузок» [5,6].

## ЛИТЕРАТУРА И МЕТОДОЛОГИЯ

Цель работы - провести тестирование качеств личности, физического и психического здоровья дзюдоистов в подготовительном и соревновательном периодах их деятельности.

Организация и методы исследования. В данном исследовании приняли участие 22 спортсмена мужского пола в возрасте от 18 до 22 лет, имели спортивную

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00738

Shu o'rinda 2019-yilda Respublikamiz miqyosida turli transportda yuk va yo'lovchi tashish aylanmasi bo'yicha statistika qo'mitasi taqdim etgan ma'lumotlarini tahlil qiladigan bo'lsak, umumiy tashilgan yo'lovchilar soni 5951,5 mln yo'lovchini tashkil etib, shundan, 5852,8 yo'lovchi yoki 98%i, tashilgan yuklarning umumiy hajmi 1243,0 tonnani tashkil etib, shundan, 1102,2 mln tonnasi yoki 88%i aynan avtomobil transporti hissasiga to'g'ri kelishi avtomobil transporti mamlakatimiz iqtisodiyotining naqadar muhim o'rinni egallashini belgilab beradi.

Transport xizmatlarining eng katta ulushi avtomobil transportida yuk va yo'lovchilarni tashish bo'yicha xizmatlarga to'g'ri keladi.

***1-rasm. 2021- yil yanvar-mart oylarida avtomobil transporti xizmatlari.***

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00749

2021- yil yanvar-mart oylarida avtomobil transportida yo‘lovchi tashish xizmatlarining ulushi 67,7 % ga yetdi (1-rasm) [3].

Transportning ushbu turi boshqa transport turlari bilan taqqoslanganda uning moslashuvchanligi va ko‘rsatilayotgan xizmatlarning nisbatan arzonligi sababli yu-

qori talabga ega hisoblanadi.

Yo’lovchi tashish bilan shug’illanuvchi avtotransport korxonalari (ATK) o’z xizmatlarining samarali, sifatli va qulay tashkil etishi juda muhim hisoblanadi. Bu asosan, ATKning asosiy bo’limlari faoliyatining puxta va ishonchli tashkil etilishi bilan ta’minlanadi.

## ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Yo’lovchi tashish ATKlarining ish samaradorligini oshirish va ish jarayonlarini optimallashtirish borasida respublikamiz va xorijiy adabiyotlarda ko’plab tadqiqotlar, izlanishlar olib borilgan va adabiyotlar yaratilgan.

Xususan, M. Z. Musajonov, Abduvaliyev M. A., Siddiqnazarov Q. M., M.A.Ikramov va boshqalar tomonidan, avtokorxonalarda yuk va yo’lovchilarni o’z vaqtida tashish uchun mavjud avtomobillarning texnik tayyorligini yuqori darajada, eng kam mablag’ sarflagan va ekologik talablarni bajargan holda ta’minlab turish zarurligi, buning uchun ularga muntazam texnik xizmat ko’rsatish va ta’mirlash ishlari (TXK va T) ni olib borish, ularni saqlash joylari, zaxira qism va avtoekspluatatsiyaga oid materiallar bilan ta’minlash va boshqa xizmatlar majmuini amalga oshirish lozimligi ta’kidlangan.

Avtotransport korxonalari samaradorligi uning texnik xizmat ko’rsatish va joriy ta’mirlash bo’limini qay darajada tashkil etilishiga va aynan bu ishlarida muhandislik faoliyatini takomillashtirishning turli nazariy va amaliy yo’llari orqali erishilishiga bog’liqligini xorijiy olimlardan G.V.Kramarenko, N.Ya.Govorushchenko, B.S.Klayner, E.S.Kuznetsova, N.P.Pankratova, I. Primakov, V. Chepurniy va boshqalarning asarlarida takidlab o’tilgan. Ular muhandis-texnik ishchilar faoliyatini takomillashtirish masalalarini ilmiy tadqiqot institutlari va boshqa ishlab chiqarish tashkilotlari ishtirokida ko'rib chiqildi.

## NATIJALAR

Yo’lovchi tashuvchi ATKlar mijozlarga sifatli va qulay xizmatni tashkil etish uchun avvalo samarali o’zining ish faoliyatini takomillashtirishi, moddiy texnika bazasini tubdan qayta jihozlashi, harakatlanuvchi tarkibni ko'paytirishi, uning tarkibini yangilashi va texnik holatini doimiy yaxshilab borishini talab etadi.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00749

Barcha yuk va yo'lovchi tashuvchi ATKlarning ish samaradorligini oshirishda ikkita asosiy strategik yo'nalishni ta'kidlab o'tish lozim:

- harakat tarkibining texnik parametrlari samaradorligini oshirish va optimallashtirish;
- ATKlarda harakatlanuvchi tarkibdan samarali foydalanish texnologiyasini takomillashtirish.

Harakat tarkibining texnik parametrlarini oshirish va optimallashtirishda, ularga texnik xizmat ko'rsatish va ta'mirlash, texnik nazorat va diagnostikalash shu bilan birga bu ishlarni amalga oshiruvchining kasbiy kompetensiyaga egaligi juda muhim hisoblanadi.

Har qanday ATKning ishlab chiqarish-texnika bazasida harakatlanuvchi tarkibga texnik xizmat ko'rsatish va ta'mirlash (TXK va T), saqlash uchun mo'ljallangan bo'limlardan iborat bo'ladi. Ularning vazifasi avtomobillarning doimiy holatda texnik sozligini ta'minlash, texnik parametrlarini saqlash va ekspluatatsiya davomida nosozligini bartaraf etishdan iborat bo'lib turli diagnostikalash-sozlash texnologik jihozlari hamda ishchi postlardan iboratdir. Bu talab bo'yicha belgilanib, barcha yuk va yo'lovchi tashuvchi ATKlar mana shunday jihozlanadi.

ATKlarning TXK va T bo'limlarida harakatlanuvchi tarkibning texnik parametrlarini samaradorligini oshirish va optimallashtirishda quydagilar ta'minlanishi zarur:

- avtomobillarga texnik xizmat ko'rsatish ishlarini nazorat qilish va boshqarish bo'yicha kasbiy kompetensiya ega malakali mutaxassisni jalb qilish va xodimlarning malakasini doimiy oshirishni tashkil etish;
- avtomobillarning ekspluatatsiya davomida texnik nosozliklar va ularning oldini olish, bartaraf etish bo'yicha kompleks chora-tadbirlarni amalga oshirish;
- TXK va T bo'limidagi ustaxona va postlarni zamonaviy diagnostikalash-sozlash jihozlari bilan ta'minlash;
- avtomobillarga TXK ishlarini turlari bo'yicha tizimli va kompleks tarzda amalga oshirish;
- avtomobillarni saqlash joylarida, ularning texnik parametrlarini yo'qotmasligini ta'minlaydigan sharoitni yartish.

ATKlarda harakatlanuvchi tarkibdan samarali foydalanish texnologiyasini takomillashtirishda nozimlik bo'limining o'rni juda muhim hisoblanadi. Harakatlanuvchi tarkibdagi avtomobillar yo'nalishga chiqishi vaqti, yo'nalishdagi harakat intervallarini to'g'ri tashkil etish, texnik tayyorgarlik koeffitsientini oshirish, yo'nalishda avtomobil harakatini boshqarish, harakatdagi avtomobilni joriy

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00749

ta’mirlashni samarali tashkil etilganligi va shu kabi ishlarning samarali tashkil etilganligi nozimlik bo’limi nozimlarini kasbiy kompetensiyasi, malakasi bilan belgilanadi.

## MUHOKAMA

Avtotransport vositalarining samaradorligini oshirish uchun ularning texnik holatini yaxshilashga ko'proq e'tibor qaratish lozimligi ta’kidlanmoqda.Bu muhim masala hisoblanadi, ini hal qilishda asosiy vazifa avtotransport korxonalarining texnik xizmatiga alohida ahamiyat berishdir. Bunda asosiy vazifa sifatida - harakat tarkibining ekspluatatsiya davrida nosozlikka uchramasligi va nosozliklarning oldini olish, ularni bartaraf etish bo'yicha kompleks chora-tadbirlarni amalga oshirish kerakdir.

ATKlarda barcha bo’limlar faoliyatining samaradorligi shu bo’limda ishlovchi xodimlarning kasbiy mahoratiga bog’liqdir, albatta ishchi xodimlarning, texnik muhandislarning kompetentli va malakali bo’lishi ish samaradorligini oshirishda eng asosiy jihat hisoblanadi.

## XULOSA

Xulosa qilib aytganda, yo’lovchi tashuvchi ATKlarning ish samaradorligini oshirishda harakat tarkibining texnik parametrlari saqlash va optimallashtirish, avtomobillardan samarali foydalanish texnologiyasini takomillashtirish juda muhim hisoblanadi. Bu ishlarni tashkil etishda ATKning TXK va T shuningdek nozimlik bo’limlarini ish faoliyatini sifatli tashkil etish, umumiy korxonaning ishlab chiqarish texnika bazasini modernizatsiya qilish va takomillashtirish kerak bo’ladi. ATKlarning ish faoliyatini amalga oshiruvchi texnik-muhandis va ishchi xizmatchilarning kasbiy mahorati va malakasi barcha ishlarning samaradorligini oshirib, tashish xizmatlari sifatini oshishda muhim hisoblanadi.

## REFERENCES

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 6-mart, PQ-4230-sonli “Yuk va yo‘lovchi tashish tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” gi qarori.
2. M. Z. Musajonov. Avtotransport tarmog'i korxonalarini loyihalash/ - 2-nashri.- T.: A. Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti, 2011. - 320 b.
3. O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasi (https://www.stat.uz /images/uploads/reliz2021/xizmatlar_mart_uz.pdf).

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00749

4. Azimov, A., & Muxtarov, A. Avtotransport korxonalarida texnik xizmat ko'rsatish va ta'mirlash ishchilarini kompetensiyaviy yondoshuv asosida tayyorlash va malakasini oshirish metodikasi. Academic Research in Educational Sciences, 2(1) 2021, 258-265. 5.
5. Азимов, А., & Хамроев, Д. (2021). Диагностика двигателя автомобиля по стандартным нормам шума. Academic research in educational sciences, 2(3), Vol. 2, No. 3, 2021, 165-173. (https://doi.org/10.24411/2181-1385-2021-00382 ).
6. Azimov A. "Avtomobilsozlik sanoatida polimer va kompozit materiallardan foydalanishning samaradorlik ko'rsatgichlari", OOO «Academic Research», Vol. 1 No. 1, 2020, (DOI: https://doi.org/10.24411/2181-1385-2020-00010).
7. A. Azimov. Factors affecting noise reduction on automobile roads. Scientific and technical journal of namangan institute of engineering and technology. NamIET, Publishing Department, Том 3, 2020, 328 pages.

ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 4 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00750

# ВИКТОРИАН АДИБА ШАРЛОТТА БРОНТЕ ИЖОДИДА ҚУШ РАМЗИНИНГ ТАСВИРЛАНИШИ

**Хулкар Мухаммедова**
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
hulkar_m@yahoo.com

## АННОТАЦИЯ

Мазкур мақоламизда Англия қироличаси Виктория (1837-1901) хукмдорлик қилган даврда ижод қилган адиба Шарлотта Бронте ижоди таҳлил этилган. Инглиз адабиётида Шарлотта Бронте ижоди кўплаб тадқиқотчилар томонидан ўрганилганлигига қарамай тадқиқотлар ҳануз олиб борилмоқда. Адибанинг жаҳон адабиётининг классик намунаси сифатида эътироф этилган асарлари бугунги кунда ҳам китобхонлар томонидан мутоола қилинмоқда. Шарлотта Бронте ижоди рамзлар тасвирига жуда бойдир. Хусусан “Жейн Эйр” асарида қуш рамзлари жуда кўп учрайди. Бир тарафдан ёзувчи қушларни табиат манзарасида тасвирласа, иккинчи тарафдан қаҳрамон характерини очиб беришда маҳорат билан фойдаланган.

**Калит сўзлар:** викториан адиба, рамз, қуш, асар, характер, табиат, тасвир

# THE SYMBOL OF A BIRD IN THE NOVELS OF VICTORIAN WRITER CHARLOTTE BRONTE

## ABSTRACT

This article focused on the works of Charlotte Bronte in Victorian period in English literature. Despite the fact that the work of Charlotte Bronte in English literature has been studied by many researchers, even today studies are still being conducted. Her works, considered as a classic example of world literature, and novels are reading today by readers. Charlotte Bronte's novels are very rich image of symbols. In particular, the bird symbols in the work "Jane Eyre" pretty much described. On the one hand, the writer skillfully used the symbols of birds to reveal the image of bird in the landscape of nature, and the character of the hero.

**Keywords:** Victorian writer, symbol, bird, novel, character, nature, description

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00750

## КИРИШ

Жаҳон адабиётида рамзларни тасвирлаш услуби жуда кўп адиб ва адибалар ижодида учрайди. Ёзувчилар рамзларни турли услублар билан тасвирлайдилар. Рамз бу имо, ишора ва имлаш маъносини англатиб, кўчим турларидан биридир. У фақат шартли равишда ва матн доирасида кўчма маъно касб этувчи сўз ёки сўз бирикмаси, образлилик туридир. Хусусан инглиз адибаси Шарлотта Бронте ижоди рамзлар тасвирига жуда бой ҳисобланади. Шарлотта Бронте Англиянинг Йоркшир графлиги Торнтонда 1816 йилнинг 21 парелида таваллуд топган. Адибанинг “Ўқитувчи” (The Professor 1845), “Жейн Эйр” (Jane Eyre 1847), “Ширли” (Shirley 1848), “Виллет” (Villette 1852) каби йирик асарлари ва битта тугалланмаган “Эмма” (Emma) асари мерос бўлиб қолди. Шарлотта Бронте ўз асарларида рамзлардан унумли фойдаланибгина қолмай улардан маҳорат билан тасвирлай олган. “Жейн Эйр” асарида қушлар рамзларидан унумли тасвирлаш услуби Томас Бэвикнинг икки томли “Британия қушлари тарихи” асари билан узвий боғлиқдир. Адиба британия қуш турларини ўзида мужассам этган юздан ортиқ орнитологияга оид адабиётлардан фойдаланган. Ёзувчининг учта “Жейн Эйр”, “Ширли”, “Виллета” асарларида қуш рамзларини акс эттиради. Хусусан, “Жейн Эйр”да жаноб Рочестер “аслзода бургут” бўлса, Жейн “чумчуқ”қа қиёсланади. “Ширли” , “Виллета” асрларида эса олтмиш бешта орнитологик рамзлар учрайди. Дастлаб қушлар табиат тасвирларида намоён бўлса, қуш рамзлари эса асар таъсирчанлигини кучайтиришга хизмат қилади.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Шарлотта Бронте ижоди юзасидан олиб борилган тадқиқотларнинг салмоғи жуда каттадир. Инглиззабон тадқиқотчилар олиб борган тадқиқотларда адиба ижоди биографик метод асосида таҳлил этилган. Ёзувчининг ҳаётини ўрганишда Элизабет Гаскеллнинг 1857 йилда ёзган “Шарлотта Бронтенинг ҳаёти ва ижоди - The Life of Charlotte Bronte” асари шубҳасиз катта аҳамият касб этади. Мазкур китоб ҳозирги кунгача адиба ҳаётини ўрганишдаги илк фундаментал ва фактларга бой тадқиқот ҳисобланади. Э.Гаскелл Ш.Бронтенинг яқин дугоналаридан бўлиб, улар тез-тез хатлар ёзишиб туришган. Мана шу сабаб айнан Э.Гаскелл адибанинг ҳаётини том маънода чуқур очиб бера олган. Э.Гаскелл асарида шахсий хатлар, кундалик, Бронтелар оиласининг дўстлари хотиралари каби ҳақиқий хужжатлардан жуда унумли фойдалана олган. Бу асарнинг илмий қийматини кўрсата оладиган далилдир.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00750

Асарда Э.Гаскелл Бронтелар оиласини бутун тафсилотлари билан батафсил ҳикоя қилади. Оила тарихини ирландларга бориб тақалувчи катта боболаридан бошлайди. Э.Гаскелл Патрик Бронте фарзандларига табиат ато этган ноёб истеъдодни очиб беришга уринади. Муаллиф асосий эътиборни опа-сингил ва аканинг кўп вақтларини уйда ўтказганлигига батафсил тарзда қаратади. Э.Гаскелл опа-сингил Бронтелар истеъдоди айнан тақдир томонидан берилган ноёб туҳфа уларда жуда кучли ва ўзига хос равишда ривожланганлигини таъкидлайди.

Опа-сингил Бронтелар биографиясини ўрганган ва янги тадқиқотларга йўл очиб беришга хизмат қилувчи В.Райтнинг “The Brontes in Ireland: Or, Facts stranger than fiction – Бронтелар Ирландияда ёки фактлар, ҳайратли фантазия” номли монографиясидир. Ўз монографиясида муаллиф оила биографиясини Бронтелар оиласига алоқадор турли тарихий фактлар орқали ёритиб беришга ҳаракат қилади.

XX-XXI асрларда бундай тадқиқотлар салмоғи янада ортди. Жумладан К. Шортер, В. Вульф, Е. Бенсон, Т.Вайс, Р.Вилсон ва кўплаб тадқиқотчилар кабилар тадқиқот олиб бордилар.

Монографиялар билан бирга тадқиқотчилар изланишларини акс эттирган тўпламлар ҳам яратилади. Я.Грегор ноширн томонидан нашр этилган “A Collection of Critical Essays – Танқидий мақолалар тўплами”, Ж.Онейл ноширлигида “Critics on Charlotte and Emily Bronte – Шарлот ва Эмили Бронте ҳақида танқид” тўпламлари бунга яққол мисол бўла олади. Турли йилларда яратилган катта ҳажмдаги тадқиқотлар мана шу шаклда опа-сингил Бронтелар ижоди ҳақида умумий тасаввурга эга бўлиш имконини беради.

XX-XXI аср инглизабон тадқиқотчилари Бронтелар ижодини турли ёндашувлар асосида ўрганишга уринишди. XIX ва XX-XXI асрларда адабиётшунослар олиб борган тадқиқотлар натижаси Шарлотта Бронте ижодини асосан биографик аспектда очиб берилганлигини кўрсатади.

## НАТИЖАЛАР

Тадқиқотчи Ж.В.Штедманнинг “Ш.Бронте ва Бэвикнинг “Британия қушлари” асари адиба ижодида орнитологик рамзлар мавжудлигини кўрсатади. Аҳамиятга молик тарафи шунда эдики, юқорида таъкидланган “Британия қушлари” асари ёзувчининг севимли китобларидан бўлган. “Жейн Эйр” асарининг илк саҳифасида айнан мана шу асар тилга олинади. Жейн қушлар мотивини асарнинг илк саҳифасида уларни таништиришдан бошлайди: “ -

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00750

Бэвикдан чексиз миннатдорман, мен жуда бахтлиман, ўз ҳаётимдан мамнунман” деб ҳикоя қилади. Шарлотта Бронте асарларида қуш рамзлари қуйидаги кўринишда ифода этилган:

1. Қушлар табиат тасвирларида намоён бўлиши;
2. Қуш рамзлари инсон характерини ифодаловчи восита сифатида;
3. Қушлар бахт, муҳаббат ва ишончни ифода этувчи восита сифатида акс этади.

“Жейн Эйр” асарида қуш рамзи эркак ва аёл ўртасидаги муносабатни ифода этади. Бундай хусусият адибанинг қолган икки асарида деярли учрамайди. Адабиётшунос К.Тиллотсон адибанинг асарларида рамзларни қисман таҳлил қилади, аммо у қуш рамзларини эътибордан четда қолдирган.

Асарнинг бош қаҳрамони Жейн болалигида хурсанд қилган икки нарса бири бу чинни тарелкага жаннат қушлари тасвирини чизиш бўлса, иккинчиси мана шу чиннига безак беришда ортирган тажрибаси бўлганлигини ҳикоя қилади. Мана шу икки нарса Гэйтсхедда рўй берган илк хурсандчилик онлари эди. Жейннинг жияни бўлган Жон унга ҳам руҳан ҳам жисмонан азоб берарди. Жон Жейнни ҳақорат қилар ва бунга унинг синглиси Жоржиана ҳам қўшиларди. Иккаласининг олдида у нимжон ва кичкина эди. У Ловуд қизлар мактабига йўл олар экан, ўзига назар ташлаб: “*attraction in the spectacle of a hungry robin - спектаклда ўзига жалб қилувчи оч ва нимжон тоғчумчуғи*” деб ўзини ҳис қилади [1.30]. Торнфилдга гувернантка сифатида ишга таклиф қилинган Жейнга жаноб Рочестер “*a curious sort of bird - ғалати қуш тури”* [1.133] деб баҳо беради. Торнфилдга келиб қасрни айланар экан Жейн учинчи қаватда жойлашган ётоқхона деворига илинган расмни қуйидагича: “*old English hangings crusted with thick work, portraying effigies of strange flowers and stranger birds - эски инглиз услубида ишланган усти юпқа расмда ғалати гуллар ва қушларнинг тасвири*” [1.102] тасвирлайди.

Асарда жаноб Рочестер уюштирган зиёфатда ҳам қуш рамзлари Жейн томонидан кенг талқин этилади. Жейн зиёфатга ташриф буюрган хонимларни кузатар экан: “ *fluttering and waving plumes seems flock of white plumy birds- хилпираб турган рўмол ва жиға таққан хонимлар оқ укпарли қушлар тўдасини эслатарди”*[1.163]. Жейн учун улар эркаклар олдида кўзга ташланмайдиган ҳамрохлар эди. Бу хатто Ловуд қизлар мактабидаги жаноб Броклхўрст атрофидаги туяқуш укпар ва жиғаларини тақувчи хонимларида ҳам учрайди. Грек антологиясига кўра туяқуш ер юзадаги энг фаросатсиз жонзот сифатида ифода этилади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00750

Жаноб Рочестер таклифига кўра зиёфатга келган аёллар Жейн назарида бу хонимлар типи эгоист, кеккайган ва бўш тафаккур шахс типини намоён этади. Аёллар орасида Бланше Ингрэм хақиқий аристократ намунаси эди. Мафтункор Бланше чиройли сочлари ва кўриниши билан меҳмонлар орасидаги қора қузғунни эслатарди. Жейн айнан Бланшени "*қора қузғун - raven-black*" [1.151] деб атайди. Жаноб Рочестернинг қариндоши бўлган жаноб Мэйсонни эса кўриниши ва муомаласига қараб "*кучли лочин – fierce falcon*" [1.181] сифатида тасвирлайди. Кутилмаганда Жейнга Гейтсхеддан мактуб келиши натижасида унинг кузатишлари барҳам топади. Хатд унинг зудлик билан Гейтсхедга етиб бориши кераклиги ёзилганди. Торнфильдни тарк этар экан ўзини худди жаноб Рочестер айтганидек "stray and stranger bird – ғалати қуш" сифатида ҳис қилади. Жаноб Рочестер уни кузата туриб қайта ва қайта унга "*Jane be still don't struggle so like a wild bird – Жейн ёввойи қушга ўхшаб жанжал кўтарма*". Жейн бунга жавобан "*I am not a bird. I am a free human being with an independent will – мен қуш эмасман. Мен озодлиги ўз қўлида бўлган инсонман*" [1.186] деб жавоб қайтаради. Жаноб Рочестер эса босиқлик билан ақл билан иш кўришни маслаҳат беради. Жейн ўз туйғуларини сўз билан ифодалар экан ҳар сафар Ловудда ўрганган қоидаларга риоя қилмасди. Ҳаттоки улар ўртасида бошланган муҳаббатни ҳам Жейн булбулнинг ёқимли сайрашини эшитганидан бошланганини таъкидлайди. Табиат ва қушлар Жейн тасвирларида кенг ўрин эгаллайди. Табиатнинг зийрак кузатувчиси бўлган Жейн қалбидаги нозик туйғуларни табиат билан уйғунликда ифодалайди. Жаноб Рочестер билан сайр қилар экан Жейн дарахтзорда маст бўлиб сайраётган булбул сайрашига мафтун бўлиб қолади. Уларни тинглаётган Жейн учун қушлар муҳаббат рамзлари эди. Ўзи эса уйсиз ва маконсиз қанотлари синган қушга ўхшарди ва ўзини айни дамда мана шундай ҳис қиларди.

## МУҲОКАМА

Шарлотта Бронте асарларида тасвирланган рамзлар бир қатор тадқиқотчилар томонидан очиб беришга ҳаракат қилинган. Жумладан, Ф.Э.Рэчфорднинг "Бронте: Болалик дунёси" деб номланган илмий асарида Жейннинг болалик дунёсини акс эттирган Гейтсхед ва миссис Рид оиласи, Адел, Берта ўртасидаги боғлиқлик ва бу риштани айнан Гейтсхед билан боғлайди. Гейтсхедда ўтказган болалиги оғир бўлганлигини ва атрофидаги одамлар унинг уйсиз эканлигини ва ҳеч қандай мерос эгаси эмаслигини таъкидлашдан чарчамайдиганлар эканлигини Жейн борлигича ифода этишга

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00750

ҳаракат қилади. Атрофидагиларни характерини ёритар экан, уларни совуқ ва бегона қолаверса меҳрдан бебаҳра эканлигини кўрстади. Р.Мартин эса жаноб Рочестер Торнфилд рамзи эканлигини очиб беришга уринади. Торнфилд қасри кўриниши ҳам Жейнда катта тассурот қолдиради. Табиат бағрида жойлашган Торнфилд хақиқий зодагон макони эди. Унинг салобати ва маҳобати унинг эгасида ҳам акс этарди. Жейн жаноб Рочестерни дастлаб ёввойи қуш бургутга ўхшатган бўлса, кейинчалик уни қора қарғага хос бўлган сифатлар мавжуд эканлигини таъкидлайди. Айниқса унинг Бланше Ингрэм билан суҳбатлашишини кўрганида янада ишонч билан тасвирлайди. Асар якунларида эса аслзода яраланган бургутга қиёс этади. Кўзлари жароҳат олган бўлсада ҳамон унинг бургутга ўхшаб ўзини тутиши ва сўзлашларида ҳам сезилиб туришини кўртсатиб ўтади. Тадқиқотчи Б.Харди Жейннинг орзуларига кўпроқ урғу берди. Орзуни болалик, ўсмирлик ва балоғатга етган Жейн мисолида кўрсатиб беришга уринади. Дастлаб орзу Гетсхеддаги миссис Рид хоним уйидан бошланган бўлса, унинг ўсмирлик даври Ловуд мактаби ва унинг қадрдон дугонаси билан уйғунликда тасвирланади. Балоғатга етган Жейн орзуси Торнфилд қасри билан боғлиқ ҳолда таҳлил этилади. Инглиззабон тадқиқотчиларнинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики адибанинг ижоди ҳар сафар унинг биографиясидан бошланиб, унинг ҳаётидаги ҳар бир деталь асар ёзишида туртки бўлганлигини таъкидлайди.

Айтиш мумкинки, бугунги кунгача опа-сингил Бронтелар ижодини жуда кўплаб тадқиқотчилар ўрганганлиги сир эмас. Бу тадқиқотларнинг салмоғи ҳам каттадир. Олиб борилган тадқиқотларда мазкур адибаларнинг услублари ҳамда тилга оид мавзулар доирасида таҳлилга тортилган. XIX-XX аср инглиззабон мамлакатларда опа-сингил Бронтелар ижоди гендер аспекти асосида ўрганилган. Бундай тадқиқотлар П.Стоунмен, С.Борьюк, Л.Хинкли, Р.Чейз, Д.Донахьюлар томонидан олиб борилган.

Ж.Льюис “Frazer’s Magazine” журналида чоп этилган мақоласида Ш.Бронтега юқори баҳо бериб, уни “адабиётдаги янги сўз” деб атайди. Шу билан бирга Англияда пайдо бўлган янги романга тавсиф беради. “Жейн Эйр” ҳақида шундай ёзади: “*we wept over Jane Eyre. This indeed is a book after own heart- биз “Жейн Эйр”ни ўқиб йиғладик. Бу юрак ҳақидаги асар*” [3,259]. Унинг фикрича муаллиф асосий урғуни ҳаёт ва унда яшовчи характерлар ва туйғуга беради. Ж. Льюис романда акс этган ижобий туйғу, ҳис-ҳаяжонга қолаверса сюжетга юқори баҳо беради. Роман жанрини эса танқидчи автобиографик асар деб ҳисоблайди. Танқидчи ижобий хусусиятлар билан бирга айрим

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00750

камчиликларни ҳам айтиб ўтади. Унинг фикрича романда жуда кўплаб мелодраматик элемантлар, ҳақиқатга тўғри келмайдиган вазиятлар тасвирланган бўлиб, булар асар ҳақидаги умумий таассуротни бузади. Кюррер Беллнинг табиатни, архитектурани тасвирлаш маҳоратига алоҳида эътибор қаратади: “ *The writer is evidently painting by words a picture that she has in her mind- адиба суратни қандай тушунган бўлса, сўз билан шуни ифода этган*[3. 461]”.

Тадқиқотчи Л.Хинкли 1970 йилда Бронтелар биографиясини ёритган “The Brontes - Бронтелар” номли монографияни нашр эттиради. Мазкур монографияда муаллиф дастлаб Э.Гаскелл яратган Бронтелар биографиясига асосланади. Шу билан бирга муаллиф Шарлотта Бронтенинг “Ўқитувчи”, “Шерли”, “Вильетт”, “Жейн Эйр” ҳамда Э.Бронтенинг “Момақалдироқ довони” романларини таҳлилга тортган. Эътиборга молик тарафи шундаки Л.Хинкли адибалар томонидан яратилган асарларни таҳлил этишда қисқача асар мазмуни, ундаги персонажлар ва асар табиати ҳақидаги ўз мулоҳазаларни билдириб ўтади.

Д.Лож Шарлота Бронте ижодида аниқлаган мавзулардан бири аёл муаммосининг кенг талқин этилганлигидир. “Жейн Эйр” романи жамият учун долзарблик кас бэтди. Ундаги бош қаҳрамон Жейн ҳар томонлама кучли, мустақил, ўз кучи билан ютуққа эришиши ва бунинг учун курашишга тайёр эканлигини кўрсатади. Жейн жамиятда тенг бўлиш тарафдори бўлди. Кўплаб тадқиқотчилар таъкидлаб ўтганидек Л.Лож ҳам Ш.Бронтенинг пейзаж, табиат ва инсонларни тасвирлаш маҳоратига тўхталади.

**ХУЛОСА**

Юқорида таъкидлаб ўтилган илмий изланишлар натижасига таяниб айтиш мумкинки, Шарлотта Бронте ижоди роман таҳлили ва биографик тарафдан кенг ўрганилганлиги аниқланади.Унинг ижодий меросида учта аспектни кўриш имконияти мавжуд. Биринчиси унинг авлоддан-авлодга ўтган истеъдоди ва ҳаёт таъсирида шаклланган дунёқарашдир. Иккинчиси эса Бронте ижодини ҳикоя қилиш услубини очиб беришга қаратилган ёндашув бўлса, учинчиси адиба ижоида рамзларнинг кенг тақин этилишидир. Адибага тегишли романларда турли ҳикоя қилиш услублари ва унинг ижодий насрини тушуниш имкони мавжуддир.

Викториан даврнинг анъанасига кўра ижод қилган адиба ўз доирасида кескин ихтилофни шакллантирарди. Э.Гаскелл бу ҳақда қуйидагича изоҳ

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00750

беради: “ўша даврдан бошлаб Шарлота Бронте параллел тарзда иккига яъни Каррер Бэлл ҳаёти ва Шарлотта Бронтенинг аёл сифатидаги фаолиятига бўлинди. Ҳар бирида алоҳида маъсулият юки бор эди. Каррер Бэлл бошқа адиблар сингари ижод билан шуғулланса, иккинчиси оила билан машғул бўлиши керак эди. Аёлнинг асосий иши унинг танлови асосида ҳал қилинмайди. У табиат ато этган вазифани бажариш маъсулияти билан оилани ташлаб қўёлмайди”. Викториан Англиянинг адабий доирасидагилар айнан Шарлотта Бронте романларини шахсий ҳаётни очиб берувчи гувернантка романлари жамиятга таъсир ўтказишини ва бу ижодни амалга ошириш имконияти мавжудлигини қайд этишган. XIX асрда дастлаб адиба ижодига Ж.Элиот, М.Арнольд, У.Батлер, Э.Троллоплар эътибор қилишган бўлса, Д.Г.Росетти, Ч.А.Суинерн, У.Пейтерлар романтик маҳорат Бронте ижодининг ўзига хос хусусиятига катта қизиқиш билдиришди.

XX асрда Шарота Бронте ижоди бўйича олиб борилган кўплаб тадқиқотларда “Бронтелэнд – Bronte - land” атамаси эътиборни тортади. Ўтган асрнинг ўрталаригача Бронтешунослик ўзида йирик илмий, танқидий, адабий ва монографик тадқиқотларни ўзида мужассам этди.

## REFERENCES

1. Bronte Ch. Jane Eyre. Boston: Houghton Mufflin Company, 1959.
2. Gaskell E. C. The Life of Charlotte Bronte. London, 1857. – P. 231.
3. Lewes G. H. Jane Eyre: an Autobiography. Recent Novels: French and English» // Fraser's Magazine, V. XXXVI, №CCXVI December, London 1847. -P. 690.
4. Қуронов Д. Адабиётшунослик луғати. Тошкент: Академнашр. –Б. 245.
5. Shorter C. The Brontes and their circle. London, 1917, Woolf V. Jane Eyre and Wuthering heights. The Common Reader. London, 1925. P.196 – 204; Benson E. F. Charlotte Bronte. New York, 1932; Wise T. J. and Symington J. A. The Brontes: Their lives, friendship and correspondence. London, 1932; Wilson R. All Alone: The Life and Private History of Emily Jane Bronte. Kessinger Publishing, LLC, 2003.
6. The Brontes: A Collection of Critical Essays: Critics on Charlotte and Emily. ed. by I. Gregor. – New York, 1970.
7. Wright W. The Brontes in Ireland; or, Facts stranger than fiction. London, 1894.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00751

# ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ЭЛЕКТРОННЫХ СЛОВАРЕЙ НА УРОКАХ РОДНОГО ЯЗЫКА В НАЧАЛЬНОЙ ШКОЛЕ

**Манзура Сапарбоевна Эрназарова**
Доцент Навоийского государственного педагогического института

**Мухтарам Хусниддин кизи Хусенова**
Магистрант Навоийского государственного педагогического института

## АННОТАЦИЯ

В этой статье анализируются функциональность электронных словарей и причины их популярности в классах родного языка. Кроме того, некоторые вопросы, связанные с интеграцией электронных словарей в обучение и преподавание родного языка будут определены и обсуждены. Взгляды автора на эту тему также будут представлены на основе о наблюдении и отражении использования электронных словарей на уроках родного языка.

**Ключевые слова:** Электронные словари, орфографические и синтаксические аспекты, словарный запас, пословицы, загадки, произношение и словесные игры.

# THE USE OF ELECTRONIC DICTIONARIES IN THE LESSONS OF THE NATIVE LANGUAGE IN PRIMARY SCHOOL

## ABSTRACT

This article analyzes the functionality of electronic dictionaries and the reasons for their popularity in native language classes. In addition, some issues related to the integration of electronic dictionaries in the teaching and teaching of the native language will be identified and discussed. The author's views on this topic will also be presented based on the observation and reflection of the use of electronic dictionaries in the lessons of the native language.

**Keywords:** Electronic dictionaries, spelling and syntactic aspects, vocabulary, proverbs, riddles, pronunciation and word games.

## ВВЕДЕНИЕ

Сегодняшние словари содержат больше информации, и их легче найти и понять. А с появлением электронных форматов словарей проблема с

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00751

пространством перестала быть проблемой. Электронные словари становятся все более привлекательными, принимаются и популярны среди учеников любого возраста. Использование электронных словарей в начальных классах родного языка усиливает интерес учеников.

## МЕТОДОЛОГИЯ

Электронный словарь - это словарь, данные которого существуют в цифровой форме и к ним можно получить доступ через ряд различных методов. Электронные словари могут быть найдены в нескольких формах, включая программное обеспечение, установленное на планшетных или настольных компьютерах, мобильные приложения, веб-приложения и в качестве встроенная функция электронных книг. Они могут быть бесплатными или некоторые требуют оплаты.

Словари играют важную роль в нашем использовании родного языка и всех иностранных языков. Словари являются фантастической ступенькой на лестнице обучения ребенка. Словари, которые идеально подходят в качестве справочника, также содержат обширную информацию по самым разным темам. Ярко иллюстрированные первые словари заинтересуют маленького ребенка, в то время как предметные и языковые словари будут полезны для не только учеников малого возраста а для учеников всех возрастов. Электронные словари очень популярны, а словарь с закладками является бестселлером.

Необходимость обогащения словарного запаса учащихся через различные виды упражнений и диктантов ставит перед учителем и учениками важную задачу — проводить всесторонний анализ слова в орфоэпическом, лексико-семантическом, орфографическом и синтаксическом аспектах. Необходимо создать условия для развития диалектно-просторечных и нелитературных слов, так и слов архаичных, вышедших из употребления для учеников с малых лет. Причем одновременно с этим необходимо ориентироваться и на возрастные возможности учащихся.

Основными преимуществами электронных словарей являются простота использования, участники могут получить определения слов, изображения, произношение и то, как слова используются в контексте.

## ОБСУЖДЕНИЕ И РЕЗУЛЬТАТЫ

Словари играют важную роль в увеличении словарного запаса учащихся начальной школы и формировании молодого поколения независимых

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00751

мыслителей, но их постоянное использование удобно и требует времени. В современном мире информационных технологий использование электронных словарей повышает эффективность учебного процесса и создает новый подход к обучению. По этой причине разработка программы электронного словаря для младших школьников является одной из самых актуальных проблем. Электронные словари имеют ряд преимуществ перед традиционными словарями. Современные электронные словари не только богаты лексикой, но и быстро их находят.

Многие электронные словари представляют собой программу для персональных компьютеров под управлением *Windows*. Важной особенностью электронного словаря является учебник ***«Родной язык»*** начальной школы. В основу этого учебника положены сложные слова из учебника родного языка, объяснение некоторых сложных для ученика слов, английский перевод на основе картин.

Ссылки, содержащиеся в словах, фразах или изображениях, позволяют пользователю выбирать текст или изображения и мгновенно отображать связанную информацию и мультимедийный контент.

Еще одна особенность программы - в них есть разделы, позволяющие пользователю постоянно пополнять словарный запас. Пословицы, загадки, произношение и словесные игры являются важными.

Чтение книг маленьким детям - отличный способ помочь им выучить новые слова. Это особенно актуально, когда книги читают более одного раза, дети легко изучают и взрослые объясняют ребенку незнакомые слова. Изобретение электронных книг значительно упростило чтение на ходу. Вы можете носить с собой столько книг, сколько захотите, при этом ваш планшет не станет тяжелее! Многие электронные книги также имеют встроенные словари, которые дети могут использовать самостоятельно, чтобы узнать значение незнакомых слов. Предыдущие исследования показали, что чтение электронных книг со словарями помогает обычно развивающимся детским садам учить новые слова.

Чтобы поддержать рост словарного запаса вашего ребенка, вы можете предпринять следующие шаги:

- ✓ поиск электронных книг, содержащих короткие определения с использованием элементов рассказа
- ✓ моделирование этих типов словарных опор, когда ваш ребенок спрашивает вас об определенном слове

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00751

- ✓ делиться результатами этого исследования с учителем и / или терапевтом вашего ребенка и спрашивать об определенных электронных книгах, которые могут моделировать эти типы определяющих опор.

Еще одна причина, по которой электронные словари являются жизнеспособным инструментом обучения, заключается в том, что они отстаивают концепцию целостного обучения. Основной аспект целостного обучения включает в себя объединение и понимание различных идей вместе. Это очень важно, потому что вы говорите о том, чтобы вывести эту естественную привычку устанавливать связи между идеями на новый уровень. Когда ваш ребенок подвергнется этому опыту обучения, его или ее нежный ум можно отточить до мощного ума, способного впитывать любые знания, как губка. Когда ваш ребенок взаимодействует с электронным словарем, он стимулирует координацию ума и тела таким образом, что другие обучающие инструменты не могут имитировать.

Родители должны быть довольны тем, что процесс обучения можно превратить в более увлекательное и интересное занятие с небольшой помощью электронных словарей. Каждая деталь электронного словаря была разработана таким образом, чтобы побудить вашего ребенка учиться и узнавать новые знания. Кроме того, каждый электронный словарь предназначен для разных процессов обучения. Например, электронные словари можно разделить на три отдельные категории:

- ➢ Словарь / Тезаурус
- ➢ Инструменты проверки орфографии и справочника
- ➢ Контекстная проверка орфографии / грамматики.

Каждый из них хорошо подходит для обучения вашего ребенка и помогает ему или ей эффективно учиться. Электронные словари, разработанные исключительно для детей, обычно имеют упрощенное управление, которым легко управлять. От больших кнопок до красочного макета - все они привлекают внимание вашего ребенка, чтобы он мог попробовать электронный словарь. Некоторые модели даже поставляются с более крупными текстовыми дисплеями, чтобы юные пользователи могли легко читать.

## ЗАКЛЮЧЕНИЕ

Высококачественные электронные словари включают в себя определенные расширенные функции, которые добавляют ценность. Эти

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00751

специальные функции включают сенсорные экраны, подключение по USB, формирование и распознавание речи, сканирование печати и другие. Они невероятно полезны, помогая вашему ребенку получать больше удовольствия от обучения.

## REFERENCES

1. Корат О., Грейстер Т. и Альтман К. (2019). Вклад чтения электронной книги со словарем в изучение слов: сравнение пенсионеров с SLI и без него. Журнал коммуникативных расстройств, 79, 90-102. https://doi.org/10.1016/j.jcomdis.2019.03.004
2. Неси, Х., «Словари в электронной форме», в Cowie, A.P. (Ред.), Оксфордская история английской лексикографии, Oxford University Press, 2009: 458-478.
3. Чен, Южен, «Использование словарей и изучение EFL: сравнительное исследование карманных электронных словарей и бумажных словарей», в International Journal of Lexicography23 (3), 2010: 275-306.

ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 4 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00752

# ХЛОРИДЛИ ТУЗИ СТРЕССИНИНГ ТУРЛИ КОНЦЕНТЬРАЦИЯСИДА ТРИТИКАЛЕ НАВЛАРИИНГ ЧИДАМЛИЛИГИ

**Дилоза Солижон қизи Норбоева**
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети магистранти

## АННОТАЦИЯ

Лаборатория шароитида тритикаленинг бир неча навлари NaCl тузининг турли концентрацияларида унувчанлиги ўрганилган. Назорат сифатида олинган дистилланган сувда тритикаленинг Сардор, ГулДУ ва Валентин навлари 100%, бошқа навлар 93-99% гача униб чиққан, NaCl тузининг 85 мМ эритмасида унувчанлик ўртача 3-4% га камайган, 165 мМ ли эритмасида 5-7% гача камайишига қарамай ўртача унувчанлик 90% га тенг эканлиги аниқланган.

**Калит сўзлар:** тритикале, шўрланиш, унувчанлик, унувчанлик энергияси, колеоптиле, илдиз узунлиги.

# TOLERANCE OF TRITICALE VARIETIES IN DIFFERENT CONCENTRATIONS OF STRESS OF CHLORIDE SALT

## ABSTRACT

The germination of several triticale varieties at different concentrations of NaCl salt was studied under laboratory conditions. In distilled water taken as a control, triticale varieties "Sardor", "Guldu" and "Valentin" gave germination of 100%, other varieties-up to 93-99%, in an 85-mm solution of NaCl salt, germination was reduced by an average of 3-4%, in a 165-mm solution of Li, the average germination was 90%, despite a decrease to 5-7%.

**Keywords**: triticale, salinity, germination, germination energy, colioptile, Root Length.

## КИРИШ

Ўзбекистон шароитида тупроқ бирламчи ва иккиламчи шўрланиши йилдан-йилга ортиб бормоқда ва қишлоқ хўжалиги экинларининг тупроқ шўрланишига чидамли навларини танлашни тақозо этмоқда. Республикада етиштирилаётган буғдойнинг деярли 1/3 қисми, ёки 2 млн тоннадан ортиғи чорва ва паранда учун ем сифатида ишлатилмоқда. Тритикале ўсимлиги бу синтетик экин тури бўлиб, жавдар ва буғдойнинг дурагайидан олинган. Бу экин

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00752

тури буғдойга нисбатан биотик ва абиотик омилларга чидамлилиги, хосилдорлиги ҳамда ем сифатида озуқа бирлиги буғдойдан юқорилиги билан фарқ қилади. Бугунги кунда тупроқ шўрланиши натижасида буғдой етиштириш етарли самара бермайдиган майдонларга тритикале экиш самарали бўлиши мумкин. Шу муносабат билан тритикаленинг Республикада мавжуд бўлган бир неча навлари лаборатория ва дала шароитида хлоридли тузга чидамлилиги бўйича бахоланди.

## АДАБИЁТЛАР ШАРХИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Дунё қишлоқ хўжалиги ишлаб чиаришига тупроқ шўрланиши катта зарар етказади. Шўрланиш (асосан хлоридли ва сульфатли) 0,25% ортиқ бўлиб, планетимизнинг 25% дан ортиғи кучли даражада шўрланган. Россия федерациясида шўрланган майдонлар 36 млн гектардан ортиқ ва у суғориладиган майдонларнинг 18% ни ташкил этади [3].

Қишлоқ хўжалик ўсимликларининг тузга чидамлилигини баҳолашнинг объектив диагностик усулларини ишлаб чиқиш энг муҳим илмий муаммо ҳисобланади. Бу муаммони ҳал қилишнинг истиқболли йўли тузга чидамлилиги юқори бўлган ўсимлик нави андоза сифатида қўлланилганда тузга чидамлилигини қиёсий баҳолаш усулларини такомиллаштиришдир [8].

Ўсимликларнинг тузга чидамлилигини диагностика қилиш усуллари сўнгги пайтларда селекция ва уруғчилик сохасида катта аҳамият касб этмоқда. Бундан ташқари тузга чидамли ўсимликлар уруғини танлаш шўрланган тупроқларда энг юқори ҳосилга эга бўлган шакллар орасида амалга оширилиши керак [7].

Тритикале экинининг озуқавий қиймати, ҳосилдорлиги, стрессга чидамлилиги ва бошқа бир қатор кўрсаткичлари бўйича ота-оналаридан устун туради. Тритикале дони таркибида ажралмас аминокислоталарнинг (лизин, метионин, изолейсин ва фенилаланин) юқори миқдори, шунингдек минерал ва витамин мувозанати билан ажралиб туради. Клейковина таркибига кўра тритикале дони буғдой донидан 2 - 4% юқори бўлиб, дон таркибида юқори даражада биологик қийматга эга бўлган оқсил миқдорига буғдойга нисбатан 1,0-1,5%, жавдарникига нисбатан 3-4% га кўп. Тритикале донида бошқа донли экинлар таркибий қисмларининг асосий компоненти сингари крахмал бўлиб, у дон массасининг 3/4 ни ташкил қилади, бу эса жавдарга қараганда 7-8% га кўпдир. Қолган кўрсаткичлар бўйича озиқбоб донли экинлар таркиби учун хосдир [10].

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00752

Тритикале - серҳосил экин бўлиб, юқори дон ҳосилли навлари ҳамда силос учун бошқа қишлоқ хўжалик экинларига нисбатан юқори биомасса тўплайдиган навлари ҳам бор.

Ўсимликларнинг шўрланишга чидамлилигини баҳолашда ўсиш, ривожланиш кўрсаткичлари, ўсимликларнинг маҳсулдорлиги, физиологик ва биокимёвий ўзгаришлар ва бошқа параметрларни таҳлил қилиш асосида турли усул ва ёндашувлардан фойдаланилади. Ўсимликлар онтогенезининг бошланғич босқичлари стресга энг сезгир бўлганлиги сабабли уруғларнинг униб чиқиши ва кўчатларнинг ўсиши билан тузга чидамлилигини баҳолаш амалда умумий қабул қилинган Удовенко ва Гончарова томонидан ишлаб чиқилган услублардан фойдаланилди [5,7,11,12].

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Шўрланишнинг донли экинларга (буғдой, жавдар, арпа) таъсири тўғрисида мавжуд бўлган кўплаб адабиёт маълумотларини ҳисобга олган ҳолда [1,2,4,6,8,9,13,14] тритикале стресга нисбатан жавоб реакцияси, шунингдек, уларнинг таъсири ҳақида маълумот етишмаслиги ушбу экинда хлоридли шўрланишга чидамлилик даражаси ҳар хил бўлганлиги сабабли, биз 85 ва 165 мМ NaCl концентрацияларидан фойдаланган ҳолда тритикаленинг 11 та навининг тузга чидамлилигини лаборатори шароитида баҳоладик (2-жадвал).

Уруғларнинг униб чиқиши жиҳатидан навлар ўртасида сезиларли фарқлар аниқланди. Юқори шўрланиш даражаси (165 мМ NaCl) шароитида, ўрганилган 11 та навнинг 5 таси (Сардор, Тўйимли, ГулДу, Валентин ва Фарход) энг юқори ўсиш кўрсаткичларга эга бўлди. Уларнинг орасида Сардор, Тўйимли, Сват навларида илдиз узунлигининг юқори кўрсаткичлари (назоратга нисбатан 30-32%), майсаларининг баландлиги – Тўйимли навида (34%) кузатилган. Пастроқ концентратцияли (85 мМ) бўлган NaCl эритмасида Тўйимли намунаси юқори ўсиш хусусиятларига эга бўлиб, илдиз узунлиги 81 фоизни, эр усти қисмининг баландлиги бошқа навларга нисбатан 79 фоизни ташкил этди. Илдиз узунлиги ва майсалари баландлигининг энг паст кўрсаткичлари Одиссей навида кузатилди. Мос равишда 37 ва 38%. Икки нав – Сардор ва Тўйимли навлари кучсиз (85 мМ) шўрланиш шароитида юқори ўсиш суръатлари билан ажралиб турди ва шўрланиш даражаси юқори бўлган шароитда ушбу навларнинг майсалари, илдиз узунлигининг кескин пасайиши ва ер усти қисмининг баландлиги кузатилди (3-жадвал).

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00752

**2-жадвал**

**Шўрланиш остида тритикале навларининг униб чиқиш энергияси**

| Вариантлар / Навлар | $H_2O$ (назорат) | NaCl, 85 мМ Унувчанлик, % да | NaCl, 165 мМ Унувчанлик, % да | $H_2O$ (назорат) | NaCl, 85 мМ Унувчанлик, % да | NaCl, 165 мМ Унувчанлик, % да |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Сардор | 100 | 97 | 93 | 100 | 96 | 92 |
| Тўйимли | 99 | 97 | 92 | 99 | 92 | 89 |
| ГулДУ | 100 | 98 | 90 | 100 | 92 | 72 |
| Валентин | 100 | 96 | 94 | 100 | 92 | 88 |
| Фарҳод | 99 | 96 | 91 | 99 | 96 | 92 |
| Дўстлик | 93 | 88 | 84 | 93 | 82 | 74 |
| Праг серебритсий | 95 | 92 | 88 | 95 | 84 | 76 |
| Одиссея | 96 | 94 | 89 | 96 | 88 | 72 |
| Тихон | 97 | 95 | 86 | 97 | 84 | 73 |
| Сергей | 96 | 93 | 86 | 96 | 90 | 88 |
| Сват | 98 | 94 | 87 | 98 | 93 | 87 |

Олинган натижаларга асосан унувчанлиги юқори, майсаларининг ўсиш хусусиятлари билан ажралиб турадиган тритикаленинг 11 та навидан 5 та чидамли навлари кўрсатгичлари бошқа навларга нисбатан бу кўрсаткичлар назорат ва чидамли деб баҳоланган навларга нисбатан анча юқори кўрсатгичда эканлиги аниқланди. (3-жадвал).

**3-жадвал**

**Шўрланишнинг кузги тритикале кўчатларининг ер усти қисмининг илдиз узунлигига ва баландлигига таъсири**

| Вариантлар / Навлар | $H_2O$ (назорат) | NaCl, 85 мМ Унувчанлик, % да | NaCl, 165 мМ Унувчанлик, % да | $H_2O$ (назорат) | NaCl, 85 мМ Унувчанлик, % да | NaCl, 165 мМ Унувчанлик, % да |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Сардор | 100 | 97 | 93 | 100 | 96 | 92 |
| Тўйимли | 99 | 97 | 92 | 99 | 92 | 89 |
| ГулДУ | 100 | 98 | 90 | 100 | 92 | 72 |
| Валентин | 100 | 96 | 94 | 100 | 92 | 88 |

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00752

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Фарҳод | 99 | 96 | 91 | 99 | 96 | 92 |
| Дўстлик | 93 | 88 | 84 | 93 | 82 | 74 |
| Праг | 95 | 92 | 88 | 95 | 84 | 76 |
| Одиссей | 96 | 94 | 89 | 96 | 88 | 72 |
| Тихон | 97 | 95 | 86 | 97 | 84 | 73 |
| Сергей | 96 | 93 | 86 | 96 | 90 | 88 |
| Сват сербетсий | 98 | 94 | 87 | 98 | 93 | 87 |

Изоҳ: бундан кейин * - p <0.05 даражасида ишончлилик.

Олинган натижаларни адабиёт маълумотларини ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилиб (Куртсева ва бошқ., 1992), биз тритикаленинг ўрганилган 11 навида юқори шўрланиш даражасига (NaCl 165 мМ) қараб уч гуруҳга ажратдик. Ўсиш параметрларини (илдиз узунлиги ва майсаларининг баландлиги) шўрланиш шароитида назоратга ($H_2O$ билан ундирилган вариантга) нисбатан унувчанлик қийматларини 25% даражасида сақлаган навлар чидамли гуруҳга (I) киритилди Ундан юқори навларни II гуруҳга (ўртача чидамли) ва бошқа навларни шартли равишда III гуруҳга киритиб, шўрланишнинг турли даражасида чидамлилик кўрсатгичлари бўйича генотипланди ва мамлакатимизнинг хлоридли шўрланишга учраган далалари учун 3 хил гурухга мансуб бўлган генотиплар тавсифланди, унда шўрланиш шароитида ўсиш суръатларининг қиймати назоратга нисбатан 16 % дан 25% гача ўзгариб турди. Ушбу параметрлар 15% гача пасайган намуналар беқарор гуруҳга (III) киритилган (4-жадвал).

**4-жадвал**

**Тритикале навларининг тузга чидамлилик хусусиятлари бойича гурухлаш**

| **Чидамлилик гуруҳлари (кўрсаткич, назоратга нисбатан % билан)** | **Илдиз узунлиги** | **Ер усти қисми баландлиги (майсаларининг)** |
|---|---|---|
| I<br>Чидамли 25% дан юқори | Сардор, Тўйимли, ГулДу, Валинтин, Фарход, Дўстлик, Праг, Тихон, Одиссей | Сардор, Тўйимли, ГулДу, Валинтин, Фарход, |
| II<br>Ўртача чидамли 16-25% оралиғида | Фарход, Дўстлик, Праг, Тихон, Одиссей | Дўстлик, Праг, Тихон, Одиссей |
| III<br>Чиқамсиз 0-15% оралиғида | Праг, Одиссей, Сергей, Сват | Одиссей, Сергей, Сват |

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00752

**ХУЛОСА**

Лаборатория шароитида тритикаленинг бир неча навлари NaCl тузининг турли концентрацияларида унувчанлиги ўрганилган. Назорат сифатида олинган дистилланган сувда тритикаленинг Сардор, ГулДУ ва Валентин навлари 100%, бошқа навлар 93-99% гача униб чиққан, NaCl тузининг 85 мМ эритмасида унувчанлик ўртача 3-4% га камайган, 165 мМ ли эритмасида 5-7% гача камайишига қарамай ўртача унувчанлик 90% га тенг эканлиги аниқланган.

**REFERENCES**

1. Ахиярова, Г.Р. Быстрая реакция растений пшеницы и ячменя на засоление: автореф. дис. канд. биол. наук / Г.Р. Ахиярова. – Уфа. – 2004. – 24 с. 81
2. Ахиярова, Г.Р. Быстрая реакция растений пшеницы и ячменя на засоление: автореф. дис. канд. биол. наук / Г.Р. Ахиярова. – Уфа. – 2004. – 24 с.
3. Вальков, В.Ф. Засоление почв/В.Ф.Вальков, К.Ш. Казеев, С.И. Колесников// Ростов на Дону.: Феникс. 2014.– 165с.
4. Веселов, Д.С. Влияние засоления на рост и показатели водного обмена у разных сортов ячменя / Д.С. Веселов, Г.В. Шарипова, В. Е. Чернов, Г.И. Пендинен, Г.Р. Кудоярова // Известия Уфимского научного центра РАН. – 2017. – № 3 (1). – С. 141 – 147.
5. Гончарова, Э.А. Стратегия диагностики и прогноза устойчивости сельскохозяйственных растений к погодно-климатическим аномалиям / Э.А. Гончарова // Сельскохозяйственная биология. – 2011. – № 11. – С. 24 – 31.
6. Гурова, Т.А. Способ определения относительной устойчивости мягкой яровой пшеницы к хлоридному засолению / Т.А. Гурова, В.Ю. Березина, Н.С. Куцерубова // Патент на изобретение № 2446671. – 2012.
7. Диагностика устойчивости растений к стрессовым воздействиям/под ред. Г.В. Удовенко// Л. 1988.– 228с.
8. Стаценко А.П., Блинохватов А.А. Оценка солеустойчивости полевых культур. // Инновационная техника и технология. 2019. № 2, -С. 34-37.
9. Терлецкая, Н.В. Диагностика устойчивости мягкой пшеницы к засухе и солевому стрессу, моделируемым in vivo и in vitro. Биотехнология. Теория и практика. – 2008. – № 4. – С. 64 – 70.
10. Ториков В.Е., Шпилев Н.С., Мамеев В.В., Яцекнков И.Н. Сравнительная характеристика качества зерна сортов озимой тритикале, вкраўиваемқх на Юго-

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00752

западе Росии// Вестник Алтайского Государственного университета. 2019, № 2(172), -С. 49-56.

11. Удовенко Г.В. Диагностика устойчивости растений к стрессовым воздействиям(Методическое руководств)/Под ред Л.,ВИР.1988.228 с.
Uzluksiz ta’lim kadrlar tayyorlash tizimining asosi, O‘zbekiston Respublikasining ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotini ta’minlovchi, shaxs jamiyat davlatning iqtisodiy, ijtimoiy, ilmiy-texnikaviy va madaniy ehtiyojlarini qondiruvchi ustuvor sohadir. Shuning uchun bugungi kunda ta`lim jarayonida o`quvchilarga bilim berishda, ularga fanga doir tushunchalarni beribgina qolmasdan, amaliyotga tadbiq qilishni, ularni mustaqil fikrlashga o`rgatish, qobiliyatini rivojlantirish, hamda milliy va umuminsoniy qadriyatlarga tayangan holda tarbiyalash har bir fan o`qituvchisining asosiy maqsadi bo`lishi zarur.

O‘qitishdagi ilg‘or tajribalar shuni ko‘rsatmoqdaki, o‘quvchilarni iqtisodiy bilimlar bilan qurollantirish orqali ularni bozor munosabatlarida faol ishtirok etishlariga erishish, shuningdek ularni “mulkdorlik va tadbirkorlik” ilmiga o‘rgatish maqsadida o‘quv predmetlariga oid dars va darsdan tashqari mashg‘ulotlarda iqtisodiy bilimlarni, mamlakatimiz hayoti va iqtisodiyotiga oid ma’lumotlarni keng tushuntirish ishlari olib borilib, o‘quvchilarda iqtisodiy madaniyatni rivojlantirishning yangicha shakl va metodlaridan foydalanilmoqda.

## ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYASI

Aniq yechimga ega har qanday masala bir necha usullar yordamida yechiladi. Agar yechilayotgan masala yetarlicha aniqlikda matematik munosabatlar orqali ifodalansa, bu masalani matematik modellashtirish usuli yordamida yechish mumkin. Masalani bu usulda yechish matematik modellashtirish jarayoni deb ataladi.

Tekshirilayotgan ob’ekt xossa va xususiyatlarini matematik munosabatlar orqali ifodalash shu ob’ektning **matematik modeli** deb ataladi. Matematik model qurish va uni yechish jarayoni esa **matematik modellashtirish** deyiladi.

Iqtisodiy tafakkur ijtimoiy – iqtisodiy normalarini, qoidalarini, turli tashkilotlar faoliyatini o‘zida aks ettiradi.

Matematika darslarida o‘quvchilarni iqtisodiy bilimlilik ruhida tarbiyalashning eng ko‘p tarqalgan vositalardan biri bo‘lgan, shunday masalalar mavjudki, ular ishlab

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00756

chiqarish bilan bevosita bog‘langandir. Matematika fani bo‘yicha darsliklarda biz shunday masalalarni kuzatishimiz mumkinki ularda iqtisodiy tushunchalarning tannarh, hosildorlik, unumdorlik, yerdan ratsional foydalanish, yer tartibini optimal o‘rganish, qishloq xo‘jaligi ishlab chiqarishning texnik ta’minotining hajmini aniqlash, texnologiyalardan samarali foydalanish kabi ko‘rsatkichlar ko‘p ishlatiladi. Shuning uchun o‘qituvchi iloji boricha o‘quvchilarga iqtisodiy bilimlarga mos keladigan matematik masalalar yechishning ahamiyati haqida maxsus tarbiyaviy soatlar va tushuntirish ishlarini olib borishi kerakki, bu fikrlar o‘quvchilarning ongiga borib yetsin.

Iqtisodiy tafakkurning asosiy komponentlari qatoriga quyidagilar kiradi:

1) Aniq tafakkur (kuzatish va tajriba);

2) Abstrakt tafakkur (analitik, mantiqiy);

3) Funksional tafakkur.

Matematikani o‘qitish jarayonida aniq tafakkur ko‘rgazmali qurollar, har xil firmalarning o‘zaro savdo aloqasi haqidagi videofilmlar orqali namoyon bo‘ladi. Aniq tafakkur abstrakt tushunchalarni o‘rganishda muhim rol o‘ynaydi. Abstrakt tafakkur analitik va mantiqiy tafakkurlar ko‘rinishida sodir bo‘ladi.

Analitik tafakkur iqtisodiy masalaning matematik modeli orqali vujudga keladi. Ushbu masalani analitik tafakkurga misol qilib olishimiz mumkin:

Ma’lumotlarga ko‘ra o‘rtacha bir oila bir kunda 7 soat televizor ko‘rar ekan. Agar televizor soatiga 300 Vt elektr energiyasi sarflasa, oila bir oyda qancha kVt soat elektr energiyasi sarflaydi?

1) kVt soat $x$ sum deb olinsin;

2) mantiqiy tafakkur matematika o‘qitishda faktlardan nazariyaga, ya’ni induktiv va aksincha, nazariyadan faktlarga, ya’ni deduktiv metodlarga asoslanadi.

Deduksiya va induksiya bir-biriga zid yoki yakka holda emas, balki bir-birini to‘ldiruvchi metodlar hisoblanadi. Bu metodlarga masalalar keltiramiz:

1) Bozorda go‘sht narxi 80 so‘m bo‘lganda unga talab qiymati 8 kg, 90 so‘m bo‘lganda esa talab qiymati 7 kg ni tashkil etadi. Narx 100 so‘m bo‘lsa talab hajmi necha kg bo‘lishini hisoblang.




Bu masalada xususiylikdan umumiylikka o‘tilyapti, ya’ni induktiv metod qo‘llanilyapti.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00756

2) “Beshyog‘och” va “Oloy” bozorlarida kartoshkaga nisbatan talab funksiyalari mos ravishda

$$u = -\frac{x}{4} + 7; \quad u = -\frac{x}{4} + 6,$$

bunda $u$ – bir daqiqada kartoshkaga kg lardagi talab, $x$ – narxning so‘mlardagi qiymati. Agar har bir bozorda minutiga 1 kg kartoshka sotilsa, “Beshyog‘och” va “Oloy” bozorlaridagi kartoshka narxi qancha?

Bu masalada nazariyadan faktlarga o‘tilyapti, ya’ni deduktiv metoddan foydalanilyapti.

3) Funksional tafakkur qandaydir iqtisodiy jarayonning modeli va iqtisodiy omillar orasidagi bog‘lanish bilan tavsiflanadi. Iqtisodiy jarayonlar modellari grafik yoki formula yordamida ham beriladi.

Formulalar yoki grafiklar o‘quvchilarga zarur iqtisodiy bog‘lanishlari aniq tasavvur qilishlariga yordam beradi. Iqtisodchilar o‘zlarining nazariya va modellarini grafik yordamida ifoda etadilar. Grafik ikkita o‘zgaruvchi orasidagi bog‘lanishni ifoda etadilar. Grafik ikkita o‘zgaruvchi orasidagi bog‘lanishni ifoda etishda ko‘rgazmalilik vazifasini bajaradi. Ushbu jadvalda daromad va xarajat orasidagi bog‘lanish berlgan.

## MUHOKAMA VA NATIJALAR

Didaktikaning barcha prinsiplariga rioya qilgan holda nazariyaning amaliyot bilan aloqasini ochib berishimiz lozim. O‘zlashtirilishi ko‘zda tutilgan har bir abstrakt matematik tushunchaga iqtisodiy ma’no berish, uni iqtisodiy jihatdan talqin qilish kerak. Bunga doir misollar keltiramiz.

A) O‘rta maktab geometriyasida tekisligida va uch o‘lchovli fazoda ikki vektorning skalyar ko‘paytmasi ta’rifi va uning xossalari o‘rganiladi. Skalyar ko‘paytmaning fizika va mexanika masalalarini yechishda tadbiqlari juda ko‘p, ammo iqtisod masalalarini yechishga tadbiqlari juda ko‘p, ammo iqtisod masalalarini yechishga tadbiqini ko‘rsatuvchi masalalar o‘rta maktab matematika kursi (geometriya, algebra va analiz asoslari)da uchramaydi. Skalyar ko‘paytmaga ivtisodiy ma’no berish skalyar ko‘paytma ta’rifini oson tushunishiga yordam beradi. Masalan, uch o‘lchovli fazo ( uch olchovli iqtisodiy fazo) da ikki vektorning skalyar ko‘paytmasini quyidagicha sodda tilda tushuntirish mumkin: qandaydir firma uch xil $a_1, a_2, a_3$ miqdor mahsulot ishlab chiqaradigan bo‘lsin, bu mahsulotlarning narxlari mos ravishda $v_1, v_2, v_3$ so‘m bo‘lsa, firmaning daromadi $a_1v_1 + a_2v_2 + a_3v_3$ (so‘m) bo‘ladi, ya’ni $\vec{a} \cdot \vec{v} = a_1 v_1 + a_2 v_2 + a_3 v_3$ (bunda $\vec{a}$ ($a_1$, $a_2$, $a_3$), $\vec{v}(v_1, v_2, v_3)$). Lekin hamma firmalar ham ishlab chiqarish bilan

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00756

shug‘ullanvermaydi. Boshqa firmaning ishlab chiqargan mahsulotlarini sotish bilan shug‘ullanadigan firmalar xam mavjud. Bunday holda $a_1\ v_1\ +\ a_2\ v_2\ +\ a_3\ v_3$ soni sotib oluvchi firma uchun xarajat miqdorini bildiradi. Shunday qilib, ikki vektorning skalyar ko‘paytmasi sotuvchi uchun daromad, sotib oluvchi uchun esa xarajatni bildiradi. Demak, ikki vektorning skalyar ko‘paytmasining iqtisodiy ma’nosi daromad yoki xarajatdan iborat deyish mumkin.

B) Hosilaning iqtisodiy ma’nosini quyidagicha izohlash mumkin. Firmaning ishlab chiqargan mahsulotining x miqdorini sotishdan oladigan sof foydasini $U$ deb belgilasak, u x ning funksiyasi bo‘ladi, ya’ni

$$U = U(x)$$

Aytaylik, ishlab chiqarilgan mahsulot miqlori $x$ ga ortgan bo‘lsa, u holda mahsulot miqdoriga

$$\Delta U = U(x + \Delta x) - U(x)$$

foyda mos keladi.

$\Delta \lim_{x\to 0} \frac{\Delta U}{\Delta x} = U'(x)$ limitni chegaraviy sof foyda deb yuritamiz. Masalan, qandaydir molga nisbatan talab funksiyasi $r\ =\ 20 - 2x$ formula yordamida berilgan bo‘lsin, bunda x – talab, r – narx. Molni sotishdan oladigan sof foyda $U = x(20 - 2x)\ = 20x - 2x^2,\ U'\ = 20 - 4x,$ agar $x = 2$ bo‘lsa, u xolda $U'(2) = 12.$ Bu shuni ko‘rsatadiki, agar talab 2 birlikdan 3 birlik oralig‘ida ortsa, u holda sof foyda o‘rta hisobda 12 birlikka o‘sadi. Demak, biz quyidagi xulosaga keldik: hosilaning iqtisodi ma’nosi mehnat unumdorligidan iborat.

C) Integralning iqtisodiy ma’nosini bunday izoxlash mumkin: ma’lumki, o‘rtacha qiymat haqidagi teoremaga asosan $F(x)$ funksiyaning ( a, v) oraliqdagi o‘rtacha qiymati

$$M = \int_a^v F(x)\,dx\ /(v - a)$$

formuladan xisoblanadi. Amalda mehnat unumdorligini, elektrodvigatellarning o‘rtacha quvvati, xarakatning o‘rtacha qiymatlari yuqoridagi formuladan topiladi. Masalan, ishlab chiqarishning o‘zgaruvchan xarajati u=3x formula yordamida topiladi, bunda x – ishlab chiqarilgan mahsulot miqdori. Agar ishlab chiqarish hajmi 3 dan 5 gacha bo‘lsaYu ishlab chiqarishning o‘rtacha xarajati qancha bo‘ladi? Funksiyaning o‘rtacha qiymati

$$\int_3^5 3x\ dx \Big| (5 - 3) = \frac{3}{2}\int_3^5 xdx = \frac{3}{2}\cdot\frac{x^2}{2}\Big|_3^5 = 12,$$

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00756

$u = 3x$ bo‘lganligidan $12 = 3x_0$, bunda $x_0 = 4$.

O‘rtacha xarajat 12 birlikni tashkil etadi. Demak, integralning o‘rtacha qiymati yordamida o‘rtacha xarajat, firmaning o‘rtacha daromadi va o‘rtacha mehnat unumdorligini hisoblanadi. Agar $F(x)$ funksiya xarajatni ifodalasa, integralning o‘rtacha qiymati o‘rtacha xarajatni, agar $F(x)$ daromadni ifodalasa, integralning o‘rtacha qiymati o‘rtacha daromadni bildiradi, ya’ni integralning iqtisodiy ma’nosi xarajat yoki daromaddan iborat.

## XULOSA

Xulosa qilib aytganda, matematik modellashtirishning nazariy asoslarini o‘rganib, model, modellashtirish tushunchalari va matematik modellashtirish metodi orqali uning turli sohalardagi o‘rni va ahamiyatini anglash mumkinligini tushinib yetdik. Iqtisodiyot sohalarida matematik modellashtirishni qo‘llashning ahamiyati shundan iboratki, mamlakatimiz hayoti va iqtisodiyotiga oid ma’lumotlarni keng tushuntirish ishlari olib borish va yoshlarning iqtisodiy ko‘nikmalarini rivojlantirish.

## REFERENCES

1. Use Of Historical Materials In Teaching Mathematics In Continuous Education. GB Kuzmanova, NAO Beketov. The American Journal of Social Science and Education Innovations 2 (09), 531-537, 2020
2. Amaliy mazmunli masalalar asosida iqtisodiy ko'nikmalarni rivojlantirish. NA Beketov. Ilmiy izlanuvchilar va iqtidorli talabalarning maqolalari to'plami, 157-161, 2019
3. Q-многообразия и полные сцепленные системы NA Beketov. Fundamental matematika muammolari va ularning tatbiqlari, 167-169, 2019

5. Jabborova Onakhon Mannapovna. (2019). Psycholocial and pedagogical foundations of the formation of the artistic perception of students in secondary schools. European journal of research and reflection in educational sciences, 7(10), 9-14.

6. Jabborova Onakhon Mannapovna, Ismoilova Dilafruz Mukhiddinovna. (2020, may). Optimation of primary education. ACADEMICIA: An international multidisciplinary research journal, 10(5), 1229-1232.
7. Mardonov Sh.K., Jabbarova O.M.. Objectives of the lessons of visual arts in primary school. Academic research in educational sciences, Issue 3, 2020, pp 862-870.
8. Mardonov Shukurullo Kuldashevich, Khujamkulov Umid Negmatovich, Botirova Shakhlo Isomiddinovna, Shermatova Umida Safaevna.The end to educate young people

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00756

with the spirit of patriotism in the context of globalization. Journal of Critical Reviews, Malaysia, 2020, Vol.7, Issue 12, pp 166-169.
9. Mardonov Shukurullo Kuldashevich, Quttibekova Guljan Tulepbaevna. Structure and Mechanisms of Action of The Educational Cluster. International journal of Psychosocial Rehabilitation, United Kingdom, 2020, Issue 07, pp. 8104-8111.
10. Jabborova Onakhon Mannapovna, Jumanova Fotima Uralovna, Mahkamova Shohida Rahmatullayevna. (2020). Formation of artistic perception of future teachers. International journal of pssycological and rehabilitation, 24(4), 4087-4095.
11. Mamadaliyev K.R., Jabborova O.M., Umarova Z.A., Abdullaeva B.P. Creation of a New Generation of Teaching Literature - A Requirement of Modernity // SCOPUS ***International Journal of Psychosocial Rehabilitation***, Vol. 24, Special Issue 1, 2020.
12. Жабборова Онахон Маннаповна, Ташпулатова Дилором Мукимовна, Бошланғич синф ўқитувчиларига қўйиладиган талаблар. Academic research in educational sciences, Issue 3, 2021, pp 575-582
13. Gulyamova X. Boshlang'ich sinflarda o'qish darsidan umumlashtiruvchi darslarni tashkil etish. Academic research in educational sciences, Volume 2, Issue 1, 2021, pp 1052-1060
14. Жабборова О.М., Умарова З.А. Тарбия фанини кластер усулида ўқитишда педагогик конфликтларни бартараф этиш. Academic research in educational sciences, Issue 1, 2021, pp 582-587.
15. Жабборова О.М., Чимпулатова Ч.Д. Бошланғич таълимда Тарбия фанининг кластер усулида ўқитилиши. Academic research in educational sciences, Issue 1, 2021, pp 562-566.
16. Жабборова О.М., Ташпулатова Д.М. Ўзбекистон янги мафкурасининг педагогик талқини. Academic research in educational sciences, Volume 2, Issue 3, 2021, pp 584-589.
17. Умарова З.А. Бошланғич таълим дидактикаси. Academic research in educational sciences, Issue 2, 2021, pp 556-562.
18. Ochilov Fariddun Izatulloyevich, Methods of teaching natural sciences to primary school pupils on the basis of a competent. Palarch's Journal Of Archaeology Of Egypt / Egyptology 17(6) (2020), ISSN 1567-214x. 14520-14539 бетлар.
19. Ochilov Fariddun Izatulloyevich, "Atrofimizdagi olam" va "Tabiatshunoslik" darslarini kompetensiyaviy yondashuv asosida tashkil etish jarayonini modellashtirish. The Journal of Academic Research in Educational Sciences, 1(4), (2020). ISSN 2181-1385. VOLUME 1, ISSUE 4. December 2020. Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2020: 4.804. Academic Research, Uzbekistan 2020. 624-629 бетлар.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00757

# AFG'ONISTONDA O'ZBEK TILI FONETIKASINING O'QITILISHI

**Tuyg'un Sayed Hussamuddin**
Afg‘oniston davlati Javzijon davalt universiteti
O‘zbek tili va adabiyoti bo‘ilimi o‘qituvchisi,
SamDU Filologiya fakulteti magistranti
Hussamuddintuygun@gmail.com

## ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada Afg‘onistonda O‘zbek tili Fonetikasini maktab kitoblari hamda universititlarda o‘qitilishi haqida to‘xtalib o‘tishni, maqsad qilgan miz.

**Kalit so'zlar:** Afg‘oniston, O‘zbek tili, Fonetika, darslik, unli, undosh, tasnif.

# TEACHING UZBEK PHONETICS IN AFGHANISTAN

## ABSTRACT

Annotation: In this article, we aim to focus on the teaching of Uzbek Phonetics in Afghanistan in textbooks and universities.

**Keywords:** Afghanistan, Uzbek language, Phonetics, textbook, vowel, consonant, classification.

## KIRISH

Ko‘p yillardan beri Afg‘oniston o‘zbeklari o‘z ona tillarida o‘qish va yozishdan mahrum etilganlar. 1978-yil demokratik davlat tuzilgandan so‘ng Afg‘oniston o‘zbeklari birinchi marta tojik, pashtun va boshqa xalqlar qatori ona tillarida ta’lim olish imkoniyatiga ega bo‘ldi. Shu yili davlat tomonidan Ta’lim Vazirligi chorsho‘basida o‘zbek tili kitoblarini yozish uchun maxsus bo‘lim ochildi. 1986- 1987- yilar mobinigacha uzluksiz ishlar davom etgan, mazkur ishlar natijasida 1- 6- sinif darsliklari nashr ettirildi. (1:7-bet).

## ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Davlat tomonidan o‘n ikkinchi sinfga qadar nashr etilishi kutilgan “O‘zbek tili” darsliklari 6-sinfga kelib to‘xtatildi. 9-sinfga ona tili bo‘yicha imtihon olinishi kutilar edi, biroq bu ish ham amalga oshmay qoladi. Afg‘onistondagi ichki urushlar, jumladan ayrim jangari guruhlar urushi ta’limga salbiy ta’sir ko‘rsatib kelgan va haliham ko‘rsatib kelmoqda.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00757

2002- yildan keyin Afg‘onistonga AQSH hukumatining kirib kelishi bilan demokratiyaning yangi davri boshlandi. Yangi tuzumda Afg‘oniston bosh qonunga ega bo‘ldi va bu qonunda o‘zbek xalqi ham muayyan o‘rin topdi. Mazkur qonunning 16-moddasida Afg‘onistondagi pushtu, dari tillaridan keyin o‘zbek, turkman va boshqa tillar o‘z mahallalarida uchinchi rasmiy til sifatida tan olindi. Mazkur qonunda uchunchi tillarni davlat tomonidan qo‘llab quvvatlanishi jiddiy ta’kidlangan. Afg‘oniston o‘zbeklari yashayotgan hududlardagi maktablarda 2004-yildan buyon o‘zbek tili xorijiy til sifatida o‘qitilib kelinmoqda.

Shuningdek maktablardagi darsliklardan tashqari Afg‘onistonning 7ta viloyatidagi davlat universititlarida o‘zbek tili bo‘limlari ham ochilgan bo‘lib, unda har yili yuzlab talaba, o‘zbek tili va adabiyotini bittirib chiqadi. Men bu kichik maqolada maktab darsliklari hamda universititlardagi ma’ruzalada o‘zbek tili fonetikasi qanday qilib o‘qitilishi xususida gapirib o‘tmoqchiman.

## MUHOKAMA VA NATIJALAR

Dastlab Fonetika haqida qisqa ma’lumot berib o‘tsak, Fonetikada tildagi tovushlar, ularning paydo bo‘lishi va turlari, nutq organlari, ularning tovush hosil qilishdagi harakat holati, nutq apparati, nutq tovushlarining akustik va artikulyatsion xususiyatlari, nutq jarayonida sodir bo‘ladigan turli xil fonetik hodisalar, nutqning fonetik bo‘linishi, tovushlarining kommunikativ roli hamda prosodika kabi hodisalar o‘rganiladi. Demak, fonetika - (gr. Phone - tovush) tilning keng ma’noda tovush tuzilishini o‘rganuvchi tilshunoslikning bo‘limi(9:4-bet). U tovushlar bilan bog‘liq bo‘lgan har qanday hodisalarni tekshiradi. Shu sababli unga tilning faqat tovush tizimini tekshiruvchi bo‘lim sifatida qarash noto‘g‘ri.

Har bir til o‘z fonetikasiga ega. U shu tildagi tovushlarning hosil bo‘lishi va talaffuzining o‘ziga xos xususiyatlarini, uning tasnifi bilan bog‘liq masalalarni o‘rganadi, talaffuz va yozuv munosabatlarini hamda urg‘u va bo‘g‘in xususiyatlarini tekshiradi.

Fonetika tilning tovushlar sistemasi va shu tovushlar bilan bog‘liq bo‘lgan har qanday hodisalarni o‘rganar ekan, u tilning barcha sathlari bilan, ayniqsa, leksika va grammatika bilan bog‘lanadi.

Fonetika tovushlarning almashinishi va o‘zgarishi, adabiy talaffuz me’yorlari, to‘g‘ri talaffuz qilish qoidalari, bo‘g‘in va urg‘u, uning turlari kabi muammolarni ham o‘rganadi. Demak, fonetika haqida zaruriy ma’lumotga ega bo‘lmay turib, to‘g‘ri talaffuz qilish bilan aloqador bo‘lgan orfografiya va grammatika (morfologiya va sintaksis) qoidalari ustida ham muvaffaqiyatli ish olib borish mumkin emas. Shu

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00757

bilan birga, fonetikani o‘rganish orfografiya (to‘g‘ri yozish), orfoepiya (to‘g‘ri talaffuz qilish) me’yorlarini yaxshi o‘zlashtirib olishga, adabiy talaffuz bilan shevalar talaffuzi o‘rtasidagi farqni aniqlashga katta yordam beradi.

Demak, fonetika tilshunoslikning orfografiya, orfoepiya, leksikologiya, grammatika, dialektologiya kabi bo‘limlari bilan bevosita aloqadordir.
Fonetika fizika (akustika qismi) va fiziologiya fanlari bilan ham yaqin munosabatdadir.

Fonetika tovushlarning eshitilish tomonini o‘rganishda akustikaga, talaffuz qilinishi, aytilishi, hosil qilinish tomonlarini o‘rganishda fiziologiyaga tayanib ish ko‘radi.

Bundan tashqari, u adabiyotshunoslik (hijolar, o‘lchov metrika va ta’sirli o‘qish kabi) va ijtimoiy fanlar bilan doimiy aloqada bo‘ladi.

Nutq tovushlarini turli tomondan o‘rganish mumkin: tarixiy nuqtai nazardan, qiyosiy tomondan, hozirgi o‘zbek tili va mahalliy dialektlarning nutq tovushlarini taqqoslash jihatidan, nutq tovushlarini turli asboblar yordamida eksperiment qilish yo‘li bilan va boshqalar. Shunga ko‘ra, fonetika nazariy planda umumiy fonetika va xususiy fonetikaga,amaliy planda esa tarixiy fonetika, qiyosiy fonetika, tavsifiy fonetika, eksperimental fonetika kabi bir necha sohaga bo‘linadi(9: 4-bet).

Umumiy fonetika turli tipdagi tillarning nutq tovushlarining xilma-xilligini o‘rganuvchi bo‘lim. U turli sistemalar tillarida inson nutq apparatining tovush hosil qilish imkoniyatlarini, nutq organlari yordamida tovushlarni hosil qilish usullari va ulardan nutqda foydalanish imkoniyatlarini o‘rganish kabi masalalar bilan shug‘ullanadi.

Xususiy fonetika muayyan bir tilning fonetik bazasini, fonetik qonuniyatlarini umumiy fonetika qonuniyatlariga bo‘ysunadi va uning qonuniyatlari asosida faoliyat olib boradi. Xususiy fonetika muayyan bir tilning amaliy fonetikasi hisoblanadi.

Tarixiy fonetika ma’lum bir tilning tovush sistemasini tarixiy rivojlanishda o‘rganadi, ya’ni til taraqqiyotining turli davrlarida tovush sistemasidagi tarixiy o‘zgarishlarni, ularning o‘zgarish sabablarini tekshiradi.

Qiyosiy fonetika qarindosh tillarning tovush sistemasi munosabatlarini o‘rganadi. Masalan, turkiy tillarning qiyosiy fonetikasi, slavyan tillarining qiyosiy fonetikasi kabi. Bunda bir qancha qarindosh tillarning yoki bir qancha dialekt va shevalarning materiallari - unli va undoshlar, fonetik o‘zgarishlar va shu kabilar birbiriga qiyoslash asosida o‘rganiladi.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00757

**Afg‘oniston o‘zbek tili makat darslilarida fonetika**

Afg‘nistonda 12- sinifga qadar o‘zbek tili darsliklari tayorlangan. Hozirchalik ulardan faqatgina 6-sinifga qadar chop etilgan va dars brilib kelinmoqda. Kitoblarning muqovasida (اؤزبیک تیلی) “O‘zbek tili” deb katta qilib, yozib qo‘yilgan. fikrimiz dalili uchun quyidagi rasmga qarang (6:1).

Kitob muqovasida “O‘zbek tili oltinchi sinf darslik kitobi” deb yozib qo‘yilgan bo‘lsa-da, aslida bu kitobda tildan boshqa har xil fanlardan ma’lumot topsa bo‘ladi.

Aytish joyizki, yangi tuzumdagi “O‘zbek tili” darsliklari, birinchidan, o‘z nomiga yarasha vazifani o‘tashdan ojiz, chunki bu kitoblarni yozgan kishilar na tilshunos, na bolalar ruhini biladigan ruhiyotshunosdirlar. Ikkinchidan, kitoblar aslida “O‘zbek tili va o‘qish kitobi” deb nomlanishi kerak edi, Kitob mualliflarining o‘zbek tili va adabiyotshunosligini birga qo‘shib “O‘zbek tili” deb nom berishidan ko‘zlagan maqsadlari nimadan iborat ekan? (7, 79-bet).

Birinchi sinfdan to‘rtinchhi sinifgacha b o‘lgan darsliklarda tilshunoslikka doir masalalar tahlili aslo uchramaydi. Olimlarimiz bolalarning ruhiyotini nazarda tutib, o‘zlaricha maqul ish ko‘rgan bo‘lsalar kerak? faqatgina beshinchi sinf birinchi darsi tugagandan keyin, to‘rtinchi betda, giromar (grammatik) qoidalar berilgan. Bunda o‘zbek tili grammatikasi hamda til bahslarining boshling‘ch ma’lumot berilgan. O‘quvchi o‘zbek tilining birinchi darsini darak gap, so‘roq gap va boshqalardan o‘rganishni boshlaydi [5: 4].

Ikkinchi darsdan keyin, gapdan ma’lumot birdaniga so‘zga ko‘chadi. Bunda qarama-qarshi (antonim), ma’nodosh (sinonim) va shakildosh (omonim) so‘zlar haqida fikr bayon etiladi. [5: 8].

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00757



Giramar qoidalari, ya’ni o‘zbek tili grammatikasi fors va arab tillari grammatikasiga solishtirilib o‘rganiladi.
[7: 79].

Darslikning 38-sahifasida yana giromar qoidalari bo‘lib, “bo‘lishli” va “bo‘lishsiz” fe’llar o‘rnida “amr” va “nhya” atamalarni ishlatgan. O‘timli, o‘timsiz o‘rnida mutaa’ddi va lozimi, izofat, nisbat, harf rabt kabi o‘nlab o‘zbek tili grammatikasiga mos kelmaydigan arabcha va forscha atamalarni o‘zbekcha atamalar o‘rnida qo‘llaganlar [5:38].

Xullas biz maktab kitoblariga fonetika haqida hech bo‘lmaganda, tovushlar haqida ma’lumotni uchratmadik. Bu kamchiliklar bilan biz qanday qilib bugungi globallashuv jarayonida bolalarga tilni to‘g‘ri o‘rgatishimiz mumkin? Butun dunyo kognitiv-verbal ta’lim tizimiga o‘tgan, xalqaro baholash dasturi tadqiqotlarga qatnashayotgan davrda biz bolalarimizga mos va xos darsliklar yaratishimiz payti kelmaganmi?

Birinchi o‘rinda milliy dastur yaratishimiz, keyin yangi darsliklar ham ishlab chiqishimiz kerak. Biz yangi darsliklarni avvalgidek zerikarli emas, bolalarga qulay, qiziqarli tarzda ishlab chiqishimiz kerak bo‘ladi.

**Universitetlarda Fonetika o‘qitilishi**

Afg‘oniston o‘zbek adabi tili o‘zbekiston o‘zbek adabi tili asosida shakillangan desak, yanglishgan bo‘lmaymiz. chunki alifbomiz ikki xil bo‘lishiga qaramay, ikki tomon ham bitta til bo‘lganligi aniq. Shu bois bizda tilshunoslik fani bo‘yicha O‘zbekistonga tayanib ish ko‘rish maqul kelgan. Tilshunoslik bo‘limlari haligacha ko‘pincha bu tomondan ko‘chirma shakilda olib o‘qitilib kelinmoqda. Shu sababdan biz Afg‘oniston O‘zbek tili ustida yetarli darajada, tadqiqot ishlari olib borilmagan desak, yolg‘on bo‘lmaydi.

Universitet ma’ruzalari asosan o‘zbekistonda nashir etilgan asarlar arab yozuviga o‘zgartirilgan nusxasidir. Yaqinda bitta ikkita O‘zbek tilshunoslari mustaqil asar sifatida, o‘zbek tili giramatikasini ishlab chiqqanlar. Ularning asosi adabiyotlari

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00757

O‘zbekiston manbalari asosidadir. Biz maxkur asarlarni ko‘zdan kechirib o‘ztishga qaror qildik.

Universitetda qo‘llanib dars o‘tiladigan birinchi asar Nurullo Oltoy ga tegishli, bu asarning oti “O‘zbek tili giromari” bo‘lgan. Bu kitob birinchi bo‘limi “ovoshunoslik - fonetiks” bilan boshlaydi. unda birinchi bo‘lib, fonetik – akustika haqida ma’lumot beriladi. Nutq tovushlari haqida keng va umumiy shkilda to‘xtalib o‘tilgan. Nutq a’zolari, unli va undosh fonemalr, ularning tasniflari, haqida quyidagicha ma’lumot beriladi:

حاضرگی اۇزبېک ادبي تيليده اونلی فۇنيملر آلتيته: ا، آ، ای، اي، او، اۇ.

Hozirgi o‘zbek adabiy tilida unli fonemalar oltita: A, O, I, E, U, O‘.

اونلی فۇنيملر اوچ تاماندن تصنيف قيلينەدی:

۱) تيل نينگ افقي حرکتيگه کۇره؛

۲) تيل نينگ عمودي حرکتيگه کۇره

۳) لبلرنينگ اشتراکيگه کۇره.

Unli fonemalar uch tomondan tasnif qilinadi:

1) Tilning ufuqi harakatiga ko‘ra;
2) Tilning amudi harakatiga ko‘ra;
3) Lablarning ishtirokiga ko‘ra.

mana quyidagi jadvaldaham ko‘rib turganigzdek tushinarli qilib yoritilgan(9: 6-bet).

mazkur kitobda undosh tovushlar quyidagicha tasnifqilinadi:

**اونداش فۇنيملر قوييدەگيچه تصنيف قيلينەدی:**

۱) حاصل بۇليش اۇرنيگه کۇره؛

۲) حاصل بۇليش اصوليگه کۇره؛

۳) آواز و شاوقين نينگ اشتراکيگه کۇره.

1) hosil bo‘lish o‘rniga ko‘ra;
2) hosil bo‘lish usuliga ko‘ra;

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00757

3) ovoz va shovqinning ishtirokiga ko‘ra.

**1) حاصل بۆليش اۆرنيگه** كۆره اۆزبېک تيلى اونداشلرى اوچ اساسي گروپگه بۆلينەدى: الف) لب اونداشلرى، ب) تيل اونداشلرى، ج) بۆغيز اونداشى.

1) hosil bo‘lish o‘rniga ko‘ra o‘zbek tili undoshlari uch asosi guruhga bo‘linadi:

a) lab undoshlari, b) til undoshlari, d) b’o‘g‘iz undoshlari.

**حاصل بۆليش اصوليگه كۆره** اۆزبېک تيلى اونداش فۆنيملرى اوچگه بۆلينەدى: ۱) پارتلاوچيلر؛ ۲) سيرغەلووچيلر؛ ۳) پارتلاوچى-سيرغەلووچيلر.

2) hosil bo‘lish usuliga ko‘ra o‘zbek tili undoshlari uchga bo‘linadi:

1) portlovchilar, 2) sirg‘aluvchilar, 3) portlovchi – sirg‘aluvchilar.

**آواز و شاوقين نينگ اشتراكيگه كۆره** اۆزبېک تيلى اونداشلرى ايكّيگه بۆلينەدى: ۱. سانارلر، ۲. شاوقينليلر.

3) ovoz va shovqinning ishtirokiga ko‘ra o‘zbek tili undoshlari ikkiga bo‘linadi:

1. sonorlar, 2. shovqinlilar.

Bo‘lim so‘ngida undoshlar ham jadval asaosida quyidagicha qilib ko‘rsatiladi(9: 10-bet)



Undoshlar tugagandan keyin, bo‘gin haqida ma’lumot beriladi. undan so‘ng Urg‘u, tovush o‘zgarishalri, Orfpoepiya haqida so‘z uzatiladi, bunda arab yozuvida o‘zbek tili unli va undoshlarini to‘g‘ri yozish masalari ham ko‘rib chiqiladi. keyin arfografiya o‘rganiladi. Bunda arab yozuvi asosida qo‘shimchalarni asosga qo‘shish muammolari o‘rganiladi. Grafikada arab grafikasidagi O‘zbek yozuvi ko‘rsatilib beriladi. Til va yozuv, fonetik yozuv, morfologik yozuv, shakliy yozuv haqida ma’lumot betish bilan, fonetik bolimi to‘gaydi.

Ikkinchi asar esa, Zikrulloh Ishonchga oyid. Bu asar nomi, “Hozirgi o‘zbek tili” Asarning ikkinchi fasli fonetikaga bag’ishlangan. Ikkinchi fasil boshida fonetika ta’rifi berilgandan keyin, nutq tovushlarining hosil bo‘lishi, nutq a’zolari, fonetika va fonologiya, tovush va fonema, fonetikaning bo‘limlari, o‘zbek tilining unli tovushlari, o‘zbek tilida undosh tovushlar tizimi, qo‘sh undoshlar, tovush o‘zgarishlari, yolashgan harflar, arab harflari bilan birga qo‘llanuchi ayrim belgilar xususida, bo‘g‘in, urg‘u, ohang, so‘z yasalishi kabi kichik invonlarni bu fasl o‘z ichiga oladi.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00757

Unli tovushlar tasnifi haqida keng ma’lumotlar beriladi, hatto o‘zbek tilida Unlilar soni oltitadan ortiq degan mulohazani ham bu asarda ko‘rishimiz mumkin. Unlilar tasnifi quyidagi jadvalda berilgan.

| لبلرنینگ اشتراکی‌گه کۆره | تیل‌نینگ عمودی کۆتریلیشی‌گه کۆره | | تیل‌نینگ افقی کۆتریلیشی و اغیزنینگ اچیلیشی درجه‌سی‌گه کۆره |
|---|---|---|---|
| | ارقه قطار | الد قطار | |
| لب لنمه‌گن لبلنگن | O | I | یوقاری(تار) اونلی‌لر |
| لب لنمه‌گن لبلنگن | O' | E | اۆرته(کینگ) اونلی‌لر |
| لب لنمه‌گن لبلنگن | U | A | قویی (کینگ) اونلی‌لر |

Yuqoridagi jadvalda, unlilar, lablarning ishtirokiga ko‘ra, tilning amudi ko‘tarilishiga ko‘ra va tilning ufuqi ko‘tarilishi - og‘izning ochilish darajasiga ko‘ra tasnif qilingan dir. (8: 74)

Undoshlar quyidagicha tasnif qilinadi:

1. حاصل بۆلیش اۆرنیگه کۆره؛
2. ایتیلیش اصولیگه کۆره؛
3. آواز و شاوقین نینگ اشتراکیگه کۆره؛
4. آوازنینگ اشتراکیگه کۆره؛
5. اونداشلر ترکیبیگه کوره (8: 78).

1. hosil bo‘lish o‘rniga ko‘ra;
2. aytilish usuliga ko‘ra;
3. ovoz va shovqinning ishtirokiga ko‘ra;
4. ovozning ishtirokiga ko‘ra;
5. undoshlar tarkibiga ko‘ra.

**XULOSA**

Afg‘oniston O‘zbeklari bu o‘lkaning ko‘p nufusli jamiyatlaridan biri hisoblanadi. O‘zbekistondan keyin, ikkinchi o‘rinda Afg‘oniston O‘zbeklari turadi. Shunday ekan, ko‘p sonli O‘zbeklarni o‘z ona tillarini o‘qishdan mahrium qolishlari, O‘zbek tili uchun yaqin kelajakda katta fojea emasmi? Ayniqa hozigi globallashuv jaryonida, texnika va kompyuterga moslanib rivojlanib borayotgan rillarni hujmiga duch kelib turgan, tillar o‘lim yoqasida ekan, bizning tilimiz ham halokat ostida emasmi? Tilni o‘rgatish, ravojlantirish, texnik – fan va kompyuter tiliga aylantirish uchun, eng avvalo, o‘sha tilning fonetikasini yaxshilab o‘rganish talab qilmaydimi? Biz Afg‘oniston o‘zbeklaridan tashqari shoni buyuk O‘zbekistindagi O‘zbek tili,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00757

necha o‘n yillikdan beri ikki alifbo tutquniga tushib, o‘zini bu girdobdan chiqarolmaganligiga nima deysiz? Menimcha, bu xususlarda har tamonlama ilmi, va iloji boricha aybsiz va butunlay chora yo‘lini topish vaqti kelgan dir. Yo‘qsa zamon harakatida bir odim ortta qolish bu butunlay yer yuzidan chiqib ketish degani dir.

## REFERENCES

1. Amini Muhammad Kozim. Jilavgiri az chop kutub zabon o‘zbeki. Ezgu gazitasi. Maymana: Afg‘oniston. 1-son, 2016.
2. Toshqin Bohoyi. O‘zbek tili barobaridagi to‘siqlar. Oykamon gaziytasi Maymana: Afg‘oniston. 2-son, 2013.
3. Quyosh, Atubullah. Vaza’yati kutub darsi zabon o‘zbeki. Kengash gaziytasi. Kokul: Afg‘oniston**.** 2-son, 2019.
4. Ta’limi nisob o‘zbek tili bo‘limi darslik kitoblar mua’liflari. O‘zbek tili (uchunchi sinif darslik kitobi). 2020. 102-103-97-98-betlar.
5. Ta’limi nisob o‘zbek tili bo‘limi darslik kitoblar mua’liflari. O‘zbek tili (beshinchi sinif), 2020. 4-8- betlar.
6. Ta’limi nisob o‘zbek tili bo‘limi darslik kitoblar mua’liflari. O‘zbek tili (oltinchi sinif), 2020. 7-13-18-betlar.
7. Toshqin Bahoyi, 29 mizo (maqolalar to‘plami). 2020. Kobul, Afg‘oniston. 79- 82-85-betlar.
8. Ishonch, Zikrulloh. Hozirgi o‘zbek tili. Afg‘oniston, Kobul. Ta’limi intishorot musisasi nashri. 2014. 66- 75-betlar.
9. Oltoy, nurulloh. O‘zbek tili giromari. Afg‘oniston, javzijon davlat uneversiti, o‘quv qo‘llanma, 2019. 6- 10- betlar
10. D.A.Nabiyeva, H.R.Zokirova. O‘zbek tili fonetikasi. Andijon: 2016- yili. 4-bet

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00758

# GILOS O'SIMLIGINI (PRUNUS AVIUM) KASALLANTRUVCHI VIRUSLAR VA ULARNING XUSUSIYATLARI

**B. Q. Abdikarimov**
Chirchiq davlat pedagogika instituti magistranti

**U. K. Abbosov**
Chirchiq davlat pedagogika institute qoshidagi akademik litseyi jismoniy tarbiya rahbari

**V. B. Fayziyev**
Chirchiq davlat pedagogika instituti dotsenti

## ANNOTATSIYA

Maqolada gilos o‘simligini (Prunus avium) kasallantiruvchi viruslar va gilos yetishtiradigan hududlarda olib borilgan virusli kasalliklarga xos bo‘lgan alomatlar monitoringi tahlili to‘g‘risida ma’lumotlar keltirilgan. Kuzatishlar natijasida alomatlar mavjud gilos o‘simligida hosildorligi kamayishi, mevasining sifatsiz bo‘lib qolishi, barglarining erta to‘kilishi, gilos o‘simligining vegetatsiya davrini erta tugashi, barg deformatsiyasi, xlorotik dog‘lar, yashil mozaika, xloroz, bujmayish kabi belgilar aniqlandi.

**Kalit so‘zlar:** Gilos (Prunus avium), fitopotogen viruslar, deformatsiya, xloroz, bargning bujmayishi, yashil mozaika, o‘simlik, o‘rmon, virus kasalliklari, finoviruslar.

# CHERRY VIRUSES AND THEIR CHARACTERISTICS

## ABSTRACT

The article provides information on viruses infecting the cherry plant (Prunus avium) and symptom monitoring specific to viral diseases in cherry growing areas. Observations revealed signs of reduced yield of cherries, poor fruit quality, early leaf fall, early end of the growing season, leaf deformation, chlorotic spots, green mosaic, chlorosis, wrinkles.

**Keywords:** Cherry (Prunus avium), phytopathogenic viruses, deformation, chlorosis, leaf wrinkles, green mosaic, plant, forest, viral diseases, fitoviruses.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00758

## KIRISH

So‘nggi yillarda mamlakatimizda bog’dorchilikni rivojlantirish ustida juda ishlar olib borilmoqdaki, asosan intensiv bog‘dorchilikka katta e’tibor qaratilmoqda. Gilos mo‘tadil va issiq iqlim o‘simligi hisoblanadi. Kavkaz Krimning o‘rmonlarida yavoyi holda ham o‘sadi. Gilos o‘simligini 100 ga yaqin navi bo‘lib, O‘zbekistonda asosan bahor, sariq gilos, qora gilos, revershon, sarvi surxoni navlari yetishtiriladi. Buning uchun Turkiya, Evropa, Rossiya kabi davlatlardan turli o‘simliklarning ko‘chatlari olib kelinmoqda va qishloq xo‘jaligiga ekishga tavsiya etilmoqda. Bu albatta aholini sifatli qishloq xo‘jalik mahsulotlari bilan ta’minlashga qaratilgan ijobiy holat sifatida baholash mumkin, ammo shu bilan bir qatorda ushbu o‘simlik materiallari bilan birga turli xil patogenlarning kirib tarqalishiga olib kelmoqda. Fitoviruslar mezbon o‘simlikning turiga, ekologik sharoitiga, qarab barglardagi alomatlari ham turlicha bo‘ladi bu esa viruslarni identifikatsiya qilishda birmuncha qiyinchiliklar keltirib chiqaradi. Jumladan so‘ngi yillarda gilos o‘simligining tez qurib qolishi, mevaning to‘kilishi kabi salbiy holatlar kuzatilmoqda. Shuning uchun ushbu yo‘nalishda olib borilayotgan ilmiy-tadqiqot ishlari dolzarb hisoblanadi.

## ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Bir qator manbalarda gilos o‘simligini (Prunus avium) 10 dan ortiq viruslar, jumladan: Little cherry 1 (LChV-1), Little Cherry 2 (LChV-2), Cherry rasp leaf virus (CRLV), Strawberry Latent ring spot virus (SLRV), Cherry Necrotic Rusty Mottle (CNRMV), Cherry green ring mottle virus (CGRMV), Cherry virus A (CVA), Prune dwarf virus (PDV), Prunus Necrotic ringspot virus (PNRSV), Cherry leaf roll virus (CLRV), Cherry twisted leaf (ChTLV) kabi viruslar kasallntirib dunyo bo‘yicha katta iqtisodiy zarar keltirishi haqida ma’lumotlar keltirilgan [1]. Bu viruslarning har biri o‘ziga xos kasallik alomatlarini keltirib chiqaradi, ko‘pgina hollarda ushbu alomatlarga qarab viruslarni ma’lum darajada aniqlash mumkin, ammo bu har doim ham samara beravermaydi. Shuning uchun sezgir usullarni qo‘llab natijalar olish tavsiya etiladi. Jumladan, Cherry leaf roll virusi (CLRV) Ra’nodoshlar (Rosaceae) oilasidan tashqari yana bir qator o‘simliklarni kasallantiradi, jumladan Rutaceae, Scrophulariaceae, Solanaceae kabi oilalar misol bo‘ladi [1]. CLRV ni bazi madaniy o‘simliklardagi alomatlari, yong‘oqda (Juglans regia) da barg qora chiziqlari, kartoshkada (Solanum acaule) da xloroz, nekrotik jarohatlar kabi belgilar kuzatiladi [4]. Bu virus gilos o‘simligini kasallantirib, hosildorlikni va mahsulot sifatini pasaytirib, bog‘dorchilikga katta zarar yetkazadi.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00758

So‘ngi yillarda olib borilgan kuztishlar natijasida gilos bog’larida bir qator virusli kasalliklariga xos alomatlarning uchrab turishi ushbu yo‘nalishda chuqurroq ilmiy-tadqiqotlar olib borishni talab etadi.

Gilos o‘simligida (Prunus avium) uchraydigan virusga xos alomatlarni aniqlash hamda identifikatsiya qilish etib belgilandi.

O‘simliklardagi virus kasalliklarni o‘rganish uchun vizual tekshirish ishlari olib boriladi. Buning uchun gilos ekilgan maydonlar monitoringi amalga oshiriladi hamda ushbu bog‘da mavjud alomatlardan tahlili uchun namunalar yig’ib olinadi hamda laboratoriya tekshiruvlari olib boriladi. O‘simliklarni kasallantiruvchi fitoviruslarni ajratish va biologik tozalash: Bu virusni: Ajratish, biologik tozalash, ko‘paytirish va gomogen pereparatini olish bosqichlarini o‘z ichiga oladi. Virusni tabiiy muhitda ajratish quyidagicha amalga oshiriladi.

| Namuna →→→ | Fizik tozalash →→→ | Inokulyatsiya |
|---|---|---|
| (gomogenizatsiya) | (sentrofugada) | (test insikator o‘simlik) |

## MUHOKAMA VA NATIJALAR

Respublikamiz sharoitida gilos (Prunus avium) o‘simligini kasallantiruvchi virus kasalliklarini o‘rganish ustida ilmiy tadqiqotlar olib borilmagan. Shuning uchun Toshkent viloyati, Qibray tumanida joylashgan Genetika va o‘simliklar eksprimental biologiyasi instituti hududida yetishtirilayotgan va boshqa gilos o‘simliklarida fenologik kuzatuvlar natijasida, barglarning qayiqqa o‘xshab qayrilishi, yashil mozaika, bargning chetki qismidan quriy boshlaganligi, kabi alomatlar kuzatildi (1-rasm). Ushbu alomatlar mavjud giloslardan namunalar yig’ib olindi va laboratoriya sharoitida aniqlagich o‘simliklarga mexanik usulda yuqtirildi.

**a.**

**b.**

**c.**

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00758

**d.**

**1-rasm: Gilos o‘simligida aniqlangan kasallik alomatlari.** a-barglarning qayiqqa o‘xshab qayrilib qurib qolishi, b- sariq xloroz, c- bargning chetki qismidan qurishi, d- barg eti sariq mozaikasi

Olingan namunalardan laboratoriya sharoitida barg shirasi ajratib olindi va laboratoriay sharoitida o‘stirilgan test-indikator o‘simliklarga yuqtirilib, yuqumlilik darajasi aniqlandi. Aniqlagich o‘simlik sifatida Solanaceae (Ituzumdoshlar) oilasiga kiruvchi Nicotiana glutinosa va Chenopodiaceae (sho‘radoshlar) oilasiga mansub o‘simliklardan foydalanildi.

Gilos o‘simligini virusli shirasi mexanik usulda test indikator o‘simliklarga yuqtirilganda yuqtirilganda 3 kundan keyin nicotiana glutinosada sariq xloroz (2-rasm), 10 kundan keyin chenopodium amaranticolor dagi sariq xlorotik dog‘lar paydo bo‘ldi (3-rasm).

2-rasm: Nicotiana glutinosa o‘simligidagidagi sariq xloroz

3-rasm: Chenopodium amaranticolor o‘simligidagidagi sariq xlorotik dog‘lar

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00758

Bu alomatlarni qaysi virusga xos ekanligini aniqlash uchun mezbon o‘simliklardagi va aniqlagich o‘simliklardagi alomatlariga asosida qarab identifikatsiya qilish yetarli bo‘lmaydi. Fitoviruslarni identifikatsiya qilishda PZR, IFA singari sezgir usullar yordamida yanada chuqurroq ilmiy-tadqiqot ishlarini olib borishni taqozo etadi.

## XULOSA

Xulosa qilib aytganda Toshkent viloyati Parkent, Qibray, Bo‘stonliq tumanlari gilos yetishtiriladigan bog‘lardan fenologik kuzatuvlar olib borilganda bir qator virusli kasalliklarga xos alomatlar aniqlandi. Bog‘lardagi gilos o‘simliklarida bargining erta to‘kilishi, erta qurib qolishi, hosildorlikning pasayishi, barglarning chetki qismidan qurib qolishi, qayiqqa o‘xshab qayrilib qolishi kabi alomatlar aniqlandi. Buni oldini olish uchun keng miqyosda monitoring olib borish va sezgir va zamonaviy, usullar yordamida tekshirish, ishlarini olib borish zarur hisoblanadi. Bu mamlakatimizda turli kasalliklarning tarqalishini oldini olish va iqtisodiy zararni kamaytirishni imkonini beradi.

## REFERENCES

1. Deikmann M., Putter C.A.J. Stone Fruits. FAO/IPGRI Technical Guidelines for the Safe Movement of Germplasm. No. 16 b- 35
2. Woo E.N. Y. & G. R. G. Clover & M. N. Pearson First report of Cherry leaf roll virus (CLRV) in Malus domestica Australasian Plant Dis. Notes (2012) 7:151–156 DOI 10.1007/s13314-012-0072-8 b-4
3. Subcommittee on Plant Health Diagnostics (2018). National Diagnostic Protocol for Cherry leaf roll virus (cherry and walnut strains)– NDP10 V2. (Eds. Subcommittee on Plant Health Diagnostics) Authors Rodoni B, Mackie J and Constable F; Reviewer Thomas J, Veerakone S. ISBN-13: 978-0-6481143. B-5
4. Hikmet Murat Sipahioglu, Zekerya Tekin and Mustafa Usta Detection and partial characterization of two distinct walnut isolates of cherry leaf roll virus (CLRV) b-1 ISSN 1684–5315 © 2011 Academic Journals.
5. Файзиев, В. Б., Жавлиева, Д. Т., Жўраева, У. М., Носировна, Қ. З., & Абдурасул, В. (2020). КАРТОШКА Х ВИРУСИНИНГ БАЪЗИ МОЛЕКУЛЯР-ГЕНЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ АНИҚЛАШ. Биология ва экология электрон журнали, 4(2).

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00758

6. Файзиев, В., Жавлиева, Д., Жураева, У., & Вахабов, А. (2020). ИЗУЧЕНИЕ СИМПТОМОВ ПОРАЖЕНИЯ НЕКРОТИЧЕСКОГО ИЗОЛЯТА PVX НА ТЕСТ ИНДИКАТОРНЫХ РАСТЕНИЯХ. Academic research in educational sciences, (2).
7. Sattorov, M. S., & Fayziyev, V. B. (2020). OLXO'RI CHECHAGI VIRUSINI IMMUNOFERMENT ANALIZI USULI YORDAMIDA ANIQLASH. Academic research in educational sciences, (3).
8. Fayziev, V., Jovlieva, D., Juraeva, U., Shavkiev, J., & Eshboev, F. (2020). Effects of PVXN-UZ 915 necrotic isolate of Potato virus X on amount of pigments of Datura stramonium leaves. Journal of critical reviews, 7(9), 400-403.
9. Собирова, З. Ш., & Файзиев, В. Б. (2020). Особенности роста и развития различных генотипов кукурузы инфицированных MDMV (Maize dwarf mosaic virus). Биология ва экология электрон журнали, 4(2).

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00759

# O’ZBEKISTON VA SHIMOLIY AFG’ONISTON O’ZBEKLARI TILIDAGI SINONIMLARINING QIYOSI

**Cho'lpon Zabihullah Muhammad navob o'g'li**
Samarqand davlat universiteti magistranti
zabihullahcholpan2019@gmail.com

## ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada O’zbekiston xalqi tilida leksik sinonimlarining va Shimoliy Afg’oniston hududidagi o’zbeklar tilidagi leksik sinonimlarning ahamiyati va xususiyatlari yoritilib beriladi.

**Kalit so’zlar:** Shimoliy Afg’oniston, sinonimlar, ijobiy va salbiylik xususiyatlari, leksik, so’z, ma’nodoshlik, sinonimlar lug’ati, izohli lug’at, o’zbek kabi.

# COMPARISON OF SYNONYMS IN THE LANGUAGE OF UZBEKISTAN IN UZBEKISTAN AND NORTHERN AFGHANISTAN

## ABSTRACT

This article discusses the significance of lexical synonyms in the Uzbek language of Uzbekistan and Northern Afghanistan.

**Keywords**: Northern Afghanistan, synonyms, positive and negative features, lexicon, word, semantics, dictionary of synonyms, annotated dictionary, Uzbek.

## KIRISH

Turlicha tovushlardan tuzilgan, ammo ma’nolari umumiy yoki bir-biriga yaqin so’zlar sinonimlar yoki ma’nodoshlar deb ataladi. Masalan, sabr, toqat, chidam, to’zim so’zlarining umumiy ma’nosi ,,sabr qilish” , ,,chidash” dir. Ular shu ma’nolari bilan bir-biriga yaqin. Shuningdek, tur, nav, xil, jins so’zlari; Gulshan, chamanzor, gulzor so’zlari; qayg’u alam, dard, kulfat,tashvish, zaxmat so’zlari ham ba’zi ma’no ottenkalari bo’lishidan qat’i nazar, umumiy bir ma’noga egadir. Shuning uchun ular sinonimlarning belgili turi (gruppasi)ni tashkil etadi.(1.128-b)

## ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Ma’nodosh so’zlar Leksikologiya bo’limining asosi tarkibiy qismlaridan biri bo’lib, u o’zbek tilida juda keng tarqalgan hisoblanadi.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00759

Sinonimlarning quyidagi ko’rinishlarini uchratishimiz mumkin:

1.Leksik sinonimiya: do’st, o’rtoq, jo’ra, hamdam, rafiq…

2. Frazeologik sinonimiya: Og’zi qulog’ida—do’ppisini osmonga otdi…

3. Affiksal sinonimiya: ba-, -mand, -chi, -shunos…

4.Sintaksis sinonimiya: U telefonda gaplashadi—U telefon orqali gaplashadi…

Yuqorida keltirgan misollarni ko’plab davom ettirishimiz mumkin. Biz kundalik hayotimizda ko’plab ma’nodosh so’zlardan foydalanamiz, ammo e’tibor qilmasligimiz mumkin. Hazrat Mir Alisher Navoiy o’zbek tili va tojik tilini bir-biriga qiyoslaganda aynan o’zbek tilining ma’nodoshlarga boyligini va tojik tilidan ustunliklarini aytib o’tadi.

## MUHOKAMA VA NATIJALAR

Ma’nodosh so’zlar ikki so’zdan tortib, yeti-sakkiz hatto undan ham ko’p so’zlar doirasida kuzatilishi bizga ma’lum. Quyidagi jadvalda ularga to’liqroq izoh berishga harakat qilamiz.

Ikki so’zdan iborat ma’nodoshlik

| I-Bosh sinonim | Izohi | Afg’oniston o’zbeklari tiliga doir misollar |
|---|---|---|
| **Adolat** | Qonun-qoida va umum ishidagi xatti-harakatga nisbatan qo’llanadi. | “Oga” bo’lgan ham haqiqat, ham **adolat** kuychisi,<br>Qo’rqmadi xavf u xatardan borur o’tkazdi yosh.[1.191-b]<br>U o’zini “kambag’al xalqni boyitgan ”, “oz sonli xalqni kupaytirgan” , “**adolat**liy hukimron” sifatida tasvirlaydi.[2.32-b] |
| II-sinonim | | |
| **Odillik** | Oddiy munosabatlardagi xolis va odilona xatti-harakat | Ambudismaning tarixi ildizlaridan biri Qur’oni karim va islom mafkurasining bir qismi sifatida odillik tamoyilidan kelib chiqadi.[9.1-b] |

Uch so’zdan iborat ma’nodoshlik

| I-bosh sinonim | Izohi | |
|---|---|---|
| **Musobaqa** | Bosh so’z, adabiy uslubga tegishli | Yugondo krekit jamoasi so’ngi **musobaqa**larida orjantoyn krekit jamoasini mag’lubiyatga uchratib.[5.1-b] |
| II-sinonim | | |

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00759

| | | |
|---|---|---|
| **Bellashuv** | Ko'proq oddiy so'zlashuvga xos | Afg'oniston milliy krekit jamoasi Orjantoynda bo'lib o'tgan jahon krekit birinchiligi saralashuv **bellashuv**larning uchinchi davr.[5.1-b] |
| III-sinonim | | |
| **Kurash** | Ma'lum so'zlar bilan birga qo'llangandagina shu ma'noni aniq ifodalaydi. | Yovlaring ona Vatan ko'rkamligini istamas,<br>Arslon yanglig' **kurash**, dushmanlaring noshod qil.[4.44-b] |

To'rt so'zdan iborat ma'nodoshlik

| I bosh sinonim | Izohi | |
|---|---|---|
| **Nur** | Yorug'lik manbaidan chiquvchi yorug' chiziq. Shu'la so'ziga nisbatan kengroq | Hali to'xta, **nur**li quyosh osmonga sori ko'tarsin,<br>O'z porloq bayrog'ini.[3.71-b] |
| II sinonim | | |
| **Shu'la** | Badiiy uslubga xos | Muhabbat **shu'la**sidan bo'lmog'on yuz dog' dunyo ting,<br>Qani bir sham mazorind, qani bir lola bu menda?[6.1-b] |
| III Sinonim | | |
| **Yog'du** | Badiiy uslubga xos | Oy jamoling **yog'du**sidan ko'zda nurim qolmadi,<br>Bir quchog' ochib azizim, bag'rimga bosilmading.[4.7-b] |
| IV Sinonim | | |
| **Ziyo** | Eskirgan, kitobiy | **Ziyo**li kishilarga kerakli masala shudir kim qara xalq ichida o'z yorug' uylovlari bilan ochiqlama tashlasalar.[3.3-b] |

Besh so'zdan iborat ma'nodoshlik

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00759

| I bosh sinonim | Izohi | |
|---|---|---|
| **Osmon** | Bosh so’z bo’lib keng qo’llanadi. | Hali to’xta, nurli quyosh **osmon**ga sori ko’tarsin,<br>O’z porloq bayrog’ini.[3.71-b] |
| II sinonim | | |
| **Ko’k** | So’zlashuv tilida juda kam qo’llanadi | **Ko’k** yuzini bosmoq uchun og’ir qaro bulutlar,<br>Guldirashib hayqirishib chopadi.[3.71-b] |
| III sinonim | | |
| **Samo** | Kitobiy, poetik uslubga xos | O’zgalarga ilm orqali serli **samo**ga ochdi yo’l,<br>Bizga ham azm-u shitob aylash kerak bo’ldi bugun.[3.70-b] |
| IV sinonim | | |
| **Falak** | So’zlashuv tilida juda kam qo’llanadi | Ey **falak** zulming qo’lidan doimo qon yig’ladim,<br>Sen butunni aylading jabring bilan sarson, ket![4.5-b] |
| V sinonim | | |
| **Gardun** | Eskirgan, kitobiy | Charx **gardun** sulfa parvar, ko’p yomon-u fitnagar,<br>Chun saodat bodasidan bermading bir jom, ket![4.5-b] |

Olti so’zdan iborat ma’nodoshlik

| I bosh sinonim | Izohi | |
|---|---|---|
| **Og’ir** | Katta og’irlikka ega, yengilning aksi | Ko’k yuzini bosmoq uchun **og’ir** qaro bulutlar,<br>Guldirashib hayqirishib chopadi.[3.71-b] |
| II sinonim | | |
| **Vazmin** | Og’ir so’ziga nisbatan kam qo’llanadi | Adab belgilaridan biri vazminlik der. (Sheva) |
| III sinonim | | |
| **Zildek** | Belgi darajasi | Zildek yo’l yer ustiga yopirilib |

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00759

| | | |
|---|---|---|
| | kuchli | olgan.[7.361-b] |
| IV sinonim | | |
| **Zil** | Belgi darajasi kuchli | Qishning uzun kechlari boshga tushgan og'ir zil yukday go'yo.[7. 1-b] |
| V sinonim | | |
| **Zil-zambil** | Belgi darajasi juda kuchli | Bunga o'zingiz biron narsa yozing. |
| VI | | |
| **Zalvorli** | Asosan asbob, qurolga nisbatan qo'llanadi | Shunchalar og'irki, uning zalvorli kishi o'y-xayolni bukib tashlaydi.[7.1-b] |

Yetti so'zdan iborat ma'nodoshlik

| I bosh sinonim | Izohi | |
|---|---|---|
| **Fahm** | Kishining to'g'ri mulohaza yuritishi, tushuna olish qobiliyati, aql so'ziga yaqinroq | Hayotni birgina oq-u qora bo'yoqlarda ko'rayotganlar, o'ta tuban o'ylayotganlar edi Navoiy ko'zda tutgan o'sha " bu yot el"! bu yerda " aql- fahm-u donishdan" demoqda Navoiy.[8.1-b] |
| II sinonim | | |
O‘tkazilgan tadqiqot natijalari va ilmiy manbalardan olingan ma‘lumotlar shuni korsatadi-ki umumta’lim maktablarida botanika fanini o‘qitish jarayonida kompleks elektron resurslardan foydalanish va uni ta‘lim samaradorligini oshirishda qo‘llash umumiy o‘rta ta’lim maktablarida o‘quvchilar ilmiy salohiyatini oshirishga xizmat qiladi.

Demak, ushbu axborot-komunikatsiya texnologiyalaridan Respublikamizning barcha umumiy orta ta’lim maktablarida foydalanish o‘quvchilar bilim darajasini oshirish va mamlakatimizda ta’lim sistemasini isloh qilishda yangicha samarali yo‘nalish bo‘lishi mumkin.

## REFERENCES

1. Mirxamitova D.X., Jurayev V.N., Nurxonova M. Uzluksiz ta‘lim tizimida axborot texnologiyalarining ahamiyati va o‘ziga xos jihatlari. “Barqaror rivojlanishda uzluksiz ta‘lim: Muammo va yechimlar” xalqaro ilmiy-amaliy anjuman ilmiy ishlar to‘plami 145-bet.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00762

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni. O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi to‘g‘risida. _PF-4947-сон 07.02.2017.
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni. O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta‘limi tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish kontseptsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida (Qonun hujjatlari ma‘lumotlari milliy bazasi, 29.04.2019 y., 06/19/5712/3034-son).
4. Olimov Q.T. (2015) “Zamonaviy ta‘lim va innovatsion texnologiyalari bo‘yicha ilg‘or xorijiy tajribalar” moduli bo‘yicha o‘quv-uslubiy majmua. Buxoro 2015 yil. 21-bet.
5. Axborot texnologiyalari sohasida ta‘lim tizimini yanada takomillashtirish, ilmiy tadqiqotlarni rivojlantirish va ularni it-industriya bilan integratsiya qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida PQ-4851-son 06.10.20. https://lex.uz/docs/-5032128.
6. Tuymurodov Sh. M. Aniq fanlarni o‘qitishda axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish. Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясида ахборот-коммуникация технологияларини қўллашнинг ҳозирги замон масалалари. Республика илмий-техник анжуманининг маърузалар тўплами. 2-қисм. Нукус-2015. 67-bet.
7. Begimqulov U.Sh. Pedagogik ta‘limda zamonaviy axborot texnologiyalarini joriy etishning ilmiy-nazariy asoslari. Monografiya. –T.: Fan, 2007.
8. Xasanova. Sh. Biologiya darslarida axborot va innovatsion texnologiyalardan foydalanish. / O‘quv qo‘llanma. – Toshkent.: «Yangi asr avlodi», 2012. 7-8 bet.
9. Tolipova J.O.“ Biologiyani o‘qitishda pedagogik texnologiyalar”/Darslik. - Toshkent: “Cho‘lpon nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi” 2011.130- bet.
10. J.O.Tolipova.“ Biologiyani o‘qitishda pedagogik texnologiyalar”/Darslik. - Toshkent: “Cho‘lpon nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi”2011.132- bet.

ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 4 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00763

# SO’Z TURKUMLARI VA ULARNI MATN ASOSIDA TASNIFLASH MASALASI

**Omidullah Bayani**
Samarqand davlat universiteti magistranti

## ANNOTATSİYA

Ushbu maqolada so’z turkumlarini matn asosida tasniflash haqida so’z yuritilib, so’z turkumlarini tasniflashda 3 asosiy xususiyat (semantik, morfologik va sintaktik)ni nazarga tutgan holda, matn asosida ishlash va bu uslub ahamiyatini yoritishdir.

**Kalit so’zlar.** So’z turkumlari, matn, tasniflash, so’z turkumlar soni, taraqqiyot boshqichi.

# WORDS OF CLASSES AND THEIR CLASSIFICATION

## ABSTRACT

This article discusses the classification of word groups based on the text, taking into account the 3 main features (semantic, morphological and syntactic) in the classification of word groups, working on the basis of the text and highlighting the importance of this method.

**Keywords:** Phrases, text, classification, number of phrases, stage of development.

## KIRISH

So’z turkumlarining o’rganish tarixi antik davrlarga borib taqaladi. O’sha davr faylasuf, mantiqshunosh va tilshunoslari bu borada ilk marta juda qimmatli fikrlar bildirganlar. Masalan, Arastu so’z turkumlari sonini 3 ta deb ko’rsatgan va unga ot, fe’l, va bog’lovchi vositalarni kiritgan. Oradan qarib 12 – 13 asr o’tgandan keyin, ulug’ bobokalonimiz Mahmud Koshg’ariy ham so’z turkumlari sonini 3 ta deb ko’rsatgan. So’z turkumlari nazaryasining rivojlanishi, olimlarning bu masala bilan shug’illana boshlashishi barobarida so’z turkumlari soni ham ortib bordi. Bu holat asosan, 19 – 20-asrlarda keng taraqqiy etdi. Turli davrlarda so’z turkumlari turli songa bo’lganligini e’tirof etish bilan, ushbu maqolada matn bilan ishlashning ahamiyati va yangi uslub bilan ish tutish haqida o’z fikrlarimizni bayon qilamiz.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00763

## ADABIYOTLAR TAHLIL VA METODOLOGIYA

O’zbek tilshunosligida so’z turkumlari haqidagi asosiy ilmiy bahslar, avvalo, so’z turkumlari tasnifi, o’zaro munosabati, ajratiluvchi guruhlar soni va ularning tarkibi masalasidir. So’z turkumlari soni va tarkibini aniqlashda so’zlarning semantik, morfologik va sintaktik xususiyatlarini nazarda tutish keng tarqalgan. Ammo amaliyotda, asosan, so’zlarni turkumlashda, ularning semantik xususiyatiga tayanish urfga aylangan.

So’z turkumlari soni bularning turkumlanish tamoyillari anchadan beri o’rganilib kelindi va kelinmoqda. Lekin har qanday usul ham so’z turkumlarining xolis tasnifini bera olmasligiga qattiq ishongan rus tilshunosi M.N. Peterson so’z turkumlari sonini va ular bilan bog’liq muammolarni matn asosida o’rganishga qaror qiladi va shu maqsadda ulug’ rus shoiri A. S. Pushkinning “Belkin hikoyalari” (“Повсти белкина”) asarini tanlaydi. Chunki uning yozishicah, hozirgacha rus tilshunosligida ham jahon tilshunosligida so’z turkumlari haqidagi masala o’z yechimini topgan emas. O’z fikrini dalillash uchun M.N. Peterson mashhur fransuz tilshunosi J. Vandirisning quyidagi so’zlarini keltiradi: “so’zlarni turkumlash nihoyatda qiyin bo’lgani uchun hozirgacha hech kim so’z turkumlarining manzur bo’larli tasnifini yaratgan emas. An’anaga ko’ra yunon mintiqshunoslari ta’limotlariga borib taqaluvchi fransuz mumtoz (klassik) grammatikasi 10 ta so’z turkumini farqlaydi. Ammo bu tasnif hech qanday tanqidga dosh bera olmaydi: “uni na faqat boshqa tillarga, balki uni yaratgan (yunon) tiliga nisbatan ham tatbiq etib bo’lmaydi” [qarang: J. Vandiri 1937, 139-bet, iqtibos M.N. Petersonniki].

M.N. Peterson 1885 yilning 22-sentyabr kuni Rossiyaning Kerensk, Penza viloyatida dunyoga kelgan. Moskva universitetining tarix-filologiya fakultetini tugatgan. Turli davrlarda turli lavozimlarga ishlagan. U qadimgi va yangi tillarni qiyosiy-tarixiy jihatdan yondashib, zamonaviy filologiya muammolari va yozuvchilar tilini o’rganishga harakat qilgan.

M.N. Peterson Tillarni o’qitishda o’ziga xos metodikadan foydalangan. U boshqalardek tayyor materilalardan emas, balki turli matnlarni o’qish va tahlil qilish yo’lini tutgan. Ushbu ishi bilan yangi uslub yaratib, hech qachon bu uslubdan chetga chiqmagan, va bu o’z samarasini berib, rus tilida yangi stilistika yaratgan.

M.N. Peterson o’zining 1955-yilda “О часях речи в русском языке” (“Rus tilidagi so’z turkumlari haqida”) nomli maqolasida so’z turkumlari haqidagi masala rus

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00763

tilishunosligida ham xorij til shunosligida ham yetarli darajada o'rganilmaganini qayd etadi. va olimlarning firkrlari bilan o'z firkrini dalillash uchun olimlarga murojaat etadi:

1. "Rus ilmiy ana'nasida so'z turkumlari tarkibi va tizimi haqidagi masala turlicha hal qilingan.

2. So'z turkumlarini tasniflash shu darajada qiyinki, hozirgacha hech kim ularning qoniqarli tasnifini yaratgan emas, ana'naga ko'ra Yunon mantiqshunoslari ana'nalariga borib taqaluvchi Fransuz mumtoz grammatikasi ularning sonini 10 ta deb ko'rsatadi, biroq bu tasnif ham hech qanday tanqidga dosh bera olmaydi: "uni hatto birinchi marta ishlab chiqqan tillarga nisbatan ham qo'llash qiyin. Biroq mazkur tasnifni batamom to'g'ri kelmaydigan tillarga nisbatan qo'llash qiyin".

Shundan keyin maullif yuqoridagi kabi iqtiboslarni istagancha keltirish mumkinligi haqida yozadi va bu masala yana so'zlarni turkumlarga ajratish masalasi alohida olingan tillar morfologiyasida bu masala yanada qoniqarsiz ekanligini qayd etadi, va o'zining maqola maqsadini yoritib beradi. Bu yerda u asosiy e'tiborini "so'z turkumlari" termini deganda nimani tushunish kerakligini aniqlashda harakat etadi.

Uning yozishicha, "so'z turkumlari" lotincha "partes orationis" terminining yunoncha "μέρη τού λόγου" terminining so'zma so'z tarjimasidir. Yunoncha terminning birinchi qismi "μέρος" ("q ism")ni ikkinchi qismi "λόγος" esa logos shunoslik so'zidan tarkib topgan. Demak so'z turkumlari o'rnida "so'z turkumlari" termini bilan bir qatorda "so'z shunoslik" terminini ham qo'llash mumkin. Aslida so'z turkumlari terminini ishlatish yaxshi, u an'anaga muvofiq va o'quvchini chalg'itmaydi. Yangi terminni qo'llashda o'quvchining uni tushunishi doimo kun tartibida turadi.

M.N. Peterson mazkur termin haqidagi fikrlarini quyidagicha davom ettiradi. Bu termin ijodkorlari – Aleksandrya grammatikashunoslari "logos" deganda "gap"ni tushunadi. Binobarin, Yunon grammatistlari "μέρη τού λόγου" deganda so'zlardan tashkil topgan gaplarni tushunganlar. Demak bu terminning aniq, muqobil ma'nosi M.N. Petersonga ko'ra "gap qismlari" tarzida tushunish kerak. Mana buning bu haqdagi aslida "so'z turkumlari" – bu "gapning qurilish materiali" desa ham bo'ladi.

Biroq boshqa tomondan, bu – bir xil o'zgarishlarni, bir xil shakllarni tavsiflovchi so'zlar guruhlaridir.

Yuqoridagilarga asoslanib so'z turkumlarini quyidagicha ta'riflash mumkin: "so'z turkumlari – bu so'zlarning gap yasaydigan (hosil qiladigan) guruhlari, turkumlaridir" [M.N. Peterson, 1955, 176-bet].

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00763

Ushbu maqola muallifining yozishicha, har qanday tilda ham so'z turkumlari miqdori, soni cheklangan. Uzoq tarixiy taraqqiyot bosqichalarini bosib o'tgan so'z turkumlarining ayrimlari oldin boshqalari esa keyinroq paydo bo'lgan. Ular o'zaro turli morfologik, sintaktik va semantik (mazmuniy) munosabatlarda bo'ladi. Ularning tilidagi asosiy vazifasi tushunchalarni umumlashtirishdir [qarang: M.N. Peterson, 1955, 175-bet].

M.N. Peterson haq. Haqiqatan ham bilish jarayoni bevosita abstraktlikka (mavhumlikka) va abstraktlikdan amaliyot tomon bajariladi. Shuning uchun, so'z turkumlari taraqqiyoti tasnifi ham bevosita kuzatishda, matnda qo'llashda o'rganilishi kerak. Bunday kuzatish natijasida olingan umumlashma va abstraksiyalar ya'ni til qo'llanishining barcha sohalarida tekshirish kerak [M.N. Peterson, 1955, 179-bet].

Shuningdek, M.N. Petersonning so'z turkumlari bilan bog'liq material, ma'lumot lug'atlardan olinmasligi kerak. Chunki ular lug'atlarga qayta ishlanib kiritilgan bo'ladi: "uni ya'ni so'z turkumlari haqidagi material matndan olinishi kerak. Chunki til (grammatika tasarrufiga o'tgan lug'at boyligi) muloqot vositasi bo'lib xizmat qiladi" [M.N. Peterson, 1955, 176-bet].

Shundan keyin muallif so'z turkumlarini A. Pushkinning "Belikin hikoyalari" asosida o'rganadi. Chunki unda rus tilining barcha morfologik xususiyatlari istifoda etilgan.

Yuqorida ta'kidlaganimizdek, M.N. Peterson so'z turkumlari taraqqiyoti haqidagi masalani rus tili misolida o'rganishga harakat qiladi, va bunda asosiy e'tiborini "so'z turkumlari" termini deganda nimani tushunish kerakligiga, tahlil usulini (metodini) aniqlashga va tadqiqot olib borish mumkin bo'lgan materialga qaratadi.

Biz ham M.N. Petersonning izidan borib so'z turkumlari haqidagi masalani matn asosida o'rganishga harakat qilidk. Tadqiqot materiali sifatida Afg'onistonda o'zbek tilida ijod qiladigan adib Dr. Sh. Yorqinning "Yana ko'rishguncha" hikoyalar to'plamining "Qutilish" hikoyasi kelgan barcha so'zlarni tadqiqimiz predmeti qilib oldik. ushbu material istifoda etilgan barcha so'zlarni qog'ozcha (kardochka)larga yozib chiqdik. Qog'ozchalarda qayd etilgan so'zlarni grammatik turkumlarga ajratib, nihoyat faktik material asosida so'z turkumlarining tasnifini ishlab chiqidik.

## MUHOKAMA VA NATIJALAR

Hikoyada jami bo'lib 968 ta so'z ishlatilgan bo'lib, ular tasniflanganda so'z turkumlarini quyidagi manazarasini tashkil qildi: ot (293 ta), sifat (56 ta), son (43 ta),

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00763

ravish (84 ta), fe'l (262 ta), olmosh (109 ta), ko'makchi (41 ta), bog'lovchi (55 ta), yuklama (24 ta), modal (Ø), undov (1ta) va taqlid (Ø).

Hozirgi o'zbek tilida so'z turkumlari soni 12 ta deb ko'rsatilgan bo'lsa-da, bizning tadqiqimiz materiali bo'lgan ushbu hikoyada so'z turkumlari soni o'ntasiga misollar chiqdi. Bundan shunday natija oldikki, so'z turkumlari har matnda turli sonlarda bo'lishi mumkin.

Yuqorida ta'kidlaganimizdek, oʻzbek tilida soʻzlar 3 asosiy xususiyatiga koʻra turkumlanadi:

**1. Semantik xususiyatlari** – soʻzlarning mustaqil holda lugʻaviy maʻno anglatishi. Bu jihatdan soʻzlar narsa-buyumni ifodalovchi soʻzlar, belgi bildiruvchi soʻzlar, harakat-holatni ifodalovchi soʻzlar kabi guruhlarga boʻlinadi. Masalan, gul (narsa-buyum nomi), katta (belgi nomi), oʻqimoq (harakat nomi) kabi.

**2. Morfologik xususiyatlari** – soʻzlarning umumiy morfologik xususiyatlari. Masalan: predmet nomini bildiruvchi soʻzlar birlik-koʻplik koʻrsata oladi, belgi bildiruvchilar darajalanib kela oladi, feʻllar esa zamonni ifodalay oladi va hokazo.

**3. Sintaktik xususiyatlari** – soʻzlarning gapda qanday gap boʻlagi vazifasida kela olishi. Odatda, predmetni bildiruvchi soʻzlar koʻpincha ega. Toʻldirvuchi; harakatni bildiruvchi soʻzlar koʻpincha kesim vazifasida keladi [2, 2004, 90-bet].

Demak, soʻzlar har uchala belgi – semantik, morfologik va sintaktik xususiyatlariga koʻra turkumlarga ajratiladi.

Hozirgi oʻzbek tilida 12 ta soʻz turkumi mavjud boʻlib, ular yuqorida bayon qilingan 3 asosiy xususiyatga ega boʻlish darajasiga koʻra, guruhlarga boʻlinadi. O'zbek tilshunosligida so'zlarni turkumlarga ajratishda turli yondashuvlar mavjud, birinch xil tasnifda so'zlarni quyidagi 5 ta guruhga bo'linadi:

1. Mustaqil so'zlar;
2. Yordamchi so'zlar;
3. Modal so'zlar;
4. Undov so'zlar;
5. Taqlid so'zlar.

Ikkinchi xil tasnifda so'zlar ifodalaydigan umumiy ma'nolarga ko'ra bo'linadi:

1. Nomlovchi so'zlar: ot, sifat, son, fe'l va ravish.
2. Yordamchi so'zlar: bog'lovchi, ko'makchi va yuklama.
3. Ifodalovchi so'zlar: undov, modal va taqlid so'zlar.
4. Ko'rsatuvchi so'zlar: olmosh.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00763

Bizga ma’qul ko’ringan tasnif quyidagi guruhlarga bo’linadigan tanifdir:

1) Mustaqil soʻzlar: ot, sifat, son, fe’l, ravish va olmosh so’z turkumlari.
2) Yordamchi soʻzlar: koʻmakchi, bogʻlovchi va yuklama so’z turkumlari.
3) Alohida soʻzlar: modal, undov va taqlid soʻz turkumlari.

Yuqoridagi ko’pincha tasniflarda mustaqil va yordamchi so’z turkumlari ko’zga ko’rinmoqda. Agarchi, bu tasnif ana’naviy tasnif hisoblansa-da, hozirgi kunda ham o’z qimatini yo’qotmagan. An’anaviy tasnifda so’z turkumlariga 6 ta so’z turkumi kiritilib, ularda ot so’z turkumi birlamchi va fe’l esa ikkilamchi qutbda qaror topmoqda, lekin ayrim tadqiqotlarda taqlid so’zlar ham mustaqil so’z turkumlariga kiritilib, fe’l so’z turkumi oldinga o’tkazilmoqda. Fe’l barcha so’z turkumlari ichida eng katta, grammatik kategoriyalarga boy, mukammal so’z turkumidir. Biroq ma’lumki, Inson dunyoga kelgach, avvalam bor narsa-buyumlarga duch keladi. Har qanday harakat ham predmet yoki shaxs tomonidan bajariladi. Shunga binoan, bizga ma’quli esa an’anaviy tasnifdir.

Mustaqil so’z turkumi leksik va grammatik ma’noga ega bo’lib, gapning biror bo’lagi vazifasida kela olishi bilan shakl yasash xususiyatida ham egadir. Yordamchi so’zlar esa leksik ma’no anglatmaydi, morfologik jihatdan ham o’zgarmaydi, gap bo’lagi vazifasida ham kela olmaydi va yasalish xususiyatiga ham ega emas. Modal, undov va taqlid so’zlar esa mustaqil so’zlarga ham, yordamchi so’zlarga ham o’xshamaydi, o’zaro umumiy jihatlari ham yo’q. Shuning uchun, alohida so’z turkumlari deb ataladi.

Hozirgi o’zbek tilshunosligida grammatik kategoriyalar o’rganilish bo’yicha ham har xil fikrlar mavjud. An’anaviy tilshunoslikda har bir so’z turkumining grammatik kategoriyalari o’z doirasida o’rganilib kelingan bo’lsa-da, keyingi paytlarda so’z o’zgartiruvchi vositalar – otlardagi kelishik va fe’llardagi shaxs-son qo’shimchalari so’zlarning sintaktik aloqasiga xizmat qiluvchi aloqa-munosabat shakllari deb nomlanib, so’z turkumlaridan tashqarida o’rganilmoqda. Bizningcha, har bir kategoriyaning o’z so’z turkumi doirasida berilshi ma’qul. Chunki har so’z turkumining kategoriyasi o’z so’z turkumi doirasida o’rganilmasligi so’z turkumlarining xususiyatlarini bir butun holda tushunmasligiga va so’z turkumlarini tahlil qilishda qiyinchilik hosil qilishga sabab bo’ladi. Shuning uchun, grammatik kategoriyalarga shakl hosil qiluvchilar va so’z o’zgartiruvchilarga bo’lingan holda har kategoriyani o’z doirasida o’rganilishi ma’qul.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00763

## XULOSA

So’z turkumlari masalasi, garcha butun dunyoda, jumladan, O’zbekistonda ham ko’plab tadqiqotlarda ob’ekt qilib olingan bo’lsa-da, hammaga bir xil darajada manzur bo’ladigan holatda o’rganilmagan.

So’z turkumlari bilan bog’liq material, ma’lumot lug’atlardan olinmasligi kerak. Chunki ular lug’atlarga qayta ishlanib kiritilgan bo’ladi. Bizning ushbu ishimizda matndagi barcha so’z va ularning turli grammatik qoidalari qulaylicha tahlil qilishinishi mumkin.

## REFERENCES

1. “Вопросы грамматического строя”, Издательство академий Наук СССР Москва, 1955.
2. Муҳитдинов Х., Худойберганова Д., Умиров И. ва бошқа. Ҳозирги ўзбек адабий тили. (ўқув қўлланма), Т., Илм-зиё, 2004.
3. Ishonch Zikrulloh, Hozirgi o’zbek tili, Kobul, Nigorxona matbaasi, 2014.
4. Sayfullahyeva R.R. Mengliyev B.R., Boqiyeva G.H. va boshqa. Hozirgi o’zbek adabiy tili, T., fan va texnologiya, 2010.
5. Турсунов У. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Т., 1992.
6. Сапаев Қ. Ҳозирги ўзбек тили. Т., 2009.
7. Шоабдураҳмонов Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Т.: Фан, 1980.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00764

# ИССЛЕДОВАНИЕ АКТИВНОГО УГЛЕРОДА, ИСПОЛЬЗУЕМОГО ДЛЯ ОЧИСТКИ МЕТИЛДИЕТАНОЛАМИНА ДО НИКЕЛ (II) ИОНА

**Басит Набиевич Хомидов**
Профессор Ферганского политехнического института

**Саидахон Бахромджон кизи Убайдуллаева**
Мастер Ферганского политехнического института

## АННОТАЦИЯ

В этой статье описывается определение ионов Ni (II) в активированном угле, используемом для очистки MDEA-метилдиэтаноламина, основного агента для очистки конвертированного газа от диоксида углерода ($CO_2$) при производстве аммиака.

**Ключевые слова**: ионы Ni (II), адсорбент на активированном угле, использованный раствор МДЭА, реактив Чугаева, показатель pH.

# RESEARCH OF ACTIVE CARBON USED FOR PURIFICATION OF METHYLDIETHANOLAMINE TO NICKEL (II) ION

## ABSTRACT

This article describes the determination of Ni (II) ions in activated carbon used for the purification of MDEA-methyldiethanolamine, the main agent for the purification of converted gas from carbon dioxide ($CO_2$) in ammonia production.

**Keywords**: Ni (II) ions, activated carbon adsorbent, used MDEA solution, Chugaev's reagent, pH.

## ВВЕДЕНИЕ

Многие проблемы в обрабатывающей промышленности сегодня включают выбросы из промышленных зон, которые токсичны для человека и вредны для флоры и фауны. Одна из таких проблем - использование адсорбентов, содержащих токсичные соединения никеля, которые выделяются по мере попадания в окружающую среду. Ионы никеля, содержащиеся в использованных адсорбентах, которые утилизируются как отходы, могут представлять опасность для окружающей среды из-за чрезмерного содержания.

Никельсодержащие промышленные отходы играют важную роль в загрязнении водных объектов. Дополнительные потенциальные источники

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00764

никельсодержащих отходов включают керамику, атомные электростанции, криогенные сосуды и оборудование для уменьшения загрязнения.

Попадание никеля на кожу приводит к болезненному заболеванию, никелевому зуду, что приводит к внезапной смерти. Острое отравление никелем может привести к боли в груди, стеснению в груди, одышке и т. Д. Сообщалось также о токсической природе никеля для рыб, чечевицы, сельскохозяйственных культур и водорослей.

## ЛИТЕРАТУРНЫЙ АНАЛИЗ И МЕТОДОЛОГИЯ

По данным Агентства по охране окружающей среды (EPA), допустимые пределы содержания Ni (II) в сточных водах в США составляют 1 мг / л, а Бюро стандартов Индии - 3 мг / л. Следовательно, перед сбросом в водоемы необходимо очистить Ni (II).

Использование отходов сельскохозяйственных и промышленных предприятий позволяет сэкономить процесс очистки и решить проблему утилизации твердых бытовых отходов. Изучена пригодность нескольких недорогих нетрадиционных адсорбентов, полученных из сельскохозяйственных и промышленных отходов. К ним относятся несколько видов активированного угля [2]

Таким образом, в качестве адсорбента при очистке МДЭА используется активированный уголь марки СКТ-3 в виде гранул размером 2-5 мм, пористость поверхности 350 г / дм3. После использования использует токсичную соль никеля. [5]

МДЭА - это метилдиэтиламин, который представляет собой абсорбент, который служит для хемосорбции диоксида углерода из преобразованного газа при производстве аммиака и в передаче чистого водорода в последующий процесс.

Мы знаем, что превращение метана происходит в присутствии никелевых катализаторов:

$$CH_4 + H_2O \xrightarrow{Ni} CO + 3H_2$$

$$CH_4 + 2H_2O \xrightarrow{Ni} CO_2 + 4H_2$$

$$CO + H_2O \rightarrow CO_2 + H_2$$

Температура духовки не должна превышать 8600 ° C. [4] Следовательно, помимо этой реакции, мы можем наблюдать следующую реакцию:

$Ni + 4CO(50\text{-}100°C) \rightarrow Ni(CO)_4$

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00764

И этот тетракарбонил никель абсорбируется в раствор МДЭА вместе с преобразованными газами и оседает в микропорах адсорбента при прохождении через вторую стадию очистки абсорбента, то есть активированный уголь. Это, во-первых, снижает способность адсорбента к абсорбции, а во-вторых, может нанести большой ущерб в виде отходов.

Тетракарбонил никель летуч и очень токсичен. Карбонил никеля может вызвать контакт с кожей или смерть в результате вдыхания. LC 50 достигает 3 частей на миллион за 30 минут воздействия, а абсолютная летальная концентрация для людей составляет 30 частей на миллион.

Некоторые люди, которые подвергались воздействию концентраций до 5 частей на миллион, описывали его запах как «плесневелый» или «дымный», но поскольку это соединение настолько токсично, его токсичный запах может быть вызван концентрацией пара, которая вообще не заметна. [3]

Отравление карбонилом никеля происходит в два этапа. Первый характеризуется головными болями и болями в груди, которые длятся несколько часов и обычно прерываются периодом хорошего самочувствия. Вторая стадия - это химический пневмонит, который обычно начинается через 16 часов после заражения кашлем, одышкой и сильной слабостью.

Эти симптомы ухудшаются в течение четырех дней, обычно приводя к смерти от сердечной или легочной недостаточности при отсутствии медицинской помощи. Реконвалесценция часто бывает длительной, с сильной усталостью, депрессией и одышкой во время стресса. Хроническое поражение дыхательной системы встречается редко. Канцерогенность тетракарбонила никеля не была хорошо установлена [2].

## ОБСУЖДЕНИЕ

Сначала я начал с проверки того, что очищенный уголь MDEA не содержит ионов никеля 2-, поэтому я разделил 10 граммов адсорбента на три равные части и назвал их b1, b2, b3.

Я пробовал добавлять к этим адсорбентам реагент Чугаева (диметилглиоксим), меняя их среду одну за другой. Результаты представлены в следующей таблице:

Качественный анализ адсорбента

таблица №1

| Использованный адсорбент | реагент | pH среды | Результат |
|---|---|---|---|
| $b_1$ | $C_4H_6(NOH)_2$ | 7 ($H_2O$) | |

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00764

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | БЕЗ ИЗМЕНЕНИЙ |
| $b_2$ | $C_4H_6(NOH)_2$ | 4 ($H_2SO_4$ 0.1 M) | БЕЗ ИЗМЕНЕНИЙ |
| $b_3$ | $C_4H_6(NOH)_2$ | 10 ($NH_3$ 10%) | розово-красный осадок ↓ |

Суть в том, что когда я сделал качественный анализ с использованным адсорбентом и проверил, что он содержит ионы никеля, оказалось, что эти ионы действительно существуют:

$$Ni^{2+} + 2\ C_4H_6(NOH)_2 \rightarrow C_8H_{12}Ni(N_2OH)_2\downarrow$$ [1]

Заключение

Это исследование направлено на решение одной из проблем, стоящих перед экологией и окружающей средой, а также с человеческим фактором, то есть начальная стадия отравления на участке, где содержание адсорбента отходов выбрасывается в виде отходов. токсичные соли никеля и следить за тем, чтобы он не рассеивался.

## ЗАКЛЮЧЕНИЕ

1. О.Файзуллаев, Н.Туробов, Э.Розиев, А.Куватов, Н.Мухаммадиев. "Аналитическая химия. Лабораторные занятия. "Новое поколение" НММ, 2006.
2. Аллен Х. Э., Майнер Р. Ионы металлов В: Исследование воды для борьбы с загрязнением - физико-химическое и радиологическое исследование / Под ред. М. Дж. Успех, Оксфорд, 1982. 2, 41.
3. Сугунадеви С. Р., Сатишкумар М., Шанти К., Кадирвелу К. и Паттабхи С., Indian J. Environ Protection, 2002, 22, 500-505.
4. Шамшидинов И.Т. Технология неорганических веществ и минеральных удобрений: Учебник для профессиональных вузов / И.Т. Шамшидинов; Министерство высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан Т: «ЭКОНОМИКА-ФИНАНСЫ», 2014. - 324 с.
5. Кент Р.Л. Лучшие данные для обработки амином / Р.Л. Кент, Б. Айзенберг // Углеводородный процесс. 1976. - № 55 (2). - С. 87.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00765

# BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARIDA KREATIV QOBILIYATLARNI RIVOJLANTIRISHDA O'QITUVCHINING ROLI

**Gulnora Abduraxmonovna Yusufaliyeva**
Guliston davlat universiteti o'qituvchisi

**Noila Nasim qizi Abduraxmonova**
Guliston davlat universiteti o'qituvchisi
noilaabduraxmonova920@gmail.com

**Aziza Mirzabek qizi To'rabekova**
Guliston davlat universiteti o'qituvchisi

## ANNONTATSIYA

Mazkur maqolada boshlang'ich sinf o'quvchilaridagi kreativ qobiliyatlarni rivojlantirish maqsadida foydalanish lozim o'qituvchi vazifalari haqidagi kerakli ma'lumotlar va manbalar keltirib o'tilgan. Maqolada berilgan ma'lumotlar asosida o'qituvchilar va ota-onalar o'zilari uchun kerakli tavsiyalarni olishlari mumkin.

**Kalit so'zlar:** ta'lim, metodika, tafakkur, kreativlik, belgi, mashq, fikrlash, ijodkorlik, fikrlash,erkinlik.

# THE ROLE OF THE TEACHER IN THE DEVELOPMENT OF CREATIVE ABILITIES IN PRIMARY SCHOOL STUDENTS

## ABSTRACT

This article provides the necessary information and resources on teacher responsibilities that should be used to develop creative skills in primary school students. Based on the information provided in the article, teachers and parents can get the advice they need.

**Keywords:** education, methodology, thinking, creativity, character, exercise, thinking, creativity, thinking, freedom.

## KIRISH

Kreativlik so'zini ilk bor 1922-yilda AQSh olimi D. Simpson tomonidan qo'llanilgan. Ushbu atama orqali shaxs qolipdagi, stereotip, odatiy tafakkurdan voz kechish qobiliyatini ta'riflagan.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00765

*Kreativlik* (lot. *creatio* – yaratish, vujudga keltirish) – bu insonning noodatiy g'oya, fikr bera olish, muammolarni takrorlanmas, original yechimini topish, tafakkurning an'anaviy shakllaridan voz kecha olishga bo'lgan qobiliyatidir.

## ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

K. Rodjers (1944) kreativlik deb muammolarni yangi yechimi va biror narsa, voqea, xolatni ifoda etishning yangi usullarini aniqlashni tushunadi.

Kreativlik bilan shaxs va intellektual xossalar taqqoslangan tadqiqotlar katta ahamiyatga egadir. Intellektual xossalar bilan taqqoslash bo'yicha tadqiqotlar Dj. Gilford tomonidan amalga oshirilgan.

Kreativlik – bu insonning shaxsiy xususiyati bo'lib, uning o'z-o'zini takomillashtirib va rivojlantirib borishi bilan bog'liq.

Kreativlik (lot., ing. "create " – yaratish, "creative " yaratuvchi, ijodkor) – individning yangi g'oyalarni ishlab chiqarishga tayyorlikni tavsiflovchi hamda mustaqil omil sifatida iqtidorlilikning tarkibiga kiruvchi ijodiy qobiliyati. Shaxsning kreativligi uning tafakkurida, muloqotida, his-tuyg'ularida, muayyan faoliyat turlarida namoyon bo'ladi.

Bolalarda kreativlikni rivojlantirishda quyidagilarga e'tibor qaratish zarur:

1) ular tomonidan ko'p savollar berilishini rag'batlantirish va bu odatni qo'llab-quvvatlash;

2) bolalarning mustaqilligini rag'batlantirish
va ularda javobgarlikni kuchaytirish;

3) bolalar tomonidan mustaqil faoliyatni
tashkil etilishi uchun imkoniyat yaratish;

4)bolalarning qiziqishlariga e'tibor qaratish.

Quyidagi omillar shaxsda kreativlikni rivojlantirishga to'sqinlik qiladi:

1) o'zini tavakkaldan olib qochish;

2) fikrlash va xatti-harakatlarda qo'pollikka yo'l qo'yish;

3) shaxs fantaziyasi va tasavvurining yuqori baholanmasligi;

4) boshqalarga tobe bo'lish;

5) har qanday holatda ham faqat yutuqni o'ylash.

Boshlang'ich sinf o'quvchilarning kreativ qobiliyatini rivojlantirish usullari va vositalariga ta'sir qiluvchi muhim omillardan biri o'qituvchi-o'quvchilar hamkorligi ekanligiga alohida e'tibor qaratildi. Ma'lumki, ta'lim jarayoni ikki yoqlama xarakterga ega bo'lib, o'qituvchi va o'quvchilarning teng munosabatlaridan tashkil topadi. Bu jarayonga rahbarlik qiluvchi o'qituvchi ta'lim jarayonining to'g'ri tashkil

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00765

etilishi, ta’lim maqsadlarining to‘g‘ri amalga oshirilishi va ta’lim natijalari uchun javobgar shaxs hisoblanadi. Ammo bu, ta’lim jarayoni o‘qituvchining to‘liq hukmronligi ostida amalga oshadigan jarayon, degan noto‘g‘ri fikrning tug‘ilishiga asos bo‘la olmaydi. Hozirgi davr talabi ham kimnidir bo‘ysundirish orqali emas, balki hamkorlik munosabati yordamida ijobiy natijaga erishishdir. Ta’lim jarayonida o‘quvchilar faoliyatining shakllanishi fan asoslarini o‘zlashtirishga oid mexanizmgina bo‘lib qolmasdan, balki shaxsning umumiy ijtimoiy-madaniy qobiliyatlarini tarkib toptirishga ham qaratilishini unutmaslik lozim. Bizningcha, o‘quv vaziyati ta’lim jarayonini tashkil qiluvchi o‘zgaruvchan tizim sanalib, u quyidagicha ikki qismdan iborat:

- o‘qituvchi bilan o‘quvchilar hamkorligi;
- o‘quvchilarning o‘zaro bir-birlari bilan hamkorligi.

## MUHOKAMA VA NATIJALAR

O‘qituvchi bilan o‘quvchilarning hamkorligi o‘qituvchining o‘quvchilarga ko‘rsatadigan yordamidan boshlanadi. U asta-sekin faollashib o‘quv harakatlariga aylanadi. Natijada, o‘qituvchi bilan o‘quvchilar munosabati hamkorlik pozitsiyasiga o‘sib o‘tadi.

Materiallar tahlilining ko‘rsatishicha, mantiqiy topshiriqlar hamkorlikda bajarilgandagina bilimlarni o‘zlashtirish mahsuldor bo‘ladi. Ilmiy manbalarda ta’limning shunday tashkil etilishini hamkorlikdagi mahsuldor faoliyat vaziyati, deb atash qabul qilingan. Pedagogik adabiyotlar tahlili va ijodiy tajribalarimiz natijalariga ko‘ra hamkorlikdagi mahsuldor o‘quv faoliyati vaziyatini tashkil qilishning 2 asosiy tamoyilini ko‘rsatib o‘tish maqsadga muvofiqdir:

1.Ta’limda mazmunning izchilligi tamoyili. Unga ko‘ra shaxs o‘z faoliyatini muayyan maqsad asosida tashkil qilishida mazkur faoliyatning uzluksiz shakllanishi ko‘zga tashlanadi.

2.O‘qituvchi-o‘quvchilar hamkorligining mustaqil ijodiy faoliyat bilan bog‘liqligi tamoyili.

O‘quv jarayonida o‘quvchilar bilan hamkorlik qilish katta ahamiyatga ega. O‘quvchilarning ta’limga qay darajada ixlos qo‘yishi o‘qituvchining mana shu hamkorlikni yarata bilish mahoratiga bog‘liq. O‘qituvchi bilan o‘quvchilarning o‘quv faoliyatidagi muhitning to‘g‘ri uyushtirilishi o‘quvchilarning fanga bo‘lgan qiziqishlarini oshiradi, ularni butun kuch va g‘ayratini sarflashga undaydi. Bu o‘zaro muloqotning shunday bir shaklidirki, bunda o‘quvchi o‘zini pedagogik ta’lim obyekti deb emas, balki mustaqil va erkin harakat qiluvchi shaxs deb biladi. O‘qituvchining

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00765

o‘rganilayotgan fan bo‘yicha qaysidir bir ma’lumotga aniqlik kiritish paytida o‘quvchilarga yordam so‘rayotganday murojaat qilishi hamkorlik faoliyatini yanada chuqurlashtiradi. O‘quvchilarni o‘rganuvchi va tarbiyalanuvchiga aylantirish o‘qish-o‘qitish jarayonini muvaffaqiyatli olib borishninggina sharti bo‘lib qolmay, balki ularni har jihatdan barkamol insonlar qilib tarbiyalashning ham muhim shartidir. O‘quvchi o‘qitish va tarbiyalash jarayonining o‘zidayoq bilim va tarbiya oluvchi shaxsga aylanadi. Sh.A.Amonashvili ta’lim jarayonida o‘quvchi bilan hamkorlik munosabatini o‘rnatish lozimligini ta’kidlab, shunday deydi: «O‘quvchining o‘quv-biluv faoliyati nafaqat qiziqarli o‘quv materiali va uni tushuntirishning turli metodlari vositasida, balki pedagogning ta’lim jarayonidagi muomala xarakteriga ko‘ra tartibga solinadi. Mehr, ishonch, hamkorlik, hurmat mavjud bo‘lgan muhitda o‘quvchi o‘quv topshiriqlarini oson o‘zlashtiradi. Yutuqlari, mustaqil fikri, ijodiy izlanishlari yuqori baholanayotganini ko‘rgan o‘quvchi yanada murakkab bo‘lgan o‘quv topshiriqlarini bajarishga intila boshlaydi».

O’qitishda muammoli ta’limdan foydalanish ham, kreativ qobiliyatni shakllantirishda samarali hisoblanadi. O’quvchilarning biror-bir haqiqatni mustaqil izlashi va kashf etishi bilan bog’liq bo’lgan ta’lim metodlaridan evristik yoki tadqiqotchilik metodlari bilan birga o’quvchilarni ijodiy fikr “laboratoriyasi”ga olib kiradigan jarayon ham asosiy ahamiyatga egadir. Muammoli ta’lim shu jihatdan bir qancha afzalliklarga ega:

1. U o’quvchilarni mantiqiy, ilmiy, didaktik, ijodiy fikrlashga o’rgatadi.
2. U o’quv materialini ishonarli qiladi, bu bilan bilimlarning e’tiqodga aylanishiga ko’maklashadi.
3. U odatda, ancha ta’sirchan bo’lib, chuqur intellektual his-tuyg’ular, shu jumladan ko’tarinki ruh, hissini o’z imkoniyatlari va kuchiga ishonch tuyg’usini vujudga keltiradi, shuning uchun u o’quvchilarni qiziqtiradi, o’quvchilarda ilmiy bilishga jiddiy qiziqishni tarkib toptiradi.
4. Haqiqat qonuniyatining mustaqil “kashf etilishi” olingan bilimlarni unutmasligi aniqlab chiqilgan, mustaqil hosil qilingan bilimlar unutilgan taqdirda ham ularni tezda qayta tiklash mumkin.

Muammo yuzasidan olib borilgan izlanishlar o‘quvchilarning o‘quv jarayoniga munosabati o‘qituvchi va o‘quvchilar o‘zaro ta’sir jarayonining to‘g‘ri tashkil etilishi, o‘quv materiallarini tanlash va tashkil qilish, bilimlarni o‘zlashtirish jarayonini takomillashtirish usullariga, o‘quv natijalariga qo‘yiladigan baho tizimiga bog‘liqligini ko‘rsatdi. Kreativlik va o‘zaro hamkorlik bir-biriga mustahkam bog‘liq. Zero, faqatgina yangicha yondashuv asnosida hamkorlik vujudga keladi va mana shu

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00765

hamkorlikda ijodkorlik o‘z ifodasini topadi. Pedagogik kreativlikni faqatgina yangilikka, tajribalar o‘tkazishga intilish deb tushunmaslik kerak. Bu intilish sog‘lom fikrning rasmiyatchilik ustidan g‘alabasini ham ifoda etadi. Demokratiya, oshkoralik bo‘lmagan joyda, ma’muriyatchilik va o‘qituvchining irodasi bilan dars jarayonida o‘quvchilarning mustaqil fikrlash faoliyatiga rahna solinsa ijodiy hamkorlik barham topadi. Boshlang‘ich sinf darslarida o‘quvchilarning kreativ qobliyatini rivojlantirishga xizmat qiladigan topshiriqlar ustida ishlash alohida o‘rin tutadi. O‘quvchi o‘zi uchun qulay sharoitda hayotiy va o‘quv tajribasiga tayanib og‘zaki yoki yozma nutqi orqali fikrlash faoliyatini amalga oshiradi. Unda ohar bir fanning o‘zi uchun noma’lum qirralari xususida o‘qituvchi bilan faol hamkorlik qilish uchun ruhiy tayyorgarlik paydo bo‘ladi. U mavzu yuzasidan berilgan savollarga tegishli javob qaytarish uchun mustaqil ijodiy izlanishlarga harakat qiladi. O‘qituvchi bunday hamkorlik jarayonida o‘quvchilarning kreativligini o‘stirish bilan birga diagnostik vazifani ham bajaradi, ya’ni o‘quvchilarning qobiliyati , qiziqish doirasini aniqlaydi, kreativ iqtidorini chamalaydi. Kreativlikni rivojlantiruvchi topshiriqlar ustida ishlash jarayonida bu g‘oyat muhimdir.

Boshlang’ich ta’lim – bu har bir bolaning hayotida chuqur iz qoldiruvchi ta’lim turidan biri bo’lib, ta’limning bu bosqichida pedagog o’qituvchilarga katta mas’uliyat yuklatiladi. Ya’ni boshlang’ich sinf o’quvchilarining kreativlik qobiliyatlarini rivojlantirish metodikasi hali maxsus o’rganishni talab etmoqda.

O’quvchilar o’z-o;zidan kreativ bo’lib qolmaydi. Uning kreativ qobiliyati ma’lum vaqt ichida izchil o’qib-o’rganish, o’z ustida ishlash orqali shakllantiriladi va asta-sekin takomillashib, rivojlanib boradi.

O’qituvchilar o’quvchilar bilan hamkorlikda ish yuritib, ularning har bir fikrini inobatga olishi va buni o’quvchiga sezdirishi kabi muhim vazifalarni bajarish orqali o’quvchilarni o’zgacha yondashuvli ya’ni kreativ bo’lishlariga erishishi mumkin.O’qituvchi o’quvchilarga muammoli masala va vaziyatlarni berib, o’quvchining masala yechimini topishga ijodiy yondashishi undagi hissiy irodaviy sifatlarni rivojlanishiga yordam beradi. Bu o’quvchilarni o’z ustida ishlash, mustaqil o’qib o’rganishiga imkoniyat, ichki ehtiyojning oshishiga turtki bo’ladi.

«Kreativlik» tushunchasi «ijod» tushunchasi bilan bog’liq. Biroq, «kreativlik» tushunchasi tegishli lug’atlarda munosib differentsiyasini topmagan va ijod psixologiyasida yetarlicha aniqlanmagan. O’nlab ilmiy ishlarda kreativlikning u yoki bu qirralariga turlicha yondashib, har xil darajada qamrab olinayotganligiga qaramasdan, hozirgacha na muammoning o’ziga va na unga taalluqli bo’lgan amaliy savollarga nisbatan yagona to’xtam mavjud emas.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00765

Yuqoridagi fikrlarni umumlashtirgan holda kreativlik va ijodkorlik aynan bir xil ma'no anglatmaydi degan fikrga keldik. Chunki, ijodkorlik deganda barchaning ko'z o'ngiga ma'lum bir narsani ixtirosi,chizmasi va hokazolar kelishi mumkin. Lekin biz tadqiqotimizda kreativlikni, dars jarayonida berilgan vazifaga hech kimnikiga o'xshamas yo'l topish va uni ilmiy asoslay olish, yangicha fikrlash, uni tadbiq eta olish qobiliyati deb oldik. Ya'ni biz tadqiqotimizda ta'lim sohasiga oid kreativlikni ya'ni boshlang'ich sinf o'quvchilarining kreativ qobiliyatlarni rivojlantirish metodikasini ko'rib chiqamiz. Kreativlik ijodkorlikka nisbatan kengroq tushuncha degan fikrga keldik.

**XULOSA**

Ma'lumotlarni kuzatish natijasida quyidagi xulosalar ishlab chiqildi:

1) avvalo, har bir dars jarayoni tashkil etilishida aniqlik bo'lishi. O'qituvchi o'quvchilarga erkinlikni,albatta, me'yorida ta'minlab berishi lozim;

2) boshlang'ich ta'limning o'ziga xos xususiyatlaridan biri bu -bolalarning maktabga tayyorgarlik darajasi, ijtimoiy tajribasi, psixofiziologik rivojlanishi bir xil emasligidadir. Shunga ko'ra boshlang'ich ta'lim o'quv fanlari dasturlaridagi topshiriqlarda o'quvchilarda bilim, ko'nikma va malakalarni shakllantirishga e'tibor berilgan bo'lsa-da, ammo o'quvchilarda ijodiy faoliyatni rivojlantirish nuqtai-nazaridan ularni takomillashtirish zarur. Ya'ni o'qituvchilar ma'suliyatli va e'tiborli bo'lish zarur.

Shuningdek, o'quvchilarning kreativ qobiliyatlari rag'batlantirilsa va samimiy muhit yaratilsagina, kreativ fikrlashni odatga aylantira oladilar. Hato qilishdan, muvaffaqiyatsiliklardan cho'chish, haddan tashqari baholarga e'tibor qaratish, tanqidga uchrashdan qo'rqish hissi mavjud o'quvhilarda kreativlik odatga aylanmaydi.

3) muayyan omillar o'quvchilarda kreativlik sifatlari, malakalarining rivojlantirishga to'sqinlik qiladi. Shu sababli pedagogik jarayonda o'qituvchilar ushbu omillarni bartaraf etishga e'tibor qaratishlari kerak.

Quyidagi omillar shaxsda kreativlikni rivojlanishiga to'sqinlik qiladi:

- O'z-o'zini tavakkaldan olib qochish;
- Fikrlash va xatti-harakatlarda qo'polllikkka yo'l qo'yish;
- Shaxs fantaziyasi va tasvvurining yuqori baholanmasligi;
- Boshqalarga tobe bo'lish;
- Har qanday holatda ham faqat yutuqni o'ylash.
- **Devid Lyuisning bolalarda kreativlikni**

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00765

- **rivojlantirishga oid koʻrsatmalari**
- 1. Bolalarning savollariga chidam bilan toʻgʻri javob bering.
- 2. Ularning savollari va fikrlarini jiddiy qabul qiling.
- 3. Bolalarga oʻz ishlari bilan shugʻullanishlari uchun alohida xona yoki burchak ajrating.
- 4. Agarda ijodiy jarayon bilan bogʻliq boʻlsa, u holda bolani xonadagi tartibsizlik uchun koyimang.
- 5. Vaqti-vaqti bilan bolalarga ularni yaxshi koʻrishingizni va ularni qanday boʻlsalar, shunday qabul qilishlarini namoyon eting.
- 6. Bolalarga imkoniyatlariga mos yumushlarni buyuring.
- 7. Ularga shaxsiy rejalarini ishlab chiqish va qarorlar qabul qilishga koʻmaklashing.
- 8. Bolalarga faoliyatlarda yuqori natijalarga erishishlariga yordam bering.
- 9. Kamchiliklarini koʻrsatgan holda bolani boshqalar bilan solishtirmang.
- 10. Bolani kamsitmang va oʻzini yomon, ojiz deb hisoblashishiga yoʻl qoʻymang.
- 11. Uni mustaqil fikrlashga oʻrgating.
- 12. Bolani sevimli mashgʻulotini tashkil etishi uchun zarur buyumlar bilan qurollantiring.
- 13. Uni turli voqealarni oʻylab topishga, fantaziya qilishga majburlang, bu jarayonda unga yordamlashing.
- 14. Bolani yoshlikdan oʻqib-oʻrganishga odatlantiring.
- 15. Doimo bolaning ehtiyojlariga e’tibor qarating.
- 16. Har kuni bola bilan yuzma-yuz suhbatlashish uchun vaqt toping.
- 17. Oilaga oid masalalarning muhokamasiga bolalarni ham jalb qiling.
- 18. Xatolari uchun bolani masxara qilmang.
- 19. Bolani har bir yutugʻi uchun maqtang.
- 20. Uning yutuqlarini maqtashda samimiy boʻling.
- 21. Bolani turli yoshdagi kishilar bilan muloqot qilishga oʻrgatib boring.
- 22. Uning borliqni anglashiga yordam beradigan amaliy tajribalarni oʻylab toping.
- 23. Bolaga turli latta-puttalar bilan oʻynashni taqiqlamang – bu uning tasavvurini boyitadi.
- 24. Uni muammoni topish va uni hal qilishga ragʻbatlantiring.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00765

- 25. Bolaga nisbatan o‘z munosabatingizni baholashda odil bo‘ling.
- 26. U bilan muhokama qilinadigan mavzularni cheklamang.
- 27. Bolaga qarorlarni mustaqil qabul qilish va uning uchun javobgar bo‘lish imkonini bering.
- 28. Bolaga uning shaxs bo‘lib shakllanishi uchun yordam bering.
- 29. Bolaga uning uchun foydali bo‘lgan teleko‘rsatuvlarni tomosha qilishi va radio eshittirishlarni tinglashi uchun ko‘maklashing.
- 30. Uni o‘z qobiliyatlarini ijobiy qabul qilishga odatlantirib boring.
- 31. Bolani kattalardan mustaqil bo‘lishga o‘rgatib boring.
- 32. Bolaga “Men ham buni bilmayman” deb, uni muvaffaqiyatsizliklarga bee’tibor bo‘lishga o‘rgatmang.
- 33. Bolaga, garchi u ishning ijobiy natijaga ega bo‘lishiga ishonmasa-da, boshlangan ishni oxiriga etkazishi uchun imkoniyat yarating.
- 34. Kundalik daftar yuriting va unga bolada kreativ qobiliyat shakllanishini qayd etib boring.

## REFERENCES

1. Mirziyoyev SH.M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. - T.: “O‘zbekiston”, 2017 yil, 488 bet.
2. Mirziyoyev SH.M. Erkin va farovon, demokratik O‘zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. – T.: “O‘zbekiston”, 2016 yil, 56 bet.
3. Pedagogik kompetentlilik va kreativlik asoslari” moduli bo’yicha o’quv-uslubiy qo’llanma. :– Toshkent 2015,40 bet
4. Davletshin M.G., Do‘stmuhamedova Sh., Mavlanov M., To‘ychiyeva S. Yosh davrlari va pedagogik psixologiya. (O‘quv metodik qo‘llanma). Nizomiy nomidagi TDPU. 2004-yil. 102 b. 46-47 betlar.
5. Innovatsion ta’lim texnologiyalari va pedagogik kompetentlik moduli bo’yicha o’quv-uslubiy majmua – Toshkent. 2016
6. Jo’rayev P.X., Raximov B.X., Xomatov SH.F. Yangi pedagogik texnologiyalar. Muammoli ta’limg aasoslangan o’quv-metodik qo’’lanma. –T.: Fan, 2005, 66 b.
7. Adizov B. Boshlang‘ich ta’limni ijodiy tashkil etishning nazariy asoslari: Ped. fan. dok. ... dis. –Toshkent, 2003. – 276 b.
8. Aliyev A. O’quvchilarning ijodkorlik qobiliyati. –Toshkent: O’qituvchi,1991.40bet.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00766

# ЁШЛАРДА МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

**Гулчеҳра Ғаффарова**
Чирчиқ давлат педагогика институти профессор в.б.
gafforovagulchehra3@gmail.com

**Мастура Юлдашева**
Чирчиқ давлат педагогика институти магистранти

## АННОТАЦИЯ

Бугун биз тез суръатлар билан ўзгариб бораётган, инсоният ҳозирга қадар бошидан кечирган даврлардан тубдан фарқ қиладиган ўта шиддатли ва мураккаб бир замонда яшамоқдамиз. Ушбу мақолада мафкуравий иммунитет тушунчасининг моҳияти ҳамда ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш омиллари ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** мафкура, иммунитет, мафкуравий иммунитет, ёшлар, маънавият, таълим, оила, қадрият, миллий қадрият.

## FACTORS OF FORMATION OF IDEOLOGICAL IMMUNITY IN YOUTH

## ABSTRACT

Today we live in a very intense and complex time that is changing rapidly, radically different from the times that humanity has ever experienced. This article describes the essence of the concept of ideological immunity and the factors of formation of ideological immunity in young people.

**Keywords:** ideology, immunity, ideological immunity, youth, spirituality, education, family, value, national value.

## КИРИШ

Маълумки, мамлакатимизда миллий-маънавий тикланиш, ёшларимиз онги ҳамда дунёқарашини миллий қадриятлар асосида бойитиб бориш, миллий маънавиятимизни турли таҳдидлардан асраш, ёшларни дунёқараши кенг, креатив фикрлайдиган, ташаббускор, ҳалол ва жонкуяр ҳамда муаммоли вазиятларда тўғри қарор қабул қиладиган қилиб тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, ёшларнинг пухта билим олиши, касб-

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00766

ҳунар эгаллаши, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида камол топиши йўлида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Дарҳақиқат, бугунги глобаллашув ва тез суръатлар билан ўзгариб бораётган мураккаб ва шиддатли даврда мамлакатимиз ёшлари маънавиятини юксалтириш ҳамда турли таҳдидлардан асраш, уларнинг халқаро майдонда содир бўлаётган жараёнларнинг туб моҳиятини англаб етиши, ушбу воқеликлар юзасидан холис ва мустақил фикрга эга бўлиши, ёшларга эътиборни кучайтириш, уларни маданият, санъат жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларга ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини сингдириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш каби масалалар долзарб аҳамият касб этмоқда. Жумладан, 2019 йил 27 декабрда Ўзбекистон Президент Шавкат Мирзиёев Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги мактабда ёшлар билан ўтказилган учрашувда янги институт - «Ватан ифтихорлари» институтини ташкил этиш ҳамда 2019 йил 19 март куни Президентнинг 5 та муҳим ташаббуснинг қабул қилиниши.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ёшлар маънавияти масаласи нафақат бугунги кунда балки олдинги даврларда ҳам муҳим ва аҳамиятли муаммолар тарзида эътибор берилган. Айниқса, ёшлар маънавиятини шакллантириш муаммоси турли даражадаги жамият ва фалсафа, психология, социология каби фанларнинг ихтисослашуви билан боғлиқ бўлган гуманитар билимларнинг бирлашмасидан иборат.

Ёшлар маънавиятини шакллантириш, миллий маънавиятга таҳдидлар, глобаллашувнинг миллий маънавиятга таъсири, миллатлараро муносабатлар ва уларнинг ривожланиш жараёнлари, миллий-маънавий мерос тикланишини мустаҳкамлаш, миллий маънавиятга таҳдидлар ва уларни бартараф этиш омиллари, маънавий қадриятлар ва маънавий янгиланишнинг хусусиятлари мустақилликнинг дастлабки йилларида Т.Маҳмудов, Ж.Туленов, С.Шермуҳамедов, А.Жалалов, Э.Юсупов каби атоқли олимлар томонидан ўрганилган бўлса, ҳозирги маънавий янгиланишнинг турли жиҳатлари Б.Алиев, С.Отамуродов, С.Бердиқулов, Д.Норқулов, А.Умаров, Ш.Мадаева, С.Мамашокиров, Ж.С.Раматов, М.Қаххарова, Г.Туленова, С.Рахимов ва бошқалар томонидан тадқиқ этилмоқда.

Мақолани тайёрлашда тарихийлик, танқидийлик, тизимли методлардан фойдаланилди.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00766

## НАТИЖАЛАР

Ўзбекистон биринчи Президенти И.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида маънавият, ёшлар тарбияси, миллий ўзликни англаш, миллий маънавият масалаларига эътибор берилган бўлса, ҳозирги президентимиз Ш.Мирзиёевнинг “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” асарида ёшларни маънавий етук инсон этиб тарбиялаш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши, ёшлар билими, савиясини ошириш учун илм-маърифат, юксак маънавият кераклиги илгари сурилган [3].

Республикамиздаёшларнинг интеллектуал маданиятини ривожлантириш, ёшларни турли хил таҳдидлардан ҳимоя қилиш ва уларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш учун ташкилиш-ҳуқуқий ва ижтимоий-маънавий шарт-шароитлар яратилмоқда. Хусусан, “Ёшлар - келажагимиз” жамғармаси, “Ёшлар клуби”, “Ёш тадбиркорлар”, “Темурбеклар мактаби”, “Президент мактаблари”, “Ижод мактаблари”, “Ёшлар кутубхонаси” кабиларнинг ташкил этилиши ҳам ёшларнинг илм-фанга бўлган интилишларини рўёбга чиқариш орқали уларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришга йўналтирилмоқда.

-педагог-тадқиқотчи тайёрлаш тадқиқот ва тажриба-синов фаолиятини амалга оширишнинг юксак даражали компетентликни таъминлашга қаратилиши лозим;

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00780

-тадқиқотчи тайёрлашнинг асоси сифатида тадқиқот фаолияти сифати ва самарадорлигини юзага келтирувчи меъёрлар (аксиологик, гносеологик, таълимий, бошқарув)ни ўзида мужассамлаштирган педагог омилининг илмий-тадқиқот маданияти шаклланиши лозим;

-илмий тадқиқот фаолиятининг муваффақияти ва самараси педагог олимнинг илмий тадқиқотларининг бош мавзуси (муаммо асоси)га биноан таълимдаги долзарб психологик-педагогик муаммолар ечимига йўналтирилиши лозим;

-илмий тадқиқот фаолиятини ташкил этишнинг кластер ёндашуви илмий педагогик муаммоларни ҳал этиш ва педагогик кадрлар тайёрлашни ташкил этишнинг олий таълим муассасаларараро ва фанлараро ҳамкорликнинг ўта мақбул шакли сифатида амалга оширилиши лози.

Юқори малакали илмий ходимлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини яратишда қуйидаги мантиқий изчиллик самарали хисобланади: мактаб – касб-хунар коллежи – институт – магистратура – докторантура.

Ўрта умумтаълим муассасалари билан биргаликда танлов, анжуман ва олимпиадалар ўтказиш, касбга йўналтириш ишларини амалга ошириш орқали ўзаро ҳамкорлик ҳаракатларини фаоллаштириш зарур. Бу нафақат тадқиқот йўналишини кенгайтиради, балки илмий-тадқиқот фаолиятига лаёқатли иқтидорли педагог ходимларни, бўлажак магистр ва докторантларни топиш ва қўллаб-қувватлаш тизимини шакллантиришда ёрдам беради.

Юқори малакали илмий ходимлар тайёрлашнинг тармоқ дастури доирасида ўзида қуйидагиларни ифодалаган қўшимча дастурларни ҳисобга олиш керак:

-тайёргарликни режалаштириш;

-докторантларнинг илмий-тадқиқот ва ўқув фаолиятини таъминлаш;

-институтнинг илмий ходимлар тайёрлаш соҳасидаги илмий-методик фаолияти;

-докторантлар фаолиятининг доимий назорати ва аттестацияси;

-докторантлар илмий-тадқиқот ишини рағбатлантириш тизими;

-юқори малакали илмий ходимлар тайёрлаш соҳасида халкаро ҳамкорлик.

Юқори малакали илмий ходимлар тайёрлаш сифатини оширишнинг устувор йўналишларига қуйидагилар киради:

-турли фан соҳалари вакилларининг самарали ҳамкорлигига имкон берадиган фанлараро узвийлик;

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00780

-тадқиқот доирасига мос ва уни амалга оширишдаги узвийликни таъминлашни ташкил этиш (ўқувчилар-талабалар ва магистрлар-аспирантлар-докторантлар);

-ахборот-компьютер таъминоти даражасини кўтариш;

-кафедралар базасида талабаларни илмий-тадқиқот ишларига жалб қилиш мақсадида илмий лабораториялар яратиш.

***4. Узлуксиз педагогик таълимни ривожлантиришда инновацион кластер моделига ўтиш.***

Педагогик таълимнинг жамият барқарор ривожланишидаги юқори ижтимоий-маданий аҳамиятга эга эканлигидан келиб чиққан ҳолда замонавий талаблар, таълим тизимидаги муаммолар ва уларни ҳал қилишда таълим муассасалари ҳамда илмий-методик таъминот тизимидаги тарқоқлик педагогик таълимни кластер асосида ривожлантириш моделига ўтказиш заруратини тақозо этади.

Педагогик таълим ривожлантиришни инновацион кластер модели, кластерларни касбий тайёргарлик, педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда ягона бир тизим сифатида фойдаланишни назарда тутади.

Педагогик таълим инновацион кластери - бу олий таълим муассасалари, педагогик йўналишдаги ёндош муассасалар, педагогик касб-ҳунар коллежлар, таълим муассасаларидаги экспериментал ва инновацион майдончалар, инновацион илмий-тадқиқот ва узлуксиз педагогик амалиёт базалари, қўшимча таълим муассасалари, илмий ва илмий-методик тузилмаларнинг бир бутунлиги бўлиб, уларнинг биргаликдаги ўзаро тақсимланган фаолиятини, педагогик-психологик фан ва самарали таълим амалиёти потенциалини педагогик таълим тизимини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш мақсадида интеграциялаш имконини беради.

Бинобарин, кластернинг асосий мақсади ўз таркибига кирувчи ўқув, илмий-инновацион потенциални нафақат юқори фуқаролик, маданият ва касбий лаёқатлилик даражаси билан, балки рақобатбардошлиги, янгиликларни қабул қила олиш қобилияти, янги таълим дастур ва технологияларини лойиҳалаш ва амалга ошира олиш қобилиятига эга замонавий педагогларни тайёрлаш учун бирлаштиришдир.

Педагогик таълим инновацион кластери фаолиятининг асосий мақсади ўз таркибига кирувчи тузилмалар ўқув, илмий ва инновацион потенциалини қуйидаги мақсадлар учун интеграциялашдир:

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00780

педагогик мутахассисликлар тайёрлашда малакали педагогларни самарали ворислигини таъминлаш ва энг яхши ўқувчиларни педагог касбига тарғиб қилиш;

педагогларнинг касбий тайёргарлигини амалиётга таянган ҳолда ва манфаатдор субъектлар билан тезкор алоқани таъминлаган ҳолда олиб бориш;

бўлажак таълим мутахассисларини инновацион тажрибага эга бўлган амалиётлар базасида тайёрлаш муҳитини яратиш;

ёш мутахассисларнинг касбий кўникмаларни эгаллаш даврини қисқартириш.

Педагогик таълим инновацион кластери иштирокчилари сифатида қуйидагилар қатнашиши мумкин:

-талабалар, магистрлар ва докторантлар педагогик амалиёт ўтайдиган, таълим, илмий тадқиқот, инновацион ва лойиҳалаштириш фаолиятини олиб борадиган ўқув ва тажриба экспериментал база вазифасини ўтайдиган мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, олий таълим муассасалари;

-таълимнинг турли даражаларидаги янгиланишларга мувофиқ равишда қўшимча таълими тизими муассасалари, болалар ва ўсмирларнинг мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус касб-ҳунар таълими педагогик кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муассасалари;

-илмий тадқиқот фаолияти билан шуғулланаётган ва уни белгилайдиган илмий ва илмий-методик тузилмалар, марказлар, таълимнинг барча босқичлари учун мослаштирилган янги кўринишдаги таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва ўқув-методик таъминот билан инновациялар алмашинувини йўлга қўйган ташкилотлар;

-педагогик ҳамжамиятнинг маънавий ва интеллектуал майдонини яратувчи ташаббускор жамоалар, бирлашма ва ташкилотлар.

Кластер тегишли субъектлар келишуви ва шартномаси асосида тузилади. Бунда кластер лойиҳалари ва ташаббусларининг амалга оширилиши бўйича кластер ва унинг иштирокчилари фаолиятини йўналтиришни ишлаб чиқиш мақсадида кластер субъектлари ходимлари таркибидан Мувофиқлаштирувчи Кенгаш шакллантирилади. Мувофиқлаштирувчи Кенгаш Тошкент вилояти ҳокими томонидан тасдиқланади.

Кластер ижтимоий ҳамкорлик асосида вилоятнинг педагог кадрларга бўлган эҳтиёжни шакллантиришдаги иштирокчи бўлган таълим бошқармалари билан ҳамкорликни амалга оширади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00780

Педагогик таълим инновацион кластери бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгаш унинг фаолиятини методологик, илмий-тадқиқот ва инновацион нуқтаи назарда амалга оширган ҳолда тартибга солади. Унинг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

1. Педагогик таълимни ривожлантиришга қаратилган стратегик йўналишлар ва методологик ёндашувларни ишлаб чиқаради;

2. Таълим соҳасидаги, жумладан педагог таълим соҳасидаги мавжуд муаммолар ва психологик-педагогик тадқиқотларнинг етакчи мавзуларини белгилайди;

3. Педагогик таълим соҳасидаги илмий-тадқиқот фаолиятини бошқаради;

4. Педагогика фанлари бўйича тадқиқотларни амалга ошираётган магистр, докторант ва мустақил тадқиқотчилар учун вилоят миқиёсидаги методологик семинарларни доимий ўтказиб боради;

5. Мавжуд илмий мактаблар ва педагогик таълим соҳасидаги, ўқув соҳасидаги инновацион тажрибалар тўғрисида маълумотлар базасини яратади.

Педагогик таълим инновацион кластери касбий тайёргарлик, педагоглар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашнинг бутунлай янгиланган илмий, таълим муҳитини яратади ва унда:

интеллектуал имкониятлар узлуксиз педагогик таълимни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари доирасида мужассамлаштирилади;

ўқув қобилиятларини ривожлантириш ва илмий педагогик тажрибанинг самарали тадбиқи учун таълим муассасаларини узвий ҳамкорлигига эришилади;

маҳаллий меҳнат бозорлари учун зарур бўлган педагогик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш соҳасидаги ижмитоий шериклик амалга оширилади;

юксак малакали педагогик кадрларни саралаш ва тайёрлаш бўйича самарали изчиллик таъминланади;

педагогик кадрлар касбий тайёргарлигининг амалий йўналтирилганлиги кучайтирилади;

бўлажак педагог илғор касбий педагогик тараққиётининг таълим муҳитига қўшилади;

ёш мутахассисларнинг касбий мосланувчанлиги даври қисқартирилади.

***5. Ахборотлашган жамият шароитида узлуксиз педагогик таълимни ресурслар билан таъминлашни такомиллаштириш ва педагог касбининг мавқеини ошириш.***

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00780

Узлуксиз педагогик таълимни ривожлантиришнинг муҳим шарти - таълим мутахассисларини сифатли тайёрлаш учун барча турдаги ресурсларни такомиллаштиришдир.

Меъёрий-ҳуқуқий таъминотни такомиллаштиришнинг етакчи йўналишлари қуйидагилардан иборат: узлуксиз педагогик таълимни ривожлантириш, масофавий таълим ва тьюторлик фаолияти учун кластерли моделни амалга ошириш учун меъёрий базани яратиш ва педагогик таълим субъектларига консалтинг хизматларини кўрсатиш.

Илмий ва услубий таъминотни такомиллаштириш педагогик таълим, таълим стандартлари талабларини бажариш ва амалга ошириш, педагогик таълим бўғинлари ва даражаларининг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш, битирувчиларни ўқитувчилар касбий стандартлари асосида ўқитишга бўлган талабларни мувофиқлаштириш билан боғлиқ.

Узлуксиз педагогик таълимнинг *ахборот таъминотини* ривожлантириш стратегияси инновацион таълим технологияларининг асослари ҳисобланган телекоммуникация (тармоқ, Интернет) тизимлари бўлган юқори авлод интернет тармоқларига (маърузаларни мултимедиали қўллаб-қувватлаш, масофавий ўқитиш технологиялари асосида) босқичма-босқич ўтиш зарурлигини назарда тутади. Масофавий таълим потенциалидан янада самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Педагогик таълимнинг кадрлар таъминотини такомиллаштириш қуйидагилар билан боғлиқ:

1) жамиятнинг замонавий талабларини ва таълим тизимини ҳисобга олган ҳолда мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини оптималлаштириш билан, педагогик таълимнинг барча босқичларида ва даражаларида профессионал малака ошириш муддатини қисқартириш ва инновацион режимда ишлашга тайёргарликни таъминлаш учун илғор шахсий профессионал ривожланиш муҳитини яратиш керак;

2) Олий ўқув юртлари учун юқори малакали илмий ходимларни (PhD, DSc) ўз вақтида ва юқори сифатли тайёрлаш билан бирга илмий ва маърифий фаолият соҳасида иқтидорли ёшларни танлаш ва қўллаб-қувватлаш тизимини яратиш, магистратура ва докторантурада илмий ва педагогик ходимларни тайёрлашнинг мазмуни, шаклларини ва услубларини узлуксизлигини таъминлаш хамда самарали докторлик дастурларини тузиш.

Узлуксиз педагогик таълим тизимини моддий-техника таъминотини ривожлантиришнинг асосий йўналиши – мактабгача, махсус, умумий ўрта, ўрта

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00780

махсус, олий ва қўшимча педагогик таълим муассасаларининг ўқув-лаборатория базаларини, уларнинг ижтимоий-маданий инфратузилмасини ривожлантириш ҳисобланади.

Молиявий таъминотни такомиллаштиришда қуйидагилар кўзда тутилади:

педагогик таълимни ривожлантириш лойиҳаларини молиялаштиришда бизнес ҳамкорликка жалб қилиш механизмларини ишлаб чиқиш;

қўшимча таълим консултацион маслаҳат, спорт, кўнгилочар ва бошқа таълимнинг пуллик хизматларни ташкил этишни тақозо этувчи бозор муносабатларига асосланган бюджетдан ташқари маблағларни жалб этишга қаратилган кўп тармоқли механизмларни ривожлантириш;

педагогик кадрларни тайёрлаш учун халқаро ташкилотлар, грантлар, банклар, инвестиция фондларини жалб этиш.

## ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Узлуксиз педагогик таълимни ривожлантириш тизимининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги сифатида қуйидаги кўрсаткичларни келтириш мумкин:

-мутахассисларнинг касбий компетентлигига минтақанинг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда қўйилган талаблардан келиб чиқиб узлуксиз педагогик таълимнинг мақсад ва мазмунини янгиланганлиги;

-таълим жараёни шакллари, методлари, технологияларини муаммоли-тадқиқотчилик, фаол, жамоавий таълим стратегиялари асосида модернизацияланганлиги;

-замонавий психологик-педагогик фан ва таълим амалиёти муаммоларини, узлуксизлик ва ворисийлик тамойилларини ҳисобга олган ҳолда олий тоифали илмий ходимлар тайёрлашни такомиллаштирилганлиги;

-узлуксиз педагогик таълимнинг ривожлантиришда инновацион кластер моделига ўтиши;

-ахборот жамияти шароитида узлуксиз педагогик таълим миллий тизими ресурс таъминотини такомиллаштириш ва педагогик касб нуфузини ошириш;

-замонавий педагогнинг ижобий образини шакллантириш.

Албатта ҳар бир ишнинг якуний маҳсули бўлгани каби узлуксиз педагогик таълимни ривожлантириш тизимидан кутилётган асосий натижалар қуйидагилардан иборат:

- педагогик таълимнинг мақбул инфратузилмаси яратилади;

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00780

- педагог касбий маҳоратининг янги сифат даражасини таъминлайдиган педагогнинг касбий стандарти ва янги авлод таълим стандартлари ишлаб чиқилади;

- ўқитувчининг илғор касбий ривожланишида ахборот ва таълим муҳитини таъминловчи инновцион таълим технологиялари тизими йўлга қўйилади;

-таълим субъектлари ва жамоатчиликни қониқтирадиган таълим мутахассисларининг компетентлик даражаси аниқлаб олинади;

- узлуксиз педагогик таълим тизимини юқори халқаро рейтингига эришилади;

- узлуксиз педагогик таълим юқори малакали кадрлар билан таъминланади;

- ўқитувчи касбининг юксак ижтимоий мавқеига ҳамда тайёрларгикка эга талабалар сонининг ортишига эришилади;

- хорижий шериклар билан ўзаро манфаатли ўқув - илмий алоқаларни кенгайтириш имкония ратилади;

-ёш педагогларнинг касбий мослашув даврини қисқаришга эришилади;

- педагог малакасини оширишнинг янада ривожланган тизими ишлаб чиқилади;

- қўшимча таълимнинг халқаро даражадаги интенсивлигига эришилади;

- тижоратга йўналтирилган рақобатбардош илмий ва таълим маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

## REFERENCES

1. Eshchanov B.Kh., Arzikulov Z.K., Using Information Technology in the Teaching of Atomic Physics and maths in Higher Educational Institutions International Journal Of Scientific & Technology Research Volume 9, Issue 02, February 2020. – pp. 6319- 6323. http://www.ijstr.org/final-print/feb2020/Using-Information-Technology-In-The-Teaching-Of-Atomic-Physics and maths-In-Higher-Educational-Institutions.pdf

2. Eshchanov B.Kh., Gaipov Dj.N., Egamberganov I.Sh. Using Distance Learning in Collaboration with Social Networks in Teaching Photonics and Optoinformatics. International Journal Of Scientific & Technology Research Volume 9, Issue 02, February 2020. – pp. 3811- 3815. http://www.ijstr.org/final-print/feb2020/Using-Distance-Learning-In-Collaboration-With-Social-Networks-In-Teaching-Photonics-And-Optoinformatics.pdf

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00780

3. Eshchanov B.Kh., Matyakubov K.K. Using of Information and Communication Technologies in the Teaching of the School Course in General Physics and maths. International Journal of Scientific & Technology Research. Volume 9, Issue 02, February 2020. – pp.4119-4124. http://www.ijstr.org/final-print/feb2020/Using-Of-Information-And-Communication-Technologies-In-The-Teaching-Of-The-School-Course-In-General-Physics and maths.pdf.
4. Makhmudova D.M. Electronic educational resources as a new component of a traditional educational process // Academia Open Vol 1 No 1 (2019): June Education https://press.umsida.ac.id/index.php/acopen/article/view/12/15
5. Махмудова Д.М. Муаммоли математик масалалар ёрдамида талабаларда креатив фаолиятни ривожлантириш методикаси. Монография. –Т.: Университет, 2020. – 134 б.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00781

# СЎЗ ЯСАЛИШ ТАРИХИГА ДОИР МУНОСАБАТ

**Галиевич Фазлиддин Шарипов**
Гулистон давлат университети доценти
fazliddindpr@mail.ru

**Моҳичеҳра Бектемир қизи Аликулова**
Гулистон давлат университети магистранти

## АННОТАЦИЯ

Тилшуносликда сўз шаклланиши муаммоларига алоҳида эътибор Маҳмуд Кошгарий давридан бери бериб келинмокда. Умуман олганда жаҳон тилшунослигида сўз ясалишининг шаклланиш ёлларини аниқлаш, таснифлаш ва тавсифлаш каби масалалар бўйича ишлар олиб борилган. Бундан ташқари, туркий тиллар лингвистикасида туркий тилларда сўз ясалиши муаммоларига алоҳида эътибор қаратилган. Бундан ташқари, ўзбек тилшунослигида сўз ясалишининг моҳиятини очиб беришга қаратилган бир қатор тадқиқот ишлари мавжуд. Шу нуқтаи назардан таниқли ўзбек тилшуноси А.Ғуломовнинг сўз ясашга бағишланган асарлари ушбу муаммони ҳал қилишда асос бўлиб хизмат қилади ва А.Ғуломов ўз ишида А.Ҳожиев асарларининг ўзбек тилида сўз ясалиш ёлларини синчковлик билан ўрганишда қўшган ҳиссасига мурожаат қилади. тил.

**Калит сўзлар:** сўз ясалиши, аффиксатсия, композитсия, синтактик инверсия, лексик, фонетик сўз ясалиши, қисқартириш, қайта ёъналтириш, префикс.

# VIEWS ON THE WAYS OF WORD FORMATION

## ABSTRACT

Special attention to the problems of word formation in linguistics has been paid since the times of Mahmud Koshgariy. In general in world linguistics works have been conducted on such problems of word formation as identifying, classifying and describing the ways of formation. In addition, in linguistics of Turkic languages special attention is paid to problems of word formation in Turkic languages. Moreover, there are number of research studies focused on revealing the essence of word formation in Uzbek linguistics. In this regards, well-known Uzbek linguist

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00781

A.Gulamov's works on word-formation serves as a baseline study in this problem and A.Gulamov in his work refers to the contribution of A.Hojiev's works in scrutinizing the ways of word formation in Uzbek language.

**Keywords:** word formation, affixation, composition, syntactic inversion, lexical, phonetic word formation, abbreviation, rederivation, prefix.

## КИРИШ

Тилшуносликда сўз ясаш, тўғрироғи, ясалиш усулларини белгилаш борасидаги фикрлар, қарашлар жуда турли-туман. Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш керакки, минг йиллик тарихи давомида сўз ясалишга эътибор қаратилган илк ишлардан бошлаб, то XX асрнинг охирларига қадар ва яратилган илмий тадқиқотларда ҳам сўзлар иккита фаол усулида ясалиши маълумдир. Бу деярли барча тилшунослар томонидан якдиллик билан қабул қилинган. Лекин бошқа ҳолатлар қайд этилган ўринларда ҳам дастлаб ана шу икки: аффиксация ва композиция-синтактик усулда сўз ясалиши берилган.

Умуман олганда сўз ясалиши ҳар бир даврда турлича талқин этилган. Академик А.Ҳожиевнинг "Ўзбек тили сўз ясалиш тизими" ўқув қўлланмасида ўзбек тилшунослигидан барча сўз ясаш ҳолатларининг таҳлилини берибган бўлса, Р.Сайфуллаева ва бошқаларнинг 2009 ҳамда 2010 йилларда нашр этилган "Ҳозирги ўзбек адабий тили" дарсиликларида сўз ясалиш билан боғлиқ ва фарқли жиҳатларига батафсил тўхталган. Лекин мақоламизда А.Ғуломов ва унинг сафдошларининг сўз ясалиши билан боғлиқ қарашларини келтириш билан кифояланамиз.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўзбек илмий тилшунослигида сўз ясалиши билан боғлиқ илмий асарлар, жумладан, жаҳон, рус ва ўзбек тилшунослигининг грамматикасига оид илмий қарашлар олинди. Бундан ташқари мақолада тилшунос олим А.Ғуломовнинг илмий тадқиқотларидан, яъни сўз ясалиши билан боғлиқ мунозарали масалаларга ойдинлик киритганлиги тўғрисидаги маълумотлар ўрин эгаллаган. Тадқиқот мавзусини ёритишда таснифлаш, тавсифлаш, тарихий-қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

XX асрнинг 40-йилларида А.Ғуломовнинг «Ўзбек тилида сўз ясаш йўллари ҳақида» 50 саҳифали мақоласи нашр этилади [5.Б 37-87]. Олим ушбу

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00781

ишида «Сўз ясаш термини, дунё тилларида сўз ясаш усулларининг бир қанча хил бўлишига қарамай, бизнинг онгимизда, одатда, аффикс орқали янги сўзнинг муомалага кириши тушунилади, чунки ҳозирги тилларда энг кўп қўлланадиган, жуда сингиб кетган усулдир. Бироқ мақоланинг 32-бетида бундан бошқа (аффикссиз) сўз ясаш усуллари ҳам бордир»,- дейди. Олим агар аффикссиз бошқа усуллар ҳам бордир, деганда, ёрдамчи сўз сифатида сўз ясашда иштирок этган воситаларни (кам, хуш, қил, бўл, эт...) назарда тутган ҳолда ушбу фикрни айтган бўлса ҳам, барибир, ҳақлидир. А.Ғуломов ушбу мақоласида [11. Б.22] ўз қарашларини қисман ўзгартириб, ҳолатларни умумлаштириб, янгича ёндашиб, сўз ясаш усулларини учтага бирлаштириб, грамматик сўз ясаш, лексик-семантик сўз ясаш ва фонетик сўз ясаш тарзида ажратади. Албатта, олим шу ўринда берилган жумлада "...ўзбек тилида сўз ясаш воситалари ҳар хил бўлиб, уларнинг типлари шундай кўринишларга эга: морфологик тип, лексик-семантик тип, морфологик-синтактик тип, фонетик тип" тарзидаги фикрни айтади. Кўринадики, А.Ғуломов ушбу фикрида, ҳақиқатдан ҳам, айрим олимлар тўғри таъкидлаганларидек, гуё "сўз ясаш типи" ва "сўз ясалиш йўли" тушунчаларини қориштириб юборган, уларни эквиваленти сифатида қўллаган. Ҳатто, тип маъносида «модел» сўзини ҳам қўлланганлиги қайд этилади. А.Ғуломов, умуман олганда, сўз ясаш типининг моҳиятини тўғри тушунган, яъни олим ясама сўзларни ўзаро бирлаштирувчи маъно, бир томондан, бир типга оид ясама сўзларнинг ҳаммасини уларнинг сўз ясалиши асосларидан фарқлашини ҳам, иккинчи томондан, сўз ясалишининг шу типини бошқа сўз ясалиши типларидан фарқлашини, учини томондан, бир типга оид ҳар бир ясама сўзнинг маъноси гуруҳловчи маънога тенг бўлмаслигини ҳам билган. Шу билан бирга, сўз ясалиш типининг умумийлик билан характерланишини ҳам, бунинг эса системага хос, системани белгиловчилардан ҳисобланишини ҳам билган. Бироқ шу ҳолатларни фарқлаган олим, ҳақиқатан ҳам, А.Ҳожиев кўрсатганидек, *сўз ясалиш типи* ва *сўз ясаш йўллари, сўз ясаш усуллари терминларини* эквивалент сифатида қўллагани ҳам фактдир. Олим сўз ясалиш типи ва моделларини фарқлаб, иккинчиси биринчисининг таркибида бўлишини тўғри кўрсатган.

А.Ғуломов XX аср ўрталарида сўз ясаш усуллари терминини қўллаб, бундай усулларни: морфологик, синтактик, лексик, семантик, фонетик усуллар тарзида белгилаган бўлса[4. Б.7], 70-йилларга келиб учта қолипга келтиради[15. Б.22].

Барча тилшунослар каби рус олимлари сўз ясалиш усули тушунчаси

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00781

моҳиятини тўғри англаган ҳолда умумлаштириб, иккита тарзида бир қадар умумлаштирган ҳолда эса тўртта тарзида белгилаганлар. Рус тилининг ўзига хос сўз ясалиши тизими нуқтаи назаридан бунинг қанчалик тўғри ва асосли эканлиги асосланади. 1980 йилда, Н.Ю.Шведова бош муҳаррирлигида яратилган «Русская грамматика» (1-китоб) фундаментал ишида умумлаштирилган тарзда, асосан, иккита сўз ясаш усули, 1970 йилда нашр этилган «Грамматика современного русского литературного языка»[17. Б.37-301] китобидаги сўз ясалишга оид қисмида ҳам шундай ифодаланган. Фақат кейинги китобда сон, олмош ҳамда экспрессивлик ифодаловчи юкламалар, тақлид ва ундовлар, ўзгарувчан сўзларнинг ажратилган шаклларига хос сўз ясалиш структураси, шунингдек, сўз ясалишида морфонологик ҳодисалар қўшимча тарзида берилган бўлиб, рус тилида сўз ясашнинг асосан икки усули қайд этилганлигига гувоҳ бўламиз. Н.М.Шанскийнинг «Очерки по русскому словообразованию»[16] монографиясида сўз ясалишнинг аббревиация ва редеривация усулларини ҳам бирлаштирган ҳолда тўртта: лексик-семантик; морфолого-синтактик; лексик-синтактик ва морфологик усуллар алоҳида бобда берилган[16. Б.253]. Сўз ясаш усулларини шу тарзида белгилаш Галкина-Федарук ва бошқалар томонидан тузилган «Современный русский язык» китобида ҳам қайд этилган.

Бошқа туркий тиллардаги адабиётларда, жумладан, қозоқ тилига оид «Современный Казахский язык» китобида сўз ясалиши ҳар бир туркум доирасида берилиб, от, сифат, феъл ва равишларнинг ясалишида асосан аффиксация усули ҳамда сўз қўшиш усул борлиги қайд этилади. Бу китобнинг ўзида: «Аглютинатив тилларда сўз ясалишининг аффиксация усули ягона усул эмас. Қозоқ тилида янги сўзлар турли хил усуллар билан, жумладан, лексик-грамматик усул (сўз қўшиш, иккилантириш, такрорлаш кабилар) билан ҳам ясалиши мумкинлиги қатъий таъкидланган бўлиб, ўзак, негиз, ўзак морфема тушунчалари ва уларнинг моҳияти, шунингдек, аффиксларнинг, асосан ўзакдан кейин қўшилиши қайд этилади.

1975 йилда нашр этилган «Хакас тили грамматикаси»да [3. Б.52] сўз ясашининг морфологик, синтактик, лексик (лексик-синтактик) усуллари қайд этилган. Морфологик усулнинг энг унумли усул эканлиги, лексик усул изоҳланар экан, бунда, сўз маъносида туб ўзгариш ҳосил бўлиб, сўзнинг иккита сўзга ажралиб кетиши назарда тутилган. Худди шу тарзда Озарбайжон, Қорақалпоқ ва бошқа туркий тиллардаги сўз ясашининг аффиксация ва композиция усуллари қайд этилиб, лексик ёки лексик-

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00781

семантик каби бошқа усуллар ҳам мавжудлиги кўрсатиб ўтилади. Шуниси характерлики, қайд этилган адабиётларга эътибор қаратилса, кўрсатилган усуллар қаторида фақат фонетик усулда сўз ясалиши асосан А.Ғуломовнинг шу масалага бағишланган ишларидагина кузатилади. Рус тилига оид адабиётларда ҳам, туркий тилларга оид адабиётларда ҳам бошқа олимлар томонидан бу усул қайд этилмайди. Демак, А.Ғуломов ўзбек тилида тарихан, сўз ясалишининг шундай усули мавжуд бўлганлигига эътибор қаратади ва ўзбек тилининг ўзига хос фонетик материаллари асосида, ясалишнинг қонуниятларини тўғри белгилагани ҳолда, бу усулда кўплаб сўзлар ясалганлигини (тил тарихида) асослаб берган, дейиш мумкин. Албатта, бу усулда сўз ясалиши (олим кўзда тутган тарзда) ҳозирги кунда кузатилмайди ҳамда ўз фаоллигини йўқотган. А.Ғуломов фонетик усулда сўз ясалишининг биринчи кўриниши бўлган ички ўзгаришлар асосида сўз ясалишига кўп маротаба мурожаат қилади ва бунинг қонуниятларини ҳам белгилаб беради[8]. Бу эса олимнинг ҳақ эканлигига кишини ишонтиради. Кейинги этимологик кузатишлар ҳам кўз-кўр, кун-тун, дада-ада-ота; оға-тоға, қўл-қил, кел-кет, олд-орт, ост-уст, ака-ука, ота-она, тош-теш, қатиқ-қаттиқ, тўғри-ўғри, сол-ол, бўз-тўз, сўз-сиз, бос-ос, хирр-ир, югур-йур, сугур-сур, арт-арч, ёй-ёз каби яна бошқа жуфтликларнинг шу усулда ясалганлигини кўрсатади (*дам-дим* каби қўлланишлар ҳам мавжуд). Бу масала ҳали жиддий тадқиқотларни талаб этади, албатта. Лекин, А.Ғуломовнинг бу усулга алоҳида эътибор қаратганлигини ва бу ҳолат ўзбек тилининг этимологик луғатларини тузишда назарий асослардан бири бўлганлигини ҳамда келгусидаги яна кўп тадқиқотларга манба бўлиш мумкинлигини таъкидлаймиз. Ўзбек тилшунослигида «соддалашиш» ҳодисасига бағишланган кейинги бир ишда ҳам юқоридаги каби жуфтликларда фонетик воситалар янги сўзларнинг ясалишида муҳим аҳамият касб этганлиги қайд этиб ўтилади[10].

Гап шундаки, А.Ғуломовнинг морфонология ва сўз ясалишига доир ишларида, шунингдек «Феъл» китобида, *қоп-йоп, бос, бот-бол-болта-босқон*; сўз-йўз; йор-йир-жир-жар (йара), бўз-бур-буш; тим-том-дом; кўр-гўр;кез-кес-кеч ва ҳоказо жуда кўп бир-биридан ясалган, бир-бирига товуш жуфтликлари (фоностома) жиҳатидан ҳамда маъно алоқадорлигига кўра боғланувчи бирликлар борки, улар 3-4 та эмас, яхлит системани ташкил этади. Уларнинг бир-биридан ясалганлигини белгиловчи қонуниятлари ҳам мавжуд. Жумладан, қарама-қарши, яқин тушунчаларни ифодаловчи сўзлар, от-феъл

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00781

жуфтлиги, от-феъл-сифат жуфтлиги каби алоҳида қонуниятлар асосида юзага келганлиги ишончлидир. Фонетик ўзгариш асосида фарқланиш тарзида янги сўзлар ҳосил бўлиши масаласи А.Ғуломов томонидан жиддий тадқиқ этилган бўлиб, шу усулда сўз ясалиши мавжуд бўлганлиги асослаб берилган. Бизнингча, ўзбек тилига хос, одатда, бир бўғинли, икки товуши бир хил бўлган туб сўзларни, жиддий тадқиқ этилса олимнинг фикрлари тўғри эканлиги янада равшанлашди, ўзининг аниқ исботини топади. Масалан, йоп ва қоп сўзлари «бекитмоқ» семаси билан бирлашади; *сўз-йўз* узиш «бирор нарса сатҳи орқали «ўтиш» семаси билан, бўз-бўр сўзлари «хом», «ишлов берилмаган», «оқ» семалари билан, тим-том сўзлари «усти бекилган жой» (тимнинг тагида) семаси билан, йор-йир жуфтлиги «ажратиш» семаси билан билан бирлашади. Кўринадики, бари бир, қандайдир фонетик ҳодиса содир бўлган: кун-тун жуфтлигида олдинги товуш алмаштирилган ва ҳоказо. Буларнинг барчасида ана шундай фонетик ўзгариш асосида, дейлик кейин фарқланиш рўй бериб янги бир луғавий бирлик юзага келган. Ўзбек тили материаллари тарихда шу усулда янги сўзлар ясалганлигини тўғрисида маълумот беради.

XX аср охири XXI аср бошларида ўзбек тилшунослигида сўз ясалишининг асосан битта усули мавжудлиги тўғрисида маълумотлар бор, лекин барча тилшуносликларда аксарият олимларнинг чиқишларида композиция усулида сўз ясалиши йўқлиги қайд этила бошланди[13]. Академик А.Ҳожиев ўзининг 1989 йили нашр этган «Ўзбек тили сўз ясалиши» қўлланмасида композиция усулини кўрсатиб беради. Олим аббревиация, лексик-семантик, фонетик, синтактик-лексик усулларни алоҳида усуллар тарзида қайд этмасликни баён қилган ҳамда аббревиация усулини сўз ясалиши усули сифатида қарамаслик ҳақидаги фикрлари яхши асосланган. Сўз ясаш муаммолари, жумладан, сўз ясаш усуллари борасида ўзига хос тарзда мукаммал фикрлар айтган, ўз қарашларини билдирган. Олим 80-йилларда композиция усули асосий усуллардан бири эканини тан олган эди. Бироқ тил системасига янгича ёндашувлар, янги кузатишлар асосида ўз фикрини ўзгартирди. «Ўзбек тили сўз ясалиши тизими» қўлланмасида композиция усулида сўз ясалишини алоҳида усул сифатида қарамаслик кераклигини таъкидлаб 3 пунктдан иборат хулоса беради[13. Б. 16-17]. Албатта, ҳозирги кунгача ҳам, ҳозир ҳам қўшма сўз деб аталиб келинган ва от+сифат, сон+от, феъл+от, тақлидий сўз+от, от+сифат, от+сифатдош, от+от типида ясалган бирликлар «сўз ясалиш усули билан ҳосил бўлган сўзлар

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00781

ҳисобланмайди деб таъкидлаган[14]. “Бинобарин, улар сўз ясалиши тизими объектига кирмайди, таркибида бирдан ортиқ луғавий маъноли қисмнинг борлиги «қўшма сўз»лик белгиси, композиция усули билан ясалганлик белгиси бўла олмайди” каби фикрларнинг тўғри ёки тўғри эмаслиги мунозаралидир. Буларнинг ҳар бири аввало атрофлича асосланиши керак. Жумладан, қўшма сўзлар деб аталиб келинаётган янги луғавий бирликларни тан олмаслик мумкин эмас, чунки луғат, грамматикаларда ҳам қайд этилган. Лекин уларни қўшма сўзлар деб аташ керакми ёки соддалашиш жараёни содир бўлганлиги ва бир тушунчани ифодаловчи бирликка айланганини ҳисобга олиб содда сўзлар деб аташ керакми? Соддалашиш жараёни, иккита сўзнинг оддий бирикиши қўшма сўзни - шундай луғавий бирликни юзага келтира оладими? Каби саволларга жавоб топишга ҳам ҳаракатлар қилинган.

А.Ғуломов ҳам бу борада фикр юритиб, сўз бирикмалари турли хил ўзгаришлардан кейин - шу йўсинда, бирикмалигини йўқотиб бир тушунчани ифодалайдиган луғавий бирликка - қўшма сўзга айланишини айтади ва ҳатто, тан олинган аффиксация усулида сўз ясалиши ҳам биринчи кўринишдаги сўз ясалиш усулининг янада соддалашишидан ҳосил бўлганлигини таъкидлайди: «Тарихий жиҳатдан қараганимизда, аффиксация йўли композициядан туғилган: ўзак+ўзак-ўзак+аффикс: аффикслар аслида мустақил сўзлардан келиб чиққан: ошхона, халқобод, барибир[10. Б.24-25] деган фикр бизга маълум ёки проф.Ё.Тожиев ўзининг «Ўзбек тилида қўшма сўзларнинг ясалишига доир мақоласида[6] «Қўшма сўзлар, ҳақиқатан ҳам, икки сўзнинг оддий қўшилувчидан ясалмайди, улар, одатда, сўз бирикмаларининг фонетик, грамматик ва семантик ўзгаришлари натижасида ўзаро сингишиб кетиб яхлитлашишидан, улар орасидаги синтактик муносабатнинг йўқолишидан, лексикализациялаш асосида юзага келади, бу композиция усули тарзида шартли белгиланиши мумкин. Қўшма сўзнинг ҳосил бўлиши оддий сўз қўшилиши усулида ҳосил бўлмайди», деган фикрни айтади ва буни асослаб беради. Бундан фақат усулнинг номинигина аниқлаш кераклиги ойдинлашади. Ҳамма қўшма сўзлар шу тахлит сўз бирикмаларининг уч жиҳатдан ўзгариши ва соддалашишнинг юзага келиши билан ҳосил бўлади, баъзи тарихан ўзгаришлар ҳисобга олинмаса, ясама қўшма сўзларда маъно улар таркибидаги компонетлари маъноларидан ташкил топади, ана шу компонентлар орқали унинг ясалма эканлиги мотивланади: белнинг боғи-белбоғ, томнинг орқаси - томорқа, ерда ўсадиган ёнғоқ – ерёнғоқ ва ҳоказолар. Қўшма сўз таркибида иккита ўзбек тилига оид, ҳозир ажратиб олса

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00781

бўладиган, мустақил ҳолда қўлланиб, маъно англатадиган бирликнинг мавжудлиги уларнинг ясалишини мотивлайди. Улардан бири бўлмаса, ясалмалик ўз қимматини йўқотади.

Профессор Ё.Тожиев бирикма таркибида фонетик ўзгариш, грамматик ўзгариш - қаратқичли бирикмаларда қаратқич шаклининг ёки эгалик шаклининг тушиб қолиши, ҳар иккаласининг тушиб қолиши, синтактик алоқанинг, яъни қаратқич-қарашлилик муносабатининг йўқолиши; сифатловчили бирикмаларда сифатловчи-сифатланмишликнинг йўқолиши; эга-кесим муносабатидаги бирикмаларда эга-кесимлик муносабатининг йўқолиши: қ*умбосди, туячукди, бўрибосар, отчопар, келин тушди* оҳангнинг ўзгариши; семантик ўзгариш - маънолар қоришиб, сингишиб кетиши, бир тушунчани ифодалаш ҳолига келиши каби ана шу уч ўзгариш бўлмаса, бирикма қўшма сўзга айланмаслигини кўрсатади (сув+тупроқ-улар сингишиб, қоришиб кетишидан бир тушунча ифодаловчи лой сўзи вужудга келгани каби). Демак, қўшма сўз тилда бор бўлса, унинг мавжудлиги тан олинган бўлса, у ҳақиқатан ҳам, тилда мавжуд бирликлар воситасида- шулар асосида ҳосил бўлган бўлса, луғатларда қайд этилса ва луғавий бирлик саналса, кўринадики, у - янги сўз, айнан, янги ясалган, янги ҳосил қилинган сўз - луғавий бирликдир. Албатта, у аффиксация усулидаги ясалган эмас, унинг ясалиши бошқа усулда, яъни сўз бирикмасининг юқорида айтилган уч ўзгариши асосида бирикмаликдан чиқиши, таркибидаги компонентларнинг бир-бирига сингишиши усулида ясалган. Унга аффиксация усулидаги ясалиш ҳолатини татбиқ этиб бўлмайди. Қўшма сўзнинг мотивланиши ҳам, таркибий қисмларининг хусусиятлари ҳам бошқачадир. А.Ғуломов қўшма сўзларга ана шу жиҳатларидан келиб чиқиб, ўзига хос ясалиш усули борлигини ҳисобга олиб ёндашган. Шунга кўра, буни алоҳида усул сифатида белгилаган. Туркий тилшуносликнинг минг йиллик тарихи давомида ҳам олимлар шу ва шунга ўхшаш яна кўп жиҳатларни эътиборга олиб бу усулда янги бирлик вужудга келишини қайд этишган.

## ХУЛОСА

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, олимнинг XX асрнинг 70 йилларида сўз ясалишига ҳам тарихан, ҳам замонавийлик нуқтаи назаридан ёндашган ҳолда ўзбек тилида сўз ясалишининг учта усулини кўрсатиши, «...улар ичида ҳозирги кунда аффиксация ва композиция усуллари етакчилик қилиши, фонетик усул эса ўз фаоллигини деярли

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00781

йўқотган», деган фикри ҳамон ўз кучини йўқотган эмас.

-биринчидан, ривожланган тилшуносликларнинг барчасида ҳали ҳеч ким композиция усулида сўз ясалиши мавжуд эканлигини асосли тарзда инкор этмаган (уни синтактик, лексик-синтактик, семантик-синтактик усуллар тарзида номлаганлар борлиги маълум), рад эта олган эмас;

-иккинчидан, ҳали туркий тилшуносликда, ҳатто, опке типидаги бирликларни префиксация усулида сўз ясалишга киритиб, туркий тилларда ҳам префиксация бор-префикслар мавжуддир-деб олимлар изоҳлаган[1;2;7] ва А.Ғуломов қайд этган фонетик усулда сўз ясалишини асосли тарзда бекор қила олган эмаслар. Бироқ бу усулнинг, ҳақиқатан ҳам, тил тарихида мавжуд бўлганлигини қўллаб-қувватловчи, буни атрофлича ўрганишга даъват этувчи, фактларга асосланган ҳолда, бу усулни тан олувчилар бор.

Мазкур ҳолатлар А.Ғуломов тадқиқотларининг ўзбек тили фактларига тўла асосланганлиги, чуқур таҳлиллар асосида хулосаланганлиги, тилшунослик тараққиёти учун назарий манба бўлганлигини яна бир бор тасдиқлайди.

## REFERENCES

1.Sharipov F.G. Attitude to the piural affix in Uzbek language // Buxoro davlat universiteti Ilmiy axboroti. –Бухоро. 2021. №1. –Б.50-64.
2.Азимов П. Префикасация в туркменском языке. -Ашхабад, 1947.
3.Баскаков Н.А. Каракалпакский язык. -Москва, 1952.
4.Ғуламов А. Ўзбек тилида тарихий сўз ясалиш масалалари: Фил.фан.док. дисс. Автореферат. -Тошкент, 1955.
5.Ғуломов А. Ўзбек тилида сўз ясаш йўллари ҳақида. –Тошкент, 1949.
6.Тожиев Ё. Ўзбек тилида қўшма сўзларнинг ясалишига доир // Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. –Тошкент: ЎзМУ илмий ишлари тўплами, 2009.
7.Поцелуевский А.П. Происхождение в личных и указательных местоимений. -Ашхабад, 1947.
8.Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. –Тошкент: Университет, 2000.
9.Тожиев Ё. Ўзбек тили морфемикаси, Тошкент, 1992.
10. Ўзбек тили грамматикаси. –Тошкент: Фан, 1975. №1.
11.Ўзбек тилининг илмий грамматикаси. –Тошкент: Фан, 1975.
12. Усмонова М.К. Ўзбек тилида соддалашиш: (ясама сўз ва сўзшакллар

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00781

мисолида) фил. фан. ном. Диссертацияси. -Тошкент, 2012.
13. Ҳожиев А. Ўзбек тили сўз ясалиши. –Тошкент: Ўқитувчи, 1989.
14. Ҳожиев А. Ўзбек тилида қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар. –Тошкент, 1963.
15. Ҳожиев А. Ўзбек тили сўз ясалиши тизими. –Тошкент: Ўқитувчи, 2007.
16. Шанский Н.А. Очерки по русскому словообразованию.-Москва: МГУ, 1968.
17.Шведова. Грамматика современного русского литературного языка. – Москва: Наука, 1970.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00782

# ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИДА СЎЗ ҲАҚИДА

**Шарипов Галиевич Фазлиддин**
Гулистон давлат университети доцент
fazliddindpr@mail.ru

**Олтиной Ашуралиевна Эгамова**
Гулистон давлат университети магистранти

## АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ўзбек тилшунослигининг энг долзарб масалаларидан бири - сўзларни туркумларга ажратиш бўйича ўзбек олимларининг турли қарашлари келтирилган. Шу билан бирга, биз оддийдан мураккабга ўтиш тамойили асосида илмий изланишлар олиб бораётган олимларимизнинг ишларини кузатмоқдамиз. Эвропа ва рус тилшуносларининг замонавий ўзбек морфологияси ва нутқ қисмларини такомиллаштиришга таъсири тан олинган. Аммо илм-фан тараққиёти қариндош ва яқин қариндош тилларнинг таъсири натижасида содир бўлишини бир асрдан кўпроқ вақт давомида тасдиқланган жараён деб ҳисоблаш мумкин.

**Калит сўзлар:** нутқ қисми, грамматик маъно, нутқнинг асосий қисмлари, бўйсунувчи қисмлар, нутқнинг махсус қисмлари.

# ABOUT THE WORD IN UZBEK LINGUISTICS

## ABSTRACT

This article presents various views of Uzbek scientists on one of the most pressing issues in Uzbek linguistics-the division of words into categories. At the same time, we observe the work of our scientists who conduct scientific research on the basis of the principle of transition from simple to complex. The influence of European and Russian linguists on the improvement of modern Uzbek morphology and parts of speech is recognized. But the fact that the development of science occurs as a result of the influence of related and closely related languages can be considered as a process that has been confirmed for more than one century.

**Keywords:** part of speech, grammatical meaning, main parts of speech, subordinate parts of speech, special parts of speech.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00782

## КИРИШ

XX асрнинг ўрталарида, ўзбек тилшунослигининг ривожланишига катта ҳиссса қўшадиган асар «Ўзбек тили морфологиясига кириш» рисоласи 1953 йилда профессор А.Ғуломов томонидан яратилди[1.Б. 3-26; 9]. Ўзбек тилшунослигига «Сўз ҳақидаги грамматик таълимот» мана шу рисола орқали кириб келган дейиш мумкин. Буни олимнинг қуйидаги фикрларида кўриш мумкин: «Сўз нутқнинг энг асосий бўлакларидандир, чунки инсонларнинг ўзаро алоқа-аралашувида, фикрлашувида энг муҳим вазифани гап ва сўз бажаради. Демак, сўз фикр баён қилишида энг асосий вазифани бажаради: фикрни гап ифода қилади, гап эса сўзлардан тузилади... Гап билан сўз бир-бири билан зич боғланган бўлиб, буларнинг орасида диалектик бирлик бор. Тилнинг асосий материали сўз бўлиб, у турли маъноларни ифодалашга хизмат қилади» [1.Б. 3-26]. Олимнинг морфология моҳияти ҳақидаги фикри («Морфология - сўз ҳақидаги грамматик таълимот») А.Нурмонов ва бошқалар томонидан 2001 йили назарий грамматика тарзида тузилган морфологияга оид китобда сал бошқача кўринишда берилган бўлса-да, масалан, «Морфология грек, morfos «шакл», logos «таълимот» сўзларидан олинган бўлиб, сўз шакллари ҳақидаги таълимотдир» кўринишида қайд этилган[12. Б. 29]. Кўринадики, моҳият бир хил.

Хуллас, ушбу мақолада сўз бўйича айтилган илмий қарашларнинг баъзиларига тўхталиб ўтамиз.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГЯ

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбек формал тилшунослигини асосчиларида бири А.Ғуломовнинг илмий асарлари ҳамда кейинги илмий янгиликларнинг асосчилари ва уларнинг “сўз” тўғрисидаги фикларини кузатишимиз мумкин. Тадқиқот мавзусини ёритишда таснифлаш, тавсифлаш, тарихий-қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

А.Ғуломов «Сўз нутқнинг энг асосий бўлакларидандир» деган экан, унга шу ўринда грамматик бирлик тарзида, яъни морфологик бирлик сифатида ёндашяпти. Бу фикр морфологик сўз ҳақидадир - нутқнинг қисми бўлган бирлик ҳақидадир. Демак, олим нутқий бирлик бўлган сўз билан, тил бирлиги ҳисобланувчи сўзни фарқлаб, идрок этиб унга муносабат билдираяпти. Сўзнинг фикр баён қилищда, нутқ жараёнида энг асосий вазифани бажаришини алоҳида таъкидлайди. Тилнинг асосий материали сўз эканлигини, у орқали турмушнинг турли томонлари, кишилик жамиятининг,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00782

инсоннинг турмуш тажрибалари акс этишини уқтиради. Сўз ҳақидаги фалсафий таълимотга баҳо беради, яъни гап билан сўз ўртасида бир-бири билан зич боғлиқлик борлигига ишора қиляпти. Олим ўз фалсафий қарашларини давом эттириб: «Ҳар бир сўзнинг икки томони бордир: ички ва ташқи томони.

Биринчиси - сўзнинг маъноси, иккинчиси - сўзнинг товуш томони (сўзнинг маълум фонетик конунлар асосида уюшган товушлар комплексидан ёки бир товушдан иборат бўлиши). Ҳар бир сўз шу икки томоннинг бирлигидан иборатдир. Демак, сўз - нутқнинг мустақил бўлаги, у маъно ва шаклланиш жиҳатидан бир бутунликка эгадир; сўз семантик ва грамматик бутунликдан иборатдир».

Келтирилган фикрларни таҳлил қилиб ўтиришнинг зарурати йўқ деб ўйлаймиз. Чунки сўз ҳақидаги умумий таълимотнинг туб моҳияти бу фикрларда ўз ифодасини топганлиги барчага маълум. Фақат шуни жиддий таъкидлаш жоизки, юқорида айтилган ва қуйида айтиладиган қарашлари билан тилнинг система эканлигини, тил сатҳларининг бир-бири билан диалектик алоқада эканлигини, умумийлик-хусусийлик муносабатини, имконият-воқелик, тасодиф ва зарурият, моҳият ва ҳодиса, сабаб ва оқибат, динамиклик ва статиклик муносабатларини теран очиб беради. Олим: «Сўз лексикологиянинг ҳам, грамматиканинг ҳам объектидир... лексикология сўзнинг маъносини, бу маънонинг тараққий этиш йўлларини, сўзнинг қўлланишини ва шу кабиларни текширади; грамматика эса, сўзнинг структурасини, составини - морфемаларини, сўзнинг туркумларга бўлинишини текширади. Бу икки хил текшириш бир-бири билан боғлиқдир... Морфология билан синтаксис грамматиканинг ўзаро боғланган, тенг ҳуқуқли, мустақил қисмларидир» [1.Б. 5]. (5-бет). Биз биламизки, ўзбек тилшунослигида XX асрнинг 90-йилларидан кейин тил сатҳларининг бир-бири билан алоқадорлиги-боғланганлиги борасида бир нечта докторлик диссертациялари ёқланди-махсус тадқиқотлар олиб борилди[3;10]. Мазкур ишлар, А.Ғуломовнинг тил сатҳлариаро алоқадорлик, юқоридаги келтирилган категориялар муносабатлари, шакл-мазмун бирлиги ҳақидаги фикрларини тасдиқлаш доирасида бўлди, дейиш мумкин.

Кўрсатилган тадқиқотлар хулосалари А.Ғуломовнинг бу борадаги ўша даврда айтган фикрлари тўғри эканлигини яна бир бор тасдиқлади. Буни XXI аср бошларида яратилган «Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология» қўлланмасидаги сатҳлараро муносабатлар берилган

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00782

ҳолатга[12.Б. 38] А.Ғуломовнинг XX асрнинг 70-йилларида яратилган «Грамматика»нинг «Морфология» қисмидаги фикрлари моҳиятан бир хил эканлигида ҳам кўриш мумкин. Бу «Грамматика»да [11] «Морфология ва лексикология» муносабати, «Морфология ва синтаксис» муносабати, «Грамматика ва тилнинг товуш томони муносабати» каби ҳолатлар аниқ баён қилинганлигини кўрамиз. Сатҳлараро муносабат борасидаги фикрларда ҳам моҳиятан жиддий фарқ қиладиган фикрлар, қарашлар кузатилмайди. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, олимнинг қарашлари ўша тадқиқотчилар учун назарий манба бўлиб хизмат қилди. Бу фикрга ишонч ҳосил қилиш учун А.Ғуломовнинг яна бир иши - «Ўзбек тилида сўз ясаш йўллари» мақоласини кўриб чиқиш ҳам фойдалидир [2.Б. 37-87].

Яна шу ҳолатга алоҳида эътибор бериш лозимки, А.Ғуломов 50-йиллардаёқ синтаксис ва морфология муносабатлари бўйича қарашларга ўзининг қуйидагича жиддий жавобини беради: «Академик Н.Р.Марр ва унинг тарафдорлари синтаксисни морфологиядан устун санаб, «синтаксис-грамматиканинг етакчи қисми» деган тезисни қўйганлар, тилнинг ҳар бир ҳодисасини синтаксис билан ўлчашни талаб қилганлар, ҳатто, морфологияни тамоман йўқотмоқчи бўлганлар (унинг сўз ясалиши баҳсини лексикага, сўз ўзгариши баҳсини синтаксисга киритмоқчи бўлганлар). Бу «таълимот»нинг тамоман янглиш эканлиги кейинчалик ўз исботини топган». Олим ана шу ўринда морфологиянинг текшириш объектини аниқ белгилаб берган: «Морфология сўзларнинг нутқда ўзгариш қоидаларини белгилайди. Морфологияда сўзнинг тузилиши, сўз формасининг ясалиши текширилади; шунингдек, морфология сўзларнинг маълум белгилар асосида группаларга - туркумларга бўлинишини ҳам текширади. Морфология грамматиканинг бир қисмидир» [2.Б. 4]. XXI асрнинг бошларида яратилган, «янги қарашлар асосида тузилган» деб тан олинган ишларда ҳам морфология борасида А.Ғуломов айтган фикрлар доирасидаги, унинг қарашларига моҳиятан тенг келувчи қайдларни кузатамиз: «Морфологиянинг объекти сўз ўзгариши билан боғлиқ, яъни морфологик структурасидир. Сўзнинг морфологик структураси - грамматик морфема, грамматик морфема системаси - морфологик категория, сўзнинг ўзгариш асосидаги системаси..., сўзшаклнинг ҳосил бўлиш йўл ва усуллари, воситалари, бу воситаларнинг турларидир» [5.Б. 150].

Морфология ва синтаксиснинг муносабати борасида ҳам, юқорида қайд этилган янги қўлланмада А.Ғуломов қарашларини тасдиқловчи фикрлар баён

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00782

қилинганлиги кузатилади.

А.Ғуломов «Морфологияга кириш» рисоласида сўз борасидаги қарашларини давом эттириб, сўзнинг структура жиҳатдан туб ва ясама бўлишини, кўпгина сўзларнинг икки ва ундан ортиқ морфемадан иборат бўлишини, сўзнинг ўзаги асосий морфема бўлишини таъкидлайди. Шунингдек, ясама сўзлар ва сўзнинг формалари ўзакка (олим бу ўринда «сўз ясовчи асос» ва «шакл ясаш асоси» маъноларида ҳам ўзак терминини қўллаган) маълум тартибда, изчиллик билан аффикслар қўшиш орқали ҳосил қилинишини, бунда ўзак кўпинча ўзгармаслигини қайд этади-ки, унинг бу қарашлари, ҳозирги кунда ҳам, морфологик сўз ҳақидаги таълимотнинг асосини ташкил этади. Олимнинг «ўзбек тили агглютинатив тиллар қаторига кирса ҳам, унда қўшимча қўшилганда ўзакнинг ўзгариш ҳоллари ҳам кузатилади. Бундай вақтда сўзнинг ўзак ва аффиксга ажралиши одатдагидан қийинлашади, бошқачароқ бўлади» тарзидаги фикри, фикрнинг сесканмок феъли таҳлили орқали асосланиши, ўзбек тилшунослигида соддалашиш ҳодисаси ҳақидаги концепциянинг вужудга келишини таъминлади. Шуни айтиш керакки, А.Ғуломов «Ўзбек тили морфологиясига кириш» рисоласини 1953 йили яратган бўлса ҳам, шу асрнинг 70-йилларида (1975) ўзбек тилининг илмий грамматикаси тузилиб, унинг «Морфологияга кириш» қисми ҳам шу олим томонидан ёзилган бўлиб, айтиш мумкинки, мундарижаси томомила бошқача тузилган. Демоқчимизки, аввалги «Морфологияга кириш» ҳар жиҳатидан тўлдирилган, мукаммаллаштирилган. Олим янгича қарашларни илгари сурган. Буни «Грамматика»да «Морфология - сўз ҳақидаги грамматик таълимот» деган фикрга алоҳида эътибор қаратганлигининг ўзидан ҳам кўриш мумкин[11.Б. 58]. Мана шу «Грамматика»да «Тилнинг грамматик қурилиши ва товуш томонининг муносабати», «Тилнинг грамматик қурилиши ва луғат состави», «Морфология ва лексикология» бўлимлари қайд этилган, ана шу сатҳлар ўртасидаги муносабатлар, шунингдек, морфология ва синтаксис ҳамда алоҳида ажратилган сўз ясалиши муносабатлари масаласига кенг ўрин ажратилган. Бундан ташқари, «грамматик категориялар», «сўз формалари», парадигматика, лексикализация, грамматикализация тушунчалари моҳияти асосли тарзда очиб берилган.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

«Сўзнинг морфологик структураси» қисмида «Сўз ва морфема», «Ўзак

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00782

ва сўз», «Ўзак ва негиз», «Ўзак ва аффикс» муносабатлари», «Ўзак ва аффиксларнинг фонетик структураси», «Ҳозирги ўзак ва тарихий ўзак" масаласи ва муносабатлари, "Эркин ва боғлиқ ўзак" масаласи, аффиксларнинг келиб чиқиши, таснифланиши: префикслар, аффиксоидлар; сўз ясовчилар, форма ясовчилар, сўз ўзгартувчилар; содда ва қўшма аффикслар; унумли ва унумсиз аффикслар; регуляр ва норегуляр аффикслар; омоним, антоним ва синоним аффикслар, уларнинг ўрни, моҳияти, ички хусусиятлари, аффикслар оранжеровкаси, сўзнинг морфологик таркибидаги ўзгаришлар борасида, ҳар бири бўйича алоҳида тадқиқотлар қилиниши муҳим вазифа эканлигини назарда тутиб, улар билан боғлиқ назарий масалаларни муаммо сифатида қўяди ва бу борадаги ўз қарашларини баён қилади (Бизга маълумки, ҳозирги кунга келиб, айтилган ҳодисаларнинг ҳар бири бўйича номзодлик ва докторлик диссертациялари доирасида тадқиқотлар амалга оширилган: М.Жўрабоева "Аффиксал омонимия"; Ё.Тожиев "Аффиксал синонимия" А.Бердиалиев ҳамда Т.Мирзақуловларнинг қўшма аффикслар борасида номзодлик ва докторлик ишлари; "Морфологик ўзгаришлар бўйича" А.Абдуазизов ва А.Нурмоновларнинг монографик тадқиқотлари А.Ғуломов қарашларининг асосли эканлигини ана шу ишлардаги хулосалар тўла тасдиқлайди. Бироқ таъкидлаш жоизки, давр ҳар бир жараёнга ўз таъсирини кўрсатади, шунингдек, илмга ҳам: у ривожланади, қарашлар, ёндашувлар ўзгаради.

Жумладан, XXI асрнинг бошларига келиб, олдинроқ ва сал кейинроқ амалга оширилган ишларга танқидий кўз билан қараш бошланиб, ҳатто кучайиб кетганлигини, аввал ишларда гўё лисон ва нутқ фарқланмай, тилга система сифатида қарамай, ёки тилнинг системалар системаси эканлигини идрок этмай таҳлиллар олиб борилганлигини қайта-қайта таъкидлаш одат тусига кирганлигини кузатамиз. Бу ҳолатнинг олдини олишни назарда тутиб баъзи ишлар амалга оширилди[8; 6. Б.30-37; 4. Б.50-54]. Бу борада академик А.Ҳожиевнинг қуйидаги фикрини келтириш ўринли деб ўйладик: «...Кейинги вақтларда ўзбек тилшунослигида талабга жавоб бермайдиган, ҳатто ўзбек тилининг амалиёти билан боғлиқ вазифаларни тўғри йўлга қўйишга, амалга оширишга тўсқинлик қиладиган ишлар ҳам юзага келаётганлигидан кўз юмиб бўлмайди»[7.Б. 4]. Худди шу фикрни тасдиқлашга мўлжаллангандек проф. Ё.Тожиев айрим ишларда янгилик сифатида қайд этилган хулосалардан кўпчилиги тилшуносликда айтиб бўлинган, ҳал этилган ҳолатлар эканлигини куйиниб гапиради, айрим фикрларнинг йирик олимлар қарашларига туҳмат

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00782

характерида айтилаётганлигига муносабат билдиради: «Бошқа ишда: «Бугунги кунгача ўзбек тили лексемалари флектив тиллар лексемалари қонуниятлари асосида ўрганилиб келинди. Бироқ флектив тиллар ҳодисаларидан фарқли ўлароқ, ўзбек тили лексемалари мустақил қўлланиш, маъно англатиш хоссасига эгалиги билан ажралиб туради. Шу боисдан ўзбек тили лексемалари талқинида унга мустақил қўлланиш хоссасига эга бўлмаган морфемалардан фарқлаб ёндашиш мақсадга мувофиқдир» [3.Б. 40]. Бу фикр умуман ўзбек тилшуносларига туҳмат» [6.Б. 34]. Шу ва шу каби муносабатлар ўзбек тилшунослигини турли журнал ва бошқа нашрларда кўзга ташланиб келмоқда.

## ХУЛОСА

Умуман олганда “сўз” тўғрисида ва унинг таҳлилга тортилувчи жиҳатлари олимларимиз томонидан турлича талқин этилган. Бу борада А.Ғуломов, А.Ҳожиев, Ё.Тожиев ва бошқа олимларнинг илмий хулосаларига тўталиб ўтдик. Лекин ўзбек тилшунослиги сўз ва унга муносабат масаласи ҳали ҳанузгача мунозараларга сабаб бўлмоқда. Чунки бу боада орлиб борилаётган илмий тадқиқотлар юзасида олимларимизнинг фикрлари бир бир хил эмаслигига гувоҳ бўламиз.

## REFERENCES

1.Ғуломов А. Ўзбек тили морфологиясига кириш. –Тошкент: Фан, 1953.
2.Ғуломов А. Ўзбек тилида сўз ясаш йўллари // А.С.Пушкин номидаги тил ва адабиёт института асарлари. 1-китоб. –Тошкент: ЎзФАН, 1949.
3.Менглиев Б. Лисоний тизим яхлитлиги ва унда сатҳлараро муносабатлар. док. дисс. авт. -Тошкент, 2002.
4.Нурмонов А. Лингвистик таълимотнинг янги босқичи // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 2008, №6. –Б.50-54.
5. Сайфуллаева Р.ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек тили. -Тошкент, 2007.
6.Тожиев Ё. Ҳозирги ўзбек тилшунослигига бир назар // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 2008, №2. –Б.30-37.
7.Ҳожиев А. Ўзбек тили морфологияси, морфемикаси ва сўз ясалишининг назарий масалалари. –Тошкент: Фан, 2010.
8.Ҳожиев А. Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 2004, №1-19.
9.Sharipov F.G. Attitude to the piural affix in Uzbek language // Buxoro davlat universiteti Ilmiy axboroti. –Бухоро. 2021. №1. –Б.50-64.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00782

10.Шаҳобиддинова Ш. Умумийлик ва хусусийлик диалектикаси ҳамда унинг ўзбек тили морфологиясида акс этиш. Док. дисс. автор. -Тошкент, 2001.
11.Ўзбек тили грамматикаси. –Тошкент: Фан, 1976.
12. Ўзбек тили назарий грамматикаси. –Тошкент: Фан, 1975.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00783

# ГАЗ БАЛЛОН БИЛАН ЖИҲОЗЛАНГАН АВОМОБИЛЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ УСТАХОНАСИДА МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

**Аброр Шарипов**
Жиззах политехника институти магистранти
asharipov20@gmail.com

## АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада транспорт воситаларида ишлатиладиган газ балонли ички ёнув двигателларига техник хизмат кўрсатиш жараёнида агрегат ва ускуналарга қўйиладиган талаблар, мехнатни мухофаза қилиш бўйича бажариладиган ишлар ва устахонада меҳнатни мухофаза қилиш, устахонани ёритиш бўйича кўрсатмалар келтирилган.

**Калит сўзлар:** ички ёнув двигатели, ёнилғи турлари, газ ёнилғиси, ёритиш, устахона майдони, солиштирма қувват, ёритилганлик коэффициенти.

# SERVICE PROTECTION FOR VEHICLES EQUIPPED WITH GAS CYLINDERS

## ABSTRACT

This article describes the requirements for the unit and equipment in the process of maintenance of internal combustion engines with gas cylinders used in vehicles, the work performed on labor protection and labor protection in the workshop, instructions for lighting the workshop.

**Keywords:** internal combustion engine, fuel types, gaseous fuel, lighting, workshop area, specific power, illuminance coefficient.

## КИРИШ

Ўзбекистонда бугунги кунда дунё ҳамжамиятини хавотирга солаётган ва барқарор ривожланишга атроф-мухитга муносабатларни яхшиланишига хавф туғдираётган, глобал иқлим ўзгариши таъсири камайтириш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Шу мақсадда Ўзбекистон 1993 йилда БМТ нинг иқлим ўзгариши ҳақидаги Конвенцияни ратификация қилган. Уни бажариш бўйича ишлар доирасида тоза ривожланиш механизмларини ишлаб чиқаришга жорий этишга, автомобил транспортини экологик тоза ёнилғига

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00783

ўтказишга, транспорт воситаларининг экологияга зарарли таъсирини камайтиришга доимий эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2013 йил 27 майдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2013-2017 йилларда атроф-муҳитни мухофаза қилиш бўйича ҳаракат Дастури ҳақида"ги қарори бу йўналишда ўтказилаётган ишлар кўламини кенгайтиришга ёрдам беради. Ушбу қарорга мувофиқ атроф-муҳитга сальбий таъсир кўрсатадиган иссиқ газлар чиқиндисини камайтириш, нефт-газ, кимё ва энергетика тармоқларининг корхоналарини қайта қуриш, экологик тоза энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш бўйича қатор лойиҳалар амалга оширилди.

2019 йил 18 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш Стратегиясининг концепцияси" да мавжуд экологик муаммоларга алоҳида тўхталиб ўтилган. Жумладан, Ўзбекистонда иқлим ўзгаришининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар режасида автотранспорт воситаларининг экологияга таъсирини камайтириш масаласи ечими сифатида, автотранспорт воситаларининг стандартларини жорий этиш ҳамда Евро-6 мотор ёнилғиси стандартларини киритиш белгилаб қўйилган.

Глобал иқлимни 1,5 $^0$C даражасида чеклаш ер, энергетика, саноат тизимларига ва бинолар, транспорт ва шаҳарларга тегишли "тезкор ва узоққа борадиган" ўтиш жараёнларини талаб қилади. Инсоннинг фаолиятидан чиққан карбонат ангидрид ($CO_2$) чиқиндирлари 2030 йилга келиб 2010 йилга қараганда тахминан 45% га қисқартирилиши керак, яъни 2050 йилга қадар "аниқ нол" га эришиш керак деб таъкидланган.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

ЎзРда ҳизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, техника фанлари доктори, проф. Т.С.Худойбердиев рахбарлигида ички ёнув двигателларни Ўрта Осиё шароитида ишлатиш самарадорлигини оширишга катта хисса қўшди. Ҳозирги кунда унинг раҳбарлигида Ўзбекистоннинг янги автомобилларини яратиш, двигателларни цилиндр- поршень гуруҳи деталларининг иссиқликка бардошлилигини орттириш, уларни газ ёнилғисига ўтказиш бўйича қатор ишлар давом эттирилмоқда.

С.М.Қодировнинг "Трактор двигателларини унумли ишлатиш" номли китобида автомобиллар, тракторлар ва йўл қурилиш машиналари двигателларининг ишлаш жараёни, двигател деталларининг иссиқ иқлим

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00783

шароитида зўриқиши, двигател кўрсаткичларини белгиловчи эксплуатацион омиллар атрофлича ўрганилган.

Б.И.Бозоровнинг “Экологическая безопасность автотранспортных средств” номли китобида автотранспорт воситаларининг экологик хавфсизлигини белгиловчи асосий хусусиятлари келтирилган.

Қ.М.Сиддиқназаров, У.В.Ахмедов “Ўзбекистон автотранспорти ўтмишда ва истиқлол йилларида” ушбу китобда автотранспорт ва екология, автотранспортни пайдо бўлиши, мустақиллик йилларигача Ўзбекистон автотранспорти каби маълумотлар келтирилган [9].

Н.Г.Певнев, А.П.Елгин, Л.Н.Бухаров, “Техническая експлуатация газобалонних автомобилей”. Ушбу китобда газ баллонли автомобилларни ишлатиш ва газ ёнилғисидан автомобиллар учун ёқилғи сифатида фойдаланиш бўйича маълумотлар келтирилган [10].

Панов Ю.В. “Установка и експлуатация газобаллонного оборудования автомобилей” [11]. Ушбу қўлланмада автомобилларга газ баллон ускуналарини ўрнатиш усуллари ва жиҳозлари бўйича маълумотлар берилган.

Б.И.Базаровниг “Научние основы энерго-экологической эффективности исползования алтернативных моторних топлива” номли диссертация ишида транспорт воситалари учун алтернатив ёқилғилардан фойдаланишнинг экологик самарадорлиги асослари келтирилган ва асослаб берилган [12].

Автотранспорт корхоналарида сервис хизмат кўрсатиш жараёнида меҳнатни мухофаза қилиш жараёни Республикамиз олимлари томонидан атрофлича таҳлил этилган.

## НАТИЖАЛАР

Санитария-маиший бинолар қуриш, якка тартибдаги ҳимоя воситаларидан фойдаланиш, меҳнат шароитларини яхшилаш, ишлаб чиқаришда касбий касалланишларни ҳамда заҳарланишларнинг олдини олиш, меҳнаткашлар соғлиғини сақлаш масалаларини ҳал этади, шунингдек меҳнатни илмий асосда ташкил этиш ва ишлаб чи қариш маданияти билан боғлиқ бўлган гигиена тадбирларини ишлаб чиқади.

Меҳнат гигиенаси ва ишлаб чиқариш санитариясининг ҳамма талаблари бажарилишини назорат қилиш Республикамиз соғликни сақлаш вазирлигига қарашли санитария эпидемияга қарши хизматлари ташкилотлари ҳамда муассалари зиммасига юклатилган. Улар автосервис корхоналарини

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00783

лойиҳалаш, қуриш ёки реконструкция қилиш ёки техник қайта жиҳозлаш ва улардан фойдаланиш босқичида санитария назоратини амалга оширади.

Автранспорт корхоналарида ишлаётган ишчилар ва ходимлар яхши ишлари учун аввало уни қуршаб турган муҳитни муайян шароити зарур былади. Меҳнат фаолияти жараёнида ишлаб чиқариш муҳити инсон организмига маълум даражада таъсир кўрсатади. Ишлаб чиқариш муҳитининг метрологик шароити ҳавонинг ҳарорати, намлиги, тезлиги билан, табиий ёруғлик манбаи билан, ишлов берилаётган деталлар ва буюмлардан, ускуналарнинг қизиган сиртларидан иссиқлик тарқалиши билан белгиланади. Улар муайян технологик бўлинма учунгина хос бўлиб, ишлаб чиқариш хонасини микроиқлими деб юритилади. Ишлаб чиқариш устахонасининг микроиқлимини ҳосил қилишда у бажараётган жисмоний меҳнат тоифаси ҳисобга олиниши лозим.

Юқоридагилардан келимб чиқиб диплом лойиҳасида берилган топшириқ бўйича ёқилғи аппаратураларини таъмирлаш устахонасини меҳнатни муҳофаза қилиш нуқтаи назаридан таҳлил қилиб чиқамиз. Ёнилғи аппаратураларини таъмирлаш устахонасида бажарилаётган иш ўртача жисмоний меҳнат синфига киради ва хонанинг метрологик кўрсаткичи қуйидагича бўлиши керак: хона ҳарорати 20…24 градус атрофида, ҳавонинг нисбий намлиги 30...60 фоиз атрофида ва ҳаво оқимининг тезлиги 2...3 м/дақиқа бўлиши лозим.

Хонани ёритилиши ишчиларни меҳнат фаолиятига катта таъсир кўрсатади. Хоналарни табиий, сунъий ва аралаш усулларда ёритиш мумкин. Сунъий ёритишда хонада ёруғлик манбаи бўлиб лампочкалар хизмат қилади, шунинг учун хонани сунъий ёритилганлигини таъминлаш лозим бўлган лампалар сонини аниқлаймиз.

Газ аппаратураларини таъмирлаш устахонасида устахонасидаги ёритиш қурилмаларини умумий қувватини ҳисоблаймиз:

$$P = S \cdot W = 54 \cdot 20 = 1080\ Vt$$

бу ерда $P -$ ёритиш асбобларининг умумий қуввати, Вт; $S -$устахона майдони, кв.м.; $W -$ солиштирма қувват, Вт/м$^2$.

Устахона учун зарур лампалар сони

$$n = \frac{P}{P_l} = \frac{1080}{200} = 5\ ma$$

бу ерда: $P_l -$ битта лампанинг қуввати, Вт.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00783

Табиий ёритиш дераза ойналаридан тушган ёруғлик манбаи ҳисобига амалга оширилади. Шунинг учун деразанинг ёруғлик тушадиган юзасини ҳисобаймиз:

$$F_d = S \cdot \alpha = 54 \cdot 0{,}30 = 16 \ м^2$$

бу ерда: $\alpha -$ ёритилганлик коэффициенти.

Демак, хонани ёритиш учун дераза майдони 9 м$^2$ бўлиши лозим экан. Бундан келиб чиқиб биз таҳлил қилаётган ёқилғи аппаратураларини таъмирлаш устахонасидаги деразани ёруғлик ўтадиган сирти 7,8 м$^2$ ни ташкил этади, бу хонани табиий ёритилишини тўла таъминлайди.

## МУҲОКАМА

Ташкил этилаётган ёқилғи аппаратураларини таъмирлаш корхонасида инсон организмига ишлаб чиқаришни ҳар хил зарарли омиллари таъсир кўрсатади. Зарарли омиллар физик, кимёвий, биологик ва психофизиологик былиши мумкин. Уларнинг ҳаммаси инсон организмига бевосита технологик жараёнлар, меҳнат тартиботлари ҳамда атроф-муҳит орқали таъсир қилади. Барча зарарли омиллар ишчилар организмининг ташқи таъсирларига қаршилик кўрсатилишини сусайтиради, меҳнат қобилятини камайиши ёки бутунлай йўқолишига олиб келади.

Меҳнат гигиенаси ва ишлаб чиқариш санитарияси ишловчиларга зарарли омилларни йўқотувчи ёки камайтирувчи ташкилий ҳамда санитария техник тадбирлар ва воситалар мажмуидир. Агар ишлаб чиқариш омилларининг таъсири муайян шароитда ишчиларнинг касалланиши ва меҳнат қобилятини йўқолишига олиб келса, улар ҳисобланади. Кўнгилсиз ҳодисалар ва касбий касалланишлар ишчиларнинг соғлигига зарар етказибгина қолмасдан, балки иқтисодий зиён ҳам етказади: иш вақтини йўқотилишига, жиҳозларни ва асбоб-ускуналарни тўхтаб қолишига, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг камайишига, шунингдек ижтимоий суғурта ва зарарлар ўрнини қоплашлар бўйича тўловлар кўринишидаги бевосита харажатларга олиб келади. Бу зарарларни Республика ми қёсида ҳисоблайдиган бўлсак, ҳар йилига бир неча миллиард сўмни ташкил қилади.

Меҳнат гигиенаси ишчилар организмига меҳнат жараёнини атрофдаги ишлаб чиқариш муҳитининг таъсирини ўрганади ҳамда меҳнатнинг санитария-гигиена шароитини яхшилашга доир тавсияномаларни ишлаб чиқади. Бу тавсияномалар ишловчилар соғлигини сақлаш ва яхшилаш ҳақидаги фан бўлса, санитария амалга оширишга ёрдам берадиган амалий фаолиятдир.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00783

Газ аппаратураларини таъмирлаш ишларини деталларини қисмларга қўл кучи билан ажратганда биринчидан ишчилар кўп куч сарфлашади, иккинчидан газ аппаратуларини таъмирлашда эхтёт бўлиш керак акс холда атрофдагиларга ва ишчиларга шикаст етказиши мумкин. Шунинг учун қисмларга ажратишда стендлардан фойдаланилади, бу стендлардан фойдаланилган электр узатмалари, электродвигател ва бошқа электр жиҳозлари изоляцияланган бўлиши лозим. Газ аппаратуларини таъмирлаш вақтида стенддан газ балонларини ва аппаратларини чиқиб кетмаслигини таъминловчи ёрдамчи жихозларни ишлатиш лозим, ёрдамчи жихозларсиз ишлаш мумкин эмас. Газ балонларни стентдан отилиб кетишини олдини олиш учун уларни махкам қотирадиган тўсиқлар ўрнатилган бўлиши лозим. Таъмирланадиган деталларни дастгоҳида доимий махкам ушлаб туриш учун турли хил мосламалардан фойдаланиш керак.

**ХУЛОСА**

Хулоса ўрнида қуйидагиларни айтиш мумкин:

1. Ишлаб чиқариш санитарияси корхоналар, ишлаб чиқариш бинолари ва хоналарнинг ҳудудини санитария жиҳатидан ободонлаштириш, санитария техникаси ускуналарини ўрнатишдир.
2. Газ аппаратураларини таъмирлаш устахонасида тортувчи шамоллатиш қурилмаси, пайвандлаш дастгоҳи устида ва мисгарлик дастгоҳи устида тортувчи зонт ўрнатилган бўлиши керак.
3. Газ аппаратураларини таъмирлаш ишларини қилиш аппаратларини ишлатишда рухсат этилган электр токларини ишлаш керак бўлади. Шунинг учун аппаратда ампермети, хамда кырсатиш жихозлари былиши лозим. Ампермети носоз бўлганда аппаратни ишлатиш қатъиян таъқиқланади.

**REFERENCES**

1. Автомобил транспорт корхоналари бўйича солиштирма капитал маблағларнинг меъёрлари. -М,: РСФСР Автотраснпорт вазирлиги ИТММБ, 1985 й. - 118 б.
2. Автомобил транспорти корхоналари учун технологик лойиҳалашнинг умумиттифоқ меъёрлари, (ОНТП 01-86), -М: РСФСР Автотраснпорт вазирлиги ИТММБ, 1986 й. - 129 б.
3. Автомобил транспорти корхоналари учун технологик лойиҳалашнинг умумиттифоқ меъёрлари, (ОНТП 01-91), -М: Гипроавтотранс, 1991 й. - 184

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00783

4. Кузнецов Е.С. «Автомобилларнинг техник эксплуатацияси ривожининг илмий-техникавий тараққиётининг ва истиқболининг йўналишлари» -М.: МАДИ, 1987. -90 б.
5. Бегматов, Б., & Эшонқулов, М. (2021). Иссиқ иқлим шароитида автомобил двигателларининг ишлаш хусусиятларини аниқлаш усуллари таҳлили. *Academic research in educational sciences*, *2*(2).
6. Бегматов, Б., Ҳаққулов, Б., & Ҳаққулов, К. (2020). Транспорт воситаларини синаш усуллари таҳлили. *Academic research in educational sciences*, (3).
7. Бегматов, Б. Я., & Ҳаққулов, Б. А. (2020). Кафолат даврида автомобилларнинг техник ҳолатини текшириш. *Academic research in educational sciences*, (3).
8. Бегматов, Б. Я., & Ҳамроқулова, Ш. П. Қ. (2021). Ички ёнув двигател деталларини қурум босишини текшириш. *Academic research in educational sciences*, *2*(1).
9. Бегматов, Б. Я., & ўғли Холиқов, Д. Р. (2021). Автотранспорт корхоналари мисолида автомобиллар техник ҳолатининг ҳаракат хавфсизлигига таъсирини баҳолаш. *Academic research in educational sciences*, *2*(1).
10. Адилов, О. К., Кулмурадов, Д. И., & Бегматов, Б. Я. (2014). Переходные характеристики машины при скачкообразном повороте рулевого колеса. *Молодой ученый*, (20), 101-104.
11. Siddiqnazarov Q.M., Axmedov U.V. “O'zbekiston avtotransporti o'tmishda va istiqlol yillarida”. Toshkent islom universiteti: 2001 yil, 272 bet.
12. “Техническая эксплуатация газобаллонных автомобилей”. Н.Г. Певнев, А.П. Елгин, Л.Н. Бухаров . Омск: Изд-во СибАДИ, 2010.– 202 с.
13. Панов Ю.В. “Установка и эксплуатация газобаллонного оборудования автомобилей” Ю.В.Панов. М.: Изд. центр “Академия” 2006. 160 с.
14. Базаров Б.И. “Научные основы энерго-экологической эффективности использования альтернативных моторных топлива” Дисс…док техн. Наук-Ташкент: ТАДИ, 2006-215 б.
15. Odilov, N. (2020). The analysis of the development of gas cylinder supply system. Academic research in educational sciences, (3).
16. Odilova, S. S. Q., & Odilov, N. E. O. (2021). Muqobil yonilg'ilardan motor yonilg'isi sifatida foydalanish istiqbollari. Academic research in educational sciences, 2(1).

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00783

17. Нуруллаев, У. А., & Умиров, И. И. У. (2020). Создание программных средств автоматизированной информационной системы транспортных предприятий. *Academic research in educational sciences*, (1).
18. Адилов, О. К., Умиров, И. И., & Уразов, Б. А. (2020). Методика определения деталей, критических по надежности автомобилей. *Academic research in educational sciences*, (1).
19. Адилов, А. К., Сувонкулов, Ш. А., Кулмурадов, Д. И., Умиров, И. И., & Бойжигитова, И. А. (2019). Причины изменения технического состояния автомобиля. *Актуальные научные исследования в современном мире*, (1-2), 116-118.
20. Умиров, И. И. Ў., & Ҳамрақулов, Ё. М. (2020). Автомобиллардан чиқаётган газсимон чиқиндиларнинг атмосферага аралашиши. *Academic research in educational sciences*, (1).
21. Нуруллаев, У. А., & Умиров, И. И. (2020). Улучшения эксплуатационных показателей двигателей газобаллонных автомобилей. *Academic research in educational sciences*, (3).
22. Адилов, О. К., Умиров, И. И. Ў., & Барноев, Л. (2020). ТРАНСПОРТНИ ҲАВФСИЗ БОШҚАРИШ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ БАҲОЛАШ. *Academic research in educational sciences*, (1).

ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 4 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00784

# СУРХОН ВОҲАСИДА МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТИ НАТИЖАЛАРИ ВА ОҚИБАТЛАРИ

**Акмал Менглибоев**
Денов тадбиркорлик ва педагогика институти катта ўқитувчиси

## АННОТАЦИЯ

Мақолада сурхон воҳасида миллий озодлик ҳаракати натижалари ва оқибатлари масаласи илмий даллиллар ёрдамида кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар:** тарих, фан, озодлик ҳаракати, миллат, миллий кураш.

# RESULTS AND CONSEQUENCES OF THE NATIONAL LIBERATION MOVEMENT IN SURKHAN OASH

## ABSTRACT

The article discusses the results and consequences of the national liberation movement in the Surkhandarya oasis with the help of scientific evidence.

**Keywords:** history, science, liberation movement, nation, national struggle.

## КИРИШ

Ўзбекистоннинг бошқа жойларида бўлганидек, Сурхондарёда ҳам қизил мафкурага қарши миллий-озодлик ҳаракатлари тўхтовсиз давом этиб, янги кураш ҳаракатлари шаклланиб боради. Бухородаги истиқлолчиларнинг энг машхур йўлбошчиси бу шубҳасиз туркиялик ҳарбий саркарда ва сиёсий арбоб Анвар Пошшо ҳисобланади. Анвар Пошшо (14.06.1881, Истамбул-04.08.1922, Шарқий Бухоро) фақат Туркия ёхуд Туркистонда эмас, балки бутун мусулмонлар оламида кўзга кўринган фидойи инсонлардан бири эди. XX аср бошларида мусулмон дунёсида ҳеч кимнинг шухрати унингдек кўп тарқалмаган бўлса керак. Анвар Пошшо Туркия, Македония, Кавказ, Германия, Россия, Туркистон ва Бухородаги сиёсий жараёнларда фаол қатнашди.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

БХСР Ревкоми ва ички ишлар нозири номига жўнатилган бошқа бир

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00784

махфий ҳужжатда айтилишича, «… Шеробод шаҳри атрофидаги бизнинг қисмларга (Шеробод гарнизонига) қарши душман турли милтиқлар билан қуролланган 7000 кишидан иборат кучни ташлади, улар орасида Денов, Юрчи ва Ҳисор шаҳарларининг аҳолиси бор эди. Шеробод шаҳри атрофидаги жангларда қатнашган душман ўз кучларини Бойсун, Ҳисор ва Шарқий Бухоронинг бошқа шаҳарларидан бу ерга олиб ташлаган эди. Душман кучларининг тазйиқи остида Шеробод гарнизони 27 ноябрда Шеробод шаҳрини ташлаб чиқди ва Ангор қишлоғига (Термиздан 20 чақирим шимоли-ғарбда) чекинди. Шеробод шаҳрида бўлган жанг қатнашчиларининг фикрига қараганда, амир қўшинларининг мутассиблиги (аслида жасорати) шу даражага бориб етганки, улар бизнинг артиллерия ва пулимётдан тинмай ўт очишимизга маҳаллийсдан, фақат олга ташланишарди...» [1]

Шеробод тумани ва Ангор қишлоридан атиги 6 чақирим шимоли-шарқ, шимол ва шимоли-ғарбда жойлашган қишлоқларда душманнинг 8000 киши жойлашган. Жосуслик маълумотларига қараганда, Бухоро амири русларга қарши муқаддас уруш эълон қилган. Унинг чақириғи Шарқий Бухоро қишлоқларининг аҳолиси томонидан хайрихоҳлик билан кутиб олинмоқда. Эски Бухоро шаҳрига жўнатилган навбатдаги хужжатда (4.XI 1.1920 й) ёзилишича, қизил армиянинг 8-полки батальонлари Шерободни 27 ноябрда ташлаб чиққач, аввал Ангор, сўнгра Термиз томонга қочишади. 28 ноябр куни кечгача истиқлолчилар Ангордан 5 чақирим шимол, шимоли-шарқ, шимоли-ғарбда жойлашган бутун қишлоқларни эгаллашади. Истиқлолчилик ҳаракати тез орада Шарқий Бухородан Ўрта Бухорога ҳам тарқалди. Ф.Хўжаевнинг эътироф қилишича, «ўзбек қабилалари... бошлиқлари томонидан Шарқий Бухорода бошланган босмачилик ҳаракати Бухоронинг бошқа қисмларида ҳам қуллаб-қувватланди». Босқинчилик қизил аскарлар ва Бухородаги янги ҳукуматга қарши кўтарилган катта қўзғолонлардан бири «Ўрта Бухоронинг собиқ Шаҳрисабз, Яккабоғ, Китоб, Чироқчи бекликларида бошланди. Бу тўртта беклик Ўрта Бухоронинг атрофи торлар билан ўраб олинган, аҳолисининг деярли ҳаммаси ўзбек қабилаларидан иборат бўлган битта катта районни ташкил этган эди. Ўрта Бухорода жанглар қизиб кетди. Истиқлолчилар қўлидан декабр ойининг охирларида Шаҳрисабздан ташқари Китоб, Чироқчи, Яккабоғ шаҳарлари тортиб олинди. Қўзғолончилар Шарқий Бухорога ўта олишмаганлиги учун Ўрта ва Шарқда Бухородаги

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00784

истиқлолчилар қўшини ўзаро бирлаша олмади. Бу пайтга келиб Шеробод шаҳрини ҳамқизил аскарлар босиб олишган эди. «Қизил аскарлар томонидан 24 декабрда Шеробод шахри эгалланганда мужоҳидларнинг 8000 кишилик армиясида ҳар ўн кишига биттадан милтиқ тўғри келарди, бунинг устига ҳар милтиқда бор-йўғи 3-5 дона ўқ бор эди, холос. Мужоҳидлар Қабодиён шаҳридан 80 чақирим шарқдаги сарой томонга чекинишди»,-деб большевикларнинг расмий хужжатларидан бирида кўрсатилади.[2] Бухоро республикаси Марказий Ревкоми ва Халқ Нозирлар Шўроси раиси номига жўнатилган «мутлақо махфий» маълумотда ёзилишича, 1921 йил 1 январга келиб Бухоро амирининг армияси 15000 кишидан ортиб кетди. Бу хужжатда амир кучларининг жойлашиш тартиби ҳам келтирилади: «Бухоро амирининг тораси Тўражан (Собиқ Шаҳрисабз беги) ҳазрат Имом Саидда (Қўрғонтепадан 70 чақирим жанубда) жойлашган. Деновда Бўрибой ва унинг ёрдамчиси Шариф Бойвачча бошчилигида асосан ов милтиқлари билан қуролланган 1500 кишилик гуруҳ мавжуд. Бу гуруҳ туб аҳоли орасидаги кўнгиллилар ҳисобидан тузилган, кўнгиллилар ўртасида Бухоро, Самарқанд ва Фарғонадан келган сартлар (ўзбеклар)» бор. Юрчи шахрида Хожи Мурод Тўқсабо бошчилигида турли милтиқлар билан қуролланган, маҳаллий аҳолидан иборат 200 кишилик гуруҳ жойлашган... Ҳисорда самарқандлик Турсунбой ва биродари Одилнинг 200 кишилик гуруҳли, туркманларнинг Олтикўл бошчилигида 150 кишилик гуруҳи ўрнашган. Шаҳар қалъасида битта пилта тўп бор. Ҳисорда сафарбарлик давом этмоқда. Кўнгиллилар ва сафарбар қилинганларни самарқандлик Ражаб милтиқ отиш ва ҳарбий ишга ўргатмоқда... Ҳисорда Турсунбойнинг биродари Одил назорати остида ишлайдиган қурол-яроқларни тузатадиган устахона мавжуд, унда етти киши ишлайди».

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Истиқлолчилар билан қизил аскарлар ўртасида Бойсун учун қаттиқ жанглар кетди. 1921 йил январ ойининг бошларида қизил аскарлар дастлаб Бойсунни эгаллашди. Сўнгра Бойсун беги катта миқдорда куч тўплаб қарши ҳужумга ўтди, ҳатто шаҳарнинг шарқий қисмини босқинчи қизил аскарлардан озод қилди. Икки ҳафта давомида яна шаҳар учун шиддатли жанглар бўлди. Бу борада қизил армиянинг катта миқдордаги отлиқлар полки ва бошқа қисмлар Сайд Олимхон томонидан бойсунликларга ёрдамга юборилган 10 минг кишилик армияни Бандихон дарасида

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00784

мағлубиятга учратди. Бойсун ёнидаги жангларда истиқлолчилар қизил аскарларнинг дивизия командири Марсовни ўлдиришди. Аммо улар кучлар нисбатининг тенг эмаслиги сабабли Бойсунни ташлаб чиқишга мажбур бўлишди. Бойсундаги жангларда истиқлолчилар мағлубиятга учраган бўлсалар ҳам, улар Денов ёнида катта миқдордаги кучларни тўплашди. 1921 йил 13 февралда жўнатилган қизил аскарларнинг жосуслик маълумотларига қараганда, «Денов, Юрчи шаҳарлари ва атроф қишлоқларда қаршилик Бўри бойвачча бошчилигида 5000 кишилик кутяин тўпланди. Бу кўшин таркибида тахминан 500 кишилик туркман, 200 кишилик афғон, 300 кишилик Фарғона босмачилари бўлиб, қолганлари Бухоро амирининг доимий сарбозлари, турк ва шербачча полклари, маҳаллий аҳоли вакиллари эди…[3] Босмачилар Душанбедан келишди. Улар Шерматнинг одамлари бўлиб, амирнинг илтимоси билан Куршермат (Шермух,аммадбек) томонидан Шарқий Бухорога жўнатилган... Деновда 5 та пилта тўп ва 2 пулемётга эга қўшин бор... Миршоди қишлоғида (Деновдан 20 чақирим жануби-ғарбда» Деновдаги қўшиннинг бир қисми-1400 кишилик гуруҳ бор, бу гуруҳ Бурибойваччага бўйсунади. Бир ой аввал амир Душанбеда эди, касал бўлиб қолгач, Қурғонтепага жўнаш тараддудига тушди, Лекин вазиятни қуриб яна Душанбе шаҳрида қолади. Бу пайтда унинг олдига Қобулдан 10 кишилик афронларнинг делегацияси ташриф буюрди ва тез орада амирга мадад келишини маълум қилишди». Лекин Афронистондан ҳеч қандай қуролли кучлар ёрдамга юборилмади. Қизил армиянинг тажрибали жангчилари билан бўлган шиддатли жангда Бухоро истиқлолчилари бу гал ҳамдош бериша олмади. 1921 йил 15 февралда душман Деновни эгаллади. Тез орада истиқлолчилар қўлидан Юрчи, Сариосиё ва Сарижуй ҳам тортиб олинди. Хужум қилиб келаётган совет қўшинлари Регарда шиддатли қаршиликка дуч келдилар, лекин бу шаҳар ва сўнгра Куратор ҳам улар томонидан эгаллаганди. Хусусан, 1921 йил 20 февралдан бошлаб Ҳисорга кираверишда шафқатсиз жанглар қизиб кетди. «Известия» газетаси ўша кунларда ушбу сатрларни ёзган эди: «Амир хукумронлик қилаётган худуд кундан-кунга қисқармоқда. У баҳорга келиб ё торларга чиқиб кетиши, ё Бухоро хуудудини тарк этиши лозим бўлади. Унинг ихтиёрида фақат Шарқий Бухоронинг Ҳисор, Душанбе, Файзобод вилоятлари қолди. Унинг ихтиёрида фақат 600 аскар бор».

Бу воқеалардан сўнг Сайд Олимхоннинг қароргоҳи Душанбе шахрига

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00784

хужум бошланди. 20 февралда у шаҳарни ташлаб чиққач, аввал Кулоб вилоятига чекинди. 1921 йил 4 мартда Сайд Олимхон Чубек деган жойдан Афғонистон давлатига ўтиб кетди. Сайд Олимхон Бухоро тупроғини тарк этгач, истиқлолчилик ҳаракати сўниши ўрнига аксинча ловуллаб, аланга олиб кетди [4]. Ҳозирги Тожикистон Республикаси ҳамда Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари худудида кўплаб қўрбоши дасталари тузилди. Шарқий Бухорода Балкувонда Давлатмандбек, Кенткурда Ашурбек ва Мирза Солиҳ, Кулобда Ашур Туқсабо, Қурғонтепада Торай Сари, Данғарада Абдуқаюм парвоначи, Лоқайда Иброҳимбек, Дарвозда Эшон Султон, Қоратегинда Фузайл Махдум, Файзободда Раюрбек Сариосиё ва Қоратоғда Абдураҳмонбек, Боботоғда Ҳайитбек доддоҳ, Душанбеда Раҳмон додҳоҳ, Сурхонда Хуррамбек, Ҳисорда Али Мардонбек ва Темурбек, Ўрта Бухорода ва Қаршида Жўрахўжа, Ғузорда Авлиёқул қўрбоши, Каркида Кулмуҳаммадбек ва Абдураҳмон Ботир, Саройкамар ва Олаторда Достонқул ва Туқсанбой, Шахрисабз ва Яккабоғда Жаббор каби қўрбошилар йирик дасталар тузиб, истиқлолчиларнинг озодлик ҳаракатига раҳбарлик қилдилар. [5] Тўғри, бу қўрбошиларнинг кўпчилиги амирнинг собиқ амалдорлари, ўз туманларининг беклари ёки йирик дин арбоблари бўлишган. Лекин шунга маҳаллийсдан, улар босқинчи қизил армия ва болшевикларга қарши курашга отланган юртдошларининг ҳаракатини яхлит бир йўналишда бирлаштира олдилар. Улар ўзлари эгаллаб турган ҳудудларда ислом дини ва шариат асосида ўз бошқарув усулларини ўрнатдилар.

Анвар Пошшо Бухоро шахрида бир оз муддат тургач, 8 ноябрда бу ердан Шарқий Бухорога жўнаб кетди. Анвар Пошшонинг адютанти Муҳитдинбек кейинчалик Истанбулга қайтгач, у ердаги «Вақт» рўзномасида (25.XI. 1934) босилган хотираларида ёзишича, Пошшо Бухородан кетадиган куни қуйидаги гапларни айтган экан: «Туркистон учун курашиш керак. Ҳақ иш учун ўлимдан қўрқсанг, ўзингни ҳамит ҳолида яшашга дучор қиласан. Агар бу ишга киришмасак, келажак авлодлар лаънати оғир бўлади. Қутулиш йўлини излаб, ўлсак ҳам, ўзимиздан кейин келадиган авлодларга озодлик ва бахт йўлини таъминлаган бўламиз». Шарқий Бухорога йўл олган Анвар Пошшо ва унинг икки сафдоши Қарши яқинидаги Қиликул атрофида истиқлолчиларнинг қўмондони Мулла Нафис қўрбоши

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00784

томонидан қабул қилинди. Анвар Пошшо Туркистондаги миллий истиқлол ҳаракати сафига қўшилар экан, 1921 йил 9 ноябрда Бухоро заминида биринчи марта баёнот берди. Ушбу баёнот матнини ватандошимиз Абдулла Ражаб Бойсуний тубандагича келтиради: «Орқадошлар! Туркистоннинг муқаддас даъвоси йўлида олиб борилаётган курашга мен қўшилгани келдим. Ичингизда биз билан мехнат қилишни хохловчилар бўлса, таклиф қиламан, онт ичсин! [6] Лекин, ичингизда бола-чақаси руслар қўл остида бўлганини ўйлаб андиша ва тараддуд кўрсатувчилар бор бўлса, улар ҳам очиқчасига айтсин. Буюраман! Тўпланганлар курашмок учун онт ичдилар. Демак, Анвар Пошшонинг Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатига киришиш тарихи 1921 йил 9 ноябрда Қиликул тумани марказида бошлангандир. Қарши ва Шеробод вилоятлари орқали Анвар Пошшо Шарқий Бухоро томон интиларди. Анвар Пошшо Қабодиёнга етганда дўсти - Шеробод вилоятининг ҳарбий нозири, Туркия армиясининг собиқ полковниги Ҳасан Афанди ва Термиз милициясининг бошлиғи Усмон Афанди (у ҳамтуркиялик зобит эди) ўз отрядлари билан унга келиб қўшилди. Улар энди Жилли қўлга йўл олдилар. [7]

Сурхондарёлик Соҳиб қўрбоши, Эшон Судур, Хуррамбек, Мустафокулбек, Раҳмонбек, Раҳмонберди, Салом Тўқсабо, Азимбек, Вали қўрбоши, Шоймон Тўқсабо, Мулла Эшқўл, Мулла Ражаб, деҳқонободлик Тангриберди додгоҳ, Бўри Баташ, Утанбек ва бошқа ўнлаб қўрбошилар ана шу даврда фаоллашган эдилар. Шарқий Бухорода вазият истиқлолчилар фойдасига тубдан ўзгарганлиги сабабли Бутун Бухоро Марказий Ижроия Қўмитаси Халқ Нозирлар Шўроси ва БКП Марказий Комитети 1922 йил 2 январда бўлган қўшма мажлисида БХСР МИКнинг Шарқий Бухоро бўйича фавқулодда Диктаторлик Комиссиясини тузишга қарор қилди. Бутун Бухоро МИК «Шеробод, Ҳисор, Рарм ва Кулоб вилоятлари Диктаторлик Комиссиясига батамом бўйсунади», деб белгилади. «Бундан ташқари, комиссия зиммасига конституцион қонунларни бекор қилмаган ҳолда, Қарши, Шаҳрисабз, Карки вилоятларида ҳам тартиб ўрнатиш» вазифаси юкланди. Анвар Пошшо ўз кучларининг бир қисмини Дониёлбек бошчилигидаги Сурхондарё воҳасига жўнатди. Улар бу ердаги Хуррамбек билан бирлашгач, Шаҳрисабз орқали Бухорога қараб юришлари ва Бухоро шаҳрини қамал қилаётган Мулла Абдулқаҳҳор қўшинига мадад беришлари лозим эди. Анвар Пошшонинг ўзи бўлса сал кейинроқ Бухорога ҳужум қилмоқчи бўлди. «Анвар ўзининг ўринбосари қилиб Иброҳимбекни 1200 йигити билан Шарқий Бухорода

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00784

қолдирди» [8].

**ХУЛОСА**

1921 йилнинг охири - 1922 йилнинг бошларида Шарқий Бухоронинг Бойсун ҳудудида Анвар Пошшо раҳбарлигидаги озодлик ҳаракати кенг сиёсий тус олади. Анвар Пошшо ҳаракатига турк зобитларидан Ҳожи Самибек (Салим Пошшо), Бартинли Муҳиддин, Нафтибек, Халилбек, Ҳасан Афанди (собиқ Термиз милицияси бошлиғи), Усмон Турсунов (Усмон Афанди) кабилар қўшилади ҳамда ҳарбий ҳаракатларга раҳбарлик қилади. Анвар Пошшо ҳамда Иброҳимбеклар биргаликда учрашиб, ҳарбий ҳаракатлар олиб боришга келишиш учун Ҳисорнинг Лақай водийсидаги Кўктош қишлоғида махсус анжуман ташкил этилади. Ягона қўмондонлик учун олиб борилган музокаралар натижасида кучлар бирлашиб, 1921 йил декабрида Шарқий Бухоро қўрбошиларининг харбий кенгашида Анвар Пошшо Бош қўмондон деб эълон қилинади [9]. Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш керакки, миллий кучлар ўртасида ягона ҳарбий режанинг йуқлигидан совет ҳукумати усталик билан фойдаланади. Советлар ҳукуматининг махсус вакили Олимжон Акчуриннинг жосуслик фаолияти туфайли миллий кучлар ўртасида ўзаро келишмовчилик кучаяди. Айниқса, Олимжон Акчуриннинг Анвар Пошшо номидан Сайд Олимхонга юборган сохта мактубида Анварнинг Иброҳимбек устидан Амирга шикояти баён қилинади. Анвар Пошшонинг сохта мухри босилган бу хатнинг «тасодифий» равишда Иброҳимбек қўлига туширилиши натижасида эса Анвар Пошшо билан Иброхимбек ўртасидаги ўзаро низолар ниҳоятда кучайиб кетади. Шунингдек, Олимжон Акчуриннинг Иброхимбек ва Анвар Пошшо номига алоҳида-алоҳида жўнатган махсус хатларида ҳам гуёки советлар ҳукумати уларни кечириши мумкинлиги қайд этилган. Масалан, Иброхимбек номига ёзилган хатда қуйидаги фикр мавжуд эди: «Беклар беги Иброхимбекбий жаноби олийларига! Анвар тузоғига илингансиз, деб афсус ва надоматлар чекмоқдамиз. Сиз жанобнинг истагингизга қараб адолат сулхи тузишга тайёрмиз. Сизга бехад хурмат ва ишонч ила Олимжон Акчурин. Шабъон ойининг 26 чоршанба куни. Бойсун шахри». Худди шу мазмундаги хат Анвар Пошшога ҳам жўнатилади. 1922 йил март ойининг бошларида Иброхимбек Бойсун-Шеробод чизиғи бўйлаб жойлашиб олди. Болжувондан Давлатмандбек ва Дарвоздан Эшон Султон гуруҳлари ҳам шу чизиқ бўйлаб тўпланди. Истиқлолчиларнинг зарбдор кучи Шеробод атрофига ўрнашган. Қўрбоши дасталарини ягона режа асосида жой-жойига қўйгач, Анвар

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00784

Пошшо Сурхондарёда ҳаракат қилаётган Дониёлбек қўмондонлигидаги қўшинларни Шаҳрисабзга жўнатди. Унинг ўзи бўлса Иброҳимбек билан биргаликда қўшиннинг асосий кучларини олиб, Бойсун шахрини ишғол қилиш учун жанг бошлади. Анвар Пошшо март ойининг бошида Бойсундан 18 чақирим узоқда бўлган тоғли Қўшбулоқ қишлоғига, кейин эса Қўшбулоқнинг жануброғидаги Пулҳоким қишлорига ўз қароргоҳини жойлаштирди. У ўз қароргоҳини 18 мартда Пулҳокимдан Кофирунга кўчирди, унинг штаби ҳам шу ерга келтирилди. Кофирун қишлоғи Бойсундан 16 чақирим жанубда жойлашган бўлиб, у ҳарбий - стратегик жиҳатдан қулайлиги билан Анвар Пошшонинг диққатини ўзига жалб этган эди [10]. Энг аввало Бойсун шаҳрининг ўзи қулай географик мавқега эга бўлиб, у Ғарбий Бухоро билан Шарқий Бухоро ўртасида дарвоза-кўрғон вазифасини ўтаб келарди. Унда истаганча ҳарбий қисмларни жойлаштириш, қулай жанг позициялари, фронт чизиқлари, мудофаа истеҳкомларини ташкил қилиш, пистирмада жанговар отрядларни жойлаштириб, душман йўлларини кесиб куйиб, унга қўққисдан зарба бериш имкониятлари бор эди. Анвар Пошшо Бойсун қамалига катта умид боғлайди ва у Кучкак, Авлод, Сариосиё, Паданг қишлоқларида Иброҳимбек билан Сохиб командирнинг Пулҳоким, Пудина, Чорбор, Инкобод, Даштироз қишлоқларида Эшон Султон билан Ҳожи Афандининг Сариқамиш, Кофирун, Работ, Биби Ширин, Мирқоракўз қишлоқларида Сурайё Афандининг Қизил ва Миршоди қишлоқларида Азимбек қўрбошининг йигитларини жойлаштирган эди. Кофирун-Работ-Қизил фронт чизиғи бўйлаб мудофаа истеҳкомлари қурилди [11]. Хуллас, Анвар Пошшонинг қизил аскарларга қарши 15 июнда Кофирунда ҳал қилувчи зарба тайёрлашга уриниши амалга ошмади. Июн ойининг иккинчи ярми ва июл ойининг бошларида сон ва сифат жиҳатидан устунликка эга бўлган қизил аскарлар истиқлолчиларни мағлубиятга учрата бошлади. Анвар Пошшо Афғонистон ҳарбий вазирига ёзган мактубида унинг қўшинларида патрон етишмаганлиги, русларнинг қуроли уларникига нисбатан сифатлироқ эканлиги жанг тақдирининг хал қилганлигини таъкидлайди.

## REFERENCES

1. Хайдаров, М., Алламуратов, М., & Хайруллаева, Н. (2021). Сравнительная оценка физического состояния подростков 11-16 лет с нарушением интеллекта. *Academic research in educational sciences*, *2*(Special Issue 1).
2. Сафарова, Д. Д., Пулатова, М. Д., & Султанова, Ю. А. (2017).

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00784

Взаимоотношения показателей гемодинамики с проявлением физической работоспособности у спортсменок-дзюдоисток. *Наука и спорт: современные тенденции*, *14*(1).

3. Пўлатова, М. Д. (2020). Применение восстановительных комплексов после травматических повреждений квалифицированных борцов. *Интернаука*, (8-1), 22-23.

4. Шукурова, С. С., Пулатова, М. Д., & Серебряков, В. В. (2021). Изменения показателей макроэлементов в крови у футболистов после физической нагрузки. *Academic research in educational sciences*, *2*(Special Issue 1).

5. Шукурова, С. С., Сейдалиева, Л. Д., & Шарипова, С. Н. (2021). Анализ гемодинамики игроков во время тренировочного процесса. *Academic research in educational sciences*, *2*(Special Issue 1).

6. Қутлимуратов, И. Х. (2021). Футболчиларнинг турли йўналишлардаги тўпни ошириб бериш ҳаракатларини ўрганиш. *Academic research in educational sciences*, *2*(Special Issue 1).

7. Nazirov, B. S. (2020). Master who devoted his life to sports. *Theoretical & Applied Science*, (6), 78-82.

8. Алиев, И. Б. (2020). Курашчиларнинг мусобака олди тайёргарлик боскичларидаги толикиш белгиларини турли х, ажмдаги таъсирига караб юкламаларни таксимлаш. *Фан-спортга,(2)*, 42-45.

9. GAZIEV, S. (2020). Improving the speed-strength preparedness of sambo wrestlers at the stage of sports improvement. *Фан-Спортга*, (1), 56-60.

10. Bakhtiyorovich, O. B. Improvement of methodology of development of technical and tactical methods with rapid power of belbog wrestlers.

11. Madraimov, H. K., & Aliyev, I. B. (2020). Distribution of training loads, taking into account the pre-competition training of freestyle wrestlers. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, *10*(9), 348-351.

12. Назаров, Н. Н., & Юсупов, Н. М. (2012). Философские особенности и развитие футбола в республике узбекистан. *Педагогические науки*, (3), 93-96.

13. НАЗАРОВ, Н. (2020). Мутафаккирлар илмий меросларидан фойдаланган ҳолда спортчи ёшларнинг ахлоқий ва эстетик қарашларини шакллантириш. *Фан-Спортга*, (3), 38-41.

14. Egamberdiyev, I. O. (2021). Unconventional development of balance on land in young kayakers. *Academic research in educational sciences*, *2*(2).

15. Geyger, A. I. (2021). Immunity of swimmers in the conditions of modern training. *Academic research in educational sciences*, *2*(2).

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00784

15. Собирова, Ш. У. (2019). Использование рекламных текстов в обучении иностранному языку. *Молодой ученый*, (18), 48-50.
17. Норбоева, Ф. Р. (2020). Перевод маркетинговых терминов в сфере спорта с английского языка на русский. *Интернаука*, (26-2), 27-28.
18. Норбоева, Ф. Р. (2020). Процесс преподавания иностранного языка в неязыковом вузе. *Интернаука*, *20*(149 часть 2), 74.
19. Rakhmatullayevna, N. F. (2020). The role of modern pedagogical technologies in the education system. *Наука и образование сегодня*, (6-2 (53)).
20. Xolisov, B. A. (2017). Yangi iqtisodiy siyosatning turkiston xalq xo'jaligiga ta'siri. *ЎзМУ хабарлари*, 129-132.
21. Jurayev, I. B. (2021). Futzal hakamlarining jismoniy tayyorgarlilarini yaxshilash hamda mavsumiy topshiriladigan fifa fitness testiga tayyorlash. *Internauka*, *4*(180), 75-77.
22. Mengliboyev, A. X. (2020). Tarixiy shaxslarning milliy manfaatlar uchun kurashi tarixidan. *Ўтмишга назар*, 215-219.
23. Xojiyev, S. S. (2021). Yosh xokkey darvozabonlarining shaybani to‘sish harakatlari samaradorligini oshirish. *Internauka*, *5*(181), 99-101.
24. Шукуров, М. Н. (2021). Курашшиларнинг организмига кластерланган махсус тайерлов техник машқларининг таъсири. *Наманган Давлат Илмий Ахборотномаси*, 366-369.
25. Ёқубова, Д. Т. (2020). Сурхондарё вилоятида ингичка толали пахтадан юқори ҳосил олиш агротехникасининг ривожланишида м.с. истоминнинг фаолияти. *Хоразм маъмун академияси ахборотномаси*, 120-123.

ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 4 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00785

# FRENSIS BEKON IJODI VA “YANGI ATLANTIS” ASARINING QISQACHA TAHLILI

**Jasur Ulug’bekovich Kamolov**
Buxoro davlat universiteti o’qituvchisi
jassourkamolov@yahoo.fr

## ANNOTATSIYA

Bu maqola Frensis Bekonning ingliz adabiyoti va tarixida tutgan o’rni , yashagan davri, uning dunyo qarashi, bilimlar nazariyasi falsafasini aks ettiradi. Va o’sha davrda sodir bo’lgan dunyodagi holatlarni ham.

**Kalit so’zlar:** Bekon, Yangi Atlantis, ingliz adabiyoti, falsafa, utopiya.

# BRIEF ANALYSIS OF THE WORK OF FRENSIS BACON AND THE WORK OF «NOVA ATLANTIS»

## ABSTRACT

This article reflects on Francis Bacon’s place in English literature and history, the perod in which he lived, his worldview, and his philosophy of knowledge theory. And world’s events at the time.

**Keywords:** Bacon, New Atlantis, English literature, philosophy, utopia.

## KIRISH

Frensis Bekon – ajoyib inson, hatto ingliz Uyg'onishdavri gigantlarining fonida ham yo'qolmaydigan arbob, Shekspirdek, o'z zamonasi falsafasini o'zgartirgan muhim inson sifatida qaraladi. Iqtidorli odam, "yangi zodagonlik" muhitidan kelib chiqqan» saroy odami. U butun hayotida siyosiy faoliyat olib borishga intildi va lord kansler maqomigacha erishdi. Bu lavozimdan u korruptsiyada ayblanib sharmanlarcha haydaldi, katta jarimaga tortildi va qamoqqa tashlandi.

F. Bekon ilm va fan muammolari bilan shug’ulladigan faylasuf bo'lib, shubhasiz, adabiy va falsafiy qobiliyat egasi sifatida tarixga kirdi. Uning oxirgi asari, 1623 yilda ingliz tilida yaratilgan "Yangi Atlantis" bo'lib, keyinchalik lotin tiliga tarjima qilingan edi. Bu vaqtga kelib, "Tajribalar va ko'rsatmalar" asari ma'lum bo'lgandi ( uch marta nashr etilgan muallifning hayoti davomida ), "Bilimning ilohiy va insoniy ahamiyati va muvaffaqiyati to'g'risida" gi risola (1609), "Qadimiy

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00785

donishmandlik to'g'risida" (1612), "Yangi Organon" (1620), "Ilm-fanning qadr-qimmati va ko'payishi to'g'risida" (1623), "Intellektual olamning ta'rifi" kabi risolalari o'limdan keyin nashr etilgan.

O'z o'zidan shakllangan utopiya janri Uyg'onish davrida mashhur bo'lgan , edi, va u adabiy tanqidga ham ta'sir etdi. Utopiyaning janr belgilariga uslubiy bir xillik deyiladi, unda " muallifning rejasi va qahramonning so'zlari xuddi aytilayotgan shaxsga tegishli". Bu hikoya, qoida tariqasida, qahramon sayohatchisi bo'lib, muallif turli xil badiiy vositalar yordamida uni haqiqiy deb ko'rsatishga harakat qiladi. Syujet qahramon va uning qanday ekanligini va uning yo'ldoshlar hayoliy mamlakatni qanday tashrif buyurishganliklarini hikoya qiladi. Bunday holatda , o'quvchi " utopik mamlakatni idrok eta olmaydi'' , ichki nuqtai nazardan " .

## ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

"Yangi Atlantis" badiiy asar sifatida utopiya janrning barcha belgilariga ega asar. O'sha paytda utopia nazariyasi Tomas Morning " Utopia" (1516) va Giovanni Domeniko Campanellaning ajoyib asari '' Quyoshli shahar'' ( 1608-1623)kabi namunalari orqali tanishtirilib chiqilgan edi. F. Bekonning asarlari ishonchli tarzda "xayoliy erishib bo'lmaydigan" ideal utopik mamlakat bo'lib, ongli ravishda o'z o'zini dunyoning qolgan qismidan ajratib oladi. Shu bilan birga, "xayoliy erishib bo'lmaydigan" juda ishonchli geografik ma'lumotlar bilan birlashtirilgan.

Angliya adabiyotida, o'rta asrlardan boshlab, bugungi kunga qadar dengiz sayohati sevimli mashg'ulot hisoblanadi. Chunki bu davlat, orollardan iborat. U "Yangi Atlantis" da hayoliy mamlakat Bensal haqida hikoya qilib qolmay, Bekon Marko Polo hayotiga tayanadi va u Kambalu va Kinsai shaharlarini tasvirlaydi.

## MUHOKAMA VA NATIJALAR

Bensalemda qahramonlar kutilmagan shamol sababli ularning kemalarini Janubiy dengizning o'rganilmagan qismiga olib kelinganligi, ya'ni Tinch okeaniga paydo bo'ladilar. Buyuk geografik kashfiyotlar davri uchun har xil turdagi vaziyatlar mavjud bo'lganligi sababli dunyo xaritasida ko'plab orollar va qit'alar paydo bo'ldi. Aboriginlar bilan sayohatchilar uchrashuvlari ham ta'kidlab o'tiladi.

Ular xurmo barglaridan yasalgan kulbalarda emas, chiroyli shaharda, boy va hashamatli liboslarni kiyib, mehmonlarni kutib olib, ularga ibroniy, qadimgi yunon, lotin va ispan tillaridagi matnlar pergamentni taqdim etib tushuntiradilar va bu ularni qirg'oqqa chiqishni taqiqlaydilar.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00785

"Yangi Atlantis" da Bekon insoniyat uchun o'z intilishlari va g'oyalarini ifoda etib, kelajakdagi inson kashfiyotlari va bilimlari haqidagi tasavvurni tasvirlab berdi. Roman "saxiylik va ma'rifat, qadr-qimmat va ulug'vorlik, taqvodorlik va jamoat ruhi" afsonaviy Bensalem aholisining umumiy qabul qilingan xislatlari bo'lgan utopik mamlakat yaratilishini tasvirlaydi. Salomon uyi (yoki Sulaymonning uyi) o'zining ideal misoli sifatida zamonaviy tadqiqot ta'lingohini taklif etdi.

Romanda, Peru g'arbida, Tinch okeanida yo'qolgan, keyin Evropa kemasining jamoasi tomonidan topilgan afsonaviy Bensal orol tasvirlanadi . Muallif uning urf-odatlarini bosqichma-bosqich ochib berishga harakat qiladi, va yana u Salomon uyini , ''shohlikning ko'zidir'' deb ta'kidlaydi.

Bu kitobda ko'plab jarayonlar kechadi, misol uchun: jamiyatning ko'plab jihatlari va orolning tarixi, xristian dini, Muqaddas kitob, nusxasi va Sankt-Bartholomewning maktub,i sifatida paydo bo'lgan, mo'jizaviy ravishda Isoning yuksalishi, oila bayramlari. Osmon va yer xudosi ijodi va ularning sirlarini o'rganish uchun inoyatga sazovor bo'lgan" "Salomon uyi", shuningdek, "ilohiy mo'jizalar, tabiat asarlari, san'at asarlari, yolg'on va barcha turdagi illuziyalarni v h k.

Salomon uyining rahbari Yoabin yahudiy va Bensalem aholisi hokimi bo'ladi. Yuqori axloqiy fazilatlar va halollik bilan ajralib turadi, chunki hech qanday rasmiy shaxs xususiy shaxslardan hech qanday to'lovlarni qabul qilmaydi. Orol aholisining biriga ko'ra, odamlar ham pok va dindor deb ataladi.

Yangi kelganlarni, Bensalem aholisi mamlakatda qolishi uchun sharoit yaratib, ularni sotishga urinib ko'rishadi. "Ular bilan birga ba'zi narsalar" borligini aytganda, g'ayrat ko'rsatishmaydi. Yana ajablanarli tomoni, ham xizmatkorlar ,ham amaldorlar " qanday qilib?" yordam ko'rsatishadi. Odatda xizmatkor amaldorga bo'ysunadiku.

## XULOSA

Sayohatchilarning millati noma'lum bo'lib qolmoqda, hech bir joyda inglizlar deb aytilmagan, ammo ular evropaliklar ekanligi aniq. Utopik janrdagi asarlarda aytilganidek, orolda bo'lgan sayohatchilar o'z jamiyati va davlatidan hayratga tushishadi, bu esa muallifga ideal ijtimoiy qurilma haqida o'z fikrlarini bildirishga imkon beradi. Tadqiqotchilar, Mora va Bekon utopiyalarini taqqoslab, ular tomonidan tasvirlangan mamlakatning ijtimoiy tuzilmasiga juda kam e'tibor berganliklarini ta'kidlashadi. "Yangi Atlantis" ning saqlanib qolgan qismida asosiy e'tibor ikki masala– oila va ilm-fanga qaratiladi.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00785

Hikoya bilan bog'liq bo'lgan oila haqida mulohaza yuritishda Bensalemning oilaviy bayrami haqida "qarama-qarshilikdan" tamoyili aniq ko'rinib turibdi, Yeropaliklarning urf-odatlarini qoralash aniq ko'rinadi

Asarda talqin etiladiki , Orolda hech qanday uylar yo'q, u yerdakilar benselmanliklar hayratga soladi va yevropaliklarni ,, har narsaga toqat qiladilar deb g'azablantiradi, chunki asar ingliz shoiri va faylasufi tomonidan yozilgan.

Ideal jamiyatni ta'riflashda Bekon uchun asosiy narsa, ilm-fan, uning maqsadlari, uning usullari haqida fikrlari, uning davlatdagi o'rnidir. Bu fikrlar faylasufni hayoti davomida egallagan, ular barcha falsafiy asarlarining asosiy mazmunini tashkil qiladi. Ilm so’zi asarda ko’p uchraydi. Shuni taklif qilish mumkinki, Yangi Atlantis asari, ilf-fan haqida, yozuvchi uchun muhim bo'lgan tezislarning tasviri sifatida yaratilgan deb taxmin qilish mumkin. Asarning asosiy qismi Sulaymonning uyiga ma'lum bir jamiyatga bag'ishlangan. Ularning barchasi ,, hidoyat nuri" kabi Bensalman oroliga xizmat ko'rsatadi. Ushbu muassasaning maqsadini F. Bekon "Muhim insonlarni ijodini o'rganish" deb anglatadi va " barcha sabablar va yashirin kuchlarni bilish va tabiat ustidan inson ta'sirini kengaytirish,hamma narsa uning uchun bo'lmaydigandek tuyuladi»

Ushbu gaplar deyarli so'zma-so'z bir iboraga to'g'ri keladi: inson tabiatning xizmatkoridir. Bu ibora Yangi Atlantisni ,, Fanning buyuk jonlanishi deb tasvirlab bergan.

## REFERENCES

1. ULUGBEKOVICH, J. K. Francis Bacon Principles And His Philosophy. *JournalNX*, *7*(1), 152-155.
2. Ulughbekovich, K. J. (2021, April). THE PLACE OF THE WRITER FRANCIS BACON IN ENGLISH LITERATURE. In *E-Conference Globe* (pp. 452-457).
3. https://www.neliti.com/publications/336238/francis-bacon-principles-and-his-philosophy
4. https://www.britannica.com/biography/Francis-Bacon-Viscount-Saint-Alban
5. https://www.grandars.ru/college/filosofiya/filosofiya-frensisa-bekona.html
6. http://www.library.fa.ru/exhib.asp?id=121
7. https://newtonew.com/science/idoly-kotorye-meshayut-mysli

ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 4 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00786

# 1918-1941 -YILLARDA O‘ZBEKIST0NDA SUZISH SPORT TURINING RIVOJLANISHI TARIXI

**Xurshid Otaquluvich Maxmarizayev**
Qarshi davlat universiteti o'qituvchisi

## ANNOTATSIYA

Mazkur maqolada 1918-1941 -yillarda O‘zbekistonda suzishning rivojlanishi tarixi hamda uning yutuq va kamchiliklari qisqacha ko’rib chiqilgan.

**Kalit so’zlar:** sport, suzish, musobaqa, spartakiada, suv sporti.

# HISTORY OF DEVELOPMENT OF SWIMMING IN UZBEKISTAN IN 1918-1941

## ABSTRACT

This article summarizes the history of the development of swimming in Uzbekistan in 1918-1941 and its achievements and shortcomings.

**Keywords:** sports, swimming, competitions, spartakiada, water sports.

## KIRISH

Turkistonda ommaviy suzishning dastlabki qadamlari 1918-yilda Vseobuchning yuzaga kelishi bilan bog’liq bo‘lib, u Toshkent xalq universiteti qoshida havaskor suzuvchilar to‘garagining paydobo‘lishiga turtki berdi. Ular Salar yoki Bo‘zsuvdagi o‘zlari yoqtirib qolgan joyda to‘planib, birgalikda cho‘milar yoki suzar edilar. O‘zbekistonda sportcha suzishning rivojlanishi XX asming 20-yillaridan boshlangan. 1920-yilda Toshkent shahrida hozirgi “Paxtakor” stadioni bilan Anxor kanali orasida mashhur akauka shifokor Slonimlaming mablag‘iga 15 m li suzish basseyni va davolovchi solyariy qirildi. Aynan shu zaminda Turkiston respublikasida birinchi suzish maktabi paydo bo‘ldi. Maktabda turli jins va yoshdagi 800 ga yaqin kishi suzishni o‘rgangan.[1] Bu maktabning tashkilotchisi va yagona murabbiysi 1914-yilda AQShdan kelgan Sidney Lvovich Djakson edi. U serqirra sportchi – tashabbuskor bo'lib, uning birinchi shogirdlari - suzuvchilar P.T. Taranov, V.K. Morozov va boshqalar bo‘lgan. 1921-yilda Turkfront Vseobuchi boshqarmasi huzurida Jismoniy tarbiya markaziy kengashining tashkil etilganligi suzishning rivojlanishida qatta rol o'ynadi. 1922-yilda “Fortuna” sport jamiyati yuzaga keldi[2], unda suzish havaskorlarining to'garaklari birlashtirildi va suzish bo‘yicha dastlabki

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00786

jamiyat birinchiliklari o‘tkazildi. Shu yilning o‘zida Toshkent shahri birinchiligi uchun ilk musobaqalar o‘tkazildi.

## ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Barcha masofalarda S.L. Djakson g‘oliblikni qo‘lga kiritdi. 1924-25 yillarda Toshkent yaqinidagi Bo‘zsuv daryosida gidroelektrostansiya qurildi va suzish bo‘yicha sport ishlari hosil bo‘lgan suv omborida davom ettirildi, biroq bu yerda ko‘p vaqtgacha suzish uchun suv stansiyasi yo‘q edi. Keyinchalik suv ombori qirg‘og‘ida qayiqlar stansiyasi tashkil qilindi. 1927-yilda Bo‘zsuv kanalida TashGRES suv omborida 50 metrlik suzish basseyni bo‘lgan birinchi suv stansiyasining qurilishi respublikaning sport hayotidagi katta voqea bo‘ldi. Shu yilning yozidayoq Samara shahri suzuvehilari bilan uchrashuv uyushtirildi. Samaraliklardan - mazkur musobaqalar ishtirokchisi N.N. Tarasov Toshkentda qolib, suv sporti turlari bo'yicha yo‘riqchi bo‘lib ishlay boshladi. Birmuncha vaqt o‘tgach, birinchi suv stansiyasi yaqinida Toshtram xodimlari tomonidan ikkinchi suv stansiyasi qurildi.

Suv stansiyalari suzuvchilaming mashg‘ulot o‘tkazadigan sevimli joyiga atlandi, bu yerda ko‘plab suv sporti musobaqalari o‘tkaziladigan bo‘ldi. 1927-yilning yozi oxirida shu stansiyalarda Turkiston harbiy okrugining suzish bo‘yicha musobaqalari, shuningdek, I Butun o‘zbek spartakiadasi dasturidagi musobaqalar tashkil qilindi.

Suzishning keng targ'ib qilinishi, jiddiy tashviqot ishlari bunga katta yordam berdi. I-Butun o‘zbek spartakiadasi dasturida suzish umumjamoa hisobiga kiritilmagan edi, “chunki bunda ayrim okruglar, O‘zbekistonda suv sporti turlari keng tarqalmaganligi tufayli, noteng sharoitlarga tushib qolardi”. Xuddi shu sababga ko‘ra 1929-yilda o‘tkazilgan, II-Butun o‘zbek spartakiadasida respublikaning shaxsiy birinchiligi uchun kurashlar bo‘lib o‘tdi. Shu bilan birga, yuqorida aytib o‘tilgan musobaqalardan keyin yoshlar suzish to‘garaklariga “oqib” kela boshladilar. Moskvada o‘tkaziladigan Butun ittifoq spartakiadasida ishtirok etish uchun eng yaxshi suzuvchilar saralab olindi. Bu jamoa tarkibiga 5 kishi: 2 nafar ayol - N.Shak va N.Lobova hamda 3 nafar erkak - P.Kravchenko, G.Vasilenko va I.Sadiqov (hammasi Toshkentdan) kiritildi. O‘zbekistonning suzuvchilar jamoasi spartakiadada yaxshi natija ko‘rsata olmadi, faqatgina Turkiston jamoasini ortda qoldirib, 16-o‘rinni egalladi.[3] Shunisi muhim ediki, Butun ittifoq spartakiadasi qatnashchilari mamlakatning eng yaxshi suzuvchilari va o‘sha vaqtda ilg‘or hisoblangan suzish texnikasi, shuningdek, mashg'ulotlar usubiyati bilan tanishdilar.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00786

O‘zbekistonlik suzuvchilarning Butun ittifoq spartakiadasida ishtirok etishi Buxoro, Andijon singari shaharlarda sportcha suzishning rivojlanishiga turtki bo'ldi. Buxoro suzuvchilarining mashg‘ulotlari shahardagi eng katta sun’iy suv havzasi – Labihovuzda o'tkaziladigan bo‘ldi, Andijonda esa buning uchun shahar bog'idagi sun’iy suv havzasi tanlab olindi. Murabbiylar P.Kravchenko vaN.Tarasov rahbarligida muntazam mashg‘ulotlar, ko‘rgazmali musobaqalar boshlandi. Tez-tez suv bayramlari tashkil etiladigan bo‘ldi, ularda toshkentliklar bilan bir qatorda Andijon suzuvchilari ham qatnasha boshladilar. 1928-yilda Sirdaryo yaqinidagi Xo‘janddaham suv stansiyasi ishga tushdi.[4]

Suzish bo‘yicha o‘quv-sport ishlari sifatini yaxshilashda A.A. Jemchujnikov (1925), I.V. Cherkanning (1927) o‘quv qo‘llanmalari, NA. Butovich tahriri ostida chiqqan “Suzish, suvga sakrash va suv polosi” (1928) kitobi, shuningdek, suzish bo‘yicha musobaqa qoidalari katta ahamiyatga ega bo‘ldi. Shu bilan birga, suzish bo‘yicha olib borilgan ishlarning miqyosi va respublikada bu sport turi bilan shug‘ullanuvchilar soni yana qator yillar davomida talabga javob beradigan darajada etnas edi.

## MUHOKAMA VA NATIJALAR

Yerli xalq vakillari, ayniqsa, ayollarni suzishga jalb qilish diniy va milliy urf-odatlar tufayli juda qiyin kechdi. Mutaxassis yetishmasdi, qishki suzish basseynlari yo‘q, yozgi bazalar esa kam edi. Tashabbuskorlar bir yozgi mavsumda erishgan natijalar uchun kelgusi yozda yangidan ish boshlashga to‘g‘ri kelar, chunki yozda suzish bilan shug‘ullanganlar qishda boshqa sport turiga o‘tib ketar edilar. To‘g‘ri, bunday sharoit ashaddiy suzuvchilarning serqirra sportchi bo‘lib etishishlariga yordam beradi. Ular gimnastika, suvga sakrash, eshkak eshish bo‘yicha musobaqada ishtirok etadigan bo‘ldilar. S.L. Djakson, N.N. Tarasov, P.V. Kravchenko, P.T. Taranov va boshqa o‘zlarini suv sportchilari deb atovchi ko‘pgina suzuvchi faxriylarining sportdagi yo‘li aynan shunday boshlangan. O‘zbekistonda suzish sport turining rivojlanishida hukumatning “Mamlakatda jismoniy tarbiya harakati to‘g‘risida”gi qarori jiddiy ahamiyatga ega bo‘ldi. Shu munosabat bilan suzishga qiziquvchilar soni ancha oshdi, mavjud suv stansiyalari tartibga keltirildi, Poltoratskiy nomli kasalxona (hozirgi ToshMI) qoshidagi 32,5 m li basseyn ishga tushirildi.

O‘zbek suzuvchilarining asosiy mashg‘ulot o‘tkazish joyi Bo‘zsuv suv omboridagi suv stansiyalari bo‘lib qolaverdi, Poltoraskiy nomli kasalxona basseynidan esa uzoq vaqt davomida faqat davolash maqsadlarida foydalanildi. 1930-

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00786

yilda Toshkentga brass usulida suzish bo‘yicha Moskva chempioni N.Anufrieva keldi. 1932-yilgacha u respublikada o‘tkazilgan barcha musobaqalarda muvaffaqiyatli qatnashdi, shuningdek, ularni tashkil etishda yordam berdi, murabbiy bo‘lib ishladi, o‘z tajribasini yosh suzuvchilar bilan o‘rtoqlashdi. 1931-yil oktyabrida Toshkentga Norvegiya ishchilari sport delegatsiyasining tashrif buyurishi O‘zbekistonning ijtimoiy hayotida ulkan voqea bo‘ldi. Delegatsiya tarkibiga suzuvchilar ham kirgan edi. Chet ellik mehmonlar o‘rtoqlik uchrashuvlari ko‘p sonli tomoshabinlarmng e’tiborni tortdi. O‘zbek murabbiy va sportchilari sportcha suzishning yangi texnikasi bilan tanashdilar. 1931-1934-yillarda “Mehnat va mudofaaga tayyor!” (GTO)[5] Butunittifoq yagona jismoniy tarbiya majmuasining ishlab chiqilishi respublikada suzish bo‘yicha ishlar miqyosini kengaytirdi. To‘g‘ri, O‘zbekiston suvsiz hudud hisoblangani uchun GTO majmuasining suzish buyicha me’yorlarini bajarishi bu yerda talab qilinmagan. Biroq Toshkentda bu ish ommaviy tus oldi. Suzish bo‘yicha me’yorlami topshirishga tayyorgarlik yoshlaming bu amaliy ko‘nikmani egallab olishga qiziqishlarini kuchaytirdi.

Suv havzalari yaqinida joylashgan suv stansiyalarida GTO majmuasi me’yorlarini topshirish musobaqalari tashkil etildi. Bu davrda V.N. Sivinsev, P.V. Kravchenko, N.I. Shak, P.T. Taranov kabi murabbiylar katta ishlarni amalga oshirdilar. 1934-yilda suv bog'ali hududida shahar suv tarmog‘i uchun suv bosim minorasi qurildi, bu yerda suzish bilan shug‘ullanish taqiqlandi, suv stansiyalari esa yopildi. Toshkentlik suzuvchilar eng yaxshi sport bazalaridan mahrum bo‘ldilar. Garchi respublika poytaxtida uncha katta bo‘lmagan uchta basseyn mavjud bo‘lsa-da, ulardan ikkitasi harbiy qism hududida joylashganligi sababli foydalanish uchun noqulay, uchinchisi esa ToshMI tasarrufida va hanuzgacha faqat davolash maqsadlaridagina qo‘llanilar edi. Bu basseyn ham, 1935-yilda to‘qimachilik kombinati tomonidan qurilgan yangi basseyn ham zarur talablarga javob bermasdi: ularning o‘lchamlari nostandart (hatto aylana shaklida), start qutilari va yo‘lkachalari yo‘q. Shuning uchun suzishni yirik sport tadbirlari dasturiga kiritmay qo‘ydilar. Masalan, 1934-yilda u O‘rta Osiyo respublikalari va Qozog‘iston Spartakiadasidasi dasturidan chiqarib yuborildi. Lekin suzish bilan bog‘liq ishlar to‘xtab qolmadi.

Taniqli suzuvchi V.N. Mixaylov murabbiy sifatida O‘rta Osiyo harbiy okrugi yosh suzuvchilari bilan Turkiston harbiy okrugi basseynida suzish bo‘yicha murabbiy bo‘ldi. Keyinchalik ular respublikaning yetakchi murabbiylari bo‘lib yetshidilar. Suzish bo‘yicha ilk bor O‘zbekiston birinchiligi 1935-yilda Andijonda o‘tkazildi. Unda Andijon, Farg‘ona, Qo‘qon jamoalari to‘la tarkibda qatnashdi. Toshkentdan bor-yo‘g‘i 4 kishi ishtirok etdi. Erkin usulda 100 va 200 m suzishda andijonlik

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00786

N.Davidenko, brass usulida suzishda toshkentlik V.Mixaylov, yonlamasiga suzishda toshkentlik A.Vajnin, 100, 200 va 400 m tredjenda toshkentlik N.Zokirov dastlabki respublika chempionlari bo‘ldilar. Ular ko'rsatgan natijalar unchalik yuqori emas - II razryad darajasida edi. Mazkur musobaqalami tahlil qilar ekan, suzish bo‘yicha murabbiy N. Shax “O‘zbekiston fizkulturachisi” gazetasining 1935-yil 23-avgust sonida yozgan edi: “O‘tkazilgan musobalar, natijalaming pastligiga qaramay, suv sportiga foyda keltirdi. Musobaqa ishtirokchilari suzish uslublari to‘g‘risidagi bilimlarga ega bo‘ldilar va o‘zaro jipslashdirlar, uyga qaytgach, ularni kuch bilan bu go‘zal, lekin, afsuski, bizda keng ommalashmagan sport turini qo‘zg‘atib, taraqqiy ettirishlari kerak”.[6] Quyiroqda ta’kidlanishicha, jamoalar joylarda saralash musobaqalarini o‘tkazmay, da‘vogarlaming u yoki bu usulda suzishni bilishlari haqidagi gaplariga ishonib shakllantirilgan. Oqibatda ayrim ishtirokchilar start oldidan suzish usulini bilmasliklarini aytib, suvga tushishdan bosh tortdilar. Yana aytib o‘tildiki, Andijonda ajoyib basseyn bo‘lishiga qaramay, mutaxassislar yo‘qligi tufayli unda ish olib borilmayapti.

Shu yilning o'zida basseynda O‘rta Osiyo harbiy okrugi spartakiadasi dasturiga ko‘ra suzish musobaqalari o‘tkazildi, ToshMI basseynida esa shu yili ham, keytingi yillarda ham Toshkent birinchiliklari tashkil etildi. Sport jamoatchiligi suv sporti bazalarida yuzaga kelgan og'ir holat bilan murosa qilolmadi. Respublika va Toshkent shahri matbuoti yana o‘lkada suv sporti turlarini rivojlantirish, suzish basseynlarini qurish masalasini ko‘ndalang qo‘ydi. 1936-yil 12 martda “O‘zbekiston fizkulturachisi”da bosilgan maqolada shunday so‘zlar bor edi: “Bo'zsuv suv stansiyasi - yoshlaming sevimli maskani ishlab turgan kunlar barchaning yodida. Erta bahordan boshlab Toshkentning minglab mehnatkashlari ayniqsa, yoshlar mazkur suv stansiyasini to‘ldirar edilar. Bu yerda suzish, suvga sakrash, eshkak eshish bo‘yicha musobaqalar o'tkazilar, shuningdek GTO me’yorlarini topshirish amalga oshirilardi. Suv quvurlari o‘tkazilishi bilan stansiya berkitildi. Shundan so‘ng suzish ishlari to‘xtab qoldi, 1935-yilda Andijonda o'tkazilgan birinchilikka esa respublikadan bor-yo‘g‘i 20 nafar suzuvchi to‘plandi, ular orasida biror ayol kishi yo‘q edi. Basseynlar kerak, suv sportini joylantirish zarur”.[7] Shuningdek, gazeta 1934-yil uchun GTO majmuasining suzish bo'yicha me’yorlarini 19 kishigina topshirganini ta’kidladi. S.L. Djakson va boshqalar shu gazetaning 1936-yil 24-mart sonida ko‘targan masalalar yuqoridagiga hamohang edi. Suzish bo'yicha rejalashtirilgan ayrim tadbirlar umuman o‘tkazilmadi. Masalan, 1936-yilda III Butuno'zbek spartakiadasi munosabati bilan Andijon va Toshkentda uyushtirilishi kerak bo‘lgan suv bayramlari amalga oshirilmadi, spartakiada dasturida ham suzish sport turi yo‘q edi.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00786

1936-yilda hukumat va yoshlar tashkilotlarining yordami bilan O‘zbekistonda suzish mashg‘ulotlari uchun moddiy baza sezilarli darajada kengaytirildi. 1936-yil oxirida Toshkentda Temiryo‘lchilarning madaniyat va istirohat bog‘ida 25 metrli ochiq basseyn qurildi, uning qoshida 1937-yilda shaharda birinchi suzish bo‘yicha bolalar sport maktabi ochildi. Maktabga V.N. Mixaylov rahbarlik qila boshladi. 1937-yildagi O‘zbekiston birinchiligi to‘qimachilik kombinati basseynida o‘tkazilib, u suzuvchilarga katta muvaffaqiyatlar olib keldi. Musobaqqada oltita KSJ vakillari bo‘lgan 50 kishi qatnashdi. 8 ta respublika rekordi qayd etildi. Brass usulida suzishda dinamochi S.Kolesov rekord o'rnatdi: 100 m - 1.35.5 sek\ 200 m - 3.35,7 sek; 400 m - 7.01,8 sek. Ko‘krakda krol usuli bilan suzishda V.Glushchenkov rekordlar o‘rnatdi: 100 m - 1.07.7 va400 m - 5.09,5 sek. U “ O‘qituvchi” KSJ jamoasi vakili edi.[8] Uning 400 m masofaga suzishda ko‘rsatgan natijasi ittifoqda eng yaxshi bo‘lsa ham, bu natija O‘zbekiston rekordi sifatida qayd etilmadi, chunki V.Glushchenkov bu vaqtda Xarkov aviatsiya instituti talabasi edi.

1938-yilda suzish basseynlari sport mashg‘ulotlari o‘tkazish uchun yaroqsiz holga keldi, chunki ular oddiy cho‘milish joylariga aylanib qoldi. Yana sport basseynlari, suv stansiyalarini qurish masalasi ko‘ndalang bo‘ldi. Yoshlar kuchi bilan Toshkent va Samarqandda sun’iy ko‘liar uchun havzalar tayyorlana boshladi. Temir yo‘lchilar bog‘idagi suzish basseyni ko‘mib tashlandi, uning o‘niga 1939-yilda Toshkent aholisi tomonidan jamoatchilik asosida 9 gektarlik bog‘ hududida Komsomol ko‘li yuzaga keltirildi. Ko‘lda, suzuvchi sollarda 2 ta yirik suv stansiyasi qurildi: 1939-yilning kuzida “Spartak”[9], 1940- yil bahorida “Dinamo” (keyinchalik “Mehnat”)[10] stansiyalari paydo bo‘lib, ular uzoq yillar davomida O‘zbekiston suzuvchilarining asosiy tayyorgarlik bazasiga aylanib qoldi. Respublika suzish seksiyasi tashkil etildi, yetakchi murabbiylar A.K. Smirnov (O‘zbekistonda xizmat ko‘rsatgan murabbiy), V.N. Mixaylov, P.M. Borodkin, N.TSybuljenko, N.M. Kofper va V.T. Bondarenko (SSSRda xizmat ko‘rsatgan murabbiy) shu yerda faoliyat ko‘rsata boshladilar Seksiya O‘zbekistonda suzishni rivojlantirishning turli tashkiliy va usuliy muammolarini malakali hal etar, respublika miqyosidagi musobaqalami tashkil qilar edi. Suzish bilan shug‘ulla-nuvchilar soni ortib, bu sport turidagi natijalar o‘sib bordi. 1939-yilda O‘zbekiston suzish federatsiyasi yuzaga keldi. Federatsiyaning birinchi raisi etib A.K. Smirnov saylandi.[11] Keyinchilik federatsiyani U.S. Bektemirov, F.I. Raximov, O.K. Adamanov boshqardilar. 1941-yilga kelib, 33 nafar I razryadli, 12 nafar 2 razryadli va 30 nafar 3- razryadli sportchilar tayyorlandi.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00786

## XULOSA

Xulosa qilib aytganda, 1918-1941-yillarda O‘zbekistonda suzish sporti bir qadar ijobiy o‘zgarishlarni boshidan kechirdi va ma‘lum darjada yutuqlarga erishdi. Bu o‘z navbatida keyingi yillarda suzish bo‘yicha ishlaring tashkil etilish darajasi yaxshilandi, O‘zbekitsonning yetakchi suzuvchilari sport natijalari ko‘tarildi, yangi qobiliyatli sportchilar paydo bo‘lishida asosiy rol o‘ynadi.

## REFERENCES

1. Хайдаров, М., Алламуратов, М., & Хайруллаева, Н. (2021). Сравнительная оценка физического состояния подростков 11-16 лет с нарушением интеллекта. *Academic research in educational sciences*, *2*(Special Issue 1).
2. Сафарова, Д. Д., Пулатова, М. Д., & Султанова, Ю. А. (2017). Взаимоотношения показателей гемодинамики с проявлением физической работоспособности у спортсменок-дзюдоисток. *Наука и спорт: современные тенденции*, *14*(1).
3. Пўлатова, М. Д. (2020). Применение восстановительных комплексов после травматических повреждений квалифицированных борцов. *Интернаука*, (8-1), 22-23.
4. Шукурова, С. С., Пулатова, М. Д., & Серебряков, В. В. (2021). Изменения показателей макроэлементов в крови у футболистов после физической нагрузки. *Academic research in educational sciences*, *2*(Special Issue 1).
5. Шукурова, С. С., Сейдалиева, Л. Д., & Шарипова, С. Н. (2021). Анализ гемодинамики игроков во время тренировочного процесса. *Academic research in educational sciences*, *2*(Special Issue 1).
6. Қутлимуратов, И. Х. (2021). Футболчиларнинг турли йўналишлардаги тўпни ошириб бериш ҳаракатларини ўрганиш. *Academic research in educational sciences*, *2*(Special Issue 1).
7. Nazirov, B. S. (2020). Master who devoted his life to sports. *Theoretical & Applied Science*, (6), 78-82.
8. Алиев, И. Б. (2020). Курашчиларнинг мусобака олди тайёргарлик боскичларидаги толикиш белгиларини турли х, ажмдаги таъсирига караб юкламаларни таксимлаш. *Фан-спортга,(2)*, 42-45.
9. GAZIEV, S. (2020). Improving the speed-strength preparedness of sambo wrestlers at the stage of sports improvement. *Фан-Спортга*, (1), 56-60.
10. Bakhtiyorovich, O. B. Improvement of methodology of development of technical and tactical methods with rapid power of belbog wrestlers.
11. Madraimov, H. K., & Aliyev, I. B. (2020). Distribution of training loads, taking into account the pre-competition training of freestyle wrestlers. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, *10*(9), 348-351.
12. Назаров, Н. Н., & Юсупов, Н. М. (2012). Философские особенности и развитие футбола в республике узбекистан. *Педагогические науки*, (3), 93-96.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00786

13. НАЗАРОВ, Н. (2020). Мутафаккирлар илмий меросларидан фойдаланган ҳолда спортчи ёшларнинг ахлоқий ва эстетик қарашларини шакллантириш. *Фан-Спортга*, (3), 38-41.
14. Egamberdiyev, I. O. (2021). Unconventional development of balance on land in young kayakers. *Academic research in educational sciences*, *2*(2).
15. Geyger, A. I. (2021). Immunity of swimmers in the conditions of modern training. *Academic research in educational sciences*, *2*(2).
16. Собирова, Ш. У. (2019). Использование рекламных текстов в обучении иностранному языку. *Молодой ученый*, (18), 48-50.
17. Avlaev, O., & Maripov, E. (2020). The problem of emotional situations like childhood, anxiety and fear. *SAARJ Journal on Banking & Insurance Research (SJBIR)*, *9*(3), 24-28.
18. Норбоева, Ф. Р. (2020). Перевод маркетинговых терминов в сфере спорта с английского языка на русский. *Интернаука*, (26-2), 27-28.
19. Норбоева, Ф. Р. (2020). Процесс преподавания иностранного языка в неязыковом вузе. *Интернаука*, *20*(149 часть 2), 74.
20. Rakhmatullayevna, N. F. (2020). The role of modern pedagogical technologies in the education system. *Наука и образование сегодня*, (6-2 (53)).
21. Xolisov, B. A. (2017). Yangi iqtisodiy siyosatning turkiston xalq xo'jaligiga ta'siri. *ЎзМУ хабарлари*, 129-132.
22. Jurayev, I. B. (2021). Futzal hakamlarining jismoniy tayyorgarlilarini yaxshilash hamda mavsumiy topshiriladigan fifa fitness testiga tayyorlash. *Internauka*, *4*(180), 75-77.
23. Mengliboyev, A. X. (2020). Tarixiy shaxslarning milliy manfaatlar uchun kurashi tarixidan. *Ўтмишга назар*, 215-219.
24. Xojiyev, S. S. (2021). Yosh xokkey darvozabonlarining shaybani to‘sish harakatlari samaradorligini oshirish. *Internauka*, *5*(181), 99-101.
25. Шукуров, М. Н. (2021). Курашшиларнинг организмига кластерланган махсус тайерлов техник машқларининг таъсири. *Наманган Давлат Илмий Ахборотномаси*, 366-369.
26. Ёқубова, Д. Т. (2020). Сурхондарё вилоятида ингичка толали пахтадан юқори ҳосил олиш агротехникасининг ривожланишида м.с. истоминнинг фаолияти. *Хоразм маъмун академияси ахборотномаси*, 120-123.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00787

# O'ZBEKISTONDA 2017-2020 YILLARDA JISMONIY MADANIYAT VA SPORT SOHASIDA YANGI ME'YORIY-HUQUQIY TIZIMNING YO'LGA QO'YILISHI

**Baxtiyor Safarovich Nazirov**
Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti o'qituvchisi
baxtnazir-1@mail.ru

## ANNOTATSIYA

O’zbekiston Respublikasi mustaqillik yillari jismoniy madaniyat va sport sohasi orqali mamlakatni har tamonlama rivojlantirishning hozirgi kundagi ustuvor masalasi bo’yicha so’nggi to’rt yilda yutimizda bu borada qator me’yoriy huquqiy-me’yoriy normativ hujjatlar qabul qilinishi va undan ko’zlangan maqsadlar chuqur tahlil etilib ochib berilgan.

**Kalit so’zlar:** "Yangi O’zbekiston", "Harakatlar strategiyasi", jismoniy madaniyat va sport, Sog’lom avlod, Ommaviy sport, "Umid nihollari", "Barkamol avlod", "Universiada", Olimpiada, sog’lom turmush tarzi, sport seleksiyasi, 5 ta muhim tashabbus.

# ESTABLISHMENT OF A NEW LEGAL SYSTEM IN THE FIELD OF PHYSICAL CULTURE AND SPORTS IN UZBEKISTAN IN 2017-2020

## ABSTRACT

During the last four years of independence, the Republic of Uzbekistan has adopted a number of normative legal acts on the current priority of comprehensive development of the country through physical culture and sports. The goals are analyzed in depth and revealed.

**Keywords:** "New Uzbekistan", "Action Strategy", Physical Culture and Sports, Healthy Generation, Mass Sports, "Umid Nihollari", "Harmonious Generation", "Universiade", Olympics, Healthy Living style, sports selection, 5 important initiatives.

## KIRISH

Mustaqillikning dastlabki yillaridayoq mamlakatda iqtisodiy, siyosiy, madaniy jarayonlar bo‘yicha jiddiy islohotlarni o‘tkazish jismoniy tarbiya va sport sohasida tarixiy ahamiyat kasb etuvchi yangi yo‘nalishlar yuzaga keldi. Aholining

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00787

salomatligini yaxshilash, o‘quvchi yoshlar va talabalarning jismoniy barkamolligini tarbiyalash, iqtidorli sportchilarning mahoratini davr talablari hamda xalqaro andozalar asosida takomillashtirib borish, shuningdek mehnatkash omma, ziyolilarning ish qobiliyatlarini va mehnat unumdorligini oshirish, eng muhimi esa, sog‘lom turmush tarzi orqali umrni uzaytirishga, sog‘lom avlodni tarbiyalashga alohida e’tibor kuchaydi.

## ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Bu yo‘lda Respublika birinchi Prezidenti I. Karimovning hissasi g‘oyat yuksakdir. “O‘zining salomatligi haqida shaxsan g‘amxo‘rlik qilib borish madaniyatini yoshlikdan, maktab, mahalla, sog‘liqni saqlash tizimi, jismoniy tarbiya va sportning ko‘magida singdirish kerak”[2], - degan o‘ta chuqur mazmunli mantiqiy da’vati e’tiborga molikdir.

Respublika sport tashkilotlari va uyushmalarining tashabbusi bilan sobiq Ittifoq respublikalar orasida birinchilardan bo‘lib “Jismoniy tarbiya va sport to‘g‘risida” 1992 yil yanvarda qonun qabul qilinib, 2000 yil mayda qayta ishlab chiqildi va Oliy Majlisda yangi tahrirda qayta qabul qilindi.[6] Mazkur qonun jismoniy madaniyat va sport harakati maqomini kafolatlash bilan bir qatorda, davlat va nodavlat idoralar, jamoatchi tashkilotlar, ayniqsa sport tashkilotlari, uyushmalari, o‘quv yurtlariga ega bo‘lgan vazirliklar oldiga ulkan vazifalar, mas’uliyatlarni yukladi.

Jismoniy tarbiya, sport, sayoxat (turizm) va xalq milliy o‘yinlarining ijtimoiy – tarbiyaviy, madaniy va tarixiy jihatdan muhim ahamiyatga ega ekanligini hisobga olgan holda ularni ommalashtirish, yangidan sport inshoatlarini qurish, zarur shart - sharoitlar yaratishga jiddiy ravishda kirishildi. Aholining barcha qatlamlari va toifalarida jismoniy tarbiya va sportni keng yoyish, futbol, kurash, tennis va boshqa sport turlarini rivojlantirishda milliy o‘yinlarga ham alohida diqqat jalb etildi. Bu yo‘lda O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining futbolni rivojlantirish, kurash va boshqa sport turlarini yanada takomillashtirishga qaratilgan qator qarorlari muhim ahamiyat kasb etadi[7].

Respublika hukumatining «O‘zbekistonda jismoniy tarbiya va sportni yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi qarori jismoniy madaniyat va sport harakatining tayanch dasturi sifatida tarixiy jihatdan o‘ziga xos o‘ringa ega bo‘ldi.[8]

## MUHOKAMA VA NATIJALAR

Takidlash lozimki, barcha turdagi o‘quv yurtlarida davlat ta’limi tizimi asosida jismoniy tarbiya dars sifatida o‘tkazilmoqda. Darsdan tashqari, sport to‘garaklari

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00787

mashg‘ulotlari, xilma-xil sport musobaqalari o‘tkazilib, ularning negizida kasb - hunarga tayyorlanishda jismoniy barkamollikning mazmun va mohiyat jihatdan ustuvor ekanligi aniqdir. Shu sababdan ta’limning uzluksizligi bilan bevosita bog‘liq bo‘lgan «Umid nihollari», «Barkamol avlod», «Universiada» kabi nufuzli ko‘p bosqichli sport musobaqalari an’anaga aylandi. Eng muhim tomonlardan biri shuki, bolalar sportini rivojlantirish bilan bog‘liq bo‘lgan Prezident Farmonlari va hukumat qarorlari o‘quvchi yoshlar o‘rtasida sportni ommalashtirish, iqtidorli bolalarni tanlash, sinov-tajribalardan o‘tkazish, ularni yetuk sportchi qilib tarbiyalashga jiddiy e’tibor kuchaymoqda. Ularning kelajakda Xalqaro sport musobaqalarida mamlakatimiz sharafini himoya qilish, uni yanada yuksak cho‘qqilarga olib chiqishlari aniq maqsadlar qilib qo‘yilmoqda.[5]

Hozirda dunyo davlatlari o‘rtasidagi o‘zaro raqobat, kuch-kudratini namoyon etish sport va intelektual imkoniyatlarni namoyish etishda ifodalanmoqda. O‘zbekiston Respublikasining birinchi Prezidenti I.A.Karimov ta’kidlaganidek: “Sport – tinchlik elchisidir. Bizning maqsadimiz ham tinchlik, osoyishtalik va shu asosda jahon ahli bilan hamkorlik qilish.

Hech bir narsa mamlakatni sport kabi tezda dunyoga mashhur qila olmaydi”[3]. Darhaqiqat, mamlakatimiz sportchilari Markaziy Osiyo va Osiyo o‘yinlari, turli xalqaro turnirlar, jahon birinchiligi va Olimpiya o‘yinlarida muvaffaqiyat bilan ishtirok etib, egallagan sovrinli o‘rinlari uchun O‘zbekistonning xalqaro nufuzi oshmoqda. Sportdagi bu yutuqlar xalqimizning o‘zligini anglash, birdamlik va vatanparvarlik hissiyotlarini o‘sishiga sabab bo‘ladi.

O’zbekiston Respublikasida keyingi to’rt yil mamlakatimiz va xalqimiz uchun hech bir mubolag’asiz sifat jihatidan tub o’zgarishlar va jadal taraqqiyot davri bormoqda. Yurtimizning barcha hududlari misli ko’rilmagan qurilish maydoniga aylangan - eng yangi texnologiyalarga asoslangan zamonaviy korxonalar, ko’rkam, barcha qulayliklar muhayyo qilingan turar joylar, keng va ravon ko’chalar barpo etilmoqda.

Xalqimiz hayoti tubdan yaxshilanib, inson huquq va erkinliklari, qonun ustuvorligi va ijtimoiy adolat qaror topmoqda.Jahonga bu o’zgarish va yangilanishlar natijasida mamlakatimiz ijobiy tomonga jiddiy o’zgarayotganining e’tirofi sifatida "Yangi O’zbekiston" ifodasini muomalaga kiritdi. Ushbu o’tgan to’rt yil davomida jismoniy madaniyat va sport sohasida aholi sog’lig’ini mustahkamlashga ko’maklashadigan aniq dasturlarni amaliyotga joriy etish, yoshlarni sportga keng jalb qilish, sport turlari bo’yicha yuqori natijalarni ta’minlaydigan mahoratli sportchilar bilan milliy terma jamoalarni shakllantirish va trenerlar uchun

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00787

qo’shimcha shart-sharoitlar yaratish, mamlakatda yuksak madaniyatga ega bo’lgan har tomonlama yetuk hamda jismonan sog’lom avlodni shakllantirish maqsadida so’nggi to’rt yil davomida jismoniy madaniyat va sport sohasiga doir quyidagi yangi me’yoriy normativ-huquqiy hujjatlar qabul qilindi, jumladan:

- O’zbekiston Respublikasida 2017 yil 7 fevralda O’zbekiston Respublikasi Prezidentining "2017-2021 yillarda O’zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo’nalishi bo’yicha Harakatlar strategiyasi to’g’risida" gi PF-4947 sonli Farmoni,
- 2017 yil 3 iyunda O’zbekiston Respublikasi Prezidentining "Jismoniy tarbiya va ommaviy sportni yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to’g’risida" gi PQ-3031 sonli qarori,
- 2017 yil 10 avgustda O’zbekiston Respublikasi Prezidentining "O’zbekiston davlat jismoniy tarbiya va sport universiteti faoliyatini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to’g’risida" gi PQ-3197 sonli Qarori,
- 2018 yil 5 martda O’zbekiston Respublikasi Prezidentining "Jismoniy tarbiya va sport sohasida davlat boshqaruvi tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to’g’risida" gi PF-5368 sonli Farmoni,
- 2018 yil 5 martda O’zbekiston Respublikasi Prezidentining "O’zbekiston Respublikasi Jismoniy tarbiya va sport vazirligi faoliyatini tashkil etish to’g’risida" gi PQ-3583 sonli qarori,
- 2018 yil 25 oktabrda O’zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining "O’quvchi va talaba yoshlar o’rtasida o’tkaziladigan respublika sport musobaqalari tizimini yanada takomillashtirish to’g’risida"gi 864-sonli qarori,
- 2019 yil 13 fevralda O’zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining "2019-2023 yillar davrida O’zbekiston Respublikasida jismoniy tarbiya va ommaviy sportni rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to’g’risida" gi 118-sonli qarori,
- 2020 yil 24 yanvarda O’zbekiston Respublikasi Prezidentining "O’zbekiston Respublikasida jismoniy tarbiya va sportni yanada takomillashtirish va ommalashtirish chora-tadbirlari to’g’risida" gi PF-5924 sonli Farmoni,
- "O’zbekiston Respublikasida jismoniy tarbiya va sportni 2025 yilgacha rivojlantirish" KONSEPSIYASI qabul qilindi.

Yuqorida qabul qilingan jismoniy tarbiya va sport sohasiga doir yangi me’yoriy normativ-huquqiy hujjatlarning qabul qilinishi va ularning ijrosi bilan bog’liq mamlakat aholisining barcha qatlamlari, ayniqsa, yosh avlodning jismoniy tarbiya va sport bilan muntazam shug’ullanishi uchun zamon talablariga mos shart-

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00787

sharoitlar yaratish, sport musobaqalari orqali yoshlarda o'z irodasi, kuchi va imkoniyatlariga ega bo'lgan ishonchini mustahkamlash, mardlik, vatanparvarlik, ona yurtga sadoqat tuyg'ularini kamol toptirish, yurtimiz vakillarining Olimpiada o'yinlari, jahon chempionatlari, Osiyo o'yinlari va chempionatlari va boshqa nufuzli xalqaro musobaqalarda yuksak natijalarga erishayotgani jahonda O'zbekistonning obro'sini yanada yuksaltirishga, jismoniy madaniyat va sportni yanada rivojlantirishga yo'naltirilgan keng ko'lamli ishlarning amalga oshirilayotganligi yurtimizning har bir fuqarosi uchun juda katta imkoniyatlar eshigini ochmoqda.

**XULOSA**

Xulosa o'rnida shuni ta'kidlash joizki, bugun "Yangi O'zbekistonda" jismoniy madaniyat va sportga berilayotgan e'tibor, yoshlarimizni jismoniy tarbiya va sport bilan muntazam shug'ullanishlari uchun yaratilayotgan shart-sharoitlar, bularning barchasi yoshlarimizning ma'naviy yetuk, jismonan sog'lom bo'lib voyaga etishlari, har-xil yot g'oyalarga berilmasliklari, qolaversa dunyoda o'zbek bayrog'ini yuqoriga ko'tarilishiga xizmat qilmoqda. Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev O'zbekiston Respublikasi davlat mustaqilligining 29 yilligiga bag'ishlangan tantanali marosimdagi nutqida xalqimizning ulug'vor qudrati jo'sh urgan hozirgi zamonda O'zbekistonda yangi bir uyg'onish - Uchinchi Renessans davriga poydevor yaratilayotganini ta'kidladi. O'zbekistondagi Uchinchi Renessans jismoniy madaniyat va sportni yuksaltirishga ham yo'naltirilganligi ushbu "hayotiy qobiliyat" ni oshirish maqsadi ko'zlanganligi bilan izohlanadi.

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev ham "Sportni jadal rivojlantirish, xalqaro musobaqalarda yuksak natijalarga erishgan sportchilarni rag'batlantirish va qo'llab-quvvatlashga bundan buyon ham katta ahamiyat beramiz" deb alohida ta'kidlagani bejiz emas.[1]

2019 yil 19 mart sanasida O'zbekiston Respublikasi prezidenti Sh.Mirziyoyev tomonidan mamlakatimizda ijtimoiy, ma'naviy-ma'rifiy sohalardagi ishlarni yangi tizim asosida yo'lga qo'yish bo'yicha ilgari surilgan 5 ta muhim tashabbusning ikkinchisi ikkinchisi yoshlarni jismoniy chinqitirish, ularning sport sohasida qobiliyatini namoyon qilishlari uchun zarur sharoitlar yaratishga yo'naltirilganligi buning amaliy isbotidir. Bu jamiyatda sog'lom turmush tarzini - jismoniy faollik, badantarbiya mashqlari, sport bilan muntazam shug'ullanish qaror topishining asosidir.

"Yangi O'zbekiston" sportchilari mamlakatimizda Uchinchi Renessans davriga poydevor yaratishga o'zlarining munosib hissalarini qo'shishlari

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00787

shubhasizdir.Yuqoridagilar ayni paytda "Yangi O'zbekistonda" jismoniy madaniyat va sport sohasida davlat siyosati darajasidagi ustuvor vazifalardan biriga aylangani va bu sohada yangi bosqich boshlanganidan dalolat beradi.

## REFERENCES

1. Хайдаров, М., Алламуратов, М., & Хайруллаева, Н. (2021). Сравнительная оценка физического состояния подростков 11-16 лет с нарушением интеллекта. *Academic research in educational sciences*, *2*(Special Issue 1).
2. Сафарова, Д. Д., Пулатова, М. Д., & Султанова, Ю. А. (2017). Взаимоотношения показателей гемодинамики с проявлением физической работоспособности у спортсменок-дзюдоисток. *Наука и спорт: современные тенденции*, *14*(1).
3. Пўлатова, М. Д. (2020). Применение восстановительных комплексов после травматических повреждений квалифицированных борцов. *Интернаука*, (8-1), 22-23.
4. Шукурова, С. С., Пулатова, М. Д., & Серебряков, В. В. (2021). Изменения показателей макроэлементов в крови у футболистов после физической нагрузки. *Academic research in educational sciences*, *2*(Special Issue 1).
5. Шукурова, С. С., Сейдалиева, Л. Д., & Шарипова, С. Н. (2021). Анализ гемодинамики игроков во время тренировочного процесса. *Academic research in educational sciences*, *2*(Special Issue 1).
6. Қутлимуратов, И. Х. (2021). Футболчиларнинг турли йўналишлардаги тўпни ошириб бериш ҳаракатларини ўрганиш. *Academic research in educational sciences*, *2*(Special Issue 1).
7. Nazirov, B. S. (2020). Master who devoted his life to sports. *Theoretical & Applied Science*, (6), 78-82.
8. Алиев, И. Б. (2020). Курашчиларнинг мусобака олди тайёргарлик боскичларидаги толикиш белгиларини турли х, ажмдаги таъсирига караб юкламаларни таксимлаш. *Фан-спортга,(2)*, 42-45.
9. GAZIEV, S. (2020). Improving the speed-strength preparedness of sambo wrestlers at the stage of sports improvement. *Фан-Спортга*, (1), 56-60.
10. Bakhtiyorovich, O. B. Improvement of methodology of development of technical and tactical methods with rapid power of belbog wrestlers.
11. Madraimov, H. K., & Aliyev, I. B. (2020). Distribution of training loads, taking into account the pre-competition training of freestyle wrestlers. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, *10*(9), 348-351.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00787

12. Назаров, Н. Н., & Юсупов, Н. М. (2012). Философские особенности и развитие футбола в республике узбекистан. *Педагогические науки*, (3), 93-96.
13. НАЗАРОВ, Н. (2020). Мутафаккирлар илмий меросларидан фойдаланган ҳолда спортчи ёшларнинг ахлоқий ва эстетик қарашларини шакллантириш. *Фан-Спортга*, (3), 38-41.
14. Egamberdiyev, I. O. (2021). Unconventional development of balance on land in young kayakers. *Academic research in educational sciences*, *2*(2).
15. Geyger, A. I. (2021). Immunity of swimmers in the conditions of modern training. *Academic research in educational sciences*, *2*(2).
15. Собирова, Ш. У. (2019). Использование рекламных текстов в обучении иностранному языку. *Молодой ученый*, (18), 48-50.
17. Норбоева, Ф. Р. (2020). Перевод маркетинговых терминов в сфере спорта с английского языка на русский. *Интернаука*, (26-2), 27-28.
18. Норбоева, Ф. Р. (2020). Процесс преподавания иностранного языка в неязыковом вузе. *Интернаука*, *20*(149 часть 2), 74.
19. Rakhmatullayevna, N. F. (2020). The role of modern pedagogical technologies in the education system. *Наука и образование сегодня*, (6-2 (53)).
20. Avlaev, O., & Maripov, E. (2020). The problem of emotional situations like childhood, anxiety and fear. *SAARJ Journal on Banking & Insurance Research (SJBIR)*, *9*(3), 24-28.
21. Xolisov, B. A. (2017). Yangi iqtisodiy siyosatning turkiston xalq xo'jaligiga ta'siri. *ЎзМУ хабарлари*, 129-132.
22. Jurayev, I. B. (2021). Futzal hakamlarining jismoniy tayyorgarlilarini yaxshilash hamda mavsumiy topshiriladigan fifa fitness testiga tayyorlash. *Internauka*, *4*(180), 75-77.
23. Mengliboyev, A. X. (2020). Tarixiy shaxslarning milliy manfaatlar uchun kurashi tarixidan. *Ўтмишга назар*, 215-219.
24. Xojiyev, S. S. (2021). Yosh xokkey darvozabonlarining shaybani to‘sish harakatlari samaradorligini oshirish. *Internauka*, *5*(181), 99-101.
25. Шукуров, М. Н. (2021). Курашшиларнинг организмига кластерланган махсус тайерлов техник машқларининг таъсири. *Наманган Давлат Илмий Ахборотномаси*, 366-369.
26. Ёқубова, Д. Т. (2020). Сурхондарё вилоятида ингичка толали пахтадан юқори ҳосил олиш агротехникасининг ривожланишида м.с. истоминнинг фаолияти. *Хоразм маъмун академияси ахборотномаси*, 120-123.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00788

# “TURLI DARAJADAGI VA AMPLUADAGI FUTBOLCHILARNING TEXNIK TAYYORGARLIGI XUSUSIYATLARNI O’RGANISH”

**Sarvar Sirojiddinovich Baxodirov**
Qarshi davlat universiteti o'qituvchisi

## ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada millionlar o’yini futbolda texnik harakatlar,qarshi hujum,o’yinchilarning o’yinga tayyorgarlik jarayonlarini ko’rib chiqamiz,qarshi hujumlarning uyushtirilishi va himoyaga jiddiy tayyorgarlik ko’rish jarayonini kuzatish mumkin.

**Kalit so’zlar:** hujumchi, texnik xatolar, darvozabon texnikasi, jarima maydoni, javob hujum.

# "STUDY OF THE TECHNICAL TRAINING FEATURES OF PLAYERS OF DIFFERENT LEVELS AND AMPLUA"

## ABSTRACT

In this article, we will look at the technical actions, counter-attack, and players ’preparation processes for a game of millions in football, as well as the organization of counter-attacks and the process of serious preparation for defense.

**Keywords:** striker, technical errors, goalkeeper technique, penalty area, counterattack.

## KIRISH

Davrvozabonnig o’yin texnikasi maydon o’yinchisining o’yin texnikasidan tubdan farq qiladi. Bu darvozabonga qoidaga binoan jarima maydoni ichida qo’l bilan to’p o’ynashga ruxsat etilgani bilan bog’liqdir.

Quyidagi priyomlar gruppasi darvozabonning o’yin texnikasiga kiradi: to’pni ilib olish, qaytarish, o’tkazib yuborish va tashlash. O’yinda sheriklar va raqib jamoasi o’yinchilarning qayerda turganiga, shuningdek to’p harakatining yo’nalishi, trayektoriyasi va tezligiga qarab darvozabon harakatining xilma-xil priyomlari. Usul va turlari qo’llaniladi.

O’yin jarayonida darvozabon maydon o’yinchisi ixtiyoridagi kerakli texnik priyomlardan foydalanadi.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00788

## ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Texnik priyomlarning muvaffaqiyatli bajarilishi ko'p jihatdan darvozabonning harakatga qanchalik tayyor turganligi bilan belgilanadi. Darvozabonning to'g'ri dastlabki holatda bo'lishi uning harakatga tayyor ekanligi omillaridandir. Bunday dastlabki holat oyoqlarni yelka kengligida kerib, sal bukib turish bilan xarakterlanadi. Yarim bukik qo'llar ko'krak balandligida oldinga uzatiladi. Kaftlar old tomon ichkariga qaragan. Barmoqlar sal bo'shashtirilgan. Dastlabki holatning to'g'ri bo'lishi darvozabonga og'irlik markazi qo'lini tezlik bilan tayanch satqidan tashqari chiqarib olib, lozim bo'lgan harakatlarni oddiy, juftlama yoki chalishtirma qadam tashlab, sakrab va yiqilib bajarish imkonini beradi. Raqibining yakunlovchi zarbalaridan darvozani bevosita himoya qilishda darvozabon quyidagilarga rioya qilish kerak:

1. Pozitsiya tanlash. To'g'ri tanlangan pozitsiya darvozabonga eng kam kuch sarflab, raqiblar darvozaga yo'naltirgan to'plarni ishonchli qabul qilib olish imkonini beradi. Bunda hujum qilayotgan komandaning to'pni boshqarayotgan o'yinchisi holatini, ya'ni qanday burchak hosil qilib zarba berilishini hisobga olish zarur. Burchak qanchalik o'tkir bo'lsa (masalan, raqiblar jamoasining o'yinchisi qanotda darvoza chizig'iga yetib kolsa), darvozabon to'pni egallab turgan o'yinchi tomondagi ustunga shunchalik yaqinlasha boradi. Markazdan hujum bo'lganda darvozabon nishonga urish burchagini toraytirish va darvozaning istalgan burchagiga yo'naltirilgan to'pni olishni osonlashtirish uchun bir oz oldinroqqa chiqishi kerak. Pozitsiyani yaxshi tanlovchi darvozabon to'pga kamdan-kam yiqilib tashlanadi. Bu esa hujumchi go'yo darvozabonni poylab to'p yo'naltirganday taassurot hosil qiladi. Xuddi shuning o'zi pozitsiya tanlay bilishga berilgan eng yuksak bahodir.

2. Qaysi hujumchi qanday yo'nalishda zarba berishni yaxshi ko'rishini biladi. Tajribali darvozabonlar raqiblar harakatini sinchiklab o'rganib, ba'zan har qaysi yetakchi hujumchiga kartotekadek bir nima tuzib boradilar. Bu umumiy qonuniyatlargagina emas, balki mazkur muayyan raqibning xususiyatlariga asoslanib pozitsiya tanlashni ko'p jihatdan osonlashtiradi. Shuning uchun darvozabon gohida «to'g'ri pozitsiya»dan u yoki bu tomonga ko'proq siljib mantiqan to'g'ri qiladi.

3. O'z harakatlarining kuchli va zaif tomonlarini bilish. Ayrim hollarda darvozabon yiqila turib to'p olish qulayroq tomonda darvozaning kattaroq qismini qoldiradi. Bu hol darvozaning kattaroq qismini to'sish uchun eng qulay pozitsiya tanlash imkonini beradi. Joy tanlashni takomillashtirish uzviy suratda trenirovka qilishni, har bir match davomida yig'inchoqlikni, nihoyatda e'tibor bilan o'ynashni, bosiqlik va shoshilmaslikni talab qiladi.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00788

## MUHOKAMA VA NATIJALAR

Harakat usulini tanlab olish darvozabonga berilgan zarbani qaytaruvchi texnik usulni to'g'ri ijro etish imkonini beradi. Bunda darvozabon: darvozadagi o'z pozitsiyasini, to'pning uchish trayektoriyasini (to'p yuqoridan, pastdan, yon tomonga yaqinroqdan, uzoqroqdan va hokazo kelayotganini); zarba kuchini, ya'ni to'pning uchish tezligini (to'pni ilib olish tomoniga surilish yoki uni yiqila turib ilish kerakligi shunga bog'liq); o'z o'yinchilari va raqib o'yinchilari qanday joylashganligini (shunga qarab to'pni ilib olish, qaytarib yuborish yoki tashqariga o'tkazib yuborish kerakligi hal qilinadi); maydon va to'pning ahvolini (to'pning sirti va yer ho'lmi yoki quruq ekani va hokazo) e'tiborga oladi.

Harakat usulini aniqlab olgandan keyin darvozabon tegishli texnik usul yordamida uni amalga oshiradi.

**Darvozadan chiqqandagi harakatlar:**

O'yindagi ahvol darvozabonni ko'pincha darvozani tashlab chiqib, jarima maydoni doirasida harakat qilishga majbur etadi. Bunday hollarda darvozabon yo jarima maydoni doirasiga yo'naltirilgan (uzatilgan) to'plarni tutib oladi, yo bo'lmasa to'pni qo'lga kiritish uchun raqib bilan yakkama-yakka kurash boshlaydi (bunda to'p darvozabon bilan yakkama-yakka chiqqan hujumchi nazoratida bo'lishi, uchib kelayotgan to'p esa «hech kimda» bo'lmasligi kerak).

Darvozabon quyidagi hollarda darvozani tashlab chiqishi mumkin.

– darvozadan chiqish nihoyatda zarur bo'lsa;

– darvozabon tepalatib uzatilgan to'pga yeta olishiga, ya'ni o'z o'yinchilarining va raqib tomon o'yinchilarining joylashishi birmuncha bemalol harakat qilish imkonini berishiga ishonsa;

– raqib g'izillatib uzatgan to'p darvoza yaqinida o'tayotgan bo'lsa.

Darvozabon quyidagi hollarda darvozani tashlab chiqmasligi kerak:

– to'pni qo'lga kiritish uchun kerakli pozitsiyaga o'tib ulgurishiga ishonmasa;

– himoyachilardan birortasi to'pni egallagan hujumchi bilan yoki «neytral to'p» uchun kurashib turgan bo'lsa;

– jarima maydoni o'yinchilarga to'lib ketib, ular darvozabonning kerakli pozitsiyaga chiqishiga xalaqit berishi mumkin bo'lsa.

Tashlab chiqilgan darvoza raqib uchun ochilib qolishini darvozabon hamma vaqt esda tutishi, shuning uchun ham qanday bo'lmasin, to'pni qo'lga kiritib, hujumdagilarni zarba berish imkoniyatidan mahrum qilishi kerak.

**Darvozabonning hujumdagi harakatlari:**

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00788

O’yin vaqtida to’pni qo’lga kiritgandan keyin yoki darvozadan tepish huquqini olgandan keyin, o’z komandasining hujum harakatlari boshlang’ich bosqichini uyushtirib berish darvozabonning muhim vazifasi hisoblanadi.

**Darvozadan tepishda hujum uyushtirish:**

Darvozadan tepishda hujum uyushtirishning ikki xil usuli bor:

1. Darvozabonning to’pni qo’lga kiritish huquqini olishi mo’ljallangan kombinatsiya. Darvozabon to’pni himoyachilardan biriga, ko’proq qanot himoyachisiga oshiradi, u esa to’pni darvozabonning o’ziga qaytaradi. Darvozabon to’pni qo’lga kiritib, hujumni turli usulda (qo’lda tashlab berib, qisqa, o’rtacha va uzoq masofalarga tepib berib) davom ettirishi mumkin.

Darvozadan tepib o’yin boshlaganda, hamma kombinatsiyalar trenirovka paytida to’pni raqib tutib olishiga yo’l qo’ymaydigan darajada obdon ishlangan bo’lishi kerak.

2. To’pni ochilgan sheriklardan biriga uzatib berish. Darvozabon to’pni qulay pozitsiyaga chiqib ochilgan sheriklaridan biriga oshiradi. To’p qancha uzoq masofaga uzatilsa, hujum shunchalik tez rivoj topa oladi, chunki bu xildagi birinchi uzatishdayoq raqibning bir qator o’yinchilari mudofaada faol qatnashishdan mahrum bo’lib qoladi.

Darvozabon turli masofalarga to’p uzatishning umumiy qonunlarini bilishi shart: to’p qanchalik qisqa masofaga uzatilsa, uni oldirib qo’yish ehtimoli shunchalik kam; qanchalik uzoq masofaga uzatilsa, o’yin shunchalik keskinroq bo’ladi. Shuning uchun to’pni qanot tomonda ochilgan o’yinchiga – qisqa masofaga uzatgan ma’qul, chunki raqib to’pni tutib qolganda ham, darvozaga bevosita xavf sola olmaydi.

**Javob hujumi uyushtirish:**

O’yin vaqtida to’pni qo’lga kiritganidan keyin darvozabon uni qo’li bilan uzatib, javob hujumi harakatlarini boshlab beradi yoki oyoq bilan tepib uzatadi. Bunda qo’l bilan tashlangan to’p sherikka juda aniq yo’naltirilsa ham, qisqa masofaga yetib borishini (to’g’ri, to’pni qo’l bilan 30-40 metrga yetkazib beradigan darvozabonlar ham bor), tepilganda esa, masofa uzaysa-da, yetkazib berish aniqligi kamayib ketishini hisobga olish kerak.

Darvozabon javob hujumi boshlanayotganda muayyan taktik vazifani hal qiladi, chunki bu vaqtda uning sheriklari komanda harakatlarining taktik rejasini amalga oshirish uchun eng qulay pozitsiyaga chiqish niyatida manyovrlar qilishayotgan bo’ladi. Bu vazifaning to’g’ri hal etilishi komandaga tashabbusni qo’lda saqlash, raqibni o’zi uchun qulay sharoitda o’ynashga majbur qilish imkonini beradi. Darvozabon javob hujumi uyushtirayotganda, undan nima talab qilinishini

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00788

yaxshi bilishi kerak. Agar komanda qanot hujumchilarining tezkor harakatlaridan bot-bot foydalanayotgan bo'lsa, to'pni qanotdagi uzoq joyga uzatib bergani ma'qul.

To'pni o'yinga kiritish usulini tanlash yoki javob hujumini boshlashda darvozabon quyidagilarga amal qiladi:

– darvozadan tepish yoki darvozabon boshlaydigan javob hujumida komanda harakatlarini uyushtirish rejasi;

– o'yindagi vaziyat va sheriklardan har birining bu vaziyatni qanchalik tez baholay bilishi;

– o'z hujumchilarining «neytral to'p» uchun raqiblarga qarshi, ayniqsa havoda yakkama-yakka kurashi natijalar (agar himoyachilar osongina yutib chiqishayotgan bo'lsa, to'pni yuqorilatib maydon markaziga tepib berish maqsadga muvofiq emas va, aksincha, raqib to'pni yo'lda tutib qolishga intilib o'ynayotgan bo'lsa, unda to'pni uzoq joyga – himoyachilar orqasiga uzatib berishdan foydalanish mumkin va hokazo);

– o'z darvozasi xavfsizligini (ayniqsa, qo'l bilan to'p uzatayotganda) maksimal saqlab qolish vazifasi.

**Sheriklar faoliyatini boshqarish:**

Hozirgi vaqtda butun komandaning hujumi va, ayniqsa, mudofaasini uyushtirishni boshqarmaydigan darvozabonni tasavvur ham qilib bo'lmaydi. Darvozabon o'yin vaziyatini tezgina baholab, hujumning yo'nalishi, straxovka uchun to'g'ri joylashib olish to'g'risida sheriklariga qisqa va lo'nda ko'rsatmalar berishi shart. Bu ishni u to'pni e'tibordan chetda qoldirmay, hatto o'zi kurash olib borayotgan paytlarda ham qilishi kerak. Mudofaada ishonch bilan harakat qilish, mudofaaning barqaror va mustahkam bo'lishi ko'p jihatdan darvozabon bilan himoyachilarning (birinchi galda markaziy himoyachilarning) bir-birlarini nihoyatda yaxshi tushunishlariga bog'liq. Bevosita darvoza yaqinida jarima to'pi yoki erkin to'p tepilayotganda, «devor» yasashga, shuningdek, burchakdan tepish paytlarida darvozabonning bir o'zi boshchilik qiladi.

Darvozabonning taktik tayyorgarligini takomillashtirishda quyidagilar ko'zda tutiladi:

a) tanlanadigan harakatlarni aniq, vaqtida va tez belgilab olish;

b) darvozada, jarima maydonida mo'ljal ola bilish;

v) yuksak mahorat bilan «o'yinni o'qiy olish», ya'ni mudofaa va hujumda o'yin sharoitini a'lo darajada tushunish asosida sheriklar bilan hamkorlik qilish.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00788

Ko’pgina futbol murabbiylari,ximoya chizig’ida o’ynagan futbolchilar raqib jamoa tomonidan tez qarshi xujumga ximoyalanish ximoyachilarga katta qiyinchilikni yuzaga keltirishni ta’kidlashadi.

Ularning fikricha, bunday vaziyatlarda ximoyachilar quyidagicha taktik o’yin ko’rsatishlari lozim.

1. Raqib futbolchining birinchi to’p uzatishni qay tomonga berishni faximlay olish va bu to’p uzatishga to’sqinlik qilish;
2. Raqibni xato qilishga, to’pni o’z jarima maydoniga uzatishga majbur etish;
3. O’z jamoasining xujumidan so’ng tezlik bilan ximoyaga qaytish, raqib xujumchilarni ko’zdan qochirmaslik.

P. Kazakov (1991) tez qarshi xujumga ximoyada xarakatlanishni quyidagicha izoxlashadi.

Ximoyachilarni tez xujumga qarshi o’yinlari ko’p xollarda qiyin kechadi. Shuning uchun ximoyada jamoaning yarim ximoya futbolchilari xam yordam berishlari kerak. O’yin jarayonida xujum uyushtirayotgan ikki xujumchi, ikki ximoyasiga qarshi samarali xarakatlana olishda va darvozaga to’p kiritishda qiyin vaziyatga tushmaydi. Ximoyachilarning ko’p bo’lishi bunday xolatni yuzaga keltirmaydi.

Butun bir jamoaning ximoyada o’yin ko’rsatish raqib jamoalarga qiyinchilik tug’diradi. Ximoya taktikasi to’pni boshqarmayotgan jamoaning xarakatlarini raqiblar xujumini bir yoqlik qiladigan neytrallaydigan qilib uyushtirishni nazarda tutadi.

Maydon markazida o’ynashning umum jamoa metodi shaxsiy, zona va aralash bo’lishi mumkin. Markazda o’ynashning taktik san’ati raqibni qachon o’z xoliga quymaslik va uni taqib etishni, qachon sheriklaridan biriga berib yuborish va qachon zonada o’ynashni bilishdan iboratdir.

Ximoyalanayotgan jamoa xarakatlarining xammasi xujum qilayotganlar xarakatiga javob tariqasida bo’lib, raqiblar taktikasining xususiyatlariga qarab uyushtiriladi. Mudofaaning yaxshi uyushtirganligi jamoaga xujum xarakatlari xam muvaffaqiyatli bajarish imkonini beradi. Ximoyachilarning raqibdan qoidani buzmasdan to’pni olib qo’yish katta maxoratni talab yetadi.

## XULOSA

Xulosa qilib aytganda futbol bu alohida qobiliyat talab qiladigan jamoaviy o’yin hisoblanadi.Bunda o’yinchilar ruhan birga bo’lishi va bir-birini so’zsiz tushuna olishi, harakatlarning uyg’unligi o’yinning taqdirini hal qiladi.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00788

## REFERENCES

1. Хайдаров, М., Алламуратов, М., & Хайруллаева, Н. (2021). Сравнительная оценка физического состояния подростков 11-16 лет с нарушением интеллекта. *Academic research in educational sciences*, *2*(Special Issue 1).
2. Сафарова, Д. Д., Пулатова, М. Д., & Султанова, Ю. А. (2017). Взаимоотношения показателей гемодинамики с проявлением физической работоспособности у спортсменок-дзюдоисток. *Наука и спорт: современные тенденции*, *14*(1).
3. Пўлатова, М. Д. (2020). Применение восстановительных комплексов после травматических повреждений квалифицированных борцов. *Интернаука*, (8-1), 22-23.
4. Шукурова, С. С., Пулатова, М. Д., & Серебряков, В. В. (2021). Изменения показателей макроэлементов в крови у футболистов после физической нагрузки. *Academic research in educational sciences*, *2*(Special Issue 1).
5. Шукурова, С. С., Сейдалиева, Л. Д., & Шарипова, С. Н. (2021). Анализ гемодинамики игроков во время тренировочного процесса. *Academic research in educational sciences*, *2*(Special Issue 1).
6. Қутлимуратов, И. Х. (2021). Футболчиларнинг турли йўналишлардаги тўпни ошириб бериш ҳаракатларини ўрганиш. *Academic research in educational sciences*, *2*(Special Issue 1).
7. Nazirov, B. S. (2020). Master who devoted his life to sports. *Theoretical & Applied Science*, (6), 78-82.
8. Алиев, И. Б. (2020). Курашчиларнинг мусобака олди тайёргарлик боскичларидаги толикиш белгиларини турли х, ажмдаги таъсирига караб юкламаларни таксимлаш. *Фан-спортга,(2)*, 42-45.
9. GAZIEV, S. (2020). Improving the speed-strength preparedness of sambo wrestlers at the stage of sports improvement. *Фан-Спортга*, (1), 56-60.
10. Bakhtiyorovich, O. B. Improvement of methodology of development of technical and tactical methods with rapid power of belbog wrestlers.
11. Madraimov, H. K., & Aliyev, I. B. (2020). Distribution of training loads, taking into account the pre-competition training of freestyle wrestlers. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, *10*(9), 348-351.
12. Назаров, Н. Н., & Юсупов, Н. М. (2012). Философские особенности и развитие футбола в республике узбекистан. *Педагогические науки*, (3), 93-96.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00788

13. НАЗАРОВ, Н. (2020). Мутафаккирлар илмий меросларидан фойдаланган ҳолда спортчи ёшларнинг ахлоқий ва эстетик қарашларини шакллантириш. *Фан-Спортга*, (3), 38-41.
14. Egamberdiyev, I. O. (2021). Unconventional development of balance on land in young kayakers. *Academic research in educational sciences*, *2*(2).
15. Geyger, A. I. (2021). Immunity of swimmers in the conditions of modern training. *Academic research in educational sciences*, *2*(2).
15. Собирова, Ш. У. (2019). Использование рекламных текстов в обучении иностранному языку. *Молодой ученый*, (18), 48-50.
17. Норбоева, Ф. Р. (2020). Перевод маркетинговых терминов в сфере спорта с английского языка на русский. *Интернаука*, (26-2), 27-28.
18. Норбоева, Ф. Р. (2020). Процесс преподавания иностранного языка в неязыковом вузе. *Интернаука*, *20*(149 часть 2), 74.
19. Rakhmatullayevna, N. F. (2020). The role of modern pedagogical technologies in the education system. *Наука и образование сегодня*, (6-2 (53)).
20. Xolisov, B. A. (2017). Yangi iqtisodiy siyosatning turkiston xalq xo'jaligiga ta'siri. *ЎзМУ хабарлари*, 129-132.
21. Jurayev, I. B. (2021). Futzal hakamlarining jismoniy tayyorgarlilarini yaxshilash hamda mavsumiy topshiriladigan fifa fitness testiga tayyorlash. *Internauka*, *4*(180), 75-77.
22. Avlaev, O., & Maripov, E. (2020). The problem of emotional situations like childhood, anxiety and fear. *SAARJ Journal on Banking & Insurance Research (SJBIR)*, *9*(3), 24-28.
23. Mengliboyev, A. X. (2020). Tarixiy shaxslarning milliy manfaatlar uchun kurashi tarixidan. *Ўтмишга назар*, 215-219.
24. Xojiyev, S. S. (2021). Yosh xokkey darvozabonlarining shaybani to‘sish harakatlari samaradorligini oshirish. *Internauka*, *5*(181), 99-101.
25. Шукуров, М. Н. (2021). Курашшиларнинг организмига кластерланган махсус тайерлов техник машқларининг таъсири. *Наманган Давлат Илмий Ахборотномаси*, 366-369.
26. Ёқубова, Д. Т. (2020). Сурхондарё вилоятида ингичка толали пахтадан юқори ҳосил олиш агротехникасининг ривожланишида м.с. истоминнинг фаолияти. *Хоразм маъмун академияси ахборотномаси*, 120-123.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00789

# XORIJIY TILLARNI O'QITISHNING SAMARALI USULLARI (NEMIS TILI MISOLIDA)

**Sh. U. Sobirova**
O’zbekiston davlat jismoniy tarbiya va sport universiteti o’qituvchisi

## ANNOTATSIYA

Mazkur maqolada xorijiy tillarni o’qitishning samarali usullari (nemis tili misolida) masalasida so’z boradi. Shu bilan birga mamlakatimizda ta’lim borasida olib borayotgan islohotlar ham qisqacha ko’rib chiqiladi.

**Kalit so’zlar:** nemis tili, ta’lim, pedagogika, interaktiv metodlar, innavotsion texnologiya.

# EFFECTIVE METHODS OF TEACHING FOREIGN LANGUAGES (ON THE EXAMPLE OF GERMAN)

## ABSTRACT

This article discusses effective methods of teaching foreign languages (for example, German). At the same time, the reforms in the field of education in our country will be briefly considered.

**Keywords:** German language, education, pedagogy, interactive methods, innovative technology.

## KIRISH

Yurtimiz mustaqilikka erishgandan so’ng, demoklratik -huquqiy davlat va fuqarolik jamiyati qurish yo’lida bormoqda. Bu yo’lda qat’iy turish uchun ko’p chora tadbirlar ishlab chiqilmoqda. Mamlakatimiz taraqqiyotining muhim shartlaridan biri esa kadrlar tayyorlash tizimining mukkammal bo’lishi va shaxsning har tomonlama rivojlanishidir. Ta’lim sohasida bo‘layotgan har bir o‘zgarish jamiyatimiz ravnaqiga ijobiy ta’sir qilishiga shubha yo‘q. Mamlakatning intellektual salohiyatini oshirish, davlat ta’lim standarti talablariga javob bera oladigan, yetuk, raqobatbardosh kadrlar tayyorlashda muhim omil hisoblanadi. Qaysi sohada bo‘lmasin bilimlarni mustaqil ravishda egallashga intilish – talaba faoliyatining ta’lim muassasasidagi eng ajralib turadigan xususiyati, mustaqil o‘qib, bilim orttirish asosi hisoblanadi. Ta’lim tizimida mustaqil bilim olish, nazorat qilish mustaqil ta’lim olishning asosiy omillaridan biri hisoblanadi. Mustaqil bilim olishda avvalo, talabalarda mustaqil ishlashga, erkin,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00789

ijodiy faoliyat yuritishga va eng asosiysi mustaqil fikrlashga ehtiyojni shakllantirish lozim.

## METODOLOGIYA

Ta’lim jarayonida interaktiv metodlar innavotsion texnologiyalarini o’quv jarayoniga qo’llashga bo’lgan qiziqish, e’tibor kundan kunga kuchayib bormoqda, bunday bo’lishning sabablaridan biri shu vaqtgacha a’nanviy talabalar faqat tayyor bilimlarni egallashga urgatilgan bo’lsa, zamonaviy texnologiyada esa ularni egallayotgan bilimlarini o’zlari qidirib topishlariga mustaqil urganib tahlil qilishlariga hato hulosalarni o’zlari keltirib chiqarishlariga o’rgatadi. Pedagog bu jarayonga shaxsning rivojlantirishi, shakllanishi, bilim olish va tarbiyalanishga sharoit yaratadi va shu bilan bir qatorda boshqaruvchilik, yunaltiruvchilik funksiyasini bajaradi. Ta’lim jarayonida talaba asosiy figuraga aylanadi.

Shuning uchun oliy o’quv yurtlari malakali kasb egallarini tayyorlashda zamonaviy o’qitish metodlari – interaktiv metodlar innavotsion texnologiyalarni o’rni va roli benihoyat kattadir. Bundan pedagogik texnologiya va pedagogik mahoratiga oid bilim tajriba va interaktiv metodlar talabalarni bilimli , yetuk malakaga ega bo’lishlarini ta’minlaydi. Innovation texnologiyalar pedagogik jarayon hamda o’qituvchi va talaba faoliyatiga yangilik , o’zgarishlar kiritish bo’lib, uni amalga oshirishda asosan interaktiv metodlardan to’liq foydalaniladi. Interaktiv metodlar – bu jamoa bo’lib fikrlashdan iborat deb yuritiladi, ya’ni pedagogik ta’sir etish usullari bo’lib, ta’lim mazmunini tarkibiy qismi hisoblanadi.

## MUHOKAMA VA NATIJALAR

Bu metodlarni oziga hosligi shundaki, ular faqat pedagok va talabalarning birligida faoliyat ko’rsatishi orqali amalga oshiriladi. Bundan pedagogik hamkorlik jarayoni o’ziga hos husisiyatlarga ega bo’lib, ularga quyidagilar kiradi: talabaning dars davomida befarq bo’lmaslikka, mustaqil fikrlash, ijod etish va izlanishga majbur etishi; talabalarni o’quv jarayonida bilimga bo’lgan qiziqishlarini doimiy ravishda bolishini ta’minlashi ; talabaning bilimga bo’lgan qiziqishini mustaqil ravishda har bir masalaga ijobiy yondashishgan holda kuchaytirishi; pedagog va talabaning hamisha hamkorlikdagi faoliyatrini tashkillanishi; shu o’rinda muammoli o’qitish texnologiyasida to’xtalib o’tsak. Muammoli o’qitish bu takomillashgan va samarador o’qitish texnologiyasidir. Uning mohiyati, o’qituvchi tomonidan talabalarning o’quv ishlarida muammoli vaziyatni vujudga keltirish va o’quv vazifalarini, muammolarini va savollarini hal qilish orqali yangi bilimlarini o’zlashtirish bo’yicha ularning bilish

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00789

faoliyatini boshqarishni tashkil etadi. Darsni to'g'ri tashkil etish, turli o'yin va topishmoqlardan ham foydalanish yaxshi samara beradi. Nemis va ispan tili darslari misolida beradigan bo'lsak, masalan; nemis tilida "Yil fasllari" (Die Jahreszeiten) und ispan tilida esa (estaciones del año) mavzusi utilmoqda. Avvalo, talabalar xonaga kirishlari bilan ular uchun fan muhitini yaratib berishimiz kerak bo'ladi. Salomlashish, yangiliklar, uy vazifalarini so'rab bo'lganimizdan so'ng, yangi mavzu nomini aytmasdan turib, mavzuga yaqinlashtiruvchi misollar keltirish kerak. Masalan: nemis tilida Welche Jahreszeiten gibt es in einem Jahr? Welche Jahreszeit ist jetzt? Welche Jahreszeit gefällt Ihnen? Mavzuga doir yangi so'zlarni odatda talabalarga yodlash uchun beramiz. Agar ularga shu so'zlar tez aytish, topishmoq tarzida aytilsa, qiziqarli bo'ladi va o'quvchining o'zlashtirishi oson kechadi. Nemis tilida fasllarga misol keltiradigan bo'lsak, masalan: Im Sommer ist kalt. Im Winter ist warm. Im Herbst ist reich. Im Frühling ist arm. Topishmoqni tarjima qilish jarayonida uni talaba oson yodida olib qoladi, shu bilan birga yil fasllarining nomlari nemis tilida(Winter-qish, Frühling-bahor, Sommer-yoz, Herbst-kuz) va antonim (kalt-sovuq, warm -iliq, reich-boy, arm-kambag'al) so'zlarni ham o'rganadi. Javob topish barobarida talaba topishmoqni bir necha bor o'qiydi hamda ixtiyorsiz ravishda xotirasida saqlab qoladi, mustaqil fikrlashni va topishmoqda keltirilgan so'zlar bilan boshqa gaplar tuzishni xam o'rganadi. Demak, topishmoqni tarjimasi: Yozda sovuq. Qishda issiq. Kuzda boy. Bahorda kambag'al – bu nima? Chuqur o'ylab, fikrlagan talaba bu topishmoqning javobi "Yer to'la" ekanini oson topadi. Bu usul o'qituvchidan ham, talabadan ham ijodkorlikni talab qiladi. "Yer to'la" so'zini tarjimasini topish uchun o'quvchi lug'atdan foydalanadi. O'ylaymizki, bu usul yaxshi samara beradi. Albatta, barcha mavzularda ham bu kabi topishmoq va tez aytishlarni topish mushkul. Lekin hammasi pedagogning mahorati va ijodkorligiga bog'liq. Bunday vaziyatlarda turli o'yinlardan ham foydalanish mumkin. O'yinlar turli maqsadlarga yo'naltirilgan bo'ladi. Ular didaktik, tarbiyaviy faoliyatini rivojlantiruvchi va ijtimoiylashuv maqsadlarida qo'llaniladi hamda o'z samarasini beradi.

O'yin jarayonida o'quvchi o'zini erkin xis qiladi, o'ziga bo'lgan ishonchi va tilga qiziqishi ortadi. Yuqorida bildirilgan fikr-mulohazalardan shunday xulosalarga kelish mumkin: 1. Ta'lim jarayoni samaradorligini oshirish, ta'lim oluvchilarning mustahkam nazariy bilim, faoliyat, ko'nikma va malakalarini shakllantirish, ularni kasbiy mahoratga aylanishini ta'minlash maqsadida o'qitish jarayonida yangi pedagogik texnologiyadan foydalanish davr taqozosi hamda ijtimoiy zaruriyat sifatida kun tartibiga quyilmoqda. 2. Ta'lim jarayoniga ilg'or pedagogik

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00789

texnologiyani tadbiq etish kadrlar tayyorlashga yo'naltirilgan umumiy jarayon mazmunining sifat jihatdan o'zgarishini ta'minlaydi. 3. Yangi pedagogik texnologiya nazariyasi g'oyalaridan foydalanish asosida tashkil etilgan ta'lim jarayoni barkamol shaxs va malakali mutaxassisni tarbiyalash borasidagi ijtimoiy buyurtmaning bajarilish holatining sifat ko'rsatkichiga ega bo'lishiga olib keladi.

## XULOSA

Yuqorida sanab o'tilgan texnologiyalarning barchasi o'ziga xos. O'qitish jarayonida bu texnologiyalardan foydalanib turlicha natijalarga erishish mumkin. Demak, har bir texnologiya o'qitish samaradorligini oshirishga xizmat qiladi. Faqat texnologiyalarni dars jarayonida qo'llayotganda, ularni darsning qaysi qismida foydalanish kerakligini va qaysi qismida foydalansa ko'proq samara berishi mumkinligini aniqlab olish mumkin.

## REFERENCES

1. Хайдаров, М., Алламуратов, М., & Хайруллаева, Н. (2021). Сравнительная оценка физического состояния подростков 11-16 лет с нарушением интеллекта. *Academic research in educational sciences*, *2*(Special Issue 1).
2. Сафарова, Д. Д., Пулатова, М. Д., & Султанова, Ю. А. (2017). Взаимоотношения показателей гемодинамики с проявлением физической работоспособности у спортсменок-дзюдоисток. *Наука и спорт: современные тенденции*, *14*(1).
3. Пўлатова, М. Д. (2020). Применение восстановительных комплексов после травматических повреждений квалифицированных борцов. *Интернаука*, (8-1), 22-23.
4. Шукурова, С. С., Пулатова, М. Д., & Серебряков, В. В. (2021). Изменения показателей макроэлементов в крови у футболистов после физической нагрузки. *Academic research in educational sciences*, *2*(Special Issue 1).
5. Шукурова, С. С., Сейдалиева, Л. Д., & Шарипова, С. Н. (2021). Анализ гемодинамики игроков во время тренировочного процесса. *Academic research in educational sciences*, *2*(Special Issue 1).
6. Қутлимуратов, И. Х. (2021). Футболчиларнинг турли йўналишлардаги тўпни ошириб бериш ҳаракатларини ўрганиш. *Academic research in educational sciences*, *2*(Special Issue 1).
7. Nazirov, B. S. (2020). Master who devoted his life to sports. *Theoretical & Applied Science*, (6), 78-82.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00789

8. Алиев, И. Б. (2020). Курашчиларнинг мусобака олди тайёргарлик боскичларидаги толикиш белгиларини турли х, ажмдаги таъсирига караб юкламаларни таксимлаш. *Фан-спортга,(2)*, 42-45.
9. GAZIEV, S. (2020). Improving the speed-strength preparedness of sambo wrestlers at the stage of sports improvement. *Фан-Спортга*, (1), 56-60.
10. Bakhtiyorovich, O. B. Improvement of methodology of development of technical and tactical methods with rapid power of belbog wrestlers.
11. Madraimov, H. K., & Aliyev, I. B. (2020). Distribution of training loads, taking into account the pre-competition training of freestyle wrestlers. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, *10*(9), 348-351.
12. Назаров, Н. Н., & Юсупов, Н. М. (2012). Философские особенности и развитие футбола в республике узбекистан. *Педагогические науки*, (3), 93-96.
13. НАЗАРОВ, Н. (2020). Мутафаккирлар илмий меросларидан фойдаланган ҳолда спортчи ёшларнинг ахлоқий ва эстетик қарашларини шакллантириш. *Фан-Спортга*, (3), 38-41.
14. Egamberdiyev, I. O. (2021). Unconventional development of balance on land in young kayakers. *Academic research in educational sciences*, *2*(2).
15. Geyger, A. I. (2021). Immunity of swimmers in the conditions of modern training. *Academic research in educational sciences*, *2*(2).
15. Собирова, Ш. У. (2019). Использование рекламных текстов в обучении иностранному языку. *Молодой ученый*, (18), 48-50.
17. Норбоева, Ф. Р. (2020). Перевод маркетинговых терминов в сфере спорта с английского языка на русский. *Интернаука*, (26-2), 27-28.
18. Норбоева, Ф. Р. (2020). Процесс преподавания иностранного языка в неязыковом вузе. *Интернаука*, *20*(149 часть 2), 74.
19. Rakhmatullayevna, N. F. (2020). The role of modern pedagogical technologies in the education system. *Наука и образование сегодня*, (6-2 (53)).
20. Xolisov, B. A. (2017). Yangi iqtisodiy siyosatning turkiston xalq xo'jaligiga ta'siri. *ЎзМУ хабарлари*, 129-132.
21. Avlaev, O., & Maripov, E. (2020). The problem of emotional situations like childhood, anxiety and fear. *SAARJ Journal on Banking & Insurance Research (SJBIR)*, *9*(3), 24-28.
22. Jurayev, I. B. (2021). Futzal hakamlarining jismoniy tayyorgarlilarini yaxshilash hamda mavsumiy topshiriladigan fifa fitness testiga tayyorlash. *Internauka*, *4*(180), 75-77.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00789

23. Mengliboyev, A. X. (2020). Tarixiy shaxslarning milliy manfaatlar uchun kurashi tarixidan. *Ўтмишга назар*, 215-219.
24. Xojiyev, S. S. (2021). Yosh xokkey darvozabonlarining shaybani to‘sish harakatlari samaradorligini oshirish. *Internauka*, *5*(181), 99-101.
25. Шукуров, М. Н. (2021). Курашшиларнинг организмига кластерланган махсус тайерлов техник машқларининг таъсири. *Наманган Давлат Илмий Ахборотномаси*, 366-369.
26. Ёқубова, Д. Т. (2020). Сурхондарё вилоятида ингичка толали пахтадан юқори ҳосил олиш агротехникасининг ривожланишида м.с. истоминнинг фаолияти. *Хоразм маъмун академияси ахборотномаси*, 120-123.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00790

# YUNON-RIM KURASHCHILARIGA TEXNIK USULLARNI O‘RGATISHDA MODELLASHTIRISH USULINING SAMARADORLIGI

**Azizjon Ibrohimovich Xolmatov**
O‘zbekiston Davlat jismoniy tarbiya va sport universiteti katta o‘qituvchisi

**Djasur Yuldashevich Tashnazarov**
O‘zbekiston Davlat jismoniy tarbiya va sport universiteti katta o‘qituvchisi

**Oybek Nuritdinovich Kurganov**
O‘zbekiston Davlat jismoniy tarbiya va sport universiteti o‘qituvchisi

**Jandos Nurjan o‘g‘li Abdikulov**
O‘zbekiston Davlat jismoniy tarbiya va sport universiteti o‘qituvchisi
jasurtash@gmail.com

## ANNOTATSIYA

Maqolada kurash turlarida texnik usullarni o‘rgatishni optimallashtirish usullari keltirilgan. Kurash turlarining mashg‘ulotlarida texnik usullarni o‘rgatishni modellashtirish uslubi o‘rganilgan. Mashg‘ulot jarayonlaridan modellashtirish uslublaridan unumli foydalanish to‘g‘risida murabbiylar o‘rtasida so‘rovnoma anketadan foydalanildi.

**Kalit so‘zlar:** jismoniy tayyorgarlik, texnik usullar, o‘quv-mashg‘ulot, mashg‘ulot jarayoni, modellashtirish, optimallashtirish.

# EFFECTIVENESS OF MODELING IN TEACHING TECHNICAL METHODS TO GREECE-ROMAN WRESTLERS

## ABSTRACT

The article describes how to optimize training in wrestling technique. The technique of modeling the teaching of technical techniques in the lessons of the struggle was studied. We used a questionnaire among trainers on how to use training process modeling methods.

**Keywords:** physical education, techniques, training, training, modeling, optimization.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00790

## KIRISH

Jismoniy tarbiya va sportning barcha turlari insonning sog‘lig‘ini saqlash va mustahkamlash uchun muhim vosita bo‘lib xizmat qiladi. Insonning jismoniy sifatlarini rivojlantirish, salomatligini mustahkamlash, ish qobiliyatini oshirish, sportchilarda zarur bo‘lgan ruhiy muhitni yaratishning ko‘p qirrali jarayonida jismoniy tarbiya va sportning ahamiyati yuqoridir. Sog‘lom insonlarni tarbiyalashda yordam beradigan kurash turlarining har xil turlari jismoniy tarbiya tizimida muhim o‘rin egallaydi. Shu jumladan, kurash turlari ham jismoniy tarbiya tizimida o‘z o‘rniga ega [1 ;3-b].

## ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

V.M. Koretskiy ilmiy izlanishlari davrida uchta qismdan iborat jismoniy tarbiya mutaxassislari uchun model ishlab chiqdi.

Birinchi qism (axloq-odobi, g‘oyaviyligi, ma’naviyati va boshqa sifatlari, aqli, ruhiy rivojlanish darajasining funksiyalari) hisobga olinadi.

Ikkinchi qism (hamma ish turlarining yig‘indisi va mutaxassis mehnatining asosiy ishi va bajariladigan muammollari.

Uchinchi qism kasbning ma’lum vazifalarini bajarishdagi mohirligi, bilimi, malakasi, shaxsning bilim darajasi hajmi.

Tadqiqotchilar tomonidan (V.I. Kozlovskiy va boshqalar, 1978) futbolchi model xarakteristikasining qism shakli taklif qilingan. Bular uchta darajadan iborat.

Birinchisi – o‘yinchi va jamoalarning guruhda hujum qilish yoki himoya qilishi faoliyatidagi harakatining natijasi.

Ikkinchisi – texnika bilan qurollantirish, maxsus va taktik jismoniy tayyorgarligi, ruhiy turg‘unligi.

Uchinchisi – funksional tayyorgalik xarakteristikasi, morfologik xususiyalari, sport stajining yoshi[1; 210-b].

Yunon-rim kurashida sportchining texnik harakatlari ko‘p va turli-tumanligi sababli u boshqa sport turlaridan farq qiladi. Yunon-rim kurashchisining texnik harakatlarini tartibga solish va ushbu sohada mutaxassislar o‘rtasida muloqot qilish imkonini yaratish uchun kurash texnikasining tasnifi, tizimi hamda atamalari ishlab chiqilgan. Kurashning texnik tayyorgarligi sportchi tomonidan yuqori sport natijalariga erishishni ta’minlovchi harakatlar tizimining egallaganlik darajasi bilan tavsiflanadi.

Kurashchining umumiy va maxsus texnik tayyorgarligi ajratiladi. Umumiy texnik tayyorgarlik yordamchi sport turlaridagi har xil harakat malakalari hamda

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00790

ko‘nikmalarini egallashga, maxsus texnik tayyorgarlik sport kurashida texnik mahoratga erishishga qaratilgan.

Sport kurashida texnik tayyorgarlik bir qator murakkab vazifalarni hal etishga yo‘naltirilgan:

- maksimal kuchlanishdan foydalanish samaradorligini oshirish;
- ish kuchlanishini tejash;
- musobaqa faoliyatini o‘zgaruvchan holat sharoitlarida harakatlanish tezligi, aniqligini oshirish.

Sport texnikasini takomillashtirish kurashchilarning ko‘p yillik tayyor-garligi davomida amalga oshiriladi va u tanlangan kurash turida texnik mahoratni oshirishga qaratiladi.

Texnik mahorat deganda keskin sport kurashi sharoitlarida eng oqilona harakat texnikasini mukammal egallash tushuniladi[1; 175-b, 3; 53-b].

Yunon-rim kurash turida sportchining texnik harakatlari ko‘p va turli-tumanligi sababli u boshqa sport turlaridan farq qiladi. Kurash turi kurash-chisining texnik harakatlarini tartibga solish va ushbu sohada mutaxassislar o‘rtasida muloqot qilish imkonini yaratish uchun kurash texnikasining tasnifi, tizimi hamda atamalari ishlab chiqilgan.

Tasniflash – bilimlarning u yoki bu sohasidagi bir-biriga tobe’ tushunchalar (sinflar, obyektlar, hodisalar) tizimidir. Tasnif obyektlarning umumiy belgilar va ular o‘rtasidagi qonuniy bog‘liqlikni hisobga olish asosida tuziladi. Tasniflash turli-tuman obyektlarda to‘g‘ri yo‘l tutishga yordam beradi hamda ular to‘g‘risidagi bilimlar manbai bo‘lib hisoblanadi.

Har xil kurash usullarini ularning umumiy belgilariga qarab (tasniflarga) taqsimlash mutaxassislarga fan to‘g‘risidagi nazariy hamda amaliy bilimlarni rivojlantirishga imkon yaratadi va bir vaqtning o‘zida bu bilimlardagi kamchi-liklarni aniqlashga yordam beradi.

Kurash usullari o‘rtasidagi ichki bog‘liqliklar tizimlashtirish asosida ko‘rib chiqiladi. Tizimlshatrish – bu kurash texnikasini bir tizimga solish, ma’lum bir tartibda joylashtirish, ma’lum bir ketma-ketlikni belgilash demakdir.

Tizimlashtirishda, tasniflashdan farqli ravishda (chunki uning davomida ko‘rib chiqilayotgan obyektlar ularning o‘xshashligi va o‘zaro bog‘liqligini hisobga olgan holda u yoki bu bo‘linmaga taalluqli bo‘ladi) obektlar ularning ketma-ketligini aniqlash, belgilash uchun bir-biri bilan taqqoslanadi. Tizimlashtirish ushbu tasnifiy sxema imkoniyatlarini ochib beradi, uning kamchiliklarini ko‘rsatadi.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00790

Kurash turini tasniflash va tizimlashtirishning vazifasi kurash mohiyatini aks ettirish hisoblanadi. Tasniflash va tizimlashtirishni tushunchalarni (tashlash, o‘tkazish, yiqitish, ag‘darish va h.k.) aniqlash bo‘yicha oldindan ish bajaril-masdan turib amalga oshirilmaydi.

Yaxshi tuzilgan tasniflash ilmiy asoslangan atamalarni yaratish uchun asos bo‘lib hisoblanadi.

Kurash atamashunosligi – bu mutaxassislar o‘zlarining ilmiy va pedagogik ish faoliyatlarida foydalanadigan atamalar yig‘indisidir[2; 99-b].

Mashg‘ulot jarayonini samarali boshqarish, unda har xil modellarni qo‘llash bilan bog‘liq. Model so‘zi namuna (standart, etalon) sifatida ishlatiladi. Keng ma’noda esa, biror obekt jarayonining yoki hodisaning namunasi (hayoliy va shartli) tushuniladi. “Model” so‘zini izohlaganda ilmiy-metodik adabiyotlarda ham, sportda ham bir xil ma’noni anglatadi.

Model bu alohida sport turida egallagan sport mahorati yutuqlari natijasining yig‘indisidir. Modelni ishlatish va qayta ishlash natijasida modellashtirish jarayoni quriladi.

Sportga tayyorgarlik jarayonida va bellashuvlarda qatnashish model xarakterini o‘rganishga, aniqlashga, ishlatishga yordam beradi.

Modellashtirish-tashkilotchilikda muhim omil sifatida, sportchi tayyorgarligini rejalashtirishda, istal-gan darajadagi yutuqlarga erishishga imkoniyatlar yara-tishda, berilgan vazifalarni to‘g‘ri yechishda, mashqlarda foydali vositalarni to‘g‘ri ishlatishda muhim ahamiyatga ega.

“Model” va “modellashtirish” – terminlari sport nazariyasida hamda amaliyotida muhim o‘rin egallaydi. Masalan, ilmiy-uslubiy adabiyotlarda, sport haqidagi maqolalarda bu termin 60–70 yillarga nisbatan deyarli 20 marta ko‘p ishlatiladi.

Modellashtirish ilmiy-amaliy usul sifatida zamonaviy nazariyada va sport amaliyotida keng tarqalganligini guvohi bo‘lamiz. Modellashtirishning nazariy va amaliy sportdagi echishi kerak bo‘lgan vazifalari turli xarakterga ega.[1; 438-b]

## MUHOKAMA VA NATIJALAR

Kurash turlarida o‘qitish – bu kurash turlari nazariyasi va uni o‘qitish usuliyati to‘g‘risidagi bilimlar kurashchining asosiy o‘ziga xos musobaqa, hakamlik, pedagogik, tashkiliy faoliyati hisoblangan ko‘nikma va malakalar tizimini shakllantirishga qaratilgan maqsadli tashkil qilingan pedagogik jarayondir.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00790

O‘qitish maqsadi shug‘ullanuvchilarda trenerning kasb faoliyati konsep-siyasini aks ettiruvchi bilimlar tizimini shakllantirishdan iborat. Ushbu kon-sepsiya bilimlar va malakalar, ilmiy fikrlash uslublari, shug‘ullanuvchilarda ongli hamda amaliy faoliyatga ijodiy munosabatni tarbiyalashni o‘z ichiga oladi.

Kurash turlari nazariyasi va o‘qitish usuliyati o‘quv fanining o‘ziga xos sharoitlari hamda xususiyatlarini aks ettiruvchi umumiy vazifalar quyidagilardan iborat:

- sport turi nazariyasi va o‘qitish usuliyati bo‘yicha bilimlarning optimal hajmi, har tomonlamaligi va yetarlicha chuqur bo‘lishini ta’minlash;
- ijodiy anglash imkoniyatlarini takomillashtirish;
- kurashchining umumiy tayyorgarlik mashqlarini bajarish malakalarini shakllantirish va takomillashtirish;
- kurash texnikasi usullari himoyalanishlar va qarshi usullarni bajarishni shakllantirish hamda takomillashtirish;
- musobaqa bellashuvlaridagi texnik-taktik harakatlarning optimal hajmi va turli xilligini shakllantirish;
- o‘quv, o‘quv-trenirovka, nazorat, musobaqa va ko‘rgazmali bellashuv-larni olib borish ko‘nikmalari hamda malakalarini shakllantirish;
- kurash usullarini bajarish texnikasini tahlil qilish bilimlari malaka va ko‘nikmalarini shakllantirish hamda takomillashtirish;
- kurash texnikasini ko‘rsatib berish va tushuntirish malakasini egallash;
- murakkab texnik-taktik harakatlarni bajarishga o‘rgatish va takomil-lashtirish bilimlari, malakalari hamda ko‘nikmalarini shakllantirish va tako-millashtirish;
- kurash bo‘yicha darslarni tahlil qilish va o‘tkazish malakalarini shakllantirish hamda takomillashtirish;
- kurash musobaqalariga hakamlik qilish va ommaviy sport tadbirlarini tashkil etish hamda o‘tkazish bilimlari, malakalari va ko‘nikmalarini shakl-lantirish hamda takomillashtirish [1; 129-b, 3; 165-b].

Ilmiy adabiyotlarda model va modellashtirishning yana bir necha turlari keltiriladi.

Ko‘pgina olimlar tomonidan taklif qilingan bu turlarning orasida juda katta farq mavjudligiga qaramasdan, sport faoliyatini ishonchliligini modellashtirishda ularni qo‘llash sohasini aniqlash maqsadga muvofiqdir.

Sport amaliyotida modellashtirishning uchala darajasini qo‘llanishi kuzatiladi. Yuqori darajadagi model sport tayyorgarligining va bellashuvlarda qatnashishini umumiy yo‘nalishini ta’minlaydi. Sportchining musobaqa faoliyatida va

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00790

mashg‘ulotlar boshqaruviga zamin yaratadi. Modelning umumlashtiruvchi va guruhlashtiruvchi turlarini ishlatishdagi samarasi ayniqsa, hali sport cho‘qqilarini egallamagan yoshlar yoki kattalarni tayyorlashdagi mashg‘ulotlar jarayonida juda kattadir. Dunyo miqiyosidagi sportchilar tayyorgarligida, bunday modellarning ma’lum bir tomonini nazarda tutish kamdir. Qobiliyatli sportchi o‘zining har tomonlama sport texnikasini egallashda, yorqin qirralarini, noyob qobiliyatini, chidamli irodasini ko‘rsatadi. Model bosqichlarini qayta ishlashdagi ko‘p yillik tayyorgarligida, makrosiklda, mashg‘ulotlarda sport mahoratining asosiy qonunchiligini ko‘zda tutish kerak. Tayyorgarlik davrida oliy darajadagi sport natijalarni ko‘rsatishda o‘ziga xos moslashish imkoniyatlaridan foydalanish kerak. Mashg‘ulot rejalaridagi turli mashqlarning o‘zaro qonuniyatlari guvoh-ligicha, charchash jarayonlarining xususiyati, ishlash qobiliyatining yuqori darajadagi xarakterlariga bog‘liq [1; 438-b, 4; 38-b].

Alohida modeldagi mashqlar va ularning majmuasi tez ko‘nikish mexanizmi asosida quriladi. Shuningdek mashq parametrlarining vazifasi (alohida mashqlarning davomiyligi va ularning majmuasi, ishning samaradorligi mashqlar orasidagi to‘xtalish va yana davom ettirish, mashqlarning umumiy soni) tayyorgarlikning turlarini takomillashtirishga qaratiladi.

Modellashtirish ilmiy-amaliy usul sifatida zamonaviy nazariyada va sport amaliyotida keng tarqalganligini guvohi bo‘lamiz. Modellashtirishning nazariy va amaliy sportdagi yechishi kerak bo‘lgan vazifalari turli xarakterga ega.

Modellashtirish uslubi xaqida xozirgi murabbiylarni bilim darajalari va ularni bu uslubga munosabatlari xaqida o‘rganish maqsadida so‘rovnoma olib borildi. Kurash sohasida ko‘p yillar davomida faoliyat yuritib kelayotgan murabbiylar o‘rtasida o‘zaro suhbat asosida test so‘rovnomasi tuzib chiqildi.

Tadqiqot boshida ko‘pgina ikkilanishlar va har-xil fikrlar qarama – qarshiligi kuzatildi, so‘rovnoma sport sohasida modellashtirishni o‘rni va samaradorligi, kerakliligi va boshqa omillari xaqida bo‘lgan bilimlarini baholash imkonini berdi.

Tadqiqotga jalb qilingan murabiylardan so‘rovnoma o‘tgazilganda, ularning fikricha:

Model usulidan xabardor murabbiylar - 70%.

Shulardan - murabbiylik faoliyati davomida modellashtirish usulidan:

- foydalanganlar – 20%
- kuzatuv olib borganlar – 12%
- kitoblarda va ilmiy maqolalarda o‘qigan – 10%
- Ilmiy konferensiyalarda va ma’ruzalarda tinglaganlar – 12%

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00790

**(1-jadval)**

**Sport sohasida modellashtirish uslubining o‘rni xaqida murabbiylarning umumiy fikri “%” hisobida keltirib o‘tilgan.**

| № | Mazmuni | Foiz xisobida “%” |
|---|---|---|
| 1 | Yunon-rum kurashida modellashtirish usuli <<kerak>> deb hisoblaydigan murabbiylar | 80% |
| 2 | Yunon-rum kurashida modellashtirish usuli <<kerak emas>> deb hisoblaydigan murabbiylar | 4% |
| 3 | Yunon-rum kurashida modellashtirish usuliga <<qizig‘i yo‘q>> deb hisoblaydigan murabbiylar | 16% |

Yuqoridagi so‘rovnoma natijalarni farqiga qarab bilish mumkinki, sport sohasida modellashtirish juda katta o‘rin egallab kelmoqda. Bu borada olib borilayotgan ilmiy tadqiqot ishlari kam bo‘lsada lekin xorijlik ilmiy izlanuvchilar o‘z kurashchilarini yuqori natijalarni ko‘rsatishlari uchun va modellashtirish uslubini chuqurroq o‘rganib va uni targ‘ib qilish ishlari bilan shug‘ullanishmoqda.

## XULOSA

Jismoniy tarbiya va sportni ommalashtirish ko‘pgina olimlarni bir qancha xilma-xil fikrlari va tajribalari maxsulini tahlil qilib chiqsak, modellashtirish uslubi har qaysi yoshda va har qaysi malakada foydalanish mumkinligini izohlaydi. Jismoniy tarbiya va sportda modellashtirish joy, vaqt, yuklama, mashqlar to‘plami, binoni joylashishi va boshqalarga bo‘linib ketadi. Sport sohasini o‘zi bir model ekanligini e’tirof etgan holda biz xar doyim foydalanadigan usul va uslublar ham qachonlardir bir model bo‘lib shakillangan. Hozirga kelib, biz o‘zimiz bilmagan holda modellashtirgan usullarmiz yordamida o‘z faoliyatimizni davom ettirib kelmoqdamiz. Shu qatorda sport sohasini bir tomonlama rivojlantirish modellashtirish uslubiga xos emasligi ko‘rindi, biz olib borgan tadqiqot yosh sportchilarni jismoniy va texnik-taktik tayyorgarliklari bilan ularning psixologik xususiyatlarini oshirib bordi. Amaliy tavsiya sifatida yosh sportchilarni tayyorlashda modellashtirish uslubidan foydalanishda model sifatida olingan ob’ektni har tomonlama o‘rganib chiqish va kamchiliklarini inobatga olish shart deb hisoblaymiz

## REFERENCES

1. Хайдаров, М., Алламуратов, М., & Хайруллаева, Н. (2021). Сравнительная оценка физического состояния подростков 11-16 лет с нарушением интеллекта. Academic research in educational sciences, 2(Special Issue 1).

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00790

2. Сафарова, Д. Д., Пулатова, М. Д., & Султанова, Ю. А. (2017). Взаимоотношения показателей гемодинамики с проявлением физической работоспособности у спортсменок-дзюдоисток. Наука и спорт: современные тенденции, 14(1).
3. Пўлатова, М. Д. (2020). Применение восстановительных комплексов после травматических повреждений квалифицированных борцов. Интернаука, (8-1), 22-23.
4. Шукурова, С. С., Пулатова, М. Д., & Серебряков, В. В. (2021). Изменения показателей макроэлементов в крови у футболистов после физической нагрузки. Academic research in educational sciences, 2(Special Issue 1).
5. Шукурова, С. С., Сейдалиева, Л. Д., & Шарипова, С. Н. (2021). Анализ гемодинамики игроков во время тренировочного процесса. Academic research in educational sciences, 2(Special Issue 1).
6. Қутлимуратов, И. Х. (2021). Футболчиларнинг турли йўналишлардаги тўпни ошириб бериш ҳаракатларини ўрганиш. Academic research in educational sciences, 2(Special Issue 1).
7. Nazirov, B. S. (2020). Master who devoted his life to sports. Theoretical & Applied Science, (6), 78-82.
8. Алиев, И. Б. (2020). Курашчиларнинг мусобака олди тайёргарлик боскичларидаги толикиш белгиларини турли х, ажмдаги таъсирига караб юкламаларни таксимлаш. Фан-спортга,(2), 42-45.
9. GAZIEV, S. (2020). Improving the speed-strength preparedness of sambo wrestlers at the stage of sports improvement. Фан-Спортга, (1), 56-60.
10. Bakhtiyorovich, O. B. Improvement of methodology of development of technical and tactical methods with rapid power of belbog wrestlers.
11. Madraimov, H. K., & Aliyev, I. B. (2020). Distribution of training loads, taking into account the pre-competition training of freestyle wrestlers. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 10(9), 348-351.
12. Назаров, Н. Н., & Юсупов, Н. М. (2012). Философские особенности и развитие футбола в республике узбекистан. Педагогические науки, (3), 93-96.
13. НАЗАРОВ, Н. (2020). Мутафаккирлар илмий меросларидан фойдаланган ҳолда спортчи ёшларнинг ахлоқий ва эстетик қарашларини шакллантириш. Фан-Спортга, (3), 38-41.
14. Egamberdiyev, I. O. (2021). Unconventional development of balance on land in young kayakers. Academic research in educational sciences, 2(2).

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00790

15. Geyger, A. I. (2021). Immunity of swimmers in the conditions of modern training. Academic research in educational sciences, 2(2).
15. Собирова, Ш. У. (2019). Использование рекламных текстов в обучении иностранному языку. Молодой ученый, (18), 48-50.
17. Норбоева, Ф. Р. (2020). Перевод маркетинговых терминов в сфере спорта с английского языка на русский. Интернаука, (26-2), 27-28.
18. Норбоева, Ф. Р. (2020). Процесс преподавания иностранного языка в неязыковом вузе. Интернаука, 20(149 часть 2), 74.
19. Rakhmatullayevna, N. F. (2020). The role of modern pedagogical technologies in the education system. Наука и образование сегодня, (6-2 (53)).
20. Xolisov, B. A. (2017). Yangi iqtisodiy siyosatning turkiston xalq xo'jaligiga ta'siri. ЎзМУ хабарлари, 129-132.
21. Jurayev, I. B. (2021). Futzal hakamlarining jismoniy tayyorgarlilarini yaxshilash hamda mavsumiy topshiriladigan fifa fitness testiga tayyorlash. Internauka, 4(180), 75-77.
22. Mengliboyev, A. X. (2020). Tarixiy shaxslarning milliy manfaatlar uchun kurashi tarixidan. Ўтмишга назар, 215-219.
23. Xojiyev, S. S. (2021). Yosh xokkey darvozabonlarining shaybani to‘sish harakatlari samaradorligini oshirish. Internauka, 5(181), 99-101.
24. Шукуров, М. Н. (2021). Курашшиларнинг организмига кластерланган махсус тайерлов техник машқларининг таъсири. Наманган Давлат Илмий Ахборотномаси, 366-369.
25. Ёқубова, Д. Т. (2020). Сурхондарё вилоятида ингичка толали пахтадан юқори ҳосил олиш агротехникасининг ривожланишида м.с. истоминнинг фаолияти. Хоразм маъмун академияси ахборотномаси, 120-123.
26. Tastanov N.A. – «Kurash turlari nazariyasi va uslubiyati» Darslik. Toshkent - 2017. 486 bet.
27. Tursunov Sh.S. – Yunon-rim kurashi nazariyasi va uslubiyati. O‘quv qo‘llanma. Toshkent 2017 yil. 212 bet.
28. Tursunov Sh.S. – Yunon-rim kurashi mashg‘ulot asoslari. O‘quv qo‘llanma. Toshkent 2017 yil. 223 bet.
29. Tashnazarov D.Yu. – Sport pedagogik mahoratini oshirish (yunon-rim kurashi bo‘yicha 2-jild). O‘quv qo‘llanma. Toshkent 2019 yil. 210 bet.
30. Tashnazarov Jasur Yuldashevich - The role of modern development technikal preparation. European Journal of Research and Reflectional Sciences Англия. 42-45.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00791

# ERKIN KURASHCHILARINI MASHG‘ULOT JARAYONLARIDA MODELLASHTIRISHNI ASOSIY TARKIBIY QISMLARINI O‘RGANISH

**Sarvar Qaxramonovich Adilov**
O‘zbekiston Davlat jismoniy tarbiya va sport universiteti katta o‘qituvchisi

**Farxod Ochilovich Berdiyev**
O‘zbekiston Davlat jismoniy tarbiya va sport universiteti o‘qituvchisi

**Asror Baxromovich Jumaqulov**
O‘zbekiston Davlat jismoniy tarbiya va sport universiteti o‘qituvchisi

**Timur Riskbekovich Anarbayev**
O‘zbekiston Davlat jismoniy tarbiya va sport universiteti o‘qituvchisi

## ANNOTATSIYA

Maskur maqolada erkin kurashda mashg‘ulotlar uslubini modellashtirish usulini optimallashtirish yo‘llari keltirilgan. Kurash turlarining mashg‘ulotlarida texnik-taktik harakatlarga modellashtirish uslubi orqali o‘rganilgan.

**Kalit so‘zlar:** jismoniy tayyorgarlik, maxsus tayyorgarlik, texnik usullar, texnik taktik harakatlar, o‘quv-mashg‘ulot, mashg‘ulot jarayoni, modellashtirish, optimallashtirish.

# STUDY OF THE MAIN COMPONENTS OF MODELING OF FREEDOM WRESTLERS IN TRAINING PROCESS

## ABSTRACT

This article gives you a brief overview on freestyle wrestling and how to optimize your training style. Learned the techniques of modeling technical and tactical movements in wrestling.

**Keywords:** physical training, special training, technical methods, technical tactical actions, training, training process, modeling, optimization.

## KIRISH

Dolzarbligi shundaki mamakatimiz sportchilarini dunyo arenalarida yuqori natijalarini egallashlari uchun qanchadan qancha buyuk ishlar qilinmoqda. Bu

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00791

bunyodkorlik ishlari bilan cheklanib qolmasdan, sportni ilmiy jixatlarini xam kuchaytirish lozimdir. Sport dunyosida ko‘pincha amaliy xarakatlangan sportchilar dunyoga tanilgan, ayni shu sportchilarni dunyoda yuqori natija ko‘rsatishi uchun qancha ilmiy ishlar qilinganligini va ulardan qanchsi ilmiy asoslangan va yana qanchasi umuman tugatilmagan va mofaqiyatga erishmagan. Ilmiy asoslangan tizimni qayta ishlashda yuqori malakali sportchilar tayyorlash uchun, kuchli sportchilar modelini yaratishga katta e’tibor beriladi.

Tashkiliy-metodik asoslar yuksak darajadagi sport natijalariga erishuvchi va oldiga qo‘ygan vazifalarni yecha oladigan kuchli terma jamoalarni, sportchilarni modelini yaratishni ko‘zda tutadi. [2,5]

## ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Ilmiy mutaxassislar sportda shunday modellar yaratish zarurligi haqida bir necha marta murojaat qilganlar va kuyidagilarni yaratganlar. “Kelajakning evristik modeli” (A.A. Gujalovskiy, 1971), “Sportchining model namunasi” (A.V. Ivaylov, 1971), “Bo‘lajak sportchi modeli” (V.M. Dyachkov, 1972), “Bo‘lajak sportchining modeli” (B.I. Butenko, 1972), “Yuksak maqsadlarni shakllantirish” (V.M. Zatsiorskiy, 1973). [2,8]

V.V. Kuznetsov va A.A. Novikovning (1975) tadbiri bo‘yicha, modelni ishlash ko‘rsatmalarida “Sportchining modeli” tushunchasi kiritilmagan va umumiy tizimdagi sport tayyorgarligidagi o‘rni ko‘rilmagan.

Tadqiqotchilar V.V. Kuznetsova va A.A. Novikov tomonidan olib borilgan ishlari natijasida kuchli sportchilarning modellashtirish muammolari ancha oldiga surildi. 1973-yilda zamonaviy tayyorlangan oliy darajada ixtisoslash-tirilgan sportchilar xarakterining modeli nazariyotga va amaliyotga kiritiladi.

Kuchli sportchilar modelining xarakteristikasi kelgusida asosiy teoretikada ham taklif qilingan. [1,2,5]

Bir qator avtorlar ishning tahliliga asoslanib, biologik tizimi bilimi bilan uning funksional yo‘nalish bilimini birligini ko‘rsatuvchi modellar o‘rtasidagi o‘zaro munosabat bloksxema modeli asosida tuzilgan. [3,4]

Modelning asosiy komponentlari umumiy subordinatsiyali munosabatlarga ko‘ra uchta darajaga bo‘yicha bo‘lingan. [7,9]

Birinchi darajada – musobaqa faoliyati. Bu darajada kuchli sportchilarning jiddiy musobaqalardagi xarakteri kiradi. Bu “musobaqalar modelining” asosi hisoblanadi.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00791

Ikkinchi darajada – mahorat modeli. Sport formasidagi sportchining maxsus jismoniy, texnik va taktik tayyorgarligidagi xarakterini o‘z ichiga oladi.

Uchinchi darajada – sport imkoniyatlarining modeli (funksional va psixologik tayyorgarligi, morfologik tayyorgarligi, yoshi va sport staji).

Yuqorida bayon qilingan metodologik yondashishi tadqiqotchilar tomoni-dan keng qo‘llangan. V.M. Koretskiy uchta blokdan iborat jismoniy tarbiya pedagog-mutaxassislar uchun model ishlab chiqdi.

Birinchi blok – shaxs blogi (axloq-odobi, g‘oyaviyligi, ma’naviyati va boshqa sifatlari, aqli, ruhiy rivojlanish darajasining funksiyalari).

Ikkinchi blok – kasb faoliyati blogi, (hamma ish turlarining yig‘indisi va mutaxassis mehnatining asosiy ishi va bajariladigan muammollari.

Uchinchi blok – bilim blogi, kasbning ma’lum vazifalarini bajarishdagi mohirligi, bilimi, malakasi.

Tadqiqotchilar tomonidan (V.I. Kozlovskiy va boshqalar, 1978) futbolchi model xarakteristikasining blok shakli taklif qilingan. Bular uchta darajadan iborat.

Birinchisi – o‘yinchi va jamoalarning guruhda hujum qilish yoki himoya qilishi faoliyatidagi harakatining natijasi.

Ikkinchisi – texnika bilan qurollantirish, maxsus va taktik jismoniy tayyorgarligi, ruhiy turg‘unligi.

Uchinchisi – funksional tayyorgalik xarakteristikasi, morfologik xusu-siyalari, sport stajining yoshi.

## MUHOKAMA VA NATIJALAR

Tadqiqotchilarning fikriga qo‘shilgan holda, sportchilarning bosqichli tayyorgarligini hisobga olib, modellarni g‘oyaviy va kundalik modellarga ajratiladi. [2,10]

Bu modellar sportchining holati haqida olingan axborotdan keyin tuziladi. Kundalik va g‘oyaviy modelning muvofiqlashuvi maqsadga erishishda yagona yo‘l bo‘lib, sportchi tayyorgarligida va mashq jarayonlarida qo‘llaniladi.

Sportchining model tasnifini – bu sportni takomillashtirish parametrlari bo‘lib, tarma jamoalarga sportchi saralash uchun yordam beradi.

Model xarakterini yaratish uchun, juda zo‘r yuqori malakali sportchi tasavvur qilinadi. Kuchli sportchilarni modelini bilmasdan turib, har bir sportchining mashg‘ulot jarayonidagi natijalari ta’siridagi muammolarni echib bo‘lmaydi. [3,4]

Model xarakteri, sportchi mahoratining komponentlarini oshiradi, bo‘lajak musobaqalarga tayyorgarlik holatini aniqlaydi. [5,9,11]

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00791

Jiddiy musobaqalar natijalarini aniqlagan holda, yana ham muhimroq model xarakteri ajratilgan. Bu esa sportdagi natijalarni yana ham oshiradi.

Bu model xarakteriga, sport faoliyatidagi staji va yoshi, marfometrik xarakteristikasi, maxsus tayyorgarlik daraja ko‘rsatkichlari (jismoniy, texnikaviy, taktikaviy, ruhiy, funksiyali, nazariyali) kiradi.[6,8,11]

## XULOSA

Sport dunyosi faqat sport maydonchasida emas, balki sport labaratoriyalarida xam kuzatilishi va bu maskanda ayni yuqori natijalarni ko‘rsatish imkoniyatlari ochib berilishi izoxlandi. Yurtimizda sport labaratoriyalarini rivojlantirish sport soxasida ko‘proq yutuqlarga erishishimizga ko‘makchi bo‘lishi ko‘pgina ilmiy-amaliy konferensiyalarda o‘z ispotini topib kelmoqda. Kurashchilarni texnik tayyorgarliklarini takomillashtirish tartibi ularning birinchi mashg‘ulotlaridan to‘g‘ri boshlanishi kelajakda ularni olimpiada g‘oliblari bo‘lishlariga sabab bo‘ladi.

## REFERENCES

1. Хайдаров, М., Алламуратов, М., & Хайруллаева, Н. (2021). Сравнительная оценка физического состояния подростков 11-16 лет с нарушением интеллекта. Academic research in educational sciences, 2(Special Issue 1).
2. Сафарова, Д. Д., Пулатова, М. Д., & Султанова, Ю. А. (2017). Взаимоотношения показателей гемодинамики с проявлением физической работоспособности у спортсменок-дзюдоисток. Наука и спорт: современные тенденции, 14(1).
3. Пўлатова, М. Д. (2020). Применение восстановительных комплексов после травматических повреждений квалифицированных борцов. Интернаука, (8-1), 22-23.
4. Шукурова, С. С., Пулатова, М. Д., & Серебряков, В. В. (2021). Изменения показателей макроэлементов в крови у футболистов после физической нагрузки. Academic research in educational sciences, 2(Special Issue 1).
5. Шукурова, С. С., Сейдалиева, Л. Д., & Шарипова, С. Н. (2021). Анализ гемодинамики игроков во время тренировочного процесса. Academic research in educational sciences, 2(Special Issue 1).
6. Қутлимуратов, И. Х. (2021). Футболчиларнинг турли йўналишлардаги тўпни ошириб бериш ҳаракатларини ўрганиш. Academic research in educational sciences, 2(Special Issue 1).

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00791

7. Nazirov, B. S. (2020). Master who devoted his life to sports. Theoretical & Applied Science, (6), 78-82.
8. Алиев, И. Б. (2020). Курашчиларнинг мусобака олди тайёргарлик боскичларидаги толикиш белгиларини турли х, ажмдаги таъсирига караб юкламаларни таксимлаш. Фан-спортга,(2), 42-45.
9. GAZIEV, S. (2020). Improving the speed-strength preparedness of sambo wrestlers at the stage of sports improvement. Фан-Спортга, (1), 56-60.
10. Bakhtiyorovich, O. B. Improvement of methodology of development of technical and tactical methods with rapid power of belbog wrestlers.
11. Madraimov, H. K., & Aliyev, I. B. (2020). Distribution of training loads, taking into account the pre-competition training of freestyle wrestlers. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 10(9), 348-351.
12. Назаров, Н. Н., & Юсупов, Н. М. (2012). Философские особенности и развитие футбола в республике узбекистан. Педагогические науки, (3), 93-96.
13. НАЗАРОВ, Н. (2020). Мутафаккирлар илмий меросларидан фойдаланган ҳолда спортчи ёшларнинг ахлоқий ва эстетик қарашларини шакллантириш. Фан-Спортга, (3), 38-41.
14. Egamberdiyev, I. O. (2021). Unconventional development of balance on land in young kayakers. Academic research in educational sciences, 2(2).
15. Geyger, A. I. (2021). Immunity of swimmers in the conditions of modern training. Academic research in educational sciences, 2(2).
15. Собирова, Ш. У. (2019). Использование рекламных текстов в обучении иностранному языку. Молодой ученый, (18), 48-50.
17. Норбоева, Ф. Р. (2020). Перевод маркетинговых терминов в сфере спорта с английского языка на русский. Интернаука, (26-2), 27-28.
18. Норбоева, Ф. Р. (2020). Процесс преподавания иностранного языка в неязыковом вузе. Интернаука, 20(149 часть 2), 74.
19. Rakhmatullayevna, N. F. (2020). The role of modern pedagogical technologies in the education system. Наука и образование сегодня, (6-2 (53)).
20. Xolisov, B. A. (2017). Yangi iqtisodiy siyosatning turkiston xalq xo'jaligiga ta'siri. ЎзМУ хабарлари, 129-132.
21. Jurayev, I. B. (2021). Futzal hakamlarining jismoniy tayyorgarlilarini yaxshilash hamda mavsumiy topshiriladigan fifa fitness testiga tayyorlash. Internauka, 4(180), 75-77.
22. Mengliboyev, A. X. (2020). Tarixiy shaxslarning milliy manfaatlar uchun kurashi tarixidan. Ўтмишга назар, 215-219.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00791

23. Xojiyev, S. S. (2021). Yosh xokkey darvozabonlarining shaybani to‘sish harakatlari samaradorligini oshirish. Internauka, 5(181), 99-101.
24. Шукуров, М. Н. (2021). Курашшиларнинг организмига кластерланган махсус тайерлов техник машқларининг таъсири. Наманган Давлат Илмий Ахборотномаси, 366-369.
25. Ёқубова, Д. Т. (2020). Сурхондарё вилоятида ингичка толали пахтадан юқори ҳосил олиш агротехникасининг ривожланишида м.с. истоминнинг фаолияти. Хоразм маъмун академияси ахборотномаси, 120-123.
26. Рузикулов, Б. Б. (2020). ОБ ОСОБЕННОСТЯХ ПРОЯВЛЕНИЯ ФИЗИЧЕСКОЙ РАБОТОСПОСОБНОСТИ ПРИ НАГРУЗКАХ РАЗЛИЧНОЙ НАПРАВЛЕННОСТИ У ФУТБОЛИСТОВ ПОДРОСТКОВОГО ВОЗРАСТА. 2020 ЙИЛДА ЎТКАЗИЛАДИГАН XXXII ЁЗГИ ОЛИМПИЯ ВА XVI ПАРАЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИГА СПОРТЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ, 530-532.
27. Рузикулов, Р. (2019). О ВЗАИМОСВЯЗИ МЕЖДУ ХАРАКТЕРОМ ФИЗИЧЕСКОЙ РАБОТОСПОСОБНОСТИ ПРИ НАГРУЗКАХ РАЗЛИЧНОЙ НАПРАВЛЕННОСТИ И КАТЕГОРИЯМИ СОМАТОТИПОВ У ЮНЫХ ФУТБОЛИСТОВ. ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ НАЗАРИЯСИ ВА УСЛУБИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ, (1), 339-343.
28. Рўзиқулов, Б. (2021). 12-16 ЁШДАГИ ФУТБОЛЧИЛАРНИНГ АНТРОПОГЕНЕТИК МЕЗОНЛАР ВА ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ АСОСИДА ФУНКЦИОНАЛ ТАЙЁРГАРЛИКЛАРИ ВА ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНГАНЛИК ДАРАЖАЛАРИНИ БАҲОЛАШ. НамДУ илмий ахборотномаси, (3), 547-552.
29. Рўзиқулов, Б. Б. (2021). Оценка уровня физического развития футболистов подросткового и юношеского возраста. Fan-sportga, (1), 73-75.

ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 4 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00792

# ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТДА БОЛАЛАР АГРЕССИВ ХУЛҚ АТВОРИНИ БОШҚАРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК МЕХАНИЗМЛАРИ

**Дилафрўз Суюновна Қаршиева**
Тошкент давлат педагогика университети доцент в\б

**Захро Расулова**
Тошкент давлат педагогика университети магистранти

## АННОТАЦИЯ

Мазкур илмий мақола педагогик фаолиятда болалар агрессияни бошқаришнинг психологик хусусиятлари таҳлил қилиб берилган. Педагоглар томонидан болалардаги агрессияси даражасини аниқлашда уни келтириб чиқарадиган омилларни чуқур таҳлил қилиш орқали амалга оширилган. Шунингдек, болада стресснинг пайдо бўлиш сабаблари ва уларни уларни бартараф этиш бўйича психологик тавсиялар ҳам келтирилган.

**Калит сўзлар:** агрессия, стресс, педагог, оилавий муҳит, педагогик жамоа.

# PSYCHOLOGICAL MECHANISMS OF MANAGEMENT OF CHILDREN'S AGGRESSIVE BEHAVIOR IN PEDAGOGICAL ACTIVITY

## ABSTRACT

In this research thesis analyses the psychological features of management of children's aggression in the pedagogical activities. It was carried out by teachers through an in-depth analysis of omillarni, which produced it when determining the degree of aggression in children. There are also psychological recommendations regarding the causes of stress in the child and their elimination.

**Keywords:** aggression, stress, pedagogue, family atmosphere, pedagogical team.

## КИРИШ

Инсон қайси соҳада фаолият юритишидан қатъий назар у касбий фаолият билан боғлиқ стрессоген омилларга тўқнаш келади. Педагог касби эса “инсон-инсон” тизимидаги фаолият соҳаси бўлганлиги боис касбий стрессорга бойдир. Стресс турли хилдаги психик бузилишларнинг келиб чиқишига сабаб

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00792

бўлаётганлигини, натижада ходимларнинг иш қобилияти сусайиб, иш самарадорлиги пасайиб кетаётганлигини кўрсатмоқда. Халқаро стрессни бошқариш ассосацияси мутахассислари томонидан иш жараёнида юзага келадиган негатив психик зўриқишлар, болалардаги агрессия, ишчи-ходимларда касбий чарчоқ, сурункали толиқиш, эмоционал-иродавий жараёнлардаги бузилишлар айнан касбий стрессларни келтириб чиқарувчи омил эканлиги асосланилган.

Ҳозирги кунда таълим-тарбия борасида олиб борилаётган ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад ҳар томонлама баркамол шахсни тарбиялашдир. Мактабгача давр – боланинг ўсиш, ривожланиш, ўзини намоён этишга интилиш, ўрганиш, билишга иштиёқи кучли бўлган даврдир. Айнан шу даврда бола баркамол шахс сифатида ривожланиши учун пойдевор қўйилади [1].

Мактабгача ёшдаги болалар ривожланиши ва тарбияси – бир бутун ва узлуксиз жараён бўлиб, у доимо педагог ва ота-оналарнинг диққат- эътиборида бўлиши зарур. Бола қанчалик муваффақиятли ривожланаётганлиги, ижтимоий тараққиёт йўлини эгаллаш жараёнида қандай тўсиқлар учраши мумкинлигини олдиндан тушуниш малакавий ёндашишни талаб этади [1].

Шахс ривожланиш жараёнида турли ўзгаришларни бошидан ўтказади. Турли характерга эга бўлган объектив ва субъектив омиллар таъсирида, хусусан мактабгача ёшдаги болалар хулқ-атворида ўзгаришлар, жумладан агрессив ҳолатлар кузатилади.

Юқоридаги фикрларни инобатга олиб, педагоглар томонидан болалардаги агрессия ва унинг психологик жиҳатларини тадқиқ қилиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Илмий адабиётларда “агрессия”га (лотин. aggressio – ҳужум) “йўналтирилган салбий хулқ- атвор, ижтимоий муҳитдаги қоидалар, норма-ларга амал қилмаслик, инсонларга жисмоний ва руҳий зарар келтириш” дея таъриф берилади [2].

“Болалар агрессияси – болаларга хос тажовузкорона хатти-ҳаракат. У болалар алам ёки ғазаб туйғуларини бошларидан кечириб, уларни изҳор этишнинг ижтимоий мақбул усулларини топа олмаган ёки катталарга тақлидан йўл тутган пайтларда намоён бўлади. Бола ўз қўрқувини яширишга интилган ҳолатларда психологик жиҳатдан ўзини ҳимоялаш реакцияси бўлиши ҳам мумкин” [2].

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00792

Агрессивлик ҳолати кўпчилик кичик ёшдаги болаларга хос бўлиб, кўп ҳолларда агрессив хатти-ҳаракат ўтиш даврида кузатилади. Бола ёш даврлари инқирози пайтида қийинчиликларга рўбарў бўлади, натижада унинг хатти-ҳаракатларида агрессия элементлари кузатила бошланади. Одатда, боладаги тушкунлик, сиқилиш ҳолатларига катталар томонидан етарлича эътибор қаратилмайди. Аслида бундай ҳолат болада чуқур таассурот қолдириб, ўтиши қийин кечади.

Агрессив болаларнинг хусусиятлари:

- ҳар бир вазиятда хавф-хатар сезиш;
- ўзига нисбатан салбий муносабатни ҳис этиш;
- атрофдагиларни салбий идрок қилиш;
- ўзини назорат қила олмаслик;
- салбий хатти-ҳаракатларнинг оқибатларини ўйламаслик;
- инсонлар ва ҳайвонларга нисбатан бағритошлик;
- агрессиядан завқланиш, у ёрдамида кучли бўламан, деб ўйлаш.

Агрессив хатти-ҳаракатлар:

- бошқаларга (оғзаки, имо-ишоралар орқали) таҳдид;
- жисмоний зўравонлик;
- зўравонлик қилишда буюмлардан фойдаланиш, зарар келтириш.

Мактабгача ёшдаги болаларда агрессив хатти- ҳаракатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига таъсир қилувчи омиллар қуйидагилардан иборат:

1. Носоғлом оила муҳити:

- оилада меҳр-муҳаббатнинг етишмаслиги;
- оилада ўзини ортиқча, кераксиз ҳис этиш;
- ҳиссиётларига нисбатан бефарқликни сезиш;
- оиладаги нотинчлик, уриш, жанжаллар.

2. Катталарнинг муносабатлари:

- болалар билан негатив мулоқот;
- кўп буйруқ бериш, айблов ва таҳдидлар;
- болани танқид ва ҳақорат қилиш;
- боланинг хоҳиш-истакларига қарши чиқиш, ҳисобга олмаслик. Бу ҳолат болаларда қасосни ривожлантиради.

3. Телевидение:

- жангари фильмлар;
- мультфильмлар.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00792

4. Мактабгача таълим муассасаларида боланинг тенгдошлари билан муносабати:

- гуруҳдаги ўрни;
- тенгдошларининг муносабатларидан қониқмаслиги.

Юқоридаги ҳолатлардан шу маълум бўладики, аксарият ҳолларда боладаги агрессиянинг сабаби оилавий муносабатлар саналади.

Болалардаги агрессив муносабатлар, хатти-ҳаракатларни бартараф этишни аввало оиладаги муносабатларни ўрганиш, ота- оналар билан ҳамкорлик қилишдан бошлаш лозим. Агрессив боланинг ота-онаси билан иш-лаш қийин жараён. Бунинг асосий сабаби ўша ота-оналар ҳам ўз вақтида агрессив фарзанд бўлган. Руҳий қийинчиликлар эса фарзандларга ҳам ўз салбий таъсирини ўтказади. Шунинг учун мактабгача таълим муассасаси психологи ишни ота-оналар билан психотерапевтик ишларни олиб боришдан бошлаши тавсия этилади.

Биринчидан, ота-оналарнинг болага нисбатан фикрини ўзгартириш керак. Чунки, ота-она агрессив боласини ношуд деб ҳисоблайди, бола уларнинг ҳиссиётлари ва рўкачларига жавобан афсусланади, ўз айбини ҳис қилади, кечирим сўрайди ва уларни тинчлантиради, деб кутади. Ота-онада болага нисбатан раҳм уйғотиш керак, сабаби агрессив бола ҳар доим бахтсиз бола ҳисобланади.

Иккинчидан, ота-оналардан ўзларининг болалигини эслашни сўраш, ёшлик давридаги агрессивликларининг сабабларини ёдга солиш зарур.

3-7 ёшдаги агрессив болалар билан олиб бориладиган коррекцион ишлар. Агрессив болалар билан ишлашда қўлланиладиган усуллар ҳозирги кунда энг оммалашган психотерапевтик ишларнинг гуруҳий усулидир.

Боладаги агрессивликни бартараф этиш, яъни коррекция қилишни унинг сабаблари, келиб чиқишини аниқлашдан бошлаш лозим.

Коррекцион услуб ҳар бир болага алоҳида йўналтирилган бўлиши талаб этилади. Буни қуйидаги коррекцион ишларни кўриб чиқишда ҳисобга олиш керак:

1. Агрессияни бартараф этишда ўйиндан фойдаланиш, янги ижтимоий ёндашишни татбиқ этиш, маънони эмоционал тўлдириш.

2. Боланинг агрессив ҳаракатларини тақиқлаш (болага агрессияни кўрсатишга йўл қўймаслик).

Психолог коррекцион ишларни фақат бола билан эмас, параллел равишда ота-оналар ва тарбиячилар билан ҳамкорликда олиб бориши мақсадга мувофиқ.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00792

Бола ҳар доим уни яхши кўришларини сезиши ва тушуниши лозим. У ота-онасига кераклигини ҳис қилиши даркор.

3-7 ёшдаги агрессив болалар билан олиб бориладиган психокоррекцион ишларнинг вазифалари:

- бошқа шахс ҳолатини тушуниш қобилиятини ривожлантириш;
- ижтимоий мақбул тарзда ўз ҳис-туйғуларини ифода қилиш қобилиятини ривожлантириш;
- ауторелаксацияни ўргатиш;
- мулоқот кўникмаларини ривожлантириш;
- шахсий ютуқлари асосида ўзини ижобий тасаввур қилишни шакллантириш;
- атрофдагиларга нисбатан илиқ муносабатни шакллантириш;
- зўриқишларни бартараф қилишни ўргатиш.

Болаларда агрессивликни бартараф қилиш учун уларга қуйидагиларни таклиф қилиш мумкин:

- жисмоний ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш;
- қоғоз йиртиш;
- уришгиси келаётган одам расмини чизиш ва йиртиб ташлаш;
- психо-гимнастика билан шуғулланиш;
- эртактерапия, изотерапия (лой, сув билан ишлаш), арттерапия (расм чизиш), мусиқий терапия, анималотерапия (уй ҳайвонларини силаш, эркалаш)дан фойдаланиш.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Агрессив хулқни “ёмон” хулқ билан бир хил ҳисоблаш мумкин эмас. Оғир, хавфли вазият пайдо бўлганида агрессивлик ҳимоя вазифасини, баъзида эса вазиятни бартараф этувчи вазифасини ҳам бажаради. Агрессив хулқ, айниқса, болада ёшга хос бўлган ўтиш даврида кузатилади. Бу шундан далолат берадики, ўтиш даврида бола ҳар қандай мураккаб вазиятда қийинчиликни ҳис қилади ва шу сабабли унда агрессив хулқнинг унсурларини кузатиш мумкин. Бу шу даврни бошдан кечираётган барча болаларга бирдек тегишли. Бола ҳиссий оламида бузилиш бўлганида агрессия одатий ҳодисага айланади, ҳатто хулқ-атворнинг бирдан бир шакли бўлиб қолади. Бироқ, шунга қарамасдан, бола хулқида агрессивликнинг бор бўлиши улар билан ўзаро муносабатда қийинчилик туғдиради. Ҳар замонда кузатиладиган агрессив туғёнларни тасодифий салбий ҳолат деб баҳолаб бўлмайди.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00792

Шуни эсда тутиш керакки, бола ҳиссий оламининг ривожланиши жараёнида унинг фаоллиги қонуний равишда ортиши мумкин. Одатда, катталар ёрдамида ўтказилган руҳий тузатишнинг бу зарурий босқичида бола ўзини қуршаган реалликка мос келадиган мулоқотни ўзлаштириши мумкин.

Бола агрессиясини бартараф этишни унинг сабабини аниқлашдан бошлаши лозим. Агар агрессия ҳиссий оламнинг бузилиши сабабли бўлмаса, тузатиш ишларини уни йўқотишга эмас, балки салбий оқибатларга олиб келувчи агрессив хулқни юмшатиш ва унинг намоён бўлишига йўл қўймасликка қаратиш лозим. Шу билан бирга, катталарнинг ўзини ҳам боладаги агрессив ҳаракатни ижобий идрок қилишга тайёрлаш лозим.

Бошқа ҳолатда, яъни агрессия бола ҳиссий оламидаги бузилишнинг намоён этилиши бўлса, ота-она ҳаракати боланинг мустаҳкамланмаган агрессив ҳаракатига йўналтирилиши лозим. Уларга қуйидагича таъсир кўрсатиш мумкин бўлади:

- Агрессияга мойилликни эътиборга олмай қўйиш, унга атрофдагиларнинг диққатини қаратмаслик.
- Агрессив ҳаракатларни ўйин мазмунига киритиш ва унга янги ҳиссий мазмун бериш.

Бу орқали боланинг атроф дагиларга зарар етказмаган ҳолда агрессив мойиллигини чиқариб юбориш (масалан, қароқчи ва казаклар ўйинида агрессив хулқли болага қароқчи ролини бериш).

Эслатма. Агрессия – шахснинг бузғунчиликка интилиши билан характерланувчи хусусияти бўлиб, асосан шахслараро муносабатлар соҳасида намоён бўлади.

## ХУЛОСА

Ўсмирлик даври қарама-қаршиликларга бой даврдир. Уни баъзи олимлар “кризислар”, “таназзуллар” даври ҳам деб атайдилар. Сабаби ўсмир руҳиятида шундай инқирозий ҳолатлар рўй берадики, у бу инқирозни бир томондан ўзи ҳал қилгиси келади, иккинчи томон-дан, ўзи ҳал қилишга имконияти, кучи ва ақли етмайди. Психологик жиҳатдан ўсишида унинг руҳиятида кескин бурилишлар юз беради. Бу кўринишларни биз уларнинг ҳарактер хусусиятидаги “оғиш”ликларда кўришимиз мумкин ва бу оғишликлар уларнинг хатти-ҳаракатларидаги “портлаш” ва агрессияга (тажовузкорликка) мойил бўлган аффектив қўзғалувчанликдир. Бу ҳолат кўпинча ижтимоий адаптациянинг (мослашишнинг) бузилишини, жумладан қонунбузарликнинг

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00792

сабабларидан бири бўлиб ҳисобланади. Маълумки аффектив қўзгалувчанлик кўп жиҳатидан ўмирлик даврига тўғри келади. Бу ҳолат меъёрда ҳам куза атилади. Унинг вужудга келиши бу ёш фазасининг вегетатив эндокрен системанинг қайта қурилиши бўлса психологик ўзгариш портлаш ва агрессияга (тажоввузкорлик) мойил бўлган аффектив қўзғалувчанликдир. Бу ҳолат кўпинча ижтимоий адаптациянинг (мослашишнинг) бузилишини, жумладан, қонунбузарликнинг сабабларидан бири бўлиб ҳисобланади. Аммо психик соғлом атроф муҳитнинг қулай шароитларида тарбияланаётган ўсмирларда аффектив қўзгалувчанлик адаптацияннг бузилишига олиб келмайди [5].

Ўсмир шахси характеридаги оғишларнинг шаклланиши уларнинг типларини аниқлаш, тиббий психлогик ва тиббий педагогик ишларни актив олиб бориш учун зарурдир. Ҳулқ-атвори оғир ўсмирларнинг шахси шаклланишига кўпчилик ҳолларда оилавий шарт-шароитлар, ота-онанинг ёки қариндошлар-нинг ичкиликбозлиги, уларнинг ахлоққа зид ҳулк-атворлари салбий таъсир кўрсатади. Тарбияси оғир ўсмирлар учун одатда ўқишга, умум эътироф этган қоидаларга нисбатан зид муносабат бўлиб, охир- оқибатда бу уни синфига, мактабга, билим юрти жамоасига, қарама- қарши қилиб қўяди. Аксарият ҳолларда тарбияси қийин ўсмирлар- ички салбий муносабатлар натижасида мактаб жамоасида ўз ўрнини топа олмаган ўқувчилар бўлиб чиқади. Ўсмирлик ёшида катта ёшдагилар, ота-оналар ва ўқитувчилар билан келишмовчиликлар рўёбга чиқадики, бу фақат табиий ўсиш жараёни билангина эмас, балки, ўсмирни катта ёшдагилар ва тенгдошлараро муносабатлари ўзгариши билан изоҳланади [5].

Тенгдошлар билан доимий мулоқотга эҳтиёжнинг кучайиши, ўзлигини тасдиқлашга интилиш,тенгдошларининг ўзи ҳақидаги фикр мулоҳазаларига таъсирчанлик ўсмирлик даврига хос хусусиятлардир. Психолог тадқиқотчилар тарбияси қийин ўсмирларнинг вужудга келишига ижтимоий муҳитдан ташқари, педагогик, психологик сабаблар ҳам борлигини кўрсатади. Назарий мулоҳазалар анализи, ўсмирларнинг хатти-ҳаракатлари мотивини системали ўрганиш жараёни тарбияда меъёрдан четга оғиш сабаблари, хилма-хил эканлигини кўрсатади.

Балоғат даврида ўқитувчилар, ота-оналар ва жамоатчилик ўсмирни назоратсиз қолдириши, бўш вақтини тўғри уюштирмаслиги, ўқишга нисбатан салбий муносабат, синф жамоаси билан алоқани ёмонлашуви, спиртли ичимликка ўрганиш, тажовузкор, серзардалик тарбияси қийин ўсмирларни келтириб чиқарувчи муҳим омиллардан бўлиб ҳисобланади. Тарбияси қийин

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00792

ўсмирларни ўрганишда ижтимоий муҳитдан ташқари педагогикпсихологик сабаблар мавжудлигини ҳисобга олиш, қонунбузарликни келиб чиқиш сабабларини диагностика ёрдамида аниқлаш, тарбияси қийин ўқувчилар шахсини аниқлаш уларнинг психологик муносабатларини инобатга олган ҳолда типологиясини тузиш типологик хусусиятларга биноан индивидуал иш олиб бориш, қонунбузарликни олдини олиб ва тарбияси қийин болаларни қайта тарбиялаш методларини амалга тадбиқ қилиш, бу муаммони ечилишига ёрдам беради.

Юқорида таъкидланган номақбул оилавий шарт-шароитлар билан бирга тарбияси қийинликни келтириб чиқарувчи мактаб, қариндош-уруғ, маҳаллаларни болалар тарбиясига эътиборсизлигини ҳам киритишимиз мумкин. Бироқ ёмон ота-онанинг боласи албатта ёмон бўлади деб ҳисоблаш хатодир. Ўсмир номақбул ташқи таъсирларни ўз истаганича рангбаранг тарзда идрок этади ва ўзлаштиради. У салбий таъсирларни қабул қилмаслиги, рад этиши, уларга қарши курашиши ҳам мумкин.

Болаларнинг тажовузкорлигини кучайиши нафақат ўқитувчилар ва психологлар, балки бутун жамият учун энг муҳим муаммолардан биридир. Ушбу мақолада тажовузкор болалар билан олиб бориладиган коррексион ишларининг йўналишлари ҳақида гап боради, салбий ҳолатларга муносабатни кўрсатадиган тузатиш усули ва техникаси кўрсатилган. Агрессив болалар билан ишлашнинг ушбу коррексион йўналишининг мақсадлари ва вазифалари болани муаммоли вазиятда ўзини назорат қилишнинг турли усулларини кўришга ўргатиш, шунингдек, болага конструктив хулқ-атвор кўникмаларини шакллантиришга ёрдам бериш, шу билан муаммоли вазиятда унинг хатти-ҳаракатларига таъсир қилиш доирасини кенгайтириш ва минималлаштириш (идеал ҳолда олиб ташлаш) дан иборат [6].

Агрессияга мойилликни бартараф этишнинг илмий ва услубий жиҳатлари ўсмирларнинг тажовузкор хатти-ҳаракатларини психокорректсия қилиш масалалари, ушбу ишнинг методологияси, машғулотларнинг табиати ва уларнинг натижалари келтирилган. Бунда когнитив терапия, гесталт терапияси, хулқ-атвор терапияси ва психотерапиянинг бошқа соҳаларида қўлланиладиган ҳиссий касалликларни тузатиш бўйича услубий ёндашувлар таҳлили келтирилган. Хусусан, когнитив, гесталт ва хулқ-атворли ёндашувлар асосида “Хулқ-атворни модификасия қилиш тренинги” дастури ишлаб чиқилган. Тренинг давомида қуйидаги вазифалар ҳал қилинади: ўз эҳтиёжларини англаш; салбий ҳис-туйғуларга жавоб бериш ва ҳиссий ҳолатни тартибга солишни

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00792

ўрганиш; этарлича ўзини ўзи қадрлашни шакллантириш; мақсадли хулқ-атвор, ички ўзини ўзи бошқариш ва салбий таъсирларни олдини олиш усулларига ўргатиш; ижобий ахлоқий позитсияни шакллантириш, ҳаёт истиқболлари ва келажакни режалаштириш шулар жумласидандир [6].

Юқорида келтирилган ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда педагогларда касбий стрессни бартараф этиш ва стрессга барқарорликни шакллантириш учун биз экспериментал гуруҳга мансуб педагогларимизда қуйидаги хусусиятларни ривожлантирдик: ўз-ўзига адекват баҳо, ўз имкониятларини тўғри баҳолай олиш, аналитик тафаккур, психосоциал саломатлигига нисбатан рефлексив муносабат, шахслараро муносабатларда толерантлик, рационал кун тартибига риоя этиш, эмоционал интеллект, ижтимоий интеллект, конформликка интилиш ҳисси, вазиятга адекват баҳо бериш, ижтимоий перцепция, ўз эмоцияларини бошқариш.

## ТАКЛИФЛАР

Агрессив болаларнинг ота-оналарига маслаҳатлар:

Фарзандингиз билан бирга ўйнанг, фарзандингиз салбий ҳиссиётларини ўйин орқали чиқариб юборсин.

Болага агрессив ҳаракатларининг оқибатларини босиқлик билан тушунтиринг, агрессив ҳаракатларига нисбатан жавобгарликни сезишга кўмаклашинг.

Фарзандингизни камситманг, ҳақорат қилманг.

Унинг ютуқларини, ижобий хислатларини айтинг.

Болага ҳаддан ташқари кўп тўсиқлар қўйманг, овозингизни баландлатманг.

Вазиятни назорат қилишга ҳаракат қилинг, вазиятни тинчлик билан тушунтиринг.

Жисмоний жазо қўлланманг.

Фарзандингизни яхши кўришингизни айтиб туринг, меҳрли нигоҳларингиз, ширин сўзларингизни аяманг.

Атрофдагиларга ғамхўрлик қилишига имкон яратиб беринг.

Болангизга эътиборлироқ бўлинг, унинг эмоционал қўрқувини ҳис қилинг.

Болангизни эшитишни ўрганинг, қизиқтирган саволларига жавоб беринг.

Оиладаги агрессив муносабатларга барҳам беришга ҳаракат қилинг.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00792

Хулоса қилиб айтганда, мактабгача таълим муассасасида психолог, тарбиячи ва оилада ота-она болага қийинчиликларни енгишга ёрдам берса, болани тинчлантира олса, меҳрибонлик, ғамхўрлик билан муносабатда бўлса, агрессив хатти-ҳаракатларини камайтириш ва енгиб ўтишига имконият яратилади.

Машҳур оилавий терапевт Вирджиния Сатир болани кунига бир неча маротаба қучоқлашни тавсия этади. Унинг фикрича, 4 маротаба бағрга босиш ҳар бир инсонга фақатгина яшаш учун керак экан, яхши кайфият учун эса кунига 8 маротаба бағрга босиш керак экан! Бола интеллектуал ривожланиши учун эса кунига 12 маротаба уни қучоқлаш керак! Ва шуни билингки, бу нафақат болага, катталарга ҳам керак.

Бола ота-онаси уни доим тушунишлари ва нима бўлганда ҳам қабул қилишларини ҳис этиши керак. Болага ушбу нарсалар ўсаётган организмга овқат керак бўлганидек жудаям зарур. Улар болани психологик ривожлантириб, ҳиссий озиқлантиради. Агар бола шу қўллаб- қувватлашни олмаса, ҳиссий муаммолар, хулқида камчиликлар, агрессив ҳаракатлар кузатилади, ҳаттоки, асаб-психик касалликлар вужудга келади.

Шу сабабли агрессив бола билан ишлаш жараёни – ота-оналар ва педагоглардан сабр, меҳр ва бола тарбиясига илмий асосланган ягона ёндашувни талаб қилади. Тўғри йўсинда олиб борилган тарбия натижасида бола ўзини назорат қилиш, атрофидаги инсонларга меҳрли муносабатда бўлишни ўрганади, руҳий жиҳатдан соғлом ўсади, мустақил фикр юритади ва катта ҳаётга дадил қадам қўйишга тайёрланади.

## REFERENCES

1. Хайдаров, М., Алламуратов, М., & Хайруллаева, Н. (2021). Сравнительная оценка физического состояния подростков 11-16 лет с нарушением интеллекта. *Academic research in educational sciences*, *2*(Special Issue 1).
2. Сафарова, Д. Д., Пулатова, М. Д., & Султанова, Ю. А. (2017). Взаимоотношения показателей гемодинамики с проявлением физической работоспособности у спортсменок-дзюдоисток. *Наука и спорт: современные тенденции*, *14*(1).
3. Пўлатова, М. Д. (2020). Применение восстановительных комплексов после травматических повреждений квалифицированных борцов. *Интернаука*, (8-1), 22-23.
4. Шукурова, С. С., Пулатова, М. Д., & Серебряков, В. В. (2021). Изменения показателей макроэлементов в крови у футболистов после физической нагрузки. *Academic research in educational sciences*, *2*(Special Issue 1).

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00792

5. Шукурова, С. С., Сейдалиева, Л. Д., & Шарипова, С. Н. (2021). Анализ гемодинамики игроков во время тренировочного процесса. *Academic research in educational sciences*, *2*(Special Issue 1).
6. Қутлимуратов, И. Х. (2021). Футболчиларнинг турли йўналишлардаги тўпни ошириб бериш ҳаракатларини ўрганиш. *Academic research in educational sciences*, *2*(Special Issue 1).
7. Nazirov, B. S. (2020). Master who devoted his life to sports. *Theoretical & Applied Science*, (6), 78-82.
8. Алиев, И. Б. (2020). Курашчиларнинг мусобака олди тайёргарлик боскичларидаги толикиш белгиларини турли х, ажмдаги таъсирига караб юкламаларни таксимлаш. *Фан-спортга,(2)*, 42-45.
9. GAZIEV, S. (2020). Improving the speed-strength preparedness of sambo wrestlers at the stage of sports improvement. *Фан-Спортга*, (1), 56-60.
10. Bakhtiyorovich, O. B. Improvement of methodology of development of technical and tactical methods with rapid power of belbog wrestlers.
11. Madraimov, H. K., & Aliyev, I. B. (2020). Distribution of training loads, taking into account the pre-competition training of freestyle wrestlers. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, *10*(9), 348-351.
12. Назаров, Н. Н., & Юсупов, Н. М. (2012). Философские особенности и развитие футбола в республике узбекистан. *Педагогические науки*, (3), 93-96.
13. НАЗАРОВ, Н. (2020). Мутафаккирлар илмий меросларидан фойдаланган ҳолда спортчи ёшларнинг ахлоқий ва эстетик қарашларини шакллантириш. *Фан-Спортга*, (3), 38-41.
14. Egamberdiyev, I. O. (2021). Unconventional development of balance on land in young kayakers. *Academic research in educational sciences*, *2*(2).
15. Geyger, A. I. (2021). Immunity of swimmers in the conditions of modern training. *Academic research in educational sciences*, *2*(2).
15. Собирова, Ш. У. (2019). Использование рекламных текстов в обучении иностранному языку. *Молодой ученый*, (18), 48-50.
17. Норбоева, Ф. Р. (2020). Перевод маркетинговых терминов в сфере спорта с английского языка на русский. *Интернаука*, (26-2), 27-28.
18. Норбоева, Ф. Р. (2020). Процесс преподавания иностранного языка в неязыковом вузе. *Интернаука*, *20*(149 часть 2), 74.
19. Rakhmatullayevna, N. F. (2020). The role of modern pedagogical technologies in the education system. *Наука и образование сегодня*, (6-2 (53)).
20. Xolisov, B. A. (2017). Yangi iqtisodiy siyosatning turkiston xalq xo'jaligiga ta'siri. *ЎзМУ хабарлари*, 129-132.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00792

21. Jurayev, I. B. (2021). Futzal hakamlarining jismoniy tayyorgarlilarini yaxshilash hamda mavsumiy topshiriladigan fifa fitness testiga tayyorlash. *Internauka*, *4*(180), 75-77.
22. Mengliboyev, A. X. (2020). Tarixiy shaxslarning milliy manfaatlar uchun kurashi tarixidan. *Ўтмишга назар*, 215-219.
23. Xojiyev, S. S. (2021). Yosh xokkey darvozabonlarining shaybani to‘sish harakatlari samaradorligini oshirish. *Internauka*, *5*(181), 99-101.
24. Шукуров, М. Н. (2021). Курашшиларнинг организмига кластерланган махсус тайерлов техник машқларининг таъсири. *Наманган Давлат Илмий Ахборотномаси*, 366-369.
25. Ёқубова, Д. Т. (2020). Сурхондарё вилоятида ингичка толали пахтадан юқори ҳосил олиш агротехникасининг ривожланишида м.с. истоминнинг фаолияти. *Хоразм маъмун академияси ахборотномаси*, 120-123.
26. Авлаев, О., & Жўраева, С. (2019). “Бахтни белгилашда адаптация даражасининг нисбийлиги”. *“ПСИХОЛОГИЯ” илмий журнал*, *4*, 121-128.
27. Avlaev, O., & Maripov, E. (2020). The problem of emotional situations like childhood, anxiety and fear. *SAARJ Journal on Banking & Insurance Research (SJBIR)*, *9*(3), 24-28.
28. Рузикулов, Б. Б. (2020). ОБ ОСОБЕННОСТЯХ ПРОЯВЛЕНИЯ ФИЗИЧЕСКОЙ Работоспособности при нагрузках различной направленности у футболистов подросткового возраста. 2020 йилда ўтказиладиган xxxii ёзги олимпия ва XVI паралимпия ўйинларига спортчиларни тайёрлашнинг долзарб муаммолари, 530-532.
29. Рузикулов, Р. (2019). О взаимосвязи между характером физической работоспособности при нагрузках различной направленности и категориями соматотипов у юных футболистов. Жисмоний тарбия ва спорт назарияси ва услубиётини ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари, (1), 339-343.
30. Рўзиқулов, Б. (2021). 12-16 Ёшдаги футболчиларнинг антропогенетик мезонлар ва жисмоний тайёргарлик кўрсаткичлари асосида функционал тайёргарликлари ва жисмоний ривожланганлик даражаларини баҳолаш. НамДУ илмий ахборотномаси, (3), 547-552.
31. Рўзиқулов, Б. Б. (2021). Оценка уровня физического развития футболистов подросткового и юношеского возраста. Fan-sportga, (1), 73-75.

ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 4 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00793

# “БУҒДОЙ ПИШИҒИГА ЕТМАГАНЛАР” ҚИССАСИДА МУҲИТ ВА ИНСОН ПСИХОЛОГИЯСИ

**Гулбаҳор Сафаровна Қурбонова**
Жиззах давлат педагогика институти ўқитувчиси

## АННОТАЦИЯ

Ўзбек адабиётида, хусусан, ўзбек насрида Иккинчи жаҳон уруши фронторти воқеаларини ёритган асарлар талайгина. Жумладан, атоқли адиб Нурали Қобул ижодида ҳам шу мавзудаги асарлар мавжуд. Мазкур мақолада адибнинг “Буғдой пишиғига етмаганлар” қиссасига оид кузатишлар ҳақида сўз боради.

**Калит сўзлар:** сарлавҳа, контраст, пейзаж, уруш, психология, бадиий талқин.

# ENVIRONMENT AND HUMAN PSYCHOLOGY IN THE STORY “THOSE WHO DIDN’T REACH THE RIPENED WHEAT”

## ABSTRACT

In Uzbek literature, especially in Uzbek prose, there are many works that cover the events of the Second World War front. In particular, the famous writer Nurali Kabul wrote works on this topic. This article deals with the author’s observations on the story “Those who didn’t reach the ripened wheat”.

**Keywords:** title, contrast, landscape, war, psychology, artistic interpretation.

## КИРИШ

Адабиётшунос У.Ўлжабоев бадииятда уруш мавзуси ҳақида фикр юритиб, миллий адабиётимизда уруш даври ҳақиқати бор бўйи билан акс этган, урушнинг нафақат инсон жонига, балки унинг маънавиятига, ахлоқига, ишончу эътиқодига, ору номусига дахл қиладиган шафқатсиз қиёфаси катта маҳорат, чуқур бир инсоний дард билан бадиий талқин этилган асарлар борлигини, улар том маънода ўзбек ҳарбий прозасининг жиддий ютуқлари эканлигини эътироф этади. Жумладан, у шундай дейди: “…уларда олдингидек, айниқса, аксарият уруш кўрган ёзувчиларимиз асарларида учраганидек, урушни тантанавор тарзда, ғалаба марши садолари жўрлигида эмас, балки у қандай бўлса, шундайлигича – бор даҳшати, фожиаси, инсон бошига келтирган чексиз

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00793

мусибат ва кулфатлари билан кўрсатишга интилиш бор… Бадиий асарда тасвирланаётган ҳар бир даврнинг ўз такрорланмас руҳи, оҳанглари бўлишини яхши биламиз. Иккинчи жаҳон уруши давридаги ҳаёт эса ўзининг ўтакетган шафқатсиз руҳи, фожиали оҳанглари билан ажралиб туради”,- дейди [1.269].

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Шу маънода ёзувчи Нурали Қобулнинг “Буғдой пишиғига етмаганлар” қиссаси ҳам ўзининг ўтакетган шафқатсиз руҳи ва фожиали оҳанги билан ўқувчи қалбини ларзага солади.

Ёзувчи томонидан муваффақиятли танланган сарлавҳа асар бадииятига алоҳида жозиба бағишлагани эътирофга лойиқ. Маълумки, ўзбек халқи некбин, умидли, тилидан шукронаси тушмайдиган халқ. Пишиқчиликда оғзи бирор бир неъматга текканда, минг шукроналар қилиб, Яратгандан келаси йил ҳам шу пайтларга эсон-омон етказишни дуо қилиб сўрайди. “Буғдой пишиғига етмаганлар” сарлавҳасидаги миллий руҳ, мазмунида англашилган фожеийлик билан тўқнашиб моҳиятан контрастлик ҳосил қилган. Айнан ана шу контрастликнинг ўзиёқ асарнинг биринчи жумласидаги “сукунат” образини моддийлаштиргандек гўё. Шу ўринда адабиётшунос олим А.Расуловнинг “Бадиий асарнинг номи – семнотик калит. Калит эса асар моҳияти, борлиғини белгиловчи концепциянинг аниқ, лўнда ифодаси… Жанр, сарлавҳа, концепция (тасвир предмети салмоғи) асарнинг илк семиотик марказида ярқираб кўзга ташланади. Илк семиотик марказ деганда аксарият ҳолларда биринчи мисра (сатр, жумла) тушунилади”, - деган гапини эслаш жоиз [2.52-53].

Дарҳақиқат, асарда акс этган ҳаёт манзаралари, муҳит қиёфаси, инсоний тақдирлар, давр зиддиятлари қиссанинг илк жумласидаёқ ярқ этиб кўзга ташланади. Маҳоратли адиб уста руҳшунос каби ўқувчи онгу шуурини аввал бошданоқ бутунлай забт этиш учун давр ва муҳит қиёфасини беришда пейзаж тасвиридан ўринли фойдаланган.

“Борлиқ оппоқ ва қўрқинчли сукунат оғушида. Ҳудудсиз кенгликлар, кўз илғайдиган неки бор, ҳаммаси оқ, оппоқ. Қисқа ва серташвиш кундузлар ҳам юракка ваҳм солувчи, ғоят чексиз туюладиган бу сукунатни бузолмас эди. Ойқорнинг бебош Тошохур шамолига кўкрак тутган, булутларга санчилиб турган чўққиларни ҳам қалин қор босди. Изғирин музликка айланган қояларни ялаб-юлқаб чийиллар, жарликлар тепасида қор қуюни ўйнарди.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00793

Ўн-ўн беш йиллар берисида Ойқорга бу қадар қалин қор тушмаганди...” [3.3]. (Бундан кейин ушбу нашрдан олинган кўчирмаларнинг саҳифасини кўрсатувчи рақамлар қавс ичида берилади)]

Бир қарашда табиат тасвирига хизмат қилаётгандек, аслида муайян бир бадиий мақсад билан танланган сўзлар залвори совуқ уруш даври қиёфасини тўлдириш учун чизгигина эмас, балки улар асар қаҳрамони Анварнинг бола қалбида кечаётган руҳий талотумларнинг кўзгудаги аксидек, гўё.

“Қўрқинчли сукунат”, “қисқа ва серташвиш кундуз”, “ваҳм солувчи, чексиз сукунат”, “бебош Тошохур шамоли” (Сангзор воҳасида ғарбдан эсадиган шамол – аслида фашизм балоси ҳам ғарбдан келаётган эди), “булутларга санчилиб турган чўққилар”, “қояларни ялаб-юлқаб чийиллаган изғирин”. Зукко ўқувчи шу ўринда ёзувчининг “зоҳирда ботинни бера олиш” (Қозоқбой Йўлдошев) маҳоратини кашф этгандек бўлади. Пейзаж тасвиридаги ахборот қаҳрамони руҳият талқинига кўчади: “Олис-олислар Москвадан ҳам узоқда уруш бўлаяпти. Одамлар бир-бирини ўлдиришаяпти. Ҳатто милтиқ учидаги найза билан ҳам бир-бировини ўлдиришаркан. Қандай ёмон. Отадиган милтиққа найзанинг нима кераги бор? Кўпроқ ўлдириш учунми? Нега одамлар бир-бирини ўлдиришади? Немис деганнинг қорни тўқ, усти бут бўлса, нега бошқаларни ўз ҳолига қўймайди? ...опасининг айтишича, отаси урушга кетгунга қадар ҳатто товуқнинг ҳам бошини кесмаган, қонни кўрса кўнгли беҳузур бўлиб, юзини тескари буриб оларкан. Энди эса, Эрали амаки айтгандек, бутун бошли одамларни ўлдириш керак. Ўлдирмасанг, сени ўлдиришади. Ҳарбу зарбнинг таомили шундай экан.” (5-бет)

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ёзувчи борлиқни оппоқ, аммо қўрқинчли сукунат оғушида, дея тасвирлар экан, сукунат сўзига алоҳида маъно юклайди. Назаримизда, бу сукунат уруш даври одамларининг журъати ва жасоратида, адолати ва шафқатида, виждони ва иймон-эътиқодида кечаётган сукунат. Ёзувчи “Буғдой пишиғига етмаганлар”да фронт орти ҳаёти манзараларига мурожаат қилар экан, уруш даврининг шафқатсиз ҳақиқатларидан бирига – очарчилик ва у туфайли инсонлар аъмоли ва амалидаги эврилишлар, айнашлар, оғишлар туғдирган фожиалардан сўзлайди.

Уруш ёвузлик ва кулфатлар дояси. Ёзувчи “Буғдой пишиғига етмаганлар”да кичик бир Ўсмат қишлоғи одамларининг уруш даври ҳаёти мисолида очарчилик балосининг сўнгсиз изтиробларини, ғаму ташвишларини

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00793

катта бир инсоний дард билан акс эттиради. Очарчилик эртаклардаги ёвуз дев каби йўлида учраган тирик жонни ўз домига тортади. Уларнинг ширин жонига чанг солар экан, инсоний ҳамиятларини топтайди, имон-эътиқодларини қайта-қайта имтиҳон қилади, сабр-тоқатларини, қаноатларини синаб, одамийлик шаънларини оёқ ости қилади. Ёзувчи даврнинг шафқатсиз манзараларини 10 ёшли бола – Анвар руҳияти, унинг кўзи ва қалбидан ўтган фожеий тасвирларда беради.

Бир бурдадан нон, бир стакандан чой бериб, шу ўлмас овқат билан болаларни ушлаб турган мактабнинг ҳам қаттиқ совуқ туфайли ёпилиб қолганлигидан афсус чекаётган Анварнинг изтиробли ўйлари энди ўз хонадонларига кўчади: “Қишнинг эндигина бир ойи ўтди. Қолган-қутган егуликлар билан бир ҳафта, узоқ борса ўн кун чамаси тирикчилик қилиш мумкин. Анвар онасининг ғамгин нигоҳидан ана шу ўн кундан кейинги ташвиш ва таҳликани уқарди. Уйда нон ёпилмас, анча вақтдан бери хонадон тандирга юк бўладиган унни кўрмаганди. Арпа ун тандирга илашмасди ҳам. Ҳар тонг уйғонганда кенжа синглиси тушида кўп нон кўрганини айтади. –Нон? Қай гўрда? Қиз боланинг туши тескари келади. Буғдой пишиғига етмагунча эмин-эркин нон ейиш қайда? - ғамгин жавоб қилади Санам. - Бир амаллаб тут пишиғига етганимизда эди...” (8-бет).

“Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса ғалаба учун” шиори остида иккинчи жаҳон уруши даврида фронт орти ҳаётида йўл қўйилган кўплаб адолатсизликлар, бешафқатликлар бадииятда ҳам ўз аксини топган. О.Ёқубовнинг “Эр бошига иш тушса”, Ў.Ҳошимовнинг “Икки эшик ораси”, “Дунёнинг ишлари”, Н.Эшонқулнинг “Уруш одамлари”, Саломат Вафонинг “Элат” каби асарларида калтабин, худбин раҳбарларнинг фронт орти меҳнат жабҳаларида оддий халқ устида олиб борган ноинсоний сиёсатларининг оқибат натижаси жанг майдонларида юз бераётган хунрезликлардан моҳиятан фарқ қилмаганлиги ҳаққоний талқин этилган.

“Буғдой пишиғига етмаганлар” қиссасида ҳам уруш даври адолатсизликлари ўзининг яққол аксини топган.

Шу ўринда адабиётшунос олим Қозоқбой Йўлдошевнинг фикрига эътибор қаратсак: “Миллий адабиётимизда алоҳида одам руҳиятининг турли қирралари теран тасвирланган анчагина асарлар бор ва бу йўлдаги изланишлар борган сари қатъий йўналиш касб этиб бормоқда. Лекин омманинг қиёфасини бера билиш ёки миллатнинг аъзолари маънавиятидаги энг ҳарактерли, энг

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00793

универсал, энг ёрқин чизгиларни топиш ва тасвир этиш тажрибаси камлиги бор гап” [4.13].

Шу маънода ёзувчи Нурали Қобулнинг ҳам омма қиёфасини яратишдаги маҳорати воқеалар ривожида яққол кўринади. Ёзувчининг истеъдоди шунда кўринадики, асарда Санам, Қўйсин хола, Эрали тегирмончи, Усмонали, Зуҳра хола, Аҳмад омборчи каби индивидуал образлар сюжет мантиғига мос, пишиқ яратилган, айни пайтда муаллиф, юқорида таъкидлагандек, омманинг қиёфаси, унинг характерли жиҳатларини ҳам бир неча ўринларда ёрқин акс эттира олган дейиш мумкин: “Шу йил ёзда Қўйсин хола отасидан мерос қолган каттакон ўригини кестирди. Бу ўрик шунчаки оддий мевали дарахт эмасди. Қишлоқ болаларининг дўсти ҳам эди. Уни кесишаётганда, болалар худди илон тажовуз қилган қалдирғоч полапонлардек дуч келган тарафга чопиб, чирқиллашди. Бироқ уларнинг ноласига ҳеч ким қулоқ солмади. Қўйсин холанинг ўзи ҳам бу ишга ичи эзилиб қўл урди. Ўрикни кестириш етти ухлаб тушигаям кирмаган эди. Мевали дарахти борларга ўтган ёзда қўшимча солиқ солишди. Қишлоқнинг бола-бақрасию ўтган-кетганлар нон ўрнида ейдиган зардоли учун солиқ тўлаш Қўйсин холага оғирлик қилди. Қиш олдидан кўзини чирт юмиб кестириб ташлади” (16-бет).

Қўрқоқлик, журъатсизлик ўша давр одамларининг психологиясига сингиб кетганини оч қолган болаларининг илтижосига чидолмай колхоз омборидан ғалла ўғирлаган Абдураҳмон айиқнинг кўпчилик олдида колхоз раиси ва унинг шотирлари томонидан уриб ўлдирилган ҳолатида ҳам кўриш мумкин. Бундай хунрезликка чидолмай бош кўтарган биргина инсон – Эрали тегирмончи шундай дейди: “ - Инсофини ит еганлар! – деди чопонининг этагини қоқиб. – Тўрт болани кўз олдимизда етим қилишди-я! Фронтда ўлаётганларнинг етимлари етмасмиди сен ноинсофларга! Кўзимиз ўлган қўйнинг кўзидек бўлиб биз қараб турдиг-а! Ҳайф одамгарчилик!...” (39-бет).

Қисса мутолааси давомида ёзувчи вазият, ҳолатларни давр руҳига, ҳаёт ҳақиқатига мос ярата олганига ишонч ҳосил қиласиз, одамлар онгидаги мутелик, қўрқоқлик психологияси илдизларини англаб етгандек бўласиз. Ўша давр одамларининг руҳиятида ҳали ҳам 37-йиллар қатағонининг фожиали айбловлари даҳшати ўрнашиб қолгани, бунинг устига уруш даврининг ўзига хос сиёсати ҳам уларни саросимага тушириб қўйгани сир эмас. Бундай ҳолатда шаҳарлик татар вакил, Аҳмад омборчи, Худойберган раис каби худо бехабар раҳбарлар давлат номидан гапириб, истаганларича қора халқни эзиб, ҳузурланганлари асарда таъсирчан ифодасини топган.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00793

Ҳам иш ҳақи учун бериладиган буғдойдан уриб қолиб, ҳам иш ҳақидан қирқиб қолаётганларини билишса ҳам асарда тасвирлангандек: “...ҳеч ким индамади. Фақат кечаю кундуз хирмонда ишлайдиган Ҳақберди полвон (бир ой ичида Ҳақберди амакининг иккита боласи очликдан ўлиб қолади - таъкид бизники-Г.Қ.) ўзини тутиб туролмади:

“ - Биз очдан ўлсак, келгуси йили фронтга ким ғалла етказиб беради? – деди у тумандан келган вакилнинг юзига тик қараб. – Фақат бер дейишни биласизлар, инсоф ҳам катта гап. Ўғри бўл, ғар бўл, эви билан бўл деган гап бор ахир…

- Сиз давлатга қарши гапиряпсиз, - жавоб қилди вакилнинг жаҳли чиқиб. – Бу сўзларингиз учун жавоб берасиз.

- Мен давлатга эмас, сенга ўхшаган салла деса каллани оладиганларга қаршиман! – деди баттар қизишиб Хақберди чол.

Вакил у билан гаплашишга ҳазар қилгандек бурнини жийириб, нари кетди. Орадан икки кун ўтгач, милиционерлар Ҳақберди амакини олиб кетишди. Сибирга, меҳнат батальонига юборишар экан... Одамлар у киши ҳақида гаплашишга ҳам чўчишарди. Ҳақберди ҳақида гаплашганларни ҳам ҳибсга олишаркан. Суҳбатга унинг номи ораласа, одамлар аста-секин тарқала бошлайдиган ёки гапни бошқа мавзуга буришадиган бўлишди”.

Икки ўғли урушга кетиб, бирисидан қора хат олган, аёли ётиғлиқ касал, болалари очликдан бирин-кетин қирилаётган Ҳақберди полвоннинг адолат талаб қилгани туфайли бошига тушганлари ҳатто озми-кўпми қонунни биладиган, хатли-саводли Амиркул муаллимга ўхшаганларни ҳам қимирлатолмади. Унинг бор-йўғи топган гапи: “Совуқ уриб ўлмаса, у ерда очдан ўлмас-ов”, - дегани бўлди.

Қиссанинг ана шу ўринлари ўқувчи қалбини ларзага солади. Чунки бу тасвирларда қўрқув, хиёнат, шафқатсизлик илдиз отганда миллат руҳиятида кечаётган таназзул, хўрлик ва хорлик яхши очилган. Айниқса, қисса қаҳрамони Санам тарафидан айтилган қуйидаги гаплар ўз ҳамқишлоқларининг амали ва аъмолига берилган ҳақли баҳо эди: “- Тавба,- дея жиғибийрон бўларди Санам. – Одамлар бунча ҳам бебурд бўлишмаса, мунча ҳам соясидан қўрқишмаса? Ҳатто Ҳақберди бечоранинг очликдан ўлаётган болаларининг оғзига сув томизишга ҳам чўчишади. Тавба, бу дунёда одамнинг одамдан катта ёви йўқ экан-а?” (14-бет).

Ёзувчи очлик исканжасида қолган уруш одамлари қиёфасини ҳам таъсирчан кўрсата олган: “Кўзлари ичига тортилиб, ҳомиладор ўроқчи

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00793

жувонлардек озиб кетган Каромат ўзини чалғитиш учун уззукун майда-чуйда ташвишлар билан овора, кўз ёшларини ичига ютарди", - дея Анвар кўзи билан опасининг оч-наҳор қиёфаси кузатилса, сўнгги бурда нонни, бир ялам аталани бўлсада болаларим есин, дея фарзандлари учун жон чекаётган: "Онасининг эса юзлари сўлғин тортиб, кундан кун қоқсуякка айланиб борарди. Дафъатан қараган кишининг кўзи аёлнинг туртиб чиққан чакка суякларига ва икки чаккасидан оқараётган сочига тушарди. Ранги ўнгиб кетган камзули эгнида халвираб турар, аёлнинг бор сахти-сумбати икки елкасидан иборат эди," - дея тасвирланади.

Анварнинг опасининг айтишича, ҳадемай тут пишиғи келади, сўнгра арпа, сал ўтмай буғдой пишади, бу орада тоғдан қорлар кетади. Афсуски, бу сафарги буғдой пишиғига қишлоқ аҳолиси катта талофат, катта йўқотишлар билан чиқади.

## ХУЛОСА

Бу каби уруш туфайли содир бўлаётган воқеалар, одам боласи бошига тушган балолар, фожиаларни санасак адо бўлмайди. "Буғдой пишиғига етмаганлар" қиссаси орқали Нурали Қобул урушнинг ана шундай совуқ балолари – бева қолган аёллар, етим бўлган фарзандлар, болалик бахтини туёлмай улғайиб қолган гўдаклар, бир дона ловлаги учун бир-бирининг оғзи бурнини қон қилиб муштлашган ўртоқлар, очлик балосидан азоб чекаётган аҳоли, қутуриб ўлган хўкизнинг, ҳаром ўлган қўйнинг гўштини еган одамлар, оила боши – эркагининг ўлимидан сўнг болаларининг қорнини тўйғазиш учун мушук сўймоқчи бўлган бевалар, ерсовунни андиз деб еб, шишиб ўлган одамларнинг аччиқ қисмати таъсирчан ифодаланган. Энг асосийси, Нурали Қобулнинг "Буғдой пишиғига етмаганлар" қиссаси ҳам китобхонга урушда ғолиблар бўлмаслигини мудом эслатиб турадиган катта бир инсоний дарднинг ифодаси ўлароқ юзага келган асар.

## REFERENCES

1. Ўлжабоев У. Замон талаби ва ижодкор масъулияти. -Т.: "Ўзбекистон" НМИУ, 2012.
2. Расулов А. Бадиийлик – безавол янгилик. -Т.: "Шарқ", 2014.
3. Қобул Н. Бўри ови. -Т.: "Ижод-Пресс", 2017.
4. Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. -Т.: "Янги аср авлоди", 2006.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00793

5. Botirova Sh.I. (2020). FORMING PATRIOTIC SPIRIT WITHIN PEDAGOGICAL EDUCATION CLUSTER. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 8(10), 200-205.
6. Avlaev, O., & Maripov, E. (2020). The problem of emotional situations like childhood, anxiety and fear. *SAARJ Journal on Banking & Insurance Research (SJBIR)*, *9*(3), 24-28.
7. Ботирова Ш.И. (2020). Проблемные аспекты, связанные с применением педагогических технологии и интерактивных методов на уроках. "Science and Education" Scientific Journal, 1(7), 465-472.
8. Botirova Sh.I. (2018). The Role of Artistic Literature In The Spiritual Development of Youth. Мировая наука, 5(14), 26-28.
9. Авлаев, О., & Жўраева, С. (2019). “Бахтни белгилашда адаптация даражасининг нисбийлиги”. *“ПСИХОЛОГИЯ” илмий журнал*, *4*, 121-128.
10. Ботирова Ш.И. (2020). Инсон ва ҳаёт воқелигини метафорик уйғунлаштиришда бадиий психологизмнинг ўрни. Сўз санъати, 2(3), 19-23.
11. Ботирова Ш.И. (2020). Бадиий психологизм критерийлари ва замонавий ўзбек романчилиги. Tafakkur ziyosi, 2(2), 146-148.
12. Botirova Sh.I. (2018). Methodology And Technology of Social And Pedagogical Activity. Теория и практика современной науки, 1(31), 14-16.

ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 4 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00794

# ФУТБОЛ БЎЙИЧА БОШ ҲАКАМЛАРНИНГ ТЕЗКОР ЧИДАМКОРЛИГИНИ ОШИРИШ УСУЛЛАРИ САМАРАДОРЛИГИ

**И. Х. Қутлимуратов**
Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети мустақил-изланувчиси
qutlimuradovi@gmail.com

## АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада турли тоифа футбол бош ҳакамларнинг махсус тестларни бажариш кўрсаткичларини ўрганиш ва ўзаро таққослаш орқали устунлик ва камчиликларини аниқлаш, махсус чидамкорликни ривожлантиришга қаратилган воситаларни самарадорлигини аниқлашга оид натижалар келтирилган. Мазкур мақола бўлажак ҳакамлар ва ёш олимлар учун мазкур соха бўйича билимларини оширишга ҳизмат қилади.

**Калит сўзлар:** футбол, ҳакам, чидамкорлик, спорт, тайёргарлик, самарадорлик.

# EFFECTIVENESS OF METHODS OF INCREASING THE QUICK ENDURANCE OF FOOTBALL REFEREES

## ABSTRACT

This article was presented the results of identifying the advantages and disadvantages of different categories of football referees by studying and comparing the performance of special tests, to determine the effectiveness of tools aimed at developing special endurance. This article will serve to increase the knowledge of future judges and young scientists in this field.

**Keywords:** football, referee, endurance, sports, training, efficiency.

## КИРИШ

Ҳозирги кунга келиб миллионлар ўйини бўлмиш футбол юртимизда жадал ривожланиб бормоқда ва ушбу спорт турини ривожлантириш, миллий жамоаларимизнинг нуфузли мусобақаларда мувофаққиятли иштирокини таъминлаш мақсадида кўплаб ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Муҳтарам юртбошимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2018-йил 16- мартдаги ПҚ сонли “Ўзбекистонда футболни янада ривожлантириш чора –тадбирлари тўғрисида”

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00794

ги Қарори ва 2019 йил 4-декабрдаги ПФ 58-87 сонли ” Ўзбекистонда футболни ривожлантиришни мутлақо янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ушбу соҳада амалга ошириладиган янги вазифаларни белгилаб берди. Ушбу вазифалар қаторида ҳакамлик салохиятини ошириш ва турли кўринишдаги салбий жихатларни олдини олиш ҳакамларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини ошириш масаласи ҳам долзарб ҳисобланади (1). Ҳозирги кунда футболчиларнинг жисмоний тайёргарлигини халқаро меъёрлар даражаси кўрсаткичларига етказишга қаратилган тажрибалар амалга оширилаётган бир вақтда ҳакамларнинг жисмоний тайёргарлигини ошириш муаммоси ўйин суратини тезлаштиришини таъминлаб ҳакамларнинг харакат фаолиятлари суратини тезлаштиришини тақазо этади. Ҳакамлар фаолиятига йўналтирилган манбаларни ўрганиш натижаларига кўра, учрашувларни бошқариш пайитида ҳакамлар тамонидан йўл қўйиган хатолар кўпинча жисмоний тайёргарликнинг етарли эмаслиги билан боғлиқ (4,5). Ҳакамлар учрашувнинг хар бир бўлимнинг сўнгги дақиқаларида кўплаб хато қилишлари мумкин. Бу, биринчи навбатда, жисмонан толиқиш билан боғлиқ бўлиб, контсентратсиянинг пасайишига ва қарор қабул қилиш тезлигини пасайишига олиб келади. Бунинг оқибатида ҳакам ўйин эпизодини баҳолашда хатога йўл қўйиши эхтимоли ошиб ўйин сифтига салбий таъсир кўрсатади.

## МЕТОДОЛОГИЯ

Шу сабабли бугун футбол мутахасисларининг олдида турган энг долзарб масалалардан бири ҳакамларнинг ўйин давомида ҳаракат фаолияти кўрсаткичларини жумладан, жисмоний тайёргарлигини оширишдир (2,3) .

Кузатишларда Ўзбекистон Футбол ассотцияциясидан рўйхатдан ўтган жами 20 нафар 1 ва 2 тоифали бош ҳакамлар иштирок этишди. Бунда 10 нафар ҳакам тажриба гурухи сифатида шакллантирилди. Хар иккала гурухда 7х50 (сония) ва «YO-YO» тест (метр) бўйича кўрсатган натижалари ва уларнинг статистик характеристикалари, ушбу кўрсаткичларни педагогик тажриба давомида ўзгаришини статистик ишончлилиги натижалари келтирилган.

Тажриба гурухи ҳакамларининг ўқув машғулот жараёнида махсус комлекс машқлар тузилди ва ушбу воситаларда тезкор чидамкорликка йўналтирилган воситалар хажми меъёрланди. Қуйидаги 1-жадвалда ҳакамларнинг тайёргарлик даврининг базага оид босқичида тезкор чидамлиликни риважлантиришга йўналтирилган воситаларни хафталик меърий кўрсаткичлари келтирилган (1-жадвал). Ушбу жадвалда базага оид босқичида

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00794

хафталик микроциклда айнан тезкор чидамлиликни такомиллаштиришга қаратилган воситалар асосан қисқа масофларга максимал шиддатда 8-10 мартагача югуришлар, анаероб йўналишга мослаштирилган воситаларни қўллашнинг намунавий меъёрий кўрсаткичлари ёритилган.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

**Тажриба гуруҳи ҳакамларининг тезкор чидамкорлигини оширишга қаратилган воситаларни тайёргарлик даврининг базавий тайёргарлиг босқичида қўллаш меъёрий кўрсаткичлари** 1-жадвал.

| | |
|---|---|
| Сешанба | 12 - 15 марта 150 метрга югуришлар, ЮҚС 165 -175 зар./дақ(Машғулот сўнггигача бундан ошириш мумкин), |
| Чоршанба | Анаероб режимда , 5 - 6 марта 300 метрга югуришлар, ЮҚС 180 зар./дақдан кўп., тикланиш 2 - 3 дақиқа |
| Пайшанба | 10 - 12 марта 60 - 80 метрга югуришлар,ЮҚС 140 – 150 зар./дақ. |
| Жума | Максимал тезликда 40 метр масофага 8-10 марта югуриш, Тикланиш 120-130 зар./дақиқагача |
| Шанба | 8 –10 марта 40 - 60 метрга максимал тезликнинг 90%и билан югуришлар |
| Якшанба дам олиш | |

Тезкор чидамлиликни ривожлантириш ва такомиллаштиришда интервал усулидан кенг фойдаланилди. Бунда максимал ва субмаксимал шиддатли режимдаги воситаларни қўллаш такрорлаш оралиғинини қатъий тартибда белгиланди. Тезкор чидамлиликка йўналитирилган воситалар асосан майдоннинг турли қисмларида турли масофаларга югуришлар кўринишида, вақт давомийлигини ошириш ва дам олиш оралиғини аста секин қисқартириш орқали амалга оширилди.

Бош ҳакамларнинг тест меъёрларини бажариш кўрсаткичлари тахлили қуйидагиларни намоён этди.

Жадвалда келтирилган назорат гуруҳи бўйича тажриба натижалари ва уларни статистик характеристикалари шундан далолат беради-ки, синовларда иштирок этган ҳакамлар орасида “7х50 метр масофга мокисимон югуриш” тести бўйича энг катта абсолют ижобий ўзгариш (-3 с.) иккита иштирокчида, яъни Назаров, Раджабов ва Долимовларда, энг ёмон натижа эса Жўраев (+1 с.га

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00794

ёмонлашган) ва Григорьев (-1 с., яъни тажриба давомида натижа 1 с.га яхшиланган, холос) кузатилди. Қолган 5 нафар ҳакамлар кўрсатган натижалар - 3 с. ижобий томонга ўзгарганлиги аниқланди. Бу тест бўйича синовда иштирок этган ҳакамлар гуруҳининг тажриба бошида (V=3,79 %) ва охирида (V=3,67 %) кўрсатган натижалари асосида ҳисобланган вариация коэффициентлари гуруҳдаги иштирокчиларнинг тайёргарлик даражаси деярли бир хил эканлигини кўрсатди. (2,3-жадваллар)

Тажриба давомида иштирокчи ҳакамларни ушбу машқ бўйича натижалари ижобий ўзгаришининг ўртача арифметик қиймати 1,90 сонияни, нисбий ўзгаришини ўртача арифметик қиймати 3,04 % ни ташкил қилди.

Шу билан бирга, гуруҳдаги иштирокчилар кўрсатган натижалар ўртача арифметик қиймати тажриба давомида (t=1,85 ва P>0,05) статистик ишончли ўзгарганлиги аниқланди.

**Турли тоифа бош ҳакамларининг махсус чидамкорлиги кўрсаткичларининг статистикаси** (назорат гурухи)

2-жадвал.

| № | Ф.И.О. | тоифаси | 7х50 метр масофга мокисимон югуриш вақти (с) | | | | «YO-YO» тест (м) | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Т.боши | Т.охири | Абсолют фарқи | Нисбий фарқи % | Т.боши | Т.охири | Абсолют фарқи | Нисбий фарқи, % |
| 1. | Каримов | 1 | 64 | 62 | -2,00 | 3,13 | 720 | 760 | 40,00 | 5,56 |
| 2. | Жўраев | 1 | 60 | 61 | 1,00 | 1,67 | 680 | 720 | 40,00 | 5,88 |
| 3. | Косимов | 1 | 61 | 59 | -2,00 | 3,28 | 580 | 600 | 20,00 | 3,45 |
| 4. | Назаров | 1 | 63 | 60 | -3,00 | 4,76 | 740 | 800 | 60,00 | 8,11 |
| 5. | Исматуллаев | 2 | 64 | 62 | -2,00 | 3,13 | 660 | 720 | 60,00 | 9,09 |
| 6. | Раджабов | 1 | 67 | 64 | -3,00 | 4,48 | 540 | 600 | 60,00 | 11,11 |
| 7. | Долимов | 2 | 59 | 56 | -3,00 | 5,08 | 600 | 660 | 60,00 | 10,00 |
| 8. | Файзуллаев | 1 | 61 | 59 | -2,00 | 3,28 | 620 | 660 | 40,00 | 6,45 |
| 9. | Ахтамов | 2 | 64 | 62 | -2,00 | 3,13 | 580 | 740 | 160,00 | 27,59 |
| 10 | Григорьев | 1 | 62 | 61 | -1,00 | 1,61 | 740 | 800 | 60,00 | 8,11 |
| | $\overline{X}$ | | 62,50 | 60,60 | -1,90 | 3,04 | 646,00 | 706,00 | 60,00 | 9,29 |

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00794

| | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | σ | | 2,37 | 2,22 | | | 72,45 | 73,67 | | |
| | V, % | | 3,79 | 3,67 | | | 11,22 | 10,43 | | |
| | t | | | 1,85 | | | | 1,84 | | |
| | P | | | >0,05 | | | | >0,05 | | |

«YO-YO» тест деб номланган мокисимон тест (бу тест Даниялик Йенг Бенгсбо томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, унинг мазмун моҳияти интенсивинтервалли жисмоний юкламани бажаришдан, яъни чидамлиликни ривожлантиришга (аниқлашга) ва ушбу юкламани бажаргандан кейинги тикланиш қобилиятини (интервалли тикланиш тести) аниқлашга мўлжалланган интервалли тестдан иборат) бўйича тажриба бошида ва охирида ҳакамлар кўрсатган натижаларнинг энг катта ўзгариши Ахтамов (160 м.) га, энг кам ижобий ўзгариш эса Косимовга (20 м.) тегишли бўлди. Қолган иштирокчиларнинг бу машқ бўйича кўрсаткичларини тажриба давомида ўзгариши 40 м. ва 60 м. оралиғида тебранади. Тажриба давомида иштирокчи ҳакамларни ушбу машқ бўйича натижалари ижобий ўзгаришининг ўртача арифметик қиймати 60 метрни, нисбий ўзгаришини ўртача арифметик қиймати 9,29 % ни ташкил қилди.Бу машқ бўйича ҳам, гуруҳдаги иштирокчилар кўрсатган натижалар ўртача арифметик қиймати тажриба давомида (t=1,84 ва P>0,05) статистик ишончсиз ўзгарганлиги аниқланди.

3-жадвалда келтирилган тажриба гуруҳи бўйича педагогик тажриба натижалари ва уларни статистик характеристикалари синовларда иштирок этган ҳакамлар орасида “7х50 метр масофга мокисимон югуриш” тести бўйича энг катта абсолют ижобий ўзгариш (-4с.) тўртта иштирокчида, яъни Наджафалиев, Исмаилов, Суюнов, Турсуновларда, энг ёмон натижа эса Чориев (0 с., яъни тажриба давомида натижа ўзгармаган) кузатилди. Қолган 5 нафар ҳакамлар кўрсатган натижалар -3 с. ижобий томонга ўзгарганлиги аниқланди. Бу тест бўйича синовда иштирок этган ҳакамлар гуруҳининг тажриба бошида (V=4,97 %) ва охирида (V=7,23 %) кўрсатган натижалари асосида ҳисобланган вариация коэффициентлари гуруҳдаги иштирокчиларнинг тайёргарлик даражаси деярли бир хил эканлигини кўрсатди. Тажриба давомида иштирокчи ҳакамларни ушбу машқ бўйича натижалари ижобий ўзгаришининг ўртача арифметик қиймати 3,10 сонияни, нисбий ўзгаришини ўртача арифметик қиймати 4,91 % ни ташкил қилди.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00794

Шу билан бирга, гуруҳдаги иштирокчилар кўрсатган натижалар ўртача арифметик қиймати тажриба давомида (t=2,20 ва P<0,05) статистик ишончли ўзгарганлиги аниқланди.

«YO-YO» тест бўйича тажриба бошида ва охирида тажриба гуруҳи ҳакамлари кўрсатган натижаларнинг энг катта ўзгариши Наджафалиев, Худойберганов ва Турсунов (80 м.) га, энг кам ижобий ўзгариш эса Норсафаровга (40 м.) тегишли бўлди. Қолган иштирокчиларнинг бу машқ бўйича кўрсаткичларини тажриба давомида ўзгариши 60 м. ни ташкил этди. Тажриба давомида иштирокчи ҳакамларни ушбу машқ бўйича натижалари ижобий ўзгаришининг ўртача арифметик қиймати 64 метрни, нисбий ўзгаришини ўртача арифметик қиймати 10,63 % ни ташкил қилди.

**Турли тоифа бош хакамларининг махсус чидамкорлиги кўрсаткичларининг статистикаси**(тажриба гуруҳи)

3-жадвал.

| № | Ф.И.О. | тоифаси | 7х50 метр масофга мокисимон югуриш вақти (с) | | | | «YO-YO» тест (м) | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Т.бо ши | Т.охи ри | Абсо лют фарқи | Нисбий фарқи, % | Т.бош и | Т.охир и | Абсол ют фарқи | Нисбий фарқи, % |
| 1. | Наджафалиев | 1 | 62 | 58 | -4,00 | 6,45 | 660 | 740 | 80,00 | 12,12 |
| 2. | Исмаилов | 1 | 63 | 59 | -4,00 | 6,35 | 620 | 680 | 60,00 | 9,68 |
| 3. | Чориев | 1 | 61 | 61 | 0,00 | 0,00 | 640 | 700 | 60,00 | 9,38 |
| 4. | Рахимов | 1 | 65 | 62 | -3,00 | 4,62 | 540 | 600 | 60,00 | 11,11 |
| 5. | Худойбергано в | 2 | 63 | 60 | -3,00 | 4,76 | 640 | 720 | 80,00 | 12,50 |
| 6. | Суюнов | 1 | 68 | 64 | -4,00 | 5,88 | 560 | 620 | 60,00 | 10,71 |
| 7. | Шукруллаев | 2 | 59 | 56 | -3,00 | 5,08 | 580 | 640 | 60,00 | 10,34 |
| 8. | Норсафаров | 1 | 60 | 57 | -3,00 | 5,00 | 580 | 620 | 40,00 | 6,90 |
| 9. | Турсунов | 2 | 69 | 65 | -4,00 | 5,80 | 560 | 640 | 80,00 | 14,29 |
| 10. 0 | Лутфулин | 1 | 61 | 58 | -3,00 | 4,92 | 640 | 700 | 60,00 | 9,38 |
| | $\overline{X}$ | | 63,10 | 60,00 | -3,10 | 4,91 | 602,00 | 666,00 | 64,00 | |
| | Σ | | 3,31 | 2,98 | | | 42,64 | 48,12 | | |
| | V, % | | 5,25 | 4,97 | | | 7,08 | 7,23 | | |
| | T | | | 2,20 | | | | 3,15 | | |
| | P | | | 0,05 | | | | <0,01 | | |

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00794

Бу машқ бўйича ҳам, гуруҳдаги иштирокчилар кўрсатган натижалар ўртача арифметик қиймати тажриба давомида (t=3,15 ва P<0,01) статистик ишончли ўзгарганлиги аниқланди.

Шундай қилиб, тажриба гуруҳида иштирок этган синалувчи-ҳакамларнинг ўрганилган тестлар бўйича кўрсатган натижалари ўртача арифметик қийматларини педагогик тажриба давомида ўзгаришини назорат гуруҳидаги мос кўрсаткичларга нисбатан юқори ва статистик ишончли ўзгариши тажриба гуруҳида тадбиқ қилинган усул ва воситаларнинг юқори самарадорлигини тасдиқлаш имконини берди.

## ХУЛОСА

1. Ҳакамларни тайёрлаш жараёнида мавжуд назорат тестлари ва тайёргарлик дастурларини ўрганиш натижалари ва уларнинг майдондаги босиб ўтган масофаларини ўрганиш натижалари уларнинг жисмоний тайёргарлигини ошириш муаммосини яққол кўрсатиб берди.

2. Ҳакамларнинг ўқув машғулот жараёнида хафталик микроцикларни ташкил этишда юкламаларни аниқ меъёрлаш ва воситаларни ўйин вазиятларини моделлаштирган холда ташкил этиш орқали тезкор чидамкорликни ривожлантириш мумкинлиги тажрибада исботланди.

3. Ҳакамларнинг тайёргарлик даврида умумий ва махсус чидамкорлигини оширишга машқлар комплекси тузилди ва юкламаларнинг таъсир этиш даражалари инобатга олинган холда қўллаш усуллари ишлаб чиқилди.

4. Тажрибадан сўнгги натижалар асосида назорат гурухини кўрсаткичлари статистик ишончсиз бўлиб (P>0,05), тажриба гуруҳдаги иштирокчилар кўрсатган натижалар ўртача арифметик қиймати тажриба давомида (t=3,15 ва P<0,01) статистик ишончли ўзгарганлиги аниқланди.

## REFERENCES

1. Хайдаров, М., Алламуратов, М., & Хайруллаева, Н. (2021). Сравнительная оценка физического состояния подростков 11-16 лет с нарушением интеллекта. *Academic research in educational sciences*, *2*(Special Issue 1).

2. Сафарова, Д. Д., Пулатова, М. Д., & Султанова, Ю. А. (2017). Взаимоотношения показателей гемодинамики с проявлением физической работоспособности у спортсменок-дзюдоисток. *Наука и спорт: современные тенденции*, *14*(1).

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00794

3. Пўлатова, М. Д. (2020). Применение восстановительных комплексов после травматических повреждений квалифицированных борцов. *Интернаука*, (8-1), 22-23.
4. Шукурова, С. С., Пулатова, М. Д., & Серебряков, В. В. (2021). Изменения показателей макроэлементов в крови у футболистов после физической нагрузки. *Academic research in educational sciences*, *2*(Special Issue 1).
5. Шукурова, С. С., Сейдалиева, Л. Д., & Шарипова, С. Н. (2021). Анализ гемодинамики игроков во время тренировочного процесса. *Academic research in educational sciences*, *2*(Special Issue 1).
6. Қутлимуратов, И. Х. (2021). Футболчиларнинг турли йўналишлардаги тўпни ошириб бериш ҳаракатларини ўрганиш. *Academic research in educational sciences*, *2*(Special Issue 1).
7. Nazirov, B. S. (2020). Master who devoted his life to sports. *Theoretical & Applied Science*, (6), 78-82.
8. Алиев, И. Б. (2020). Курашчиларнинг мусобака олди тайёргарлик боскичларидаги толикиш белгиларини турли х, ажмдаги таъсирига караб юкламаларни таксимлаш. *Фан-спортга,(2)*, 42-45.
9. GAZIEV, S. (2020). Improving the speed-strength preparedness of sambo wrestlers at the stage of sports improvement. *Фан-Спортга*, (1), 56-60.
10. Bakhtiyorovich, O. B. Improvement of methodology of development of technical and tactical methods with rapid power of belbog wrestlers.
11. Madraimov, H. K., & Aliyev, I. B. (2020). Distribution of training loads, taking into account the pre-competition training of freestyle wrestlers. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, *10*(9), 348-351.
12. Назаров, Н. Н., & Юсупов, Н. М. (2012). Философские особенности и развитие футбола в республике узбекистан. *Педагогические науки*, (3), 93-96.
13. НАЗАРОВ, Н. (2020). Мутафаккирлар илмий меросларидан фойдаланган ҳолда спортчи ёшларнинг ахлоқий ва эстетик қарашларини шакллантириш. *Фан-Спортга*, (3), 38-41.
14. Egamberdiyev, I. O. (2021). Unconventional development of balance on land in young kayakers. *Academic research in educational sciences*, *2*(2).
15. Geyger, A. I. (2021). Immunity of swimmers in the conditions of modern training. *Academic research in educational sciences*, *2*(2).
15. Собирова, Ш. У. (2019). Использование рекламных текстов в обучении иностранному языку. *Молодой ученый*, (18), 48-50.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00794

17. Норбоева, Ф. Р. (2020). Перевод маркетинговых терминов в сфере спорта с английского языка на русский. *Интернаука*, (26-2), 27-28.
18. Норбоева, Ф. Р. (2020). Процесс преподавания иностранного языка в неязыковом вузе. *Интернаука*, *20*(149 часть 2), 74.
19. Rakhmatullayevna, N. F. (2020). The role of modern pedagogical technologies in the education system. *Наука и образование сегодня*, (6-2 (53)).
20. Xolisov, B. A. (2017). Yangi iqtisodiy siyosatning turkiston xalq xo'jaligiga ta'siri. *ЎзМУ хабарлари*, 129-132.
21. Jurayev, I. B. (2021). Futzal hakamlarining jismoniy tayyorgarlilarini yaxshilash hamda mavsumiy topshiriladigan fifa fitness testiga tayyorlash. *Internauka*, *4*(180), 75-77.
22. Mengliboyev, A. X. (2020). Tarixiy shaxslarning milliy manfaatlar uchun kurashi tarixidan. *Ўтмишга назар*, 215-219.
23. Xojiyev, S. S. (2021). Yosh xokkey darvozabonlarining shaybani to‘sish harakatlari samaradorligini oshirish. *Internauka*, *5*(181), 99-101.
24. Шукуров, М. Н. (2021). Курашшиларнинг организмига кластерланган махсус тайерлов техник машқларининг таъсири. *Наманган Давлат Илмий Ахборотномаси*, 366-369.
25. Avlaev, O., & Maripov, E. (2020). The problem of emotional situations like childhood, anxiety and fear. *SAARJ Journal on Banking & Insurance Research (SJBIR)*, *9*(3), 24-28.
26. Ёқубова, Д. Т. (2020). Сурхондарё вилоятида ингичка толали пахтадан юқори ҳосил олиш агротехникасининг ривожланишида м.с. истоминнинг фаолияти. *Хоразм маъмун академияси ахборотномаси*, 120-123.

ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 4 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00795

# ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ШАХСНИНГ МАЪНАВИЙ БЕГОНАЛАШУВИ МАСАЛАСИ

**Саломатжон Ражабовна Жабборова**
Ўзбекистон Миллий университети тадқиқотчиси

## АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола глобаллашув шароитида шахснинг маънавий бегоналашуви масаласига қаратилган бўлиб, шахс маънавий бегоналашуви муаммоларининг муҳим стратегик аҳамияти масалалари таҳлил қилинган. Шунингдек, мақолада глобаллашув шароитида шахснинг маънавий бегоналашувини олдини олишнинг устувор масалалари кўтарилган бўлиб, уни ҳал этишнинг турли усул ва воситалари тақдим қилинган. Жамиятда маънавий бегоналашувни бартараф этишга қаратилган маънавий тизимни яратиш имкониятлари илмий асосда тадқиқ этилган. Бу борада жамиятда шахснинг маънавий бегоналашувини олдини олишга қаратилган ижтимоий лойиҳаларни такомиллаштириш бўйича жахон илм-фан тараққиёти тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда илмий-амалий тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** глобаллашув, глобаллашув жараёнлари, шахс, шахснинг маънавий бегоналашуви, бегоналашув, маънавий тарбия, маънавият, жамият, технологик тараққиёт, ахборот, ахборт оқими, ижтимоий таназзул, ижтимоий муаммолар, маънавий хавфсизлик, ўзликни англаш, ижтимоий фанлар тизими, ижтимоий тармоқлар, социологик тадқиқотлар, маънавий камолот.

# THE ISSUE OF SPIRITUAL EXTERNALIZATION OF THE INDIVIDUAL IN THE CONTEXT OF GLOBALIZATION

## ABSTRACT

This article focuses on the issue of spiritual alienation of the individual in the context of globalization, and analyzes the issues of strategic importance of the problem of spiritual alienation of the individual. The article also raises the priority issues of preventing the spiritual alienation of the individual in the context of globalization, and presents various methods and means of solving it. The possibilities of creating a spiritual system aimed at overcoming spiritual alienation in society have been explored on a scientific basis. In this regard, scientific and practical recommendations have been given, taking into account the trends of global scientific

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00795

development, to improve social projects aimed at preventing the spiritual alienation of the individual in society.

**Keywords:** globalization, globalization processes, personality, spiritual alienation of the individual, alienation, spiritual upbringing, spirituality, society, technological progress, information, information flow, social decline, social problems, spiritual security, identity, social science system, social networks, sociological research, spiritual maturity.

## КИРИШ

Ҳар бир жамият учун ижтимоий-иқтисодий тараққиёт билан бирга бу соҳадаги шахс маънавиятига оид муаммолар муҳим стратегик аҳамиятга эга масалалардан бири ҳисобланади. Шу маънода, мазкур мақолада глобаллашув шароитида шахснинг маънавий бегоналашуви сабабларини илмий ўрганиш ва ун олдини олиш қаратилган илмий-фалсафий ва амалий чора-тадбирлар устуворлиги масаласи кўтарилган бўлиб, уни ҳал этишнинг турли усул ва воситалари тақдим қилинган. Глобаллашув шароитида шахснинг маънавий бегоналашуви муаммолари ҳар қачонгидан долзарб аҳамиятга эга бўлиб, бу масалани етарлича илмий асосда ўрганишни тақозо этади. Бунга глобал ахборот оқими жадаллашган бугунги кунимиздаги технократиянинг меъёридан ошганлиги, ахлоқий маданият заифлашиб ахлоқий фазилатларнинг қадрсизланиши, баъзи ҳолларда мазкур фазилатлар ўрнини иллатлар, ёвузликлар, тажовузлар эгаллаётганлигини сабаб сифатида кўрсатиб ўтиш мумкин.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

XX асрнинг охирларига келиб жаҳон миқёсида ахборот технологияларини жадал суръатлар билан ўсиши глобаллашув жараёнларини янада чуқурлашувига олиб келди десак, муболоға қилмаган бўламиз. Глобаллашув жараёни инсоният учун ижтимоий-иқтисодий тараққиёт жиҳатидан ижобий ҳодиса бўлсада, лекин унинг маънавий ҳаётига салбий таъсир кўрсатаётганлиги ҳам сир эмас. Айни шу жараён шахснинг маънавий бегоналашуви шарт-шароитларининг кучайишига олиб келганлиги ҳам инкор этиб бўлмас ҳақиқатдир. Шунинг учун ҳам шахс маънавий бегоналашуви масаласи ҳозирги кунда барча давлатларнинг асосий муаммосидан бирига айланиб бормоқда, чунки шахс маънавияти ривожланмас экан ҳеч бир давлат ёки жамиятда ўсиш ва ривожланиш бўлмайди. Ҳозирги кунда маънавий

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00795

бегоналашув муаммосини ўрганиш шу сабабдан ҳам барча ижтимоий-фалсафий тадқиқотларнинг мавзусига айланмоқда. Мазкур мақолага ҳам шахснинг маънавий бегоналашуви масаласининг долзарблиги бир неча ҳолатлар асос қилиб олинди: биринчиси, глобаллашув билан боғланган ҳолда инсон ижтимоий ҳаётининг ўзгариши; иккинчиси, инсон борлиғи ва табиатига техноген ва информацион тараққиётнинг кириб боришининг чуқурлашуви ва тараққиётнинг маънавиятга ўтказаётган таъсири; учинчиси, замонавийликнинг кўпгина салбий ҳолатлари асосида ётувчи чуқурлашиб борувчи антропологик инқироз. Бу эса албатта муаммонинг нақадар мураккаб эканлигини кўрсатибгина қолмай, балки унинг ечимларини излашнинг илмий механизмларини яратишни кун тартибига қўймоқда.

Ҳозирга қадар мазкур муаммо турли даражада ўрганилган бўлиб, шарқ мутафаккирлари ва ғарб файласуфлари томонидан чуқур тадқиқ этилган. Бунга шарқда Абу Наср Форобий, Абу Али Ибн Сино, Абу Ҳомид Ғаззолий, Юсуф Хос Хожиб, Алишер Навоий, Хусайн Воиз Кошифий, Фитрат, Абдулла Авлоний каби бир қанча мутафаккирларни киритишимиз мумкин. Ғарбда эса Суқрот, Афлотун, Арасту, Кант, Хегел, Ницше, Фейербах, Генри Девид Торо, Бердяев каби файласуфларни айтиб ўтишимиз мумкин. Бугунга келиб эса бу масалалар доирасида кенг кўламли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бизнинг мамлакатимизда олим ва файласуфлар, МДҲ давлатлари олим ва тадқиқотчилари ва Европа ҳамда океанорти мамлакатларидаги нуфузли тадқиқот институтларидаги олимлар глобаллашув шароитида шахснинг маънавий бегоналашуви муаммоларини ўрганиш борасида чуқур илмий изланишлар олиб бораётганлиги бу масаланинг нақадар долзарб аҳамиятга эканлигини кўрсатади. Шу билан бирга таъкидлаб ўтиш жоизки, глобаллашув шароитида шахснинг маънавий бегоналашуви муаммолари фақатгина фалсафа ёки ахлоқшунослик доираси билан чекланган муаммо сифатида қаралмаяпти, балки ҳозирги вақтда катта эътибор қозонган кўплаб ижттимоий-гуманитар ва бошқа фанлар доирасида ҳам ўрганилмоқда. Бунга кўплаб фанларнинг синтези бўлган синергетикани мисол келтиришимиз ҳам мумкин. Умуман олганда, барча фанлар билан бирга турли миллатларнинг олим ва файласуфларининг асосий мақсади инсоний жамиятнинг маънавий мусаффолигини таъминлаш, жамият тараққиёти масалалари билан шуғулланишдан иборат. Бу эса глобаллашув шароитида шахснинг маънавий бегоналашуви олдини олиш инсониятни таназзулдан қутқаришнинг ягона йўли эканлигини кўрсатади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00795

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Шахснинг маънавий бегоналашуви ҳақида гап кетганда, унинг моҳияти, келиб чиқиш сабабларини ижтимоий-фалсафий ва ахлоқий жиҳатдан таҳлил қилиш масаланинг моҳиятини тушунишда муҳим аҳамият касб этади. Немис файласуфи Гегелнинг таъбири билан айтганда, нарса ва ҳодисаларнинг моҳияти тушунчаларда акс этади. Шу маънода глобаллашув шароитида шахснинг маънавий бегоналашуви муаммосини ижтимоий-фалсафий тушунча сифатидаги моҳиятини ҳам тадқиқ этиш қўйилаётган масаланинг ечимини излашда муҳим рол ўйнайди. Бегоналашув тушунчаси тўғрисида Огурцов шундай фикр билдиради: “инсон фаолияти ва унинг натижалари унга қарши бўлган ва устидан ҳукмронлик қилаётган мустақил кучга объектив айланиши ва бу билан боғлиқ инсоннинг фаол субъектдан ижтимоий жараён объектига айланиши” ни ифодалайди, деб таъкидлайди. Баъзи тадқиқотчилар эса инсон мавжудлигини инсон шахсий фаолиятида унинг шароитига, воситаларига ва ўзига ўзи бегоналашган ҳолатлар ва жараёнларни тасвирлашда ишлатилади, деб кўрсатадилар. Маънавий бегоналашувнинг моҳиятини кўплаб изланувчилар томонидан шахсни дунёқарашига боғлиқ ҳолда тадқиқ этмоқдалар. Гегел бегоналашувни борлиқни бошқача шаклида ўзини англаш учун ўзини ўзи ривожлантириш жараёнида ўзидан ўзини бегоналаштирадиган абсолют руҳ мавжудлигининг контекстида кўради. Л. Фейербах эса шахснинг бегоналашувини индивидни ўз моҳиятидан узоқлашиши сифатида тушунади. Унинг фикрича, инсон табиати инсоният ҳаётининг бегоналашмайдиган пойдеворидир ва у ҳақиқий бўлмаган бегоналашув дунёсига қарама-қаршидир. Марксизмда бегоналашув антогонистик нуқтаи назарлар билан боғлиқ тарихий ҳолатдек кўрилади. Бегоналашув инсон томонидан синфий антогонистик жамиятда ўз фаолият имкониятларини предметлаштиришнинг тарихий шаклидир ва моддиюнчилик, ижтимоий алоқаларни фетишизми инсонлар орасидаги муносабатларига тенглашади. Аммо шуни айтиш мумкинки, ҳозирги замонавий глобал дунёнинг тенденциясига кўра, товар фетишизми ва у билан боғлиқ бегоналашув кучайиб бормоқда, бу ҳолат гўёки эпидемия даражасига айланмоқда. Ҳаддан зиёд мол дунё, бойлик орттиришга бўлган ҳоҳиш ва интилишнинг ҳозирги замонда авж олиши ҳам шахснинг маънавий бегоналашувини кучайишиги олиб келмоқда. Америкалик тадқиқотчилар Ж. Граф, Д.Ван, Т.Нэйлор фикрича, истеъмолчиликка сиғиниш инсонни қулга айлантиради, ёлғизликни шакллантириб, “истеъмолчилик синдроми”ни юзага келтиради ва у касаллик юқумли ҳисобланиб, жамият орасида тўйганлик,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00795

малоллик, хавотирлик ва бўшлиқ ҳолатини пайдо қилади. Бундан фарқли ўлароқ П.Гайденко С.Кьеркегор экзистенционал фалсафасини ўрганиб, шундай дейди: “С.Кьеркеор экзистенционал фалсафасида бегоналашув онг ҳукмронлиги, инсон томонидан мавжудликнинг фактлари ва муаммоларини унутиш жараёнида объективлик ва рационализм билан қизиқиш натижасида кўриб чиқилади”. Бегоналашув жараёни бўйича ҳозирги кунда кўпчилик олимлар ўзларининг фикр ва мулоҳазаларини билдириб келмоқдалар. Немис файласуфи М.Хайдеггер шахснинг маънавий бегоналашуви ҳақида гапириб “жамиятда ҳар куни ташвишлар мавжудлик воситаси, бегоналашув экзистенцияси, бегоналашган ижтимоий ҳатти-ҳаракатлар нормаларида ва фикрлар образларида парчаланади, ижтимоий маълумотлар воситаси, алоқа (газета) ишлатилади, ҳар ким бошқа бировга ўхшаш бўлади”, деб таъкидлайди. М.Хайдеггернинг фикридан шундай хулоса қилиш мумкин, яъни ижтимоий ҳаётда ташвишларнинг кўпайиб бориши ҳам инсонни бу дунёда ўз “қобиғига” ўралиб қолишига ёки бўлмаса фақат ўз манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилишига сабаб бўлиши мумкин, бу эса бегоналашув ҳолатини олиб келади.

Инсон ўзининг “мени”ни имкониятларини амалга ошириш учун мавжуддир. Унинг имкониятларининг чегараси йўқ. У барчасига берилиб ва барчаси томонидан қамраб олиниши мумкин. Бундан кўринадики, маънавий бегоналашган инсонда юз ҳам виждон ҳам мавжуд бўлмайди. Глобаллашув шароитида инсон бегоналашуви онгсиз машиналар ғалабаси ҳисобланади. Техниканинг ривожланиши ва жамиятнинг ахборотлашуви шароитида инсоннинг бегоналашуви инсон томонидан дунёга келтирилган нарса –буюмлар ёки кашфиётлар, инсон устидан ҳукмронлик қилишига олиб келади. Н.А.Бердяевнинг таъкидлашича: “моддиюнчилик инсоният табиатини бегоналашувининг асосидир”. Шу ўринда айтиш керакки, ижтимоий ва маънавий бегоналашувни М. Хайдеггер “das Man”категорияси орқали кўриб чиқади ва институционал нормалар сифатида мажбуран инсондан бегона бўлган ижтимоий ғояни мавжудлигини асослаб беради. Машҳур ғарблик социолог Э.Гидденс глобаллашув шароитида шахснинг маънавий бегоналашувини жамиятнинг иқтисодий ҳодисаси натижаси сифатида кўради. Бироқ яна шуни таъкидлайдики, бегоналашув жараёни юридик расмиятчилик шаклига эгадир. Ҳар иккала ҳолат иқтисодий ёки ҳуқуқий соҳадаги бегоналашувнинг келиб чиқиши жамиятда муқаррар ҳолат, лекин унинг асл сабаби маънавий соҳага эътиборнинг камлигидир.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00795

Дин фалсафасида шахснинг маънавий бегоналашувини Аллоҳ билан бевосита мулоқотдан инсонни узоқлашишининг натижаси деб кўрилади. Яратгувчи билан алоқани узган инсон ўз моҳиятини, шу қаторда маънавий моҳиятини ҳам йўқотади. Бу эса биринчи навбатда инсоннинг инсондан узоқлашишини турли шаклларини олиб келади ва ижтимоий зўравонлик сабаблари ва шароитига айланади. Чунки қалбида Яратгувчига бўлган ишонч – эътиқоди йўқ инсоннинг характер, хусусиятларида бегоналашув ҳолати яққол намоён бўлиб боради. С.Л.Франк фикрича, Худо “Мен” ва “Биз” орасидаги индивид ва жамоа ўртасидаги бегоналашувни йўқ қилади. Худо “Биз” ички бирликнинг шарт – шароитидир. Унда инсон руҳининг барча мавжудлик билан ички боғлиқлик бор, табиат мавжудлиги қисмларининг парчаланиш ва бегоналашиш қарама –қарши бўлган бирдамлик ҳаёт бор. Ер юзида шунга ўхшаш ёвузликнинг кучайиши инсонлар ўртасидаги маънавий бегоналашувни юзага келтиради. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, глобаллашув шароитида шахснинг маънавий бегоналашувини нафақат объектив, балки субъектив жараён сифатида баҳолаш мумкин. Қолаверса, маънавий бегоналашув ҳодисасининг содир бўлишига ташқи муҳитнинг таъсири жудаям катта. Бу борада олиб борилган тадқиқотлар натижаси глобаллашув шароитида шахснинг маънавий бегоналашуви ҳодисаси моҳияти ҳақида хулоса чиқаришимизга имкон беради.

Бизнинг назаримизда глобаллашув шароитида шахснинг маънавий бегоналашуви инсонни теварак-атрофни онгли тарзда идрок қилиш, ўзининг қарашлари орқали индивидуал ва ижтимоий мавжудликни асоси бўлган маънавий-аҳлоқий, маданий, диний ва бошқа қадриятлар орқали фикр юрита билиш, ўз-ўзини онгли тарзда англай олиш, эркинликни қадрига ета билишлик, ноҳақликларга қарши онгли тарзда кураша билишлик каби имкониятларни берувчи юксак қобилият ва интеграл сифатнинг йўқолишидир. Яна бунга бошқача таъриф берса ҳам бўлади. Шахснинг маънавий бегоналашуви инсон характерида мужассам бўлган ижобий сифатлар, унинг ботиний ва зоҳирий дунёсининг мукаммаллиги, иймон-эътиқодининг бутунлиги-ю, виждонининг уйғоқлиги, онгли тарздаги барча қарашларининг ўрнини, салбий сифатлар эгаллаб, жоҳиллик хислатлари инсоннинг бутун вужудини қамраб олиши ва ўзига бўйсундириши натижасида инсонда шаклланган юксак қобилият ва интеграл сифатларнинг жаҳолат йўлида хизмат қилишидир.

Глобаллашув шароитида шахснинг маънавий бегоналашуви шахсий ўзини англаш, ички эркинлигини, ўзини тушуниш ва ўзини ривожлантириш

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00795

каби фазилатларнинг йўқолиши билан характерланади. Шахснинг маънавий бегоналашув ҳолати ўзига хос тузилишга эга: бегоналашув субъектлари (бегоналашувни режа асосида ташкиллаштираётганлар), маънавий бегоналашувнинг объектлари (бегоналашиб кетаётганлар), бегоналашув воситаси (руҳий ёки жисмоний таъсир). Шахснинг маънавий бегоналашуви ҳолатининг ривожланиб боришига глобаллашувнинг шиддат билан барча халқлар ва миллатларнинг маданияти ҳамда маънавиятига ўтказаётган салбий таъсири ҳам сабаб бўлмоқда. Шахснинг маънавий бегоналашуви ўсишини яна бир фактори, замонавий техника ва технологиянинг жадаллик билан ривожланиб боришидир. Бу ҳақда Ф.Фукуяма шундай деган эди: “Биз бундай келажакни сохта эркинлик шиори учун қабул қилишимиз шарт эмас. Биз муқаррар технологик жараёнларга ҳам қул бўлишимиз шарт эмас, агарда бу жараён инсоният мақсадларига хизмат қилмаса”. Албатта инсоният томонидан яратилаётган бугунги кун кашфиётлари, яъни техника ва технологиянинг ривожи фақат ва фақат инсоният ривожига хизмат қилиши лозим. Яна шу ўринда таъкидлаб ўтишимиз лозимки, глобаллашув шароитида шахснинг маънавий бегоналашувини манбаи бўлиб, бюрократик ҳукумат тузилишининг кучайиши ҳам хизмат қилади. Бунда фақат бюрократия ривожлантирилиб, буйруқбозлик кучаяди ва шахснинг маънавияти орқага суриб қўйилади. Бора-бора шахс ўз маънавиятини йўқотади ва шахс маънавий бегоналашуви юзага чиқади. Очиғини айтадиган бўлсак бугунги кунда инсоният сунъий ташкилий техник-технологик муҳитга қўшилмоқда. Бу сунъий муҳитни В.Кутеров “тектура”, яъни маданиятга қарши (антитез) деб кўрсатади. Агар маданият бошланғич асосларида маънавий дунёнинг объективлигини абсолют даражада ифодаси ҳисобланса, тектура унинг аксидир, яъни виртуалликни, сунъийликни ифодалайди.

Глобаллашув шароитида замонавий дунёда шахснинг маънавий бегоналашуви муаммосини шахс ва жамиятнинг субъектлигини ювилиши чуқурлаштирмоқда. Бугунги кунда бегоналашув ҳодисаси технология форматини қабул қилиб, замонавий ижтимоий курашда актив ҳаракатланмоқда ва биринчи навбатда бу ҳаракатда ОАВ ва ижтимоий тизим алоқаларини ўз қўлларига олиб, ёлғон ва бўхтонлар орқали дунёни ўз мақсадларига мослаб буриш истагида бўлганлар амалга оширмоқдалар. Ҳозирги кундаги ижтимоий жараёнлар таҳлили шуни кўрсатадики, илм-фандаги ютуқлар қанчалик даражада юксак бўлса ҳам, шахснинг маънавий бегоналашуви ҳолатини енгиб ўтишнинг ҳечам имкони бўлмаган. Аксинча, ушбу юксалиш ҳамда замонавий

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00795

дунёдаги глобаллашув жараёни бегоналашув ҳодисасининг янги-янги шаклларини юзага келишига сабаб бўлмоқда. Маънавий бегоналашув ҳолати олдинги даврларда тартибсиз характерга эга бўлган бўлса, ҳозирги кунга келиб у технологик характерга эга бўлиб, ундан ижтимоий курашларда фойдаланилмоқда. Бугунги кунга келиб маънавий бегоналашув ҳолати дунёдаги барча минтақа ва давлатларда содир бўлмоқдаки, бу жараёндан ҳеч бир халқ ёки миллат четда қолиб кетаётган йўқ. Азал-азалдан ўзининг юксак маънавияти ва маданияти билан дунё аҳлини лол қолдириб келган Шарқ давлатлари ҳам бугунги кунда бало-қазодай ёпирилиб келаётган ушбу муаммодан четда қолаётган йўқ. Бугунги кунга келиб шахснинг маънавий бегоналашувни енгиш имкониятлари пасайиб бормоқда, бунга аслида Ғарбнинг, айниқса америкача ҳаёт тарзи ва трансмиллий корпорациялар ҳукмронлиги шаклида намоён бўлувчи капиталистик глобаллашув вариантининг ҳокимлиги шароитида инсоният келажаги ривожланиши ҳамда ўзгаришлар сабаб бўлмоқда.

## ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, халқнинг маънавиятини йўқотишга бўлган бундай уринишлар маънавият соҳасининг издан чиқишига олиб келиб, шахснинг маънавий бегоналашувини кучайишига замин яратиб беради. Глобаллашув шароитида шахснинг маънавий бегоналашуви ижтимоий ва ахборий оқимнинг жадаллашуви билан ҳам чуқурлашиб бормоқда. Маънавий бегоналашув ҳодисаси халқнинг ва мамлакатда ҳукм сурадиган ижтимоий қатламларнинг маънавий йўналишининг қарама-қаршилиги туфайли ҳам чуқурлашмоқда. Бугунги глобаллашув шароитида шахснинг маънавий бегоналашувини фақатгина янги антропологик бурилиш шароитларида енгиш мумкин. Бунинг учун эса, инсон дунёни ўзлаштириш амалиётида ўзини англашга ва мавжуд объектив реалликка қайтиши керак.

## REFERENCES

1. Огурцов А. Отчуждение// Философская энциклопедия: В 5 Т. –М.: “Советская энциклопедия”, 1967. Т. IV.
2. Современный философский словарь/ Отв. ред-р В.Е.Кемеров.-Бишкек: Одиссей,1996.
3. Гегель Г.В.Ф. Феноменология духа.-СПб.: Наука, 2002.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00795

4. Фукуяма Ф. Наше постчеловеческое будущее: Последствия биотехнологической революции. –М.: ООО «Издательство АСТ»: ОАО «ЛЮКС»
5. Бердяев Н.А. Русская идея. –М.: Эксмо; СПб.: Мидгард, 2005. 758-стр.
6. Кальной И.И. Отчуждение: истоки и современность. –Симферополь, 1990. 67-стр.
7. Гидденс Э. Устроение общества: Очерк теории структурации. 2-е изд. –М.: Академический Проект, 2005. 268-269-стр.
8. Алексеев П. Философская концепция. С.Л.Франка // Франк С.Л. Духовные основы общества. –М.: Республика, 1992. 10-стр.
9. Франк С.Л. Духовный основы общества. –М.: Республика, 1992. 91-стр.
10. Грааф Дж и др. Потреблятство. Болезнь, угражающая миру.-М.:Ультра. Культура. 2003. 128-стр.
11. Гайденко П.П. Прорыв к трансцендентному: Новая онтология XX века. –М.: Республика. 1997. 18-стр.
12. Хайдеггер М. “Время картины мира”. Современные концепции культурного кризиса на Западе. –М.: ИНИОН, 1976. 38-стр.
13. Avlaev, O., & Maripov, E. (2020). The problem of emotional situations like childhood, anxiety and fear. *SAARJ Journal on Banking & Insurance Research (SJBIR), 9*(3), 24-28.
14. Гиренок Ф.И. Метафизика пата. –М.: Лабиринт, 2005. 95-96-стр.
15. Авлаев, О., & Жўраева, С. (2019). “Бахтни белгилашда адаптация даражасининг нисбийлиги”. *“ПСИХОЛОГИЯ” илмий журнал*, *4*, 121-128.
16. Хайдаров, М., Алламуратов, М., & Хайруллаева, Н. (2021). Сравнительная оценка физического состояния подростков 11-16 лет с нарушением интеллекта. *Academic research in educational sciences*, *2*(Special Issue 1).

ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 4 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00796

# ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ УСЛОВИЯ В УЧЕБНО-ТРЕНИРОВОЧНОМ ПРОЦЕССЕ КУРАШИСТОВ С УЧЁТОМ РЕГИОНАЛЬНЫХ УСЛОВИЙ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

**Миржалол Норпулотович Шукуров**
Узбекский государственный университет физической культуры и спорта

## АННОТАЦИЯ

В данной статье представлены особенности условий в учебно-тренировочном процессе курашистов с учётом региональных условий Республики Узбекистан. А также даны практические рекомендации по профилактике некоторых видов травм, присущих борьбе Кураш.

Ключевые слова: учебно-тренировочный процесс, региональные условия, планирование, профилактика, функциональные возможности.

# PEDAGOGICAL CONDITIONS IN THE TEACHING AND TRAINING PROCESS OF KURASHISTS TAKING INTO ACCOUNT THE REGIONAL CONDITIONS OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

## ABSTRACT

This article presents the features of the conditions in the educational process of kurashists taking into account the regional conditions of the Republic of Uzbekistan. It also provides practical recommendations for the prevention of certain types of injuries inherent in the Kurash fight.

**Keywords:** educational process, regional conditions, planning, prevention, functionality.

## ВВЕДЕНИЕ

На сегодняшний момент накоплен огромный экспериментальный материал, разработанный отечественными и зарубежными учёными, по вопросам многолетней подготовки борцов-курашистов, организации, планирования тренировочной и соревновательной деятельности.

Существует большое количество единоборств, но несмотря на различную технику ведения поединка в подготовке существует большое количество сходств. Занятие в борьбе кураш начинается с разминки и подготовки различных частей тела к предстоящим специфическим нагрузкам. Курашистов

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00796

необходимо научить владеть своим телом, развивать физические качества, обучить элементам самостраховки, техническим приёмам и другим элементам подготовки, необходимым для ведения единоборств.

Родоначальник методической основы борьбы «Кураш» - К. Юсупов в ряде своих методических пособиях предложил термин «Специальная подготовительные упражнения» куда включил средства развивающие гибкость и укрепления суставов упражнения: с гантелями, в равновесии, для развития силы, быстроты, в преодолении сопротивления, в использовании инерции движения противника и его силы, на расслабление. Также в этих пособиях имеются разделы по страховке и самостраховке, где приводятся правильные положения при падении на спину и бок и приводят ряд упражнений для освоения этих элементов в подготовке курашистов.

## ЛИТЕРАТУРА И МЕТОДОЛОГИЯ

К.Т.Юсупов для изучения самостраховки на спинуй на бок рекомендует несколько упражнений, что конечно позволяет усвоить этот элемент на уровне знания, но недостаточно для овладения на уровне навыка.

Ряд ученых Н.Г. Полько, Б.А. Подливаев считают в борьбе кураш физическая подготовка является главным фактором успешности спортивной тренировки, т.е. это процесс, направленный на воспитание физических качеств и развитие функциональных возможностей, создающих благоприятные условия для совершенствования всех сторон подготовки, подразделяются на общую и специальную.

Процесс организации воздействия педагогических условий на развитие необходимых борцу-курашисту качеств требует последовательности и постепенности в построении тренировочной работы, нашли отражение в методических работах связанных с классификацией физических упражнений в борьбе кураш (К.Т.Юсупов, Н.Г.Полько, Д.Д. Донопой, В.П.Губа и др.). Авторы выделяют в классификации разделы: общеразвивающие, специальные и соревновательные средства подготовки.

В отличие от общеразвивающих упражнений специальные упражнения больше приближены к условиям борцов-курашистов. Их делят на специально-подготовительные (подводящие) и кондинционные (развивающие).

По способу применения, развивающие и кондинционные упражнения подразделяют на собственно-силовые, развитие силовой и скоростно-силовой выносливости и гибкости. К специально-подготовительным упражнениям

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00796

относят упражнения в страховке и самостраховке, акробатические упражнения на мосту, с партнером, манекеном, на тренажерах.

Изучение научно-методической литературы по борьбе, в частности национальному курашу, выявило что не сформулированы педагогические условия применяемых специально-подготовительных и тем более координирующих упражнений, которые могли бы охватить весь спектр тренировочных воздействий на организм курашистов, а имеющаяся методика нуждается в существенной переработке.

Исходя из вышеизложенного можно утверждать что специально-подготовительные упражнения включают в себя средства позволяющие курашистам подготовиться к специфическим воздействиям на организм, обеспечить безопасные падения, а корригирующие помогают сгладить «жесткое» воздействие тренировки курашистов.

## ОБСУЖДЕНИЕ И РЕЗУЛЬТАТЫ

Для того чтобы сформулировать педагогические условия и разработать методику применения специально-подготовительных и корригирующих средств, необходимо выявить воздействия, которые испытывает курашист в процессе поединка, и определить направления подготовки курашистов в процессе учебно-тренировочного занятия.

Как утверждают многие авторы во время учебно-тренировочного занятия при разучивание технических приёмов в стойке курашист вынужден осуществлять от 50 до 150 падений за тренировку на различные части тела с высоты от 150 до 170 см, что оказывает существенное воздействие на организм спортсменов. При недостаточном владении элементами самостраховки каждое из этих падений может стать роковым, да и накопляемый эффект может создать условия для заболеваний опорно-двигательного аппарата и внутренних органов.

Таким образом, на начальном этапе обучения необходимо создать благоприятные условия для успешного овладения элементами самостраховки на спину, бок , грудь. Чтобы создать благоприятные условия для разучивания технических приёмов и обезопасить занимающихся от травмирующих факторов.

Наиболее частыми причинами травм являются недостатки в методике обучения, ошибки в проведении технических действий, ошибки в организации и проведении тренировок и соревнований, что составило 60% всех получаемых спортсменом травм. Основной причиной травм, по мнению исследователей –

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00796

это состояние опорно-двигательного аппарата курашистов и плохо подготовленные места тренировок и соревнований. При возрастании объёмов специфических работ, оптимизация технических действий в поединках, интенсифакация тренировочных нагрузок, отсутствие специально-подготовительных упражнений в подготовительной части занятия и корригирующих в заключительной, не создают условий по укреплению и улучшению эластичности плечевого сустава, чт приводит к возникновению травм.

Процесс овладения результативной техникой значительно быстрее процесса адаптационно-приспособительных изменений в костно-мышечных тканях и связочно-суставном аппарате, которые характеризуют надежность плечевого пояса курашиста при воздействии факторов травматического характера.

Недостаточное восстановление организма курашиста приводит к наслаиванию усталости, преждевременно старит и изнашивает ткани плечевого пояса, снижает их функциональные возможности, способствует возникновению патологических явлений, достаточно динамических и прогрессирующих в хронические заболевания.

Как показывает практика, тренера и спортсмены недооценивают специальное развитие и укрепление позвоночника. Недостаточное применение специально-подготовительных упражнений в подготовительной части занятия и практически нет корригирующих упражнений в заключительной части, что формирует неустойчивые двигательные навыки при реализации технических действий и приводит к возникновению возможных повреждений позвоночника. Для профилактики травматизма необходимо в методику включить комплексы специально-подготовительных упражнений для развития и укрепления шейного, грудного и поясничного отдела позвоночника. Это позволит последовательно подводить занимающихся к освоению различных групп приёмов в стойке, связанных с позвоночником.

Частые повреждения конечностей (особенно ног) требуют укрепления связочно-мышечного аппарата, и указывает недостаточность специально подготовленных упражнений, а повторные травмы опорно- двигательного аппарата свидетельствуют о недостаточной функциональной способности суставов или отсутствие корригирующий упражнений.

Анализ спортивного травматизма свидетельствует о том, что в период обучения недостатки методики подготовки приводят к повреждениям примерно

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00796

25% всех случаев травмирования. Если к этим факторам присоединить особенности техники борьбы «Кураш» 16%, падения-14% то высокий процент травм следует рассматривать с позиции методики обучения и тренировки.

Во избежании или уменьшении травм в процессе учебно-тренировочных занятий необходимо обратить внимание на создание правильных педагогических условий.

Педагогические условия – это философская категория, которая трактуется как выражение отношения предмета к окружающим его явлениям, без которых он не может существовать. Условие составляет ту среду, обстановку, в которой явления, процессы возникают, существуют и развиваются.

В современной педагогической литературе категория «условие» рассматриваются как визовое понятие «среда» «обстоятельства» «обстановка», что расширяет совокупность объектов, необразимых для возникновения, существования, изменения педагогической системы.

Педагогическая трактовка данной категории рассматривает условия как целенаправленный отбор и применения средств, методов обучения и развития для достижения дидактических целей.

Под педагогическим условием понимается внешнее обстоятельство (подбор средств, методов и организационных форм обучения) оказывающее существенное влияние на протекание тренировочного процесса, организованное тренером и предполагающее достижение определенного результата.

Под педагогическим условием применения специально-подготовительных и корригирующих упражнений в тренировке курашистов понимается совокупность внешних и внутренних обстоятельств тренировочного процесса, от реализации которых зависит эффективность обучения и безопасность занимающихся.

Выявление и создание педагогических условий, которые существенно влияют на обучение и формирование безопасных установок в ходе учебно-тренировочного основывается на факторах, улучшающих учебно-тренировочный процесс.

24. Шукуров, М. Н. (2021). Курашшиларнинг организмига кластерланган махсус тайерлов техник машқларининг таъсири. Наманган Давлат Илмий Ахборотномаси, 366-369.
25. Ёқубова, Д. Т. (2020). Сурхондарё вилоятида ингичка толали пахтадан юқори ҳосил олиш агротехникасининг ривожланишида м.с. истоминнинг фаолияти. Хоразм маъмун академияси ахборотномаси, 120-123.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00799

# TARJIMADA KONVERSIV TRANSFORMATSIYALAR: INTERPRETATSIYA (TALQIN) TURLARI

**Qo‘ldoshov O‘ktam O‘rozovich**
Samarqand davlat chet tillar instituti mustaqil tadqiqotchisi
kuldashovuktamjon@gmail.com

## ANNOTATSIYA

Ushbu maqola konversiv tarjima transformatsiyalarini turli yo‘llar bilan talqin qilish masalasiga bag‘ishlangan. Konversiv munosabatdagi til birliklarining har xil jihatlari tahlil qilinadi va ularning o‘ziga xos xususiyatlari izohlanadi. Maqolada konversiv transformatsiyalarning boshqa modifikatsiyalar bilan o‘zaro munosabati tadqiq qilinadi. Shuningdek, tarjimada asliyat matnining diskursiv shaklini ifodalashda murakkab tarjima transformatsiyalarining ta’siri ko‘rib chiqilgan.

**Kalit so‘zlar**: tarjima, konversiv tarjima, tarjima transformatsiyalari, konversiv transformatsiya, interpretatsiya, matnning diskursiv shakli, tarjimaning variantli va variantsiz shakllari, konversiv transformatsiyalarning murakkab tabiati.

# CONVERSIVE TRANSFORMATIONS IN TRANSLATION: TYPES OF INTERPRETATION

## ABSTRACT

The present scientific article covers the problem of multiple interpretation of converse transformations in translation. Different aspects of converse transformations and their characteristics are researched. This article also covers the principle of correlation between converse and other transformations in translation. Furthermore, the influence of complex translational transformations on the transmission of discourse form of the source text is analysed.

**Keywords**: translation, converse translation, translational transformations, converse transformation, interpretation, discourse form of the text, variant and invariant aspects of translation, complex nature of converse transformations, reproduction of source utterance.

## KIRISH

Tarjima transformatsiyalari - zamonaviy tarjima nazariyasida eng faol o‘rganilgan hodisalardan biri. Biroq, bu holat hali hanuz o‘zining hal qilinmagan

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00799

muammolari borligi bilan e’tiborni o‘ziga qaratib kelmoqda. Tarjima nazariyasining dolzarb muammolariga bag‘ishlangan adabiyotlarda tarjima transformatsiyalarida talqin (interpretatsiya) turlarining o‘zgaruvchanligi haqida munozaralar olib borilmoqda. Tarjimonlar esa talqin (interpretatsiya) uchun asos bo‘lib xizmat qiluvchi grammatik, leksik, semantik, mantiqiy va ma’no xususiyatlariga e’tibor qaratishadi.

Mazkur maqola ushbu masalaning mohiyatini o‘rganishga bag‘ishlangan. Tabiiyki, bu yerda bizning vazifamiz masalaning murakkab yechimga ega ekanligiga e’tibor qaratish emas, balki faqat tarjimada konversiv transformatsiya hodisasini yoritib berishdan iborat xolos. Biz asliyat matni semantik mazmunini boshqa tilga o‘girishda konversiv transformatsiyaning ta’sir darajasini tahlil qilamiz. Buning uchun biz ushbu transformatsiyaning ko‘p tomonlama: leksik-semantik (denotativ), grammatik (morfologik va struktur-sintaktik), semantik va diskursiv-ekspressiv jihatlardan kelib chiqib talqin etilishi tamoyilini tadqiq qilamiz.

## ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Tarjima nazariyasi fani doirasida ko‘plab tarjimashunos olimlar konversiv transformatsiyani o‘rganishga katta ahamiyat qaratgan. [qarang: Komissarov V.N. 1973; Goroxova A.I. 2004; Breus E.V.2007].

Mazkur tarjima modifikatsiyasi (o’zgarishi)ning tabiati antonimik tarjima tabiatiga juda yaqin turishi ushbu hodisaning qiziq jihatidir [Karabanova O.O. 2000; Garbovskiy N.K. 2007].

Antonimik tarjimadan foydalanilganda ham konversiv transformatsiyani amalga oshirganda ham bir vaqtning o‘zida tilning ham grammatik ham leksik sathida almashinish yuz beradi. Shu bilan birga, konversivlarning tabiati yanada chuqurroq xususiyatga ega, chunki bu yerda leksik-grammatik almashtirishga, harakat yo‘nalishining o‘zgarishi ham qo‘shiladi. Konversiv transformatsiyalar, qoidaga ko‘ra, o‘zida tarjimaning murakkab o‘zgarishlarini mujassam etadi, chunki ular ko‘pincha matnning semantik jihatiga ta’sir o‘tkazadi [Latishev L. 1983, 317; Sheytsar A.D. 1988, 215].

Konversivlik hodisasida, avvalo, vaziyat tasvirining semantik jihati o‘zgaradi, ya’ni, gapdagi obyekt go‘yo boshqa tomondan tasvirlanadi yoki tavsiflanadi (xuddi shu obyektni tasvirlash uchun boshqa vositalar ham ishtirok etadi). Bunda faqat elementning pragmatik ma’no uyg‘unligi (semantik yo‘nalishi) o‘zgarishsiz saqlanib qoladi xolos. Tarjimashunoslikda A. Jolkovskiy va I.Melchuk konversiv transformatsiyalarni “bir xil munosabatni boshqa bir yo‘nalishdan turib ta’riflash ...” deya izohlashlari keltirib o’tilgan. [Shtayer E. 1970, 85].

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00799

Konversiv transformatsiyalar belgi-xususiyatlarning semantik qarama-qarshiligi bilan tavsiflanadi. Konversivlarda mantiqiy komponent ajralib turadi. Shu bilan birga, ushbu hodisada har xil yo‘nalishli harakatlar bir-biriga qarama-qarshi qo‘yiladi. Tilshunoslikda turli xil tomondan bo‘lsada bir xil ma’noni anglatadigan ikki tomonlama munosabatlarni ifodalovchi juft so‘zlar yoki so‘z birikmalariga konversivlar sifatida qaraladi, masalan, “A Bga ega = B Aga tegishli”; “A Bning oldida = B Aning orqasida” [qarang: Latishev L.K. 1983, 375]. Konversiv transformatsiya hodisasi bir til doirasida ham, bir tildan ikkinchi tilga tarjima qilishda ham sodir bo‘lishi mumkin. Lekin biz uchun hozir, ikki tilli tarjimadagi konversiv transformatsiyalarni tahlil qilish muhimroq, shuning uchun ularni inglizcha-o‘zbekcha va ruscha-inglizcha tarjimalarda qo‘llanilishi holatlarini ko‘rib chiqamiz.

Yana shuni qo‘shimcha qilishimiz mumkin-ki, konversiv transformatsiyalar ko‘p jihatdan tasvirlanayotgan vaziyat yoki muloqot natijalariga tayanadi: eksplisit (tasviriy) ifodalashda o‘zgacha ko‘rinish yoki boshqa belgilar orqali ehtimollik mezonlariga asoslangan mantiqiy deduktsiya metodi asosida “yangi” (asliyat matnida keltirilmagan) aktantlar kiritilishi mumkin. Obyektning ko‘rsatilmaganligi, tasvirlanayotgan vaziyatda yoki muloqot jarayonida uning yo‘qligini anglatmaydi. Implikativ (kiritma) ob’ektlar tarjima jarayonida vaziyatni aniq “adekvat” tarzda tasvirlash uchun kalit bo‘lishi ham mumkin.

## MUHOKAMA

Quyida konversiv tarjima transfromatsiyasi qo‘llanilgan vaziyat aks etgan misolni ko‘rib chiqamiz. Tahlil qilinayotgan tarjima transfromatsiyalari kursiv bilan ajratilgan va raqamlangan, jumla remalarining tagiga chizilgan. Misol:

**(1).** Deputy Prime Minister Ilya Klebanov, [3]**in charge of** the military-industrial complex conceded during a preparatory trip to [6]**New Delhi** [1]last week, that Russia’s [8]**stranglehold** on [7]**Indian** contracts [9]**was** under threat.

Tarjimasi:

**(1.)** [1]*O‘tgan hafta* [2]*Rossiya davlati*dagi harbiy-sanoat kompleksiga [3]**rahbarlik qiluvchi** [4]*Rossiya* bosh vaziri o‘rinbosari I. Klebanov [6]**Hindistonga** tayyorgarlik tashrifi davomida Rossiyaning [7]**Hindiston harbiy importi**dagi [8]**ustun mavqei** tahdid ostida [9]**ekan**ligini tan oldi.

Gapning remasini tarjimada saqlab qolish va uning gapdagi aktual qismlarga bo‘linish shaklini tarjima tilida takrorlanishini oldini olish uchun jumlaning leksikogrammatik shaklidan bir oz chetga chiqishga majbur bo‘lindi. [6](“New Delhi”) leksik birligi [6](“Hindiston”) so‘ziga almashtirilib tarjima qilinmoqda: vaziyat

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00799

tasviridan yaqqol bir tavsif ikkinchisidan kelib chiqadi. “Dehliga tashrif buyurdi” jumlasidan uning Hindiston poytaxtining diqqatga sazovor joylari bilan tanishdi degan ma’noni ham tushunish mumkin. Bundan tashqari konkretlashtirish usulidan ham foydalanilgan (“Deputy Prime Minister” – “[4)]Rossiya bosh vazirining o‘rinbosari”). [3)](“In charge of”) birikmasi esa [3)](“rahbarlik qiluvchi”)ga almashtirib tarjima qilindi. Shuningdek, qo‘shish usulidan ham foydalanildi: [2)](“Rossiya davlatida”). Eng ahamiyatlisi semantik konversivlik elementiga ega murakkab nominativ almashtirish: [8)](“stranglehold”) [8)](“ustun mavqe”) tarzida tarjima qilinmoqda. Bu yerda noaniqlik va g‘alizlikka yo‘l qo‘ymaslik maqsadi, yana bir transformatsiyadan foydalanish majburiyatini tug‘dirdi: [7)](“on Indian contracts”) elementi [7)](“Hindiston harbiy importi”) elementi bilan almashtirilib tarjima qilindi va bunda “harbiy” so‘zi qo‘shildi. Ushbu almashtirishni vaziyat tasviridan kelib chiqib, konversiv hodisa deb ham tushunish mumkin. Zero, “shartnomalarsiz” “harbiy import” deyarli imkonsiz ekanligi aniq. Bu ikki element bir birini taqozo etadi. Vaziyat tasvirini yaratishda boshqa elementdan foydalanildi: referent bo‘ylab denonativ “siljish” hosil qilindi. Chunki tavsif maydoni “contracts” (shartnomalar) elementi bilan chegaralanmasligi aniq hamda bu holat vaziyatni to‘liq tasvirlashga, nazarimizda, xalaqt berayotgani yo‘q. Nima uchun tarjimaning ushbu variantidan foydalanilganlikni, vaziyatni tasvirining qat’iyligi tarjima tilida biroz erkinlashtirilmoqda xolos, deya izohlash mumkin. Chunki ushbu kontekstda qat’iy shakldan foydalanish talab ham etilmayapti. Bu yerda bir oz erkin tarjima sari qadam tashlangan. Ammo asossiz spekulyatsiya qilishda ayblanish darajasida me’yordan oshib ketilmagan. Qo‘llanilgan transformatsiyalardan foydalanib, to‘g‘ridan-to‘g‘ri tarjima (“was under threat” – tahdid ostida) orqali berilgan jumladagi kommunikativ markazning ma’nosini tarjimada yaqqol ifodalashga intilganmiz.

Agar tarjimada ***(“stranglehold”)*** so‘zining obrazliligini saqlaganimizda edi, unda ***(“was under threat”)*** elementining ma’nosini ham qayta ko‘rib chiqish talab etilardi. Agar ushbu elementlarning obrazliligini saqlagan holda tarjima qilganimizda ***(“bo‘g‘ib o‘ldirish ... tahdid ostida”)*** qabilidagi jumla hosil bo‘lardi, bu esa o‘zbek tili uslubiyatiga xos holat emas. “Bo‘g‘ilish”dan “xalos bo‘lish”, “qutulish” va hatto undan “soqit bo‘lish” mumkin. Agar ushbu soz’ni tarjimada “bo‘g‘ib qo‘yish” shaklida olganimizda edi, unda jumlaning, vaziyat tasvirining boshqa qismida konversivlik hosil bo‘lardi.

Rus tilidan ingliz tiliga tarjima materiallari yordamida konversiv transfromatsiya hodisasidan foydalanilgan yana bir misolni tahlil qilib o‘tsak:

Misol:

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00799

**(1).** 1) Его рекордный мороз – $71^0$C **уступает** только **Антарктическому**.

Tarjimasi:

**(1).** Only **Antarctica can beat** its record low - $71^0$C.

Tarjimada ushbu jumlaning semantik markazi – “*Antarctica*”. Asliyat matnida predikativ markaz - “*Антарктическому*” so‘zi. Har ikkala tilda rema vazifasidagi so‘z bir biriga muqobil. Ammo jumladagi remaning adekvatligini saqlash uchun tarjimada bir qator o‘zgartirishlar amalga oshirldi. Birinchi transformatsiya – bu transpozitsiya, ya’ni gap bo‘laklarining joyini o‘zgartirish: asliyat tilidagi jumlaning yakuniy qismi tarjima tilida oldinga o‘tkazilgan. Natijada “*только - only*” ravishi “*Antarctica*” so‘zining oldida kelmoqda. Bir vaqtning o‘zida jumla remasining lingvistik shaklini ikki karra o‘zgartirish murakkab grammatik transformatsiyaga olib keldi: “*Антарктическому*” sifati “*Antarctica*” oti bilan almashtirilgan.

## NATIJALAR

Turli tillardagi kontekstlarni taqqoslab, shu natijaga erishdik-ki, asliyat matnida berilgan lisoniy ifoda vositalaridan chetlashish juda murakkab xarakter kasb etsada, ba’zan undan foydlanish zarurati tug‘iladi. Keltirib o‘tilgan birinchi misoldan ko‘rinib turibdiki, tarjimada nafaqat grammatik, leksik almashtirishlar, o‘zgartirish va qo‘shishlardan foydalanildi, balki obyektni umuman boshqa nuqtai nazardan nomlagan ikkita konversiv modifikatsiyadan ham foydalanildi: (“stranglehold”) (so‘zma-so‘z tarjimada: bo‘g‘ish, bo‘g‘ib o‘ldirish) – (“ustun mavqe”). Yana bir jihat e’tiborga molikki, jumlaning yakunini antonimik usuldan foydalanib ham tarjima qilish mumkin: (“Rossiya *hind harbiy importidagi ustun mavqeini yo‘qotishi mumkin*”).

Tahlil ostiga olingan ikkinchi misol asliyat matnining diskursiv shaklini (ya’ni, uning aktual bo‘laklarga bo‘linish shaklini) tarjima matnida takrorlash, uning lingvistik tabiatini o‘zgartirmasdan ifodalash mumkin emasligidan dalolat bermoqda.

Ikkinchi misolda sintaktik transformatsiyaning mavjudligi ham ahamiyatga molik: aniqlovchi egaga o‘zgartirilib, konversiv transformatsiya amalga oshirilgan: fe’l/kesim *“ycmynaem”* tarjimada fe’l/kesim *“can beat”* bilan almashtirilgan. Natijada bu holat harakatni qarama qarshi tomondan turib nomlashga olib kelmoqda.

## XULOSA

Keltirib o‘tilgan misollar konversiv transformatsiyalar murakkab xarakterga ega ekanligini tasdiqlamoqda. Ularni faqat grammatik, leksik yoki mantiqiy

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00799

o‘zgarishlar deb talqin qilish maqsadga muvofiq emas. Misollardan ko‘rinib turibdiki, konversiv transformatsiyalar bir vaqtning o‘zida leksik, grammatik va mantiqiy o‘zgarishlarni o‘z ichiga oladi hamda jumlaning lingvistik shaklining barcha jihatlariga ta’sir qiladi. Tabiikiy, sof grammatik transformatsiyalar va antonimik tarjimadan farqli o‘laroq, konversiv transformatsiyalarning ta’sir darajasi asliyat matnining semantik mazmunini uzatishda muhimroq bo‘lib chiqmoqda. Ushbu transformtsiyalar tarjimada keng qo‘llaniladi. Ulardan foydalanish har doim gapning rematik markaziga siljish, gap rematik markazining aniq ifodali shakllanishi va to‘g‘ridan-to‘g‘ri o‘girilishi zaruriyatini taqozo etadi.

Tahlillardan kelib chiqib, konversiv tarjima transformatsiyalarining tabiati murakkab va kompleks xarakterga ega ekanligini aytishimiz mumkin. Tarjima jarayonida amalga oshiriladigan transformatsiyalarning murakkab tabiati leksik-semantik, grammatik, mazmuniy, mantiqiy, diskursiv-ekspressiv kabi xususiyatlarga asoslanadi. Asliyat matnining mazmunini tarjimada to‘laqonli tarzda talqin qilishning usullari qanchalik ko‘p bo‘lsa, tarjima transformatsiyalarining ahamiyati ham shunchalik ortib boradi. Asliyat matnida lisoniy xususiyatlarning ko‘pligi, tarjimada transformatsiyalardan foydalanish zaruriyatini oshiradi. Jumlada lisoniy birliklar qanchalik chuqur ma’noga ega bo‘lsa, transformatsiyaga xos belgilarning soni ham ko‘payib boradi. Ko‘p sonli talqinlar mavjud bo‘lgan holatda birgina transformatsiyaning o‘zi turli usullarda talqin qilinishi mumkin. Talqinlarning ko‘pligi esa tarjimaning variantli shakliga mos keladi.

## REFERENCES

1. Бреус Е.В. (2007). Курс перевода с английского языка на русский. Учебное пособие. – М.: Р. Валент.– 320 с.
2. Гарбовский Н.К. (2007). Теория перевода: учебник. – 2-е изд. – М.: изд-во Мгу. – 544 с.
3. Горохова А.И. (2004). Сопоставительный анализ способов достижения эквивалентности в синхронном и письменном переводе: Дисс. ... канд. филол. наук. – М.,– 174 с.
4. Карабанова О.О. (2000). Переводческие трансформации как понятие и явление: Дисс. ... канд. филол. наук. – М.,– 166 с.
5. Комиссаров В.Н. (1973). Слово о переводе. –М.: Международные отношения. – 215 с.
6. Латышев Л.К. (1983). Проблема эквивалентности перевода: Дисс. ... д-ра. филол. наук. – М.,– 410 с.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00799

7. Швейцер А.Д. (1988). Теория перевода: статус, проблемы, аспекты. – М.: наука.– 215 с.
8. Штайер Е. (1970). О конверсной трансформации//тетради переводчика. –№7. – М.: Международные отношения. – с.112.

ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 4 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00800

# БОКСЧИЛАР ШКАСТЛАНИШНИ БИОМЕХАНИК ВА МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАШ АСОСИДА ТАХЛИЛИ

**Сайёра Саъдуллаевна Шукурова**
Ўзбекстон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети доценти

**Шовқиддин Муртозаевич Нарзиев**
И. Каримов номили Тошкент давлат техника университети катта ўқитувчиси

**Тахир Тохтаевич Адилбеков**
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университетининг доценти

**Зулайхо Аминджановна Маматова**
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

## АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада боксчиларнинг шикастланишлари биомеханик ва математик моделлаш асосида таҳлил этиш ва башоратлаш усуллари орқали, спорт жароҳатларини камайтириш, оқибатларини юмшатишни илмий асосда талқин этилган ва очиб берилган.

**Калит сўзлар:** Ёш боксчилар, спорт, юклама, машқланиш жараёни, биомеханика, шкастланиш.

# ANALYSIS OF BOXERS BY BIOMECHANICAL AND MATHEMATICAL MODELING OF INJURY

## ABSTRACT

In this article, boxer injuries are scientifically based on biomechanical and mathematical modeling, based on analysis and prediction methods, to reduce sports injuries and mitigate their consequences interpreted and substantiated.

**Keywords:** Young boxers, sports, loads, training process, biomechanics, injuries.

## КИРИШ

Ёш боксчилар мусобақа олди жисмоний тайёргарлик ва мусобақа даврларида бутун кучи ва имкониятини ишга солади. Натижада турли даражада

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00800

шикастланишлар юзага келади. Айниқса бўйин мушаклари, елкани икки бошли мушаги, билак ва қўл панжаси мушаклари, кўкракнинг катта мушаги, болдир мушаклари зўриқади. Мусобақадан кейинги даврда бу соҳаларда оғриқлар пайдо бўлади, боксчилар толиқади. Бош мия ва юз соҳаларида турли даражадаги жароҳатлар кузатилади. Шунинг учун ҳам боксчиларнинг функционал ҳолатини, биомеханик жиҳатдан ўрганиш, математик моделини яратиш ва башоратлаш асосида шикастланишларни камайтириш, оқибатларини юмшатиш ҳам муҳимдир.

Спортчиларда жисмоний ва иродалилик сифатини тарбиялаш ўзаро боғлиқ жараён бўлиб,ирода ҳам мушаклар каби объектив ва субъектив қийинчиликларни енгиш натижасида фақат ҳаракат фаолияти жараёнида ривожланади. Ёш боксчиларнинг маҳорати (техник), тактик ва руҳий тайёргарлиги учун мунтазам ўқув машғулотлари ўтказилади. Тайёргарлик ва машғулотлар мусобақаларининг дастлабки босқичида ёш боксчилар маҳорати (техник), тактик ва руҳий тайёргарлиги даражаси паст бўлганлиги сабабли қўрқувга тушадилар ва таянч-ҳаракат аппаратнинг биозвенолари жиддий жароҳат олади. Боксчининг зарба кучи сезиларли катталикка эришганлиги учун қўрқув ва турли жароҳатлар олиш тўла асослидир.

Бокс машқлари ва мусобақалар пайтида боксчиларнинг зарба кучини чамалаши ниҳоятда мураккаб масала. Шунинг учун боксда бошнинг турли қисмларининг шикастланиши эҳтимоли юқори ва бу ҳолат кўп содир бўлади.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Агар вақт бўйича боксчининг зарба кучи ривожланиши жараёни кўриб чиқилса, у ҳолда ўзаро таъсир жуда қисқа лаҳзани ўн мингдан (квазиэластик зарба) биридан ўндан биригача (ноэластик зарба) чўзилади. Бироқ зарбали таъсирнинг асосий ўлчами зарба кучи эмас, балки зарба кучининг импульси ҳисобланади. Импульс (жисм импульси) тана механик ҳаракати физик ўлчами ҳисобланган вектор катталикдир.

Классик биомеханикада тана импульси, *v* тезликда тананинг *m* оғирлиги ҳосил қилган импульс, йўналиши тезликнинг вектори йўналиши билан мос келади: $\vec{p} = m \cdot \vec{v}$ (1)

Боксчи қўлқопи импульси 53.73±15.35 *Н*·с қопнинг катта импульсини келтириб чиқаради, агар боксчи зарбаси секунднинг атиги юзлаб қисмига чўзилиши ҳисобга олинса, у ҳолда зарба кучи 400-500 *Н* гача етади. Вақт бўйича зарба кучининг ривожланиш графиги косинусоидал шаклга эга.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00800

Косинусоидал шаклдаги куч импульси қуйидаги кўринишдаги математик формула билан ифодаланади.

$$F(t)\begin{cases}\frac{\pi\Delta F}{\tau}\cos\frac{\pi t}{\tau} \text{ дан } -\frac{\tau}{2}\le t\le\frac{\tau}{2},\\ 0 \quad \text{ дан } |t|>\frac{\tau}{2},\end{cases} \qquad (2)$$

Бу ерда ΔF – импульс юзаси бўлиб, физик жиҳатдан куч импульсига мос келади ва қуйидаги формула орқали аниқланади [1]:

$$\Delta F = \int_{-\frac{r}{2}}^{\frac{r}{2}} F(t)\cdot dt. \qquad (3)$$

Ушбу (3) математик формула спорт ўйинларидаги турли ҳолатларда спортчи, ўз рақиби билан ёки йиқилиш оқибатида ерга урилганда ёхуд бошқа сабабга кўра зарба олганда содир бўладиган шикастланиш зарба кучига ҳамда унинг таъсир вақтига (куч импульсига) боғлиқ эканлигини ифодалайди.

Куч зарбаси мушакларни кучига ҳамда зарба бериш онидаги таянч-ҳаракат аппарати кинематик занжири биозвенолари ҳолатига боғлиқ. Чунки инсон мушаги квазиэластик хусусиятга эга биоматериал ва унинг чўзилиши ҳамда қисқариш деформацияси графиклари устма-уст ётмайди, яъни бир хил бўлмайди. Юклашда (мушакни чўзишда) «чўзилиш–куч» муносабати эгри чизиғи ва «қисқариш–куч» эгри чизиғи 1-расмда келтирилган.

**1- расм. Мушак юкланишида «чўзилиш–куч» графиги (1) ва «қисқариш–куч» графиги (2)**

Мускул (мушак) чўзилганда «чўзилиш–куч» графиги (1) га, қисқарганда «қисқариш–куч» графиги (2) га тўғри келади. График чизиқлари (1) ва (2) «гистерезис сиртмоғи»ни ҳосил қилади. (1) ва (2) график чизиқлари орасидаги шаклнинг майдони ишқаланиш туфайли қувват йўқотилишини акс эттиради. Юқори қовушқоқликка эга бўлган мушакни ҳосил қилган «гистерезис сиртмоғи»нинг ички юзаси ҳам катта бўлади. Жисмоний машқларни бажаришда мушаклар ҳарорати ошади. Ушбу жараён мушакнинг механик модели элементлари кўрсаткичлари билан чамбарчас боғланган [2].




**2- расм. Мушакнинг уч компонентли модели**

Мушакнинг биомеханик модели, одатда,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00800

уч элементли (компонентли) универсал (стандарт) Кельвин моделига тўлиқ мос келади. Мушак толалари юқори қовушқоқлиги билан ажралиб туради, шунинг учун моделда улар демпфер (damper) шаклида кўрсатилади. Қовушқоқ суюқлик деформацияси тезлиги ва кучланиши даражаси бевосита, пропорционал боғлиқлик билан тавсифланади. Деформацияси тезлиги ва кучланиши даражасининг ўзаро боғликлик қонунияти қовушқоқ демпфер (damper)лаш коэффициенти орқали тавсифланади. Моделдаги бу элемент қисқарувчи (контрактил) компонент (ҚК) деб аталади. Моделнинг иккинчи компоненти мушакни ўраб турувчи фасция ҳамда мушак тўпламларини ўраб турувчи бириктирувчи тўқима ҳосилалари, мушак толалари, миофибриллалар ва бошқалар мушакларнинг эластик хусусиятларига эга. Бу компонент мушак толаларига параллел жойлашганлиги учун унга параллел эластик компонент (ПЭК) дейилади. Моделда (ПЭК) куч ва чўзилиш орасидаги ночизиқли боғланишни ифодаловчи пружина шаклида иммитация қилиниб, куч ва чўзилишнинг боғланиш қонунияти мушак толасининг бикрлик (эластиклик) коэффициентига боғлиқ бўлади. Моделнинг учинчи компоненти - пай. Бу компонентда ҳам эластик хусусиятлар устунлик қилади, бироқ бу компонентнинг бикрлиги(эластиклик) коэффициенти параллел эластик компонентга нисбатан катта. Мушак (мускул) толалари пайларга уланган, яъни бу компонент қисқарувчи (контрактил) компонентга нисбатан кетма-кет жойлашади, шунинг учун у кетма-кет эластик компонент (КЭК) дейилади. Моделда (КЭК) куч ва чўзилиш орасидаги ночизиқли боғланишни ифодаловчи пружина шаклида иммитация қилинади ҳамда куч ва чўзилишнинг боғланиш қонунияти пай толасининг бикрлик (эластиклик) коэффициентига боғлиқ бўлади. Мушакнинг юқорида келтирилган биомеханик моделига таъсир этувчи механик куч, одатда, уччала элементга бир хилда узатилади ва мушакни ҳосил қиладиган реакция кучи универсал (стандарт) Кельвин модели учун қуйидаги формула орқали ифодаланади.

$$F + \frac{c}{k_к} \cdot \frac{dF}{dt} = k_п \cdot \left[ x + \frac{c}{k_п} \cdot \left( 1 + \frac{k_п}{k_к} \right) \cdot \frac{dx}{dt} \right] \quad (4),$$

бу ерда, $F$-бошланғич куч, $Н$;

$c$-қовушқоқ демпфер (damper)лаш коэффициенти $Н/м$;

$k_к$- қисқарувчи (контрактил) компонент (ҚК)нинг бикрлик коэффициенти, $Н/м$;

$k_п$- кетма-кет эластик компонент (КЭК)нинг бикрлиги, $Н/м$;

$x$-мушакнинг бошланғич узунлиги, $м$;

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00800

Ушбу (2.10) формуладаги боғланишлар вақт доимийси сифатида $\tau_\varepsilon = \frac{c}{k_к}$ ва $\tau_\sigma = (\frac{c}{k_п}) \cdot (1 + \frac{k_п}{k_к}) = c \cdot (\frac{1}{k_п} + \frac{1}{k_к})$ билан белгиланса, қуйидаги формула ҳосил бўлади:

$$F + \tau_\varepsilon \frac{dF}{dt} = k_\varepsilon \cdot \left[ x + \tau_\sigma \cdot \frac{dx}{dt} \right] \quad (5)$$

Бу тенглама А. Хилл тенгламаси бўлиб, мушак кучи билан унинг қисқариш тезлиги орасидаги боғланишни ифодалайди ва тенгламадан кўриниб турибдики, мушак кучи янги даражага $\tau_\varepsilon$ вақт доимийси орқали релаксацияланади, мушакнинг узунлиги эса $\tau_\sigma$ вақт доимийси орқали оҳиста ўзгаради. Кўпсонли биомеханик тадқиқотлар [3] натижаларига кўра қисқарувчи (контрактил) компонент (ҚК)ни ***c*** қовушқоқ демпфер (damper)лаш коэффициенти, параллел эластик компонент (ПЭК), кетма-кет эластик компонент (КЭК)ларни *k* бикрлик (эластик) коэффициентлари мушак ҳамда пай толалари ҳарорати *T*, қисқариш тезлиги *v* ва мушакнинг бошланғич ҳолатдаги узунлиги *x* билан функционал боғланган, яъни $c = f(T, v, x)$ ва $k_{к,п} = f(T, v, x)$. Масалан, танадаги мушаклар ҳарорати $30^0C$ дан $20^0C$ га тушганда, мушакнинг эластик модуль қиймати $2{,}6 \cdot 10^5$ *Н/м*$^2$ дан $4{,}5 \cdot 10^5$ *Н/м*$^2$ гача ортади [4]. Юқорида таъкидланганидек, жисмоний машқларни бажаришда мушаклар ҳарорати ошади. Мушакларни чигал ёзиш машқлари ёрдамида қиздириш мушакларнинг қовушқоқлиги ва эластиклик модули қийматларининг пасайишига сабаб бўлади. Таянч-ҳаракат аппарати мушаклари ва пайлари қиздирилгандан сўнг (чигал ёзиш машқларидан сўнг) юкланганда ёки катта тезликда қисқартирилганда уларнинг шикастланиш эҳтимоли кескин камаяди.

## ХУЛОСА

Спортчиларни биомеханик тахлил қилиш,математик моделини яратиш ва башоратлаш асосида шикастланишларни камайтириш, оқибатларини юмшатиш бўйича спорт натижаларини самарадорлигини ошириш мумкин.

## REFERENCES

1. Хайдаров, М., Алламуратов, М., & Хайруллаева, Н. (2021). Сравнительная оценка физического состояния подростков 11-16 лет с нарушением интеллекта. *Academic research in educational sciences*, *2*(Special Issue 1).

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00800

2. Сафарова, Д. Д., Пулатова, М. Д., & Султанова, Ю. А. (2017). Взаимоотношения показателей гемодинамики с проявлением физической работоспособности у спортсменок-дзюдоисток. *Наука и спорт: современные тенденции*, *14*(1).
3. Пўлатова, М. Д. (2020). Применение восстановительных комплексов после травматических повреждений квалифицированных борцов. *Интернаука*, (8-1), 22-23.
4. Шукурова, С. С., Пулатова, М. Д., & Серебряков, В. В. (2021). Изменения показателей макроэлементов в крови у футболистов после физической нагрузки. *Academic research in educational sciences*, *2*(Special Issue 1).
5. Шукурова, С. С., Сейдалиева, Л. Д., & Шарипова, С. Н. (2021). Анализ гемодинамики игроков во время тренировочного процесса. *Academic research in educational sciences*, *2*(Special Issue 1).
6. Қутлимуратов, И. Х. (2021). Футболчиларнинг турли йўналишлардаги тўпни ошириб бериш ҳаракатларини ўрганиш. *Academic research in educational sciences*, *2*(Special Issue 1).
7. Nazirov, B. S. (2020). Master who devoted his life to sports. *Theoretical & Applied Science*, (6), 78-82.
8. Алиев, И. Б. (2020). Курашчиларнинг мусобака олди тайёргарлик боскичларидаги толикиш белгиларини турли х, ажмдаги таъсирига караб юкламаларни таксимлаш. *Фан-спортга,(2)*, 42-45.
9. GAZIEV, S. (2020). Improving the speed-strength preparedness of sambo wrestlers at the stage of sports improvement. *Фан-Спортга*, (1), 56-60.
10. Bakhtiyorovich, O. B. Improvement of methodology of development of technical and tactical methods with rapid power of belbog wrestlers.
11. Madraimov, H. K., & Aliyev, I. B. (2020). Distribution of training loads, taking into account the pre-competition training of freestyle wrestlers. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, *10*(9), 348-351.
12. Назаров, Н. Н., & Юсупов, Н. М. (2012). Философские особенности и развитие футбола в республике узбекистан. *Педагогические науки*, (3), 93-96.
13. НАЗАРОВ, Н. (2020). Мутафаккирлар илмий меросларидан фойдаланган ҳолда спортчи ёшларнинг ахлоқий ва эстетик қарашларини шакллантириш. *Фан-Спортга*, (3), 38-41.
14. Egamberdiyev, I. O. (2021). Unconventional development of balance on land in young kayakers. *Academic research in educational sciences*, *2*(2).

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00800

15. Geyger, A. I. (2021). Immunity of swimmers in the conditions of modern training. *Academic research in educational sciences*, *2*(2).
15. Собирова, Ш. У. (2019). Использование рекламных текстов в обучении иностранному языку. *Молодой ученый*, (18), 48-50.
17. Норбоева, Ф. Р. (2020). Перевод маркетинговых терминов в сфере спорта с английского языка на русский. *Интернаука*, (26-2), 27-28.
18. Норбоева, Ф. Р. (2020). Процесс преподавания иностранного языка в неязыковом вузе. *Интернаука*, *20*(149 часть 2), 74.
19. Rakhmatullayevna, N. F. (2020). The role of modern pedagogical technologies in the education system. *Наука и образование сегодня*, (6-2 (53)).
20. Xolisov, B. A. (2017). Yangi iqtisodiy siyosatning turkiston xalq xo'jaligiga ta'siri. *ЎзМУ хабарлари*, 129-132.
21. Jurayev, I. B. (2021). Futzal hakamlarining jismoniy tayyorgarlilarini yaxshilash hamda mavsumiy topshiriladigan fifa fitness testiga tayyorlash. *Internauka*, *4*(180), 75-77.
22. Taxirovich, T. T., Madaminovna, K. I., Nurmuhammad o'g'li, N. S., Takhirovich, T. T., & Tokhirjonovich, U. N. (2021). Bo 'lakli bir jinsli bo 'lmagan g 'ovak qatlamlarda suyuqliklar harakati jarayonini matematik modellashtirish muammolari va asosiy masalalari. *Scientific progress*, *1*(3).
23. Norinov, M. U., Abdukodirov, B. A., Tillavoldiev, A. O., & Urinov, N. T. (2019). Алгоритм устранения шума кусочно-гладкой моделью изображения. *Theoretical & Applied Science*, (4), 509-512.
24. ORINOV, N. T., MADAMINOV, Z. Y., & ALIYEVA, G. A. (2020). Simulation modeling. *International journal of innovations in engineering research and technology*, *7*(11), 14-19.
25. Ўринов, Н. Т., Сайидова, Н. К., & Юлдашев, Х. Д. (2020). Cyber threats and vulnerabilities. *EPRA International Journal of Research and Development (IJRD)*, *5*(3), 158-162.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00801

# СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ПАХТАДАН ЮҚОРИ ҲОСИЛ ОЛИШ АГРОТЕХНИКАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШДА М.С.ИСТОМИННИНГ ФАОЛИЯТИ

**Диларам Тажиевна Ёқубова**
Денов тадбиркорлик ва педагогика институти ўқитувчиси

## АННОТАЦИЯ

Ўзбекистонда пахтачиликнинг ривожлантиришда совет ҳукуматининг манфаатлари туфайли саноат учун, энг муҳими ҳарбий мудофаани мустаҳкамлашга жуда зарур бўлган ингичка толали пахта навни етиштириш ва унинг минтақага мос ҳосилдор навларини яратишда М.С.Истомининг тадқиқотлари ҳақидаги манбалари мақолада ўз ифодасини топган.

**Калит сўзлар:** Совет, яккаҳокимлиги, пахта, ингичка тола, синов, тадқиқот, “қиш”, афғонка,гармсел, канал, суғориладиган, тўқимачилик, уруғлик, центнер, селекцияси.

# ACTIVITY OF M.S.ISTOMIN IN THE DEVELOPMENT OF AGROTECHNICS OF HIGH YIELD OF FINE FIELD COTTON IN SURKHANDARYA REGION

## ABSTRACT

Due to the interests of the Soviet government in the development of cotton in Uzbekistan, the sources of MS Istomi's research on the cultivation of fine-fiber cotton, which is essential for industry, and most importantly for the strengthening of military defense, and its creation of regional varieties.

**Keywords:** Soviet, monopoly, cotton, fine fiber, testing, research, “winter”, afghan, garmsel, canal, irrigated, textile, seed, centner, selection.

## КИРИШ

Совет ҳокимияти пахта яккаҳокимлигини ривожлантириш мақсадида пахта навларни минтақага мос навларини экиш борасида ҳам муҳим амалий ишларни бажардилар. Айниқса, саноат учун муҳим ҳисобланган ингичка толали пахта навларни яратиш ишларига алоҳида эътибор бериб. Бу ишлар учун зарурий маблағларни ажратиш ва иссиқга чидамли навларни кўпайтириш ишлари учун илмий тадқиқот институларни ташкил этди. Ушбу илмий

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00801

тадқиқот ишларига тажрибали илмий ходимларни ва агроном мутахассисларни ҳам жалб этди.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Сурхон воҳасида ингичка толали пакта навларини яратишда алоҳида хизмат қилган М.С.Истоминнинг илмий тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг хизматлари туфайли ингичка толали пахта навлари яратилди ва синовдан ўтказилди. Унинг тинимсиз изланишлари натижасида Сурхондарё областининг ингичка толали пахта етиштиришга мослашган Шеробод даштининг жанубий қисмида ўзига хос табиий шароитлар аниқланиб, бу ҳудудда температураларнинг йиғиндиси 6 минг градус (даража)ни ташкил этиб, бу эса пахта учун 3200 градусга яқин ижобий таъсир кўрсатадиган температураларнинг йиғиндисини мавжудлиги билан ажралиб турар эди. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида ўртача кунлик температурали кунларнинг йиллик миқдори – 10 (градус) дан юқориси 261 кун, 5 (градус) дан юқориси 44 кун бўлиб, нолдан пасти бир кун ҳам йўқ. Булутсиз кунлар ва қуёшли соатларнинг миқдори Бирлашган Араб Республикасидагига нисбатан бу ерда кўп бўлиб, дастлабки кўсакларнинг очила бошлаганидан то кузги совуқлар тушгангача яна 120 кун иссиқ вақт бўлиб, бу даврда барча кўсаклар очилиб улгуради. Май ва сентябрь ойларининг температура шароитлари бир хил; “қиш” деган нарса бўлмайди, минимал ўртача кунлик иссиқлик температура бутун қиш бўйи плюс икки градус (даража)дан паст тушмайди. Ёғингарчиликлар жуда кам бўлади. Шеробод ва Термизда улар йил мобйҳайнида 150 миллиметрдан ошмайди, шу жумладан декабрдан то май ойигача 90 миллиметрни ташкил этади. Ҳавонинг нисбий нами жуда ҳам оз бўлиб, Ўрта Осиёнинг пахта етиштириладиган бирорта минтақасида учрамайди; бир йилнинг 200 кунида ҳавонинг нисбий ҳаво нами 30 фоиздан кам бўлади, ёз ойларида эса у 18-20 фоизгача пасаяди, жануби-ғарбадн эсадиган гармсел (афғонка) ҳавонинг нисбий намлиги 13-16 фоиз бўлади.

М.С.Истомин Шеробод даштининг ёки Сурхон-Шеробод водийси жанубий қисми иқлимининг бу алоҳида шароитлари агротехника усулларида қатъий ҳисобга олиб, бу ерларда асрлар бўйи сув камчил бўлганлиги сабабли Сурхон-Шеробод водийсининг жуда катта ер массивларидан, унинг иқлим шароитлари қанчалик қулай бўлишига қарамасдан, жуда кам фойдаланилганлигини ҳисобга олиб янги пахта майдонларини яратиш учун тупроқ таркибни ўрганишга оид тадқиқотлар олиб борди. Сурхон дарёси

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00801

орқали эса ҳар йили 2,5 миллиард кубометр сув бекорга бошқа ёқларга оқизиб юборилар, ваҳоланки бу сув билан мазкур бой ўлкани жонлантириб юбориш мумкин эди. Фақат 1966 йилигина Шерабод насос станцияси орқали Қизириқ Дара даштига биринчи марта сув берилди. Занг канали эндиликда батамом реконструкция қилинган ва секундига 86 кубометр ёки қурилаётган пайтидаги ўтказиш қувватидан 5 баравар кўп сув ўтказади. Жанубий Сурхон сув омбори комплексида бажарилган барча ишлар ва объектлар яхши баҳс билан қабул этилган. Натижада областнинг жанубида йилнинг исталган даврида суғориш учун етарли миқдорда сув бор. Сув кам бўлган шароитга мослаб асрлар давомида яратилган (расм қилинган) агротехника усулларини танқидий назардан қайта кўриб чиқиш вақти етди. Чунки ҳозир бу гуллаб-яшнаган водийнинг моддий-техника ва табиий-иқлимий шароитларидан янада тўлароқ фойдаланиш пайти келди. Ирригация-мелиорация ишлари тугаллангач, областнинг жанубида суғориладиган ерларнинг миқдори 180 минг гектарга ёки областнинг барча районларидаги ерлардан анча кўп миқдорга етказилди. Аграр соҳада амалга оширлган ишлар туфайли суғориладиган ерларнинг 90 фоизидан кўпроғи сунъий сув омборларида тўпланадиган сувлар билан суғорила бошланди. Ерлар табий сув манбаларидан суғорилганда, уларга сув билан бирга жуда кўп лойқалар ҳам оқиб келади. Бу лойқалар ернинг табий ҳосилдорлигини сақлайдиган ва тиклайдиган факторлардан бири ҳисобланади.

М.С.Истоминни олиб борган хизматлари туфайли Ўзбекистонда пахта бўйича, айниқса ингичка толали пахта бўйича амалга оширилган ишлар жуда оғир шароитларда рўёбга чиқарилиб, Совет иттифоқининг ривожланиб бораётган тўқимачилик саноати юқори сифатли ва пишиқ газмоллар ишлаш учун пахтанинг юқори тип толаларини талаб қилган бир вақтда ингичка толали пахта етиштириш иши жуда янги қийинчилик эвазига бажарилди. Дастлабки йилларида синов асосида ингичка толали пахта уруғини иқлимнинг қандай шароитларида экиш; у сувга, ўғитга, ғўза туплари ораларининг тиғизлигига, юқори температураларга, хавонинг намлиги ва ҳоказоларга қандай муносабатга бўлиши ва пахтанинг қачон пишиб етилиши маълум эмас эди. Шу мақсадда чет мамлакатлардан келтирилган Миср пахта чигити (бу пахта нави ўша вақтда шундай деб аталарди) СССРнинг барча пахта экиладиган зоналарида экилиб, бундан мазкур нав пахта учун энг оптимал иқлимий шароитларни аниқлаш мақсад қилиб олинди. Энг оғир меҳнат ингичка толлали чигит ерга қўл билан қадаларди. Чунки уруғлик чигит жуда камлиги сабабли улар баъзан хатто кўчат қилиб ўтказиларди. Шу билан бирга у вақтларда сеялка ҳам жуда кам эди.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00801

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Бу нав пахтани ўрганишнинг дастлабки босқичларида экин майдонлари гектар ҳисобида қуйидагича бўлган эди.

| | 1928 й. | 1929 й. | 1930 й. | 1931 й. | 1932 й. | 1933 й. |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Ўзбекистон ССР | - | 5 | 205 | 940 | 5,490 | 9,075 |
| Туркманистон ССР | 33 | 108 | 1,013 | 5,185 | 14,779 | 17,623 |
| Тожикистон ССР | - | 25 | 3,532 | 14,227 | 21,524 | 23,041 |
| Озарбайжон ССР | 1 | 2 | 40 | 892 | 8,435 | 26,005 |
| СССР бўйича жами | 34 | 140 | 4,790 | 21,244 | 50,228 | 76,344 |

Бундай тадқиқот экишлари Ўзбекистоннинг деярли барча пахта экиладиган районларида, шу жумладан Тошкент, Пискент, Янгийўл, Мирзачўл районларида, Фарғона водийси, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё областларининг барча районларида ўтказиларди.

Туркманистон ва Тожикистонда ҳам барча районларда, шу жумладан энг шимолий район ҳисобланган Хўжанд ва Конибодом районларида ҳам, Нахичеван Автоном ССРда ҳам экилиб, ҳар хил навларнинг уруғлари (Пима, Сакель, Ашмуни, Рамселлер, Аффифи, Маарад) ўша пайтларда чет эллардан келтирилган, аммо уларнинг ҳаммаси ҳам кечпишар бўлиб, ўсиш даврининг 150-170 кун бўлишини талаб этган. СССР пахтачилигининг барча иқлимий шароитларида бундай тадқиқот экишларининг кенг кўламда ўтказилиши ингичка толали пахтани қайси жойларга экиш, улар орасидан энг эффектив навларини аниқлаш имконини берди, Миср пахтасининг барча мавжуд навлари толасининг хўжалик сифати ўрганилиши натижасида СССРда 1928 йили 22 минг, 1929 йили 121 минг тонна ингичка толали пахта етиштирилган бўлса, 1933 йилга келиб Ўзбекистонда бундан ҳам кўп ингичка толали пахта тайёрлади. Бунда ҳар гектар ердан олинган пахта ҳосили ўртача 4,8 центнерни ташкил этди.

Сурхондарё областида бу нав Шеробод, Термиз ва Жарқўрғон районларида синовдан ўтказилиб, 1933 йили бу ерда 3,5 минг гектар ерга шундай нав пахта экилиб, 2 минг тоннадан зиёд ингичка толлали пахта етиштирилди. 1934 йилнинг баҳорида Сурхондарё областининг мазкур районларида барча майдонларга икки нав: Пима ва Маарад навлари экилиб, Маарад нави бу жойларнинг шароитига анча мувофиқ синовдан ўтиб, анча юқори ҳосил ва сифатли тола берди.1934 йилниг кўкламида бошлаб бу

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00801

районларда фақат ингичка толали нав пахта экила бошлади. 1933 йилдан бошлаб Сурхондарё областининг бу районларида энг яхши ва юқори ҳосилли участкалардан уруғлик чигит тайёрлаш бўйича катта синов тадқиқот ишлар ўтказилади. 1934 йилнинг баҳорида эса Шеробод районидаги Чуюнчи қишлоғидаги Киров номли колҳозда элит уруғчилик хўжалиги ташкил этилади. Бу хўжалик Сурхондарё ва Бухоро областларидаги ҳамда Фарғона водийсидаги хўжаликларни уруғлик чигит билан таъминланади. Бу ўринда шуни қайд этиш керакки, ингичка толали кечпишар Пима ва Маарад навлариниг ҳосили амалда ингичка толали бўлмаган пахта группаларидан экилган навлариниг ҳосилидан кам бўлмади.

1932-1933 йилларда Пима ва Маарад навлари бўйича кўрсатгич. 8-жадвал

| | 1932 йил (биринчи экилган йили) | | 1933 йил | |
|---|---|---|---|---|
| | Америка нави | Миср нави | Америка нави | Миср нави |
| Шеробод районида | 12,0 | 1,2 | 7,8 | 7,7 |
| Термиз районида | 6,6 | 1,8 | 5,3 | 4,2 |
| Жарқўрғон районида | 4,5 | 2,2 | 5,2 | 4,7 |

1938 йилдан бошлаб ингичка толали пахта Шўрчи районида ҳам экила бошлади. 1941 йили областда 40 минг гектар пахта майдонининг 19600 гектарига ингичка толали пахта экилди. Ҳар гектар ердан ўртача 12,2 центнердан ҳосил олинди. Иккинчи урушининг оғир йилларида эса ингичка толали Миср ва Америка навлари пахталариниг ҳосили (гектаридан центнер) пахта Денов районида ҳам 2,5-3,5 миниг гектар ерга экилди.

1953 Урушдан кейинги йилларда ингичка толали пахта етиштириш 1953 ва 1954 йилларда энг юқори даражага етди. Бу пахта майдони 33 минг гектарни ташкил этиб, деярли 60 минг тонна пахта тайёрланди. Қуйида келтирилган 1954 йил маълумотлари ингичка толали пахта экилган ер майдони, ҳосилдорлиги ва ялпи ҳосили тўғрисида тушунча беради:

| | Ер майдони (гектар) | Ҳосил (гектаридан центнер) | Терилган ҳамма ҳосил (тонна) |
|---|---|---|---|
| Термиз райони | 5040 | 21,2 | 10,685 |
| Жарқўрғон райони | 8094 | 22,8 | 18,455 |
| Шўрчи райони | 8200 | 13,0 | 10,715 |

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00801

| | | | |
|---|---|---|---|
| Шеробод райони | 4300 | 17,9 | 7,667 |
| Ангор райони | 7300 | 16,6 | 12,107 |
| Областъ бўйича | 32,934 | 18,1 | 59,629 |

Областда пахта экинларига нисбатан ингичка толали пахта экинлариниг салмоғи 45 процентни, пахта етиштириш бўйича эса 35 процентни ташкил этди.

Ингичка толали пахтадан юқори ҳосил етиштирганликлари учун колхозчилардан, хўжаликлар ва район рахбарларидан 9 киши Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини олишга мушарраф бўлди. Қишлоқ хўжалигиниг кўпгина меҳнаткашлари СССР орден ва медаллари билан тақдирланди, юқори фахрий унвонлар олди. 35-1; 5476-И пахта навлари фузариоз вилти билан кучли даражада зарарланганликлари муносабати билан бу навлар экиладиган ер майдонлари кескин қисқара бошлади. Бунга унинг сифатини ҳисобга олмай пахта етиришга интилиш ҳам кучли даражада ёрдам берди. 1964 йили бу нав ҳаммаси бўлиб областъ бўйича 12365 гектар майдонда қолди, атиги 23.178 тонна пахта етиштирилди. Бу, областда тайёрланадиган умумий пахта миқдорининг 9 фоизга яқинини ташкил этди.

СССР Министрлар Советининг 1966 йил 30 сентябрда қабул қилган “Совет нав ингичка толали пахта етиштиришни кўпайтириш чоралари ҳақида”ги қарорида бу пахтани етиришда тўсиқлик қилаётган барча асосий, қийин масалалар ҳал қилинди: совхозларда етиштириладиган ингичка толали пахталарнинг тайёрлаш нархи оширилди, бу пахтани етиштириш юзасидан берилган топшириқларни бажаришдаги масъулят кучайтирилди. Эндиликда эса бу пахтани етиштирувчи хўжаликлар учун минерал ўғит, сув ва техника нормалари масалалари ҳам ҳал этилди. 1968 йилнинг апрель ойида Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Минстрлар Совети ингичка толали пахта етиштиришни кўпайтириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар ҳақида қарор қабул қилди. Бу қарорда ингичка толали пахта ҳосилини кўтариш ва уни етиштиришни кўпайтиришнинг барча йўллари аниқ-равшан кўрсатиб ўтилди. Бу ҳар икки қарорда ҳам вилт касаллигига чидамли, энг юқори 1 ва 2 тип тола берадиган юқори ҳосилли ингичка толали пахта навларини яратиш, уларни жорий этиш ва кўпайтириш масалаларига катта эътибор берилди.

1966 йили 53,1 минг тонна ингичка толали пахта етиштирилиб, режа область пахтакорлари пахта топшириш режасини ҳам муваффақиятли бажардилар. Давлатга 58 минг тонна пахта давлатга топширилиб, областда етиштирилган барча пахтанинг 17,5 фоизини ташкил этди. Ҳар гектар ердан ўртача 23,9 центнердан ингичка толали пахта олиниб, область қишлоқ хўжалик

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00801

меҳнаткашлари 1968 йили янада юқори ҳосил олдилар. Шу йили 1965 йилдагига нисбатан 18 минг тонна кўпроқ пахта етиштирилиб, ҳар гектар ердан ўртача 26,4 центнердан ингичка толали пахта олиниб, давлатга ҳаммаси бўлиб 71,2 минг тонна пахта топширилди. Областда ингичка толали пахтанинг салмоғи 20,6 фоизини ташкил қилиб, вилоят аҳлининг фидокорона меҳнат қилиш, деҳқончлик маданиятини кўтариш, дала ишларида меҳнатни ташкил қилишнинг илғор усулларини жорий этиш натижасида қўйидаги колхозлар ингичка толали пахта етиштиришда биринчи ўринни эгаллаб юқори натижага эришдилар: Жарқўрғон районидаги “Москва” колхози ҳар гектар ердан 34 центнердан; Термиз районидаги “Октябрь 40 йиллиги” колхози 32 центнердан; яна Жарқўрғон районидаги Ленин номли, “Социализм” ва “Қизил Октябрь” колхозлари ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил кўтармоқдалар. Термиз районидаги “Октябрь 40 йиллиги” колхозининг Э.Норбоев ва Б.Раҳмоновлар бошчилигидаги илғор бригадалар эса ҳар гектар ердан 40-45 центнердан ингичка толали пахта етиштирдилар.

Областда экиладиган асосий ингичка толали пахта нави 5904-И бўлиб, 3 тип тола бериб, бу нав пахта фузарноз вилти ва қора илдиз чириш касалликларига чидамли бўлмагани сабабли унинг ўрнига С6002 нави экилди. Бу нав 2 тип тола беради, фузариоз касаллигига чидамли бўлса-да, аммо макроспориоз касаллигига бардош беролмади. Область қишлоқ хўжалик тажриба станцияси томонидан чиқарилган Т3, Т7, Т8 навлари 2 илдиз чириш касалликларига чидамли , 5904-И навига нисбатан анча юқори ҳосилли бўлиб, бир неча кун эрта етилганлиги билан иқтиосдий фойда келтирди Ўзбекистон ССР пахта уруғчилиги ва селекцияси институти томонидан чиқарилган С6028, С6029, С6030, С6033, С6034, 8022 навлари ҳам юқоридаги Т3, Т7, Т8 навларига ўхшаб катта иқтисодий самара берди. Областда иккита элит-уруғчилик хўжалиги мавжуд. Уларнинг биттаси Шероботдаги “ХХП партсъезд” колхозида жойлашган бўлиб, С 6002 нави, иккинчиси Термиздаги “Намуна” колхозида жойлашган бўлиб, 5904-И нави устида иш олиб борди.

## ХУЛОСА

Хулоса қилиб шуни алоҳида таъкидлаш кераки, совет ҳокимияти йилларда Сурхондарё области ҳудуди пахтачиликни кенг ривожлантиш мантақасига айлантирилиб, воҳада ингичка толали пахта экиш имкониятлари тўлиқ ўрганиб чиқилди. Натижада воҳа пахта навлари учун синов майдонига айланиб, илмий тадқиқотларни амалга оширишувчи ҳудуд сифатида танланди.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00801

Бу каби давлат сиёстини амалга оширишда С.М.Истомин каби тадқиқотчиларни меҳнатидан кенг фойдаланилди.

## REFERENCES

1. Хайдаров, М., Алламуратов, М., & Хайруллаева, Н. (2021). Сравнительная оценка физического состояния подростков 11-16 лет с нарушением интеллекта. *Academic research in educational sciences*, *2*(Special Issue 1).
2. Сафарова, Д. Д., Пулатова, М. Д., & Султанова, Ю. А. (2017). Взаимоотношения показателей гемодинамики с проявлением физической работоспособности у спортсменок-дзюдоисток. *Наука и спорт: современные тенденции*, *14*(1).
3. Пўлатова, М. Д. (2020). Применение восстановительных комплексов после травматических повреждений квалифицированных борцов. *Интернаука*, (8-1), 22-23.
4. Шукурова, С. С., Пулатова, М. Д., & Серебряков, В. В. (2021). Изменения показателей макроэлементов в крови у футболистов после физической нагрузки. *Academic research in educational sciences*, *2*(Special Issue 1).
5. Шукурова, С. С., Сейдалиева, Л. Д., & Шарипова, С. Н. (2021). Анализ гемодинамики игроков во время тренировочного процесса. *Academic research in educational sciences*, *2*(Special Issue 1).
6. Қутлимуратов, И. Х. (2021). Футболчиларнинг турли йўналишлардаги тўпни ошириб бериш ҳаракатларини ўрганиш. *Academic research in educational sciences*, *2*(Special Issue 1).
7. Nazirov, B. S. (2020). Master who devoted his life to sports. *Theoretical & Applied Science*, (6), 78-82.
8. Алиев, И. Б. (2020). Курашчиларнинг мусобака олди тайёргарлик боскичларидаги толикиш белгиларини турли х, ажмдаги таъсирига караб юкламаларни таксимлаш. *Фан-спортга,(2)*, 42-45.
9. GAZIEV, S. (2020). Improving the speed-strength preparedness of sambo wrestlers at the stage of sports improvement. *Фан-Спортга*, (1), 56-60.
10. Bakhtiyorovich, O. B. Improvement of methodology of development of technical and tactical methods with rapid power of belbog wrestlers.
11. Madraimov, H. K., & Aliyev, I. B. (2020). Distribution of training loads, taking into account the pre-competition training of freestyle wrestlers. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, *10*(9), 348-351.
12. Назаров, Н. Н., & Юсупов, Н. М. (2012). Философские особенности и развитие футбола в республике узбекистан. *Педагогические науки*, (3), 93-96.
13. НАЗАРОВ, Н. (2020). Мутафаккирлар илмий меросларидан фойдаланган ҳолда спортчи ёшларнинг ахлоқий ва эстетик қарашларини шакллантириш. *Фан-Спортга*, (3), 38-41.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00801

14. Egamberdiyev, I. O. (2021). Unconventional development of balance on land in young kayakers. *Academic research in educational sciences*, *2*(2).
15. Geyger, A. I. (2021). Immunity of swimmers in the conditions of modern training. *Academic research in educational sciences*, *2*(2).
15. Собирова, Ш. У. (2019). Использование рекламных текстов в обучении иностранному языку. *Молодой ученый*, (18), 48-50.
27. Norinov, M. U., Abdukodirov, B. A., Tillavoldiev, A. O., & Urinov, N. T. (2019). Алгоритм устранения шума кусочно-гладкой моделью изображения. *Theoretical & Applied Science*, (4), 509-512.

ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 4 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00805

# МАКТАБ ЁШИДАГИ СКОЛИОЗИ МАВЖУД БЎЛГАН БОЛАЛАРНИ ТАЯНЧ-ҲАРАКАТ АППАРАТНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ҲОЛАТИНИ ТИКЛАШ

**М. Д. Пулатова**
Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети доценти

**С. С. Шукурова**
Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети доценти

**М. Алламуратов**
Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети доценти

## АННОТАЦИЯ

Сколиоз билан касалланган болаларда жисмоний тикланиш усуллари ишлаб чиқилди ва уларнинг организм фнкционал холатига таъсири баҳоланди.Жисмоний машқлар мажмуаси сколиоз билан кассаланган болаларда таянч-харакат аппаратининг функционал кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатиши аниқланди.

**Калит сўзлар**:Сколиоз,болалар,таянч-ҳаракат аппарати,функционал ҳолат,тикланиш.

# IMPROVEMENT IN THE FUNCTIONAL STATE OF THE MUSCULOSKELETAL SYSTEM IN SCHOOLAGE CHILDREN WITH SCOLIOSIS

## ABSTRACT

A set of physical reabilitation measures for schoolchildren with scoliosis was developed and their effect on the functional state of the organism was assessed. The positive effect of the complex of physical exercises on the functional indices of the musculoskeletal system of children with scoliosis was established.

**Keywords:** Scoliosis, children, musculoskeletal system, functional state, recovery.

## КИРИШ

Мактаб ёшидаги болаларнинг умуртқаси қийшайиши сабабларидан бири нотўғри овқатланиш ҳамда улар тўғри юриш, туриш, ўтиришни билмаслиги ва

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00805

тўла жисмоний фаолиятидан ажралган ҳолатда бўлганликларидир. Бу телевидение авлоди деб аталадиган мактаб ўқувчилари тўғрисида гап бормоқда. Биринчи кундан бошлаб мактабда боланинг умуртқаси оғир юк таъсирига тушиб қолиши. Камҳаракатлилик, нотўғри жисмоний тарбия, ноқулай жиҳозлар (парта), тўғри гавдани тутиш одоби бўлмаганлиги - барчаси ҳаракат-таянч тизимини ёмонлашувига олиб келишига,улардан бири сколиоз кассалигидир (ПотапчукА.А., ДидурМ.Д.2001).

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Сколиоз (умуртқа поғонасини бузилиши) келгусида бола елкасида оғриқ пайдо бўлишига олиб келиб, гавдани тутиши бузилади. Гавдани тутиши бузилганда скелет шаклини ўзгартиради, бўғинлар, пайлар, мушак боғламларига босим нотўғри тақсимланиб, барча ҳаракат-таянч тизими азият чекади ва умуртқани рессор функциялари ёмонлашади. Умуртқани рессор функциясини пасайиши бош ва орқа мияни юришда, югуришда ва бошқа ҳаракатларни амалга оширишда уларни доимо шикастланишига олиб келади, бу эса юқори асаб фаолиятига салбий таъсир этиб, иш қобилияти пасайиши олиб келади. Бундан ташқари гавдани тутишда оғишма пайдо бўлишига ички органлар мўтасил ҳолатдан ўзгариб кетишлари ва бошқа тўқима ҳамда органлари томонидан қисиб қўйилишига олиб келиши мумкин . Умуртқада жойлашган орқа мия кўпгина рефлексларда қатнашади. Умуртқанинг ҳолати бузилганда орқа мия асабларини сиқилиши рўй беради, орқа мия суюқлигини айланиши бузилишига, бу эса барча организмга салбий таъсир этади (Вайнбаум Я. С. 2013).

Умуртқа ҳолатини бузилиши, ички органлар фаолиятига зарар етказилиши мумкин, бўнда кўкрак қафаси ва диафрагма ҳаракатини физиологик меъёрга нисбатан ўпкани тириклик сиғимини пасайиши, ички кўкрак босимининг ўзгариши кузатилади. Шу каби ўзгаришлар юрак-томир ва нафас олиш тизимларига салбий таъсир қилиб, физиологик имкониятларини пасайишига олиб келади ва организмнинг адаптив имкониятларини бузади . Орқа ва қорин мушак пайлари кучсизлиги, умуртқа холатининг қийшайиши ичак перистальтикаси ва сафро ҳайдаш йўлларини бузилишига олиб келади. Асаб титзимига зарар етказишдан ташқари, умуртқа ўқини ҳар-хил деформация таъсирларига чидамлиги пасаяди, бу эса умуртқани қийшайишига шароит яратади. Гавдани тутишда жадаллашаётган нуқсонлар баъзи бир ички

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00805

органларининг иннервациясини таъсирига тушиб қолади (Овсепян В.А. Л.2008).

Асосий даволаниш - маҳсус машқларни ўзига қамраб олган бўлиб, улар доимо ижобий натижа беради, ва баъзи-бир ҳолатлардан истисно тариқасида хирургик аралашишни талаб этган ҳолатлар ҳам зарур бўлади. Маълум бўлган сколиозни даволаш усуллар орасида ҳамма шуғулланувчиларнинг функционал холатини ҳисобга олган ҳолда машқлар мажмуаси ҳозиргача аниқ белгиланмаган.

Шундай қилиб, биз сколиоз билан касалланган бир гуруҳ болаларда жисмоний тикланиш усули ва чораларини уларнинг организмига таъсирини баҳолашни мақсад қилиб олдик,ҳамда **с**колиоз билан касаланнган экспериментал бир гуруҳ болаларда жисмоний тикланишнинг ижобий таъсири ўрганилди.

Ушбу беморларда жисмоний машқлар мажмуаси ёрдамида жисмоний тикланиш бугунги кунда жуда аҳамиятли вазифалардан ҳисобланади.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Умуртқани функционал холатини бахолаш учун дастлаб ўнинг харакатчанлиги аниқланди. Аниқлаш усули қўйидагилардан иборат**:** тик туриш бошланғич ҳолатдан сантиметр ўлчағич билан, 7 бўйин умуртқасининг остик ўсмалардан думғазагача, қўйиб ўлчанади. Такрор ўлчаш тизза бўғинлари тўғри турганда, олдинга максимал эгилиш холатда олиб борилади. Ўлчаш орасидаги фарқ умуртқани ҳаракатланишини ифодалайди.Катта ёшдаги болаларда умуртқани ҳаракатланиши 4 см. кам бўлмаслиги керак(Вайнбаум Я. С.Б, 2013).-

Машқларни бажаришда барча услубий кўрсатмаларга риоя қилинди:

1. Машқларни бажариш меъёри секинллашган:
2. Ҳар бир машқларни қайтариш меъёри 4-8-12 мартадан:
3. Тўғри ва аниқ бажаришга интилиш:
4. Сколиознинг босқичи нисбатан ҳаракатларни амплитудасини танлаб олиш.

Машғулотга тайёрлагарлик қисми девор олдида гавдани тўғри тутиш билан шакллантирилади. Болалар девор олдига орқалари билан туриб бешта нуқталари билан тегиб туради: энса, кураклар, сонлар, болдир ва товонлар.Сўнг бир неча сония мобайнида ушбу холатни таянчсиз сақлаб қолиб,яна бир бор девор билан тегишни қайтаради,сўнгра машқларни юришда бажаради. Ундан кейин умумий ривожлантирувчи машқларни бажаришга ўтилади ва машқлар аста-секинлик билан ҳар-хил мушак гуруҳларини қамраб оладиган машқларга ўтилади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00805

**Тайёргарлик қисми.**

1. Бошланғич ҳолат (Б.Ҳ) 30 сония девор олдида туриб, энса, кураклар, сонлар, болдир ва товонлар деворга тегиб туради. Девор олдида туриб кейин олдинга 5 қадам қўйиш керак ва гавдани тутишни назорат қилиш керак(3 марта қайтарилади).
2. Қўллар белда,оёқ учида юриш.
3. Қўллар белда,товонларда юриш.
4. Қўллар белда,оёқ кафтининг ташқи томонида юриш.
5. Қўллар белда,тиззани баланд кўтариб юриш.
6. Б.Ҳ. Туриб, 1-қўлларни тепага кўтариш-нафас олиш,2-қўлларни тушириб -нафас чиқариш.
7. Б.Ҳ. Туриб, қўлларни олдинга узатиш, 1-қўлларни ён атрофга (куракларни бирлаштириш), 2-Б.Ҳ.
8. Б.Ҳ. Туриб, қўллар белда, 1-куракларни бир-бирига яқинлаштириш, 2-Б.Ҳ.
9. Б.Ҳ. Туриб, қўллар белда, 1-гавдани ўнг томонга буриш, ўнг қўл ён томонга, ўнга, 2-Б.Ҳ., 1-гавдани чап томонга буриш, чап қўл ён томонга,чапга.
10. Б.Ҳ. Қўллар белда, ўтириб туриш.

Меъёрлар: машқлар юришда 30 сониядан бажарилади, ҳар бир машқ 8-10 марта қайтарилади ўртача меъёрда, услубий тавсиялар: жисмоний машқларни бажаришда услубчи гавдани тўғри тутилишини назорат қилиб, бошни, гавдани, елкалар эркин ҳолатда, куракларни гавдага ёпиштириб қўйилишига, кўкрак қафаси нисбатан қорин ичга тортилади, елка белбоғи ва бел учбурчаги симметрик ҳолат билан ифодаланади.

Машғулотнинг асосий қисми-умуртқани функционал ҳолатини шаклланиши, мушак корсетини машқ қилиш, орқада ётиб, қоринда, биқинда, тизза ва кафтларни ерга қўйган ҳолда туриб, бошланғич ҳолатни енгиллаштириш учун бажаришда махсус машқларга эътибор берилади. Мушак корсетини шакллантириши учун машқлар гуруҳига орқа мушакларига ва қурсоқ прессига жисмоний машқлар киритилган.

1. Умуртқани эркин ҳолати. Классик машқ -тизза ва кафтларни ерга қўйган ҳолда туриб юриш. 2-3 дақиқа бажарилади.
2. Орқага тўшак солиб ётилади. Орқа учун машқлар асосан қурсоқ прессини мушакларини мустаҳкамлаш учун қўлланади.
3. Умуртқани “Тортиб чиқиш”. Орқада ётиб, товонлар билан “орқага” узатилади, уч билан “олдинга”, 3-4 марта “тортиб чиқишни” 10-15 сонияда бажарилади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00805

4. Велосипед машқини бажариш. Орқада ётиб, қўллар бош орқасида ёки гавдани ушлаган ҳолда, оёқлар билан велосипедда юришни қиёслаб ҳаракатланамиз. Бунда асосан оёқларни ҳаракатланиш амплитудасининг кўп қисми гавдани "пастки қисмида" бўлиши керак, оёқларни қорин устида ҳаракатлантириш керак эмас. Муҳими, тўғриланаётган оёқ ерда навбатма-навбат ўтиб кетиш керак. Бажариш тезлиги - ўртача.(30-40 с.).

5. Қайчи машқини бажариш. Орқада ётиб, қўллар бош орқасида ёки гавдани ушлаган ҳолда, горизонтал бир-бирини кесиб ўтиш ва оёқлар билан вертикал холатда ўтказилади. Унда горизонтал ҳаракатларни ерда бажарилади. Бажариш тезлиги-ўртача. 2-3с. яқинлашишни 30-40 сонияда бажарилади.

6. Энди қорингa оғдарилади. Қориндаги машқлар асосида орқа мушакларни мустаҳкамлаш учун бажарилади.

7. Тортиб олиш, 2-чи машқга ўхшаб бажарилади, у фақат қоринда.

8. Сузиш машқини бажариш. Бошланғич ҳолат - қоринда ётиб, оёқлар текис, тўғри, бош кафтларнинг ички томонига суянган ҳолда.

Белда энгашилади (бош, гавдани тепа қисми, қўллар ва оёқлар кўтарилган ҳолда, таяниш нуқтаси-қоринда). Шу ҳолатни ушлаб туриб, брасс усули билан сузиш ҳаракатлари бажарилади: қўллар олдинга, оёқларни атрофга кериб қўйилади: қўллар атрофга, оёқлар бирлаштирилади: қўллар елкага, оёқлар ҳар доимгидек бирга. 2-3 яқинлашишни 10-15 марта қайтариб бажарилади, яқинлашиш орасида қисқа дам олинади (5-10 сония).

9. Қайчи усули. Қоринда ётиб, оёқлар тўғри, текис, бош кафтларнинг ички томонига суянган ҳолда амалга оширилади. Оёқлар билан горизонтал бир-бирини кесиб ўтиш ва ҳаракатлари бажарилади. Асосан ушбу машқни бажаришда сонни ердан узиб олинади. Бажариш тезлиги - ўртача. 2-3 яқинлашишни 30-40 сониядан бажарилади.

10. Ушлаб туриш усули. Қоринда ётиб, оёқлар тўғри, текис, бош кафтларнинг ички томонига суянган. Оёқларни ва гавданинг тепа қисмини кўтарамиз, белдан энгашамиз (бош, гавдани тепа қисми, қўллар ва оёқлар кўтарилган, суяниш нуқтаси-қорин). Оёқлар бирга, қўллар атроф томонга, кафтларни тепага бураб чиқариш.

Статик ҳолатда 10-15 сонияга қотиб турилади. Нафас олишни ушлаб турмасдан ушбу машқни бажаришда сонни ердан узиб олинади. 3-4 яқинлашишни қайтариш мобайнида орасида (5-10 сония) дам олиб бажарилади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00805

**ХУЛОСА**

Жисмоний машқлар билан шуғулланиш оқибатида аста-секин ҳаяжонланиш ҳолатига ўтмаслик учун шароитлар яратилади. Бунга умуртқани ҳаракатланишига машқлар ёрдам беради.

Бошланғич ҳолат - тик туриш.

1). Қўлларни айлантириш. Куракларни белгилаш учун машқлар. Кўзгу олдида туриб (гавдани тутиш назорат қилиш), тирсакларни атрофга, қўл бармоқлари елкага қўйиш. Қўлларни орқа томонга айлантиришни бажарилади. (соат юриши бўйича). Бу машқда ҳаракатининг катта амплитудаси керак эмас, ваҳоланки, тирсаклар айланиш мобайнида катта айлана ҳосил қилмаслиги керак. Бажариш тезлиги-секин, 2-3 яқинлашишни 20-30 сония мобайнида бажариб, уларнинг орасида қисқача дам олинади.

Жисмоний тикланишнинг аяш мақсадида гавдани тутишда бузилиши бор болаларда, давом этиш муддати 24 муожалардан иборат эканлигида, асосий ва солиштириш гурухидаги қизларда умуртқани ҳаракатланиш кўрсатғичи асосий гуруҳда 3.1 ± 0,7, солиштириш гуруҳида 4,0 ± 0.6, аяш тартибини оҳирида асосий гуруҳидаги қиз болаларда 4,0 ± 0.7, контроль гуруҳида 4,8 ± 0.6.

Тадқиқот мақсади, сколиозли болалар организмига жисмоний тиклашиш усул ва воситаларни таъсирини баҳолаш эди. Бундан ташқари сколиозли беъморларни экспериментал гуруҳи мисолида жисмоний тикланишнинг ижобий самарасини исботлаб бериш, олиб борилган текширишлар асосида қўлланилган жисмоний тикланиш даволаш даври (курс), сколиозли экспериментал гуруҳида умуртқани функционал ҳаракатланишига, , экспериментал гуруҳдаги беъморларда даволаш даврини оҳирида мушакларни чарчаш сезиларли камайди. Беъморлар бошланишга нисбатан оҳирида ДЖТ мажмуасини катта ғайрат билан бажаришади.

Юкламаларни аста-секин ошиб боришига адеквакт эътибор беришди. Шаҳсий текширишлар натижалари ҳамда адабиётлар манбаъларини таҳлили асосида айтиш мумкинки жисмоний тикланиш организмни ҳимоялаш кучини ва функционал заҳирасини оширади. Жисмоний тикланишнинг танлаб олинган адеквакт усуллари ва воситалари тўқималар ҳамда органларнинг трофикасини яхшилайди, бузилган функцияларни тезда тикланишига олиб келади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00805

Жадвал-1

**Гавдани тутишда бузилиши бор бўлган қизларда умуртқани ҳаракатланиш динамикаси тикланиш тартибда (см)**

| **Текширалаётган гурухлар** | **Жисмоний машқлар мажмуаси (аяш тартиби 24 пр.)** | |
|---|---|---|
| | **Машқлардан олдин** | **Машқлардан кейин** |
| Қизлар, асосий гурух, п=5 | 3.1 | 4,0 |
| Қизлар, контрол гурух, п=5 | 4 | 4,8 |

Демак машқлардан олдин умуртқани ҳаракатчанлик кўрсатгичлари қизларда 49% дан кам эди. Аяш машқларнинг тартибининг оҳирида умуртқани ҳаракатланиш кўрсатгичи асосий гуруҳдаги , қизларда эса -94,1% тенг келди, бу умуртқани деформациясини коррекциялаш мақсади билан тақдим этган жисмоний тикланиш усули эффективлиги тўғрисида гувоҳ беради.

А ва Б

А-Сколиоз. Машқдан олдин

(2 даража) Б-Сколиоз.Жисмоний тикланишдан кейин

(1 даража)

## Амалий аҳамияти:

Ишнинг амалий аҳамияти , жисмоний юкламаларни ишлаб чиқилган тартиби сколиоз билан касалланган болаларнинг таянч-ҳаракат аппаратини функционал кўрсаткичларини самарали кўтарилишига имкон беради ва поликлиника, тикланиш марказлари, ҳаракат-таянч аппарати бузилган болалар мактаб-интернатларида,жисмоний тикланиш тадбирларини мутахассислар томонидан фойдаланишга имкон беради.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00805

## REFERENCES

1. Хайдаров, М., Алламуратов, М., & Хайруллаева, Н. (2021). Сравнительная оценка физического состояния подростков 11-16 лет с нарушением интеллекта. *Academic research in educational sciences*, *2*(Special Issue 1).
2. Сафарова, Д. Д., Пулатова, М. Д., & Султанова, Ю. А. (2017). Взаимоотношения показателей гемодинамики с проявлением физической работоспособности у спортсменок-дзюдоисток. *Наука и спорт: современные тенденции*, *14*(1).
3. Пўлатова, М. Д. (2020). Применение восстановительных комплексов после травматических повреждений квалифицированных борцов. *Интернаука*, (8-1), 22-23.
4. Шукурова, С. С., Пулатова, М. Д., & Серебряков, В. В. (2021). Изменения показателей макроэлементов в крови у футболистов после физической нагрузки. *Academic research in educational sciences*, *2*(Special Issue 1).
5. Шукурова, С. С., Сейдалиева, Л. Д., & Шарипова, С. Н. (2021). Анализ гемодинамики игроков во время тренировочного процесса. *Academic research in educational sciences*, *2*(Special Issue 1).
6. Қутлимуратов, И. Х. (2021). Футболчиларнинг турли йўналишлардаги тўпни ошириб бериш ҳаракатларини ўрганиш. *Academic research in educational sciences*, *2*(Special Issue 1).
7. Nazirov, B. S. (2020). Master who devoted his life to sports. *Theoretical & Applied Science*, (6), 78-82.
8. Алиев, И. Б. (2020). Курашчиларнинг мусобака олди тайёргарлик боскичларидаги толикиш белгиларини турли х, ажмдаги таъсирига караб юкламаларни таксимлаш. *Фан-спортга,(2)*, 42-45.
9. GAZIEV, S. (2020). Improving the speed-strength preparedness of sambo wrestlers at the stage of sports improvement. *Фан-Спортга*, (1), 56-60.
10. Bakhtiyorovich, O. B. Improvement of methodology of development of technical and tactical methods with rapid power of belbog wrestlers.
11. Madraimov, H. K., & Aliyev, I. B. (2020). Distribution of training loads, taking into account the pre-competition training of freestyle wrestlers. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, *10*(9), 348-351.
12. Назаров, Н. Н., & Юсупов, Н. М. (2012). Философские особенности и развитие футбола в республике узбекистан. *Педагогические науки*, (3), 93-96.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00805

13. НАЗАРОВ, Н. (2020). Мутафаккирлар илмий меросларидан фойдаланган ҳолда спортчи ёшларнинг ахлоқий ва эстетик қарашларини шакллантириш. *Фан-Спортга*, (3), 38-41.
14. Egamberdiyev, I. O. (2021). Unconventional development of balance on land in young kayakers. *Academic research in educational sciences*, *2*(2).
15. Geyger, A. I. (2021). Immunity of swimmers in the conditions of modern training. *Academic research in educational sciences*, *2*(2).
15. Собирова, Ш. У. (2019). Использование рекламных текстов в обучении иностранному языку. *Молодой ученый*, (18), 48-50.
17. Норбоева, Ф. Р. (2020). Перевод маркетинговых терминов в сфере спорта с английского языка на русский. *Интернаука*, (26-2), 27-28.
18. Норбоева, Ф. Р. (2020). Процесс преподавания иностранного языка в неязыковом вузе. *Интернаука*, *20*(149 часть 2), 74.
19. Rakhmatullayevna, N. F. (2020). The role of modern pedagogical technologies in the education system. *Наука и образование сегодня*, (6-2 (53)).
20. Xolisov, B. A. (2017). Yangi iqtisodiy siyosatning turkiston xalq xo'jaligiga ta'siri. *ЎзМУ хабарлари*, 129-132.
21. Jurayev, I. B. (2021). Futzal hakamlarining jismoniy tayyorgarlilarini yaxshilash hamda mavsumiy topshiriladigan fifa fitness testiga tayyorlash. *Internauka*, *4*(180), 75-77.
22. Mengliboyev, A. X. (2020). Tarixiy shaxslarning milliy manfaatlar uchun kurashi tarixidan. *Ўтмишга назар*, 215-219.
23. Xojiyev, S. S. (2021). Yosh xokkey darvozabonlarining shaybani to‘sish harakatlari samaradorligini oshirish. *Internauka*, *5*(181), 99-101.
24. Шукуров, М. Н. (2021). Курашшиларнинг организмига кластерланган махсус тайерлов техник машқларининг таъсири. *Наманган Давлат Илмий Ахборотномаси*, 366-369.
25. Ёқубова, Д. Т. (2020). Сурхондарё вилоятида ингичка толали пахтадан юқори ҳосил олиш агротехникасининг ривожланишида м.с. истоминнинг фаолияти. *Хоразм маъмун академияси ахборотномаси*, 120-123.
26. Taxirovich, T. T., Madaminovna, K. I., Nurmuhammad o’g’li, N. S., Takhirovich, T. T., & Tokhirjonovich, U. N. (2021). Bo ‘lakli bir jinsli bo ‘lmagan g ‘ovak qatlamlarda suyuqliklar harakati jarayonini matematik modellashtirish muammolari va asosiy masalalari. *Scientific progress*, *1*(3).
27. Norinov, M. U., Abdukodirov, B. A., Tillavoldiev, A. O., & Urinov, N. T. (2019). Алгоритм устранения шума кусочно-гладкой моделью изображения. *Theoretical & Applied Science*, (4), 509-512.

ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 4 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00806

# ҚАДИМГИ ТУРКИЙ АДАБИЁТ ТЎРТЛИКЛАРИНИНГ ПОЭТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

**Соҳибжон Собирович Бойсинов**
Жиззах педагогика институти

## АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада қадимги туркий адабиёт, тўртлик шаклини поэтик таҳлил қилиш, инсон маънавияти масаласи юзасидан фикр мулоҳазалар билдирилган.

**Калит сўзлар:** адабиёт, поэма, тўртлик, тарихий тараққиёт, обида, қадрият, ифода, қиёсий таҳлил.

# POETIC FEATURES OF QUATRAINS OF ANCIENT TURKIC LITERATURE

## ABSTRACT

The article presents opinions about ancient Turkic literature, poetic analysis of the quartet form, and the problem of human spirituality.

**Keywords:** literature, poem, quartet, historical development, monument, value, expression, comparative analysis.

## КИРИШ

Адабиёт тарихининг энг қадим намуналарини ўрганиш ҳамма вақт ҳам долзарб бўлиб келган. Бунинг бир қатор жиддий сабаблари мавжуд. Улар орасида қадимги адабиётнинг нодир намуналарида қадимги қараш ва эътиқодларнинг сақланиб келганлиги, уларда миллий-маънавий қадриятлар билан боғлиқ бўлган ўзига хос ифодаларнинг акс этиши, қолаверса, бадиийлик мезонлари ва принципларининг ўзига хос шаклларда сақланиб қолганлигини кўрсатиш мумкин. Демак, қадимги туркий адабиёт намуналари адабий ҳодисаларнинг асл манбаларини, адабий-эстетик қонуниятларнинг дастлабки намоён бўлиш шакллари ва уларнинг такомил босқичларини кузатиш имконини ҳам беради.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Адабиётимизда кенг тарқалган тўртлик шакли ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. “Туркий халқларнинг муштарак обидаларидан бири бўлган “Девони

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00806

луғот ит-турк”даги шеърий шакллардан бири тўртликдир. Уни шу асарда намоён бўладиган шеърий шаклларнинг энг фаоли ва мукаммали деб айтиш ҳеч ҳам муболаға эмас. Уларнинг асосий қисми халқ оғзаки ижодига алоқадор эканлигини ҳам қайд этиш жоиз бўлади. Маҳмуд Қошғарийнинг мазкур асари XI асрда яратилган. Агар фольклор ҳодисаларнинг нисбатан консерватив ҳодиса эканлигини назарда тутадиган бўлсак, асарга жамланган тўртликларни туркий халқларнинг энг қадимги тўртликлари сирасига киритишга ҳақлимиз”. [3; 10]

Афсуски, бу тўртликлар фольклоршунослигимизда ҳам, адабиёт тарихида ҳам етарлича махсус ўрганилган эмас. Қадимги туркий халқларнинг ҳаёти, яшаш тарзи, урф-одатлари ва расм-русумлари, қолаверса, тафаккур тарзини ўрганиш учун мавжуд тўртликлар жуда катта материал бера олади.

Айни пайтда яна бир нарсани ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, Маҳмуд Қошғарийнинг “Девони луғот ит-турк” асаридан олдин ҳам кейин ҳам яратилган бир қатор асарларда мазкур шаклнинг анча устувор мавқега эга эканлигини кузатиш қийин эмас. Ундан олдин яратилган бадиий ижод намуналари сирасига Будда ва Моний руҳидаги асарларни киритиш мумкин. “Кейинги даврлардаги туркий намуналар қаторида эса Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” ҳамда Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат ул ҳақойиқ” асарлари мавжуд. Бу асарлар таркибидаги тўртлик шакли ҳам ўз маъно ва мазмун хусусиятлари, поэтик ифодасига кўра ниҳоятда ранг-баранглиқка эга”. [3; 15] Назаримизда, уларни типологик жиҳатдан ўрганиш, тарихий-қиёсий йўналишда тадқиқ этиш фанимиз учун кўпгина мулоҳазалар юритишга, умумлашма ва хулосалар чиқаришга имкон беради.

## МУҲОКИМА ВА НАТИЖАЛАР

Бунинг устига адабиёт ҳаётнинг ўзига хос бадиий инъикоси сифатида ўзи мансуб бўлган халқ ҳаётининг ойинаси бўла олишини ҳам назарда тутиш керак бўлади. Шундай экан, унда миллий-маънавий қадриятларнинг ифодаси ҳам ўзига хосликларга эга. Мана шу ўзига хосликлар турли давр ва муҳитларда яратилган тўртликларда қай даражада акс этади, тарихий даврларнинг ўзгариши билан бу ўзига хосликларнинг қайси нуқталарига кўпроқ урғу тушади, қолаверса миллий қадриятларнинг бадиий талқинларидаги тадрижийликнинг рўй беришида қандай принцип ва ўзига хосликлар кузатилади? деган саволларга жавоб топиш катта долзарблик ва илмий аҳамият касб этади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00806

Бу жараённинг аниқ ифодасини кузатиш, унинг илмий тавсифини бериш адабиётшунослик фани олдидаги энг долзарб муаммолардан бири бўлиб турибди. Айниқса, ёзма адабиётимизнинг қадимги даврлари билан боғлиқ ҳолда бу муаммо монографик пландаги алоҳида тадқиқотлар объекти бўлган эмас. Хусусан, қадимги туркий адабиётимизнинг энг порлоқ намунаси бўлмиш “Девону луғот ит – турк”нинг таркибида кўплаб тўртликларнинг мавжуд бўлишига қарамай, ҳозиргача уларнинг илмий баҳоси берилмай келаётганлиги ҳам ҳақиқатдир. Шунингдек, асардаги мазкур тўртликларнинг тарихий тараққиёти, уларнинг семантикаси ва поэтикаси, қиёсий-типологик хусусиятлари ҳам ҳали ҳануз илмий-назарий жиҳатдан ўз баҳосини олганича йўқ. Шунга кўра уларнинг ҳар бирида шу тилнинг ички имкониятлари ва бойликлари билан, қолаверса тўртликлар ижодкорларининг шахсий хислатлари, дунёқарашлари, илмий-назарий ва бадиий-ижодий тайёргарликлари, касбий маҳоратлари билан боғлиқ бўлган жиҳатларнинг юзага келиши ҳам табиийдир. Шунга қарамасдан бу ҳодисанинг асл моҳияти, уларнинг поэтикасига боғлиқ ҳолдаги тадқиқи кузатилган эмас. “Агар XI асрда яратилган Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асари туркий ёзма адабиёт тарихидаги илк йирик ва мукаммал бадиий кашфиёт эканлигини назарда тутсак, муаммонинг шу асарга боғлиқ ҳолда тадқиқ этилиши ҳам нақадар долзарб ва муҳимлигини тасаввур этиш мумкин бўлади”. [3; 23]

Мулоҳазаларнинг исботи сифатида Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асари юзасидан кичик бир таҳлилни мисол келтирамиз. Асарда тилга олинган масалалар кўлами шунчалик кенгки, уларни оддийгина санашнинг ўзиёқ бир неча саҳифаларни ташкил этади. Бу ерда айрим сарлавҳаларни келтириш билан кифояланамиз: Баҳор мадҳи; Етти сайёра ва ўн икки бурж ҳақида; Инсон фарзандларининг қадри билим ва тафаккурдадир; тилнинг фазилат ва манфаатлари ҳақида; Китоб эгасининг узри; Билим ва укувнинг фарқи ҳақида; Ойтўлдининг эликга бахт ҳақидаги ҳикояси; Кунтуғди элик Ойтўлдига Адолат ҳақида ҳикоя қилади; Ўгдулмиш эликга бек (лашкар бошлиғи, ошпаз, хазиначи, эшик оғаси, элчи, дастурхончи...) қандай бўлиш кераклигини сўзлайди; Ўғил ва қизлар туғилса уларни қандай тарбиялаш лозимлигини айтади; Меҳмонга борганда ўзини қандай тутиш кераклигини сўзлайди; Адолатга адолат, одамгарчиликка одамгарчилик билан жавоб бериш ҳақида гапиради; Ўтган йигитликка афсус ва қариликдан шикоят; Вақтнинг бебаҳолиги ва дўстларнинг бевафолиги ҳақида; Китоб эгаси Юсуф Хос Ҳожибнинг ўз-ўзига ўгитлари...

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00806

Кўриниб турибдики, “Қутадғу билиг”да тилга олинган масалаларнинг қамрови кенг. Аммо унда битта бош масала борки, шу масала бутун асар бўйлаб қизил ип бўлиб ўтади ва асарнинг яхлит бир бутунлигини таъминлайди. Бу – Инсон масаласидир.

Инсонннинг моҳияти, унинг ҳаётдаги ўрни, ижтимоий вазифаси шоир томонидан турли йўналишларда таҳлил этилади. Лекин бу йўналишларнинг ҳаммаси бирлашадиган бир нуқта борки, у ҳам бўлса инсоннинг инсон учун яшаши, инсоннинг инсоният учун хизмат қилишидир:

“Кишилар ора. Кўр, киши ул бўлур,
Онингдин кишилар осиғлар бўлур.” [1: 337]
(Кишилар орасида (ҳақиқий) киши шу бўладики,
Ундан (бошқа) кишилар манфаат топади), - дейди шоир.

Шу улуғ ният билан яшаган шоир бошқалар манфаатини ўйламасдан, ўзининг тор шахсий мақсадлари орасида кўмилиб қолганларни тириклар қаторига қўшмайди, уларни тўғридан-тўғри “ўлик” деб атайди:

Тирик ялигуқ ўғли тўсулган керак,
Тўсулмаз киши туғса, ўлган керак. [1: 338]
(Тирик одам боласи фойдаси тегадиган бўлиши керак,
Фойдаси тегмайдиган киши туғилса, ўлган (бўлиши)
керак, яъни ўлгани яхшироқ).

Шоир демоқчики, инсон туғилдими кимгадир фойдаси тегадиган бўлиб улғайиши, фойдаси тегмайдиган бўлса у ўлик билан тенглигини уқтиради.

Асарда комил инсон ҳақида гап борар экан, камолотнинг қатор белгиларига тўхталинади. Бу инсоннинг бошқалар ғами билан ҳам яшай олиши, кўпчилик манфаати учун фидойи бўла билишидир:

Кишига тўсулғу керак бу тириг,
Тирик тутса отин, кўпурса эриг. [1: 338]
( Тирик (жон) одамларга фойда келтириши керак,
(Токи) отини тирик тутсинлар, кишини улуғласинлар).

Худди шундай одам эзгу киши дейилишга лойиқдир. Эзгу кишининг фазилатлари фақат яхшиликка бўйсундирилган бўлади:

Ақилиқ, кишилик, осиғ, эзгулуг
Бу эзгу кишидин келир белгулуг. [1: 338]
(Саҳоват, одамгарчилик, наф ва эзгуликлар

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00806

Эзгу кишилардан келади, бу аниқ).

Эзгу киши бўлиш учун, эзгу фазилатлар билан зийнатланиш учун қатор шарт-шароитлар талаб қилинади. Уларнинг биринчиси билимдир. Шоир бутун асар давомида билим ҳақида фикр юритади. Асар қаҳрамонларининг билимга бўлган муносабатини алоҳида таъкидлайди.

“Қутадғу билиг”да билим ҳақида алоҳида боб мавжуд. Бу боб “Билиг уқуш адримни, асғин аюр” (“Билим ўқув-идрок фарқини, нафини айтади”) деб номланган. Бу бобда билимсизлик қоронғи зулматга, билим эса шу зулматни ёритувчи машъалага ўхшатилади. Билимнинг асосий хусусияти киши учун фойдали эканлигида, унга қадр-қиммат, ҳурмат ва эҳтиром келтиришда, деб билади шоир:

Уқушун ағар ул, билигин бедур,
Бу икки била эр ағирлиқ кўрур. [1: 338]

(Ўқув-идрок билан (киши) юксалади, билим билан улғаяди,
Бу иккиси туфайли эр қадрланади).

Шоир билимга юксак баҳо беради, уни кўкларга кўтаради. Ўз фикрининг китобхонга тез ва осон сингиши учун турли поэтик санъатларни ишга солади. Шу мақсадга бўйсундирилган поэтик санъатларнинг бири ўхшатишдир. Шоир билимни кимё, ипор, бойлик, кишан, кийим, емиш каби нарса-ҳодисаларга қиёслайди. Булар шоир фикрининг реалликка айланишида муҳим бадиий-тасвирий восита бўла олган.

Билимдон бўлиш тарбия билан чамбарчас боғлиқ. Бола қанчалик эрта тарбия қилинса, унга ёшлигиданоқ билим сингдирилса, у шунчалик тез ўрганади, тўғри йўлдан боради:

Ўрунг сут билан кирса эзгу қилиқ,
Ўлум тутмагунча эвурмас йўриқ. [1: 339]

(Яхши қилиқ оқ сут билан кирса,
Ўлим келиб тутмагунча, ўз тарзини ўзгартирмайди).

Зеро, “сут билан кирган жон билан чиқар” деган халқ мақоли ҳам бу фикрни яна бир карра далиллайди.

Шунга қарамай билим осонгина эгалланадиган, тайёр ҳолда бериладиган нарса эмас. Кишининг мукаммал билим олишига монелик қилувчи тўсиқлар ҳам кўп. Шоирнинг назарида кишининг хулқ-атворидаги айрим салбий кўринишлар: қаҳр-ғазаб, жаҳолат, ёлғон сўзлаш, сўзнинг устидан чиқмаслик, ичкиликка ружу қўйиш, қўполлик шулар жумласига киради.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00806

“Комил инсон доимо эзгуликка интилмоғи шарт. Йигитлик доимий эмас, аммо эзгулик абадий қолади, тиллардан-тилларга, диллардан-дилларга кўчиб юраверади. Эзгулик учун на макон, на замон чегара эмас”. [2: 52]

Юқоридаги фикрларни келтиришдан мақсад яхшилик (эзгулик) ва ёмонликни бир-бирига қарама-қарши қўйиб, биринчисининг афзаллиги ва кейингисининг зарарли эканлигини кўрсатиш, шу орқали китобхонни яхшиликка чорлаш ва ёмонликдан ҳазар қилишга чақиришдан иборатдир.

Кишига, инсон номига келадиган энг оғир ҳақорат – билимсизлик, айниқса кишининг юзига очиқдан-очиқ: “сен билисизсан” десалар, бундан ортиқ ҳақорат бўлмайди:

Неку бор ожунда билигка кўшуш,
Билигсиз теса эрка кўрксуз сўкуш.

(Жаҳонда билимдан қадрлироқ нима бор, [1: 339]
Билимсиз деса – бу киши учун хунук ҳақорат).

Кишининг билимли-билимсизлиги ўз-ўзича аён бўлмайди. Бунинг кўрсаткичи сўздир. Кишинингг нима ва қандай сўзлаши унинг билими ҳақида маълумот беради.

Инсон қанчалик мураккаб бўлмасин, у ўз ички дунёсини пардалай олмайди. Унинг хатти-ҳаракатлари, қилиқ-рафтори, муҳокама тарзи ва сўзлари шу киши ҳақида маълумот беради, унинг кимлигини ошкор этади. Шундай экан, киши доимо эзгулик уруғини экмоғи керак. Бунинг учун инсон илм олмоғи, ўзининг ички маънавий оламини бойитмоғи даркор.

Билимни тинмай ўрганиш одамийлик сари элтувчи муқаррар йўлдир. Одамийликкина инсонни улуғлайди, уни муҳтарам қилади.

Йирик туркийшуносларимиз (Куприлизода, Р.Р.Арат, Е.Е.Бертельс, А.П.Қаюмов, А.Рустамов, Ғ.Абдураҳмонов, С.Муталлибов, И.В.Стеблева, Н.Раҳмонов, И.Ҳаққулов, Б.Тўхлиев) қадимги туркий адабиётнинг филологик жиҳатлари, унинг поэтикаси борасида анча жиддий ва фундаментал тадқиқотларни олиб бориш баробарида миллий қадрият, урф-одатлар, инсонийлик масалаларига ҳам атрофлича тўхталиб ўтишган.

Тўртлик шаклини фольклоршуносларимиз ҳам, адабиёт тарихчиларимиз ҳам, назариётчиларимиз ҳам жиддий тарзда тадқиқ этиб келишмоқда. Бу ўринда И.Ҳаққулов, А.Мусақулов, Ш.Турдимов, Б.Тўхлиевларнинг ишларини эслаш жоиз.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00806

## ХУЛОСА

Алоҳида таъкидлаш жоизки, тўртлик шакли билан боғлиқ равишда кўплаб илмий тадқиқотлар юзага келган бўлишига қарамасдан уларнинг қадимги туркий адабиётдаги ҳолати, уларнинг илмий муқоясаси ва шунга мувофиқ равишда реал баҳоси ҳалигача берилганича йўқ. Шу ҳолатлар бизнинг мазкур мавзуни ўрганишга туртки берди.

Изланишларнинг бош мақсади қадимги туркий адабиётда тўртлик шаклининг ўрнини кўрсатиш, унинг поэтикасидаги асосий хусусиятларни муайянлаштириш, бу шаклнинг тарихий тараққиёт босқичларидаги семантик, поэтик хусусиятларини янгича кашф этишдан иборат. Ушбу муаммо қадимги туркий обидалар: Будда ва Моний руҳидаги асарлар, Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғот ит-турк”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат ул-ҳақойиқ” асарларида мужассамлашган тўртликлар мисолида ёритиб берилади. Бунинг учун эса бир қатор тадқиқий вазифаларни ҳал қилиш лозим бўлади. Бу эса келгуси мақолаларимиз мавзуси бўлади деган умиддамиз.

## REFERENCES

1. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг (Саодатга йўлловчи билим), транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилига тавсиф. Нашрга тайёрловчи К.Каримов. Тошкент, Фан, 1971
2. Тўхлиев Б. Билим – эзгулик йўли. Тошкент, Фан, 1990.
3. Тўхлиев Б. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”и ва айрим жанрлар такомили. Тошкент, 2004.
4. Ботирова Ш.И. (2020). Инсон ва ҳаёт воқелигини метафорик уйғунлаштиришда бадиий психологизмнинг ўрни. *Сўз санъати, 2*(3), 19-23.
5. Ботирова Ш.И. (2020). Бадиий психологизм критерийлари ва замонавий ўзбек романчилиги. *Tafakkur ziyosi, 2*(2), 146-148.
6. Botirova Sh.I. (2018). The Role of Artistic Literature In The Spiritual Development of Youth. *Мировая наука*, *5(*14), 26-28.
7. Botirova Sh.I. (2019). Poetics of artistic psychologism. *Теория и практика современной науки, 2*(44), 31-34.
8. Botirova Sh.I. (2018). Symbolic-figurative talk and psychological relations. *«Экономика и социум». 12*(55), 114-118.

ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 4 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00807

# PECULIAR FEATURES OF ENGLISH AND UZBEK SPEECH ETIQUETTE

**Feruza Kurbanova**
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

## ABSTRACT

The article analyzes the use of Uzbek phrases in English. These expressions are mainly used in the cultural and social spheres

**Keywords:** culture, expressions, ethics, education, etiquette

## INTRODUCTION

It is crucial to note that speech etiquette possesses a significant role in communication, in all spheres of life and situations ranging from formal communication to informal ones. According to the linguistic dictionary, speech etiquette represents the system of sustainable speech formulas imposed by the society in order to maintain communication in a chosen tone according to social roles and role positions relative to each other. Speech etiquette is applied in different situations: greetings, getting acquainted, farewells, gratitude, condolences, apologizing and others. Both English and Uzbek possess their own national-cultural peculiarities of speech etiquette. The etiquette formulas are connected with the life style and national traditions of the people.

## METHODOLOGY

From their cultural, religious and language background, Turkish and Uzbek cultures share some homogeneous features, while English or British culture is different in this respect, and may seem to be more modernized or westernized. In Uzbek culture, for instance, a kiss on cheek among females who have a close relationship, is a sign of politeness and respect. Among heterogeneous members of society, however, it is a taboo in social places. Because it is highly connected with keeping religious rules among members of society. In English culture, they may use a handshake or hug in greetings or in introducing to each other. Whereas in Uzbek culture, females and males do not normally use a handshake among each other's, unless a female gives a hand first to a male. Therefore, it can be seen that there is a cultural gap in these cultures at the level of behavior. Likewise, there is also a pragmatic gap in using language in these cultures, which will be analyzed below.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00807

## RESULTS

In Uzbek culture, politeness plays an important role in interacting and this became as a custom from an ancient time that respecting both youngsters and old generation is the key to build a strong social bond with each other. As in the Uzbek and in the English linguocultures there is special addressing to relatives in the family. Children usually address to their parents as dad-daddy, dada-dadajon, mummy-mom, oyi-oyijon. Such addressing as Sonny-o`g`lim, sis-singiljon, br –ukajon, buddy-og`ayni is also used during conversations. Darling, azizim, azizam, sweetheart - sevgilim, baby (bolajonim) are commonly used in relation to beloved spouses.

As the researches show the following formulas of speech etiquette are used in addressing, expressing gratitude, asking to do something in official letters:

Dear Mr. Gore. Thank you for your quotation for strawboards dated 19 February… …I shall bear your firm in mind when I require other products in the future. Yours sincerely.

Hurmatli xonimlar va janoblar! Kompaniyamiz sizga ishonch uchun minnatdorchilik bildiradi va davomiy hamkorlik qilishga umid qilamiz! Samimiyat bilan sizning kompaniyangiz “Samsung”.

Official titles can be used. For example, Doctor White when referring to a doctor, Professor Smith when referring to a professor. Military rank placed before the name of the military - Captain Grant.

In some cases of addressing, naming someone is not only used just to attract the listener’s attention to the speaker, but also used in order to show appreciation. Such ways of addressing expressed with the help of words, word combinations of appreciation, specific means of expressing appreciation or by the forms of substantivized adjective that expresses the meaning of appreciation: “Assalom aleykum hurmatli Rano Yusupova”, or “Good morning, Your Majesty.” The functions of addressing that can express respect and gratitude. Such ways of addressing are usually used when we address the people with higher rank, respected people, foreigners and in such cases it is expressed with help of specific words or morphemes like: hurmatli, xonimlar, janoblar, azizim, His/Her Majesty, His/Her Excellency, Dear, Mister, Mistress, Miss etc.

In Uzbek, there is some set of expressions, which are specific to this culture. Even these features exist in other languages; they do not have exact equivalents in English. In Uzbek, for instance, as in many other languages, the pronoun **siz/ you** is mainly used in order to show respect towards the hearer. From their early ages, children are nurtured to use this pronoun for elder people and elder siblings in

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00807

families with the exception of using **sen/ you** (singular) for little siblings. However, among friends sen/you (singular) is more accepted if they know each other for a long time.

Whereas in English, there is no such pronoun to show respect to people, because in both singular and plural, there is one pronoun that is "you" and they use it in all situations. Nevertheless, in English, there are some words and grammatical constructions that make their speech seem more polite. For instance, if they want to ask something they began their speech with ***"Could you please …?", "Would you like", "I would be very glad if you could help me or show your favor"*** that makes the language to be received in a more polite way.

## DISCUSSION

The usage of honorifics in English, such as Mr. Mrs. Ms. before the surname of the person is still in a trend in some situations, but nowadays people prefer to call each other with their first name regardless their age and social status. In Uzbek culture, however, there is not these kinds of honorifics, instead, in a very formal situation; there used the first name of the person plus the middle name, which remained from Russian culture, for instance, ***(Anvar Rajabovich***) for males plus the inflectional morpheme (**-ich**) and for females it is **(-(o)vna)** like in ***(Dilnoza Zokirovna).*** We have also a pure Uzbek version of this, like to add the father's name of the person according to their gender, like in ***"Dilnoza Zokir qizi"*** means (Dilnoza Zokir's daughter) or ***"Anvar Rajab o`g`li"*** means (Anvar Rajab's son).In Uzbek culture, the following expressions are used for addressing. ***"Ustoz"*** used for addressing to teachers, ***uncle (amaki)*** used for brother of father side, ***uncle (tog'a)*** used to address mother's brother; and grandmother ***(buvi),*** grandfather ***(buva/bobo), aunt (xola)*** if it is the sibling of mother side, and ***aunt (amma)*** if it is the sibling of father side. In other cases, although people do not know each other very well, they call elder females opa [opa] or elder males aka [aka] for showing respect to their age. At least, we should use "opa" or "aka" via adding it to the name of the person, like in (Dilnoza opa) or (Anvar aka) if we want to seem polite for Uzbek people .One of the other utmost features in Uzbek culture is that from ancient time, wives never addressed to their husband with their names, instead they used the word ***"begim"*** [begim] means ***"my dear husband"***. Nowadays, although, this tradition is losing its cultural value, there are still people who use this phrase and now it is trendier to call wives as ***(oyisi)*** means ***"his child's mother"*** and ***(dadasi)*** means as ***"her child's father"***.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00807

There is some set of expressions used for welcoming people like ***"Xush kelibsiz"*** [xuʃ kelibsiz] in Uzbek – you are welcome. The answer is ***Xush ko'rdik*** [xuʃ kourdik] means, ***"It is nice to see you here". "Salom"*** is used as Hello among young people in Uzbek for greeting with each other, regardless their age and time of the day.

There are also some ways of asking apology or grabbing one's attention, and they are different across cultures. For instance, ***"Excuse me"*** in Uzbek is ***"kechirasiz"*** [ketʃirasiz], used in grabbing one's attention or used asking about how to get somewhere. In Uzbek culture, for instance, ***"Uzr" [uzur] "sorry"*** is used for asking to forgive or in the case of making mistake. English people use the word "sorry" very frequently and it has so many reasons and meanings, which makes the famous word of English people, or other non-natives who live in Great Britain to sound as English.

In order to say somebody ***"Enjoy your meal",*** Uzbek people use ***"Yoqimli ishtaha"*** [yokimli iʃtaha] during the meal, finishing it by saying ***"ameen",*** the good words wished by the elder or male member of the family. The word ***"Rahmat"*** is used as ***"Thanks"*** in many situations, where a person wants to thank for someone. English people are also rich in saying ***"Thanks", "Thanks a lot", "Cheers***" if they want to express their thankfulness to the receiver and the situations are different according to the contexts. The most noticeable phenomena, in this respect, is that in Uzbek language if one helps to old people, they wish many good words with saying ***"ameen"*** to the person they received help in order to express their thankfulness. For instance, in Uzbek ***"Umringiz uzoq bo'lsin"*** means "***May you live long life***", whereas English people say such wishes in special events of the people, like in birthdays.

Moreover, there are also some words and expressions that are only belong to specific culture. For instance, Uzbeks use the word ***"Labbay"*** when somebody calls them or in the situation of when they do not hear and want to be repeated by the addresser. Originally, this word is derived from the Arabic phrase Labbay which translates to ***"here I am".*** There is no such equivalent of this word in English .

## CONCLUSION

In conclusion, it can be said that learning the pragmatics and politeness system of the languages is paramount important for learners of the target language. As we are human beings, we need more interactions that are more natural and meaningful, which differentiate us from robots. If we learn the target language and use it directly,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00807

as we do in our own, we may seem too direct and impolite to the receivers and it may lead misunderstanding and may perhaps result in the failure of speech acts. The contrastive approach to politeness is therefore crucial for both learners and teachers, especially who teach languages to students from different cultural backgrounds. Having an appropriate pragmatic competence assist teachers to lead productive lessons and create a warm and bonding atmosphere among learners as well as benefit to increase awareness in intercultural communications. Likewise, for learners the contrastive approach is crucial in interacting with their peers from other cultures and in raising pragmatic competence, which is an asset in different contexts of life. It is essential to note that speech etiquette of different nations depends on their cultural background, life style and world perception. Therefore, speech etiquette in English and Uzbek has its national-cultural peculiarities which are specific and vary in many cases.

## REFERENCES

1. Ашурова Д.У. Новые подходы к лингвистике текста // Xorijiy filologiya. – Самарқанд, 2011. -№3. – С. 26-30
2. Бархударов Л. Язык и перевод. Вопросы общей и частной теории перевода, М., 1975, 284 с.
3. Бархударов Л. С. Язык и перевод (Вопросы общей и частной теории перевода). М., «Междунар. отношения», 1975, - 240 с.
4. Виноградов В.С. Введение в переводоведение (общие и лексические вопросы). – М.: Издательство института общего среднего образования. РАО, 2001, - 224 с.
5. Влахов С., Флорин С. Непереводимое в переводе. – М.: Наука, 1986, 226 с.
6. Комиссаров В.Н. Теория перевода. М.: В.Ш. 1990, 348 с.
7. Комиссаров В., Кораллова Л. Практикум по переводу с английского языка на русский, М., 1990, 246 с.
8. Левицкая Т., Фиттерман А. Теория и практика перевода с английского языка на русский, М.,1963, 190 с.
9. Маслова В.А. Лингвокултурология. - М.: Академия, 2001, 230 с.
10. Попович А. Проблемы художественного перевода, М.: Наука, 1980. с.112-137.
11. Формановская Н.И. Вы сказали: «Здравствуйте», речевой этикет в нашем общении. Изд. 3. – М.: Знание, 1989. с. 37-44.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00807

12. Халикова М.К. Фразеология как выразитель национально культурной семантики канд. Дисс. - Т.: 1999, 24 с.
13. Черняховская Л. Перевод и смысловая структура, М., 1976, 185 с.
14. Швейцер А.Д. Социолингвистические основы перевода // Вопросы языкознания. – 1985 - №5. С. 16-21.
15. *Abrahams R.D.* Proverbs and proverbial expressions. In R. M. Dorson (Ed.), Folklore and folklife. Chicago, 1972. P. 117-127.
16. Aznaurova E.S. and others. “Translation: theory and practice”. Tashkent: Ukituvchi.1989, 230 p.
17. Biljana Misic Ilic language and culture studies. Linguistics and Literature, 2004, 168 p.
18. Brown, Ina Corine. Understanding Other Cultures. New Jersey: Prentice-Hall, Inc., 1963. 354 p.
19. *Brown P., Levinson S.C.* Politeness: Some Universals in Language Usage - Cambridge, 1987.

ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 4 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00808

# TEACHING METHODOLOGY OF CONVERSATION AND ITS USAGE IN A FOREIGN LANGUAGE

**Iroda Alisherovna Ochilboyeva**
English teacher, English Faculty II, The Department of Integrated English Course of SamSIFL

**Dilnora Ravshanovna Qudratova**
English teacher, English Faculty II, The Department of Integrated English Course of SamSIFL

## ABSTRACT

Speaking is the expression of one's thoughts in order to solve communication problems. This is the activity of one person, although it is included in communication and is unthinkable outside of it because communication is always interacting with other people. The goal of education in secondary school should be considered not language, which is appropriate for philological education in a special university, and not speech as a "way of forming and formulating thoughts".

**Keywords:** methodological literature, formation of communicative competence, linguistic environment, intercultural communication, types of training exercises, implementation of methodology, orientation of practical speech, principle of novelty, principle of individualization, principle of functionality, segment, quality of productivity, methodically unprepared speech.

## INTRODUCTION

Uzbekistan has established itself as a reliable and solvent partner, where almost unprecedented conditions have been created for attracting foreign capital. This requires the growth of qualified and competent foreign language specialists. Therefore, in recent years, the number of people learning English has increased dramatically. Currently, it is impossible to do without knowledge of a foreign language. The age threshold for learning English dropped to preschool age. This situation creates the need of society for qualified teachers since until now the methodology was focused primarily on schoolchildren. And when teaching a foreign language, it is necessary to take into account the age characteristics of children. The main purpose of a foreign language as a subject area of school education is seen in the mastery of students the ability to communicate in a foreign language. We are

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00808

